




П



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ**

НИГИНАХОН ШЕРМУХАМЕДОВА


**Фалсафанинг умумназарий масалалари
(БОРЛИҚ ВА РИВОЖЛАНИШ)**

ФАЛСАФАСИ

Тошкент-2012



Π





п

Ўқув қўлланмаси бакалавриатура таълим йўналишининг 3-умумқасбий фанлар блоқи ўқув адабиётлари туркумига киради ҳамда давлат таълим стандартлари ва намунавий ўқув дастури мазмунига мос. Китобда фалсафий тафаккур эволюциясида онтология, ривожланиш масалаларининг назарий асослари янгиланган тафаккур нуқтаи назаридан кенг қамровли ёритиб берилган. Зеро, бугунги дунёда олам ва одам, дунёнинг чеклилиги ва чексизлиги, кенгаювчи олам назарияси, фалсафа қонун ва категорияларининг табиат ва жамиятда амал қилиши масалаларида назария ва амалиётнинг бирлигига алоҳида эътибор берилиши лозим.

Ўқув қўлланмаси барча олий ўқув юртлири фалсафа факультети ва фалсафа бўлимининг бакалавр талабалари ҳамда умуман фалсафа муаммолари билан шуғулланувчи докторантлар, тадқиқотчилар, профессор ўқитувчиларга мўлжалланган.

Муаллиф қўлланмада баён этилган мулоҳазаларнинг мутлоқлигига даъво қилмайди, бироқ ўз фикрларининг баёнида, у янги талаблар ва дунёнинг янги талқинига алоҳида эътибор қаратган.

Китоб муаллифи ўқувчилардан унга муносабатни ва такомиллаштириш бўйича таклифларни куйидаги манзилга жўнатишингизни сўрайди. Shermuhamedova_n@list.ru

Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлигининг 2011 йил 17.09 даги 392- сонли буйруғига асосан нашр қилишга тавсия этилган.

Масъул муҳаррир: ф.ф.д профессор Раматов Ж.С

Такризчилар: фалсафа фанлари доктори, профессор Абилов Ў.
фалсафа фанлари номзоди, доцент Тўхтаев Ҳ



Аннотация

Ўқув қўлланмаси бакалавриатура таълим йўналишининг 3-умумқасбий фанлар блоки ўқув адабиётлари туркумига киради ҳамда давлат таълим стандартлари ва намунавий ўқув дастури мазмунига мос. Китобда фалсафий тафаккур эволюциясида онтология, ривожланиш масалаларининг назарий асослари янгиланган тафаккур нуқтаи назаридан кенг қамровли ёритиб берилган. Зеро, бугунги дунёда олам ва одам, дунёнинг чеклилиги ва чексизлиги, кенгаювчи олам назарияси, фалсафа қонун ва категорияларининг табиат ва жамиятда амал қилиши масалаларида назария ва амалиётнинг бирлигига алоҳида эътибор берилиши лозим.

Қўлланма барча олий ўқув юртлари фалсафа факультети ва бўлимининг бакалавр талабалари ҳамда умуман фалсафа муаммолари билан шуғуланувчи докторантлар, тадқиқотчилар, профессор ўқитувчиларга мўлжалланган.

Муаллиф қўлланмада баён этилган мулоҳазаларнинг мутлоқлигига даъво қилмайди, бироқ ўз фикрларининг баёнида у, янги талаблар ва дунёнинг янгича талқинига алоҳида эътибор қаратган.

Китоб муаллифи ўқувчилардан унга муносабатни ва такомиллаштириш бўйича таклифларни қуйидаги манзилга жўнатишингизни сўрайди. Shermuhamedova_n@list.ru


Аннотация

Учебное пособие входит в состав учебной литературы 3 общепрофессионального блока образовательного направления бакалавриатура и соответствует содержанию государственных образовательных стандартов и типовой программе. В книге наряду анализа эволюции философского мышления, раскрываются теоретические основы онтологии и развития с позиции нового мышления. Ибо сегодня необходимо обратить внимание на соотношение человека и бытия, прерывность и непрерывность мира, теорию расширяющего мира с точки зрения новой методологии.

Учебное пособие предназначена студентам философского факультета и отделения философия, а также всем аспирантам, соискателям и педагогам кого интересует проблемы бытия и развития.

Автор не претендует на абсолютность своего мнения, однако при изложении своих мыслей она особо уделяя внимание новым требованиям а также новой интерпретации мира.

Для совершенствования общего содержания автор книги ждет предложения по такому адресу: . Shermuhamedova_n@list.ru



Annotation

The textbook is included in scholastic literature of III general professional block of the educational direction of bachelor and corresponds to the contents of State Educational Standards and standard program. In book with analysis of evolution of the philosophical thinking, open the theoretical bases to ontology and developments with the position of new thinking. Thus today is necessary to pay an attention to correlation of the person and being, discontinuity and continuity of the world, theory of increasing world with standpoint of the new methodology.

The Book is intended student of the philosophical faculty and branches of Philosophy, as well as all graduate student, competitor and teacher who interests the problems of being and development.

The Author does not pretend on absolutely of its opinion, however at interpretation of their own thoughts she specifically have pay attention to new requirements as well as new interpreting of the world.

For improvement of the general contents the author of book waits offers on this address: Shermuhamedova_n@list.ru



**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ТАШКИЛ
ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ 95 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНАДИ**

КИРИШ

Инсон дунё, материя тузилиши ҳақида, макон, вақт, ҳаракат, ҳаёт, онг ва шу қабилар ҳақида тасаввур ҳосил қилиш учун аввало физика, астрономия ва биологияга мурожаат этади. Лекин, бу борлиқ муаммоларини фалсафа ўз тадқиқот доирасидан чиқариши керак, деган маънони англатмайди.

Бугунги кунда олимлар нотирик, тирик дунё ва ижтимоий дунё нима, деган саволларга жавоб топишда, жиддий ютуқларга эришганлар. Улар дунё ҳақида ўтган асрда яшаган ўз ҳамкасбларига қараганда тўлароқ ва теранроқ тасаввурга эгадирлар. Аммо, дунёнинг моҳияти ҳақида мулоҳаза юритган илк файласуфлардан бошлаб, ўтган замонларда бўлганидек, кўпгина муҳим саволларга ҳозир ҳам аниқ ва узил-кесил жавоблар мавжуд эмас. Мисол учун, нафақат макон ёки вақт тушунчаларига, балки нисбатан соддароқ ҳодиса саналган гравитация тушунчасига ҳам дунёда бирон-бир физик бугунги кунда ҳам аниқ, тажрибада тасдиқланадиган таъриф бера олмайди.

Айни шу сабабли ўзининг исботланган илмий ечимини топмаган, лекин инсоннинг дунё ҳақидаги қарашларида муҳим рол ўйнайдиган муаммоларни фалсафий англаб етишга кучли эҳтиёж доимо мавжуд бўлган ва ҳозир ҳам сақланиб қолмоқда. Бу муаммоларнинг аксарияти ҳақли равишда «боқий» муаммолар деб аталади, чунки улар предмети мос келса ҳам билиш методлари ва воситалари ҳар хил бўлган фан ва фалсафа эътиборини ўзига тортиб келмоқда. Шунини таъкидлаш лозимки, физика ва бошқа муайян фанларга жоиз бўлмаган нарсалар фалсафа учун жоиздир. Аниқ далилларга таянадиган ва уларга мувофиқ қарашлар бирлигига эришишга ҳаракат қиладиган табиатшуносликдан фарқли ўлароқ, фалсафа яқдилликка интилмайди ва айни бир муаммолар бўйича баъзан қарама-қарши, бир-бирини истисно этувчи жавоблар беради. Шу тариқа у дунёқарашни кенгайтиради, эски муаммоларнинг одатдаги талқинини ўзгартиради, аниқ фанларнинг методлари билан амалга татбиқ этиладиган янги ечимлар устида ижодий изланишга даъват этади.

Фалсафа эвристик ва методологик ролни бажарар экан, айни вақтда ўзи ҳам табиатшунослик олувчи ишончли натижаларга муҳтож бўлади ва улардан янги назариялар тузиш учун асос сифатида фойдаланади. Шу сабабли биз борлиқнинг асосий шакллари ва фундаментал асосларини фалсафа нуқтаи назаридан ўрганар эканмиз, албатта ё ишончилиги шубҳа уйғотмайдиган, ё борлиқни яхшироқ тушунтиргани учун қабул қилинадиган табиий-илмий маълумотларга таянамиз.

Муаллиф дарслиқни тайёрлашда ф.ф.д. профессор Қ. Назаров ва ф.ф.н доцент Ш.Қаҳҳарованинг материалларидан фойдалангани учун уларга миннатдорчилик билдиради.




1БОБ. БОРЛИҚНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАХЛИЛИ. БОРЛИҚ - ФАЛСАФА КАТЕГОРИЯСИ

1. Маърузани олиб бориш технологияси

<i>Талабалар сони:</i>	<i>Вақти:</i> 2 соат
<i>Машигулот шакли</i>	Кириш мавзуси бўйича маъруза
<i>Маъруза режаси</i>	1.Онтология тушунчаси ва соф борлиқ ғояси 2.Фалсафа тарихида борлиқ масаласи 3.Борлиқ ва йўқлик диалектикаси
<i>Машигулотнинг мақсади:</i> Ўқув фани ҳақида умумий тасаввурни шакллантириш, борлиқ фалсафа категорияси ҳақида тушунча ҳосил қилиш.	
<i>Педагогик вазифалар</i>	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i>
Онтология тушунчаси ва соф борлиқ ғояси борасида тушунчалар бериш.	Онтология тушунчаси ва соф борлиқ ғояси ҳақида талабаларга тушунчалар берилди.
Фалсафа тарихида борлиқ масаласи ҳақида тушунча бериш.	Фалсафа тарихида борлиқ масаласи талабаларга тушунчалар берилди.
Борлиқ ва йўқлик диалектикаси ҳақида тушунча бериш.	Борлиқ ва йўқлик диалектикас ҳақида талабаларга тушунчалар берилди.
<i>Ўқитиш усуллари ва техника</i>	Маъруза, «ақлий ҳужум», Т-схема, мунозара, муаммоли вазиятлар усули.
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Маъруза матни, таркатма материаллар, слайдлар, проектор.
<i>Ўқитиш шакллари</i>	Жамоа, тўғридан-тўғри ва гуруҳларда ишлаш.
<i>Ўқитиш шарт-шароити</i>	Техник воситалар билан таъминланган аудитория.
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Оғзаки назорат, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш.

2. Маърузанинг технологик картаси

<i>Иш жараёнлари вақти</i>	<i>Фаолиятнинг мазмуни</i>	
	<i>ўқитувчи</i>	<i>Талаба</i>
I-босқич. Фанга ва мавзуга кириш. (20 минут)	1.1. Ўқув фани номини айтиб, фан доирасида дастлабки умумий тасаввурни беради ҳамда услубий ва ташкилий томонлари билан таништиради.	Тинглайдилар.
	1.2. Фан бўйича ўтиладиган барча мавзулар билан таништиради, уларнинг узвийлиги ҳақида қисқача маълумот беради.	Тинглайдилар.
	1.3. Фан якунида қўйиладиган рейтинг баҳолаш мезонлари билан таништиради	ЎУМ га қарайдилар.
	1.4. Фанни ўзлаштиришда фойдаланиш учун	ЎУМ га қарайдилар.



П

	зарур бўлган адабиётлар рўйхати билан таништиради.	
	1.5. Ўқув машғулоти мавзуси билан таништиради ва унинг мақсади, ўқув фаолияти натижаларини баён қилади.	Мавзу номини ёзиб оладилар.
	1.6. Мавзу юзасидан ақлий ҳужум қоидаси асосида дарс ўтказишни таклиф этади. Талабалар томонидан айтилган фикрларни ёзиб боради ва умумлаштиради	Тушунчаларни эркин фикр орқали билдиради.
II-босқич. Асосий (50 минут)	2.1. Мавзу режаси ва таянч тушунчалар билан таништиради.	Тинглайдилар.
	2.2. Маърузани режа бўйича тушунтиради, ҳар бир режани ниҳоясида умумлаштиради. Жараён компьютер слайдларини намойиш қилиш билан олиб борилади	Тинглайдилар. Слайдга эътибор қаратади, уни ўзига ёзиб олади ва саволлар беради.
	2.3. Ҳар бир режани мустаҳкамлаш учун қуйидагича саволлар беради: 1.Онтология тушунчаси? 2.Борлиқ масаласида фалсафа ва фан синтези ? 3.Борлиқнинг шакллари?	Саволларга жавоб берадилар, эркин баҳс-мунозара юритадилар.
	2.4. Таянч ибораларга қайтилади. Талабалар иштирокида улар яна бир бор такрорланади.	Ҳар бир таянч тушунча ва ибораларни муҳокама қиладилар. Конспект қиладилар.
III-босқич. Якуний босқич. (10 минут)	3.1. Т-схема техникасидан фойдаланилган ҳолда жуфт-жуфт бўлиб ишлаш учун тингловчиларга: борлиқ фалсафа категорияси оид савол ёзилган тарқатма материаллар тарқатади. Ушбу техника орқали мавзу бўйича якунловчи хулоса қилади.	Мустақил Т-схемани тўлдирадилар. Эркин фикрини баён этади.
	3.2. Талабаларнинг фаолиятига баҳо қўйилади ва рағбатлантирилади.	Эшитади.
	3.3. Келгуси машғулотга тайёргарлик кўриш учун топшириқлар ва фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати берилади.	Эшитади ва ЎУМ га қарайдилар.

Онтология тушунчасининг таҳлили. Ўқув курсларида асосий фалсафий муаммоларни ўрганиш одатда *онтологиядан* бошланади. Онтология фалсафий билимларнинг алоҳида соҳаси бўлиб, унда борлиқ ва йўқлик, мавжудлик ва номавжудлик каби масалаларнинг кенг доираси ўрганилади, шунингдек *мавжудлик* сифатига эга бўлган барча нарсаларнинг моҳияти аниқланади. Икки ярим минг йиллик фаол изланишлар натижасида фалсафий билим тизимида *онтологиядан* ташқари фалсафанинг *гносеология, аксиология, ижтимоий фалсафа, ахлоқ, эстетика, мантиқ* каби таркибий қисмлари пайдо бўлди. Лекин уларнинг барчаси замирида онтология ётади, ўз навбатида онтология ҳар қандай фалсафий дунёқарашнинг негизи



п
ҳисобланади ва шу тарика ўз таркибига кирмайдиган бошқа фалсафий муаммолар талқинини кўп жихатдан белгилайди.

Борлиқ ҳақидаги фан – онтология қадим замонлардаёқ фалсафанинг муҳим қисми ҳисобланган. Гарчи «онтология» сўзи фалсафа тилида XVII асрдагина ўрин олган бўлса-да¹, борлиқ антик мутафаккирлар фалсафий мулоҳазаларининг бош мавзуларидан бири бўлган. У юнонча ўзақларга эга бўлиб (*ontos* – борлиқ, *logos* – сўз, таълимот), борлиқ ҳақидаги таълимот деган маънони англатади. Борлиқ категорияси дунёда ҳамма нарсага хос бўлган хусусиятнинг ўта умумий тавсифи сифатида вужудга келган.

Онтологик билим серқамров ва универсалдир. У амалда мавжуд бўлган ҳамма нарсага тааллуқли. Инсонга бундай билим нима учун керак? Ахир одамлар амалда «умуман ҳамма нарса» билан иш кўра олмайдилар – уларнинг ишлари доим муайян нарсалар доираси билан чекланган бўлади. Онтологик концепциялар реал мазмундан холи бўлган мавҳумликларни ўйлаб топиш билан шуғулланувчи фалсафий ақлнинг курук ўйини эмасмикан? Бундай саволлар борлиқ ҳақидаги онтологик тасаввурлар танқидининг манбаи бўлиб хизмат қилади. Бундай тасаввурларни Беркли, Юм, Кант ва эмпиризм нуқтаи назарини ҳимоя қилувчи бошқа файласуфлар танқид қилган.

Онтологик билим инсонга шунинг учун керакки, унга кўра инсон ҳар қандай конкрет объектни билишга киришгунга қадар мавжуд бўлган нарсанинг тузилиши ҳақидаги айрим дастлабки тасаввурларга таянади. Бу тасаввурлар билиш амалларининг умумий стратегияси ёки дастурини белгилайди. Бундай дастур инсон қандайдир кутилмаган ва тушунарсиз нарсага дуч келган ҳолда айниқса зарур. Шу вазиятда янги ва бетакрор ҳодисаларни тушуниш ва ўзлаштиришга яқинлашиш учун бу ҳодисаларни, уларнинг дунёдаги ўрнини ва уларга қандай ёндашиш кераклигини тахминий аниқлаш имконини берувчи дунёнинг барча ҳолларда қўллашга яроқли бўлган умумий схемаси ёки «харитаси»га эга бўлиш лозим.

Кундалик тажрибада биз бутунлай янги объектларга камдан-кам ҳолда дуч келамиз. Аммо инсон ўзи ўзлаштирган макродунё чегарасини кенгайтиргани сари «ҳар қандай ҳол» учун зарур бўлган борлиқ ҳақидаги онтологик тасаввурларни фалсафий нуқтаи назардан махсус ўрганиш вазифаси янада муҳимроқ аҳамият касб этади. Турли онтологик концепциялар – бу дунёни идрок этишнинг турли усуллари дир. Файласуфлар уларни яратар экан, инсониятга у «бирдан» илгари кўрилмаган нарсага дуч келган ва «бунинг нималиги»ни тушунишнинг энг мақбул усулини танлашга тўғри келадиган тақдирда керак бўладиган универсал моделларни олдиндан тайёрлашга «ижтимоий буюртма»ни бажаради.

Шу ўринда табиий бир савол туғилиши мумкин: дунёнинг умумий манзарасини яратишни физика ўз зиммасига олгани туфайли онтология ўз аҳамиятини йўқотгани йўқми? Зеро, физика материя ва ҳаракатнинг энг умумий шакллари ўрганади ва унинг фундаментал назариялари «бутун

¹ Бу сўз илк бор 1613 йилда нашр этилган Р.Гоклениуснинг «Фалсафий луғати»да пайдо бўлган.



п
мавжудлик»ка татбиқ этади. Дунёнинг замонавий физик назариялари мавжуд бўлган шароитда онтология анахронизм, эскирган фалсафий анъана «сарқити» ҳисобланмайдими?

Аммо онтология билан физика ўртасида жиддий фарқ мавжуд бўлиб, у бирон-бир физик назарияга онтологиянинг ўрнини босиш имконини бермайди.

Физиканинг онтология билан умумийлиги шу билан белгиланадики, у ўрганувчи материя ва ҳаракат шакллари қолган барча, янада мураккаброқ - кимёвий, биологик, ижтимоий шакллар учун асос бўлиб хизмат қилади. Физика «бутун мавжудлик»ни (борлиқнинг бизга маълум бўлган шакллари доирасида) қамраб олади ва ўзи аниқлаган қонунларни бутун дунёга татбиқ этади. Аммо у борлиқ нофизик шаклларининг ўзига хос хусусиятларини ўрганмайди. Физиканинг борлиқдан топувчи умумий жиҳатлар воқелик барча объектларининг «физик замини»гина ҳисобланади. Онтология эса борлиқнинг ҳар қандай соҳаси объектлари, шу жумладан биологик ва ижтимоий объектларнинг ўзига хос хусусиятлари ўртасида умумий жиҳатларни аниқлашга ҳаракат қилади. Физика доирасида аниқланувчи умумий хоссалар – бу физик хоссалардир. Онтология эса умумий жиҳатларни объектларнинг физик хоссаларидан ҳам, нофизик (кимёвий, биологик, ижтимоий) хоссаларидан ҳам излайди.

Ҳар қандай онтология гипотетик хусусият касб этади. Унинг бу хоссаси илмий назарияларникидан ҳам кучлироқдир. Шу маънода Юм ва Кант мутлақо ҳақ: тажрибада кўрилмайдиган нарсалар ҳақидаги онтологик мулоҳазалар муқаррар тарзда субъектив ва исботлаб бўлмайдиган фаразларни ўз ичига олади ва шу боис ишончсиз. *Онтология – фалсафанинг тахмин ва фаразлар билан айнақса кучли боғлиқ бўлган қисми.* Неопозитивистлар унинг табиий-илмий билимдан фарқига ишора қиладиларки, бунга қўшилмаслик мумкин эмас (аммо қаерда фан тугаши ва «метафизика» бошланишини аниқ ва узил-кесил кўрсатишга ҳали муваффақ бўлинганича йўқ).

Шунга қарамай ҳар қандай онтология қаноатлантириши лозим бўлган бир мезон мавжуд: инсоният ижтимоий-тарихий амалиёти ривожланишининг мазкур босқичида у мавжуд билимлар билан зиддиятга киришмаслиги керак. Турли онтологик концепциялар бу мезонни турли даражада қаноатлантиради. Сунъий ўйлаб топилган, фанга таянмайдиган онтологик концепциялар тажриба билан тўқнашувни четлаб ўта олмайди. Мазкур мезонга материалистик онтология кўпроқ мос келади, зеро унинг замирида жамият тўплаган тажрибани умумлаштириш ётади.

Материалистик нуқтаи назардан онтологик концепция мавҳум тушунчаларни ва борлиқнинг умумий тамойилларини спекулятив тарзда тузиш йўли билан яратилмаслиги керак. Бу йўл тафаккурнинг воқелиқдан узоқлашишига олиб боради. Тамойиллар ва тушунчалар табиатга муқаррар ва шак-шубҳасиз ҳақиқатлар сифатида боғланмаслиги керак. Аксинча, улар табиатни ўрганишдан, фан тўплаган борлиқни билиш тажрибасини умумлаштиришдан келтириб чиқарилиши лозим.



п

Соф борлиқ ғояси. *Онтологиянинг асосий тушунчаси – борлиқ фалсафада икки ёқлама талқин қилинади. Бир маънода у «соф борлиқ» сифатида, бошқа маънода – “субстанциал борлиқ” сифатида тушунилади.*

«Соф борлиқ» - бу ўз ҳолича, барча конкрет белгиларидан холи кўринишда олинган мавжудлик. Борлиқнинг бундай ўта мавҳум мазмуни кўпгина файласуфларни ўзига тортган. Улар борлиқнинг мазкур талқинидан дунё ҳақидаги муайян мулоҳазаларни мантикий таърифлашга ҳаракат қилганлар. Биринчилардан бўлиб Парменид (милоддан аввалги VI аср) борлиқ тушунчасидан йўқликнинг мавжуд эмаслигини исботлашга уринган. Амалда биз йўқлик ҳақида ҳатто фикрлай ҳам олмаймиз, чунки агар биз у ҳақда ўйласак, у бизнинг фикримизда мавжуд бўлади, яъни борлиқ сифатида фикрланади. Бинобарин, йўқликни тасаввур қилиш ҳам мумкин эмас, бу эса унинг мавжуд эмаслигини англатади. Аммо йўқлик бўлмаса, ҳеч нарса пайдо бўлиши ҳам, йўқ бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки пайдо бўлиш йўқликдан бор бўлиш, йўқ бўлиш эса – йўқликка айланишдир. Бундан хулоса шуки, борлиқ «ҳаракатсиз», унда бирон-бир ўзгариш бўлиши мумкин эмас: ҳар қандай ўзгариш ниманингдир пайдо бўлиши ва йўқ бўлиши билан боғлиқ. Бундан ташқари, борлиқ ягона, бир жинсли ва бўлинмас: уни қисмларга фақат йўқлик ажратишга қодир, лекин у мавжуд эмас. Борлиқнинг чегараси бўлиши мумкин эмас, унинг боши ҳам, охири ҳам йўқ, зеро, ҳамонки йўқлик мавжуд эмас экан, борлиқни чеклашга қодир бўлган нарса ҳам мавжуд эмас.

Гегель «соф борлиқ» категориясидан фойдаланишнинг бошқача усулини топган. Унинг онтологик концепциясида бу категория Мутлақ ғоя ривожланиш мантиғининг таянч нуқтаси ҳисобланади. «Соф борлиқ» ва «соф йўқлик»нинг айнийлигини қайд этган ҳолда, Гегель бу қарама-қаршиликлар синтезидан иборат бўлган «шаклланиш» тушунчасини киритади (зеро шаклланиш ниманингдир борлигини англатади, чунки «шаклланмоқда», вужудга келмоқда, лекин ҳали борлиққа эга эмас, чунки «шаклланмаган», вужудга келмаган). Шундан сўнг Гегель шаклланган нимадир «шаклланиш»нинг натижаси бўлишини қайд этади. Бу натижа, Гегель фикрига кўра, «мавжуд борлиқ», яъни «соф борлиқ»дан фарқли ўлароқ, аниқ сифатга эга бўлган борлиқдир.

Албатта, Гегелнинг шаклланиш ғояси муайян нарсанинг шундай бир ҳолати, унда шаклланаётган нарса бир вақтнинг ўзида ҳам мавжуд бўлади, ҳам мавжуд бўлмайди, деган фикрига қўшилиш мумкин эмас. Аммо ҳар қандай шаклланиш – бу қандайдир предметнинг «соф йўқлик»дан эмас, балки илгари мавжуд бўлган бошқа предметлардан вужудга келишидир. Ҳар қандай «мавжуд борлиқ» «соф борлиқ»дан ва «йўқлик»дан эмас, балки бошқа бир «мавжуд борлиқ»дан вужудга келади. Гегель фикрига зид ўлароқ, «соф борлиқ»нинг «соф йўқлик»ка ўтиши тушунчалар ўйинидан бошқа нарса бўлмай, бундан амалда сифат жиҳатидан аниқ бирон-бир борлиқ вужудга келмайди. Онтологияни «соф борлиқ» ва «соф йўқлик» категориялари ёрдамида тузишга интилиш XX асрнинг айрим файласуфлари ижодида ҳам кузатилади (М.Хайдеггер, Е.Финк ва б.). Аммо, фикрнинг мазмунини нима фикрланаётганини кўрсатмасдан ёритиш мумкин бўлмаганидек, борлиқ



п

категориясининг мазмунини борлиққа нима эга эканлигини кўрсатмасдан ёритиш мумкин эмас. Фикр ҳамиша нима ҳақдадир фикр бўлганидек, борлиқ ҳар доим ниманингдир борлиғидир. «Соф борлиқ» ҳам худди «соф йўқлик» каби мазмунсиздир (бунда Гегель ҳақ). «Соф борлиқ» тушунчаси курук мавҳумлик бошқа нарса эмас.

Борлиқ категорияси. Аксарият фалсафий тизимларнинг категориялар аппаратини ташкил этадиган кўп сонли фалсафий категориялар орасида **«борлиқ»** категорияси доимо марказий ўринни эгаллайди. У ҳақли равишда фалсафанинг асосий ва умумий категорияси ҳисобланади, чунки ҳар қандай предмет, ҳодиса, воқеа ва шу қабиларнинг энг муҳим хусусиятини, яъни, уларнинг мавжуд бўлиш, бевосита ёки билвосита намоён бўлиш, ўзаро таъсирга киришиш қобилиятини акс эттиради.

Бу инсон ўзлигини ва ўзини қуршаган борлиқни англашга илк уринишларидаёқ дуч келадиган ҳар қандай объектнинг, борлиқ ҳар қандай қисмининг умумий хоссасидир.

Инсон ақлли жонзот сифатида шаклланиш жараёнининг илк босқичларидаёқ ўз дунёқарашининг негизини ташкил этадиган муҳим саволларга жавоб топиш зарурияти билан тўқнаш келади:

- *«Мен кимман?»*
- *«Мени қуршаган борлиқнинг моҳияти нимада?»*
- *«Борлиқ қандай ва қаердан пайдо бўлган?»*
- *«Дунёни нима ёки ким ҳаракатлантиради?»*
- *«Дунёнинг ривожланишида бирон-бир мақсадга мувофиқлик, мақсад, мўлжал борми?»*

Инсон бундай саволларга жавоб беришга киришар экан, ўзининг дунё ҳақидаги мулоҳазаларида аниқ-равшан нарсаларни қайд этишдан бошлайди. Шу тариқа инсон ўзини қуршаган барча нарсалар аввало мавжуд бўлиш қобилиятига эга эканлигига ишонч ҳосил қилади.

Шундай қилиб, борлиқ масаласи инсон дунёни оқилона англаш йўлидаги илк уринишларидаёқ дуч келган барча масалаларнинг негизи ҳисобланади. Муайян нарсалар мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги инсон фалсафий мулоҳаза юрита бошлагани заҳотиёқ унинг диққат марказидан ўрин олди. *Мифологиянинг бош вазифаси – «борлиқни ким яратгани» ҳақида гапириб бериш бўлса, фалсафа «борлиқнинг нималиги, у қаердан пайдо бўлгани ва қаерга йўқолиши»ни оқилона тушунтиришга эътибор қаратади.* Бундай тушунтиришга уриниш жараёнида файласуфлар барча замонларда куйидаги саволларга жавоб топишга ҳаракат қилганлар:

- *фалсафий категория сифатидаги «борлиқ» нима?*
- *бу атама нимага нисбатан татбиқ этилиши мумкин?*
- *унга қандай фалсафий маъно юкланади?*

Бу саволларга кенг жавоб бериш фалсафа тарихига ҳам, мазкур тушунчанинг этимологиясига ҳам мурожаат этишни назарда тутди.

Борлиқ тушунчанинг этимологияси. «Борлиқ» фалсафий категорияси нафақат энг муҳим, балки бошқа категориялар орасида айниқса




п кўп ишлатиладиган категория ҳисобланади. Бу ҳолни шу билан изоҳлаш мумкинки, унинг келиб чиқиши дунёнинг айниқса кенг тарқалган тилларида айна бир маъно – «бўлиш», «мавжуд бўлиш», «ҳозирлик», «ҳозир бўлиш», «мавжудлик» маъноларини англатади. Жаҳоннинг аксарият тилларида юқорида санаб ўтилган ва маъно жиҳатидан унга яқин феъллар негизини ташкил этадиган «*бўлмоқ*» феъли, ўзининг бевосита маъносидан ташқари, ёрдамчи феъл сифатида ҳам фаол ишлатилади. Бу далилга изоҳни инсон тафаккури табиатидан излаш лозим бўлиб, унинг мантиқи ва қонунлари фикрни баён этишнинг тил шаклига боғлиқ бўлмайди, лекин албатта фикрлаш мумкин бўлган, универсал ва ўзгармас сифатида амал қиладиган ва шу сабабли ҳар қандай мулоҳазанинг таянч нуқтаси бўлиб хизмат қилиши мумкин бўлган нимагадир таяниши лозим. Фикр қаратилган нарса мавжудлиги (ёки мавжуд эмаслиги)нинг айна шу далили ҳар қандай тилнинг илк жумлаларидаёқ том маънода универсал феъл (ёки унинг модификациялари) билан акс эттирилади: ўзбек тилида - «*бўлмоқ*», «*бор*», инглиз тилида – *is*, немис тилида – *ist* ва ҳ.к.

Шундай қилиб, «*борлиқ*» ва «*йўқлик*» категорияларининг ўзига хослиги, уларнинг бетакрорлиги ва универсал аҳамияти шундан иборатки, уларнинг фалсафий маъноси тавсифланадиган турли тилларда улар феълдан, аниқроқ айтганда, «*бўлмоқ*» феълидан (ёки унинг инкоридан) ҳосил бўлган тушунчалар ҳисобланади ва нарсанинг ўзини эмас, балки унинг мавжудлиги ёки йўқлигини кўрсатади. Масалан, стол *бор*, ёмғир *йўқ*, оқлик *бор*, акс *йўқ*, мия *бор*, ғоялар *йўқ* ва ҳ.к.

Борлиқ табиий тилларда отлар, равишлар ёки равишдошлар билан ифодаланадиган, яъни билишда унинг объекти ёки субъекти сифатида амал қиладиган тушунчалар билан тенглаштирилиши мумкин эмас. Айни вақтда бу объектлар ёки субъектларнинг бирортаси ҳам унинг борлиги ёки йўқлигини қайд этмасдан фикрланиши мумкин эмас. «Борлиқ бор, йўқлик эса – йўқ», деганида, *Парменид* айна шу ҳолга эътиборни қаратган эди. Бинобарин, яхши, ёмон, тўғри, нотўғри, қувноқ, шўр, оқ, қора, катта, кичкина каби ва шунга ўхшаш сифатлар борлиққа нисбатан қўлланилиши мумкин эмас. Борлиқни бирон-бир координаталар системасига жойлаштириб бўлмайди, уни фақат вақтда фикрлаш мумкин. Мухтасар қилиб айтганда, *борлиқ ҳар қандай воқелик эга бўладиган умумий, универсал ва бетакрор мавжудлик қобилиятидир.*

Борлиқ ва йўқлик диалектикаси. Келтирилган фикр амалда мавжуд насагина борлиққа эга бўлиши мумкин, деган хулоса чиқариш имконини беради. «*Йўқлик*» ҳар қандай тилда амалда мавжуд бўлмаган нарса билан тенглаштирилади ва бошқача тушунилиши мумкин ҳам эмас. Бошқача айтганда, йўқлик борлиқни инкор этади ва нарса, жисм, ходиса, онг (яъни амалда мавжуд бўлиши мумкин бўлган нарсалар) ўзлигини йўқотган ҳолда «йўқлик» атамаси айна шу маънода ишлатилади ва улар ҳақида «йўқликка чекинди», мавжуд эмас, дейилади. Лекин соф фалсафий маънода бу фикрни тўғри деб бўлмайди. Борлиқ ва йўқлик ўртасида диалектик ўзаро алоқа мавжуд.



п

Биринчидан, дунё ҳақидаги ҳозирги тасаввурларга кўра, биз яшаётган Олам бўшлиқдан бино бўлган. Шу маънода бўшлиқ материянинг алоҳида ҳолати ҳисобланади. Бўшлиқ физик борлиқнинг энг бой типи, ўзига хос потенциал борлиқ сифатида намоён бўлади, зеро унда мумкин бўлган барча зарралар ва ҳолатлар мавжуд, бироқ айтилиш вақтида унда актуал тарзда ҳеч нарса йўқ¹.

Яна шуни ҳам эътиборга олиш лозимки, физиклар (Д.А.Ландау, ва бошқалар) нуқтаи назаридан биз яшаётган Олам ҳам дунёда ягона эмас, чунки у ривожланишнинг турли цикллари бошдан кечириётган турли Оламларнинг чексиз сонидан ташкил топади. Шу маънода борлиқ ва йўқликнинг ўзаро алоқаси муаммоси ҳам нисбий хусусият касб этади.

Иккинчидан, амалда мавжуд бўлган нарсанинг объектив борлиги йўқликка чекинади, лекин, шунга қарамай у ҳақда гапириляётган, яъни у муайян нарса сифатида фикрланаётган бўлса, бу нарса онгда мавжуд бўлади ва ўзининг «иккинчи» борлигини сақлайди, айтилиш ҳолда у дастлабки объектнинг нусхаси, идеал образ бўлиб қолади.

Шундай қилиб, ўтган замондаги борлиқ йўқликдир. Борлиқ доим ҳозирги замонда мавжуд бўлади, у фақат ҳозирги замонда ўзини намоён этади, башарти у долзарб ва амалда намоён бўлиш имкониятига эга бўлса, агар у потенциал, яъни ахборот манбаларида мавжуд ёки унинг пайдо бўлиши объектив ривожланиш мантиқи билан белгиланган бўлса. Амалда йўқ бўлган нарса ҳақида фикрлаш мумкин. Бошқача айтганда, унга идеал образ тарзидаги идеал борлиқ шакл-шамойилини бериш мумкин. Ўтмишга татбиқан биз борлиқ ҳақида фақат шу маънода сўз юритишимиз мумкин.

Айтилиш шу маънода биз ғоялар, нарсалар, воқеалар, тарихий шахслар ёки ўзимизга яқин одамлар тўғрисида сўз юритамиз, бунда улар йўқликка айланмагани, балки янги мавжудлик, хотира тарзидаги ўзгача борлиқ касб этганини назарда тутамиз.

XX аср охирида йўқликни окловчи фалсафий трактатлар пайдо бўлди. Хусусан, А.Чанишев «Йўқлик ҳақида трактат» асарида йўқликнинг бирламчилигини қуйидаги далиллар асосида исботлашга ҳаракат қилган:


1. Вақт далили: ҳозирги замоннинг мавжудлиги ўтмиш ва келажакнинг, яъни аллақачон йўқ бўлган ёки ҳали йўқ нарсаларнинг мавжудлигини назарда тутайди. Бу йўқликнинг вақт модусидир.

2. Макон далили: бирон-бир нарсанинг муайян жойда мавжудлиги унинг бошқа жойда мавжуд эмаслигини назарда тутайди. Бу борлиқнинг макон модусидир.

3. Ҳаракат далили: ҳаракатланаётган жисм у мавжуд бўлмаган жойда мавжуд ва у мавжуд бўлган жойда мавжуд эмас. Бу йўқликнинг ҳаракат модусидир.

4. Янгининг юзага келиши билан боғлиқ далил: янги - бу уни вужудга келтирган сабаб ва шарт-шароитда мавжуд бўлмаган нарсасидир. Лекин у

¹ Каранг: Малюкова О.В. Материя, пространство и время с точки зрения физики XX века / Онтология, гносеология, логика и аналитическая философия. – СПб., 1997. – С.93.



п
мавжуд бўлмаган пайтда қаерда бўлган? Йўқликда. Бу йўқликнинг эмерженг
модусидир.

5. Қарама-қаршиликлар билан боғлиқ далил: дунёлар ва аксилдунёлар, зарралар ва аксилзарралар, мусбат ва манфий сонлар, умуман, ҳар қандай қарама-қаршилик йўқликда бир-бирини тугатади ва ундан худди координаталар тизими нолдан пайдо бўлганидек юзага келади.

6. Тафовут далили: амалда мавжуд бўлган ҳамма нарса (бошқача мавжудлик бўлиши мумкин ҳам эмас) нафақат мавжуд бўлган нарса, балки мавжуд бўлмаган нарса ҳамдир: А В бўлмагани, С бўлмагани, Д бўлмагани учун А дир.

7. Тасодиф далили: бўлиши мумкин бўлган нарса тасодифдир, лекин у бўлмаслиги ҳам мумкин, бинобарин, тасодифнинг мавжудлиги йўқликнинг мавжудлигини назарда тутади.

8. Субстанция далили: модомики хоссалар, акциденциялар мавжуд экан, уларнинг ташувчиси - субстанция ҳам бўлиши лозим. Лекин у кўринмайди, чунки нарсаларда уларнинг хоссаларидан бошқа ҳеч нарса йўқ. Субстанция таърифланиб, шу орқали муайян тус олгани заҳоти хоссага айланади. Бинобарин, таърифи мавжуд бўлмаган йўқликкина субстанция бўлиши мумкин.

9. Субъект далили: субъектнинг ўзида кўздан кечирувчи ҳамма нарса объектга айланади, демак, иккитадан биттаси: ё субъект умуман мавжуд эмас, ё субъект - йўқлик¹.

Шундай қилиб, ҳозирги замон постмодерн фалсафаси мантиқан тугалланган шаклда борлиқни ҳам, субъектни ҳам инкор этади. Бу ягона уриниш эмас. Шу нарса эътиборга молиқки, француз экзистенциализмининг асосчиси Жан Поль Сартр (1905-1980) ўз асарини «Борлиқ ва йўқлик» деб номлаган². Ж.Сартрда бирон-бир нарсани йўқлик қобиғига ўраш иборасига дуч келиш мумкин. Ж.Сартр ушбу ҳолатга онг борлиғи сифатида тушуниланг инсон борлиғининг энг муҳим хусусияти сифатида қараган. Ж.Сартр кўрсатишга ҳаракат қилган *инсоннинг ўз борлигида борлиги - бу азоб-уқубат борлигидир. Бунда ўз бахтсизлиги чегарасидан четга чиқиши ўз борлиги чегарасидан сакраб ўтишини англатади*

Шундай қилиб, борлиқ фалсафий категория сифатида дунёни унинг бутун ранг-баранглиги ва турли-туман намоён бўлиш шакллари билан яхлит акс эттириш имконини беради. Бунда нарсалар, предметлар, ходисалар ўз хусусиятлари, хоссалари билан жамулжам ҳолда акс этади. Дунёни ва унинг таркибий қисми саналган инсонни билиш йўлидаги бу муҳим қадам билан дунёнинг табиати ва моҳияти, унинг ранг-баранглиги, турли даражалари, кўрсаткичлари, рамз-аломатлари, шакллари ва ҳоказолар ҳақидаги мулоҳазаларнинг асосий координаталар системаси белгиланади. Бунинг учун моҳият, ходиса, субстанция, материя, онг, макон, вақт, қонун каби янги фалсафий категориялар муомалага киритилади.

¹ Чанышев А. Трактат о небытие.-М.: Мысль, 1995.-С.89

² Сартр Ж.Бытие и небытие.-М.: 2003.- 308 с.



п

Инсон ўзи ва умуман дунё ҳақида ўйлар экан, одатда муайян нарсалар ва айрим табиий ҳодисалар билан иш кўради. Айни вақтда у ўзини қуршаган дунёни синчиклаб ўрганиш ва унинг бутун ранг-баранглигини тушуниб етиш учун муайян таянч нуқтаси бўлиб хизмат қиладиган қандайдир асоснинг шак-шубҳасиз мавжудлигини қайд этади. Фалсафа тарихидан биз бундай асос сифатида, масалан, Суқротдан олдинги қадимги юнон файласуфларида табиат элементлари, ўрта асрлар фалсафасида Худо, *Декарт*да: «Мен фикрлаяпман, демек, мавжудман», деган онгли инсон амал қилганини кўраимиз.

Аmmo инсон билишнинг бу биринчи босқичида тўхтаб қолмаган ва ўзини қуршаган борлиқнинг кўп сонли турли-туман ҳолатлари орасида қолган барча нарсалардан сезиларли даражада фарқ қиладиган нарсаларни, борлиқнинг айни шу шакли воқелиқнинг бошқа шакллари ва ҳолатларидан нима билан фарқ қилишини аниқлашга ҳаракат қилган. Бугунги кунда инсоният борлиқнинг кўп сонли турли-туман шаклларида уларнинг айниқса аниқ бўлган бир нечтасини фарқлаш имконини берадиган тажриба ва билим тўплади.

Фалсафа тарихида борлиқ муаммоси. Борлиқ муаммосини фалсафий англаб етишга илк уринишлар милоддан аввалги биринчи минг йилликда вужудга келган қадимги ҳинд ва қадимги хитой фалсафаларидаёқ кузатилади. Хусусан, Ведалар (қадимги ҳинд тафаккурининг илк ёдгорликлари) ва уларга диний-фалсафий шарҳлар – Упанишадларда яхлит маънавий субстанция, ўлмас жон ҳақидаги ғоялар, шунингдек дунё ҳақидаги материалистик ва атеистик тасаввурлар ўз аксини топган. Бу тасаввурларга мувофиқ бутун борлиқнинг негизини табиий асослар – олов, ҳаво, сув, ёруғлик, макон, вақт ташкил этади. Қадимги Ҳиндистон мутафаккирлари борлиқ сирининг тагига етишга ҳаракат қилар эканлар, куёш тунда қаерга кетади, юлдузлар кундузи қаёққа йўқолади каби саволларга жавоб топишга уринганлар ва бу тасаввурларни инсониятга маълум бўлган энг қадимги китоб – *Ригведаларда* акс эттирганлар.

Қадимги Хитой фалсафаси аввало ижтимоий муаммоларга қараб мўлжал олгани боис, унда инсон борлиғига, шунингдек ижтимоий борлиққа кўпроқ эътибор берилган. Айни вақтда, табиатнинг биринчи асослари ҳам эътибордан четда қолмаган. Бу қизиқиш, хусусан, нарсалар ва ҳодисаларнинг бутун ранг-баранглигини белгиловчи беш стихия (сув, ер, дарахт, темир, олов) ҳақидаги таълимотда ўз аксини топган. Кейинроқ «Ўзгаришлар китоби»да борлиқнинг бутун ранг-баранглигини ташкил этувчи бундай биринчи асосларнинг саккизтаси қайд этилади.

Марказий Осиёнинг энг қадимги манбаси “Авесто”да “Оламнинг асоси нима?” деган савол учрайди ва унга жавоб сифатида эзгулик ва ёвузлик кучлари ўртасидаги кураш кўрсатилган. “Авесто”да табиат, осмон, ер, сув, дунёдаги барча жисмлар ва жаннат ҳақидаги тасаввурлар, уларни билиш йўллари ҳақида фикр юритилади

Худоларнинг келиб чиқиши, уларнинг ҳаёти, ишлари, ўзаро кураши ҳақида ҳикоя қиладиган, шу тариқа қадимги одамларнинг дунёнинг вужудга



п келиши, эволюцияси ҳақидаги тасаввурларини акс эттирган космогоник мифлар табиат фалсафаси сифатида юзага келган ва ривожланган юнон фалсафасининг биринчи манбаи бўлиб хизмат қилди. Илк юнон файласуфлари ўз асарларини одатда «Табиат ҳақида» деб номлаганлари, уларнинг ўзлари эса натуралистлар, «физиклар» деб ҳам аталиши бу фикрни тасдиқлайди.

Шарқ донишмандлари каби, антик мутафаккирларни ҳам борлиқнинг манбалари қизиқтирган. Қадимги юнон фалсафаси вужудга келган пайтдан бошлаб улар бутун борлиқнинг биринчи сабабини мавжуд воқеликнинг ўзидан излаганлар, уни дам сув (Фалес) ёки ҳаво (Анаксимен) деб, *Анаксимандр* (тахминан мил. ав. 611-545 йиллар) ҳамма нарсани бошқарадиган боқий ва чексиз асос – «апейрон» деб тавсифлаганлар ва ҳатто жонли мавжудотларнинг табиий келиб чиқиши ғоясини илгари сурган. Унинг фикрича, мазкур мавжудотлар денгиз сувида вужудга келган ва сув ўтларидан пайдо бўлган. Сўнгра балиқсимон мавжудотлар курукликка чиққан ва улардан одамлар ривожланган. Шунга ўхшаш фикрларни Ксенофан (мил. ав. 580-490 йиллар) ҳам илгари суради. У ҳамма нарса ер, сувдан вужудга келади ва ривожланади, ҳатто «биз ҳам ер ва сувдан пайдо бўлганмиз», деб ҳисоблайди.

Пифагор (мил. ав. 580-500 йиллар) ўша даврнинг бош фалсафий масаласи – «ҳамма нарса нима?» деган саволга, «ҳамма нарса сондир», деб жавоб беради. У Ернинг шарсимонлиги ҳақидаги ғояни биринчи бўлиб илгари сурди. Пифагор уюшмасида музика ва математика дарслари катта роль ўйнаган. Бу борада қуйидаги машҳур кашфиёт яратилган: бир хил тортилган тебранувчи торлар уйғун оҳанглар чиқаради, башарти уларнинг узунлиги бир-бирига нисбатан оддий оқилона нисбатда бўлиши лозим. Пифагорчилар фикрига кўра, дастлаб мустақил бўлган икки қисмни бир бутунга бирлаштириш ва шу тариқа гўзаллик яратишга математик ёндашувгина қодирдир. Мазкур ғоя таъсирида пифагорчилар таълимотида фикрлашнинг янги шакллари сари юксалиш юз берди.

Парменид (мил. ав. 540-480-йиллар) кейинчалик бу ғояни қўллаб-қувватлади ва унга ёзма таъриф берди. Парменид файласуфлар орасида биринчи бўлиб борлиқни категория сифатида тавсифлади ва уни махсус фалсафий таҳлил предметиға айлантirdи. Парменид фикрича, *борлиқ пайдо бўлмаган ва йўқ ҳам бўлмайди, чунки ундан бошқа ҳеч нарса йўқ ва бўлиши мумкин ҳам эмас. Борлиқ бор, ягона (узлуксиз), ҳаракатсиз ва баркамолдир.* У ўз чегараларига эга бўлиб, «улкан мутлақо юмалоқ Шарга» ўхшайди. У йўқликнинг йўқлигини инкор қилади. Фақат мавжуд нарсалар бор, йўқ нарсалар эса йўқдир.

Парменид борлиқ ҳақида фикр юритиш учун унга мос келувчи объектга эга бўлмаслик мумкин эмаслигини, фикр ва борлиқнинг бир хиллиги зарурлигини кўрсатади. Пармениднинг: «Бўлиш ва билиш – айна бир нарсадир», деган машҳур иборасининг моҳияти ана шунда. Унингча, фикр мазмуни ва фикр қаратилган объект айна бир нарсадир. Фикр доим нарса ҳақидаги фикрдир, фикрнинг объектлилиги борлиқ билан белгиланади.



п
Йўқлик фикр объекти бўлиши мумкин эмас, уни тасаввур қилиб, ифодалас бўлмайди, демак, йўқлик объектив борлиқ сифатида мавжуд эмас. Борлиқнинг Парменид таклиф қилган йўли йўқликни йўқ қилади, уни «унутилиш»га маҳкум этади. Лекин «йўқлик» унутилишига амалда эришилдими?

Парменид парадоксида инсоннинг дунёдаги борлиғи, унинг «шу ерда» ва «ҳозир» мавжудлигига дастлабки ишончи қайд этилган. Аммо бу ишонч мустаҳкамлангани заҳоти жуда кўп саволлар кўндаланг бўлади: дунё шу ерда мавжуд бўлса, у ҳамма ерда мавжудми? Дунё биттами ёки дунёлар кўпми? Дунё ўзгарувчанми ёки ўзгармасми, чеклими ёки чексизми? Одамлар туғилади, яшайди ва ўлади. Ҳаётнинг моҳияти йўқликдан борлиққа эмас, балки борлиқдан йўқликка ўтишдадир. Ибтидоси бор ҳамма нарсанинг интиҳоси ҳам бор, туғилган ҳамма нарса ўлиши керак; бу – борлиқнинг абадий қонуни. Шу боис Пармениднинг «Борлиқ мавжуд, йўқлик эса мавжуд эмас» шиори юнон тафаккурини бир жойда узок вақт ушлаб туриши мумкин эмас эди. Дунёнинг чеклилиги ва чексизлиги, унинг тузилиши ва ўзгариши ҳақидаги масалаларни ечишда файласуфлар турли йўллардан бордилар.

Мелис «Табиат ёки борлиқ ҳақида» деб номланган асарида борлиқ чегарасиз эканлигини қайд этади. Унинг фикрича, агар борлиқнинг чегараси борлигини тан олсак, бу борлиқ йўқлик билан чегарадош эканлигини англади. Бироқ, ҳамонки йўқлик мавжуд эмас экан, борлиқ ҳам чегарали бўлиши мумкин эмас.

Шундай қилиб, қадимги юнон фалсафасининг Сукротга қадар бўлган даврида онтология сезиларли даражада ривожланади: ўша давр атоқли файласуфларининг деярли барчаси борлиқ муаммосини бевосита ёки билвосита ўрганади, уни, одатда, боқий ва баркамол космос, «ягона табиат», яъни моддий-ҳиссий дунё билан тенглаштиради. Масалан, **Эмпедокл** (мил. ав. 484-421 йиллар) «борлиқ» атамасини бевосита ишлатмаган бўлса ҳам, «барча нарсаларнинг тўрт негизи» (олов, ҳаво, сув ва ер) ҳақида сўз юритар экан, дунё (космос) тухумсимон кўринишга эга деб ҳисоблаган, ҳаёт нам ва иссиқ сув ўтларидан келиб чиққани ҳақида мулоҳаза юритган.

Гераклит (мил. ав. 544-483 йиллар) шу даврда борлиқни тушунишга нисбатан диалектик ёндашувни илгари суради. У бутун дунё муттасил ҳаракат ва ўзгариш жараёнини бошдан кечиради деб ҳисоблаган ва шу муносабат билан «айни бир нарса мавжуд ва номавжуддир» деб қайд этган. *Гераклит, (янги даврда эса Ф.Гегель) дунё манзарасига шаклланиш зоясини киритди. Бу зояга асосан бутун дунё, борлиқ ўзгарувчи жараёндир.* Гераклитнинг «ҳамма нарса оқади» шиори Пармениднинг «борлиқ мавжуд» шиорига қарши туради ҳамда борлиқни ҳамма нарсани ўз ичига олувчи ва узлуксиз ўзгарувчан ҳаёт оқими сифатида тушуниш имконини беради. Гераклит фикрига кўра, борлиқ йўқлик ҳолида беқарордир. Бу беқарорлик қарама-қаршиликлар курашида ўз ифодасини топади.”Кураш - ҳамма нарсанинг отаси ва подшоси”. Ҳамма қарама-қаршиликлар замирида борлиқ ва йўқлик ўртасидаги қарама-қаршилик ётади. Шу боис “panta rei” – ҳамма нарса оқади, ҳамма нарса ўзгаради. Ҳаракат қарама-қаршиликларнинг бир-



п
бирига ўтиши натижасидир. Борлиқ ва ноборлиқ узвий алоқадорликда, бири иккинчисини келтириб чиқаради. Дунёнинг асоси бўлмиш тўрт элемент оловни тан олсада, уларнинг барчаси бири иккинчисига ўтади. Ернинг ўлими-сувни, сувнинг ўлими ҳавони, ҳавонинг ўлими оловни яратади ва аксинча”¹.

Аммо чексиз шаклланиш ғояси зидиятлидир. Муайян жойда ўзининг ҳал қилинмаган кундалик муаммолари билан яшовчи одамга ўзгарувчан дунё маъқул келади, лекин у дунё яхши томонга ва мақсадга мувофиқ тарзда ўзгаришини хоҳлайди. Чексиз ўзгариш ва тартибга солиб бўлмайдиган ўзгариш ғояси одатдаги тафаккур учун ноқулайдир. Борлиқ чекли ва чексиз, ўзгармас ва ўзгарувчаннинг қарама-қаршилигида ифодасини топади.

Левкипп (хаёт даври номаълум) ва унинг ўқувчиси **Демокрит** (460-370 йиллар) борлиқ таълимотидаги зиддиятларни бартараф қилишга уриндилар ва атомлар концепциясини яратдилар. Атомлар – бўлинмас майда зарралар. Барча бўлинмас нарсалар атомлардан ташкил топган. Атом ва жисмлар бир томондан бўшлиқда, иккинчи томондан ҳаракатда мавжуд. Демокрит ва Левкипп атомларни муайян модда сифатида тавсифлаб, уларни «бўшлиқ» - йўқликка зид ўлароқ, «тўла» ёки «қаттиқ» борлиқ билан тенглаштирган. Кейинчалик уларнинг атомлар ҳақидаги назарияси Тит Лукреций Кар томонидан янада ривожлантирилди.

Платон (мил. ав. 427-347 йиллар) *нафақат моддий, балки идеал нарсалар ҳам борлиққа эга эканлигини фалсафа тарихида биринчи бўлиб кўрсатиб берди.*

Платон ҳақиқий борлиқни нарсаларнинг шаклланиш чегараси сифатида тушунади ва уни ғоялар дунёси деб номлайди. Дунёдаги барча нарсалар унга ўз негизи ва ҳақиқати сингари муҳтождир. Ўз вазифасини бажарувчи ва асословчи мақсаднинг ҳаракатлантирувчи кучи борлиқнинг олий мазмуни ҳисобланади. Бўлиш – ўзи ўзига мос келиш, эйдос (ғоя)нинг кўринмас маъно чегараларини тасаввур қилиш демакдир. Бунда ҳиссий идрок этилувчи моддий дунёнинг номукамал тузилмаларига идеал шакллар баркамоллиги қарши кўйилади. Ғоялар дунёси ҳақиқий олий борлиқ бўлиб, у моддий дунёда кўплаб кўринишларга парчаланаяди, ҳамда намоён бўлаяди. Борлиқ тенгсиз турларга бўлинади. 1) Бу энг аввало нарсалар дунёсидан олдин келувчи ва уни ҳал қилувчи абадий, ўзгармас моҳиятлар, ғоялар дунёси, борлиқнинг янги шакли; 2) бу абадий бўлмаган нарсалар дунёси, яъни қандайдир ярим борлиқ; 3) бу материя, ундан дунёвий хунарманд, маънавий яратувчи, дунёвий руҳ идеал намуналарда олий борлиқ нарсаларини яратади. Материя борлиғи Платон фикрича бу ноборлиқ, чунки у мустақил мавжудликка эга эмас ва борлиқ сифатида фақат нарсалар шаклида намоён бўлаяди.

Платон онтологияси теистик (метафизик) характерга эга. Чунки унда Худо ҳақидаги таълимот асосий ўрин эгаллайди. Платоннинг таълимотида Худо шахсланган, персоналистик характерга эга (антропоморф). У Худо ҳақида икки маънода гапиради: «Давлат» асаида Худони «Футургос»,

¹ Гераклит // Всемирная энциклопедия.-М.: Современный литератор, 2001.-С.154.



п

«Тимей» диалогда «Демииург» деб атайди. Футургос – Худо ғояларини яратувчи, Демииург – Худо эса бу ғояларни намуна (прообраз) қилиб, ўзини, бутун борлиқни уларга мувофиқлаштиради. Платоннинг «Тимей» номли диалогда «яратувчи» Тангри маъносини ифодалайди.

Демииург – луғавий маъносига кўра юнонча ҳунарманд, моҳир уста деган тушунчага мос келади. Платоннинг «Давлат» номли асариде Демииург – «Оламнинг иждокори ва отаси» деб кўрсатилади. Демииург ўзидан қуйида турадиган Худоларни, бутун олам жонини, инсон жонининг ўлмас қисмини, шунингдек, космосни ҳам яратган. У космосни космос билан бирга абадий мавжуд бўлган, ҳамиша тартибсиз ҳаракатдаги материядан («пластик массадан») абадий мавжуд биринчи образ (прообраз) – парадигма – эйдос (ғоя)га қараб яратади. Бошқача айтганда, Демииургнинг ўзи кейин яратиладиган космоснинг дастлабки абадий тимсоли, парадигмасидир. Демииург оламини йўқликдан эмас, балки материя ва ғоя (биринчи образ)дан яратади. Материя ҳам, ғоя ҳам Демииургга боғлиқ эмас, унинг фаолияти чекланган. Демииург – ақл(Нус) Оламини «иложи борича яхши» ташкиллаштиришга интилади, лекин бу интилиш материя (хаос)нинг «зарурий» - детерминистик сабабиятли қаршилигига дуч келади (Ахурамазда ва Ахриман каби).

«Тимей» да тасвирланган бу Демииург Аристотелнинг чекланиш билан чексизликнинг «бирлашуви сабабчиси» ёки амалий сабабидир (Аристотелнинг теологияси шахссиз, характерга эга). Қадимги Академияда «Тимей» космологиясини вақтдан ташқари мавжуд бўлган онтологик структураларни ёритиш дидактик мақсадга хизмат қилган мажозий тил деб, ҳам талқин этилган. Платонизмнинг энг ёрқин намоёндалари бу олий илоҳий трансценденция тамойилини яратиш жараёнида материя билан бевосита боғланадиган Демииургдан яратувчи вазифасини олиб, бу вазифани биринчи тамойилдан эманация қиладиган иккинчи воситачи – Худога тааллуқли деб, ҳам кўрсатган. Александриялик Филон Демииургни Лаос билан айнан бир деб қараган бўлса, Нумений (II асрнинг иккинчи ярмида антик файласуф неопифагоризм ва ўрта платонизм намояндаси, неоплатонизмдан олдинги давр файласуфи) уни Ақл (Нус) билан айнан деб ҳисоблаган ва «иккинчи Худо» деб атаб, «Ақл ўзидан бошқа ақли – Демииургни яратди» деган.

Демииург – (Ақл) ўзидан бошқа қуйи Худоларни ҳам яратади. Булар «фалакларнинг Худоларидир». Уларнинг ҳаммаси беистесно олов стихиясидан пайдо бўлган. Улар шарсимон осмон жисмлари юлдуз ва планеталар бўлиб, бир текис ёки нотекис ҳаракатда бўладилар. Осмон ичра Ер ҳам илоҳий сифатга эга қилиб яралган (Вернадскийнинг ноосфера концепцияси).

Платоннинг Демииург ҳақидаги таълимотини тушуниш бўйича кейинчалик катта зиддиятлар юзага келган.

Умуман, Платон таълимотида ғоялар яратувчи Худога (Футургосга) нисбатан Демииург ҳақида кўпроқ тасаввур берилган. Платоннинг «қонунлар» асариде эса Худо барча нарсалар меъёри деб таъкидланган.



п

Платон онтологияси идеалистик характерда. Чунки у ғояларни бирламчи ва объектив, инсон онгидан мустақил реаллик ва табиатдан олдин мавжуд деб ҳисобланган. (Лекин унинг ғояларни яратувчи Худонинг маавжудлиги ҳақидаги фикри эътиборга олинмай келинди).

Платон таълимотида инсон шахсига хос ирода, туйғулар ва ўзликни билиш каби хусусиятлар, объектив характерда ва табиатдан ташқари мустақил мавжуд. Бу Платонда оламни онгли равишда яратувчи ижодкор Тангри тушунчасида ифодаланган. Ғоялар эса, яратилувчи нарсаларнинг Футургос – Худо онгидаги тимсоллари (суръатлари ёки парадигмаларида). Шу маънода улар моддий нарсалардан олдин пайдо бўлган. У ўзининг «Қонунлар» номли асарида «ҳамма нарса табиатдан ва тасодифан келиб чиққан» деган файласуфларга қарши чиқади ва уларни бошқа файласуфларга қарама - қарши қўяди. Чунки Платон улар «олов, сув, тупроқ ва ҳавони барча нарсаларнинг асоси деб қарайдилар ва мана шуларни табиат деб атайдилар. Жонни ҳам кейинчалик шу асослардан келиб чиққан деб биладилар», дейди. Платон учун эса биринчи асос олов ҳам, сув ҳам эмас, балки жондир, зеро жон бирламчидир. Табиатда бор барча нарсалар “жон”дир, вужуд (жисм, моддият) эса жонга нисбатан иккиламчидир. «Қонунлар» асарида Платон идеализмни тиезм билан, материализмни эса, атеизм билан боғлайди. Шу маънода Платон идеализми рационал – фалсафий идеализм эмас, балки диний, мифологик идеализмдир.

Платон фалсафасида ҳамма нарса қоришиб кетади. Дастлабки файласуфлар қарашлирида материя билан айний борлиқ ноборлиқ даражасига туширилади. Ҳақиқий борлиқ эса ғоялар борлиғи деб эълон қилинади.

Борлиқ масаласига Демокрит ва Платон ёндашуви. Шартли қилиб айтганда, ўсиб, ривожланиб ҳозирги замон тафаккур тарзига айланган икки дунёқараш Демокрит ва Платон ёндашуви билан боғлиқ. Биринчи *Демокрит ёндашуви борлиқни турли тарзда намоён бўлиши ва онгда акс этиши (дискрет вазиятли-эмпирик) кўринишида тушунишни назарда тутуди ҳамда натурализм сифатида намоён бўлади.* Бу ҳолда борлиқ муайян эмпирик ҳаракатларга боғлиқ бўлади ва инсоннинг ҳар бир куни нимадан ташкил топса, шунинг ўзидангина ташкил топади. Иккинчи *Платон ёндашуви борлиқнинг моҳияти хусусида алоҳида мушоҳада юритишга йўналтиради, бунда борлиқ ғояга, эришиб бўлмайдиган орзуга, амалга ошмайдиган, нореал жараёнга айланади.* Борлиқнинг мазкур схоластик талқини шиорлар, дастурлар, чорловлар ва декларацияларда ҳозиргача мавжуд. Реал ҳаёт жараёнида бу икки қарама-қарши ёндашув якка, хусусий ва умумийнинг ўзаро алоқадорлиги билан барҳам топади. Зеро, ўзининг яккалигида ўз умумийлигини ифода этмайдиган, ўзининг мавжудлик ҳолати билан ўзгариш ва йўқ бўлишни назарда тутмайдиган биронта ҳам нарса ва ҳодиса йўқ. Воқеалар борлиқнинг моҳиятини намоён этади, ҳақиқий ҳаёт фаолиятининг парчаси тарзида янги сифат касб этади. Ушбу жараёндаги шаклланиш, ўзгариш, ривожланиш ҳаёт жараёнининг таркибий қисмларидир.



п

Аристотель (милоддан аввалги 322-384 йиллар). «Борлиқ нима!» деган саволга жавобнинг Аристотель таклиф қилган варианты борлиқнинг муайянлик жиҳатига эътибор қаратиб, бизни тафаккур ва борлиқнинг бир хиллиги ғоясига қайтаради. Аристотелнинг фикрича, «*борлиқ категориал сўзлаш шакллари орқали ифодаланувчи барча нарсаларга ўз-ўзидан боғланади. Зеро, бундай сўзлаш усуллари қанча бўлса, борлиқ ҳам шунча маънода ифодаланади. Айрим иборалар нарсанинг моҳиятини, айримлари - сифатини, айримлари - миқдорини, айримлари – нисбатини, айримлари – ҳаракати ёки ўзгаришини, айримлари – «қаерда»лигини, айримлари – «қачон»лигини англатгани сабабли, борлиқ уларнинг ҳар бирига мос маъноларга эга бўлади*»¹.

Аристотел онтологияси асосида учта таълимот ётади:

- а) борлиқнинг категориал таҳлили (категориялар ҳақидаги таълимот)
- б) борлиқнинг каузал таҳлили (борлиқнинг сабаблари ҳақидаги таълимот)
- в) борлиқнинг имконият ва воқелик муносабати орқали таҳлили. (имконий борлиқдан воқеликка ўтиш жараёнининг таҳлили).

Демак, Аристотел онтологиясини тушуниш учун ана шу уч таълимот ёки таҳлил мазмунига таяниш керак .

1. Борлиқнинг категориал таҳлили. Ушбу таҳлилни тушуниш учун аввало «категория» тушунчасининг маъносини, ундан кейин Аристотелнинг категориялари бир йўла икки ёқлама - ҳам мантиқий, ҳам онтологик табиатга эга эканини тушуниб етиш зарур.

Демак, аввало, «категория» тушунчасига тўхталамиз. «Категория» атамаси юнон тилида «айтмоқ» деган маънони билдиради. Фалсафага уни Аристотел киритган эди. Унга қадар «Категория» (лотинча «предикат») бўлиб, у гапнинг мантиқий эгаси деган маънони билдирган ва предметнинг хоссаларини ифодалашга хизмат қиладиган тушунча ҳисобланган. Аристотел таълимотида категория борлиқнинг асосий хусусиятларини ифодалаш учун хизмат қиладиган тушунчаларга нисбатан қўлланади, яъни у фундаментал фалсафий тушунча маъносида ишлатилади. Аристотел онтологиясининг асосида ўнта шундай тушунчанинг таҳлили ётади. Булар қуйидагилар:

- 1) моҳият;
- 2) миқдор (қанчалик);
- 3) сифат (қандайлик);
- 4) муносабат (нисбатдошлик);
- 5) жой - (макон, фазо, манзил, хужра) – (қаердалик);
- 6) вақт (замон) (қачонлик);
- 7) ҳолат (аҳвол);
- 8) эгалик (моликлик);
- 9) ҳаракат (иш, таъсир, фаоллик);
- 10) таъсирланиш (ўзгариш).

¹ Аристотел // Всемирная энциклопедия.-Т.: Современный литератор, 2001. –С.24.



п

Булар ичида фақат биттаси – «моҳият» категорияси субстанцияга оид бўлиб, қолганлари акциденциалликка тааллуқлидир.

Ушбу категорияларнинг иккиёқлама табиати уларнинг мантиқий ва айни замонда, онтологик табиатга эгаллигини билдиради (яъни улар нафақат гносеологик категориялар, балки онтологик реаллик ҳамдир).

Аристотел ва ундан кейинги деярли барча файласуфлар онтологик муаммолар таҳлилида шу категорияларга таяндилар. Фалсафанинг (онтологиянинг) қолган категориялари эса шу категориялар мазмунини ёритишга хизмат қилади.

Онтология - борлиқнинг моҳиятини нима ташкил этади ёки субстанция нима?, моҳиятнинг акси бўлган ўткинчи борлиқ (ҳодисалар борлиғи) нимани билдиради ва у қандай келиб чиқади? Нарса ва ҳодисалар қачон (вақт, замон), қаерда (қайси жойда, макон), нима учун, қай мақсадга кўра қанча (миқдорда) келиб чиқади? Қанча вақт мавжуд бўлади? ва ҳ.к. оид масалалар асосий тушунчалар бўлган, 10 та категориянинг таърифи ва талқинига таянади.

2. *Борлиқнинг каузал (сабабий) таҳлили.* Аристотелнинг каузал (ёки сабабиятга оид) таҳлили бутун мавжудотга, борлиқдаги барча нарсаларга эмас, балки фақат субстанционал борлиққа қаратилган, яъни бу таҳлилда «субстанциянинг сабаблари» ёки борлиқнинг бошланғич асослари («архе» лар) аниқланади. Бундай сабаблар («архе» лар) тўртта (4 та) деб кўрсатилади:

1. Шакл асос (сабаб), (эйдос ғоя) лотинча «форма», юнонча «морophe») ёки «нималик» ёки моҳият (essentia);

2. Материя асос (сабаб) («нимадан яратилиши») нимани ўз ичига олгани ёки ташкил топиши ёки мазмуни ёки субстрати.

3. Ҳаракатнинг манбаи бўлган асос (сабаб) ёки ижодкор сабаб (ижоднинг боши).

4. Мақсад асос (сабаб) ёки (борлиқ) ниманинг, нима учун борлиғи.

Шакл асос. Аристотел онтологиясида шакл асос материядан фаол ҳисобланади. Материя нарсаларнинг мазмунини ташкил этган бошланғич асос (биринчи материя) ҳисобланиб, уни Аристотел «hyle» қурилишида ишлатиладиган «ёғоч» деган юнонча сўз билан ифодалаган. Бу биринчи материя ҳеч қандай сифатга, ранг, тус ва бошқа конкрет хусусиятларга эга бўлмаган асос («хомашё»), яъни субстрат бўлиб, айни шу асосга шакл (ғоя, парадигма, суръат) нинг таъсири туфайли ўз сифатига эга бўлган моддий нарсалар – сув, олов, ҳаво ва ҳ.к. вужудга келади.

Ҳозирги давр физикасида Аристотелнинг «биринчи материяси» (ёки субстрати)га вакуумдаги заррачалар мос келади.

Материя асос. Онтологияда юқорида санаб ўтилган сабаблардан биринчи ва иккинчиси кўп ишлатилади. Чунки, қадимги фалсафада дифференциаллашув содир бўлиб, бу дифференциаллашув фалсафанинг эзотерик (мистик) қатлами ҳисобланган. Аристотел «фалсафанинг ўзи», «биринчи фалсафа», «софия» ёки «хусусий метафизика» ва «умумий метафизика» деб кўрсатган қатламдан физикани ажратган. Қадимги юнон фалсафасининг, яъни метафизикасининг мазмунини ташкил этган муҳим



п тушунчалар, айниқса ҳаракат манбаи (ижодкор сабаб) ёки унинг мақсад сабаби бўлган Худо ҳақидаги ғоялар эса натурфалсафа мазмунига кирмайди. (Лекин ҳозирги давр фанида, айниқса тизимлар назарияси 3 ва 4 сабаблари ҳам табора олимларнинг диққат марказига айланмоқда).

Бундан ташқари, Аристотел қандайдир мавҳум дастурнинг эмас, балки эзгуликнинг амалга ошувини назарда тутати. Яъни у мақсад деганда, ҳар бир нарсанинг ўз эзгулигига эришувини тушунади. Демак, ҳар қандай имконият воқе бўлишга, тўла амалга ошишга интилар экан, бунда нафақат ўзининг эзгулиги, балки умум эзгуликга ҳам интилади.

Ҳаракатлантирувчи сабаб. «Ҳамма нарсалар ҳамиша бирон нарсанинг фаолияти (таъсири) туфайли бирон – бир ўзгариш содир бўлади». «Ҳаракатчини ҳаракатлантирувчи бўлиши керак». Бу ҳаракат ўз – ўзидан (тасодифий) содир бўлмаслигини билдиради. Масалан, моҳият Аристотел айтганидай, нофаолдир. Шакл эса фаолдир, Аини замонда у моҳиятдир. «Моҳият ва шакл - бу фаолият». Лекин бу фаолият ҳам ўз олий моҳиятига, ўз олий шаклига, биринчи ҳаракатлантирувчисига эга. «Ўзгаришлар қаердан келиб чиқди?» Биринчи ҳаракатлантирувчининг (ҳаракат) ўзгариши нимага дуч келади?, деган саволга Аристотель албатта шаклга деб жавоб беради..

Аристотелнинг бу қараши 4 ва 2 сабабга келтирилиши мумкин:

1 – сабаб материя;

2 – шакл – мақсад – ҳаракат сабаб – Худо – шаклантирувчи – ҳаракатлантирувчи ва мақсад сабаб, яъни иккинчиси 3 тасининг бирлигидан иборат. Аристотел фикрича бу Худодир. Шунинг учун ҳам унинг «Биринчи фалсафа» си теологиядир. Шакл сабаб сифатида Худо барча метафизик моҳият, табиатдан ташқари, материядан ажралган, ҳаракатсиз сезгилар билан сезилмайдиганларни ўз ичига қамраб олади.

Аристотель “Метафизика” асарида Худо – бу «абადий, ҳаракатсиз ва ҳиссиётлар, сезгилардан ташқари бир моҳиятдир» деб таъкидлайди.

Худо ҳаракатсиз, чунки, агар у ҳаракатда дейилса, у ҳолда у биринчи ҳаракатлантирувчи бўлмас эди. Зеро уни ҳаракатлантирувчи бошқа асос бўлиши керак.

Аристотел таълимотида Худо ўз –ўзини билувчи онгдир. (Нус) «У ўз – ўзидан фикрловчи ақлдир. Ва унинг фикри фикрлаш ҳақидаги фикрдир».

Мақсад сабаб. Аристотел фикрича, маънога эга бўлган барча нарсалар ички мақсад томонидан йўналтирилган потенциал мукамалликка эга бўлади, бу барча нарсаларга тааллуқли. «Мақсад билан шартланиш, - дейди Аристотел, фақат тафаккур орқали белгиланадиган ҳатти – ҳаракатлардагина эмас, балки табиий келиб чиққан (табиатдаги) нарсаларга ҳам тегишли»¹.

Мақсадга йўналган жараёнларнинг амалга ошувини Аристотел энтелехия деб атайди (тухум жўжага айланса энтелехия содир бўлади). Жўжа формал реал жўжадан олдин мавжуд. Воқелик (шакл). Бу фикр илмий нуқтаи назаридан ҳам тўғри тасдиқланган. Яъни Аристотел фалсафий фикрда баён этган бу жараён эндиликда илмий асосга ҳам эга. Зеро жўжанинг тухум

¹ Аристотель//Всемирная энциклопедия.-М.: Современный литератор, 2001.-С.54



п ичидаги ривожланиши (шаклланиши), бу жўжа уруғидаги генетик коднинг ва генетик дастурнинг амалга ошуви – энтелехиясидир.

Материализм тарафдорлари бу ҳолни фақат тирик табиатга нисбатан тан олган бўлсаларда, лекин нотирик табиат учун жумладан, космоснинг шаклланиши учун бу ғояни қўллаб бўлмайди, деб таъкидлаганлар. Лекин ҳозирги давр фани (астрофизика, космология, тизимлар назарияси, айниқса, синергетика) тирик ва нотирик табиат орасидаги бу чегарани олиб ташлади. Аристотелнинг бу ғояси бутун борлиққа тегишли.

Аристотел ўз онтологиясида асосан Платон таълимотига таянсада, уни ғояларнинг материядан мустақил, табиатдан ташқари ва ҳаракатсиз мавжудлигини тан олганлиги учун танқид қилади. Бироқ шакл сабаби, ҳаракатлантирувчи сабаб, мақсад сабаб уларнинг материядан мустақил мавжудлигини тан олган.

Бизнингча, Аристотел идеализми билан Платон идеализми орасидаги зиддият жуда катта эмас. Буни бошқа файласуфлар ҳам таъкидлаган. (Хусусан, А.Н.Форобий, Фома Аквинский, XX аср ўрталарида эса француз суфийси Р.Генон). Масалан, ал – Форобий «Икки файласуф: илоҳий Платон билан Аристотел орасидаги мувофиқлик» деган асарида Платон ва Аристотел таълимотларининг ички бирлигини очиб берган. Р.Генон ҳам ғоялар масаласида Платон билан Аристотел орасидаги зиддиятни бўрттириш тўғри эмаслигини таъкидлайди. Унинг фикрича, Платоннинг қарашларида ғояларнинг асосан трансцендентал жиҳатига чуқурроқ эътибор берилган бўлса, Аристотел таълимотида имманент жиҳатига алоҳида эътибор қаратилган.

Ф.Аквинский эса масалани янада оддийроқ ёритиб, ғоялар нарсаларга қадар ҳам (Худонинг онгида, трансцендентал равишда (Платон)), нарсалар билан бирга ҳам (имманент равишда (Аристотел)) ва нарсалардан кейин ҳам мавжуд бўлади, дейди.

3. *Борлиқнинг имконият ва воқелик муносабати орқали таҳлили.* Аристотелнинг «шакл» категорияси Платоннинг материясиз соф қувват (куч, кудрат, энергия) маъноларини ўзида мужассамлаштиради. Яъни шакл ҳам онг ҳам қувват (энергия)дир. (Онг - қувват ёки қувват - онгдир ёки онгли қувват ёки қувватли онг), у энг олий реаллик, (мавжудлик)дир.

Материя эса пассив субстрат сифатида соф имконият тарзидагина мавжуд. Буларни Аристотел «Акт ва потенция» тушунчалари воситасида тушунтиради. Акт бу воқелик, чинакам борлиқни, потенция эса имконийликни, имконда борлиқни ифодалайди.

Ушбу маъноларни шакл (акт) ва материя (потенция)га нисбатан қўлласак, шакл туфайли материя имконий борлиқдан реал борлиққа айланиши (ўтиши), яъни воқе бўлиши ҳақидаги хулоса келиб чиқади. Демак, шакл хомашё вазифасида турган материяга ташкилловчи (структураловчи) таъсир кўрсатмагунича материя намоён бўла олмайди, воқеликка айлана олмайди. Демак шакл материяни намоён ҳолатдан аён ҳолатга ўтказувчи реал ва онгли кучдир.



п

Имконият ва воқелик таҳлили орқали Аристотел «ҳаракат» ва «ривожланиш» жараёнини ҳам ёритади.

Материянинг шакл таъсирида имкониятдан воқеликка ўтиши, яъни структурланган конкрет бир (бутун) нарсага айланиши ҳаракат ёки жараён (кинесис) тушунчасида ифодаланади.


Ҳаракат тушунчаси орқали Аристотел онтологияга ривожланиш ғоясини ҳам олиб кирган. Бу актуал борлиқни потенциал борлиқдан ажратишга асосланади. Шу ажратиш туфайли имконий борлиқдан воқе бўлувчи борлиқнинг (реалликнинг) келиб чиқиши, яъни «генезис»и, кенгрок маънода қараганда эса бир нарсанинг бошқа нарсага айланиши (шаклланиш) содир бўлади. Айнан ҳаракат («кинесис») ва келиб чиқиш, нарсаларнинг бошқа нарсаларга айланиши («генезис») туфайли борлиқда ривожланиш содир бўлади. «Актуал мавжуд, - деб тушунтиради Аристотел, - ҳамиша потенциал мавжуддан актуал мавжуд амалиёти оқибатида келиб чиқади»¹. Яхлит, бутун олам учун эса бундай дастлабки актуал асос (ва айни замонда оламини ҳаракатлантирувчи, шакллантирувчи ва мақсадга йўналтирувчи сабаби) Худодир ёки борлиқнинг ҳаракатсиз биринчи ҳаракатлантирувчисидир. Бу асос ҳеч қандай моддият ёки потенциаллик (имконийлик) билан аралашмаган, оламга ва вақтга боғлиқ бўлмаган (яъни абадий мавжуд бўлган), ўз – ўзини англайдиган (оқил) ва ўзининг узлуксиз ижодкорлиги билан оламдаги барча имкониятларни ўз эроси (муҳаббати, раҳмонийлиги)нинг объекти сифатида воқе этадиган ва барча нарсалар ўзининг энг олий мақсадини билиб, унга интиладиган соф (энг номоддий) куч - қудрат Худо бўлиши керак.

Бунда Аристотел Худони ёки борлиқнинг ҳаракатсиз дастлабки асосини, ҳаракатсиз ҳаракатлантирувчиси бўлган куч - қудратни тавсиф этади. Ушбу тавсифда қуйидаги асосий белгилар кўрсатилган:

1. Дастлабки асосда модда ёки потенциаллик (имконийлик) йўқ, яъни у материядан мусаффо;
2. У Оламга ва маконга боғлиқ эмас, ундан мустақил мавжуд бўла олади;
3. Вақтга боғлиқ эмас, яъни абадий;
4. Унинг фаолият тезлиги беқиёс катта ва узлуксиз;
5. Бутун борлиқ Унинг меҳр – муҳаббати (эроси)нинг натижаси ўларок келиб чиққан;
6. У борлиқдаги барча нарсалар ўзининг эзгу мақсади сифатида интиладиган энг олий мақсад;
7. У беҳад олий онг эгаси, У ҳақ, одил, ҳикмат соҳиби, билувчидир;
8. У буюк куч - қудрат эгаси;
9. Унинг қуввати онгда, онги эса қувватда намоён бўлади (Онг ва қувват ўзаро узвий);

Бу онг - қувват номоддий. Демак қадимги мутафаккирларнинг борлиқ муаммосини тушунишида энг умумий тизим ҳосил қилувчи тамойилларни

¹ Қаранг: Асмус В. Античная философия. –М.: Луч, 1996. –С.32.



п

унинг парадигмалар тўплами даражасигача яхлитлаб, қуйидаги манзарага гувоҳ бўлиш мумкин.

Антик дунёни тушуниш марказида коинот жойлашган, у космоцентриkdir. Коинот қонунияти полис ҳаёти қонунларини, дунёга қараиш тарзини белгилайди, инсон ҳаётида микрокоинотдагидек акс этади. Коинот қонунлари, буржларнинг муайян уйғунлиги барча давлат тадбирлари, чунончи: юришлар, истилолар, қурилишлар муваффақиятига, шунингдек, инсон тақдирига ҳам таъсир кўрсатади. Зеро қадимият замирида шунчаки объектив-моддий ва ҳиссий эмас, балки жонли ва ақл-идрокли космологизм ётади. Кейинчалик фалсафа тарихида биз борлиқнинг кўп сонли ҳар хил талқинларига дуч келамиз, лекин уларнинг барчаси борлиқ ҳақидаги ҳиссий ва оқилона тасаввурлар атрофига у ёки бу тарзда тизилади. Бунда фикрлар ва ёндашувлар ранг-баранглиги намоён бўлади.

Ўрта асрлар ғарб ва шарқ фалсафасида «ҳақиқий борлиқ - «Худонинг борлиги» ва «ҳақиқий бўлмаган» - Худо яратган борлиқ фарқланади. Ўрта асрларда борлиқнинг олий асоси Худодир, деган ғоя илгари сурилади. Барча баркамолликлар йиғиндиси сифатида Худо мавжудлик хусусиятига ҳам эгадир, чунки мавжуд бўлмаган мавжудот номукамалдир. Бинобарин, ҳамма нарсанинг мавжудлиги Худода мужассамдир. Худо борлиги тўғрисидаги онтологик далилнинг шиорларидан бири ана шундан иборатдир. Унга кўра, бутун дунёни бир жойга бўйсунтириш, қуйи ва олийнинг субординациясига асосланган иерархик тузилмалар қамраб олган. Бунда инсон руҳи ва илоҳий асоснинг ўзаро таъсири масаласи бош муаммога айланади.

Фома Аквинский онтологиясида борлиқ ҳам эхтимол тугилган, ҳам амалда мавжуд деб қаралади. Борлиқ - айрим нарсаларнинг мавжудлиги, яъни субстанциядир. Фома Аквинский *имконият* ва *воқелик* каби категориялар билан бир қаторда *материя* ва *шакл* категорияларини илмий муомалага киритади. Бунда материя имконият сифатида, шакл эса – воқелик сифатида қаралади.

Фома Аквинский Аристотелнинг шакл ва материя ҳақидаги асосий ғояларидан фойдаланиб, дин ҳақидаги таълимотни уларга тўла бўйсундиради. Материя шаклсиз мавжуд бўлмайди, шакл эса олий шаклга ёки «шаклларнинг шакли» - Худога боғлиқдир. Худо эса соф маънавий мавжудот. Шаклнинг материя билан бирикуви моддий дунё учунгина зарур. Бунда материя (Аристотелдаги каби) пассивдир. Унга шакл фаол тус беради. Фома Аквинский «илоҳий борлиқ», ҳамонки у ўз-ўзидан равшан нарса эмас экан, тафаккуримиз англашга қодир бўлган нарсалар орқали исботланиши лозим. У Худо борлигининг ҳозирги замон католик черкови ҳам фойдаланувчи ўз далил-исботини таклиф қилади. Демак, ўрта асрларнинг борлиқ муаммоси теоцентрик хусусиятга эга.

Шарқнинг буюк мутафаккири Форобий “Фуқаролик сиёсати” ва “Фозил шаҳар одамлари” асарида борлиқ ва унинг ибтидоси масаласи ҳақида фикр юритади. Борлиқ муаммосини ҳал қилишда “вужуди вожиб” ва “вужуди мумкин” ўзаро нисбатига мурожаат қилади. Унинг фикрича, “вужуди вожиб” барча мавжуд ёки пайдо бўлиши мумкин бўлган



п
нарсаларнинг биринчи сабаби. Биринчи сабаб Олий абадий, азалий вужуд борлиқнинг яратувчиси, унинг иродаси ва ҳикмати (онги) барчани қамраб олади ва ҳамма вақт бошқариб туради. Биринчи сабаб сифатида у ўзга турткига муҳтож эмас. У мутлоқ борлиқ ва донишмандлик ифодаси. Барча одамлар ҳаёти мутлақ Комил ва Қодир Вужуд билан боғлиқ. “Вужуди мумкин” эса доимо ўзгаришда, зиддиятли муносабатларда бўлиб, унда барча нарсалар оддийдан мураккабга, тартибсизликдан тартиблиликка қараб ҳаракат қилади. “Вужуди вожиб” яратган энг буюк воқеликдан бири инсон ақлидир. Форобий фикрича, айнан фалсафа инсонга *борлиқ*нинг моҳиятини тушуниш имконини беради. Борлиқ «ягона» ва айни вақтда «кўп»дир. Борлиқнинг мазкур ҳолати эманация, яъни «ягона» муҳитдан борлиқнинг турли муҳитлари келиб чиқиши маҳсулидир. Форобий асарларида дунё бири-бирига кирувчи тўққиз гумбаз кўринишида намоён бўлади. Бу гумбазларда уларнинг Ер атрофида айланиши сабаби ҳисобланган жонлар яшайди. Гумбазлар ўз ҳаракатини дастлабки турткидан бошлаган. Форобийнинг “Фуқаролик сиёсати” китобида бутун борлиқ қуйидаги даражаларга бўлинган:

1. Биринчи ҳолатдаги сабаб;
2. Иккинчи ҳолатдаги сабаб;
3. Учинчи ҳолатдаги ақли фаол;
4. Тўртинчи ҳолатдаги инстинкт;
5. Бешинчи ҳолатдаги шакл;
6. Олтинчи ҳолатдаги материя¹. Фоборий бу ҳолат(даража)ларнинг ҳар бирини таърифлайди. Сўнгра у “ўнинчи ақл” ақли фаол баёнига ўтади. Унга кўра “ақли фаол” ёрдамида инсоннинг табиий ва маънавий руҳий ҳаёти шаклланади. У одам қандай қилиб комилликка эришиши мумкин, деган саволга, комилликка эришишнинг шарти ҳайвоний инстинктларни тарк этиш ва моддий эҳтиёжлардан батамом қутулиш даражасига кўтарилишдир деб жавоб беради².

“Фозил шаҳар одамлари” асарида у ўз фикрларини давом эттиради. Сўз деб номланган биринчи бобда “Биринчи вужуд” ҳақида барча нуқсонлардан холи (пок) ва абадий мажудлик ва мутлақ комиллик соҳиби, Худо ҳақида сўз боради.

Форобий дунёнинг ранг-баранглигини тушунтириш учун Аристотелнинг шакл ва материя ҳақидаги таълимотидан фойдаланган. Форобий борлиқнинг биринчи сабаби ва ҳаракат манбаи сифатида Худо мавжуд деб ҳисоблаган бўлса-да, унинг фалсафаси билиш ва борлиқнинг мураккаб масалаларини ечишга интилиш билан тавсифланади. Айни шу сабабли файласуф борлиқнинг ҳолатларини, унинг шаклларини: оддий элементлар – ҳаво, олов, ер, сувни; шунингдек минераллар, ўсимликлар, ҳайвонлар, инсон ва осмон жисмларини синчиклаб ўрганади. Шу тариқа у ташқи дунёнинг объектив мавжудлигига урғу беради. Форобийнинг

¹ Ал-Форобий Политика гражданства (Фуқаролик сиёсати). – Душанбе. 1995. – Б.31

² Ўш ерда. – Б.31



п
фалсафий қарашлари Шарқ фалсафасининг ривожланишига кучли таъсир кўрсатди.

Ибн Сино фикрича ҳам борлиқнинг асоси “вужуди вожиб” яъни Оллоҳдир. Вужуди вожиб бу биринчи моҳият. Унинг мавжудлиги сабабини бошқа нарсалардан қидириш ноўрин. Чунки биринчи сабаб унинг натижаси бўлган хилма хил жараёнларнинг моҳиятига боғлиқ бўла олмайди¹. Зеро вужуди вожибнинг мавжудлиги унинг ўзига боғлиқ. У ягона, абадий моҳият. Унда камчилик ва қусурлар бўлиши мумкин эмас. Вужуди вожиб доимий фаол, унда толиқиш сустлик бўлиши мумкин эмас. Вужуди вожиб вужуди мумкиннинг яратувчиси. Вужуди мумкиннинг ички моҳияти ҳаракат билан боғлиқ. Ибн Синонинг борлиқ ҳақидаги қарашлари кейинги мутафаккирлар ижодига ижобий таъсир кўрсатди.

Тасаввуф таълимотида борлиқ муаммоси. Тасаввуфда орифлар ва ошиқлар ўзларининг поэтик асарларида ва мифологик ғояларида борлиқ ҳақидаги билимларини баён этганлар.

Поэтик онтологияда биринчидан, рамз, мажозлар, қиёс ва ҳ.к. кўп. Иккинчидан, ушбу онтология инсон тафаккурига эмас, кўпроқ туйғуларга йўналган. Айниқса, мусиқа жўрлиги, тасвирий санъат асарларида намоён бўлган, «Аруз» вазнида битилган мақомларда куйланган.

Учинчидан, поэзия қалб фаоллигининг маҳсули ҳисобланади ва у асосан, туйғуларга таъсир этади. Буни англашнинг мантикий тафаккурдан юқори шакли, дейиш мумкин. Шу маънода поэзияни тушуниш учун онгнинг мантикий (назарий) тафаккурдан юқорироқ шакли – интеллектуал интуиция тақозо этилади. Чизиқли (мантикий) тафаккурнинг ёлғиз ўзида эса, на интеллектуал ва на эстетик (ҳиссий) интуиция иштирок этмайди. Шу маънода А.Навоий айтганидек, мажозлар ҳақиқатга анча яқинроқ.

Тўртинчидан, рамзлар, мажозлар ҳаммага ҳам айтилиши мумкин бўлмаган баъзи ғояларни (сирларни) муайян одамларгагина етказиш вазифасини бажарган.

Суфийлар май мажозини ҳар қандай одам эмас, балки фақат Худонинг марҳамати билан у билан алоқага муяссар бўлган муайян (маҳсус) инсонларгина бошдан кечирадиган завқу - шавқ, жазба ҳолатини ифодалаш учун қўллаганлар. Алишер Навоий бу рамзларни қуйидагича тушунтирган:


Сен гумон қилгондин ўзга жоми май мавжуд эрур,

Билмайин нафй (инкор) этма, майхона аҳлин зоҳидо.

Ушбу ғазалдаги онтологик ва гносеологик ғоялар қуйидагича: 1. Қуёшнинг нурлари Худо (моҳият)дан келиб чиқади; 2. Агар инсон дунёвий ташвишлардан кўнглини (диққатини) узиб моҳиятга юзлана олса, унинг қалби ҳам завқдан худди қуёшдай порлаб кетади; 3. Инсон моҳиятан Худога етишади, бирлик (вахдат) завқини туяди.

Тасаввуф прозасида ҳам шу каби рамзлар ишлатилади. Масалан, Ибн Синонинг «Ҳай ибн Яқзон» асарида (қуш – жон – тайр форсча. Семурғ - Худо (моҳият, Ваҳдат) тубан нафс – йиртқич ҳайвон ва билан ифодаланган).

¹ Ибн Сино Трактат о разделении // Классификации существующих вещей//Материалы по истории прогрессивной философии.-М.: 2003. –С. 56



п

Абу Саид Майхоний борлиқнинг моҳияти, яъни Худони шундай таърифлайди:

Жон дилдаги бир суврату (Платон, Аристотелдаги «шакл») маъно (ушбу суръатга маъно бағишлагувчи, яъни структурлаб (тузиш) ўша шаклни олишга таъсир қилган куч) Сенсан.

Мақсиди ҳама дин ила дунё Сенсан,

Ҳам барча учун маъшуқи танҳо Сенсан

Лек кимга ниҳон (яширин), кимга хувайдо (намоён) Сенсан.

Суфий Аҳмад Жомийнинг қуйидаги мисраларида, пантеистик онтология яққол намоён бўлади. Ушбу сатрларда у Худонинг тилидан шундай ёзади:

Мен барча мавжудотларда бўламан пайдо,

Мен одам либосида ҳам бўлдим хувайдо.

Зотим барча ашёларда бўлур намоён,

Бари мену, ўзга нарса бўлмайди пайдо,

Манам дар кулли мавжудот пайдо,

Манам бир қисвати одам хувайдо.

Ба зоҳир зоти дар жумла ошишст,

Манам жусъ ман набошат ҳеч пайдо.

Машраб ғазалида эса онтология қуйидагича тавсифланади:

Бу тани хокийнию руҳи равонни на қилай,

Бўлмаса қошимда жанона, бу жаҳонни на қилай.

Ёрсиз ҳам бодасиз Маккага бормоқ на қилай,

Иброҳимдин қолгон ул эски дўконни на қилай.

Урайинму бошима 8 беҳишту дўзохин,

Бўлмаса ёр васли менга 2 жаҳонни на қилай.

Зарраи нури қуёшдек бу жаҳон ичра тамом,


Ошкора бўлса, бу сирри ниҳонни на қилай.

Аршинг кунгурасин устига қўйдим оёғим,

Ломакондин хабар топдим, бу маконни на қилай.

Ушбу мисраларда жаннат (осмонлар)нинг ва дўзахнинг структураси (8 қаватли) ҳамда Аршнинг маконсизлиги (ломакон) ҳақидаги ғоялар ўрин олган. Зеро, маконсизлик Худонинг зотига тегишли сифат бўлиб, бу сифат материясиз соф моҳиятни билдиради. Тасаввуф мистик поэзиясида Олам (космос) яралишининг илк манзараси жараёни ҳам жуда жонли ифодаланган.

А. Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» достонига эпиграф сифатида кирган ушбу жумлалар Инжилдаги: Азалда Худо Осмон билан Ерни яратади (яралишдан олдин). Ер ҳали шаклсиз (хаос ҳолида) ва бўм – бўш бўлиб, тубсизлик узра қоронғулик (яъни хаос) ҳукм суради. Худонинг руҳи эса, (шу дастлабки яратувчи шабада – насими офариниси эди) сув (хаос) юзида парвоз этади. Худо «ёруғлик бўлсин» (Бўл!), деб амр этди (бу ерда А. Навоий



п поэзиясида динларнинг толерантлиги ҳам кўринади). Зеро, қуръонда ҳам шунга жуда мос ояти карима бор (2:117).

А. Навоийнинг бадий мистик онтологияси «Лисон ут – тайр» асарида ёрқин ифода этилган. Унга бутун оламдаги барча мавжудот бир хил, дастлабки улуғ (моя) ёки жавҳар – илохий субстанциянинг заруратидир. Худо бу мавжудотлардан ташқарида эмас, балки уларнинг ўзида мавжуддир Коинот (космос, олам) унинг миръати (ойнаси, кўзгуси) ва ундаги барча мавжудот Худонинг зуҳурати ботинлик ички, ноайёнлик ҳолатидан аёнлик, ташқи, кўринадиган (сезиладиган) ҳолатга ўтишидир. Асар муқаддимасидаёқ Навоий Худонинг хилларидан бири бўлган инсонни илохийлигини ва уни олам яратилишининг бош мақсади экани ғоясини баён этади.

Жалолиддин Румийнинг “Маснавийлар” асаридаги тасаввуф поэтик онтологиясидан машҳур немис файласуфи Гегел таъсирланиб, ўзининг диалектик таълимотини ишлаб чиққан. Румий «Вахдати Вужуд» тушунчаси орқали Вахдати вужуд концепцияси намоёндалари каби «бирдан – бир мавжуд нарса Оллоҳдир, қолган ҳамма нарсалар унинг нури, шуъласи ва «бу дунё» ҳам ҳақиқат лекин у яширин дунёнинг намоёнлик шаклидир деб ҳисоблайди. Шунинг учун инсон бу дунёга эмас, балки ягона Оллоҳга муҳаббат билан интилиши керак, деб ҳисоблайди. *Бу унинг пантеизми (юнон rap – ҳамма нарса ва theos – Худо) – яъни ҳамма нарса Худо экани ҳақидаги таълимотидир.*

Пантеизмнинг 4 шакли мавжуд:

1. Теомонистик – (Акосмизм); у фақатгина Худо мавжуд, олам мустақил мавжуд эмас, деган ғояга асосланади.


2. Физиомонистик – Худони дунёдан ажратиб, дунё номавжуд, деб ҳисоблайди; (фақат олам, табиат мавжуд ва у Худодир, деб ҳисоблайди, Худонинг мустақил мавжудлигидан воз кечилади.

3. Трансцендент – (мистик); «ҳамма нарса Худода (Худо ичра) мавжуд»лиги ҳақидаги таълимот. Олам Худода мавжуд ва олам Худонинг намоён бўлиши (шаклланиши)дир, деган ғояга асосланади. Бунинг асоси - эманация (неоплатонизм ташкил этган).

4. Имманент – трансцендент; Худо нарса (улар орқали) ўзлигини амалга оширади.

Азизиддин Насафийнинг онтологик қарашлари. Насафий борликни «Зубдат ул – Ҳақойиқ» «Ҳақиқатлар қаймоғи» асарида Олами Кубро (катта, улуғ Олам, юнон фалсафасидаги Макрокосм) ва Олами суғро (Кичик Олам, инсон борлиғи, юнон фалсафасидаги Микрокосм)га ажратади ҳамда улар орасидаги узвийликни кўрсатади. Асарнинг биринчи боби Олами Кубро, (макрокосм, космос) унинг келиб чиқиши, структураси ва бошқа онтологик муаммоларни ёритишга бағишланган.

Насафий фикрича, бизни қуршаган Олам (космос) занг (жавҳар, субстанция) ва сифатларнинг исмларидан иборатдир (субстанция ва акциденция). Олам Олами ғайб (яширин олам), ва Олами шухуд (шоҳидлик, яъни кўринувчи олам)дан ташкил топган. Ҳар икки олам микдорий ва умумий (яхлит) маъноларда турли номларда тилга олинади. Масалан,



п
ҳолиқият (яралмишлар) олами ва амр (яратувчи) олами, мулк (моддият) олами ва малакут (фаришталар) олами, жисм олами ва руҳ (жон) олами, ҳис - туйғулар олами ва шуур (фикрлар, тафаккур) олами (минталитет), нур ва соя (зулмат) олами ва ҳ.к. Бу номлар шу икки олам – яширин (кўринмас, ғайб) олами билан кўринувчи (сезилувчи, шухуд) оламнинг турлича номларидир.

Индивидуал инсон эса, кичик Оламдир. Ва аксинча, инсон кичик олам бўлса, инсонга нисбатан катта олам Улуғ (Катта) инсон, деб ҳам қаралади.

Насафийнинг бу асаарида Улуғ Олам (Олами Кубро) кичик Олам (Олами Суғро) Улуғ одам (ёки инсон) ва кичик инсон (инсони суғро) (катта ва кичик) оламлар биргаликда ўрганилиши, ҳатто синоним тушунчалар билан ифодаланади. Чунки, кичик олам катта оламнинг кичрайтириб олинган нусхаси (микромодели)дир. Инсон ҳар икки (ғайб ва шухуд) оламнинг нусхаси, тимсолидир. Зеро, Улуғ Оламда (космосда) барча нарсалар мавжуддир. Шунинг учун ҳам Улуғ Оламни (унинг зоҳири ботинини, моҳияту хилларини) идрок этмоқ учун инсон ўз моҳиятини, ўз зоҳиру ботинини англаб етиши керак. Демак, нарса – ҳодисаларни билмоқчи бўлган инсон ўзини билиши керак.


Ҳар икки оламнинг бошланғич нуқтаси ҳам бир хил субстанциядан иборат. Ҳар икки оламда нимаики пайдо бўлса, у ўша субстанцияда мавжуддир.

Бундан ташқари, А. Насафий азалий, абадий ва ноазалий, ноабдий вужудларни бир – биридан ажратувчи шариат аҳли фикрини ҳам ўрганайди. Азалий ва абадий вужуд - Худодир. У Вужуди қадим, деб ҳам аталади. Бошланиши бор бўлган (ноазалий) вужуднинг эса, охири ҳам албатта бор бўлади, у Вужуди ҳадис ёки фоний (йўқ бўлувчи, ўткинчи) вужуд, дейилади. Худодан бошқа ҳамма нарса Вужуди ҳадисдир.

Шундай қилиб (ҳақиқий борлик) Вужуд ягонадир (Ваҳдат) ва у Худонинг вужудидир. Борликда Худо вужудидан бошқа вужуд йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Шу ягона вужуднинг ботини (кўринмас аспекти, томони) нурдир ва Олам жонидир ҳамда бу нур ўзини дарчалар (айрим нарсалар) орқали зоҳирга, яъни ўзини моддий борликқа айлантиради, у ўзи айтиб, ўзи эшитувчи, ўзи бериб, ўзи олувчи, ўзи тасдиқлаб, ўзи инкор этувчидир.

Насафий онтологияси соф Ваҳдат нималигини тушунишдан бошланади. Борликнинг моҳияти бўлган соф (мусаффо) Ваҳдат (бирлик), унинг фикрича, жисм ва руҳнинг манбаидир, у китоб ва каломнинг ҳам боши, малакут (фаришталар) ва мулк (моддият) оламларининг асоси, бутун борлик ва одамнинг манбаидир. У суфизмда жабарут, деб аталади (Жабарут – араб тилида «Буюклик», улуғлик деган маъноларни билдиради). Мулк ва малакутда бир жамиъ нарсалар Жабарутда (тезис ҳолида) мавжуд, деб кўрсатилади (бу Аристотелнинг «имконият» категориясида ёки потенцияда ўз ифодасини топган эди). Хуллас шарқда онтология масаласи Худо борлиғи билан боғлиқ ҳолда ўрганилади.

Янги даврда борлик масаласи. *Янги даврда борликнинг моҳияти Худонинг ишларига эмас, балки табиат қонунларига боғланади. Табиат*



п
борлиқнинг бутун яширин маъносини қамраб олади, шу сабабли у билан мулоқот қилиш, унинг табиийлик даражасини синаб кўриш муҳимдир. Табиатни ўрганувчи фанлар биринчи даражали аҳамият касб этади. Юзага келаётган иқтисодий шароит таъсирида ташаббускорлик, фаоллик ва омилкорликнинг ривожланиши индивидуализмга асосланган антропоцентристик дунёқарашни шакллантиради.

Б. Спиноза (1632-1677) дунё ҳақидаги *монистик таълимот*ни яратди. Унинг монизми пантеизм кўринишида намоён бўлади: Бенедик Спиноза ўз онтологиясида Худо ва табиатни айнийлаштиради, бунда Худо яратувчи табиат ва яратилган табиат сифатида амал қилади. Айни вақтда Б.Спиноза биргина моддий субстанция мавжуд бўлиб, унинг асосий атрибутлари кўламлилиқ ва фикрлашдир, деган ғояни илгари суради. Шундай қилиб, бутун табиат у Худо бўлгани учунгина эмас, балки унга фикрлаш хос бўлгани учун ҳам жонли ҳисобланади. Спиноза бутун табиатни жонлантириб, шу тариқа гилозоист-файласуф сифатида ҳам намоён бўлади.

XVII-XVIII асрларнинг материалист файласуфлари борлиқ тушунчасини физик борлиқ билан боғлайди. Бу файласуфларнинг натуралистик қарашлари механиканинг фаол ривожланиши билан белгиланган ва уларнинг табиат ҳақидаги табиий-илмий тасаввурларини акс эттирган. Бундан борлиқни «натураллаштириш» ғояси келиб чиққан. Мазкур талқин *француз материалист файласуфлари* Гольбах, Гельвеций, Ламетри дунёқарашда айниқса бўртиб кўринади.

Жюльен Офрэ де Ламетри (1709-1751) моддий дунё «ўз ҳолича мавжуд» эканлигига, унинг боши ҳам, охири ҳам йўқлигига ишончи комил бўлган. Ламетри материализми Эпикурнинг атомистик материализми, Спинозанинг материалистик таълимоти ва Ж.Локк сенсуализми таъсирида вужудга келган. Ламетри жонни ақл фаолияти функцияси ва кўриниши деб ҳисоблаган ва Декартнинг умрбоқий номоддий жон ҳақидаги ғояси асосиз эканлигини исботлашга ҳаракат қилган.

Дени Дидро борлиқ муаммоларини ўрганиш соҳасига диалектикани татбиқ этади. Унинг фикрича, бутун материя ҳис қилади (бу гилозоизм нуқтаи назари). Аммо у «инерт ҳиссийлик» ва «фаол ҳиссийлик»ни фарқ қилади. «Фаол ҳиссийлик» муайян тарзда уюшган материядагина намоён бўлади.

Немис классик фалсафаси «субстанция» (дунёни тушуниш замирида ётувчи, нисбатан барқарор ва мустақил ҳолда мавжуд моҳият), «мутлак «Мен»нинг эркин, соф фаолияти» (Фихте), «объектив ривожланувчи ғоя» (Гегель) каби фалсафий категорияларни қайд этиб, борлиқ муаммолари талқинига янада теранроқ мазмун бахш этди.

Жумладан Гегелнинг «Рух феноменологияси» асари фалсафий тизимга ўзига хос дебочадир. Бу асарда Гегель инсон онги турли даражалари ривожланишининг изчил қаторини таҳлил қилади.

Гегель тизимининг биринчи ва муҳим қисми – «Мантик» «Рух феноменологияси»нинг якуни ва хулосасидир. Бу субъект ва объектга қадар мавжуд бўлган «соф фикр» соҳасидир. Мантиқда унинг ўзи ва мантик



п
шаклларида ташқари ҳеч қандай эмпирик мазмун мавжуд эмас. Мантиқ тарих ва табиатдан олдин пайдо бўлган. Мантиқ уларни яратган.


Мантиқ уч қисмга: борлик, моҳият ва тушунча ҳақидаги таълимотга бўлинади. Борлик ва моҳият тушунча ўзини тўлиқ намоён этгунга қадар «кўтариладиган» пиллаполяр сифатида қаралади. «Мантиқ»да мутлақ ғоянинг ривожланиши мавҳум мантикий категориялар кўринишида юз беради. Унинг таянч нуқтаси – борлик ҳақидаги соф мавҳум фикр. Дастлаб мазмунсиз бўлган бу «соф борлик» тушунчаси «нимадир» орқали ўз мазмунини касб этишга ҳаракат қилади. Бу «нимадир», ўз навбатида, «муайян борлик»дир. Гегель фикрига кўра, мутлақ ғоянинг вужудга келиш жараёни айна шу тариқа бошланади. «Муайян борлик» кейинги босқичда «қандайдир муайян борлик» сифатида амал қилади ёки сифат касб этади. Сифат категорияси миқдор категорияси билан бирга ривожланади. Сифатли миқдор ёки миқдорий сифат эса ўлчов ҳисобланади. Борлик ҳақидаги таълимотда Гегель диалектика қонунларидан бири: миқдордан сифатга ва сифатдан миқдорга ўтиш, ривожланиш жараёнлари сакраш тарзида юз беришини асослашга ҳаракат қилади.

Ҳодиса сифатида тушуниладиган борликдан Гегель янада теранроқ, ички қонуниятларга – моҳиятга ўтади. Бу қисмда Гегель қарама-қаршиликларнинг бир-бирига ўтиши, уларнинг бирлиги, айният ва кураш тўғрисидаги қонунни таҳлил қилади. Гегель фикрига кўра, зиддият – бу қарама-қаршиликларнинг ўзаро нисбатидир. Улар бир-бирисиз мавжуд бўлмайди, лекин турли йўлдан ривожланади ва бу улар ўртасидаги муносабатларнинг кескинлашувига сабаб бўлади. Зиддиятни ечиш ёки унга чек қўйиш талаб этилади. Гегель зиддиятни асос ва оқибатнинг, шакл ва мазмуннинг, ҳодиса ва моҳиятнинг, имконият ва воқеликнинг, тасодиф ва заруриятнинг ўзаро нисбатида кўради. Зиддият ҳақидаги таълимотни ривожлантирар экан, Гегель ичдан зарур бўлган, ҳар қандай ўзгариш ва ривожланишнинг манбаи саналган «ўз-ўзидан ҳаракат» ҳақида хулоса чиқаради.

XX асрда борликқа муносабат. *XX аср борлиқни тушунишни тарихийлик, инсоннинг мавжудлиги, қадриятлар ва тил билан боғлаб, унинг талқинини кенгайттирди.* Неопозитивизм фалсафий йўналиши эса, аввалги онтология фалсафанинг эмас, балки айрим фанларнинг предмети деб ҳисоблаб, фалсафадаги борлик муаммосини сохта муаммо сифатида талқин қилди.

Борлик моҳиятини тушуниб етишда энг янги қарашнинг ўзагини инсоннинг ижтимоий ижоди ташкил этади. Бунда борлик ҳаёт фаолияти жараёни сифатида тушунилади. Фан-техника таракқиётининг суръатлари тобора жадаллашиб бораётган ҳозирги шароитда мазкур дунёқараш кўпинча технократик дунёқараш деб аталади.

XX асрда Борлик– дунё миқёсидаги тартибсизлик, абсурд ва интиҳо асри - бунёд этган янги постмодернистик шаклини эълон қилган постмодерн инстинкт, бошбошдоқлик, ва юриш-туришларнинг ранг-баранглиги, спонтанлик ҳамда тартибсизлик томон юз тутган. Санъат ва борлик



п

орасидаги масофа тобора қисқариб, мутлақо йўқолиш даражасига яқинлашган. Кўчадаги нарсалар бадиий асарлар аҳамиятини касб этган. Постмодерн ҳаётдаги ҳақиқий қарама-қаршиликлардан келиб чиқишга ҳаракат қилиб, борлиқдан «нусха» кўчирган ва «ўз тартиби»ни таклиф қилган. Одатдаги нарсаларнинг оддий алоқаларини нейтраллаштириб, уларни образли-бадиий дунёқараш мақомига даъвогар бўлган янги маънолар тизимига киритишга интилиш ижоднинг моҳиятига айланган.

Ноклассик борлиқ. Ноклассик фалсафа дунёнинг ақлга мувофиқлиги, шунингдек инсон онгининг мустақиллигига шубҳа билдирди. Позитивистлар умуман онтологияни яратишдан бош тортдилар. Иррационализм, марксизм ва экзистенциализмда онтологик концепциялар ҳаёт, жамият ва инсон тушунчаларини ривожлантирилди, улар борлиқнинг ноёб ва ўзига хос усуллари сифатида тавсифланди.

Борлиқ ва ҳаёт: борлиқнинг иррационалистик концепцияси. Фалсафий иррационализм асосчиси А.Шопенгауэр оламнинг ақлга мувофиқлиги ҳақидаги тезисга шубҳа кўзи билан қарайди. Унинг фикрича, борлиқнинг ўзи эмас, балки бизнинг у ҳақдаги тасаввуримиз ақлга мувофиқдир, зеро тасаввур – бу инсон ақлининг маҳсулидир. Аммо тасаввур – бу ҳодиса, моҳият даражасида эса дунёни ақлий идрок этиш мумкин эмас. Шопенгауэр ўзининг «Дунё интилиш ва тасаввур сифатида» деб номланган бош фалсафий асарида дунёнинг борлигини икки таркибий қисмга – «яшашга интилиш сифатидаги дунё» ва «инсон тасаввури сифатидаги дунё»га ажратади. Унинг фикрича, яшашга интилиш ҳақиқий борлиқдир. Яшашга интилиш кўр-кўрона ва нооқилонадир, зеро унинг асосий нияти – ўз-ўзини асрашдир. Ўз-ўзини асраш инстинкти – бутун тирикликнинг табиий хоссасидир. Аммо Шопенгауэр романтикларга эргашиб, яшашга интилиш дунёнинг барча нарсаларига ва умуман дунёнинг ўзига хосдир, деб ҳисоблайди. Дунё ҳақидаги бундай мифопоэтик тасаввур ҳаётда яна таърифлар ва тушунчалар тилида ифодалаб бўлмайдиган ўзига хос табиий стихияни кўриш имкониятини беради.

Фан дунёни умумий қонунлар ва назариялар ёрдамида англаб етишга ҳаракат қилади. Аммо ҳаёт ҳар доим бетакрор бўлиб, уни таърифлар ёрдамида ифодалаш мумкин эмас. Унинг ҳаёт фаолияти маҳсулларидаги моддий ифодаларинигина ўрганиш мумкин. Бу энг аввало ижодга тегишли, креатив фаолиятнинг барча турларидан интилишга энг яқини эса мусикадир (интилишнинг биринчи моддий ифодаси). Сўзлар ва образлар ҳаётга интилишнинг изларини маълум даражада кўздан яширади.

Фридрих Ницше (1844-1900 – немис файласуфи, иррационализм вакили, ҳаёт фалсафаси асосчиси. Асосий асарлари: «Мусиқа руҳидан фожианинг туғилиши», «Инсоний, ўта инсоний», «Зардўшт таваллоси», «Қувноқ фан», «Яхшилик ва ёмонликнинг нариги томонида», «Ҳамма учун ва ҳеч ким учун», «Ҳокимиятга интилиш», «Антихрист» ва б.)

Шопенгауэрнинг издоши Ф.Ницше ҳаётга интилишнинг моҳияти ҳокимиятга интилишда намоён бўлади, деб ҳисоблайди. Аммо бу нуқтаи назар ҳақиқий борлиқнинг англаб етиш мумкин бўлмаган ҳодиса сифатидаги



п талқинига дахл этмайди. Ницше инсонда энг аввало ўз ҳаёти учун курашиши лозим бўлган биологик мавжудотни кўради. Инсон ўз ҳаёт кучлари ва инстинктларини ахлоқий тақиқлар ва жамият меъёрлари ҳукмига бўйсундириш йўли билан курашдан бўйин товламаслиги керак. Ахлоқ инсонни ўртача андозаларга яқинлаштиради ва унинг қайта туғилишига сабаб бўлади: инсон хавфсизлик ҳиссини сақлаш йўлида тўлақонли, лекин хавфли ҳаётдан воз кечади. Бундай қайта туғилишнинг йўлларида бири – Исо Масихнинг диний ахлоқи, иккинчи йўл – Сукротнинг рационалистик ахлоқи. Иккала таълимот ҳам нариги дунё ғоясига асосланади, уларнинг иккаласи ҳам реал ҳаётнинг қимматини камситишга қаратилган.

Фридрих Ницше борлиқнинг икки асоси: дионисийча (ҳаётий) асос ва аполлонча (бир ёқлама-интеллектуал) асосни ажратган ва ҳақиқий маданият бу асосларни мувозанатга солишга ҳаракат қилиши лозим, деб ҳисоблаган. Европа маданияти мазкур идеални рўёбга чиқара олмади ва инсон борлиқ деганда стихияли шаклланишни эмас, балки тартибга солинганликни тушуниб, ўз мавжудлигининг асосий негизларидан узоқлаша бошлади. Ваҳоланки, ҳаёт абадий ҳаракат ва шаклланишдан иборатдир.

Ҳаётнинг мазмун ва моҳияти ҳокимиятга интилишда намоён бўлади. Бундай интилиш бутун тирикликка хосдир. Унга интеллектнинг ҳукмронлиги, ўз яқинига муҳаббатни тарғиб қилувчи ахлоқ ва тенгликни эълон қилувчи социализм монелик қилади. Буларнинг барчаси қуллар ахлоқини ташкил этади. Тўралар ахлоқи эса ҳаётнинг қиммати, одамлар ўртасидаги тенгсизлик ҳамда кучнинг ҳукмронлигига асосланиши лозим. Ницше «Худо ўлди» деган тезисни илгари суради. Ушбу тезис янгича ахлоқни шакллантириш зарурлигини англатади.

Тўралар ахлоқининг субъекти сифатида ўта қудратли инсон амал қилади. У олий биологик тур ҳисобланади. Одам маймундан қандай тарқалган бўлса, ўта қудратли инсон ҳам одамдан шундай тарқалади. У тайёр тур сифатидаги инсон табиатига хос бўлган жиҳатларни ўзидан соқит этади. Ўта қудратли инсон ҳаётни кураш сифатида идрок этишга ва ўзини тинимсиз ўзгартириш йўлида ҳаракат қилишга қодир.

Ўта қудратли инсон ғоясига «абадий қайтиш» концепцияси қарши туради. Ницше фикрига кўра, воқеаларнинг эҳтимол тutilган комбинациялари сони чекланган, вақт эса чексиздир, шу сабабли барча воқеалар такрорланиши лозим. Умуман олганда, Ницшенинг фалсафий тизими ўзининг зиддиятларга тўлалиги билан ажралиб туради, шу туфайли ҳам у турлича тушунилади ва талқин қилинади.

Ницше фалсафаси XX аср фалсафасининг турли йўналишлари: ҳаёт фалсафаси, прагматизм ва экзистенциализмга улкан таъсир кўрсатди.

Борлиқ ва жамият: борлиқнинг тарихий-материалистик концепцияси. XIX асрда ижтимоий борлиқ ҳақидаги таълимот тарихий материализм деб номлаган. Унга кўра, ижтимоий борлиқ индивиднинг борлигига нисбатан ҳам, ижтимоий онга нисбатан ҳам бирламчидир. Бу эса, жамиятга физик борлиққа ўхшаш борлиқ сифатида қарашидир. Айни шу сабабли жамият ҳам табиат қонунларига ўхшаш аниқ ва шубҳасиз қонунларга бўйсунishiга унинг




п ишончи комил бўлган. Ижтимоий борлиқ - бу моддий борлиқ. у индивидларнинг ишлаб чиқариш-хўжалик фаолияти билан белгиланади. Ижтимоий борлиқ қонунлари унинг тарихий ривожланиш жараёнида намоён бўлади. Жамият тарихини ижтимоий-иқтисодий тузумлар: ибтидоий жамоа, қулдорлик, капитализм ва коммунизмнинг тадрижий ва қонуний кетма-кетлиги сифатида талқин қилган. Унга кўра, ҳар бир тузум ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатларини ўз ичига олган тегишли ишлаб чиқариш усули билан белгиланади.

Ишлаб чиқариш кучлари (базис) – бу ўзини ўзи ривожлантириш ва ўз-ўзидан мураккаблашишга қодир бўлган ўзига хос борлиқ. Материалистик эволюционизм таълимотларида материя, Спинозанинг «яратувчи табиати» каби, мустақил ривожланиш қобилиятига эга, моддий ишлаб чиқариш эса моддий борлиқнинг энг мураккаб даражаси ҳисобланади. Бу ерда материя, моддий борлиқ, шу жумладан моддий ишлаб чиқариш ижтимоий организмга ўхшатилади ва унга ҳаёт аломатлари татбиқ этилади.

Ишлаб чиқариш муносабатлари (базиснинг устқурмаси) формал борлиқ соҳасига киради. Аммо шакл тадрижий ривожланишга қодир эмас, у фақат ўзгариш жараёнида бошқа шакл билан алмаштирилиши мумкин. Шу сабабли ишлаб чиқариш муносабатларининг алмашуви «инқилобий сакрашлар» тарзида кечади. Бу сакрашлар ишлаб чиқариш кучлари билан мувофиқ келиши ҳам (бу ҳол формацион ўсиш даврида кузатилади), уларнинг ривожланишига тўсқинлик қилиши ҳам мумкин. Сўнгги зикр этилган ҳолат ишлаб чиқариш муносабатларининг янги ишлаб чиқариш кучларига мувофиқ келувчи янада баркамолроқ шаклига инқилобий йўл билан ўтилишига олиб келади. Бунда янги ишлаб чиқариш кучлари эскиларидан мустақил ўсиб етилади. Масалан, феодал тузумда капиталистик ишлаб чиқариш кучлари мустақил ўсиб етилган ва эски ишлаб чиқариш муносабатлари билан тўқнашиб, буржуа инқилоби жараёнида янги – капиталистик ишлаб чиқариш муносабатларига эга бўлган. Улар ишлаб чиқаришнинг капиталистик усули ва ишлаб чиқариш воситаларига бўлган мулкдорликнинг капиталистик шаклига мувофиқ келувчи янги қонунлар, янги ҳуқуқ, янги ахлоқ ва янгича дунёқарашни ўз ичига олади. Тарихий таракқиёт жараёнида борлиқни материалистик тушуниш концепцияси ўзини оқламади.

Борлиқ ва инсон: борлиқнинг экзистенциал-герменевтик концепцияси. Экзистенциалистлар мушоҳада юритиш орқали англаб етиш мумкин бўлган моҳият (эссенция)ни амалда мавжудлик (экзистенция)га қарши қўядилар. Улар борлиқнинг мазмуни тўғрисидаги масалага қайтиш лозимлигини уқтирадилар. Лўнда қилиб айтганда, борлиқнинг оқилона тавсифи унинг асл мазмунини ёритиб беришга қодир эмас. Бундай мазмун ҳаёт тажрибасида, яъни «шу ерда-борлиқ» ёки мавжудлик орқали намоён бўлади. Герменевтика борлиқ схемаси ёки формуласини аниқлашга эмас, балки унинг мазмуни тагига етишга қаратилган. Фалсафий муаммо сифатидаги борлиқнинг мазмуни инсонни ўз мавжудлигининг пировардчилиги ва тасодифийлигини англаш натижасида юз берган шокдан халос этиши лозим. Бир сўз билан



п
айтганда, бу ерда аристотелча аналитикага хайдеггерча герменевтика қарши қўйилади.

Борлиқ герменевтикаси оқилона-схематик ёки метафизик билимга ишончсизлик кўзи билан қарашга асосланади. Фалсафа тарихида герменевтиканинг айрим тарафдорлари: а) мистик; б) эстетик; в) интуитив; г) иррационал нарсалар ва ҳодисаларга қараб мўлжал оладилар. Дунёни англаб етиш мазкур усулининг акс садолари Пифагор (осмон мусикасига қулоқ солиш), Платон (ғоялар хусусида мушоҳада юритиш), Тертуллиан (абсурд орқали ҳақиқатнинг тагига етиш), Паскаль (ақл ҳақиқатларига юрак ҳақиқатини қарши қўйиш), романтиклар, Кьеркегор, Шопенгауэр ва Ницше методида мавжуд.

Борлиқ ва мавжудлик. Борлиқ ва мавжудликни онтологик ажратиш Хайдеггер лойиҳасининг таянч нуқтаси ҳисобланади. Бу лойиҳани ишлаб чиқиш билан у асосан «Борлиқ ва вақт», «Феноменологиянинг асосий муаммолари» асарларида шуғулланади. Хайдеггер фикрича, борлиқ, албатта, мавжудликнинг борлиғи, лекин борлиқ мавжудликдан келиб чиқадиган йўқлик эмас, яъни у мавжудлик ҳисобланмайди. Бу ерда Хайдеггер Кантнинг борлиқ предикат эмас, деган фикрига қайтади. Аммо бу ҳолда борлиқ нима? Кенг тарқалган тасаввурга кўра, мавжуд нарсаларнинг барчаси айни бир борлиқ усули – мавжудлик билан тавсифланади. Шунга мувофиқ табиат ва руҳ (ғоя ва нарса, *res cogitans* ва *res extensia*) фарқланади. Аммо бу фарқлаш борлиқнинг усуллари ўртасидаги фарқни ифодалашга қодир эмас. У фақат мавжуд нарсанинг моҳиятини белгиловчи унсурлар ўртасидаги фарқни акс эттиради.

Хайдеггер фикрига кўра, борлиқ усуллари ажратишнинг ҳақиқий йўли борлиқнинг моҳияти (*essentia*) ва усулининг бир-бирига мансублигини моҳият ва усулнинг борлиқ ғоясига мансублиги нуқтаи назаридан таҳлил қилишга асосланади. *Хайдеггер борлиқнинг олти усули: экзистенция, биргаликда мавжудлик, қўл остидалик, ҳозирлик, ҳаёт ва барқарорликни фарқлайди.* Бу усулларнинг барчаси бир-биридан шу даражада фарқ қиладики, «борлиқ» тушунчасининг ягоналигини шубҳа остида қолдиради. Бу ерда мавжудлик тўғрисидаги масала Хайдеггер қаршисида энг муҳим масалалардан бири сифатида кўндаланг бўлади.

Мавжудлик тушунчасининг таҳлили унинг «ҳозирлик», «дунё» ва «қўл остидалик» тушунчалари воситасида ифодаланувчи феноменлар билан онтологик ўзаро алоқасини қайд этишдан бошланади. Бунда мавжудликни борлиқ турларидан бири сифатида тушуниш мумкин эмаслиги, мавжудлик муаммосини, «унинг шартлари ва чегарасини» атрофлича ўрганиш зарурлиги таъкидланади.

Файласуфлар ҳатто мавжудлик тўғрисидаги масалани қўйиш усулида ҳам аниқ бир тўхтамага келганлари йўқ. Бу хусусда Хайдеггер мазкур сарлавҳа остида мазмунан ҳар хил бўлган масалаларни, чунончи: «онга нисбатан трансцендент» бўлган нарса мавжудми, ташқи дунёнинг мавжудлигини исботлаш мумкинми, мавжудликни англаб етиш мумкинми



п
кабилидаги масалаларни ва ниҳоят, мавжудликнинг мазмуни тўғрисидаги масалани аралаштириш одат тусини олганини таъкидлайди.

Юқорида зикр этилган ҳар хил, лекин ўзаро боғланган масалалар ҳайдеггерча талқинининг хусусияти мавжудлик муаммосини у уч қисмга ажратишида ойдинлаштиради: а) борлиқ ҳамда «ташқи дунё»ни исбот қилиш мумкинлиги муаммоси сифатидаги мавжудлик; б) онтологик муаммо сифатидаги мавжудлик; в) мавжудлик ва таважжух.

Биринчи муаммони таҳлил қилар экан, Хайдеггер ташқи дунёнинг мавжудлиги ёки уни исботлаш тўғрисидаги масала бир вақтнинг ўзида маъносиз ва икки маъноли эканлигини қайд этади. Масаланинг маъносизлиги шу билан изоҳланадики, мазкур масала дунёда борлиқ сифатида мавжудлик билан қўйилган. Масаланинг икки маънолилиги, Хайдеггер фикрига кўра, бир-биридан фарқ қиладиган икки нарса: нимададир борлиқ сифатидаги дунё ва ички мавжудлик сифатидаги «дунё»нинг аралашуви туфайли келиб чиқади. Ташқи дунёнинг мавжудлиги тўғрисидаги масала бу ерда дунё феноменига ойдинлик киритмасдан қўйилади. Бунинг оқибатида амалда исботланаётган нарса ёки ходисанинг исботлаш усули ва исботлашнинг эълон қилинаётган мақсади билан аралашуви юз беради.

Шундай қилиб, Кант фалсафадаги жанжал деб номлаган масала – ташқи дунё мавжудлигининг далил-исботлари йўқлиги Хайдеггерга муаммони нотўғри қўйиш бўлиб туюлади. У бундай исботлашни амалга оширишни кўзлаган шахсларнинг шу ерда ҳозирлигининг ўзиниёқ мавжудликнинг исботи деб ҳисоблайди. Ҳатто дунёнинг мавжудлигига ишониш лозимлигини таъкидловчилар ҳам, Хайдеггер фикрига кўра, адашадилар, зеро улар бундай далил-исботлар идеалда мавжуд бўлиши лозимлигини тасдиқлайдилар.

Мур ва Хайдеггер нуқтаи назарлари ўртасида муайян ўхшашлик мавжуд. Уларнинг иккаласи ҳам бу сохта муаммони ўзидан соқит этишга ҳаракат қиладди. Бунда улар шу тариқа барча антиреалистларни кучли далилдан маҳрум этишга умид қиладилар. Улар мазкур масаланинг қўйилишининг ўзиёқ мантиқсиз эканлигини таъкидлайдилар.

Уларнинг асосий фарқи шундаки, Хайдеггер баҳслашиш учун асослар мавжуд эмас деб ҳисоблайди. У реалистларнинг нуқтаи назарини ҳам, идеалистларнинг қарашларини ҳам қаттиқ танқид қиладди. Реалистларнинг қарашларида у «онтологик тушунарсизлик»ка, яъни мавжудликни онтологик (борлиқнинг тартиби орқали эмас, балки мавжудликнинг тартиби орқали) тушунтириш ниятига эътиборни қаратади. Идеалистларни улар ўзларининг борлиқ ҳақидаги тасаввурларини мавжудлик орқали тушунтиришга ҳаракат қилганлари учун айблайди. Идеалистлар борлиқни мавжудлик орқали тушунтириш мумкин эмаслигини англамайдилар. Шунингдек идеалистлар мавжудликнинг идеал борлиғи ҳақидаги тасаввурдан келиб чиқадиган оқибатларни, хусусан онгнинг борлиғи ҳақидаги масалани эътибордан соқит этадилар.

Буларнинг барчаси Хайдеггер мавжудлик муаммосини онтологик таҳлил қилиш зарур, деган хулосага келишига сабаб бўлади. У ҳатто бунинг



п

учун мавжудликни англаб етишнинг «пойдеворлари ва уфклари»ни ёритувчи махсус экзистенциал-онтологик концептуал базани таърифлайди. Унинг ёрдамида немис мутафаккири куйидаги дискурсив схемани тузади. Мавжудлик дунёда борлик демакдир, дунёда борлик эса дунё феноменининг ўзига асосланади. Мазкур феномен дунёда-борликнинг таркибига киради, дунёда-борлик эса борликнинг яхлитлигидан таважжуҳ ёрдамида мустақкам ўрин олади.

Келтирилган схема, Хайдеггер ижодининг бошқа намуналари каби, у илмий муомалага киритган атамаларнинг маъноси хусусида бир қанча саволлар туғилишига сабаб бўлади. Масалан, «таважжуҳ» ўзи нима? Яқиндагина фалсафий категорияга айлантирилган бу нометафизик сўз «мавжудлик», «объектив борлик» ёки «физик борлик» тушунчалари қаторида мутлақо ноўриндек бўлиб туюлади. Аммо Хайдеггер таважжуҳ феноменини борликнинг мазмунини англаб етишга элтувчи йўллардан бирига айлантиради. Хайдеггер Янги даврда фақат психологик ёки ҳатто биологик жиҳатдан талқин қилинган нарсалар ва ҳодисаларни метафизик нуқтаи назардан талқин қилишга уринганини эсласак, унинг нияти ойдинлашгандек бўлади. Бу ерда мавжудликка энг аввало қаршилик кўрсатиш, субъектнинг ички интилишлари рўёбга чиқишига монелик қилишга қодир бўлган юзаки феномен сифатида ёндашган Дильтей ва Шелернинг таъсирини ҳам эътиборга олиш лозим. Хайдеггер мавжудликнинг волонтаристик концепцияси доирасини кенгайтиришга ва уни ҳозирликнинг таҳлили руҳида ўзгартиришга ҳаракат қилади. Дарҳақиқат, интилиш воқелик билан ўзаро таъсирга киришиш жараёнида қаршиликка дуч келади, лекин мавжудлик ва ҳозирликнинг муносабати қаршилик феномени билангина чекланмайди, қаршилик кўрсатиш қобилияти – мавжудликнинг хусусиятларидан бири. *«Мавжудликни англаш»нинг ўзи ҳам дунёда борликнинг муайян усулидир.*

Хайдеггер мавжудлик «нарсанинг соф мавжудлиги» маъносида эмас, балки борлик усули сифатидаги мавжудлик маъносида тушуниладиган бўлса, мавжудликнинг модуслари сифатида қўл остидалик ва ҳозирлик амал қилади, деб ҳисоблайди. Шундай қилиб, айнан таважжуҳ феномени мавжудликни категория сифатида аниқлаш омили ҳисобланади. Демак, борлик сифатидаги мавжудлик реаллик ёки субстанциялилиқ асосида англаб етилиши мумкин эмас, деган хулосага келади Хайдеггер.

Шуни қайд этиш лозимки, Хайдеггернинг мавжудлик хусусидаги мулоҳазалари мазкур муаммога доир фалсафий баҳс-мунозаралардан четда туради. Бу ҳол Хайдеггер баҳслашувчи тарафларни енгилшга муваффақ бўлгани билан эмас, балки унинг фалсафаси аксарият масалалар ва тушунчалар юзасидан мулоқот учун замин яратмаслиги билан изоҳланади. Фундаментал онтология ё тўлалигича қабул қилинади, ё бутунлай рад этилади. Хайдеггернинг ноортодоксал издошларидан бири Ж.Деррида унинг руҳ ҳақидаги мулоҳазаларини бир вақтнинг ўзида ҳам аксиоматик, ҳам



п
аксиологик, ҳам аксио-поэтик деб тавсифлайди¹. Хайдеггернинг бутун фалсафаси ҳақида ҳам айтиш мумкин.

Хайдеггер Гуссерлнинг феноменологик методини ўзлаштиради, лекин уни борлиқ муаммоларининг таҳлилига татбиқ этади. Ҳозирги дунёда инсон борлиқ ҳақидаги тасаввурни деярли йўқотган. Ҳозирги ҳаёт моддий нарсаларнинг мавҳум, мантикий тилида гапиради, шу сабабли ҳақиқий борлиқни фақат инсоннинг мавжудлиги (Dasein) орқали тасаввур қилиш мумкин. Инсон ҳаёти ҳаётнинг бошқа шаклларида бутунлай фарқ қилади, чунки ўзини ўзи билиш ва борлиқ ҳақида мулоҳаза юритишга қодир. Инсон ҳақиқий ёки ҳақиқий бўлмаган мавжудликни танлаши мумкин.

«Борлиқ ва вақт» асарида Хайдеггер инсоннинг мавжудлигини таҳлил қилади ва унга борлиқнинг ўзини тушунишга элтувчи йўл сифатида ёндашади. Мавжудликнинг инсоний усули биз ўз ҳаётимизни амалга оширувчи кўп сонли йўллари англатади. Инсон дунёда мавжуд бўлади, у билан тўқнашади ва кундалик мавжудлик шароитларига мослашиши ва унга кўникма ҳосил қилиши мумкин. Бундай инсон ўз моҳиятидан узоқлашган ва ҳақиқий бўлмаган ҳаёт кечирувчи «аноним мавжудот» ҳисобланади.

Инсон борлигининг асосий тавсифи сифатида «таважжуҳ» амал қилади. Инсон дунёга ташланган, бинобарин, унда иштирок этади ва манфаатдор ҳисобланади. У ўзи ҳақида ва унинг бу дунёдаги ҳаётини белгиловчи барча нарсалар ҳақида қайғуриши (улар учун масъул бўлиши) лозим. Хайдеггер фикрига кўра, одамзот жамоа ҳаётининг «анонимлиги» ортига яшириниб, эркинлик ва масъулиятни идрок этишдан доим ўзини олиб қочади. Таважжуҳ билан «безовталиқ» ва «кўркув» узвий боғлиқ. Улар инсон ўзини ўзи танлаши мумкинлигини тушунганида намоён бўлади.

Инсон мавжудлиги (Dasein)нинг моҳияти сифатида экзистенция – очиклик, ўзгача нарсаларга интилиш амал қилади. У йўқликка (ўлимга) интилади ва ўзининг бетакрорлигини даҳшат орқали англаб этади. Инсон айнан борлиқнинг мантиқсизлигидан даҳшатга тушиш орқали ўзининг ҳақиқий борлигини тушуниб этади. Ҳамонки инсон ўзини ўлим даҳшати орқали англаб етар экан, муваққатлик инсон мавжудлигининг бош хоссаларидан бири ҳисобланади. Мавжудликнинг муваққат тузилиши ўзликни англаш ва ҳаракатнинг бош омилидир.

Хайдеггер ўз ижодий фаолиятининг сўнгги босқичида тил ҳамда техника экспансияси натижасида ҳозирги замон инқирози мавзуларига кўл уради. У техникага янги Европа тарихини ҳаракатлантирувчи куч сифатида қарайди. Техника мавжудликни унга ўз ҳукмини ўтказиш учун предметга айлантиради. Бу охир-оқибат шунга олиб келадики, инсоннинг ўзи ҳам техникага қарам бўлиб қолади, предметга айланади.

Хайдеггернинг фалсафий ғоялари кўпгина мутафаккирлар томонидан ривожлантирилган. Бу мутафаккирлар орасида Хайдеггернинг издошлари ҳам (Гадамер), уни танқид қилувчилар ҳам бор. Мавжудлик таҳлили метафизикани борлиқни уни моддийлаштириш, кўламлаштириш орқали

¹ Қаранг: Derrida J. Of Spirit: Heidegger and the Question. The University of Chicago Press, 1989. – 14-б.



п
англаб етиш сифатида рад этади. Метафизик фикрлаш услубининг танқиди замирида уни фикрлаш эркинлигидан воз кечиш сифатида тасаввур қилиш ётади. Метафизик фикрлаш услубининг танқидчилари уни мазкур фикрлаш услубининг замирида борлиқни англаб етиш, унинг мазмун ва моҳиятини тушуниш мумкин эмас, деган ғоя ётганлиги учун танқид қиладилар. Метафизика замирида ётувчи оптик метафора бизни борлиққа юзаки феномен сифатида ёндашишга мажбур қилади. Бунда борлиқ нарса сифатида тушунилади, уни англаб етиш эса унинг хоссалари, муҳим белгилари ва шу кабиларни аниқлаш орқали амалга оширилади. Амалда борлиқ кўламли объектга айланади. Аммо борлиқ нарса эмас. Хайдеггер илмий тадқиқотнинг одатдаги тартиб-таомилларига қарши чиқади, у муайян масалани қўйишда унинг мазмунини теран англаб етиш лозим, деб ҳисоблайди. Мулоқотни имитация қилар экан, тадқиқотчи ўз суҳбатдоши инсон, боз устига билимдон инсон эмаслигини унутмаслиги керак. Жавобни савол берган одамнинг ўзи излаши лозим.

Хайдеггер вақтни англаб етиш тажрибаси ёрдамида борлиқни англаб етишни таклиф қилади. Бунда юзаки тасаввур ўрнига ички кечинма биринчи даражали аҳамият касб этади. Биринчи ҳолда инсон, унинг онги сўзлайди ва амал қилади. Иккинчи ҳолда эса – дунёнинг ўзи сўзлайди ва амал қилади, нарсаларнинг ўзлари қаршимизда гавдаланади. Инсон онги, инсоннинг ўзи каби, дунёнинг теран қатламларидан ўрин олган. Аммо онгда оқилона асоснинг ривожланиши билан у ўзи яратган стихияга қарам бўлиб қолган. Агар инсон бой берилган дунё билан уйғунликни тиклай олса, у яна борлиқ овозини эшитади. Бу овозни «борлиқ уйи» бўлган тил орқали эшитиш мумкин.

М.Хайдеггер «фундаментал онтологияси»нинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, унда фалсафа ва фан бир-бирига қарши қўйилади. Хайдеггер ўзининг борлиқ ва мавжудлик ҳақидаги таълимотида нафақат ҳозирги замон табиатшунослиги маълумотларига таянишга ҳаракат қилмайди, балки янги Европа фани лойиҳасини бу нарсаларни англаб етишга ожиз деб ҳисоблайди. У «нусха кўчирувчи фикрлаш услуби»нинг эпистемологик имкониятларига бўлган ишончни каттиқ танқид қилади, илмий фаолиятни борлиқнинг асл ҳақиқатини аниқлаш йўлидаги изланишлар билан бирга амалга ошириш мумкин эмас, деб ҳисоблайди.

Хайдеггер фалсафанинг Платонга қадар бўлган ҳолатига қайтишга, фалсафа категориялари тизимини ва умуман фалсафий мушоҳада юритиш тамойилларини қайтадан ўзгача асосларда шакллантиришга умид қилади. Хайдеггер одатдаги тилга, у орқали эса – архаик тилга мурожаат этгани айти шу ҳол билан изоҳланади. Хайдеггер айнан архаик тилда ўзга образлар ва маъноларни аниқлашга, шу тариқа борлиқни, мавжудликни англаб етишнинг янгича йўллари топишга умид қилади.

Борлиқнинг мазмуни тўғрисидаги масала: *борлиқ ва вақтнинг алоқаси.* Борлиқнинг мазмуни тўғрисидаги масала вақтни англаб етиш муаммоси билан узвий боғлиқ. «Борлиқ тушунчаси энг мавҳум тушунча бўлса керак», деб ёзади Хайдеггер. Борлиқ тушунчаси Европа фалсафасини



п
яратибгина қолмайди, мазкур атаманинг интеллектуал тарихи фалсафа тарихи билан тенгдошдир, у билан боғлиқ бўлган тушунчалар мазмунининг хусусиятлари фалсафа ва жамият ўртасидаги мураккаб муносабатлар моҳиятини кўп жиҳатдан белгилайди. Файласуфлар ўз билимининг «мағзи»ни «оддий одамлар»га одатда борлиқ ҳақидаги фикр ёки фикрлар мажмуи ёрдамида етказишга ҳаракат қиладилар. Бундай фикрлардан Коинот тамойиллари ва қонунлари, нарсалар табиати ҳақидаги, яхшилик ва ёмонлик, мақсадлар ва кадриятлар, ўтмиш, ҳозирги замон ва келажак ҳақидаги таълимотлар келиб чиқади.

Айни шу сабабли файласуфлар борлиқнинг хоссалари ва муносабатлари хусусида баҳслашадилар. Борлиқ бирламчи, борлиқ олдиндан белгиланмаган, борлиқ яратади, борлиқ абадий, мукамал ва ўзгармас, борлиқ ягона, қўшалок ёки кўп сонли. Борлиқ нимага қарши туради: йўқлик, шаклланиш ва онггами? У моддийми ёки идеалми? Бир сўз билан айтганда, борлиқ ўз-ўзидан равшан тушунчадир. Фақат борлиқнинг хоссалари ва муносабатлари кўрсатилган борлиқ назариясини яратиш талаб этилади. Борлиқ ҳақида ҳамма нарсани билсак, дунё, инсон, ўтмиш ва келажак ҳақида ҳам ҳамма нарсдан хабар топамиз.

Борлиқнинг мазмун ва моҳияти нимада, деган саволга жавоб топиш Хайдеггер учун жуда муҳимдир. «Борлиқ нима?», деб сўрасак, у мазкур «нима»нинг мазмуни бизга маълум, деб ҳисоблайди. Парменид таъбири билан айтганда, борлиқ бор ва бўлмаслиги мумкин эмас. Демак, борлиқ бор ва фақат унинг қандайлигини аниқлаш талаб этилади. Худди шунингдек, «қуён нима», деган савол ҳам қуённинг борлигини назарда тутаяди ва унинг жинсини айтиш, белгиларини санаб ўтиш, балки у яшайдиган муҳитни кўрсатиш ва тавсифлаш талаб этилади. Қуён – сут эмизувчи ўтхўр ҳайвон, кемирувчилар оиласига киради, узун кулоқлари бор ва ш.к. «Қуён» сўзи билан биз кўриш, суратини чизиш, тавсифлаш мумкин бўлган предметни атаймиз. Бу сўз билан биз битта предметни эмас, балки мазкур турга мансуб бўлган кўп сонли предметларни атаймиз. Аммо борлиқ қуён эмас ва умуман, у ҳеч қандай нарса эмас. Худди сезгилар, фикрлар, тушунчаларни кўриш, суратини чизиш ёки тавсифлаш мумкин бўлмаганидек, борлиқни кўриш ҳам, тавсифлаш ҳам, суратини чизиш ҳам мумкин эмас.. Сезгиларни ҳис этиш, фикрларни таърифлаш, тушунчаларнинг мазмунига тавсиф бериш мумкин. Аммо борлиқ санаб ўтилган феноменларнинг бирортасига мансуб бўлса, у қандай қилиб ҳамма нарсанинг аввалида туриши, ҳамма нарсанинг асоси бўлиши мумкин.

Фалсафа фикрлашнинг янгича услубини кашф этди. Бу фикрлаш услуби ёрдамида биз аслида нарса бўлмаган феноменларга ҳам нарса сифатида ёндашишимиз мумкин. Масалан, нарсаларнинг хоссалари, нарсалар ўртасидаги муносабатлар. Сўнгра фикрлар, сезгилар, сўзлар, номлар, қилмишлар. Ниҳоят, мазмуннинг ўзи. Мазмунни ўрганиш билан XX асрда прагматистлар, феноменологлар, неопозитивистлар шуғулландилар. Натижада прагматистлар семиотикани, феноменологлар герменевтикани, неопозитивистлар эса тилнинг мантиқий таҳлили ва ҳаракатнинг лингвистик




п таҳлилини яратдилар. Аммо бу ёндашувларнинг барчаси аслида номоддийни моддийлаштиришга таянади. Сўзлар, фикрлар, сезгилар ва қилмишлар таҳлил предметиға айланиши учун ўзига хос нарсаларға айлантиради. Қадимги таҳлилнинг махсус воситаси – мантиқ уларни тенг ҳуқуқли тушунчалар сифатида бирлаштиради, фақат «якка – умумий» ва «мавҳум – конкрет» йўналишлари бўйичагина уларни ажратади.

Орадан юз йилликлар ўтди ва файласуфлар фалсафий тушунчаларнинг мазмунини гўёки уларнинг моддий табиатиға ҳеч ким шубҳа қилмагандек муҳокама қила бошладилар. Платоннинг мазкур ғаройиб моҳиятлар мавжуд бўлган алоҳида дунё ҳақидаги фантастик таълимотиға эҳтиёж қолмади. Бу таълимотсиз ҳам энг теран ақл эгалари замирида борлиққа ўхшаш «кузатилмайдиган моҳиятлар» ётувчи назарий тизимларни яратиш билан шуғуллана бошладилар. Файласуфлар борлиқ нимаға ўхшаши ва унинг табиати қандайлиги хусусида баҳсға киришдилар. Айримлар борлиқ моддий ва идеалға бўлинади, деган фикрни илгари сурадилар, айримлар уни фақат идеал, маънавий ёки илоҳий феномен сифатида тасаввур қиладилар, яна бир гуруҳ файласуфлар борлиқнинг ягоналиги тўғрисидаги масалани кун тартибига қўядилар. Хайдеггер буни ғарб метафизикаси деб номлади ва унга Парменид яшаган замондан бошлаб Кант ва Гегель замониғача бўлган даврдаги барча фалсафий таълимотларни киритди. Улардан фарқли ўларок Хайдеггер борлиқ ҳақида бошқа тилда сўзлади: у сўзнинг ёки ҳаракатнинг мазмуни ҳақида қандай сўрасалар, борлиқнинг мазмуни ҳақида ҳам шундай сўради.

Хайдеггернинг жавоби – бу борлиқнинг мазмуни нимада, деган саволға жавоб эмас, балки саволнинг мазмуниға ойдинлик киритишдир. Борлиқ ҳақида шундай бир тилда гапира бошлашдики, у мазмуннинг тағиға етиш имкониятини бермайди, деб ҳисоблайди Хайдеггер ва бу фикрда у яратган таълимотнинг феноменологик илдизлари айниқса бўртиб намоён бўлади.

Борлиқ моҳиятини тушуниб етишда энг янги қарашнинг ўзагини инсоннинг ижтимоий ижоди ташкил этади. Бунда борлиқ ҳаёт фаолияти жараёни сифатида тушунилади. Фан-техника тараққиётининг суръатлари тобора жадаллашиб бораётган ҳозирги шароитда мазкур дунёқараш кўпинча технократик дунёқараш деб аталади.

Борлиқнинг шакллариға оид қарашлар таснифи. Инсон барча жонли нарсалар жонсиз нарсалардан бутунлай фарқ қилишиға қадимдаёқ эътибор берган. Аммо XX асрда онтология фалсафанинг асосий қисми сифатида қарор топди, хусусан, фалсафий тадқиқотларда инсон борлиғининг таҳлили томон муҳим бурилиш ясалди. Борлиқ нима ва уни қандай тушуниб етиш мумкин, деган савол янги даврда австриялик мутафаккир Ф.Брентано (1858-1917), немис файласуфи ва феноменология асосчиси Э.Гуссерл (1859-1938), «танқидий онтология» асосчиси Н.Гартман (1882-1950) ва М.Хайдеггерлар томонидан қўйилди. Уларнинг фикрича, борлиқ моддий-предметли дунёға боғланмайдиган кўп даражали жараён сифатида намоён бўлади. Борлиқнинг кўп даражалилиги унинг шаклларидан ҳар бирининг ўзига хослигини ва бири иккинчисига боғланмаслигини назарда тутди.



п

Борлиқнинг ҳар бир шакли тарихан ривожланувчи ва ўзгарувчи борлиқ сифатида тушунилиши лозим.

Айни дамда борлиқ шакллари тўғрисидаги масалани кўриб чиқишда мавжуд бўлган айрим таснифларни айтиб ўтиш ўринлидир. *Хусусан, В.П.Тугаринов фикрига кўра, борлиқ жуда содда тушунча. У жонсиз табиат дунёсида мавжудликни англайди. Табиий дунёда борлиқ «ҳаёт» деган янгича таъриф касб этади, жамиятда эса, у одамлар ҳаёт фаолиятининг ҳақиқий жараёнидир.* Борлиқнинг мазкур уч шакли бирга мавжуд бўлиб, ўзаро таъсирга киришади, лекин, шунга қарамай, ўзига хос хусусиятини йўқотмайди. Умумий универсум эволюциясида, дунё борлигининг қайтмас жараёнида улар олдинма-кетин ҳаракат қилади. Жонсиз нарсаларга баъзан онтологик марказга эга бўлмаган нарсалар сифатида қаралади. Бу дунёда бирлик ўзаро таъсирлар қонунияти сифатида намоён бўлади. Табиий оламда, тирик модда ёки тирик мавжудот тўғрисида сўз юритилган ҳолда доим онтологик марказ мавжуд бўлади, у ўз макони, ўз вақтини, ҳатто, ўзига хосликни ҳам назарда тутаяди. Барча жонли нарсалар ўз ички борлиғига эга бўлиб, биологияда бу «организм» ва «муҳит» тушунчалари билан ифодаланади. Шу масалада И.Кант «мақсадсиз мақсадга мувофиқлик» ғоясини илгари сурган¹. Худди шу белги биров ўзгартирилган кўринишда - «англаб етилган мақсадсиз мақсадга мувофиқлик» - жонли табиат борлигининг негизи сифатида тушунилиши мумкин. Тирик организмлар ҳаётий борлиғи ўта мақсадга мувофиқдир, лекин улар умумий эволюция жараёнининг бориши ва йўналишини билишга қодир эмас. Н.Гартман борлиқнинг олий категориялари ва қадриятлар азалдан кучсиз, деб ҳисоблаган. Материя – жонсиз дунё қанча мустаҳкам ва мустақил бўлса, жонли шакллар шунча заифдир. Бунда ҳайвонлар ўзаро таъсирнинг ранг-баранг ташқи шаклларига ўсимликларга қараганда кўпроқ боғлиқ. Кучсиз, яхши мослашмаган ва нозик жонзот – инсон табиатнинг бўғувчи бағри билан ўзининг ўртасида сунъий дунёни яратибгина ҳимояланишга қодирдир.

Ф.Гегель «Мантиқ фани» асарининг биринчи бўлими – «Борлиқ ҳақидаги таълимот»да борлиқнинг уч шаклини қайд этиб, улар борлиқнинг энг биринчи, айни вақтда энг содда, яъни энг мавҳум шакллари эканлигини таъкидлаган. Борлиқ уч даража: сифат, миқдор, ўлчовдан иборат. *Сифат, энг аввало, борлиқ билан бир хил муайянликдир, бинобарин, ўз сифатини йўқотган нарсанинг моҳияти ҳам ўзгаради. Миқдор эса, аксинча, борлиққа нисбатан ташқи, унга узвий боғлиқ бўлмаган муайянликдир. Масалан, уй катта ёки кичкина бўлишидан қатъий назар, уйлигича қолади; қизил ранг очроқ ёки тўқроқ бўлишидан қатъий назар, қизиллигича қолади. Борлиқнинг учинчи даражаси - ўлчов дастлабки икки даражанинг бирлиги – миқдорий сифат, яъни меъёрдир. Барча нарсалар ўз ўлчовига, яъни миқдорий аниқликка эга бўлиб, катта ёки кичкина бўлиш улар учун аҳамиятсиздир. Айни вақтда, бу аҳамиятсизлик ҳам ўз чегарасига эга. Мазкур чегара бузилган, яъни*

¹Кант И.//Всемирная энциклопедия.-М.: Современный литератор, 2001.-С.566



п
нарсалар янада катталашган ёки кичрайган тақдирда, уларнинг моҳиятини ўзгаради¹.

Материализм нуқтаи назаридан «борлик», «мавжуд борлик» категорияларига асосан моддий-иқтисодий нуқтаи назардан ёндашилганини кўрамиз. Инсон ҳаёти маъноси ва коинот асосларини тушуниб етиш билан боғлиқ азалий фалсафий категория сифатидаги борликқа Прудон, Л.Фейербах, Дюринглар ҳам тўхталиб ўтган.

Бу масалани ушбу жиҳатдан таҳлил қилиш дунёнинг икки таърифи, икки хоссаси: борликқа эга бўлиш ва моддийликка эга бўлишни намоён этади. Биринчи хосса - борликқа эга бўлиш иккинчи хоссанинг шартидир, чунки моддий бўлишдан олдин мавжуд бўлиш керак. Мазкур қарашга кўра, биз борлик ҳақида сўз юритганимизда, бирлик муҳокама қилинаётган барча нарсалар амалда мавжудлигидангина иборат бўлиши мумкин.

Иқтисодий ҳаёт ва ишлаб чиқариш усулининг таҳлили экзистенция муаммоларини четга суриб қўяди. Ҳар бир одамнинг онг остида борлиқнинг ҳақиқат, эзгулик ва гўзаллик билан бирлигига азалий ишонч яшайди. Бизнинг борлиғимиз ўз манбаси ва инсон бўлишдан иборат бўлган асосий вазифасига кўра ҳаётни қувонч билан идрок этиш, адолатга интилиш киради. Шу боис борлиқни «шакл-шамойилсиз космик муайянлик» сифатида эмас, балки инсон руҳида кечадиган алоҳида психологик вақт нуқтаи назаридан таҳлил қилиш жуда муҳимдир.

Д.Лукачнинг «Одамлар борлиғи улар ҳаёт фаолиятининг ҳақиқий жараёнидир»², деган таърифи анча содда бўлса-да, борлиқни комплекс, умумлаштирувчи тушунча сифатида англаб етишга йўналтиради. Ҳаёт фаолиятининг ҳақиқий жараёни сифатидаги борлиқ айрим одамлар ва авлодлар фаолиятининг объектив белгиланган шарти ҳамда асослари хусусиятига эга бўлган ҳамма нарса ва ҳодисаларни қамраб олади. Бу таъриф Ер ва коинотнинг барча жараёнларини, инсон ҳамда инсоният яратган ҳамма нарсаларни, шунингдек, одамларнинг муносабатлари, уларнинг муассасалари ва ижтимоий институтларини ҳам ўз ичига олади.

Д.Лукачнинг фикрига қарши ўлароқ, америкалик олим Г.Саймон борлиқни «сунъий нарсалар дунёси» ва «табiiй нарсалар дунёси» сифатида таҳлил қилишни таклиф этади³. Мазкур ёндашув бу икки дунёнинг алоҳида қонуниятлари ва муаммоларини, уларнинг ўзаро таъсири имкониятларини ҳамда бир-бирига ўтиш нуқталарини аниқлаш имконини беради.

Баъзан борлиқнинг шакллари иерархиясида ҳақиқий борлиқ сифатида «ўзида борлиқ» ва ҳодисаларнинг бевосита мавжуд дунёси сифатида «биз учун борлиқ» фарқланади. Ўзида борлиқ юзада ётувчи кучларга қараганда юксакроқ тушунча сифатида қаралади. У идрок этилувчи барча нарса, ҳодисаларнинг биринчи асосини ташкил этади. Бу иерархиянинг бошқа бир вазифаси объективлик ва субъективликни фарқлашга интилишдир. Ўзида борлиқ биз учун борлиқнинг чексиз инъикосларининг чексиз сонига

¹ Гегел Г. Наука логика.-М.: 1995.-С.78

² Лукач Д. Онтология социального бытия.-М.: Луч, 2001.- С.45.

³ Саймон Г. Наука об искусственном.-М.: АСТ, 1996.-С .79



п айланади. Биз учун борлиқ кечинмалар комплекси билан бевосита боғлиқ, у дезантропоморф хусусиятга эга бўлиши мумкин эмас, асосан ахлоқий, баъзан диний хусусиятга эгадир. Фан ўзида борлиқни субъектив ёндашувсиз, мумкин қадар аниқ акс эттиришга ҳаракат қилади.

Д.Лукачининг мазкур ёндашуvidан танқидий рационализм асосчиси К.Поппернинг борлиқ муаммосига нисбатан қуйидаги ўзига хос ёндашуvi фарқ қилади: «Биз қуйидаги уч дунё ёки универсумни фарқлашимиз мумкин: биринчи - жисмоний объектлар ёки жисмоний ҳолатлар дунёси; иккинчи - онг ҳолатлари, фикрлаш ментал ҳолатлари дунёси, балки, ҳаракатга ҳозирлик ҳолатлари дунёси; учинчи - тафаккурнинг объектив мазмуни, энг аввало илмий ғоялар, поэтик фикрлар ва санъат асарлари мазмуни дунёси»¹.

Ҳозирги замон илмий адабиётларида борлиқнинг бешта асосий шакли фарқланади. Биринчи шакл сифатида табиат жараёнлари ва инсон томонидан яратилган нарсалар борлиғи қайд этилади. Бошқача айтганда, борлиқнинг мазкур шакли табиий табиатни ва инсон томонидан яратилган табиатни қамраб олади. Иккинчи шакл инсон борлиғини қамраб олади. Учинчи шакл – маънавий борлиқ. У индивидуаллаштирилган (субъектдаги) маънавий борлиқ ва объективлаштирилган (индивиддан ташқаридаги) маънавий борлиққа бўлинади. Борлиқнинг тўртинчи шакли - ижтимоий борлиқ. У айрим инсоннинг табиат ва тарихдаги борлиғига ва жамият борлиғига бўлинади. Борлиқнинг бешинчи шакли вертуал борлиқ бўлиб, у XXI аср ахборот технологиялари воситасида яратилади. *Шундай қилиб, табиат, инсон, маънавият ва ижтимоийлик борлиқнинг асосий шакллари*дир.


Табиат борлиғи. *Табиат борлиғи жисмларнинг мавжудлик шароити бўлиб, у онг юзага келишидан олдин мавжуд бўлган, онгдан ташқарида ва ундан қатъий назар мавжуддир.* Бироқ, табиий жараёнлар ва табиат ҳолатлари ҳақида айнан инсон фикрлайди, сўз юритади. Табиатнинг азалий бирламчилиги ва инсонга боғлиқ эмаслигини инсоннинг ўзи тасдиқлайди.

Табиат макон ва вақтда чексиздир. У тадрижий ривожлангани ва ўзгарганига қарамай доимий тарзда мавжуд бўлади. Бу ўзига хос хусусият табиатнинг айрим нарсалари, ҳолат ва жараёнларига хос эмас. Уларнинг борлиғи йўқликка айланади. Айрим нарсанинг борлиғи тугаб, у ўз ўрнини йўқликка бўшатса, бу табиатнинг борлиғи тугаганини англамайди.

Табиат - объектив ва бирламчи борлиқдир. Ер табиати миллиард йиллар мавжуд бўлганидан кейин боқий табиат таъсирида инсон ва унинг руҳи вужудга келган. Аслида табиат учун мавжуд бўлиш инсон томонидан идрок этилиш, деган маънони англамайди. Табиат инсонсиз ҳам, унинг идрокисиз ҳам яшайверади. Шу маънода у объектив ва бирламчи борлиқки, усиз инсон ҳаёти ва фаолияти бўлиши мумкин эмас.

Бирламчи табиат жонли руҳсиз жисмлардан, яъни кўпайиш қобилиятига эга бўлган, атроф муҳит билан моддалар ва энергия алмашинувини амалга оширадиган, лекин онгга эга бўлмаган барча нарсалар, яъни сайёрамиз ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсини ўз ичига олган бутун

¹ Поппер К. Логика и рост научного знания.-М.: 1996.-С.110



п

биосферадан иборат. У барча жонли нарсалардан бутунлай фарқ қилади. Борлиқнинг биринчи шакли – табиат нафақат табиатни, балки иккинчи антропологик – инсон томонидан яратилган табиатни ҳам ўз ичига олади. Улар ўртасида фарқ борми? Шубҳасиз, бор. Инсоннинг бу асосий фарқи унинг онгида, идеал образлар билан иш кўриш, яъни мавҳум фикрлаш ва ўзини фикрловчи жонзот сифатида англаш қобилиятида намоён бўлади. Иккиламчи табиат шаклида инсон меҳнати ва билими моддийлашган, улар одамлар ҳаёт фаолиятида муайян вазифани бажариш учун мўлжалланган ва шу сабабли азалдан телеологик, яъни мақсадга мувофиқлик хусусиятига эга. Ваҳоланки, табиатнинг ривожланиши табиий-тарихий қонуниятга боғлиқ бўлиб, уни олдиндан белгилаш ва муайян мақсадга бўйсундириш мумкин эмас. Иккиламчи табиат борлигини унинг ўз-ўзидан ривожланиш мантиғига кўра, тушуниб бўлмайди. Табиат машина ҳам, локомотив ҳам, электр асбоблар ҳам ясамайди. Буларнинг барчаси - инсон меҳнати маҳсули, табиат ёки инсоннинг табиатдаги фаолиятини бошқарувчи инсон хоҳиш-иродаси органига айлантирилган табиий материалдир. Буларнинг ҳаммаси - инсон кўли билан яратилган инсон мияси органлари, билимнинг моддийлашган кучидир. Иккиламчи табиатнинг борлиги табиий материал ва моддийлашган маънавий (идеал) мазмун, моддийлашган фаолият ҳамда ижтимоий вазифа бирлигидан ҳосил бўлган. Мазкур борлиқ нафақат ўтмиш, ҳозирги замон, балки келажак авлодлар қаршисидаги мажбуриятдан келиб чиққан борлиқ сифатида намоён бўлади.

Баъзан бирламчи – табиат билан иккиламчи – инсон томонидан яратилган табиат ўртасидаги фарқлар «табиий нарсалар дунёси» ва «сунъий нарсалар дунёси» атамалари билан ифодаланади. Ушбу фарқлаш нисбий бўлса-да, шу маънода ўринлики, биринчи табиат – инсон, кишилиқ цивилизацияси, ҳаттоки, инсониятнинг мавжудлиги ҳам ўткинчи бўлганини исботлайдиган чексиз ва боқий борлиқдир. Иккиламчи табиат – сунъий нарсалар дунёси инсон мавжудлигининг макон ва вақт чегаралари билан боғлиқ меваси тарзида намоён бўлади.

Бирламчи табиат назарий жиҳатдан табиатшуносликнинг асосий қонунлари ёрдамида ўзлаштирилади. Сунъий нарсалар дунёсида табиат қонунлари одамларнинг ўзгартирувчи фаолияти орқали боғланади, уларнинг турли шахсий ва ижтимоий манфаатлари билан тўқнашади. Шу сабабли икки дунё ўртасида нафақат уйғунлик ва муштараклик муносабатлари, балки зиддият ҳамда қарама-қаршиликлар ҳам юзага келади. Бугунги кунда мазкур зиддиятлар баъзи жойларда экология ва энергетика танқислиги муаммолари кўринишида намоён бўлмоқда.

Хуллас, борлиқ соф табиат борлиги (яъни инсон ва унинг фаолиятдан қатъий назар мавжуд бўлган нарсалар ва жараёнлар борлиги) ва қўлда яратилган табиат борлиги (ёки одамлар томонидан яратилган нарсалар, жараёнлар борлиги)га бўлинади. Табиат макон ва вақтда чексиз ҳамда абадийдир. Иккиламчи ёки инсон томонидан яратилган табиат бирламчи табиатга боғлиқ. Бир томондан, иккиламчи табиатда бирламчи табиат материали, бошқача айтганда объектив, бирламчи борлиқ



п мужассамлашган, бошқа томондан эса – унда инсоннинг меҳнати, иродаси ва билимлари, унинг қалби ўз ифодасини топган. *Иккиламчи табиат* – бу меҳнат қуроллари ва шароитлари, алоқа воситалари, инсон руҳининг эҳтиёжлари, маърифатли борлиқ, моддий ва маънавий маданиятни белгиловчи барча нарсалар ва жараёнлардир. Инсон яратган нарсалар борлиғи кўп жиҳатдан инсоннинг ўз борлиғи билан боғланади, зеро у бунёд этган «иккиламчи табиат» аввало унинг турли-туман эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилади. Шу сабабли «иккиламчи табиат»нинг аксарият предметлари борлиғи одамзот борлиғи каби ўткинчидир. Умуминсоний аҳамият касб этадиган муҳим асарлар, одамларнинг кўплаб авлодлари учун қимматли бўлган моддий маданият маҳсулларигина ўз борлигини маълум даражада узайтириш имкониятига эгадир.

Аммо тарих «бирламчи табиат»га хос бўлган вайронкор жараёнлар парчаланиш, емирилиш, оксидланиш ва ш.к., шунингдек тез-тез такрорланиб турадиган табиий офатлар ва ижтимоий тангликлар бу оз сонли имкониятни янада камайтиради. Шунга қарамай инсоннинг янги нарсалар яратиш жараёни уларнинг йўқ бўлиш жараёнидан илдамроқ кечмоқда. Шунингдек, куни битган эски нарсалар ўзининг аввалги борлигини йўқотиб, асосан чиқинди, ахлатга ва табиий муҳитга ёт бўлган ўзга лаш-лушларга айланади.

Пировардида сунъий муҳит тинимсиз янгиланиб, ҳажман кўпаяди ва кенгаяди, табиий муҳитни четга чиқариб, унинг ўрнини боса бошлайди. Ерда одамлар сони ўсгани сари бу жараён тобора фаоллашиб боради.

Аммо Ер, айниқса унинг инсон яшаши учун яроқли ҳудудлари сайёранинг олти миллиарддан ортиқ аҳолиси учун торлик қилмоқда. Ҳолбуки, кўрсатилган вазиятга қарамай, Ер аҳолиси сони жадал сурьатларда ўсишда давом этмоқда. Бу номутаносиблик сўнгги вақтда «биринчи» ва ўта катталашган «иккиламчи» табиат ўртасида юзага келган зиддиятни янада кучайтирмоқда.

Инсон борлиғи. *Борлиқнинг иккинчи шакли – инсон борлиғи, одам танасининг ҳаёти инсон мавжудлигининг бирламчи шarti, шунингдек инсоннинг табиатнинг бир қисми сифатида жисмоний мавжудлиги ва алоҳида инсон борлиғи сифатида намоён бўлади.*

Моддий дунёда инсон тана сифатида мавжуд бўлади, бинобарин, у ҳаёт қонунлари, организмларнинг ўсиш ва ҳалок бўлиш цикллари, табиат циклларига боғлиқдир. Руҳга ҳаёт бахш этиш учун танани ҳаёт билан таъминлаш керак. (Тана ҳаёти биринчи ўринга чиқиб, ҳамма нарса, шу жумладан руҳ ҳаёти ҳам унинг панасида қолиб кетганидан даҳшатлироқ нарса бўлмаса керак.) Барча маърифатли мамлакатларда инсоннинг ўз бирламчи эҳтиёжларини қондириш ҳуқуқи, ҳаётни сақлаш билан боғлиқ ҳуқуқи асосий ҳуқуқлар сифатида тан олиниб, юридик йўл билан мустаҳкамлаб қўйилганлиги бежиз эмас.

Инсон табиатнинг бир қисми ҳисобланади ва шу маънода унинг қонунларига бўйсунди. Тананинг мавжудлиги инсон ўлимга маҳкум эканлигини белгилайди. Инсон борлиқ ва йўқлик диалектикаси билан боғланади, барча табиат жисмлари каби вужудга келиш, шаклланиш ҳамда



п
халок бўлиш ҳолатларидан ўтади. Барча табиат жисмлари каби, инсон танасига ҳам модда ва энергиянинг сақланиш қонунлари ўз таъсирини кўрсатади, яъни унинг таркибий қисмлари табиатнинг бошқа ҳолатларига ўтади. Инсон танаси мавжуд бўлиши учун уни муттасил қувватлаш (овқатланиш, совуқдан ва бошқа хавф-хатарлардан сақлаш) талаб этилади. Фикрлаш учун инсон танасининг тириклигини таъминлаш зарур. Бундан ҳаётни сақлаш, инсоннинг ўз-ўзини сақлаши ва инсониятнинг яшовчанлигини таъминлаш зарурияти келиб чиқади, бу озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак, турар жой, соф атроф муҳитга эга бўлиш эҳтиёжида ўз ифодасини топади;


Инсоннинг жонли тана сифатида мавжудлигидан унинг объектив тарзда амал қиладиган ва одамзот иродасига кўра бекор қилиб бўлмайдиган ирсият қонунларига тобелиги келиб чиқади. Бу инсон борлигининг табиий-биологик имкониятлари билан эҳтиёткорона муносабатда бўлиш зарурлигини кўрсатади. Инсон азалдан ўз табиий имкониятларини рўёбга чиқариш эмас, балки кўпроқ ижтимоий интилишларини қондириш йўлидан боргани сабабли ҳаётда табиийдан кўра асосан ижтимоий вужуд сифатида ўз ўрнини топган. Инсон кўпроқ ўзига «сирт»дан юкланган ижтимоий мақсадга бўйсуниб, муайян фаолият билан ҳаддан ортиқ шуғулланиди, табиатни бузди, натижада унинг экологиясида танглик юз беради.

Кўп замонлар давомида турли халқларнинг мутафаккирлари инсон танаси билан унинг ақли, жони, интилишлари, ўй-кечинмалари, маънавий қарашлари ўртасидаги алоқани излаганлар. Инсон борлиғига инсон руҳининг таъсири жуда кучли. Зеро, моддий эҳтиёжлар кўпинча фидойилик билан қондирилади. Инсон ўз эҳтиёжини нафақат табиий тарзда, балки тарихан шаклланган меъёр ва идеалларга мувофиқ қондириб, бу эҳтиёжларни назорат қилиш ҳамда тартибга солишга қодир бўлган ягона ижтимоий вужуддир.

Маънавий борлиқ субъектив, индивидуаллашган маънавий борлиқ ва объектив ноиндивидуал маънавий борлиқ сифатида мавжуд.
Индивидуаллашган маънавий борлиқ - бу инсоннинг ички дунёси. У онглилик ва онгсизликни қамраб олади. Бундай ёндашувга кўра, руҳ – индивидуал онг билан айний тушунча, тор маънода эса у тафаккурдир. Онг – инсон бош миясининг дунё борлигини изчил акс эттириш, уни образлар ва тушунчаларга айлантириш қобилиятидир. Онг таассуротлар, сезгилар, кечинмалар, фикрлар, ғоялар, эътиқодлар, қадриятлар ва андозаларнинг кўринмас жараёни сифатида мавжуд. Онг тез оқадиган ва бир хил бўлмаган орқага қайтмайдиган хусусиятга эга. Шаклан бу жараён тартибсиз, лекин шу билан бир вақтда унда муайян тартиб, барқарорлик, структура, муайян даражада интизом ва ирода мавжуд.

Инсон онги айни вақтда унинг ўз-ўзини англаши, яъни ўз танаси, фикрлари ва туйғуларини, ўзининг бошқа одамларга бўлган муносабатини ва ўзининг жамиятдаги ўрнини англаб етиши, яъни ўзини ўзи билишдир. Ўзликни англаш – бу онгимизнинг ўзига хос марказидир.

Индивидуал онг ўзининг ўлимга маҳкумлиги билан тавсифланади, лекин унинг айрим қисмлари ноиндивидуал маънавий шакл-шамойил касб




п
этади, шунингдек бошқа кишилар мулкига айланади. Хатти-ҳаракатларда инсон онгининг маҳсуллари моддийлашади, уларга қараб одамларнинг ниятлари, мўлжаллари, мақсадлари, ғоялари ҳақида хулоса чиқарилади. Ноиндивидуал маънавий борлиқнинг ўзига хос хусусияти шундаки, унинг элементлари сақланади, такомиллашади ва ижтимоий макон ва вақтда эркин ҳаракатланади.

Ижтимоий борлиқ *ижтимоий ҳаёт онтологиясидир. Унинг негизини ижтимоий индивиднинг ижтимоий ишлаб чиқариш билан боғлиқ жамоавий фаолияти ташкил этади. Ижтимоий борлиқ кундалик ҳаётни, одамларнинг моддий-амалий фаолиятини, (амалиётни) ўзаро муносабатларни ўз ичига олади. Ижтимоий борлиқ айрим инсоннинг жамиятдаги борлиғи ва жамиятнинг ўз борлиғига бўлинади. Ҳар бир инсон бошқа одамлар билан муттасил алоқада бўлади, турли ижтимоий гуруҳлар: оила, ишлаб чиқариш жамоаси, миллатнинг аъзоси ҳисобланади. Шундай қилиб, у бошқа индивидлар билан яқин алоқада яшайди. Одамларнинг барча фаолияти мазкур социумга хос бўлган ижтимоий муносабатлар, чунончи: сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий, ахлоқий ва бошқа муносабатлар доирасида амалга оширилади.*

Ижтимоий борлиқ жамият борлиғи, унинг моддий неъматлар билан боғлиқ моддий ҳаёти ва ушбу жараёнда одамлар киришадиган муносабатлар сифатида тушунилади. Одамларнинг табиатга ва бир-бирига нисбатан моддий муносабатлари сифатидаги ижтимоий борлиқ кишилик жамияти шаклланиши билан бир вақтда юзага келган ҳамда инсон онгига унча боғлиқ бўлмаган тарзда мавжуддир.

Ижтимоий борлиқни одамлар ҳаёт фаолиятининг ҳақиқий жараёни сифатида ўрганиш инсон амалиётининг таҳлили билан боғлиқ. Амалиёт инсон борлиғининг ўзаги бўлиб, у мазкур борлиқнинг қолган барча ўзига хос хусусиятларини тушуниш имконини беради. Амалиёт ўзагини эса меҳнат ташкил этади. Инсон мавжудлигининг барча илдизлари меҳнатнинг шаклланиши, уни ташкил этиш, амалга ошириш ва унинг натижалари билан муайян даражада боғлиқдир. Бу борада тарихнинг материалистик талқини идеалистик талқиндан жамият ҳаётида моддий ишлаб чиқаришнинг бирламчилиги ғояси билан ажралиб туради.

Бу борада материализм ва идеализмни бутунлай қарама-қарши қилиб қўймасдан, бир томонлама талқин қилмасдан қуйидагиларни таъкидлаш лозим. Бу таълимот «Инсон бор бўлиши учун нимагадир эга бўлиши керакми ёки йўқми?», «Агар умр ўткинчи бўлса, жон танага, тана эса борлиққа «меҳмон», яъни ўткинчи экан, унда бир танага қанча нарса кифоя қилади?» деган масаланинг ечими ҳамма замонларда одамзот учун доимий мавзу бўлиб келаётгани сабабли азалдан ҳозирги кунгача ўз аҳамиятини йўқотмай келмоқда. Бу масаланинг замирида яна шу жиҳат, яъни ўз умрининг ўткинчилигини яхши англайдиган одамзотнинг моддий манфаатлари билан боғлиқ томони бўлмаганида эди, борлиққа ушбу ёндашувнинг умри қисқа бўлар, одамлар нима бирламчи, моддийликми ёки руҳми, танами ёки жонми, дея баҳслашиб юрмаган бўлар эди. *Фақат моддийлик ва тана билан яшаб*



п

бўлмагани каби руҳ ва жонни мутлақлаштириш ҳам бу масаланинг ечими, дегани эмас. Инсон борлиги ана шу икки томоннинг уйғунлиги, узвий бирлиги ва ягоналиги бор бўлганида мавжуд бўла олади, бундан бошқа тарзда инсон борлиги йўқ ва бўлмайди ҳам.


Ижтимоий борлиқ борлиқнинг бошқа, чунончи, нотабиий ва табиий шакллари билан узвий боғлиқликда қаралади. Ижтимоий борлиқ мазкур соҳалар билан узлуксиз ўзаро таъсирга киришмаса мавжуд бўлмайди ва ривожлана олмайди. «Шу ерда» ва «ҳозир» зоҳир бўлган борлиқда борлиқнинг уч шакли (жонсиз, жонли ва ижтимоий борлиқ) бир-бирини тақозо этган ва бир-бирига таъсир кўрсатган ҳолда мавжуд бўлади. Жонли борлиқ константалари, инсон танаси, одам физиологиясининг амал қилиш қонунлари ижтимоий борлиқ чегарасини амалда чеклайди. Айни вақтда, ижтимоий борлиқнинг шаклланиши ва ривожланиши табиий чегараларнинг узлуксиз торайиб, ижтимоий чегараларнинг муттасил кенгайиб боришини назарда тутлади.

Ижтимоий борлиқ қайтмас тарихий жараён онтологиясини ташкил этади, у муайян тарихий хусусиятга эга ва ҳар бир даврнинг муҳим муаммоларини ўз ичига олади. Шу сабабли ижтимоий борлиқ унинг моддийлиги ва доимий ўзгарувчи жараёнлиги бирлигида, нафақат индивидлар ҳаёт фаолиятининг натижаси, балки борлиқни ташкил этишнинг муайян тарихий ва цивилизацияон бетакрор жараёни сифатида тушунилиши лозим.

Ижтимоий борлиқнинг энг муҳим жиҳатлари қаторига унинг муайянлиги, якка, хусусий ва умумий томонларининг бирлиги, шунингдек, тарихийлик ҳам киради. Ижтимоий борлиқ ижтимоий ўзгаришларнинг объектив-умумий жараёнидир. Аммо у ўзига хос хусусиятлардан ҳам холи эмас. Шу маънода ижтимоий борлиқ ижтимоий ижод тури сифатида ҳам амал қилади ва ижтимоий онг билан узвий боғлиқ ҳолда намоён бўлади.

Ижтимоий борлиқ айрим индивид ва авлоднинг онгига нисбатан бирламчи бўлган объектив ижтимоий воқелик сифатида намоён бўлади. Ҳар бир авлод ҳаётга қадам кўяр экан, ўтган даврда юзага келган муайян моддий шарт-шароитларга ва маълум ижтимоий муносабатларга дуч келади. Жамиятнинг ривожланиш даражаси ва ишлаб чиқариш усули ҳаётга қадам кўяётган авлоднинг хоҳиш-иродаси ва онгига боғлиқ бўлмаган, лекин унинг онгини кўп жиҳатдан белгиловчи омилларга айланади. Шу сабабли, борлиқ онгни белгилайди, деган тезис ҳақиқий онтологик ҳолатни акс эттиради. Ижтимоий борлиқнинг қонуниятлари ва қарама-қаршиликларини ўрганиш муайян даврнинг сиёсий, фалсафий ва диний ёндашувлари моҳиятини тушуниш имконини беради. Ижтимоий борлиқ ижтимоий онгга бир қанча боғловчи бўғинлар, чунончи: давлат тузуми, хўжалик ва ҳуқуқий нормалар, сиёсий институтлар ва маънавий тамойиллар орқали таъсир кўрсатади.

Айни вақтда, ижтимоий борлиқ ижтимоий онгга нисбатан муҳим роль ўйнаган ҳолда, ундан мустақил бўлади. Бу ижтимоий онгнинг ранг-баранг шакллари (фан, дин, фалсафа, ҳуқуқ, мифология, санъат)да намоён бўлади. Ижтимоий онгнинг мазкур шакллари амал қилиши ва ривожланишининг




п алоҳида ўз ички мантиқига эга бўлиб, у моддий амалиётнинг ривожланиш қонунларидан фарқ қилади. Ижтимоий борлиқ ўзгаришлари ижтимоий онгнинг барча шакллари янгидан яратмайди, балки ўзгаришлар жараёнида баъзи илмий, фалсафий, бадиий ғояларда ўз ворисийлигини сақлаб қолиши ҳам мумкин. Яъни янги ғояларда эски анъаналар таъсири сезилади. Ижтимоий борлиқдаги ўзгаришлар ижтимоий онгнинг барча шаклларида дарҳол ва ўз-ўзидан ўзгариш ясай олмайди. Ижтимоий онг ижтимоий борлиқнинг мазкур ривожланиш даражаси билан алоқадор бўлган муайян хусусиятларни кўп жиҳатдан тушунтирувчи анъаналар, урф-одатлар ва удумларга (мустаҳкамловчи ва инерцион элементлар сифатида) таянади. Айни вақтда ижтимоий онг ижтимоий борлиқнинг ривожланиш тенденцияларини олдиндан аниқлаши мумкин. Бунда ижтимоий онгнинг фаоллиги намоён бўлади ва натижада омма онгини жалб этган ғоялар ҳақиқий кучга айланади.

Ижтимоий борлиқ ўз моҳиятига кўра ижтимоий муҳитнинг умумий шароитида яшовчи инсонларнинг қарашлари, интилишлари ва манфаатларининг бирлиги ҳамдир. У муайян давр вакиллари қарашларининг бирлигини назарда тутаяди. Ижтимоий онг тарихи ижтимоий борлиқ тарихини акс эттириб ҳаракатланади. У жамиятнинг ўзлиги, ижтимоий борлиги ва ўзини қуршаган муҳитни англаб етишидир. Ижтимоий онгдаги ўзгаришларга ижтимоий борлиқдаги ўзгаришлар замин яратади. Ижтимоий онгнинг тарихан шаклланган меъёрлари алоҳида шахслар онгини кўп жиҳатдан белгилаши, шу маънода, ижтимоий онг жамоавий ақл сифатида амал қилишига қарамай, айрим кишиларга нисбатан мазкур шахс онгининг индивидуал ўзига хослиги тўғрисида сўз юритиш ўринли бўлади. Чунки, бу онг ушбу индивид билан бирга туғилади, у билан бирга бутун ҳаёт йўлини босиб ўтади ва у билан бирга ўлади.

Хуллас, ўзига хослик ва индивидуалликни ҳисобга олган ҳолда, асосан, умумийликка таянадиган фалсафа нуқтаи назаридан фикр юритсак, борлиқ – бирон-бир нарсанинг мавжудлигини ифодаловчи энг мавҳум тушунча, деган таъриф ўринли бўлади. Бунда борлиқ ҳамма нарса ва ҳодисаларни қамраб олувчи воқелик, мавжудлик ҳамда мавжуд нарсалар ҳақидаги энг умумий тасаввур сифатида тушунилади.

Ўзига берилган қисқа умр давомида саодатга эришишга интилувчи инсонни назардан қочирмай, борлиқ муаммосининг моҳиятини теран тушунишга ҳаракат қилинса, «Ўз ҳаётининг маъноси ва аҳамиятини англовчи инсон борлиги қандай бўлиши керак?» Бундай саволга жавоб бир андозага солинган қоидалар ҳукмига бўйсунмайди. Зеро, ҳар кимнинг ўзига хослиги ва бетакрорлиги эътироф этилар экан, уларнинг ўз борлиги муаммоларини мустақил ечиш ҳуқуқини ҳам тан олиш лозим. Бунда жавоблар бисёр, чунки борлиқ, мутафаккирлар жуда тўғри таъкидлаганидек, «умуман очик масала»дир.

Шунга қарамай, бир нарса равшан: борлиқ экзистенциал салмоққа эга бўлган алоҳида категориядир. У мавжудлик ва субстанция масаласининг умумийлигига асосланади. Бунда, бир томондан, нарса ва ҳодисалар




п
мавжудлигининг ранг-баранг кўринишлари, бошқа томондан - уларнинг моҳияти, маъноси ва аҳамияти асосидаги борлиқнинг ўзига хос хусусиятларини вужудга келтиради. Умуман, борлиқ субстанция ва мавжудликка асосланади. Бироқ, афсуски, борлиқни англашда тўлиқ муштаракликка эришиш деярли мумкин эмас. Кўпинча мавжудлик модулари ҳақиқий моҳиятдан анча узоқда туради. Бунда бор нарсани борлиқ деб қабул қилишга тўғри келади, натижада борлиқ аниқ бир нарса сифатини касб этади ва моддийлик мақомига эга бўлади. Бу мавжуд ҳамма нарса борлигини англатади, «борлиқ» тушунчаси эса эмпирик мавжудликни қайд этиш билан тенг даражага тушиб қолади.

Виртуал борлиқ. Инсон қўлида дунёни билишнинг қудратли қуроли, унинг ёрдамчиси, ижодий фаолият учун шарт-шароит яратиш воситаси бўлиб хизмат қилувчи ахборот технологияси айни вақтда дунёни билишнинг анъанавий вербал усулини аудиовизуал билиш усули билан алмаштирмоқда, одамларда сунъий оламга кириш иллюзиясини вужудга келтирмоқдаки, улар бу сунъий борлиқни амалда мавжуд борлиқ деб қабул қилмоқдалар. Бу борлиқ «виртуал борлиқ» деб номланади. Виртуал негизга эга бўлган бу борлиқ одатдаги физик борлиқ билан бир қаторда объектив тарзда мавжуддир.

«Виртуал борлиқ» атамаси 1970 йилларнинг охирида Массачусет технология институтида Жерон Ленъер томонидан ўйлаб топилган. У 1984 йилда дунёда биринчи виртуал борлиқ фирмасини ташкил этди. Бу атама компьютерда яратиладиган муҳитда инсоннинг мавжудлиги ғоясини ифода этади. Америкалик кинематографчилар муайян сабабларга кўра табиий йўл билан амалга ошириб бўлмайдиган хаёлий имкониятларни белгили-график шаклда сунъий амалга ошириш мумкинлиги ҳақидаги кинолентани «Виртуал борлиқ» атамаси билан чиқарганлар. *Виртуал (лотинча Virtualis – мумкин бўлган) – нарсалар ва ҳодисаларнинг вақт ва маконда моддий мавжудлигига қарама-қарши ўлароқ, объектив нарсалар ёки субъектив образлар мавжудлигининг номоддий тури.*

Виртуал борлиқ - инсон реал борлиқда ҳаракат қилаётгани иллюзиясини компьютерда яратиш имконини берувчи интерфаол технология. Бунда объектив борлиқни табиий сезги органлари ёрдамида идрок этиш ўрнини махсус интерфейс, компьютер графикаси ва овоз воситасида сунъий яратилган компьютер ахбороти эгаллайди. Виртуал борлиқ амалда йўқ нарса, уни қўл билан тутиш, унинг таъми ва ҳидини ҳис қилиш мумкин эмас. Шунга қарамай, у мавжуд ва инсон бу хаёлий оламга кириб, уни нафақат кузатади ва бошдан кечиради, балки унга таъсир кўрсатиш имкониятига ҳам эга бўлади, ушбу оламда мустақил ҳаракат қилади, уни ўзгартира олади. Виртуал олам – инсон борлигининг ўзига хос шакли ва одамлар маънавий алоқасининг алоҳида маданий шаклидир.

Аммо виртуал борлиқ реал физик борлиқдек лаззат бахш эта олмайди, чунки бу борлиқ таъсирида вужудга келувчи ҳис-туйғулар кўп жиҳатдан унинг ўзи билан эмас, балки уни биз қандай идрок этишимиз билан белгиланади. Биз виртуал денгизда чўмилишимиз мумкин, аммо бунда пайдо



п

бўлувчи ҳис-туйғуларимиз бу денгизни биз қандай идрок этишимизга боғлиқ бўлади. Виртуал тарвуз ҳақиқий тарвуздан ширин эмас, виртуал колбаса ҳақиқий колбаса ўрнини боса олмайди ва ҳ.к.

Виртуал борликни одамлар яратади. Шу боис виртуал борликда мавжуд барча нарсаларнинг манбаи инсон онгидир. Бинобарин, виртуал борлик онг, онг ости соҳаси ва фантазия чиғириғидан ўтувчи физик борликдан шаклланади. Виртуал борлик объектив тарзда, яъни инсон миясида эмас, балки компьютерда мавжуд бўлади. Айни вақтда, у инсон онгининг маҳсулидир. Инсон томонидан яратилганидан кейин у инсон онгидан қатъи назар яшашда давом этади, бу онгга ҳар хил таъсир кўрсатади, мазкур онгнинг мазмунига – билимлар, эмоциялар, кайфият ҳамда онгнинг бошқа унсурларига қараб, ҳар хил идрок этилади.

Бугунги кунда виртуал борлик инсон маданий фаолиятининг турли соҳаларида қўлланилмоқда. Виртуал борликдан энг аввало у вужудга келган соҳада, фанда – физикада суюқлик ва газлар динамикасини моделлаштиришда, кимёда кимёвий реакциялар моделини тузишда, геология ва география фанларида фойдаланилмоқда.

Муҳандислик соҳасида, айниқса, хавфли шароитларда: очик космосда, денгиз ва океанларнинг чуқур жойларида, ядро муҳандислигида роботларни масофадан туриб бошқаришда виртуал борлик кенг қўлланилмоқда. Муҳандислик дизайнини автоматлаштириш жараёнида виртуал борлик технологияси айниқса қўл келмоқда. Компьютер дизайни ва унинг ажралмас ҳамроҳи – компьютер ишлаб чиқариши ракеталар ва самолётлар, автомобиллар катта бинолар конструкцияларини синовдан ўтказишда ягона жараёнга бирлаштирилди.

Виртуал борлик технологиясидан ҳарбийлар ҳам кенг фойдаланилмоқдалар. Масалан, АҚШ армиясида ҳарбий хизматчиларда мерганлик кўникмаларини шакллантиришда имитаторлардан, жанг шароитида тез ва тўғри қарорлар қабул қилиш кўникмасини шакллантириш учун эса ҳарбий докторлардан фойдаланилади. Жуда қимматга тушадиган ва атроф муҳитга катта зарар етказадиган ҳарбий машқлар имитация қилинмоқда. Танк қисмларида танкдан ўқ узишни ҳамда танк жангида аскарлар ва офицерларнинг шахсий иштирокини имитация қилувчи ҳарбий ўйинлардан фойдаланилмоқда. Лойиҳалаштирилган, лекин ҳали ясалмаган курол-аслаҳа турлари синовдан ўтказилмоқда. Ҳарбийлар олинган маълумотларни таҳлил қилиш ва уларга баҳо бериш учун ҳам компьютер имитациясидан фойдаланилмоқдалар.

Таълим соҳасида машқ тренажёрларини яратишда виртуал борлик технологиясидан фойдаланилмоқда. Яқинда виртуал кутубхоналар ва музейлар ташкил этиш концепцияси таклиф қилинди. Масалан, виртуал кутубхоналарда фойдаланувчи компьютер ёрдамида китоб жавонларининг визуал тасвири бўйлаб ҳаракатланиши, керакли адабиётларни топиши ва олиб кўздан кечириши, зарур ҳолда эса улардан нусха кўчириши мумкин.

Виртуал музей концепцияси бир қадар бошқача. Виртуал музей фойдаланувчиларга коллекциядаги исталган экспонатни унинг табиий, уч



п
ўлчовли кўринишида кўриш имконини беради. Аммо бу тасвирий ечиш қобилияти анча юқори бўлган дисплейларни тақозо этади.

Шундай қилиб, виртуал борлиқ назарий изланишлардан оммавий ахборот воситалари ва телекоммуникациялар ажралмас қисми бўлган ҳозирги замон маданиятининг таркибий қисмига айланди.

Янги ахборот-коммуникация технологияларига интилиш бизга ривожланган жамиятларда тобора катта роль ўйнаётган янги тажрибанинг чексиз имкониятларини қўлга киритиш имконини беради, деган умид билан боғлиқдир. Виртуал борлиқ тизимлари бу тажрибадан ва инсоннинг «янги ўзига хослиги»дан фойдаланиш имконини амалда таъминлайди. Инсон фақат ўз тасавури билан чекланадиган сунъий тарзда яратилувчи виртуал оламлар орасида яшай бошлайди. Бундай дунёни яратиш мумкинми? Биз ўзимизда киборглари кашф этамизми ёки фақат онгнинг компьютерлар моделлаштирувчи муҳит доирасидаги ҳозирча ифодалаш мумкин бўлмаган ҳолатларининг тажрибасиними - буни келажак кўрсатади.

Бу яқинлашаётган ва компьютер экранлари ёруғи билан ўзига чорлаётган ҳолатларни қандай баҳолаш ҳамда тавсифлаш мумкин? Ҳозирги замон одамнинг ҳақиқий бўлмаган, ғайриинсоний зомби ҳолатидаги мавжудлиги борлиқни инкор этиш демакдир. У шаклан бошқача борлиқ, мазмунан эса йўқлик сифатида амал қилади..

Хуллас борлиқ ҳақидаги ўта кенг, фалсафий тасаввурлар дунёнинг яхлит табиий-илмий манзарасини яратишга ҳаракат қилаётган ҳозирги замон фанининг хулосалари ва қоидаларига асосланиши лозим. Аммо айрим фанлардан иборат фан ўз ҳолича борлиқнинг умумий талқинини бермайди, зеро бу вазифа аввало фалсафий даражада ҳал қилинади. Фалсафанинг бу муҳим роли, унинг мураккаб ҳодисалар, шу жумладан борлиқни билиш борасидаги имкониятлари ҳақида атоқли олим *В.И.Вернадский* шундай деган эди: «Мен билимнинг ривожланишида фалсафанинг аҳамиятига аксарият натуралистларга қараганда бошқачароқ ёндашман ва у бунда улкан, самарали аҳамият касб этади, деб ҳисоблайман. Менимча, фалсафа ва фан айна бир жараённинг томонлари – муқаррар ва ажралмас томонлардир. Улар фақат бизнинг ақлимизда ажралади. Агар улардан бири тўхтаб қолса, бошқасининг жонли ўсиши барҳам топган бўлар эди... Фалсафа доим фан куртакларини ўстиради, баъзан ҳатто фаннинг ривожланиш соҳаларини белгилайди...»¹.

Борлиқнинг юқорида санаб ўтилган турли шакллари бугунги кунда фанга аниқ маълум бўлган, кузатиш, ўрганиш, таҳлил, назорат ва ҳоказолар предмети бўлиши мумкин бўлган барча нарсаларни тўла ўз ичига олади. Айна вақтда дунё фан ва инсон ақли англаб етмаган жумбоқлар ва мўъжизаларга тўладир. Аммо бу ҳол борлиқ ҳақидаги ҳозирги тасаввурлар ўз кучини йўқотадиган қандайдир ўзга дунёлар мавжудлигидан далолат беради, деб айтиш учун етарли асослар мавжуд эмас.

¹ Вернадский В.И. Философские мысли натуралиста. – М.: 1988. –С. 412.



п

Борлиқнинг турли шакллари жонсиз табиатдан бошлаб муфассалроқ кўриб чиқамиз, зеро у ҳозирги замон фани нуқтаи назаридан жонли ва ижтимоий табиатнинг негизи ҳисобланади.

Оламнинг пайдо бўлиши ва эволюцияси. Нотирик табиат ўз шакллари ва ҳолатларининг сон-саноксизлиги ва ранг-баранглиги билан ақлни лол қолдиради. У турли жисмлар, предметлар, зарралар, газлар, майдонлар, хоссалар, ходисалар кўринишида амал қилар экан, муттасил ҳаракат ва ўзгаришлар жараёнини бошдан кечирилади.

Дунёнинг пайдо бўлиши ва эволюцияси ҳақидаги ҳозирги илмий тасаввурлар сўнгги 400 йил ичида вужудга келди, галактикалар ва уларнинг тўдалари, макро ва микродунёнинг ҳайратомуз ранг-баранглиги ҳақида одамлар XX асрдагина хабар топдилар. Оламнинг чексиз бўшлиғи қаршида бизнинг дунё ҳақидаги тасаввурларимиз ҳозир ҳам денгиздан бир томчи бўлиб туюлади. Лекин, шунга қарамай, бугунги кунда биз билган ва тушунган нарсалар бутун Олам ва унинг айрим қисмлари эволюцияси ва муттасил ўзгарувчанлиги ҳақида анча асосли хулоса чиқариш имконини беради. Бошқача айтганда, дунё у ёки бу босқичда маълум нарсалар вужудга келиб, ўз борлигини касб этадиган ва қачондир йўқ бўладиган, яъни ўзининг аввалги борлигини йўқотиб, модда ва энергиянинг сақланиш қонунига биноан бошқа нарсага айланадиган муттасил давом этувчи жараёндир.

Нотирик табиатнинг ҳозирда мавжуд бўлган бутун ранг-баранглиги ўз асосига эга, яъни у қачондир вужудга келган. Бу фикрни кенгайиб бораётган Олам ҳақидаги ҳозирги илмий тасаввурлар ҳам тасдиқлайди. Бироқ, олимлар фикрига кўра, биз яшаётган Олам тарихи бошланишига асос бўлган Катта портлаш назарияси дунёнинг моҳияти ва унинг тузилиши ҳусусида янги ва янги масалаларни кун тартибига қўймоқда. Табиий фанларнинг маълумотлари тахминан 15 миллиард йил муқаддам айрим осмон жисмлари мавжуд бўлмагани, бизнинг Олам деярли бир жинсли кенгайиб бораётган плазмадан ташкил топганидан далолат беради. Эндиликда бир-биридан узоқлашаётган галактикалар таркибига кирувчи юлдузлар, сайёралар, астероидлар ва бошқа кўплаб космик жисмлар мавжуд бўлиб, бу галактикаларнинг тўдаларида вақти-вақти билан фанга маълум бўлмаган сабабларга кўра улкан тадрижий ва инқилобий ўзгаришлар юз беради.

Ер тарихи. Илмий тасаввурларга кўра биз яшаётган сайёра тахминан 4,5 миллиард йил муқаддам илк қуёш системасида сочилиб ётган газсимон-чангсимон моддадан пайдо бўлган, муайян моддий жисм сифатида ўз борлигини касб этган, орадан яна бир миллиард йилча вақт ўтгач, Ернинг геологик тарихи бошланган. Ҳозирги замон фани аниқлаган энг қадимги тоғ жинсларининг ёши шундан далолат беради. Шундай қилиб, Ер жонсиз табиатининг моддий дунёси ўзининг аниқ геологик йил ҳисобига эга ва унинг борлиғи сайёрамизнинг умумий эволюцион жараёнлари билан боғлиқ. Ернинг табиий космик жисм сифатидаги эволюциясини эса нафақат тоғ жинслари ёки қитъалар тарихи, балки минераллар, фойдали қазилмалар,



п
кейинроқ эса – олий шакллар даражасигача ривожланган жонли модданинг пайдо бўлиши ҳам тасдиқлайди.

Инсоннинг пайдо бўлиши ва эволюцияси. Инсон фаол асос сифатида ўз шаклланиш жараёнининг илк босқичлариданок ўзини қуршаган муҳитга ўзгартирувчи таъсир кўрсата бошлади. Археологик қазиларнинг натижалари ва антропологик тадқиқотлар бу «омилкор одам» меҳнат қуроллари ясаб, нафақат табиат ва унинг предметларидан фойдаланган, балки уни ўз манфаатларида ўзгартиришга ҳаракат қилган 2-4 миллион йил муқаддам юз берганини кўрсатади. Инсон ўзини қуршаган дунёга бунгача табиатда мавжуд бўлмаган предметларни олиб кира бошлади. Аввалига бу меҳнат, рўзғор ва турар жой предметлари бўлган. Сўнгра ариқлар, тўғонлар, бинолар, иншоотлар ва инсон фаолиятининг шунга ўхшаш натижалари пайдо бўлди.

Эндиликда, учинчи минг йилликда инсон бутун сайёра бўйлаб жойлашиб, ўзининг ўзгартирувчи имкониятларини кўп қарра кўпайтириб, табиатда илгари ҳеч қачон мавжуд бўлмаган янги нарсалар ва ҳодисаларнинг катта бир дунёсини яратди. У изчил иш кўриб, шаҳарлар ва аҳоли яшайдиган жойлар, саноат корхоналари ва техник қурилмалар, йўллар, машиналар, аэродромлар ва шу қабилардан иборат инфратузилма тармоғини яратиб, Ернинг табиий шакл-шамойилини таниб бўлмайдиган даражада ўзгартирди. Буларнинг барчаси ҳам жонсиз табиатдир, аммо инсон томонидан яратилгани боис, у табиий эмас, балки сунъий хусусият касб этади. Шу боис у тадрижий ривожланадиган, инсоннинг хоҳиш-истаги ва аралашувисиз, ундан қатъий назар мавжуд бўлган «бирламчи» табиатдан фарқли ўлароқ, «иккиламчи табиат» сифатида талқин қилинади. (бу ҳақда борлиқнинг шаклларида тўлиқ маълумот берилган)

Тирик табиат ёки Ҳаётнинг пайдо бўлиши. Тирик табиат борлиғи ҳаёт билан бевосита алоқада қаралиши лозим. Жонли мавжудот учун бўлиш – яшаш демак, бўлмаслик – ҳаётдан маҳрум бўлиш, ўлиш, яъни жонли организм сифатида бошқа мавжуд бўлмаслик демакдир. Ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши муаммоси доимо инсоннинг диққат марказида бўлган ва одамзот учун улкан жумбоқлардан бири бўлиб қолган. У мазкур жумбоқнинг тагига етиш учун барча замонларда ўз ақли ва тасавури кучидан тўла фойдаланган. Аммо инсоннинг тадқиқотчилик имкониятлари беҳад ошган, биология фанлари эса ўз ривожланишида анча олға силжиган бугунги кунда ҳам бу муаммо ўзининг тўла ечимини топган деб айтиш мушкул. Айтиш мумкин жонли модда жонсиз моддадан эволюция йўли билан пайдо бўлгани ҳақидаги илмий тасавурлар билан бир қаторда ҳаёт келиб чиқишининг ўз илдизлари билан тарихга, хусусан фалсафа тарихига боғланадиган турли назариялари ҳам амал қилишда давом этмоқда.

Ибтидоий жамоа давридаёқ одамлар ҳаётни ҳар хил руҳлар, жонларнинг мавжудлиги билан тушунтиришга ҳаракат қилганлар. Уларнинг фикрича, бундай руҳлар ва жонларга нафақат одамлар, балки ҳайвонлар, шунингдек атроф борлиқнинг барча нарсалари ва ҳодисалари ҳам эга бўлган.



п

Тегишли эътиқодлар *анимизм* деган ном олган. (бу ҳақда биринчи мавзуда тўлиқ маълумот берилган)

Аристотель (мил. ав. 384-322 йиллар) асарларида, кейинчалик ўрта аср схоластикасида ва *Лейбниц* (1646-1716) асарларида фаол асос, ҳаракатлантирувчи куч сифатида талқин қилинадиган «энтелехия» (юнон. *entelechia* – ўз-ўзида мақсадга эга бўлган) атамасига дуч келамиз. Жонли модданинг мавжудлигини ва унинг жонсиз моддадан фарқини бутун тириклик замирида ётувчи қандайдир жисмсиз, иррационал сабаб, «ҳаёт кучи» мавжудлигини тан олиш орқали тушунтирадиган фалсафий таълимот – витализм (лот. *vitalis* – жонли) замирида айна шу тушунча ётади. Ҳаёт пайдо бўлишининг илоҳий асослари, «ҳаёт хужайралари» Ерга космосдан келгани, гўёки Ерда тажриба ўтказаетган ўзга сайёралик келгиндилар ва ҳоказолар ҳақида жуда кўп ҳар хил ғоялар илгари сурилган.

Шу боис, Коинотда бизнинг сайёрамыздан бошқа жойда ҳам ҳаёт борми, деган савол мутлақо ўринлидир. Қуёш каби юлдузлар Коинотда сон-саноксиз эканлиги, уларнинг атрофида ҳам сайёралар айланиши мумкинлиги ҳақидаги фикрнинг ўзиёқ Ердан бошқа жойда ҳам ҳаёт мавжудлигини тахмин қилиш учун асос бўлади. Шунингдек, Коинот миқёсида жуда кичкина ва ҳозирги инсон ўрганиши учун имконият мавжуд бўлган Қуёш системаси хусусида ҳам ҳаётнинг бирон-бир шакллари мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигини қайд этиш учун етарли ахборот ҳозирча йўқ. Мазкур вазифа фақат мушоҳада юритиш йўли билан ҳал қилиниши мумкин эмас ва экспериментал тадқиқотлар ўтказишни талаб қилади. Инсон илмий-техника имкониятларининг ўсиш суръатларига қараганда, Қуёш системасида Ердан бошқа жойда ҳаёт мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги масаласи яқин келажакда ўз ечимини топса керак. Аммо бутун коинотга нисбатан (у инсон билиши учун чексизлиги туфайли) бу масала сақланиб қолади. Шунингдек, ҳаёт у Ерда намоён бўлган тарзда ва фақат шундай усулда мавжуд бўлиши мумкин, деб айтиш учун бирон-бир асос мавжуд эмас.

Ҳаётнинг пайдо бўлиши ҳақидаги фалсафий оптимизм. Ҳаётнинг пайдо бўлиши муаммосига ўхшаш ўта оғир вазифалар устида бош қотирар экан, инсон ортиқча оптимизм намоёиш этиши ва ўзининг ҳақиқатнинг тагига етиш қобилиятига ҳаддан ортиқ ишониши ҳам, муаммонинг мураккаблиги қаршисида ўз ожизлигини тан олиши ҳам мумкин. Бундай шароитда XX аср бошида Америка прагматизмининг таниқли намоёндаси *Уильям Жемс* (1842-1910) таърифлаган ёндашув ўринли бўлса керак. Унинг таъбири билан айтганда, «биз қор босган, қуюнлар чарх ураётган тоғлар орасида турибмиз. Қаршимизда баъзан туман пардаси оша сўқмоқлар намоён бўлади. Улар ишончсиз бўлиши мумкин. Лекин биз бу ерда ҳаракатсиз турадиган бўлсак, музлаб қолишимиз ҳам ҳеч гап эмас; бордию сохта йўлни танласак, йиқилиб ўлишимиз мумкин; биз хатто чин йўл бор-йўқлигини ҳам билмаймиз. Хўш, биз нима қилишимиз керак? Тушкунликка тушмаслигимиз



п керак! Ҳаммаси яхши бўлишига умид қилиб, дадил ҳаракат қилишимиз керак!»¹.

Агар биз чексизлик ҳамда ҳал қилинаётган вазифанинг ўта мураккаблиги қаршисида ҳафсаласизлик ва ҳаракатсизликдан юқорида зикр этилган тамойилни, мистика ва кўр-кўрона ишончдан ақл далиллари ва билишнинг илмий йўлини устун қўйсак, ҳаёт ҳодисасини фалсафий англаб етиш йўлидаги биринчи ишимиз жонли деб номлаш мумкин бўлган барча нарсаларнинг жонсиз нарсалардан тубдан фарқини аниқлаш бўлиши лозим.

Жонли ва жонсиз нарсаларнинг боғлиқлиги. Бугунги кунда биз тушунишга қодир бўлган барча жонли нарсалар жамулжам ҳолда жонсиз нарсалар дунёси билан таққослаганда денгиздан бир томчидир. Аммо, жонли нарсалар борлиғи тўғрисида сўз юритганда, у жонсиз нарсалар борлиғи билан узвий боғлиқ эканлигини, унинг юқорироқ босқичи ҳисобланишини қайд этиб ўтиш лозим.


Жонли нарсалар жонсиз (қотиб қолган) табиат негизида вужудга келади ва йўқликка чекинади экан, айна шу қотиб қолган табиат бағрига қайтади. Қадимги юнон файласуфлари бутун тириклик ер ва сувдан пайдо бўлган ва уларга қайтиб боради, деганида, айна шу алоқага ишора қилганлар.

Фан, айниқса биологиянинг ривожланиши билан XIX аср бошларидан органик дунё эволюцияси ҳақидаги яхлит таълимотлар вужудга келди. Аввалига *Ж.Ламарк* ғоялари (1744-1829), сўнгра *Ч.Дарвин* (1809-1882) таълимоти, кейинчалик эса генетика кашфиётлари, биология, кимё ва геологиянинг ривожланиши жонли нарсалар жонсиз нарсалардан абиотик (нобиоген, табиий) йўл билан вужудга келган аминокислоталар атроф муҳитнинг муайян шароитида бирикиши жараёнида *табиий йўл билан юзага келган*, деб қайд этиш учун замин ҳозирлади.

Масалан, *Ч.Дарвин* ҳаётнинг вужудга келиши ва унинг табиий танланиш натижасида тадрижий ривожланиши замирида ётувчи ўсиш, насл қолдириш, ирсият, ўзгарувчанлик, кўпайиш прогрессияси, яшаш учун кураш, табиий танланиш каби қонунларни қайд этди.

Жонли нарсаларнинг ўзига хос хусусиятлари. Ҳозирги илмий тасаввурлар ҳар қандай *жонли организмни* очик типдаги *ўз-ўзини ташкил этувчи*, яъни атроф муҳит билан моддалар, энергия ва ахборот алмашинувини амалга оширувчи *система* сифатида тавсифлаш имконини беради. Жонли нарсаларнинг яна бир ўзига хос белгиси шундаки, *улар кўпайиш қобилиятига* эгадир. Барча жонсиз нарсалардан фарқли ўлароқ, фақат жонли организмларгина ўзига ўхшаш организмларни яратиши, сиртдан ўсиш ва ҳаётни қувватлаш учун зарур моддаларни олиб, ўз фаолияти чиқиндиларини атроф муҳитга чиқариш, ўсиши, ривожланиши мумкин. Бошқача айтганда, жонли организмлар борлиғи *функционалдир*, у жараён сифатида юз беради, яъни муайян жонли нарса мавжуд бўлади ёки, у фаолият кўрсатаётгани учун ҳам унда ҳаёт мавжуд бўлади. Жонли организмлар мавжудлиги учун тегишли ва мутлақо муайян физик ва кимёвий муҳит талаб

¹ Джемс У. Зависимость веры от воли. – СПб., 1904. –С. 35.



п

этилади, уларнинг ҳаёт фаолияти фақат муайян шароитда: жоиз температура, ҳаво, намлик, ва шу кабилар мавжуд бўлган ҳолда юз бериши мумкин.

Қайд этилган омиллар аниқ ва уларни текшириш мумкин бўлса-да, жонли ва жонсиз нарсалар ўртасида узил-кесил чегара ўтказиш осон иш эмас. Масалан, вирусли зарралар жонли организм ҳужайраларидан ташқарида моддалар алмашинувини амалга оширмайди, кўпаймайди ва ҳ.к. Бу айрим олимлар уларни жонли нарсалар қаторига, айримлар эса – жонсиз нарсалар дунёсига киритишига асос бўлади. Чуқурликда музлатилган тақдирда қуритилган уруғлар ёки ўта содда организмларда ҳам яшаш жараёнлари номуайян вақтга тўхтайдди, аммо улар аввалги (нормал) шароитга қайтарилгач, мазкур жараёнлар тикланади


Хулосалар. «борлиқ» категорияси ўта умумий фалсафий категория бўлиб, у турли-туман табиат ҳодисалари ва жараёнларини, одамлар жамоалари ва айрим кишиларни, ижтимоий институтларни, инсон онгининг даражалари, шакллари ва ҳолатларини мавжудлик белгисига кўра бирлаштиради. Гарчи бу ҳодисалар ва жараёнлар борлиқнинг турли соҳаларига тааллуқли бўлса-да, уларнинг барчасини умумий асос бирлаштиради. Аммо чексиз даражада ранг-баранг дунёнинг ягоналиги тўғрисида сўз юритиш мумкинми? Бу саволга «ҳа» деб жавоб бериш орқали биз бутун борлиқнинг умумий асоси ҳақида тасаввур ҳосил қиламиз. Бу ҳақда кейинги параграфда сўз юритилади.



Кенг маънода борлиқ мавжуд барча нарсалар ҳақидаги энг умумий тушунча ҳисобланади. У мавжуд бўлган барча нарсаларни қамраб олади, бошқача айтганда, у онтологик тушунчадир. Шу маънода борлиқ ўз реал структурасига эга. Кенгроқ кўринишда у «материя» категорияси билан акс эттириладиган объектив борлиқ ва «онг» категорияси билан акс эттириладиган субъектив борлиққа бўлинади.

Тажрибавий амалий матнлар

Борлиқ, соф борлиқ, категория, жонли ва жонсиз, бирламчи табиат, ижтимоий борлиқ, идеал борлиқ, табиат борлиғи, инсон борлиғи, виртуал борлиқ.

Қўшимча ва тушунтирувчи матнлар







Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар

1. Онтология нимани ўрганади?
2. Нима учун «борлиқ» фалсафанинг асосий категорияси ҳисобланади?
3. Фалсафа тарихида борлиқ муаммоси қандай ечилган?
4. Борлиқ қайси асосий шаклларда намоён бўлади?
5. Борлиқнинг турли шакллари ўзаро боғланидими?
 6. Виртуал борлиқ нимани англатади?
 7. Агар сизда виртуал технологиялардан фойдаланиш имконияти бўлса нима қилган бўлар эдингиз?

Реферат мавзулари

1. Антик фалсафада борлиқ тушунчаси.
2. Ижтимоий борлиқ ва унинг ўзига хос хусусиятлари.
3. Ҳозирги даврда борлиқ муаммосига турли ёндошувлар.
4. Гегел ижодида борлиқ масаласи
5. Форобийнинг борлиқ ҳақидаги таълимоти

Билим ва кўникмаларни баҳолаш материаллари



п

1. Онтология – бу ...?

А. Борлиқ ва йўқлик, мавжудлик ва номавжудлик каби масалаларни кенг доирада ўрганувчи, мавжудлик сифатига эга бўлган барча нарсаларнинг моҳиятини аниқлашга йўналтирилган фалсафанинг соҳаси

Б. Материя ва ҳаракат шакллари, оддий ва мураккаб тузилмалар мазмунини тадқиқ этувчи фалсафий соҳа

В. Тирик, нотирик ва ижтимоий дунё

Г. Инсонни ижодий тафаккурини юксалтирувчи фалсафий йўналиш

2. ... – бу дунёни идрок этишнинг турли усуллари дир.

А. Турли онтологик концепциялар

Б. Фалсафа

В. Борлиқ

Г. Санъат

3. ... – ўз холича, барча конкрет белгиларидан холи кўринишда олинган мавжудлик.

А. Соф борлиқ

Б. Субстанционал борлиқ

В. Мавҳумлик

Г. Аниқлик

4. Қайси категория фалсафанинг асосий ва умумий категорияси ҳисобланади? Яъни у ҳар қандай предмет, ҳодиса, воқеа ва шу кабиларнинг энг муҳим хусусиятларини, уларнинг мавжуд бўлиш, намоён бўлиш, ўзаро таъсирга киришиш қобилиятини акс эттиради?

А. Борлиқ категорияси

Б. Сабаб ва оқибат категорияси

В. Мазмун ва шакл категорияси

Г. Зарурият ва тасодиф категорияси

5. “Ҳамма нарса сондир” – ушбу фикр муаллифи ким?

А. Пифагор

Б. Парменид

В. Эмпидокл

Г. Гераклит

6. “Ҳақиқий борлиқ” – “объектив мавжуд ғоялар дунёси”ни “ҳиссий борлиқ”қа қарама–қарши қўйган файласуф ким?

А. Платон

Б. Гераклит

В. Пифагор

Г. Спиноза



п

7. Аристотел онтологияси неча қисмга бўлиб ўрганилади ва таҳлил қилинади?

- А. 3 қисм
- Б. 4 қисм
- В. 2 қисм
- Г. Бўлинмайди

8. “Категория” атамаси фалсафага ким томонидан киритилган?

- А. Аристотел
- Б. Платон
- В. Гераклит
- Г. Демокрит

9. “Каузал” атамаси қандай маънони англатади?

- А. Сабабий
- Б. Бўшлиқ
- В. Шакл
- Г. Тартиб

10. Имконият ва воқелик таҳлили орқали Аристотел қандай жараёнларни ёритиб берган?

- А. “Ҳаракат” ва “ривожланиш”
- Б. “Сабаб” ва “оқибат”
- В. “Мақсад” ва “восита”
- Г. “Шакл” ва “мазмун”

11. Ўрта асрлар Ғарб ва Шарқ фалсафасида борлиқнинг асосига нима қўйилган?

- А. Худо
- Б. Табиат жисмлари
- В. Инсон
- Г. Коинот

12. Тасаввуфда онтология масаласи асосан қандай манбалар орқали ёритилган?

- А. Орифлар асарларида ва мифологик ғояларда
- Б. Диний китобларда
- В. Вербал манбаларда
- Г. Тасаввуфда онтологик масалалар ўрганилмаган

13. Янги давр файласуфлари борлиқнинг асосига нимани қўяди?

- А. Табиат қонунлари
- Б. Худо
- В. Инсон
- Г. Маънавий мерос



п

14. Қайси давр файласуфлари борлиқ муаммосини сохта муаммо сифатида талқин қиладилар?

- А. XX аср
- Б. Янги давр
- В. Ўрта аср
- Г. Антик давр

15. ... – бу тажрибадан ва инсоннинг “янги ўзига хослиги”дан фойдаланиш имконини амалда таъминлайди.

- А. Виртуал борлиқ
- Б. Технология
- В. Ахборот
- Г. Интернет

16. Борлиқ тушунчасининг этимологияси асли қандай сўз бирикмаси орқали келиб чиққан?

- А. “Бўлмоқ” феълидан
- Б. “Мавжудлик” сўзидан
- В. “Борман” сўзидан
- Г. “Ҳаракат” сўзидан

17. “Ўтган замондаги борлиқ йўқликдир. Борлиқ доим ҳозирги замонда мавжуд бўлади, у фақат ҳозирги замонда ўзини намоён этади”, бу қандай маънони англатади?

- А. Борлиқ ва йўқлик диалектикасини
- Б. Борлиқ ва йўқликни бир–бирини инкор этишини
- В. Мавжудликни
- Г. Абадийликни

18. Ф.Гегель “Мантиқ фани” асарининг биринчи бўлими – “Борлиқ ҳақидаги таълимот”да борлиқнинг неча шаклини қайд этиб ўтган?

- А. 3
- Б. 4
- В. 2
- Г. 7

19. Қайси борлиқ юзага келишидан олдин мавжуд бўлган, онгдан ташқарида ва ундан қатъий назар мавжуд?

- А. Табиат борлиғи
- Б. Худо борлиғи
- В. Инсон борлиғи
- Г. Ижтимоий борлиқ



п

20. Борлиқнинг иккинчи шакли – ... одам танасининг ҳаёти инсон мавжудлигининг бирламчи шарти, шунингдек, инсоннинг табиатнинг бир қисми сифатида жисмоний мавжудлиги ва алоҳида сифатида намоён бўлади. Нукталар ўрнига қўйилиши лозим бўлган сўзларни топинг?

- А. Инсон борлиғи
- Б. Худо борлиғи
- В. Табиат борлиғи
- Г. Маънавий борлиқ

21. ... – инсон бош миясининг дунё борлиғини изчил акс эттириш, уни образлар ва тушунчаларга айлантириш қобилиятидир. Нукталар ўрнига қўйилиши лозим бўлган сўзни топинг?

- А. Онг
- Б. Тасаввур
- В. Хотира
- Г. Сўз

22. Қайси борлиқда жамият борлиғи, унинг моддий неъматлар билан боғлиқ моддий ҳаёти ва ушбу жараёнда одамлар киришадиган муносабатлар тушунилади?

- А. Ижтимоий борлиқ
- Б. Маънавий борлиқ
- В. Инсон борлиғи
- Г. Табиат борлиғи

23. Дунёнинг пайдо бўлиши ва эволюцияси ҳақидаги ҳозирги илмий тасаввурлар қачон вужудга келди?

- А. Сўнгги 400 йил ичида
- Б. Сўнгги 1000 йил ичида
- В. Сўнгги 100 йил ичида
- Г. Сўнгги 200 йил ичида

24. Ернинг геологик тарихи қачон бошланган?

- А. 4,5 миллиард йил муқаддам
- Б. 3 миллиард йил муқаддам
- В. 1 миллиард йил муқаддам
- Г. Аниқ топилмаган

25. “Омилкор одам” меҳнат қуроллари ясаб, нафақат табиат ва унинг предметларидан фойдаланган, балки уни ўз манфаатларида ўзгартиришни қачон бошланган?

- А. 2–4 миллион йил муқаддам
- Б. 1 миллион йил муқаддам
- В. 5–6 миллион йил муқаддам
- Г. 10 миллион йил муқаддам



п

26. “Иккиламчи табиат” деганда нима тушунилади?

- А. Инсон меҳнати ва ижоди натижасида яратилган борлик
- Б. Тирик ва нотирик табиат
- В. Инсоният тарихида яратилган маънавий мерос
- Г. Ноосфера

27. “Энтелехия” атамаси нимани англатади?

- А. Юнонча *entelechia* - ўз-ўзида мақсадга эга бўлган
- Б. Латинча *entelechia* - ўз-ўзида мақсадга эга бўлган
- В. Грекчада ўз-ўзида мақсадга эга бўлган
- Г. Форсча ўз-ўзида мақсадга эга бўлган

28. “Биз қор босган, қуюнлар чарх ураётган тоғлар орасида турибмиз. Қаршимизда баъзан туман пардаси оша сўқмоқлар намоён бўлади. Улар ишончсиз бўлиши мумкин. Лекин биз бу ерда ҳаракатсиз турадиган бўлсак, музлаб қолишимиз ҳам ҳеч гап эмас; бордию сохта йўлни танласак, йиқилиб ўлишимиз мумкин; биз хатто чин йўл бор-йўқлигини ҳам билмаймиз. Хўш, нима қилишимиз керак? Ҳаммаси яхши бўлишига умид қилиб, дадил ҳаракат қилишимиз керак”. Ушбу сўзлар муаллифи ким?


- А. У.Жеймс
- Б. О.Шпенглер
- В. Э.Тоффлер
- Г. Л.Фейербах

29. Ҳаётнинг вужудга келиши ва унинг табиий танланиш натижасида тадрижий ривожланиши замирида ётувчи ўсиш, насл қолдириш, ирсият, ўзгарувчанлик, кўпайиш прогрессияси, яшаш учун кураш, табиий танланиш каби қонунларни фанда биринчи ким қайд этган?

- А. Ч.Дарвин
- Б. Ж.Ламарк
- В. У.Жеймс
- Г. А.Эйнштейн

30. Жонли организмлар борлиғи қандай хусусиятга эга?

- А. Функционал
- Б. Эволюцион
- В. Спонтан
- Г. Системали




1. Маърузани олиб бориш технологияси

<i>Талабалар сони:</i>	<i>Вақти:</i> 2 соат
<i>Машигулот шакли</i>	Кириш мавзуси бўйича маъруза
<i>Маъруза режаси</i>	1.Субстанция муаммоси ва субстанциянинг ўзига хос хусусиятлари 2.Материя тушунчасининг вужудга келиш ва унинг функциялари 3.Материянинг ташкил топиш даражалари
<i>Машигулотнинг мақсади:</i> Ўқув фани ҳақида умумий тасаввурни шакллантириш, субстанция ва материя муаммоси ҳақида тушунча ҳосил қилиш.	
<i>Педагогик вазифалар</i>	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i>
Субстанция муаммоси ва субстанциянинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида тушунчалар бериш.	Субстанция муаммоси ва субстанциянинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида талабаларга тушунчалар берилди.
Материя тушунчасининг вужудга келиш ва унинг функциялари ҳақида тушунча бериш.	Материя тушунчасининг вужудга келиш ва унинг функциялари ҳақида талабаларга тушунчалар берилди.
Материянинг ташкил топиш даражалари ҳақида тушунча бериш.	Материянинг ташкил топиш даражалари ҳақида талабаларга тушунчалар берилди.
<i>Ўқитиш усуллари ва техника</i>	Маъруза, «аклий ҳужум», Т-схема, мунозара, муаммоли вазиятлар усули.
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Маъруза матни, тарқатма материаллар, слайдлар, проектор.
<i>Ўқитиш шакллари</i>	Жамоа, тўғридан-тўғри ва гуруҳларда ишлаш.
<i>Ўқитиш шарт-шароити</i>	Техник воситалар билан таъминланган аудитория.
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Оғзаки назорат, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш.

2. Маърузанинг технологик картаси

<i>Иш жараёнлари вақти</i>	<i>Фаолиятнинг мазмуни</i>	
	<i>ўқитувчи</i>	<i>Талаба</i>
I-босқич. Фанга ва мавзуга кириш. (20 минут)	1.1. Ўқув фани номини айтиб, фан доирасида дастлабки умумий тасаввурни беради ҳамда услубий ва ташкилий томонлари билан таништиради.	Тинглайдилар.
	1.2. Фан бўйича ўтиладиган барча мавзулар билан таништиради, уларнинг узвийлиги ҳақида қисқача маълумот беради.	Тинглайдилар.
	1.3. Фан якунида қўйиладиган рейтинг баҳолаш мезонлари билан таништиради	ЎУМ га қарайдилар.
	1.4. Фанни ўзлаштиришда фойдаланиш учун	ЎУМ га қарайдилар.



П

	зарур бўлган адабиётлар рўйхати билан таништиради.	
	1.5. Ўқув машғулоти мавзуси билан таништиради ва унинг мақсади, ўқув фаолияти натижаларини баён қилади.	Мавзу номини ёзиб оладилар.
	1.6. Мавзу юзасидан ақлий ҳужум қоидаси асосида дарс ўтказишни таклиф этади. Талабалар томонидан айтилган фикрларни ёзиб боради ва умумлаштиради	Тушунчаларни эркин фикр орқали билдиради.
II-босқич. Асосий (50 минут)	2.1. Мавзу режаси ва таянч тушунчалар билан таништиради.	Тинглайдилар.
	2.2. Маърузани режа бўйича тушунтиради, ҳар бир режани ниҳоясида умумлаштиради. Жараён компьютер слайдларини намойиш қилиш билан олиб борилади	Тинглайдилар. Слайдга эътибор қаратади, уни ўзига ёзиб олади ва саволлар беради.
	2.3. Ҳар бир режани мустаҳкамлаш учун қуйидагича саволлар беради: 1.Субстнция муаммоси? 2.Материя шаклларининг турли туманлиги? 3.Микро-макро ва мегаоламнинг тавсифи?	Саволларга жавоб берадилар, эркин баҳс-мунозара юритадилар.
	2.4. Таянч ибораларга қайтилади. Талабалар иштирокида улар яна бир бор такрорланади.	Ҳар бир таянч тушунча ва ибораларни муҳокама қиладилар. Конспект қиладилар.
III-босқич. Яқуний босқич. (10 минут)	3.1. Т-схема техникасидан фойдаланилган ҳолда жуфт-жуфт бўлиб ишлаш учун тингловчиларга: Субстанция ва материя муаммосига оид савол ёзилган тарқатма материаллар тарқатади. Ушбу техника орқали мавзу бўйича яқунловчи хулоса қилади.	Мустақил Т-схемани тўлдирадилар. Эркин фикрини баён этади.
	3.2. Талабаларнинг фаолиятига баҳо қўйилади ва рағбатлантирилади.	Эштади.
	3.3. Келгуси машғулотга тайёргарлик кўриш учун топшириқлар ва фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати берилади.	Эштади ва ЎУМ га қарайдилар.




СУБСТАНЦИЯ ВА МАТЕРИЯ МУАММОСИ

Субстанция ғояси. Қадимги фалсафада вужудга келган борлиқни талқин қилишга нисбатан ўзгача ёндашув «хақиқий борлиқ»ни бирон-бир умумий асосда, биринчи манбада, дунёда мавжуд ҳамма нарсаларнинг биринчи сабабида излашни назарда тутди. Гегель таъбири билан айтганда, бу ерда гап дунёнинг умумий асосини белгиловчи бирон-бир нарсанинг «мавжуд борлиғи» ҳақида боради. Мазкур талқин дунёнинг ягоналиги ҳақидаги тасаввур билан боғлиқ бўлиб, у дунёда мавжуд бўлган барча нарсалар борлиққа эга эканлиги билангина эмас, балки мавжуд барча нарсалар ягона асосдан келиб чиқиши ва ҳар қандай нарсага муқаррар тарзда хос бўлган айрим умумий, универсал хоссалар билан тавсифланиши билан ҳам белгиланади. *Фалсафада бундай асос **субстанция** (лот. substantia – моҳият, биринчи асос), нарсаларнинг ягона асосдан иборат эканлиги ҳақидаги таълимот, уларнинг келиб чиқиши билан белгиланган умумий ва узвий хоссалар **атрибутлар** (лот. attributum – хос бўлган, қўшиб олинган) деб аталади.* Фалсафада «Субстанция» категориясига «**субстрат**» (лот. – тўшама, негиз) тушунчаси яқин туради. *Субстрат борлиқнинг энг қуйи ва асосий қатлами сифатида тушунилади.* Қадимги атомистик таълимотларда атомлар ана шундай асос ҳисобланган. Ҳар қандай субстрат муайян вужудга келиш жараёнининг ўзига хос хусусиятини ифодалайди. Ҳозирги талқинда, маълум физик жараёнларнинг субстрати сифатида элементар зарралар ва фундаментал (кучли, кучсиз, электромагнит ва гравитацион) ўзаро таъсирлар амал қилади. Турли моддаларнинг ҳосил бўлиш ва ўзгариш жараёнларида ўзининг барқарор ҳолатини сақлаб қолувчи атомлар кимёвий жараёнларнинг субстрати сифатида намоён бўлади. Элементар «ҳаёт бирликлари» сифатида амал қилувчи нуклеин кислоталар (ДНК ва РНК) ва оксил моддаларнинг молекулалари биологик жараёнлар субстрати бўлиб хизмат қилади. Барча ижтимоий ўзгаришлар замирида мақсадга мувофиқ фаолияти мавжуд бўлган инсон ижтимоий ҳаёт субстрати ҳисобланади.

Субстанция тушунчасининг моҳияти - у ёки бу «наrsa» нимадан иборат ва қаердан пайдо бўлган? - Қаршимизда намоён бўладиган нарсалар ранг-баранглигида бутун борлиқнинг биринчи асосини ташкил этадиган, мазмунан умумий, ягона нимадир борми? каби масалалар ташкил қилади.

Демак *субстанция деганда барча нарсаларнинг муайян умумий бирламчи асоси тушунилади.* Турли нарсалар ва ҳодисалар вужудга келиши ва йўқ бўлиши мумкин бўлса, субстанцияни яратиш ҳам, йўқ қилиш ҳам мумкин эмас, у фақат ўз борлиғининг шаклини ўзгартиради, бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтади. Субстанция – ўз-ўзининг сабаби ва барча ўзгаришлар асоси, борлиқнинг энг фундаментал ва барқарор қатлами. Илк фалсафий йўналишларнинг вакиллари барча нарсалар асосини ташкил этувчи моддани биринчи асос сифатида тушунганлар. Одатда, бундай асос сифатида ўша даврда умумий эътироф этилган биринчи стихиялар: ер, сув, ҳаво, олов ёки фикрий конструкциялар, «биринчи ғиштлар» - апейрон, атомлар қаралган. «Авесто»да бирламчи субстанция олов деб аталган. Кейинчалик субстанция



п категорияси ўзгармас, нисбатан барқарор ва ҳеч нарса билан боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд ўта кенг асосга айланди. Инсон идрок этадиган дунёнинг бутун ранг-баранглиги ва ўзгарувчанлиги субстанция билан боғланган. Бундай асослар сифатида фалсафада асосан материя, Худо, онг, ғоя, флогистон, эфир ва шу кабилар амал қилган. «Субстанция» тушунчаси ўз-ўзини тўлиқ белгиловчи борлиқни ифодалашга хизмат қилади. Субстанция категориясида ўзини асослаш учун бошқа ҳеч нарсани талаб қилмайдиган негиз, биринчи асос ғояси мужассамлашган. Нидерланд файласуфи Бенедикт Спиноза (1632-1677) буни «causa sui» – «ўз-ўзининг сабабчиси» иборасида жуда тўғри ифодалаган. Субстанция деганда у ўз ҳолича мавжуд бўлган ва ўзи орқали зоҳир бўлган, яъни ўзининг мавжудлиги учун бошқа нарсага муҳтож бўлмаган нарсани тушунган. Бунда бир томондан, субстанция материя сифатида тушунилади, бошқа томондан – у ўзининг барча шакллари сабаби ва «субъекти» сифатида амал қилади. Бу *Б.Спиноза ижодида субстанциянинг бир вақтнинг ўзида ҳам табиат, ҳам Худо сифатида таърифлангани ва бу икки тушунчани тенглаштиришдан далолатдир*. Б.Спиноза Худони табиатга бутунлай сингдириб юборган, уни табиийлаштиришга ва илоҳий мазмундан ажратишга ҳаракат қилган. Унинг пантеизми шундан иборат бўлган.

Б.Спиноза илгари сурган субстанцияни табиийлаштириш ғоясини Гольбах изчил ривожлантирди. У барча субстанцияли нарсаларни табиатга ва фақат табиатга боғлади. «Табиат ҳамма нарсанинг сабабчисидир; у абадий мавжуддир; табиат ўз-ўзининг сабабчисидир...». «Табиат қандайдир буюм эмас; у доим ўз ҳолича мавжуд бўлган; ҳамма нарса унинг бағрида вужудга келади; у барча нарсалар билан таъминланган улкан устахонадир...»¹. Шу маънода табиат ҳам, субстанция ҳам сиртдан ҳеч қандай турткига муҳтож эмас. Лейбниц эса: «Ҳар қандай ҳақиқий субстанция фақат ва фақат таъсир кўрсатади»², деганида ҳақ бўлган.

Модомики, субстанция ҳамма нарсани ўз ичига олувчи ва ўзи учун бошқа ҳеч қандай асос ёки шартни назарда тутмайдиган биринчи сабаб экан, у ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд ҳар қандай нарсанинг мавжуд бўлиш имкониятини истисно этади. У хоҳ Худо, хоҳ ғоя, ўзлик, руҳ ёки экзистенция бўлсин – субстанция ягонадир! «Субстанция» тушунчаси кўпликда қўлланилиши мумкин эмас. Унинг кўплиги ғояси мазкур тушунчанинг таърифига зиддир, чунки мазкур мақомга даъвогар икки ёки бир неча нарса мавжуд бўлган тақдирда, уларнинг биронтаси ҳам субстанция ҳисобланмайди. Субстанциялилик парадокси ана шундан иборат.

Алхимиклар мазкур атамани кўпликда қўллаб, «субстанцияли шакллар», «субстанцияга хос сифатлар» тўғрисида сўз юритганда, унга кўпол физик маъно юклаганлар. Айни ҳолда субстанция моддага тенглаштирилган. Улар субстанциянинг хосса ва шакллари ўзгармас, лекин тегишли таъсирлар натижасида бир-бирига айланиши мумкин, деган нотўғри хулосага келганлар.

¹ Гольбах // Всемирная энциклопедия. -М.: Современный литератор, 2001.-С.246.

² Лейбниц // Всемирная энциклопедия. -М.: Современный литератор, 2001.-С.548



п

Субстанциянинг ўз-ўзидан амалга ошиши ҳодисаларнинг умумий, узвий хоссалари – атрибутларда ва нарсаларнинг муайян, алоҳида хоссалари – модусларда содир бўлади.

Шундай қилиб, бирон-бир объектнинг борлиғи деганда субстанциал борлиқ, яъни объектнинг субстанциядан вужудга келиши билан белгиланган борлиқ тушунилса, бу объектни мавжуд деб ҳисоблаш орқали биз унда муайян атрибутларнинг мавжудлигини тахмин қиламиз.

Борлиқ нима, деган савол субстанция нима, унинг атрибутлари қандай, деган саволга айланади. Фалсафа тарихида бу масала ечимининг турли вариантларини акс эттирувчи онтологик концепциялар таклиф қилинган.

Материалистик онтология борлиқнинг асоси моддий нарсалар деган таълимот бўлиб, уни антик файласуфлар яратган. Фалес бутун борлиқнинг биринчи асоси деб сувни, Анаксимен – ҳавони, Гераклит – оловни эътироф этган. Қадимги таълимотлар орасида Анаксимандр онтологияси алоҳида ўрин эгаллайди. Унинг фикрича биринчи асос чексиз ва сифат жиҳатидан номуайян бўлиши керак, чунки унда нарсаларнинг барча конкрет сифатлари (иссиқ ва совуқ, намлик ва қуруқлик, аччиқ ва ширин ва ҳ.к.) аралаш бўлиши лозим. Атомлар, эфир, модда – буларнинг барчаси материяни барча нарсаларнинг субстанцияси сифатида тушунишнинг турли вариантларидир.

Фалсафада материалистик онтология *монизм* деб аталади. «*Монизм*» (юнон. *monos* – битта, ягона) дунёдаги барча нарсалар ва ҳодисалар бир субстанциядан иборат деган таълимот деб аталади. Субстанция табиатини тушунишга нисбатан анча кенг тарқалган икки ёндашув – материалистик ва идеалистик монизмни қайд этиш лозим.

Материалистик монизм дунё ягона ва узвий, у азалдан моддий ва дунёнинг бирлиги замирида айни шу моддийлик ётади, деб ҳисоблайди. Бу концепцияларда руҳ, онг ва идеалликдан эмас, балки моддийликдан келтириб чиқарилади. Бундай ёндашувларнинг ўта ривожланган кўринишларига биз Фалес, Гераклит, Спиноза, ва унинг издошлари асарларида дуч келаемиз. Шунингдек Зардўштилик динининг муқаддас китоби бўлмиш “Авесто”нинг “Яштлар” қисмидаги кўпхудолик ақидаларига зид ўлароқ “Гоҳлар” қисмида яккахудолик ғоялари тарғиб қилинган.

Идеалистик онтология қадимда Платон фалсафасида ривожлантирилган. Буюк файласуф субстанциал борлиқни «нарсалар дунёси» замирида ётувчи «ғоялар дунёси» сифатида тасаввур қилган. Идеалистик онтология идеалистик монизм деб номланиб, материяни ҳар қандай борлиқнинг боқий мавжудлиги, йўқ бўлмаслиги ва биринчи асосига эга бўлган қандайдир идеал нарсанинг маҳсули деб ҳисоблайди. Бунда объектив-идеалистик монизмни (масалан, Платонда – бу ўлмас ғоялар, зардўштиликда олов, ўрта аср фалсафасида – Худо, Гегелда – яратилмайдиган ва ўз-ўзидан ривожланадиган «мутлақ ғоя») ва субъектив-идеалистик монизмни (масалан, борлиқнинг барча жисмоний ва рухий ҳолатларини «нейтрал» асосдан – дунёнинг қандайдир мавҳум конструкциялари, «элементлари»дан келтириб чиқарган Мах) фарқлаш мумкин.



п


Дин онтологиясида субстанция Худонинг борлиги билан ифождаланади. Экзистенциализм онтологиясида замирида инсонга бевосита берилган борлиқ - экзистенция категорияси ётади. Бунда умид, кўрқув, ғамхўрлик, виждон ва шу кабилар борликнинг атрибутлари («экзистенциаллари») ҳисобланади.

Дуалистик хусусиятга эга бўлган онтологик концепцияларда биринчи асос сифатида иккита субстанция икки хил борлиқ ва тегишли равишда икки субстанция фарқланади ва у дуализм (лот. dualis – икки ёқлама) деб аталади. Немис файласуфи Х.Вольф XVIII аср бошида «дуализм» атамасини фалсафий муомалага киритган. Х.Вольф дунёда барқарор тартибнинг шаклланишида тафаккур, ғоялар ва ақл-идрокнинг алоҳида ўрнини аниқлаш ҳамда таъкидлашга ҳаракат қилган. Унинг замондошлари – маърифатли абсолютизм ғояларининг тарафдорларига таъсири жуда катта бўлган. Х.Вольфнинг фалсафага оид қўлланмалари барча ўқув юртларида ўқитилган ва эскирган (схоластик) жиҳатларни сиқиб чиқарган. Улар университет таълимининг асосий манбалари сифатида амал қила бошлаган.

Рене Декарт фалсафа тарихида дуализмнинг ёрқин вакили сифатида ўрин олди. Р.Декартнинг радикал механицизми уни материянинг бутунлай руҳсизлиги ҳақидаги ёндашувга олиб келди. *Р.Декарт назарида, моддий жисмоний субстанция ўз атрибути сифатида узунлик, кенглик ва чуқурлик кўламигагина эга. У мутлақ бўшлиқни истисно этади, ҳаракатланиш, яъни жисмоний зарраларни бўлиш, жойдан-жойга кўчириш ва ўзгартириш қобилиятига эга.*

Маънавий ҳаёт файласуф назарида моддий ҳаётдан алоҳида, ўзининг билиш ва фикрлаш фаолияти, интеллектуал интуиция ва дедуция каби ўзига хос кўринишларида намоён бўлади. У руҳий субстанциянинг бутунлай жисмсизлигини эътироф этди. Гарчи Р.Декарт янги фалсафа ва фан асосчиларидан бири бўлса-да, унинг ғояларида ўрта аср фалсафасидан мерос қолган «субстанция» атамасининг алоҳида нарсани тушуниш учун қўлланилишига, шунингдек, у икки муҳим - универсал ва чексиз субстанция – фикрлаш ва кўламни алоҳида эркин мақомга эга, деб эълон қилганига дуч келиш мумкин. Р.Декартнинг «*cogito ergo sum*» – «мен фикрляпман, демак, мавжудман», деган ибораси “*факат тафаккур*” барча нарсаларнинг негизи сифатида тан олганлигидан далолат беради. Р.Декарт фикрловчи субстанциянинг узвийлигини ва ҳар бир «Мен», яъни ақлли жонзотга бевосита, кўламли субстанция эса – билвосита очиклигини исботлади. Ажралмас субстанция (ақл) метафизиканинг ўрганиш предметини, ажралувчи субстанция (кўлам) эса физика предметини ташкил этади.

Бироқ, икки субстанция – маънавий ва моддий субстанцияларни фарқлаш, бу мантиқий нуқтаи назардан нотўғри ва рационал маънода жуда кўп қийинчиликларга сабаб бўлиши мумкин. Фикрлаш ва кўламга икки субстанция тарзида, яъни бир-бирига боғлиқ бўлмаган мустақил асослар сифатида ёндашилганида, «руҳ» ва «тана» ўз ҳаракатларида қандай уйғунлашиши, умуман, «тана» қандай қилиб фикрлаш қобилиятини касб этиши мумкинлигини тушуниш қийин. Моҳият-эътиборига кўра, субстанция



п бутун мавжудот асоси, ҳамма нарсани ўз ичига олувчи ва ўзини намоён қилиш учун ҳеч нарсага муҳтож бўлмаган ягона биринчи асос сифатида намоён бўлган.

Француз материалист файласуфи Ж.Ламетри ўзининг «Рухнинг табиий тарихи» деб номланган асарида дуализмни инкор қилади. У ўзида тажриба ўтказган – безгак касаллигига чалинган, унинг кечишини кузатган, пировардида, инсоннинг рухий ҳолати унинг жисмоний вужудига боғлиқ, деган хулосага келган. Ж.Ламетри монистик-материализмни ҳимоя қилиб, чексиз такомиллашувчи ягона моддий субстанция мавжуд, деган ғояни илгари сурган. Субстанцияга хос сезиш ва фикрлаш қобилияти вужудли жисмларда мавжуд бўлади. Сезиш ва фикрлаш қобилиятининг ўзи ташқи жисмларнинг мияга таъсири билан боғлиқ. Шу сабабли айнан ташқи дунё инсоннинг «мия экрани»да акс этади, тана эҳтиёжлари эса, Ж.Ламетрининг фикрига кўра, «ақл мезони» сифатида амал қилади.

Икки асос, муҳаббат ва нафрат, яхшилик ва ёмонлик, эркинлик ва заруриятнинг тенг ҳуқуқлилиги ғояси илгари сурилган ҳар қандай фалсафий назария дуалистик назария сифатида амал қилган.

Плюрализм дунёнинг негизидан иккита эмас, балки ундан кўпроқ моҳият борлигини тан олувчи таълимот. «Плюрализм» (лот. – кўплик, кўп хиллик, кўп сонлик) атамасини ҳам Х.Вольф 1712 йилда таклиф қилган. Лейбниц онтологияси кўп сонли субстанциал шакллар (монадалар)нинг мавжудлигини назарда тутувчи таълимоти плюрализмнинг ёрқин ифодасидир. *Плюрализм таълимотига кўра, дунё сон-саноксиз рухий субстанциялардан ташкил топади.* Аммо, плюралистик ёндашувнинг бундан олдинроқ илгари сурилган кўринишлари ҳам мавжуд. Масалан, Эмпедокл яратган дунёнинг тўрт асоси ҳақидаги таълимоти плюралистик онтологиянинг турларидан бири сифатида амал қилади.

Баъзан плюрализмга мустақил таълимот сифатида эмас, балки дуализмнинг ўзгарган кўриниши сифатида қаралади. Лекин плюралистлар ўз назариясининг асосий вазифасини дуалистик мунозараларда ечимини топмаган руҳ ва табиат ўртасидаги қарама-қаршилик масаласидан фарқ қилади, деб билладилар.

Субстанцияни барча ўзгаришларнинг сабабчиси ва (causa sui) ўз-ўзининг сабабчиси сифатида тушуниш И.Кант томонидан қабул қилиниб, юксак баҳоланган. У субстанцияни «ҳодисаларнинг вақтдаги барча муносабатларини аниқлашга ёрдам берувчи ўзгармас асос»¹, деб таърифлаган. Унингча, субстанция ҳар қандай тажриба ва ҳар қандай идрок этишнинг асосий шартидир. У барқарор ҳолатда бўлади, ҳар қандай мавжудлик ва вақтдаги ўзгариш унинг модуси, яъни ўзгармас нарсанинг мавжудлик усули сифатида қаралиши мумкин.

Эмпирик йўналиш вакиллари субстанция ғоясини тажрибадан келтириб чиқариш мумкин эмас, деб ҳисоблайди. Беркли бизнинг сезгиларимиз руҳимиздан ташқарида «идрок этилмаган нарсалар»

¹ Кант И. Критика чистого разума. –М.: 1996. –С.47



п
мавжудлигидан далолат бериши мумкин эмас, деб, *моддий* субстанцияни рад этган. Юм Берклининг айни шу фикрини *маънавий* субстанцияга нисбатан ҳам татбиқ этган. Унинг фикрича, субстанциянинг умумий (моддий субстанция ҳам, маънавий субстанция ҳам) ғояси хаёлот маҳсулидан бошқа нарса эмас. Биз айрим нарсаларни идрок этамиз, лекин ҳеч қачон уларнинг ўртасидаги сабабий алоқани идрок этмаймиз. Субстанция шундай бир номки, унинг остида биз ўзаро боғланмаган рўёларни бирлаштирамиз. Д. Юм субстанцияни умуман борлиқ тушунчасига татбиқ этади. Юм, “Бизнинг сезгиларимиздан ташқарида бирон-бир нарса мавжуд ёки мавжуд эмаслигини сўраш бефойдадир. Биз ташқи дунё мавжуд, яъни бизга боғлиқ бўлмаган ва узлуксиз борлиққа эга эканлигига ишонишимиз мумкин, лекин у мавжуд эканлигини исботлай олмаймиз. Мавжуд бўлган нарса мавжуд бўлмаслиги ҳам мумкин... Бутун мавжудликнинг мавжуд эмаслиги унинг мавжудлиги каби аниқ ва равшан ғоядир»¹, деб ёзади. Аммо Беркли ва Юм моҳият эътибори билан шундай бир онтологик концепцияни ривожлантирганки, унда субстанция ролини унинг «суррогати» - субъектда туғилган сезгилар оқими ўйнайди.

«Борлиқ» тушунчасини инсоннинг ўзини қуршаган дунёни ва ўз-ўзини билиш жараёнининг негизи саналган асосий фалсафий категория сифатида ўрганар эканмиз, биз мазкур категориянинг энг умумий белгиси борлиқнинг ҳар қандай нарсалари, ҳодисалари, жараёнлари ва ҳолатларига хос бўлган мавжудлик эканлигини аниқладик. Бу категориядан фойдаланар эканмиз, биз инсон аввало ўз борлигини қайд этиши ва шундан кейингина уни реал борлиқ бутун ранг-баранглигининг мавжудлиги билан боғлашига эътиборни қаратдик. Аммо бирон-бир нарсанинг мавжудлигини шунчаки қайд этиш ҳам янги масалалар юзага келишига сабаб бўладик, уларнинг энг муҳимлари *борлиқнинг биринчи сабаби билан боғлиқдир*.

Ҳозирги замон фалсафасида субстанция категориясининг онтологик мазмуни ўзаро таъсир сифатида тушунилади. Чунки айнан ўзаро таъсир дунё яралишининг ҳақиқий ва пировард сабабчиси – нарсаларнинг causa finalisu ҳисобланади. Нарсаларни субстанциялилиқ нуқтаи назаридан ўрганиш уларнинг мавжудлигини ички сабаблар ва ўзаро таъсирлар нуқтаи назаридан ёритиш, демакдир. Шу маънода субстанцияни ички бирлик нуқтаи назаридан, унинг чексиз ва ранг-баранг ўзгаришларидан қатъий назар қараладиган объектив борлиқ сифатида, ҳаракатнинг барча шакллари, мазкур ҳаракат жараёнида юзага келувчи ва йўқ бўлувчи тафовут ва қарама-қаршилиқлар нуқтаи назаридан ёндашиладиган материя деб таърифлаш мумкин.

Шундай қилиб, субстанциянинг хусусиятлари қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ўз-ўзини белгилаш (ўз-ўзининг сабабчиси ҳисобланади, уни яратиш ва йўқ қилиб бўлмайди);

¹ Юм Д. Сочинения. В 2 т.Т.1. -М.: 1965. –С.167-168



п

- универсаллик (ҳеч нарсага боғлиқ бўлмаган, барқарор, ўзгармас ва мутлақ биринчи негизни ифодалайди);

- каузаллик (барча ҳодисаларнинг умумий сабабий боғлиқлигини ўз ичига олади);

- ягоналик (биринчи негизнинг ягоналигини назарда тутуди);

- яхлитлик (моҳият ва мавжудликнинг бирлигини кўрсатади).

Хўш, ана шу хусусиятлар нуқтаи назаридан ҳозирги замон фалсафасида субстанция категорияси ўз ўрнига эгами, деган саволга қандай жавоб бериш мумкин? Аввало, таъкидлаш лозимки, субстанция категорияси ҳозир ҳам кўп жиҳатдан диққатга сазовор. Биринчидан, бу барча ҳодиса ва жараёнларнинг сабабий белгиланганлиги ғоясини намоён қилади. Субстанция бунда барча мавжуд нарсаларнинг биринчи сабаби сифатида амал қилади. Иккинчидан, у универсиумнинг онтологик мазмунини муайянлаштириш талабидир. У барча ўзгаришларни белгиловчи ўзаро таъсирнинг янги турларини излаш ва майдоннинг ягона физик назариясини тузишга йўналтиради. Учинчидан, субстанция ўзининг ранг-баранг кўринишлари даражасида унинг ривожланиши нуқтаи назаридан олинган ҳамда ўзига хос бўлган бутун эволюцион имкониятларни ишга солиб, ҳаракатланаётган материя сифатида тушунилиши лозим. Тўртинчидан, субстанция категориясига мурожаат этиш материя ва онгнинг мутлақо қарама-қаршилиги тўғрисидаги масалани кун тартибидан чиқариш имконини беради.

Субстанция масаласи бирон-бир файласуф эътиборидан четда қолиши мумкин эмас, чунки унинг ҳар қандай мулоҳазалари, улар қайси мавзуга тегишли бўлмасин, гўёки «ҳавода муаллақ осилиб қолади», зеро ҳар доим мулоҳаза қилинаётган нарсанинг энг катта асослари ҳақидаги масала юзага келади. Масалан, бир қарашда дунёнинг замирида нима ётишини аниқлашдан узоқ бўлиб туюладиган ахлоқ мавзусини олайлик. Ахлоқ индивидуал онг билан ҳам, ижтимоий онг билан ҳам бевосита боғлиқ бўлиб, фақат уларга боғлаб ўрганилиши мумкин. Аммо онгнинг келиб чиқиши ҳақидаги масала фалсафа тарихида ҳар хил ҳал қилинади. Хусусан, диний фалсафа вакили учун ахлоқнинг ҳам, онгнинг ҳам манбаи ва биринчи асоси Худо ҳисобланади, айни вақтда атеист учун бу масала бутунлай бошқача ечимга эга бўлади.

Фалсафа тарихида объектив дунёнинг ранг-баранглиги қандайдир пировард, энг катта асосга умуман олганда қандай боғланганига назар ташлайдиган бўлсак, табиатан ҳар хил бўлган ва бир-бирига мутлақо боғланмайдиган икки шундай асос: материя ва онгга дуч келамиз. Кўрсатилган асослар ҳам, уларнинг ўзаро алоқаси масаласи ҳам доимо қизгин баҳсларга сабаб бўлган, моддий (табиий) ва идеал (маънавий) нарсалар ва ҳодисаларнинг ўзаро нисбати муаммоси эса деярли ҳар бир таълимотда бевосита ёки билвосита илгари сурилади.

Материя тушунчасининг вужудга келиши ва унинг функциялари. Материя» тушунчаси қадимги мутафаккирлар бизни қуршаган дунёнинг барча ранг-баранг нарсаларини яратиб ва йўқ қилиб бўлмайдиган, одамларга


п

хам, худоларга ҳам боғлиқ бўлмаган умумий ва ягона «биринчи асос»дан келиб чиққани ҳақидаги ғояни илгари сурган пайтдан эътиборан фалсафий категория сифатида ишлатила бошлаган. Бу «биринчи асос»ни улар барча нарсаларни яратиш учун асосий материал бўлиб хизмат қилувчи қандайдир модда сифатида тасаввур қилган. Айни шу материал материя деб аталган.

«Материя» атамаси лотинча *materia* сўзидан келиб чиққан бўлиб, модда деган маънони англатади. Шунга қарамай, фалсафа тарихида «материя» тушунчасининг мазмуни бир неча марта ўзгарган, табиатшуносликнинг ва фалсафанинг ривожланишига мувофиқ ривожланган.


Қадимги юнон фалсафасида материянинг этимологик талқинидан кенг фойдаланилган. Ҳамма нарсаларнинг асоси бўлган биринчи модда ҳақидаги тасаввур материя билан боғланган. Материя юзага келувчи ҳамма нарсаларнинг субстрати сифатида намоён бўлган.

Материя ҳақидаги тасаввур шаклланишининг қуйидаги босқичлари фарқланади.



Биринчи босқич антик фалсафа даврини қамраб олади. Фалсафий тафаккурнинг ривожланиш жараёнида материя ҳақида турли тасаввурлар вужудга келган ва тегишли равишда материалистик онтологиянинг ҳар хил вариантлари яратилган. Қадимги содда материалистлар материяни ўша давр одамларига маълум бўлган у ёки бу конкрет нарсалар билан айнийлаштириб, материянинг табиати ҳақидаги тасаввурни яратганлар.

Фалсафа тарихида материя ҳақидаги дастлабки тасаввурлар «стихияли материализм» деб аталади. Ушбу материализм ўз ривожланишининг биринчи босқичида табиат ҳодисаларининг чексиз ранг-баранглигига асосланган бирликни табиий ҳол деб ҳисоблайди ва унинг сабабларини муайян моддий, ўзига хос нарсдан излайди. Антиқ қарашларга кўра материя – жисмлар ва нарсаларнинг ўзагини белгиловчи бирламчи



п

материалдир. Масалан, қадимги юнон файласуфи Фалес сув ўсимликлар, ҳайвонлар ва одамларга зарурлигини қайд этиб, сувни барча нарсаларнинг асоси деб эълон қилган. Гераклит Қуёш, юлдузлар ва бошқа жисмларни яратувчи олов ҳамма нарсанинг асоси деб ҳисоблаган.

Ницше бу ҳақда шундай дейди: «Ҳодисаларнинг ранг-баранглигини тушунтириш имконини берувчи биринчи сабаб тўғрисидаги масала юнон натурфалсафасининг бош мавзуи ҳисобланади. Фалеснинг: «Сув барча нарсаларнинг моддий биринчи асосидир», деган машҳур иборасида, у қанчалик ғалати бўлиб туюлмасин, унда уч асосий фалсафий тамойил мужассамлашган. Кейинги ривожланиш жараёнида унинг муҳимлиги тобора аниқроқ аён бўлиб борган. Булар қуйидагилардан иборат бўлган: биринчи - шунга ўхшаган ягона биринчи сабабни излаш керак; иккинчи - фақат бу саволга оқилона, яъни афсоналарга таянмасдан жавоб бериш керак; учинчи – ушбу масаланинг ечимида бу дунёнинг моддий жиҳатлари ҳал қилувчи роль ўйнаши лозим»¹. Шундай қилиб, ушбу ҳолда биз монизмнинг ягона биринчи сабабни излаш қоидаси, оқилона фикрлаш талаби ҳамда дунёнинг моддийлигини тан олиш мавзуи билан тўқнаш келаемиз.

Оламдаги турли нарсалар бир атама – «материя» тушунчасига бирлаштирилар экан, унинг муҳим сифат хусусиятлари мавҳумлаштирилади. Бунда уларнинг шакли ҳам, намоён бўлиш ва амал қилиш хусусияти ҳам эътиборга олинмайди, балки бошқа нарса муҳим аҳамият касб этади. Хўш, у нима? Бу саволга жавобни «материя» атамасининг маъноси бериши мумкин. Лотинчадан ўгирганда бу сўз «модда» деган маънони англатади. Аммо моддий, жисмоний нарсаларнигина материя билан боғлаш бизни сохта йўлга бошламайдими? Унда электромагнит майдон, гравитация майдони, ёруғлик, нейтрон, микрозарра нима? Улар моддийми ёки бизнинг тасаввуримиз, фантазияларимиз, онгимиз маҳсулими? Материя категориясининг моддий кўринишга асосланган мазмуни қандай? Ушбу саволларга жавоб бизга кўп масалаларни илмий, фалсафий тушуниш имконини беради.

Қадимги юнон файласуфлари орасида Анаксимандр ўзининг материя ҳақидаги фикр-мулоҳазалари билан алоҳида ажралиб туради. Унинг учун материя ёки биринчи модда сезиш мумкин бўлган конкрет жисм эмас, балки айрим номуайян ўзгарувчи моҳиятга эга бўлган апейрондир. Атомистларда материя табақалашган субстракт кўринишини касб этади.

Материянинг биринчи илмий концепциясини милоддан аввалги V асрда қадимги атомистлар (Демокрит ва бошқалар) таклиф қилган.




¹ Ницше Ф. Сочинения В 2 т. Т.1. -М.: Рипол 241



Демокрит барча нарсалар оддий ажралмас зарралар – атомлардан иборат, деган гоёни илгари сурган. Унинг тасаввурида бу зарралар бир-бири билан тўқнашиб, бир-бирига ёпишиб ва бир-бири билан бирикиб, биз кўрадиган нарсаларни ҳосил қилган. Нарсаларнинг хоссалари пировард натижада уларни ташкил этувчи атомлар шакли, катталиги, ўзаро жойлашуви ва ҳаракатига боғлиқ. Бу барча нарсаларни тавсифлаш ва тушунтиришга асос қилиб ягона умумий схемани – билиш объектининг ҳар қандай объектни атомлар бирикмаси сифатида акс эттирувчи моделини олиш имконини беради. Шундай қилиб, антик файласуфлар нуктаи назаридан, материя – бу барча нарсалар асоси. Одатда булар қадимги донишмандларнинг фаразлари бўлган ва уларнинг материализми ўта содда хусусият касб этган, чунки назарий хулосалар борлиқни кузатиш натижаси, табиатни экспериментал ўрганиш мавжуд эмаслиги маҳсули бўлган.

Демокрит, Эпикур, Лукреций Карнинг атомистик назариясида барча нарсаларнинг субстрати сифатидаги материя атомлар йиғиндиси кўринишида намоён бўлади. Улар шакли, катта-кичиклиги, оғирлигига кўра ҳар хил, лекин бўлинмас ва йўқ бўлмасдир. Объектларнинг ранг-баранглиги атомлар конфигурациясининг турлилиги билан изоҳланади.



Материя фалсафий категориясини илк бор Платон ишлатган. У hyle атамасини муомалага киритган ва у билан катталиги ва шакл-шамойили ҳар хил жисмлар пайдо бўлишига асос бўлиб хизмат қиладиган сифатлардан маҳрум субстрат (материал)ни ифодалаган. Платон талқинида материя шаклсиз ва номуайян бўлиб, ҳар қандай геометрик шакл кўринишини касб этиши мумкин бўлган макон билан тенглаштирилади. Кейинчалик материя ҳақидаги тасаввурлар асосан унинг муайян хоссалари (масса, энергия, кўлам) билан боғланган ва муайян турлари (модда, атомлар, корпускулалар ва ш.к.) билан тенглаштирилган.

Платоннинг «Тимей» диалоги мазмунидан келиб чиқувчи материя ҳақидаги таълимот қадимги юнон фалсафасида алоҳида ўрин тутди. Биринчидан, Платон «материя» тушунчасини ифодалаш учун махсус атама қўлламаган, бу борада тушуниш анча мушкул бўлган «тур» экани ҳақидаги ишорадан бошқа аниқроқ тушунтиришлар ҳам бермаган. Иккинчидан, у ҳар қандай туғилишнинг «доё»си ва «энага»си бўлиш материянинг доимий вазифасидир, деб ҳисоблаган. Қайсидир маънода бу асос, лекин шаклсиз асосдир. Ҳамма нарсаларни ўз ичига олиши лозим бўлган асос ўзи ҳар қандай шаклдан маҳрум бўлиши лозим бўлганидек, унинг вазифаси абадий яшайдиган барча мавжуд нарсаларнинг шакл-шамойилини ўзида аниқ ва тўлиқ мужассамлаштиришдан иборат бўлганлиги учун табиатан ҳар қандай шаклдан маҳрум бўлмоғи керак.



п

Платоннинг материя –ҳақидаги машҳур таълимоти ўзининг борликқа асосланган мустаҳкам негизини йўқотган. Унингча, материя –тушунчаси ақл (демиург) – бирламчи, соф материя (етилиш жойи ва «доя») - иккиламчи соф материя (моддий нарсалар) учлигида оралиқ ўрин эгаллайди¹. Платон доимо мавжуд бўлган ва ҳеч қачон шаклланмайдиган нарсаларни ва доимо шаклланивчи ва ҳеч қачон мавжуд бўлмайдиган нарсаларни фарқлашга чақиради. Унинг фикрича, нарсаларнинг улар ичида туғилувчи ва ўлганидан кейин унга қайтувчи моҳиятини «у» ёки «бу» сўз билан ифодалаш, шу тариқа уларга барқарорлик ҳамда муайянлик бахш этиш мумкин².

Ҳақиқий борликни ўзгартириб бўлмайди. У мутлақо бир хил, ўзига тенг моҳият, биринчи намуна ва шаклланиш чегарасидир. У муқаррар ва шаклшубҳасиз устунликка эга. Лекин бу материя эмас. «Давлат» диалогиди бу ягоналик шартсиз асос сифатида амал қилади. «Парменид» диалогиди у ўзидан бошқа нарсани яратувчи андоза, ғоялар тамойили сифатида мавжуд бўлган «битта кучли борлик» сифатида талқин қилинади. «Филеб» диалогиди умумий, ягона, битта дунё манзарасини яратувчи ва мифологик шаклда баъзан Зевсга тенглаштирилувчи оламшумул ақл сифатида тавсифланади.

Платон фикрига кўра, борлиқнинг моддий нарсалар дунёси сифатида шаклланиш механизми шундан иборатки, гоёнинг жуда аниқ таърифланган биринчи андозаси моддий борлиқдан ўрин олади ва материяга гоёлар етиладиган жой, уларнинг «доя»си ва вазифаси бўлиш мажбуриятини юклайди. Дунёдаги барча жараёнларнинг мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги тасаввур гоё ва нарсаларнинг ўзаро боғловчи алоқаси билан асосланади. Гоё нарсаларнинг чексиз ҳиссий кўринишларининг асосий маъносини белгиловчи асос сифатида ва ҳар қандай якка нарса учун қонун сифатида тушунилади.

Платоннинг материя ҳақидаги таълимоти Аристотелнинг шу мавзудаги фикр-мулоҳазаларига бевосита туртки бўлган. Аристотель бу оламшумул «доя» ва «энага» мақомини асослашнинг мантиқий муаммоларини ечишга ҳаракат қилган. Модомики, сезгилар дунёсида нарсалар юзага келар, ўзгарар, жойдан жойга кўчар ва ҳалок бўлар экан, демак, буларнинг барчасига имконият яратувчи нарса, жуда кўп имкониятларни ўз ичига олган, қарама-қаршиликларни ўзида мужассамлаштирган ва дунё бизга амалда намоён этувчи якка нарсаларнинг ҳаммасидан устун бўлган биринчи асос мавжуд бўлиши керак. Бинобарин, унга муайян сифатни юклаб бўлмайди, у ўз ранг-баранглигини чекловчи бирон-бир таъриф билан боғланиши мумкин эмас. Ҳар хил таърифларни қабул қилишга қодир бу нарса биринчи асос, яъни юзага келувчи, ўзгарувчи ва йўқ бўлувчи нарсалар дунёсининг мумкинлиги ҳамда мавжудлигини белгиловчи материядир. Қадимги юнон мутафаккирларининг материя ҳақидаги таълимотида жуда кўп ўхшаш атамаларга дуч келиш мумкин. Масалан, «архе» – асос – лотинча «принципиум» атамасига мос келади. «Стоихенон» – стихия ёки илдиз – лотинча «элементум»га мос келади. Бироқ айнан «ҳюле» (hyle) атамаси тарихий ривожланиш жараёнида лотинчага ўхшаши орқали «materia»га

¹ Платон // Всемирная энциклопедия. -М.: Современный литератор, 2001.-С. 204

² Платон // Всемирная энциклопедия. -М.: Современный литератор, 2001. – С. 204



п
айланиб, янги категорияга ном берган. «Хюле» сўзи дастлаб «ўрмон», «дарахт», яъни ёнилги, қурилиш материали бўлган нарсалар маъносини англатган. Бу Аристотель «хюле» тушунчасини ўз фалсафасининг асосий тушунчаларидан бирига айлантиришига сабаб бўлган. Аммо Аристотель учун материя (hyle) – нарсалар ранг-баранглигининг умумий имконияти, холос. Материянинг шакли ва амалда мавжудлиги фаол маънавий асос – «морфе» ёки шакл билан белгиланади. Аристотелда «хюле» тушунчаси «морфе» ёки «эйдос» («morphē» ёки «eidos») тушунчаси билан узвий боғлиқ. Гарчи Аристотелнинг онтологик концепциясида материя ва шаклнинг дуализми аниқ-равшан сезилиб турса-да, у ҳеч қачон «хюле»ни мустақил борлик сифатида тавсифламаган. Унинг фикрича, амалда материя фақат шакл билан бириккан кўринишда мавжуд бўлади. Материя «хюле» ва «морфе» (шакл) билан уйғунликда ҳар қандай юзага келиш ва ўзгаришнинг зарур универсал негизи ҳисобланади.

Ўрта аср фалсафасига Аристотелнинг материя ҳақидаги тасаввури анча ўзгарган кўринишда ўтди. Ўрта аср теологлари Аристотелнинг илмий меросидан фойдаланиб, унинг «морфе» (шакл) ҳақидаги ғоясини ўзлаштирдилар. Ушбу ғоя бошқа қарашлардан устун қўйилди, у маънавий асос сифатида қарала бошланди. Мазкур талқин материясиз соф шакллар, чунончи: худолар, руҳлар, фаришталар, одамларнинг ўлмас руҳлари мавжудлигини эълон қилиш имконини берди. Материя доимий, у дунё яралгунга қадар ҳам мавжуд бўлган, деган ғояни илгари сурувчи «дахрийлар» ҳақида маълумотлар «черков раҳнамолари» ўртасидаги мунозаралар орқали бизгача етиб келган бўлса-да, дунёнинг моддийлигини ўрганиш билан боғлиқ муаммолар бу даврда ҳам тўла-тўқис барҳам топмади. Материянинг табиати ҳақидаги масалада улар бир тўхтамга келмаган бўлсалар-да, уни ечиш фаннинг ривожланишида муҳим рол ўйнашига, зеро билиш қайси йўлдан ривожланиши лозимлигини белгилашига уларнинг ишончи комил бўлган. Улар аввал барча нарсаларнинг асоси саналган материянинг нималигини аниқлаш ва шундан кейингина бунга асосланган ҳолда айрим нарсаларнинг келиб чиқиши ва хоссаларини тушунтириш лозим, деб ҳисоблаганлар. Жумладан, бу хусусда Аристотель шундай деб ёзган: «Аввало биринчи асос ва сабабни билиш керак, зеро улар орқали ва уларга мувофиқ қолган барча нарсалар англаб етилади...»¹.

Уйғониш даври файласуфлари изчил материалистлар бўлмасалар-да, ўрта асрларнинг қуруқ муҳокамага асосланган, спекулятив тафаккурини яқдиллик билан инкор этдилар. Мустақил фаол асос сифатидаги шакл ғояси четга суриб қўйилди, *материя нафақат потенциал, балки амалда ҳам мавжуд бўлган нарса сифатида тушунила бошланди*. Шуниси ажабланарлики, алхимия соҳасидаги экспериментлар амалиёти таъсирида шакл-материя маҳсули, деган ёндашув юзага келди. Уйғониш даврининг Бернардино Телезио, Франциска Патриция, Жордано Бруно каби файласуфлари ижодида «материя» тушунчаси янгича мазмун касб этди.

¹ Аристотель В 4-х т.Т.1. -М.: 1975. -С.68.



п

Материянинг яралиши ғояси инкор этилди, материя боқий деб эълон қилинди, ҳаракат табиий кучлар таъсири натижаси сифатида тушунила бошланди.

Материя ҳақидаги тасаввурлар ривожланишининг иккинчи босқичи Янги давр (XVI-XVII асрлар) фалсафасида материя тушунчаси физикада қабул қилинган муайян ўзгармас хоссалар йиғиндисидеги сифатидаги «модда» тушунчаси билан айниёлаштирилган. Масалан, инглиз материалистлари Ф.Бэкон ва Т.Гоббс бундай хоссалар қаторига кўламлик, шакл, оғирлик ва ҳоказоларни киритган. Баъзан материя тушунчаси битта муайян «бирламчи» хосса, масалан кўламлик ёки масса билан айниёлаштирилган (*Р.Декарт, И.Ньютон*).

Янги даврнинг механистик материализмида материя таърифи замирида «материал» тушунчаси эмас, балки барча моддий нарсалар учун умумий бўлган асосий ва ўзгармас хоссалар тушунчаси ётади. Бу давр файласуфлари антик даврда амал қилган методологик қонидани янги босқичга кўтардилар. Улар материяга биринчи модда сифатида эмас, балки биринчи белги сифатида ёндашдилар. Қадимги файласуфлардан фарқли ўларок, улар сув, олов ёки ҳавони бутун борлиқнинг биринчи асоси ва биринчи сабаби деб эълон қилганлари йўқ. Барча фанлар тажриба асосида ривожланган ушбу даврда ҳамма нарса замирида айрим механик хоссалар: кўламга эгалик, ўзидан ҳеч нарсани ўтказмаслик, оғирлик, шаклдорлик ётади, деган қараш шаклланди.


Материани тавсифлашга нисбатан мазкур ёндашув XIX аср охиригача дунёнинг илмий манзарасига зид бўлмаган. Бунинг негизида материализмнинг шакли метафизик ёки механистик деган ном олган, чунки у физиканинг назарий маълумотларига асосланибгина қолмасдан, балки илмий изланишларнинг дунёқарашга доир методологик асоси сифатида амал қилган.

Хуллас, материянинг антик ва механистик талқинига хос бўлган бир қанча умумий жиҳатларни қайд этиш мумкин. Биринчидан – материя биринчи модда ёки биринчи белгини топиш йўли билан аниқланади.

Иккинчидан – материяни аниқлаш замирида объективлик мезони, яъни биздан ташқарида ва бизга боғлиқ бўлмаган ҳолдаги мавжудлик қобилияти ётади.

Учинчидан – материя ўзгармас бўлиб, ўз навбатида, ўзгарувчи сифатидаги айрим нарсаларга қаршилик кўрсатади. Тўртинчидан – «материя» тушунчасини таърифлашда яққалик ва хусусийлик ҳақидаги методологик қоидага амал қилинади.

Материянинг учинчи концепцияси XVIII-XIX асрларда вужудга келган бўлиб, бу даврда «материя» тушунчаси табиий фанларнинг ривожланиши жараёнида олимлар билимнинг муайян соҳаларида аниқлаган белгилар билан бойиб борди. Масалан, механикада макројисмларнинг алоҳида хоссаси – масса аниқланди. У материянинг энг муҳим белгисига айланди, материя масса билан бир хил, деб ҳисоблана бошланди. Кимёда анализ методи кимёвий элементнинг аниқланишига олиб келди ва материяга



п
ана шу белги – вазнлиликка эга бўлган элементлар мажмуи сифатида қарала бошланди. Мазкур ёндашувларнинг камчилиги шунда эдики, барча моддий нарсалар алоҳида модда деб тушунилди, модданинг ўзи соф механик кўринишда тасаввур қилиниб, унга ўлчам, масса, оғирликка эга, деб қаралди. Шу билан бирга, материянинг махсус илмий ва фалсафий талқинлари айнийдир, деб тушунила бошланди. Материянинг фалсафий талқинига соф индуктив йўл, оддий умумлаштириш йўли билан айрим фанларнинг ғоя ва қоидалари киритилди.

Бу ёндашув нотўғри эди. Лекин, 1924 йилда Б.Рассел, электромагнит майдонлар ва гравитация майдонлари мавжудлигини унутиб, ўзидан бошқа нарсаларни ўтказмасликни материянинг асосий хоссаси сифатида тавсифлади. 1964 йилда америкалик томист Лайтен «материя» тушунчасининг масса ва энергияга боғланган талқинини таклиф қилди.

Материяни унинг хоссаларидан бирига боғлаш уни таърифлашнинг анча кенг тарқалган, лекин имкониятлари чекланган усулидир. Илмий билишда мазкур усул элементаризм вужудга келишига сабаб бўлди. Бунда ҳодисани тушуниш учун мураккабни оддийга, бутунни эса элементга боғлаш лозим.


Аммо яққалик ёки хусусийлик – муайян модда ёки хоссага асосланиб материя ҳақида яхлит тасаввур ҳосил қилиш мумкин эмас. Ушбу асосда материяга таъриф бериб бўлмаслиги ҳақида Вольтер шундай деб ёзган эди: «Биз материяни ўлчаймиз, уни таркибий қисмларга ажратамиз, лекин бу кўпол ҳаракатлар доирасидан четга бир қадам ташлашга уринсак ҳам ўзимизнинг ожизлигимиз ва жарликни сезамиз»¹. Материалист файласуфлар материяга уни ҳеч нарсага боғламасдан таъриф беришга ҳаракат қилдилар. Айни вақтда XVII-XVIII асрлардаёқ материя ҳақида анча кенг тасаввур шаклланди. Бу йўналишда Ф.Бэкон, Г.Гольбах ва Д.Дидро, айниқса, жиддий муваффақият қозонди. «Бизнинг сезги органларимизга таъсир кўрсатувчи ҳамма нарсалар бизга нисбатан материядир», деб ёзади Г.Гольбах². Унинг фикрича, материяни бирон-бир ягона биринчи асосга ўхшатиб бўлмайди, дунё бундан ранг-барангрокдир, шу боис материя таърифи ҳам мумкин қадар кенг бўлиши керак.

XIX-XX асрлар чегарасида амалга оширилган буюк кашфиётлар метафизик дунёқарашга қақшатқич зарба берди. XIX асрнинг иккинчи ярмида Фарадей ва Максвелл тадқиқотлари натижасида материянинг моддага қараганда янгироқ шакли – электромагнит майдонининг ўзгариш қонунлари аниқланди. Тадқиқотлар электромагнит майдон қонунлари классик механика қонунларига боғланмаслигини кўрсатди.

Радиоактивликнинг кашф қилиниши атомнинг ноўтказувчанлиги ҳақидаги таълимотни рад этди, электроннинг кашф этилиши, унинг бўлинмаслиги ҳақидаги тезисни кун тартибидан чиқарди, рентген нурининг кашф этилиши билан модда майдонга айланиши мумкин эмаслиги исботланди. Жисмлар ҳаракатининг тезлигига қараб массанинг

¹ Волтер // Всемирная энциклопедия. -М.: Современный литератор, 2001 –С. 110

² Гольбах // Всемирная энциклопедия. -М.: Современный литератор, 2001.-С.110



п


Ўзгарувчанлиги кашф этилди, жисмларнинг макон ва вақтга оид хоссалари уларнинг ҳаракат тезлигига боғлиқлиги тушуниб етилди.

Бу ихтиролар табиатшуносликда янги инқилобни бошлаб берди. Буларнинг барчаси физик жисмларнинг хоссалари ҳақидаги одатдаги тасаввурларга шу даражада зид эдики, айрим табиатшунослар саросимага тушиб қолдилар. Шу боис, физикада материянинг механистик талқини, дунёнинг механистик манзараси инқирозга юз тутди. Материя атомга тенглаштирилган шароитда ва кейинчалик унинг парчаланиш қобилияти аниқланиши муносабати билан айрим физиклар, шу жумладан, Э.Мах ва А.Пуанкаре («физик идеалистлар») «материянинг йўқ бўлиши (аннигиляцияси)» тўғрисидаги хулосага келдилар. Бу хулосанинг методологик жиҳатдан асосизлиги шунда эдики, унда фалсафий категория сифатидаги материя унинг физик тузилиши ҳақидаги таълимот билан тенглаштирилди.


Улар, атомларнинг радиоактив парчаланишини материянинг «ғойиб бўлиши», унинг энергияга айланиши сифатида тушунтиришга ҳаракат қилдилар. Амалда материя ғойиб бўлмайди, у ҳақдаги тасаввурлар эскира бошлаган эди. Янги илмий кашфиётлар қаршисида материяга унинг айрим турларига хос бўлган сифатларни юклашга уринишларнинг янглишлиги аён бўлди.

Фаннинг ривожланишида муҳим рол ўйнаган материянинг учинчи концепцияси эфир ғоясига таянган. Эфир деганда бутун дунёни тўлдирувчи узлуксиз муҳит тушунилади.

Бу ғояни илк бор Аристотель илгари сурган. Кейинчалик эфир концепцияси XVII асрда Декарт ва унинг издошлари илгари сурган ғоялар таъсирида кенг тарқалди. Декарт фикрига кўра, материянинг энг содда элементи атом эмас, балки эфир гирдобидир. Ҳар қандай объект бундай гирдоблар тўпламининг уйғунлиги ва ўзаро боғланишидир.




Объектнинг эфир (гирдоб) модели билишнинг тегишли стратегиясини ҳам белгилайди: нарсалар ва жараёнларнинг хоссаларини эфир ҳаракати муайян хусусиятларининг намоён бўлиши сифатида тушунтириш лозим (шу йўл билан, жумладан, ёруғликнинг тарқалиш қонуниятлари тушунтирилган. Ўша даврда материя тушунчаси физикада қабул қилинган муайян ўзгармас хоссалар йиғиндиси сифатидаги «модда» тушунчаси билан айнийлаштирилган. Масалан, инглиз материалистлари Ф.Бэкон ва Т.Гоббс бундай хоссалар қаторига кўламлилиқ, шакл, оғирлик ва ҳоказоларни киритган. Баъзан материя тушунчаси битта муайян «бирламчи» хосса, масалан кўламлилиқ ёки масса билан айнийлаштирилган (*Р.Декарт, И.Ньютон*). Материяни тавсифлашга нисбатан мазкур ёндашув XIX аср охиригача дунёнинг илмий манзарасига зид бўлмаган. Бунинг негизида материализмнинг шакли метафизик ёки механистик деган ном олган, чунки у физиканинг назарий маълумотларига асосланибгина қолмасдан, балки илмий



п
изланишларнинг дунёқарашга доир ва методологик асоси сифатида амал қилган.


Атомлар ва эфир ҳақидаги таълимотларнинг бирикуви натижасида шаклланган атом-эфир концепциясида материя атомлар кўринишида ҳам, эфир кўринишида ҳам мавжуд, яъни иккита ҳар хил субстанциядан иборат, деган фикр илгари сурилади. Бу тасаввурлардан келиб чиқувчи объектнинг модели билишнинг икки ёқлама стратегиясини белгилайди. Бу стратегияга биноан айрим (масалан, кимё ёки молекуляр физикадаги) ҳодисаларга изоҳни модданинг атом тузилишидан, айрим (масалан, оптика ёки электродинамикадаги) ҳодисаларга изоҳни эса – эфир муҳитининг ҳолатидан қидириш лозим.



XIX асрдаги табиатшунослик бу стратегия ёрдамида эришган ютуқлар материя ҳақидаги атом-эфир тасаввурларнинг тўғри эканлигига замондошларни ишонтирди. Айнан уларнинг ёрдамида фан ниҳоят мустақкам замин касб этгандек ва табиатнинг барча сирлари тагига етиш йўлида ишонч билан ҳаракатланаётгандек бўлиб туюлди. Аммо XIX-XX асрлар чегарасида табиатшуносликда чинакам инқилоб ясаган кашфиётлар қилинди. Бўлинмас ва бузилмас деб ҳисобланган атомлар парчаланиши мумкинлиги, эфир хоссалари ўта зиддиятли бўлиб, унинг мавжудлигига шубҳа билан қарашга мажбур этиши аниқланди. Материянинг атом-эфир концепцияси асосиз эканлигига ишонч ҳосил қилган олимлар материя тушунчасининг ўзи эскиргани ҳақида ўйлай бошладилар ва материализмдан юз ўгирдилар.

Аммо бу даврда материя тушунчаси эмас, балки унинг олимлар тафаккурида қадим замонлардан бошлаб то XX асргача ҳукм сурган субстрат сифатидагина талқинигина пучга чиққан эди. Табиатшуносликда юз берган ўзгаришларнинг фалсафий мазмуни шундан иборат эдики, улар материяни тушунишга нисбатан ўзгача ёндашув зарурлигини кўрсатди

Материя ҳақидаги тасаввурлар ривожланишининг тўртинчи концепцияси XX аср фалсафасига хос. Бу ерда материяни тушунишда табиий илмий жиҳат эмас, балки фалсафий жиҳат биринчи ўринга қўйилди. Бу материяга нарсалар ва ҳодисалар бутун ранг-баранглигининг ички ягоналиги замирида ётувчи моҳият – субстанция сифатида ёндашувдир. Материяга объектив борлиқ сифатида қарала бошланди. XIX ва XX асрлар чегарасида фалсафа ва табиатшуносликда юзага келган вазиятни таҳлил қилган файласуфлар (уларни фақат собиқ марксизм вакилларидан иборат, деб тушунмаслик лозим), хусусан, «материя» тушунчасидан воз кечиш йўлидан эмас, балки унга табиатшуносликдаги ихтироларни умумлаштириш орқали чиқарилган янги ва янги хулосаларни киритиш йўлидан боришни таклиф қилдилар. Материянинг тузилиши ҳақидаги ҳар қандай физик ёндашувлар хусусий жиҳатини ҳисобга олади, бунда бутун борлиқ эмас, балки унинг айрим жиҳатларинигина таҳлил қилиш назарда тутилади.



п

Материянинг фалсафий талқини бутун предметли борлиқни камрао олади ва умумийлик белгисига эга. У бутун объектив борлиқни тўлиқ ифодалайди. Умумийлик белгисига суянувчи материянинг фалсафий талқини амалда эскириши мумкин эмас, чунки у инсоннинг ташқи дунёни акс эттиришга қаратилган қобилиятини ифодалайди. Материянинг хоссалари, тузилиши ва турлари ҳақидаги физик ёндашувлар муқаррар равишда эскиради ва ўзгаради. Бундан материя эмас, балки материя ҳақидаги билимларимизнинг кечаги чегараси йўқ бўлади, деган хулоса келиб чиқади.

Хўш, бу категорияга қайси методологик воситалар билан ёндашиш керак, унинг энг мукамал таърифини қандай топиш мумкин? Аввало, бунда кўпроқ материяга хос бўлган хоссалар ва белгиларни санаб ўтиш мантиқига амал қилиб, дескриптив (тавсифловчи) таърифни яратиш имкони бор. Бундай белгиларнинг кўпини топиш мумкин, лекин уларнинг ҳар бири ёки уларнинг мажмуи ушбу категориянинг моҳиятини теран акс эттиришининг ҳеч қандай кафолати мавжуд эмас. Бундай тавсифловчи таърифга Л.Фейербахнинг инсон ўз ҳаётининг негизи ва асоси сифатида бевосита ҳис этувчи ва тасаввур қилувчи ҳамма нарсалар табиатдир, деган сўзлари мисол бўлиши мумкин. «Ёруғлик, электр, сув, ҳаво табиатдир. «Табиат» сўздан мавҳумроқ ва сирлироқ сўз йўқ». Дарҳақиқат, Л.Фейербахнинг бу фикри ўзига хос, лекин теран маънода тўлиқ таъриф эмас.

Хосса ва хусусиятлар мажмуини ўз ичига олувчи *дескриптив* (тавсифловчи) таърифдан ташқари, таърифлашнинг бошқа усуллари ҳам мавжуд. Нарсаларни тур ва хил хусусиятларига кўра таърифлаш усули айниқса кўп қўлланилади. Лекин бу ерда у унчалик ўринли эмас. Зеро, материализм доирасида материя бирор кенгроқ моҳиятнинг тур хусусияти бўла олмайди, чунки материядан кенгроқ, умумийроқ тушунча мавжуд эмас.

Материянинг субстанционал концепцияси уни яратиб ҳам, йўқ қилиб ҳам бўлмаслигини, унинг мавжудлиги ва ўзгаришининг ташқи сабаблари мавжуд эмаслигини кўрсатади. Ушбу таъриф барча нарсалар материянинг субстанцияси деб билишга асосланади.

Материянинг субстрат концепциясида илк материализм намояндалари материяни субстрат сифатида тушунишга асос солганлар: улар материяни барча мавжуд нарсаларни яратишга асос бўлувчи субстрат (*лот. substratum – асос, замин*), материал, модда сифатида талқин қилганлар. Бу субстрат боқий, уни яратиб ва вайрон қилиб бўлмайди, деб тахмин қилинган. Аммо уларнинг ҳиссий идрок этиладиган айрим моддалар (сув, ер ва бошқалар)га умумий субстрат сифатида қарашга уринишлари жуда содда ва ишонарсиз бўлган.

Материянинг генетик-контраст концепцияси, уни фақат онга қарши қўйиш йўли билан таърифлашга асосланади. Ушбу таъриф Руссонинг бу соҳадаги мушоҳадалари ёки Г.В.Плехановнинг: «Рух»га зид ўлароқ, сезги органларимизга таъсир кўрсатиш орқали бизда муайян ҳис-туйғулар уйғотувчи нарса «материя» деб аталади», деган тезиси асосида мавжуд бўлиши мумкин.



п

Материянинг атрибутив концепцияси уни бирон-бир субстрат билан эмас, балки атрибутлар мажмуи: макон, вақт, ҳаракат, сифат, миқдор билан тенглаштиради. Юқорида материянинг субстрат концепцияларида билиш объектининг модели муҳим рол ўйнаши кўрсатиб ўтилди. Бу жиҳатдан материянинг фалсафий концепциялари илмий назариялар билан ўхшаш. Зеро бу назарияларни ишлаб чиқиш доим улар ўрганувчи нарсалар ва жараёнларнинг назарий моделларини яратиш билан боғлиқ. Аммо фанда модель объектларнинг муайян туркумини билиш воситаси бўлиб хизмат қилса, онтологияда ҳар қандай объектларни билиш воситаси бўлишга қодир бўлган «умуман билиш объекти»нинг модели тузилади.

Кўрсатилган моделга мувофиқ билиш стратегияси ҳам тузилади. Бу стратегия ўрганилаётган объектнинг барча хоссалари ва хусусиятларини унинг атом тузилишидан келтириб чиқаришни талаб этади. Мазкур стратегия фаннинг асрлар оша ривожланишини белгилаб берди. У кимё ва физикада айниқса улкан аҳамият касб этди. Тушунтириш учун бу стратегия яроқсиз бўлган табиат ҳодисалари мавжуд эканлиги XVII асрдагина аниқланди (ёруғликнинг тарқалиши ва тортишиш кучларининг ҳаракатини атом концепциясига мувофиқ тушунтиришга уринишлар самара бермади).

Материянинг диалектик концепцияси XIX-XX асрлар чегарасида шакланди. Материяни диалектик тушуниш уни билишга нисбатан фалсафий ва илмий ёндашувларнинг бирикуви натижасида вужудга келди. Зеро, бир қатор йирик олимлар (Гельмгольц, Дарвин, Менделеев, Планк, Эйнштейн, Бор ва бошқалар)нинг асарларида материянинг диалектик талқинини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган ғоялар илгари сурилди.

Материя масаласида диалектик фикрлашнинг зарурлиги. Материяга субстрат сифатида ёндашишга асосланган концепцияларнинг барчаси бир умумий камчиликка эга: у мазкур концепцияларнинг тарихий чекланганлигини белгилайди ва илмий билишнинг ривожланиши натижалари билан уларнинг номувофиқлигини муқаррар қилиб қўяди.

Ҳап шундаки, уларда материя унинг бир (ёки бир нечта) тури – сув, атомлар ва ҳоказолар билан боғланади, материянинг бу тури дунёда мавжуд бўлган барча нарсаларнинг бирламчи, универсал, мутлақ асоси деб эълон қилинади. Фан мазкур материя турининг мавжудлиги билан белгиланган ҳодисаларни ўрганиш билан машғул экан, кўрсатилган камчилик сезилмайди ва унинг ривожланишига жиддий монеликлар туғдирмайди. Аммо материянинг янги турлари, шакллари ва ҳолатларининг кашф этилиши дарҳол бу турга нарсаларнинг бирдан-бир, умумий ва универсал асоси сифатида қарайдиган субстрат концепциясининг торлигини намоён этади. Шунда уни янги, кенгроқ концепция билан алмаштириш зарурияти туғилади. Материянинг ҳар қандай субстрат концепцияси ўз қўлланиш чегарасига эга ва фаннинг ривожланиш жараёнида у эртами-кечми аниқланади.

Фан тараққиёти материянинг субстрат концепцияси асосиз эканлигини намоёиш этиб, фалсафага диалектикадан сабоқ берди. Бу сабоқ илмий билишнинг ривожланиш мантиғига мос келувчи онтологик



п концепцияни яратиш учун изчил диалектик фикрлаш зарурлигини яна бир карра тасдиқлади. Субстрат концепциялари диалектик хусусиятга эга эмас. Улар нарсаларда қандай ўзгариш юз бермасин, уларнинг субстрати ўзгаришсиз қолишини назарда тутлади. Аммо борлиқни тушунишга нисбатан диалектик ёндашувнинг қадимда Гераклит томонидан илгари сурилган, янги даврда эса Гегель томонидан ривожлантирилган тамойиллари жаҳонда бутунлай ҳаракатсиз бўлган, ҳеч қандай ўзгаришга учрамайдиган бирон-бир нарсанинг мавжудлигини истисно этади. Гераклит таъбири билан айтганда, табиатда ҳамма нарса «оқади ва ўзгаради». Бу нарсаларнинг ҳар қандай субстрактларига ҳам тааллуқли.

Бундан хулоса шуки, диалектик ёндашувга кўра жаҳонда мавжуд бўлган барча нарсаларнинг субстрати бўлиб хизмат қилувчи «энг содда», «дастлабки» материал мавжуд эмас. Зеро илмий билишнинг бирон-бир босқичида шундай «энг содда материал» (атом, эфир ва ш.к.) сифатида эътироф этилувчи материянинг ҳар қандай тури унинг бошқа турларидан ҳосил бўлади ва унинг ўзга турларини вужудга келтириб, эртами-кечми йўқ бўлади. Бинобарин, улар «энг содда» эмас. Материянинг бир-бирига ўтиб, доимий ва абадий «айланма ҳаракат»ни ҳосил қиладиган элементар турларининг айрим пировард сони мавжуд, деган фаразни ҳам тўғри деб айтиш мушкул. Бундай фараз мазкур «айланма ҳаракат»да абадий сақланадиган ва унда ўзгарувчи материя барча ҳолатларининг умумий асосини белгилайдиган муайян ўзгармас субстратнинг мавжудлигини аниқлаган бўлар эди.

Материяни диалектик тушуниш унинг битмас-туганмаслиги, яъни материя турлари, шакллари, ҳолатларининг чексиз ранг-баранглиги мавжуд эканлиги ҳақидаги ғояга олиб келади.

Тарихнинг ҳар бир босқичида одамлар чексиз даражада ранг-баранг моддий дунёда мавжуд бўлган нарсаларнинг кичик бир қисмидангина хабар топади. Фаннинг ривожланиши вақти-вақти билан материянинг ғайриоддий хусусиятларга эга бўлган янги шакллари ва ҳолатлари кашф этилишига олиб келади. Айни вақтда материянинг илгари умумий ва мутлақ деб ҳисобланган турлари хусусий ва нисбий эканлиги аён бўлади. *XIX-XX асрлар чегарасида айнан шундай бўлди. Атомларнинг парчаланishiни ўрганиш материянинг илгари маълум бўлмаган тури – элементар зарралар кашф этилишига олиб келди. Шундай қилиб, атомлар парчаланганда материя йўқ бўлмаслиги, балки фақат бир шаклдан бошқа шаклга ўтиши аниқланди.*

Ҳозирги замон физикасида ҳам моддий объектларнинг янги турлари аниқланмоқда. Физиклар микродунёни ўрганиш жараёнида физик бўшлиқ, виртуал зарралар, кварклар каби ғайриоддий объектларга дуч келмоқдалар. Мегадунё (улкан космик миқёсдаги дунё) сари ҳаракатланиб, улар бу ерда протоюлдузлар, квазарлар, «кора» ва «ок» тўйнуқларни кашф этмоқдалар.

Фикрлашнинг диалектик методи фаннинг ривожланиш тажрибасига таянади ва шу билан бир вақтда бу тажриба уни янада ривожлантиришга татбиқ этади.



п

Шундай қилиб, *материянинг диалектик талқини уни материянинг бирон-бир тури билан боғлашдан холи.* У материя, унинг шакллари ва ҳолатларининг чексиз даражада ранг-баранглигини назарда тутади ва уларнинг барчаси ўзгарувчан ва ўткинчи эканлигини қайд этади.

Объектнинг онтологик модели – *бу борлиқ объектларини тавсифлаш ва тушунтиришнинг базис хусусиятига эга бўлган универсал схемаси.*

Материянинг диалектик концепцияси ҳам объектнинг онтологик моделисиз иш кўра олмайди. Мазкур концепцияда бу моделга мувофиқ борлиқнинг тавсифи келтирилади ва у тушунтирилади. Бу концепцияда билиш объектнинг модели қандай?

Субстрат концепциялар замирида материя тушунчаси барча моддий объектларда мавжуд бўлган умумий жиҳатни акс эттиради, деган ғоя ётади. Бироқ, бу умумий жиҳат уларнинг барчасини белгиловчи ягона субстрат бўлиши мумкин эмас экан, у ҳолда уларнинг ўртасидаги умумий жиҳат нимадан иборат? «Соф борлиқ» тушунчасига мурожаат этишга ва барча объектларнинг умумий жиҳати фақат уларнинг мавжудлиги эканлигини тан олишга тўғри келмайдими? Аммо, бошқа бир имконият ҳам мавжуд: субстанционал борлиқ ғояси субстанция ўз атрибутлари билан тавсифланишини назарда тутишини эслайлик. Агар материя субстанция бўлса, бу муайян атрибутларга эга бўлади. Шундай қилиб, барча моддий объектлар учун умумий жиҳат шундан иборат бўлиши мумкинки, уларнинг барчасига моддий борлиқни тавсифловчи айни бир атрибутлар хос.

Юқорида таъкидланганидек, **«Атрибут» тушунчаси ҳар қандай моддий объектда мавжуд бўлган, ўз табиатига кўра ранг-баранг ва кўп сонли турли белгилар, жиҳатлар ва хоссаларни қамраб олади.** *Масалан, ҳаракат, ўзаро алоқа, сифат, миқдор, структура, макон, вақт, сабабий алоқа ва ҳоказолар атрибутлар ҳисобланади, чунки бундай хусусиятлар барча моддий объектларда мавжуд.* Бунда ҳар бир алоҳида моддий объектда атрибутлар айни шу объектга хос бўлган алоҳида шаклда намоён бўлади: турли объектлар турлича ҳаракат қилади ва ўзаро таъсирга киришади, ўз сифат ва миқдор хусусиятлари, макон ва вақт чегаралари, сабабий боғланишлари ва ҳоказоларга эга бўлади. Субстрат ҳам материянинг атрибутларидан бири бўлиб, у ранг-баранг конкрет шакллар касб этиши мумкин.

Субстратга доир ёндашув доирасида субстрат атрибутлар «манбаи» эканлиги ўз-ўзидан равшан бир ҳол деб ҳисобланган. Бунда субстрат субстанция билан айнилаштирилган ёки, бошқача айтганда, субстанция субстратга боғланган. Натижада субстанция унинг атрибутларидан алоҳида тасаввур қилинган. Субстанциянинг субстрат билан айнилаштирилиши у борлиқнинг ўзгармас асоси сифатида тушунилишига олиб келган. Бу асос биз кузатадиган ўзгарувчан нарсалар ва табиат ҳодисалари «ортида» ёки «остида» яширин деб ҳисобланган. Бироқ, борлиқнинг ўзгармас субстрати сифатидаги субстанция ҳақидаги одатдаги тасаввурлардан воз кечсак, чексиз даражада ранг-баранг ва ўзгарувчан объектив борлиқда атрибутлар «ортида»



п
ёки «остида» яшириниб ётиши мумкин бўлган ҳеч нарса мавжуд эмас, део хисоблашдан бошқа иложимиз қолмайди.

Объектив борлиқ - бу ҳаракат, макон, вақт, ўзаро алоқа ва ранг-баранг конкрет кўринишларда барча моддий объектларга хос бўлган бошқа атрибутлар. Субстанция – атрибутларнинг улардан ажралиб турадиган «манбаи» эмас, балки уларнинг йиғиндисиди. Материя – макон, вақт, ҳаракат, сабабият ва бошқа атрибутлардан алоҳида мавжуд бўлган қандайдир нарса эмас, балки бу атрибутларнинг яхлит тизими.

Юқорида айтилганлардан шундай хулосага келиш мумкинки, ҳар қандай моддий объект унга хос бўлган ҳаракат, ўзаро алоқа, сифат, миқдор ва бошқа атрибутларнинг шакллари ўзида уйғунлаштирган мураккаб тузилма сифатида қаралиши мумкин. Шу сабабли объектни умумий кўринишда ўзаро боғланган атрибутлар тизими сифатида акс эттирувчи модель ҳар қандай объектларни тавсифлаш учун яроқли бўлган универсал базис схема хисобланади.

Объектнинг бу атрибутив модели материянинг диалектик талқинига мос келувчи онтологик моделдир¹.

Материя категориясининг функциялари қўйидагилар:

- онгга, маънавий кучларга боғлиқ бўлмаган объектив борлиқнинг мавжудлиги ҳақидаги фикрни ифодалайди;
- барча нарсаларда мавжуд бўлган умумий хоссаларни тавсифлайди;
- барча нарсаларни билишга элтувчи йўлни, уларни билишда амал қилиш лозим бўлган умумий дастур ёки стратегияни умумий кўринишда белгилайди.

Бу функцияларни материя категорияси фалсафанинг кейинги ривожланиши жараёнида сақлаб қолди.

Материянинг умумийлик нуктаи назаридан таърифи. У таърифланаётган объектнинг категориал аҳамиятини аниқлашни назарда тутди. Шу маънода XIX аср материалистларининг материя - фикрнинг соф кўриниши ва мавҳумлик, деган фикри изланаётган таърифнинг биринчи қисми қандай бўлиши кераклигини кўрсатади. Аслини олганда эса материя - фалсафий категориядир. Унинг чексизлиги уни онгга боғламасдан таърифлашга уринишларни чиппакка чиқаради. Яъни, бу йўналишдаги ҳар қандай таърифда материя амалда материя бўлмаган нарсага қарши қўйилиши лозим. Шу асосдаги таърифда материя табиатнинг турли объектлари ва тизимларининг чексиз ранг-баранглигини тўлиқ қамраб олади. Унинг бирдан-бир «хоссаси» – объектив борлиқ бўлишдан иборат. «Ҳаракат», «ўзаро таъсир», «макон», «вақт» каби тушунчаларни ҳисобга олмасдан объектив борлиқни тушуниш мумкин эмас. Бошқача айтганда, ҳаракатланиш, ўзаро алоқа қилишга қодир, макон ва вақт ҳамда сабабият хоссаларига эга нарса объектив борлиқ бўлади.

Инсоннинг сезги органлари амалда мавжуд нарсаларнинг жуда оз қисмини идрок эта олади. Аммо инсон мукамал асбоблар яратиш орқали

¹Қаранг: Диалектика материального мира / Под ред. В.В.Ильина и Д.А.Гушина. – М.: 1995.



п дунёни билиш чегараларини тобора кенгайтириб бормоқда. Материянинг фалсафий талқини нафақат ҳозиргача англаб етилган объектларни, балки келажакда кашф этилиши мумкин бўлган объектларни ҳам қамраб олади. Унинг фалсафий онг тараққиёти нуқтаи назаридан методологик аҳамияти ана шунда намоён бўлади.

Бу масалаларга нисбатан ҳозирги ёндашувлар анча ўзгарган ва материя ҳақидаги табиий-илмий, физик ёки кимёвий тасаввурлар билан бир қаторда уни англаб етишнинг фалсафий даражасини ҳам назарда тутди. Бунда мазкур муаммога нисбатан кенгроқ ёндашилади, яъни моддий нарсалар ва ҳодисалар жамулжам ҳолда ўрганилади. Шундай қилиб, «материя» фалсафий категориясининг вазифаси амалда мавжуд материя турларининг бутун чексиз ранг-баранглигини қамраб олиш ва уни онг билан боғлаш мумкин эмаслигига урғу беришдан иборат. Муаммога фалсафий муносабатни унинг табиий-илмий талқинидан фарқлаш имконини берувчи мазкур ёндашув жуда муҳим аҳамият касб этади, акс ҳолда мазкур соҳадаги тадқиқотлар ва билиш имкониятлари доираси асоссиз равишда тораяди. Бунга, масалан, неопозитивизм йўналишларидан бири – лингвистик фалсафада дуч келишимиз мумкин. *Унинг таниқли намояндлари Ж.Мур, Л.Витгенштейн ва бошқалар ҳамонки «материя» ва «онг» каби тушунчаларга илмий нуқтаи назардан аниқ таъриф бериш мумкин эмас экан, улардан воз кечиш лозим, деб ҳисоблайди.*

Бошқа ҳозирги фалсафий йўналишларнинг аксариятида бу тушунчалар фаол қўлланилади ва муҳим методологик рол ўйнайди. Хусусан, унинг *субстанциялилик, чексизлик, йўқ бўлмаслик, ҳаракат, макон, вақт* каби узвий хоссалари фарқланади.

Материянинг тузилишига нисбатан ким қандай ёндашмасин, у бир қанча алоҳида ва катта гуруҳларга бўлиниши шубҳасиз. Зеро, барча моддий объектлар тартибга солинган, изчил ички тузилишга эга. Материянинг таркибийлиги ғоясининг илдизлари антик фалсафага, хусусан, Демокрит, Эпикур ва Лукреций Карнинг атомистик таълимотига бориб тақалади. Бу ғоя табиатшуносликнинг ривожланишига кучли таъсир кўрсатган. Ҳозирги замон фалсафасида у анча салмоқли ва илмий асосланган материянинг тизимли тузилиши концепциясида мужассамлашган.

Материянинг ташкил топиш даражалари. Материянинг жонсиз, жонли ва ижтимоий каби таркибий даражалари фарқланади. Улар борлиқнинг асосий шакллари билан мос келади. Бунда турли даражалар бири-бири билан узвий боғлиқдир. Айни вақтда уларнинг таркибида муайян иерархия ва соддароқ шакллардан (жонсиз материядан) мураккаброк шакллар (жонли ва ижтимоий материя) сари юксалиш кузатиладики, бугунги кунда уларнинг мавжудлиги фақат сайёрамизга нисбатан ўзининг илмий тасдиғини топган. Жонсиз табиатнинг тузилиши ва ранг-баранглиги ҳақидаги тасаввурлар эса, микро-, макро- ва мегадунёларни қамраб олиб, тинимсиз кенгайиб ва теранлашиб бормоқда.

XX асрда бу борада айниқса катта ютуқларга эришилди. Аср бошида модда дискрет зарралардан иборат қандайдир узлуксиз нарса сифатида,



п *майдон эса узлуксиз моддий муҳит сифатида тушунилар эди.* Эндиликда, квант физикаси, нисбийлик назарияси ва бошқа табиий-илмий ғояларнинг ривожланиши билан модда ва майдон ўртасидаги фарқ нисбий тус олди, кашф этилаётган элементар зарралар эса ўзининг ранг-баранглиги билан кишини ҳайратга солмоқда. Бу соҳада ечилмаган муаммолар ҳали бисёр бўлса-да, фан материя ташкил топишининг «субэлементар» даражасини ўрганиб, элементар зарраларнинг ягона табиатини тушунишда сезиларли даражада ютуққа эришди. Бу ерда сўнгги йилларда плазма, материянинг алоҳида ҳолати сифатидаги физик бўшлиқ ҳодисалари ва материянинг чексизлиги ҳақидаги ғояни тасдиқловчи бошқа жараёнлар кашф этилди ва ўрганилмоқда.

Жонсиз материя тизими куйидаги даражалар билан тавсифланади:

а) *микродунё* (микроэлементлар даражаси). Унга майдонлар ва элементар зарраларнинг ўзаро таъсири хос. Бу жуда кичкина объектлар дунёси (10^{-14} см дан 10^{-8} см гача). Мазкур зарраларнинг мавжудлик вақти секунднинг миллиардлаб улушлари билан ўлчанади, ҳаракат тезлиги эса ёруғлик тезлигига яқинлашади;

б) *макродунё*. Бу катталиги 10^{-8} см дан 10^{24} см гача бўлган объектлар дунёси. Бу диапазон билан атомлар, молекулалар, макрожисмлар, сайёралар ва юлдузлар, сайёралар тизимлари қамраб олинади. Табиатнинг мазкур соҳасини ўрганишнинг асосий объектлари – юлдузлараро бўшлиқ, галактика, метагалактикалар.

в) *мегадунё* жонли материя тизими ҳозирча фақат Ерда маълум. Аксарият материалист-тадқиқотчилар фикрига кўра, унинг вужудга келиши материянинг табиий ва қонуний ўз-ўзидан ривожланиши маҳсулидир. Жонли материя даражасига ўз-ўзидан уюшиш, ривожланиш, инъикоснинг мураккаб шакллари касб этиш, ўзини ўзи бошқариш ва кўпайиш қобилиятига эга бўлган барча тирик мавжудотлар киради. Жонли материяда хужайрасиз даража (ДНК, РНК кислоталари ва оксиллар)ни, хужайрали ва кўп хужайрали организмлар – ўсимликлар, ҳайвонларни фарқлаш мумкин. Юксак даражада уюшган структуралар, бир-бири билан насл орқали боғланган популяциялар алоҳида даражаларни ташкил этади. Биологик турлар, популяциялар ва атроф муҳитнинг ўзаро таъсири биогеоценозни яратади, биогеоценозларнинг ўзаро таъсири натижасида эса ҳаётнинг глобал тизими – биосфера вужудга келади. Биосфера тизимида литосфера, гидросфера ва атмосфера ўзаро таъсирга киришади, атмосфера орқали Ер билан космос ўртасида алмашинув содир бўлади. Жонли материя тизимининг кўрсатилган барча элементлари ўртасида мувозанатни сақлаш сайёра миқёсда ҳаётни сақлашнинг зарурий шартидир.

Биосфера ривожланишининг муайян босқичида моддий тизимнинг алоҳида тури – ижтимоий уюшган материя ёки жамият вужудга келди. Бу ҳаёт ривожланишининг олий шакли, фикрловчи ва борлиқни онгли равишда ўзгартирувчи шахслар ва турли даражадаги бирлашмаларнинг мажмуидир. Ўз навбатида жамият бир-бири билан кесишувчи турли тизимлар, чунончи: инсон, ижтимоий тузилмалар (оила, турли гуруҳлар, бирлашмалар,



п
партиялар, миллатлар, давлатлар)ни, инсон томонидан яратилган, меҳнат қуроли ва техникани ўз ичига олувчи моддий маданиятни қамраб олади.

Материя таркибий даражаларининг аниқ чегарасини аниқлаш мушкул. Уни фан доимо қайд этавермайди. Бизнинг билимларимиз тобора чуқурлашиб, даражаларнинг янги ва янги сифат чегараларини аниқлайди. *Материянинг таркибий даражалари тўғрисида сўз юритилганида, субэлементар, микроэлементар, ядровий, атом, молекуляр, макроскопик ва космик даражалар ҳам тилга олинади. Материянинг микроскопик даражасида физика тахминан 10-15 см узунликда тахминан 10-22 га тенг вақт ичида юз берувчи жараёнларни ўрганиш билан шугулланади. Мегадунёда эса, космология тахминан 10¹⁰ га тенг вақт (Коинот ёши) ичида юз берувчи жараёнларни ўрганади.* Материянинг таркибий даражалари ғояси мутахассислар томонидан сабабият ва дунёни билиш мумкинлиги ғояси билан бир қаторда жуда юксак баҳоланади.

Айни вақтда шуни қайд этиш зарурки, материянинг таркибий даражалари таснифи замирида чизиқли иерархия тамойили ётади. Бу ерда «қисм бутундан кичкина» тамойили амал қилади. Лекин бу дунёларнинг бири соддароқ, иккинчиси мураккаброқ, деган маънони англатмайди. Дунёлар қисм ва бутун сифатида таққосланмайди, улар универсумнинг ўзига хос теран ўзгаришларини ифодалайди. Шу боис бу таснифни мутлақлаштириш керак эмас.

Юқорида айтилганларга ишонч ҳосил қилиш учун мисол келтирамиз. Бутун сонлар қатори 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, ... n ни оламиз, бу тўпладан кичик тўплам – жуфт сонлар қатори 2, 4, 6, 8, 10, 12, 14, ...n ни ажратамиз. Дастлаб жуфт сонлар қатори бутуннинг, яъни бутун сонлар қаторининг бир қисмигина бўлиб туюлади. Аммо уларни таққосласак, жуфт сонлар қатори бутун сонлар қатори каби чексиз эканлигини кўрамиз. Бинобарин, бу ерда қисм бутун билан тенг.

Бундан ташқари, микродунёда ўтказилувчи барча экспериментлар ғайриоддий натижага олиб келади. Микродунё азалдан жумбоқларга тўла, деб айтиш мумкин. Икки элементар зарра тўқнашувидан кейин ҳеч қандай кичикроқ элементар зарралар ҳосил бўлмайди. Тўқнашган зарралар билан бир хил, яъни элементар зарралар, масалан, икки протон тўқнашувидан кейин бошқа кўплаб элементар зарралар, шу жумладан, протонлар, мезонлар, гиперонлар вужудга келади. Зарраларнинг «кўплаб туғилиши» ҳодисасини Гейзенберг қуйидагича тушунтирган. Элементар зарралар тўқнашганида кўп миқдордаги кинетик энергия моддага, пайдо бўлувчи зарраларга айланади ва биз зарраларнинг кўплаб туғилиши жараёнини кузатамиз. *Ярим аср муқаддам элементар зарраларнинг атиги уч тури - модданинг энг кичик элементлари – электрон ва протон ҳамда энергиянинг энг оз порцияси ҳисобланган фотон маълум бўлса, ҳозир 200 дан ортиқ элементар зарралар кашф этилган.* Оддий объектлар таркибини аниқлаш учун, «қандайдир кичикроқ элементлардан ташкил топади» формуласи мос келса, бу микродунёни тавсифлашга мос келмайди.



п

Микродунёнинг бошқа бир ғайриоддий самараси микрозарранинг икки ёқлама табиати, яъни у ҳам корпускула, ҳам тўлқиндан иборат эканлиги билан боғлиқ. Шу сабабли бундай зарра макон ва вақтда аниқ ўрин олиши мумкин эмас. Бу хусусият Гейзенбергнинг номуайянликларнинг ўзаро нисбати тамойилида ўз аксини топган.


Материянинг таркибий даражалари иерархиясида инсон марказий ўринни эгаллайди. Қадимдаёқ Протагор «Инсон ҳамма нарсаларнинг ўлчовидир», деган эди. Дунёни ўзлаштиришда инсон қадриятлари шкаласини андоза сифатида қабул қилувчи фалсафий таълимот – «Антропологизм» замирида ана шу тезис ётади. Материя тузилишининг инсон томонидан кузатиловчи даражалари одамлар яшовчи муҳитнинг табиий шарт-шароитларини, яъни бизнинг дунёвий қонуниятларимизни ҳисобга олган ҳолда ўзлаштирилади. Лекин бу биздан анча олисдаги даражаларда материянинг мавжуд шакллари ва ҳолатларидан бутунлай фарқ қилувчи, мутлақо бошқача хоссалар билан тавсифланувчи «ғайритабиий» шакл ҳамда ҳолатлари мавжуд бўлиши мумкин, деган тахминни истисно этмайди. Шу муносабат билан олимлар геоцентриқ ва ногеоцентриқ моддий тизимларни фарқлай бошлади.

Геоцентриқ ва ногеоцентриқ моддий тизимлар. Геоцентриқ дунё ҳақидаги тасаввур Ер миқёсидаги объектларга дахлдор назарияларнинг умумлаштирилиши натижасида юзага келган. Унда, айнан Ер дунёси андоза ва негиз сифатида қабул қилинади. *Геоцентризм таълимотига кўра, моддий тизимларнинг атрибутлари барча даражаларда биз Ер шароитида дуч келувчи атрибутлар билан бир хил бўлади. Геоцентризм макон, вақт, сифат, сабабият ва бошқа атрибутлар онтологик маънода ягонадир,* деган тасаввурга асосланади.

Лекин материянинг чексизлиги ғоясидан келиб чиқиб, атрибутларнинг амалиёт бизни ҳозиргача таништирган туридан ташқари, «геоцентриқ образ»дан фарқ қилувчи кўплаб бошқа турлари ҳам мавжудлигини фараз қилиш ўринли бўлади. Бу атрибутларнинг бошқа турлари, ўзга макон, вақт, ҳаракат билан тавсифланувчи объектив борлиқнинг алоҳида тури сифатидаги ногеоцентриқ тизимлар, яъни геоцентриқ дунёга унча ўхшамайдиган дунёлар тўғрисида сўз юритиш имконини беради.

Атрибутларнинг универсал мазмуни, инсон танаси мавжудлик шарт-шароитларида намоён бўлувчи атрибутларнинг универсал мазмунига мос келиши геоцентриқ дунёдир. Бу Ньютон вақти (замони), Эвклид макони дунёсидир.

Атрибутларнинг универсал мазмуни, инсон танасининг мавжудлик шарт-шароитларида намоён бўлувчи атрибутларнинг универсал мазмунидан фарқ қилувчи моддий объект ногеоцентриқ дунё деб аталади. «Ногеоцентриқ дунё» тушунчаси ноньютон вақти (замони), нозевклид макони, умуман, борлиқнинг ногеоцентриқ турини назарда тутди. Микродунё ва мегадунёни ногеоцентриқ дунёлар томон мавжуд бўлган «дарча»лар деб фараз қилиш учун асослар мавжуд. Уларнинг қонуниятлари бизга ўзаро таъсирларнинг ўзга турини узок даражада бўлса ҳам тасаввур қилиш



п
имконини беради. Айни вақтда, макродунё алоқалари ва ўзаро таъсирлари борлиқнинг геоцентрик турини акс эттиради. Шунга қарамай, универсал мазмуннинг «геоцентрик андоза»дан оғиш хусусияти тўғрисидаги масалани фақат амалиётда ечиш мумкин. Бу ерда фалсафадан кўра аниқ фанларга асосланиш лозим.

Ҳозирги замон методологлари пировард мақсадга асосланадиган ва азалдан мақсадга мувофиқ хусусиятга эга бўлган тизимлар билан стихияли хусусиятларни намоёниш этувчи мутлақо очиқ тизимларни фарқлашни таклиф қилади. Мазкур тасниф янги нарса пайдо бўлиши мумкин бўлган мақсадни белгилаш механизмига янгича назар билан қараш имконини беради.

Ноорганик, органик ва ижтимоий тизимлар моддий тизимларнинг энг кўп учрайдиган турлари ҳисобланади. Моддий тизимнинг ноорганик турини таснифлашда унинг элементар зарралар ва майдонлар, атом ядролари, атомлар, молекулалар, макроскопик жисмлар, геологик тузилмалар каби элементлари қайд этилади. *Моддий тизим органик турининг тузилиши бир неча даражадан иборат: ҳужайрасиз даража - ДНК, РНК, нуклеин кислоталар, оқсилларни; ҳужайрали даража – мустақил мавжуд бўлган бир ҳужайрали организмларни; кўп ҳужайрали даража – тўқималар, органлар, функционал системалар (асаб системаси, қон элтувчи система), яъни организмлар (ўсимликлар ва ҳайвонлар)ни ўз ичига олади.* Организмлардан юқори тузилмалар ҳам фарқланади: бу умумий генофонд билан боғланган бир турга мансуб жонзотларнинг популяциялари – биологик бирликлар (ўрмондаги бўрилар тўдаси, кўлдаги балиқлар галаси, чумоли уяси ёки бутазор ва бошқалар)дир. Популяциянинг яхлитлик даражаси унинг таркибига кирувчи айрим организмларнинг хусусиятлари ва кўпайишини тартибга солади. Масалан, чигирткалар биомассаси муайян чегарадан ошиб кетса, уларнинг кўпайишини секинлаштирувчи механизмлар ишга тушади. Жонли материя тузилишининг организмлардан юқори даражасига популяциялардан ташқари биоценозлар киради. Биоценозларнинг яхлит тизимида популяциялар шундай боғланганки, улардан бирининг ҳаёт фаолияти маҳсулотлари бошқасининг яшаш шарт-шароитларига айланади. Масалан, ўрмон муайян биоценоз ҳисобланади: унда яшовчи ўсимликлар, шунингдек ҳайвонлар, замбуруғлар, лишайниклар ва микроорганизмларнинг популяциялари ўзаро таъсирга киришиб, яхлит тизимни вужудга келтиради.

Биосфера доирасида моддий тизимнинг алоҳида тури - кишилиқ жамияти ривожланган. Бу ижтимоий тизим ҳам алоҳида кичик тизимлар индивид, оила, гуруҳ, жамоа, давлат, миллат ва бошқаларни ўз ичига олади. Материя тузилишининг алоҳида тури сифатидаги жамият одамлар фаолияти туфайлигина мавжуд бўлади. Шу сабабли жамиятга ўз эҳтиёжларини қондириш ва ривожланиш имконини берувчи ижтимоий ишлаб чиқариш билан боғлиқ инсон фаолияти субстанционал негиз ҳисобланади.

Моддий тизимлар турларининг таснифини давом эттириб, Л.Гумилевнинг «Этногенез ва Ер биосфераси» асаридаги фикр-мулоҳазаларини эсга олиш мумкин. Муаллиф таклиф қилган таснифнинг мантиғи қуйидагича: сиз Ер сайёрасида яшайсиз. Бир қобик остида ҳаракат



п
киласиз – бу литосфера. Моддий тизимларнинг бошқа бир тури организмизмингизнинг барча хужайраларига кириб боради – бу гидросфера. Учинчи тури билан сиз нафас оласиз – бу атмосфера. Тўртинчиси – биосфера. Бу ерда сиз барча тирик ўсимликлар, микроорганизмлар билан яшайсиз¹. Бу таснифни гео-, био- ва ноосфераларни ажратишни таклиф қилган В.И.Вернадский таснифига яқинлашишни сезиш мумкин.

Асосий муаммо шундан иборатки, илгари сурилган назариялар ва уларни амалда синаш, яъни уларнинг ишончлилигини тасдиқлаши ёки пировард натижада уларни рад этиши мумкин бўлган тегишли экспериментлар ўтказиш йўли билан текшириш имкониятлари ўртасида улкан тафовут мавжуд.

Дунёнинг бирлиги ва ранг-баранглиги. Дунё чексиз яхлитлик сифатида ўзгармас ва айни вақтда ўзининг айрим қисмлари ва кўринишларида ўзгарувчан бўлиб, ўзини муттасил шаклланиш ва ўзгариш жараёнларида намоён этади. У нафақат шаклланиш ва ўз тузилмасини мураккаблаштириш йўлида, балки аксинча – бузилиш ва таназзул йўлида ҳам ҳаракатланади ва ривожланадики, бу унинг сифат ва миқдор кўрсаткичлари муттасил ўзгаришида акс этади.

Шундай қилиб, дунё, бир томондан, ўз ранг-баранглигида бир жинсли эмас, бошқа томондан эса, ўзининг барча таркибий қисмларининг узвий бирлигини ташкил этиб, муайян универсал яхлитлик ҳисобланади.

Бироқ, дунёнинг бирлиги масаласи аниқ-равшан эмас. Синчиклаб ўрганиш жараёнида у кўп сонли бошқа жавобсиз саволларни, балки умуман ечимсиз муаммоларни юзага келтиради. Дунё бирми, агар бир бўлса, унинг бирлиги нимадан иборат, деган масала атрофидаги қизгин фалсафий мунозаралар ва жиддий ихтилофлар айни шу ҳол билан изоҳланади.

Дунё бирлигининг фундаментал асослари. Кўрсатилган муаммонинг ечими у ёки бу файласуф дунёқараши, унинг мазкур дунёқарашга асосланган позициясига бевосита боғлиқ. *Рух (Худо, ўлмас зоялар, онг ва ш.к.) моддий ва кўламли табиатдан ташқаридаги асос деб ҳисоблайдиган файласуфлар дунёнинг бирлиги муаммосига боқий, яратилмаган ва турли атрибутларга эга бўлган материяни бутун борлиқнинг асоси сифатида эътироф этадиган файласуфларга қараганда бутунлай бошқача ёндашадилар.*

Биринчи ҳолда *идеалистлар* тўғрисида сўз юритилади. Уларнинг қаршисида бутун дунё икки кўринишда намоён бўлади: биринчиси – *идеал* (чин) дунё, иккинчиси – *моддий, ашёвий* (ўткинчи) дунё. Бу ерда дунёнинг бирлигини тасдиқловчи нуқтаи назарлар ҳам, мазкур birlikни рад этувчи нуқтаи назарлар ҳам бўлиши мумкин.

Бундай қарашларга зид ўлароқ, материяни бирдан-бир субстанция сифатида эътироф этувчи *материалистик монизм* тарафдорлари дунёнинг бирлигини унинг ўзидан келиб чиқиб тушунтиришга ҳаракат қиладилар. Бунда улар дунёга ўз борлигини сақлаш учун ҳеч ким ва ҳеч нарсага муҳтож бўлмаган, борлиқнинг бутун ранг-баранглигини ўзидан яратувчи деб

¹ Гумилев Л. Этногенез и биосфера Земли. - М.: Современные тетради, 2002. –С.58.



п карайдилар. Айни ҳолда ечишга тўғри келадиган энг оғир вазифа бугунги кунда (балки умуман) ўрганилган микродунё ва англаб етилган Коинотнинг муттасил сурилиб бораётган чегаралари ортига назар ташлаш имкониятига эга бўлмаган ҳолда дунёнинг чексизлиги (ёки чеклилиги)га шак-шубҳасиз далиллар келтиришдан иборатдир.

Мазкур ёндашувнинг ҳеч нарсага ишонмайдиган тарафдорлари бу ва бошқа шунга ўхшаш саволларга ўз жавобларида фақат оқилона асослаш ва унга мувофиқ бўлган тажрибани далил сифатида тан оладилар ва бунда умуминсоний амалиётга ва фанга таянадилар.


Дунёнинг ягоналиги унинг моддийлигида. Мазкур хулоса замирида материянинг умумий, универсал хоссалари ва унинг ҳаракат қонунлари ҳақидаги билимлар ётади. Дунёнинг моддий жиҳатдан ягоналигини табиатшуносликнинг қуйидаги муҳим маълумотлари тасдиқлайди:

- а) энергиянинг сақланиш ва ўзгариш қонуни;
- б) Менделеевнинг даврий қонуни;
- в) Дарвиннинг эволюция ҳақидаги таълимоти;
- г) ҳужайра ҳақидаги таълимот;

д) физика (квант механикаси, релятивистик физика ва ш.к.), биология (генетика қонунлари, фотосинтез ходисалари, инсон физиологияси ҳақидаги маълумотлар ва ш.к.), космос ҳақидаги фан соҳасида эришилган ҳозирги илмий ютуқлар.

Инсон организмини, табиат ва жамиятнинг ўзаро алоқаларини, уларнинг ривожланишини ўрганишга нисбатан яхлит ёндашув ҳам дунёнинг моддий жиҳатдан ягоналигини намоён этади.

Дунё бирлиги ҳақидаги фан далиллари. Шундай қилиб, фан фалсафадан ижтимоий онгнинг алоҳида шакли сифатида узил-кесил ажралиб чиқиб, инсон фаолиятининг мустақил саҳасига айланган, XVIII асрдан бошлаб унинг ёрдамида дунёнинг бирлигини илоҳий кучларга мурожаат этмай янада ишончлироқ далиллар билан ҳимоя қилиш имконияти пайдо бўлди. Хусусан, сайёралар дастлабки «туманлик»дан табиий келиб чиққанини тушунтирувчи Кант – Лаплас назарияси Қуёш системаси космик жисмларининг бирлиги тўғрисида сўз юритишга асос бўлди; энергиянинг сақланиш ва ўзгариш қонуни табиатда амал қилувчи барча кучлар универсал ҳаракат намоён бўлишининг турли шакллари эканлигини намоён этди; жонли организмлар ҳужайрали тузилишга эга эканлиги ҳақидаги назария бутун тирикликни структуравий бирлаштириш имконини беради; Д.И.Менделеевнинг даврий қонуни барча кимёвий элементларни бирлаштирди, Ч.Дарвиннинг ҳайвон ва ўсимлик турларининг келиб чиқиши ҳақидаги назарияси эса нафақат бутун тирикликнинг бирлигини тушунтириб берди, балки идеал онг табиатини жонли модда билан узвий боғлиқ деб тушуниш учун имконият яратди. Мазкур назария айрим нарсаларни ўрганишдан жараёнлар ва ҳолатларни ўрганишга, табиатни қисмларга ажратишдан уни ягона тизимга бирлаштиришга ўтиш билан тавсифланадики, бу кейинчалик инсон ва унинг онги генезисини яхшироқ тушуниш, уларнинг



п

дунёдаги ҳақиқий ўрнини белгилаш, пировард натижада инсон ва табиатнинг бирлигини кўрсатиш имконини берди.

XX асрда нисбийлик назарияси ва квант механикасининг яратилиши дунё ягона ва ҳамма нарса бир-бири билан ўзаро боғлиқ эканлиги ҳақидаги тасаввурларни сезиларли даражада кенгайтди ва мустаҳкамлади. XX асрнинг иккинчи ярмида қудратли телескоплар ва тезлатгичлар пайдо бўлиши билан ҳозирги замон фани макро- ва микродунёларни ўрганишда янада кўпроқ олға силжиди. У коинот кенгликларига кириб, дунёнинг фундаментал асослари ҳақидаги тасаввурларимизни бойитди. Ҳозирги замон фани майдон ва модданинг, корпускуляр ва тўлқинли моддий объектларнинг бирлигини исботлаб берди, материя, ҳаракат, макон ва вақтнинг узвий бирлигини асослади.

Дунёнинг бирлиги ғояси табиий-илмий далиллардан ташқари тарихий асослашни ҳам тақозо этади. Бундай асослашни фалсафасиз амалга ошириш мумкин эмас, чунки у бутун дунёга яхлит тизим сифатида ёндашиб, ранг-барангликда бирликни ва бирликда ранг-барангликни кўради. Дунёнинг ранг-баранглиги ва бирлиги муаммосининг қўйилиши ва унинг илмий асосланган ечими борликни билиш ва изчил ўзгартириш учун жуда муҳимдир. Мазкур муаммони фалсафий англаб етиш ҳам жуда алоҳида аҳамият касб этади. Зеро ҳозирги давр шароитида дунёвий ўзаро алоқаларнинг универсаллигини нафақат назарий даражада тушуниб етиш, балки табиатнинг бирлиги умумий тамойилини амалий фаолиятда ҳам ҳисобга олиш талаб этилади.

Дунёнинг бирлиги ғояси табиий-илмий далиллардан ташқари тарихий асослашни ҳам тақозо этади. Бундай асослашни фалсафасиз амалга ошириш мумкин эмас, чунки у бутун дунёга яхлит тизим сифатида ёндашиб, ранг-барангликда бирликни ва бирликда ранг-барангликни кўради.

Дунёнинг яхлитлиги ва ранг-баранглиги диалектикаси. Дунё ўз миқдор ва сифат кўринишларида чексиз даражада ранг-баранг. Борлиқнинг сон-саноксиз ҳар хил ҳолатлари ва таркибий даражаларидан биз фақат аниқ-равшан кўриниб турган ва бугунги кунда ақлимиз тушунишга қодир бўлган қисминигина кўришимиз мумкин.

Аммо бу даражаларнинг ҳар бири, ҳар бир ҳолат ўзига хос макон ва вақт хоссалари, ҳаракат шакллари ва шу кабилар билан тавсифланади. Дунё чексиз яхлитлик сифатида ўзгармас ва айни вақтда ўзининг айрим қисмлари ва кўринишларида ўзгарувчан бўлиб, ўзини муттасил шаклланиш ва ўзгариш жараёнларида намоён этади. У нафақат шаклланиш ва ўз тузилмасини мураккаблаштириш йўлида, балки аксинча – бузилиш ва таназзул йўлида ҳам ҳаракатланади ва ривожланадики, бу унинг сифат ва миқдор кўрсаткичлари муттасил ўзгаришида акс этади.

Шундай қилиб, дунё, бир томондан, *ўз ранг-баранглигида бир жинсли эмас*, бошқа томондан эса, *ўзининг барча таркибий қисмларининг узвий бирлигини ташкил этиб, муайян универсал яхлитлик ҳисобланади.*

Сўнги фикр махсус изоҳ талаб этади, чунки дунёнинг бирлиги масаласи аниқ-равшан эмас. Синчиклаб ўрганиш жараёнида у кўп сонли



п



бошқа жавобсиз саволларни, балки умуман ечимсиз муаммоларни юзага келтиради. Дунё бирми, агар бир бўлса, унинг бу бирлиги нимадан иборат, деган масала атрофидаги қизгин фалсафий мунозаралар ва жиддий ихтилофлар айна шу ҳол билан изоҳланади.


Хулосалар. Фалсафа ва табиатшунослик тарихида материяни тушунишга нисбатан икки хил ёндашув: фалсафий ва табиий илмий ёндашувлар ривожланган. Фалсафий ёндашув материяга нарсалар ва ходисалар бутун ранг-баранглигининг ички ягоналиги замирида ётувчи моҳият – субстанция сифатида ёндашишни назарда тутди. Табиий илмий ёндашув материянинг физик, структуравий тuzилиши ҳақидаги билимларни ўз ичига олади.

Тажрибавий амалий матнлар

Субстанция, интеллектуал интуиция, дедукция, монизм, плюрализм, дуализм, материя, атрибут, онтологик концепция, объектнинг атом модели.

Қўшимча ва тушунтирувчи матнлар





Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар

1. Субстанция нима?
2. Фалсафа тарихида субстанция муаммосига қандай муносабат билдирилган?
3. Материя нима?
4. Материянинг ҳозирги замон таърифи қандай?
5. Нима учун дунёнинг ранг-баранглиги ва унинг яхлитлиги муаммоси нафақат илмий, балки фалсафий аҳамият ҳам касб этади?
6. Дунёнинг бирлигини асослаш учун қандай далиллар келтирилади?

Реферат мавзулари

1. Материяга нисбатан фалсафий ёндашувлар эволюцияси.
2. Материя ва ҳаракатнинг ўзаро боғланиши.
3. Материя мавжудлигининг даражалари
4. Фалсафада субстанция муаммоси.
5. Дунёнинг бирлиги муаммосига нисбатан фалсафий ва илмий ёндашувлар.

Билим ва кўникмаларни баҳолаш материаллари

1. Фалсафада ўзининг мавжудлиги учун ўзидан бошқа ҳеч нарсага мухтож бўлмаган биринчи асосни нима дейилади?
 - A. Субстанция
 - B. Акциденция
 - C. Реаллик
 - G. Далил
2. Субстанцияни «*causa sui*» – «ўз-ўзининг сабабчиси» деб атаган файласуфни топинг?



п

- А. Спиноза
- Б. Декарт
- В. Кант
- Г. Фихте

3. Субстанциянинг икки турга фарқланиши қандай таълимотнинг келиб чиқишига асос бўлди?

- А. Дуализм
- Б. Монизм
- В. Деизм
- Г. Томизм

4. «Cogito ergo sum» – «мен фикрляяпман, демак, мавжудман» ибораси муаллифи ким?

- А. Р.Декарт
- Б. Б. Спиноза
- В. И.Кант
- Г. Ф.Ницше

5. Дуалистик таълимотга кўра, бунёнинг асоси неча асосга эга дея эътироф этилади?

- А. Икки
- Б. Бир
- В. Уч
- Г. Чексиз

6. Фалсафада субстанция атамаси нимани англатади?

- А. Лотинча, substantia – моҳият, биринчи асос
- Б. Юнонча, substantia – моҳият, биринчи асос
- В. Лотинча, хос бўлган, қўшиб олинган
- Г. Юнонча, хос бўлган, қўшиб олинган

7. Материалистик онтологияда бутун борлиқнинг биринчи асоси деб, сувни тан олган файласуф ким?

- А. Фалес
- Б. Анаксимен
- В. Гераклит
- Г. Демокрит

8. “Мавжуд бўлган нарса мавжуд бўлмаслиги ҳам мумкин... Бутун мавжудликнинг мавжуд эмаслиги унинг мавжудлиги каби аниқ ва равшан ғоядир”. Ушбу фикрлар муаллифини топинг?

- А. Д.Юм
- Б. Д.Беркли
- В. Р.Декарт



п
Г. Ж.Ж.Руссо

9. Қайси тушунчада барча нарсаларнинг муайян умумий бирламчи асоси тушунилади?

- А. Субстанция
- Б. Атрибут
- В. Онтология
- Г. Ғоя

10. “Табиат ҳамма нарсанинг сабабчисидир: у абадий ва мавжуддир: табиат ўз-ўзининг сабабчисидир”. Ушбу фикрлар муаллифини топинг?

- А. А.Гольбах
- Б. Б.Спиноза
- В. Р.Декарт
- Г. Д.Юм

11. Дунёнинг нарсалар ва ҳодисалар ранг–баранглиги бир субстанциядан иборат деган таълимот ... деб аталади.

- А. Монизм
- Б. Диализм
- В. Плюрализм
- Г. Материализм

12. Материалистик монизм таълимоти қайси файласуфлар ижодида яққол кўринади?


- А. Фалес, Гераклит, Спиноза
- Б. Х.Вольф, Платон, Кант
- В. Гегель, Руссо, Анаксимен
- Г. Лейбниц, Д.Юм, А.Бергсон

13. XVIII аср бошида “дуализм” атамасини фалсафий муомалага киритган файласуф ким?

- А. Х.Вольф
- Б. Р.Декарт
- В. М.Хайдеггер
- Г. Ф.Шлейермахер

14. Икки асос, муҳаббат ва нафрат, яхшилик ва ёмонлик, эркинлик ва заруриятнинг тенг ҳуқуқлилиги ғояси илгари сурилган ҳар қандай фалсафий назария қандай назария сифатида амал қилади?

- А. Дуалистик назария
- Б. Монистик назария
- В. Плюралистик назария
- Г. Идеалистик назария



п

15. Дунёнинг негизида иккита эмас, балки ундан кўпроқ моҳият борлигини тан олувчи таълимот қайси таълимот?

- А. Плюрализм
- Б. Дуализм
- В. Монизм
- Г. Фетишизм

16. Моҳият ва мавжудликнинг бирлигини нима кўрсатади?

- А. Яхлитлик
- Б. Ягоналик
- В. Каузаллик
- Г. Универсаллик

17. Субстрат сўзининг этимологик келиб чиқиши ва маъносини аниқланг?

- А. Лотинча, тўшама, негиз
- Б. Юнонча, тўшама, негиз
- В. Инглизча, тўшама, негиз
- Г. Французча, тўшама, негиз

18. Материя ҳақида тасаввурларнинг шаклланиши неча босқичга бўлинади?

- А. 4 босқич
- Б. 3 босқич
- В. 2 босқич
- Г. Бўлинмайди

19. XVI-XVII асрлар метафизик материализм, яъни материя муайян ўзгармас хосслар йиғиндиси сифатида тан олиниши материя ҳақидаги тасаввурлар шаклланишининг нечанчи босқичига тўғри келади?

- А. 2-босқичига
- Б. 1-босқичига
- В. 3-босқичига
- Г. 4-босқичига

20. Материя бирламчи материал (сув, олов, атом ва ҳоказо) сифатида тан олиниши материя ҳақидаги тасаввурлар шаклланишининг нечанчи босқичига хос?

- А. 1-босқичига
- Б. 2-босқичига
- В. 3-босқичига
- Г. 4-босқичига

21. Материя – объектив борлиқни ифодалаш учун мўлжалланган фалсафий категория бўлиб, уни инсон ўз сезги аъзолари орқали идрок



п

этади, уни тушуниши мумкин ва тушунишга ҳаракат қилади, лекин бунда материя инсондан қатъий назар мавжуддир. Бу материя ҳақидаги тасаввурлар шаклланишининг қайси босқичига мос хулоса?

- А. 4-босқичига
- Б. 2-босқичига
- В. 3-босқичига
- Г. 1-босқичига

22. Материянинг инсон сезги аъзолари орқали идрок этишга қодир бўлган объектив борлиқ эканлиги ҳақидаги хулоса материя ҳақидаги тасаввурлар шаклланишининг нечанчи босқичи билан боғлиқ?

- А. 3-босқичига
- Б. 2-босқичига
- В. 4-босқичига
- Г. 1-босқичига

23. ... уни бирон-бир субстрат билан эмас, балки лар мажмуи: макон, вақт, ҳаракат, сифат, миқдор билан тенглаштиради. Нуқталар ўрнига мос жумлани топинг?

- А. Материянинг атрибутив концепцияси
- Б. Материянинг генетик-контраст концепцияси
- В. Материянинг субстрат концепцияси
- Г. Материянинг субстанционал концепцияси

24. Гельмгольц, Ч. Дарвин, Менделеев, М. Планк, А. Эйнштейн, Н. Бор ва бошқалар материяни қандай талқин қилишган?

- А. Диалектик
- Б. Дуалистик
- В. Метафизик
- Г. Монистик

25. ... – бу борлиқ объектларини тавсифлаш ва тушунтиришнинг базис хусусиятига эга бўлган универсал схемаси.

- А. Объектнинг онтологик модели
- Б. Субъектнинг онтологик модели
- В. Оламнинг онтологик модели
- Г. Онгнинг онтологик модели

26. ... тушунчаси ҳар қандай моддий объектда мавжуд бўлган, ўз табиатига кўра ранг-баранг ва кўп сонли турли белгилар, жиҳатлар ва хоссаларни қамраб олади.

- А. Атрибут
- Б. Субстрат
- В. Субстанция
- Г. Материя



п

27. Материянинг таркибийлиги ғоясининг илдизлари антик фалсафага, хусусан, қайси файласуфларнинг атомистик таълимотига бориб тақалади. Бу ғоя табиатшуносликнинг ривожланишига кучли таъсир кўрсатган?

- А. Демокрит
- Б. Эпикур
- В. Лукреций Кар
- Г. Аристотел

28. Жонсиз материя тизими нечта даражалардан иборат?

- А. 3 та
- Б. 4 та
- В. 5 та
- Г. 6 та

29. Микроэлементлар даражаси нима деб аталади?

- А. Микродунё
- Б. Макродунё
- В. Мегадунё
- Г. Биосфера

30. Атомлар, молекулалар, макрожисмлар, сайёралар ва юлдузлар системаларини камраб олувчи дунё қайси жавобда берилган?

- А. Макродунё
- Б. Микродунё
- В. Мегадунё
- Г. Биосфера

31. Жонли материя тизими нима деб аталади?

- А. Мегадунё
- Б. Микродунё
- В. Макродунё
- Г. Биосфера

32. Моддий тизимларнинг атрибутлари барча даражаларда биз Ер шароитида дуч келувчи атрибутлар билан бир хил бўлади, макон, вақт, сифат, сабабият ва бошқа атрибутлар онтологик маънода ягонадир, деган тасаввур қайси таълимотда илгари сурилади?

- А. Геоцентризм
- Б. Ногеоцентризм
- В. Плюрализм
- Г. Монизм



п

33. Дунёнинг моддий жиҳатдан ягоналигини табиатшуносликнинг қайси маълумотлари тасдиқлайди?

- А. Энергиянинг сақланиш ва ўзгариш қонуни
- Б. Дарвиннинг эволюция ҳақидадаги таълимоти: хужайра ҳақидаги таълимот
- В. Физика (квант механикаси, релятивистик физика), биология (генетика қонунлари, фотосинтез ҳодисалари, инсон физиологияси ҳақидаги маълумотлар), космос ҳақидаги фан соҳасида эришилган ҳозирги илмий ютуқлар
- Г. Барча жавоблар тўғри

34. Нисбийлик назарияси ва квант механикаси нечанчи асрда яратилди?

- А. XX аср
- Б. XIX аср
- В. XVIII аср
- Г. XVII аср

35. Идеалистлар қаршисида бутун дунё неча кўринишда намоён бўлади?

- А. 2 кўринишда
- Б. 3 кўринишда
- В. 7 кўринишда
- Г. Яхлит

36. Ҳайвон ва ўсимлик турларининг келиб чиқиши ҳақидаги назарияни кашф қилган?

- А. Ч. Дарвин
- Б. Д. Менделеев
- В. Кант – Лаплас
- Г. А. Эйнштейн



II


1. Маърузани олиб бориш технологияси

<i>Талабалар сони:</i>	<i>Вақти:</i> 2 соат
<i>Маиғулот шакли</i>	Кириш мавзуси бўйича маъруза
<i>Маъруза режаси</i>	1.Кенгаювчи олам концепцияси 2.Олам чеклилиги ва чексизлигининг назарий асослари 3.Чеклилик ва чексизликнинг зиддияти 4.Чексизликни ақл билан тушуниш қийинлиги 5.Апориялар, антиномиялар ва парадосklar чексизликни билишда акс эттириш воситалари сифатида 6.Актуал ва потенциал чексизлик
<i>Маиғулотнинг мақсади:</i> Ўқув фани ҳақида умумий тасаввурни шакллантириш, оламнинг чеклилиги ва чексизлиги ҳақида тушунча ҳосил қилиш.	
<i>Педагогик вазифалар</i>	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i>
Кенгаювчи олам концепцияси ҳақида тушунчалар бериш.	Кенгаювчи олам концепцияси ҳақида талабаларга тушунчалар берилди.
Олам чеклилиги ва чексизлигининг назарий асослари ҳақида тушунча бериш.	.Олам чеклилиги ва чексизлигининг назарий асослари ҳақида талабаларга тушунчалар берилди.
Чеклилик ва чексизликнинг зиддияти ҳақида тушунча бериш.	Чеклилик ва чексизликнинг зиддияти ҳақида талабаларга тушунчалар берилди.
Чексизликни ақл билан тушуниш қийинлиги ҳақида тушунча бериш.	Чексизликни ақл билан тушуниш қийинлиги ҳақида талабаларга тушунчалар берилди.
Апориялар, антиномиялар ва парадосklar чексизликни билишда акс эттириш воситалари сифатида ҳақида тушунча бериш.	Апориялар, антиномиялар ва парадосklar чексизликни билишда акс эттириш воситалари сифатида ҳақида талабаларга тушунчалар берилди.
Актуал ва потенциал чексизлик ҳақида тушунча бериш.	Актуал ва потенциал чексизлик ҳақида талабаларга тушунчалар берилди
<i>Ўқитиш усуллари ва техника</i>	Маъруза, «ақлий хужум», Т-схема, мунозара, муаммоли вазиятлар усули.
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Маъруза матни, тарқатма материаллар, слайдлар, проектор.
<i>Ўқитиш шакллари</i>	Жамоа, тўғридан-тўғри ва гуруҳларда ишлаш.
<i>Ўқитиш шарт-шароити</i>	Техник воситалар билан таъминланган аудитория.
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Оғзаки назорат, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш.



2. Маърузанинг технологик картаси

<i>Иш жараёнлари вақти</i>	<i>Фаолиятнинг мазмуни</i>	
	<i>Ўқитувчи</i>	<i>Талаба</i>
I-босқич. Фанга ва мавзуга кириш. (20 минут)	1.1. Ўқув фани номини айтиб, фан доирасида дастлабки умумий тасаввурни беради ҳамда услубий ва ташкилий томонлари билан таништиради.	Тинглайдилар.
	1.2. Фан бўйича ўтиладиган барча мавзулар билан таништиради, уларнинг узвийлиги ҳақида қисқача маълумот беради.	Тинглайдилар.
	1.3. Фан якунида қўйиладиган рейтинг баҳолаш мезонлари билан таништиради	ЎУМ га қарайдилар.
	1.4. Фанни ўзлаштиришда фойдаланиш учун зарур бўлган адабиётлар рўйхати билан таништиради.	ЎУМ га қарайдилар.
	1.5. Ўқув машғулоти мавзуси билан таништиради ва унинг мақсади, ўқув фаолияти натижаларини баён қилади.	Мавзу номини ёзиб оладилар.
	1.6. Мавзу юзасидан ақлий ҳужум коидаси асосида дарс ўтказишни таклиф этади. Талабалар томонидан айtilган фикрларни ёзиб боради ва умумлаштиради	Тушунчаларни эркин фикр орқали билдиради.
II-босқич. Асосий (50 минут)	2.1. Мавзу режаси ва таянч тушунчалар билан таништиради.	Тинглайдилар.
	2.2. Маърузани режа бўйича тушунтиради, ҳар бир режани ниҳоясида умумлаштиради. Жараён компьютер слайдларини намойиш қилиш билан олиб борилади	Тинглайдилар. Слайдга эътибор қаратади, уни ўзига ёзиб олади ва саволлар беради.
	2.3. Ҳар бир режани мустаҳкамлаш учун қуйидагича саволлар беради: 1.Интенсив ва экстенсив чексизлик? 2.Оламнинг чексизлиги ғоясининг фалсафий асослари? 3.Чеклилик ва чексизликнинг зиддияти? 4.Апориялар антиномиялар ва парадокслар чексизлиги?	Саволларга жавоб берадилар, эркин баҳс-мунозара юритадилар.
	2.4. Таянч ибораларга қайтилади. Талабалар иштирокида улар яна бир бор такрорланади.	Ҳар бир таянч тушунча ва ибораларни муҳокама қиладилар. Конспект қиладилар.
III-босқич. Якуний босқич. (10 минут)	3.1. Т-схема техникасидан фойдаланилган ҳолда жуфт-жуфт бўлиб ишлаш учун тингловчиларга: оламнинг чеклилиги ва чексизлигига оид савол ёзилган таркатма материаллар таркатади. Ушбу техника орқали мавзу бўйича якунловчи хулоса қилади.	Мустақил Т-схемани тўлдирдилар. Эркин фикрини баён этади.
	3.2. Талабаларнинг фаолиятига баҳо қўйилади	Эшитади.



П

	ва рағбатлантирилади. 3.3. Келгуси машғулотга тайёргарлик кўриш учун топшириқлар ва фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати берилди.	Эшитади ва ЎУМ га қарайдилар.
--	---	-------------------------------

ОЛАМНИНГ ЧЕКЛИЛИГИ ВА ЧЕКСИЗЛИГИ

Оламнинг чеклилиги ва чексизлиги. Фалсафада оламнинг чеклилиги ва чексизлиги билан боғлиқ масалалар муҳим аҳамият касб этади. Бунда ҳар бир конкрет нарсанинг чекли эканлиги, умумий оламнинг чексиз ва чегарасизлиги эътироф этилади. Чексизликни ифодалаш учун ички (интенсив) ва ташқи (экстенсив) шакллар мавжудлиги кўплаб фалсафий адабиётларда қайд этилган.

Интенсив чексизлик материянинг ичдан ниҳоясизлиги ҳақидаги тасаввурдир. Интенсив чексизликнинг мавжудлиги табиатда ички тузилишга эга бўлмаган, мутлақо элементар объектлар йўқлигини кўрсатади. Интенсив чексизлик микрозарраларни ўрганиш жараёнида материянинг кичикроқ қисмларга чексиз бўлиниши сифатида қаралиши мумкин эмас. Зарраларнинг бир-бирига айланувчанлиги улар анча мураккаб табиатга эга эканлигидан далолат беради.

Экстенсив чексизлик ичдан эмас, балки сиртдан чексизликдир. У мазкур объект доирасидан ташқарида, «катта» дунёда кузатилади ва объектдан ташқаридаги чексизликни ифодалайди. Бу ерда объект хоссалари ва сифатларининг атрофдаги нарсалар билан ўзаро таъсирлар тизимида боғлиқлиги муаммоси муҳимроқдир. Амалда чексизлик мавжуд бўлиб, у билиш қаратилган йўналишдан келиб чиқади ва интенсив ёки экстенсив деб тушунилади. *Экстенсив ва интенсив чексизлик – ҳақиқий чексизликнинг ўзига хос проекцияларидир.* Уларни геометрик шаклнинг координаталар ўқидаги проекцияларига ўхшатиш мумкин.

Дунёнинг макон ва вақтда чексизлиги ҳақидаги тасаввурлар асрлар ҳамда минг йилликлар давомида шаклланган. Унинг илдизлари антик натурфалсафа ва космогонияга бориб тақалади. Ньютонча физикага асосланган XVIII аср космологиясида чексизлик ғоясининг анча асосли назарий далиллари таърифлаб берилди. Нисбийлик назариясининг пайдо бўлиши космология муаммоларини бутунлай ўзгартириб юборди. Умумий нисбийлик назарияси таъсирида юзага келган ва XX асрнинг иккинчи ўн йиллигида жадал ривожланган релятивистик космология доирасида оламнинг макон Космология чеклилик ва чексизликнинг талқинига жуда кўп



п
янгиликлар киритди. У илмий фан сифатида оламнинг тузилиши ва хоссаларини ўрганади, макон ва вақтнинг чексизлиги муаммосини ўрганишга ҳаракат қилади. ва вақтда чексиз ҳамда чекли моделларини тузишга муваффақ бўлади.

Аммо, дунёнинг чеклилиги ёки чексизлиги ғоясини исботлаш ва инкор этишга Кант антиномияларидаёқ ҳаракат қилинган эди. *Кант антиномияларида, агар дунё вақтда ўз ибтидосига эга бўлса, демак, дунё яралгунга қадар ҳеч нарчасиз соф вақт мавжуд бўлган, лекин бу «ҳеч нарса»дан дунё яралиши мумкин эмас. Агар дунё макон ва вақтда ибтидога эга эмас, деб тахмин қилинса, бундан ҳозирги вақтгача чексизлик ўтган, яъни ҳар қандай воқеадан олдин чексиз вақт ўтган, бугун эса у тугади ва олам нимагадир айни шу вақтда вужудга келди, деган хулоса келиб чиқадики, бу ҳам эҳтимолдан узоқ бўлган ҳолдир.*


Оламнинг релятивистик концепцияси бўлиши эҳтимол тутилган бутун моддий дунёни қамраб олгани сабабли, унинг «ибтидоси» ғоясида чексизлик ғояси бутунлай инкор этилиб, фанда тўнтариш ясалишига олиб келадигандек бўлиб туюлди. Релятивист космологларнинг кенгайиб бораётган олам – Метагалактиканинг ягоналиги ва у ҳамма нарсани қамраб олиши ҳақидаги таълимоти ўтмишда кўп қарра такрорланган оламда Ернинг ягоналиги, Қуёш системаси ёки Галактиканинг ягоналиги ҳақидаги ғояларни эслатади. Амалда оламнинг космологик моделлари, гарчи бутун дунёни тушунтириш учун тузилган бўлса-да, унинг айрим қисминигина тушунтиради. Фақат, мазкур соҳага тааллуқли, бутун дунёдаги макон ва вақтга нисбатан татбиқ этилмайди, деб талқин қилинган макон ва вақтнинг чеклилиги ҳамда чексизлиги ҳақидаги космологик тасаввурлар чексизлик ғоясини инкор этмайди.

Космология ривожланишининг ҳозирги босқичи релятивистик космологиянинг устуворлиги билан тавсифланади. Релятивистик космология бутун дунёни мукамал тавсифлашга даъво қилмайди, лекин чеклилик ва чексизликни биз яшаётган оламга татбиқан, унинг физикавий-макон тузилиши томонидан ўрганади. Релятивистик космология асосчилари А.Эйнштейн ва А.Фридман ҳисобланади.

А.Эйнштейн 1917 йилда оламнинг биринчи релятивистик моделини тузди. У бунда қуйидаги тахминлардан келиб чиқди.

1. Модда ва нурланиш оламда бир текис тарқалган. Бундан олам майдони бир хил ва изотроп тузилишга эга. Гарчи оғир объектлар яқинида макон-вақт геометрияси ўзгарса-да, бу ўзгариш оламнинг ўзгармас эгриликка эга бўлган бир хил изотроп майдонидан четга аҳамиятсиз оғишдир, холос.

2. Олам турғун, вақтда ўзгармасдир. Шу боис майдон геометрияси эволюцияга эга бўлиши мумкин эмас. А.Эйнштейн дунёси, одатда, «цилиндрсимон дунё» деб аталади, чунки уни чексиз кўламли тўрт ўлчовли цилиндр кўринишида тасаввур қилиш мумкин. Цилиндрнинг ясовчиси бўйлаб вақт ўқи ўтади, у ўтмишга ҳам, келажакка ҳам чексиз қаратилган. Цилиндр кесими майдонни беради. Мазкур моделда бу ўзгармас мусбат эгриликка эга уч ўлчовли доирасимон майдон бор. У чекли ҳажмга эга.



п

Бунинг ортида ҳеч нарса мавжуд бўлмаган дунёнинг қандайдир чеккаси бор, деб тушунмаслик керак. Айти ҳолда майдон «ўз-ўзида туташади» ва бу унда ҳеч қачон тўсиққа учрамасдан чексиз айланиш имконини беради.

Бироқ А.Эйнштейннинг «цилиндрсимон дунё»си ўтмишда қолган. Унинг оламнинг турғун моделини яратишга уринишлари ҳозир оламнинг абадиятда ўзгармас ҳолда мавжудлиги ҳақидаги анъанавий тасаввурларга ҳурмат сифатида қаралади. Оламнинг турғун моделини А.Эйнштейн махсус тахмин асосида яратганини ҳам эътиборга олиш керак.

Мазкур муаммонинг янги ечимини А.Фридман таклиф қилган ва уни бельгиялик космолог М.Леметр ривожлантирган. А.Фридман дунёнинг турғунлиги ҳақидаги тахминдан воз кечади, лекин унинг бир хиллиги ва изотроплиги ҳақидаги постулатни сақлаб қолди. Бу муаммонинг уч хил ечимини таклиф қилиш имконини берди:

1. Агар оламда модда ва нурланишнинг зичлиги айрим критик катталиққа тенг бўлса, майдон эвклид майдони бўлади, яъни эгрилиги нолга тенг бўлади ва дунё чексиз бўлади.

2. Агар зичлик критик катталиқдан кичкина бўлса, олам майдони Лобачевский геометрияси билан тавсифланади, у манфий эгрилик ва чексиз ҳажмга эга, очиқ ва бел кўринишида бўлади.

3. Агар оламда модданинг зичлиги критик даражадан катта бўлса, майдон мусбат эгриликка эга, лекин ҳажми чекланган бўлади. Дунё берк ва чекли бўлиб, Риман геометрияси билан тавсифланади.

Кенгаювчи олам концепцияси. Космология муаммосининг таклиф қилинган ечимларига нисбатан муносабат бир хил эмас. Айрим олимлар чексиз кенгаювчи Олам гипотезасини қабул қилганлар ва «Катта портлаш» концепциясига кўра, тахминан 17-20 миллиард йил олдин олам жуда кичкина ҳажмда ўта зич сингуляр ҳолатда бўлган, деб ҳисоблайдилар. Юз берган «катта портлаш» оламнинг кенгайиш жараёнини бошлаб берган. Бу кенгайиш жараёнида модданинг зичлиги ўзгарган, майдоннинг эгрилиги тўғриланиб борган. Айрим олимлар фикрига кўра, кенгайиш ўрнини яна торайиш эгаллайди ва бутун жараён такрорланади. Шу асосда ҳаракатланувчи Олам гипотезаси илгари сурилган бўлиб, унга кўра тахминан ҳар 100 миллиард йилда янги цикл «катта портлаш»дан бошланади. Ақлга сиғмайдиган гипотезаларнинг бирида «дастлабки портлаш» натижасида гравитацион майдонда сингуляр ҳолатдан фақат бизнинг метагалактикамиз эмас, балки кўплаб метагалактикалар вужудга келгани, уларнинг ҳар бири барча физик кўрсаткичларнинг турли ифодаларига, чунончи, алоҳида топологияли (ўлчовлар миқдори ҳар хил бўлган маҳаллий очиқ ёки маҳаллий ёпиқ) макони ва ўз космологик вақтига эга бўлиши мумкинлиги тахмин қилинади.

Ҳозирги «кўп сонли дунёлар» концепцияларида оламнинг ажабтовур манзараси чизилади. Бу фундаментал фалсафани моддий дунёнинг макон ва вақтдаги чексизлигини метрик чексизлик маъносида эмас, балки материянинг макон ва вақт структураларининг бениҳоя ранг-баранглиги сифатида тушуниш лозим, деган асосий қоида билан ҳамоҳангдир.



п

Олам кенгайишда давом этадими ёки торайиш жараёни бошланадими, деган савол жавобсиз қолмоқда. Аммо «қизил силжиш» ҳодисаси ҳозирги вақтда нурланиш манбаи узоқлашиб бораётганини, яъни галактикалар тахминан ўзигача бўлган масофага пропорционал тезликда ҳар ёққа «тарқалаётгани»ни тасдиқловчи умумий эътироф этилган факт ҳисобланади. *1912 йилда В.М.Слайфер галактикадан ташқаридаги туманликлар нурланишларининг спектр чизиқлари спектрнинг қизил учи томонга силжиётган - «қизил силжиш»ни аниқлади.* 1929 йилда Эдвин Хаббл туманлик кузатувчидан қанча узоқда бўлса, «қизил силжиш» катталиги ҳам, унинг туманликдан узоқлашиш тезлиги ҳам шунча катта бўлади, деган қонунни ва катта масофаларда галактикаларнинг тезлиги улкан ифодаларга етишини аниқлади.

Шунга қарамай, оламнинг кенгайиши билан бир қаторда, унинг торайишини ёки маконда чекланган, лекин вақтда чексиз олам навбатма-навбат дам кенгаювчи, дам тораювчи ҳаракатланувчи олам моделини ҳам тахмин қилиш учун назарий имконият мавжуд. Аслида оламнинг кенгайиши ёки торайиб бориши тўғрисидаги қарашлар у тўғрисида билимлар, далил ва хулосалар борасида янги ва янги фикрлар туғилишини кўрсатади. Қолаверса, бу қарашлар, тахминлар ортида чексиз ва чегарасиз олам тўғрисидаги билиш даражаси, бу ҳақдаги билимлар ривожини яққол намоён бўлади.

Чеклилик ва чексизликнинг зиддияти. Бирон-бир соҳада муаммоли, чигал ҳолатга дуч келсак, баъзан туйғуларимизга эрк бериб: «Бу қачон тугар экан!», деймиз, ёки «Бу ҳам қачондир тугайди-ку», деб, ўзимизни юпатамиз. Дарҳақиқат, реал ҳаётда муайян циклда ўз якунига эга бўлмаган вазиятлар, жараён ва ҳодисаларга ҳеч қаерда дуч келмаймиз. Худди шунингдек муайян бир нарсанинг мутлақ ва абадий нарсага айланишига ҳам дуч келмаймиз. У албатта, ўтмишга айланади, ўз мавжудлиги билан бирор из қолдиради, бошқа жараёнлар ва ўзаро таъсирларда сақланиб қолади. Фалсафада бундай масалалар «чеклилик» ва «чексизлик» категориялари орқали ифодаланади. Чеклилик, унинг зидди бўлган чексизлик сингари, умумийлик ва зарурлик мақомига эга бўлган умумий ва универсал тушунчалар – фалсафий категориялар сифатида тушунилади.

Чеклилик – нарсалар, жараён ва ҳодисаларнинг муайянлигини ва объектнинг мавжудлик чегарасини қайд этувчи тавсифни ифодалаш учун мўлжалланган фалсафий категория. Чеклилик чегараси объект интиҳосини бошқа объектдан ажратиб туради ва уларни бир-бирига боғлайди. Г.Гегель чексизлик ҳар нарса ўз чегарасига эга эканлиги, бу ерда у барҳам топиши, йўқликка айланишини таъкидлаган¹. Умуман олганда, барча туғилган нарсаларнинг муқаррар ўлими ҳақида фикр юритмаган бирорта ҳам атоқли файласуф йўқ.

Инсон борлиги чеклилигининг «кашф» этилиши нафақат мавжудликнинг қатъий чегараларини, балки чексизликни - бир-бирини алмаштирувчи авлодларнинг ҳамиша бир хил сафини ҳам кўрсатди.

¹ Гегел Г. Феноменология духа. –М.: 1996. –С.172



п

Кундалик ҳаётда биз нарсаларни фарқлаш ва уларнинг ҳолатлари вақтда ўзгаришини кузатиш, масалан, кунни тундан фарқлаш, йил фасллари алаштирмаслик имконини берувчи муайян чегараларни кўп қайд этамиз. *Шундай қилиб, муайянлик ва чегара чеклилигининг асосий, энг муҳим жиҳатлари ҳисобланади.*

Фалсафада макон-миқдор чегаралари (масалан, давлатнинг ҳудудий чегаралари) ва сифат чегаралари (ёш даврлари) фарқланади. Аммо чегара нафақат ажратади, балки бирлаштиради, алоқа қилиш, чегара орқали ўтиш имконини беради. Бу қарама-қаршиликни ифодалаш учун Г.Гегель ва И.Кант ўзгачароқ маънода ишлатган «борлиқ ўзида» ва «ўзга учун борлиқ» тушунчаларини муомалада қўллаган.

Чеклиликини қотиб қолган, ҳаракатсиз нарса деб тушунмаслик керак. Чеклилигининг моҳияти шундан иборатки, у ўзини ўзи инкор этади, интиҳо сари ҳаракатланади. Шу сабабли чеклик *ҳаракатдан ташқарида эмас, балки фақат ҳаракатдадир.*

Чексизлик чеклилигининг инкори ҳисобланади. Фалсафа ва фанга чексизлик билан бирга «зиддият» тушунчаси ҳам кириб келган. Классик юнон тафаккурида чексизлик салбий тушунча сифатида амал қилади: *Чексизлик чегара ва шаклдан маҳрум, у белгиланмаган, бинобарин, инсон ақли уни тушуниб етишга қодир эмас.* Чексизликни англаб етишга уриниш ўз йўлида муқаррар тарзда апориялар, антиномиялар, парадоксларга дуч келган. Фанда Ноггор infiniti – «чексизлик даҳшати» деган ибора ҳам мавжуд бўлган. Онг чексизликни идрок етишга ҳам, тасаввур қилишга ҳам қодир эмас, у бу борада доимо иккиланади. Инсон кўпроқ чеклик билан иш кўради, уни тез англайди, бирон-бир чегара излайди. Чексизлик – амалдаги қонунларга бўйсунмайдиган, уларни аксиома тарзида қўллаб бўлмайдиган, қисм бутунга тенг бўлиб қолувчи борлиқдир.

Ниҳоясизлик ва номуайянлик чексизлигининг бош моҳиятини чеклик ва чексизлик ўртасидаги зиддият ташкил этади. Масалан, Зеноннинг «Дихотомия» апориясида тўғри йўл назарда тугилади. Бу йўлдан ўтиш учун унинг ярмини, сўнгра ярмининг ярмини, кейин бу ярмининг яна ярмини босиб ўтиш керак. Хуллас, йўл чексиз миқдордаги ярим бўлақларга бўлиниб кетади. Мазкур ёндашувдан келиб чиқилса, бу йўлдан нафақат ўтиш, балки ҳаракатни бошлаш ҳам мумкин эмас. Йўлдан ўтишда энг олдин босиб ўтиш лозим бўлган масофанинг дастлабки «ярмининг ярмини» қандай топиш мумкин? Бу эмпирик далил каби бутун чексизликни қамраб олувчи шакл-шубҳасиз ҳаракатни назарий тавсифлаш қийинчиликлар туғдиради.

Чеклик интиҳонинг дастлабки нуқтаси сифатида амал қилса, чексизлигининг асосий хоссаси сифатида кўпинча «**чекланмаганлик**» тушунчаси қабул қилинади. Чексизлик ғояси инсон тафаккурида бирон-бир объект ёки жараёнда чегараларнинг йўқлиги ҳақидаги интуитив тасаввур сифатида мавжуд бўлади. Шундай қилиб, чексизлик айрим чекланмаган жараён ёки кетма-кетлик кўринишида тасаввур қилинади. Бу Уйғониш даври фалсафасидаёқ англаб етилган. Ушбу даврда чексизлик тўғрисидаги тасаввурлар ўзининг салбий тусини йўқотган ва борлигининг ўлчанмас ва



п
ҳисобсиз бойлиги, инсон ақлининг чексиз кучини англаган. Чексиз дунё инсон ақлининг чегараларини назарда тутмайди, аксинча, у ақлни, тафаккурни ҳаракатга ундайди. *Ф.Гегел чексизликни ривожланиш билан боғлаган, ҳақиқий сифатли ва «нонуайян» миқдорнинг тўхтовсиз кўпайиб бориши сифатидаги чексизликни фарқлаган.*

Шуни таъкидлаш зарурки, инсон тажрибаси доимо чекланган, у чексизликни эмпирик йўл билан аниқлай олмайди. Чексизликни қайд этиш учун сезги органлари маълумотларига тафаккур фаолиятини ҳам қўшиш лозим. Чексизлик интиҳоли нарсалар орқали мавжуд бўлади. Инсон ақли айна шу алоқа ва кетма-кетликни, интиҳоли нарсалар умумийлигининг чексизликка тенг бўлган айна шу шаклини аниқлайди.

Аммо чексизликни эмпирик йўл билан аниқлашнинг мумкин эмаслиги, инсон тажрибаси интиҳоли нарсалар дунёси билангина тўқнаш келиши *чексизлик – фикрлаш фаолиятининг натижаси, деган идеалистик ёндашув юзага келишига сабаб бўлди.* Идеалистлар чексизлик – фикр, у реал табиатда эмас, балки тафаккурда, руҳда мавжуддир, деган ғояни ҳимоя қиладилар. Уларнинг фикрича, чексизлик ҳеч қандай объектив асосга эга эмас. Субъектив идеалист Ж.Беркли ўзининг «мавжуд бўлиш – идрок этилиш демак», деган асосий тезисидан келиб чиқиб, ҳамонки чексизлик ҳиссий идрок этилмас экан, у мавжуд ҳам эмас, деб хулоса чиқаради.

Неотомизм ва экзистенциализм «чексизлик» тушунчасини илоҳийлаштиради. Ушбу йўналишлар вакиллариининг фикрига кўра, ҳақиқий ва олий чексизлик инсонга хос ҳиссий билимлар (трансценденция) дунёсига нисбатан нариги дунёдаги илоҳий борлиқдагина мужассамдир.

Неопозитивизм намояндаларининг асарларида чексизлик ва чеклилиқ муаммоси математик нисбатлар таҳлилига боғланади. Улар чеклилиқ ва чексизликда инсон тафаккурининг, бир томондан, фикр объектларини чеклашга, бошқа томондан фикрий образлар яратиш чексиз эркинлигига бўлган эҳтиёжининг ифодасини кўрадилар. Неопозитивистик фалсафага «чеклилиқ» ва «чексизлик» тушунчаларининг борлиққа муносабати муаммосини сохта муаммо сифатида кун тартибидан чиқариш ва атамаларнинг муайян тилдаги маъносини аниқлаш билангина кифояланишга уриниш хосдир.

Дарҳақиқат, чексизликнинг онтологик мақомини асослаш жуда қийин. Чексиз моҳиятларни таърифлаш ҳам анча мушкул иш. *Материя, ҳаракат, макон, вақт – буларнинг ҳаммаси таърифлаш доимо катта муаммо тугдирган умумий оламнинг чексиз хоссаларидир. Зеро, таърифлаш – чегаралаш, билим ва объект, олам ҳодисалари чегараларини белгилаш демакдир.*

Чексизликни билиш қийинчиликлари қуйидагилардан иборат:
биринчидан, бизнинг билиш соҳамизга интиҳоли ҳодисаларгина киради. Биз уларнинг умумийлигини тушуниб, чеклилиқда чексизликни қайд этамиз;
иккинчидан, билувчи тафаккурнинг чексизлиги бир-бирини алмаштирувчи авлодлар сафида ёнма-ён туриб ишловчи, амалий ва назарий хатоларга йўл қўювчи, бир қолипдаги, сохта далилларга асосланувчи



п инсонларнинг чексиз кўплигидан таркиб топади. Шу маънода билишнинг чексиз жараёни – нисбий ҳақиқатларнинг нишонлари билан белгиланган кашфиётлар ва хатоларнинг машаққатли йўлидир.

Потенциал ва актуал чексизлик. Чексизлик тушунчаси потенциал ва актуал чексизликни ўз ичига олади. *Потенциал чексизлик миқдор ва сифат ўзгаришларининг ниҳоясиз жараёнини қайд этади. Потенциал чексизлик тўхтатиш, бекор қилиш ёки мавжуд эмас деб эълон қилиш мумкин бўлмаган шаклланиш, ўзгариш ва ривожланиш жараёнига ишора қилади.*

Актуал чексизлик муайян шароитда тўлиқ мавжуд бўлган чексизликнинг мавҳумлаштирилган кўринишидир. Бу ўхшаш объектларнинг чексиз тўпламидан, масалан, Ер юзидаги одамларнинг сочларидан ёки сайёрамизда ўсувчи гуллардан ташкил топган ўзига хос объект сифатида оддий тушунишга асосланади. Актуал чексизлик интиҳоли нарсаларнинг чексиз миқдоридан ташкил топган объектларнинг сон-саноксиз тўплamlари актуал тарзда мавжудлиги тўғрисида сўз юритиш имконини беради. Актуал чексизлик муайян мавжуд борлиқ сифатида олинади, аммо у доим энг кўп эътироз ва қаршиликка сабаб бўлади. Кўплаб файласуфлар бу масалани четлаб ўтишга ҳаракат қилганлар. Бунда Аристотель қарашлари анча муҳим рол ўйнаган. У икки минг йил давомида амал қилган «актуал эмас, балки потенциал чексизликкина мавжуддир», деган қонидани илгари сурди. Соғлом фикр нуқтаи назаридан Аристотелнинг бу ғоясини асословчи далиллар бисёр. Потенциал чексизлик, образли қилиб айтганда, ҳар қандай сонга бирни кўшиш имконини беради ва анча содда мавҳумлик ҳисобланади. Уни қабул қилиш ва унга кўникиш мумкин. Актуал чексизлик эса мутлақо парадоксал хусусиятга эга, чунки у чексизликни «шу ерда» ва «ҳозир» яқунланган, деб ҳисоблайди, масалан: агар бирон-бир ичкиликбоз киши ҳозиргача кўп ичкилик ичгани ва яна икки шиша шмпан виноси ича олишини айтса, бу потенциал чексизлик ҳисобланади. Агар у чексиз миқдорда шампан виноси ичганини айтса, унинг бу фикрига абсурд гап сифатида қараш керак бўлади. Айни вақтда, бу актуал чексизликни ўзининг барча элементларига эга бўлган реал объект кўринишида мавжуд чексизлик сифатида ифодалашга уриниш ҳисобланади. Муттасил ривожланувчи олам шаклланган актуал чексизлик сифатида тавсифланиши мумкин эмас. Аммо актуал чексизлик ғоясининг ўзи ижод манбаи ва эвристик изланишлар учун замин сифатида анча самарали хулоса бўлади.

Б.Паскал «Фикрлар» асарида актуал чексизлик унга ҳар қандай сон кўшилганида кўпаймайди, айрилганида эса камаймайди, деб ҳисоблайди. У актуал чексизликни тубсиз абсолют, «узвий ва чексиз Мавжудот» – Худо ғояси, шунингдек, илоҳий зулмат ғояси билан тенглаштиради. Унинг фикрига кўра, чексизлик зулматига чулғанган борлиқ инсоннинг тушуниш имкониятларидан кўп қарра устундир, потенциал чексизлик чеклилики вариантдир¹.

¹ Паскаль Б. Мысли. -М.: Наука, 1995.-С.67.



п

Ақтуал чексизликнинг турлари «Катта чексизлик» – универсум чексизлигида намоён бўлади, «кичик чексизлик» - камроқ аҳамиятга эга бўлган, лекин илмий тафаккур микродунёни ўрганиши йўналишида ривожланиши муносабати билан реал муаммога айланади. Б.Паскаль даврида микроскопия ҳодисалари «кичик чексизлик»ни ташкил этган. Инсоннинг чекланган руҳи ақтуал чексизликни англаб етишга қодир эмас. Б.Паскаль фикрига кўра, инсон икки жарлик – «чексизлик ва йўқлик жарликлари» ёқасида ушланиб туради. Чексизликнинг ниҳоясизлиги инсонни бу ҳолатни жимгина кузатишга маҳкум этади.


«Ақтуал чексизлик» тушунчаси олимларда катта қизиқиш уйғотган. Масалан, математик Д.Гильберт ақтуал чексизлик ҳодисасини талқин қилиб, шундай дейди: «Бунга биз, масалан, 1,2,3,...-n сонлар тўпламига муайян тугалланган бирлик сифатида ёки кесма нуқталарига қаршимизда тугалланган кўринишда намоён бўлувчи нарсалар мажмуи сифатида қарашда дуч келамиз. Бундай чексизликни биз ақтуал чексизлик деб атаймиз»¹. Математиклар «чексиз тўплам» тушунчасини қўллайдилар ва уни асосан миқдор жиҳатидан эмас, балки сифат жиҳатидан тугалланган тўплам сифатида тушунадилар. Улар «Чексиз тўплам»да чексизлик амалда тугалланган бўлиши мумкин эмас, деган ғояни инкор этмаган ҳолда, умумий ва барқарор хосса ҳамда нисбатларни ўрганишга ҳаракат қиладилар. Математикада чексизликнинг ўз ҳақиқий кичик тўпламига тенг кучли тўплам сифатидаги таърифи мавжуд.

Фалсафий нуқтаи назардан чексизликни чеклилик чегараларини инкор этувчи, бу чегаралардан ошиб ўтувчи жараён сифатида тушуниш лозим. Чеклилик эса, ўз чегараларидан ташқарига чиқиб, ўз инкорини инкор этиб, чексизликка айланади. Чеклиликни чексизликдан алоҳида ўрганиш мумкин эмас. Айти вақтда, чеклиликнинг мавжудлигини сақлаган ҳолда, чексизликнинг мавжудлигини инкор этиш ҳам мумкин эмас. Чеклилик чексизликнинг мавжудлик шакли ёки усули ҳисобланади. Бу борадаги диалектика ана шундан иборат.

Бир қарашда, чексизликка чегараларнинг йўқлиги, чегарасизлик хосдек бўлиб туюлади. Аммо чегарасизликни чексизлик билан тенглаштириш ярамайди. Масалан, шарни олайлик. Унинг сиртида ҳаракатланар эканмиз, биз ҳеч қаерда чегарага дуч келмаймиз. Шар – чегарасиз, айти вақтда чекли нарсадир. *Шу боис ниҳоясизлик ва номуайянлик чексизликнинг муҳим хоссалари ҳисобланади.*

Дунё чексиз қисмларга бўлингани учун ниҳоясиз эмас. Аксинча, «материянинг чексиз бўлиниши» тушунчаси маълум даражагача маънога эгадир. Элементар зарраларга нисбатан у мутлақо ўринсиздир (зарраларнинг кўп қарра туғилиши билан боғлиқ ғайриоддий эффектни эслайлик). Чексиз катта масса, зичлик, ҳарорат, тезлик, энергияга эга объектлар ҳам мавжуд бўла олмайди. Муайян хоссаларнинг миқдор жиҳатидан чексиз кўпайиши ёки камайиши, умуман, мумкин эмас. Бу аксарият ҳолларда ёруғлик тезлиги,

¹ Гильберт Д. // Всемирная энциклопедия. –М.: Современный литератор, 2001. –С.206.



п минимал электр заряд каби машхур физикавий константаларнинг мавжудлигидан келиб чиқади.

Шундай қилиб, табиатда ҳар қандай миқдорий ўзгариш муайян меъёр билан чекланган. Шу боис чексизлик қандайдир бир сифатнинг миқдорий чексизлиги сифатида эмас, балки сифат хоссаларининг ниҳоясиз ранг-баранглиги сифатида амал қилади.

Дунё ниҳоясиз, чунки у сифат жиҳатидан ҳар хил ва ранг-барангдир. Биз яшайдиган табиат ўзаро боғланган, шу билан бирга, нисбатан мустақил бир қанча даражаларга бўлинади. Фанда квант механикаси қонунлари билан тавсифланувчи микродунё; классик механика қонунлари амал қилувчи макродунё; нисбийлик назарияси қонунлари ва релятивистик космология билан боғлиқ мегадунё фарқланади. Материянинг турли таркибий даражаларида макон ва вақт муносабатларининг ўзига хос кўринишлари, ҳаракатнинг ҳар хил турларига дуч келамиз. Биз муайян турдаги жараёнларнинг кузатувчилари ва гувоҳларимиз. Биз яшайдиган дунё асосий ва андоза дунё сифатида қаралади. Биз билмайдиган бошқа типдаги жараёнлар эса бундай гувоҳларсиз юз беради.

Фалсафа тарихида геоцентризм намоёндалари геоцентрик ёндашувларни бутун оламга нисбатан татбиқ этиш (экстраполяция қилиш) мумкин, деган ғояни илгари сурдилар. У дунё бир хил, унинг тушуниб етилган қисми ўз физик кўрсаткичларига кўра универсалдир, шу боис ундан бутун оламини тавсифлаш учун фойдаланиш мумкин, деган ёндашувга асосланади. Бошқача айтганда, бутун дунёда тушуниб етилган қонуниятларга ўхшаш қонунлар амал қилади, деган тасаввур вужудга келган эди.

Хулосалар. Чексизлик ғоясини изчил илгари суриш геоцентризмдан воз кечиш ва ногеоцентризмни, яъни дунёнинг Ерга хос бўлган атрибутлари универсал мазмунидан фарқ қилувчи хоссаларини тан олишни тақозо этади.

Ҳар бири объектив борлиқнинг алоҳида турини ташкил этувчи онтологик жиҳатдан хилма-хил дунёлар бўлиши мумкинлиги ҳақидаги хулоса ногеоцентризмнинг мантиқий натижасига айланди.

Объектив борлиқни янада теранроқ тушуниб етиш жараёнида инсоният унинг ҳозирда маълум шаклларида бутунлай фарқ қилувчи ғайритабиий кўринишларига дуч келиши мумкин, деган тахмин айнан чексизлик ҳақидаги фалсафий тезисдан келиб чиққан.

Тажрибавий амалий матнлар

Чеклилик ва чексизлик, актуал чексизлик, потенциал чексизлик, муайянлик ва чеклилик, ниҳоясизлик ва номуайянлик, чексизликнинг онтологик мақоми.

Қўшимча ва тушунтирувчи матнлар





Чеклилик – нарсалар, жараён ва ходисаларнинг муайянлигини ва объектнинг мавжудлик чегарасини қайд этувчи тавсифни ифодалаш учун мўлжалланган фалсафий категория.


Муайянлик

Чеклилик

Чексизлик – чегара ва шаклдан маҳрум, у белгиланмаган, бинобарин, инсон ақли уни тушуниб етишга қодир эмас.

Номуайянлик

Ниҳоясизлик



Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар

1. Паскалнинг актуал чексизликка муносабати



п

2. Фалсафа тарихида чексизлик муаммосига қандай муносабат билдирилган?
3. Интенсив чексизлик нима?
4. Экстенсив чексизлик нима?
5. Нима учун чеклилиги ва чексизлиги муаммоси нафақат илмий, балки фалсафий аҳамият ҳам касб этади?
6. Дунёнинг чексизлигини асослаш учун қандай далиллар келтирилади?
7. Актуал чексизликнинг қандай турларини биласиз?

Реферат мавзулари

1. Оламнинг чеклилиги ва чексизлиги ди алектикаси.
2. Кенгаювчи олам концепцияси
3. Оламнинг чексизлиги ҳақидаги қарашлар тарихи.
4. А.Эйнштейннинг умумий ва хусуси нисбийлик назариясида чеклилик ва чексизликнинг талқини

Билим ва кўникмаларни баҳолаш материаллари

1. Чексизликни ифодалаш учун фалсафада нечта шакл мавжуд?

- А. 2 та
- Б. 3 та
- В. 4 та
- Г. 5 та

2. ... нинг мавжудлиги табиатда ички тузилишга эга бўлмаган, мутлақо элементар объектлар йўқлигини кўрсатади.

- А. Интенсив чексизлик
- Б. Экстенсив чексизлик
- В. Чексизлик
- Г. Чеклилик

3. ... мазкур объект доирасидан ташқарида, “катта” дунёда кузатилади ва объектдан ташқаридаги чексизликни ифодалайди. Бу ерда объект хоссалари ва сифатларининг атрофдаги нарсалар билан ўзаро таъсирлар тизимига боғлиқлиги муаммоси муҳимроқдир.

- А. Экстенсив чексизлик
- Б. Интенсив чексизлик
- В. Чексизлик
- Г. Чеклилик

4. А.Эйнштейн нечанчи йилда умумий нисбийлик назариясини яратди?

- А. 1916 йилда
- Б. 1915 йилда



- п
В. 1913 йилла
Г. 1911 йилда

5. А.Эйнштейн томонидан таклиф этилган дунё нима деб аталади?

- А. “Цилиндрсимон дунё”
Б. “Муваққат дунё”
В. “Нисбий дунё”
Г. “Абстракт дунё”

6. “Ҳаракатланувчи олам” гипотезасига кўра, тахминан ҳар неча йилда янги цикл “катта портлаш”дан бошланади?

- А. 100 миллиард йилда
Б. 200 миллиард йилда
В. 300 миллиард йилда
Г. 400 миллиард йилда

7. “Катта портлаш” концепциясига кўра, тахминан 17-20 миллиард йил олдин олам қандай ҳолатда бўлган?

- А. Жуда кичик ҳажмда ўта зич сингуляр ҳолатда
Б. Жуда катта ҳажмда ўта кенг ҳолатда
В. Микроэлемент ҳолатида
Г. Жуда кичик ҳажмда кенг ҳолатда

8. 1912 йилла В.М.Слайфер галактикадан ташқаридаги туманликлар нурланишларининг спектр чизиқлари спектрнинг қизил учи томонга силжиётган нимани аниқлади?

- А. “Қизил силжиш”ни
Б. “Катта портлаш”ни
В. “Дастлабки портлаш”ни
Г. “Қора туйнуклар”ни

9. ... – нарсалар, жараён ва ҳодисаларнинг муайянлилигини ва объектнинг мавжудлик чегарасини қайд этувчи тавсифни ифодалаш учун мулжалланган фалсафий категория.

- А. Чеклилик
Б. Чексизлик
В. Мавжудлик
Г. Қарама-қаршилик

10. “Чексизлик ҳар нарса ўз чегарасига эга эканлиги, бу ерда у барҳам топиши, йўқликка айланишини” қайси файласуф айтиб ўтган?

- А. Ф.Гегель
Б. И.Кант
В. А.Бергсон
Г. Л.Фейербах



п

11. Чеклилиқнинг қандай асосий ва энг муҳим жиҳатлари бор?

- А. Муайянлик ва чегара
- Б. Муайнлик ва номуайнлик
- В. Ниҳоясизлик ва ниҳоялилиқ
- Г. Чегара ва ниҳоясизлик

12. ... чегара ва шаклдан маҳрум, белгиланмаган ва инсон ақли уни тушуниб етишга қодир эмас.

- А. Чексизлик
- Б. Чеклилиқ
- В. Чегара
- Г. Дунё

13. Фанда Horror infiniti, деган ибора нимани англатади?

- А. “Чексизлик даҳшати”
- Б. “Чеклилиқ даҳшати”
- В. “Чексизлик зарурияти”
- Г. “Чеклилиқ зарурияти”

14. Инсон тажрибаси доимо чекланган, у чексизликни эмпирик йўл билан аниқлай оладими?

- А. Аниқлай олмайди
- Б. Аниқлай олади
- В. Инсон интуициясига боғлиқ
- Г. Тажрибадан келиб чиқади

15. назарияси агар оламда модда ва нурланишнинг зичлиги айрим критик катталиқка тенг бўлса, майдон эвклид майдони бўлади, яъни эгрилиги нолга тенг бўлади ва дунё чексиз бўлади.

- А. Потенциал
- Б. Актуал
- В. А.Фридман
- Г. Динамик

16. чексизлик мазкур шароитда тўлиқ мавжуд бўлган чексизликнинг мавҳумлаштирилган кўринишидир.

- А. Актуал
- Б. Потенциал
- В. Муайян
- Г. Динамик

17. Қайси мутафаккир актуал чексизликни тубсиз абсолют, “Узвий ва чексиз Мавжудот” – Худо ғояси, шунингдек, илоҳий зулмат ғояси билан тенглаштиради?



п

- А. Б.Паскаль
- Б. Аристотель
- В. В.Слайфер
- Г. Д.Гильберт

18. Ақтуал чексизлик ҳодисасини талқин қилиб, қайси мутафаккир шундай дейди: “Бунга биз, масалан, 1,2,3, ... n сонлар тўпламига муайян тугалланган бирлик сифатида ёки кесма нуқталарига қаршимизда тугалланган кўринишда намоён бўлувчи нарсалар мажмуи сифатида қарашда дуч келамиз. Бундай чексизликни биз ақтуал чексизлик деб атаймиз”.

- А. Д.Гильберт
- Б. Аристотель
- В. В.Слайфер
- Г. Б.Паскаль

19. Ниҳоясизлик ғоясини изчил илгари суриш учун нимадан воз кечиш керак?

- А. Геоцентризм
- Б. Ногеоцентризм
- В. Чегара
- Г. Тажриба

20. А.Фридман назарияси кўрсатилган жавобни топинг?

- А. Барча жавоблар тўғри.
- Б. Агар оламда модданинг зичлиги критик даражадан катта бўлса, майдон мусбат эгриликка эга, лекин ҳажми чекланган бўлади
- В. Агар зичлик критик катталиқдан кичкина бўлса, олам майдони Лобачевский геометрияси билан тавсифланади, у манфий эгрилик ва чексиз ҳажмга эга, очик ва бел кўринишида бўлади
- Г. Агар оламда модда ва нурланишнинг зичлиги айрим критик катталиқка тенг бўлса, майдон эвклид майдони бўлади, яъни эгрилиги нолга тенг бўлади ва дунё чексиз бўлади. Агар оламда модданинг зичлиги критик даражадан катта бўлса, майдон мусбат эгриликка эга, лекин ҳажми чекланган бўлади

21. чексизлик миқдор ва сифат ўзгаришларининг ниҳоясиз жараёнини қайд этади.

- А. Потенциал
- Б. Ақтуал
- В. Муайян
- Г. Динамик

22. А.Эйнштейн назарияси ва А.Фридман назарияси қайси концепциясини таҳлил қилади.

- А. Олам тузилишининг релятивистик концепциясини



- п
Б. “Катта портлаш” концепциясини
В. “Дастлабки портлаш” концепциясини
Г. “Қора туйнуклар” концепциясини

23. Чеклилик нима?

- А. Нарсалар, жараён ва ходисаларнинг муайянлилигини ва объектнинг мавжудлик чегарасини қайд этмайдиган фалсафий категория.
Б. Нарсалар, жараён ва ходисаларнинг муайянлилигини ва объектнинг мавжудлик чегарасини қайд этувчи тавсифни ифодалаш учун мулжалланган фалсафий категория.
В. Чегара ва шаклдан маҳрум, белгиланмаган ва инсон ақли уни тушуниб етишга қодир эмас
Г. Чегара ва шаклдан маҳрум, белгиланмаган ва инсон ақли уни тушуниб етишга қодир эмас.

24. назарияси модда ва нурланиш оламда бир текис тарқалган, олам турғун, вақтда ўзгармасдир.

- А. А.Эйнштейн
Б. Актуал
В. А.Фридман
Г. Динамик

25. Чексизликни ифодалаш учун фалсафада қандай шакллари мавжуд?

- А. Интенсив ва Экстенсив
Б. Ниҳоясизлик ва номуайянлик
В. Ниҳоясизлик, номуайянлик ва муайян
Г. Барча жавоблар тўғри.

26. Фанда квант механикаси қонунлари билан тавсифланувчи ; классик механика қонунлари амал қилувчи ; нисбийлик назарияси қонунлари ва релятивистик космология билан боғлиқ фарқланади. Нуқталар ўрнинига тартиб билан жойлаштиринг?

- А. Макродунё мегадунё ва макродунё
Б. Микродунё макродунё ва мегадунё
В. Мегадунё микродунё ва макродунё
Г. Мегадунё ва макродунё, микродунё

27. Чексизликнинг муҳим хоссалари?

- А. Интенсив ва Экстенсив
Б. Ниҳоясизлик ва номуайянлик
В. Ниҳоясизлик, номуайянлик ва муайян
Г. Барча жавоблар тўғри.

28. Шар нима?

- А. Чегарасиз, айна вақтда чекли нарсадир.
Б. Чегарали, айна вақтда чексиз нарсадир.
В. Чегарали, айна вақтда чекли нарсадир



п
Г. Чегарасиз, айна вақтда чексиз нарсадир.

29. Актуал чексизликнинг турлари?

- А. «Катта чексизлик» ва «кичик чексизлик»
- Б. Интенсив чексизлик ва Экстенсив чексизлик
- В. Интенсив чексизлик ва ниҳоясизлик, номуайянлик
- Г. «Катта чексизлик» ва «кичик чексизлик», «ўрта чексизлик»

30. «.....» - камроқ аҳамиятга эга бўлган, лекин илмий тафаккур микродунёни ўрганиш йўналишида ривожланиши муносабати билан реал муаммога айланади.

- А. . «Катта чексизлик»
- Б. «Ўрта чексизлик»
- В. «Кичик чексизлик»
- Г. «Умумий чексизлик»




1. Маърузани олиб бориш технологияси

<i>Талабалар сони:</i>	<i>Вақти:</i> 2 соат
<i>Машигулот шакли</i>	Кириш мавзуси бўйича маъруза
<i>Маъруза режаси</i>	1.Макон ва вақт борлиқнинг фундаментал шакллари 2.Фалсафа тарихида макон ва вақтга турли муносабатлар 3.Макон ва вақт нисбийлик назаридан
<i>Машигулотнинг мақсади:</i> Ўқув фани ҳақида умумий тасаввурни шакллантириш, макон ва вақт ҳақида тушунча ҳосил қилиш.	
<i>Педагогик вазифалар</i>	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i>
Макон ва вақт борлиқнинг фундаментал шакллари ҳақида тушунчалар бериш.	Макон ва вақт борлиқнинг фундаментал шакллари ҳақида талабаларга тушунчалар берилди.
Фалсафа тарихида макон ва вақтга турли муносабатлар ҳақида тушунча бериш.	Фалсафа тарихида макон ва вақтга турли муносабатлар ҳақида талабаларга тушунчалар берилди.
Макон ва вақт нисбийлик назаридан ҳақида тушунча бериш.	Макон ва вақт нисбийлик назаридан ҳақида талабаларга тушунчалар берилди.
<i>Ўқитиш усуллари ва техника</i>	Маъруза, «ақлий хужум», Т-схема, мунозара, муаммоли вазиятлар усули.
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Маъруза матни, тарқатма материаллар, слайдлар, проектор.
<i>Ўқитиш шакллари</i>	Жамоа, тўғридан-тўғри ва гуруҳларда ишлаш.
<i>Ўқитиш шарт-шароити</i>	Техник воситалар билан таъминланган аудитория.
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Оғзаки назорат, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш.

2. Маърузанинг технологик картаси

<i>Иш жараёнлари вақти</i>	<i>Фаолиятнинг мазмуни</i>	
	<i>ўқитувчи</i>	<i>Талаба</i>
I-босқич. Фанга ва мавзуга кириш. (20 минут)	1.1. Ўқув фани номини айтиб, фан доирасида дастлабки умумий тасаввурни беради ҳамда услубий ва ташкилий томонлари билан таништиради.	Тинглайдилар.
	1.2. Фан бўйича ўтиладиган барча мавзулар билан таништиради, уларнинг узвийлиги ҳақида	Тинглайдилар.



П

	кискача маълумот беради.	
	1.3. Фан якунида қўйиладиган рейтинг баҳолаш мезонлари билан таништиради	ЎУМ га қарайдилар.
	1.4. Фанни ўзлаштиришда фойдаланиш учун зарур бўлган адабиётлар рўйхати билан таништиради.	ЎУМ га қарайдилар.
	1.5. Ўқув машғулоти мавзуси билан таништиради ва унинг мақсади, ўқув фаолияти натижаларини баён қилади.	Мавзу номини ёзиб оладилар.
	1.6. Мавзу юзасидан ақлий ҳужум коидаси асосида дарс ўтказишни таклиф этади. Талабалар томонидан айtilган фикрларни ёзиб боради ва умумлаштиради	Тушунчаларни эркин фикр орқали билдиради.
II-босқич. Асосий (50 минут)	2.1. Мавзу режаси ва таянч тушунчалар билан таништиради.	Тинглайдилар.
	2.2. Маърузани режа бўйича тушунтиради, ҳар бир режани ниҳоясида умумлаштиради. Жараён компьютер слайдларини намойиш қилиш билан олиб борилади	Тинглайдилар. Слайдга эътибор қаратади, уни ўзига ёзиб олади ва саволлар беради.
	2.3. Ҳар бир режани мустаҳкамлаш учун қуйидагича саволлар беради: 1.Макон ва вақт борлиқнинг фундаментал шакллари 2.Фалсафа тарихи ва табиатшунослик? 3.Макон ва вақтнинг метрик ва топологик хоссалари?	Саволларга жавоб берадилар, эркин баҳс-мунозара юритадилар.
	2.4. Таянч ибораларга қайтилади. Талабалар иштирокида улар яна бир бор такрорланади.	Ҳар бир таянч тушунча ва ибораларни муҳокама қиладилар. Конспект қиладилар.
III-босқич. Якуний босқич. (10 минут)	3.1. Т-схема техникасидан фойдаланилган ҳолда жуфт-жуфт бўлиб ишлаш учун тингловчиларга: макон ва вақтга оид савол ёзилган тарқатма материаллар тарқатади. Ушбу техника орқали мавзу бўйича яқунловчи хулоса қилади.	Мустақил Т-схемани тўлдирадилар. Эркин фикрини баён этади.
	3.2. Талабаларнинг фаолиятига баҳо қўйилади ва рағбатлантирилади.	Эштади.
	3.3. Келгуси машғулотга тайёргарлик кўриш учун топшириқлар ва фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати берилади.	Эштади ва ЎУМ га қарайдилар.



МАКОН ВА ВАҚТ

Макон ва вақт борлиқнинг фундаментал шакллари. Бизни куршаган дунё мазмуни, борлиқнинг умумий хоссаси бўлган борлиқ ҳақида сўз юритар эканмиз, макон ва вақт тушунчаларини четлаб ўтишимиз мумкин эмас. Зеро, ҳар қандай жисм, нарса, ҳодиса доим борлиқнинг бошқа предметлари ва ҳодисалари билан ёнма-ён келади, кўламлилиқ хусусиятига эга бўлади. Шунингдек улар ўз ички ва ташқи ҳолатларини бир-бирига нисбатан ўзгартиради ва бу турли ҳолларда ҳар хил тезлик, маром, суръат ва давомлилиқ билан юз беради. Алоҳида ҳолда айрим ягона деб қараладиган бу кўрсаткичлар мажмуи бизга вақт ҳақида тасаввур беради. Макон ва вақт ўз ранг-баранглигида чексиз борлиқнинг шакллари сифатида амал қилади.

Фалсафа тарихида макон ва вақт муаммоси. Макон ва вақт моҳияти ҳақида одамлар ўз ривожланишининг дастлабки босқичларидаёқ фикр юритганлар ва ўтмишнинг аксарият мутафаккирлари уларнинг табиатини аниқлашга ҳаракат қилганлар. Бу аввало инсон амалиёти ва билишининг ривожланиши билан боғлиқ бўлган. Зеро улар кенгайиб ва такомиллашиб, мазкур категорияларни янада аниқроқ ва теранроқ тушунишни талаб қилган. Хусусан, антик даврдаёқ фалсафадан кўламли шакллар ва уларни ўлчаш усуллари ҳақидаги фан сифатида ажралиб чиққан геометрия илк аниқ фанлардан бирига айланди. Вақтга астрономик кузатишлар ҳамда коинотнинг боқийлиги ва инсон ҳаётининг тезоқарлиги ҳақидаги мулоҳазалар нуқтаи назаридан ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Вақт фалсафанинг энг мураккаб бўлган масалаларидан биридир

Инсон учун энг қимматли нарса вақтдир. Хоҳиш ва ҳаракат бўлса, ҳамма нарсани топиш ёки қўлга киритиш мумкин, лекин ўтган вақтни орқага қайтариб бўлмайди. Сенекани ҳам вақт масаласи жуда қизиқтирган. У вақт ҳақида “ у ўзи нима?., вақтга қадар, вақтсиз нимадир бўлганми? У дунё билан бирга дунёга келганми ёки дунёдан олдин ҳам бўлганми? Нимадир бўлган бўлса, у билан бирга вақт ҳам бўлганми”¹?, деган саволлар беради ва бундай саволларга жавоб бера олмайди. Лекин бир нарсани, вақтни қадрлаш зарурлигини, чунки у инсон учун бебаҳо қадрият эканлиги, зеро, бу унинг ҳаётий даври эканлигини тан олади. Шунинг учун ҳам Сенеканинг машҳур асари бўлган “Луцилийга ахлоқий мактублар”и шундай сўзлар билан бошланади:”Менинг Луцилийим худди шундай қил! Ўзингни енгиб ўт,...ўзинг учун енгиб ўт, вақтни асра, қадрла, илгари уни сендан маҳрум қилишар ёки ўғирлашар эди, у бекорга сарф бўларди. Мен ҳақиқатни ёзаётганимга ўзинг иқроп бўл”.“Вақтимизнинг маълум қисмини куч билан тортиб оладилар, маълум қисмини ўғирлайдилар, энг аянчлиси эса вақтнинг ўз бефарқлигимиз туфайли йўқолганидир.

¹ Сенека Л.А. Философия – наука о жизни. –С. 33.



п

Ҳамма нарса бизга бегона, фақат вақт бизники”. Тикилиброқ боқ, ахир умримизнинг кўп қисмини биз бемаъни ишларга сарфлаймиз, бир қисмини – бекорчиликка ишлатамиз, бутун ҳаёт керакли бўлган ишга, қилишимиз зарур бўлган юмушга сарфланмайди. Менга вақтни кадрлайдиган инсонни кўрсата оласанми? Ким куннинг қийматини билади? Ким ҳар соатда ўлаётганини билади? Бизнинг айбимиз шундаки, ўлимни илгарироқ кўрмаймиз. Унинг катта қисми бизнинг кетимизда, унгача қанча умр оқиб кетади”¹. деб ёзади.

Олтмишдан ошган Сенека ўкинч билан файласуф ёш шогирдига: “Вақтни асра ва тўпла”² деб маслаҳат беради. Вақтни асраб ва тўплаб бўладими? Сенеканинг ўзи ҳам бунга эриша олмаган. Бу ўринда ҳурликка интилган донишманд руҳи билан унинг алғов-далғовларда кечган умри ўртасида зиддият борлиги кўзга ташланади. Аламга тўлган қалби файласуфни беаёв сўроққа тутади. Нима учун, ким учун яшадинг? Нима топдинг, нима йўқотдинг? Топганинг йўқотганларингга арзийдими? Шунча топган обрў эътиборинг билан нега дилинг ҳамон безовта?

Бир онга эҳтирослардан, ўгкинчи алдоқлардан холи бўлиб боқий руҳни кўришни орзу қилганмисан? Ахир ҳамма, ҳаммамиз Боқий олдига жавоб бергани бормаймизми? Фоний дунёда яшаш кишининг қисмати экан, безовта руҳга нажот қайда?...“Эртанги кунга банди бўлмай десанг, — деб ёзади Сенека — бугунни кўлдан берма”³. Ҳар кунни гўё охирги кундек яшаш даркор, чунки ундан кейин нима келади ҳеч ким билмайди⁴. Бугуннинг ҳикмати эса қалбингни ноўрин безовта қиладиган нарсалардан асрашдадир. Оламгашталиқ қалбингга ғалаён солади, дуч келган китобни ўқиш онгингни чалғитади, дилингни булғайди. Жоҳил, ғофил билан суҳбат руҳингга озор етказди, давлат орттириш боқийни ёдингдан кувади, чоп-чоплардан умринг бошқаларнинг айшига исроф кетади, пировардда ўзингга-ўзинг ёвга айланасан. Бир жойда муқим яшаш, буюк ақллар яратган китобларни мутолаа қилиш, хушахлоқ билан суҳбат қуриш, бойлик орттиришга меҳр қўймаслик керак. Кўпни билган эмас, керагини билган оқил, кўпдан қалбга кўп ташвиш келади, кераги эса дилни нафислаштиради. Ўзига ўзи дўст бўлолмаган, ўзгага дўст бўлолмайди; ўзи хушахлоқ бўлмаган ўзгадан ахлоқ талаб қила олмайди. Безовта Руҳга нажот - ўзингда. Ҳеч нима, ҳеч ким умр бўйи сенга содиқ қололмайди, йиққанларинг бир куни емирилади, қулайди ёки қадрини йўқотади; дўсту ёрларинг бир куни сени ташлаб кетади ёки мангуга тарк этади; ёв

¹ Ўша ерда. –Б. 1-2.

² Сенека Л.А. Нравственные письма к Луцилию. – Кемеровское книж. изд-во., 1986. –С. 112.

³ Сенека Л.А. Нравственные письма к Луцилию. – Кемеровское книж. изд-во., 1986. –С. 112.

⁴ Ўша ерда. –Б. 112.



п

аҳд қилса, мулкингни, юртингни талайди, хотинингни, болаларингни ўлдиради; хўш, шундай бўлмаслигига ким кафолат беради? — Ҳеч ким¹, демак, абадий нарса йўқ. Бундай йўқотишлар табиий ҳол деб билган кишигина “Ҳеч нарса йўқотмадим, барча топганларим ўзим билан” (Стильпон) дея олади. Шундай экан нималарнидир орттираман деб чопишлар, кимларгадир ёқаман деб қилинган риёкорликлар, ўзини ўзи алдашлар нечун? Инсон учун бир нарса абадий ва муқаддас — у Боқий руҳиятдир. Агар дилингни бошқалар тортиб олиши, йўқ қилиши мумкин нарсалардан ажраш хавфи безовта қилса, ҳаётда сен ўткинчи эҳтиросларга муте яшашдан ўзга қадрият тополмабсан. Дунёни мукамал кўрмоқчимисан, аввал ўзинг мукамал бўл. “Эсингда бўлсин, Луцилий, ўзини барчадан хушбахт билмаган, ҳатто у дунёга эгалик қилса-да, хушбахт бўлолмайди”². Масъудлик ҳис-туйғуси дилга мудом ҳамроҳ бўлиши зарур, ана шунда киши оломон хоҳишларидан устун турадиган, иллатлардан холи Буюк Боқийга талпиниб яшайди ва ундан саъд топади. Тўғри, вақт ҳамма нарсанинг устидан ҳукмрон, унинг беаёв ҳукмига итоат этмайдиган киши, нарса йўқ. “Ўзим билан баробар тикланган, менга тенгдош уйнинг, — деб ёзади файласуф, — деворлари нураб, хароба ҳолига келибди”³. У билан бирга мен ҳам қаридим, тиззамдан мадор, белимдан қувват кетган. Қаерга бокмай, ҳамма нарса қариганимга ишора қилади. Майли, қариликни очик кучоқ билан қарши олайлик, у ҳам, агар ундан фойдалансак, завқ беради... Чунки неъматлар кам қолганида қадрли туюлади. Ёш қалб ҳам, қари қалб ҳам ҳали тирик экан етук Рухга интилиб ҳаётдан маъно топади. Ҳикмат, донишмандлик умрнинг қисқа ёки узунлигида эмас, Боқий руҳга монанд яшашдадир⁴. Ўзини ўзига итоат эттиролган, вақтни ҳам ўзига итоат эттиролади. “Ким эртанги кунни бежавотир қутласа, у барчадан бахтиёр, чунки у ўзига ўзи мансубдир. Ким ўзига ўзи мансуб эмас, у ўзгаларга мансубдир”. Кўриниб турибдики, Сенека бир томондан тақдири азални тан олади, иккинчи томондан инсонга, унинг маънавий-руҳий кучига ишонади. Унинг фикрига кўра, маҳдудотда одам қалбини иллатларга ботиришга шай сабаблар, важлар кўп. Ҳаётнинг номукамаллиги, дилозорликлар, нафс ва шаҳват, атроф тўла тасодифлар кишини тинмай безовта қилиб туради. Эҳтироссиз киши эса йўқ, шу боис киши гоҳо ўзини, ўзлигини ҳам унутади.


Ушбу сабаблар, важлардан мутлақ халос бўлиш мушкул. Сенека ўз қаҳрамони олдида жуда мушкул вазифа қўяди — “Ҳаёт изтиробларига бефарқ қол. Бизни мудом ё ҳозир, ё келажак ёки

¹ Сенека Л.А. Нравственные письма к Луцилию. – Кемеровское книж. изд-во., 1986. –С. 114.

² Ўша ерда. –Б. 212.

³ Ўша ерда. –Б. 214.

⁴ Ўша ерда. –Б. 218.



п

уларнинг иккаласи изтиробга солади. Изтироблар кўпинча ваҳима натижасидир; ваҳима эса мавҳумликдан туғилади. Буюк Боқийга интилмайдиган қалб учун ҳозир ҳам, келажак ҳам мавҳумдир, демак, унга ҳаёт изтиробдир”¹. Ҳозирда ҳам, келажакда ҳам содир бўладиган нарсаларни мағрур кутиб олишга киши шай туриши даркор. Ниманинг рўй бериши зарур бўлса, у рўй беради; нима ўтиб кетган бўлса, у табиийдир. Ҳаёт — у ёки бу нарсаларнинг рўй бериши муқаррар макон, фақат осуда, мағрур ва Буюк Боқийга ишонган қалбгина ҳаётни тасодифларга тўла деб қабул қилади, рўй берадиган воқеалардан ажабланмайди, ноўрин жунбушга тушмайди. Тасодифлардан фожиа яшаш заиф қалбларга хос, ҳаётнинг бешавқатлигини кучли қалб эгалари мағрур енгади². Сенека назарида изтиробларга бефарқ, ўткинчи истаклар ва эҳтирослардан холи яшашни фалсафа ўргатади. Ким хушбахт яшамоқчи бўлса, ушбу донишмандлик илмини эгаллаши зарур. Истиғно яшамоқчи бўлган фалсафадан шон, мансаб, тўла хушбахт яшашни истайдиган қалб эса муҳтожликлар, таҳқирлар ва аламлардан кўркмай ҳикмат, етуклик қидиради. “Фалсафа оломонга намойиш қиладиган айёрлик ўйини эмас. У вақтни, кунни хуш ўтказиш учун эрмак ҳам эмас, фалсафа қалбни чиниқтиради ва тарбиялайди, ҳаётни тартибга солади, хатти-ҳаракатларни бошқаради, нима қилиш мумкину, нимадан сақланиш кераклигини ўргатади, усиз дилда дадиллик ва ишонч йўқ...”³.

Кимдир „тақдир азал“ — ҳақиқат, дунёни илоҳий куч бошқараётган бўлса, фалсафага ҳожат борми, деб сўраши мумкин. Тақдир тартибларини, илоҳий куч ҳукмини ўзгартиришга инсон, унинг ақлу идроки қодир бўлмаса, фалсафа сафсатага айланмайдими? Сенека ушбу саволларни кўяди, афсуски, уларга жавоб бермайди. Унинг, „Фалсафа илоҳиётга ихтиёрий итоат этишга, тақдирга қатъий қарши туришга қувват беради, тасодифларга, беқарорликка чидашга ўргатади. Қалбингда фалсафага бўлган жўшқин ишончни сўндирма, энди у руҳинг доимий ҳолати бўлсин”⁴, деган ўғитлари тавталогияга монанддир.


Пок руҳни, унинг соф табиатга монандлигини туйиш беқиёс роҳат, ҳузурдир. Бундай руҳ нафақат ақлдан, хатто ҳаётдан ҳам ўзиши зарур. Унинг олдида кўпчиликни ваҳимага соладиган ўлим — ҳеч нима. Бироқ, кўпчилик ўлим муқаррарлигини била туриб, ҳаётга жон-жаҳди билан ёпишади, умрини чўзиш учун ҳар қандай қабихликка, ёвузликка ва нопокликка тайёр. Одам аслида туғилганидан ўлим томон боради,

¹ Сенека Л.А. Нравственные письма к Луцилию. – Кемеровское книж. изд-во., 1986. –С. 127.

² Ўша ерда. –Б. 221.

³ Ўша ерда. –Б. 234.

⁴ Ўша ерда. –Б. 235.



п

умрнинг ўтган ҳар бир дақиқаси ўлим томон ташланган қадамдир. Демак, ўлим — табиий ҳол; ҳаётни чўзиш табиат қонунларига зиддир. Табиат — Буюк Боқий мутлақ йўқлик эмас, балки ҳаётни янгилаш тарафдоридир. Ким унга қарши чиқса, у янгилашишга ҳам қарши; турғунлик муқимни вақтинча асраса-да, янгилашишга тўғаноқ бўлолмайди. Ҳалим энг қудратлиларни ҳам йиққан, шунинг учун киши ўлимни “довюрақлик билан қарши олишга ўзини тайёрлаб бориши лозим”¹. Сенеканинг вақтга оид қарашлари бугунги кунда ҳам аҳамиятни йўқотгани йўқ.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, фалсафа тарихида «Макон» ва «вақт» категорияларига қизиқиш ҳеч қачон сусаймаган. Улар билан боғлиқ кўп сонли масалалар юзага келган. Уларнинг энг муҳимларидан бири қуйидагича янграйди: макон ва вақт мустақил моҳиятларми ёки улар фақат нимагадир боғлиқ ҳолда келадими? Математикадан фарқли ўлароқ физика амалда мавжуд бўлган макон-вақт структураларини (математика яратган воситалар ёрдамида) билишга ҳаракат қилади. Унда бу структураларни тушунишга нисбатан қарама-қарши фалсафий нуқтаи назарлардан келиб чиққан икки хил ёндашув ривожланади.

Субстанционал ва релацион ёндашувлар. *Субстанционал йўналишида макон ва вақт материя ва онга боғлиқ бўлмаган мустақил моҳиятлар сифатида қаралган. Субстанционал концепция асосчилари Демокрит (макон муаммоси бўйича) ва Платон (вақтга нисбатан ёндашувларда) макон ва вақтни материяга ҳам, бир-бирига ҳам боғлиқ бўлмаган мустақил моҳиятлар сифатида талқин қилганлар. Демокрит атомлар ҳаракатланувчи бўшлиқ амалда мавжудлиги ҳақидаги ёндашувни илгари сурган. Унинг фикрича, бўшлиқсиз атомлар ҳаракатланиш имкониятидан маҳрумдир. Демокрит ва Эпикур маконни атомлардан иборат жой деб тасаввур қилган ва уни бўшлиқ билан тенглаштирган. Макон мутлақ, бир жинсли ва ҳаракатсиз, вақт эса бир текис оқади деб ҳисобланган. Демокрит, Эпикур ва Лукреций Кар таълимотига кўра, макон объектив, бир хил ва чексиз. У атомлар жойлашадиган жой. Вақт (замон)ни абадият билан тенглаштириш мумкин – у ўтмишдан келажак сари бир маромда кечувчи соф давомлиликдан иборат. Вақт - воқеалар юз берувчи жой.*

Қадимги юнон файласуфлари материя, ҳаракат, макон ва вақтни мустақил субстанцияларга ажратувчи бу ғоялар кейинчалик Ньютон классик механикасида ривожлантирилди.

XVIII-XIX асрларда субстанционал концепция – мутлақ макон ва вақт концепцияси фалсафа ва табиатшуносликда етакчилик қилди. Бу ўз моҳиятига кўра метафизик концепция эди, чунки у ҳаракатланувчи материя, макон ва вақтнинг алоқадорлигини эътиборга олмас эди. Мазкур концепцияга кўра, материядан ташқарида соф макон ёки моддий жараёнлар билан мутлақо боғлиқ бўлмаган вақт мавжуд бўлиши мумкин эди. Шунга қарамай, макон ва

¹ Ўша ерда. –Б. 255.



п
вақт ҳақидаги бу тасаввурлар муайян эмпирик асосдан холи эмас эди. Одатдаги тажриба ва паст тезликлар соҳасида, макродунёда (макродунё эса инсон яшайдиган асосий муҳитдир) макон, вақт ва ҳаракатланаётган нарса ўртасида бевосита боғланиш кузатилмайди. Объект муайян жойдан узоқлашиши мумкин, лекин бунинг натижасида макон ўзгармайди ва йўқолмайди. Вақт ҳам шундай тушунилади, у объектларга боғлиқ эмас. Шунинг учун ҳам бундай ёндашувлар сақланиб қолган, айниқса, табиатшунослик микродунёни ўрганишга ҳали яқинлашмаган шароитда кенг тарқалган.

Аммо диалектик тафаккур соҳиби бўлган Ф.Гегель бундай ёндашувларни қатъий инкор этган. У макон мустақил бўлиши мумкин эмаслигини қайд этган, вақт ҳақида эса шундай деган: «...ҳамма нарса вақтда юзага келмайди ва юз бермайди, балки вақтнинг ўзи шу шаклланиш, юзага келиш ва юз беришдир»¹. Бу эътирозларида Ф.Гегель ҳақ эди. Умуман, Гегел ўзининг объектив идеализмида макон ва вақтга эътибор қаратмаган, чунки у вақтдан ташқари, боқий, «соф мантикий» хусусиятга эга бўлган билимларнинг мутлақ тизимини яратишга ҳаракат қилган.

Реляцион (лат. relativus – нисбий) йўналиши макон ва вақтни мустақил моҳиятлар сифатида эмас, балки реал дунё объектлари ва жараёнлари ўртасидаги алоҳида муносабатлар сифатида тушуниш билан боғланади. Маконнинг Демокрит таклиф қилган ёндашувга зид, реляцион концепция Аристотель томонидан таърифланган. Аристотель бўшлиқнинг мавжудлигини инкор этади. Унингча, макон бир хил эмас ва чеклидир, у моддий жисмлар эгалловчи табиий ўринлар тизимидир. «Вақт нима?», деган саволга жавоб берар экан, Аристотель шундай мулоҳаза юритади: ҳаракатда ҳам, вақтда ҳам доим муайян «олдин» ва ундан фарқ қилувчи «кейин» мавжуд. Айнан ҳаракат туфайли биз ҳар хил, ўзаро мос келмайдиган «ҳозир»ни фарқлаймиз. Вақт шу «ҳозир»нинг кетма-кетлиги, уларнинг алмашуви, саноғи, ҳисоби, «олдинги ва кейингига боғланган ҳаракатлар сони»дир. Аристотелда макон ҳаракатсиз юлдузлар соҳаси билан чекланган, уларнинг ортида – макон ва вақтдан ташқарида ётувчи ва ҳамма нарсани ҳаракатга келтирувчи боқий, ҳаракатсиз, илоҳий осмон жойлашган. Аристотелнинг макон ва вақтга талқинига нисбатан ёндашувига ўхшаш тасаввурлар янги даврда Г.Лейбниц ва Р.Декарт томонидан ривожлантирилди. Унингча, борлиқнинг мустақил асослари сифатидаги бўшлиқ ҳам, соф давомлилик ҳам мавжуд эмас.

Макон нарсаларнинг кўламини, ўзаро жойлашиш тартибини, узлукли ёки узлуксизлигини ифодаласа, вақт ҳодисаларнинг кетма-кетлиги, жараёнларнинг давомийлигини ифодалайди. Объектларнинг кўламлилиги ва жараёнларнинг давомийлиги бирламчи хоссалар эмас, улар тортилиш ва итарилиш кучлари, ички ва ташқи ўзаро таъсирлар, ҳаракат ва ўзгариш билан белгиланади. Мазкур нуқтаи назардан кўрсатилган муносабатлар доирасидан

¹ Гегель Г. Наука логика-М.: 1970.-С.79.



п
ташқарида макон ва вақт мавжуд бўлмайди. Бу йўналишнинг атоқли намояндаси Г.Лейбницдир (1646-1716).

Фалсафа тарихида аксарият файласуфлар у ёки бу тарзда тўқнаш келадиган яна бир муҳим масала шундай янграйди: макон ва вақт борлик кўрсаткичларими, яъни улар объектив хусусият касб этадими ёки бизнинг онгимиз хусусиятларидан келиб чиқадими ва ўз табиатига кўра субъективми? Шу муносабат билан мазкур категорияларнинг материалистик ва идеалистик мазмунлари ҳақида сўз юритиш мумкин.

Аммо субстанционал ва реляцион концепциялар, Гегелнинг объектив идеализми доирасидаги макон ва вақт ҳақидаги тасаввурлар сингари, макон ва вақтнинг объектив мавжудлигига шубҳа қилмас эди.

Макон ва вақт талқинидаги бу икки тенденция, яъни макон ва вақтни ё борликнинг мустақил, объектив ҳамда моддий мазмунга боғлиқ бўлмаган асослари сифатида ёки ҳаракатланувчи материянинг ажралмас қисми сифатида талқин қилиш кейинчалик ўз ривожини топди. Биринчи субстанционал концепция айрим ўзгаришлар билан йигирма асрдан кўпроқ вақт амал қилди. Ньютоннинг материя жойлашадиган ҳаракатсиз, узлуксиз ва бир хил уч ўлчовли жой сифатидаги макон тўғрисидаги фикри ўз моҳиятига кўра, Демокритнинг макон ҳақидаги ғоялари билан бир эди.

Ньютон концепциясига кўра, макон абсолют бўлиб, чексиз кўламга эга. Шунинг учун у ўзида барча материяни сиғдира олади ва турли жараёнларга боғлиқ эмас. Ушбу концепцияга кўра, вақт ҳам абсолют бўлиб, турли ўзгаришларга боғлиқ бўлмаган ҳолда кечадиган тенг даврийликдир. Унда барча нарсалар пайдо бўлиб ва йўқ бўлиб туради. Мухтасар қилиб айтганда, Ньютон макон ва вақтни бир-биридан ажралган ва материя билан ҳаракатга боғлиқ бўлмаган мустақил нарса, деб тушунар эди.

Ўрта асрлар фалсафасида макон ва вақтга объектив идеализм нуқтаи назаридан ёндашув бўлиб унга кўра фақат Худо макон ва вақтдан ташқарида деб фикрланади. Мазкур нуқтаи назарнинг шаклланишига Авлиё Августин (354-430) салмоқли хисса қўшган. Идеалистик қарашлар макон ва вақтнинг объективлигини рад этиш ва улар онгнинг турли шаклларига қарамлигини тан олиш билан боғлиқ. Масалан, субъектив идеализм вакиллари (Беркли, Юм, Мах ва бошқалар) макон ва вақтга индивидуал онг шакллари сифатида ёндашади. Хусусан, Д.Юм учун улар фақат идрокда мавжуддир. И.Кант ҳам макон ва вақтга субъектив деб қарайди, аммо уларни априор, яъни инсонга тажрибага қадар берилган ҳиссий мушоҳада шакллари сифатида тушунади. И.Кант макон ва вақтни инсон ҳиссиёти шакли – кузатиш шакли сифатида талқин қилади. Унга кўра, айнан дунёни билишга ҳаракат қилаётган субъект ўзига берилган дунёнинг муайян макон ва вақтдаги шакл-шамойилини яратади...

Субъектив-идеалистик ёндашув учун макон ва вақт – тасаввурларнинг жойлашув усули, бинобарин, улар ўз келиб чиқишининг психологик манбаига эга. Берклидан Махга қадар макон ва вақт - сезгиларнинг тартибга солинган қаторлари шакллари дир, деган ёндашув амал қилди. Инглиз файласуфи Пирсон фикрига кўра, макон ва вақт амалда мавжуд эмас, улар нарсаларни



п
идрок этишнинг субъектив усули, холос. Макон – нарсаларни идрок этиш тартиби ёки категорияси бўлса, вақт воқеаларни идрок этиш категориясидир. А.А.Богданов макон ва вақтни ташкил этувчи ва уйғунлаштирувчи инсон тафаккури маҳсули деб ҳисоблайди.

Макон ва вақт табиати ҳақидаги метафизик ёндашувларни рад этувчи табиий илмий далиллар XIX аср охирида физикада электромагнит назарияси юзага келиши билан шакллана бошлади. Унинг ривожланиши файласуфларни бўшлиқ ҳақидаги тасаввурлардан воз кечишга мажбур қилди. Дастлаб у “эфир” тўғрисидаги ғоя билан алмаштирилди. Эфир ҳамма жойда тўлиқ, лекин мутлақ ва ҳеч нарсага боғлиқ бўлмаган маконнинг шакли вазифасини бажарган. Кейинчалик бу тасаввурлардан ҳам воз кечилди.

Макон ва вақтни мутлақо мустақил атрибутлар сифатида қайд этувчи метафизик субстанционал концепция XIX-XX асрларда фаннинг ривожланиш жараёнида ўз аҳамиятини бутунлай йўқотди. Лобачевский макон ва вақтнинг эвклид геометрияси тавсифламаган хоссалари мавжуд, деган тахминни илгари сурди. Бу тахмин абсолют макон концепциясини инкор этади, чунки макон фақат геометрик тавсифланиши лозим эди. *Асосий зоялари А.Эйнштейн томонидан 1905 йилда таърифланган хусусий нисбийлик назариясида макон ва вақтнинг геометрик хоссалари уларда гравитацион массаларнинг тақсимланишига боғлиқ эканлиги аниқланди. Унинг фикрича оғир объектлар яқинида макон ва вақтнинг геометрик хоссалари эвклид геометрияси тамойилларидан узоқлаша бошлайди, вақтнинг ўтиши суръати эса сусаяди. А.Эйнштейн (1916 йилда) ўзининг умумий нисбийлик назарияси билан нафақат макон ва вақтнинг субстанционал концепциясига, балки макон ва вақт моҳиятининг субъективистик априористик талқинларига ҳам қақшатқич зарба берди. У макон ва вақт хоссалари моддий тизимлар ҳаракати ва ўзаро таъсирига боғлиқ эканлигини кўрсатиб берди. А.Эйнштейн ўз назариясининг моҳиятини тушунтирар экан, шундай деб қайд этди: «Илгари қандайдир мўъжиза юз бериб, барча моддий нарсалар бирдан йўқ бўлиб қолса, макон ва вақт қолади, деб ҳисоблашган. Нисбийлик назариясига кўра эса, бу ҳолда нарсалар билан бирга макон ва вақт ҳам йўқ бўлиб кетган бўлади»¹.*

Ҳозирги замон табиатунослиги ва фалсафий хулосалар нуқтаи назаридан объектив борлиқ макон, вақт, ҳаракат ҳамда модда ва майдон турлари ўзаро таъсирининг узвий алоқасидан иборат. Ҳозирги олимлар ягона ва объектив макон ва вақт континууми тўғрисида сўз юритишни маъқул кўрадилар. Макон ва вақт моддий жисмлар мавжудлигининг ўзаро боғланган шакллари сифатида тушунилади. Макон – материя борлигининг кўламлилиқ, таркибийлик каби хоссалари ва унинг ўзаро таъсирларини ифодаловчи шакли. Вақт – материя борлигининг барча объектлар мавжудлигининг давомийлигини ва кейинги ҳолат ўзгаришларини тавсифловчи шакли.

¹Эйнштейн А. Физика в жизни моего поколения . -М.: 1963.-С. 53



п

Дунёда мавжуд барча жисмлар маконда айнан уч йўналиш билан чегаралангани, барча шаклларнинг энг яссиси ҳам узунлик, кенглик ва баландликка эга бўлгани сабабли, маконимизнинг уч ўлчовлилиги эмпирик жихатдан ҳамма жойда намоён бўлувчи далил ҳисобланади. Ўз маконимизда биз унинг ўлчамларини геометрик ифодаловчи уч перпендикулярни биламиз. Аммо жисм маконда, аниқроғи, унинг макродаражасида ҳаракатланмасдан, балки доимо вақтда ҳаракатланади Шу маънода, воқеаларни уларнинг кетма-кетлиги тартибида ажратувчи масофани вақт деб номлаш мумкин. Бу масофа ўтмишдан келажак сари йўналишда босиб ўтилади, мазкур йўналишни маконда тасаввур қилсак, у макон ва вақт континуумининг тўртинчи мезони (ўлчови) сифатида амал қилади. Бундан дунёда юз берган муайян воқеани аниқлаш учун тўрт сони зарур, деган хулоса келиб чиқади. Вақт нафақат вақт тартибини вужудга келтиради, балки макон ва вақтнинг бирлашган тартибини белгилаб беради ҳамда Оламнинг каузал (сабабий) тузилишини ифодалайди.

Материалистик ёндашув ўзининг аниқ ифодаланган шаклида шу билан тавсифланадики, у макон ва вақтни ондан ташқарида ва ундан қатъий назар мавжуд деб ҳисоблайди, яъни улар мавжудлигининг объектив хусусиятини қайд этади. Мазкур ёндашув асосан табиатшуносликнинг И.Ньютон (1643-1727) ва А.Эйнштейн (1879-1955) каби атоқли намояндлари илгари сурган ғояларга таянади.

Макон ва вақт нисбийлик назарияси нуқтаи назаридан. Макон ва вақт ҳақидаги ҳозирги фалсафий қарашлар табиий ва аниқ фанлар соҳасидаги сўнгги ютуқлар билан узвий боғлиқ бўлиб, уларнинг табиатига нисбатан материалистик ва реляцион қарашлар асосли эканлигини тасдиқлайди. Хусусан, *Эйнштейннинг нисбийлик назариясига мувофиқ макон ва вақт ўз ҳолича ҳам, бир-биридан ажралган ҳолда ҳам мавжуд бўлмайди, балки материя билан шу даражада узвий боғлиқ бўладики, пировардида ҳеч қандай мустақилликка эга бўлмайди ва ягона ранг-баранг яхлитликнинг атрибутлари сифатида амал қилади.* Ягона макон ва вақт континуумини ташкил этар экан, улар моддий жисмлар ҳаракатининг тезлигига ҳам боғлиқ: жисм ҳаракатининг нисбий тезлиги ошганида унинг кўлам кўрсаткичлари қисқаради, унинг вақти эса ўз оқимини секинлаштиради. Эйнштейн назарияси Риман, Лобачевский, Гаусс ва Пуанкаренинг илғор ғояларига қўшилган ҳолда, макон ва вақтнинг гравитация билан узвий боғланишини ҳам асослаб берди.

Шундай қилиб, *нисбийлик назариясида макон, вақт ва ҳаракат материя мавжудлигининг атрибутлари, асосий шакллари сифатида қаралади ва у билан узвий боғлиқ бўлган ҳолда, материя каби, мустақил ҳолда мавжуд бўла олмайди. Муттасил ҳаракатда бўлган дунё эса муқаррар тарзда фақат макон ва вақтда мавжуд деб қаралади.* Шу нуқтаи назардан:


макон – нарсаларнинг кўламлилиги ва ўзаро жойлашувини тавсифловчи муносабатлар тизими,

вақт – жараёнларнинг давомлилиги ва кетма-кетлигини тавсифловчи муносабатлар тизимини ифодалайди.



п

Макон ва вақт нуқтаи назаридан тавсифлаганда ҳар қандай ҳодиса макон ва вақт «қобирғалари» билан уларни тўлдирувчи «эт»нинг бирлиги сифатида амал қилади. Аммо билиш жараёнида бу birlik «иккиланади»: «қобирға» «эт»дан ажратилади. Натижада «бўш» макон ва уни тўлдирувчи муҳит ҳақида (а расм) «ўз ҳолича» оқувчи «соф» вақт ва унда юз берувчи ўзгаришлар ҳақида (б расм) тасаввурлар пайдо бўлади.



Маконни тўлдирувчи муҳит деганда модда, эфир, майдон ва шу кабилар тушунилиши мумкин. Аммо «модда», «эфир», «майдон» (гравитацион, электромагнит майдон ва б.) – бу муҳитнинг конкрет моддий тур хилларини ифодаловчи тушунчалар. Муҳит тушунчаси янада умумийроқ мазмун касб этади: у мазкур (ва балки, физикага ҳали маълум бўлмаган айрим бошқа) тур хилларининг барчасини қамраб олади. «Муҳит» сўзининг ўрнига баъзан «субстрат», «материя», «моддий субстрат» сўзлари ишлатилади. Контекстдан бу сўзлар маконнинг «эти»ни англантиши аниқ бўлганда, бирон-бир англашилмовчилик юзага келмайди. Аммо шуни эътиборга олиш лозимки, материя маконнинг «эти» сифатида талқин қилинса (материянинг субстрат концепцияларида эса бу назарда тутилади), макон унинг «омбори», яъни материя мавжудлигининг муайян номоддий шароити ҳисобланади. Бу маънодаги материяни (субстрат ёки муҳит сифатидаги материяни) материализмнинг асосий категорияси сифатидаги материя билан адаштирмаслик керак. Сўнгги зикр этилган ҳолда материя унинг барча атрибутлари, шу жумладан макон ва вақтнинг бирлигидир. Макон ва вақтнинг «эти» қай даражада моддий бўлса, макон ва вақт ҳам шу даражада моддийдир. Улар материянинг унга нисбатан сиртдаги мавжудлик шароитлари эмас, балки атрибутларидир.

Маконни унинг моддий «эти»дан алоҳида ўрганиш махсус фан – геометриянинг ишига айланади. Унда нарсаларнинг макондаги реал шакллари ва нисбатларининг идеаллаштирилган математик моделлари ҳисобланган турли-туман фикрий конструкциялар тузилади (нуқта, текислик, геометрик шакллар, ҳар хил типдаги – проектив, кўп даражали, ноевклид ва бошқа маконлар). «Соф» вақт ҳам идеаллаштирилган математик кўринишда тасвирланади: унинг геометрик образи сифатида чексиз вектор чизиғи хизмат қилади.

Эйнштейн яратган умумий нисбийлик назариясида макон ва вақт хоссалари гравитацион массаларнинг тақсимланишига ҳам боғлиқ эканлиги аниқланади. Оғир jismlar ўз атрофидаги майдонни қийшайтиради (улар ноевклидча тус олади), вақт уларнинг яқинида сустроқ оқади (барча жараёнларнинг давомлилиги ортади). Муайян шароитда макон-вақт



п муносабатлари тизимининг нафақат метрик, балки топологик (структуравий) хоссалари ҳам ўзгаради.

Нисбийлик назариясида макон ва вақт ягона тизимга – макон-вақт тизимига бирикади. Бу тизим математик жиҳатдан уч макон ва бир вақт координатасига эга бўлган алоҳида типдаги тўрт даражали макон сифатида тавсифланади. Бу макон ва вақт ўртасида алоқа мавжуд эмаслиги ҳақидаги аввалги тасаввурларни чиппакка чиқаради: вақт тўрт даражали маконнинг ўлчовларидан бири сифатида намоён бўлади. Турли йўсинда ҳаракатланувчи санок тизимларида тўрт даражали маконнинг уч даражали макон ва бир даражали вақтга «парчаланиши» турлича юз берадики, бу ҳам нарсалар ва жараёнларнинг макон ва вақтдаги тавсифи айти шу нарсалар ва жараёнлар билан белгиланишидан далолат беради.

Шундай қилиб, нисбийлик назарияси пайдо бўлиши билан фан ва фалсафада макон ва вақт категориялари «субстанциал» талқинининг ҳукмронлик даври тугади. Ҳозирги замон илмий-фалсафий тафаккурида улар «реляцион» нуқтаи назардан – объектлар (нарсалар ва жараёнлар)ни мувофиқлаштириш шакллари сифатида қаралади.

Маконнинг уч ўлчовлилиги. Макон ва вақтнинг умумийлиги, улар универсумнинг барча структураларини қамраб олган ҳолда, мавжудлигини англатади. Шу муносабат билан макон ва вақтнинг нафақат макро-, микро- ва мегадунёда, балки жонли ва ижтимоий материяда ҳам намоён бўлиш шаклларини қайд этиб ўтиш лозим. Биологик вақт, психологик вақт, ижтимоий макон ва вақт махсус таҳлил қилинади. Макон ва вақтнинг объективлиги улар ўзини идрок этиш мумкинлиги ёки мумкин эмаслигидан қатъий назар, оламнинг барча структураларини қамраб олган ҳолда мавжудлигини англатади. Л.Фейербах макон ва вақтни борлиқнинг асосий шартлари - *Wesenbedingung* деб ҳисоблаганида айти шуни назарда тутган эди. Аммо бу макон ва вақт моддий жисмлар вужудга келишига сабаб бўлганини англатмайди, балки материя макон ва вақтдан ташқарида мавжуд бўлиши мумкин эмаслигини таъкидлайди. Маконнинг уч ўлчовлилиги ҳанузгача илмий-назарий жиҳатдан аниқ исботланмаган. *Макон ва вақтнинг чексизлиги ҳамда туганмаслиги, маконнинг уч ўлчовлилиги, вақтнинг бир йўналишлилиги, орқага қайтмаслиги макон ва вақтнинг асосий хоссалари сифатида қаралиши лозим.* Биз макроскопик тажрибада кўрадиган объектлар уч ўлчовли кўламлиликка – уч ўлчовдаги ўлчамлиликка эга. Маконнинг ҳар қандай нуқтаси уч сони ёрдамида берилади. Аммо маконнинг уч ўлчовлилиги файласуфлар учун амалда жумбоқ бўлиб қоламоқда. Улар учун бу асослашга уринишлар натижа бермаётган эмпирик постулат сифатида қабул қилинади. Маконнинг уч ўлчовлилигини таърифлаб берган Аристотель пифагорчиларнинг ғоялари ёрдамида уни асослашга ҳаракат қилган. У уч ўлчов энг мукамал ва тугалланган бўлиб, айнан 3 сони шундай хусусиятга эга эканлигини қайд этган.

Схоластлар Пифагор ва Аристотель ғояларига таяниб, уч ўлчовлиликни дунёнинг мукамаллиги нуқтаи назаридан тушунтирганлар. Бунда узунлик чизиғига кенглик туташи ва юза ҳосил бўлади, сўнгра баландлик туташи



п
ва жисм дунёга келади. Бундан бошқа ўлчовларга ўтишни аниқ тасаввур қилиш мумкин эмас. Уч ўлчовлилик дунёнинг мукамаллигидан далолат беради.

Г.Галилей уч ўлчовлиликни асослашга нисбатан мазкур ёндашувни танқид қилган. Г.Галилей диалогларининг амалда муаллиф фикрини ифодаловчи қахрамонларидан бири шундай дейди: «3 сони мукамал эканлиги ва уч ўлчовли ҳамма нарсанинг мукамаллигидан дарак беришга қодирлигини тан олишга ҳеч бир асос кўрмайпман»¹.

Немис файласуфи И.Кант ўз фаолиятининг танқидий босқичидан олдинги даврда маконнинг уч ўлчовлилигини табиат кучларининг ўзига хос хусусиятлари билан тушунтиришга ҳаракат қилган. У маконнинг уч ўлчовлилигини физик далил сифатида тушунишга уринган. Аммо кейинчалик И.Кант макон ва вақтнинг априористик табиати ҳақидаги хулосага келиб уни ҳиссий кузатиш шакллари сифатида тавсифлаган.

Шундай қилиб, маконнинг уч ўлчовлилиги эмпирик постулатдир, у ҳақдаги хулоса бизнинг интуициямизга асосланади, фикрлашнинг қулайлиги, мақсадга мувофиқлиги, тежамлилигига интилиш, эстетик мойилликлар ёки дунёнинг мукамаллигига ишончдан келиб чиқади, деган маънони англатмайди. Маконнинг уч ўлчовлилиги моддий ўзаро таъсирлар билан белгиланади.

Биз яшайдиган макон уч ўлчовлидир. Бу бошқа макон мавжуд бўлиши мумкин эмас, деган маънони англатмайди, лекин бошқа маконда атомлар ҳам, молекулалар ҳам, Қуёш системаси ҳам бўлмаслиги мумкин. Агар макон уч ўлчовли бўлмаганида, амалдаги барча физик қонуниятлар бузилган бўлар эди; нарсалар бирон-бир сабабсиз пайдо бўлиши ва йўқ бўлиши мумкин эди (уларнинг сабаблари бошқа ўлчовларда бўлар эди); атомлар мавжуд бўлиши мумкин эмас эди, чунки электронлар дарҳол ядролар устига тушар эди. Бутун дунё бошқача бўлиши лозим бўлар эди. Демак, бизнинг дунёмизда ҳар қандай воқеа тўрт сон: маконнинг воқеа юз берган жойни қайд этувчи уч координати ва унинг вақт кўрсаткичи билан белгиланади. *Шундай қилиб, моддий дунё объектларининг «3 + 1» кўринишидаги макон ва вақт тузилишига мансублиги уларнинг универсал хоссаси ҳисобланади.*

Маконнинг кўп ўлчовлилиги. Нисбийлик назариясини ривожлантирувчи ва кучли, кучсиз, электромагнит ва гравитацион ўзаро таъсирларга нисбатан яхлит ёндашувчи ҳозирги табиий-илмий концепциялар маконнинг уч ўлчовлилиги ва вақтнинг бир ўлчовлилиги (у ўтмишдан келажакка қараб оқиши)ни моддий жисмлар борлигининг эҳтимол тутилган ҳолларидан бири сифатида талқин қилади ва бизнинг Метагалактикамиз билан бир қаторда ўзга дунёлар ҳам мавжудлигини фараз қилиб, макон ва вақтнинг кўп ўлчовлилиги ғоясини илгари суради. *Бошқа оламларда макон ва вақт бутунлай ўзгача тузилиши, кўламлилиқ ва шаклларга эга бўлиши мумкинлиги тахмин қилинади.*

¹ Галилей Г. // Всемирная энциклопедия. –М.: Современный литератор, 2001. –С.178.



п

Макон ва вақт кўрсаткичлари нафақат микро-, макро- ва мегадунё даражасида, балки жонли табиат, ижтимоий борлиқ даражасида ҳам ўзига хос хусусиятларга эгадир.

Ерда ҳаёт пайдо бўлиши билан гўё жонсиз табиат макон ва вақти доирасида жойлашган алоҳида, биологик макон ва вақт ўлчови юзага келади. Шу муносабат билан жонли ва жонсиз табиатдаги симметриклик муаммоси ҳаётни ўрганиш билан шуғулланувчи олимлар эътиборини ўзига тортди. Жонли организмлар симметрияси ва асимметрияси ходисаларини Л.Пастер, И.Кант, В.И.Вернадский ва бошқалар ўрганди. Улар жонсиз табиатга хос бўлмаган асимметрия молекуляр даражада атомлар гуруҳларида «сўл» ва «чап» қанотлар кўринишида намоён бўлиши, организмлар даражасида эса уларнинг тузилиши ва динамикасида акс этишини аниқладилар.

Макон ва вақтнинг умумийлиги, улар универсумнинг барча структураларини қамраб олган ҳолда, мавжудлигини англатади. Шу муносабат билан макон ва вақтнинг нафақат макро-, микро- ва мегадунёда, балки жонли ва ижтимоий материяда ҳам намоён бўлиш шакллари қайд этиб ўтиш лозим. Биологик вақт, психологик вақт, ижтимоий макон ва вақт махсус таҳлил қилинади. Макон ва вақтнинг объективлиги улар ўзини идрок этиш мумкинлиги билан белгиланади.

Макон ва вақтнинг метрик хоссалари. Эйнштейн 1905 йилда яратган хусусий нисбийлик назариясига биноан, макон ва вақтнинг метрик хоссалари (макондаги масофалар ва вақт оралиқлари) улар қайси саноқ тизимида қайд этилаётганига боғлиқ бўлади. Ҳаракатланувчи саноқ тизимида масофалар қисқаради (унинг ҳаракат йўналишида) ва вақт оралиқлари узаяди (яъни вақт ҳаракати секинлашади).

Метрик хоссаларга макон ва вақтнинг кўламлилиқ ҳамда давомлилиқ каби миқдор кўрсаткичлари киради. Кўламлилиқ жой ва ўриннинг мавжудлигини назарда тутлади. Жой – макон чегараси ва у қамраб олувчи муайян ҳажмнинг бирлиги. Ўрин – бир жойнинг бошқа жойларга нисбатан координацияси. Жой ва ўрин макон тузилишини белгилайди. Шундай қилиб, биз макон тузилиши ҳақида сўз юритганда унинг жой ва ўринни тавсифлашимиз шарт. Давомлилиқ ва лаҳза вақтнинг асосий метрик кўрсаткичлари ҳисобланади. Лаҳза – давомлилиқнинг бошқа парчалаб бўлмайдиган атоми, давомлилиқ кванти. Давомлилиқнинг ўзи бунда муайян чегарага солинган лаҳзалар мажмуи сифатида тушунилади. Муайян объект мавжудлигининг дастлабки ва пировард лаҳзалари ана шундай чегара сифатида амал қилади. Давомлилиқ – объект мавжудлигининг давомийлиги ва сақланишидир. Давомлилиқ воқеа-ҳодисаларнинг айни бир вақтда юз бериши – синхрония ёки кетма-кетлик – диахрония муносабатлари билан тавсифланиши мумкин.

Макон ва вақтнинг топологик хоссалари. *Топологик хоссаларга сифат кўрсаткичлари, макон ва вақтнинг узлуксизлиги, боғлиқлиги, вақт тартиби, йўналиши ва ўлчамлилиги киради. Маконнинг топологик хоссалари – маконнинг бир хиллиги, изотроплиги (жараёнлар айни бир шароитда бир хил кечиши) ҳамдир. Вақтнинг топологик хоссалари - бир йўналишлилик,*



п муайян ўлчовлилик, орқага қайтмаслик. Бу кўрсаткичларнинг ҳаммаси ханузгача файласуфлар шуғулланадиган қатор муаммоларни ташкил этади ва фалсафий жиҳатдан илмий-назарий асослашга муҳтождир.

Вақт тартиби ва йўналиши. Вақт шаклланиши ёки ўтишининг объектив хусусияти тўғрисидаги масала қадимдан ҳозирги кунгача қизгин баҳсга сабаб бўлаётган муаммодир. Одатда, вақт тартиби ва йўналиши тўғрисида сўз юритилганида, унинг ўтмишдан ҳозирги вақт орқали келажакка ўтиши назарда тутилади. Вақт бир йўналишли, носимметрик ва орқага қайтмайдиган жараён сифатида намоён бўлади.

Борлиқ ҳодисаларини вақтда тартибга солиш учун «вақт» тушунчасининг икки мажмуидан фойдаланилган: *«Ўтмиш – ҳозирги вақт – келажак» тушунчасининг сифати ва мазмунини ифодалашда вақтнинг психологик тавсифи кўпроқ мос келади. Вақтнинг миқдорий таҳлил учун : «олдин – айна бир вақтда – кейин» тушунчалари қўлланилади.*


Борлиқ ҳодисаларини вақтда тартибга солиш учун «вақт» тушунчасининг икки мажмуидан фойдаланилган: *А мажмуи – «ўтмиш – ҳозирги вақт – келажак» ва В мажмуи – «олдин – айна бир вақтда – кейин».* Вақтнинг миқдор кўрсаткичлари қайд этилган ҳолларда вақт тушунчаларининг иккинчи мажмуидан фойдаланилган. Масалан: 4 минут олдин, 5 минут кейин ва ҳ.к. миқдор таҳлилини ифодалайди. Аммо тилимизнинг тузилишига кўра 4 соат «ўтмиш», 5 минут «келажак» қабилида гап тузиш имкони йўқ. Вақтни тушунишнинг бу икки хил жиҳати 1908 йилда Ж.Мак-Таггарт томонидан аниқ тавсифланган. У «вақт» тушунчасининг икки мажмуи ҳақидаги тасаввурни илмий муомалага киритди.

Тушунчанинг икки мажмуини ажратиш айрим муаммолар таърифини аниқлаш имконини беради. Бир томондан, вақт ҳаракатчан ёки муваққат йўл, оқим ва транзитивликнинг ифодаси сифатида тушунилади. Ўтмиш, ҳозир ва келажакда мавжуд воқеалар вақтнинг мазкур ҳолатига нисбатан узлуксиз ўзгаради. Ўтмишдаги воқеалар янада ўтмишга чекинади, бўлажак воқеалар эса яқинлашади. Вақт шаклланишининг мазкур жараёни кўпинча «вақт дарёси», «вақт оқими» каби ибора ва ўхшатишлар орқали ифодаланади. Айна вақтда, узлуксиз ўзгарувчи воқеалар ўзгармас тартибда юз беради.

Макон ва вақтнинг динамик ва статик концепциялари. Фалсафа тарихида вақт тартиби ҳамда йўналишини тушуниб етишнинг динамик ва статик концепциялари шаклланган. Гераклитнинг «*panta rei*» (ҳамма нарса оқади, ҳамма нарса ўзгаради) тезиси билан боғлиқ ёндашув вақтнинг динамик концепциясига асос бўлган.

Динамик концепция вақт жараёнларининг, шу жумладан вақт оқимининг объектив борлигини, яъни ўтмиш, ҳозир ва келажак воқеалари ўртасида реал физик фарқлар мавжудлигини тан олади.

Айна вақтда, мазкур концепция нуқтаи назаридан, ҳақиқий борлиққа ҳозирги вақт воқеаларигина эга бўлади. Ўтмиш хотираларда мавжуд, келажак воқеалари амалда рўй берадими, йўқми - номаълум. Фақат ҳозирги вақтда эҳтимол тутилган воқеалар ўтмишдаги сабаблар асосида реал борлиққа



п
айланиши мумкин. Сўнгра улар ҳам ўз даврида муайян из қолдириб, ўтмишга айланади.

Вақт тартиби ва йўналишини тушуниб етишининг иккинчи статик концепцияси - объектив вақт жараёнлари мавжудлигини инкор этмаган ҳолда, вақтнинг ўтмиш, ҳозир ва келажакка бўлинишини рад этади. Унда «олдин - кейин» вақт нисбати объектив деб эътироф этилади. Ушбу концепция тарафдорлари Б.Рассел ва Т.Голд фикрига кўра, кузатиш эътибордан соқит этилса, дунёда ҳар қандай ҳолат юз бериши мумкин. Ғарб фалсафий адабиётларида бу концепция «Совиб қолган олам концепцияси» деб аталади.

Аммо статик концепциядаги вақтнинг ҳаракати ва оқими субъект – кузатувчига боғлиқлиги ҳақидаги асосий тезисига кўшилиш қийин. Кўпгина жараёнлар кузатувчидан қатъий назар мавжуд бўлади ва юз беради. Энг катта муаммо – ҳозирги вақтни қандай тушуниш мумкинлигида. Статик концепцияга кўра, ҳозирги вақтнинг исталган лаҳзасида оламнинг ўтмишдаги барча ҳолатлари мужассам, бўлажак ҳолатлари эса яширин шаклда мавжуд бўлса, қандай қилиб янги ҳолатнинг пайдо бўлиши ҳақида гапириш мумкин? Бу ерда ўтмиш ва келажак воқеалари ўртасида гўё тўлиқ симметрия мавжудлиги ҳақидаги ёндашув илгари сурилади, ваҳоланки, воқеаларнинг ҳақиқий кетма-кетлиги амалда носимметрик тарзда рўй беради.

Немис файласуфи ва мантиқчиси Ганс Рейхенбах «Вақт нима?», деган саволга жавоб беришга ҳаракат қилиб, қуйидаги таърифларни ишлаб чиққан:

1. Вақт ўтмишдан келажак сари ҳаракатланади;
2. «Ҳозир» ўтмишни келажакдан ажратувчи ҳозирги вақтдир;
3. Ўтмиш ҳеч қачон орқага қайтмайди;
4. Биз ўтмишни ўзгартира олмаймиз, лекин келажакни ўзгартиришга кодирмиз;
5. Биз ўтмишнинг тарихий «баёни»га эга бўлишимиз мумкин, лекин келажакни баён қилиш, бу билан боғлиқ имконга эга бўлишимиз мумкин эмас;

6. Ўтмиш маълум, келажак маълум эмас.

Бу таърифларга кўшилмаслик қийин, уларда соғлом фикрнинг оддий мантиғи мужассамлашган. Аммо вақт билан боғлиқ муаммолар мажмуида аниқ ечими топилмаган масалалар бўлиб, вақт нисбатлари типларининг ранг-баранглиги ана шундай масалалардан биридир. Вақт нисбатларининг турлари: тизимнинг ички ва ташқи вақти; инсон борлиғи вақти; даврнинг маданий-тарихий вақти; астрономик вақт; физикавий вақт; биологик вақт ва ҳ. к. кабилардир.

Нисбийлик назариясидан жисмларнинг ҳаракат тезлиги ошганида ва у ёруғлик тезлигига яқинлашганида масса ортиши ва ҳаракатсизлик ҳолатларига нисбатан вақт жараёнлари секинлашиши маълум. Вақт ритмларининг пасайиши жуда кучли гравитация майдонлари таъсирида ҳам юз беради. Тирик организмларда турли функционал тизимларнинг кун ва тун, йил фасллари, кۈёш фаоллиги цикллариининг алмашувига боғлиқ бўлган биоритмлари ҳам амал қилади. Даврий ритмларга асосланган биологик



п
соатлар ҳар қандай организмда, ҳаттоки, ўсимликларда ҳам мавжуд део тахмин қилинади. Кибернетика асосчиси Норберт Винер инсонда вақт сезгиси унинг мия ритмлари, хусусан, мия фаоллигини тавсифловчи «альфа» ритм билан боғлиқ, деган тахминни илгари сурган. Баъзан вақт сезгиси алмашинув жараёнлари билан боғланади. Қариликда моддалар алмашинувининг фаоллик даражаси пасайгани сабабли, ички ҳаёт механизмининг ҳаракати ҳам секинлашади.

Яхлит организм сифатидаги жамият ҳам ўз вақт муносабатлари ва ривожланиш ритмларига эга. Улар ижтимоий ўзгаришлар, ишлаб чиқариш ва фаннинг ривожланишига қараб ё тезлашиши, ё секинлашиши мумкин, баъзан ҳатто муайян ижтимоий жараёнларнинг стагнация ҳолати тўғрисида ҳам сўз юритилади.

Ижтимоий вақт. Ҳозир «Ижтимоий вақт мавжудми» деган масала баҳсли эмас. Муаммо унинг мазмунида қандай устуворликлар ва константалар мавжудлигида. *Ижтимоий вақт индивид вақти ва авлод вақтига бўлинади. У кишилик жамиятининг ўзгарувчан информацион сизимида боғлиқ.* Фалсафий адабиётларда вақт жараёнларига макон хоссаларининг кириши, яъни *ижтимоий вақт узунлиги – ҳаёт цикллари босқичларининг кетма-кетлиги сифатида, кенглиги – фаолият турларининг миқдорий ранг-баранглиги сифатида, чуқурлиги – индивиднинг ўзи иштирок этаётган фаолият турларидаги фаоллик даражаси сифатида кўрсатилиши билан боғлиқ фикрларга ҳам дуч келиш мумкин.* Макон ва вақт боғланиши ҳамма жойда ҳар хил бўлган «махаллий вақт» тушунчасида ёрқин намоён бўлади.

Буларнинг ҳаммаси макон, вақт ва материя жараёнлари ўзаро боғлиқ эканлигини яна бир қарра тасдиқлайди. Назарий жиҳатдан эса, макон ва вақт муносабатларининг реляцион ва динамик концепциялари ривожланишининг аҳамиятини янада оширади, бу борада тадқиқотлар олиб бориш заруратини намоён қилади.

Ижтимоий вақт ҳам ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, у, биологик ва планетар-космик вақтдан фарқли ўлароқ, нотекис оқади. Инсоният шаклланиш жараёнининг дастлабки босқичида бошланган ижтимоий вақт кейинги даврларда деярли ўзгаришсиз кечди ва фан-техника тараққиётининг илк аломатлари пайдо бўлиши билан, XVII-XVIII асрлардан жадалроқ суръат касб эта бошлади. XX асрда юз берган фан-техника инқилоби ижтимоий маконни кенг қамраб олди ва ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг ривожланишига алоҳида тус бериб, вақт ҳаракатини мисли кўрилмаган даражада жадаллаштирди. Ер қурраси «кичрайиб», инсоният учун тор бўлиб қолди, унинг бир четидан нариги четига ўтиш эндиликда соатлар билан (Ой, Марс, Венера ва бошқа космик жисмларга учиб тезлиги ва вақтини ҳисобга олмаганда) ўлчанмоқдаки, XX асрда буни ҳатто тасаввур қилиш ҳам мумкин эмас эди.

Ижтимоий вақтнинг яна бир жиҳати бу субъектив, ички вақтдир. Субъектив вақт борлиқ вақти эмас, балки онг вақти ҳисобланади. Аммо ўз табиати ва моҳиятига кўра бу ижтимоий феномендир. Субъектив вақтни



п
психологлар билан бир қаторда санъатшунослар ва эстетика мутахассислари ҳам кенг ўрганганлар.

Ўтган асрнинг сўнгги чорагида нашр этилган адабиётларда уларнинг муаллифлари ё ижтимоий ва тарихий вақт категорияларини махсус муҳокама қиладилар¹, ё бу масалаларга яқин мавзунини таҳлил қилиш жараёнида тўхталдилар². Бу асарлар билан танишиш файласуф олимлар макон ва вақт категориясини ўрганишга нисбатан натуралистик, асосан физикалистик ёндашувга чек қўйиш йўлида нисбатан қисқа вақт ичида салмоқли қадамлар ташлаганларини кўрсатади.

Ўзбекистонда ижтимоий вақт категорияси фалсафий муаммо сифатида чуқур ўрганилмаган бўлсада, С.Валиева бўш вақтнинг фалсафий методологик таҳлили, Д.Норкулов вақт феноменининг ижтимоий жараёнлар билан диалектикасини таҳлил қилган.⁴

Ижтимоий ҳаёт табиий ҳаётнинг давоми ҳисобланади. Одамлар тугиладилар, яшайдилар, ўладилар, насл қолдириши йўли билан ўз насабини муттасил қувватлайдилар. Ижтимоий даражада «индивид – авлод – насаб» училигигина эмас, балки бир структуравий даражадан бошқа структуравий даражага ўтиши объектив тамойили ҳам сақланиб қолади. Аммо муаммонинг мазмунини амалда бошқача кўриниш касб этади. Инсон вақтининг ҳаёт фаолияти вақтидир. Ҳайвон ўз моҳиятини табиатдан олади, у ўзини ўзи яратмайди ва шу маънода у тарихийликдан холидир. Ҳайвон ўз тарихини ўзи яратмайди – тарих уни яратади. Инсон эса ўз тарихини ўзи яратади. Инсоннинг моҳияти унинг ўз ижтимоий муносабатлари мажмуи билан белгиланади.


Ҳозирги пайтда «индивид – ижтимоий авлод – жамият тарихи» училиги ижтимоий вақтнинг ўрганиши ва унинг мазмунини аниқлашнинг объектив асоси сифатида қаралади. Аммо, ижтимоий ҳодисаларни ўрганишда мазкур ёндашув, мазкур кетма-кетлик муайян тушунтиришлар ва асослашларни талаб этади. Кимдир ижтимоий муносабатларни ўзгача тартибда – индивиддан эмас, балки жамиятдан бошлаб ўрганиш зарур, зеро индивид жамиятдан сиртда мавжуд бўла олмайди, конкрет ижтимоий муносабатлар доирасидан ташқарида жонсиз мавҳумликка айланади, деб ҳисоблайди. Шунингдек, жамиятнинг ўзи ҳам индивидларнинг оддий йиғиндиси, кишилиқ тарихи эса – шахсларнинг таржима ҳоллари йиғиндиси

¹ қаранг: Бузский М.П. Социальные пространство и время в формировании естественнонаучного знания. – Киев, 1999; Егорова М.В. Категория «историческое время». Ее методологические функции. – Томск, 1995; Лой А.Н. Время и пространство как формы социального бытия и познания. – Киев, 1996; Малинова И.П. Проблема времени в философии. – Саратов, 1998.

² қаранг: Абулханова-Славская К.А. Диалектика человеческой жизни. – М., 1997; Афанасьев В.Г. О структуре целостной системы // Философские науки. 1990. №3; Косолапов В.В. Методология и логика исторического исследования. – Киев, 1997; Уваров А.И. Гносеологический анализ теории в исторической науке. – Калинин, 1993.

⁴ Валиева С. Свободное время как предмет философско методологического анализа. Автореф. Дисс. канд филос.наук. –Т.: Пединститут, 1982.

Норкулов Д. Бўш вақтнинг ижтимоий фалсафий таҳлили. Фалс.фан.докт.дисс.автореф. –Т.: ЎзМУ, 2005



п
эмас. Бунга жавобан шуни айтиш мумкинки, бу ерда гап Фейербах талқинидаги мавхум индивид ҳақида эмас, балки реал инсон ҳақида боради. Жамият индивидлар йиғиндиси эмас, балки одамларнинг ўзаро алоқалари маҳсулидир. Тарих тўлалигича шахсларнинг ҳаракатларидан таркиб топади, у ҳамиша шахсларнинг индивидуал ривожланиши тарихидир. Амалда тарих ўз мақсадларини кўзловчи ва уларга эришиш йўлида ҳаракат қилувчи инсон фаолияти сифатида намоён бўлади. Тарих мазмун жиҳатидан кишиларнинг айрим авлодига қараганда конкретроқ, яъни тўлиқроқ ва бойроқдир, инсон авлоди эса индивидга қараганда конкретроқдир. Тирик индивидларнинг мавжудлиги ҳар қандай кишилик тарихининг биринчи шarti ҳисобланади. Шу туфайли ҳам ижтимоий вақтни ўрганишда тарихий вақт таянч нуқтаси бўлиши мумкин эмас; унинг таҳлили ҳам индивид вақтини, ҳам авлод вақтини билишни назарда тутлади.

Ижтимоий вақтда муайян одамлар, ижтимоий жамоалар, айрим ҳамжамиятлар, миллатлар, давлатлар ва пировард натижада бутун инсоният борлигининг вақт кўрсаткичларини фарқлаб, ижтимоий вақт структурасининг мураккаблиги тўғрисида ҳам сўз юритиш мумкин. Улардан ҳар бирининг яшаш вақти ва суръати ҳар хил бўлиб, ўз хусусиятига эга. Аслини олганда, турли мамлакатлар ва халқлар жамулжам ҳолда бутун инсониятни ифода этса-да, амалда турли тарихий даврларда: кимдир ўтмишда, кимдир ҳозирги даврда, кимдир эса келажакда яшайди. Бунга, хусусан, америкалик таниқли футуролог Э.Тоффлер эътиборни қаратади. Унинг фикрича, «Ер аҳолисининг 70% ўтмишда (турли ўтмишда), 25% - ҳозирги даврда, 3% - келажакда яшайди, қолганлар эса маргиналлар бўлиб, улар ҳар қандай вақтдан ташқаридадир»¹.

Тарих вақти. *Тарих вақти – бу инсон вақти, яъни ижтимоий вақтнинг энг олий даражасидир, чунки тарих ўз-ўзини яратувчи, ўз-ўзидан ривожланувчи жараёндир.* Индивид ўлимга маҳкум, авлодлар келади ва кетади, лекин бирорта ҳам ҳаёт исиз йўқ бўлиб кетмайди, яъни тарихдан четда қолмайди. Тарихий вақт ўлимга маҳкум бўлган одамларнинг реал ҳаёт фаолияти билан узвийдир. Айни пайтда у ҳар бир индивидга нисбатан унинг субстанцияси сифатида амал қилади. Бу индивид ва авлод ўз асри билан узвий эканлигини, инсоннинг моҳияти ижтимоий муносабатлар мажмуи билан белгиланишини англатади.

«Тарихни одамлар яратади» деган тезис ва «тарих одамларни яратади» деган антитезис синтез йўли билан ечилади: одамлар ўз тарихи воситасида ўзларини ўзлари яратадилар. Зеро, И.А.Каримов таъкидлаганидек, «- тарихнинг мураккаб ҳал қилувчи бурилиш палласида ҳар қандай миллат ва элат ўз аҳиллиги ва бирдамлигини сақлаб, ўз миллий манфаатлари йўлида қатъият билан турмаса, масъулият ва ҳушёрликни йўқотадиган бўлса, охир оқибатда ўзининг энг катта, тенгсиз бойлиги бўлмиш мустақиллиги ва озодлигидан жудо бўлиши шубҳасиз»¹

¹ Қаранг: Вестник Российского университета дружбы народов. Серия «Философия». 2006. №1(11). –С. 46.

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч.-Т.: Маънавият, 2008.-Б.51.



п

Тарихни вақт нуқтаи назаридан ўрганиш унинг «узунлик», «кенглик» ва «чуқурлик» мезонларига мувофиқ ўрганиш демакдир. Тарихий вақтнинг «узунлиги» деганда асосан унинг топологик хоссалари: ўлчамлари, асосий босқичларининг кетма-кетлиги, бу кетма-кетликнинг муқаррарлиги тушунилади.

Тарихнинг «кенглиги» - бу тарих чегарасининг кенгайиши демакдир. Бунда кенгайиш тушунчасини икки хил маънода: тарихий жараён янги ҳудудларни қамраб олиши сифатида (кенгайишнинг юзаки, эколого-географик жиҳати) ва «тарих доираси»нинг, яъни кишилар умумий тарихий фаолияти майдонининг кенгайиши сифатида тушуниш ўринли бўлади (кишилар умумий тарихий фаолияти фаол тарих ижодкорлигига унинг янги ва янги иштирокчиларини кенг жалб қилишни ҳам назарда тутати).

Аммо тарих нафақат кенгайди, у чуқурлашиб ҳам боради. *Тарихнинг чуқурлиги ижтимоий-тарихий фаолиятнинг чуқурлиги, яъни фаоллик (қизғинлик) даражаси билан белгиланади: ижтимоий маромлар ҳаракати ижтимоий-тарихий макон ва вақт ўлчамлари, топологиясининг мураккаблашувида ўз ифодасини топади.* Индивид вақти учун ҳам, тарих вақти учун ҳам «кенглик» экстенсив, «чуқурлик» эса – интенсив катталиқ ҳисобланади.

Инсоният тарихи вақти – бу унинг объектив вақтигина эмас, балки онг феномени ҳамдир. Жамият, тарих нафақат объект, балки субъект сифатида ҳам майдонга чиқади. Бунда у гносеологик субъектнинг энг олий типи ва даражаси ҳисобланади. Ижтимоий онгнинг яхлит структурасида вақтни англаб етиш ўзини унинг алоҳида, ички даражаси сифатида, жамиятни тарихий англаш сифатида намоён этади.

Дарҳақиқат, тарихий жараён инсоният вақтда бошдан кечирувчи ўзгаришларнинг умумий хусусияти ва маъноси демакдир. Зеро, инсоният йилдан-йилга улғайиб ва айни пайтда ёшариб боради. Унинг улғайиши ёшига ёш қўшилиши билан, ёшариши эса – ижтимоий ҳаётнинг узлуксиз янгилаши билан изоҳланади. Инсониятнинг болалиги – биз учун қадим замон, янги давр эса, ўзимиз яшаётган замондир.

Ўтмишни ўзгартириш мумкин эмас, деган ғоя айнан табиат учун мутлақо ўринлидир. Аммо жамият тарихида ўтмиш ўзгариши мумкин. Ҳар бир йирик тарихий воқеа нафақат истиқболли кучга, балки ретроспектив кучга ҳам эга бўлади. Ҳозирда яшаётган авлод ўз издошларини тайёрлаш, уларга таълим ва тарбия бериш билан бир вақтда ўз ишлари, ғояларининг салафчиларини ҳам танлайди. У ўтмишдан бугунги мақсад, бугунги манфаатларга мувофиқ ўзига зарур ва кадрли бўлган мўлжалларни танлаб олади. Масалан, Ўзбекистон мустақиллигининг ўтмиши – бу Муқанна кўзғолони, Жалолиддин Мангуберди кураши, ва х.к. Шундай қилиб, ўтмишнинг мазмуни ўзгаради, яъни у хотирада, келажак авлодлар муносабатида ўзгаради.

Бошқа томондан, ҳозирги замон тарихда тўлалигича ва узил-кесил ўтмиш билан белгиланмайди. У ўтмишдан нисбатан холи, унга нисбатан фаолдир, зеро тарихий воқеалар ўтмиш билангина эмас, балки келажак билан



п
хам белгиланади. Табиатда мақсад йўқ, жамиятда эса одамлар фаолияти ўз моҳиятига кўра муайян мақсадга эришишга қаратилган фаолиятдир. Тарих ҳақида биз унинг оқибатлари, яъни ҳозирги замонга қараб ҳукм чиқарамиз. Тарихнинг интиҳоси инсоният ҳалокати билан баробардир. Аммо тарихнинг мазмуни унинг объектив қонунияти тан олиниши билангина белгиланмайди. Амалда жамиятгина эмас, балки табиат ҳам муайян қонунларга мувофиқ ривожланади. Аммо ўсимликлар дунёсининг ривожланиш жараёни ҳам, ҳайвонот дунёсининг ривожланиш жараёни ҳам «мазмун»га эга эмас, у фақат инсониятнинг ривожланиш жараёнида, яъни кишилиқ тарихидагина мавжуд.

Инсон ҳаёти мазмунга эга бўлгани, яъни қадрият ҳисоблангани туфайли ҳам инсоният тарихи мазмунга эгадир. Шу маънода “инсоният тарихи мазмунининг мезони ва айти пайтда унинг тараққиётини белгиловчи мезон сифатида инсонпарварлик майдонга чиқади”¹. Тарихий жараён йўли, унинг йўналиши сиртдан белгиланмаган, лекин у инсоният томонидан ҳам мақсад сифатида қўйилмаган ва англаб етилмаган. Тарихнинг мазмуни индивидларнинг муайян мақсадга эришишга қаратилган фаолиятидан келиб чиқади, лекин унинг ўзигагина боғлиқ бўлмайди ва у билан тўла мувофиқ келмайди. Тарихнинг мазмуни деганда инсон авлодларининг ҳаёти ва алмашуви жараёнларининг объектив мазмуни тушунилади. Унда инсон борлигининг мураккаблиги, зиддиятларга тўлаллиги ва ўзига хослиги бўртиб намоён бўлади. Ҳар ким ва ҳамманинг эркин ривожланишини қарор топтириш учун кураш билан боғлиқ бўлган ҳар қандай жараён теран тарихий мазмун касб этади. Ўз шахсиятини намоён этиш учун курашни инсон ҳам табиий, ҳам ўз фаолияти натижасида вужудга келган стихияли кучларга қарши олиб боради.

Одамзот, яъни инсоният тарихи вақт ўтиши билан ўзининг ҳар томонлама, кенг ривожланиш қобилиятини йўқотмайди, балки уни касб этади ва кўп қарра кучайтиради. Тарихий ривожланиш жараёнида жамиятнинг имкониятлари доираси қисқармайди, балки кенгайиб боради. Бу инсоният улғайгани сари қаримаслигини яна бир қарра тасдиқлайди. Ижтимоий муносабатлар ривожлангани сари янада етукроқ, мукамалроқ тус олади, чунки тарихий жараёнга янги ва янги омиллар қўшилади, табиатнинг кўр-кўрона детерминизмига нисбатан инсоннинг мустақиллиги ошади.

Давр руҳи ва ижтимоий вақт уйғунлиги. Давр руҳи тушунчаси ижтимоий вақт умумий категорияси билан бевосита ва табиий боғланиши лозим. У ичдан, яъни ўз мазмуни томонидан ва сиртдан – давр руҳи замондошлар ҳаётида, уларнинг турмуш тарзи ва фикрлаш услубини шакллантиришда бажарувчи функциялар нуқтаи назаридан ўрганилиши даркор.

Ҳар бир даврнинг ўз руҳи бор, чунки давр – бу айти ҳолда инсон авлоди вақтидир. Бу ерда замондошлар ижтимоий-тарихий авлодининг маънавий дунёси ҳақида гапириш ўринли бўлади. Авлоднинг маънавий дунёси кўп сонли, баъзан ўз хусусиятига кўра бир-бирига зид бўлган омиллар мажмуи

¹ Жўраев Н. Тарих фалсафасининг назарий асослари.-Т.: Маънавият, 2006. –Б 67.



п таъсирида шаклланади. Аммо бу омиллар орасида моддий ҳаёт зиддиятлари биринчи даражали аҳамият касб этади. Ушбу зиддиятлар ижтимоий вазибаларни илгари суриш, жамиятда ижтимоий манфаатларнинг ривожланиши, баъзан уларнинг кутблашувини белгиловчи объектив асос сифатида амал қилади. Моддий ҳаёт зиддиятлари мураккаб воқеалар ва жараёнларда, хронологик замондошлар уларда ўйнайдиган ўта ранг-баранг ва хатто қарама-қарши ролларда ўзини намоён этади.

Одамлар мазкур авлодининг фаолияти қанча мазмунли ва изчил бўлса, унда кенг халқ оммаси иштирок этса, давр руҳи шунча кучли бўлади, у тарихда шунча чуқур из қолдиради, шунча кўп қаҳрамонларни яратади, келажак авлодларга шунча гўзал ва жозибали бўлиб туюлади. Замондошлар фаолиятининг мазмуни, моҳияти ва мақсадлари, улар ўз мақсадларига эришиш учун танловчи ва фойдаланувчи шакллар, усуллар ва воситалар, юз бераётган ижтимоий воқеалар жараёни ва натижасига қўмаклашувчи ва уларга бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатувчи тарихий шароитлар мажмуи одамлар авлоди яшаётган даврга алоҳида, бетакрор руҳ ва тус бахш этади. Бу фаолият, бу воқеаларни уларнинг иштирокчилари ўз бошларидан кечирадилар; уларни келажак авлодлар англаб етадилар, баҳолайдилар ва қайта баҳолайдилар. Баъзан юз берган воқеанинг асл мазмуни ва моҳияти орадан анча вақт ўтганидан сўнг аён бўлади.

Аммо ўтмишга бўлган муносабат келажак нуқтаи назаридан қанчалик ўзгармасин, тарихий воқелик инсоният онгида қай даражада улкан ва сабоқ бўладиган аҳамият касб этмасин, биринчи манбани – ўз вақтида юз берган воқеаларнинг бевосита иштирокчилари ва ташкилотчилари миёсида туғилган ғоялар ва тушунчалар, қачонлардир уларнинг қалбини жунбушга келтирган ва фаол ҳаракатларга даъват этган эмоциялар ҳақидаги билим ўрнини ҳеч нарса ва ҳеч қачон боса олмайди. Бу ғоялар ва тушунчалар, тасаввурлар ва туйғулар, улар кейинчалик оқилона ва муносиб ёки сохта ва тубан деб эътироф этиладими, йўқми – бундан қатъий назар, авлод маънавий ҳаётининг мазмунини ташкил этганлар ва шу туйғулар ҳам замондошларнинг амалий ишлари учун жавобгар бўлганлар.

Давр руҳи – авлоднинг амалий ақли турли тарихий замонларда ижтимоий муносабатларнинг умумий ривожланиш даражасига ва жамиятнинг етуқлик даражасига қараб турлича мазмун касб этади, асосан онгнинг у ёки бу шаклларида мужассамлашади. Маълумки, ўрта асрларда мафкуравий ҳаёт деярли тўлиқ дин билан белгиланган, ўта радикал ғоялар ҳам, ўта консерватив ғоялар ҳам бу даврда дунёвий ва ҳақиқий ҳаётга бутунлай бегона бўлган шакл-шамойил касб этган. Бошқа замонда эса бу роль ўзга турлар ва жанрларга ўтган: масалан, XX асрнинг 30–40-йиллари Ўзбекистонда бадиий адабиёт ижтимоий ғоялар жарчисига, умуммиллий минбарга айланган. Ижтимоий тафаккур тарихини ўрганиш турли халқларда турли тарихий босқичларда ўз даврининг етакчи ғоялари бунёдкори ва ташувчиси ролини одатда онгнинг ўзида назарий мазмунни ўта эмоционал, ёрқин шакл билан бирлаштирган шакллари ва даражалари ўйнаганини




п кўрсатади. Мафкура одамлар онги ва қалбини эгаллаган тақдирдагина чинакам моддий кучга айланиши мумкин.

Айни шу сабабли давр руҳи эҳтирослардан холи, совуққон онг бўлиши мумкин эмас. Мазкур онг қадрият сифатида майдонга чиқади, инсонга ҳаётда йўл кўрсатади, шу туфайли ҳам у бошқарувчи хусусият касб этади. У ҳозирги замонни мақбул ва кутилган келажак нуқтаи назаридан англаб етишдир. Бунга замондошлар авлодининг ўз аждодларига, анъаналарга бўлган муносабати, яъни ўтмишга муносабат ҳам киради. Шундай қилиб, авлод руҳи нафақат юзаки, балки ички вақт мезонларига ҳам эга бўлади: у муайян даражадаги ижтимоий-тарихий ривожланиш маҳсули бўлиш билан бир вақтда ижтимоий воқеликнинг ўзи гувоҳи бўлаётган жараёнлари ва воқеаларига ўз муносабатини билдиради. Давр руҳининг ички мезонлари замондошлар авлоди фаолиятининг субъектив йўналиши ва мўлжалларига, бу орқали эса – жамиятда кутилаётган ўзгаришларнинг хусусиятига, юзага келган тарихий вазиятда одамлар танлашга ҳаракат қилаётган йўлга ишора қилади.

Индивидуал онг замирида ҳам, ижтимоий онг замирида ҳам ижтимоий вақтни англаб етиш ётади. Авлод онги бу муносабатда алоҳида ўрин эгаллайди. Гносеологик субъект сифатида ижтимоий-тарихий авлод индивид ва жамият ўртасидаги оралиқ бўғиндир. Аммо бу ҳол онг муаммосини ўрганишда доим ҳам эътиборга олинавермайди. Замондошлар авлоди кишилиқ тарихининг горизонтал кесими, яъни вақтнинг муайян, хронологик жиҳатдан ихчам қисмида олинган жамиятдир. Шу туфайли ҳам авлод тарихий ҳаракатни, ўз борлиғи вақтини англаб етиши ижтимоий онг механизмини ҳаракатга келтирувчи бирламчи, бошланғич омил ҳисобланади.

Авлод онги, бинобарин, умуман онг замирида ётувчи вақтни англаш ташқи дунёнинг объектив жараёнлари ҳақидаги назарий билим сифатидагина эмас, балки энг аввало омманинг фаол ёндошуви ва субъектив манфаатлари, унинг хоҳиш-иродаси ифодаси сифатида майдонга чиқади. Уни вақт муаммосини назарий, яъни илмий ва фалсафий, концептуал англаб етиш билан боғлаш мумкин эмас, чунки мазкур муаммо ривожланган ва етук маданият кун тартибига анча кеч қўйилган ва ҳатто ҳозирги замон ижтимоий онгининг таркибий тузилмасида ҳам унинг энг юксак даражаларига тегишлидир.

Давр руҳи реал ижтимоий вақт (авлод вақти) маҳсули ва айни пайтда замондошларнинг унга бўлган субъектив муносабати сифатида авлоднинг ўз ўзликни англаш жараёнини белгилайди. Бу давр руҳининг ижтимоий ва гносеологик функцияси ҳисобланади. Ижтимоий борлиқ соҳасида зиддиятлар қанча кескин ва кучли, ижтимоий онг структураси қанча мураккаб бўлса, давр руҳи шунча кучли ва етук даражада бўлади. Ҳамонки ижтимоий онг ижтимоий борлиқнинг инъикоси ҳисобланар, ижтимоий инъикос эса ўз табиати ва моҳиятига кўра воқеликни илдамроқ акс эттирар экан, ижтимоий муносабатлар ривожланиши билан инсон онгининг илдам хусусияти кучайиб боради, айни шу заминда инсон миясида барча ғоялар ва тасаввурлар туғилади, деган умумий хулосага келиш мумкин. Одамларнинг муайян,



п

конкрет авлоди тарихий ҳаракатнинг реал, бевосита ташувчиси бўлгани боис, мавжуд ижтимоий борлиқ ҳақида замондошларнинг тасаввури объектив ижтимоий вақтга бўлган муносабат шакли (яъни ижтимоий мўлжал) сифатида инсон ўзлиги фаол ишлашини таъминловчи ички манбани, ижтимоий онгнинг барча шакллари ва даражалари маҳкамланадиган ўзига хос «синч»ни ташкил этади.

Шундай қилиб, вақтни ҳис қилиш унга дахлдор бўлиш демакдир. Аммо бу авлоднинг ўз ўзлигини англаши ҳамдир, зеро замондошлар ягона мақсадга эришишга қаратилган умумий ишларда онгли равишда иштирок этган тақдирдагина ўзларини яқдил ва бирдам ҳис қилишлари мумкин. Шундагина «ўз-ўзидаги» авлод «ўзи учун» авлодга айланади.

Ижтимоий макон. Макон ва вақт муносабатларининг янада мураккаброқ манзараси ижтимоий тузилмаларда кузатилади. *Ижтимоий макон бу инсоннинг дунёга муносабати билан белгиланган, инсон фаолияти ва амалиётининг ўзига хос хусусиятларига тарихий боғлиқлигидир.* У алоҳида инсоний маъно касб этади ва биосфера, сайёра ва коинот даражасидан бир вақтда ўрин олади, шу билан бирга инсон яратган инфратузилма, ўзлаштирилган ҳудудлар, фойдаланилаётган сув ва фазо океанлари, жамулжам ҳолда инсон яшайдиган маконга айланган коинот кенгликлари кўринишида улардан ажралиб туради. Бунда кўламли структуралар ўз ҳолича, хаотик тарзда вужудга келмайди, балки жамият эволюцияси объектив жараёнларининг маҳсули ҳисобланади ва муайян халқларнинг турмуши ва маданиятини, уларнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш даражасини, маълум вақт руҳини ўзида акс эттиради. Буларнинг барчаси пировардида «иккиламчи табиат»ни ташкил этадиган тегишли архитектура, ўзгартирилган ландшафт ва шу кабиларда ўз аксини топади.

Хулосалар. Макон ва вақт ҳақидаги фалсафий қарашларни умумлаштириб ва бу категориялар мазмунини дунё ҳақидаги ҳозирги табиий-илмий билимлар билан бойитиб, юқорида айтилганлар нуқтаи назаридан макон ва вақтнинг асосий хоссаларини қайд этиб ўтамиз. Жумладан, *макон кўламлилиқ, бир жинслилик ва кўп ўлчовлилиқ билан тавсифланадиган мавжудлик тартиби, вақт эса давомлилиқ, орқага қайтмаслик ва изотроплиқ, яъни мумкин бўлган барча йўналишларнинг тенг ҳуқуқлилиги хос бўлган воқеаларнинг ҳаракат тартиби ва кетма-кетлигидир.*

Макон ва вақт – материя мавжудлигининг асосий шакллари акс эттирувчи фалсафий категориялардир. Дунё борлигининг ҳар қандай ҳодисаси макон ва вақт кўрсаткичларига эга. Макон турғунликнинг, объектив борлиқ мазмунини сақлашнинг энг умумий шакли ҳисобланса, вақт – унинг ривожланиш шакли, мавжудлиги ва ўз-ўзидан йўқ бўлишининг ички мезонидир.

Вақтга муайян муносабат замондошларнинг дунёкарашида, уларнинг маънавий дунёсида, халқ ижоди (эпоси)нинг мазмунида, оддий, оммавий онг соҳасида ва ҳоказоларда намоён бўлади. Ҳар қандай назариялар ва концепциялардан фарқли ўлароқ, бу соҳа амалдаги тарихий ривожланиш жараёнига, юз бераётган воқеаларга мазкур авлоднинг бевосита








п муносабатини акс эттиради. Ўз-ўзидан равшанки, бу ерда мазкур мавзуда умумий фикр-мулоҳазаларгина билдирилиши мумкин; ушбу нуқтаи назардан мазмунли ва конкрет таҳлил эса кенгроқ ва мураккаброқ мустақил илмий тадқиқот вазифасини ташкил этган бўлур эди.

Тажрибавий амалий матнлар

Макон, вақт, субстанционал ва реляцион концепция, электромагнит назарияси, эфир, объектив идеализм, абсолют макон концепцияси, Эвклид геометрияси, нисбийлик назарияси, гравитация, маконнинг кўп ўлчовлилиги, макон ва вақтнинг чексизлиги, метрик хосса, давомлилик, лаҳза, топологик хосса, кўлам, вақт тартиби, макон ва вақтнинг динамик ва статик концепциялари, ижтимоий макон, ижтимоий вақт.

Қўшимча ва тушунтирувчи матнлар







п

Макон ва вақтни онгдан
ташқарида мавжуд

Улар фақат идрокда
мавжуддир

Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар

1. Макон ва вақтга субстанционал ёндошувнинг аҳамияти нимада намоён бўлади?
2. Макон ва вақтга реляцион ёндошувнинг аҳамияти нимада?
3. Макон ва вақтнинг топологик хоссалари қайсилар?
4. Ижтимоий макон ва вақтнинг нисбатини тушунтиринг.

Реферат мавзулари

1. Макон ва вақтнинг реляцион ва субстанциал концепциялари.
2. Маконнинг уч ўлчовлиги ва вақтнинг бир ўлчовлиги мезонлари
3. Ижтимоий вақт концепциясининг фалсафий талқини
4. Даврнинг руҳи ва тарих вақти уйғунлиги

Билим ва кўникмаларни баҳолаш материаллари

1. Макон ва вақт концепцияларининг тарихда шаклланган икки муҳим ва бир-биридан бутунлай фарқ қиладиган йўналишлари қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- А. Субстанциал ва реляцион
- Б. Рационал ва иррационал
- В. Чекли ва чексиз
- Г. Чизикли ва ночизикли

2. Қайси концепцияда макон ва вақт материя ва онгга боғлиқ бўлмаган мустақил моҳиятлар сифатида қаралган?

- А. Субстанциал
- Б. Реляцион
- В. Рационал
- Г. Иррационал

3. Макон ва вақтни мустақил моҳиятлар сифатида эмас, балки реал дунё объектлари ва жараёнлари ўртасидаги алоҳида муносабатлар сифатида тушуниш макон ва замоннинг қайси концепцияга хос?

- А. Реляцион
- Б. Чизикли



- п
В. Чексиз
Г. Субстанционал

4. Материя борлигининг барча объектлар мавжудлигининг давомийлигини ва кейинги ҳолат ўзгаришларини тавсифловчи шакл сифатида қайси фалсафий категория таърифланади?

- А. Вақт
Б. Макон
В. Замон
Г. Жисм

5. Дунёда мавжуд барча жисмлар маконда неча ўлчамга эга?

- А. Уч
Б. Тўрт
В. Икки
Г. Кўп

6. Ушбу таъриф қайси ёндашувга нисбатан берилган: макон ва вақт борлиқнинг нарсалар ва жараёнлардан алоҳида ва уларга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлган шакллари.

- А. Субстанционал
Б. Реляцион
В. Метафизик
Г. Диалектик

7. Ушбу таъриф қайси ёндашувга нисбатан берилган: макон ва вақт объектлар ўртасида уларнинг мавжудлиги билан белгиланган муносабатлар тизими.

- А. Реляцион
Б. Субстанционал
В. Метафизик
Г. Диалектик

8. Субстанционал ёндашув асосчилари қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- А. Демокрит, Платон
Б. Фалес, Анаксимен
В. Аристотел, Гераклит
Г. Демокрит, Фалес

9. Демокрит, Эпикур ва Лукреций Кар таълимотларига кўра, макон қандай таърифланган?

- А. Объектив, бир хил ва чексиз
Б. Ҳар хил, чекли, субъектив
В. Ўзгармас ва чекланган



п
Г. Чексиз ва адабий

10. Реляцион атамасининг луғавий маъноси қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- А. Лт, relativus – нисбий
- Б. Юн, relativus – нисбий
- В. Юн, relativus – нисбий
- Г. Лт, relativus – мавҳум

11. Реляцион йўналишининг асосий хусусияти қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- А. Макон ва вақт мустақил моҳиятлар сифатида эмас, балки реал дунё объектлари ва жараёнлари ўртасидаги алоҳида муносабатлар сифатида тушунилади.
- Б. Макон ва вақт материя ва онгга боғлиқ бўлмаган мустақил моҳиятлар сифатида тушунилади.
- В. Макон ва вақт борлиқнинг нарсалар ва жараёнлардан алоҳида ва уларга боғлиқ бўлмаган моҳиятлари сифатида тушунилади.
- Г. Макон ва вақт олам мавжуд бўлишининг асосий хусусиятлари сифатида тушунилади.

12. Макон нарсаларнинг кўламини, ўзаро жойлашиш тартибини, узлукли ёки узлуксизлигини ифодаласа, вақт ходисалар кетма-кетлиги, ... ифодалайди.

- А. Жараёнларнинг давомийлигини
- Б. Чеклиликни
- В. Чексизликни
- Г. Узлуклили

13. Макон ва вақт муаммосига объектив идеализм нуқтаи назаридан ёндашган файласуфларни топинг?

- А. Авлиё Августин, Д.Юм, И.Кант
- Б. И.Кант, Дж.Беркли
- В. А.Богданов, Авлиё Августин
- Г. Ф.Гегел, И.Кант

14. Субъектив-идеалистик ёндашув учун макон ва вақт тасавурларнинг жойлашув усули, бинобарин, улар ўз келиб чиқилишининг психологик манбаига эга. Шу ёндашув вакиллари кимлар?

- А. Дж.Беркли, Пирсон, А.Богданов
- Б. И.Кант, А.Богданов
- В. Дж.Беркли, Авлиё Августин
- Г. Пирсон, Лобачевский



п

15. Ушбу фикрлар муаллифни топинг: “Илгари қандайдир мўъжиза юз бериб, барча моддий нарсалар бирдан йўқ бўлиб қолса, макон ва вақт қолади, деб ҳисоблашган. Нисбийлик назариясига кўра, эса, бу ҳолда нарсалар билан бирга макон ва вақт ҳам йўқ бўлиб кетган бўлади”.

А. А.Эйнштейн

Б. Н.Бор

В. Н.Винер

Г. Лобачевский

16. Материалистик ёндашувга кўра, макон ва вақтни онгдан ташқарида ва ундан қатъий назар мавжуд, яъни улар мавжудлигининг объектив хусусиятини қайд этади. Мазкур ёндашув кимлар томонидан илгари сурилган?

А. И.Ньютон, А.Эйнштейн

Б. Гаусс, Риман

В. Лобачевский, И.Ньютон

Г. Гаусс, А.Эйнштейн

17. Макон нима?

А. Нарсаларнинг кўламлилиги ва ўзаро жойлашувини тавсифловчи муносабатлар тизими

Б. Жараёнларнинг давомлилиги ва кетма-кетлигини тавсифловчи муносабатлар тизими

В. Нарсаларнинг мавжудлик давомийлигини белгилувчи муносабатлар тизими

Г. Жараёнларнинг моҳиятини, генезисини ташкил қилувчи тизими

18. Вақт нима?

А. Жараёнларнинг давомлилиги ва кетма-кетлигини тавсифловчи муносабатлар тизими

Б. Нарсаларнинг кўламлилиги ва ўзаро жойлашувини тавсифловчи муносабатлар тизими

В. Нарсаларнинг мавжудлик давомийлигини белгилувчи муносабатлар тизими

Г. Жараёнларнинг моҳиятини, генезисини ташкил қилувчи тизими

19. Маконнинг топологик хоссалари деганда нима тушунилади?

А. Маконнинг бир хиллиги, изотроплик

Б. Бир йўналишлилик, муайян ўлчовлилиқ, орқага қайтмаслик

В. Жараёнларнинг кетма кетлиги ва узлуклилиқ

Г. Жараёнларнинг давомлилиги ва кетма-кетлиги тизими

20. Вақтнинг топологик хоссалари деганда нима тушунилади?

А. Бир йўналишлилик, муайян ўлчовлилиқ, орқага қайтмаслик

Б. Маконнинг бир хиллиги, изотроплик



п

В. Жараёнларнинг кетма кетлиги ва узлуклилиги

Г. Жараёнларнинг давомлилиги ва кетма-кетлигини тавсифловчи муносабатлар тизимилиги

21. Макон ва вақтнинг концепциялари қайси жавобда тўғри кўрсатилган топинг?

А. Динамик концепция

Б. Статик концепцияси ва Динамик концепцияси

В. Метафизик концепцияси ва субстанционал концепцияси

Г. Диалектик концепцияси ва субстанционал концепцияси

22. концепция вақт жараёнларининг, шу жумладан вақт оқимининг объектив борлигини, яъни ўтмиш, ҳозир ва келажак воқеалари ўртасида реал физик фарқлар мавжудлигини тан олади.

А. Динамик концепция

Б. Статик концепцияси

В. Метафизик концепцияси

Г. Диалектик концепцияси

23. концепцияси - объектив вақт жараёнлари мавжудлигини инкор этмаган ҳолда, вақтнинг ўтмиш, ҳозир ва келажакка бўлинишини рад этади.

А. Динамик концепция

Б. Статик концепцияси

В. Метафизик концепцияси

Г. Диалектик концепцияси

24. Ушбу фикр муаллифни топинг: «Ер аҳолисининг 70% ўтмишда (турли ўтмишда), 25% - ҳозирги даврда, 3% - келажакда яшайди, қолганлар эса маргиналлар бўлиб, улар ҳар қандай вақтдан ташқаридадир».

А. А.Эйнштейн

Б. Н.Бор

В. Н.Винер

Г. Э.Тоффлер

25. Ижтимоий вақт узунлиги - бу?

А. Ҳаёт цикллари босқичларининг кетма-кетлиги сифатида

Б. Фаолият турларининг миқдорий ранг-баранглиги сифатида

В. Индивиднинг ўзи иштирок этаётган фаолият турларидаги фаоллик даражаси сифатида

Г. Ҳаёт цикллари босқичларининг кетма-кетлиги ва миқдори сифатида

26. Ижтимоий вақт кенглиги - бу?

А. Ҳаёт цикллари босқичларининг кетма-кетлиги сифатида



п

- Б. Фаолият турларининг миқдорий ранг-баранглиги сифатида
- В. Индивиднинг ўзи иштирок этаётган фаолият турларидаги фаоллик даражаси сифатида.
- Г. Ҳаёт цикллари босқичларининг кетма-кетлиги ва миқдори сифатида

27. Ижтимоий вақт чуқурлиги - бу?

- А. Ҳаёт цикллари босқичларининг кетма-кетлиги сифатида
- Б. Фаолият турларининг миқдорий ранг-баранглиги сифатида
- В. Индивиднинг ўзи иштирок этаётган фаолият турларидаги фаоллик даражаси сифатида.
- Г. Ҳаёт цикллари босқичларининг кетма-кетлиги ва миқдори сифатида

28. Ижтимоий вақт қандай турларга бўлинади?

- А. Индивид вақти ва авлод вақтига бўлинади.
- Б. Индивид вақти ва фаолият ақтига бўлинади.
- В. Индивид вақти ва аждод вақтига бўлинади.
- Г. Тўғри жавоб йўқ.

29. Немис файласуфи ва мантиқчиси «Вақт нима?», деган саволга жавоб беришга ҳаракат қилиб, вақт ўтмишдан келажак сари ҳаракатланади, «ҳозир» ўтмишни келажакдан ажратувчи ҳозирги вақтдир, ўтмиш ҳеч қачон орқага қайтмайди ва биз ўтмишнинг тарихий «баёни»га эга бўлишимиз мумкин, лекин келажакни баён қилиш, бу билан боғлиқ имконга эга бўлишимиз мумкин эмас деган таърифларни ишлаб чиққан.

- А. Ганс Рейхенбах
- Б. Н.Бор
- В. Н.Винер
- Г. Э.Тоффлер

30. Инсонда вақт сезгиси унинг мия ритмлари, хусусан, мия фаоллигини тавсифловчи «альфа» ритм билан боғлиқ, деган тахминни илгари сурган файласуфни топинг?

- А. Ганс Рейхенбах
- Б. Норберт Винер
- В. Н.Винер
- Г. Э.Тоффлер




1. Маърузани олиб бориш технологияси

<i>Талабалар сони:</i>	<i>Вақти:</i> 2 соат
<i>Машғулот шакли</i>	Кириш мавзуси бўйича маъруза
<i>Маъруза режаси</i>	1.Харакат тушунчасининг фалсафий тахлили 2.Фалсафа тарихида материя ва харакатнинг ўзаро нисбати ҳақидаги тасаввурлар 3.Харакат типлари
<i>Машғулотнинг мақсади:</i> Ўқув фани ҳақида умумий тасаввурни шакллантириш, харакат борликнинг яшаш шарти ҳақида тушунча ҳосил қилиш.	
<i>Педагогик вазифалар</i>	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i>
Харакат тушунчасининг фалсафий тахлили ҳақида тушунчалар бериш.	Харакат тушунчасининг фалсафий тахлили ҳақида талабаларга тушунчалар берилди.
Фалсафа тарихида материя ва харакатнинг ўзаро нисбати ҳақидаги тасаввурлар ҳақида тушунча бериш.	Фалсафа тарихида материя ва харакатнинг ўзаро нисбати ҳақидаги тасаввурлар ҳақида талабаларга тушунчалар берилди.
Харакат типлари шакли ҳақида тушунча бериш.	Харакат типлари ҳақида талабаларга тушунчалар берилди.
<i>Ўқитиш усуллари ва техника</i>	Маъруза, «ақлий хужум», Т-схема, мунозара, муаммоли вазиятлар усули.
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Маъруза матни, тарқатма материаллар, слайдлар, проектор.
<i>Ўқитиш шакллари</i>	Жамоа, тўғридан-тўғри ва гуруҳларда ишлаш.
<i>Ўқитиш шарт-шароити</i>	Техник воситалар билан таъминланган аудитория.
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Оғзаки назорат, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш.

2. Маърузанинг технологик картаси

<i>Иш жараёнлари вақти</i>	<i>Фаолиятнинг мазмуни</i>	
	<i>ўқитувчи</i>	<i>Талаба</i>
I-босқич. Фанга ва мавзуга кириш. (20 минут)	1.1. Ўқув фани номини айтиб, фан доирасида дастлабки умумий тасаввурни беради ҳамда услубий ва ташкилий томонлари билан таништиради.	Тинглайдилар.
	1.2. Фан бўйича ўтиладиган барча мавзулар билан таништиради, уларнинг узвийлиги ҳақида қисқача маълумот беради.	Тинглайдилар.
	1.3. Фан якунида қўйиладиган рейтинг баҳолаш мезонлари билан таништиради	ЎУМ га қарайдилар.
	1.4. Фанни ўзлаштиришда фойдаланиш учун зарур бўлган адабиётлар рўйхати билан таништиради.	ЎУМ га қарайдилар.
	1.5. Ўқув машғулоти мавзуси билан	Мавзу номини ёзиб



П

	таништиради ва унинг мақсади, ўқув фаолияти натижаларини баён қилади.	оладилар.
	1.6. Мавзу юзасидан ақлий ҳужум қоидаси асосида дарс ўтказишни таклиф этади. Талабалар томонидан айtilган фикрларни ёзиб боради ва умумлаштиради	Тушунчаларни эркин фикр орқали билдиради.
II-босқич. Асосий (50 минут)	2.1. Мавзу режаси ва таянч тушунчалар билан таништиради.	Тинглайдилар.
	2.2. Маърузани режа бўйича тушунтиради, ҳар бир режани ниҳоясида умумлаштиради. Жараён компьютер слайдларини намоиш қилиш билан олиб борилади	Тинглайдилар. Слайдга эътибор қаратади, уни ўзига ёзиб олади ва саволлар беради.
	2.3. Ҳар бир режани мустаҳкамлаш учун қуйидагича саволлар беради: 1.Материя ва ҳаракат бирлиги 2. Фалсафа тарихида материя ва ҳаракатнинг ўзаро нисбати ? 3.Ҳаракатнинг абадийлиги?	Саволларга жавоб берадилар, эркин баҳс-мунозара юритадилар.
	2.4. Таянч ибораларга қайтилади. Талабалар иштирокида улар яна бир бор такрорланади.	Ҳар бир таянч тушунча ва ибораларни муҳокама қиладилар. Конспект қиладилар.
III-босқич. Яқуний босқич. (10 минут)	3.1. Т-схема техникасидан фойдаланилган ҳолда жуфт-жуфт бўлиб ишлаш учун тингловчиларга: ҳаракат борлиқнинг яшаш шартига оид савол ёзилган тарқатма материаллар тарқатади. Ушбу техника орқали мавзу бўйича яқунловчи хулоса қилади.	Мустақил Т-схемани тўлдирадилар. Эркин фикрини баён этади.
	3.2. Талабаларнинг фаолиятига баҳо қўйилади ва рағбатлантирилади.	Эшитади.
	3.3. Келгуси машғулотга тайёргарлик кўриш учун топшириқлар ва фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати берилади.	Эшитади ва ЎУМ га қарайдилар.



ҲАРАКАТ - БОРЛИҚНИНГ ЯШАШ ШАРТИ

Борлиқнинг яшаш шарти (атрибутилиги) ҳаракат эканлиги муаммоси дунёда мутлақ ҳаракатсизлик ҳолатида бўлган моддий объектлар чиндан ҳам йўқ ва бўлиши мумкин эмасми ёки бўлиши мумкинми, деган саволга жавоб топишдан иборат. Агар бундай объектлар бўлиши мумкин бўлса, у ҳолда ҳаракат материянинг атрибути (умумий, узвий, универсал хоссаси) эмас, балки модуси (унинг бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин бўлган айрим хоссаси)дир. Сўнгги ҳолат айрим моддий жисмлар ҳаракатда, айримлари эса доимий ҳаракатсизлик ҳолатида бўлишини англатади. Бироқ бу ҳолда айрим мазкур жисмларни нима ҳаракатга келтиради?


«Материясиз ҳаракат, ҳаракатсиз материя бўлмайди», «моддий ҳаракат ва ҳаракатланаётган материя айни бир нарсалардир», «материянинг ҳаракатдан маҳрум ҳолати ҳақидаги тасаввур энг асоссиз ва бемаъни тасаввурлардан биридир»* қабилидаги фикрлар ҳамма биладиган оддий ҳақиқатга айланган. Унда ҳаракатнинг атрибутилиги, ҳаракатни яратиб ҳам, унга йўқотиб ҳам бўлмаслиги, ҳаракат материя каби абадий ва чексиз эканлиги қайд этилади. Аниқроғи, бу хулосалар қоида даражасига кўтарилади. Аммо бундай хулосалар юқорида зикр этилган саволга жавобнинг мумкин бўлган ягона вариантими? Умуман, ҳаракатнинг атрибутилиги муаммоси фалсафа тарихида қандай ечилган? Бу саволга жавобни умуман ўзгаришлар ҳақида тасаввурга эга бўлишдан бошлаймиз.

Ўзгаришларнинг умумий хусусияти. Бизни қуршаган дунёнинг муҳим хусусияти – Коинотда ва унинг барча таркибий қисмларида юз берадиган тинимсиз ўзгаришлардир.

Табиатнинг ўзгарувчанлиги фалсафа пайдо бўлишидан анча олдин маълум бўлган, фалсафа вужудга келгач эса, масалаларнинг мазкур доираси алоҳида ўрганиш предметиға айланди ва вақт ўтиши билан унинг негизида фалсафий билимларнинг махсус бўлими – диалектика юзага келди. Унинг (яхлит таълимот сифатидаги) илдизлари қадимги юнон фалсафасига, хусусан «Ҳамма нарса оқиб, ўзгариб туради», «Дарё сувига икки марта тушиб бўлмайди» каби машҳур иборалар муаллифи Гераклит ижодига бориб тақалади. Шундан бери объектив борлиқнинг турли-туман микдор ва сифат ўзгаришларини ифодалаш учун «ҳаракат» ва «ривожланиш» категориялари қўлланилади.

Ҳозирги замон фалсафасида «ҳаракат» тушунчаси «кенг» маънода умуман ҳар қандай ўзгариш ҳақидаги тасаввур сифатида талқин қилинади. Ҳаракатни умуман ўзгариш сифатида тушуниш ҳаракат турларининг бутун ранг-баранглигини унинг муайян бир турига боғлаш тўғри эмаслиги ҳақида огоҳлантиради ва ҳаракат шакллариининг умумий хусусияти ҳамда, бири-бирига айланиш қобилиятига ишора қилади. «Умуман ўзгариш» деганда,

* Масалан, Зенон апориялари



п
бизнинг улар ҳақидаги фикр-мулоҳазаларимиздан қатъий назар, объектив мавжуд бўлган барча ўзгаришлар, турли жараёнлар назарда тутилади.

Ҳаракат ва ҳаракатсизликнинг ўзаро нисбати. Фалсафада ҳаракат нафақат турли жисмларнинг маконда механик силжиши сифатида, балки табиий жараёнлар ва ҳодисалар ҳолатларининг ҳар қандай ўзгариши сифатида ҳам тушунилади. Кенгайиб бораётган Метагалактика ҳам, ўзаро таъсирга киришаётган элементар зарралар ҳам, кўпаяётган, моддалар алмашинувини амалга ошираётган тирик ҳужайралар ҳам, ижтимоий жараёнлар ва ҳоказолар, шу жумладан фикрлаш фаолияти жараёнлари ҳам ҳаракатда бўлади.

Агар биз бирон-бир табиий объект ёки ҳодисани уларнинг табиий ҳолатида англаб етмоқчи бўлсак, «ҳаракат» тушунчасини четлаб ўтишимиз мумкин эмас. Бир қарашда, оддий онг нуқтаи назаридан бу нотўғри, зеро, айтайлик, Альп тоғлари ёки Миср эҳромларини кузатар эканмиз, биз улар абадий *ҳаракатсизлик* ҳолатида эканлигининг гувоҳи бўламиз. Аммо бу *ҳаракатсизлик нисбийдир*. Умуман олганда, бутун Коинот улкан айланма ҳаракат ҳолатида бўлиб, бу ерда бизнинг сайёрамиз Қуёш атрофида, у билан бирга – бизнинг галактикамиз маркази атрофида, у билан бирга эса – галактик система маркази атрофида айланадиган кичик бир заррадир.

Ҳаракатсизлик ҳолатидаги нарсалар структураси ҳам тинимсиз ўзгариш жараёнини бошдан кечиради, чунки узлуксиз ҳаракатда бўлган элементар зарралардан ташкил топади. Температура ўзгаришлари, кимёвий таркиб ўзгаришлари ва шу кабилар бундай ҳаракатнинг ташқи кўринишлари ҳисобланади. Шунингдек, атомлар ва молекулалар ҳам Коинотда юз берган эволюция жараёнлари маҳсулидир. Улар бизнинг Метагалактикамиз мавжудлигига замин ҳозирлаган Катта портлашдан кейингина вужудга келган. Бунинг устига ҳозирги замон географияси қитъалар бир-бирига нисбатан силжишини исботлади. Улар ажралган муз бўлаклари каби Ернинг қайноқ магмаси бўйлаб йилига бир неча сантиметр тезликда ҳаракатланади.

Шундай қилиб, *ҳаракат абадий ва йўқ бўлмас, материядан ажралмас ва мутлақдир*. *Ҳаракатсизлик эса нисбий бўлиб, ўткинчи хусусиятга эга*. Ҳаракат шунинг учун ҳам мутлақки, у умумий аҳамият касб этади ва (ҳаракатсизликдан фарқли ўлароқ) бирон-бир ташқи омилга боғлиқ бўлмайди. Оқилона нуқтаи назардан у боқийдир, чунки дунёда унинг боши ҳам, охири ҳам кўринмайди ва замирида камида икки куч – тортиш ва итариш ётувчи ҳар қандай борлиқнинг ўз-ўзидан ҳаракати сифатида амалга ошади.

Фалсафа тарихида материя ва ҳаракатнинг ўзаро нисбати ҳақидаги тасаввурлар. Ҳаракатни диалектик тушуниш куртакларига Гераклит асарларидаёқ дуч келамиз. *У оловни барча ўзгаришлар субстанцияси сифатида тавсифлаб, биринчи моддий асос доимо ўзи билан бирга, айни вақтда, доимий ўзгариш ҳолатида бўлиши ҳақидаги фикрни содда образли шаклда ифодалаган*. Гераклит ҳаракатни микдор жиҳатидан оддий жойдан-жойга кўчиш сифатида эмас, балки узлукли ва узлуксиз, барқарор ва ўзгарувчан нарса ҳамда жараёнларнинг ўзаро нисбати нуқтаи



п назаридан тушунтиришга ҳаракат қилган. Антик даврдаёқ *Гераклит*, ундан кейин *Эпикур* ҳар қандай ҳаракат манбаини ички жараёнларнинг қарама-қаршилигидан топган.

Айни шу антик даврда тушунчалар мантиқида ҳаракат жараёнини мантиқий далиллар ёрдамида тушуниб етиш билан боғлиқ қийинчиликлар қадимги файласуф ва математик Зенонни машҳур апорияларни таърифлашига туртки берди. *Апория* – муҳокамалардаги зиддият туфайли ҳал этиб бўлмайдиган ёки ҳал этилиши мушкул бўлган ҳолат, мантиқий қийинчилик, муаммо. Зеноннинг «Ахиллес ва тошбақа», «Учаётган камон ўқи» каби апориялари, ҳиссий тасаввурларга зид ўлароқ, ҳаракат материянинг атрибути эканлигига шубҳаланишга мажбур қилган. «Ахиллес ва тошбақа» апорияси мазмунига кўра, чопқир Ахиллес ҳайвонот оламининг энг укувсиз югурувчиси тошбақани қувиб бормоқда, деб фараз қилинади. Бундан Зенон Ахиллес ҳеч қачон тошбақага етолмайди, деган мантиқий хулоса чиқаради. Зенон бу апориясида куйидагича фикр юритади: «Бирор одам А нуқтадан В нуқтага бориши лозим бўлсин. У В нуқтага ета оладими?» Зенон бу саволга йўқ, деб жавоб қилади. Чунки А нуқтадан В нуқтага қараб йўл олган одам, аввало, шу масофанинг тенг ярмидан ўтиши зарур. Бу масофанинг тенг ярмига етиши учун эса, шу ярим масофанинг яна ярмини ўтиши зарур. Ярим масофанинг ярмига етиши учун эса, қолган масофанинг ярмидан ўтишига тўғри келади. Хуллас, оралиқ масофа чексиз миқдордаги ярим бўлақларга бўлиниб кетади. Чексиз ярим бўлақларни босиб ўтиш учун эса чексиз вақт лозим. Ҳеч ким чексиз вақт яшай олмайди. Шундай экан, ҳеч қачон у А нуқтадан В нуқтага етиб бора олмайди. Буларнинг ҳаммаси ҳаракат жараёнини формал-мантиқий тавсифлаш мушкуллигини кўрсатади.

Айрим файласуфлар Зенон апорияларини рад этиш учун сезги органларига суянганларида, бунда ҳам анча асосли эътирозлар топилган. Сезги ҳаракатни «кўриши» қадимги фалсафа вакиллари–элеатлар томонидан тан олинган, лекин ақл уни «тушуниш»ни хоҳлаши ва тушуна олмаслиги қайд этилган. Ақл моҳиятни, сезгилар эса ҳодисалар ва кўз илғайдиган нарсаларни ўрганишини ҳисобга олсак, элеатлар мантиқига кўра, айнан моҳиятда ҳаракат мавжуд эмас. Зенон ҳаракатни зиддиятсиз тарзда тавсифлаш мумкин эмаслигини кўрсатолгани эътироф этилган. Бинобарин, ҳаракат қарама-қаршилиқ демакдир. Зенон апорияларининг алоҳида қиммати шундаки, улар амалда мавжуд қарама-қаршилиқларни кўрсата олган. Балки, шунинг учун бўлса керак, кўплаб қадимги манбаларда Зенон диалектика асосчиси сифатида қайд этилади. Зеноннинг ўзи асарларини Пармениднинг «Ҳамма нарса бир» деган шиорини «Ҳамма нарса кўпдир» деган қарама-қарши ёндашувдан ҳимоя қилиш учун ёзганини таъкидлаган. Зенон кўпгина асарларининг дунёга келишига унинг баҳсга ўчлиги сабаб бўлганини айтишни хуш кўрган.

Ҳаракатни ўрганишнинг муҳимлигини барча файласуфлар теран англаган. Аристотель ҳаракатни билмаслик сабабларни билмасликка олиб келади, деб ҳисоблаган ва борлиқнинг турлари қанча бўлса, ҳаракат ва ўзгаришларнинг турлари ҳам шунча, деб қайд этган. Унинг фикрича,



п

«Микдор учун кўпайиш ва камайиш, сифат учун – ўзгариш, макон учун – кўчиб юриш, моҳият учун – вужудга келиш ва йўқ бўлиш мавжуд»¹. Ҳаракатнинг қуйидаги турларини фарқлаш лозим: вужудга келиш, йўқ бўлиш, ўзгариш, кўпайиш, камайиш, кўчиб юриш. Аммо Аристотель жонсиз, пассив материя концепциясини ривожлантириб, пировард натижада, муайян биринчи ҳаракатлантиргич – ҳар қандай фаолликнинг негизи сифатидаги соф шакл ҳаракат манбаидир, деган хулосага келди. Бинобарин, ҳаракат материянинг атрибути эмас, балки унинг модуси, айрим хоссаси ва белгисидир; у фақат биринчи туртки воситасида берилади. Шунинг учун бўлса керак, фалсафий тафаккур ривожланишининг кейинги анча узоқ даври мобайнида ҳаракат материянинг атрибути сифатида қаралмади, балки унинг айрим ва қўшимча хоссаси ҳисобланди.

Шарқнинг буюк мутафаккири Форобий фикрича ҳаракат ва сукунатнинг ибтидоси бирон-бир нарсага ёки иродага бориб тақалмаса, уни табиат деб аташ мумкин. Ҳаракат вақт билан белгиланган. Ҳаракат ибтидо ва интиҳо билан чегараланмаган². Ибн Сино фикрича ҳаракат вужуди мумкиннинг ички моҳиятидан келиб чиқади ва осойишталик билан мавжуд бўлади. Ҳаракат бу ашёлар, воқеаларда содир бўладиган ўзгаришдир³.

Уйғониш даври мутафаккирлари ҳар қандай борлиқ – оламдан тортиб майда заррагача – унга хос бўлган руҳ томонидан ҳаракатга келтирилади, деган фикрни илгари сурдилар. Улар *панпсихизм* – *бутун оламни илоҳийлаштириш таълимотига асосландилар*.

Янги давр механикаси мазкур ёндашув мутлақо асоссизлигини кўрсатди. Механика нуқтаи назаридан, бирон-бир жисмни ҳаракатга келтириш учун унга қандайдир ташқи куч таъсир кўрсатиши лозим. XVII-XVIII асрларда механиканинг ривожланиши, у айрим номеханик ҳодисаларни (масалан, иссиқлик ҳодисалари, ҳаттоки, физиологик ҳодисаларни) тушунтиришда эришган ютуқлар шунга олиб келдики, ҳаракатга анча тор маънода механик ҳаракат, яъни маконда оддий кўчиб юриш сифатида қарала бошланди. Умуман олганда, метафизик ёндашувларнинг номукамаллиги сўзнинг ўз маъносига ҳаракатни, унинг алоҳида тури – кўчиб юриш билан тенглаштириш; ҳаракатга атрибут эмас, балки модус сифатида қараш; биринчи турткининг зарурлигига ишонч билан боғлиқ эди.

Бундай ёндашувларнинг номукамаллигини кўпгина мутафаккирлар билишган. Масалан, инглиз материалист файласуфи Жон Толанд (1670-1722) динни танқид қилар экан, ҳаракатни материя атрибути, деб тан олган. У «Мен ҳаракатни материянинг муҳим хоссаси, деб биламан. Бошқача айтганда, ўтказмаслик ва кўламлилиқ материя табиатига қандай хос ва у билан узвий бўлса, ҳаракат ҳам материя табиатига шундай хос ва у билан узвийдир. Бинобарин, ҳаракат материя таърифидан унинг таркибий қисми

¹ Аристотель. Сочинения. Т.1. –М.: 1996. –С.81.

² Қаранг: Форобий // Фалсафа қомусий луғат. –Т.: Шарқ, 2005. -Б.431

³ Қаранг: Ибн Сино // Фалсафа қомусий луғат. –Т.:Шарқ, 2005. -Б140



п сифатида ўрин олиши лозим», деб ёзган¹. Ж.Толанд ҳаракатнинг барча шакллари механикага боғламаган, балки уни умумий ички фаоллик сифатида тушунган. Ҳаракатнинг атрибутлилигини француз материалист файласуфи Дени Дидро (1713-1784) ҳам исботлашга ҳаракат қилган. Унинг фикрига кўра, «Мутлақ ҳаракатсизлик табиатда мавжуд бўлмаган абстракт тушунчадир», «Ҳаракат материянинг узунлик, чуқурлик, кенглик каби ҳақиқий хоссасидир»². Д.Дидро механицизмни, яъни ҳаракатни маконда кўчиб юришгагина боғлашни рад қилишга ҳаракат қилди. У табиат абадий ҳаракат ва ривожланишда бўлади, деб ҳисоблаган. Унинг фикрича, борлик бир шаклда ҳалок бўлади ва бошқа шаклда вужудга келади, материянинг фаоллигини ўз-ўзидан ҳаракат ғояси билан тушунтириш мумкин.

Ўз-ўзидан ҳаракат ғояси материянинг ички зиддиятлилиги, шунингдек, хилма-хиллиги билан белгиланади. Материя сон-саноксиз ҳар хил сифатли элементлардан ташкил топади. Уларнинг тўқнашуви ва ўзаро таъсири абадий ҳаракат, ўзгариш ва ривожланишни тушунишга ёрдам беради.

Француз материалистлари асосий эътиборни ҳаракатнинг ички манбаига қаратиб, «ҳаракат» тушунчасининг энг мазмунли таърифини топишга ҳаракат қилдилар. П.Гольбах ҳаракат механизмини ёритар экан, унинг икки турини фарқлашни таклиф қилди. Биринчи – «жисмларнинг жойдан-жойга кўчишидан иборат бўлган массалар ҳаракати»; бундай ҳаракатни биз бевосита кузатишимиз мумкин. Масалан, биз тош қандай тушаётгани, шарнинг юмалаётгани, қўл ҳаракатланаётгани ёки ҳолатини ўзгартираётганини кўришимиз мумкин. Иккинчи – «муайян жисмга хос энергияларга, яъни моҳиятга, бу жисм ташкил топган материянинг кўринмас молекулалари уйғунлиги, таъсири ва қарши таъсирига боғлиқ бўлган ички ва яширин ҳаракат». Ҳаракатни у «муайян жисм ўз ўрнини ўзгартириши ёки ўзгартиришга уринишига ёрдам берувчи куч»³, деб таърифлади. Ҳозирги замон фалсафасида «ҳаракат» тушунчаси «кенг» маънода умуман ҳар қандай ўзгариш ҳақидаги тасаввур сифатида талқин қилинади. Ҳаракатни умуман ўзгариш сифатида тушуниш ҳаракат турларининг бутун ранг-баранглигини унинг муайян бир турига боғлаш тўғри эмаслиги ҳақида огоҳлантиради ва ҳаракат шакллари умуумий хусусияти ва бир-бирига айланиш қобилиятига ишора қилади. «Умуман ўзгариш» деганда, бизнинг улар ҳақидаги фикр-мулоҳазаларимиздан қатъий назар, объектив мавжуд бўлган барча ўзгаришлар, турли жараёнлар назарда тутилади.

Ҳаракат типлари. Фанда объектив борлик нарсалари ва ходисалари ҳаракатининг икки асосий типи фарқланади. Уларнинг бири материя, энергия, ахборотнинг маконда силжиши билан боғлиқ бўлиб, ҳаракатланувчи нарсалар ўз муҳим хоссаларини ўзгартирмаслиги, яъни ўз сифатини йўқотмаслиги билан тавсифланади. Булар миқдор ўзгаришлари, макондаги кўчишлар ёки ўрин алмашувидир. Бунга юриб кетаётган одам, қоронғи осмон фонида прожектор нурининг ҳаракати ва ҳатто хаёлда айрим объектлардан

¹ Толанд Дж. // Всемирная энциклопедия. -М.: Современный литератор, 2001.-С.978

² Дидро Д. // Всемирная энциклопедия. -М.: Современный литератор, 2001.-С.110

³ Гольбах // Всемирная энциклопедия. -М.: Современный литератор, 2001.-С.72




п
бошқа объектларга ўтиш мисол бўлиши мумкин. Сўнги зикр этилган ҳолда фикрнинг муайян (масалан, формал мантиқ нуқтаи назардан тўғри ёки нотўғри) йўналишдаги ҳаракати тўғрисида сўз юритилади.

Аммо ҳаракатнинг қайд этилган типи дунёда юз бераётган ўзгаришларнинг бутун ранг-баранглигини қамраб олмайди. Аксарият ҳолларда улар нарсаларнинг ички структурасидаги қайта куриш билан бирга кечадики, бу дастлабки нарса сифатларининг ўзгариши ва у бутунлай бошқа нарсага айланишига сабаб бўлади. *Орқага қайтмаслик ва муайян йўналишга эгаллик хос бўлган ҳаракат типи ривожланиши деб аталади.* Бунда нарса ёки ходиса структурасининг мураккаблашуви, улар ташкил топиш даражасининг юксалиши юз бериши мумкин бўлиб, бу одатда тараққиёт (прогресс) сифатида тавсифланади. *Агар ҳаракат тескари йўналишда – баркамолроқ ва ривожланганроқ шакллардан унча ривожланмаган шаклларга, мураккабдан оддийга қараб юз бераётган бўлса, бу ҳол регрессдир.* Аммо прогресс ва регресснинг кўрсатилган хусусиятларини мутлақлаштириш мумкин эмаслигини эътиборга олиш лозим. Хусусан, бошқарув аппарати тузилмасининг мураккаблашуви ва бюрократиянинг ўсиши доим ҳам прогрессни англатавермайди, нисбатан соддароқ ва айтилиши вақтда самаралироқ ва ишончлироқ машиналар, асбоблар ва механизмлар яратилишининг регрессга ҳеч қандай алоқаси бўлмайди ва кўпроқ бунинг аксидан далолат беради.

Ривожланиш. Жонсиз табиатда *ривожланишга* юлдузларда содир бераётган эволюция жараёнлари; жонли табиатда – турли организмларнинг ўсиши; жамиятда – фан, техника, саноат ишлаб чиқаришининг ўсиши, ижтимоий муносабатларнинг ўзгариши ва шу кабилар мисол бўлиб хизмат қилиши мумкин. *«Ривожланиш» тушунчаси нафақат моддий, балки идеал дунёга, хусусан, инсон тафаккурига нисбатан, масалан, умуман онгнинг ёки айрим фикр, гоя, назариянинг ривожланиши тўғрисида сўз юритилган ҳолда, қўлланилиши мумкин.* Фикрнинг ривожланиши унинг «пишиб етилиши»ни, яъни мураккаблашуви, такомиллашуви, янада аниқроқ маъно касб этиши ва шу кабиларни англатади. Бироқ, шуни таъкидлаш лозимки, нарсалар ва ходисаларнинг объектив дунёсидан фарқли ўлароқ, субъектив конструкциялар (тафаккур, ғоялар, назариялар) ҳаракати ва ривожланишига нисбатан кўлам кўрсаткичлари татбиқ этилиши мумкин эмас. Айтилиши вақтда идеал нарсалар ва ходисалар даражасида ривожланиш жараёнлари, худди моддий нарсалар дунёсидаги каби, *вақтда* кечади.

Ҳозирги замон фалсафасида «ҳаракат» тушунчаси. «Кенг» маънода умуман ҳар қандай ўзгариш ҳақидаги тасаввур сифатида талқин қилинади. Ҳаракатни умуман ўзгариш сифатида тушуниш ҳаракат турларининг бутун ранг-баранглигини унинг муайян бир турига боғлаш тўғри эмаслиги ҳақида огоҳлантиради ва ҳаракат шакллариининг умумий хусусияти ва бир-бирига айланиш қобилятига ишора қилади. «Умуман ўзгариш» деганда, бизнинг улар ҳақидаги фикр-мулоҳазаларимиздан қатъий назар, объектив мавжуд бўлган барча ўзгаришлар, турли жараёнлар назарда тутилади.



п

Ўз-ўзидан ҳаракат ё бутун табиатга, ё унинг юксак даражада уюшган таркибий қисми – тирик организм ва жамиятга хос хусусиятдир. Қотиб қолган материяга мансуб айрим нарса ёки объектга нисбатан ўз-ўзидан ҳаракат, ўз-ўзидан ривожланиш ҳолати хос деб айтиш ўринли эмас. Чунки, ушбу объектни муайян элемент сифатида ўз ичига олган табиат ўз-ўзидан ривожланувчи яхлит тизим ҳисобланади.

Ўз-ўзидан ҳаракат бирон-бир нарсанинг унга ичдан (имманент тарзда) хос бўлган омиллар таъсирида ўзгариш ва ривожланиш жараёнларини ифодаловчи категория сифатида амал қилади. «Ўз-ўзидан ҳаракат» тушунчаси бутун борликнинг субстанционал негизи сифатидаги материя ҳаракат ва ўзгариш жараёни юз бераётганида ўз фаоллигининг пировард сабаби сифатида амал қилади. Ўз-ўзидан ҳаракат шакли сифатидаги фаоллик сиртдан олиб кирилган ташқи куч сифатида тушунилмаслиги керак. Шу муносабат билан: «Бу қандай юз бериши мумкин?», деган савол яхши ривожланмаган, нодиалектик тафаккур учун анча мушкул масала ҳисобланади. Шаклланиш жараёнини қадимги машҳур «panta rei» – «ҳамма нарса оқади» таърифида ифодалаган Гераклит анъанасига, шунингдек, немис файласуфи Ф.Гегелга хос етук методологияга кўра, ўз-ўзидан ҳаракатнинг манбаи зиддият ҳисобланади. Бунда зиддият нарсалар, ҳодисалар ва жараёнларнинг қарама-қарши тенденциялари ҳамда томонларини тақозо этувчи, назарда тутувчи, айтилиш вақтда, инкор этувчи ўзаро таъсир сифатида тушунилади.

Ўз-ўзидан ҳаракат табиатшунослик ва фалсафанинг энг қадимги ғояси ҳисобланади. Унинг юзага келиши борлик ҳаракатининг сабабини тушунтириш, ўз-ўзидан юз бераётган доимий умумий ўзгаришни тан олиш асосида бутун оламдаги ўзгариш жараёнларининг манбаини аниқлашга уринишлар билан боғлиқ. Антик фалсафада барча жисмларга хос бўлган, четдан аралашувсиз юз берадиган табиий ҳаракатни белгиловчи интилиш тўғрисида атрофлича сўз юритилган. Дунё замирида материя билан узвий боғлиқ бўлган қандайдир интилиш, қандайдир ҳақиқий, лекин ғайритабиий куч ётади ва унинг ўз-ўзидан ҳаракатига туртки беради, деб қаралган. Айтилиш вақтда, ўз-ўзидан ҳаракат ғояси барча файласуфлар томонидан яқдиллик билан қабул қилинмаганини ҳам қайд этиб ўтиш лозим. Пармениднинг: «Борлик мавжуд, йўқлик мавжуд эмас», деган машҳур тезиси барқарорлик, ўзгармаслик, муайянликнинг мутлақлигини тан олишни англатган. Бошқача айтганда, бунда ўзининг бошқа ҳолатига айланиш сифатидаги ўз-ўзидан ҳаракат ғоясига ўрин йўқ бўлган дунё тан олинган. Кейинроқ таърифланган неоплатоник Проклнинг тезиси унинг муқобили сифатида амал қилган. Прокл ҳаракат, ўз-ўзидан ҳаракат ва ҳаракатсизликни фарқлашни таклиф қилди. У «Мавжуд ҳамма нарсалар ё ҳаракатсиз, ё ҳаракатдадир, – деган. – Агар нарса ҳаракатда бўлса, у ўзи билан ўзи ёки бошқа нарса билан ҳаракатдадир. Агар у ўзи билан ўзи ҳаракатда бўлса, ўз-ўзидан ҳаракатда, бошқа нарса билан ҳаракатда бўлса – бошқача ҳаракатдадир. Бинобарин,



п
хамма нарсалар ё ҳаракатсиз, ё ўз-ўзидан ҳаракатда, ё бошқача ҳаракатда бўлади»¹.

Шундай қилиб, ўз-ўзидан ҳаракат ғояси дунёни тушуниш концепциялари майдонида бир неча муқобил ёндашувлар билан бирга амал қилади. Бутун борлиқнинг тўхтовсиз ҳаракати ҳақидаги тезис ўз-ўзидан ҳаракат ғоясининг «шерик-рақиблари»дир. «Қарама-қаршиликлар бирлиги» сифатидаги ривожланишдан фарқли ўлароқ, ривожланишга «камайиш ва кўпайиш сифатида, такрорланиш сифатида» қаровчи ёндашув иккинчи муқобилга айланди. Биринчи муқобил метафизик, иккинчиси – диалектик концепция деб номланади ва у мутлақлаштирилади. Собиқ совет даври фалсафасида бундай мутлақлаштириш қуйидагича изоҳланган: «Ҳаракатнинг биринчи концепциясида ўз-ўзидан ҳаракат, унинг ҳаракатлантирувчи кучи, манбаи ва сабаби панада қолади. Иккинчи концепцияда асосий эътибор айнан «ўз-ўзи»дан ҳаракат манбаини билишга қаратилади. Биринчи концепция жонсиз, бўш, юзаки. Иккинчиси – ҳаётий. Фақат иккинчи концепция «бутун борлиқ»нинг ўз-ўзидан ҳаракатини тушуниб етиш, «сакрашлар», «тадрижийликнинг узилиши», «қарама-қаршиликка айланиш», «эскининг йўқ бўлиши ва янгининг вужудга келиши» моҳиятини англаш имконини беради»². Аслида бу қарашларни фалсафий тафаккур ривожидан кўлга киритилган ёндашувлар сифатида тушуниш маъқул.

Ҳаракатнинг умумийлиги, универсаллиги ва атрибутлилигини тан олиш бошқа бир савол туғилишига сабаб бўлади. Ҳаракат жараёнини қандай камраб олиш, уни тушунчалар мантиғида қандай ифодалаш ва тавсифлаш мумкин? Ҳаракатни тушунчалар воситасида, назарий акс эттиришда ҳаракат жараёнининг узлуксизлигини ифодалаш асосий муаммо бўлиб қолмоқда. Билиш тарихи ҳаракатни умумий тушунчаларда уни тўхтатмайдиган, кўполлаштирамайдиган тарзда ифодалаш вазифаси нақадар оғир эканлигини кўрсатади. Жисм бир жойда туради ва сўнгра бошқа жойга кўчади, деб айтиш жисмнинг ўрнини шунчаки қайд этиш, демакдир. У ҳаракатланаётган пайтда биринчи жойда бошқа турмайди, лекин иккинчи жойга ҳам ҳали етиб келмаган бўлади; агар жисм шу икки жойдан бирида турган бўлса, у ҳаракатсиз ҳолатда бўлади. Жисм икки жой ўртасида, деб айтиш ҳеч нарса демаслик билан баробардир, чунки бу ҳолда у яна бир жойда бўлади; демак, айни ҳолда юқорида зикр этилган қийинчилик туғилади.

Ҳаракатланиш шу жойда бўлишни ва айни вақтда, унда бўлмасликни англатади; бу макон ва вақтнинг узлуксизлигидир, айнан у ҳаракатни юзага келтиради. Ҳаракатнинг узлуксизлиги унинг умумийлигини намоён этади, узлуксизлик унинг алоҳида жиҳатини кўрсатади. Ҳаракатдаги умумийлик унинг моҳиятини акс эттиради, бинобарин, ҳаракатни тушуниш ва таърифлаш, унинг моҳиятини англаб етиш учун ҳаракатнинг узлуксизлигини тушунмоқ даркор.

Ҳаракатнинг бир қарашда ғайриоддий туюлувчи ва айни вақтда унинг узлуксизлигини акс эттиришга уриниш кузатилувчи «муайян жойда бўлиш ва

¹ Прокл. // Всемирная энциклопедия. –М.: Современный литератор, 2001. –С.836.

² Чумаков А.Н. Буччило Е. Философия. –М.: Современный литератор, 2007. –С.54




п
айни вақтда унда бўлмаслик», деган таърифини янги замон диалектикаси асосчиси Ф.Гегель ўзига хос тарзда қуйидагича ифодалаган: «Муайян нарса «ҳозир шу ерда» бўлгани учун эмас, балки бошқа «ҳозир у ерда» бўлгани учун ҳаракатланади, модомики, у айни бир «ҳозир» шу ерда ва шу ерда эмас экан, у «шу ерда» ҳам мавжуд, ҳам мавжуд эмасдир»¹. Ҳаракатнинг таърифини топиш йўлидаги изланишлар билан боғлиқ қийинчиликлар ҳаракатни жонсизлантормасдан ва қўполлаштирмасдан тушунчалар мантиғида ифодалаш нақадар мушкул эканини яна бир қарра тасдиқлайди.

Классик метафизиклар ҳаракат деганда, жисмнинг шу вақтда шу жойда, бошқа вақтда бошқа жойда бўлишини тушунади. Бундай ёндашувларнинг нотўғрилиги шундаки, улар ҳаракатнинг ўзини эмас, балки унинг натижасини тавсифлайди; улар ҳаракат имкониятини кўрсатмайди ва ўзида бундай имкониятга эга ҳам бўлмайди; ҳаракатни ҳаракатсизлик ҳолатлари йиғиндиси, уларнинг боғланиши сифатида тасвирлайди, ҳаракатнинг зиддияти яширин, эътибордан четда, панада қолади ёки унутилади.

Диалектика тарафдорлари ҳаракатнинг зиддиятли эканлигини яқдиллик билан тан олади. Бунда айрим диалектиклар асосий зиддиятни вужудга келиш ва йўқ бўлишда кўрса, айримлар макон ва вақтнинг қарама-қаршилигида, яъни макон жиҳатини акс эттирувчи «ўриннинг ўзгариши»да ҳамда вақт кўрсаткичларини тавсифловчи «ҳолатнинг ўзгариши»да кўради. Айрим диалектиклар эса, ҳаракатнинг асосий зиддияти сифатида унинг узлуксизлиги-узлуклилигини қайд этади. Баъзан ҳаракатнинг асосий зиддияти сифатида барқарорлик ва ўзгарувчанлик жараёнлари кўрсатилади. Аммо бунда ҳаракат ва ўзгаришнинг мутлақлигини тан олиш объектлар ёки жараёнларнинг абадий ўзгармаслиги сифатидаги мутлақ ҳаракатсизлик ҳолатини тўла истисно этишини, лекин муқаррар тарзда ҳаракатнинг ташқи қарама-қаршилиги эмас, балки унинг ички зиддиятли моҳиятининг ифодаси ҳисобланувчи нисбий ҳаракатсизлик ҳолатини назарда тутишини тушуниш муҳимдир. Мутлақ ҳаракатсизлик, абадий мувозанат ва сокинлик ҳеч қаерда йўқ. Ҳар қандай ҳаракатсизлик, мувозанат нисбийдир, чунки улар ҳаракатнинг муайян ҳолатлари ҳисобланади. Зиддиятни олиб исбот қилишда, яъни муайян жисм мутлақ ҳаракатсизлик ҳолатида деб фараз қилишда мазкур жисм бу ҳолда ҳеч нарса билан ўзаро таъсирга киришмаслиги, унда ҳеч қандай ички ва ташқи ўзгаришлар юз бермаслиги, у ўзини ҳеч қандай тарзда намоён этмаслиги, бинобарин, бундай жисм амалда йўқлигини тан олиш керак. Бу нол («0») ҳолатини мутлақлаштириш демакдир. Диалектика эса нолни тан олмайди. Барқарор жисмлар сифатида намоён бўлувчи барча моддий объектларда муқаррар тарзда зарралар, атомлар ва молекулалар ҳаракати юз беради. Ҳар бир объект ўзини қуршаган муҳит билан ўзаро таъсирга киришади, бу ўзаро таъсир эса муайян турдаги ҳаракатни ўз ичига олади. Ерга нисбатан ҳаракатсиз ҳолатдаги ҳар қандай жисм у билан бирга Қуёш атрофида, Қуёш билан бирга Галактиканинг бошқа юлдузларига

¹ Гегель // Всемирная энциклопедия. -М.: Современный литератор, 2001. -С.207.



п
 нисбатан ҳаракатланади. Галактика ҳам бошқа юлдузлар системаларига нисбатан ҳаракатда бўлади ва ўзгаради.

Ҳаракатсизликни ҳаракатдан ташқаридаги эмас, балки унинг ўзидаги нисбий мувозанат ҳолати сифатида тушуниш лозим. Нисбий ҳаракатсизлик нафақат ҳаракатни истисно этади, балки, аксинча, унинг муайян ҳолати ҳисобланади.


Ҳаракатсизлик ва ҳаракатнинг қарама-қаршилиги илгари «нарсалар» ва «жараёнлар»ни кескин қарама-қарши қўйишда ифодаланган. Микродунё соҳасидаги билимлар ривожланиши билан бу метафизик қарама-қарши қўйиш ўз маъносини йўқотди. Нарса сифатида микрообъект олинган бўлса, бунда шу нарса ва жараённинг бирлиги, яққол кўринади. Микрообъектнинг корпускуляр ва тўлқин хоссалари бир вақтнинг ўзида ҳам нарса, ҳам жараён сифатида амал қилишини тасдиқлайди. Шу сабабли «воқеа» тушунчаси нисбийлик назариясида фундаментал тушунчага айланган.


Хулосалар. Вақтинчалик барқарорлик ва мувозанат ҳолати сифатида тушунилувчи нисбий ҳаракатсизлик материянинг ҳар қандай муайян ҳолатига хос. У материянинг сифатини намоён этади. Нисбий тинчлик туфайли нарсаларнинг чегаралари мавжуд бўлади, дунё сифат ва микдор ўзгаришларининг ранг-баранглиги сифатида намоён бўлади. Материя ҳаракати шунинг учун ҳам мутлақки, у сирtdан ҳеч нарсага боғлиқ эмас. Шу маънода «Дунёда абадий ҳаракатдаги материядан бошқа ҳеч нарса йўқ» тарзидаги фикрлар ўринли ва асослидир.

Тажрибавий амалий матнлар

Ҳаракат, ўзгариш, ҳаракат ва ҳаракатсизлик, апория, микдор, сифат, панпсихизм, ҳаракат типлари, орқага қайтмаслик, ривожланиш, макон ва вақтнинг узлуксизлиги, барқарорлик, мувозанат.

Қўшимча ва тушунтирувчи матнлар





Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар


1. Ҳаракат ва ўзгариш тушунчаларининг мазмун ва моҳияти, ўхшаш ва ўзига хослигини айтиб беринг?
2. Ҳаракатсизлик нима, унинг намоён бўлишига мисоллар келтиринг.
3. Панпсихизм қандай ғояни илгари суради ва унга сизнинг муносабатингиз?
4. Ҳаракат типларини санаб беринг?
5. Орқага қайтмаслик деганда нима тушунилади ва у жонли, жонсиз ҳамда жамиятда қандай намоён бўлади?
6. Ривожланиш ва тараққиётнинг мазмуни, ўзига хослиги ва фарқларини айтиб беринг?

Реферат мавзулари

1. Ривожланиш ва тараққиёт – ҳаётнинг муҳим хусусияти
2. Фалсафа тарихида ҳаракат ҳақидаги қарашларнинг ривожланиши
3. Ҳаракат ва ривожланиш – ҳозирги замон фани ва фалсафасининг муҳим масалалари
4. Ижтимоий ҳаётда тараққиёт ва инқирознинг намоён бўлиши

Билим ва кўникмаларни баҳолаш материаллари

1. Ҳаракатнинг атрибутлилиги деганда нимани тушунасиз?
 - А. Ҳаракатни яратиб ҳам, тугатиб ҳам бўлмайди, у абадий ва чексиз
 - Б. Ҳаракат материяга боғлиқ эмас
 - В. Ҳаракат фақат онгда мавжуд
 - Г. Ҳаракат ўзининг муайян объектига эга



п

2. Табиатнинг ўзгарувчанлиги ҳақидаги дастлабки қарашлар, изланишлар қайси таълимотнинг вужудга келишига замин бўлди?

- А. Диалектика
- Б. Метафизика
- В. Субстанционализм
- Г. Монизм

3. Ушбу машҳур тезис муаллифини топинг: “Ҳамма нарса оқиб, ўзгариб туради”?

- А. Гераклит
- Б. Аристотел
- В. Гегель
- Г. Демокрит

4. Қуйидаги қайси фикр Гераклит томонидан айтилган?

- А. Дарё сувига икки марта тушиб бўлмайди
- Б. Ер сувда сузади
- В. Энг доно нарса – вақт. Чунки ёлғиз вақтгина ҳамма нарсани ойдинлаштиради.
- Г. Осмон остидаги ҳамма нарса омонатдир.

5. Ижтимоий ҳаётда ҳаракатнинг асосини нима ташкил қилади?

- А. Фикрлаш
- Б. Илм ўрганиш
- В. Тадқиқот олиб бориш
- Г. Фан ва таълим

6. Ҳаракатсиз кўринган объектларда ҳаракатнинг ташқи намоён бўлиши тўғри кўрсатилган жавобни топинг?

- А. Кимёвий таркиб ва ҳароратнинг ўзгариши
- Б. Ранг ва сифатнинг ўзгариши
- В. Силжиш ва нураш
- Г. Элементар зарралар ҳаракати таъсирида ҳажмнинг ўзгариши

7. Ҳаракатга хос сифатлар тўғри кўрсатилган жавобни топинг?

- А. Адабий ва йўқ бўлмас, материядан ажралмас ва мутлақ
- Б. Чекли ва материядан ажралмас
- В. Нисбий ва ўткинчи
- Г. Нисбий ва вақтинчалик

8. Ҳаракатсизликка хос сифатлар тўғри кўрсатилган жавобни топинг?

- А. Нисбий ва ўткинчи
- Б. Адабий ва йўқ бўлмас, материядан ажралмас ва мутлақ
- В. Чекли ва материядан ажралмас
- Г. Нисбий ва материядан ажралмас



п

9. Гераклит ва Эпикур ҳаракатнинг манбаини нимада деб эътироф этган?

- А. Ички жараёнларнинг қарама-қаршилигида
- Б. Ички жараёнларнинг уйғунлигида
- В. Нарса ва ҳодисалар моҳиятининг ўзгарувчанлигида
- Г. Нарса ва ҳодисалар моҳиятининг ўзгармаслигида

10. Апория нима?

- А. Муҳокамалардаги зиддият туфайли ҳал этиб бўлмайдиган ёки ҳал этилиши мушкул бўлган ҳолат, мантиқий қийинчилик, муаммодир.
- Б. Муҳокамалардаги зиддият туфайли қийинчилик билан ҳал этиб бўладиган ҳолат, мантиқий қийинчилик, муаммодир.
- В. Муҳокамалардаги зиддият туфайли ҳал этиб бўлмайдиган ёки ҳал этилиши мушкул бўлган вазиятнинг оқибати ёки натижасидир.
- Г. Фалсафий муаммони ечишга қаратилган топишмоқ ёки натижасидир..

11. Антик давр файласуфи Зенон “Ахиллес ва тошбақа” номи билан машҳур апориясида қандай хулосани исботламоқчи бўлади?

- А. Ҳаракат материянинг атрибути эканлигига шубҳаланиш лозимлигини
- Б. Ҳаракат материянинг атрибути эканлигини
- В. Ҳар қандай ҳаракатнинг муайян макон ва вақтда содир бўлишини
- Г. Ҳаракат ҳаракатсизликнинг натижаси эканлигини

12. Зенон “Ҳамма нарса кўпдир” деган асарини кимнинг қайси асарига қарши ёзган?

- А. Пармениднинг “Ҳамма нарса бир” деган асарига қарши
- Б. Фалеснинг “Оламнинг моҳияти сув” деган асарига қарши
- В. Гераклитнинг “Ҳамма нарса бир” деган асарига қарши
- Г. Аристотелнинг “Метафизика” деган асарига қарши

13. Ушбу фикрлар муаллифини топинг: «Микдор учун кўпайиш ва камайиш, сифат учун – ўзгариш, макон учун – кўчиб юриш, моҳият учун – вужудга келиш ва йўқ бўлиш мавжуд»?

- А. Аристотель
- Б. Фалес
- В. Зенон
- Г. Парменид

14. Аристотел фикрича биринчи ҳаракатлантиргич нима?

- А. Соф шакл
- Б. Зиддият
- В. Мазмун
- Г. Силжиш



п

15. Ҳаракат ва сукунатнинг ибтидоси бирон-бир нарсага ёки иродага бориб тақалмаса, уни табиат деб аташ мумкин, деб ким айтган?

- А. Форобий
- Б. Ибн Сино
- В. Беруний
- Г. Ибн Холдун

16. Ҳаракат вужуди мумкиннинг ички моҳиятидан келиб чиқади ва осойишталик билан мавжуд бўлади, деб ким айтган?

- А. Ибн Сино
- Б. Форобий
- В. Беруний
- Г. Ибн Холдун

17. Панпсихизмнинг моҳияти қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- А. Бутун оламни илоҳийлаштириш
- Б. Бутун оламни зиддиятлардан иборат деб билиш
- В. Оламнинг моҳиятини илоҳийлаштириш
- Г. Ҳаракатни оламни мавжудлик шарти деб ҳисоблаш

18. Қайси даврда бирон-бир жисмни ҳаракатга келтириш учун унга қандайдир ташқи куч таъсир кўрсатиши лозим, деб ҳисобланган?

- А. Янги даврда
- Б. Ҳозирги даврда
- В. Антик даврда
- Г. Энг янги даврда

19. Ушбу фикрлар муаллифни топинг: «Мен ҳаракатни материянинг муҳим хоссаси, деб биламан. Бошқача айтганда, ўтказмаслик ва кўламлилиқ материя табиатига қандай хос ва у билан узвий бўлса, ҳаракат ҳам материя табиатига шундай хос ва у билан узвийдир»?

- А. Ж.Толанд
- Б. Д.Дидро
- В. П.Гольбах
- Г. Д.Юм

20. Ҳаракатнинг атрибутлилигини ёқлаган файласуфлар тўғри кўрсатилган жавобни топинг?

- А. Ж.Толанд, Д.Дидро
- Б. Д.Дидро, Гераклит
- В. Ж.Толанд, И.Кант
- Г. П.Гольбах, Д.Юм

21. Ўз-ўзидан ҳаракат материянинг қандай хусусиятини билдиради?

- А. Материянинг ички зиддиятлилиги, хилма-хиллилигини



- п
Б. Материянинг ташқи таъсирга кириша олиш қобилиятини
В. Материянинг ички тузилишидаги хилма хилликни
Г. Материя тузилишидаги зиддиятлиликини

22. Фанда объектив борлиқ нарсалари ва ходисалари ҳаракатининг асосан неча типи фарқланади?

- А. 2
Б. 3
В. 4
Г. 5

23. Ривожланиш деб нимага айтилади?

- А. Орқага қайтмаслик ва муайян йўналишга эгалик
Б. Баркамолроқ ва ривожланганроқ шакллардан унча ривожланмаган шаклларга, мураккабдан оддийга ҳаракат қилиш
В. Онгининг ёки айрим фикр, ғоя, назариянинг илгариланма ҳаракати
Г. Яшаш учун курашиш

24. Регресс деб нимага айтилади?

- А. Баркамолроқ ва ривожланганроқ шакллардан унча ривожланмаган шаклларга, мураккабдан оддийга ўзгариш
Б. Орқага қайтмаслик ва муайян йўналишга эгалик
В. Онгининг ёки айрим фикр, ғоя, назариянинг илгариланма ҳаракати
Г. Зиддиятлар ўртасидаги кураш

25. Ўз-ўзидан ҳаракат қандай тузилмаларга хос?

- А. Тирик организм ва жамиятга
Б. Материя ва маконга
В. Чегараланган тизимларга
Г. Табиатдаги барча нарса ва ходисаларга

26. Ушбу машҳур ибора муаллифини топинг: «Борлиқ мавжуд, йўқлик мавжуд эмас»?

- А. Парменид
Б. Зенон
В. Гераклит
Г. Прокл

27. Ушбу машҳур ибора муаллифини топинг: «Мавжуд ҳамма нарсалар ё ҳаракатсиз, ё ҳаракатдадир»?

- А. Прокл
Б. Зенон
В. Гераклит
Г. Парменид



п

28. Ҳаракатнинг қайси хусусияти унинг умумийлигини англатади?

- А. Узлуксизлиги
- Б. Аниқлиги
- В. Моддийлиги
- Г. Материяга боғлиқлиги

29. Ҳаракатсизликни қандай изоҳлай оласиз?

- А. Ҳаракатсизликни нисбийлигини эътиборга олиб, уни ҳаракатнинг муайян ҳолати деб ҳисоблаш лозим
- Б. Ҳаракатсизлик ҳаракатнинг ичидаги ҳолат бўлиб, у ҳаракатнинг узлукли ўлчамида вужудга келади
- В. Ҳаракатсизлик мавжуд эмас, бутун борлиқ доим ҳаракатда
- Г. Ҳаракатсизлик ҳаракатга қарши бўлиб, у ўзининг аниқ сифатларига эга

30. Ҳаракатнинг барча шакллари механикага боғламаган, балки уни умумий ички фаоллик сифатида тушунган файласуф тўғри кўрсатилган жавобни топинг?

- А. Д.Юм
- Б. Д.Дидро
- В. П.Гольбах
- Г. Ж.Толанд

31. Микрообъектнинг корпускуляр ва тўлқин хоссалари бир вақтнинг ўзида ҳам нарса, ҳам жараён сифатида амал қилишини тасдиқлайди. Шу сабабли «.....» тушунчаси нисбийлик назариясида фундаментал тушунчага айланган.

- А. Маънавийлик
- Б. Воқеа
- В. Ҳаракат
- Г. Моддийлик




1. Маърузани олиб бориш технологияси

<i>Талабалар сони:</i>	<i>Вақти:</i> 2 соат
<i>Машигулот шакли</i>	Кириш мавзуси бўйича маъруза
<i>Маъруза режаси</i>	1.Харакат шаклларининг умумий тавсифи хақидаги қарашлар эволюцияси 2.Харакат шаклларининг таснифи 3.Материя харакатининг геологик шакли
<i>Машигулотнинг мақсади:</i> Ўқув фани хақида умумий тасаввурни шакллантириш, харакат шакллари хақида тушунча ҳосил қилиш.	
<i>Педагогик вазифалар</i>	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i>
Харакат шаклларининг умумий тавсифи хақидаги қарашлар эволюцияси хақида тушунчалар бериш.	Харакат шаклларининг умумий тавсифи хақидаги қарашлар эволюцияси хақида талабаларга тушунчалар берилди.
Харакат шаклларининг таснифи хақида тушунча бериш.	Харакат шаклларининг таснифи хақида талабаларга тушунчалар берилди.
Материя харакатининг геологик шакли хақида тушунча бериш.	Материя харакатининг геологик шакли хақида талабаларга тушунчалар берилди.
<i>Ўқитиш усуллари ва техника</i>	Маъруза, «ақлий хужум», Т-схема, мунозара, муаммоли вазиятлар усули.
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Маъруза матни, тарқатма материаллар, слайдлар, проектор.
<i>Ўқитиш шакллари</i>	Жамоа, тўғридан-тўғри ва гуруҳларда ишлаш.
<i>Ўқитиш шарт-шароити</i>	Техник воситалар билан таъминланган аудитория.
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Оғзаки назорат, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш.

2. Маърузанинг технологик картаси

<i>Иш жараёнлари вақти</i>	<i>Фаолиятнинг мазмуни</i>	
	<i>ўқитувчи</i>	<i>Талаба</i>
I-босқич. Фанга ва мавзуга кириш. (20 минут)	1.1. Ўқув фани номини айтиб, фан доирасида дастлабки умумий тасаввурни беради ҳамда услубий ва ташкилий томонлари билан таништиради.	Тинглайдилар.
	1.2. Фан бўйича ўтиладиган барча мавзулар билан таништиради, уларнинг узвийлиги хақида қисқача маълумот беради.	Тинглайдилар.
	1.3. Фан якунида қўйиладиган рейтинг баҳолаш мезонлари билан таништиради	ЎУМ га қарайдилар.
	1.4. Фанни ўзлаштиришда фойдаланиш учун зарур бўлган адабиётлар рўйхати билан таништиради.	ЎУМ га қарайдилар.
	1.5. Ўқув машғулоти мавзуси билан	Мавзу номини ёзиб



П

	таништиради ва унинг мақсади, ўқув фаолияти натижаларини баён қилади.	оладилар.
	1.6. Мавзу юзасидан ақлий ҳужум қондаси асосида дарс ўтказишни таклиф этади. Талабалар томонидан айtilган фикрларни ёзиб боради ва умумлаштиради	Тушунчаларни эркин фикр орқали билдиради.
II-босқич. Асосий (50 минут)	2.1. Мавзу режаси ва таянч тушунчалар билан таништиради.	Тинглайдилар.
	2.2. Маърузани режа бўйича тушунтиради, ҳар бир режани ниҳоясида умумлаштиради. Жараён компьютер слайдларини намойиш қилиш билан олиб борилади	Тинглайдилар. Слайдга эътибор қаратади, уни ўзига ёзиб олади ва саволлар беради.
	2.3. Ҳар бир режани мустаҳкамлаш учун қуйидагича саволлар беради: 1. Материя ҳаракат шаклларини таснифлаш? 2. Ҳаракат шаклларини таснифлаш? 3. Материя ҳаракатининг хусусий ва комплекс шакллари?	Саволларга жавоб берадилар, эркин баҳс-мунозара юритадилар.
	2.4. Таянч ибораларга қайтилади. Талабалар иштирокида улар яна бир бор такрорланади.	Ҳар бир таянч тушунча ва ибораларни муҳокама қиладилар. Конспект қиладилар.
III-босқич. Якуний босқич. (10 минут)	3.1. Т-схема техникасидан фойдаланилган ҳолда жуфт-жуфт бўлиб ишлаш учун тингловчиларга: ҳаракат шаклларига оид савол ёзилган тарқатма материаллар тарқатади. Ушбу техника орқали мавзу бўйича якунловчи хулоса қилади.	Мустақил Т-схемани тўлдирадилар. Эркин фикрини баён этади.
	3.2. Талабаларнинг фаолиятига баҳо қўйилади ва рағбатлантирилади.	Эштади.
	3.3. Келгуси машғулотга тайёргарлик кўриш учун топшириқлар ва фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати берилади.	Эштади ва ЎУМ га қарайдилар.



ҲАРАКАТНИНГ ШАКЛЛАРИ

Ҳаракат шаклларининг умумий тавсифи. Ҳаракатни қандай билиш мумкин (зеро, у «умуман ўзгариш» демакдир), деган саволга тўғри жавоб ҳаракатнинг айрим шакллари ни ўрганиш зарурлигини кўрсатишдан иборат бўлади.

«Материя ҳаракатининг шакли» тушунчаси табиат ривожланишининг муайян босқичига хос бўлган алоҳида қонуниятларни қайд этишга хизмат қилади. *Ҳаракат шакли сифат жиҳатидан ўхшаш моддий объектлар ўзгаришларининг ўзига хос типларини ва уларнинг ўзаро таъсири хусусиятларини акс эттиради.* Баъзан материя ҳаракатининг муайян шакли ўзаро таъсирга киришаётган элементлар ўртасидаги боғланишларнинг ўзига хос тизими сифатида ёки муайян қонунларга бўйсуниб белгисига кўра бирлаштирилган ўзгаришлар гуруҳи сифатида таърифланади.

Фалсафа тарихида ҳаракат шакллари ҳақидаги қарашлар динамикаси. Материя ҳаракатининг шакллари билан инсоният ўз тарихи бўсағасидаёқ танишган, хусусан қадимда ишқаланиш кучи ёрдамида ўт ёқиш механик ҳаракатни иссиқликка айлантирган. Буғ машинасининг ихтиро қилиниши тескари жараёндан – иссиқлик энергияси механик ҳаракатга айланишидан далолат берган.

Узоқ вақт ҳукм сурган дунёни идрок этишнинг механистик концепцияси доирасида материя ҳаракатининг барча шакллари бир-биридан миқдор жиҳатидангина фарқ этиши тахмин қилинган. Аммо Гёте даври табиатшунослигидаёқ табиатнинг барча объектлари оддий нарсалар, элементлар, минераллардан ўсимликлар ва ҳайвонлар орқали инсонга олиб келувчи улкан ягона занжир билан ўзаро боғланган, деб ҳисобланган. Немис мутафаккири ва шоири Гёте (1749-1832) дунёни шаклларнинг бош-адоғи йўқ «метаморфоза»лар сифатида тасаввур қилган. Бу тарзда ташкил этилган табиатнинг сифат жиҳатидан фарқланувчи босқичлари ҳақидаги тасаввурлар немис классик идеализми намояндалари Ф.Шеллинг (1775-1854) ва Ф.Гегель (1770-1831) томонидан ривожлантирилган. Шеллинг ўз олдида табиат ривожланишининг барча босқичларини олий мақсад сари йўналишда изчил ёритиш, яъни табиатни онгни яратишдан иборат бўлган мақсадга мувофиқ яхлит тизим сифатида таҳлил қилиш вазифасини қўйган. Ф.Гегель томонидан тавсифланган табиат даражалари у мутлақ ғоя деб номлаган «дунёвий руҳ» ижодий фаолиятининг ривожланиши ва ифодаси сифатида талқин қилинувчи эволюциянинг турли босқичлари билан боғланган. Ф.Гегель механик ҳодисаларнинг кимёвий ҳодисаларга (химизм), сўнгра органик ҳаёт (организм) ва амалиётга ўтиши тўғрисида сўз юритган.

XIX аср охирида материянинг ҳаракат шакллари таснифи ишлаб чиқиляётганида, илмий давраларда фанларни таснифлашга нисбатан контра ёндашув тарқалган эди. Позитивизм асосчиси О.Конт ҳар бир фан предметини материя ҳаракатининг алоҳида шакли ташкил этиши, турли



п
фанларнинг объектлари эса бир-биридан кескин фарқ қилишига ишонган (механика, физика, кимё, биология, социология ва ҳоказо). Шу боис, бу фанларни мувофиқлаштириш тамойили деб номланди. Бунда турли фанлар ўрганадиган объектлар бир-бири билан қандай боғланганлиги ва бир-бирига ўтишига эътибор берилди. Қуйидан олийга, оддийдан мураккабга сари юксалиб борадиган ҳаракатланувчи материянинг прогрессив ривожланиш жараёнини ақс эттириш ғояси туғилди. Механика физика билан боғланиши ва унга ўтиши, физика кимёга, кимё биология ва ижтимоий фанларга ўтишини назарда тутувчи ёндашув (механика → физика → кимё → биология → ижтимоий фанлар) субординация тамойили сифатида ном қозонди. Дарҳақиқат, қаерга назар ташламайлик, биз ҳаракатнинг бошқа шаклларига мутлақо боғлиқ бўлмаган бирон-бир ҳаракат шаклини топа олмаймиз, ҳамма жойда бир ҳаракат шаклининг бошқа ҳаракат шаклига айланиш жараёнларигина мавжуд. Материянинг ҳаракат шакллари ўзаро таъсир ва бир-бирига айланиш узлуксиз-узлукли жараёнида мавжуд бўлади.

Ўша даврда ноорганика соҳасига нисбатан татбиқ этилган (механик, физик, кимёвий) «энергия» тушунчаси фандан мустаҳкам ўрин олган эди. Аммо вақт ўтиши билан жонли ва жонсиз табиат ўртасида аниқ чегара бўлиши мумкин эмаслиги аён бўлди. Ўтувчи шакл ва жонли зиддият - вирус бунинг ёрқин далили бўлди. У органик муҳитга тушгач, ўзини худди тирик жисм сифатида тута бошлади. Ҳолбуки, ноорганик муҳитда вирус ўзини бундай намоён этмас эди. Ф.Энгельс материянинг бир ҳаракат шакли бошқа ҳаракат шаклига ўтишини олдиндан башорат қилди, чунки угача механик ва иссиқлик шакллари ўртасидаги ўтишларгина ўрганилган эди. Тез орада буюк кашфиётлар айнан фанлар туташган жойда, чегарадош соҳаларда юз бериши ҳақидаги тахмин ҳам диққатга сазовор бўлди. Баъзи файласуфлар томонидан табиат ва жамиятни боғловчи шундай чегарадош соҳалардан бири ўрганилиб, антропосоциогенезнинг меҳнат билан боғлиқ назарияси таклиф қилинди. Ўз даврида Дарвин инсон ва маймунни анатомик жиҳатдан қиёсий ўрганиш асосида инсоннинг соф ҳайвоний насл-насаби ҳақидаги хулосага келган эди. Бошқалар эса ижтимоий омиллар ролига, хусусан, инсон ва кишилиқ жамиятининг шаклланиши – антропосоциогенез жараёнида меҳнатнинг алоҳида ролига баҳо бердилар. Бу асосда ишлаб чиқилган *материянинг ҳаракат шакллари таснифлаш* тамойиллари ётади:

- материя ҳаракатининг ҳар бир шакли муайян моддий ташувчи билан боғлиқ бўлиши лозим;
- материянинг ҳаракат шакллари сифат жиҳатидан турлича ва ўзаро боғланмайди;
- тегишли шарт-шароитларда улар бир-бирига айланади;
- материянинг ҳаракат шакллари мураккаблик даражасига кўра фарқ қилади, олий шакл қуйи шакллар синтези сифатида тушунилади. Бунда олий шаклларнинг қуйи шакллардан узоклашишига ҳам, олий шаклларнинг қуйи шаклларга механик боғланишига ҳам йўл қўймаслик муҳимдир;
- моддий тизимларнинг ҳар бир турида бош, олий ва иккинчи даражали, қуйи шакллар фарқланиши лозим;



п

- материя ҳаракат шаклларининг таснифи фанлар таснифининг негизи ҳисобланади.

Ҳаракат шаклларининг таснифи. Ҳаракат шаклларини таснифлашда қайси тамойилларга риоя қилинишига қараб бундай шаклларнинг ҳар хил миқдори фарқланади. XIX асрнинг саксонинчи йилларида материя ташкил топишининг турли даражаларига асосланиб, материя ҳаракатининг беш асосий шакли: *механик, физик, кимёвий, биологик ва ижтимоий* ҳаракатни қайд этган.

- *механик ҳаракат* – турли жисмларнинг маконда бир жойдан бошқа жойга кўчиши: *майда зарралар ҳаракати, катта жисмлар, шу жумладан космик объектлар ҳаракати, материя ҳаракатининг механик шакли бошқа ҳар қандай шаклга кирувчи энг содда шакл сифатида намоён бўлади;*

- *физик ҳаракат* – *электромагнетизм, гравитация, иссиқлик, ёруғлик, овоз, моддалар агрегат ҳолатининг ўзгаришини, физика ўрганувчи иссиқлик, ёруғлик, электр кучини қамраб олади;*

- *кимёвий ҳаракат* – *ноорганик ва органик табиатдаги турли кимёвий реакцияларни, кимёвий синтез жараёнларини ўз ичига олади;*

- *биологик ҳаракат* – *жонли организмларда юз берувчи ранг-баранг биологик жараёнлар;* - *органик ҳаётни қамраб олади. Улар табиат соҳасидаги асосий шакллар ҳисобланади. Улардан юқорида янада олийроқ соҳа – ижтимоий-тарихий жараён мавжуд;*

- *ижтимоий ҳаракат* – *ижтимоий ўзгаришларни, шунингдек фикрлаш жараёнларини қамраб олади.*

Ҳаракат шаклларининг нисбий мустақиллиги. Ҳаракатнинг ҳар бир шакли нисбатан мустақил бўлса-да, уларнинг барчаси бир-бири билан боғлиқ. Ҳаракатнинг мураккаброқ шакли ўзидан олдинги соддароқ шакллар негизида вужудга келади, уларнинг синтези ҳисобланади, лекин уларнинг оддий йиғиндисидан иборат бўлмайди. Масалан, ҳаракатнинг биологик шакли ҳаракатнинг соддароқ физик-кимёвий шакллари негизида вужудга келади, уларни ўзининг шарти сифатида ўз ичига олади ва ҳаракатнинг олдинги шакллари билан таққослаганда унинг бутунлай янги шакли ҳисобланади. Худди шунингдек ҳаракатнинг ижтимоий шакли – кишилик жамиятининг вужудга келиши ва ривожланиши ҳам ҳаракатнинг биологик ва ўзидан олдинги бошқа барча шаклларини ўзининг шарти сифатида ўз ичига олади, лекин уларнинг йиғиндиси эмас, балки ҳаракатнинг бутунлай янги шакли ҳисобланади.

Ҳаракат шакллари ўртасидаги ўзаро муносабатларни тўғри тушуниш мураккаб объектлар ва жараёнларни илмий билиш учун улкан аҳамият касб этади. Кўрсатилган муносабатлар материя ҳаракати турли шаклларининг ўзаро таъсири билан тавсифланади. Материя ҳаракати асосий шаклларининг келтирилган таснифи фан табиат ривожланишининг теран алоқаларини эндигина аниқлай бошлаган XIX асрнинг саксонинчи йилларида яратилган эди. Ўша даврда ҳали кўп нарса номаълум, кўп нарсаларни аниқлаш лозим эди.



п

Фан ривожланишининг ҳозирги тенденцияларини келажакка нисбатан татбиқ этиб, инсоният борлиқнинг янги шаклларини ва ҳаракатнинг юқорида зикр этилганидан ўзгача усулларини кашф этишини анча ишонч билан тахмин қилиш мумкин. Аини ҳолда шуни таъкидлаш лозимки, ҳар қандай схемалаштириш, ҳаракатнинг у ёки бу шакллари, типлари, усулларини фарқлаш доим тўлиқ бўлмайди ва борлиқни билишда эришилган даражанигина акс эттиради. Бундай схемаларни мутлақлаштириш ярамайди. Зеро улар билишнинг муайян мақсадларига хизмат қилади. Бинобарин, улар муттасил ривожланиши, уларга аниқлик киритилиши, такомиллаштирилиши лозим.

Фан ривожланишининг ҳозирги босқичида ҳаракат шаклларининг юқорида келтирилган таснифи тўлдириш ва аниқлик киритишни талаб қилади. Кимё, физика, биологиянинг ривожланиши, комплекс фанларнинг пайдо бўлиши материя ҳаракати шакллари ранг-баранглигининг ягона талқини тўғрисида сўз юритиш имконини бермайди. Шу сабабли янги таснифлар пайдо бўлади. Масалан, информацион-кибернетик ҳаракат, астрономик ҳаракат, галактика доирасидаги ҳаракат, галактикалар ўртасидаги ҳаракат тилга олинади. Материя ҳаракати муаммоларини ёритишда фалсафанинг асосий вазифалари шулардан иборат.

Ҳаракатнинг шакллари бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, бунда ҳар бир кейинги ҳаракат ўзидан олдинги ҳаракатдан келиб чиқади, унга асосланади, бироқ, шунга қарамай, қуйи шакл билан боғланмайди. Ҳаракатнинг мураккаб шаклларини соддароқ шаклларга бундай боғлашга уринишлар фалсафа тарихида «механицизм», «редукционизм» (лот. *reductio* – ортга суриш) деган ном олган, ҳаракат ижтимоий шаклларини биологик шакллар даражасигача содалаштириш биологизаторлик концепцияларида мавжуд.

Дунё, унинг келиб чиқиши ва ривожланиши ҳақидаги ҳозирги тасаввурлар нуқтаи назаридан кўрсатилган шакллар ҳаракатнинг мавжуд ва тахмин қилинган усулларининг бутун ранг-баранглигини акс эттирмайди. Хусусан, элементар зарраларнинг ўзгариш жараёнлари, XIX асрда номаълум бўлган микро- ва макродунё даражасидаги бошқа ўзгаришлар материя ҳаракати механик, физик ва кимёвий шаклларининг ўзаро нисбатига доир масалани янгидан қўймоқда. Бу ерда механик шакл энди барча физик жараёнлар негизи сифатида қаралмайди. Эндиликда биологик ҳаракат ҳам бошқача тушунилмоқда: унинг элементар зарралари, илгари тахмин қилинганидек, оксилли молекулалар эмас, балки XX асрда кашф этилган ДНК ва РНК ҳисобланади. Айрим олимлар ер пўсти ҳамда Ер остида юз бераётган жараёнлар ҳақидаги ҳозирги тасаввурларга асосланиб ҳаракатнинг геологик шаклини фарқламоқдалар.

Материя ҳаракатининг геологик шакли мавжудлиги ҳақидаги тахминни қабул қилсак, материянинг мазкур шакли механик, физик ва кимёвий ўзаро таъсирларни ўз ичига олган дастлабки синтез сифатида амал қилади. Бу қадимги “хаос” категориясида ўз аксини топади. Мазкур категория нафақат тартибга солинмаганлик ва тартибсизлик далили



п сифатида, балки стихияли шаклланиш тамойили сифатида ҳам талқин қилинади. Бу ҳолда органик дунё вужудга келишидан олдинги табиат механик, физик ва кимёвий жараёнларнинг олға қараб ривожланишидан эмас, балки уларнинг умумий, дифференциаланмаган ўзаро таъсиридан ташкил топади. Айни пайтда бунда геологик ва географик омиллар Ерда ҳаёт вужудга келиши учун тарихий шарт-шароит яратган, деб таъкидлаш лозим.

Зилзилалар Ернинг қаттиқ қобиғида катта силжиш, синиш ёки ўпирилишлар юзага келиши ва таъсир энергиясининг тез тарқалиши натижасида рўй бериши ҳақидаги тадқиқотлар материя ҳаракатининг геологик шакли мавжудлигининг далили ҳисобланади. Швед олимларининг фикрича, ер қобиғи муттасил ҳаракатдаги плиталар блокларидан ташкил топади. Улар бир-бирининг устига чиқиб, цунами ва зилзилага ўхшаш табиий аномалияларни вужудга келтиради. Масалан, Швейцария икки плита – Африка ва Европа плиталари туташган ерда жойлашган. Африка плитаси йилига 6-11 мм\тезликда силжиб, Швейцариянинг ҳудудий йўқотишлари «сабабчиси» бўлмоқда. Қадимги Урал ҳам ҳар йили 3-5 см\тезликда Ғарбий Европага яқинлашмоқда.

Қадимги олимлар ер қобиғининг ҳаракатини устки сувлар ва ер остидаги иссиқлик фаолияти билан тушунтирганлар. Дунёвий модданинг ҳаракати космик сабаблар таъсирида ҳам юз берган, жумладан, олис ўтмишда Ер вужудга келганидан кейин унинг юзаси улкан астероидлар урилишидан ларзага келган, сувнинг 1,5 кмгача баландликка кўтарилиши эса рельефни бузган, деган фикрлар ҳам бор.

Баъзан «материя ҳаракатининг геологик шакли» тушунчаси бошқа сайёраларга нисбатан татбиқ этилган. Бундай тахмин ҳаракатнинг универсаллигини намойиш этган, аммо бу айнан Ер сайёрасини кўрсатувчи ва унда зарур компонентлар: сув, кислород, мўътадил ҳарорат режими мавжудлигини назарда тутувчи «гео» атамасига зид бўлган. Ушбу компонентлар мажмуи бошқа сайёраларда учрамаслиги мазкур фикрнинг исботи сифатида талқин қилиш имконини беради.

Собиқ иттифоқ даврида материя ҳаракати шакллариининг беш аъзолик таснифига жиддий аниқликлар киритишга ҳаракат қилинди. Масалан, Б.Кедров таклиф қилган материя ҳаракати шакллариининг таснифи, айниқса, кенг тарқалди. У ҳаракатнинг куйидаги олти асосий: субатом-физик ҳаракат, кимёвий ҳаракат, молекуляр-физик ҳаракат, геологик ҳаракат, биологик ҳаракат, ижтимоий ҳаракат каби шакллариини қайд этди.

Материя ҳаракатининг асосий, хусусий ва комплекс шакллари ҳам мавжуд. Айрим муаллифлар материя ҳаракатининг ягона физик шакли мавжудлигига шубҳа билдиради. Аммо бу фикрга қўшилиб бўлмайди. Барча физик объектлар икки энг умумий физик хосса – масса ва энергияга эга бўлади. Физик нарсалар дунёсига кенг қамровли умумий энергиянинг сақланиш қонуни хосдир.

Материя ҳаракатининг хусусий шакллари асосий шакллар таркибига киради. Масалан, физик материя бўшлиқ, майдонлар, элементар



п зарралар, ядролар, атомлар, молекулалар, макрожисмлар, юлдузлар, галактикалар, метагаллактикани ўз ичига олади.


Материя ҳаракатининг комплекс шаклларига астрономик (метагалактика – галактика – юлдузлар – сайёралар), геологик (планетар жисм шароитидаги материя ҳаракатининг физик ва кимёвий шаклларида иборат), географик (литосфера, гидросфера ва атмосфера доирасидаги материя ҳаракатининг физик, кимёвий, биологик ва ижтимоий шакллари ўз ичига олади) шакллар киради.

Материя ҳаракати комплекс шаклларидаги муҳим хусусиятларидан бири шундан иборатки, уларда пировард натижада материянинг қуйи шакли – физик материя етакчилик қилади; геологик жараёнлар физик кучлар, чунончи, гравитация, босим, иссиқлик билан тавсифланади. Географик қонунлар физик ва кимёвий шартлар ҳамда Ер юқори қатламларининг ўзаро нисбатлари билан белгиланади.

Ҳозирги замон олимлари материя ҳаракатининг техник, кибернетик ва информацион шакллари тўғрисида сўз юритмоқдалар. Бу масалалар кўп жиҳатдан баҳслидир. Аммо шу нарса шубҳасизки, объектив борлиқни янада чуқурроқ ўрганиш нафақат мавжуд таснифларнинг такомиллашувига, балки материя ҳаракатининг янги шакллари тўғрисидаги ғоялар ва назариялар пайдо бўлишига ҳам олиб келади. Зеро, ҳар бир шакл бутун олам универсал ривожланиш жараёнининг имкониятларидан бирини рўёбга чиқаришга хизмат қилади.

Ҳозирги замон методологияси нуқтаи назаридан материя ҳаракат шаклларида оддий чизиқли жойлашуви тўғри эмас. У ҳар бир бўғинда ҳеч бўлмаса иккига – ривожланишнинг асосий ва иккинчи даражали тармоқларига бўлиниши зарур. Биринчи – асосий тармоқ ривожланиш жараёнини келажакда мазкур сифат босқичи доирасидан ташқарига олиб чиқувчи шакллар вужудга келишидан далолат беради. Иккинчи тармоқ мавжуд ҳаракат шаклининг ривожланиш имкониятларини кўрсатади. Масалан, кимёвий бирикмалар органик ва ноорганик бирикмаларга ажрала бошлайди. Мазкур дивергенцияда (иккига бўлинишда) биринчи – органик шакл имкониятли шакл сифатида ривожланиш жараёнини материя ҳаракатининг янги шакли – биологик шаклга олиб келади, имкониятсиз тармоқ ҳисобланган иккинчи шакл биз яшаётган замин, унинг қобиғ ва юзасини тавсифлайди. Материя ҳаракатининг биологик шакли даражасида ўсимликларнинг қуйидан олийга ривожланиши имкониятсиз тармоқ сифатида қаралиши мумкин, чунки бу ривожланиш жараёни ўз табиати чегараларидан четга чиқишигача олиб келмайди. Ҳайвонларнинг ривожланиши сифат жиҳатидан янги объект – инсон пайдо бўлгунгача давом этади. Бу материя ҳаракатининг сифат жиҳатидан бошқа шакли вужудга келганидан далолат беради. Материя ҳаракатининг ҳар бир шаклида макро ва микродаражаларни фарқлаш, шунингдек, умумий ҳамда хусусий қонуниятларни билиб олиш мақсадга мувофиқдир.

Хулосалар. Ҳаракатнинг ҳозирги материалистик талқини замирида уч асосий қоида ётади. Биринчи қоидага мувофиқ ҳаракат материянинг



п


ажралмас, зарур ва муҳим хоссаси, унинг мавжудлик усули ҳисобланади. Иккинчи қоидага мувофиқ ҳаракат ҳар қандай ўзгариш, «умуман ўзгариш» сифатида тавсифланади.

Учинчи қоидага мувофиқ ҳаракат зиддиятдан иборат бўлиб, унинг манбаи, ички омили қарама-қаршиликларнинг ўзаро таъсиридан иборат.

Тажрибавий амалий матнлар

Ҳаракат ва ҳаракатсизлик, материя ҳаракатининг хусусий шакли, ҳаракат ва сокинлик, ўз-ўзидан ҳаракат, мутлақ ҳаракат, материя ҳаракатининг геологик шакли, ривожланиш, ҳаракатнинг типлари .

Қўшимча ва тушунтирувчи матнлар





Мустақил ишлаш учун савл ва топшириқлар

1. Ҳаракат ва ривожланиш бир-биридан қандай фарқ қилади?
2. Ҳаракатнинг ҳозирги замон шакллари қайсилар?
3. Ҳаракат типлари нима?
4. Ҳаракатнинг ҳозирги замон концепцияларини айтиб беринг?
5. Материя ҳаракат шакллари таснифлаб беринг?

Реферат мавзулари

1. Ҳаракат шаклларининг ўзаро боғланиши
2. Ҳаракат ҳақидаги замонавий концепцияларнинг хилма-хиллиги
3. Ижтимоий ҳаракатнинг ўзига хос хусусияти

Билим ва кўникмаларни баҳолаш материаллари

1. Ҳаракат шакли деганда нимани тушунасиз?

- А. Сифат жиҳатидан ўхшаш моддий объектлар ўзгаришларининг ўзига хос типларини ва уларнинг ўзаро таъсири хусусиятларини
- Б. Материя ҳаракатининг муайян шакли ўзаро таъсирга киришаётган элементлар ўртасидаги боғланишларни
- В. Жисмларнинг макон ва вақтдаги ўзгаришини
- Г. Материя сифат ва хоссаларининг макон ва вақтга боғлиқ ўзгаришлари кетма-кетлигини

2. Буғ машинасининг ихтиро қилиниши қайси ҳаракат шакллариининг ўзаро алмашиниши асосида рўй берди?

- А. Иссиқлик энергиясининг механик ҳаракатга айланиши



п

- Б. Потенциал энергиянинг кинетик энергияга айланиши
- В. Механик ҳаракатнинг иссиқ энергиясига айланиши
- Г. Динамик энергиянинг механик ҳаракатга айланиши

3. Қадимда олов ёқишда қандай ҳаракатлар ўзгариши кузатилган?

- А. Механик ҳаракатнинг иссиқ энергиясига айланиши
- Б. Потенциал энергиянинг кинетик энергияга айланиши
- В. Иссиқлик энергиясининг механик ҳаракатга айланиши
- Г. Динамик энергиянинг механик ҳаракатга айланиши

4. Дунёни идрок этишнинг қандай концепциясида материя ҳаракатининг барча шакллари бир-биридан миқдор жиҳатидангина фарқланиши эътироф этилади?

- А. Механистик концепциясида
- Б. Материалистик концепциясида
- В. Идеалистик концепциясида
- Г. Мифологик концепциясида

5. Дунёни идрок этишнинг механистик концепция қайси даврдан шубҳа остида қолди?

- А. XVIII аср охири XIX аср бошларидан
- Б. XVIII аср бошларидан
- В. XIX аср охири XX аср бошларидан
- Г. XX аср охири XXI аср бошларидан

6. Дунёни идрок этишнинг механистик концепцияси дастлаб қайси мутафаккир хулосаларида учрайди?

- А. Гёте
- Б. Д.Дидро
- В. Ш.де Монтескье
- Г. Ж.Ж.Руссо

7. Қайси жавобда дунёни шаклларининг бош-адоғи йўқ «метаморфоза»лар сифатида тасаввур қилган мутафаккир тўғри кўрсатилган?

- А. Гёте
- Б. Ф.Гегель
- В. Ф.Шеллинг
- Г. Ж.Ж.Руссо

8. Оламни ўрганишда қайси олим ўз олдига табиат ривожланишининг барча босқичларини олий мақсад сари йўналишда изчил ёритиш, яъни табиатнинг онгини яратишни асосий вазифа қилиб қўйган?

- А. Ф.Шеллинг
- Б. Ф.Гегель
- В. Гёте



п
Г. Ж.Ж.Руссо

9. Қайси файласуф табиатдаги ҳаракатларни «дунёвий рух» ижодий фаолиятининг ривожланиши ва ифодаси сифатида талқин қилинувчи эволюциянинг турли босқичлари, деб тавсифлаган?

- А. Ф.Гегель
- Б. Ф.Шеллинг
- В. Гёте
- Г. Ж.Ж.Руссо

10.Қайси файласуф механик ҳодисаларнинг кимёвий ҳодисаларга (химизм), сўнгра органик ҳаёт (организм) ва амалиётга ўтишини илк бор таъкидлаган?

- А. Ф.Гегель
- Б. Ф.Шеллинг
- В. Гёте
- Г. Ж.Ж.Руссо

11.XIX аср охирларида материянинг ҳаракат шакллари қандай ёндашувга кўра таснифланган?

- А. Контча ёндашувга асосан
- Б. Гегелча ёндашувга асосан
- В. Шеллингча ёндашувга асосан
- Г. Энгельсча ёндашувга асосан

12.Позитивизм асосчиси қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- А. О.Конт
- Б. Ч.Пирс
- В. Н.Бор
- Г. А.Эйнштейн

13.Қайси файласуф ҳар бир фан предметини материя ҳаракатининг алоҳида шакли ташкил этиши, турли фанларнинг объектлари эса бир-биридан кескин фарқ қилишига ишонган?

- А. О.Конт
- Б. Ч.Пирс
- В. Н.Бор
- Г. А.Эйнштейн

14.Материянинг ҳаракат шакллари бир-бири билан қандай алоқа, муносабатда бўлади?

- А. Улар ўзаро таъсир ва бир-бирига айланиш узлуксиз-узлукли жараёнида мавжуд бўлади
- Б. Улар доимий ўзаро таъсир ва бир-бирига айланиш узлукли жараёнида мавжуд бўлади



п

В. Улар ўзаро таъсирга киришмай, алоҳида-алоҳида мавжуд бўлади

Г. Улар узлуксиз муносабатда бўлиб, ўзларининг сифатларини ўзгартирмайди

15. Қайси жавобда материянинг бир ҳаракат шакли бошқа ҳаракат шаклига ўтишини олдиндан башорат қилган мутафаккир тўғри кўрсатилган?

А. Ф.Энгельс

Б. Н.Бор

В. К.Линней

Г. Ч.Дарвин

16. XIX асрнинг саксонинчи йилларида материя ташкил топишининг турли даражаларига асосланиб, материя ҳаракатининг нечта асосий шакли белгиланди?

А. 5 та

Б. 4 та

В. 3 та

Г. 2 та

17. Ҳаракатнинг қайси шаклида турли жисмларнинг маконда бир жойдан бошқа жойга қўчиши назарда тутилади?

А. Механик

Б. Физик

В. Кимёвий

Г. Биологик

18. Ҳаракатнинг қайси шакли электромагнетизм, гравитация, иссиқлик, ёруғлик, овоз, моддалар агрегат ҳолатининг ўзгариши кабиларни камраб олади?

А. Физик

Б. Механик

В. Кимёвий

Г. Биологик

19. Ҳаракатнинг қайси шакли ноорганик ва органик табиатдаги турли кимёвий реакциялар каби жараёнларни ўз ичига олади?

А. Кимёвий

Б. Ижтимоий

В. Физик

Г. Биологик

20. Жонли организмларда юз берувчи ранг-баранг жараёнларни қайси ҳаракат шакли ўрганади?

А. Биологик



- п
Б. Ижтимоий
В. Физик
Г. Кимёвий

21. Фикрлаш жараёнларини қамраб олувчи ҳаракат шакли қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- А. Ижтимоий
Б. Биологик
В. Физик
Г. Кимёвий

22. Ҳаракатнинг мураккаб шакллари соддароқ шаклларга боғланишига уринишлар фалсафа тарихида қандай аталади?

- А. «Механицизм», «редукционизм»
Б. «Механицизм», «контрредукционизм»
В. «Сциентизм», «редукционизм»
Г. «Механицизм», «позитивизм»

23. Информацион-кибернетик ҳаракат қандай ҳолат натижаси ҳисобланади?

- А. Комплекс фанларнинг ривожланиши
Б. Биология ва тиббиёт, информатика фани тараққиёти
В. Ижтимоий-гуманитар фанлар ва фан-техника ривож
Г. Аниқ фанларнинг тараққиёти

24. Фан ривожланишининг ҳозирги босқичида ҳаракат шакллари мавжуд таснифи қониқарли ҳисобланадими?

- А. Қониқарли ҳисобланмайди, фалсафа фани бунга жавоб топиши лозим
Б. Қониқарли ҳисобланмайди, аниқ фан вакиллари бунга жавоб топишлари лозим
В. Қониқарли ҳисобланади, чунки ҳаракат кечадиган макон, яъни олам ўзгармасдир
Г. Қониқарли ҳисобланади, табиий жараёнлар фан ва техника томонидан юқори даражада ўрганилган

25. Биологизаторлик концепциясининг мазмуни нимадан иборат?

- А. Ҳаракатнинг ижтимоий шакллари биологик шакллар даражасигача соддалаштириш
Б. Ҳаракатнинг ижтимоий шакллари физик шакллар даражасигача соддалаштириш
В. Ҳаракатнинг ижтимоий шакллари биологик шакллар даражасигача юксалтириш
Г. Ҳаракатнинг биологик шакллари ижтимоий шакллар даражасигача юксалтириш



п

26. “Хаос” сўзининг маъноси тўғри ва тўлиқ кўрсатилган жавобни топинг?

- А. Тартибга солинмаганлик ва тартибсизлик, стихия ва спонтанлик
- Б. Тартибга солинмаганлик ва тартибсизлик, стихия ва қонун
- В. Тартиб ва қонун
- Г. Логосга зид тушунча, стихия ва спонтанлик, қонун

27. Материя ҳаракатининг қандай шакллари фарқланади?

- А. Асосий, хусусий ва комплекс
- Б. Хусусий ва умумий
- В. Универсал, якка ва комплекс
- Г. Алоҳида ва умумий

28. Элементар зарралар, ядролар, атомлар, молекулалар, макројисмлар, юлдузлар кабилар материя ҳаракатининг қайси шаклига мансуб?

- А. Хусусий шакли
- Б. Умумий шакли
- В. Илмий шакли
- Г. Комплекс шакли

29. Барча физик объектлар қайси умумий физик хоссага эга?

- А. Масса ва энергия
- Б. Ҳажм ва ўлчам
- В. Миқдор ва сифат
- Г. Мазмун ва шакл

30. Астрономик, геологик, географик хусусиятларни ўзида мужассам этган объектлар ҳаракати қайси ҳаракат шаклига мансуб?

- А. Комплекс шакли
- Б. Умумий шакли
- В. Илмий шакли
- Г. Хусусий шакли




1. Маърузани олиб бориш технологияси

<i>Талабалар сони:</i>	<i>Вақти:</i> 2 соат
<i>Машигулот шакли</i>	Кириш мавзуси бўйича маъруза
<i>Маъруза режаси</i>	1. Табиат тушунчасининг фалсафий тахлили 2. Фалсафа тарихида табиатга муносабат 3. Географик мухит ва географик мухит параметрлари тушунчаси
<i>Машигулотнинг мақсади:</i> Ўқув фани ҳақида умумий тасаввурни шакллантириш, табиат фалсафаси ҳақида тушунча ҳосил қилиш.	
<i>Педагогик вазифалар</i>	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i>
Табиат тушунчасининг фалсафий тахлили ҳақида тушунчалар бериш.	Табиат тушунчасининг фалсафий тахлили ҳақида талабаларга тушунчалар берилди.
Фалсафа тарихида табиатга муносабат ҳақида тушунча бериш.	Фалсафа тарихида табиатга муносабат ҳақида талабаларга тушунчалар берилди.
Географик мухит ва географик мухит параметрлари тушунчаси ҳақида тушунча бериш.	Географик мухит ва географик мухит параметрлари тушунчаси ҳақида талабаларга тушунчалар берилди.
<i>Ўқитиш усуллари ва техника</i>	Маъруза, «аклий хужум», Т-схема, мунозара, муаммоли вазиятлар усули.
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Маъруза матни, тарқатма материаллар, слайдлар, проектор.
<i>Ўқитиш шакллари</i>	Жамоа, тўғридан-тўғри ва гуруҳларда ишлаш.
<i>Ўқитиш шарт-шароити</i>	Техник воситалар билан таъминланган аудитория.
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Оғзаки назорат, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш.

2. Маърузанинг технологик картаси

<i>Иш жараёнлари вақти</i>	<i>Фаолиятнинг мазмуни</i>	
	<i>Ўқитувчи</i>	<i>Талаба</i>
I-босқич. Фанга ва мавзуга кириш. (20 минут)	1.1. Ўқув фани номини айтиб, фан доирасида дастлабки умумий тасаввурни беради ҳамда услубий ва ташкилий томонлари билан таништиради.	Тинглайдилар.
	1.2. Фан бўйича ўтиладиган барча мавзулар билан таништиради, уларнинг узвийлиги ҳақида қисқача маълумот беради.	Тинглайдилар.
	1.3. Фан якунида қўйиладиган рейтинг баҳолаш мезонлари билан таништиради	ЎУМ га қарайдилар.
	1.4. Фанни ўзлаштиришда фойдаланиш учун зарур бўлган адабиётлар рўйхати билан таништиради.	ЎУМ га қарайдилар.
	1.5. Ўқув машғулоти мавзуси билан таништиради ва унинг мақсади, ўқув фаолияти натижаларини баён қилади.	Мавзу номини ёзиб оладилар.
	1.6. Мавзу юзасидан аклий хужум қондаси	Тушунчаларни



П

	асосида дарс ўтказишни таклиф этади. Талабалар томонидан айtilган фикрларни ёзиб боради ва умумлаштиради	эркин фикр орқали билдиради.
II-босқич. Асосий (50 минут)	2.1. Мавзу режаси ва таянч тушунчалар билан таништиради.	Тинглайдилар.
	2.2. Маърузани режа бўйича тушунтиради, ҳар бир режани ниҳоясида умумлаштиради. Жараён компьютер слайдларини намоиш қилиш билан олиб борилади	Тинглайдилар. Слайдга эътибор қаратади, уни ўзига ёзиб олади ва саволлар беради.
	2.3. Ҳар бир режани мустаҳкамлаш учун қуйидагича саволлар беради: 1 Табиат тушунчаси? 2 Табиатни диний тушуниш? 3. Географик муҳит тушунчаси?	Саволларга жавоб берадилар, эркин баҳс-мунозара юритадилар.
	2.4. Таянч ибораларга қайтилади. Талабалар иштирокида улар яна бир бор такрорланади.	Ҳар бир таянч тушунча ва ибораларни муҳокама қиладилар. Конспект қиладилар.
III-босқич. Яқуний босқич. (10 минут)	3.1. Т-схема техникасидан фойдаланилган ҳолда жуфт-жуфт бўлиб ишлаш учун тингловчиларга: табиат фалсафасига оид савол ёзилган тарқатма материаллар тарқатади. Ушбу техника орқали мавзу бўйича яқунловчи хулоса қилади.	Мустақил Т-схемани тўлдирадилар. Эркин фикрини баён этади.
	3.2. Талабаларнинг фаолиятига баҳо қўйилади ва рағбатлантирилади.	Эшитади.
	3.3. Келгуси машғулотга тайёргарлик кўриш учун топшириқлар ва фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати берилади.	Эшитади ва ЎУМ га қарайдилар.



ТАБИАТ ФАЛСАФАСИ

Табиат тушунчасининг фалсафий таҳлили. «Табиат» тушунчаси энг муҳим ва кенг қўлланиладиган фалсафий категориялардан биридир. Бу атама бир неча талқинга эга бўлиб, фалсафада кўпинча у кенг, тор ва махсус маънода ишлатилади. Мазкур маъноларнинг ҳар бири, ўзига хос хусусиятга эга.


Табиат тушунчасининг кенг маъноси борлиқни, бутун дунёни барча ранг-баранг шакллари билан жамулжам ҳолда акс эттиради. Бу маънода «табиат» атамаси борлиққа нисбатан татбиқ этилади ва «материя» категориясидан ҳам кенгроқ фалсафий категория сифатида амал қилади, зеро у моддий ва маънавий асосларнинг бирлигидан иборат муайян яхлитлик сифатидаги инсониятни ҳам ўз ичига олган Коинотнинг бутун моддий-энергетик ва ахборот дунёсини қамраб олади. Айни шу маънода «табиат» тушунчаси фалсафанинг борлиқ муаммолари ўрганиладиган соҳаси, яъни онтологияда кенг қўлланилади. Мазкур атама кўрсатилган маънода фалсафада кўпроқ XIX асргача ишлатилган.

Табиат тушунчасининг тор маъноси XIX асрда ҳаётнинг пайдо бўлиши ва Ердаги эволюция жараёнлари муаммоларини тушунишга нисбатан янгича ёндашувлар юзага келиши, шунингдек, инсон дунёда ўз ўрнини англаб етиши билан шакллана бошлади. Шу маънода «табиат» атамаси муайян ҳажмгача торайиб, объектив борлиқнинг биосфера (Ж.Ламарк 1802 йилда биосфера атамасини муомалага киритган), яъни «ҳаёт соҳаси» деб номлаган қисминигина англата бошлади. *Биосфера жонсиз табиатнинг аввалги ривожланиш маҳсули бўлиб, Ернинг ҳаёт кечаётган нозик қатламини ташкил этади.* У атмосфера, гидросфера ва литосферанинг юқори қисмини қамраб олади.

Биосферада инсон алоҳида ўрин эгаллайди. У жонли табиатнинг табиий қисми бўлсада, вақт ўтиши билан унга қаршилик кўрсатувчи фаол асосга айланди. Бу фактни у экология муаммолари йиғилишига қараб англай бошлади. Мазкур муаммолар кескинлашгани сари инсон ўзининг ўзгарган ҳолати ҳақида янада теранроқ мулоҳаза юритиб, табиат ва жамиятнинг ўзаро боғланиши масаласини илмий, фалсафий ва амалий нуқтаи назардан ечишга ҳаракат қила бошлади.

Шу маънода, табиат инсонни қуршаган муҳитни, яъни борлиқнинг биосферадан биологик тур сифатида ўрин олган инсоннинг мавжудлик шароитлари мажмуи сифатида амал қиладиган қисмини англата бошлади.

Шундай қилиб, табиатни ўрганишга нисбатан одатдаги ёндашувлар «биосфера ва инсон» мураккаб системасининг таҳлили ва уни фалсафий англаб етиш ҳисобига сезиларли даражада кенгайди, «табиат» атамаси янгича, янада теранроқ мазмун касб этди. Бу аввало жамиятнинг атроф муҳит билан ўзаро муносабатлари, хусусан иқтисодиёт, ижтимоий ҳаёт соҳасидаги фаол фундаментал тадқиқотлар маҳсули бўлди. Шу сабабли «табиат» атамасининг мазкур маъноси ижтимоий фалсафада айниқса кўп ишлатилади



п

ва одамлар яшайдиган табиий муҳитни ҳам, инсон қўллари билан яратилган (ўзгартирилган) сунъий муҳитни ҳам қамраб олади. Бошқача айтганда, айти ҳолда ўзаро боғлиқлик ва бирликда инсон яшайдиган маконни ташкил этадиган «бирламчи» ва «иккиламчи» табиат назарда тутилади.

«Табиат» тушунчасининг махсус маъносида эътибор муҳокама предметининг илдизлари, фундаментал асосларини ёритишига қаратилади. Бунда, масалан, инсон, у ёки бу ижтимоий ҳодиса, элементар зарра ёки, айтилик, шарсимон чакмоқнинг табиати қандай, деган савол мутлақо ўринли янграйди. Фалсафада кўпинча у ёки бу предмет, жисм, мавжудот ва шу кабиларнинг моҳияти, асосий мазмунини аниқлаш зарурияти пайдо бўлади. Фанда ҳам баъзан муайян ҳодиса, воқеанинг хусусияти ва юз бериш сабабларини аниқлаш талаб этилади. Айти ҳолда мазкур объект ёки ҳодисанинг табиати ҳақида шу маънода сўз юритиладики, унинг моҳияти, шунингдек қолган объектив борлиқ - сўзнинг кенг маъносидаги табиат билан боғланиши аниқланади.

«Табиат» тушунчасининг юқорида зикр этилган учала маъноси ҳам ҳозирги фалсафий ва илмий адабиётларда кенг қўлланилади, аммо унинг иккинчи биосфера, атроф муҳит билан тенглаштириладиган маъноси сўнгги вақтда экология муаммоларига эътибор сезиларли даражада кучайгани муносабати билан айтиқса кенг тарқалди. Айти шу сабабли ҳозирги вақтда «экология», «атроф муҳит» каби тушунчалар ҳам фаол ишлатилмоқдаки, бу ҳақда қуйида батафсилроқ сўз юритамиз. Хуллас, табиатни фалсафий тушунишга бағишланган мазкур бўлимда биз «табиат» категориясидан асосан унинг иккинчи, тор маъносидан фойдаланамиз, чунки у кенг маънода онтологияда ёритиб берилган

Фалсафа тарихида табиатга муносабат. Бутун тарих мобайнида одамлар ўзларининг атроф муҳитга таъсир кўрсатиш қобилиятларини тинимсиз ривожлантирдилар ва такомиллаштирдилар. Шу тариқа жамиятнинг табиат билан ўзаро муносабатлари ҳам ўзгариб борди. Бугунги кунда тарих, археология, география, этнография соҳасида ва бошқа фанларда мавжуд илмий маълумотлар табиатга антропоген таъсир инсониятнинг сон ва сифат жиҳатидан ўсишига мутаносиб равишда тинимсиз кучайиб боргани ва пировард натижада ижтимоий ривожланишнинг асосий босқичларини акс эттирганини тасдиқлайди. Бу босқичларнинг ҳар бирига атроф муҳит билан инсон муносабатларининг ўзига хос шакллари ва унинг онгида табиатнинг ҳар хил инъикоси хосдир. Жумладан “Авесто” китобида сувга тупуриш гуноҳлиги, олов илоҳий мўъжиза эканлиги, қабристонларга, йўл бўйига мевали дарахтларни ўтқазиш мумкин эмаслиги ҳақидаги ғояларнинг илгари сурилиши табиат қадимги даврларда ҳам буюк неъмат сифатида эътироф этилганлигидан далолатдир.

Шуни таъкидлаш лозимки, табиат ва жамият ўзаро боғланишининг у ёки бу босқичларини ажратиш нафақат ишнинг объектив томонига, яъни кўрсатилган ўзаро боғланишларни тавсифловчи табиий ўзгаришларга, балки бундай ажратиш натижасида қандай мақсадлар қўзланишига ҳам боғлиқ бўлади. Айти ҳолда бизни инсоннинг атроф муҳитга таъсири хусусияти ва



п унинг табиатга боғлиқлиги масалалари кўпроқ қизиқтиради. Бундан мақсад қандай қилиб инсон ўзининг аввалги табиатга тўла қарамлик ҳолатидан фан ва техникани фаол ривожлантириб, уларнинг ёрдамида табиатни ўзига бўйсундириб, уни хизматкорига айлантиришга ҳаракат қилиб, пировардида кескин экологик муаммоларни юзага келтирганини кўрсатиб беришдир.

Инсоният тарихининг илк босқичида табиатга муносабат. Ер, океанлар, китъалар ўрни ва уларда яшовчи халқлар ҳақидаги дастлабки тасаввурлар одамларда атиги 300-400 йил муқаддам, Буюк кашфиётлар даври якунланганидан сўнг пайдо бўлди. Бунгача одамлар бир неча минг йиллар мобайнида унча катта бўлмаган ҳудудларда яшадилар.

Ибтидоий одам *термачилик, овчилик, балиқчилик* билан шуғулланиб, ўзининг одатдаги эҳтиёжларини тайёр маҳсулотларни ўзлаштириш билан қондирган, яъни табиат берган неъматлар билан кифояланган. Бу неъматлар унинг атрофида ўсаётган, чопаетган, ўрмалаётган, учаётган, сузаётган ва овқатланиш учун ярайдиган нарсалардан иборат бўлган. Ўша даврда инсон табиатга тўла сингиб кетган ва унга бутунлай қарам эди. У табиатдан ажралмаган ва ўзини унга қарши қўймаган. Айни шу сабабли, ўша даврда фақат озиқ-овқат маҳсулотларининг мавжудлиги ва яшаб қолишни таъминловчи табиий шароитлар билан белгиланган ўзининг оз сонлиги туфайли ибтидоий одам атроф муҳитга сезиларли даражада зарар етказишга кодир эмас эди.

Термачиликдан инсонга унинг кундалик ҳаётида зарур бўлган нарсаларни ишлаб чиқаришга ўтилишига қараб, у табиат ресурсларини ўз хўжалик муомаласига тобора кўпроқ жалб қила бошлади. Шу тариқа инсон ўзи яшаётган муҳитни сезиларли даражада ўзгартирди. Хусусан, *чорвачилик*нинг ривожланиши билан яйловлардан ёввойи ҳайвонлар сиқиб чиқарилди. Ўзларининг одатдаги яшаш жойларидан маҳрум бўлган бу ҳайвонлар сони камайди, айрим турлар эса бутунлай қирилиб кетди.

Инсоннинг деҳқончилик билан шуғулланишга ўтиши табиатда бундан ҳам кучлироқ ўзгаришлар ясади. Одамзот экин майдонларига жой очиш мақсадида ўрмонларга ўт қўйиб, улардаги дарахтларни илдизи билан кўпора бошлади. Одамлар яшайдиган жойларда ландшафтлар хусусияти ўрмонлар камайиши, тупроқ нураши ва шу кабилар натижасида бутунлай ўзгарди.

Кейинчалик ариқлар ва суғориш системалари қурилиб, ер ости бойликлари изчил қазиб олина бошлагач, табиатдан фойдаланиш даражаси кенгайди. Темир пайдо бўлиши билан инсоннинг техник имкониятлари кескин ортди, меҳнат қуролилари такомиллаштирилди, янада мураккаброк муҳандислик ва суғориш иншоотлари пайдо бўлди. Инсон табиатни аста-секин ташқи ва ўзига қарши куч сифатида идрок этиб, табиат билан айний мавжудотдан ундан фарқ қиладиган мавжудотга айланиб борди.

Тошқинлар, ёнғинлар, қурғоқчиликлар, совуқгарчиликлар, бўронлар ва зилзилалар инсоннинг яшовчанлик қобилятини синовдан ўтказди, уни шафқатсиз стихияга қаршилиқ кўрсатиш усулларини излашга мажбур қилди. Ҳавфдан сақланиш ва ўзини ҳимоя қилиш имкониятларининг озлиги инсонда кўрқув ва ишончсизлик, қудратли табиатга бутунлай қарамлик туйғуларини



п
уйғотди. Бундай кайфият инсонни минг йилликлар мобайнида таъкиб қилди ва қадимги халқларнинг турли мифлари ва афсоналарида, шунингдек уларнинг дастлабки диний тасаввурларида ўзининг ёрқин ифодасини топди. Хусусан, сўнгги зикр этилган тасаввурларда Қуёш, Ой ва айрим предметлар алоҳида ўрин эгаллади, уларга сиғиниш талаб этилди. Чакмоқ, яшин, бўрон каби табиий ҳодисалар инсон табиатга эҳтиромсиз муносабатда бўлгани учун унга юборилган ёт кучлар сифатида ёки худоларга итоат этмаганлик учун жазо сифатида талқин қилинди.


Антик даврда табиатга муносабат. Табиатга нисбатан бундай муносабат асосан мил. ав. I минг йилликнинг ўрталарига келиб шаклланди ва назарий тафаккур пайдо бўлиши билан сезиларли даражада ўзгарди. Бу тафаккур ўша даврда дунёқарашнинг алоҳида тарихий шакли сифатида вужудга келган фалсафанинг узвий ва таркибий қисмига айланди. Илк антик файласуфлар, фалсафанинг бош вазифаси улар космос сифатида тушунган дунё нимадан иборат, деган саволга жавоб топиш учун табиатни ўрганишга ҳаракат қилганлар.

Антик даврда табиат инсондан деярли ҳамма нарсада устун бўлган қудратли куч бўлиб қолишда давом этса-да, лекин уни одамзот назарий англаб етиши натижасида табиат муайян қиммат касб этди ва кўп жиҳатдан уйғунлик ва баркамоллик идеали сифатида идрок этила бошлади. Антик файласуфларнинг кўпгина асарлари табиатга ҳурмат кўрсатиш ғояси билан суғорилган бўлиб, табиат билан муросаи мадора қилиш ва унинг қонунларига мувофиқ яшашга чақиради, айни шундай ҳаётни энг муносиб ва мақбул деб эътироф этади.

Қадимги Марказий Осиё зардуштийлик таълимотида ҳам табиатга оқилона муносабатда бўлиш, атроф муҳитнинг экологик тозалилига риоя қилиш ғояси ётади (масалан сувни ифлослантирмаслик, ариқдан оқаётган сувни исътемом қилмаслик).

Умуман олганда, шунга ўхшаш тасаввурларга қадимги ҳинд ва қадимги хитой фалсафаси намояндаларининг асарларида ҳам дуч келиш мумкин. Улар табиатнинг умумий қонунларини билишга ҳаракат қилиш, уларга қаршилиқ кўрсатмаслик ва унга бўйсунуш лозим, зеро инсон уларни ўзгартиришга қодир эмас, деб ҳисоблаганлар.

Ўрта асрлар ва Уйғониш даврида табиат муаммоси. Кейинчалик, христиан ва ислом дини дунёқарашида, табиат билан бирикишни назарда тутувчи бу ёндашув ўрнини табиатга бўлган ўзгача муносабат эгаллади. Натижада, табиат яратилган ва шу боис ўткинчи ва ўзгарувчан деб талқин қилинди. Шу тариқа ўлмас жонга эга Худо ўткинчи табиатдан устун қўйилади. Бундай устун қўйиш натижасида одамларнинг табиий кучлар стихиясига қарамлиги камаймаса ҳам материя ва руҳ нисбати кўпроқ маънавий инсон ва руҳсиз табиий олам тузилишининг турли поғоналаридан ўрин олди. Диний ақидалар боқий, маънавий асос – Худо олий даражада руҳ фойдасига ҳал қилинади. Бу ҳол илоҳий ақидалар фалсафий таълимотлардан устун қўйилган ва аксарият одамлар дунёқарашининг негизини ташкил этган ўрта асрлар фалсафасида айниқса бўртиб намоён бўлади.



п

Антик даврнинг кўпгина қадриятлари ва идеаллари тикланган Уйғониш даври санъат, эстетика ва гўзалликка кучли қизиқиш билан тавсифланади. Бу даврда табиатга гўзаллик ва илҳом манбаи деб қарашга асосланган янгича муносабат юзага келди. Ўз-ўзидан равшанки, мазкур мўлжал реал борликни фаол ўрганиш ва уни янада теранроқ тушуниб етишга рағбатлантирган.

Бу даврда Н.Коперник, Г.Галилей, Н.Кузанский, Ж.Бруно ва бошқа мутафаккирлар ривожлантирган космологик ва натурфалсафий, А.Жомий, А.Навоий илгари сурган гуманистик ғоялар табиатга бўлган янгича муносабат билан бевосита боғлиқ ва маълум даражада шу муносабатлардан келиб чиқади.


Янги даврда табиатга муносабат (аввало илмий нуқтаи назардан) янада фаолроқ ўрганила бошланди. Шу даврдан эътиборан у нафақат назарий ёки эстетик илҳом манбаи сифатида, балки амалий фаолият жабҳаси сифатида ҳам қаралди. Инсонга табиатнинг стихияли кучларини жиловлаш ва ўзига бўйсундириш имконини берувчи табиий қонунлар аниқланди. Табиатнинг инерт жараёнлари инсон ақлининг мутлақ ҳукмига бўйсунishi мумкин ва лозим деб ҳисобланди. Бунинг учун фақат уларни билиш, синовдан ўтказиш лозим.

Табиатни ўзлаштириш, унинг стихиясини табиий қонунларни англаб етиш йўли билан жиловлашга интилиш ўша даврдан бошлаб XX асрнинг ўрталаригача тинимсиз кучайиб борди. Бунга фаннинг ривожланишида эришилган муваффақиятлар, инсонда ўз кучига бўлган ишончни янада кучайтирган техника ютуқлари кўп жиҳатдан кўмаклашди. Табиий қонунларни билиш ва улардан фойдалана олиш инсонга табиатнинг қудратли кучларига қаршилик кўрсатишга амалда ёрдам берди.

Фан-техника тараққиёти юксалишига қараб инсон ўзининг табиатдан чексиз даражада устунлигига бўлган ишончи мустаҳкамланиб борди.

Европада юз берган буржуа инқилоблари табиатни экстенсив ўзлаштиришга қаттиқ тurtки берди. Бу, хусусан, хўжалик муомаласига жалб қилинаётган табиий ресурслар ҳажми ва турларининг кўпайишида ўз аксини топди. Бунга ўша даврда иқтисодий фаолият миқёси хом ашё базаси, яъни қурилиш материаллари ва фойдали қазилмалар мавжудлиги билан деярли чекланмагани ҳам имконият яратди. Энергетика ресурслари ҳам чексиз бўлиб, улар ҳар қандай мамлакатнинг ўсиб бораётган ишлаб чиқариш эҳтиёжларини қондириш учун етарли эди. Агар улар бир жойда камайса ёки тугаса, бошқа минтақаларга мурожаат этишнинг ўзи кифоя эди. Гап фақат у ёки бу конлардан фойдаланишнинг иқтисодий мақсадга мувофиқлигида эди. Шундай қилиб, ўша давр шароитида одамлар иқтисодий фаолиятининг миқёси ва суръатлари амалда ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш даражаси ва табиий бойликларни олиш имконияти билангина белгиланар эди.

Янги ва янги заводларнинг мўриларидан чиқаётган қуюқ тутун, кўпайиб бораётган конлар ва терриконлар (конлар яқинига тўкилган бўш жинс уюмлари) ҳатто XX асрнинг биринчи ярмидаёқ оддий онг даражасида



п

тараққийёт рамзлари сифатида идрок этилар ва инсоннинг иқтисодий ютуқлари ва қудратидан далолат берарди. Айрим олимлар, ўткир зехнли мутафаккирларгина инсоннинг ўсиб бораётган экспансияси, бошқарилмайдиган техника тараққийёти замирида инсонни қуршаган муҳит, бинобарин, унинг ўзи учун ҳам қандай хавф яшириниб ётгани ҳақида куйиниб гапирдилар.

Хусусан, табиий ҳуқуқ концепцияси муаллифи Ж.Ж.Руссо қонунчилик кишилиқ жамиятининг табиий қонунларидан келиб чиқиши лозим, деб ҳисоблайди. У фан ва цивилизацияни ахлоқнинг яхшиланишига кўмаклашмагани учун танқид тиғи остига олади ва «табиатга қайтиш»га чақиради. Бунга унинг машҳур ватандоши ва техника тараққийёти тарафдори Вольтер киноя билан шундай деб жавоб беради: «Руссонинг гапларини эшитсам, ўрмонга қараб эмаклаб чопгим келади»¹. Фан-техника тараққийёти тарафдорлари ва муҳолифлари ўртасида XVIII асрда бошланган бу мунозара ҳозиргача тўхтагани йўқ ва бир томондан, инсон фан ва техника соҳасида қўлга киритган, унинг ҳаёт шароитларини, ҳеч шубҳасиз, яхшилаган ва табиатнинг стихияли кучларига қаршилиқ кўрсатиш имкониятларини оширган реал ютуқларидан, бошқа томондан эса – фан-техника тараққийёти юзага келтираётган ва одамлар ҳаётининг нозик негизларига путур етказаяётган янги ва янги муаммолардан баҳра олмоқда.

Ўзбекистонда табиатга муносабат. Ҳозирги даврда Ўзбекистонда табиатни муҳофаза қилиш давлат ташкилотлари: Ўзбекистон республикаси Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси, республика эпидемиология санитария хизмати, Давлат ўрмончилик қўмитаси тасарруфидаги кўриқхоналар, Ўзгидрометеорология маркази кабилар фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек барча вилоятлар, туман ҳокимиятларида табиатни муҳофаза қилиш бўлимлари ташкил қилинган. Улар ишлаб чиқариш корхоналарини экологик пастпортлаштириш, ишлаб чиқаришнинг табиатга технологик таъсирини назорат қилиш каби вазифаларни бажармоқда.

Ўзбекистонда экологик вазиятнинг ҳозирги ҳолати ўрганиш ва истиқболни режалаштириш бўйича Республика Фанлар Академиясининг етакчи олимлари, мутахассислари томонидан илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, табиий муҳит ифлосланишининг ижтимоий-иқтисодий, оқибатлари, уларни бартараф этиш йўллари ҳақида С.Мамашокиров, Э.Хошимова, А.Ҳукумовлар шуғулланиб келмоқдалар. Хусусан С.Мамашокиров ва Э. Усмонов “Табиат бойликлари инсоният қадриятларининг моддий асоси сифатида, келажак авлодлар учун сақланиб қолинмоғи керак. Чунки кейинги авлодларнинг экологик фаоллиги ва масъулияти бизнинг шу ижтимоий ҳодисаларни қай даражада ташкил қилганимизга, ўзлаштирганимизга боғлиқ”², деб таъкидлайдилар.

Шунингдек, Ўзбекистонда ташкил этилган халқаро “ЭКОСАН” жамғармаси фаолияти, кескинлашиб бораётган экологик инқирозларни

¹ Вольтер // Всемирная энциклопедия. -М.: Современный литератор, 2001.-С.178

² Мамашокиров С. Усмонов Э. Барқарор тараққийётнинг экологик хавфсизлик масалалари. -Т.: Маънавият, 2009. –Б. 112



п бартараф этиш, инсон саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш, илмий техника инқилобининг антиэкологик оқибатлари олдини олиш, бозор муносабатларига ўтиш давридаги иқтисодий танглик вазиятида Ўзбекистон аҳолисини ижтимоий муҳофазалашга йўналтирилган давлат дастурининг амалиётга тадбиғида фаол иштирок қилиш билан боғлиқ.

XX асрда экологик танглик. Сўнги юз йил ичида одамларнинг табиат билан ўзаро муносабатларида хайратомуз ўзгаришлар юз берди. Бир томондан, миқдор ва сифат ўзгаришларининг ўзаро алоқадорлиги қонуни амал қилиб, инсон фаолиятининг асрлар мобайнида зимдан йиғилиб келган салбий оқибатлари жамулжам ҳолда янгича сифат касб этди. Бу илгари яшовчанлик қобилятига эга бўлган кўпгина ҳудудлар яйдоқ сахрога айланишида, атмосфера, сув ҳавзалари ва шу кабиларнинг ҳалокатга элтадиган тарзда ифлосланишида намоён бўлди. Хусусан, ҳозирги вақтда бутун қуруқлик юзасининг 40% дан кўпроғини сахролар эгаллаган. Стратосферанинг озон пардасидаги тешиқлар, оқва сувлар ташланадиган «ариклар»га айланиб қолган кичик ва катта дарёлар ҳам бир лаҳзада пайдо бўлгани йўқ.

Айни вақтда, сайёра тобора кўпайиб бораётган одамларга ҳаддан ташқари тор, «кичкина» бўлиб қолди. Бугунги кунда қуруқлик, сув ёки фазонинг инсон таъсиридан холи бўлган биронта ҳам қисми қолгани йўқ. *Табиатга салбий антропоген таъсир даражаси ортида табиий муҳит таназзули орқага қайтариб бўлмайдиган хусусият касб этадиган чегарага етмоқда.* Бундай ҳолат экологик танглик сифатида тавсифланади. Унинг моҳияти шундан иборатки, табиий системалар ҳаддан ташқари зўриқиши, атроф муҳит (сув, ҳаво, тупроқ) ифлосланишининг муайян меъёрлари мисли кўрилмаган даражада бузилиши натижасида табиий жараёнларда мувозанатнинг бузилиши юз беради. Пировардида экологик тизимлар доирасида ўзаро боғланишлар ва «жамият-табиат» системасининг кўпгина параметрлари издан чиқади.

Табиат антропоген зўриқишларни фақат маълум меъёр даражасида бартараф этишга қодир эканлигини одамлар сўнги вақтдагина англай бошладилар. Бу меъёрнинг бузилиши биосферада кўпинча орқага қайтариб бўлмайдиган сифат ўзгаришлари юз беришига сабаб бўлади. Шамол кўтарган ёки вулқонлар итқитган чанг, ўрмон ёнғинларидан ёки ер юзасига нефтнинг табиий чиқишидан ҳосил бўлган тутун тарзидаги табиий ифлосланишни табиат ўзи осонгина бартараф этади. Аммо инсон атроф муҳитга унинг бундай таъсирларга қаршилиқ кўрсатиш табиий имкониятларидан бир неча барабар ортиқ бўлган қўшимча зўриқишларни яратди. У ер юзаси, атмосфера ва сув ҳавзаларига табиий чиқиндилар таркибидагидан кўпроқ миқдорда кимёвий элементларни тобора ўсиб бораётган сурьатларда ташламоқда; шунингдек, уларга табиат инсон ёрдамсиз абсорбация қилиш (утиллаштириш)га қодир бўлмаган пластмасса, керамика, шиша каби кўп сонли сунъий материалларни қўшимча қилмоқда. Бунинг оқибатида кимёвий моддалар билан заҳарланган далалар ва сув ҳавзалари, экологик жиҳатдан тоза деб айтиш мушкул бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари, шаҳарлардаги



п

тутун, курум, кул зарралари, чанг, ёнилғи буғи кабилар аралашмасидан иборат заҳарланган ҳаво, ахлат, ишлаб чиқариш чиқиндилари ва шу кабилардан кўтарилган тоғлар инсон борлигининг доимий ҳамроҳларига айланди.

XX асрнинг 60 йилларида совет тузумининг Марказий Осиёда пахта мустақиллигига эришиш учун пахта яккаҳокимлигига интилиши Орол денгизининг қуришига бу эса экотизимнинг бузилишига, Орол бўйи ҳудудларида турли касалликларнинг пайдо бўлиши, экин майдонларининг вайрон бўлишига олиб келди. Шу маънода И.А. Каримов “Орол инқироzi – инсоният тарихидаги энг йирик экологик ва гуманитар фалокатлардан бири”¹ деб алоҳида эътироф этади. XX асрнинг 70 йилларида Тожикистон ҳудудида ишга туширилган алюмин заводи тутунининг атмосферани ифлослантириши Сурхондарё вилояти ҳудудларида экологик муаммоларини юзага келтирди.

Инсон жамиятнинг табиат билан муносабатларида юз берган бу шиддатли ўзгаришлар моҳиятини тушунишга ҳаракат қилар экан, аввалгидек, юз бераётган жараёнларни илмий ва фалсафий таҳлил қилиб, ўз тафаккурига мурожаат этмоқда. Шу боис Бутун дунё, хусусан Марказий Осиё давлатларининг табиий муҳитни муҳофаза қилиш учун иқтисодий ва фан теника соҳасидаги ҳамкорлиги турли йўналишларда олиб борилмоқда. Жумладан, Орол денгизини кутқариш халқаро жамғармаси (МФСА) ташкил этилди ва унинг режали фаолияти йўлга қўйилди.

Географик муҳит тушунчаси. Табиий муҳит айрим кишилар ҳаётига таъсир кўрсатиши одатда кўпгина аниқ-равшан сабабларга кўра жиддий шубҳа уйғотмайди. Шунга қарамай, ижтимоий-тарихий жараён ёки моддий ишлаб чиқаришнинг ривожланиши тўғрисида сўз юритилган ҳолда улар табиий шароитга боғлиқ бўладими, агар боғлиқ бўлса, бу нимада акс этади, деган савол туғилади. Шу муносабат билан «географик муҳит» тушунчасининг таҳлили муҳим аҳамият касб этади. Бу тушунча фан ва фалсафада мазкур мавзунини муҳокама қилиш чоғида унга маъно жиҳатидан яқин бўлган «табиат», «табиий муҳит», «атроф борлиқ» каби атамалар билан бир қаторда фаол қўлланилади, аммо ўз мазмунида уларга боғланмайди.

Географик муҳит – бу Ер табиатининг инсон фаолияти доирасига жалб қилинган ва жамият мавжудлиги ва ривожланишининг зарурий омили ҳисобланадиган қисмидир. Айни ҳолда турли параметрлар: ҳудуд, иқлим, ресурслар, ландшафт, жой рельефи ва шу кабиларнинг ижтимоий ривожланиши суръатлари ва хусусиятига таъсири тўғрисида сўз юритилади.

Географик муҳит параметрлари. Меҳнат ва моддий неъматлар ишлаб чиқариш жараёнида одамлар табиатнинг турли элементларидан фойдаланиши ва ўз иқтисодий фаолияти доираси кенгайгани сари мазкур элементларнинг муомалага янада фаолроқ жалб қилишидир. Пировардида инсон ва табиат бевосита ўзаро боғланишига киришадиган соҳа ўзгариши ва кенгроқ тус олиши, яъни географик муҳит доирасининг кенгайиши географик

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, тараққиёт шартлари ва барқарорлик кафолатлари. -Т.: Ўзбекистон, 1997.-Б.107



п муҳит параметрлардир. Масалан, ибтидоий одамлар тирикчилик қилиш учун асосан табиий ҳаёт манбалари ўсимликлар ва ҳайвонлардан, меҳнат куруллари яшаш учун эса қўл остида мавжуд воситалар – тош ва ёғочдан фойдаланганлар. Иқтисодий ривожланишнинг охириги босқичларида фойдали қазилмалар ва энергетик ресурсларнинг роли ортиб борди, уларни қазиб чиқариш инсон фаоллиги географиясини сезиларли даражада кенгайтди.

Шу билан бир қаторда инсон меҳнати географик омиллар таъсирида тинимсиз мураккаблашиб борди. Хусусан, инсон ўз амалий фаолиятида нафақат қулай табиий шароитларга, балки яшаш учун унча яроқли бўлмаган муҳитга ҳам дуч келади. Масалан, мўътадил иқлим, серҳосил тупроқ, етарли намлик ва шу кабилар нисбатан кам меҳнат сарфлаб яхши ҳосил олиш имконини беради, табиий ресурслар ўтиш осон бўлган жойда ва ер юзасига яқинроқда жойлашганлиги эса уларни қазиб олишни осонлаштиради ва пировард маҳсулот таннархини пасайтиради.

Аммо Ер юзида бундай қулай жойлар унча кўп бўлмагани учун, сайёрамизнинг тинимсиз кўпайиб бораётган аҳолиси вақти келиб ноқулай ва ўтиш қийин бўлган ерда жойлашган ҳудудларни ҳам ўзлаштиришга мажбур бўлди. Қишлоқ хўжалигини юритиш, йўллар, бошқа муҳандислик қурилмалари ва иншоотлар қуришни қийинлаштирадиган совуқ иқлим шароити, тоғли ёки ботқоқли жой одамларнинг ишлаб чиқариш фаолиятида уларнинг жисмоний, энергетик ва бошқа харажатларини сезиларли даражада кўпайтиради.

Ўз-ўзидан равшанки, одамларнинг иқтисодий фаолияти географик муҳитнинг ўзгаришига сабаб бўлади, бунинг натижасида ландшафтлар, тупроқ қатлами, ҳаво, сув ва шу кабиларнинг кимёвий таркиби ўзгаради. Табиат ва жамиятнинг бундай муносабатларига ҳозирги Африка мисол бўлиши мумкин. Бу ерда охириги юз йилликнинг ўзида ўрмонлар майдони икки баравар камайди ва ҳозирги вақтда улкан қитъа ҳудудининг тўртдан бир қисминигина ташкил этади. Пировард натижада Африка қитъасида саҳроларнинг чўлларга, чўлларнинг – саванналарга, саванналарнинг – тропик ўрмонларга ҳужуми тобора кенгроқ тус олиб бормоқда.

XX асрнинг 60 йилларида Марказий Осиё ҳудудида ҳам Орол денгизининг қуриб бориши натижасида иқлим ва табиий муҳит кескин ўзгарди. Бу экин майдонларининг камайишига, шўр тупроқнинг кўпайишига олиб келди.

Кескин экологик вазият кўпгина дарёлар оқимининг (Амударё, Сирдарё, Зарафшон) сезиларли даражада ўзгариши, тупроқ эрозиясининг кучайиши ва ҳосилдорликнинг пасайиши билан ҳам тавсифланади.

Аммо инсоннинг табиатга таъсиридан ташқари, географик муҳитда доим табиий омиллар билан белгиланадиган ўзгаришлар ҳам юз берган. Ернинг бутун геологик тарихи шундан далолат берадики, унда буюк муз босиши ва ҳалокатли тарзда вулконлар отилиши юз берган, вақти-вақти билан қуруқликнинг кўтарилиши ва пасайиши, zilzilалар, тошқинлар ва бошқа табиий офатларнинг юз бериши, Ер қиёфаси ва одамларнинг яшаш шароитини сезиларли даражада ўзгартирган. Хусусан, Платон ўзининг



п

«Тимей» ва «Критий» асарларида ҳикоя қилган Атлантида ҳалокати тарихи ханузгача аксарият тадқиқотчиларни қизиқтиради. Бу афсонага биноан Атлантида катта, ҳосилдор ва кўп аҳоли яшайдиган орол бўлган ва қадим замонларда зилзила оқибатида Атлантика океани тубига чўкиб кетган.

Афсоналар билан бир қаторда аниқланган фактлар ҳам мавжуд. Масалан, Голландиянинг тарихий ривожланиши асосан денгиз қирғоқ чизиғининг табиий ўзгариши билан белгиланади. Шунингдек, Хуанхэ дарёсининг ўзанида юз берган ўзгаришлар Хитой тарихига маълум даражада таъсир кўрсатгани ҳам маълум.


Ижтимоий ривожланиш ва географик муҳитнинг ўзаро таъсири.

Аксарият олимлар фикрига кўра, *географик муҳит жамиятнинг ижтимоий ва иқтисодий тузилишини белгиловчи асосий омил ҳисобланмаса-да, ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш суръатини жадаллаштириб ёки пасайтириб, тарихий жараёнга таъсир кўрсатиши мумкин.* Шунингдек, таъкидлаш лозимки, XX асрга қадар одамларнинг иқтисодий ва илмий-техникавий салоҳияти юксалгани сари уларнинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий ҳаёти географик муҳит ва табиатнинг стихияли кучларига камроқ боғлиқ бўлиб борган.

XX аср вазиятни бутунлай ўзгартирди: у нафақат кўрсатилган қонуниятни бузди, балки уни тескари буриб юборди; яъни инсоният умумбашарий ҳодисага айлангач, унинг иқтисодий ўсиши географик муҳитнинг табиий чегараларига келиб тақалди. Бу муҳит ўз майдони ва ресурслари жиҳатидан одамлар ишлаб чиқариш фаолиятининг тобора ўсиб бораётган ҳозирги миқёси учун хаддан ташқари кичкина бўлиб қолди. Олимларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, охириги уч ўн йилликнинг ўзида жаҳонда инсоният ўзининг олдинги бутун тарихи мобайнида истеъмол қилган миқдорда хом ашё ишлатилган. Иқтисодий ўсишнинг мавжуд суръатлари сақланган тақдирда, яқин ўн йилликларда саноат ишлаб чиқариши яна икки-уч баравар кўпайиши мумкин бўлиб, бу жуда кўп миқдорда кўшимча табиий ресурсларни талаб қилади.

Инсон ўзи яратган сунъий муҳит – борлиғи «иккиламчи табиат» Ер қиёфасини бундан ҳам кўпроқ ўзгартиради. У сайёранинг яшашга озми-кўпми ярқли бўлган бутун қитъа ва орол ҳудудини қоплаган улкан мегаполислар ва сон-саноксиз аҳоли яшайдиган жойлардан иборат. Шунингдек, у автомобиль йўллари ва темир йўл тармоқлари, каналлар, конлар, уюмлар ва инсон томонидан яратилган ва унга қадар ҳеч қачон мавжуд бўлмаган бошқа кўплаб нарсаларни ўз ичига олади.

Шундай қилиб, бугунги кунда географик муҳитнинг ўзгаришида етакчи рол инсонга ўтди, бироқ айни вақтда у юқорида зикр этилган табиий тўсиқларга дуч келиб, XX аср бошида қўлга киритилган географик муҳитга нисбатан ўз мустақиллигини йўқотди. Жамият ривожланишида географик муҳитнинг ролини асослашга бўлган қизиқиш асрлар мобайнида сақланиб қолаётгани ва вақти-вақти билан кучайиб туриши, айни шу ҳол билан изоҳланади.



п

Географик мактаблар. Бу соҳада тўпланган ғоялар мажмуи турли даврларда анча машҳур бўлган «географик детерминизм», «ижтимоий детерминизм» ва «геосиёсат» концепцияларини ўз ичига олган географик мактабни ташкил этади.


Гарчи XVIII аср француз мутафаккирлари А.Тюрго ва Ш.Монтескьени географик мактаб асосчилари деб ҳисоблансада, мазкур мактаб географик ўрин ва табиий шароит жамиятнинг ривожланишида муҳим рол ўйнайди деган ғояни илгари сурувчи турли таълимотлар тизими сифатида, антик даврдаёқ пайдо бўлган. Гиппократ, Геродот, Полибий, Страбон ва бошқа мутафаккирлар турли минтақаларнинг иқлим шароитига катта эътибор берганлар ва Юнонистон ва Ўрта ер денгизи бўйидаги ҳудудларни одамлар ҳаёт фаолияти учун айниқса қулай деб ҳисоблаганлар.

Ўрта асрларда шунга ўхшаш ғояларнинг ривожланиши одатда тарихчи Ибн Халдун номи билан боғланади. Аммо бу ғояларга чинакам қизиқиш жамият қурилиши ва тарихий ривожланиш қонунларини табиий сабаблар билан тушунтирувчи географик детерминизм ғоялари бунгача ҳукм сурган ижтимоий ҳаётнинг илоҳий хусусияти ҳақидаги диний тасаввурларни сиқиб чиқара бошлаган Маърифатпарварлик даврида юзага келди. Бундай қарашлар ўша даврда вужудга кела бошлаган янги капиталистик муносабатларга мос келган, шу сабабли улар ўша даврдан бошлаб Франция, Англия ва Германияда кенг тарқалди.

Кўпайиб бораётган Ер аҳолисига тобора кўпроқ тирикчилик воситалари, аввало озиқ-овқат маҳсулотлари талаб этилган. Уларни ишлаб чиқариш эса, табиий шароитга, қишлоқ хўжалигини юритиш учун яроқли ерлар мавжудлигига бевосита боғлиқ бўлган. Унинг (ўша даврда ҳали нисбатан) камлиги мутахассисларга XVIII асрдаёқ аён бўлди.

«Табиий қонунлар» концепциялари. Шу муносабат билан француз файласуфи ва иқтисодчиси А.Тюрго (1727-1728) мазкур муаммонинг муайян ечимни ҳисобланган деҳқончиликни интенсивлаштириш имкониятини ўрганар экан, «тупроқ унумдорлигининг пасайиб бориши қонуни»ни таърифлади. Унинг маъноси шундан иборатки, ишлов берилаётган ерга сарфланган ҳар бир қўшимча меҳнат ва капитал бундан олдинроқ сарфланган меҳнат ва капиталга қараганда камроқ самара беради, муайян чегарага етилганидан кейин эса ҳеч қандай қўшимча самара олиш мумкин бўлмайд қолади.

Инглиз иқтисодчиси Т.Р.Мальтус (1766-1834) бу ғояларни ривожлантирди ва кенг тарқалган концепцияни илгари сурди. Бу концепцияга мувофиқ аҳоли сонини унинг озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланганлик даражасига қараб тартибга солувчи «табиий қонун» пайдо бўлди. *Табиий қонунга биноан сайёрамиздаги одамлар сони геометрик прогрессия бўйича кўпайиб боради, тирикчилик воситалари эса фақат арифметик прогрессия бўйича ўсади, бу эса муқаррар тарзда аҳоли ҳаддан ташқари кўпайиб кетишига олиб келади ва ижтимоий тангликларга сабаб бўлиши мумкин.* Мальтус ижтимоий ривожланиш табиатнинг абадий қонунлари ҳукмига қатъий бўйсунини қайд этади. Унинг фикрича, ҳар бир янги туғилган чақалоқ бошқалар банд этган ва ўзига ўрин бўлмаган дунёга



п

тушади. Бундан мутафаккир кашшоқларга ҳамдардлик шусиз ҳам мураккаб демографик муаммоларнинг кескинлашувига олиб келади, деган хулоса чиқаради¹.

Мальтуснинг очарчилик, эпидемиялар ва урушлар аҳоли ҳаддан ташқари кўпайиб кетишининг олдини олувчи табиий омиллар ҳисобланиши ҳақидаги хулосалари нафақат ўз тарафдорларини, балки фаол мухолифларини ҳам топди.

Мальтус ғояларининг издошлари ўз ўтмишдошининг ўта совуқ хулосаларидан халос бўлиб, унинг таълимотини XX аср бошида юз берган «демографик портлаш» тўлқинида вужудга келган неомальтусчилик кўринишида давом эттирдилар.

Географик детерминизм. *Инсон фаолияти табиий муҳитга тўла боғлиқ деган ғояни исботлашга ҳаракат қилувчи механистик қараш географик детерминизмдир.* Бу оқимнинг асосчиси ва атоқли намояндаси француз маърифатчи файласуфи Ш.Л.Монтескье (1689-1755)дир. У «Қонунлар руҳи» деб номланган асарига ўз концепциясини атрофлича баён этди. Бу таълимотга мувофиқ одамлар ҳаёти, уларнинг ахлоқи, қонунлари, одатлари ва ҳатто сиёсий тузуми улар яшайдиган географик муҳит ва иқлим шароитидан келиб чиқади. У табиат одамларни туғилгандан тенг қилиб яратишини тан олиб, сўнг уларни географик детерминизм нуқтаи назаридан фарқлайди.

Мазкур ёндашувдан Монтескье ҳатто қитъалар ижтимоий тизимларининг таҳлилида ҳам фойдаланади. Бунда у, хусусан, Осиё ва Европа халқларининг ҳаётини таққослайди. Унинг фикрича, Осиё мўътадил минтақага умуман эга эмас, шу сабабли бу қитъанинг жуда совуқ иқлимида жойлашган мамлакатлар жуда иссиқ иқлимда яшайдиган мамлакатлар билан бевосита туташади. Европада эса, аксинча, мўътадил минтақа анча кенг бўлиб, бу ерда иқлим жанубдан шимолга қараб аста-секин совуқлашиб боради. Ҳар бир мамлакат ўз иқлим хусусиятларига кўра кўшни мамлакат билан ўхшаш бўлгани боис, уларнинг ўртасида кескин фарқлар кузатилмайди. Айни шу сабабли Монтескье, Осиёда озодлик ҳеч қачон ўсмайди, Европада эса у шароитга қараб ўсади ёки камаяди, деб хулоса чиқаради.

Унинг одамлар ижтимоий ҳаёти табиий шароитларга қаттиқ боғлиқ эканлиги ҳақидаги ғоялари ва хулосалари кейинчалик нафақат ривожлантирилди (масалан, Г.Т.Бокль, Э.Реклю, Л.И.Мечников томонидан), балки табиат ва жамиятнинг ўзаро боғланишида сабабиятни инкор этувчи оқим – географик индетерминизм нуқтаи назаридан танқид қилинди.

Ижтимоий детерминизм *ижтимоий ривожланиш даражаси ва йўналиши биринчи навбатда моддий ишлаб чиқаришнинг ривожланиш даражаси билан белгиланишидир.* Шу нуқтаи назардан табиат одамлар тарихига аралашади, чунки ишлаб чиқариш жараёнида инсон нафақат уни, балки ўзини ҳам ўзгартиради. Пировардидада инсоннинг моҳиятини ташкил

¹ Каранг: Мальтус Т.Р. Опыт о законе народонаселения. – СПб.: 1968. – С.469.



п
этадиган ижтимоий муносабатлар мажмуи ўзгаради. Бундан одамлар айрим фазилатларининг шаклланиши ҳам, жамиятнинг ривожланиши ҳам аввало географик муҳитга эмас, балки моддий ишлаб чиқаришга боғлиқ бўлади ва одамлар ишлаб чиқариш фаолиятининг тарихан ўзгарувчи хусусиятини таҳлил қилиш чоғидагина муайян табиий шароитлар у ёки бу ижтимоий жараёнларга қандай таъсир кўрсатиши ҳақида гапириш мумкин, деган хулосага келинади. Айни ҳолда табиат ва жамиятнинг ўзаро боғланишида фаол томон сифатида доим инсон амал қилади. Табиий муҳит хусусиятини ижтимоий муҳит хусусияти эмас, балки аксинча, ижтимоий муҳит хусусиятини табиий муҳит хусусияти белгилайди.

Шу маънода одамлар табиатдаги моддалар алмашинувини тартибга соладилар, уни ўзларининг умумий назорати остига оладилар ва шу тариқа табиатнинг кўр-кўрона кучлари улар устидан ҳукмронлик ўрнатишига тўсқинлик қилдилар.

Геосиёсат. Юқорида келтирилган нуқтаи назарлардаги қарама-қаршилиқни географик детерминизмнинг атоқли намояндаси Г.Т.Бокль (1821-1862) «Англия цивилизацияси тарихи» деб номланган асарида ўзига хос иқлим ва табиатга эга бўлган мустамлака халқларининг қолоқлигини тушунтиради ва ижтимоий тенгсизликнинг табиийлиги ҳақида хулоса чиқаради. Кейинчалик Боклнинг бу ғоялари географик мактабдаги янги йўналиш – геосиёсатни яратди. *Демак геосиёсат ижтимоий тенгсизликнинг табиийлиги гоёсига таянади.* Мазкур йўналишнинг асосий қарашларини Германияда Ф.Ратцел ва К.Хаусхофер, Буюк Британияда Г.Маккиндер, АҚШда А.Т.Мэхэн ва Н.Спикмен, Швецияда Р.Челлен илгари сурди. «Геосиёсат» атамасини 1916 йилда биринчи бўлиб ишлатган Р.Челлен ўзининг «Давлат ҳаёт шакли сифатида» деб номланган асарида Ф.Ратцелнинг социал-дарвинистик ғояларини ривожлантирди. *Бу гоёларга мувофиқ табиий шароит жаҳон тарихида давлатлар ривожланишининг энг муҳим омилли ҳисобланади, давлатнинг ўзи эса географик муҳитнинг турли омиллари аҳолига кўрсатган таъсир натижасида шаклланган биологик организм сифатида қаралади.* Бундан Челлен у ёки бу давлатнинг ҳаёт макони учун кураши ҳар қандай жонли организм қонуни – яшаш учун кураш табиий қонунидан ўзга нарса эмас, деган хулосага келади. Унинг фикрича, тор маконга эга бўлган «яшовчан давлатлар» қатъий сиёсий императивга амал қилиб, ўз ҳудудини истилочилик, мустамлакаларни қўлга киритиш йўли билан кенгайтиришга ҳаракат қилишининг замирида айни шу қонун ётади. Бошқача айтганда, урушлар, Челлен фикрига кўра, нафақат муқаррар, балки зарурдир.

Шу кўринишда геосиёсат ирқлар назарияси билан бир қаторда немис миллатчиларининг расмий сиёсати негизини ташкил этди ва Иккинчи жаҳон урушига тайёргарлик, «ҳаёт макони»ни қўлга киритиш ва босиб олинган ҳудудларда яшовчи халқларнинг оммавий қирғинини асослади. Нацистик геосиёсатнинг таниқли намояндаси Карл Хаусхофер 1924 йилдан «Геосиёсий журнал» нашр этиб, геосиёсатнинг асосий ғояларини ривожлантирди, *Гитлернинг «Майн кампф» асарини яратишга кучли таъсир кўрсатди.*



п

Иккинчи жаҳон урушидан кейин *фашистик геосиёсат унинг ҳаёт макони ва ирқий устунлик гоялари билан жиноий таълимотлар қаторига киритилди.*

Географик детерминизм гоялари бошқача шаклларда бугунги кунда ҳам, хусусан, «илғор индустриал Шимол» ва «қолоқ аграр Жануб» ўртасида, яъни иқтисодий ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасида мавжуд улкан тафовутни тушунтириш (ва оклаш) учун фаол қўлланилмоқда.

Ижтимоий экология. Экологик фалокатлар тарихи. Ижтимоий экология илмий ва фалсафий билимлар соҳаси сифатида яқиндагина – XX аср 60-йилларининг охиридан 80-йилларнинг ўрталаригача бўлган даврда вужудга келган. Аммо бу ҳол экологик муаммолар фақат энг янги давр ходисаси деган маънони англатмайди. Ҳеч шубҳасиз, улар ўтмишда ҳам мавжуд бўлган, лекин биосфера ривожланишининг илк босқичлари ҳақида етарли даражада тўла ахборот йўқлиги улар хусусида асосан гипотеза тарзида сўз юритиш имконини беради.

Бундай фаразлар қаторига, масалан, экологик фалокат натижасида динозаврларнинг қирилиб кетиши ҳақидаги гипотеза киради. Ер куррасининг айрим минтақаларида топилаётган ва табиати жумбоқ бўлиб қолаётган майда шиша шарчаларни ўрганган олимлар уларни метеоритнинг қотиб қолган моддаси бўлса керак, деб тахмин қилмоқдалар. Бундан тахминан 65 миллион йил муқаддам Ер катталиги диаметрда бир неча километрга етадиган улкан метеорит билан тўқнашган деган хулосага келинмоқда. Мазкур тўқнашув натижасида кучли ёнғинлар бошланиб, улардан чиққан тутун Ерни қалин парда билан ўраб олган ва бу каттиқ совуқ тушиши ва ўша даврда яшаган динозаврлар қирилиб кетишига олиб келган.

Қадимги манбалар амалда мавжуд бўлган цивилизациялар ҳалокати замирида ҳам соф экологик омиллар ётишини кўрсатади. Хусусан, шумер цивилизацияси мил. ав. III минг йиллик охирида қуёш фаоллиги ўзгариши натижасида юзага келган каттиқ қурғоқчиликдан ҳалок бўлган. Бир пайтлар гуллаб яшнаган Дажла ва Фурот воҳаларининг саҳрога айланиши суғориладиган деҳқончилик нотўғри олиб борилиши оқибатида тупроқнинг нураши ва шўрланиши натижаси деб ҳисобланади.

XIX асрда *фалокатлар назарияси* айниқса кенг тарқалди. Уни 1812 йилда француз олими Ж.Кювье (1769-1832) илгари сурди. У геологик қатламларда кузатиладиган ҳайвонлар ва ўсимликлар қолдиқларининг табиатини тушунтиришга ҳаракат қилиб, Ерда вақти-вақти билан такрорланиб турадиган тоғ жинсларининг кўкқисдан силжишлари ер юзасининг рельефини ўзгартиради ва барча тирик нарсаларни ҳалокатга дучор этади, деган фаразни илгари сурди. Аммо бу гоя кейинчалик кенг миқёсда ўз издошларини топмади, чунки сайёрамиз, унинг тарихи ва тузилишига доир илмий билимларнинг фаол ривожланиши бошқа гипотезаларга бой материал берди ва фалокатлар назариясини XIX асрнинг охиридаёқ унинг аввалги жозибадорлигидан маҳрум этди.

Бунга илмий билимларнинг бутунлай янги соҳаси – *экологиянинг* пайдо бўлиши маълум даражада замин ҳозирлади.



п

Экологиянинг келиб чиқиши. Бу атамани немис биологи *Э.Геккель* 1869 йилда биологиянинг вазифаси жонли организмларнинг атроф муҳит билан ўзаро боғланишини ўрганиш «*Экология*» атамаси этимологик жиҳатдан юнонча *oikos* – уй, бошпана ва *logos* – таълимот сўзларидан келиб чиққан бўлиб, кенг маънода яшаш муҳитига эга бўлган жонли организм (ёки жонли организмлар, мавжудотлар) ташкил этган ҳар қандай ташкилот, системани англатади.дан иборат бўлган бўлимларидан бирини белгилаш учун илмий муомалага киритган. Экология масалалари узоқ вақт мобайнида фақат табиий фанлар, аввало биология доирасида ўрганилди. Сўнгра, жамиятнинг табиат билан муносабатларида иқтисодий, ижтимоий ва ҳатто сиёсий жиҳатлар аниқланишига қараб, экология ижтимоий фанларнинг ҳам предметига айланди. Илк ижтимоий ва фалсафий тадқиқотларнинг ўзиёқ жамият ва табиатнинг ўзаро боғланиши муаммолари – бу аввало жамиятнинг, унинг ижтимоий-иқтисодий тузилишининг, шаклланган кадриятлар тизими ҳамда атроф муҳит ва инсоннинг ундаги ўрни ҳақидаги тасаввурларнинг муаммолари эканлигини тасдиқлади.

Бугунги кунда «**ИЖТИМОЙ ЭКОЛОГИЯ**» деб номланган илмий тадқиқотлар соҳаси вужудга келди, «экология» атамаси эса биология фанлари доирасидан анча четга чиқиб, жуда тез ва кенг тарқалди. XX аср 70-йилларининг ўрталарида ижтимоий экологиянинг тўрт асосий қонуни таърифланди:

- ҳамма нарса ҳамма нарса билан боғланган;
- ҳамма нарса қаёққадир йўқолиши керак;
- табиат яхшироқ билади;
- текинга ҳеч нарса бўлмайди¹.

Бу қонунлар инсон атроф муҳит билан узвий ўзаро боғлиқ эканлигини мустақкамлади ва унинг табиатга ўзбошимчалик билан ва охирини ўйламасдан аралашувини тақиқлади.

Экологик муаммолар кескинлашувига қараб улар янада фаолроқ ўрганила бошланди. Ижтимоий экологиядан ташқари, илмий билимнинг бошқа, бутунлай янги соҳалари, чунончи: инсон экологияси, глобал экология, шаҳар экологияси юзага келди. Айрим кишилар ва жамиятнинг атроф муҳит билан ўзаро боғланиши жабҳасида экологик муаммолар кўп жиҳатдан фалсафий маъно касб этди, чунки у инсон борлигининг фундаментал асосларига дахлдордир, Ердаги ҳаётнинг бетакрорлиги ва унинг биологик ранг-баранглигини сақлаш зарурлиги ҳақидаги масалани янгидан қўйди.

Экологик муаммонинг фалсафий маъноси. Айрим фанлар доирасидан четга чиқиш ва муаммога нисбатан кенгроқ, фалсафий ёндашиш биосферада ҳамма нарса бетакрор тарзда ўзаро боғлиқ ва табиий тартибга солинадиган мувозанат ҳолатида эканлигини аниқлаш имконини берди. Шунингдек, биосферанинг ўзи ҳам сайёрамизнинг табиий қисми ҳисобланади. У Ер юзасида янада мураккаброқ тузилма – биогеосферани ташкил этади. Инсоннинг умумий фаолияти Ердаги геологик жараёнлар

¹ Каранг: Коммонер Б. Замыкающийся круг. – СПб(б).: 1999.- С.36




п билан тенг даражага етганидан бери биогеосферада жиддий ўзгаришлар юз берди. Бу ўзгаришлар сайёрамиз ўзининг илк қиёфасини йўқотишига олиб келди ва инсон борлиғи негизларига путур етказди. Шу тариқа у азалий фалсафий муаммо – ҳаётнинг мазмуни муаммосига кескинроқ тус беради ва экологик муаммоларни ҳозирги замон фалсафасининг муҳим бўлимига айлантирди.

Бундай экологик муаммоларни фалсафий англаб етиш ўзига хос хусусият касб этади. Зеро, фалсафа табиат ва жамиятнинг ўзаро муносабатларида юзага келувчи айрим муаммоларни ҳал қилмайди ва уларни бартараф этиш юзасидан муайян тавсиялар бермайди. Бу махсус фанларнинг вазифасидир. *Фалсафанинг роли эса – муайян натижаларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш, юз бераётган жараёнлар динамикаси ва тенденцияларини аниқлаш, табиий ўзаро боғланишлар, тарихий боғлиқликларни аниқлаш* ва ш.кларга мувофиқ фалсафий хулосалар чиқаришдан иборат, унда муҳим тушунчалар аниқланади, асосий тамойиллар белгиланади, бу нафақат билиш мақсадлари, экологик таълим ишига хизмат қилади, балки табиатни муҳофаза қилиш борасида муайян вазифаларни ҳал қилувчи айрим фанлар учун методологик таянч ҳисобланади.

Хулосалар. Инсоният жиддий экологик тангликлар хавфи билан тўкнаш келгач, одамлар хулқ-атворининг ахлоқий томони айниқса муҳим аҳамият касб этди ва эндиликда «жамият-табиат» тизимида муаммолар кескинлашуvidан олдингига қараганда ўзгача маънога эга, зеро, юқорида қайд этиб ўтилганидек, инсон ўз фаолиятида асосий эътиборни биосферага қаратиши лозим. Юзага келган вазиятда бу одамларнинг янгича ахлоққа асосланган тегишли хулқ-атворини тақозо этувчи объектив заруриятдир. Мазкур ахлоқ инсоният бу соҳада эришган энг сара ютуқларни акс эттирибгина қолмасдан, балки ҳозирги ҳаётнинг энг муҳим муаммоларини ҳам ҳисобга олиши лозим.

Хусусан, қадимги ривоятларда келтирилган, умумий ахлоқий қоида сифатида *Кант* томонидан таърифланган («Шундай иш кўргинки, хоҳиш-ироданг максимаси айна вақтда умумий қонунчилик тамойили кучига ҳам эга бўлсин») *ахлоқий императив* эндиликда табиатга нисбатан ҳам татбиқ этилиб, умумий экологик императивга айланиши лозим. Экологияга татбиқан бу талабнинг маъноси шундан иборатки, *уш кўраётган ҳар бир субъект* (у хоҳ айрим инсон, хоҳ жамият ёки бутун инсоният бўлсин) *ўзининг табиатга бевосита ёки билвосита дахлдор бўлган барча ниятлари, ишлари ва хатти-ҳаракатларида ўзини шундай тутиши лозимки, бу хулқ-атвор меъёри умумий экологик қонунга айлана олсин.*

Ижтимоий ҳаётга ҳам, инсон мавжудлигининг табиий шароитларига ҳам тегишли бўлган бу ахлоқий қонунга ўз ҳолича риоя қилиш экологиянинг барча муаммоларини бартараф этишни узил-кесил кафолатловчи бирдан-бир ва шак-шубҳасиз талаб ҳисобланмайди. Аммо ҳар бир инсон ва бутун жаҳон ҳамжамияти томонидан одамларнинг табиат билан муносабатларида асос қилиб олинган тақдирда, у муқаррар тарзда турли мамлакатлар ва халқларни шундай бир ҳолатга келтирадими, улар ўзининг табиатни ўзгартирувчи





п


сиёсатини мазкур қонунга мувофиқ қайта тузишга мажбур бўлади, шу тарика жаҳон ҳамжамиятига янада фаолроқ бирлашиш йўлидаги экологик ғов-тўсиқларни бартараф этади. Акс ҳолда нафақат ноосферага эришиш, балки умуминсоний муаммоларни ҳал қилиш ҳам мумкин эмас.

Тажрибавий амалий матнлар

Табиат, атмосфера, гидросфера, литосфера, стратосфера, экология, натурфалсафа, табиатни ўзлаштириш, фан-техника тараққиёти, табиий ҳуқуқ концепцияси, экологик танглик, антропоген зўриқишлар, географик муҳит, табиий ресурслар, географик мактаблар, географик детерминизм, ижтимоий детерминизм, геосиёсат, ижтимоий экология, экологик фалокатлар, ноосфера, экологик императив.

Қўшимча ва тушунтирувчи матнлар





Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар

1. Табиатни ўрганишга нисбатан фалсафий ёндашувнинг ўзига хос хусусиятлари нимада?
2. «Табиат» атамаси қандай маъноларда ишлатилади?
3. Табиат ва жамият муносабатларининг эволюцияси қандай кечган?
4. Одамлар ер юзаси ҳақида тўғри тасаввурларни қачон олганлар?
5. «Географик детерминизм» нимани англатади ва унинг қандай йўналишлари бор?
6. Экология қачон ва нима муносабати билан юзага келган?
7. Ижтимоий экологиянинг асосий қонунлари қандай таърифланади ва улар нимани ифодалайди?
8. Экологик тангликнинг экологик муаммодан фарқи нимада?
9. Нима учун «ноосфера» атамасининг фалсафий мазмунини фарқлаш талаб этилади?
10. Экологик императив қандай таърифланади ва нимани англатади?

Реферат мавзулари

1. «Табиат» тушунчаси фалсафий категория сифатида.
2. Табиат ва жамият ўзаро алоқасининг тарихий босқичлари.
3. Ҳозирги экологик вазиятнинг моҳияти.
4. Ҳозирги даврнинг оламшумул муаммолари тизимида экология.
5. Жамиятнинг ривожланишида географик муҳитнинг роли.
6. Экологик муаммоларни ечишга нисбатан фалсафий ёндашувнинг ўзига хос хусусиятлари.
7. В.И.Вернадский биосферанинг ноосферага ўтиши ҳақида.
8. Экологик тарбиянинг асосий мазмуни ва вазифалари.



п

Билим ва кўникмаларни баҳолаш материаллари

1. Табиат тушунчасининг қайси маъноси борлиқни, бутун дунёни барча ранг-баранг шакллари билан жамулжам ҳолда акс эттиради?

- А. Кенг маъноси
- Б. Тор маъноси
- В. Хусусий маъноси
- Г. Махсус маъноси

2. XIX асрда ҳаётнинг пайдо бўлиши ва Ердаги эволюция жараёнлари муаммоларини тушунишга нисбатан янгича ёндашувлар юзага келиши, шунингдек, инсон дунёда ўз ўрнини англаб етиши билан табиатнинг қайси маъноси шакллана бошлади?

- А. Тор маъноси
- Б. Кенг маъноси
- В. Хусусий маъноси
- Г. Махсус маъноси

3. “Биосфера” атамаси ким томонидан ва нечанчи йилда муомалага киритилган?

- А. Ж.Ламарк томонидан, 1802 йилда
- Б. К.Линней томонидан, 1802 йилда
- В. Ч.Дарвин томонидан, 1823 йилда
- Г. Ж.Ламарк томонидан, 1823 йилда

4. Биосфера сўзининг луғавий маъноси қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- А. “Ҳаёт соҳаси”
- Б. “Ҳаёт тарзи”
- В. “Яшаш ҳақидаги фан”
- Г. “Ҳаёт ҳақидаги фан”

5. ... жонсиз табиатнинг аввалги ривожланиш маҳсули бўлиб, Ернинг ҳаёт кечаётган нозик қатламини ташкил этади.

- А. Биосфера
- Б. Ҳаёт
- В. Экология
- Г. Литосфера

6. Биосферанинг чегаралари тўғри кўрсатилган жавобни топинг?

- А. Атмосфера, гидросфера ва литосферанинг юқори қисми
- Б. Атмосфера, стратосфера ва литосферанинг юқори қисми
- В. Гидросфера, литосфера, атмосфера, стратосфера
- Г. Литосфера, атмосфера, стратосферанинг қуйи қисми



п

7. «Табиат» тушунчасининг қандай талқинида эътибор муҳокама предметининг илдизлари, фундаментал асосларини ёритишга қаратилади?

- А. Махсус талқинида
- Б. Кенг талқинида
- В. Хусусий талқинида
- Г. Умумий талқинида

8. Қайси манбада сувга тупуришнинг гуноҳлиги, қабристонга мевали дарахт экиш мумкин эмаслиги ҳақида таъкидланади?

- А. Авестода
- Б. Упанишадаларда
- В. Библияда
- Г. Қуръонда

9. Ер, океанлар, қитъалар ўрни ва уларда яшовчи халқлар ҳақидаги дастлабки тасаввурлар қайси даврдан бошлаб шаклланди?

- А. Буюк кашфиётлар давридан
- Б. Уйғониш давридан
- В. Ернинг юмалоклиги кашф қилингандан сўнг
- Г. Янги даврдан

10. Ибтидоий одам ҳаёт тарзи қандай машғулотлардан иборат бўлган?

- А. Термачилик, овчилик, балиқчилик
- Б. Термачилик, овчилик, балиқчилик, чорвачилик
- В. Дехқончилик, овчилик, балиқчилик
- Г. Чорвачилик, дехқончилик, балиқчилик

11. Одамлар яшайдиган жойларда ландшафтлар хусусиятининг ўзгариб, ўрмонларнинг камайиши, тупроқнинг нурашига олиб келган фаолият қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- А. Дехқончилик
- Б. Балиқчилик
- В. Овчилик
- Г. Ҳунармандчилик

12. Қайси даврда табиатга амалий фаолият жабҳаси сифатида қарала бошланди?

- А. Янги даврда
- Б. Илк ўрта асрларда
- В. Буюк кашфиётлар даврида
- Г. Энг янги даврда

13. Конлар яқинига тўкилган бўш жинс уюмлари нима деб аталади?



п

- А. Терриконлар
- Б. Руда уюмлари
- В. Конлар
- Г. Абсорбациялар

14. Табиий ҳуқуқ концепцияси муаллифи қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- А. Ж.Ж.Руссо
- Б. А.Вольтер
- В. Д.Юм
- Г. А.Бергсон

15. Қуйидаги файласуфлардан қайси бири қонунчилик кишилик жамиятининг табиий қонунларидан келиб чиқиши лозим, деб ҳисоблайди?

- А. Ж.Ж.Руссо
- Б. А.Вольтер
- В. Д.Юм
- Г. А.Бергсон

16. Ушбу фикрлар муаллифи ким: «Руссонинг гапларини эшитсам, ўрмонга қараб эмаклаб чопгим келади»?

- А. А.Вольтер
- Б. Д.Дидро
- В. Д.Юм
- Г. А.Бергсон

17. Табиий системаларнинг ҳаддан ташқари зўриқиши, атроф муҳитнинг ифлосланиши натижасида табиий жараёнларда мувозанатнинг бузилиши нима деб аталади?

- А. Экологик танглик
- Б. Экологик барқарорлик
- В. Инвайронментализм
- Г. Табиатнинг зўриқиши

18. Ушбу фикрлар муаллифини топинг: “Орол инқирози – инсоният тарихидаги энг йирик экологик ва гуманитар фалокатлардан бири”?

- А. И.А.Каримов
- Б. А.Печчеи
- В. К.Ананд
- Г. С.Мамашокиров

19. ... - бу Ер табиатининг инсон фаолияти доирасига жалб қилинган ва жамият мавжудлиги ва ривожланишининг зарурий омили ҳисобланадиган қисмидир.



п

- А. Географик муҳит
- Б. Табиий ландшафт
- В. Экологик тизим
- Г. Табиий иқлим

20.«Экология» атамаси этимологик жиҳатдан юнонча oikos ва logos сўзларидан келиб чиққан бўлиб, oikos-бу....

- А. Уй, бошпана
- Б. Табиат
- В. Ўсимлик
- Г. Таълимот

21.Инсон ва табиат бевосита ўзаро боғланишга киришадиган соҳа ўзгариши ва кенгроқ тус олиши, яъни географик муҳит доирасининг кенгайиши ... дир.

- А. Географик муҳит параметрлари
- Б. Табиий ландшафт параметрлари
- В. Экологик тизим параметрлари
- Г. Табиий иқлим параметрлари

22.Платоннинг қайси асарида атлантида ҳалокати ўз аксини топган?

- А. “Тимей”, “Критий”
- Б. “Биринчи аналогия”
- В. “Органон”
- Г. “Софист”

23.Инсон томонидан яратилган сунъий муҳит нима деб аталади?

- А. Иккиламчи табиат
- Б. Сунъий табиат
- В. Меҳнат
- Г. Ижтимоий-маиший ҳаёт

24.А.Тюрго ва Ш.Монтескьелар томонидан нимага асос солинган?

- А. Географик мактаблар тушунчасига
- Б. Геосиёсат тушунчасига
- В. Экологик танглик тушунчасига
- Г. Табиатнинг зўриқиши концепциясига

25.XVIII аср биринчи ярмида «тупроқ унумдорлигининг пасайиб бориши қонуни»ни таърифлаган олим қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- А. А.Тюрго
- Б. Ш.Монтескье
- В. Ж.Ж.Руссо
- Г. Д.Дидро



п

26. Инсон фаолияти табиий муҳитга тўла боғлиқ деган ғояни исботлашга ҳаракат қилувчи механистик қараш ...дир.

- А. Географик детерминизм
- Б. Геосиёсат
- В. Ижтимоий детерминизм
- Г. Экологик танглик

27. Географик детерминизм асосчиси ким?

- А. Ш.Монтескье
- Б. А.Тюрго
- В. Ж.Ж.Руссо
- Г. Д.Дидро

28. «Қонунлар руҳи» асари муаллифи қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- А. Ш.Монтескье
- Б. А.Тюрго
- В. Т.Мальтус
- Г. Д.Дидро

29. ... ижтимоий ривожланиш даражаси ва йўналиши биринчи навбатда моддий ишлаб чиқаришнинг ривожланиш даражаси билан белгиланишидир.

- А. Ижтимоий детерминизм
- Б. Географик детерминизм
- В. Геосиёсат
- Г. Экологик танглик

30. Қайси тамойил ижтимоий тенгсизликнинг табиийлиги ғоясига таянади?

- А. Геосиёсат
- Б. Инвайронментализм
- В. Ижтимоий детерминизм
- Г. Географик детерминизм




1. Маърузани олиб бориш технологияси

<i>Талабалар сони:</i>	<i>Вақти:</i> 2 соат
<i>Машигулот шакли</i>	Кириш мавзуси бўйича маъруза
<i>Маъруза режаси</i>	1.Экондинамикани глобал, минтақавий ва маҳаллий миқёсларда ривожлантириш 2.Инсон биосфера ривожланишининг зарурий босқичи 3.Хозирги дунёда экология соҳасидаги оқилона сиёсатнинг муҳим воситаси сифатида 4.Биосфера ривожланиши ҳақида
<i>Машигулотнинг мақсади:</i> Ўқув фани ҳақида умумий тасаввурни шакллантириш, биосфера ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида тушунча ҳосил қилиш.	
<i>Педагогик вазифалар</i>	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i>
Экондинамикани глобал, минтақавий ва маҳаллий миқёсларда ривожлантириш ҳақида тушунчалар бериш.	Экондинамикани глобал, минтақавий ва маҳаллий миқёсларда ривожлантириш ҳақида талабаларга тушунчалар берилди.
Инсон биосфера ривожланишининг зарурий босқичи ҳақида тушунча бериш.	Инсон биосфера ривожланишининг зарурий босқичи ҳақида талабаларга тушунчалар берилди.
Хозирги дунёда экология соҳасидаги оқилона сиёсатнинг муҳим воситаси сифатида ҳақида тушунча бериш.	Хозирги дунёда экология соҳасидаги оқилона сиёсатнинг муҳим воситаси сифатида ҳақида талабаларга тушунчалар берилди.
Биосфера ривожланиши ҳақида тушунча бериш.	Биосфера ривожланиши ҳақида талабаларга тушунчалар берилди
<i>Ўқитиш усуллари ва техника</i>	Маъруза, «аклий хужум», Т-схема, мунозара, муаммоли вазиятлар усули.
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Маъруза матни, тарқатма материаллар, слайдлар, проектор.
<i>Ўқитиш шакллари</i>	Жамоа, тўғридан-тўғри ва гуруҳларда ишлаш.
<i>Ўқитиш шарт-шароити</i>	Техник воситалар билан таъминланган аудитория.
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Оғзаки назорат, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш.

2. Маърузанинг технологик картаси

<i>Иш жараёнлари вақти</i>	<i>Фаолиятнинг мазмуни</i>	
	<i>ўқитувчи</i>	<i>Талаба</i>
I-босқич. Фанга ва мавзуга кириш. (20 минут)	1.1. Ўқув фани номини айтиб, фан доирасида дастлабки умумий тасаввурни беради ҳамда услубий ва ташкилий томонлари билан таништиради. 1.2. Фан бўйича ўтиладиган барча мавзулар	Тинглайдилар. Тинглайдилар.



П

	билан таништиради, уларнинг узвийлиги ҳақида қискача маълумот беради.	
	1.3. Фан якунида қўйиладиган рейтинг баҳолаш мезонлари билан таништиради	ЎУМ га қарайдилар.
	1.4. Фанни ўзлаштиришда фойдаланиш учун зарур бўлган адабиётлар рўйхати билан таништиради.	ЎУМ га қарайдилар.
	1.5. Ўқув машғулоти мавзуси билан таништиради ва унинг мақсади, ўқув фаолияти натижаларини баён қилади.	Мавзу номини ёзиб оладилар.
	1.6. Мавзу юзасидан ақлий хужум коидаси асосида дарс ўтказишни таклиф этади. Талабалар томонидан айтилган фикрларни ёзиб боради ва умумлаштиради	Тушунчаларни эркин фикр орқали билдиради.
II-босқич. Асосий (50 минут)	2.1. Мавзу режаси ва таянч тушунчалар билан таништиради.	Тинглайдилар.
	2.2. Маърузани режа бўйича тушунтиради, ҳар бир режани ниҳоясида умумлаштиради. Жараён компьютер слайдларини намоиш қилиш билан олиб борилади	Тинглайдилар. Слайдга эътибор қаратади, уни ўзига ёзиб олади ва саволлар беради.
	2.3. Ҳар бир режани мустаҳкамлаш учун қуйидагича саволлар беради: 1. Биосфера ривожланиши ҳақида? 2. Экодинамикани глобал минтақавий ва маҳаллий миқёсларда? 3. Хозирги дунёда экология соҳасидаги оқилона сиёсатнинг муҳим воситаси?	Саволларга жавоб берадилар, эркин баҳс-мунозара юритадилар.
	2.4. Таянч ибораларга қайтилади. Талабалар иштирокида улар яна бир бор такрорланади.	Ҳар бир таянч тушунча ва ибораларни муҳокама қиладилар. Конспект қиладилар.
III-босқич. Якуний босқич. (10 минут)	3.1. Т-схема техникасидан фойдаланилган ҳолда жуфт-жуфт бўлиб ишлаш учун тингловчиларга: биосфера ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари оид савол ёзилган тарқатма материаллар тарқатади. Ушбу техника орқали мавзу бўйича яқунловчи хулоса қилади.	Мустақил Т-схемани тўлдирадилар. Эркин фикрини баён этади.
	3.2. Талабаларнинг фаолиятига баҳо қўйилади ва рағбатлантирилади.	Эшитади.
	3.3. Келгуси машғулотга тайёргарлик кўриш учун топшириқлар ва фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати берилади.	Эшитади ва ЎУМ га қарайдилар.



БИОСФЕРА РИВОЖЛАНИШИНING ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Биосфера ривожланиши ҳақида. Учинчи минг йиллик бошида инсон фаолиятининг биосферага таъсири кучайиши жамиятни жиддий ҳалокат ёқасига олиб келди. Бугунги кунда В.И.Вернадский томонидан илгари сурилган ва асослаб берилган биосферанинг ноосферага ўтиши ҳақидаги ғоя долзарб аҳамият касб этди. Табиатнинг инсонга бўйсундирилиши ва талон-торож қилиниши муқаррар тарзда Ердаги ҳаёт таназзулга учрашига сабаб бўлади, бу ХХI аср бошида айниқса бўртиб кўринмоқда. Инсониятнинг стихияли ривожланиш босқичи ниҳоясига етмоқда, унинг муқобили - табиат ва жамият қонунларини билиш асосида бошқариладиган давр бошланмоқда. Бошқарув - аввало инсон томонидан ўтказиладиган ижтимоий эксперимент бўлгани сабабли, у бутун жамиятнинг розилигини тақозо этади¹.

Инсон биосфера ривожланишининг зарурий босқичидир; зеро, унинг биосферага таъсири кучайгани сари ундан экологик масъулиятни талаб қилади, бу эса инсон ҳаётида экологик этикани шакллантиришни талаб қилади: *«Экологик этика шуни англатадики, ноосферанинг солиштирма эркин энергиясининг кўпайиши инсонда жамланган эркин энергиянинг кўпайиши - инсон фаолиятининг такомиллашуви ҳисобига юз беради»². Экологик этика маънавий неъматлар ишлаб чиқарувчи одамлар ҳамжамиятининг экстенсив эмас, балки интенсив моддий ишлаб чиқариш билан боғлиқ. Моддий бойликнинг ўсиши ноэкологик хусусиятга эга бўлиб, дунё миқёсида экологик ҳалокатга сабаб бўлади. Ноосферанинг таракқиёти моддий бойликда ва одамда жамланган эркин энергия билан боғлиқ. Бу инсоният келажаги одамнинг интеллектуал, информацион ва маънавий ривожланиши билан узвий боғлиқлигини англатади. Шу боис моддий ишлаб чиқариш интенсив ривожланаётган шароитда фан ва маданиятнинг юксалиши устувор аҳамият касб этади.*

Бу устувор вазифани амалга ошириш кўп жихатдан инсон хулқ-атвори билан белгиланади. Инсон хулқ-атвори эса унинг ақл-идроки, тафаккури билан боғлиқ. Инсониятнинг келажакка боғлаётган умидлар замирида айнан инсон тафаккури ётади. Бу ҳақда Э.Харт шундай дейди: «Биз «тафаккур»да учинчи хамкорни, «ген - тафаккур - маданият» учбурчагининг бирлигини, генетик ва маданий эволюция қонунларидан фарқ қиладиган ўз эволюция қонунларига эга бўлган янги кудратли агентни кўришга яқинлашяпмиз. Инсон тафаккури инсоният тақдирини ҳал қилишнинг энг кудратли воситасидир»³. Айнан «ген - тафаккур -маданият» занжири замирида яширин

¹ Каранг: Голубев В. Человек в биосфере: время управляемого развития // Мир науки, 1993. №2. - 1-6.

² Ўша ерда. - 3-б.

³ Hart E. Dawn of a Millenium. Beyond Evolution and Culture. - Boston, 1990. - 80-81-6.



п
салоҳият биосферани ирсий инженерия усуллари ёрдамида сақлаб қолиш учун таҳдид солаётган экологик ҳалокатнинг анча мушкул муаммоларини ҳал қилинишига замин яратади.

Ҳозирги вақтда мутахассислар эътибори экодинамикани глобал, минтақавий ва маҳаллий миқёсларда ривожлантиришга қаратилган. Дунё миқёсида юзага келган вазият биз учун муҳим аҳамиятга эга, чунки у инсониятнинг барқарор ривожланиши билан чамбарчас боғлиқ. Сўнгги ўн йилликда дунё миқёсида иқтисодий ривожланиш иқтисодиётда либерализация ва глобализация жараёнларининг давом этиши ва жадаллашуви билан тавсифланади¹. Бунда экологик сиёсат тамойилларига катта эътибор берилмоқда, акс ҳолда экология муаммоларини ҳал қилиш, барқарор ривожланишни таъминлаш мумкин эмас.

Ҳозирги дунёда экология соҳасидаги оқилона сиёсатнинг муҳим воситаси сифатида экология солиқлари ва атроф муҳит ифлосланишининг олдини олиш чора-тадбирлари, шунингдек экология соҳасидаги қонунчилик амал қилмоқда². *Дунё миқёсидаги экодинамиканинг айрим унсурлари динамикасига экспертлар томонидан берилган баҳо қўйидаги муаммолар кескин тус олганини кўрсатади: 1) дунё аҳолисининг жуда оз қисми сув тақчиллиги бўлмаган минтақаларда яшайди; 2) шудгор ер ресурсларининг сифати ёмонлашган (ҳозирги вақтда қуруқликнинг тахминан 37% дан қишлоқ хўжалиги манфаатларида фойдаланилмоқда); 3) 1950 йилдан то ҳозирги вақтга қадар дунё миқёсида энергия истеъмол қилиш тўрт баравар кўпайди ва бу атроф муҳитга ҳар хил зарарли таъсирларни кучайтирди; 4) биологик ранг-барангликка жиддий хавф-хатарлар таҳдид солмоқда³.*

Янги муаммолар ҳақида илк бор бонг урган илмий адабиётлар қаторида америкалик олим Р.Карсоннинг 1962 йилда нашр этилган, пестицидлар ва гербицидлардан фойдаланишнинг салбий оқибатларига бағишланган «Сассиз баҳор» деб номланган тадқиқотини қайд этиш мумкин. Унда АҚШ табиатининг бузилиши, қишлоқ хўжалигида қўлланилаётган химикатларнинг инсон соғлигига зарарли таъсири тўғрисида сўз юритилади⁴. Атроф муҳитнинг ифлосланиши ғарбда кўпчиликти ташвишга сола бошлади. Аксарият тадқиқотчилар анимистик динларга, айниқса, шарқ диний-фалсафий тизимларига хос бўлган мистик бирлик туйғусини тиклашда маъно топа бошладилар⁵.

Ғарб олимлари предметларни таҳлил қилиш жараёнида нарсаларнинг амал қилиш тамойилларини аниқлаб, дунёни тизимли тушунишда илгариламоқдалар. Кенг ахлоқий маънодаги илмий ёндашувнинг фожиаси шундаки, таҳлил чиндан ҳам борлиқнинг табиийлигига путур етаётганидан

¹ Каранг: Горшков В.Т., Кондратьев К.Я., Лосев К.С. Глобальная экодинамика и устойчивое развитие: естественно-научные аспекты и «человеческое измерение» // Экология. 2009. №3; Кондратьев К.Я. Экодинамика и геополитика: от глобальных до локальных масштабов // Экология. 1999. №1.

² Каранг: Вайцекер Э., Ловинс Э.Б., Ловинс Л.Х. Фактор «четыре». В два раза больше богатства из половины ресурсов // Новая постиндустриальная волна на Западе. - М., 1999.

³ Каранг: Кондратьев К.Я. Экодинамика и геополитика: от глобальных до локальных масштабов // Экология. 1999. №1. - 5-6.

⁴ Каранг: Prins G., Stamp R. Top Guns and Toxic Whales. - L., 1991. - 25-6.

⁵ Каранг: Поликарпов В.С. Наука и мистицизм в XX веке. - М., 1990. - 124-126-6.



п
далолат бермоқда. Шу боис бугунги кунда биосферадаги жараёнларнинг даврийлиги ва узвийлигини эътиборга олувчи янгича ёндашув шаклланмоқда. Лекин фан атроф борлиқни ўрганиш учун фан усулларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган «тинч» инқилобий таъсирлар натижасида аста-секин ўзаро боғланган жараёнларга бошқача ёндаша бошлади¹.

Лавлок таълимоти. Америкалик олим Ж.Лавлок ерда ҳаёт қандай вужудга келган, ҳалокатларга тўла коинотда Ер қандай қилиб яшашга мослашиб қолган, деган саволни қўяди. У атмосфера кимёси бўйича мутахассис бўлгани учун, Қуёш таратаётган энергия 30% гача ўзгарган шароитда ерда барқарорлик қандай сақланиб қолишини таҳлил қилган. Сайёра тарихидаги улкан «чиқиндилар танглиги» таъсирида атмосферада кислород шунгача мавжуд бўлган ҳаётнинг анаэроб шакллари яшай олмайдиган даражада кўпайганидан кейин ҳам атмосфера таркиби сақланиб қолган: кўп миқдорда азот, 21% га яқин кислород ва бир фоиздан кам оксидланган газ қабилар Ж.Лавлок фикрига кўра, барқарор таркиб эмас, чунки барқарорликка атмосфера таркиби Марсдагидек: 96,5% оксидланган газ, 1,8% дан кам азот ва 0,1% дан кам кислород бўлган тақдирда эришиш мумкин. Бу салоҳиятсиз, ҳамма ёки деярли ҳамма кимёвий реакциялар тугалланган, ҳар қандай ҳаёт аломатлари барҳам топган атмосферадир. Ер атмосфераси эса, аксинча, энергияга тўла: кислород даражаси ёниш даражасидан 4% паст бўлиб, олов ёқиш ва энергия олиш имконини беради. Бироқ ер атмосфераси ўз вақтида барқарор бўлган ва бу тасодифий ҳол эмас. Ҳозирги фан Ер атмосфераси сайёранинг ер ости қатламларида дегазация жараёнлари юз бериши натижасида вужудга келган, деган гипотетик қоидадан келиб чиқади. «Бу фаразни қабул қилсак, дастлабки газ қатламининг таркиби кимёвий реакциялар тез кечадиган ер остидаги юқори температура таъсирида шаклланганини эътиборга олишимиз лозим. Бинобарин, дастлабки атмосферага таркибига кўра ҳозирги вулқонларга ўхшаш оксидланган газларнинг мавжудлиги хос бўлган, буғланувчи компонентлар (Н, С, N, S ва х, к.)дан иборат тизимда бош ролни CO₂, N₂ ва H₂O ўйнаган, деган хулосага келиш мумкин. Бу дастлабки атмосфера N₂ ва H₂O таркибига кўра ҳозирги атмосферага ўхшаш бўлганини, O₂ кейинрок, биологик жараёнлар таъсирида пайдо бўлганини англатади»². Шунга асосланиб Ж.Лавлок “Ер атмосфераси оддий геофизик ёки ҳатто биологик маҳсулот эмас, у амалда биологик шаклланиш ҳодисасидир, чунки унинг Ердаги ҳаётни кувватлаш қобилияти жонли шакллар билан бошқариладиган назорат механизмларининг амал қилиши, динамик барқарорлик ва латент кимёвий салоҳият билан белгиланади”¹ деб таъкидлайди. Ерни ягона жонли мавжудот сифатида талқин қилишга асос бўладиган биосфера ва атмосфера фаолиятининг фундаментал цикли ана

¹ Каранг: Prins G., Stamp R. Top Guns and Toxic Whales. - L., 1991. - 26-6.

² Озима М. Глобальная эволюция Земли. - М., 1990. - 94-6.

² Каранг: Горшков В.Г., Кондратьев К.Я., Лосев К.С. Глобальная экодинамика и устойчивое развитие: естественно-научные аспекты и «человеческое измерение» // Экология. 1999. №3. -166-168-6.

¹ Каранг. Поликарпов В.С. Наука и мистицизм в XX веке.-М.: 1990, С 67.



п шундай. Ж.Лавлок гипотезасида Дарвиннинг «Турларнинг келиб чиқиши» асаридан кейин биринчи марта инсоннинг атроф борлиқдаги ролини тубдан қайта қуриш ва тушуниб етиш имконини берувчи илмий ғоя пайдо бўлди ва бу инсоният тафаккури тарихида ишлаб чиқилган мистик ва илмий ёндашувлар уйғунлигидан келиб чиқувчи кутилмаган истиқболларни очди.

Инсониятнинг айрим ҳолларда сунъий эҳтиёжларни кондиритишга қаратилган (бу энг аввало ривожланган ғарб мамлакатларига хос) хўжалик фаолияти ривожланиши ва кенгайиши билан юқорида зикр этилган таҳдидлар кучайиб бормоқда. Охирги 100 йил ичида атмосферада оксидланган газ концентрацияси 30% га кўпайдики, бу яқин келажакда инсониятни ҳалокатга дучор этиши мумкин². Сайёрамиз атмосфераси азот чиқиндилари, олтингугурт бирикмалари ва бошқа кимёвий моддалар билан ифлосланган бўлиб, бу биосферага ва инсон соғлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шунинг учун нафақат иқтисодий ва ижтимоий жиҳатларни, балки экология ва биосфера масалаларини ҳам ўз ичига олган хавфсизлик концепциясини амалга ошириш жуда долзарб аҳамият касб этмоқда. Умуман олганда, хавфсизликнинг кўп даражали тизимини, чунончи, ўзаро боғланган ва бир-бирини тақозо этувчи дунё миқёсидаги биосфера, давлат, жамият ва шахс хавфсизлигини кўриб чиқиш зарур.

Г.Принс ва Р.Стэмп таълимоти. Ғарб олимлари Г.Принс ва Р.Стэмп дунё миқёсидаги экология муаммосини ҳал қилиш учун «Яшил Кассандра» тизимини ташкил этишни таклиф қилади¹. Унга кўра катта хонада ўнлаб мониторлар операторлар алоҳида стратегик аҳамиятга эга жойларни кўрсатувчи барча экранлар ва хариталарни аниқ кўриб туриши учун ярим давра шаклида ўрнатилади. Хариталарда душманнинг эҳтимол тутилган ядро ҳужумида ракеталарнинг учиш траекториялари ифодаланади ҳамда, иттифоқчи ва душман армияларнинг марралари кузатиб борилади. Душманнинг ракета базалари, кўшинлари ва эҳтимол тутилган ҳаракат йўналишлари аниқ кўрсатилган хариталар ҳам бор. Мазкур марказ разведка манбаларидан, шу жумладан коинотдаги жосус сунъий йулдошлардан ахборот билан таъминланади. Бу ерда ўрнатилган асбоб-ускуналар бир неча миллиард доллар туради. Улар душманнинг ҳаракатлари ҳақида исталган вақтда хабар бериши ва кўкқисдан ҳужум қилиш имкониятини бутунлай истисно этиши лозим. Келган ахборот кучли компьютерга киритилади, у ишлов берган маълумотлар мунтазам равишда экранларга чиқарилади. Операторлар зарур ҳолда ҳозирги замон технологиясининг барча ютуқларидан фойдаланиб, хариталарнинг айрим қисмлари масштабларини ўзгатиришлари мумкин.

Ана шундай марказлардан бири Колорадо штатидаги Чейен тоғлари яқинида жойлашган NORAD - Шимолий Америка аэрокосмик ҳимоя кўмондонлигидир. Мэрилэнд тоғларида АҚШ президентининг ер ости кўмондонлик бункери жойлашган, Англия бош вазири эса Сомерсетда кичикроқ бункерга эга. Бу ҳимоя иншоотлари миллий давлатларни ҳимоя

¹ Каранг: Prins G., Stamp R. Top Guns and Toxic Whales. - L., 1991. - 34-36-б.



п
воситалари билан таъминлаш муҳимлигини кўрсатади: хужум ёки ҳимоя учун курол-аслаҳалар, кўққисдан хужумнинг олдини олиш учун самолётлар ва сунъий йулдошлар - буларнинг барчаси душманлар мавжуд бўлган дунёда ўз фуқороларига яшаб қолиш имконини бериш учун зарурдир.

Г.Принс ва Р.Стэмп атроф муҳитга таҳдидларни, ҳаво ва сувнинг зарарланишини, озон қатлами йўқолиши ёки иқлим ўзгариши билан боғлиқ хавф-хатарларни кузатиб бориш учун ҳам шундай марказ ташкил этишни таклиф *килади*. Бу марказ хавфсизликнинг турли масалалари юзасидан оқилона қарорлар қабул қилиш учун бизни дунё миқёсида юз бераётган ҳодисалар ҳақида ахборот билан таъминлаб туради. Унга технология, компьютерлар, разведкачи сунъий йулдошлар, ердаги разведка бу сафар атмосфера, денгизлар, ўрмонлар, йирик шаҳарлардаги ҳавонинг сифати, аҳоли саломатлиги даражаси ҳақида ахборот йиғади. Хариталар стратегик минтақаларни, сайёра соғлиги учун ҳаётий муҳим тропик ўрмонларни, ҳосилдор тупроқли минтақаларни, океан шельфлари жойлашган худудларни кўрсатади¹.

Асосий таҳдидларни қуйидагича таснифлаш мумкин: 1) аҳоли сонининг ўсиши; 2) сунъий захарлар; сув ва ҳавонинг ифлосланиши; кислотали ёмғирлар; жаҳон ичимлик суви захираларига таҳдид; саҳролашиш ва тупроқ эрозияси; музликларнинг ифлосланиши ва йўқолиши; 3) стратосферада озон қатламининг юпқалашиши; тропик ўрмонларнинг камайиши; ҳосилдор тупроқларнинг камайиши; қоялар ва саёзликларнинг йўқ қилиниши; ҳаёт шакллариининг камайиши; генетик салоҳиятнинг йўқ қилиниши; океан оқимлари тизимининг бузилиши; океан тубидаги озиқ-овқат тизимларига хужум; дунё миқёсидаги исиш ва иқлим ўзгариши. Бу таҳдидларнинг ҳаммаси ўз хусусиятига кўра «Яшил Кассандра» маркази экранларининг тегишли гуруҳида ифодаланади. Демографик ўсиш атроф муҳитга (биосферага) таъсирнинг кучайишида етакчи куч бўлиб, бу тўғри тушунишни тақозо этади, чунки аҳоли ўсишининг сабаблари амалда анча мураккабдир. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, фаолият турларининг катта бир гуруҳи ифлосланиш билан боғлиқ. Ифлосланиш ернинг узок тарихидагина салбий ходиса эмас. Бироқ ҳозирги вақтда ифлосланиш ҳажми шу қадар катта, унинг ножўя таъсири шу қадар кучлики, биота тикланишга улгурмаяпти. «Биотага салбий таъсирнинг кучайиши ва ҳамжамиятлар ўз табиий ҳолатларидан узоклашиши билан релаксация коэффицентлари аввал камаяди, сўнгра салбий таъсир катталиги миқдоридан ошгач, ўз белгисини ўзгартиради. Шундан кейин манфий тесқари алоқалар ўрнини мусбат тесқари алоқалар эгаллайди, атроф муҳит ўз барқарорлигини йўқотади ва биотик тартибга солиш ўрнига биотик бузилиш юзага келади»². Экранларнинг охириги

¹ Каранг: Prins G., Stamp R. Top Guns and Toxic Whales. - L., 1991. - 36-6.

² Каранг: Горшков В.Г., Кондратьев К.Я., Лосев К.С. Глобальная экодинамика и устойчивое развитие: естественно-научные аспекты и «человеческое измерение» // Экология. 1999. №3. -164-165-6.

¹ Каранг: Горшков В.Г., Кондратьев К.Я., Лосев К.С. Глобальная экодинамика и устойчивое развитие: естественно-научные аспекты и «человеческое измерение» // Экология. 1999. №3. -165-6.



п
гуруҳида ифодаланган фаолият турларининг учинчи гуруҳи Ернинг ўз-ўзини тартибга солиш тизимида таҳдид туғдиради.

Дунё миқёсидаги экология муаммосини ҳал қилишда ирсий инженерия жиддий ёрдам кўрсатиши мумкин. Лекин, шу билан бирга, унинг замирида биосферага таҳдид ҳам яширин. Масалан, ирсий инженерия усулларида кишлоқ хўжалигида фойдаланиш, хусусан, улар ёрдамида ҳар хил экинлар (масалан, буғдой)нинг янги навларини ёки янги ўсимликлар яратиш генетик ахборотнинг бузилишига олиб келиши мумкин. «Ўсимликларнинг инсон томонидан ўзлаштирилган маданий навлари ва ҳайвон зотлари... атроф муҳитни биотик тартибга солиш қобилиятини йўқотган. Инсон биосферани тўлиқ ўзлаштира, биотик тартибга солишга путур етган, инсон дунё миқёсида атроф муҳитни техноген бошқаришни амалга оширишига тўғри келган бўлар эди. Лекин атроф муҳитни биотик тартибга солишни техноген бошқариш билан алмаштириш мумкин эмас»¹. Хуллас, ирсий инженерия усулларида фойдаланиш замирида атроф муҳитга муайян таҳдид яшириниб ётади.

Айни вақтда, дунё миқёсидаги экология муаммосини ҳал қилиш ва биосферанинг тикланиш қобилиятини таъминлашда ирсий инженериядан фойдаланишнинг ижобий жиҳатини ҳам қайд этиб ўтиш лозим. Аввало юқорида зикр этилган муаммолардан бири - сайёрамизнинг биологик ранг-баранглигига таҳдид муаммосини ҳал қилиш мумкин. Ҳозирги вақтда тадқиқотчилар инсон геномининг тўлиқ тузилишини аниқлашга яқинлашмоқдалар. Академик В.Т.Иванов тадқиқотларнинг мазкур йўналишини қуйидагича тавсифлайди: «Эндиликда кимёгарлар оксилларни синтез қила оладилар. Ҳозирча 100 тагача, айрим ҳолларда эса - 200 тагача аминокислота колдикларидан иборат оддий оксиллар олинмоқда. ДНКнинг анча катта қисмлари, шу жумладан айрим генлар ва геномнинг ҳар хил тартибга солувчи қисмлари синтез қилинмоқда. Шундай қилиб, ҳаётнинг икки асосий элементи кимёвий синтез қилинмоқда. Агар олимларга кимёвий йўл билан оддий вирусларни олиш вазифаси юкланиб, уларга тегишли маблағлар ажратилса, улар бу вазифани бажаришига ишониш мумкин. Модомики микроорганизмларни синтез қилиш мумкин экан, келажакда мураккаброқ организмни яратиш масаласи кун тартибига қўйилиши муқаррардир. Биологлар ҳозирнинг ўзидаёқ генетик аппаратга араланиш ва генетик материални сунъий йўл билан олиш орқали табиатда мавжуд бўлмаган тирик организмларни ярата оладилар»². Бизнинг назаримизда, ирсий инженерия усулларида энг аввало XX асрда йўқ бўлиб кетган ўсимликлар ва ҳайвонларнинг кўпгина турларини тиклаш учун фойдаланиш лозим. Шунда сайёрамиз биологик ранг-баранглиги камайишининг олдини олиш ва дунё миқёсидаги экология муаммосини ҳал қилиш йўлида муҳим қадам ташлаш мумкин.

¹ Биоорганическая химия на пороге нового тысячелетия // Вестник Российской академии наук. - 1999. Т. 69. №4. - 295-6.

² Биоорганическая химия на пороге нового тысячелетия // Вестник Российской академии наук. - 1999. Т. 69. №4. - 295-6.



п

Ирсий инженериянинг биосферага таъсири. *Ирсий инженерия усулларидан жонли табиатнинг эволюциясини моделлаштириш учун фойдаланиш ҳам мумкин.* Назарий ва экспериментал тадқиқотлар бундай моделлаштиришни амалга ошириш мумкинлигини кўрсатади. Айрим олимлар (В.А.Ратнер, А.А.Жарких, Н.А.Колчанов, С.Н.Родин ва б.) молекуляр эволюция назариясининг асосий муаммоларини тадқиқ қилиш жараёнида молекуляр-генетик бошқарув тизимларининг эволюцион динамикасини комплекс тавсифлашга асосланган бу назария молекуляр эволюция жараёнининг стохастик хусусиятини ва унинг тур хосил бўлиш негизи сифатидаги ролини кўрсатишини аниқлади¹. Ушбу йўналиш ҳозирги вақтда машҳур бўлган илмий тадқиқотнинг синергетик парадигмасига мос келади ва унинг эвристик салоҳиятини намоён этади. Экспериментал тадқиқотлар сут эмизувчиларнинг сунъий хромосомалари негизида яратилган векторлардан фойдаланишнинг самарадорлигини намоёиш этмокда. Бугунги кунда хужайра инженерияси - хужайра биологияси, оқсиллар кимёси ва биоинженерия соҳасидаги тадқиқотларнинг натижаларига асосланган истиқболли технология ривожланмокда². Буларнинг ҳаммаси ирсий инженерия яқин келажакда сайёрамизнинг жонли табиати эволюциясини моделлаштириш имконини бериши, биосферани бошқариш муаммоси ва пировардида дунё миқёсидаги экология муаммоси ҳал қилинишига умид бағишлайди.

Биосферанинг мураккаб муаммоларини ва экология масалаларини ҳал қилишда ирсий инженериядан фойдаланишнинг самарадорлиги муайян даражада қадриятларга муносабат тизими билан ҳам белгиланади. Ҳозирги вақтда миллий ва хорижий адабиётларда инсон фаолияти замирида антропоцентризм ётиши керакми ёки биоцентризмми, деган масала юзасидан баҳс кетмокда. Биринчи, антропоцентрик ёндашувга кўра инсон ақлли жонзот сифатида маданиятни яратган универсал (дунё миқёсида) ривожланиш ҳодисаси ҳисобланади. У экологик тангликларга тўла табиат билан абадий қарама-қаршиликда бўлади. Шу боис, биринчидан, бошқа ҳар қандай тур ва умуман табиат манфаатлари олдида инсон манфаатларининг устунлиги, иккинчидан, биологик тур сифатидаги инсоният манфаатлари олдида инсон шахси манфаатининг устунлиги, учинчидан, шаклланган биологик муайянлик сифатидаги инсоният манфаатлари олдида маданий ва тафаккур эгаси сифатидаги инсоният манфаатларининг устунлиги таъминланиши лозим³. Бу ерда эволюция ва инсонпарварлик тамойиллари асосида тузилган экологик этиканинг асосий тамойиллари таърифланган.

Иккинчи, биоцентрик ёндашув замирида француз тадқиқотчиси Л.Ферри илгари сурган «теран» экология ғояси ётади. Унинг «Янги экологик тартиб» китобида икки фалсафий муаммо ҳақида сўз юритилади: 1) табиат ўз ҳолича қимматга эгами; 2) экология билан ҳозирги дунёнинг ўзаро нисбати

¹ Каранг: Проблемы теории молекулярной эволюции / Ратнер В.А., Жарких А.А., Колчанов Н.А. и др. - Новосибирск, 1985.

² Каранг: Эриксон Д. Искусственные живые ткани // В мире науки. 1993. №1. - 16-17-6.

³ Каранг: Назаретян А.П. Человек для биосферы? // Человек. 1997. №2. - 125-6.



п
кандай. Бунда устуворликлар қуйидаги кетма-кетликда жойлаштирилади: дарахт, ҳайвон, инсон¹. Ушбу концепциянинг муфассал таҳлили унинг барча ижобий ва салбий томонларини кўрсатади ва у ҳозирги шароитга мос келмайди, деган хулосага келиш имконини беради³.

Хулосалар. Экологик этиканинг «антропоцентрик» асослари ҳам, «биоцентрик» асослари ҳам баҳсли хусусиятга эга бўлиб, уларнинг ҳар бири «узил-кесил» натижа бера олмайди. Биоцентризмнинг мўътадил варианты - эволюция назариясидаги термодинамик ёндашув диққатга сазовордир. Бу ёндашувни «биосферадаги инсон» тизимига нисбатан татбиқ этиш одамнинг биосфера- даги вазифасига янгича ёндашиш имконини беради. Бу вазифа салбий ножўя таъсирларга нисбатан биосферанинг барқарорлигини сақлаш ва мустаҳкамлашдан иборат². Бизнингча, ҳақиқатни уларнинг ўртасида излаш лозим. Шунда биосферанинг барқарорлиги ва дунё миқёсидаги экологик танглик муаммоларини ҳал қилиш учун ирсий инженерия усулларида фойдаланиш мавжуд шароитга мос келади ва кўпроқ самара беради. Демак, бунда ирсий технологиядан фойдаланиш оқибатларининг хусусиятини эътиборга олиш лозим.

Тажрибавий амалий матнлар

Биосфера, ирсий технология, океан, экология, биота, биоцентризм, инсон, ўсимлик, экологик этика.


Қўшимча ва тушунтирувчи матнлар

Э.Хартнинг инсон келажаги ҳақидаги учбурчаги

¹ Кдранг: Ferry L. The New Ecological Order. - Chicago, 1995.



П





Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар

1. Инсон ўзини боши берк кўчадан олиб чиқа оладими?
2. Ирсий инженериянинг ривожланиши инсоният учун зарамли ёки фойдали?
3. Биота ва биосфера тушунчалари қандай маънони англатади?
4. Сиз экологик этикага риоя қиласизми?

Реферат мавзулари

1. Ирсий инженерия ривожланишининг ижтимоий фалсафий аҳамияти
2. Экологик этика янги ахлоқий императив сифатида
3. Э.Харт инсон ҳаёти ҳақида

Билим ва кўникмаларни баҳолаш материаллари

1. Бугунги кунда томонидан илгари сурилган ва асослаб берилган биосферанинг ноосферага ўтиши, бу бошқариладиган ривожланиш даврининг бошланишини аниқлаштириш ҳақидаги ҳоҳиш-муносабат аҳамият касб этди.

А. В.И.Вернадский

Б. Э.Харт

В. Р.Карсон

Г. Ж.Лавлок

2. Экологик ривожланишга ўтиш нимани англатади?

А. Ноосферанинг солиштирма эркин энергиясининг кўпайиши инсонда жамланган эркин энергиянинг кўпайиши - инсон сифатининг ошиши ҳисобига юз беради»

Б. Ноосферанинг солиштирма эркин энергиясининг кўпайиши инсонда жамланган эркин энергиянинг камайиши - инсон сифатининг ошиши ҳисобига юз беради».

В. Ноосферанинг солиштирма эркин энергиясининг камайиши инсонда жамланган эркин энергиянинг кўпайиши - инсон сифатининг ошиши ҳисобига юз беради».

Г. Барча жавоблар тўғри.

3. шундай дейди: «Биз «тафаккур»да учинчи хамкорни, «ген - тафаккур - маданият» учбурчагининг бирлигини, генетик ва маданий эволюция қонунларидан фарқ қиладиган ўз эволюция қонунларига эга бўлган янги қудратли агентни кўришга яқинлашяпмиз. Инсон тафаккури инсоният тақдирини ҳал қилишнинг энг қудратли воситасидир».



п

- А. В.И.Вернадский
- Б. Э.Харт
- В. Р.Карсон
- Г. Ж.Лавлок

4. Дунё миқёсидаги экодинамиканинг айрим унсурлари динамикасига экспертлар томонидан берилган баҳо қандай муаммолар кескин тус олганини кўрсатади?

- А. Дунё аҳолисининг жуда оз қисми сув тақчиллиги бўлмаган минтақаларда яшайди; шудгор ер ресурсларининг сифати ёмонлашган (ҳозирги вақтда қуруқликнинг тахминан 37% дан қишлоқ хўжалиги манфаатларида фойдаланилмоқда);
- Б. Дунё аҳолисининг жуда кўп қисми сув тақчиллиги бўлган минтақаларда яшайди; шудгор ер ресурсларининг сифати ёмонлашган (ҳозирги вақтда иқтисодиётда фойдаланилмоқда);
- В. Биологик ранг-барангликка жиддий хавф-хатарлар таҳдид солмоқда
- Г. Барча жавоблар тўғри.

5.Янги муаммолар ҳақида илк бор бонг урган илмий адабиётлар каторида америкалик олим Р.Карсоннинг пестицидлар ва гербицидлардан фойдаланишнинг салбий оқибатларига бағишланган тадқиқотини топинг?

- А. «Сассиз баҳор»
- Б. «Сассиз наҳор»
- В. «Салбий баҳор»
- Г. «Сўнгги баҳор»

6.Р.Карсоннинг пестицидлар ва гербицидлардан фойдаланишнинг салбий оқибатларига бағишланган тадқиқот нечанчи йилда нашр этилган?

- А. 1962 йилда
- Б. 1965 йилда
- В. 1926 йилда
- Г. 1952 йилда

7. Қайси олим ерда ҳаёт қандай вужудга келган, ҳалокатларга тўла коинотда Ер қандай қилиб яшашга мослашган, деган саволни қўяди.

- А. В.И.Вернадский
- Б. Э.Харт
- В. Р.Карсон
- Г. Ж.Лавлок

8. Сайёра тарихидаги улкан қандай таъсирида атмосферада кислород шунгача мавжуд бўлган ҳаётнинг анаэроб шакллари яшай олмайдиган даражада кўпайганидан кейин ҳам атмосфера таркиби сакланиб қолган:



п
кўп микдорда азот, 21% га яқин кислород ва бир фоиздан кам оксидланган газ.

- А. «чирриндилар танги»
- Б. «чиқиндилар танглиги»
- В. «Ахлат ва чиқиндилар»
- Г. «чиқинди ахлатлари»

9. Ушбу фикр муаллифини топинг: Бу барқорор таркиб эмас, чунки барқорорликка атмосфера таркиби Марсдагидек бўлган тақдирда эришиш мумкин: 96,5% оксидланган газ, 1,8% дан кам азот ва 0,1% дан кам кислород.

- А. В.И.Вернадский
- Б. Э.Харт
- В. Р.Карсон
- Г. Ж.Лавлок

10. Ж.Лавлок гипотезасида Дарвиннинг қайси «Турларнинг келиб чиқдшги» асаридан кейин биринчи марта инсоннинг атроф борликдаги ролини тубдан қўйта қуриш ва тушуниб етиш имконини берувчи илмий фон пайдо бўлди?

- А. «Саўсиз баҳор»
- Б. «Сассиз наҳор»
- В. «Турларнинг келиб чиқдшги»
- Г. «Ахлат ва чиқиндилар»

11. Атмосферада оксидланган газ концентрацияси неча % га қўпайганда, инсониятни халокатга дучор этиши мумкин.

- А. 90 %
- Б. 30 %
- В. 40 %
- Г. 50 %

12. Ғарб олимлари Г.Принс ва Р.Стэмп дунё микроидаги экология муаммосини самарали ҳал қилиш учун қандай тизимини ташкил этишни таклиф қ.иладилар?

- А. «Яшил Кассандра»
- Б. «Яшил Ўлка»
- В. Катта стратегик
- Г. экранлар ва хариталар

13. NORAD -бу?

- А. Шимолий Америка аэрокосмик химоя кумондонлигидир.
- Б. Жанубий Америка аэрокосмик химоя кумондонлигидир.
- В. Шимолий Америка космик химоя кумондонлигидир.
- Г. АКШ аэрокосмик химоя марказидир.



п

14. Асосий таҳдидлар тўғри кўрсатилган жавобни топинг?

А. Аҳоли сонининг ўсиши, сунъий заҳарлар; сув ва ҳавонинг ифлосланиши; кислотали ёмғирлар; жаҳон ичимлик суви заҳираларига таҳдид; саҳролашиш ва тупроқ эрозияси; музликларнинг ифлосланиши ва йўқолиши; стратосферада озон катламининг юпқалашиши; тропик ўрмонларнинг камайиши; ҳосилдор тупроқларнинг камайиши; коралл қоялар ва саёзликларнинг йўқотилиши;

Б. Ҳаёт шакллариининг кўпайиши; генетик салоҳиятнинг тикланиши; океан оқимлари тизимининг бузилиши; океан тубидаги озиқ-овқат тизимларига ҳужум; дунё миқёсидаги исиш ва иклим ўзгариши.

В. Музликларнинг ифлосланиши ва йўқолиши; стратосферада озон катламининг юпқалашиши; тропик ўрмонларнинг камайиши; ҳосилдор тупроқларнинг камайиши; коралл қоялар ва саёзликларнинг йўқотилиши;

Г. А ва В жавоблар .

15. тадқиқотларнинг мазкур йўналишини қуйидагича тавсифлайди: «Эндиликда кимёгарлар оксилларни синтез қила оладилар. Агар олимларга кимёвий йуп билан оддий вирусларни олиш вазифаси юкланиб, уларга тегишли маблаглар ажратилса, улар бу вазифани бажаришига ишончим комил. Биологлар ҳозирнинг ўзидаёқ генетик аппаратга аралашин ва генетик материални сунъий йул билан олиш орқали табиатда мавжуд бўлмаган тирик организмларни ярата оладилар»

А. В.И.Вернадский

Б. В.Т.Иванов

В. Р.Карсон

Г. В.Т.Иванов Ж.Лавлок

16. Қайси ёндашувга кўра инсон ак;лли жонзот сифатида маданиятни яратган универсал (дунё микрсида) ривожланиш ҳодисаси ҳисобланади?

А. Антропоцентриқ

Б. Биоцентриқ

В. Диний

Г. Мифологик

17. Биоцентриқ ёндашув замирида қайси тадқиқотчи илгари сурган ғоя ётади?

А. В.И.Вернадский

Б. В.Т.Иванов

В. Р.Карсон

Г.Л.Ферри



п

18. «Янги экологик тартиб» китобида қандай фалсафий муаммо тўғрисида сўз юритилади?

А. Табиат уз хрлича кдматга эгами; экология билан хрзирги дунёнинг узаро нисбати кдндай.

Б. Табиат уз холича мавжудми; экология билан дунёнинг узаро нисбати кдндай.

В. Жамиат уз холича мавжудми; экология билан дунёнинг узаро нисбати кдндай.

Г. Жамят ва табиат уз холича мавжудми; экология билан дунёнинг узаро нисбати кдндай.

19. «Янги экологик тартиб» китоби муаллифини топинг?

А. В.И.Вернадский

Б. В.Т.Иванов

В. Р.Карсон

Г.Л.Ферри

20. Экологик этиканинг қайси асослари бахсли хусусиятга эга бўлиб, улар «узил-кесил» натижа бера олмайди?

А. Биоцентрик « Мифологик »

Б.«Антропоцентрик», «биоцентрик»

В. Динний « Мифологик »

Г. «Антропоцентрик», « Мифологик »

21. Биоцентризмнинг мўътадил варианти – бу?

А. Эволюция назариясидаги термодинамик ёндашув

Б. Антропоцентрик ёндашув

В. Динний ва Мифологик термадинамик ёндашув.

Г. Барча жавоблар тўғри.

22. NORAD маркази қаерда жойлашган?

А.Колорадо штатидаги Чейен тоглари якднида жойлашган

Б.Колорадо штатидаги Чейен тоглари якднида жойлашган

В.Колорадо штатидаги Чейен тоглари якднида жойлашган

Г.Колорадо штатидаги Чейен тоглари якднида жойлашган

23.. Биоцентрик ёндашув замирида қандай ғоя илгари сурган?

А. «Бутун» экология

Б. «Синтез» экология

В. «Теран» экология

Г. «теран» ва «Синтез» экология



п

24. Ушбу фикр муаллифини топинг: Модомики микроорганизмларни синтез қилиш мумкин экан, келажакда мураккаброк организмни яратиш масаласи кун тартибига қўйилиши муқаррардир.

А. В.И.Вернадский

Б. В.Т.Иванов

В. Р.Карсон

Г. В.Т.Иванов Ж.Лавлок

25. Салоҳиятсиз, ҳамма ёки деярли ҳамма кимёвий реакциялар тугалланган, ҳар қандай ҳаёт аломатлари барҳам топган атмосфера таркиби тўғри кўрсатилган жавобни топинг?

А. 95,5% оксидланган газ, 0,8% дан кам азот ва 1,8% дан кам кислород

Б. 96,5% оксидланган газ, 1,8% дан кам азот ва 0,1% дан кам кислород

В. 95,5% оксидланган газ, 1,8% дан кам азот ва 1% дан кам кислород

Г. 96,5% оксидланган газ, 0,9% дан кам азот ва 1,8% дан кам кислород

26. Бу таҳдидларнинг ҳаммаси ўз хусусиятига кўра маркази қаерларда ифодаланади?

А. Экранларнинг тегишли гуруҳида

Б. Маънавий марказларида

В. Жамоат ташкилотларида

Г. Барча жавоблар тўғри.

27. Қайси фаолият турларининг катта бир гуруҳи ифлосланиш билан боғлиқ?

А. Демографик ўсиш

Б. Табиатни зарарлаш

В. Анорганик оқибат

Г. Ижтимоий экология

28. Нечанчи то ҳрзирги вақтга қадар дунё миқёсида энергия истеъмол қилиш турт барабар купайди ва бу атроф муҳитга ҳар хил зарарли таъсирларни кучайтирди?

А. 1950 йилдан

Б. 1952 йилдан

В. 1960 йилдан

Г. 1945 йилдан.

29. Биота бузилиши қандай юзага келади?



п

А. Биотага салбий таъсирнинг кучайиши ва хамжамиятлар уз табиий хрлатларидан узоклашиши билан релаксация коэффициентлари аввал камаяди, сунгра салбий таъсир катталиги бусага микдордан ошгач, уз белгисини узгартиради. Манфий тескари алокалар урнини мусбат тескари алокалар эгаллайди.

Б. Манфий тескари алокалар урнини мусбат тескари алокалар эгаллайди, атроф мухит уз барқарорлигини тиклайди ва биотик тартибга солиш урнига биотик бузилиш юзага келади

В. Биотага салбий таъсирнинг кучайиши ва хамжамиятлар уз табиий хрлатларидан узоклашиши натижасида релаксация коэффициентлари аввал кўпаяди, сунгра салбий таъсир катталиги бусага микдордан камайгач, уз белгисини узгартиради. Мусбат тескари алокалар урнини манфий тескари алокалар эгаллайди.

Г. А ва Б

30. Экрaнларнинг охирги гурухида ифодаланган фаолият турларининг учинчи гурухида нима ифодаланadi?

А. Ернинг уз-узини тартибга солиш тизимига тахдид тугдиради

Б. Ернинг уз-узини тартибга солиш тизимини ташкиллаштиради.

В. Ернинг уз-узини тартибга солиш тизимига барқарорлик тугдиради

Г. Ернинг уз-узини тартибга солишни амалга оширади.




1. Маърузани олиб бориш технологияси

<i>Талабалар сони:</i>	<i>Вақти:</i> 2 соат
<i>Машигулот шакли</i>	Кириш мавзуси бўйича маъруза
<i>Маъруза режаси</i>	1.Биосфера ва ноосфера диалектикаси 2.Янги борлиқнинг шаклланиши 3.Ноосфера ёки инсоният геологик куч сифатида
<i>Машигулотнинг мақсади:</i> Ўқув фани ҳақида умумий тасаввурни шакллантириш, ноосфера борлиқ шакли ҳақида тушунча ҳосил қилиш.	
<i>Педагогик вазифалар</i>	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i>
Биосфера ва ноосфера диалектикаси ҳақида тушунчалар бериш.	Биосфера ва ноосфера диалектикаси ҳақида талабаларга тушунчалар берилди.
Янги борлиқнинг шаклланиши ҳақида тушунча бериш.	Янги борлиқнинг шаклланиши ҳақида талабаларга тушунчалар берилди.
Ноосфера ёки инсоният геологик куч сифатид ҳақида тушунча бериш.	Ноосфера ёки инсоният геологик куч сифатида ҳақида талабаларга тушунчалар берилди.
<i>Ўқитиш усуллари ва техника</i>	Маъруза, «аклий ҳужум», Т-схема, мунозара, муаммоли вазиятлар усули.
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Маъруза матни, тарқатма материаллар, слайдлар, проектор.
<i>Ўқитиш шакллари</i>	Жамоа, тўғридан-тўғри ва гуруҳларда ишлаш.
<i>Ўқитиш шарт-шароити</i>	Техник воситалар билан таъминланган аудитория.
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Оғзаки назорат, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш.

2. Маърузанинг технологик картаси

<i>Иш жараёнлари вақти</i>	<i>Фаолиятнинг мазмуни</i>	
	<i>Ўқитувчи</i>	<i>Талаба</i>
I-босқич. Фанга ва мавзуга кириш. (20 минут)	1.1. Ўқув фани номини айтиб, фан доирасида дастлабки умумий тасаввурни беради ҳамда услубий ва ташкилий томонлари билан таништиради.	Тинглайдилар.
	1.2. Фан бўйича ўтиладиган барча мавзулар билан таништиради, уларнинг узвийлиги ҳақида қисқача маълумот беради.	Тинглайдилар.
	1.3. Фан якунида қўйиладиган рейтинг баҳолаш мезонлари билан таништиради	ЎУМ га қарайдилар.
	1.4. Фанни ўзлаштиришда фойдаланиш учун зарур бўлган адабиётлар рўйхати билан таништиради.	ЎУМ га қарайдилар.
	1.5. Ўқув машғулоти мавзуси билан таништиради ва унинг мақсади, ўқув фаолияти натижаларини баён қилади.	Мавзу номини ёзиб оладилар.
	1.6. Мавзу юзасидан аклий ҳужум қондаси	Тушунчаларни



П

	асосида дарс ўтказишни таклиф этади. Талабалар томонидан айtilган фикрларни ёзиб боради ва умумлаштиради	эркин фикр орқали билдиради.
II-босқич. Асосий (50 минут)	2.1. Мавзу режаси ва таянч тушунчалар билан таништиради.	Тинглайдилар.
	2.2. Маърузани режа бўйича тушунтиради, ҳар бир режани ниҳоясида умумлаштиради. Жараён компьютер слайдларини намойиш қилиш билан олиб борилади	Тинглайдилар. Слайдга эътибор қаратади, уни ўзига ёзиб олади ва саволлар беради.
	2.3. Ҳар бир режани мустаҳкамлаш учун қуйидагича саволлар беради: 1.Ноосфера инсоният геологик куч сифатида? 2.Ноосфера чегаралари? 3.Инсон ва ноосфера?	Саволларга жавоб берадилар, эркин баҳс-мунозара юритадилар.
	2.4. Таянч ибораларга қайтилади. Талабалар иштирокида улар яна бир бор такрорланади.	Ҳар бир таянч тушунча ва ибораларни муҳокама қиладилар. Конспект қиладилар.
III-босқич. Яқуний босқич. (10 минут)	3.1. Т-схема техникасидан фойдаланилган ҳолда жуфт-жуфт бўлиб ишлаш учун тингловчиларга: ноосфера борлиқга оид савол ёзилган тарқатма материаллар тарқатади. Ушбу техника орқали мавзу бўйича яқунловчи хулоса қилади.	Мустақил Т-схемани тўлдирадилар. Эркин фикрини баён этади.
	3.2. Талабаларнинг фаолиятига баҳо қўйилади ва рағбатлантирилади.	Эшитади.
	3.3. Келгуси машғулотга тайёргарлик кўриш учун топшириқлар ва фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати берилади.	Эшитади ва ЎУМ га қарайдилар.



НООСФЕРА - БОРЛИҚ ШАКЛИ


Биосфера ва ноосфера диалектикаси. Ечимини топмаган экологик муаммолар хавфи кучайишига қараб одамлар танг вазиятдан чиқиш йўллари ҳақида кўпроқ бош қотира бошладилар, уни бартараф этиш йўлида муайян қадамлар ташлашга ҳаракат қилдилар. Шу муносабат билан тўпланган тажрибадан, ўзгарган шароитлардан ўз вақтида чиқарилган тўғри хулосалар айниқса муҳим аҳамият касб этади. Бундай муҳим хулосалардан бири шундан иборатки, яқин ўтмишда ижтимоий ҳаёт икки мутлако зарур шарт: тирикчилик воситаларини узлуксиз ишлаб чиқариш ва инсоннинг кўпайишига риоя этган ҳолда кечиши мумкин эди. Бунда табиий муҳит гўёки олдиндан берилган бўлиб, инсонга нисбатан муайян константа вазифасини бажарарди. Ундан фақат фойдаланиш лозим эди.

Ҳозирги давр бу табиий мувозанатга жиддий тузатиш киритди. *Энди ишлаб чиқаришнинг янги тури – табиий муҳитнинг ўзини ишлаб чиқариш ва такрор ишлаб чиқаришга зарурат тугилди*, бу эса инсон нафақат ижтимоий жараёнларда, балки ўзига бўйсунувчи табиий жараёнларда ҳам фаол асосга айланганини англатади.

Сайёрамиз сиртида юзага келган, коинот энергиясини ютиш ва унинг ёрдамида дунёни ўзгартиришга қодир бўлган ҳаёт қобиғи биосфера деб аталади. Ер ва Ойни таққослаш жонли модда – биосферанинг самарадорлигини намойиш этиш имконини беради. Биосферанинг ўзи, Ернинг ташқи қобиғини камраб олган ҳаётий омил сифатида, куёш энергиясидан фойдаланиш қобилияти ҳисобига эволюция жараёнларини кўп марта кучайтиради ва жадаллаштиради. У жонли табиат ривожланиш жараёнининг катализатори сифатида амал қилади. Рус олими В.И.Вернадский хулосаларига кўра, табиатдаги геокимёвий цикллар ёки моддалар айланиши таъсирида жонли модда миқдори Ернинг бутун тарихи давомида деярли ўзгармаган.

Инсон пайдо бўлиши билан табиатдаги ўзаро таъсирларнинг яна бир кудратли омили юзага келди. Шу муносабат билан Ернинг умумий ривожланишида инсоннинг ўрни ва аҳамияти тўғрисидаги масалани кўйиш мумкин. Масаланинг айнан шу тарзда кўйилиши ноосфера – ақл-идрок соҳаси, деган хулосага олиб келди. Бугунги фанда XX асрнинг биринчи ярми учун нисбийлик назарияси қандай ҳаяжон уйғотувчи сирли ва мавҳум соҳа бўлса, XX асрнинг иккинчи ярми учун ноосфера шундай соҳадир, деган фикрга дуч келиш мумкин.

«Ноосфера» атамаси илк бор XX асрнинг 20-йилларидан француз олимлар *Э.Леруа* ва *П.Тейяр де Шарден* томонидан ишлатила бошлади. *Улар ноосферага идеал тузилма сифатида, сайёранинг биосферадан ташқаридаги алоҳида «тафаккур пардаси» сифатида қарадилар.* Жумладан, «ноосфера» атамаси француз тадқиқотчиси *Э.Леруа* томонидан 1927 йилда Бергсоннинг Париждаги семинарида В.Вернадскийнинг шу соҳага бағишланган маърузаси муҳокамасида геологик биосферанинг ҳозирги босқичини ифодалаш учун



п
таклиф қилинган. Кейинчалик бу атамадан *П.Тейяр-де-Шарден* кенг фойдаланган. У ноосферани учламчи давр охирида вужудга келган, ўсимликлар ва ҳайвонларни қамраб олувчи, биосферадан ташқарида ва биосфера узра амал қилувчи Ернинг «фикрловчи қатлами», унинг ўзига хос қобили сифатида тушунган. «...Ерда тафаккур учкунни ялт этгани заҳоти ҳаёт унинг ўзини танқид қилиш ва у ҳақда ҳукм чиқаришга қодир кучни яратди»¹. Ноосфера инсоннинг фикр ва вазифаларини қамраб олади. Баҳамжиҳат ҳаракатлар воситасида умумий бирлашишга жалб қилинган фикрловчи кучлар ва birlikларнинг бутун мажмуи сайёрамиз эволюциясига таъсир кўрсатади, уни кўп жиҳатдан белгилайди.

Тейяр-де-Шарден фикрига кўра, ноосфера пайдо бўлиши билан биосферанинг асаб системаси ривожланишини кенгайтириши йўлидаги олти юз миллион йиллик ҳаракати яқунланади. Сайёра ва коинотнинг ривожланишидаги бу улкан эволюцион сакрашни материяга жон кириши, яъни ҳаётнинг пайдо бўлишига тенглаштириш мумкин. Эркин фикрлаш ва кашф этиш, ўз ҳаракат ва фикрларини англашга қодир инсоннинг пайдо бўлиши – мантикий нуқтаи назардан, ҳам материя ҳаракатининг олдинги – биологик шаклининг янги, истиқболли ривожланиши, ҳам жонсиз материя қаршисида «борлиқнинг янги тартиби»ни ўрнатувчи омилдир. Бу янги соҳа том маънода мустақил, тизим ҳосил қилувчи омил бўлиб, у инсониятдан ташқарида ва инсониятсиз юзага келиши мумкин эмас. Бундан ташқари, ўз физик моҳиятига кўра, у ташқи, бегона унсур сифатида эмас, балки тенг маъноли, лекин мавжуд барча нарсалардан устун омил тарзида амал қилади.

Янги борлиқнинг шаклланиши. В.И.Вернадский «ноосфера» тушунчасига бутунлай бошқача маъно юклади. У ноосфера биосферани ва умуман табиатни ўзгартиришга қаратилган инсон фаолияти натижаси деб ёндашиди. Жамият ва табиатнинг ўзаро боғланишида инсоннинг оқилона фаолияти энг муҳим омилга айланадиган ҳолатга эришишни у «ноосфера» (юнон. *noos* – ақл, идрок ва *sphaira* – соҳа), яъни *ақл-идрок соҳаси* деб номлади. Унинг фикрича, Ер атрофида келиб чиқиши антропоген хусусиятга эга бўлган «парда» вужудга келади, аммо бу идеал соҳа эмас, балки биосферанинг ривожланишидаги муайян босқичдир. Бунда одамларнинг онгли ўзгартирувчи фаолияти амалда мазкур ривожланишнинг ҳаракатлантирувчи кучига айланади, шу тариқа юзага келган «ақл-идрок соҳаси» эса моддий ҳодиса ҳисобланади, чунки биосферага ҳам, инсон ақл-идрокига ҳам, унинг фаолиятига ҳам материалистик нуқтаи назардан ёндашилади.

Эволюция жараёнининг ягона оқимида «ноосфера» тушунчаси ривожланишнинг маънавий-руҳий табиатга эга бўлган янги воситалари ва омиллари пайдо бўлиши ҳамда улардан фойдаланилишини қайд этади.

Вернадский жамиятга жонли ва жонсиз табиатнинг бирлиги сифатида, инсон фаол субъект сифатида ҳукмронлик қилувчи яхлит система сифатида ёндашиб, жамият ва табиатнинг ўзаро боғланишида

¹ Тейяр де Шарден // Всемирная энциклопедия. -М.: Современный лератор, 2001.- С. 346.



п
инсон фаолияти таъсирида юз берган сифат ўзгаришларини илмий асослашга ҳаракат қилди. Шундан бери ноосфера инсоннинг ҳар қандай ўзгартирувчи фаолияти табиий ва ижтимоий жараёнларни илмий тушунишга асосланадиган ва табиат ривожланишининг умумий қонунлари билан мувофиқлаштирилаётган материя мавжудлиги барча шакллари бирлашувининг олий босқичи сифатида тушунилади. Бошқача айтганда, бу «жамият-табиат» системаси тадрижий ривожланишининг олий босқичи, ҳали мавжуд бўлмаган, лекин шакллана бошлаган ва агар инсоният бўҳронлар юз беришини хоҳламаса ва келажақда муносиб ҳаёт кечиришни истаса, албатта мавжуд бўлиши керак бўлган босқичдир.

Аксарият тадқиқотчилар фикрига кўра, бундай босқичга эришиш жамият ва табиат бир йўналишда – ўзаро боғланишини оптималлаштириш йўлида тадрижий ривожланишини тақозо этади. Муштарак ривожланишнинг мазкур типи табиат ва жамият коэволюцияси деб аталади ва ноосферага эришиш унинг тадрижий яқуни ҳисобланади.

Жамият ва табиат муносабатларининг тадрижий ривожланиши ғоялари ер юзидан органик, кейинчалик эса – ижтимоий дунёнинг вужудга келиши ва ривожланишини белгилаган қонуниятларнинг янгича талқинига асосланади. Жонли ва жонсиз табиатнинг ўзаро боғланиши натижаси ўлароқ Ер литосфераси, гидросфераси ва атмосферасининг янги ҳолати юзага келдики, бу «биосфера» ва «ноосфера» каби синтетик тушунчаларда ўз аксини топди. Мазкур тушунчаларнинг илмий муомалага киритилиши ва фалсафий асосланиши ўзгартирилган табиатни тушунишда бутунлай янги босқич бўлди.

Ўтган асрнинг 70-80-йилларида табиат ва жамиятнинг ўзаро боғланиши масалалари атрофида олиб борилган қизғин мунозаралар натижасида ноосфера тушунчаси эколог олимларнинг бутун бир авлоди учун амалда методологик мўлжалга айланди.

Ақл-идрок деганда нима тушунилади? Бу ақл-идрок билан умуман инсон онги ва шахснинг барча маънавий жиҳатларини уйғунлаштирадиган тушунчадир. Ҳозирги вақтда «ноосфера» тушунчаси турли соҳа олимлари диққатини ўзига тортмоқда. Баъзан унинг мазмуни инфор­мацион жараёнлар билан боғланади ва инфор­мацион-энергетик-моддий бирлик сифатида таърифланади. Бугунги кунда анча кенг тарқалган «интеллектуал» тизимлар атамаси ноосферага кириш механизмларидан бирини ифода­лайди.

Биосферадан ноосферанинг ҳосил бўлиши инсониятнинг узвийлигини намоён этади. Ноосфера ўзининг «ақл-идрок соҳаси» деган номини оқлаши учун унда техник тараққиётнинг инсоният келажаги учун салбий оқибатларини бартараф этиш ва ижтимоий ҳаёт равнақи учун кенг имкониятлар яратишга қодир бўлган гуманистик илмий тафаккур амалда ҳукм суриши лозим.

Айтиш мумкинки, ноосфера – ўзига хос объект. Унда жонсиз ва жонли табиатнинг ўзаро таъсирини акс эттирувчи қонуниятлар, шунингдек жамият, инсон фаолияти ва тафаккур қонунлари амал қилади. Бу умумий қонунлар ҳали таърифланганича йўқ, лекин шунини ишонч билан айтиш мумкинки, улар




п
Ўзгариши ҳамда фаолиятнинг салбий оқибатларида кичик, маҳаллий энергетик таъсирлардан иборат бўлган дастлабки шартлар ўта таъсирчан тизимларнинг ўзгаришлари динамикасини ҳисобга олишга қодир методологияни талаб қилади. Ақл-идрок нафақат билишнинг махсус аппарати, балки ҳаёт фаолиятини ташкил этувчи манба ҳисобланади. В.Вернадский фикрига кўра, ноосферанинг шаклланиши ўсиб бораётган илмий тафаккур ва унга асосланган унумли ижтимоий меҳнат таъсирида юз бериши лозим. Илмий тафаккурнинг ўсиши инсониятнинг мавжудлик шарт-шароитларига жиддий таъсир кўрсатмай қолмайди. В.Вернадский бу жараён миқёсини янада кенгайтиради, чунки ноосфера моддий тизимнинг улкан умумбашарий жараёни қамраб олувчи туридир. Ноосфера инсоният ҳаётининг олий ташкилий вазифаларини ҳал қилишни ҳам, табиий-космик тартибни оқилона тартибга солиш мумкинлиги ғоясини ҳам назарда тутади.

«Ноосфера» тушунчаси илмий муомалага киритилиши билан фалсафа энергиянинг янги тури маъноси ҳақида фикр юрита бошлади. У ўз субстратлари таркибига кўра, биокимёвий жараёнларнинг турларидан бири ҳисобланади, аммо сифат хусусиятига кўра ақл-идрок энергияси, маданият яратувчи энергия, илмий тафаккур энергияси сифатида амал қилади. Инсон маданияти энергияси ёки маданий биогеохимёвий энергия деб номлаш мумкин бўлган энергиянинг бу янги шакли ноосферани яратаётган асосий омиллардан биридир. Ноосфера чегаралари инсон ақлининг интеграл кучи билан фарз қилинади ва улар ўзгармас эмас, балки фикрлаш жараёнларининг оқилоналик ва сифат даражасига боғлиқ, деган хулосага келиш мумкин. Ноосфера ўз онтологик кўрсаткичларига кўра, ҳаракатчан ижтимоий-биогеологик тизим сифатида тушунилиши ҳам мумкин.

Инсоният ҳаёт фаолиятининг номутаносибликларига барҳам бериш имкониятлари айнан ноосфера билан боғланмоқда. Борлиқни тушунишга нисбатан универсал ёндашув нафақат Ер цивилизациясининг устувор қадриятлари ва тамойилларини, балки коинотга муайян боғлиқликни ҳам ўз ичига олади. Инсониятнинг табиат билан боғлиқлик механизмлари ранг-барангдир. Улар фақат биологик, техник ёки ижтимоий механизмлардан иборат эмас. Бу механизмлар ўзаро таъсир жараёнида шундай мураккаб тизим касб этадики, бунда бир қатлам иккинчи қатлам устидан ўрин олиб, ўз таъсири билан учинчи қатламни ўзгартиради.

«Ноосфера» тушунчасида инсон фаолиятининг оламшумул салбий оқибатлари ҳақидаги кўп сонли маълумотларга қарши эътирозлар мажмуи ҳам мужассамлашган. Г.Маршнинг 1866 йилда нашр этилган «Инсон ва табиат ёки табиатнинг физик-географик шарт-шароитлари ўзгаришига инсоннинг таъсири ҳақида» китобида яшаш муҳитига инсоннинг салбий таъсири тўғрисида кўплаб далиллар келтирилган. Бу салбий таъсир тупроқ қатламининг бузилиши, ўрмонлар майдонининг қисқариши, ҳайвонлар турларининг қирилиши ва ҳоказоларда намоён бўлмоқда. Табиатдан бундай нооқилона фойдаланиш инсоннинг ўзини ҳам ҳалокатга дучор этиши мумкин.



п

Шу муносабат билан ноосфера жараёнлари ривожланишига икки хил қараш юзага келди. Биринчи қарашга кўра, апокалипсис рўй бериши мумкин, яъни бунда ақл-идрок соҳаси сифатидаги ноосфера ўз номини оқламайди, у ўзини ўзи вайрон қилади. Иккинчи қарашга кўра эса, моддий тизимлар барча турларининг уйғун конвергенцияси, инсон ва табиат аҳил яшашининг янги босқичи сифатидаги ҳолати юзага келиши мумкин.

Биосфера ва жамият коэволюциясини уларнинг биргаликда ривожланиш тамойили сифатида таъминлаш муқаррар тарзда инсон фаолиятига муайян тақиқлар белгилаш ва уни тартибга солишни назарда тутди. Бу ерда одамларнинг биргаликдаги фаолияти ва хулқ-атвориға муайян чеклашларнинг чегараларини белгиловчи «экологик императив»га зарурат туғилади. Ақл-идрок соҳаси сифатидаги ноосфера янги, оқилона ахлоқни ҳам, зиддиятларсиз коэволюцион ривожланиш идеаллари асосида бутун борлиқни қайта қуришни ҳам назарда тутди.

Ноосферанинг мазкур кам ўрганилган ҳодисасининг инсонпарварлиги бизнинг технократик асримизда алоҳида аҳамият касб этади. Бу шунда янада каттароқ куч билан намоён бўладики, инсоният ақл-идрок кадриятларига суяниб, ўзини янгилаш зарурлигини англаб этади. Инсоният келажаги ҳақида қайғуриш, фан ютуқларидан унинг зарарига эмас, балки фақат жамият равнақи йўлида фойдаланишга интилиш техника ва саноат томирларига янги «қон қуяди», дунё ҳамда инсоннинг ягона ҳаётда янгидан уйғунлашувига имконият яратади.

Ноосфера ғояси катта тарихий-фалсафий анъанага эга. Инглиз материализми асосчиси Ф.Бэкон (1561-1626)нинг «Билим – кучдир», деган машҳур ибораси ноосфера ғоясининг фалсафий аналогиси ҳисобланади. Мазкур ибора мазмунида дунёни ўзгартиришга қодир бўлган билим ва ақл-идрок кучига улкан ишонч яширинган. Ақл-идрок кудратига бўлган ишончнинг энг қадимги намунасига дунёни билиш ва уни ўзгартириш бир нарса деб қаралувчи гностиклар фалсафасида, кейинги даврда П.А.Флоренскийнинг «духосфера» ёки «пневматосфера» ҳақидаги тасаввурида дуч келиш мумкин.

Ноосфера ғоясининг асосчилари ўз ижодида Шарқ фалсафаси анъаналаридан таъсирлангани ҳозир ҳеч кимга сир эмас. Масалан, В.Вернадский «Илмий тафаккур - умумбашарий ҳодиса сифатида» деб номланган тугалланмаган асарида фанни фалсафадан ажратиб бўлмайди, фалсафасиз фан ривожлана олмайди, деб таъкидлайди. 1932-1933 йилларда В.Вернадскийни идеализмда айблаган А.Деборин билан баҳс олимни собиқ иттифоқда катта мавқега эга бўлган диалектик материализм таълимотига шубҳа билан қараш ва унга салбий ёндашишга олиб келди. Илмий фаолият фалсафага таъсир кўрсатиши, йирик илмий умумлаштиришлардан кейин фалсафанинг янги оқимлари пайдо бўлишини кутиш мумкинлигига олимнинг ишончи комил эди. Ўша даврда ҳукм сурган расмий доктрина асосий қоидаларининг дахлсиз деб эълон қилиниши уни «мамлакатда эркин илмий ва фалсафий изланишлар учун имконият йўқлиги» ҳақида афсус билан гапиришга мажбур қилди.



п

Ноосфера ёки инсоният геологик куч сифатида. Ечимини топпаган экологик муаммолар хавфи кучайишига қараб одамлар танг вазиятдан чиқиш йўллари ҳақида кўпроқ бош қотира бошлайдилар, уни баргараф этиш йўлида муайян қадамлар ташлашга ҳаракат қиладилар. Шу муносабат билан тўпланган тажрибадан, ўзгарган шароитлардан ўз вақтида чиқарилган тўғри хулосалар айниқса муҳим аҳамият касб этади. Бундай муҳим хулосалардан бири шундан иборатки, яқин ўтмишда ижтимоий ҳаёт икки мутлақо зарур шарт: тирикчилик воситаларини узлуксиз ишлаб чиқариш ва инсоннинг кўпайишига риоя этган ҳолда кечиши мумкин эди. Бунда табиий муҳит гўёки олдиндан берилган бўлиб, инсонга нисбатан муайян константа вазифасини бажарарди. Ундан фақат фойдаланиш лозим эди.

Ҳозирги давр бу табиий мувозанатга жиддий тузатиш киритди. *Энди ишлаб чиқаришнинг янги тури – табиий муҳитнинг ўзини ишлаб чиқариш ва такрор ишлаб чиқаришга зарурат тугилди, бу эса инсон нафақат ижтимоий жараёнларда, балки ўзига бўйсунувчи табиий жараёнларда ҳам фаол асосга айланганини англатади.* Жамият ва табиатнинг ўзаро боғланишида юз берган ўзгаришлар моҳияти, шунингдек бундай ўзаро боғланишнинг истиқболларини таниқли олим *В.И.Вернадский* инсоннинг табиатни ўзгартирувчи фаолияти таъсирида биосферада дунё миқёсида юз берган сифат ўзгаришларига биринчилардан бўлиб эътиборни қаратди ва мазкур фаолликнинг мисли кўрилмаган миқёси ва шакллари таҳлил қилиб, ҳозирги босқичда инсоният қудратли геологик кучга айланади, деган хулосага келди¹.

Биосфера ва ноосфера мутаносиблиги. Ноосферани биосферадан ажраладиган, мустақил мавжуд бўлган алоҳида қобик ёки борлиққа ҳеч қандай боғланиши бўлмаган соф назарий конструкция сифатида эмас, балки *биосферанинг бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтиши, бунинг натижасида бутунлай янгича сифат касб этиши* маъносида тушуниш лозим. Демак биосфера ва ноосферанинг соф географик параметрлари мос келмайди.

Инсон ракеталар, сунъий йўлдошлар, орбитал станциялар ва бошқа космик техникадан фойдаланиб, табиий шаклланган биосфера чегараларидан ташқарига чиқади, бироқ, шу биосферанинг таркибий қисми сифатида, у ўзининг мазкур ҳаракати билан биосфера чегаралари – унинг янги сифати чегараларини ҳам кенгайтиради. Айни вақтда, жамият табиат билан ўзаро алоқага киришиб, биосферага кириб боради, уни янгича мазмун билан бойитиб «ижтимоийлаштиради». Биосфера ижтимоий борлиқ доирасига тобора кучлироқ «тортилади», унинг чексиз ривожланиш ва такомиллашиш жараёни эса ижтимоий жабҳага ўз таъсирини кўрсатади. Бунда табиатнинг бир қисми бўлган инсон мазкур жараённи тўхтата олмайди. Зеро, бунинг акси инсон ўз ижтимоий борлигини, бинобарин, инсоний борлигини ҳам тўхтатишини англатган бўлур эди.

Шундай қилиб, биосферанинг ноосферага ўтиши авваламбор инсон ўзининг ўзгартирувчи фаолиятида «Зиён етк азма» деган қоидага сўзсиз амал

¹ Каранг: Вернадский В.И. Химическое строение биосферы Земли и ее окружения. – М., 1965. – С.328.



п килиб, биосферанинг ҳам, ўз-ўзининг ҳам кейинги эволюцияси учун бутун жавобгарликни ўз зиммасига олишга мажбур эканлигини англатади.


Бундай вазифани ҳал қилиш учун жамият ҳамда «жамият-табиат» системаси ҳақида кенг билимларга эга бўлиш талаб этилади. Аслида, мазкур билимлар фалсафа, шунингдек, барча табиий, ижтимоий ва техник фанларнинг мазмунини ташкил этади. Бунда фалсафанинг аксиологик жиҳати - кадриятлар ва ахлоқий идеалларни белгилаш, ахлоқий қоидалар ва тамойилларни таърифлаш қобилияти биринчи ўринга чиқади.

Коэволюция. (лот со- мувофиқлашув ва эволюция) кенг маънода экологик алоқа, яъни табиат ва жамият ўртасидаги мувозанат. *Коэволюция атамаси XX асрнинг 60 йилларида «ноосфера» атамасининг синоними сифатида ишлатила бошланди. Унга кўра инсон космоснинг кузатувчиси эмас, балки ҳаётни нафақат рационал балки тана ва қалби билан ҳис қилувчи табиий қисмидир.* Коэволюция атамаси социобиологлар томонидан таклиф қилинган “ирсий маданий коэволюция назарияси” асосида ривожланди. Бунда оптимал шароитлар органик ва маданий эволюциянинг мутаносибликдаги назарда тутилади, яъни ирсият ва маданият бир бирини тақозо қилади, бироқ бу жараёнда коэволюциянинг қоидаларини дастурлаштирувчи ирсият устиворлик қилади.

Инсоният эволюцияси homo sapiens турининг генетик констаталарини сақлайди ва ижтимоий онг шакллари, ишлаб чиқариш тизимлари, фан, техника, моддий ва маънавий маданият ривожланишининг алоқадорлигида намоён бўлади. Бу ўзаро алоқадорликдаги сифат ўзгаришлари илмий техникавий эволюция билан белгиланади. Эндиликда қандай таъсирларнинг Ерда ҳаёт ва инсониятни биологик тур сифатида сақлаб қолиш имконияти бериши ҳақида ўйлаш лозим.

Зеро биосфера бекарор ривожланувчи мураккаб тизим. Унинг эволюциясида жуда кўп ҳалокатлар бўлган. Ҳозирги давр олимларининг илмий башоратига кўра янги биологик турнинг шаклланиши учун камида 10 минг йил талаб қилинади. Техно-эволюция тезлиги биоэволюция тезлигига нисбатан ортиб бормоқда. Дарҳақиқат, техно-эволюция ва биоэволюция ўртасидаги тезлик катталашиб борса, табиат ва жамият коэволюцияси ҳақида фикрлашнинг фойдаси йўқ. Атроф муҳитдаги локал ва глобал ифлосланиш турли даражадаги касалликларнинг, ўлимнинг кўпайишига, ирсиятнинг бузилишига олиб келмоқда, бу эса глобал ва минтақавий тус олиш хавфини оширмоқда. Фақатгина коэволюция тамойилининг амал қилиши Ерда ҳаётни сақлаб қолишнинг реал асоси бўла олади.


Хулосалар. Бугунги кунда ҳам «ноосфера» тушунчаси, унинг намоён бўлиши ва ўзига хос хусусиятлари тўғрисидаги баҳслар тўхтагани йўқ. Инсоният олам сирларини тобора кўпроқ билиб бораверар экан, ноосферанинг хилма-хил қирраларини кашф этиш давом этаверади. Бу эса шу соҳадаги билимлар тўпланишига, турли далилларни умумлаштириш, улар асосида фалсафий ғояларни ўртага ташлаш учун кенг имконият яратади.



П

Экологик муаммолар, табиий мухит, биосфера, ноосфера, биосфера ва ноосфера диалектикаси, сайёра ва коинот, биологик шакл, янги борлиқнинг шаклланиши, “жамият-табиат” системаси, литосфера, гидросфера, атмосфера, “ақл-идрок соҳаси”, ноосфера чегаралари, ижтимоий-биологик тизим, коэволюция, духосфера, пневмосфера, илмий тафаккур, инсон ва ноосфера.

Қўшимча ва тушунтирувчи матнлар





**В.Вернадский
ноосфера ҳақида**

Биосферани ва умуман табиатни ўзгартиришга қаратилган инсон фаолияти натижаси

Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар

1. Нима учун «ноосфера» атамасининг фалсафий мазмунини фарқлаш талаб этилади?
2. Ноосфера муаммосининг вужудга келишига сабаб бўлган омилларни тушунтириб беринг?
3. Ноосферанинг биосфера билан алоқасини қандай изоҳлай оласиз?
4. Ноосферанинг чегараларини айтиб беринг?
5. “Табиат-жамият” муносабати деганда нимани тушунаси?
6. Ижтимоий ҳаёт барқарорлигининг асосий шартларини айтиб беринг?

Реферат мавзулари

1. Биосфера ва ноосфера диалектикаси
2. Инсон ва ноосфера
3. Янги борлиқ - ноосферанинг шаклланиши ҳақидаги қарашлар таҳлили
4. Ноосфера – инсон тафаккури натижаси

Билим ва кўникмаларни баҳолаш материаллари

1. Қуйида келтирилган жавоблардан қайси бирида жамият ва табиатнинг ўзаро алоқасида юз берган ўзгаришлар моҳиятини ёритиб берган олим номи кўрсатилган?

- А. В.И.Вернадский
- Б. Э.Геккель
- В. Р.Челлен
- Г. Ж.Кювье

2. Жамият ва табиатнинг ўзаро алоқасида инсоннинг оқилона фаолияти энг муҳим омилга айланадиган ҳолатга эришиши қандай аталади?

- А. Ноосфера
- Б. Атмосфера
- В. Гидросфера



п
Г. Литосфера

3. «Ноосфера» атамаси илк бор ким томонидан ишлатила бошланди?

- А. Э.Леруа ва П.Тейяр де Шарден
- Б. Д.Юм ва Дж. Беркли
- В. В.И.Вернадский ва Ш.Л.Монтескье
- Г. Р.Челлен ва Э.Геккель

4. «Ноосфера» бу— ?

- А. Ақл-идрок соҳаси
- Б. Табиий билим соҳаси
- В. Ижтимоий соҳа
- Г. Иқтисодий ривожланиш соҳаси

5. Сайёрамиз сиртида юзага келган, коинот энергиясини ютиш ва унинг ёрдамида дунёни ўзгартиришга қодир бўлган ҳаёт қобиғи ...

- А. Биосфера
- Б. Ноосфера
- Г. Атмосфера
- Г. Литосфера

6. Қайси олим хулосаларига кўра, табиатдаги геокимёвий цикллар ёки моддалар айланиши таъсирида жонли модда миқдори Ернинг бутун тарихи давомида деярли ўзгармаган?

- А. В.И.Вернадский
- Б. Т.Мальтус
- В. Э.Леруа
- Г. П.Тейяр де Шарден

7. Ноосферага идеал тузилма сифатида, сайёранинг биосферадан ташқаридаги алоҳида «тафаккур пардаси» сифатида қараган олимлар тўғри кўрсатилган жавобни топинг?

- А. Э.Леруа ва П.Тейяр де Шарден
- Б. Д.Юм ва Дж. Беркли
- В. В.И.Вернадский ва Ш.Л.Монтескье
- Г. Р.Челлен ва Э.Геккель

8. Ноосферани учламчи давр охирида вужудга келган, ўсимликлар ва ҳайвонларни камраб олувчи, биосферадан ташқарида ва биосфера узра амал қилувчи Ернинг «фикрловчи қатлами», унинг ўзига хос қобиғи сифатида тушунган олим ким?

- А. П.Тейяр де Шарден
- Б. Дж. Беркли
- В. В.И.Вернадский
- Г. Э.Геккель



п

9. Ушбу фикрлар муаллифини топинг: “..Ерда тафаккур учқуни ялт этгани захоти ҳаёт унинг ўзини танқид қилиш ва у ҳақда ҳукм чиқаришга қодир кучни яратди”?

- А. П.Тейяр де Шарден
- Б. Дж. Беркли
- В. В.И.Вернадский
- Г. Э.Геккель

10. Ким ноосфера биосферани ва умуман табиатни ўзгартиришга қаратилган инсон фаолияти натижаси деб ёндашди?

- А. В.И.Вернадский
- Б. Дж. Беркли
- В. П.Тейяр де Шарден
- Г. Э.Геккель

11. Ким жамиятга жонли ва жонсиз табиатнинг бирлиги сифатида, инсон фаол субъект сифатида ҳукмронлик қилувчи яхлит система сифатида ёндашган?

- А. В.И.Вернадский
- Б. Дж. Беркли
- В. П.Тейяр де Шарден
- Г. Э.Геккель

12. Ноосфера сўзининг луғавий маъноси қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- А. Юнонча, noos – ақл, идрок ва sphaira – соҳа
- Б. Лотинча, noos – ақл, идрок ва sphaira – соҳа
- В. Юнонча, noous – ақл, идрок ва sphaira – соҳа
- Г. Юнонча, noous – ақл, идрок ва spheira – соҳа

13. Жамият ва табиатнинг бир йўналишда – ўзаро боғланишини оптималлаштириш йўлида тадрижий ҳамда муштарак ривожланиши нима деб аталади?

- А. Табиат ва жамият коэволюцияси
- Б. Табиат ва жамият ҳамкорлиги
- В. Табиат ва жамият уйғунлиги
- Г. Табиат ва жамият эволюцияси
- Г.

14. Табиат ва жамият коэволюциясининг тадрижий яқуни нима деб аталади?

- А. Ноосфера
- Б. Биосфера
- В. Ҳаёт
- Г. Тараққиёт



п

15. Ноосфера ўзининг «ақл-идрок соҳаси» деган номини оқлаши учун унда техник тараққиётнинг инсоният келажаги учун салбий оқибатларини бартараф этиш ва ижтимоий ҳаёт равнақини таъминлаш учун қандай тафаккурга эҳтиёж сезади?

- А. Гуманистик
- Б. Экологик
- В. Математик
- Г. Информацион

16. Кимнинг фикрича, ноосферанинг шаклланиши ўсиб бораётган илмий тафаккур ва унга асосланган унумли ижтимоий меҳнат таъсирида юз бериши лозим?

- А. В.И.Вернадский
- Б. Дж. Беркли
- В. П.Тейяр де Шарден
- Г. Э.Геккель

17. ... чегаралари инсон ақлининг интеграл кучи билан фараз қилинади ва улар ўзгармас эмас, балки фикрлаш жараёнларининг оқилоналик ва сифат даражасига боғлиқ.

- А. Ноосфера
- Б. Биосфера
- В. Ҳаёт
- Г. Тараққиёт

18. “Инсон ва табиат ёки табиатнинг физик-географик шарт-шароитлари ўзгаришига инсоннинг таъсири ҳақида” асарининг муаллифини топинг?

- А. Г.Марш
- Б. Дж. Беркли
- В. П.Тейяр де Шарден
- Г. Э.Геккель

19. Қайси олим ўз асарида яшаш муҳитига инсоннинг салбий таъсири тўғрисида кўплаб далиллар келтирган?

- А. Г.Марш
- Б. Дж. Беркли
- В. П.Тейяр де Шарден
- Г. Э.Геккель

20. Ноосфера жараёнларининг ривожланишига неча хил қараш мавжуд?

- А. 2 хил
- Б. 3 хил
- В. 4 хил
- Г. 5 хил



п

21. Ноосфера ривожланишининг қайси қарашида ақл-идрок соҳаси сифатидаги ноосфера ўз номини оқламайди?

- А. Апокалипсис
- Б. Конвергенция
- В. Коэволюция
- Г. Дивергенция

22. Ноосфера ривожланишининг қайси қарашида инсон ва табиат аҳил яшашининг янги босқичи сифатидаги ҳолати юзага келиши назарда тутилади?

- А. Конвергенция
- Б. Апокалипсис
- В. Коэволюция
- Г. Дивергенция

23. Одамларнинг биргаликдаги фаолияти ва хулқ-атворига муайян чеклашларнинг чегараларини белгиловчи тушунча нима дейилади?

- А. Экологик императив
- Б. Ахлоқий императив
- В. Биргаликдаги ҳаракат
- Г. Экологик ҳаракат

24. Mashxur “Билим – кучдир” иборасининг муаллифни топинг?

- А. Ф.Бэкон
- Б. А.Пуанкаре
- В. И.Кант
- Г. Ф.Гегель

25. “Духосфера” ёки «пневматосфера» ҳақидаги тасаввур қайси олим ижодида учрайди?

- А. П.А.Флоренский
- Б. А.Пуанкаре
- В. И.Кант
- Г. Ф.Гегель

26. Қайси йўналиш вакиллари ақл-идрок қудратига катта ишонч билдиради?

- А. Гностиклар
- Б. Агностиклар
- В. Оптимистлар
- Г. Пессимистлар

27. «Илмий тафаккур - умумбашарий ходиса сифатида» асари муаллифи ким?



п

- А. В.И.Вернадский
- Б. Дж. Беркли
- В. П.Тейяр де Шарден
- Г. Э.Геккель

28.«Илмий тафаккур - умумбашарий ходиса сифатида» асарида келтирилган фанни фалсафадан ажратиб бўлмайдиган, деган фикрни ким айтган?

- А. В.И.Вернадский
- Б. Дж. Беркли
- В. П.Тейяр де Шарден
- Г. Э.Геккель

29.В.Вернадскийни қайси олим идеализмда айблайди?

- А. А. Деборин
- Б. В.Ленин
- В. П.Тейяр де Шарден
- Г. Э.Геккель

30.Биосферанинг бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтиши, бунинг натижасида бутунлай янги сифат касб этиши бу - ...?

- А. Ноосфера
- Б. Биосфера
- В. Ҳаёт
- Г. Тараққиёт




1. Маърузани олиб бориш технологияси

<i>Талабалар сони:</i>	<i>Вақти:</i> 2 соат
<i>Машигулот шакли</i>	Кириш мавзуси бўйича маъруза
<i>Маъруза режаси</i>	1.Энергия тушунчаси 2.Энергия моддий жисмларнинг ўз ҳолатини ўзгартириш орқали муайян вазифани бажариш қобилиятидир.Энергиянинг турлари 3.Энергетик астрал ҳолатда жамоавийлик эгрегорлари
<i>Машигулотнинг мақсади:</i> Ўқув фани ҳақида умумий тасаввурни шакллантириш, энергия борлиқ ходисаси шакли ҳақида тушунча ҳосил қилиш.	
<i>Педагогик вазифалар</i>	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i>
Энергия тушунчаси ҳақида тушунчалар бериш.	Энергия тушунчаси ҳақида талабаларга тушунчалар берилди.
Энергия моддий жисмларнинг ўз ҳолатини ўзгартириш орқали муайян вазифани бажариш қобилиятидир.Энергиянинг турлари ҳақида тушунча бериш.	Энергия моддий жисмларнинг ўз ҳолатини ўзгартириш орқали муайян вазифани бажариш қобилиятидир.Энергиянинг турлари ҳақида талабаларга тушунчалар берилди.
Энергетик астрал ҳолатда жамоавийлик эгрегорлари ҳақида тушунча бериш.	Энергетик астрал ҳолатда жамоавийлик эгрегорлари ҳақида талабаларга тушунчалар берилди.
<i>Ўқитиш усуллари ва техника</i>	Маъруза, «ақлий ҳужум», Т-схема, мунозара, муаммоли вазиятлар усули.
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Маъруза матни, тарқатма материаллар, слайдлар, проектор.
<i>Ўқитиш шакллари</i>	Жамоа, тўғридан-тўғри ва гуруҳларда ишлаш.
<i>Ўқитиш шарт-шароити</i>	Техник воситалар билан таъминланган аудитория.
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Оғзаки назорат, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш.

2. Маърузанинг технологик картаси

<i>Иш жараёнлари вақти</i>	<i>Фаолиятнинг мазмуни</i>	
	<i>ўқитувчи</i>	<i>Талаба</i>
I-босқич. Фанга ва мавзуга кириш. (20 минут)	1.1. Ўқув фани номини айтиб, фан доирасида дастлабки умумий тасаввурни беради ҳамда услубий ва ташкилий томонлари билан таништиради.	Тинглайдилар.
	1.2. Фан бўйича ўтиладиган барча мавзулар билан таништиради, уларнинг узвийлиги ҳақида қисқача маълумот беради.	Тинглайдилар.
	1.3. Фан якунида қўйиладиган рейтинг баҳолаш	ЎУМ га қарайдилар.



П

	<p>мезонлари билан таништиради</p> <p>1.4. Фанни ўзлаштиришда фойдаланиш учун зарур бўлган адабиётлар рўйхати билан таништиради.</p>	ЎУМ га қарайдилар.
	1.5. Ўқув машғулоти мавзуси билан таништиради ва унинг мақсади, ўқув фаолияти натижаларини баён қилади.	Мавзу номини ёзиб оладилар.
	1.6. Мавзу юзасидан ақлий ҳужум қондаси асосида дарс ўтказишни таклиф этади. Талабалар томонидан айtilган фикрларни ёзиб боради ва умумлаштиради	Тушунчаларни эркин фикр орқали билдиради.
II-босқич. Асосий (50 минут)	2.1. Мавзу режаси ва таянч тушунчалар билан таништиради.	Тинглайдилар.
	2.2. Маърузани режа бўйича тушунтиради, ҳар бир режани ниҳоясида умумлаштиради. Жараён компьютер слайдларини намойиш қилиш билан олиб борилади	Тинглайдилар. Слайдга эътибор қаратади, уни ўзига ёзиб олади ва саволлар беради.
	2.3. Ҳар бир режани мустаҳкамлаш учун қуйидагича саволлар беради: 1. Энергия тушунчаси? 2. Энергия моддий жисмларнинг ўз ҳолати? 3. Эзотеризмда рухий энергия?	Саволларга жавоб берадилар, эркин баҳс-мунозара юритадилар.
	2.4. Таянч ибораларга қайтилади. Талабалар иштирокида улар яна бир бор такрорланади.	Ҳар бир таянч тушунча ва ибораларни муҳокама қиладилар. Конспект қиладилар.
III-босқич. Якуний босқич. (10 минут)	3.1. Т-схема техникасидан фойдаланилган ҳолда жуфт-жуфт бўлиб ишлаш учун тингловчиларга: энергия борлиқ ходисасига оид савол ёзилган тарқатма материаллар тарқатади. Ушбу техника орқали мавзу бўйича якунловчи хулоса қилади.	Мустақил Т-схемани тўлдирадилар. Эркин фикрини баён этади.
	3.2. Талабаларнинг фаолиятига баҳо қўйилади ва рағбатлантирилади.	Эшитади.
	3.3. Келгуси машғулотга тайёргарлик кўриш учун топшириқлар ва фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати берилади.	Эшитади ва ЎУМ га қарайдилар.



ЭНЕРГИЯ БОРЛИҚ ҲОДИСАСИ.

Сеҳгарлик ҳақидаги ҳар бир афсонада сеҳргар ва сеҳрли таёқча, игна, кўзгу, урчук, тухум, қутича ва ҳоказолар ёрдамида бир нарсани бошқа нарсага айлантириш амаллари тўғрисида ҳикоя қилинади. «Сеҳргарлик амаллари»нинг бу атрибутлари шу даражада катта кучга эгаки, маъноларни ўзгартиради, мақсадни белгилайди ва ўзга борликни яратади. Афсоналарда инсон фикрининг энергияси бунёд этиш ва вайрон қилишга қодир қудратли кучга айланади.

Энергия тушунчаси. Энергия муаммоси фанда ҳам катта қизиқиш уйғотган. Фаннинг фундаментал қонунларидан бири – энергиянинг сақланиш ва ўзгариш қонунидир. *Энергия йўқ қилиб бўлмайдиган, ранг-баранг ўзгаришларга қодир субстанция, материя атрибути сифатида талқин қилинади. Энергия моддий жисмларнинг ўз ҳолатини ўзгартириш орқали муайян вазифани бажариш қобилиятидир.*

«Энергия» тушунчасининг шаклланиши анча секин кечган. Қадимда сув, шамол ва ҳайвонларнинг мускул кучи ҳам энергия сифатида тан олинган. Қадимги мисрликлар елканни яратиб, шамол кучи ва энергиясидан фойдаланганлар, уни намойиш этганлар. Эволюция қонунлари ҳамма нарса ва жараёнлар нафақат мускул кучи билан ёки физик энергия таъсирида, балки инсон мияси – тафаккур энергияси ёрдамида ҳам амалга оширилишини талаб қилади.

Юнон тилига мансуб «энергия» тушунчаси Аристотель томонидан кўп қўлланилган. Дунёнинг табиий илмий манзараси доирасида энергия ҳақидаги тасаввурлар механикада шаклланган ва бу атама фанда биринчи марта 1807 йилда қўлланилган. У билан бир вақтда «куч» атамасидан ҳам фойдаланилган. Г.Лейбниц энергия ҳодисасини «жонли куч» деб тавсифлаган. Г.Гельмгольц илмий муомалага киритган потенциал энергия ҳақидаги тасаввурни «кучланиш кучи» деб номлаган.

XIX-XX асрлар чегарасида физиканинг ривожланиши ҳаракатнинг янги турлари кашф этилишига олиб келди, лекин уларда айнан нима ҳаракатланиши номаълум бўлиб қолди. Айрим олимлар бу ҳолатдан фойдаланиб, материясиз ҳаракат мумкин эмаслигини исботлашга уриндилар. Электрон табиат ҳали яхши ўрганилмагани туфайли, электрон муайян «номоддий куч», моддий ташувчисиз соф ҳаракат, деб эълон қилинди. *Энергияни барча ҳодисаларнинг биринчи негизи деб билувчи фалсафий йўналиш – энергетизм шунга асосланади.* Энергия материя атрибути сифатида эмас, балки ранг-баранг ўзгаришларга қодир, йўқ қилиб бўлмайдиган субстанция сифатида талқин қилинади.

Энергетизм. Энергетизм куртаклари XIX аср ўрталарида, физикада энергиянинг сақланиш ва ўзгариш қонуни шаклланган даврда пайдо бўлди.




п

Бу йўналишнинг энг йирик намояндаси немис кимёгари В.Оствальд эди. Энергетизм намояндalари орасида Ю.Майер, инглиз физиги *М.Ранкин*, немис олими *Г.Хельм* кабилардир. *Энергетизмнинг асосий тезиси «материя» тушунчасини маълум энергиялар комплекси билан алмаштиришдан иборат.* Материя моддага тенглаштирилган. Энергия деганда, аксарият ҳолларда моддий ҳаракат тушунилган. Оствальд концепцияси номуайян ва ноизчиллиги учун танқид қилинди. У энергетизмни янги фалсафий йўналиш сифатида илгари суриб, материя ва руҳнинг бирикиши йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш, шу билан «материалистик аср тугагани»ни эълон қилишга уринди.

Бироқ, А.Эйнштейн назариясига кўра, бошқача хулоса чиқариш мумкин. Материя ва ҳаракатнинг узвийлиги ҳақидаги фалсафий тамойил физик билиш даражасида масса ва энергиянинг ўзаро боғланиши қонуни $E = mc^2$ шаклида муайянлашади. Ушбу қонунга биноан, массага эга бўлган ҳар қандай объект муқаррар тарзда энергияга ҳам эга бўлади ва аксинча, энергияга эга бўлган ҳар қандай объект массага ҳам эга бўлади. Классик модда - кўп миқдорда энергия йиғилган нарса, классик «майдон» – оз миқдорда энергия йиғилган нарсадир. Борлиқнинг турли шакллари энергиянинг ҳар хил кўриниши сифатидагина намоён бўлади. Массани барқарорликнинг муайян шакли ўлчови сифатида, энергияни эса ўзгарувчанликнинг муайян шакли ўлчови сифатида тушуниш лозим. Масса физик объектларнинг гравитацион ва инерциал хоссалари ўлчови ҳисобланади. Энергия – физик объектлар ҳаракати ва ўзаро таъсирининг ўлчовидир.

Материя ва ҳаракатни нафақат миқдор, балки сифат жиҳатидан ҳам йўқ қилиб бўлмаслигини тан олиш муҳимдир. Ҳаракатни сифат жиҳатидан йўқ қилиш мумкинлигини фараз этган ҳолда, унинг фақат миқдор жиҳатидан сақланишини тан олиш Оламнинг иссиқликдан ўлиши концепциясига олиб келган эди. Бу ғоя классик электродинамика асосчилари В.Томпсон ва Р.Клаузиус томонидан илгари сурилган. Ушбу назария замирида термодинамиканинг иккинчи асоси ёки энтропиянинг ўсиши қонунини бутун Оламга нисбатан татбиқ этишга уриниш ётади. *Энтропия – хаослашув ўлчови. Сади Карно 1829 йилда таърифлаган термодинамиканинг иккинчи қонуни берк тизим юз бериш эҳтимоли оз бўлган ҳолатдан ўзининг энг кўп эҳтимол тугилган ҳолатига интилишини кўрсатади.* Буни тушунишга кундалик ҳаётдан олинган қуйидаги мисол ёрдам бериши мумкин. Агар суви қайнаб турган чойнакни оловдан олсак, унинг қизиши давом этмайди, (юз бериш эҳтимоли оз бўлган ҳолат), балки совийди (энг кўп эҳтимол тугилган ҳолат). Аммо қонун берк тизимларга, яъни ўзини қуршаган муҳит билан энергия алмашмайдиган тизимларга мўлжалланган, бу эса улкан кучга эга мавҳумликдир, чунки дунёда аксарият тизимлар берк эмас. Термодинамиканинг иккинчи асоси берк тизим сифатида талқин қилинган Оламга нисбатан татбиқ этилганида, ҳисоб-китоблар барча энергетик жараёнлар бир йўналишда юз бериши лозимлигини кўрсатди. Энергиянинг ўзгариш жараёнларини тавсифловчи физик катталиқ сифатидаги энтропия



п
ўсиб борди. Бошқача айтганда, ақл бовар қилмас хаос юзага келади. *Энергиянинг барча турлари иссиқлик энергиясига айланади ва сўнгра макон бўйлаб тарқалиб кетади. Олам совий бошлади. Мутлақ иссиқлик мувозанатининг юзага келиши Оламнинг иссиқликдан ўлишини англатади.*

Бу қоидаларнинг моҳияти ҳаракат шаклларининг сифат ранг-баранглиги йўқ бўлишига йўл қўйиб бўлмаслигини, яъни энергиянинг ранг-баранг турлари иссиқлик энергиясига айланиши мумкин эмаслигини кўрсатишдан иборат эди. Аслида Оламнинг иссиқликдан ўлиши концепцияси табиий илмий нуқтаи назардан ҳам асоссиз эди. Термодинамиканинг иккинчи асосини бутун Оламга нисбатан татбиқ этиш имконияти унинг тузилишини эркин фараз қилишни, хусусан, уни берк деб тасаввур қилишни назарда тутди. Лекин Олам берк тизим эмас, у зарралар ва элементларнинг чексиз миқдоридан ташкил топган, шу боис мутлақ термодинамик мувозанат ҳолати унга мос келмайди.

Энергиянинг турлари. Энергия турларининг ҳозирги типологияси ё моддий ташувчилар – механик, иссиқлик, кимёвий ташувчиларни ҳисобга олган ҳолда, ё уларнинг ўзаро таъсирлари тури – электромагнит ёки гравитацион ўзаро таъсирга кўра тузилади. Механик энергия кинетик (ҳаракатланувчи жисмлар тезлигига боғлиқ) ва потенциал (жисмлар ҳолатига боғлиқ) энергияга бўлинади. *Термодинамикада эркин ва боғлиқ энергия фарқланади. Баъзан ташиқи ва ички энергия тўғрисида сўз юритилади. Ташиқи энергия деганда механик энергия, ички энергия деганда эса тўлиқ энергиянинг бутун қолдиги тушунилади.*

1962 йилда Питер Митчел (Нобель мукофоти соҳиби) нафас олиш ва фотосинтез пайтида вужудга келувчи энергия аввал электр ҳамда протонлар концентрациясининг айирмаси кўринишида мембрана билан ажратилган икки бўлим ўртасида йиғилади, сўнгра АТФ (аденозин трифосфат) синтези учун ишлатилади, деган фаразни илгари сурди. Бу фараз ўз тасдиғини топди. Шу тариқа биоэнергетика энергияни ўрганишга бевосита яқинлашди. Тиббиётнинг бу янги парадигмасида касаллик энергия таркиби ўзгаришининг натижаси сифатида пайдо бўлади, шу боис тананинг энергетик тизимига таъсир кўрсатиш учун даволаш методикаси таклиф қилинади. Ҳар бир организмга хос бўлган даволовчи кучлар организмни унинг олдинги нормал ҳолатига қайтариш йўналишида ва мувозанатнинг янги ҳолатига олиб келувчи йўналишда таъсир кўрсатиши мумкин.

«Энергия» фанда энг муҳим тушунча бўлиб қолмоқда. Фан Олам моддий ёки энергия эканини қайд этади. Энергиянинг сақланиш ва ўзгариш қонуни жамият ҳамда уни ташкил этувчи индивидларга энергия ишлаб чиқарувчи ва уни ўзгартирувчи нарса сифатида қарашга мажбур қилади. Энергиянинг сақланиш қонуни қайтарилувчанлик, бир-бирига айланувчанлик, эквивалентлардан фойдаланишни аниқлайди. Айни вақтда ҳозирги замон табиатшунослиги тиклана олмаслик ғоясини ҳам илгари сурмоқда. Энергия исрофи ва диссипацияси (энергиянинг тарқалиши) табиатшунослар эътиборидан четда қолиши мумкин эмас эди. Ҳатто позитивизм асосчиси Г.Спенсернинг (1820-1903) ҳам энергия кудратини



п

«барча ҳодисалар ва нарсаларнинг негизи бўлган чексиз ва боқий Олам» дес тавсифлаган ҳолда, қайта тақсимлаш, дезинтеграция ва интеграция материянинг янги сифатини ҳам, ҳаракатнинг янги турини ҳам юзага келтирувчи эволюциянинг реал механизмлари эканлигига ишончи комил бўлган эди.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, Г.Спенсер фалсафаси ақл-заковатнинг юксак намунаси сифатида тан олинади, эзотерик кайфиятдаги мутафаккирлар доирасида эса, инглиз файласуфи Г.Спенсер қадимги мисрликларнинг донишмандлик худоси Тотнинг инсон шакл-шамойилидаги тимсоли ҳисобланади. У асослаш «устаси» сифатида тарихдан ўрин олган. Г.Спенсер ўз фаолияти давомида «Асосий негизлар», «Биология асослари», «Психология асослари», «Социология асослари», «Этика асослари» каби асарлар яратган. Асарларнинг номлариданоқ кўриш мумкинки, улар фалсафанинг бош вазифасига бевосита тааллуқлидир. Спенсернинг фикрича, фалсафанинг бош вазифаси ҳодисаларни тавсифлаш натижасида олинган билимларнинг бирлиги, «бирлашув» даражасининг юқорилигидадир. Олим кенг қамровли, универсал билимлар тизимини яратиш режасини тузди ва умрининг 36 йилини 10 жилдли «Синтетик фалсафа» асарини ёзишга бағишлади.


Фалсафа барча конкрет ҳодисаларни бирлаштириши лозим. *Материя ва ҳаракатнинг узлуксиз қайта тақсимланиши қонуни сифатида тушунилувчи барча омилларнинг биргаликдаги таъсири қонуни фалсафа негизини ташкил этади.* Г.Спенсер уни қуйидагича тавсифлайди: «Ҳамма жойда юз берувчи ўзгаришлар – галактикамиз тузилишини аста-секин ўзгартирувчи ўзгаришлардан тортиб, кимёвий парчаланиш жараёнини ташкил этувчи ўзгаришларгача – таркибий қисмларнинг ҳолатидаги ўзгаришлардир; улар ҳамма жойда материянинг янги тақсимланиши билан бир қаторда, ҳаракатнинг янги тақсимланиши ҳам юз беришини муқаррар тарзда назарда тутуди»¹. «Фалсафа - қидирувчи билимларнинг олий бирлашуви коинотни шу биргаликдаги ҳаракат қонунига мос келувчи бутунлик сифатида тушунишдан иборат бўлмоғи даркор»².

Г.Спенсер ҳам, герметистлар ҳам энергияни буюк табиий куч сифатида тавсифлайди. Г.Спенсернинг «чексиз боқий энергия» ҳақидаги қоидаси герметизм таълимотининг энергия ҳамма нарсалар Ақлнинг энергиясидир, деган тезисига бевосита мос келади.

Рухий энергия. Фандан ҳам, герметизмдан ҳам анча узоқ даврларда ҳаёт кучи, ҳаёт энергияси организмнинг нормал фаолияти учун муҳимлиги ҳақида кўп гапирилади. Баъзан кимдир ўз ҳаёт энергиясини беҳуда совураётгани, бунда ҳаёт кучининг оқими ҳаракатчан экани қайд этилади. Дарҳақиқат, бу оқим дам кучаяди, дам заифлашади, натижада камая бошлайди. Бунда инсон толиқиш ҳис этиб, ҳаттоки депрессия ҳолатига ҳам тушади. Инсоннинг руҳланиши, ҳаттоки, гўзаллиги ҳам руҳий энергия билан боғланади. Рухий энергия инсон танасининг барча хужайра ва аъзоларига

¹ Спенсер Г. Синтетическая философия. Т.1 –М.: 1992. –С. 42

² Там же, -С.43



п
сингиб, у ерда муайян тартиб, гармония ёки дисгармония ўрнатади, деган ёндашув анча кенг тарқалган.

Герман Гессе «Шарққа саёҳат» асарида агар одам аҳамиятсиз ишлар билан узоқ вақт шуғулланса, бу уни қўзғатиши ва унга куч беришини қайд этган. Бинобарин, аҳамиятсиз ишлар билан шуғулланганда ҳаёт энергияси тикланади. Фанда баъзилар буни релаксиялаш қонуни деб номлаганлар. Аммо рухий энергия соҳаси ҳозиргача фанда яхши ўрганилмаган.

Рухий энергия нима, деган саволга жавоб беришда кўпинча Рерихларга мурожаат қилинади. Уларнинг таъкидлашича, рухий энергия образларни пластик, космик субстанцияда акс эттирувчи куч, муҳаббат ва интилишдир. У барча асаб толалари таъсирланишининг синтезидир. Инсонда ҳеч нарса қайтара олмайдиган Ёруғликка интилишнинг юзага келиши рухий энергиянинг ривожланиши ҳисобланади. Шу сабабли ҳақиқий интилиш ва рухий энергия синонимдир.

Девиант билим соҳасига киритилган «Жонли этика» таълимотига кўра, рухий энергия муҳим роль ўйнайди, чунки Н.Рерих фикрича, «Рух психодинамикаси борлиқнинг негизидир»¹. Рух психодинамикаси электронлардан тортиб, одамларгача бўлган барча тузилмаларда учрайди. Фанга «атом энергияси» ибораси маълум. Лекин у кўпроқ кучнинг англаб етилмаган ва шахсиз кўринишлари маъносида қўлланилади. Атом энергияси мазкур атом фикрлаётган ва таъсирланаётган субъект танасида бўлиши, муайян сифатли ва йўналишли энергия ишлаб чиқариши мумкинлиги билан асло боғланмайди. Айни вақтда, ҳаётнинг олий ифодаси бўлган инсон барча тирик жонзотлар орасида энг катта энергия салоҳиятига эга, деб фараз қилиш ўринлидир. Шунини таъкидлаш лозимки, ҳозирда фаол ривожланаётган саломатлик ҳақидаги фан – «Валеология» энергия салоҳиятини ўлчашни ўзининг асосий методи сифатида танлаган.

Ҳозирги замон фани ёруғлик, иссиқлик, магнетизм ва электр энергияси вибрация шакллари, янада илмийроқ қилиб айтганда, материя ҳаракати шакллари – вибрацион ҳаракат турлари энергиянинг алоҳида турлари маҳсули эканлигини исботлаган. Барча моддий зарралар «спин» деб аталувчи айланма доирада ҳаракат қилади, ва орбитал айланма ҳаракатда бўлади. Моддий объектларда вибрациялар объектнинг ҳолатига, ҳароратга қараб фарқланади. Совуқ объектнинг тебранишлари иссиқ объектнинг тебранишларидан фарқ қилади. Корпускула ва тўлқиндан иборат бўлган микрозарралар вибрациянинг анча юксак турини намоиш этади. Бироқ ҳозирги замон фани ўз ютуқлари билан қанчалик фахрланмасин, ўзаро тортишиш, атомнинг ўзига тортиши ва гравитация ҳодисаларининг табиатини тушунтира олмайди. Уларни ҳам тебранувчи энергиянинг алоҳида турлари маҳсули деб тахмин қилиш мумкин.

Айрим олимлар ақл-идрок ҳодисаларини ҳам вибрацион ҳаракат шакллари деб ҳисоблайди. Уларнинг фикрича, ҳар бир фикр, эмоция ёки

¹ Рерих Н. История философии.-М.: Книжный дом. 2008. –С.178



п

руҳий ҳолат вибрацияларнинг тегишли суръати ва шаклига эга бўлади. Руҳий энергия дунё ва ҳаётнинг барча ҳолатларидан таъсирланади ёки тебранади.

Кўпчилик одамлар ўз танасида кудратли куч яшашига ишонади ва уни бошқаришни хоҳлайди. Руҳий энергия ҳар кимда турли кўринишда намоён бўлади. У, ўз табиатига кўра, жуда мураккаб тузилмадир, чунки руҳий энергиянинг амалдаги ҳар бир кўриниши мазкур ҳолатни юзага келтирган барча кучларнинг тенг таъсир этувчиси, барча шартлар комплекси ва барча ҳаракатлар синтезидир. Руҳий энергиянинг турлари ўзига хос тарзда номланган. Масалан, энергиянинг ҳимояловчи деб номланган бир юксак тури нафақат имманент таъсир кўрсатади, яъни энергия ташувчининг ўзини ҳимоя қилади, балки бошқа кўплаб нарсаларни ҳимоя қилиш учун энергияни сиртга йўналтиради. Герметизм таълимотида руҳий энергиянинг мазкур тури ўзига хос тарзда «Терос» деб аталади. «Жангчи Терос ўз қалқонини кўтарди» ибораси руҳий энергиядан ҳимояланиш мақсадида фойдаланишни англатади.

Баъзан руҳий энергия онг ости иши деб аталади. Гипнозчи ва табиблар бу кудратли кучдан кўпинча унга ҳеч қандай ном бермасдан фойдаланадилар.

Руҳий энергия - нозик энергиянинг барча турлари орасида энг нозиги деб қаралади. Нозик энергиялар хоссаларининг ўзига хослиги шунда намоён бўладики, тебранишлар қанча нозик бўлса, уларнинг таъсири шунча юқори ва кучли бўлади. Нозик энергиялар қандай таъсир кўрсатади, деган саволга куйидаги мисол билан жавоб бериш мумкин: бирон-бир масалада муайян киши мустақил равишда аниқ хулосага келиб, қарор қабул қилгандек бўлиб туюлиши мумкин, ваҳоланки, амалда унинг фикрлаш аппарати идрок этган макондан нозик фикрий энергия унга таъсир кўрсатган бўлади, хулоса эса ушбу таъсир натижасидир. Бунда мазкур кишининг физик онги бу ҳақда ҳеч нарса билмаслиги ҳам мумкин. Бошқа бир мисол тебранишнинг умумий қонунига асосланади ва шахс хоҳишига кўра ёки бошқаларнинг хоҳиши таъсирида муайян руҳий ҳолатнинг тебранишларини мусиқий оҳанг ёки рангни қандай ифодалаш мумкин бўлса, шундай ифодалаш мумкинлигини кўрсатади. Герметизм таълимотига кўра, тебраниш тамойили ва уни руҳий ҳодисаларга нисбатан қандай татбиқ этишни билган ҳолда, руҳни ҳар қандай мақбул даражада кутбларга ажратиш ҳамда ўз эмоционал ҳолат ва кайфиятларини тўлиқ назорат қилишга эришиш мумкин. Фан физик даражада нимани ишлаб чиқарса, руҳ даражаси(ментал даража)да шуни ишлаб чиқариш қобилиятига эга бўлиши мумкин, чунки баъзи олимлар қарашича «фикр тебраниши тўлқинлар тебраниши демак». Бу Ментал трансмутациялар (руҳий ўзгаришлар) қонуни деб аталади.

Эзотеризмда руҳий энергия. *Эзотерика анъанасида руҳий энергиянинг бошқа муҳим хоссасига, хусусан, у маконда қатлам ҳосил қилиши, инсонни қуршаган ҳамма нарсаларга ўтириб, чўкинди ҳосил қилишига эътибор қаратилади.* Инсон нафақат космик энергияни тўпловчи, балки унинг кучли тарқатувчиси ҳамдир. Шу боис руҳий энергия ташувчиси – инсон қандай бўлса, унинг нарсалари ҳам шундай бўлади. Руҳий энергия қатламларининг сақланиш ёши муаммоли ҳисобланади. Уни асрлар ҳам, масофа ҳам йўқ қила олмайди, у минг йилликлар оша яшайди. Ривоятларга қараганда, атлантлар,



п мисрликлар, халдейлар рухий энергиянинг мазкур хоссасидан фойдаланишган. Улар муайян сифатли нарсаларга рухий энергияни қават-қават қилиб тўплаганлар, бу энергия бошқаларга керакли даражада таъсир кўрсатиши лозим бўлган. Бундай нарсалар терафималар ёки дам солинган нарсалар деб аталган, уларда энергия қатламлари тўпланиши жараёнида муайян дуо ўқилган.

Рухий энергиянинг ўз-ўзидан ажралиш, яъни инсон хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлмаган тарзда уни тарк этиш ва унинг хоҳиш-иродасидан қатъий назар яратиш қобилияти мазкур энергиянинг ғайритабиий хоссасидир. Олий энергия ақлли, у ўч олиш, яъни салбий таъсир кўрсатиш учун ажралмайди, балки, энг аввало, мушкул аҳволдаги одамга ёрдам беришга шошилади. Ёрдам кўлини чўзган одам беҳос чарчоқ ҳиссини, ёрдам олган одам эса кучига куч қўшилганини сезади, лекин уларнинг биринчиси ҳам, иккинчиси ҳам кўпинча нима юз берганини тушунмайди. Энергияни онгли равишда йўналтириш ҳам мумкин, аммо бу одатдаги йўлдан энергиянинг онгсиз оқимлари ҳаракатланиши ҳам мумкин.

Ҳаётда ўз рухий энергияси кучидан моҳирона фойдаланадиган, буни билган ҳолда, махсус ёки спонтан тарзда ишга соладиган кишилар учрайди. Баъзи ҳолларда бундай кишилар билан бир жойда (у қанчалик катта бўлмасин) ишлаш бахт ёки чексиз азобга айланади. *Агар ижобий энергияга эга бўлган киши билан ҳамсуҳбат бўлсангиз, ундан куч, энергия оласиз, салбий энергияга эга кишилар ҳузуридан эса эзилиб, иродангиз бўшашиб чиқасиз. Бундайлар орасида энергиясини фақат ўз мақсадига ишлатишни яхши биладиган, уни бошқаларни мағлуб этиши ва иродасига бўйсундира олишини англайдиган кишилар (энергетик вампирлар) ҳам учрайди.* Улар билан ҳаётда қанча кўп мулоқотда бўлсангиз, уларнинг домига шунча кўп тушаверасиз, фикр-хаёлингизни уларнинг энергетик таъсири чўлғаб юраверади. Қизиғи шундаки, бундайлар домига тушганлар улардан узоққа кета олмайдилар, аста-секин ана шу таъсирнинг қулига айланиб қолганликларини ўзлари ҳам сезмай қоладилар. Агар муайян жамоани узоқ вақт ана шундай кучга эга киши бошқарса, бу ҳол баъзиларда ундан кейин ҳам ўз таъсирини сақлаб қолаверади.

Ҳаракатга келтирилган ҳар қандай энергия инерция туғдиришини унутмаслик керак. Бу инерцияни деярли тўхтатиб бўлмайди. Рухий энергиянинг ҳар қандай ҳаракати инерция бўйича таъсир кўрсатишда давом этади, баъзан бу узоқ вақтга чўзилади. Шундай қилиб, рухий энергия инерцион табиатга эга бўлади. Шароит аллақачон ўзгарган бўлиши мумкин, лекин олдинги ҳаракат натижаси маконда анча вақт сақланиб қолади. Рухий энергиянинг кучи ана шунда. Алоҳида эътибор бериш лозим бўлган муаммо ҳам шундан иборат.

Фикр ва тасаввур энергияси. Бугунги кунда фикр ва тасаввур энергиясини ҳеч ким инкор этмаса керак. Аксинча, замондошимиз бу ҳодисани ўз ҳаёт тажрибасидан олинган мисол билан тасдиқлашга ҳаракат қилади. Шунга қарамай, «нозик даража»даги ранг-баранг энергия



п


ходисаларининг амал қилиш механизмларини тушунтиришга уринишлар, асосан, эзотерикага оид адабиётларда учрайди.

Рух ва материя, ҳаёт ва ўлим, яхшилик ва ёмонлик каби мутлақо карама-қарши соҳалар (олий зиддиятлар)га дуч келинганида, уларни нейтраллаштириш, яъни учинчи боғловчи нарсани яратиш имконияти назарда тутилади. Шу тариқа «энергия» тушунчаси қадимги герметизм таълимотида рух – материя зиддиятида ўртадаги боғловчи сифатида намоён бўлади. *Шу асосда бутун оралиқдаги нарсалар астрал, биринчи ва учинчиси эса ментал ва физик деб аталади. Шундай қилиб, герметизм таълимотига кўра, энергияни ўрганиши астраллик ҳолатини ўрганиши ва билиши демакдир.*

Астраллик ментал ва физик ҳолатлар билан қўшни бўлгани учун унда ўз соҳасига яқин унсурларнинг излари, акслари мавжуд. Физик ҳолатда рўёбга чиққан ҳаракат ва ҳодисалар астралда худди кўзгуда акс этгандек акс этади ва физик воқеаларнинг астрал қолипини яратади. Юз беражак воқеалар эркин индивидуалликларнинг хоҳиш-иродасига муайян даражада боғлиқ бўлади. Аммо, биринчидан, бизнинг физик ҳолдаги ҳар бир хоҳишимиз, кўрган ҳар бир чорамиз юз беражак воқеалар қолипини қисман ўзгартиради, ҳаттоки, уни ўчириб ташлаши ҳам мумкин. Иккинчидан, кичик астрал даража қанча юқори бўлса, юқорида зикр этилган қолип шунча кам ўзгаради ва воқеани олдиндан аниқ башорат қилиш имкони бўлади. Башоратчи ва фолбинлар астрал қолиплар изидан «ов» қиладилар. Бу борада аномалиялар ёки оламшумул воқеаларнинг қолиплари кўзга, айниқса, яққолроқ ташланади.

Умуман олганда, энергия ходисаларининг ўзаро таъсири тўғрисида сўз юритганда «Tourbillons – уюрма ҳаракат» тушунчасидан фойдаланилади. Инсон ўзи хоҳлаган нарсалар ҳақида ўйлар экан, беихтиёр энергия тўплайди. Бу энергия шу лаҳзадан эътиборан моддийлаша бошлайди. Инсон ёмон ниятнинг астрал манзарасини чизганида, бу билан у салбий моҳиятни яратган (астрални коагуляция қилган) бўлади. Яратилган моҳият жисмоний танага эга эмас, лекин унда ёмон ниятнинг одатдаги тарзда ифодаланган ғояси - астросом бор. У, аввало, ўз эгасига, ёмон ниятнинг астрал манзарасини яратган одамга таъсир кўрсатади. Бу «лярва» деб аталади. «Лярва» ўз ёмон ниятини унутмасликка, уни қайта-қайта хоҳлашга ва шу тариқа уни янада кучайтиришга даъват этади. У бошқа одамга таъсир кўрсатиши ҳам мумкин. Лярвалар аурада кузатилади. Улардан қуйидаги йўл билан халос бўлиш мумкин: биринчи – ўз иродасини бир ерга жамлаб, лярвага бўйсунмаслик ва уни ўзидан «кувиш»; иккинчи – бутун фикри ва тасаввурини бошқа нарсага қаратиш. Дуо ўқиш мазкур иккинчи усулни амалда қўллашнинг энг маъқул шакли ҳисобланади, чунки ҳар қандай дуо ўқиш фикрни бир ерга жамлаш демакдир. Учинчиси – лярваларни сеҳрли шамшир билан йўқ қилиш мумкин, бунда уларни бутунлай барҳам топтириш мақсадида тасаввурда худди ниманидир қилич билан шартта кесиб ташлашга ўхшаш ҳолат ҳосил қилинади.

Энергетик астрал ҳолатда жамоавийлик эгрегорлари деб аталувчи астросомлар ҳам мавжуд. Улар ҳамфикрлар, одамлар жамоаси муайян ғояни умумий шаклда фикрлаган ҳолда юзага келади. Бу одамлар гўёки айна бир



п

тасвир контурлари устидан қалам юргизиб, уларни қалинлаштиради ва янада сезиларлироқ ҳолга келтиради. Ҳар қандай астросом каби бу агрегор ҳам физик жисмни сақлайди, тиклайди, уни фаолликка ва ўз-ўзини сақлашга ундайди. Масалан, хайрия жамиятининг эгрегори унинг аъзоларини хайр-эҳсон қилиш ва ишлашга даъват этади, уларнинг сафи кўпайишига имконият яратади.

Инсонга астрал ҳодисалар соҳасида ихтиёрий ёки беихтиёр тарзда фаолият кўрсатиш хос. Астросом фаолияти уйку пайтида, айниқса, қизгин кечади. *Инсон астрал энергияси унинг вужудидан узоқда намоён бўлиши, унинг астрал танадан чиқиши ёки астрал экстериоризацияси деб аталади. У қўрқув ва қайғу аффектларига учраган шахсларда онгсиз тарзда юз беради.* Афсунгар ва сеҳргарлар ўз фаолиятини масофадан туриб намоёиш этиш, дунёвий борлиқнинг астрал қолипни кўриш, астрал ғояни аниқлаш, оғир назарий масалани ечиш учун бу ҳолатни ўзида онгли равишда юзага келтиради.

Инсон «Мен»и бу вақтда унча фаол ишламайди. У астрал танани кузатиб туради ва жисмоний танани «қўриқлаш хизмати»да иштирок этади. Бу «қўриқлаш хизмати» кучли хавф туғилган ҳолда астросом жисмоний танага тезда қайтишини муайян даражада кафолатлайди.



Шу нарса диққатга сазоворки, агар астрал тана мавжуд бўлмаса, инсон танасига шикаст етказилган ва шикаст инсон астралининг «tourbillons» тизимига кам ўтган тақдирда, инсон астрали унинг танасига қайтади ва қанча кам шикастланган бўлса, бутун шикастни шунча яхши тuzатади. Бу ўз танасининг турли қисмларини тиклаш, қайтиб келган астросомнинг энергетик фаолияти билан уларни тез бутлаш амалиётида ўз тасдиғини топади. Агар бунинг зидди юз берган, яъни энергетик тизимнинг ўзига шикаст етган бўлса, бу жисмоний тананинг астрал танага мос келувчи жойлари шикастланишига сабаб бўлади.

Рухий энергиянинг қудратли кучи «икки тиғли қилич» ёки оқибати яхши ҳам, ёмон ҳам бўлиши мумкин бўлган нарса эканлигига қатъий ишонч мавжуддир. Инсон бу «қилич»ни қўлга олиб, у билан ўз яқинига зарба берса, унинг иккинчи тиғи ўн баравар ортиқроқ куч билан ўзига урилади. Агар ундан эзгу ишларда фойдаланилмаса, у аста-секин энергия ташувчининг ўзини йўқ қилиш қуролига айланади.

Маънавий ривожланиш ички маънавият, инсон маънавиятини билиш, англаш ва намоён этишини англатади. Рухий энергияни синовчи сабр-тоқатли ва эзгу ниятли бўлиши керак. У шикоят қилиши ва тушкунликка тушиши мумкин эмас.

Эзотерика намояндалари рухий энергия ўта нозик бўлгани учун у билан ўта нозик даражада муомала қилиш лозимлигини таъкидлайди. Олий энергия билан муомала қилиш анча жиддий муаммодир. Рухий энергия кучи олов қудрати билан баробар эканлигини унутмаслик керак. Биринчидан, бундай қудратли энергияни асраш лозим. Иккинчидан, ўз тафаккурини нафақат ҳаракатга келтириш, балки ҳаракатдан тийиш учун ҳам бошқара олиш зарур. Учинчидан, оқилона сарфланган рухий энергия ўрни дарҳол тўлдирилишини эътиборга олиш лозим.

Хулосалар. Ҳар бир инсонга асосий энергия потенциали берилади, лекин бу улуғ инъомдан ҳар ким турлича фойдаланади. Агар инсон баркамолликка



п

интилимаса, рухий энергиянинг ривожланиши уни ҳалокатга олиб келади. Шу сабабдан ҳам «Яхши ният-ярим давлат» деган пурмаъно мақол бежиз эмас.


Ўзини қуршаган муҳитга фойда келтириш, одамларга яхшилик қилиш, муҳтожларга ёрдам қўлини чўзиш учунгина рухий энергияни тўплаш ўринлидир. Фақат эзгу мақсадлар рухий энергиянинг тўпланишини оқлайди ва унинг ташувчиси учун фойдали бўлиши мумкин. Бошқача айтганда, рухий энергия ташувчисидан ижобий фазилатлар кўп бўлиши керак; ёмон ниятлилик, номуносиб тубан фикрлар, шунингдек, дарғазаблик, кўрқитиш, муттасил шубҳа рухий энергиянинг ривожланишига тўсқинлик қилади.



Бир маромда муттасил меҳнат қилиш банд одамларни жуда кўп касалликлардан сақловчи ҳаёт кучининг тўпланишига олиб келади. Энг банд одамлар кўпроқ умр кечириши аниқланган. Ўз онги ва руҳини яхши ниятларга бура олиш, айти вақтда, олий ва эзгу ғояларни эгаллаш усулларига, билим, гўзаллик ва муҳаббатга интилиш бутун тирикликка нисбатан ҳамдардлик ҳиссини шакллантириш бу борадаги хайрли амаллар қаторини белгилайди. Ҳаётда ҳақиқат, омонлик ва билимга интилувчи ҳолатни шаклланиши улкан ижобий рухий энергия тўпланганидан далолат беради.


Тажрибавий амалий матнлар.

Сеҳгарлик, афсона, энергия, материя атрибути, физик энергия, энергетизм, майдон, гравитацион ва инерциал хоссалар, иссиқлик, энтропия, термодинамика, мутлақ иссиқлик мувозанати, энергия турлари, электромагнит ёки гравитацион ўзаро таъсир, механик энергия, кинетик энергия, потенциал энергия, ички энергия, герметистлар, рухий энергия, девиант билим, валеология, магнетизм, вибрацион ҳаракат, трансмутация, эзотерика, терафима, фикр ва тасаввур энергияси, астрал, ментал, уюрма ҳаракат, астросома, “лярва”, “эгрегор”

Қўшимча ватушунтирувчи матнлар








Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар

1. Энергия тушунчасига таъриф беринг?
2. Энергия турларини санаб беринг?
3. Қадимги фан ва фалсафада энергия масаласи қандай ўрганилган?
4. Энергетизм нима?
5. Энергия турларининг намоён бўлишига ҳаётий мисол келтиринг?
6. Герметизмнинг мазмунини очиб беринг?
7. Руҳий энергиянинг бошқа энергия турларидан фарқи нимада?
8. Ҳозирги фан руҳий энергия ҳақида нима дейди?

Реферат мавзулари

1. Ҳаёт – энергиялар алмашинуви сифатида
2. Энергетизм – фалсафий муаммо
3. Бутун олам тортишиш қонуни – руҳий энергиянинг намоён бўлиши сифатида
4. Герметизмнинг фан, фалсафа ва эзотерикада тутган ўрни

Билим ва кўникмаларни баҳолаш материаллари



п

1. ... йўқ қилиб бўлмайдиган, ранг-баранг ўзгаришларга қодир субстанция сифатида, материя атрибути сифатида талқин қилинади.

- А. Энергия
- Б. Модда
- В. Материя
- Г. Ҳаракат

2. ... моддий жисмларнинг ўз ҳолатини ўзгартириш орқали муайян вазифани бажариш қобилиятидир.

- А. Энергия
- Б. Модда
- В. Материя
- Г. Ҳаракат

3. Энергия сўзи қайси тилга мансуб?

- А. Юнон
- Б. Грек
- В. Лотин
- Г. Араб

4. “Энергия” атамаси илмий муомалага қачон киритилган?

- А. 1807 йилда
- Б. 1708 йилда
- В. 1801 йилда
- Г. 1808 йилда

5. Г.Лейбниц энергия ҳодисасини қандай тавсифлаган?

- А. “Жонли куч”
- Б. “Кучланиш кучи”
- В. “Энергетизм”
- Г. “Кучланиш”

6. Г.Гельмгольц илмий муомалага киритган потенциал энергия ҳақидаги тасаввурни қандай атаган?

- А. “Кучланиш кучи”
- Б. “Жонли куч”
- В. “Энергетизм”
- Г. “Кучланиш”

7. Қайси олим энергетизмни янги фалсафий йўналиш сифатида илгари суриб, материя ва рухнинг бирикиши йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш, шу билан «материалистик аср тугагани»ни эълон қилишга уринди?

- А. В.Оствальд
- Б. Ю.Майер
- В. М.Ранкин



п
Г. А.Эйнштейн

8. Масса ва энергиянинг ўзаро боғланиш қонунига кўра ... ?

- А. Массага эга бўлган ҳар қандай объект энергияга эга бўлади
- Б. Энергияга эга ҳар қандай объект ҳажмга эга бўлади
- В. Массага эга бўлган ҳар бир жисм кучланишга эга бўлади
- Г. Инерциал ҳолат туфайли энергия ҳосил бўлади

9. Масса ва энергиянинг ўзаро боғланиш қонунига кўра ... ?

- А. Энергияга эга бўлган ҳар қандай объект массага эга бўлади
- Б. Ҳар бир жисм энергияга эга бўлади
- В. Моддий объектлар динамик энергияга бўлади
- Г. Ҳар бир жисмда потенциал энергия мавжуд

10.Классик модда нима?

- А. Кўп миқдорда энергия йиғилган нарса
- Б. Оз миқдорда энергия йиғилган нарса
- В. Энергияга эга жисм
- Г. Динамик энергиядаги модда

11.Классик “майдон” нима?

- А. Оз миқдорда энергия йиғилган нарса
- Б. Кўп миқдорда энергия йиғилган нарса
- В. Энергияга эга жисм
- Г. Динамик энергиядаги модда

12. ... – физик объектлар ҳаракати ва ўзаро таъсирининг ўлчовидир.

- А. Энергия
- Б. Кучланиш
- В. Масса
- Г. Ҳажм

13.Оламнинг иссиқликдан ўлиши концепциясини қайси олимлар илгари сурган?

- А. В.Томпсон ва Р.Клаузиус
- Б. В.Томпсон ва Т.Оствальд
- В. Р.Клаузиус ва А.Эйнштейн
- Г. Н.Бор ва А.Эйнштейн

14.Қайси назария замирида термодинамиканинг иккинчи асоси ёки энтропиянинг ўсиши қонунини бутун Оламга нисбатан татбиқ этишга уриниш ётади?

- А. Оламнинг иссиқликдан ўлиши концепциясида
- Б. Электродинамиканинг биринчи қонунида
- В. А.Эйнштейннинг умумий нисбийлик назариясида
- Г. Механиканинг учинчи қонунида



п

15.Энтропия бу -... ?

- А. Хаослашув ўлчови
- Б. Хаос ҳаракати сифати
- В. Хаоснинг вужудга келиши
- Г. Бифуркацининг яқинлашуви

16.1829 йилда ким томонидан термодинамиканинг иккинчи қонунига таъриф берилди?

- А. С. Карно
- Б. В.Томпсон
- В. Р.Клаузиус
- Г. Т.Оствальд

17.Мутлақ иссиқлик мувозанатининг юзага келиши қандай натижа ёки оқибатга сабаб бўлади?

- А. Оламнинг иссиқтиқдан ўлиши
- Б. Энтропиянинг ортиши
- В. Хаоснинг вужудга келиши
- Г. Оламнинг совуб кетиши

18.Кинетик ва потенциал энергия қайси энергия таркибида бўлади?

- А. Механик
- Б. Физик
- В. Кимёвий
- Г. Динамик

19.Термодинамикада қандай энергия турлари фарқланади?

- А. Эркин ва боғлиқ
- Б. Кинетик ва потенциал
- В. Кимёвий ва физик
- Г. Механик ва динамик

20.Қайси жавобда “диссипация” сўзининг маъноси тўғри кўрсатилган?

- А. Энергиянинг тарқалиши
- Б. Энергиянинг сақланиши
- В. Энергиянинг сарфланиши
- Г. Энергиянинг тўпланиши

21.“Асосий негизлар”, “Биология асослари”, “Психология асослари”, “Социология асослари”, “Этика асослари” асарларининг муаллифи қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- А. Г.Спенсер
- Б. Г.Гессе
- В.С.Карно



п
Г. К.Линней

22.Қайси мутафаккир фикрича, фалсафанинг бош вазифаси ҳодисаларни тавсифлаш натижасида олинган билимларнинг бирлиги, «бирлашув» даражасининг юқорилигидадир, деб эътироф этилади?

- А. Г.Спенсер
- Б. Г.Гессе
- В.С.Карно
- Г. К.Линней

23. “Синтетик фалсафа” асарининг муаллифи ким?

- А. Г.Спенсер
- Б. Г.Гессе
- В.С.Карно
- Г. К.Линней

24. “Шарққа саёхат” асарининг муаллифи қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- А. Г.Гессе
- Б. Г.Спенсер
- В.С.Карно
- Г. К.Линней

25. Рерихларнинг фикрича, рухий энергия бу -...

- А. Образларни пластик, космик субстанцияда акс эттирувчи куч, муҳаббат ва интилишдир
- Б. Нозик энергиянинг барча турлари орасида энг нозиги
- В. Ҳаётда ҳақиқат, омонлик ва билимга интилувчи ҳолатни шаклланишини таъминлайдиган энергия
- Г. Руҳ психодинамикаси борлиқнинг негизидир

26. Қуйидаги фикр муаллифи ким: «Руҳ психодинамикаси борлиқнинг негизидир»?

- А. Н.Рерих
- Б. Г.Спенсер
- В.Г.Гессе
- Г.С.Карно

27. “Валеология” фан сифатида қандай масалани тадқиқ этади?

- А. Саломатлик ва соғлом турмуш тарзи
- В. Гўзаллик ва нафосат
- Г. Энергия ва энергетизм
- Г. Герметизм



п

28. Ривоятларга кўра, тарихда қайси элатлар кучли рухий қувватга эга бўлган, дея эътироф этилади?

- А. Атлантлар, мисрликлар, халдейлар
- Б. Орийлар, мисрликлар, элладаликлар
- В. Халдейлар, оромийлар
- Г. Атлантлар, майялар, юнонар

29. Рухий энегия жамланган нарсалар нима деб аталган?

- А. Терафималар
- Б. Энергетик вампирлар
- В. «Tourbillons – уюрма ҳаракат»
- Г. «Лярва»лар

30. Фикр натижасида яратилган ғоя нима дейилади?

- А. Астросом
- Б. Коагуляция
- В. Астрал ҳолат
- Г. Ментал ҳолат




II

1. Маърузани олиб бориш технологияси

<i>Талабалар сони:</i>	<i>Вақти:</i> 2 соат
<i>Машгулот шакли</i>	Кириш мавзуси бўйича маъруза
<i>Маъруза режаси</i>	1. Универсал космик голограмма концепцияси 2. Инфоамацион-энергетик алмашинув 3. Торсион майдонлар
<i>Машгулотнинг мақсади:</i> Ўқув фани ҳақида умумий тасаввурни шакллантириш, вақт ва маконда инъикос, энергия ва ахборотнинг ўзаро таъсири шакли ҳақида тушунча ҳосил қилиш.	
<i>Педагогик вазифалар</i>	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i>
Универсал космик голограмма концепцияси ҳақида тушунчалар бериш.	Универсал космик голограмма концепцияси ҳақида талабаларга тушунчалар берилди.
Инфоамацион-энергетик алмашинув ҳақида тушунча бериш.	Инфоамацион-энергетик алмашинув ҳақида талабаларга тушунчалар берилди.
Торсион майдонлар ҳақида тушунча бериш.	Торсион майдонлар ҳақида талабаларга тушунчалар берилди.
<i>Ўқитиш усуллари ва техника</i>	Маъруза, «аклий хужум», Т-схема, мунозара, муаммоли вазиятлар усули.
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Маъруза матни, тарқатма материаллар, слайдлар, проектор.
<i>Ўқитиш шакллари</i>	Жамоа, тўғридан-тўғри ва гуруҳларда ишлаш.
<i>Ўқитиш шарт-шароити</i>	Техник воситалар билан таъминланган аудитория.
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Оғзаки назорат, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш.

2. Маърузанинг технологик картаси

<i>Иш жараёнлари вақти</i>	<i>Фаолиятнинг мазмуни</i>	
	<i>ўқитувчи</i>	<i>Талаба</i>
I-босқич. Фанга ва мавзуга кириш. (20 минут)	1.1. Ўқув фани номини айтиб, фан доирасида дастлабки умумий тасаввурни беради ҳамда услубий ва ташкилий томонлари билан таништиради.	Тинглайдилар.
	1.2. Фан бўйича ўтиладиган барча мавзулар билан таништиради, уларнинг узвийлиги ҳақида қисқача маълумот беради.	Тинглайдилар.
	1.3. Фан якунида қўйиладиган рейтинг баҳолаш мезонлари билан таништиради	ЎУМ га қарайдилар.
	1.4. Фанни ўзлаштиришда фойдаланиш учун зарур бўлган адабиётлар рўйхати билан таништиради.	ЎУМ га қарайдилар.
	1.5. Ўқув машғулот мавзуси билан таништиради ва унинг мақсади, ўқув фаолияти натижаларини баён қилади.	Мавзу номини ёзиб оладилар.
	1.6. Мавзу юзасидан аклий хужум коидаси асосида дарс ўтказишни таклиф этади.	Тушунчаларни эркин фикр орқали




П

	Талабалар томонидан айтилган фикрларни ёзиб боради ва умумлаштиради	билдиради.
II-босқич. Асосий (50 минут)	2.1. Мавзу режаси ва таянч тушунчалар билан таништиради.	Тинглайдилар.
	2.2. Маърузани режа бўйича тушунтиради, ҳар бир режани ниҳоясида умумлаштиради. Жараён компьютер слайдларини намоиш қилиш билан олиб борилади	Тинглайдилар. Слайдга эътибор қаратади, уни ўзига ёзиб олади ва саволлар беради.
	2.3. Ҳар бир режани мустаҳкамлаш учун қуйидагича саволлар беради: 1. Инъикос тушунчаси? 2. Ахборотнинг турли концепциялари? 3. Торсион майдонлар ?	Саволларга жавоб берадилар, эркин баҳс-мунозара юритадилар.
	2.4. Таянч ибораларга қайтилади. Талабалар иштирокида улар яна бир бор такрорланади.	Ҳар бир таянч тушунча ва ибораларни муҳокама қиладилар. Конспект қиладилар.
III-босқич. Якуний босқич. (10 минут)	3.1. Т-схема техникасидан фойдаланилган ҳолда жуфт-жуфт бўлиб ишлаш учун тингловчиларга: вақт ва маконда инъикос, энергия ва ахборотнинг ўзаро таъсири га оид савол ёзилган тарқатма материаллар тарқатади. Ушбу техника орқали мавзу бўйича якунловчи хулоса қилади.	Мустақил Т-схемани тўлдирадилар. Эркин фикрини баён этади.
	3.2. Талабаларнинг фаолиятига баҳо қўйилади ва рағбатлантирилади.	Эшитади.
	3.3. Келгуси машғулотга тайёргарлик кўриш учун топшириқлар ва фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати берилади.	Эшитади ва ЎУМ га қарайдилар.




II





II





п

ВАҚТ ВА МАҚОНДА ИНЪИКОС, ЭНЕРГИЯ ВА АХБОРОТНИНГ ЎЗАРО ТАЪСИРИ

Инъикос тушунчаси. Материянинг умумий хоссаси сифатидаги инъикос тўғрисидаги гипотеза асосида инъикос назарияси яратилди. Бу назарияда инъикос ҳар хил шакллари эволюцияси онгнинг пайдо бўлиш тарихи сифатида амал қилади. Инъикос хоссаси жонсиз, жонли ва фикрловчи материя ўртасида боғловчи бўғинга айланади. Инсон тафаккури тарихида инъикос муаммосини ечишга олам руҳга, табиат эса сезиш қобилиятига эга, деган ғояни илгари сурган гилозоизм жуда яқинлашган. «Д’аламбернинг Дидро билан суҳбати» диалогига «Ҳамонки, материянинг сезиш қобилияти унинг умумий ва муҳим хоссаси экан, тош ҳам сезади, деб тахмин қилиш мумкинми?», деган саволга Дидро: «Нега мумкин эмас?», деб жавоб беради¹. Жавоб кўп жиҳатдан асоссиз, лекин гилозоизмнинг табиат бевосита эмас, балки ўз вакили - инсон орқали сезади ва фикрлайди, деган ғоясини эътироф этиш мумкин.

Хўш, инъикос нима? *Табиат объектлари ва ҳодисаларининг умумий хоссаси сифатидаги инъикос – аввало, ўзаро таъсирдир. У бир жисм бошқа жисмга таъсир кўрсатишини, бошқа жисм эса биринчи жисм таъсирига жавоб бериши ёки ундан таъсирланишини назарда тутуди ($A \leftrightarrow B$; $B \leftrightarrow A$). Бундай ўзаро таъсир тарзида намоён бўладиган инъикосда, бир жисм ўзига хос хусусиятларининг бошқа жисмда акс эттириши жараёни тушунилади.* Бинобарин, инъикос ташқи таъсирга мос ўзгаришлар мажмуини ифодалайди. Бунда ўзаро таъсир натижасида акс этувчи тизимларнинг структураларидан гўёки «нусха» кўчириб олинади ва акс эттирувчи тизимларнинг алоҳида структураларида ўзгартирилган кўринишда, «излар», «муҳрлар» шаклида акс эттирилади. Инъикосни ўзаро таъсирга киришувчи нарса ва ҳодисаларнинг ўз таркиби ҳамда хоссаларида айна шу ўзаро таъсирнинг изларини қолдириш қобилияти сифатида тушуниш мумкин.

Инъикоснинг шакллари. Инъикос жараёнининг намоён бўлиш хусусияти материянинг тузилиш даражасига боғлиқ. Шу муносабат билан инъикоснинг турли, чунончи:

- жонсиз табиатдаги;
- жонли табиатдаги;
- жамиятдаги даражалари фарқланади.

Материянинг ривожланиш жараёнида унинг тузилишининг мураккабланиши юз беради. Шу боис материянинг ҳаракат шакллари қанча бўлса, инъикос шакллари ҳам шунча бўлади: механик, физик, кимёвий, биологик (психик), ижтимоий ва ҳоказо. Инъикос шакллари эволюцияси жонсиз табиат нарсаларининг хоссаси сифатида амал қилувчи инъикос юқорида даражадаги инъикоснинг элементар негизини ташкил этишини назарда тутуди. Бу даражада инъикос муҳит хароратининг ўзгаришига қараб

¹ Дидро // Всемирная энциклопедия. -М.: Современный литератор, 2001.-С.134.



п
оддий механик деформация, қисқариш ёки кенгайиш кўринишида, ёруғлик инъикоси, электромагнит тўлқинларнинг ўзгариши инъикоси, овоз тўлқинлари инъикоси (акс садо), кимёвий ўзгаришлар (масалан, лакмус қоғоз рангининг ўзгариши) инъикоси сифатида амал қилиши мумкин.

Жонсиз табиатдаги инъикосга танлаш хусусияти ва кумулятивлик, яъни олдинги таъсирларнинг изларини сақлаш хосдир. Инъикоснинг танлаш хусусияти ўзаро таъсирга киришувчи объектларнинг ўзига хос хусусиятлари билан белгиланади. Масалан, кимёвий элемент бошқа ҳар қандай элемент билан эмас, балки танлаш ва ажратиш асосида кимёвий реакцияларга киришади ҳамда бирикади. Табиатдаги айрим предметлар экранлаштириш хоссаларига эга бўлади ва электромагнит тўлқинларни акс эттиради, айрим предметлар эса бундай хоссаларга эга бўлмайди. Кумулятивлик – олдинги таъсирларнинг изларини сақлаш тизимнинг эскириши ҳақида ҳукм чиқариш имконини беради. Акс эттирувчи тизим олдинги таъсирларни «ёдда сақлайди» ва ўзининг кейинги фаолиятида уларни ҳисобга олади.

Жонлининг жонсиздан фарқи ҳақида гапирганимизда, биз XIX асрнинг иккинчи ярмида юзага келган, аммо ҳозирги замон фани инкор этмаган, балки муфассаллаштирган ҳаётнинг универсал таърифини эслаймиз: «Ҳаёт – бу оқсилли жисмларнинг мавжудлик усулидир». Оқсиллар, аминокислоталар, нуклеин кислоталар тирикликнинг энг муҳим унсурлари ҳисобланади. Кўпайиш, ўсиш ва моддалар алмашинуви тирик организмларнинг ўзига хос хусусиятидир. Ўз-ўзидан кўпайиш қобилияти кимёвий реакцияларнинг жонсиз табиатда учрамайдиган тури билан таъминланади ва матрицали синтез деб аталади. В.А.Энгельгардт жонли системаларнинг яна бир муҳим хоссаси – «хаосдан тартиб ўрнатиш» қобилиятини, яъни ҳаёт жараёнларининг энтропияга зид хусусиятини қайд этади. Тирик организмлар молекулаларнинг хаотик иссиқлик ҳаракатини тартибга солишга қодир.

Жонли табиатда инъикос оддий бир ҳужайралилар ва ўсимликларнинг таъсирланувчанлиги, асаб ҳужайраларининг таъсирчанлиги кўринишида, шунингдек, ҳайвонлар даражасида уларнинг хулқ-атворини тартибга солишни таъминловчи психик инъикос кўринишида мавжуд бўлади. Биологик инъикос шундай бир хоссаки, усиз ҳайвонлар ўз мавжудлик шароитига мослаша олмайди. Маълумки, айрим ўсимликларнинг барглари доимо ёруғлик манбаи томонга – нурлар уларга 90 градусга интилувчи бурчак остида тушадиган тарзда қараб ўсади. Кунгабоқар бошчаси қуёш томонга ўгирилиб ўсади. Шунга ўхшаш ҳодисаларни илдиз системасининг ўсишида ҳам кузатиш мумкин. Озиқланиш ва сув таъминоти шарт-шароитлари оптимал бўлган жойда илдиз яхши ўсади.

Мимикрия ҳодисаси жонли табиатдаги инъикоснинг ўзига хос шакли ҳисобланади. Жонли системалар инъикосининг мазкур шакли мавжудликнинг муайян шарт-шароитларига яхшироқ мослашиш имконини беради. Турли ҳайвонлар уларни кўзга кўринмас қилиб қўядиган ёки уларнинг душманларини ҳуркитадиган шакл, тус ёки ҳолатга кирганида мимикрия ҳодисаси юз беради.



п

Биологик инъикосда икки жараён кузатилади. Биринчи – инъикосда акс этаётган нарсани инъикоснинг барча (тубанроқ) шаклларига хос бўлиши мумкин бўлган тузилиши ўз ифодасини топади. Масалан, иссиқлик таъсирида ҳар қандай жисм, шу жумладан, организм қизийди. Иккинчи - акс этаётган нарсанинг ўзига хос хусусиятлари инъикоснинг жонли тизимларгагина хос бўлган алоҳида жараёнлари билан боғланади. Келтирилган жараёнга татбиқан айтиш мумкинки, организмнинг нафақат қизиши, балки унинг сувсизланиши ҳам юз беради. Ўсимлик сувни буғлантиради, инсон терлайди, унинг бутун ички системалари нормал фаолияти ўзгаради. И.Павлов фикрига кўра, ҳар қандай инъикос икки асосий компонентдан ташкил топади: биринчи – ташқи компонент предметлар ўртасидаги реакциялар шаклида намоён бўлади; иккинчи – ички компонент ўзаро таъсирлар натижасида юзага келувчи ички ҳолатлар, излар шаклида мавжуд бўлади¹.

Биологик инъикос таъсирланувчанлик ва таъсирчанлик билан тавсифланади. Сизги психик инъикоснинг асосий шакли ҳисобланади. Организм асаб системасига эга бўлган ҳолдагина психик инъикос тўғрисида сўз юритиш мумкин. Сизги организмнинг хулқ-атворида таъсир кўрсатувчи субъектив, ички ҳолат сифатида амал қилади, лекин организм учун муҳим омилларни объектив акс эттиради.

Инъикоснинг психик шаклига сезги билан бир қаторда инстинктлар, шартли рефлекслар, идрок этиш, эмоциялар, фикрлаш киради. Инстинкт мазкур турнинг ҳамма кўринишларида бир хил бўлган мураккаб туғма хусусият сифатида амал қилади. Лекин инстинкт жуда тор доирадагина мақсадга мувофиқдир. Асаларилар шаклан ва мустаҳкамлик жиҳатидан мукамал бўлган мумкатаклар ясайди. Лекин катак туби қирқиб олиб ташланса, асалари бунга эътибор бермайди ва катакка асал қуйишда давом этади. Тирик организм даражасидаги инъикоснинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, жонли системаларда актуал инъикослар тарзида юз берувчи ўзгаришлар индивидлар тажрибасида ва турларнинг хоссаларида сақланиб қолади ҳамда йиғилиб боради.

Субъект ўзини қанча фаол тутса, у шунча кўп предметни акс эттиради. Масалан, қоятош тўлқинлар таъсирида емирилади, коралл – организм ўсиб боради. У сувдан озик моддаларни ўзлаштиради. Бунда организм таъсирга шунчаки жавоб бермайди, у атроф-муҳитни ўзгартиради.

Материя тузилишининг ижтимоий даражасида инъикос қуйидагиларни ўз ичига олади: а) ўз фаолиятини тартибга солувчи индивидни онгли акс эттириши; б) фан, санъат ҳамда ижтимоий оннинг жамият ҳаётини акс эттирувчи бошқа шакллари; в) инъикоснинг инсон сунъий системалар яратувчи техника, боғланиш ва бошқарувдаги шакли алоҳида ўрин эгаллайди.

Инъикоснинг хусусиятлари. Материянинг умумий хоссаси сифатида таърифлаганда, инъикоснинг қуйидаги хусусиятлари намоён бўлади:

¹ Павлов И.П. Двадцатилетний опыт объективного изучения высшей деятельности (поведения) животных. - М.: Наука, 1973. -С.607



п

– инъикоснинг моддий-энергетик ўзаро таъсир жараёнлари билан узвийлиги;

– ҳар қандай акс эттириш жараёни замирида сабаб-оқибат боғланиши ётади. Инъикос сабаб-оқибат муносабатларининг шундай шакли сифатида тушунилиши мумкинки, бунда сабабнинг таркиби, хусусияти, хоссалари оқибатга ўтади. Оқибат оригиналнинг нусхаси, ўхшаши сифатида амал қилади;

– акс эттириш – йўналтирилган жараён. У акс этувчидан акс эттирувчи сари ҳаракатланади, демак, бу жараён симметрик эмас, яъни бунда сабаб (акс эттирилувчи)нинг ҳаракати – бирламчи, оқибат (акс эттирувчи)нинг ҳаракати – иккиламчи. ҳатто оддий акс эттириш жараёни ва унинг натижалари ҳам акс эттирилувчи объектнинг мавжудлиги ва хусусиятига нисбатан иккиламчидир;

– аввало, ўзаро таъсир сифатида тушунилувчи инъикос жараёнининг объективлиги алоҳида диққатга сазовордир;

– образ ва оригиналнинг ўзаро мослиги даражаси ҳар хил бўлиши мумкин. Инъикос натижаси нафақат ташқи таъсирлар (акс эттирилувчи), балки ҳодисанинг ички табиати (акс эттирувчи) билан ҳам белгиланади.


П.Анохин назарияси. *Борлиқни олдинроқ акс эттириш гоёси П.Анохин томонидан ишлаб чиқилган. У материянинг макон ва вақт доирасидаги ҳаракатининг асосий шакллари ноорганик табиатда тирик организмлар пайдо бўлишидан анча олдин мавжуд бўлганига эътибор қаратди. «Жонли материя» дунёнинг тайёр макон-вақт структурасига «сингиб кетган» ва муқаррар тарзда унинг хоссаларини ўзида мужассамлаштирган. Мавжуд шарт-шароитга мослашиш зарурати туғилган. Мослашиш жараёнида ташқи вақт кўрсаткичлари, аниқроғи, кетма-кетликлар катта роль ўйнаган.*

Бу кетма-кетликларни П.Анохин икки гуруҳга ажратди:

1. Кетма-кетликларнинг такрорланувчи, тикланувчи, ритмлилиқ ва цикллиқлик (кун – тун; баҳор – ёз – куз – қиш) билан тавсифланувчи муҳим, доимий ва барқарор қаторлари.

2. Мазкур организмнинг ҳаётида кейинчалиқ такрорланмайдиган аҳамиятсиз ва тасодифий кетма-кетликлар қатори (масалан, довул, зилзила ва ҳ.к.), аҳамиятсиз ва тасодифий кетма-кетликларгина мавжуд бўлганида, ҳаёт ривожлана олмас, тирик организм барқарор ва мустаҳкам структурага эга бўлмас эди. Чунки бундай структура ташқи дунёнинг организмга ритмли ва циклли таъсирлари инъикосининг натижаси сифатидагина пайдо бўлиши мумкин. Табиий ритмларга бўйсунувчи ўзаро таъсирлар организмга минглаб ва миллионлаб йиллар давомида таъсир кўрсатади. Улар организмларнинг тузилишида қайд этилади. Натижада организм олдинроқ акс эттириш қобилиятига эга бўлади.

Масалан, куз келди, барглар тўкилади, физиологик жараёнлар секинлашади, дарахтлар қишни қарши олишга тайёрланиб сувсизланади, лекин ҳали совуқ тушгани йўқ. Бу олдинроқ акс эттиришга мисол. Вақтда организмнинг (субъектнинг) ўзгариши унга ташқи ҳолатлар (объект) таъсир кўрсатишидан олдинроқ юз берган. *Олдинроқ акс эттириш – ноорганик дунё*



п

ва атроф-муҳитнинг такрорланувчи таъсирларига тирик организмнинг реакцияси. Бу кетма-кетлик ва такрорийлик муҳим хоссалар ҳисобланувчи ноорганик дунёнинг макон-вақт структурасига жонли материя мослашувининг асосий шаклидир.

Олдинроқ акс эттириш жонли системалар дунёда чидамли, мослашувчан, ўзгаришларга тўла бўлишига имконият яратади. Инсонда олдинроқ акс эттириш қобилияти илмий башорат ва прогностика шаклини касб этади.

Инъикос ё процессуал томондан, ё натижа нуқтаи назаридан қаралиши мумкин. Ташқи реал акс эттирилувчи объект йўқ бўлганидан кейин инъикоснинг ўзи, акс эттириш жараёнининг натижаси сифатида, йўқ бўлмайди, балки акс эттирувчи объектда из кўринишида сақланиб қолади. Шундай қилиб, ташқи таъсир акс эттирувчининг таркибидан ўрин олади. С.Л.Рубинштейн материя акс эттириш қобилиятининг айни шу хусусиятини назарда тутиб, ҳар бир ходиса маълум маънода «Олам кўзгуси ва акс садосидир», деган. Ахборотнинг атрибутив концепцияси шу асосда тузилади.

Ахборотнинг турли концепциялари. «Ахборот» тушунчаси (лот. – informatio) этимологик жиҳатдан танишиш, хабар, тушунтириш сифатида талқин қилинади. Ахборотнинг предмет соҳаси тўғрисидаги масалага бағишланган фалсафий мунозараларда камида уч нуқтаи назар вужудга келган. *Биринчидан, ахборот мулоқот соҳаси ва умумий илмий рефлексия воситаси сифатида талқин қилинади. Иккинчидан, у ўз-ўзидан ташкил толувчи тизимларнинг ўзаро таъсирларни тартибга солиш билан боғлиқ бўлган хоссаси сифатида тушунилади. Учинчидан, ахборот материя ва энергия тақсимланишининг турли жинслилик мезони, дунёнинг азалий турли жинслилигини қайд этувчи барча моддий тизимлар хоссаси сифатида намоён бўлади.* Ахборотнинг юқорида зикр этилган талқини ҳозирги замон назариясидан ахборотнинг атрибутив, функционал ва коммуникатив концепциялари деган номлар билан ўрин олган.

Атрибутив концепция ахборотнинг жонли ва жонсиз табиатдаги ҳар қандай объектлар ва жараёнларда ранг-барангликнинг инъикоси сифатидаги кенг талқинига таянади. Унда ахборот умуман олганда материя ва энергиянинг дунёда юз берувчи барча жараёнларга йўлдош бўлган макон ва вақтда тақсимланишининг турли жинслилиги мезони сифатида тавсифланади. Академик В.Глушков ахборот моддий жисмларнинг ўзи ва, бинобарин, улар яратган турли жинслиликлар мавжуд бўлгани учун ҳам мавжуддир, деган хулосага келган. Ҳар қандай турли жинслилик ўзида муайян ахборотни акс эттиради.

Ахборотнинг материя ва энергия тақсимланишининг турли жинслилик мезони сифатидаги кенг атрибутив талқинида асосий эътибор тартибга солиш функциясига эмас, балки дастлабки ранг-баранглик шароитида алмашинувчи таъминлашга қаратилади. Янги структура ҳақида ахборот вужудга келгани «тасодифий» танлаш мустаҳкамланганини англатади. Табиат ўзи нимани иташини «олдиндан» билмайди, у «кўр-кўрона» мутация қилади, эришилган ҳар бир натижани у қай даражада



п
ишончли эканлигини аниқлаш мақсадида синовдан ўтказди. Барча такрорланиш ҳоллари кейинги ривожланиш жараёнига таъсир этувчи турли ҳолатларни ўз ичига олади. Ахборот алмашинув жараёнлари аниқ пировард мақсадлар ва тартибга солиш даражаларига эга эмас. Улар азалдан ўзгарувчан, мутлақо номутаносиб ўзаро таъсирлар майдонида актуаллашади. Бу ҳолда ахборот табиий стохастикага (ноаниқликка) монелик қилмасдан алмашинув жараёнлари ҳақида сигнал беради, деган хулоса мутлақо ўринли ва асослидир.

Ахборотнинг функционал концепция доирасида инъикоснинг ўзини ўзи бошқарувчи тизимлар билан боғлиқ бўлган шакли тушунилади. Мазкур контекстда ахборот материянинг умумий хоссаси сифатида эмас, балки ўзини ўзи бошқарувчи жонли тизимлар ёки онгли мавжудотларнинг хусусияти сифатида, оптимал бошқарувнинг асосий омили ва шарти сифатида талқин қилинган. Функционал концепция доирасида инсон онгининг инфор­мацион табиати муаммоси мутлақо ян­гича мазмун касб этди.

Ортиқчалик, етарли эмаслик, оптималлик ахборотнинг хусусиятлари сифатида қайд этилади. Ахборот оқимлари қайд этувчи ва бошқарувчи ахборот оқимларига бўлинади. *Ижтимоий ўзгарувчан ва инвариант ахборот ҳам фарқланади. Ижтимоий ўзгарувчан ахборотда мафкуравий қолип­лар, миллий, сиёсий, иқтисодий ва бошқа муносабатларнинг таъсири сезилади, у ижтимоий гуруҳларнинг эҳтиёжлари ҳамда психологик хусусиятларини акс эттиради.*

Ахборотнинг коммуникатив концепцияси маълумот, хабарлар бериш, ишларнинг ҳолати ҳақида хабардор этишни ўз ичига олади ва у XX аср 20-йилларининг ўрталаригача амал қилди. Узати­лувчи маълумотлар ҳажми ўсиши билан уларни миқдорий ўл­чаш зарурати туғилади. 1948 йилда К.Шеннон ахборотнинг математик назариясини яратди. Унда ахборот деганда одамлар бир-бирига берувчи ҳар қандай хабарлар эмас, балки олувчида ноаниқликни камай­тирувчи хабарларгина тушуни­лган. Ахборот манбаи, ахборот узатиш мосламаси, алоқа тармоғи, қабул қил­гич, адресат ва шовқинлар манбаидан иборат бўлган алоқа абстракт схемаси так­лиф қилинган. Бундай жараёнлар билиш ва бошқаришда ай­никса муҳим аҳамият касб этган. Н.Винер ахборот тушунчасидан тирик организмлар, жамият ва машиналарда бошқарув ва алоқа ҳақидаги фан – кибернетикада фойдаланишни так­лиф қилган¹.

«Ахборот жамияти» тарафдорларининг фикрига кўра, жамиятда энг муҳим нарса – ахборотдир. Улар дунё миқёсидаги электрон цивилизация лойиҳасини илгари суради. Ижтимоий ахборотнинг салбий жиҳатларига илмий билимлар ро­лини мутлақлаштирувчи сциентистик кайфиятларнинг пайдо бўлиши, билимларнинг ўсган ҳажмини «аралаш-қуралаш» идрок этиш, тезкор ва уюшқоқ тескари алоқанинг йўқлиги киритилади. Юзага келиши мумкин бўлган «информацион очлик» ишлов берилмаган маълумотларнинг

¹ қаранг: Винер Н. Кибернетика и общество. – М., 1953.



п жуда кўп миқдори билан зарур ахборотнинг етарли бўлмаган миқдори ўртасидаги тафовут билан белгиланади

Баъзида ахборотнинг хусусиятларига унинг ортиқчалиги, етарли эмаслиги ва оптималлигини киритадилар. Бунда қайд этувчи ва бошқарувчи ахборот оқимлари фарқланади.

Шунингдек ижтимоий ўзгарувчан ва бир вариантли ахборот ҳам тафовут этилади. *Ижтимоий ўзгарувчан ахборот мафкуравий андозаларни, миллий, сиёсий, иқтисодий ва бошқа муносабатларни ўз ичига олади, ижтимоий гуруҳларнинг эҳтиёжлари ва психологик хусусиятларини акс эттиради.* Ҳозирги фалсафий адабиётларда айнан ахборотнинг атрибутив концепцияси алоҳида истиқболлар билан боғланади. Янги илмий йўналиш саналган информатикада энергия ахборот ўзаро таъсирларнинг куйидаги типлари фарқланади: *энерго-моддий ўзаро таъсирлар; моддий-энергетик ўзаро таъсирлар; энерго-информацион ўзаро таъсирлар; информацион-энергетик ўзаро таъсирлар.* Хусусан, ахборот-энергетик ўзаро таъсирлар жуда оз энергия киритилиши билан тавсифланади (масалан, экстрасенс таъсирида). Теран дунёда энергия нолга яқин, ахборот эса чексизлик сари интилади.

Физикада маълум бўлган тўрт фундаментал ўзаро таъсир: гравитацион, электромагнитли, кучли ва кучсиз ўзаро таъсирлар онг ва аномал ходисаларнинг ахборот-энергетик феноменларини ҳали тушунтириб берганича йўқ. Шу сабабли теран дунёлар структураси ҳозирги замон табиатшунослиги соҳасида *бешинчи – информацион типдаги фундаментал ўзаро таъсир* билан боғлиқ бўлиши лозим деган фараз мавжуд. Бу ҳолда ахборот майдонлари теран дунё элементлари сифатида одатдаги физик маънодаги куч майдонлари эмас. Улар энергиясиз бўлиши лозим, уларда ахборот узатиш жараёнлари энтропиясиз, шунингдек ёруғлик тезлигидан ҳам ортиқ бўлган тезликлардан иборат бўлмоғи даркор¹. Эйнштейн постулати ёруғлик тезлиги чегарасини ахборот майдонлари учун эмас, балки электромагнит майдонлар учун таърифлаган ва шу боис у билан келишмовчиликлар йўқ.

Ахборот таъсирларининг турларини уч туркумга ажратиш мумкин: Инсон – Ер – Космос.

Инсон феноменлари:

а) *экстрасенсорика ёки психостатика:*

- биосенсор диагностика;
- коррекция, ситуацион қидирув;
- телепатия, фолбинлик, прогностика;

б) *психодинамика ёки психокинез:*

- телекинез ёки психокинез, полтергейст;

в) *онгнинг ўзгартирилган ҳолатлари:*

- санъат, фан, динда онгнинг ижодий равшанлашуви (даҳолик);
- нафас олиш техникаси;

¹ қаранг: Волченко В.Н. Неизбежность, реальность и постижение тонкого мира // Сознание и физическая реальность. – М., 1996. №1-2. – 9-б.



п

- медитация, дуолар, шаманизм, спиритизм;
- онг ости соҳаси – информацион майдонларнинг қуйи даражалари билан трансконтактлар.

Ер феноменлари:

а) *георефлексия:*

- геопатоген ва фаол зоналар;

б) *шаклнинг информацион-энергетик эффектлари:*

- пирамидасимон, бўшлиқли, уяли структуралар;

в) *стихияларнинг эффектлари:*

- табиий офатлар, тайфунлар, zilzilalar;

- экологик ва техник авариялар;

- ижтимоий ва биологик ҳалокатлар (урушлар, инқилоблар, эпидемиялар);

- нотаниш учар объектлар.

Космос феноменлари:

а) *космобиоритмика:*

- биотиббий ва ижтимоий ритмология;

- астрология (умумий, тиббий, метафизик);

б) *вақт ва макон астрофизик парадокслари;*

в) *информацион майдонларнинг олий даражалари билан интуитив алоқа канали орқали руҳий контактлар.*

«Инсон» системасида информацион энергия алмашинуви организмнинг маънавий ва жисмоний ресурсларидан янада кенгроқ фойдаланишга ўтишни таъминлашга қодир. У дунёнинг кучли ахборот энергетик ўзаро таъсирлари ўрнига «кучсиз» ахборот-энергетик ўзаро таъсирларни қўллашни, инсонни маънавий камолотга етказишни, илмий мактабларнинг ютуқларидан фойдаланишни назарда тутди. Бу ерда онгни руҳий зўрлик ва руҳий террордан ҳимоя қилиш, психокоррекция муқобил технологияларини ишлаб чиқиш зарурияти асосланади. Информацион жараёнлар бош мия фаолияти учун жуда муҳим. Экспериментлар шуни кўрсатадики, сенсорли ахборотни мумкин қадар камайтириш ва унга чек қўйиш галлюцинациялар ва алаҳлаш жадал суръатларда ривожланишига олиб келади. Физиологик озиқ оладиган, лекин ахборотдан маҳрум этилган чақалоқлар сушт ўсишга, баъзан ҳалок бўлишга маҳкумдирлар. Ахборот миянинг асосий озиғидир ва у ранг-баранг, кўп ва ишончли бўлиши, янгилик хусусиятига эгалик билан тавсифланиши лозим, деб тахмин қилиш мумкин.

Кези келганда инсоннинг соғлом мавжудлиги онтологик асослари билан бевосита боғлиқ бўлган яна бир жиҳатни қайд этиб ўтиш ўринли бўлади. Бирон-бир патология хусусида: «Моддалар алмашинуви бузилган», деб айтиш одат тусини олган. Кўпгина аномалияларни айна шу кенг тушунтирувчи асосга ишора қилиш орқали талқин этишга ҳаракат қиладилар. Ҳаётга моддалар алмашинуви сифатида қараш кенг тарқалган ва одат тусини олган. Ваҳоланки, моддалар алмашинувига йўлдош жараёнларнинг барчаси энергия ютиш билан ҳам, кўп миқдорда энергия сарфи билан ҳам боғлиқ. Организм моддаларни қайта ишлаши: парчалаш, ажратиш ва ўзлаштириш,



п
диссимиляция ва ассимиляция жараёнлари жуда кўп энергия сарфини талао қилади. Инсонга унинг ҳаёт фаолияти жараёнида, ҳар бир элементар ҳаёт амалида кўп миқдорда энергия керак бўлади. Буларнинг барчаси инсон ҳаётига энергиялар алмашинуви сифатида ёндашишга мажбур этади. Энергия ташқи муҳитдан ахборот олиш учун, унга организмнинг ўзида ишлов бериш учун зарур. Эмоциялар ва фикрлаш жараёнининг фаоллик даражаси энергия сарфининг индикаторлари бўлиб хизмат қилади.

Организм инфрақизил нурланишларга ҳам, ультрабинафша нурланишларга ҳам унинг учун жоиз ва мақбул диапазонда муҳтож бўлиши аниқланган. Энергия кўпгина жараёнларнинг катализатори бўлиши ҳам, уларга монелик қилувчи омил бўлиши ҳам мумкин деб ҳисобланади. Инсон организмга ўзини ўзи созловчи ва ўзини ўзи ростловчи тизим сифатида қараш одат тусини олган. Унинг улкан лабораториясида органлар, ҳужайралар ва тўқималарнинг талабларига мувофиқ энергиянинг оқилона тақсимланиши ва сарфланиши юз бериши тахмин қилинади. Мушак тўқимаси, нерв толалари, мия айна вақтда энергия омборлари, аккумуляторлари ва истеъмолчиларидир. Организмга энергиянинг муайян захирасини яратиш хос. Оксиллар, ёғлар ва углеводлар энергия манбалари сифатида етакчи ва муҳим рол ўйнайдилар, лекин ҳаёт таъминотининг энергия ахборот алмашинуви жараёнлари моддий тушунтириш парадигмаси доирасига сиғиши мумкин эмас. Зикр этилган озиқ моддаларгина эмас, балки куёш, ҳаво, сув энергияси ҳам инсон организмнинг озиқ манбаи ҳисобланади.

«Ер» системасида ахборот энергия алмашинуви инсон учун янада фойдалироқ бўлган яшаиш жойларини танлаш, табиий ва антропоген хусусиятга эга бўлган ноуйғун вазиятларни башорат қилиши имконини беради.

«Космос» системаси учун астрофизик парадоксларни ечиш, астрологиянинг илмий бойлиги ва «контактёрлик» эффектларининг оқилона қисми айниқса муҳимдир.

Ҳозирги вақтда ҳар бир объектга ҳам, бутун Коинотга ҳам йўлдош бўлган ўзига хос информацион майдонлар мавжудлиги аксарият олимлар томонидан тан олинган. Коинотда ахборот олами информацион майдонида жамланади деб ҳисобланади. Аммо мазкур жараён механизми ҳанузгача ўрганилмаган. Информацион майдон объектнинг давомига айланади, бинобарин, у объектнинг хусусиятини ўрганишда ҳисобга олиниши лозим.

Г.Швебс ахборот майдонларининг ўзига хос хусусиятлари устида мулоҳаза юритар экан, материя (объект)нинг моҳиятини акс эттирувчи ва бошқа информацион майдонлар билан боғловчи бўгин бўлиб хизмат қилувчи бирламчи информацион майдонни ва шу жумладан голографиклик ва фракталлик билан тавсифланувчи сингуляр информацион майдонни ажратишни таклиф қилади.

Ахборот майдонларининг қуйидаги типлари фарқланади:

- бўлғуси воқеалар кодини ташувчи ахборот майдони;
- космик ахборот майдони;



п

- геоахборот майдони (космик информатсион майдоннинг ердаги инъикоси);
- гелиоахборот майдони;
- галактик ахборот майдони¹.

Ахборот майдонлари табиатини тушунишга объектнинг ўз нурланиши назарияси айниқса яқин келади. Биомайдон организм нурланишлари мажмуидан иборат бўлиб, биолокация методлари (ромлар, маятниклар ва ш.к.) ёрдамида қайд этилади. Биомайдоннинг махсус компоненти сифатида пси-нурланиш амал қилади. У шундай бир чегарага эгалик билан тавсифланадики, бу чегара ортида у мавжуд бўлмайди. Жонсиз объектлар учун пси-майдон унинг юзасидан 0,5-0,6 м ни, инсон учун унинг танаси сиртидан (ўрта ҳисобда) 2,5-2,6 м ни қамраб олади. Пси-майдон пилла шаклига эга, организм функцияларининг бузилиши чиқиндилар ташланишига ва пилланинг қарама-қарши томонида ботиклар пайдо бўлишига олиб келади, деган тасаввур вужудга келган. Инсон пси-майдонининг аномалияларини аниқлаш ва бартараф этиш муҳим вазифа бўлиб, уни ечиш инсоннинг соғлиғи ва иш қобилиятини қувватлаш учун зарур. Шу билан бир вақтда тадқиқотчилар сунъий пси-майдонлар пайдо бўлиши ва фаолият кўрсатишининг салбий оқибатлари муаммосини ҳам қайд этадилар. Ф.Юсупов «Табиий пси-майдонлар мавжудлиги жонли мавжудотлар яшайдиган муҳитнинг хоссаларидан биридир,-деб таъкидлайди. – Жонли материя ўз тадрижий ривожланишининг миллиардлаб йиллари мобайнида бу майдонларга мослашган. Сунъий пси-нурланишлар бу мослашувга путур етказди. Сунъий пси-нурланишлар генераторлари (телевизорлар ва компьютерлар)нинг одамлар яшайдиган жойларга кенг миқёсда экспанцияси кўкқисдан юз бериши ва кўп вақтга чўзилмаслиги (тахминан 50 йил) билан ажралиб туради. Бу муддат ичида ирсий йўл билан авлоддан-авлодга ўтувчи химоя механизмлари шаклланиб улгурмайди»².

Ҳозирги замон фани квант-механик эффектлар асосида ахборотни каналлаштиришнинг турли типлари мавжуд бўлиши мумкин деган қоидани қабул қилади. Бу ерда тегишли кодлар ёки филтрлар мавжудлиги айниқса муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, Г.Юнг қайд этган жамоа онгсизлиги мияга бевосита семантик майдондан муайян канал орқали келувчи ахборотни ўз-ўзидан тарозига солиб кўришни таъминловчи туғма кодлар ёки филтрлар тўплами сифатида тушунилиши мумкин. Онгли матннинг шаклланиш босқичи мавжуд эмас, лекин баъзан англаш жараёни индивидуал онг ости соҳасида кодланган дастур билан ўзаро таъсирга киришиш натижасида юз бериши мумкин. Бундай жараёнлар учун жавоб берадиган ва синергетикадаги аттрактор тушунчаси билан айний бўлган структура эзотерикада эгрегор деб аталади. Эгрегорнинг бошқача талқини ҳам мавжуд бўлиб, у антик анъанага яқин туради: бу ерда у Космик Логос сифатида тушунилади. *Эгрегор (жамоа онги) индивиддан тортиб этносга қадар*

¹ қаранг: Швебе Г.И. Холистическая научно-эзотерическая доктрина мироздания // Сознание и физическая реальность. – М., 1998. №5. – 7,11-б.

² Юсупов Ф. О феномене пси-излучения // Сознание и физическая реальность. – М., 1998. №6. – 63-б.



п
бўлган ҳар бир системали тузилмага мосдир, деб ҳисобланади. У мунтазам бошқарувчи ва йўл кўрсатувчи ҳаракатга эга. Эгрегор йўл кўрсатувчи структура, ҳар бир халққа хос бўлган функционал омил сифатида тушунилади¹. Шу маънода этнос эгрегори ўзидан социум энергетикасини ўтказди ва ўзига хос бўлган функцияларни ҳамда ўзидан лозим даражада фойдаланиш шакллари танлайди.

Энергия ахборот алмашинуви механизми контекстида Эйнштейн – Подольский – Розен парадоксининг оқибатлари устида мулоҳазалар алоҳида аҳамият касб этади. В.Эрекаев қайд этишича, парадоксининг моҳияти шундан иборатки, ўзаро таъсирга киришган ва узоқ масофага тарқалган икки квант заррасига нисбатан бир зарра хоссаларининг ўзгариши, квант механикаси қонунларига биноан, иккинчи зарранинг ўзгаришига сабаб бўлади. Ўзаро таъсирга учинчи зарра киришса, биринчи зарра ўзининг дастлабки «шериги» - иккинчи зарра билан юз берган ўзгаришларни «ҳис этиши» ва ўз кўрсаткичларини ўзгартириши лозим. Учинчи зарра айрим тўртинчи зарра билан ўзаро таъсирга киришса, Эйнштейн – Подольский – Розен парадоксининг эффектига кўра, иккинчи зарра бундан таъсирланиши ва ўз кўрсаткичларини ўзгартириши даркор. У ўзгарганидан сўнг биринчи заррада ҳам ўзгаришлар юз бериши лозим ва ҳ.к. Бу микродунёда муайян турдаги «занжирли» ўзаро таъсирлар мавжудлигини англатиши мумкин. Бундай занжир қай даражада узун бўлиши мумкин? Агар у чексиз бўлса, ҳар бир зарра ўзаро таъсирлар бўйича ўз шерикларини ва ўзининг туғилгандан бошлаб тарихини «ёдда сақлаши» керак. Мазкур ҳолат «телеономизм» терминидан фойдаланиб муҳокама қилинади. «Бу эффектлар натижасида, - деб қайд этади В.Эрекаев, - биринчи зарра ташқи (макроскопик) кузатувчи нуқтаи назаридан ўз кўрсаткичларини мунтазам равишда спонтан ва сабабсиз ўзгартириши лозим. Аслида у ўзининг ўзаро таъсирлар бўйича олдинги шериклари ҳолатларининг ўзгаришларини пинҳона ва зийраклик билан кузатади. Бу ерда макроасбоблар билан кўриб бўлмайдиган сабабий боғланишлар ёки «корреляция занжирлари» ишлайди»².

Бу ва бошқа кўпгина инновацион гипотезалар энергоинформацион жараёнларни тушуниш ва улардан инсониятнинг гуманистик ривожланиши мақсадларида фойдаланиш учун кенг йўл очади. Ҳозирги информацион-энергетик ўзаро таъсирлар тизимида ёзилмаган қонунлар мақомига эга бўлган бир қанча қоидалар мавжуд:

1. Ахборот-энергия ўзаро таъсирларнинг барча техникалари мутлақ эмас, балки нисбий хусусият касб этади. Уларни реал ахборот-энергетик қобилиятларга эга бўлган, касбий тайёргарликдан ўтган, юксак маънавий бурч ҳисси ва рухий барқарорлик билан тавсифланадиган кишилар ишга солишлари мумкин.

¹ қаранг: Файдыш Е.А. Природа времени. Связь между настоящим и будущим // Сознание и физическая реальность. – М., 1998. №4. – 5-6.

² Эрекаев В.Д. Некоторые следствия парадокса Эйнштейна – Подольского – Розена // Смирновские чтения. Международная конференция. – М., 1999. – 211-6.



п

2. Ахборот-энергетик ўзаро таъсирлар амалга ошишининг ишончлилиқ даражаси юз фоиз эмас. У Инсон – Ер – Космос системаларининг учаласида ҳам ташқи омиллар ҳамда операторнинг ҳолатига боғлиқ бўлади.

3. Ахборот-энергетик техникалар инсон онги билан боғлиқ бўлгани боис, бу онга деструктив таъсирлардан ҳимоя зарур. Меҳр-муҳаббат, яхши ниятлар ҳақидаги даъволар ўз-ўзидан шахс ва жамият психосфераси унинг «шифокорлари» томонидан бузилишидан ҳимояловчи восита бўлиб хизмат қилмайди. Амалиёт синовидан ўтган, табобатда эса – узок вақт барқарор натижалар берган воситаларгина шахс ва жамият тафаккурини ҳимоялашни юксак даражада қафолатлаши мумкин.

Торсион майдонлар. Илгари сурилган гипотезаларга кўра, бешинчи фундаментал физик даража манбаси **торсион майдонлар** (айланиш майдонлари) бўлиши мумкин. Улар экстрасенсор ўзаро таъсирларда қайд этилади ва уларда ҳал қилувчи рол ўйнайди. *Торсион майдонлар ўнг ва чап айланишга эга бўлиб, бу «ўнг» ва «сўл» дунёлар мавжудлигини тахмин қилиш имконини беради.* Табиий муҳитлар орқали ўтишда торсион нурланишларнинг заифлашуви мавжуд бўлмайди. Олимлар тахминига кўра, торсион майдон квантлари сифатида паст энергетик реликтли нейтринолар амал қилади, торсион нурланишларнинг ўта ўтувчанлиги эса табиий хусусият сифатида қаралади.

Торсион тўлқинларнинг тезлиги камида 10^9 с (ёруғлик тезлиги)га тенг деб баҳоланади. Аммо бундай мисли кўрилмаган ёруғлик тезликлари физика учун янги ва фавқулодда бир ҳол эмас. Торсион майдонлар ўз-ўзидан ҳосил бўлиши мумкин деб ҳисобланади. Улар физик вакуумнинг таъсирланиши натижаси сифатида вужудга келиши мумкин. Ҳар қандай шакл, ҳатто унинг массаси жуда оз бўлса ҳам, вакуумни таъсирлантириши ва уни қуршаган муҳитда торсион майдон сифатида намоён бўлувчи кутблашишни вужудга келтириши мумкин. Бундан ташқари, вакуумнинг электростатик ёки электромагнит майдони мавжуд бўлган қисмида доим ушбу майдон яратадиган торсион компонентлар мавжуд бўлади. Бирламчи торсион майдонлар бирдан-бир тавсифи ахборотни ташийдиган ва ўзаро таъсирга киришиш чоғида энергия алмашмайдиган уюрмалар мавжудлиги ҳисобланувчи материя шакли сифатида қаралади. Иккилик сигналларни торсион алоқа канали орқали биринчи узатиш 1986 йилда амалга оширилган¹.

Тадқиқотчилар торсион майдонларнинг эффектларини ўрганар эканлар, шуни қайд этадиларки, «вакуум флуктуацияси магнит майдонининг муайян аналогига олиб келади. Бунда ушбу майдон торсион тузилмалар тарзида шаклланади. Торсион майдонларнинг ўзи вакуумнинг ахборот ташувчи бирламчи биоэнергетик қўзғалишлари сифатида қаралади. Улар вакуумдан материянинг туғилишини, унинг ривожланиши ва ўзаро

¹ қаранг: Акимов А.Е., Шилов Г.И. Сознание, физика торсионных полей и торсионные технологии // Сознание и физическая реальность. – М., 1996. №1-2. – 70-б.



п таъсирларини бошқаради»¹. Г.Шилов торсион майдонлар инфор­мацион майдондаги моддий объектнинг ўрни ва ахамиятини акс эттирувчи барқарор майдон тузилмалари – фикр шакллари­дан иборат, деган хулосага келади². Барча моддий объектлар ўз атрофида торсион майдонларни яратса, онг улар билан ўзаро таъсирга киришиш хусусиятини аниқлайди. Торсион майдон ташқи торсион майдон таъсири йўқолганидан кейин сақланиб қоладиган кутб­лашувни индукциялайди. Бу ҳолда кўз тегиши, исситиш ва совутиш каби параилмий феноменларни, шунингдек «сув хотираси» ходисасини тушунтириш учун имконият яратилади. В.Ярцев инсоннинг ўз танаси хужайраларини энергия ва ахборот билан ягона биоэнергетик организмга бирлаштириш хос­сасини кашф этди. Бунда хужайралар бирикувининг фаоллик даражаси ва йўналиши инсон онги ва унинг элементлари (ақл, сезгилар, ирода) билан белгиланади. Умуман олганда инсон организми ўзининг умумий торсион майдонини яратади. Ахборотни сақлаш ва узатишда организмдаги сув структураси улкан аҳамият касб этади. Бундан ташқари, торсион майдонлар ўз-ўзидан ҳосил бўлиши мумкин.

Торсион майдонлар назарияси – ҳозирги замон фанининг энг сўнгги ютуқларидан бири ва шу билан бир вақтда эзотериканинг кўпгина ходисаларини тушунтириш учун сабабий асос. Торсион майдон тушунчаси синергетика тамойилларини, хусусан аттракторлар ҳаракатига доир қоидаларни чуқурлаштиради. Электромагнит нурланиш ҳам доим торсион элементга эга бўлади. Катта тезликда айланаётган жисм гравитация кучини камайтиради. Фикр шакли торсион майдонлар ёрдамида узатилганида телекинез физикасини абстракт ҳолда тасаввур қилиш мумкин.


Торсион майдон индивидуал хотира субстрати ҳисобланади, деган фараз ҳам мавжуд. Профессор А.Степанов чиқарган хулосага кўра, сиртдан келувчи ахборот миянинг турли зоналарида кодланади ва икки параллел оқимга ажралади. Бир оқимдан кирув параметрларининг ички ҳолат матрицалари билан айнийлигини солиштириш учун фойдаланилади. У организмнинг адаптацион-компенсатор фаолияти учун жавоб беради. Иккинчи оқим янги ҳолатни қайд этади ва келган ахборотнинг торсион майдонларини индукциялайди³. Бундай хулосалар Станислав Гроф илгари сурган холотроп концепциясига ҳам мос келади. Онгни холотроп (юнон. holes – яхлит) тушуниш онг майдони миянинг индивидуал фаолияти билан билвосита белгиланишини ва Коинот эволюциясининг ранг-баранг тажрибасини ўз ичига олишини қайд этади.

Универсал космик голограмма. XX асрнинг 70-80-йилларида америкалик олимлар физик Давид Бом ва нейропсихолог Карл Прибрам универсал космик голограмма концепциясини ишлаб чикди. *Ушбу концепция квант-механик ўзаро таъсирлар натижасида Коинот энергоинформацион*

¹ Панов В.Ф., Тестов Б.В., Ключев А.В. Влияние торсионного поля на лабораторных мышей // Сознание и физическая реальность. – М., 1998. №4. – 48-49-б.

² қаранг: Шилов Г.И. Теория физического вакуума. – М., 1993. – 192-б.

³ қаранг: Степанов А.М. Гомеостатическая модель сознания. Вербальная оболочка // Сознание и физическая реальность. – М., 1998. №4. – 60-б.



п

ўзаро таъсирларнинг вақтда ва маконда чексиз бўлган ягона, кўп даражали сабаб ва оқибатлар тармогини ташкил этишини, бу тармоқда ҳамма нарсалар турли хил даражадаги фаоллик билан ўзаро таъсирга киришишини тан олади.

Мазкур назариядан энергия ахборот майдонининг ҳар бир нуқтаси макон ва вақтнинг бошқа барча нуқталари ҳақида маълумотларни ўз ичига олади ва, ўз навбатида, макон-вақт континуумининг қолган барча қисмларида информацион «ваколатхона»га эга бўлади, деган хулоса келиб чиқади. Ушбу контекстда Спинозанинг: «Инсон танаси чексиз кўламлиликнинг айрим кўринишидир», «инсон ақли чексиз тафаккур шаклларида биридир», деган фикрлари янгича мазмун касб этади. Шу нарса диққатга сазоворки, замондошимиз профессор Б.Искаков жонни «микрорептонли голограммалар йиғиндиси» деб номлашни таклиф қилади.

Маълумки, «голография» тушунчаси ҳар доим объект ҳақида ёруғлик тўлқинлари интерференциясига (лот. – кўчириш) асосланган тўлиқ ҳажмдор-образли ахборот олиш методини англатган. *Ушбу метод ёруғликка таъсирчан эмульсияга эслаб қолинаётган объектдан қайтган тарқалган лазер нури ва бевосита лазердан келувчи таянч нурнинг бирваракай таъсирини қайд этишни назарда тутди. Кўрсатилган ўзаро таъсир натижасида вужудга келадиган манзара эслаб қолинаётган объект ҳақида тўлиқ образли ахборотни ўз ичига олади.*

Кибернетика эзотерик фанлар фойдасига кўп сонли далиллар беради. Маълумки, кибернетика (юнон. kybernetes – бошқарувчи) машиналар ва тирик мавжудотларни бошқариш ҳақидаги фандир. Бошқарув фани ҳақидаги, организмлар ва машиналарнинг тизимларида ахборотни тартибга солиш ва узатиш ҳақидаги тасаввурларни одатда айни шу фан билан боғлайдилар. Унитарнинг сув қуйиладиган сиғимидаги пўкак кибернетик бошқарувнинг оддий бир кўринишидир. Сиғимга сув тўлгач, клапан сув келадиган йўлни беркитади. Бу ҳаммага тушунарли, лекин айни шу усулда бир неча йўналишда юз берувчи кимёвий жараён ҳам, биологик жараён ҳам бошқарилиши мумкин. Масалан, ёнғоқ у ўсган ёнғоқ дарахти учун дастур сифатида қаралиши мумкин.

1969 йилда олим доктор Дэвид Форстер Лондондаги киро́л коллежида кибернетика ҳақида маъруза қилди. *У электрик ахборот назариясининг асосий тушунчаси – тўлқин икки қисмдан: бир кўтарилишнинг чўққиси ва иккинчи кўтарилишнинг ботиғидан иборат эканлигини қайд этди.* Тўлқин – иккилик санок тизими, компьютерлар эса айни шу тизимда ишлайди. Ҳамонки тўлқин Коинотнинг асосий луғати экан, умумийдастурлаштиришни фараз қилиш ўринли бўлади. Бунда олим бошқарувчи тизимнинг тезлиги бошқариладиган жараёнлар тезлигидан баландроқ бўлиши лозимлигини таъкидлади. Мазкур хулоса одатдаги вазиятларнинг ранг-баранглигида ўзининг кўп сонли тасдиқларини топади. Масалан, ўз машинангизни бошқараётганингизда сиз ушбу бошқариш билан боғлиқ бўлган қарорларни машина моторининг иш тезлигидан илдамроқ қабул қиласиз, акс ҳолда машина бошқарув остидан чиқади. Бинобарин, «материяни дастурлаштириш



п
унинг ўз тебранишларидан илдамроқ бўлган вибрациялар ёки тўлқинлар ёрдамида, яъни космик нурланишлар даражасида бажарилиши лозим». Бунда *Д.Форстер яратувчи ақл даражаси инсон ақлидан юқорироқ, деган хулосага келди*¹.

Коинотда умумий энергия ахборот алмашинуви тамойилининг қабул қилиниши «Дунёвий Маконнинг ақлга мувофиқлиги» тан олинисига сабаб бўлади. Информацион Коинот – ақлга мувофиқ Коинот. Ҳозирги замон фани учун бу ахборотни қабул қилиш ва уни идрок этиш имкониятинигина англатади. Айни вақтда ишларнинг ушбу ҳолати герметизмнинг биринчи тамойили: «Ҳамма нарса фикрдир»; «Биз ақлда, ақл билан ва ақл воситасида яшаймиз» билан муштарак эканлигини кўриш мумкин. Эзотерика таълимотига қараб мўлжал олувчи олимлар фикрига кўра, материяни тузиш ва ривожлантириш эволюцион дастурини ўз ичига олган Коинотнинг ахборот матричасини Худо деб аташ ҳам мумкин.

Ноосфера ғоялари, жонли материяни кибернетик дастурлаштириш ғоялари, энтропия тамойилининг ўзи, шунингдек олимларнинг (хусусан, В.Налимовнинг) «дунёвий тарқалган онг» мавжудлиги ҳақидаги фаразлари Коинотнинг совуқ ва ўлик структура сифатидаги эмас, балки ўзлигини англовчи улкан структура сифатидаги образини гавдалантиради. Бу ҳолда инсон маконнинг муайян тарзда уюшган айрим ҳажми, энергия ва ахборот бирикувчи тугун сифатида тушунилади. Ушбу ҳақиқатни англаб етган субъект маконда маҳдудлик, Коинотда ёлғизлик ва ҳимоясизлик туйғуларидан халос бўлади².


Коинот тушуниб етилиши мумкин бўлган мазмунга тўла. Инсон туйқусдан англаб етган мазмунни радио қурилмасининг бирон-бир номаълум станцияни танлаш имкониятига ўхшатиш мумкин. Бу ҳаммага тушунарли бўлган ўхшатиш. Мазмунлар бизнинг атрофимизда сузиб юради ва улар англаб етилиши мумкин. Натижада инсоннинг Коинот ҳақидаги тасавури янада кенгаяди. Ушбу контекстда Коинотнинг сциентистлар рақамли ва информацион деб тавсифлайдиган янги манзарасини ақлли Коинот деб номлаш ўринли бўлади.

Аксарият аномал ҳодисалар бевосита моддий-ашёвий ўзаро таъсир билан боғлиқ бўлмагани боис, XX асрнинг 70-йилларидаёқ аномал ҳодисаларда, хусусан экстрасенсор ўзаро таъсирлар, телекинез ва телепатияда муайян ахборот-энергетик алмашинув мавжудлиги ҳақидаги ғоя пайдо бўлди. Шу тариқа «энергия ахборот»(энергоинформатика) термини вужудга келди. Энергия ахборот алмашинувида биологик сўзи иштирок этганида, гап, биоэнергия ахборот алмашинуви ҳақида боради. Бу анча кўпол атама бугунги кунда кўпчилик қабул қилмаган «парапсихология» терминининг ўрнини эгаллади.

Биоэнергия ахборот алмашинуви ахборотни қабул қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этишининг мураккаб механизмини назарда тутуди. Ахборотлашув жараёнлари аксарият ҳолларда инъикос жараёнлари

¹ қаранг: Колин У. Оккультизм. – М., 1994. – 8-б.

² қаранг: Налимов В.В. Спонтанность сознания. – М., 1989.



п билан боғлиқ ҳолда ёки уларга мувофиқ тушунтирилади. Бунда инъикос е процессуал томондан, ё натижа нуқтаи назаридан қаралиши мумкин. Дарҳақиқат, сиртки (акс эттириляётган) реал предмет ғойиб бўлганидан сўнг инъикоснинг ўзи акс эттириш жараёнининг маҳсули сифатида йўқ бўлмайди, балки акс эттираётган предметда из сифатида мавжуд бўлишда давом этади. Шундай қилиб, сиртдан кўрсатилган таъсир акс эттирувчининг таркибидан ўрин олади ва унда сақланиб қолади. Шунга мувофиқ ахборотнинг *атрибутив концепцияси* тузилади.

Хулосалар. «Ер» тизимида ахборот-энергия алмашинуви инсон учун фойдалироқ бўлган истиқомат жойларини танлаш, табиий ва антропоген хусусиятга эга бўлган фавқулудда вазиятларни башорат қилиш имконини беради.





«Космос» тизими учун астрофизик жумбоқларни ечиш, астрологиянинг илмий бойлиги ва турли алоқалар самарадорлигининг оқилона қисми муҳим аҳамиятга эгадир.

Тажрибавий амалий матнлар

Универсал космик голограмма, квант-механик ўзаро таъсирлар, энергия-ахборот ўзаро таъсирлари, энергия-ахборот тамойили, герметизм, оннинг спонтанлиги, энергия ахборот алмашинуви, аномал ҳодисалар, экстрасенсор ўзаро таъсирлар, телекинез, телепатия, энергоинформатика, биоэнергия-ахборот алмашинуви, парапсихология, ЭМ – энергетик-моддий, МЭ моддий-энергетик, ЭА – энергия-ахборот, АЭ - ахборот-энергия ўзаро таъсирлар, торсион майдонлар, кам энергияли реликтли нейтронлар, торсион тўлқинлар, электростатик ёки электромагнит майдон, экстрасенсорика ёки психостатика, биосенсор диагностика, коррекция, ситуацион қидирув, башорат, прогностика, психокинез, полтергейст, медитация, георефлексия, космобиоритмика.

Қўшимча ва тушунтирувчи матнлар







Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар

1. Инъикоснинг қандай шаклларини биласиз?
2. Инъикос ва ахборот бир-биридан фарқ қиладими?
3. Ижтимоий инъикос деганда нимани тушунасиз?
4. Анохин назарисини биласизми?
5. Ахборотнинг функционал концепциясига мисол келтиринг?
6. Универсал космик голограмма концепциясининг асосий мазмунини тушунтиринг.
7. Торсион майдонлар қандай майдонларни ифодалайди?
8. Энергия ахборот алмашинувини қандай тушунасиз?
9. Ахборот нима?

Реферат мавзулари

1. Универсал космик голограмма концепциясининг аҳамияти
2. Оствальд таълимотининг фалсафий моҳияти
3. Торсион майдонлар концепциясининг аҳамияти
4. Фалсафа тарихида инъикос назариясининг таҳлили
5. Анохиннинг инъикос назарияси
6. Рухий инъикоснинг ўзига хос жиҳатлари
7. Инъикос шаклларининг эволюцияси

Билим ва кўникмаларни баҳолаш материаллари

- 2. Инъикоснинг асосий намоён бўладиган хоссаси нима?**
- A. Ўзаро таъсир
 - B. Қарама-қаршилик
 - V. Зиддият
 - G. Мутаносиблик



п

3. У бир жисм бошқа жисмга таъсир кўрсатишини, бошқа жисм эса биринчи жисм таъсирига жавоб бериши ёки ундан таъсирланишини формулада кўрсатинг.

А. $A \longleftrightarrow B; B \longleftrightarrow A$

Б. $A \longrightarrow B; B \longleftarrow A$

В. $A \longleftarrow B; B \longrightarrow A$

Г. $A \longrightarrow B; B \longleftarrow A$

4. Жонсиз табиатдаги инъикосга қандай хусусиятлар хос?

А. Барча жавоблар тўғри

Б. Танлаш

В. Кумулятивлик

Г. Олдинги таъсир изларини сақлаш

5. ... инъикос оддий бир хужайралилар ва ўсимликларнинг таъсирланувчанлиги, асаб хужайраларининг таъсирчанлиги кўринишида, шунингдек, ҳайвонлар даражасида уларнинг хулқ-атворини тартибга солишни таъминловчи психик инъикос кўринишида мавжуд бўлади.

А. Жонли табиатда

Б. Жонсиз табиатда

В. Биологик ҳолатда

Г. Ижтимоий ҳаётда

6. Биологик инъикосда нечта жараён кузатилади?

А. 2 та

Б. 3 та

В. 4 та

Г. 5 та

7. Инъикоснинг психик шакли нималарни ўз ичига қамраб олади?

А. Барча жавоблар тўғри

Б. Сизги ва инстинктлар

В. Шартли рефлекслар, идрок

Г. Эмоциялар ва фикрлаш жараёни

8. Материя тузилишининг ижтимоий даражасида инъикос нималарни ўз ичига олади?

А. Барча жавоблар тўғри

Б. Ўз фаолиятини тартибга солувчи индивидни онгли акс эттириш

В. Фан, санъат ҳамда ижтимоий онгнинг жамият ҳаётини акс эттирувчи бошқа шакллари

Г. Инъикоснинг инсон сунъий системалар яратувчи техника, алоқа ва бошқарувдаги шакли



п

9. Инъикосни материянинг умумий хоссаси сифатида таърифлаганда, унинг нечта хусусиятлари мавжуд?

- А. 5 та
- Б. 4 та
- В. 3 та
- Г. 2 та

10. Борлиқни олдинроқ акс эттириш ғояси қайси олим томонидан ишлаб чиқилган?

- А. П.Анохин
- Б. С.Рубинштейн
- В. К.Шеннон
- Г. Н.Винер

11. Борлиқдаги кетма-кетликларни П.Анохин икки гуруҳга ажратади. Биринчи гуруҳи, яъни кетма-кетликларнинг такрорланувчи, тикланувчи, ритмлилиқ ва цикллиқ билан тавсифланувчи муҳим, доимий ва барқарор қаторини келтириб ўтади. Бу ҳолатга нималарни мисол қилиш мумкин?

- А. Кун-тун, баҳор-ёз- куз-қиш
- Б. Довул, зилзила, фасллар
- В. Табиат унсурлари
- Г. Қуёш ва Ой, сайёралар

12. Материя акс эттириш қобилиятининг айна шу хусусиятини назарда тутиб, ҳар бир ҳодиса маълум маънода “Олам кўзгуси ва акс садосидир”, деган фикр ким томонидан айтилган?

- А. С.Рубинштейн
- Б. П.Анохин
- В. К.Шеннон
- Г. Н.Винер

13. Этимологик жиҳатдан (лотинча informatio) уни таништириш, ҳабар бериш, тушунтириш сифатида талқин қилинади, бу қайси атама?

- А. Ахборот
- Б. Техника
- В. Фан
- Г. Таълим

14.... ахборотнинг жонли ва жонсиз табиатдаги ҳар қандай объект ҳамда жараёнлардаги ранг-баранглиқнинг инъикоси сифатидаги кенг талқинига суянади.

- А. Атрибутив концепция
- Б. Коммуникатив концепция
- В. Функционал концепция



п

Г. Диалектик концепция

15. Ахборотнинг ... маълумот, хабарлар бериш, ишларнинг ҳолати ҳақида хабардор этишни ўз ичига олиб, XX аср 20-йилларининг ўрталаричага амал қилди.

А. Коммуникатив концепция

Б. Атрибутив концепция

В. Функционал концепция

Г. Диалектик концепция

16. Ахборот ... доирасида инъикоснинг ўз-ўзини бошқарувчи тизимлар билан боғлиқ шакли сифатида тушунила бошланди.

А. Функционал концепция

Б. Коммуникатив концепция

В. Атрибутив концепция

Г. Диалектик концепция

17. Юзага келиши мумкин бўлган ... ишлов берилмаган маълумотларнинг жуда кўп миқдори билан зарур ахборотнинг етарли бўлмаган миқдори ўртасидаги тафовут билан белгиланади.

А. Информацион очиклик

Б. Информацион бифуркация

В. Ахборот уруши

Г. Информацион тезлик

18. Қандай ўзгарувчан ахборотда мафкурави й қолиплар, миллий, сиёсий, иқтисодий ва бошқа муносабатларнинг таъсири сезилади?

А. Ижтимоий

Б. Иқтисодий

В. Ахлоқий

Г. Сиёсий

19. К.Шеннон ахборотнинг математик назариясини нечанчи йилда яратди?

А. 1948 йилда

Б. 1945 йилда

В. 1950 йилда

Г. 1947 йилда

20. Қайси олим “ахборот” тушунчасидан тирик организмлар, жамият ва машиналардаги бошқарув ҳамда алоқа тўғрисидаги фан – кибернетикада фойдаланишни таклиф қилди?

А. Н.Винер

Б. С.Рубинштейн



п
В. К.Шеннон
Г. П.Анохин

21. Ҳар қандай акс эттириш жараёни замирида қандай фалсафий категория боғланиши ётади?

- А. Сабаб-оқибат
- Б. Моҳият-ҳодиса
- В. Зарурият ва тасодиф
- Г. Мазмун ва шакл

22. Ташқи таъсирлар ва ички таъсир ўртасида қандай фарқлар борлигини кўрсатинг?

- А. Ташқи таъсирлар акс эттирилади, ички таъсирлар акс эттиради
- Б. Ташқи таъсирлар ишлаб чиқилади, ички таъсирлар ўзлаштирилади
- В. Ташқи таъсирлар бошқарилмайди, ички таъсирлар бошқарилади
- Г. Улар ўртасида фарқ йўқ

23. Психик инъикоснинг асосий шаклини топинг?

- А. Сизги
- Б. Инстинктлар
- В. Шартли рефлекслар
- Г. Идрок

24. И.Павлов фикрича, ҳар қандай инъикос нечта асосий компонентдан ташкил топади?

- А. 2 та
- Б. 3 та
- В. 4 та
- Г. 5 та

25. Мимикрия ҳодисаси қандай табиатдаги инъикоснинг ўзига хос шакли ҳисобланади?

- А. Жонли табиат
- Б. Жонсиз табиат
- В. Жамият
- Г. Индивид

26. Ижтимоий даражадаги инъикос қандай шакллари ўз ичига олади?

- А. Фан, санъат ҳамда ижтимоий онгнинг жамият ҳаётини акс эттирувчи бошқа шакллари.
- Б. Ўз фаолиятини тартибга солувчи индивидни онгли акс эттириш.
- В. Инъикоснинг инсон сунъий системалар яратувчи техника, боғланиш ва бошқарувдаги шакли.
- Г. Барча жавоблар тўғри



п

27. Инъикос қандай даражалар билан фарқланади?

- А. Жонли, Жонсиз, жамиятдаги.
- Б. Барча жавоблар тўғри.
- В. жамиятдаги, табиатдаги, индивид.
- Г. Жонсиз, индивид, табиатдаги.

28. «Ахборот жамияти» тарафдорларининг фикрига кўра, жамиятда энг муҳим нарса – бу

- А. Жамият
- Б. Ахборот
- В. Сиёсат
- Г. Маънавият

29. Олдинроқ акс эттириш жонли системалар дунёда чидамли, мослашувчан, ўзгаришларга тўла бўлишига имконият яратади. Инсонда олдинроқ акс эттириш қобилияти қандай шаклни касб этади?

- А. Илмий башорат ва прогностика
- Б. А ва В.
- В. Илмий башорат .
- Г. Прогностика ва индивидуаллик.

30. Инъикос нима?

- А. Моддий табиат объектлари ва ҳодисаларининг умумий хоссаси сифатидаги инъикос – аввало, ўзаро таъсирдир.
- Б. Инъикос бир жисм бошқа жисмга таъсир кўрсатишини, бошқа жисм эса биринчи жисм таъсирига жавоб бериши ёки ундан таъсирланишини назарда тутди. ($A \leftrightarrow B$; $B \leftrightarrow A$).
- В. Моддий табиат объектлари ва ҳодисаларининг умумий хоссаси сифатидаги инъикос – аввало, ўзаро таъсирдир. У бир жисм бошқа жисмга таъсир кўрсатишини, бошқа жисм эса биринчи жисм таъсирига жавоб бериши ёки ундан таъсирланишини назарда тутди. ($A \leftrightarrow B$; $B \leftrightarrow A$).
- Г. Инъикоснинг инсон сунъий системалар яратувчи техника, боғланиш ва бошқарувдаги таъсирни назарда тутди.

31. XX асрнинг 70-80-йилларида қайси олимлар томонидан универсал космик голограмма концепцияси ишлаб чиқилди.

- А. Д.Бом ва К.Прибрам
- Б. Д.Бом ва Дж. Беркли
- В. В.И.Вернадский ва Ш.Л.Монтескье
- Г. Р.Челлен ва Э.Геккель



п

32. Ушбу хулосалар муаллифини топинг: «Инсон танаси чексиз кўламлилиқнинг алоҳида ҳолатидир», «Инсон ақли – чексиз фикр шаклларида биридир».

- А. Б.Спинозанинг
- Б. Дж. Беркли
- В. Ш.Л.Монтескье
- Г. Р.Челлен

33.Оламда умумий энергия-ахборот тамойилини амалга ошириш муқаррар тарзда дунё майдонининг ақлга мувофиқлигини тан олишни тақозо этадики, бу герметизмнинг қайси тамойилига мос келади?

- А. Биринчи тамойили: «ҳамма нарса фикрдир», «биз ақлда, ақл билан ва ақл воситасида яшаймиз»,
- Б. Биринчи тамойили: «ҳамма нарса ғоядир», «биз ақлда, ғоя билан ва ақл воситасида яшаймиз»,
- В. Иккинчи тамойили: «ҳамма нарса фикрдир», «биз ғояда, ақл билан ва ахлоқ воситасида яшаймиз»,
- Г. Учинчи тамойили: «барча нарса фикрдир», «биз ақлда, ақл билан ва фикр воситасида ишлаймиз».

34. «Онгнинг спонтанлиги» монографиясида оламшумул онгнинг мавжудлиги тўғрисида сўз юритади.

- А. Б.Спинозанинг
- Б. Дж. Беркли
- В. В.В.Налимов
- Г. Р.Челлен.

35. Торсион майдонлар қандай ташкил бўлиши мумкин?

- А. Улар физик бўшлиқнинг таъсирланиш оқибати сифатида юзага келиши мумкин.
- Б. Ҳар қандай, ҳатто массаси жуда кичкина бўлган шакл ҳам бўшлиқни таъсирлантириши ва уни қуршаган майдонда қутблашиш жараёнини юзага келтириши мумкин.
- В. Барча жавоблар тўғри
- Г. Бўшлиқнинг электростатик ёки электромагнит майдон мавжуд бўлган қисмида мазкур майдон вужудга келтирувчи торсион унсурлар доимо мавжуд бўлиши мумкин.кўрсатиб берилди. Бирламчи торсион майдонларга бирдан-бир хусусияти ахборот ташувчи уюрмаларнинг мавжудлиги бўлган материя шакли сифатида қаралади. Бу уюрмалар ўзаро таъсирга киришганида улар ўртасида энергия алмашинуви юз бермайди.

36. Аномал ходисаларнинг аксарияти бевосита моддий ўзаро таъсир билан боғлиқ бўлмагани учун 70-йиллардаёқ аномал ходисалар, чунончи, экстрасенсор ўзаро таъсирлар, телекинез, телепатияда қандай ғоя мавжудлиги пайдо бўлди.



п

- А. Энергия-ахборот (ЭА) алмашинуви
- Б. Универсал космик голограмма концепцияси
- В. Универсал ахборот (УА) алмашинуви
- Г. Энергия- космик голограмма

37. Энергия-ахборот алмашинувида биологик тизимлар иштирок этганида, муайян биоэнергия-ахборот алмашинуви тўғрисида сўз юритилади. Бу анча кўпол атама бугунги кунда тўлиқ қабул қилинмаган ва кўпчилик томонидан инкор этилувчи қайси атама билан алмаштирилган?

- А. «Энергоинформатика»
- Б. «Парапсихология»
- В. «Биоэнергия»
- Г. «Биосфера »

38. Қандай дунёда энергия нолга яқин бўлади, ахборот эса чексизлик сари ҳаракат қилади.

- А. Нозик
- Б. Гравитацион
- В. Информацион
- Г. кучсиз

39. Физикада маълум нечта фундаментал ўзаро таъсир мавжуд?

- А. 2
- Б. 3
- В. 4
- Г. 5

40. Физикада маълум фундаментал ўзаро таъсирлар тўғри кўрсатилган жавобни кўрсатинг?

- А. Кучли ва кучсиз
- Б. Энергоинформатика, гравитацион, электромагнит, кучли ва кучсиз
- В. Гравитацион, электромагнит, кучли ва кучсиз
- Г. Электромагнит, кучли ва кучсиз

41. Физикада маълум фундаментал ўзаро таъсирлар онг ҳодисалари ҳамда аномал ҳодисаларнинг энергия-ахборот алмашинувларини тушунтириб бера олдими?

- А. Йўқ
- Б. Ҳа
- В. Оз миқдорда
- Г. Тўғри жавоб йўқ



п

42. Нозик дунёлар структураси ҳозирги замон табиатшунослиги жиҳатида қандай фараз мавжуд?

- А. Информацион типга мансуб бешинчи фундаментал физик ўзаро таъсир билан боғланиши лозим
- Б. Энергоинформатика типга мансуб учинчи фундаментал физик ўзаро таъсир билан боғланиши лозим
- В. Гравитацион типга мансуб тўртинчи фундаментал физик ўзаро таъсир билан боғланиши лозим
- Г. Энергоинформатика типга мансуб биринчи фундаментал физик ўзаро таъсир билан боғланиши лозим

43. Нозик дунё унсурлари сифатидаги ахборот майдонлари одатдаги физик маънодаги куч майдонлари эмас. Улар энергиясиз бўлиши, ахборот узатиш жараёнлари уларда қандай кечиши лозим?

- А. Энтропиясиз, боз устига, ёруғлик тезлигидан анча юқори тезликда кечиши лозим.
- Б. Энтропиясиз, ёруғлик тезлигидан анча паст тезликда кечиши лозим.
- В. Ёруғлик тезлигидан анча паст тезликда кечиши лозим.
- Г. Тўғри жавоб йўқ.

44. постулати ёруғлик тезлигининг юқори чегарасини ахборот майдонлари учун эмас, балки электромагнит майдонлар учун таърифлаган, шу боис у билан қарама-қаршилик мавжуд эмас.

- А. В.Оствальд
- Б. Ю.Майер
- В. М.Ранкин
- Г. А.Эйнштейн

45. Қайси майдонлар ўнг ва чап айланишга эга бўлиб, бу ҳам «ўнг», ҳам «чап» дунёлар мавжудлигини тахмин қилиш имконини беради?

- А. Нозик майдонлар
- Б. Гравитацион майдонлар
- В. Информацион майдонлар
- Г. Торсион майдонлар

46. Илгари сурилган фаразларга кўра, Торсион майдонлар нечанчи фундаментал физик ўлчов ташувчиси бўлиши мумкин?

- А. 2
- Б. 3
- В. 4
- Г. 5

47. экстрасенсор ўзаро таъсирларда қайд этилади ва муҳим рол ўйнайди.

- А. Нозик майдонлар



- п
Б. Гравитацион майдонлар
В. Информацион майдонлар
Г. Торсион майдонлар

48. Олимлар тахминича, қандай нейтронлар торсион майдон квантлари сифатида амал қилади, бу ҳолда торсион нурланишлар ўтиш қобилиятининг катталиги етарли даражада табиий омил ҳисобланади.

- А. Кўп энергияли реликтли
Б. Кам энергияли реликтли
В. Ўрта энергияли реликтли
Г. Тўла энергияли реликтли

49. Энергоинформатика илмий йўналишида ўзаро таъсирларнинг қандай турлари фарқланади?

- А. ЭМ – энергетик-моддий, МЭ моддий-энергетик, ЭА – энергия-ахборот ва АЭ - ахборот-энергетик
Б. ЭА – энергия-ахборот ва АМ - ахборот-маънавий ўзаро таъсирлари, ЭА – энергия-ахборот ва АЭ - ахборот-энергетик
В. ЭАМ – энергия-ахборот-моддий ва АМ - ахборот-маънавий
Г. А ва Б жавоблар

50. Нозик дунёда энергия нолга яқин бўлади, ахборот эса қандай ҳаракат қилади.

- А. Чеклилиқ сари
Б. Чексизлиқ сари
В. Доира бўйлаб
Г. Тўғри жавоб йўқ.

51. Табиий муҳитдан ўтишда торсион нурланишларнинг заифлашуви кузатиладими?.

- А. Кузатилади
Б. Кузатилмайди
В. Оз миқдорда кузатилади
Г. Кўп миқдорда кузатилади

52. Торсион тўлқинларнинг гуруҳий тезлиги ёруғлик тезлигининг қанчадан кам бўлмаган қиймати билан баҳоланади?

- А. 10^9 дан
Б. 20^9 дан
В. 12^9 дан
Г. 21^9 дан

53. Ушбу фикрлар қайси монографияда тафсиқланган: Олам қаршимизда ўзини англовчи улкан структура сифатида намоён бўлади. Инсон бу ҳолда маконнинг муайян тарзда уюшган ҳажми, энергия ва ахборотнинг ҳосиласи сифатида тушунилади. Бу ҳақиқатни англаб етган



п

субъект маконда адашиш туйғусидан, оламда яккалик ва химоясизлик хиссидан халос бўлади.

- А. «Онгнинг спонтанлиги»
- Б. «Антроп »
- В. «Жамоа онги»
- Г. «Вульгар материализм»

54. Торсион боғланиш канали орқали сигналлар узатиш илк бор нечанчи йилда амалга оширилди?

- А. 1976 йилда
- Б. 1986 йилда
- В. 1996 йилда
- Г. 1967 йилда

55. Торсион ахборот узатиш-қабул қилиш воситаларини яратиш билан боғлиқ ишларни нечанчи йилда яқунлаш мўлжалланган эди?

- А. 1976 йилда
- Б. 1978 йилда
- В. 1996 йилда
- Г. 1987 йилда

56. Информацион ўзаро таъсирларнинг турларини қайси туркумга гуруҳлаш мумкин?

- А. Жамият – табиат – Космос.
- Б. Инсон – Ер – Космос.
- В. Борлиқ – Ер – Космос.
- Г. Инсон – борлиқ – Космос.

57. Экстрасенсорика ёки психостатика даражаларини аниқланг?

- А. Биосенсор диагностика, коррекция;
- Б. Ситуацион қидирув, телепатия, башорат; прогностика.
- В. Биосенсор диагностика, Ситуацион қидирув, телепатия, башорат;
- Г. Барча жавоблар тўғри.

58. Ўта қудратли онг –бу?

- А. Ахборот майдонларининг олий даражалари билан интуитив боғланиш канали орқали психоконтактлар қилиш.
- Б. Организмнинг рухий ва жисмоний ресурсларидан янада кенгрок фойдаланишга ўтишдир.
- В. Ахборот майдонларининг олий даражалари билан интуитив боғланиш канали орқали психоконтактлар қилиш.
- Г. Барча жавоблар тўғри.



п

59. Инсон тизимида ахборот-энергия алмашинуви –Бу?

А. Ахборот майдонларининг олий даражалари билан интуитив боғланиш чеклаш канали орқали қилиш.

Б. Организмнинг руҳий ва жисмоний ресурсларидан янада кенгрок фойдаланишга ўтишдир.

В. Ахборот майдонларининг олий даражалари билан интуитив боғланиш канали орқали психоконтактлар қилиш.

Г. Барча жавоблар тўғри.




1. Маърузани олиб бориш технологияси

<i>Талабалар сони:</i>	<i>Вақти:</i> 2 соат
<i>Машигулот шакли</i>	Кириш мавзуси бўйича маъруза
<i>Маъруза режаси</i>	1.Жон ҳақидаги фалсафа 2.Онг ва жоннинг тенглаштирилиши 3.Жон ҳақидаги илк фалсафий тасаввурлар 4.Жон ва рух ҳақида
<i>Машигулотнинг мақсади:</i> Ўқув фани ҳақида умумий тасаввурни шакллантириш, жон инсон мавжудлиги асоси шакли ҳақида тушунча ҳосил қилиш.	
<i>Педагогик вазифалар</i>	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i>
Жон ҳақидаги фалсафа ҳақида тушунчалар бериш.	Жон ҳақидаги фалсафа ҳақида талабаларга тушунчалар берилди.
Онг ва жоннинг тенглаштирилиши ҳақида тушунча бериш.	Онг ва жоннинг тенглаштирилиши ҳақида талабаларга тушунчалар берилди.
Жон ҳақидаги илк фалсафий тасаввурлар ҳақида тушунча бериш.	Жон ҳақидаги илк фалсафий тасаввурлар ҳақида талабаларга тушунчалар берилди.
Жон ва рух ҳақида ҳақида тушунча бериш.	Жон ва рух ҳақида ҳақида талабаларга тушунчалар берилди.
<i>Ўқитиш усуллари ва техника</i>	Маъруза, «ақлий хужум», Т-схема, мунозара, муаммоли вазиятлар усули.
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Маъруза матни, тарқатма материаллар, слайдлар, проектор.
<i>Ўқитиш шакллари</i>	Жамоа, тўғридан-тўғри ва гуруҳларда ишлаш.
<i>Ўқитиш шарт-шароити</i>	Техник воситалар билан таъминланган аудитория.
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Оғзаки назорат, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш.

2. Маърузанинг технологик картаси

<i>Иш жараёнлари вақти</i>	<i>Фаолиятнинг мазмуни</i>	
	<i>ўқитувчи</i>	<i>Талаба</i>
I-босқич. Фанга ва мавзуга кириш. (20 минут)	1.1. Ўқув фани номини айтиб, фан доирасида дастлабки умумий тасаввурни беради ҳамда услубий ва ташкилий томонлари билан таништиради.	Тинглайдилар.
	1.2. Фан бўйича ўтиладиган барча мавзулар билан таништиради, уларнинг узвийлиги ҳақида қисқача маълумот беради.	Тинглайдилар.



П

	1.3. Фан якунида қўйиладиган рейтинг баҳолаш мезонлари билан таништиради	ЎУМ га қарайдилар.
	1.4. Фанни ўзлаштиришда фойдаланиш учун зарур бўлган адабиётлар рўйхати билан таништиради.	ЎУМ га қарайдилар.
	1.5. Ўқув машғулоти мавзуси билан таништиради ва унинг мақсади, ўқув фаолияти натижаларини баён қилади.	Мавзу номини ёзиб оладилар.
	1.6. Мавзу юзасидан ақлий ҳужум қондаси асосида дарс ўтказишни таклиф этади. Талабалар томонидан айтилган фикрларни ёзиб боради ва умумлаштиради	Тушунчаларни эркин фикр орқали билдиради.
II-босқич. Асосий (50 минут)	2.1. Мавзу режаси ва таянч тушунчалар билан таништиради.	Тинглайдилар.
	2.2. Маърузани режа бўйича тушунтиради, ҳар бир режани ниҳоясида умумлаштиради. Жараён компьютер слайдларини намоиш қилиш билан олиб борилади	Тинглайдилар. Слайдга эътибор қаратади, уни ўзига ёзиб олади ва саволлар беради.
	2.3. Ҳар бир режани мустаҳкамлаш учун қуйидагича саволлар беради: 1. Жон ҳақидаги фалсафа? 2. Жон ҳақидаги илк фалсафий тасаввурлар? 3. Жон ва рух?	Саволларга жавоб берадилар, эркин баҳс-мунозара юритадилар.
	2.4. Таянч ибораларга қайтилади. Талабалар иштирокида улар яна бир бор такрорланади.	Ҳар бир таянч тушунча ва ибораларни муҳокама қиладилар. Конспект қиладилар.
III-босқич. Яқуний босқич. (10 минут)	3.1. Т-схема техникасидан фойдаланилган ҳолда жуфт-жуфт бўлиб ишлаш учун тингловчиларга: жон инсон мавжудлигининг асосига оид савол ёзилган тарқатма материаллар тарқатади. Ушбу техника орқали мавзу бўйича яқунловчи хулоса қилади.	Мустақил Т-схемани тўлдирадилар. Эркин фикрини баён этади.
	3.2. Талабаларнинг фаолиятига баҳо қўйилади ва рағбатлантирилади.	Эштади.
	3.3. Келгуси машғулотга тайёргарлик кўриш учун топшириқлар ва фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати берилади.	Эштади ва ЎУМ га қарайдилар.



2 БЎЛИМ. ИНСОН БОРЛИГИ

ЖОН ИНСОН МАВЖУДЛИГИНИНГ АСОСИ

Жон ҳақидаги фалсафа. Онг қаердан пайдо бўлган, деган саволга жавобни инсон қадим замонлардаёқ излай бошлаган. Инсониятнинг энг буюк мутафаккирлари кўп асрлар мобайнида онг табиатини аниқлашга ҳаракат қилганлар. Аммо фикрлаш, ҳис қилиш, баҳолаш қобилияти узоқ вақт «жон» деб аталган. Буржуа жамиятининг шаклланиш давридагина Европа фалсафасида жон тушунчасидан онг категориясига ўтиш амалга ошган.

«Жон»ни антик юнонлар кашф этганлар деган фикр мавжуд. Бироқ маърифат даврида француз файласуфи Вольтер ўзининг «Жон ҳақида» деб номланган рисоласида жон тушунчаси қадимги ҳинд брахманларининг тафаккури маҳсули бўлса керак, деган фаразни илгари суради. Унинг фикрича, брахманлар инсон жони унинг ўлиmidан кейин танадан ажралиб чиқиши ва ўз ҳаёти билан яшашига ишонганлар. Жоннинг бир танадан бошқа танага ўтиши – «метемпсихоз»ни ҳам улар ўйлаб топганлар. Илк юнон донишмандлари, шу жумладан Пифагорнинг Ҳиндистонга саёхатлари натижасида жон ҳақидаги таълимот ва унинг бир танадан бошқа танага кўчиши ҳақидаги миф Европага кириб келган. Европада маълум бўлган энг қадимги муаллиф – Гомер ўз даврига хос бўлган жон ҳақидаги тасаввурни акс эттирган. Жон кўзга кўринмайдиган ва қўл билан ушлаб бўлмайдиган ҳаводек енгил нарса деб ҳисобланган. Тана ҳалок бўлганда жон уни тарк этган¹.

Онг ва жоннинг тенглаштирилиши. Атроф муҳитда, ўз ички дунёсида юз бераётган ўзгаришларга одамлар қадим замонлардаёқ эътибор берганлар. Бу жон ва руҳ ҳақидаги мулоҳазалар пайдо бўлишига олиб келган. Шу тариқа башарият тарихида анимизм - одамлар, ҳайвонлар ҳаёти, нарсалар ва ҳодисаларга жон ва руҳлар таъсир кўрсатишига бўлган эътиқод пайдо бўлди, шу аснода шаклланган дунё ҳақидаги тасаввурлар кейинчалик у ёки бу тарзда турли динлар негизини ташкил этди.

Жон ҳақидаги илк фалсафий тасаввурлар одатда муайян биринчи асослар (ҳаво, олов, атомлар ҳаракати ва ш.к.) билан боғланган ва шахсиз бўлган, яъни инсон табиатининг бетакрорлиги, унинг индивидуаллиги билан тенглаштирилмаган. Сукротдан олдинги фалсафа тўлалигича шундай хусусиятга эга бўлиб, бу ерда идеаллик тушунчасини деярли учратмаймиз. Масалан, оловни оқил ва олижаноб, сувни – тубан асос деб ҳисоблаган Гераклит жон (психея) олов ёки сувдан иборат бўлади, деган ғояни илгари суради. Олов кўпроқ бўлган «қуруқ» жонни - энг оқил ва мақбул деб ҳисоблайди. Жон намлангач, ўз кучини йўқотади, ҳўллангач эса – ҳалок бўлади. Шу сабабли жон олови кучлироқ ёниши учун фаол маънавий ва

¹ Қаранг: Вольтер. Философские сочинения. – М., 1989. – 542-б.



п
ақлий хаёт кечиришга ҳаракат қилиш лозим. Ўз навбатида айрим кишиларнинг жонлари бутун дунёнинг биринчи сабаби ҳисобланадиган ва уни бошқарадиган дунёвий ақл олови – «логос» билан боғлиқ.

Суқрот ва Платон моддий ва идеал ҳодисаларни фарқлаган. Шунингдек, Платон Европа фалсафий анъанасида идеал асосни қайд этибгина қолмасдан, балки ундан моддий асосни ҳам келтириб чиқарган биринчи файласуф ҳисобланади. Айрим инсон онги эса, Платон фикрига кўра, унинг жони билан бевосита боғланади. Бу ўлмас жон у ёки бу танага, тана туғилгунга қадар ўз «зиндони»га тушгандек кириб жойлашади ва у ўлганидан кейин эса боқий ғоялар дунёсида мушоҳада юритади ва шу тариқа уларни ўрганиб яшайди. Платон рухий ҳодисаларни туйғулар дунёси (сезиш ва идрок этиш) ва интеллектга ажратади. Интеллектда у ақл ва идрокни фарқлайди. Бунда соф ғоялар билан иш кўрувчи ақл фикрлашнинг формал усуллари билан боғлиқ (масалан, математикада) идрокка қараганда юксакроқ ҳодисадир. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, кейинчалик фалсафада идеал нарсалар ва ҳодисаларни тушунишга нисбатан кўп сонли ҳар хил ёндашувлар пайдо бўлди, аммо уларнинг барчаси идеалликни моддийлик ва кўламликка қарши қўяди.

Аристотелнинг «Жон ҳақида» рисоласини қадимги юнон файласуфларининг онг ҳақидаги фалсафий мулоҳазаларининг муайян якуни деб ҳисоблаш мумкин. Бу ерда жон тананинг моҳияти, унинг уюштирувчи тамойили саналса-да, лекин ақл ички фаоллигининг инъикосига эмас, балки космос ҳаётининг умумий қонунларига бўйсунди.

Ўрта асрлар Европа фалсафаси «дин чўриси»га айланиб, онг ҳақидаги масалага бутунлай ўзгача нуқтаи назар билан ёндашди – уни абадий мавжуд бўлган дунёни, шу жумладан инсон ва унинг жонини йўқликдан яратган Худонинг ягона дунёвий асос сифатидаги талқини билан боғлади. Бу таълимотга биноан инсон ақли илоҳий ақлнинг бир зарраси сифатида муайян даражада ўзини ўзи билиш, ўзини ўзи таҳлил қилиш қобилятига эга бўлса-да, онгнинг бу фаолияти Тангрини билиш ва у билан мулоқот қилишга қаратилгандир. Онгнинг мазкур объектив-идеалистик талқини билан бир қаторда ўрта асрларда онгни «фикрловчи материя»дан келтириб чиқарган материалистик анъанада ҳам узилиш юз бергани йўқ. Бундай қарашларга Шарқ фалсафаси (Ибн Сино, Ибн Рушд) ўз таъсирини кўрсатган европалик айрим файласуфлар Дунс Скот, брабанлик Сигернинг асарларида дуч келиш мумкин.

Жон ва рух ҳақида. **Жон масаласида** Сенека қалб, рух етуклигини, ҳурлигини биринчи ўринга қўяди. “Шундай нарсани изоҳлаш керакки, - деб ёзади у шогирди Луцилийга, - ҳеч нима унга ҳукмронлик қилолмасин, ҳеч нима унга ғов бўлаолмасин. Бу нима дейсанми? У мағрур, олийжаноб, юксак рухдир. Уни киши вужудидан жой топган худодан бошқа нарса дейиш мумкинми?.. Вужуд биқиклигидан кечиб кўкка интил ва шоир айтганидек, ўз руҳингни Худого монандлигини намоён эт. Рухнинг ҳурлиги учун тилла ҳам



п
керак эмас, кумуш ҳам, чунки ҳақиқий худо тимсолини ясаб бўлмайди. Эсла худолар бизга хайрихоҳ бўлганларида улар лойдан эдилар... Комил руҳни қарзга ҳам, сотиб ҳам олиб бўлмайди”¹. Сенека назарида эзгулик, поклик, адолат ва етуклик излаган киши энг аввало ўз руҳини илоҳий талабларга монанд қилиши даркор. Валеқ бу талаблар кишининг ўз руҳига талабларидан бошқа нарса эмас. Илоҳийлик – бир тимсол, унга етиш киши ихтиёридадир. Киши қаерда яшамасин, нималарни изламасин, кимларга ҳамроҳ бўлмасин ўзининг руҳини покламагунча, уни юксакликка йўналтирмагунча ҳаётдан завқ, ором, буюклик тополмайди. “Яшаш жойингни эмас, руҳингни ўзгартир, - деб ёзади Сенека, - қанча кўп кезсанг, шунча руҳинг изтиробга ботади. Кема учун баб-баравар ортилган юк эмас, балки нотекис ортилган юк ҳалокат келтиради”². Руҳ безовта, хаста экан кишини ҳеч қандай томоша, ҳазз-хузур қутқара олмайди. Қаерда ва ким билан эмас, қандай қалб, руҳ билан яшашинг муҳим. “Руҳим хур бўлсин десанг, бирор маконга бутун дилдан боғланма. Мен бирор бурчак учун туғилмаганман, бутун менинг ватаним, деган эътиқод билан яша”³. Бир қарашда файласуф космополитизм тарафдори бўлиб кўринади, бироқ барча римликлар каби у ҳам ўз ватанининг фидоийси эди. Бу ўринда Сенека ватансиз яшашни эмас, балки руҳий осудаликни тарғиб этади.

Файласуф кишидаги барча иллатлар унинг қалби, руҳидаги нопок туйғулар туфайлидир деб билади. Баъзи кишилар бошқаларни пок, софдил, эзгу амалли, хушахлоқ кўришни истайди, ҳатто улардан илоҳий сифатларни талаб этади, ўзида йўқ хислатларни бошқалардан талаб этиш зўравонлик бўлмаса-да, ахлоқсизликдир. Ўзи дардманд киши ўзганинг дардига дармон бўлолмайди; қалби нопок кишининг ўзгалардан поклик талаб этиши нокасликдан бошқа нарса эмас. Бошқани тўғриладан олдин ўзингни тўғирла. “Ўз айбингни билиш, руҳни соғлом тутиш томон ташланган биринчи қадамдир”⁴. Ким ўз қалбини соғлом кўришни истамаса, ўзидаги иллатлардан холос бўлмоқчи эмас; ким нуқсонларини эшитишдан қочса, ўз нуқсонларини эзгулик деб билади; ким покланишни ихтиёр этмаса, унга ҳеч ким дарс беролмайди. Руҳинг покланиши, соғлом бўлиши учун нима қилиш керак? Сенека, энг аввало “етук донишмандлик илми” фалсафа билан шуғулланиш лозим, деб жавоб беради.

“Қадимдан бизгача етиб келган бир одат бор, - деб ёзади Сенека, - мактублар “Агар сен соғ-саломат бўлсанг, мен ҳам соғ-саломатдирман” деб бошланган. Биз ҳам, “Агар сен фалсафа билан шуғуллансанг жуда

¹ Ўша ерда. –Б. 66.

² Ўша ерда. –Б. 79.

³ Ўша ерда. –Б. 83.

⁴ Эпикур. Этика. –М., 1977. –С. 47.



п
ҳам яхши”, дейишимиз зарур. Чунки ҳақиқий соғ-саломатлик фалсафада, усиз руҳ ҳамда тана, уларда қанча куч ва қувват бўлмасин, хастадир. Шунинг учун: энг аввало ҳақиқий соғ-саломатлик ҳақида қайғур, кейин эса қолганлар ҳақида”¹. Киши билакларини тоблаш учун кўлларини, елкаларини машқ қилиб туради. Аммо тана машқлари чегараланган, бел ва билак қанчалик бақувват бўлмасин, улар ҳўкизни йиқолмайди; умуман одамнинг ҳайвонга монанд куч йиғиши орифлик эмас.

Одамни онгли мавжудотга айлантирган унинг ақлидир. Ақл донишмандликка интилиб одам руҳини буюк қилади. Донишмандлик орқалигина киши бахтиёр сезади ўзини; ўзини бахтиёр сезмаган бахтиёр ҳам, озод ҳам эмас. “Яхши яшашни истасанг фалсафанинг қули бўл”².

Ён-атрофда нақдга, бойликка ўчлик авж олганда фикр, ҳикмат излашга меҳр қўйиш, таажжуб уйғотади. Сенека бунини яхши билади, ҳали одам, у ақли туфайли ҳайвонлардан ўзса-да, нафс балосидан, ақидапарастликдан тўла холос бўлмаган. Фалсафа яшашга ўргатади, лекин қорин тўйғазишга эмас. Шунинг учун файласуф иккисидан бирини: ё руҳни тетик сақлашни, ё нафсни тўйдиришни танлаши лозим. Донишманд неъматлардан мутлақ воз кечмайди, лекин у бориға қаноат қилиб яшайди, нафс бандаси эса Каллиодордек нафақат қулларини, ўз руҳи ва эркини ҳам пуллашдан қайтмайди. Кўп кишилар фалсафа билан шуғулланишга журъат этолмайди, чунки улар бориға кўниб яшагандан йўқига топиниб яшашни афзал кўрадилар. Фоний дунё лаззатлари ва жиҳозларини топиш, уларни тотиб кўриш осон, бироқ кун, тун егулик излаб яшаш қийин. Фалсафа нон ҳам бермайди, шон ҳам; унда етуклик йўлида ўзингни ўзинг излаш бор, холос. Ваҳоланки, фалсафа учун ўзини фидо қилган ўзи учун ўзини фидо қилгандир; у қандай, ким билан, қайси тимсолларга талпиниб яшашни ўргатади. Руҳни ўткинчи ҳавас ва эҳтирослардан халос қилиш “етук донишмандлик илми”га меҳр қўйишдан бошланади. Ким фалсафага хизмат қилса, фалсафа ҳам унга хизмат қилади; ким фалсафага борини бағишласа, фалсафа ҳам унга борини, лекин умрини китоб устида ўтказганга эмас, балки ҳаётдан ҳикмат излаганга инъом этади³.

Сенека қалбнинг руҳни мавжуд дунёга муте ушлайдиган нақд, зар орттиришдан, эҳтирослар ва лаззатларга берилишдан сақлаш лозим деган ғояни илгари суради. Бу фикр деярли барча мактубларда у ёки бу талқинда қайта ва қайта қайд этилади. Чамаси донишманд римликлар

¹ Сенека Л.А. Нравственные письма к Луцилию. – Кемеровское книж. изд-во., 1986. –С. 87.

² Ўша ерда. –Б. 39.

³ Ўша ерда. –Б. 91.




п
нафақат шуҳратга, худди шунингдек, бойлик тўплашга ҳам ўч демокчи бўлган.

Пок руҳни, унинг соф табиатга монандлигини туйиш беқиёс роҳат, ҳузурдир. Бундай руҳ нафақат ақлдан, ҳатто ҳаётдан ҳам ўзиши зарур. Унинг олдида кўпчиликни ваҳимага соладиган ўлим — ҳеч нима. Бироқ, кўпчилик ўлим муқаррарлигини била туриб, ҳаётга жон-жаҳди билан ёпишади, умрини чўзиш учун ҳар қандай қабихликка, ёвузликка ва нопокликка тайёр. Одам аслида туғилганидан ўлим томон боради, умрининг ўтган ҳар бир дақиқаси ўлим томон ташланган қадамдир. Демак, ўлим — табиий ҳол; ҳаётни чўзиш табиат қонунларига зиддир. Табиат — Буюк Боқий мутлақ йўқлик эмас, балки ҳаётни янгилаш тарафдоридир. Ким унга қарши чикса, у янгиланишга ҳам қарши; турғунлик муқимни вақтинча асраса-да, янгиланишга тўғаноқ бўлолмайди. Ҳалим энг қудратлиларни ҳам йиққан, шунинг учун киши ўлимни “довюраклик билан қарши олишга ўзини тайёрлаб бориши лозим”¹.

Файласуф фикрига кўра, ортиқча нақд пул тўплашга, ҳашаматда яшашга, керагидан ортиғига интилиш кишини ахлоқий таназзулга етаклайди. “Ён-атрофинга боқ, — деб ёзади у ёш дўстига, — қанчадан қанча нарсалардан иккиланмай воз кечиш мумкин. Уларга кетган вақт, куч, ҳаражатларни ҳисобла, ана нималарга умримиз сарф бўлади. Биз уларни муҳтож бўлганимиз учун эмас, балки бошқаларга таклид қилиб йиғамиз. Сукрот битта хитонида, қишу ёз оёқ яланг, бош яланг юрган, Диоген бочкада яшаган, Зенон бир сиқим арпага қаноат қилган; биз уларнинг ахлоқий-маънавий сифатларига ҳавас қиламиз. Ҳавас қиламиз, валеқ улардек яшашга журъатимиз етмайди. Нега? Уйимиз тўридаги биллур қандиллар, ипак гиламлар, кумуш идишлар, мармар хайкаллар, пар ўриндик, амримизни бажаришга шай қуллар содда ва хур яшаш ўйини қалбимиздан ўчирган; ким шундай яшамаса, уни даврамизга нолайиқ биламиз. Ваҳоланки, лой идишдан кумуш идишдек фойдаланган қандай аълам бўлса, кумуш идишдан лой идишдек фойдаланган ҳам шундай аъламдир”². Кўпга эга янада кўпга интилади, керагига эга эса боридан хушнуд. Биринчиси ҳаловат билмайди, бойлигимни ўғирламасинлар деб тунлари бедор, иккинчиси эса рақибсиз яшайди, тунлари беҳавотир ухлайди. Мабодо ёв келса, иккинчисини эмас, биринчисини талайди; иккинчисини эмас, биринчисини қул қилади. Аристилл, Сукротнинг шогирди, тушган кема денгиз қароқчилариники экан. Қандай хавфга дуч келганини сезган файласуф пулларини, тиллаларини санаётиб, гўё ногаҳон, уларни сувга

¹ Ўша ерда. –Б. 255.

² Ўша ерда. –Б. 98.



п

тушириб юборибди ва бепарвогина дебди: “Аристилнинг тиллолари учун ўлдирилганидан, тиллоларнинг Аристил учун ўлгани афзал”¹. Ахир бойликка ўч бизнинг ҳаётимиз ҳам денгиз қароқчиларининг кемасига ўхшамайдими?

Очкўзлик, зарга ўчлик, Сенеканинг ёзишига кўра, кишиларга ёшликдан сингдирилади. Айнан ота-оналаримиз, тарбиячиларимиз бизда тилла ва кумушга меҳр уйғотмаганми? Кишилар асосан нимага интилади — кўпроқ нақд пул топишга, ҳатто остона ва шипларини ҳам зар билан безашга эмасми? Яқинларига улар нима тилашади — бадавлат яшашни, тўкин-сочин бўлишини, мрамрдан тикланган саройларда яшашни эмасми? Фақирликдан нафратланиш ахлоқий сифатларимизга айланган. Очкўзлик жазосиз қолмайди, унинг ўзи ўзига жазодир. Валек аянчли томони шундаки, очкўзлик иллатлар ичида энг юқумлисидир. “Эсингда тут, Луцилий, йиққанинг эмас, қалбингни безагани бойлигингдир”².


Файласуф қалбни, руҳни поклаш ва бойликка, хазз-хузурга бефарқ яшаш инсоннинг якка ўзига, унинг мужоҳадаларига боғлиқ деб билади. Ким хушбахт яшашни истаса истаклари, эҳтирослари ва ижтиҳодларини ўзи идора қилиши зарур. Ҳаётимиз — худо тухфаси, аммо қандай яшаш бизнинг эркимизда. Бизни иллатларга ботирган душман, аду ўзимизнинг ичимиздадир. Ушбу ёвуз кучни фақат ўзимиз ичимиздан қувишимиз, ахлоқимизни тузатиб, уни маҳв этишимиз мумкин. Эзгулик — табиатимизга монанд, иллатлар — руҳимизга ёт. Ҳайратли томони шундаки, кўпчилик табиатига монандга эмас, руҳига ёт иллатга эргашади. Шунинг учун, ҳар бир киши табиатга монанд сифатларини асраши, табиат инъом этган туйғу ва ақлу идрокни мукаммаллаштириши керак. Ўзи қодир ишни худодан сўраш ожизликдир; „Худо сенинг ёнингда, сен билан, сенинг ичингда”³. “Ичимизга илоҳий руҳ жо, у барча яхши ва ёмон ишларимизни кузатиб боради; биз у билан қандай муомалада бўлсак, у ҳам бизга шундай муомала қилади. Ҳар бир чин олижаноб киши худога дахлдор, унинг ичида муаббад яшайди”⁴. Ушбу муаббадни туйиши учун киши ўзига ўзи қулоқ тутмоғи, ўзи билан ўзи суҳбат қурмоғи лозим. Етукликни ўзидан излаб тополмаган уни маҳдудотдан излаб тополмайди. Сенека шогирдини ўзини ўзи ўрганишга, гоҳо ўзини ўзи беаёв танқид қилишга чақиради. Бу ўткинчи дунё лаззатларига бефарқ қолишни тарбиялайди. Фоний дунё лаззатларига ва жиҳозларига меҳр қўйган кишини мавҳум келажак титроққа, қўрқувга солади. У ушбу лаззатлар ва жиҳозлардан

¹ Ўша ерда. –Б. 89.

² Сенека Л.А. Нравственные письма к Луцилию. – Кемеровское книж. изд-во., 1986. –С. 75.

³ Ўша ерда. –Б. 90.

⁴ Ўша ерда. –Б. 69.



п
маҳрум бўлишидан вайло кўтаради; у ўлим табиий ҳол экани билан ҳеч чиқишолмайди. Ўлим унга адолатсизлик, зўравонлик ва ёвузлик бўлиб туюлади, у бор кучи билаи уни енгишга, ҳатто маҳмасада умрини неча кунга, дақиқага чўзишга интилади. Ўлимдан қочиш беманиликдир, албатта. Лекин унинг муқаррарлигини била туриб ғамга ботиш янада бемаъниликдир. Стоиклар ўлимни мағрур қарши оладилар; улар учун ўлим эмас, ўлимнинг борлигини унутиш аянчли. Ким ўлимнинг борлигини унутса, у етуклик борлигини ҳам унутади; ҳаёт ўлимдан қочиш учун эмас, етукни топиш учун берилган. “Мавҳум келажак олдида кўрқувга ботмай десанг унинг келишини муқаррар нарса деб бил; борликда содир бўлмайдиган нарса, ходиса йўқ, ён-атрофимиз тасодифларга тўла, ким уларнинг рўй беришини табиий ҳол деб қабул қилмаса, у мавҳум келажак олдида титроққа тушишдан қутулолмайди... Сукрот одамларни ўлим ва зиндон азоби хавфли эмаслигини кўрсатиш учун маҳбасдан қочиш таклифини рад этиб заҳар ичган. Мудай эса қўлини оловга тикқан. Куйдиришлари сенга азоб беради, шубҳасиз, лекин ўзингни ўзинг куйдириш янада азоблидир... Тарихда ўлимдан ҳазар қилган қаҳрамонлар кўплаб топилади, аммо ўз иллатларингни енгиш ҳам чин қаҳрамонликдир”¹. Ўз иллатларини билган ва уларни енгган ўлимдан кўркмайди; ўлим руҳимизни қийнайидиган азоблардан бири эмас, у охири азобдир. Файласуф стоиклар анъанасини давом эттириб ёзади: “Базму зиёфатлардан ошқозон бузилади, ичкиликбозликлардан томирлар қотади ва титрайди, шаҳватдан қўл, оёқ, бўғимлар заифлашади. Мен қашшоқлашсам, демак, кўпчиликка қўшиламан, бадарға қилинсам, борган жойимни макон биламан, занжирбанд қилсалар — ташвиш нега? Ахир мен ҳозир ҳам занжирбанд эмасманми? Табиат мени ўз танамга банди этиб қўймаганми? Мен ўламанми? Демак, мен энди хаста бўлмайман, занжирбанд қилинмайман, ўлим хавфидан холиман”².

Шундай қилиб хулоса қиламиз. Умуман ўлимни табиий ҳолдек кутиб олишга даъват стоиклар фалсафасидаги бош ғоялардан бири ҳисобланади. Унга кўра, киши туғилганидан ўлим томон боради, гўдаклик, ўсмирлик, ёшлик, қарилик ягона ҳақиқат — ўлимга элтади. Умрини хушбахт ўтказмоқчи бўлган киши эса ҳаёт қувончларига ҳам, ўлим кўрқувларига ҳам бефарқ яшайди, ўлим руҳни безовта қилолмайди. Донишманд ўз қисматидан қочмайди, ҳаётининг охири келганида тарк этади. Ҳаётдан қочиш бошқа, уни тарк этиш бошқа; биринчиси — руҳнинг заифлиги, иккинчиси буюк борлиқ ҳукмидир. “Яшаш эмас, муносиб яшаш муҳим; эрта ўласанми ёки кейин — аҳамияти йўқ, яхшилик билан яшадингми ёки ёмонлик билан мана —

¹ Алимасов В. Фалсафа ёхуд фикрлаш чанқоғи. –Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ нашриёти, 2007. –Б. 89.

² Сенека Л.А. Нравственные письма к Луцилию. – Кемеровское книж. изд-во., 1986. –С. 98.




п
нима зарур”¹. Икки минг йил олдин битилган ушбу насойихлар — насихатлар мозий қаъридан эмас, маънавий-ахлоқий етуклик излаётган замондошимиз қалбидан чиқаётган даъватлардек эшитилмайдими?..

Гилозоизм таълимоти. *Қадимда жоннинг номлари кўп бўлган: пневма, псю-хе, фантом, мана, квинтэссенция. Жон (лот. anima) ҳайвон, инсон ва ҳатто ўсимлик танасида яшайдиган ва уни уйқу пайтида ёки ўлимдан сўнг тарк этадиган алоҳида куч сифатида намоён бўлган.* Бундан унинг этимологик талқини, яъни жонни нафас, нафас олиш ва нафас чиқариш сифатида тушуниш келиб чиққан. Гомердан сўнг ўзларини «муаллимлар» деб атаган мутафаккирлар инсон жони энгил шабада, ҳавога ўхшаган нарса, фантомгина эмас, у, бундан ташқари, инсон майллари, эҳтиросларини шакллантиради, ниҳоят, у мулоҳаза юритади ва далилларни илгари суради, деган қарорга келганлар. Шу тариқа жон уч таркибий қисмдан иборат моҳиятга айланган: ҳаётбахш нафас ўсимлик жони деб, псюхе – руҳий жон, нус эса – ақлли жон деб атала бошлаган. Жонни тушунтириш ўта оғир муаммога айланган (айниқса материалистик фикрловчи файласуфлар учун). Бу алоҳида турдаги теран материяга, кўз билан кўриб бўлмайдиган ички моҳиятга шубҳа туғилмаслиги учун улар бутун табиатни жонли деб эълон қилганлар. Мазкур қарашлар **гилозоизм** мўлжалида ўз аксини топган.

Жоннинг танада пайдо бўлиши ҳақидаги таълимот. Платоннинг «Давлат» асарида жон таркибий қисмларининг бошқача иерархияси келтирилади: оқилона жон, эмоционал-қаҳрли жон, бузуқ жон. Улар тегишли равишда бош, кўкрак ва қорин бўшлиғида жойлашган. Аристотелнинг «Жон ҳақида» деб номланган рисоласида жон ва тана бир-биридан ажралмас моҳиятлар сифатида тавсифланади, жон ҳақидаги таълимот эса ҳаёт ва унинг шакллари ҳақидаги умумий таълим сифатида тушунилади. Ўсимликлар жони, ҳайвонлар жони ва ақлли мавжудот – инсон жонини фарқлар экан, Аристотель ривожланиш ғоясини руҳиятга татбиқан билвосита таърифлайди. Унинг фикрича, жоннинг юқорида зикр этилган уч таркибий қисми инсонда яхлит бир бутунга бирлашади ва турли функциялар: овқатланиш, ҳис қилиш ва мулоҳаза юритишда намоён бўлади. Жон унсурларининг барчаси тана унсурлари билан узвий боғланади, аммо улар энг аввало космик ҳаракатларга боғлиқ бўлади. Антик даврда жон алоҳида ҳаётбахш куч, ички маънавий асос сифатида тушунилган бўлса-да, унинг фақат ўз фаоллиги сифатида тушунтирилган.

Ўрта асрлар фалсафасида жон – дунёвий ва илоҳий фаолият ўртасидаги боғловчи бўғин, деган умумий тасаввур шаклланади. Фома Аквинский (1226–1274) жон инсонни «актуаллаштиради», унинг асл моҳиятини белгилайди, деган фикрни илгари суради. Фома Аквинский *жон имкониятларини потенциаллар деб атайди. Улар беш хил бўлади: ўсиш, ҳиссий идрок этиш, ўз хоҳиш-иродасини ифодалаш, маконда ҳаракатланиш, ақл ёрдамида дунёни тушуниш.* Айрим потенциаллар тана билан боғлиқ бўлса, баъзилари, масалан, ўз хоҳиш-иродасини ифодалаш ва ақл ёрдамида дунёни

¹ Ўша ерда. –Б. 100.



п

тушуниш кўпроқ олий асосга бўйсунди. Аммо тана зарур, чунки у жоннинг барча потенциалларини бирлаштиришни таъминлайди.

Черков оталари учун жон фақат эътиқодлар тизимига мос келадиган ёки мос келмайдиган бир моҳиятни ўзида ифодалайди. Жоннинг нормал фаолиятини таъминлаш руҳонийнинг вазифаси ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан жон шахсий ҳаёт омили сифатида эмас, балки йўлга солиш лозим бўлган жамоавий-умумий моҳият сифатида талқин қилинади. Жоннинг моддийлиги ғояси черков мулозимлари томонидан тақиқланади. Ақл ва жон Худо атрибутлари сифатида шарҳланади. Фақат жоннинг паноҳ топиши ҳақида қайғуриш лозимлиги таъкидланади, зеро жон ўлмас, инсон танаси эса ўткинчидир.


Янги давр Европа фалсафасида жон тушунчаси шахснинг теран, ички дунёси билан айниёлаштирила бошлайди. Хусусий ташаббус ва тадбиркорликнинг ривожланиши инсоннинг маънавий интилишлари қадрият сифатида англаб етилишига туртки беради. Айрим ҳолларда маънавий асосни мутлақлаштириш юз беради, у жисмоний, моддий асосдан муҳимроқ деб тушунилади. Одамлар ўз ҳаракатларини ўзларининг эҳтиёжлари билан уларни боғлаш ўрнига, ўз майлларидан келиб чиқиб тушунтирадилар.

Шунга қарамай жоннинг жисмоний келиб чиқиши ҳақидаги концепция унутилмайди. Француз файласуфи Жюльен Ламетри (1709–1751) ҳатто жон қайси органдан ўрин олишини ҳам кўрсатади. «Биз тубанлашувимиз учун барча кишиларнинг жони яшайдиган миямизда заррача ўзгариш юз беришининг ўзи кифоядир». «...Бизнинг жонимиз эҳтиёжларимизга бевосита боғлиқ бўлади, уларни мисли кўрилмаган тезликда қондиради ва бу эҳтиёжларга ҳеч нарса қарши бора олмаслиги ҳақида огоҳлантиради»¹.

Жонда бутун дунё ўзининг тўлиқ тажассумини топади. У серқиррадир. Француз файласуфи ва математики Блез Паскаль (1623–1662) жон руҳий парвозларининг чексиз даражада ранг-баранглиги, унинг нозиклиги, бетакрорлиги ва беқарорлигидан таажжубланиб, инсон жонининг моҳиятини формула билан ифодалаш мумкин эмас, у ҳақда фақат ҳаётни ўрганиш ва инсон хулқ-атворини кузатиш орқали ҳукм чиқариш мумкин, деган хулосага келади. Жоннинг мазкур хусусиятлари теран маънавий асосларни ички даражадан сиртга чиқаради. Жон индивидуалликнинг асоси сифатида амал қилади.

Шундай қилиб, фалсафа тарихида мавжуд жон ҳақидаги тасаввурлар ўз-ўзича тўғри, бироқ тўлиқ эмас. Мазкур ноёб феноменни тушунтириш учун энергетик, динамик ва темпорал мезонлар зарур. Адабиёт ва шеърятда, кундалик муомалада жоннинг безовталиги, унинг майллари ва ҳаракатлари ҳақида кўп гапирилади. Жон азалдан муайян фаол куч, ҳаракат манбаи, энергия токи ва ҳаракатлантирувчи асос сифатида тушунилади. Тана дам жонни ифодалаш майдони сифатида, дам жон «гўри» сифатида қаралади. Психоаналитик К.Юнг жон ҳам, унинг иши ҳам кўпчилик учун кўринмас эканлигига эътиборни қаратар экан, жон учун муҳим омиллар онгдан

¹ Қаранг: Ламетри. Сочинения. – М., 1983. – 237–238-б.



п

ташқарида бўлса керак, деб тахмин қилади. «Фақат тунда очиладиган гуллар» ҳақида гапирар экан, Юнг, “жон, барча маънавий асослар яратиладиган ва шаклланадиган вақт оралиғини белгилайди”¹ деб таъкидлайди.

Фалсафий оқимлар, мактаблар ва йўналишларнинг деярли барчаси жонни англаб етиш, оқилона таҳлил қилиш мумкин бўлмаган, теран ҳодиса сифатида тавсифлайди. Айни пайтда жонга ишора қилувчи, жоннинг боқиралиги, унинг ички кучлари ҳақида баҳс этувчи мавзулар доираси беҳад кенг.


Экзистенциализм асосчиси даниялик файласуф С.Кьеркегор (1813–1855) ўз изланишлари натижасида жонни танлаш мумкин ва бу ҳар кимнинг ўз хоҳиш-истагига боғлиқ, деган муҳим хулосага келади. Индивидуал руҳий олам, интим ички дунёнинг мавжудлиги инсон ҳаётини мушкуллаштиради ва онг феноменини англаб етиш муаммосини янада оғирлаштиради. Аммо ўз ўзлигини сақлаб қолиш ҳуқуқи Ерда яшайдиган ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқи ҳисобланади.

Хулоса. Жон инсониятни қадим замонлардан буён қизиқтириб келган муҳим муаммолардан бири бўлиб, унинг мавжудлиги тирикликнинг ифодаси сифатида талқин қилинган. Жонни асраш эса тирикликни асраш демакдир.

Тажрибавий амалий матнлар


Жон, гиллозоизм, психея, тана, экзистенциализм, Кьеркегор, индивидуал руҳий олам, тириклик

Қўшимча ва тушунтирувчи матнлар



Жон (лот. anima) ҳайвон, инсон ва ҳатто ўсимлик танасида яшайдиган ва уни уйқу пайтида ёки ўлимдан сўнг тарк этадиган алоҳида куч

¹ Қаранг: Юнг К. Архетип и символ. – М., 1991. – 210-б.



Мустақил ишлаш учун қвинтэссенция фикрлар

1. Жон нима?
2. С. Керъкегорнинг жон ҳақидаги таълимотини биласизми?
3. Ўрта асрларда жон ҳақидаги таълимотни тавсифланг.
4. Гилозоизм таълимотининг моҳиятини тушунтиринг.

Реферат мавзулари

1. Ибн Синонинг жон ҳақидаги таълимоти
2. Ж. Ламетрининг жон ҳақидаги таълимоти
3. Қадимги мутафаккирлар ижодида жон масаласи

Билим ва кўникмаларни баҳолаш материаллари

1. **Волтер ўзининг “Жон ҳақида” деб номланган рисоласида жон тушунчаси ҳақида қандай фаразни илгари суради?**
 - A. Инсон миясининг хосаси
 - B. Рухий инкоснинг даслабки шакли
 - C. Хинд Брахманларнинг тафаккури махсули
 - D. Енгил шабада, хавога ўхшаган нарса.
2. **“Метем психоз” нима?**
 - A. Жоннинг бир танадан бошқа танага ўтиши.
 - B. Хаётнинг чексиз туғилиши ва ўлиши ҳақидаги таълимот.
 - C. Инсон томонидан ўраб турган дунёни қандай бўлса шундайлигича билиш, мумкинлигини тан олиш.
 - D. Билишда ҳеч қандай шубҳага ўрин қолдирмайдиган аниқлик ва яқолликка еришиш.
3. **Одамлар, хайвонлар ҳаёти, нарсалар ва ходисаларга жон ва рухлар таъсир кўрсатиши ҳақидаги илк диний эътиқод башарият тарихида қандай аталган?**
 - A. Тотимизм
 - B. Фетишизм
 - C. Анимизм
 - D. Магия



п



4. Платон рухий ходисаларни қай тарзда ажиратган?

- A. Туйғулар дунёси ва интеллектга
- B. Ақил ва идрокка
- C. Сизги ва таъсавурга
- D. Ғоя ва идеалликка

5. Гомердан сўнг ўзларини “Муаллимлар” деб атаган мутафаккирлар жон тўғрисида келган қарорлари оқибатида жон 3 таркибий қисмдан иборат мохиятга айланган. Улар қайсилар?

- A. Пневма, фантом, манна
- B. Хаётбахш нафас ўсимлик жони, псюхе, нмс
- C. Кивинтессенция, сансара, карма
- D. Псюхе, фантом, нус

6. Платоннинг қайси асрида жон таркибий қисмларининг ирархияси келтирилади?

- A. Тимей
- B. Теэтет
- C. Давлат
- D. Менон

7. Платон фикрига “Эмоционал-қахрли жон” инсон танасининг қайси қисмида жойлашган?

- A. Бош
- B. Кўкрак
- C. Қорин бўшлиғи
- D. Товон

8. “Жон инсонни актуаллаштиради, унинг асл мохиятини белгилайди” деган фикрни ким илгари сурган?

- A. Ф. Аквинский
- B. У. Оккам
- C. Р. Декон
- D. П. Абеляр

9. Жон имкониятларни Ф. Аквинский нима деб атайди?

- A. Пневма
- B. Симпатия
- C. Фантом
- D. Патенция

10. Ф. Аквинский таълимотида жон имкониятлари неча хил бўлади?

- A. 5
- B. 3



п

- C. 4
- D. 7

11. Қандай ғоя черков мулозимлари томонидан тақиқланади?

- A. Жоннинг ўлмаслиги
- B. Жоннинг моддийлиги
- C. Жоннинг кўчиши
- D. Халоватсиз жон.

12. Ўрта асрлар фалсафасида жон ҳақида қандай таъсавур шаклланган?

A. Жон хайвон, инсон ва ўсимлик танасида яшайдиган ва уни уйқу пайтида ёки ўлимдан сўнг тарк этадиган алоҳида куч сифатида намоён бўлган.

B. Жон дунёвий ва илохий фаолият ўртасида боғловчи бўғин деган умумий тасаввур шаклланган.

13. “Жон барча маънавий асослар яратиладиган ва шаклландиган вақт оралиғини белгилайди” деб ким таъкидлаган?

- A. С. Кьеркигор
- B. Б. Паскаль
- C. Ж. Ламетри
- D. К. Юнг

14. Бюхнер, Фохт, Молешотт кабий файласуфлар унга қандай нуқтаи назар билан ёндашади?

- A. Дуализм
- B. Идеализм
- C. Вулгар материализм
- D. Психоаналитк

15. Ўз изланишлари натижасида жонни танлаш мумкин ва бу ҳар кимнинг ўз хоҳиш истакига боғлиқ, деган муҳим хулосага келган файласиф ким?

- A. С. Кьеркигор
- B. Б. Паскаль
- C. Ж. Ламетри
- D. К. Юнг

16. Онг муаммосини ечишга нисбатан янгича ёндашувлар ҳозирги замон фалсафасининг қайси оқимларига мансуб?

- A. Рационалистик
- B. Иррационалистик
- C. Герменевтик
- D. Тўғри жавоб йўқ.



17. Онгининг табиати қуйида қайси фан доирасида ўрганилмайди?

- A. Психология
- B. Сациология
- C. Кибернетика
- D. Хамма жавоблар тўғри

18. Қайси жавобда онгга вулгар материализм нуқтаи назаридан ёндашилган?

A. Индивидуал онгга бутун ривожланиш негизи саналган мутлоқ ғоянинг првард шаклларида бири сифатида ёндашилади.

B. Онгни соф моддий жараён сифатида талқин қилиш ва унинг мазмуни эса инсон ейдиган озиқ овқат махсулотларининг кимёвий таркиби билан боғлаш.

C. Онгни тафаккур билан тенглаштирилиб, уни мустақил еркин фикрловчи субстанция деб ҳسوبловчи ёндашув.

D. Онгни тарихан белгиланган фаол асос сифатида тушуниш.

19. Қуйида индивидуал рухият ва онгининг евалюцион келиб чиқиши ғоясини химоя қилиб рухий ходисаларнинг жисмоний ходисаларга боғлашга қарши чуқувчи фалсафий йўналишни топинг?

- A. Вулгар материализм
- B. Эмергентистик материализм
- C. Субъектив идеализм
- D. Объектив идеализм

20. Объектнинг яхлитлигини ва ҳар ҳил ташқи ва ички ўзгаришлар шароитида ўзига ўзи мувофиқлигини таминловчи унинг барқарор алоқалари мажмуини ифодаловчи тушунча нима деб аталади?

- A. Система
- B. Сифат
- C. Структура
- D. Мохият

21. Қуйида қайси жавобда идрокка тўғри таъриф берилган.

A. Онг структурасининг дастлабки элементи энг содда бўлинмас ва структурасиз билиш ҳодисаси

B. Сизгилар тўпламидан иборат структуравий образ

C. Нарса ва ходисаларга хос махсус томонлар, хусусиятлар бирлиги

D. Кишиларда воқеликни абстракт-фикрий акс эттира оладиган қобилият асосида пайдо бўладиган ҳамда ривожланадиган инъикоснинг дастлабки ва етакчи шакли



п

22. Қуйида қайси жавобда сезгига тўғри таъриф берилган.

- A. Онг структурасинингдастлабки элементи энг содда бўлинмас ва структурасиз билиш ҳодисаси
- B. Сезгилар тўпламидан иборат структуравий образ
- C. Нарса ва ҳодисаларга хос махсус томонлар, хусусиятлар бирлиги
- D. Кишиларда воқеликни абстракт-фикрий акс этира оладиган қобилият асосида пайдо бўладиган ҳамда ривожланадиган инъикоснинг дастлабки ва етакчи шакли

23. Қуйидаги фикр муаллифи ким: «Инсон барча нарсалар мезонидир: у мавжуд нарсаларнинг мавжудлигини, йўқ нарсаларнинг эса йўқлигини белгилайди»?

- A. Протогор
- B. Суқрот
- C. Фалес
- D. Демокрит

24. Микдорий ифодалаш, сезиш ёки кузатиш мумкин бўлмаган, массаси ҳам, энергияси ҳам йўқ, моддий объектлар каби муайян шакл-шамойилга ҳам эга бўлмаган фалсафий категория, бу –

- A. Онг
- B. Сезги
- C. Ҳаракат
- D. Моҳият

25. Оловни оқил ва олижаноб, сувни – тубан асос деб ҳисоблаган файласуфни топинг?

- A. Гераклит
- B. Анаксимен
- C. Анаксагор
- D. Зенон

26. Онг ва онг ости ҳодисаларини илк бор муфассал ўрганган файласуф – психоаналитик ким?


- A. З.Фрейд
- B. К. Юнг
- C. Э.Фромм
- D. Н.Вернадский

27. Инсон уни қуршаган бошқа одамлар томонидан қандай идрок этилиши, тавсифланиши ва баҳоланишини акс эттирувчи ижтимоий ҳодиса бу - ...

- A. Шахс
- B. Ўзликни англаш
- C. Онг
- D. Ижтимоий онг



П



28. Онг структурасининг бош таркибий элементи унинг ўзаги, мавжудлик воситаси бу?

- A. Идрок
- B. Сезги
- C. Билим
- D. Тушунча

29. Қуйидаги таъриф онг структурасининг ыайси элементтига берилган. Инсон рухий фаолятининг муайян объектларига қараб мўлжал олишда намоён бўлувчи шакли?

- A. Идрок
- B. Эмоция
- C. Тафаккур
- D. Эътибор




1. Маърузани олиб бориш технологияси

<i>Талабалар сони:</i>	<i>Вақти:</i> 2 соат
<i>Машигулот шакли</i>	Кириш мавзуси бўйича маъруза
<i>Маъруза режаси</i>	1.Фалсафа тарихида инсон борлиғига муносабат 2.Индивидуаллик борлиғи 3.Инсон борлиғида онг табиати 4.Онг инсон борлиғининг асоси
<i>Машигулотнинг мақсади:</i> Ўқув фани ҳақида умумий тасаввурни шакллантириш, инсон борлиғининг ўзига хос хусусиятлари шакли ҳақида тушунча ҳосил қилиш.	
<i>Педагогик вазифалар</i>	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i>
Фалсафа тарихида инсон борлиғига муносабат ҳақида тушунчалар бериш.	Фалсафа тарихида инсон борлиғига муносабат ҳақида талабаларга тушунчалар берилди.
Индивидуаллик борлиғи ҳақида тушунча бериш.	Индивидуаллик борлиғи ҳақида талабаларга тушунчалар берилди.
Инсон борлиғида онг табиати ҳақида тушунча бериш.	Инсон борлиғида онг табиати ҳақида талабаларга тушунчалар берилди.
Онг инсон борлиғининг асоси ҳақида тушунча бериш.	Онг инсон борлиғининг асоси ҳақида талабаларга тушунчалар берилди.
<i>Ўқитиш усуллари ва техника</i>	Маъруза, «аклий ҳужум», Т-схема, мунозара, муаммоли вазиятлар усули.
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Маъруза матни, тарқатма материаллар, слайдлар, проектор.
<i>Ўқитиш шакллари</i>	Жамоа, тўғридан-тўғри ва гуруҳларда ишлаш.
<i>Ўқитиш шарт-шароити</i>	Техник воситалар билан таъминланган аудитория.
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Оғзаки назорат, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш.

2. Маърузанинг технологик картаси

<i>Иш жараёнлари вақти</i>	<i>Фаолиятнинг мазмуни</i>	
	<i>ўқитувчи</i>	<i>Талаба</i>
I-босқич. Фанга ва мавзуга кириш. (20 минут)	1.1. Ўқув фани номини айтиб, фан доирасида дастлабки умумий тасаввурни беради ҳамда услубий ва ташкилий томонлари билан таништиради.	Тинглайдилар.
	1.2. Фан бўйича ўтиладиган барча мавзулар билан таништиради, уларнинг узвийлиги ҳақида	Тинглайдилар.



П

	кискача маълумот беради.	
	1.3. Фан якунида қўйиладиган рейтинг баҳолаш мезонлари билан таништиради	ЎУМ га қарайдилар.
	1.4. Фанни ўзлаштиришда фойдаланиш учун зарур бўлган адабиётлар рўйхати билан таништиради.	ЎУМ га қарайдилар.
	1.5. Ўқув машғулоти мавзуси билан таништиради ва унинг мақсади, ўқув фаолияти натижаларини баён қилади.	Мавзу номини ёзиб оладилар.
	1.6. Мавзу юзасидан ақлий ҳужум коидаси асосида дарс ўтказишни таклиф этади. Талабалар томонидан айtilган фикрларни ёзиб боради ва умумлаштиради	Тушунчаларни эркин фикр орқали билдиради.
II-босқич. Асосий (50 минут)	2.1. Мавзу режаси ва таянч тушунчалар билан таништиради.	Тинглайдилар.
	2.2. Маърузани режа бўйича тушунтиради, ҳар бир режани ниҳоясида умумлаштиради. Жараён компьютер слайдларини намоиш қилиш билан олиб борилади	Тинглайдилар. Слайдга эътибор қаратади, уни ўзига ёзиб олади ва саволлар беради.
	2.3. Ҳар бир режани мустаҳкамлаш учун қуйидагича саволлар беради: 1.Фалсафа тарихида инсон борлиғига муносабат? 2. Индивидуаллик борлиғи? 3.Онг хақида тасаввурларнинг ривожланиши? 4.Гил ва онг?	Саволларга жавоб берадилар, эркин баҳс-мунозара юритадилар.
	2.4. Таянч ибораларга қайтилади. Талабалар иштирокида улар яна бир бор такрорланади.	Ҳар бир таянч тушунча ва ибораларни муҳокама қиладилар. Конспект қиладилар.
III-босқич. Якуний босқич. (10 минут)	3.1. Т-схема техникасидан фойдаланилган ҳолда жуфт-жуфт бўлиб ишлаш учун тингловчиларга: инсон борлигининг ўзига хос хусусиятларига оид савол ёзилган тарқатма материаллар тарқатади. Ушбу техника орқали мавзу бўйича якунловчи хулоса қилади.	Мустақил Т-схемани тўлдирадилар. Эркин фикрини баён этади.
	3.2. Талабаларнинг фаолиятига баҳо қўйилади ва рағбатлантирилади.	Эшитади.
	3.3. Келгуси машғулотга тайёргарлик кўриш учун топшириқлар ва фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати берилади.	Эшитади ва ЎУМ га қарайдилар.



ИНСОН БОРЛИҒИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Фалсафа тарихида инсон борлиғига муносабат. *Инсон борлиғи табиий ривожланишнинг бутунлай янги, юқорироқ босқичи ҳамда унинг табиий-жисмоний, биологик асоси ҳисобланади.* Шундай қилиб, жонли организмларнинг мавжудлик қонунлари ва тамойиллари ҳис этувчи мавжудот саналган инсонга нисбатан ҳам тўла татбиқ этилади. Аммо бундан ташқари инсонни қолган барча жонли нарсалардан фарқлаш имконини берадиган, унда ҳеч шубҳасиз мавжуд бўлган, лекин синчиклаб қараганда кўринмайдиган, аниқ тавсиф беришнинг иложи бўлмаган нимадир мавжуд. Инсоннинг ички дунёсини акс эттирувчи бу «нимадир» турли даврларда турли мутафаккирлар томонидан жон, руҳият, онг, тафаккур, идеал ва ҳоказолар деб аталган.

Инсоннинг моҳиятини тушунишга уринишлар, инсон борлиғининг ўзига хос хусусиятини аниқлаш истагига биз ибтидоий жамоа давридаёқ дуч келамиз. Фалсафа тарихида инсон индивидуаллигининг ички, яширин ҳолатини акс эттирувчи «жон» ва «онг» тушунчаларининг таҳлилига алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан атоқли софистлардан бири Протагор (мил. ав. 490-420 йиллар) мил. ав. V асрдаёқ «инсон барча нарсалар мезонидир: у мавжуд нарсаларнинг мавжудлигини, йўқ нарсаларнинг эса йўқлигини белгилайди», деб қайд этган эди. Сукрот (мил. ав. 469-399 йиллар) ҳам ҳақиқат излаб инсонга мурожаат этади. Инсон ўз жони фаолиятини бошқара олади, шу боис дунёни тушуниш йўли ўз-ўзини билиш орқали ўтади, деб ҳисоблайди. Сукротнинг шогирди Платон биринчи бўлиб жон ҳақидаги яхлит таълимотни яратди. У одамлар жонининг қандайлигига қараб уларни ҳар хил типларга ажратди.

Кейинги даврларда Сенека, Р.Декарт, А.Навоий, А.Жомий, И.Кант, И.Г.Фихте, Ж.П.Сартр, М.Хайдеггер ва бошқа мутафаккирлар инсоннинг маънавий негизини биринчи ўринга қўйиб, унинг онги, маънавий дунёси ва билиш қобилиятларини ўрганиш ишига салмоқли ҳисса қўшдилар. Бироқ XXI асрда деярли икки ярим йиллик тарихий тараққиёт жараёнида ҳам инсон муаммоси ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Индивидуаллик борлиғи. Нима учун билиш жараёнида инсоннинг ички дунёси доим биринчи ўринда туради? Нима учун инсон борлиғи нарсалар борлиғини тушунишда аксарият муаллифларга таянч нуқтаси бўлиб хизмат қилади? Бу саволларга жавобни қисман француз файласуфи А.Бергсон (1859-1941)нинг куйидаги сўзларидан топиш мумкин: «Мавжуд барча нарсалар орасида энг ишончлиси ва бизга кўпроқ маълум бўлгани, ҳеч шубҳасиз, бизнинг ўз мавжудлигимиздир, зеро бизда бошқа нарсалар ҳақида мавжуд тушунчаларни сиртки ва юзаки деб ҳисоблаш мумкин, ҳолбуки ўз-ўзини билиш ички, теран билишдир»¹.

¹ Бергсон А. Творческая эволюция. – М.: 1984. – С.1.



п

Одамлар асрлар оша ўзларига ўзлари назар ташлаб, ўз ички дунёсини таҳлил қилиш ва ўз моҳиятини тушунишга уриниш йўли билан баъзи бир шак-шубҳасиз тамойилларни аниқлаганлар. Улар орасида инсон тана ва руҳнинг узвий бирлигидир деган тамойил, биринчи ўринда туради. Зеро бу инсон мавжудлигининг мутлақ ва зарурий омилидир. Аини вақтда бу birlikнинг йўқолиши, унинг узилиши муайян индивиднинг ўлимини, у фикрловчи жонзот сифатида борлиқдан йўқликка ўтишини англатади. Бунда тана табиий-жисмоний тузилма сифатида инсон ўлиmidан кейин ҳам маълум вақт мавжуд бўлади, яъни ўз борлигини муайян даражада сақлайди. Аммо борлиқ маъносидаги индивидуал рух, онгдан асар ҳам қолмайди. Моҳият эътибори билан уларнинг йўқолиши муайян инсоннинг ўлимини, индивидуалик йўқ бўлганини англатади.

Инсон борлиғида онгнинг табиати. *Онг инсон борлигининг асоси.* Онг муаммосини ечишга нисбатан янгича ёндашувлар ҳозирги замон фалсафасининг иррационалистик оқимларига (лот. *Itta* Онгнинг табиати.) мансуб. Онг муаммоси ўта мураккаб муаммолардан бири бўлиб, фалсафада доим қизгин баҳс ва мунозараларга сабаб бўлиб келган. Бу баҳс ва мунозаралар ҳозир ҳам тугагани йўқ.

Онгнинг табиати шундай: у ҳиссий идрок этиладиган объектив борлиқни тушуниш ва акс эттириш учун биз юқорида фойдаланган аксарият кўрсаткичлар ва тавсифларга мос келмайди. Онгни ўлчаш, бирон-бир тарзда миқдорий ифодалаш, сезиш ёки кузатиш мумкин эмас, зеро унинг массаси ҳам, энергияси ҳам йўқ, шунингдек у моддий объектлар каби муайян шакл-шамойилга ҳам эга эмас.

Онг шак-шубҳасиз мавжуд, аммо у мавҳум бўлиб, балки билвосита – одамлар тили ва муайян фаолияти орқали намоён бўлади. Бинобарин, инсон борлигининг бу элементларини таҳлил қилмасдан онгнинг моҳиятини аниқлаш мумкин эмас. Мазкур таҳлил онгнинг биологик жиҳатини ҳам ўз ичига олади, зеро унинг мавжудлиги инсон бош мияси фаолияти билан узвий боғлиқ. Шу сабабли онгнинг табиати нафақат фалсафада, балки физиология, психология, социология, кибернетика, информатика ва бошқа ижтимоий ва табиий фанларда ҳам ўрганилади.

Аини вақтда мазкур муаммо ўта мураккаблиги туфайли унинг фалсафий талқини айрим фанлар учун муҳим методологик рол ўйнайди. Уларнинг натижалари эса, ўз навбатида, онгнинг табиати хусусидаги фалсафий мулоҳазалар учун асос бўлади. Онгнинг табиати масаласининг қўйилиши ва унга берилган тегишли жавоб, одатда, барча кейинги фалсафий, чунончи: онтологик, гносеологик, ижтимоий ва бошқа мавзулардаги мулоҳазаларнинг йўналишини белгилайди.

Онг ҳақидаги тасаввурларнинг ривожланиши. Янги даврда онг ҳақидаги тасаввурлар анча кенгайди. Р.Декарт (1596-1650) онгни тафаккур билан тенглаштириб, уни умумийроқ тусдаги «руҳият» тушунчасидан ажратди ва онгни мустақил, эркин фикрловчи субстанция деб ҳисоблаб, ёнма-ён жойлашган бошқа – кўламли, фикрламайдиган, моддий субстанцияга қарши қўйди. Дуализм деб номланган мазкур фалсафий ёндашув кейинчалик



п
онгнинг табиатини тушунишга нисбатан икки қарама-қарши ёндашув юзага келишига замин ҳозирлади. Шулардан бири руҳийни жисмонийга (Гобс); маънавийни – моддийга боғлаш билан тавсифланади. Иккинчи ёндашув субъектив (Беркли, Юм, Фихте, Мах ва бошқалар) ва объектив (Платон, Фома Аквинский, Гегель) идеализм билан боғлиқ бўлиб, моддий ва жисмоний нарсалар ва ҳодисаларни иккиламчи, идеал, маънавий, руҳий нарсалар ва ҳодисалар маҳсули деб тушуниши билан ажралиб туради.


Иккала ёндашув ҳам немис классик фалсафасида фаол ривожлантирилди. Масалан, Гегель индивидуал онгга бутун ривожланиш негизи саналган мутлақ ғоянинг пировард шакллари билан бири сифатида ёндашди. Бу ерда онг тарихан белгиланган фаол асос сифатида тушунилади. Мазкур асосда унинг тузилиши даражалари, хусусан, ҳиссий, мантиқий, индивидуал ва ижтимоий даражалар фарқланади.

Бюхнер, Фохт, Молешотт каби файласуфлар онгга «вульгар материализм» нуқтаи назаридан ёндашади. Бу ёндашувга кўра онг соф моддий жараён сифатида талқин қилинар, унинг мазмуни эса инсон ейдиган озиқ-овқат маҳсулотларининг кимёвий таркиби билан боғланар эди. Улар жигардан сафро ажралганидек, ақлдан фикр ажралади, деб ҳисоблаган.

Табиатшуносликнинг ривожланиши, айниқса нейрофизиология, биология, экспериментал психология соҳасида қўлга киритилган ютуқлар сўнгги йилларда бизнинг онг табиати ҳақидаги тасаввурларимизни сезиларли даражада кенгайтди. Шунга қарамай, сунъий интеллект яратиш борасидаги ишлар, «фикрловчи машиналар»нинг пайдо бўлиши ва «ахборот портлаши» ва компьютер инқилобининг бошқа натижалари, хусусан шахмат ўйинида ҳатто жаҳон чемпионларини ҳам ютишга қодир суперкомпьютерларнинг яратилиши инсон онгининг моҳияти ва имкониятлари ҳақидаги масала янгидан қўйилишига сабаб бўлди. Шундай қилиб, аввалги саволларга жавоб олиш баробарида янги муаммолар ҳам пайдо бўлди. Бироқ улар онг муаммосини ечишга нисбатан ҳар хил, баъзан бир-бирини истисно этувчи нуқтаи назарлар ва фалсафий ёндашувлар сонини асло камайтиргани йўқ.

Онг фалсафий муаммо сифатида. Рационализмдан фарқли ўлароқ иррационализм (irrationalis – нооқилона, онгсиз) борликни оқилона англаш имкониятини чеклайди, баъзан эса бутунлай инкор этади. Хусусан, неофрейдизмнинг атоқли намояндаларидан *бири К.Г.Юнг (1875-1961) онгни илмий воситалар билан билиш мумкин эмас, деб ҳисоблаган ва унга таъриф беришга уринишлардан бутунлай воз кечиб, уни расмлар ва метафоралар ёрдамида тавсифлаш билангина кифояланишни таклиф қилган.* Онгни тушуниш иррационализм экзистенциализм ва неопозитивизм каби фалсафий оқимларга ҳам хосдир.

Иррационализмга зид ўлароқ, онгни тушунишга нисбатан *материалистик ёндашув онгнинг пайдо бўлишини материянинг ўзи билан тушунтиришга интилиш, айна вақтда унинг табиат ва вақтдан ташқарида ҳамда номоддий келиб чиқишини инкор этиш билан тавсифланади.* Бундай қарашларни асослаш учун илмий ва амалий ютуқлардан доим кенг фойдаланилган. Мазкур йўналиш турли даврларда сезувчи, фикрловчи



п материянинг фарқи ва ўзига хос хусусиятлари нимада?, деган мушкул саволларга жавоб излаган.

Мазкур муаммони тўла ва узил-кесил тушунганликни даъво қилмасдан, шуни қайд этиш мумкинки, ҳозирги замон фани ўзини бевосита ёки билвосита намоён этувчи онг инсон миясининг иш жараёни ҳисобланади, унинг функцияси сифатида амал қилади ва ундан айри ҳолда намоён бўлмайди, деб эътироф этади.

Ҳозирги замон фани инсон миясида юз миллиарддан ортиқ асаб ҳужайралари узлуксиз ишлашини, уларнинг ҳар бири ўз навбатида бошқа ўн минг ҳужайра билан ахборот ва сигналлар алмашишини аниқлаган. Инсон мияси, гарчи унинг массаси тана массасининг атиги икки-уч фоизини ташкил этса-да, организм овқатдан оладиган бутун энергиянинг йигирма фоизига яқинроғини истеъмол қилади.

Мазкур ўта мураккаб биологик «компьютер» ишини тадқиқ этиш мумкин бўлиб, бу билан махсус фанлар шуғулланади, аммо фалсафа бундай тадқиқотларни эътиборга олиб, ўз олдига биринчи навбатда онгнинг табиати қандай, деган саволга унинг вужудга келиши ва генезисини ўрганиш йўли билан жавоб бериш вазифасини кўяди. Бунда фалсафа инсон миясининг функцияси саналган онгни ўрганиш билангина чекланмайди, балки онгнинг бошқа шакллари, хусусан ўзга моддий тузилмалардан пайдо бўлган онг шакллари мавжуд бўлиши мумкинми?, деган саволга жавоб излайди. Шунингдек, фалсафа онгнинг материядан олдин пайдо бўлган ёки у билан мутлақо боғлиқ бўлмаган моҳият ҳисобланишини назарда тутадиган таълимотларни ҳам истисно этмайди.

Шунга қарамай бугунги кун нуқтаи назаридан инсон ақли тушунишга қодир бўлган борлиққа таянадиган фалсафий ғоялар ишончлироқ хусусият касб этади. Шу маънода онг ҳақида ҳозирча фақат инсон мияси фаолияти муносабати билан аниқ сўз юритиш мумкин.

Янги табиий-илмий маълумотлар олиниши онгнинг табиатини тушунишга нисбатан материалистик ёндашувлар мавқеини кучайтирмоқда. Аммо, кези келганда шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, бу ўта мураккаб масала хусусида фалсафанинг материалистик йўналиши вакиллари ўртасида ҳам ягона фикр мавжуд эмас. Масалан, XX асрнинг 50-йиллари охирида АҚШ ва Австралияда илмий материализм вужудга келди. У «вульгар материализм» анъанасини давом эттириб, моҳият эътибори билан маънавий ҳодисаларни миянинг физик ҳолатлари билан тенглаштирди (Р.Рорти, Г.Фейгл, Д.Армстрон ва бошқалар). 70-йилларда АҚШ ва Канадада яна бир фалсафий йўналиш – «эмергентистик материализм» шаклланди (ингл. emerge – юзага чиқиш, пайдо бўлиш, юзага келиш). Унинг вакиллари – М.Бунге, Ж.Марголис ва бошқалар индивидуал руҳият ва онгнинг эволюцион келиб чиқиши ғоясини ҳимоя қилиб, руҳий ҳодисаларни жисмоний ҳодисаларга боғлашга қарши чиқдилар.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, онгнинг материалистик концепцияси ҳозирча энг мукамал ва ҳозирги замон табиатшунослиғи



п талабларига кўпроқ даражада жавоб берадиган фалсафий концепция бўлиб қолмоқда. Айни шу сабабли унга қуйида муфассалроқ тўхталамиз.

Онгнинг материалистик концепцияси. *Материалистлар онгнинг пайдо бўлишини фақат нотирик материядан табиий йўл билан вужудга келган тирик материянинг тадрижий ривожланиши маҳсули сифатида тушунтиришига ҳаракат қилдилар ва онг табиатининг талқинига «инъикос» тушунчасини киритадилар.* Уни материянинг умумий хоссаси деб ҳисоблаб, онгни инъикоснинг олий типи деб тавсифлайдилар ва онгнинг генезисига табиий-тарихий нуқтаи назардан ёндашиб, унинг пайдо бўлишини меҳнат ва тил билан боғлайдилар.

Бу назария объектив дунёнинг барча объектлари, жараёнлари ва ҳодисалари муттасил ўзгаришда бўлиши, шунингдек бир-бири билан универсал ўзаро алоқа қилиши ва ўзаро таъсирга киришишини эътироф этади.

Бундай ўзаро таъсирлар натижасида айрим жисмлар ва ҳодисалар бошқа жисмлар ва ҳодисаларга таъсир кўрсатиб, уларда тегишли ўзгаришлар яшаш ва уларни муайян тарзда ўзида гавдалантириш орқали уларда гўёки ўз «изи»ни қолдиради.

Инъикос - нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро таъсирлашуви асосида ҳосил бўладиган ҳодиса, ҳолат, жараён ва ўзгаришларни ифодалайди¹.

Тирик табиатда инъикос нисбатан содда шакллари ва пассив хусусияти билан тавсифланади. Яъни, сиртдан таъсирланиш натижасида нарсалар ва ҳодисалар ўз механик, физик ёки кимёвий хусусиятларини ўзгартиради, лекин мазкур ўзаро таъсирга жавобан ҳеч қандай фаоллик кўрсатмайди. Бу ерда қумдаги оёқ излари ёки қадимги организмлар ва ўсимликларнинг тоғ жинсларидаги излари, фотосуратлар, кўзгудаги акс ва шу кабилар мисол бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Ҳаёт пайдо бўлган пайтдан эътиборан инъикоснинг бутунлай бошқача (биологик) шакли – таъсирланувчанлик барча жонли нарсаларнинг атроф муҳит таъсирига муносабат билдириш қобилияти сифатида вужудга келди. Бу қобилият фақат сиртдан таъсирларга нисбатан намоён бўлади. Жонли организмлар эволюциясининг юқорироқ даражасида (хайвонот дунёси – фауна вужудга келиши билан) таъсирланиш қобилияти бутунлай бошқа хосса – сезувчанликка ўтади. Бу энди инъикоснинг руҳий шакли бўлиб, у организмларда асаб тизими ва руҳиятнинг элементар шакллари пайдо бўлиши натижасида вужудга келади. Сезувчанлик организмларнинг нарсаларнинг айрим хоссаларини сезгилар тарзида акс эттириш қобилияти сифатида намоён бўлади.

Сезгилар эса, ўз навбатида, юксак даражада уюшган ҳайвонларда, масалан умуртқали ҳайвонларда инъикоснинг янада мураккаброқ шакллари, хусусан идрок этиш ва тасаввур қилиш қобилиятлари пайдо бўлишига замин ҳозирлайди. Бу инъикоснинг объектив дунё нарсалари ва ҳодисалари миёда уларнинг идеал нусхалари кўринишида акс этадиган даражасидир. Бу ерда

¹ Қаранг: Фалсафа қомусий луғат. Назаров Қ таҳрири остида – Т.: Шарқ, 2004. –Б.172.



п

«ақлли» хайвонлар мияси имкониятларининг чегараси намоён бўлади. Гарчи улар ўзини қуршаган дунёнинг идеал образларини тасаввур қилиб, шу образларга кўра, масалан, ўз эгаларини танисалар-да, уларнинг мияси идеал образлар билан фикрлаш амаллари тарзидаги махсус ишни бажаришга қодир эмас. Бу вазифани ҳал қилишга юқорироқ даражадаги мия қодир бўлиб, унга фақат инсонгина эгадир.

Шундай қилиб, *биологик инъикос сезиш, идрок этиш ва тасаввур қилиш каби ҳиссий шаклларда амалга оширилади.* Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, бу ерда фикрлаш жараёнида намоён бўладиган онг мавжуд эмас. Онг борлиқни акс эттиришнинг юқорироқ даражаси бўлиб, фақат ижтимоий соҳада мавжуд бўлиши мумкин ва инсон миясида аввало мавҳум фикрлашнинг тушуниш, мулоҳаза ва мушоҳада юритиш каби идеал шаклларида амалга оширилади. Инсон идеал образларни ўз онгида умумлаштириб, шу тарих объектив борлиқни тушунчаларда (категорияларда) акс эттиради. Уларнинг ўртасида мантикий алоқа ўрнатиб, турли нарсалар, ходисалар ва шу кабиларнинг моҳиятини тўғри ёки нотўғри акс эттириш орқали улар ҳақида у ёки бу хулосага келади. Мушоҳада юритиб инсон нарсалар ва ходисаларни билади ва шу тарих борлиқни онгнинг муҳим хусусияти саналган мавҳум фикрлаш орқали акс эттиради.

Инъикоснинг олий шакли сифатида онгнинг пайдо бўлиши «ақлли одам» (homo sapiens)нинг шаклланиш жараёни билан боғланади ва аввало меҳнат фаолияти билан белгиланади. Меҳнат қилиш қобилияти руҳиятнинг ривожланишида улкан сакраш бўлди. Маймун анатомияси ва физиологиясидаги эволюция инсон пайдо бўлишига замин ҳозирлаган бўлса, табиати соф ижтимоий хусусиятга эга бўлган меҳнат мазкур жараённинг энг муҳим омилига айланди.

Индивидуал онг борлиғи. Инсон онгини илмий тушуниш йўлидаги биринчи қадам одамзот онги унинг мияси ва физиологияси билан узвий боғлиқ бўлса-да, лекин улар умуман жонсиз ёки жонли табиат билан мутлақо боғланмайдиган алоҳида нарса сифатида мавжуд эканлигини тан олиш билан боғлиқдир.

Индивидуал онг инсон миясининг объектив борлиқни идеал образларда акс эттириш ва бу образлардан фикрлаш жараёнида фойдаланиш қобилияти. Уни бевосита кузатиш мумкин эмас. Онг фақат инсон мияси ишининг натижаси, унинг хоссаси сифатида, шунингдек онг намоён бўлишининг фикрлар, гоялар, эътиқодлар, қадриятлар, мўлжаллар ва шу кабилар тарзида ифодаланган турли шакллари орқали тадқиқ этилиши мумкин.

Индивидуал онг борлиғини одатдаги макон ва вақт координаталарида тавсифлаш мумкин эмас. У нафақат доим «шу ерда ва ҳозир» мавжуд бўлади, балки гўёки макондан ташқарида ётади, чунки бирон-бир ҳажм ёки миқдорий ўлчанадиган чизиқли кўрсаткичлар билан ифодаланиши мумкин эмас. Вақтда у (далил сифатида, ходиса сифатида), ҳар қандай нарсанинг борлиғи каби, фақат ҳозирги замонда мавжуд бўлади, зеро у ўтмишда йўқ бўлган, келажакда эса ҳали мавжуд эмас. Бироқ, моддий нарсалар борлиғидан фарқли



п
ўлароқ, онг бир қанча ўзига хос хусусиятлар, чунончи: вақт шкаласи бўйлаб ўтмишга ҳам, келажакка ҳам бир лаҳзада кўчиш, илгари мавжуд бўлган нарсалар, юз берган воқеаларни хаёлда акс эттириш, пайдо бўлиши, юз бериши мумкин бўлган нарсалар ва воқеаларни тасаввурда гавдалантириш қобилиятига эгадир. Аммо ўтмиш ёки келажакнинг идеал образлари ҳисобланган онгни унинг ҳақиқий борлиғида ўз экранда тасвирларни алмаштирувчи айланувчан калейдоскоп билангина таққослаш мумкин.

Айрим кишилар борлиғи ҳақида сўз юритганда, шуни таъкидлаш лозимки, у барча жонли организмларда бўлганидек функционалгина эмас, балки ўз шаклланиш жараёнида муайян босқичлардан ўтади, бунда тана билан бир қаторда руҳ ҳам ривожланади. Гарчи бу икки жараён диалектик жиҳатдан ўзаро боғлиқ бўлса-да, улардан ҳар бирининг ривожланиши ўз йўлидан боради ва асосан турли қонунларга бўйсунди. Айрим кишилар бир-бирига ўхшамаслиги ва уларнинг чексиз даражада ранг-баранглиги шу ҳол билан белгиланади. Улар ўз шаклланиш жараёнининг айна бир босқичлари - инсон, индивид, шахсни ҳар бири ўзича босиб ўтади.

Шахс – инсоннинг уни қуришган бошқа одамлар томонидан қандай идрок этилиши, тавсифланиши ва баҳоланишини акс эттирувчи ижтимоий ҳодиса. Шахс фақат жамиятда, ўзига ўхшаш одамлар билан мулоқот қилиш, ўтган авлодлар тўплаган тажриба ва билимларни, ўзига қадар яратилган қадриятлар ва хулқ-атвор қоидаларини ўзлаштириш орқали шаклланиши мумкин. Шунинг учун ҳам шахс бўлиш – ижтимоий «қиёфа»га эга бўлиш демакдир. Буларнинг барчаси ижтимоий борлиқнинг турли ҳолатлари ва жараёнларини тавсифлайди. Уларни тўла ёритиш ижтимоий фалсафа муаммоларининг бутун мажмуини таҳлил қилишни тақозо этади.

Ижтимоий онг борлиғи. Ижтимоий борлиқнинг ўзига хос хусусиятларига назар ташласак, у борлиқнинг бошқа барча шакллари билан бутунлай фарқ қилади. Яхлит ҳолда олинган ижтимоий «организм» ҳайвонлар подасидан бутунлай фарқ қилади. Жамиятнинг бу ўзига хос, бетакрор хусусияти фалсафада «ижтимоий онг», «жамоа акли», «объективлашган маънавият» ва ҳоказолар деб аталади. У ҳар хил шаклларда намоён бўлади.

Бу фикрни исботлаш учун мулоқот, коммуникация, одамларни тарбиялаш ва уларнинг ижтимоийлашуви воситаси саналган тилни кўриб чиқамиз. *Тил ижтимоий онг борлигининг асоси.* Тилнинг айрим кишилар онги, ғоялари, фикрлари билан узвий боғлиқлиги аниқ, аммо ҳозирги замон фани нуқтаи назаридан тил ижтимоий табиатга эга эканлиги ҳам шубҳасиз. Худди шунингдек тил - инсон нутқи одамлар жамиятида пайдо бўлгани ва фақат шу ерда мавжуд бўлиши мумкин. Унинг ташқи оғзаки, овоз кўриниши, мазмуни, теранлиги, кенглиги, бойлиги кўплаб авлодларнинг кўп асрлик ўзаро алоқаси ва ўзаро камол топиши маҳсулидир. Бунда айрим инсон у ёки бу тилни фақат мулоқот жараёнида ўзлаштиради. Айна ҳолда умуман тил ҳақида сўз юритилмоқдаки, у табиий ҳам, сунъий ҳам бўлиши мумкин.

Энди индивидиал ва жамоа (ижтимоий) маънавиятининг идеаллар, меъёрлар, қадриятлар ва тасаввурларда акс этувчи ўхшаш жиҳатлари ва



п
фарқларига тўхталамиз. *Индивидуал маънавий борлиқдан фарқли ўлароқ, ижтимоий маънавий борлиқ ҳақида унинг фан, санъат, дин, ахлоқ ва умуман маданият тарзидаги кўринишларига қараб ҳукм чиқаришимиз мумкин.* Хусусан, у ёки бу илмий ғояларнинг пайдо бўлиши доим муайян олимлар билан боғлиқ, аммо фан ижтимоий ҳодиса сифатида муайян шахслар билан боғланмайди, зеро у айрим олимлар илгари сурган назарий қоидалар мажмуидан юқориқ даражада туради. Босма, аудиовизуал ва бошқа ахборот манбалари, тегишли асбоб-ускуналар ва шу кабиларсиз фанни тасаввур қилиш мумкин эмас. У яхлит ҳодиса сифатида мустақил борлиққа эга. Бугунги кунда, компьютер технологиялари инқилоби даврида фан жамиятнинг бевосита ишлаб чиқариш кучига айланди.


Санъат соҳаси ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Кўшиқлар, рақслар ва мусиқа ўз муайян ижрочиларига эга бўлгани ҳолда, ўзининг одатлар, расм-русумлар ва идеаллар кўринишидаги нисбатан мустақил ҳаёти билан яшайди ва шу тариқа ижтимоий макон ва вақтда ҳаракатланиб сақланиши, такомиллашиши ва кўпайиши мумкин.

Ижтимоий онгнинг яна бир ўзига хос хусусияти шундаки, у, индивидуал онгдан фарқли ўлароқ, ўз «танаси»ни «тарк эта» олмайди, худди шунингдек у ўз «танаси»дан, яъни жамиятдан ташқарида мавжуд бўлиши ҳам мумкин эмас. Шу сабабли ижтимоий онг асрлар мобайнида абадий мавжуд бўлган, йўқ қилиб бўлмайдиган нарса сифатида қаралган, унинг борлиғи эса бутун инсоният борлиғи йўқ бўлиши билан барҳам топиши мумкин, деб ҳисобланган.

Аммо XX асрнинг ўрталарида одамлар ўз-ўзини қирғин қилиш воситаси – ядро қуролини яратдилар ва шу пайтдан эътиборан инсоният ўзининг «умрбоқийлиги»ни йўқотди ва эндиликда у, яшаб қолишга ҳаракат қилувчи айрим жонли организм каби, ижтимоий ҳаётни ўз-ўзини қирғин қилишдан асраб, ўз ижтимоий борлиғини сақлаш ҳақида қайғуриши лозим.

Онгнинг структураси. Онг структураси муаммоси сўнгги йилларда билимнинг турли соҳаларига системали-структуравий метод фаол кириб келиши муносабати билан юзага келди. Гарчи XX асрда онгни «бевосита идрок этувчи», тушунувчи, «ўзини ва ўз негизини билувчи» деб таърифлаш одат тусини олган бўлса-да, айти шу XX аср системали-структуравий таҳлилни тилшунослик, маданиятшунослик, этнография ва социологияга нисбатан татбиқ этди. У тадқиқотчилик фаолиятининг мураккаб соҳаси – инсон онгига ҳам кириб келди ва уни мумкин қадар оқилоналаштирди. Маълумки, ҳар қандай структура элементларнинг мавжудлигини, уларнинг ўзаро таъсири, бир-бирини бўйсундириши ва иерархиясини назарда тутати. **Структура** (лотинча – тузилиш, жойлашиш, тартиб) объектнинг яхлитлигини ва ҳар хил ташқи ва ички ўзгаришлар шароитида ўзига ўзи мувофиқлигини таъминловчи унинг барқарор алоқалари мажмуини ифодалайди.

Онг қандай структурага эга? Онг структураси кўп жиҳатдан шартлидир. Гап шундаки, онг элементлари бир-бири билан узвий боғланган.



п

Аммо, шунга қарамай, онг структурасида қуйидаги элементларни ажратиш мумкин:

Онг структурасининг дастлабки элементи энг содда, бўлинмас ва структурасиз билиш ҳодисаси – сезгидир. Сезги инсон ва уни қуршаган воқеликни боғловчи кўприк вазифасини бажаради. *Сезиш – объектив дунё предметлар айрим хоссалари сезги органларига бевосита таъсир кўрсатиши жараёнида акс этиши.* Инсон сезги органларининг ахборот ўтказиш қобилияти қуйидагича тақсимланган: энг катта ахборот ҳажми кўриш қобилияти билан боғлиқ, кейинги ўринларни ҳис қилиш, эшитиш, таъм ва ҳид билиш қобилиятлари эгаллайди. Сезги органларига айрим предметларнинг бевосита таъсирини акс эттирувчи яхлит образ идрок деб аталади. *Идрок – сезгилар тўпламидан иборат структуравий образ. Идрок табиатини тушунишда перцептив система ишини объектнинг хусусиятлари билан мувофиқлаштирувчи ҳаракатлиши жараёнлари улкан роль ўйнайди.* Бу ерда предметни пайпаслаб кўраётган қўл ҳаракати, муайян манзарани кузатаётган кўзлар ҳаракати, товуш чиқараётган бўғиз томирларининг тортилиши назарда тугилади. Идрок барча руҳий ҳолатлар, ҳодисалар, хусусиятлар хоссалар ҳамда инсон онгининг яхлит мазмуни, ўзлаштирилган билимлар, тажрибалар, кўникмалар орқали намоён бўлади ва уларни онгда акс эттиришда қатнашади.

Билим онг структурасининг бош таркибий элементи, унинг ўзаги, мавжудлик воситаси. Билим – бу инсоннинг воқелик ҳақидаги тушунчаси. Инсон онгида билим англаб етилган ҳиссий ва мавхум мантикий образлар сифатида акс этади. Билимлар ёрдамида инсон ўзини қуршаган дунёни ва билишнинг предметини тўлалигича қамраб олиши ва англаб етиши мумкин. Билим онгининг моддий фаолият воситасида дунёни изчиллик билан яратиш имконияти, воқеалар ривожини назарда тутиш, ижодий фаоллик кўрсатиш каби хоссаларини белгилайди. Бошқача қилиб айтганда, онг – бу билимлар шаклидаги воқеликка инсон эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ёндашишдир.

Эмоциялар онг структурасининг яна бир элементи бўлиб, улар теран шахсий хусусият касб этади. Кучли эмоциялар ҳатто психосоматик симптомлар – бош оғриши, дудуқлиши пайдо бўлишига, томирларда оғриқ туришига, яра тоишига, тери касалликларига олиб келиши мумкин. Буларнинг барчаси эмоциялар онг структурасида улкан роль ўйнашини тасдиқлайди.

Инсон ўзини қуршаган дунёни совуққонлик ва бефарқлик билан эмас, балки қониқиш, нафрат ёки ҳамдардлик ҳисси билан англаб этади. У ўз онгида акс этган ҳамма нарсани ҳис қилади. Эмоциялар борлиқнинг реал ҳодисаларини индивид англаб етишини ё рағбатлантиради, ё бунга тўсқинлик қилади. Кўзни қувонтирадиган нарсалар хотирага осонроқ ўрнашади. Аммо баъзан дунёнинг «кўзни қувонтирадиган» манзараси ўзига маҳлиё қилиши, иллюзиялар туғилишига сабаб бўлиши ҳам мумкин. Айрим, айниқса салбий эмоциялар ақлнинг теранлик даражасига салбий таъсир кўрсатади. Масалан, кўрқув ҳисси инсон юз бераётган ҳодисаларни англаб етиши йўлида тўсикқа айланиши мумкин. Шахснинг энг муҳим ижтимоий ва



п

экзистенциал қадриятлар билан алоқалари англаб етилиши натижасида шаклланадиган маънавий туйғулар (масалан, мухаббат туйғуси) эмоцияларнинг олий даражаси ҳисобланади. Туйғулар моддий мазмунга эгалик, турғунлик, реал вазиятга боғлиқ эмаслик билан тавсифланади. Эмоциялар соҳаси инсон онгининг барча ҳаракатларига сезиларли даражада таъсир кўрсатади, унинг фаолияти учун асос бўлиб хизмат қилади.

Ирода онг структурасининг яна бир элементи ҳисобланиб, у инсон ўз фаолиятини онгли равишда, изчиллик билан бошқаришини ўзида ифодалайди. Бу инсоннинг ўз фаолиятида юзага келадиган, субъектив ва объектив қийинчиликлар ва тўсиқлардан онгли равишда ошиб ўтишни талаб этадиган вазифаларни ҳал қилишга ўз руҳий ва жисмоний кучларини сафарбар этиш ва йўналтириш қобилиятидир. Инсон меҳнат куролларини яратиши – бу иродани шакллантиришнинг биринчи ва энг муҳим мактабидир. Ирода ва мақсад бир-бирини тўлдиреди. Иродасиз мақсадга эришиш мумкин эмас; мақсадга мувофиқ фаолиятсиз ирода ҳам бўлмайди. Ирода – бу онгли интилиш ва ҳаракатга майл уйғотишдир. Аммо инсонга онгсиз майллар ҳам хос. Баъзан инсон қаергадир интилади, лекин қаерга ва нима учун интилаётганини унинг ўзи ҳам билмайди. Бундай онг ости ҳаракати инсонга ҳайвонлардан ўтган.

Онг структурасида эътибор ҳам бўлиб, у – инсон руҳий фаолиятининг муайян объектларга қараб мўлжал олишида намоён бўлувчи шакли.

Онг структурасининг яна бир элементи хотира – индивид миясида унинг ўтмишидаги тажрибасини мустаҳкамлаш, сақлаш ва гавдалантиришдан иборат бўлган руҳий жараён. Хотира – онгининг мияга келадиган ахборотни акс эттириш, сақлаб қўйиш, гавдалантириш ва унга ишлов бериш механизмлари билан боғлиқ бўлган таркибий элементи. Амалда моторли, эмоционал, образли, узоқ ва қисқа муддатли хотира фарқланади. Кўпгина кузатишлар такрорлаш ва узоқ муддат хотирада сақлаш ўртасида узвий алоқа мавжуд эмаслигидан далолат беради. Узоқ муддатли хотира инсоннинг мотивация соҳасига боғлиқ бўлади. Сизги органларига бевосита таъсир кўрсатиш жараёни тугагач, предметнинг образи изсиз йўқолиб кетмайди, у хотирада сақланади. Хотиранинг асосий элементлари эслаб қолиш, сақлаш, гавдалантириш ва унутиш ҳисобланади. Эслаб қолишнинг физиологик асосини бош мия пўстлоғида вақтинчалик нерв алоқаларининг ҳосил бўлиши ва қайд этилиши ташкил қилади. Нерв алоқаларининг кейинчалик жонланиши эслаб қолинган материални гавдалантириш имкониятини беради, бу алоқаларнинг сусайиши эса хотирадаги материалнинг унутилишига олиб келади.

Онгининг яна бир элементи тасаввур бўлиб, у сиртдан таъсирлар хотирада сақланиши натижасида пайдо бўлади. Тасаввурлар – инсоннинг сезги органларига қачондир таъсир кўрсатган ва кейинчалик мияда сақланиб қолган изларига кўра тикланган предметларнинг образлари, шунингдек хаёлот ёрдамида яратилган образлар. Тасаввурлар икки шаклда: хотиралар кўринишида ва хаёлий образларда мавжуд бўлади. Идрок фақат ҳозирги замонга тааллуқли бўлса, тасаввурлар ҳам ўтмишга, ҳам келажакка тааллуқли



п
бўлади. Тасаввурлар идрокдан камроқ даражада аниқ ва равшанлиги билан ажралиб туради.

Онг структурасининг олий элементи – бу тафаккурдир. Тафаккур – индивид билиш фаолиятининг воқеликни умумий ва билвосита акс эттириши билан тавсифланувчи жараёни. Тафаккур воқеликни инсон ўз онгида умумий тарзда, билвосита ва изчил акс эттириши билан боғлиқ. У ассоциацияларнинг тартибсиз ўйинидан фарқ қилади ва предмет мантикига кўра ҳаракатланишни назарда тутлади. «Тафаккурсиз яшаш мумкинми?», деган саволга Локк «ҳа, мумкин» деб жавоб берган ва ўз ҳаётининг катта қисмини тафаккурсиз ўтказган кишиларга ишора қилган. Рефлексия қиладиган ва рефлексия қилмайдиган тафаккур фарқланади. *Лотинча рефлексия сўзи ортқа қайтмоқ, ортга назар ташламоқ деган маънони англатади. Рефлексия қилиши – ўз тафаккурини ўз-ўзини тушунишига ва бошқалар нимани билишлари ва тушунишларини тушуниб етишига қаратади демак.* Фалсафий адабиётларда рефлексия тафаккурнинг унга ўз фаолият шакллари (тафаккур категорияларини) таҳлил қилиш ва англаб етишга кўмаклашувчи тамоийил сифатида тавсифланади. Айни шу сабабли рефлексияга инсон маънавий дунёсининг ички тузилиши ва хусусиятларини намоён этувчи ўзликни англаш фаолияти сифатида ёндашиш, бизнингча, ўринли бўлади. Рефлексия қилувчи умумийлик ва зарурийлик мақомига эга бўлган мантиқий мазмунни англаб етишга ҳаракат қилади. Рефлексия субъект ҳар қандай фикрни тушунча шаклига солишга, яъни уни категориялар ёрдамида ўзлаштиришга ҳаракат қилаётганда пайдо бўлади. Мазкур жараён нарсаларнинг муҳим, табиий муносабатларини маълум, ҳис қилинган, эшитилган нарсалар асосида акс эттиришни ўзида ифодаловчи мавхум тушунчалар, мулоҳазаларнинг яратилиши билан яқунланади. Фикрлаш фаолияти ёрдамида биз кўз билан кўриш ва қўл билан ушлаш мумкин бўлмаган нарсаларни идрок этамиз. Тафаккур бизга муҳим хоссалар, алоқалар ва муносабатлар ҳақида билим олиш имкониятини беради. Тафаккур ёрдамида биз сиртдан ичга, ходисадан нарсалар, жараёнларнинг моҳиятига ўтишни амалга оширамиз.

Онг структурасининг муҳим элементи ўзликни англаш ҳамдир. Ўзликни англаш инсоннинг ўзини шахс сифатида англаб етиш, ўзининг мустақил қарорлар қабул қилиши ва шу асосда одамлар ва табиат билан онгли муносабатларга киришиши, қабул қилинган қарорлар ва ҳаракатлар учун жавобгар бўлиши қобилиятини тушуниши жараёнидир. Бошқача қилиб айтганда, ўзликни англаш – бу ўз-ўзига, ўзининг маънавий қиёфасига, ўз билимлари, фикрлари, қизиқишлари, идеаллари, хулқ-атвор мўлжаллари, ҳаракатлари ва шу кабиларга яхлит баҳо беришдир. Ўзликни англаш ёрдамида инсон ўз-ўзига бўлган муносабатини рўёбга чиқаради, ўз-ўзига ҳис қилишга қодир бўлган фикрловчи мавжудот сифатида баҳо беришни амалга оширади. Бу ҳолда субъект ўз-ўзини ва ўзининг онгини билиш объектига айлантиради. Шу тариқа инсон ўз-ўзига баҳо берадиган, шусиз ҳаётда ўз ўрнини белгилаш ва топишга қодир бўлмаган мавжудот сифатида намоён бўлади.



п

Файласуфларнинг ўзликни англашга субъектив дунёнинг алоҳида соҳаси сифатида ёндашишлари *Сукротдан*, унинг «Ўз-ўзингни англа» деб номланган максимасидан бошланган. Фалсафа дунё ва инсон ҳақидаги алоҳида билим сифатида шаклланиши жараёнида жоннинг фаоллиги, ақлнинг ўз-ўзига нисбатан танқидий муносабати ҳақида қарашлар вужудга келган. Платон фикрига кўра, жон фаолияти – бу ўзи билан ўзи суҳбат хусусиятига эга бўлган ички ишдир. Жон мулоҳаза юритар экан, ўзи билан ўзи тинимсиз гаплашади, саволлар беради, жавоблар қайтаради, тасдиқлайди ва эътироз билдиради.

Шундай қилиб, ўзликни англаш – инсоннинг ўзини ўзи тинимсиз камол топтиришининг муҳим шартидир. Ўзликни англаш структурасида ўз-ўзини ҳис қилиш, ўз-ўзини билиш, ўз-ўзига баҳо бериш, ўз-ўзини бошқариш каби элементларни ҳам ажратиш мумкин. Умуман олганда ўзликни англаш рефлексия билан узвий боғлиқ. Инсоннинг ўз ички ҳолатини тушуниши, ўзини ўзи бошқариш қобилияти ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Ўзликни англаш шахснинг дунёқараш, қобилиятлар, феъл-атвор, қизиқишлар каби маънавий элементлари билан бир қаторда ижтимоий муҳит таъсирида шаклланади. Муҳит шахсдан ўз ҳаракатларини бошқаришни ва уларнинг натижалари учун жавоб беришни талаб қилади. Онг даражаси шахс олдида қандай талаблар қўйилгани ва мазкур муҳитда қайси ижтимоий қадриятлар амал қилишига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Бу ерда инсон ўз ҳаракатларини ўзи бошқариши ва уларнинг оқибатлари учун жавоб бериши лозимлиги асосий талаб ҳисобланади.

Онгнинг юқорида зикр этилган элементлари ўзини актуаллаштириши учун битта шартни бажаришни талаб қилади: ижтимоий амалиётга қўшилган индивидгина онгли субъектга айланиши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, онг структурасининг мазкур элементлари яхлит бир бутунни ташкил этади, яъни онг субъект ижтимоий муносабатлар дунёсига қўшилгандагина тўлақонли мавжуд бўлади. Бинобарин, нормал фаолият кўрсатаётган субстрат – бош миядан ташқари дунё билан предметли-амалий ўзаро алоқа, жамоавий-фаол мулоқот ва ўтмишдаги меҳнат сифатида маданиятнинг ялпи потенциали мавжуд бўлиши лозим.

Оқилоналикнинг ҳақиқий мақомини аниқлаш ва унинг тузилишини ўрганиш учун онгни таҳлил қилишга нисбатан системали-структуравий методдан фойдаланиш онг «ғишт ва цемент»дан иборат қурилма сифатида талқин қилинишини англамайди. Эмпирик жиҳатдан онг ҳиссий ва ақлий образларнинг узлуксиз ўзгарувчи мажмуи сифатида намоён бўлади. Онг алоҳида бир яхлитлик бўлиб, бу ерда руҳий ходисаларнинг доимий оқимида айрим ҳолатлар, образлар, фикрлар, қизиқишлар юзага келади ва ўтиб кетади, тасодифий ва чуқур таассуротлар пайдо бўлади. Оқилона мотивларга таяниш, ҳаракатларнинг шахсий ва ижтимоий оқибатларини олдиндан кўра билиш, ўзини ўзи бошқаришга қодирлик онг аломатлари ҳисобланади. *Онг фаоллик, интенционаллик (предметга қараб мўлжал олганлик), рефлексия ва ўз-ўзини кузатишга қаратилганлик, мақсадга мувофиқлик, қадриятларга қараб мўлжал олганлик ва турли даражада равшанлик* билан тавсифланади.



п

Тадқиқотчилар онг структурасини ўрганишга киришар эканлар, улар доим ажабтовур бир вазиятга дуч келадилар. Онг ҳиссий ва ўта таъсирчан объект сифатида ўзини аниқ-равшан намоён этади, бироқ, шунга қарамай, ўзини бевосита таҳлил қилиш имконини бермайди. Бир томондан, онгни унинг моддий субстрати – бош миясиз ва онгнинг мазмунини акс эттирувчи материясиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Бошқа томондан, онгни субстратнинг ўзи – бош мияга ҳам, материяга ҳам боғлаб бўлмайди. Ҳатто энг моҳир анатом ҳам нервни миягача кузатиб, туйғулар ва фикрга йўл очувчи дастлабки асосга яқинлаша олмайди. Онг таркибий элементлари бири-бири билан ўзаро алоқага киришади ва онгга инсон ҳаёти учун ўта муҳим бўлган бир қанча функцияларни таъминлайди.

Онгнинг функциялари. Онг функциялари ҳақида гап борганда, таҳлил мураккаб яхлитлик – онг кишилиқ жамиятининг ҳаёт фаолиятида бажарувчи ролни аниқлашга қаратилади.

Онгнинг акс эттириш функцияси воқеликни умумий тарзда, изчил ва нисбий акс эттиришни назарда тутлади. Бу инсоннинг воқелиқ ҳақида ва унинг ўзи ҳақида билимлар олишидир. Билиш фаолияти сифатида англаш жараёни ҳиссий, образли билишдан бошланади ва мавхум фикрлаш сари юксалади. Ҳиссий (эмпирик) билиш босқичида ранг-баранг ашёвий материал тўплангани ва кейинчалик у мавхум фикрлаш йўли билан умумлаштирилади. Шу тариқа онг энг муҳим ҳодисаларнинг моҳиятини англайди ва улар бўйсунувчи объектив қонуниятларни аниқлайди. *Акс эттириш функцияси биринчи даражада аҳамият касб этади*, ундан қолган барча функциялар келиб чиқади. Мазкур функция фаол, эвристик хусусият касб этади, яъни онг воқеликни илдамроқ акс эттириш хусусияти билан тавсифланади.

Онг дунёни акс эттириш билан бир қаторда уни яратади ҳам деган машҳур тезис онгнинг ўзгартириш функциясини ўзида ифодалайди. Тафаккур ва онгнинг ривожланиш жараёни ўзига энг муҳим ва яқин асосни табиатда эмас, балки табиат ва воқеликни ўзгартиришда топади. Онгнинг ўзгартириш функцияси турли даражада модаллик билан ажралиб туради. У конструктив хусусият касб этиши ва янгича мазмунни мақсадга мувофиқ тарзда яратиш билан боғлиқ бўлиши; интуитив маъно ҳосил қилишни назарда тутувчи стихияли-спонтан хусусият касб этиши; қабул қилинган андозалар ва қадриятлар билан мувофиқ келадиган фикрлар ва мўлжалларни назарда тутувчи норматив хусусиятга эга бўлиши мумкин.

Мослашув функцияси онгнинг энг муҳим функцияларидан бири ҳисобланади. У тартибга солиш – ҳаёт фаолияти меъёрларига мувофиқ бўлган қарорлар қабул қилишни, шунингдек ички ва ташқи нисбий мезонларни синхронлаштириш орқали ўз-ўзини бошқаришни ўз ичига олади. Ўз-ўзини бошқариш ўз хулқ-атвори мотивларини таҳлил қилишни, қўйилган мақсадларга эришишнинг энг оқилона йўлини танлашни назарда тутлади.

Жамғариш функциясининг моҳияти шу билан белгиланадики, бевосита, шахсий тажрибадан олинган билимларгина эмас, балки замондошлар ёки ўтмишдошлардан олинган билимлар ҳам инсон хотирасида жамланади. Бу билимлар заруриятга қараб актуаллаштирилади, тикланади ва онгнинг бошқа




п функцияларини амалга ошириш воситаси бўлиб хизмат қилади. Инсон хотираси қанча бой бўлса, у оптимал қарор қабул қилиши шунча осон бўлади.

Оннинг аксиологик функцияси (баҳолаш функцияси)да инсон ташқи дунё ҳақида маълумотлар олиш билан бир вақтда уларни ўз эҳтиёжлари ва манфаатлари нуқтаи назаридан баҳолайди. Онг, бир томондан, объектив акс эттириш шакли, инсон майллари ва манфаатларига боғлиқ бўлмаган воқеликни билиш шакли ҳисобланади. Билимлар олиш, объектив ҳақиқатнинг тагига етиш, билиш фаолияти сифатидаги англаш жараёнининг натижаси ва мақсадига айланади. Бошқа томондан, онг воқеликка субъектив муносабат кўринишларини, уни баҳолаш, ўз билимини ва ўзини англаб етишни ҳам ўз ичига олади. Дунёга қадрият сифатида қарашнинг натижаси ва мақсади борлиқни, дунёнинг инсон майллари ва эҳтиёжларига мувофиқлик даражасини, ўз ҳаётининг мазмунини англаб етиш ҳисобланади. Тафаккур, билиш фаолияти асосан билимни аниқ ифодалаш, мантикий схемаларга риоя этиш, улар билан иш кўришигини талаб қилса, дунёга қадрият сифатида ёндашиш ва уни англаб етиш эса шахсий куч-ғайрат, ўй-мулоҳазалар ва ҳақиқатни теран идрок этишни талаб қилади.

Оннинг баҳолаш функцияси бевосита мақсадни шакллантириш функциясига ўтади. Мақсадга интилувчанлик – бу оннинг муҳим хусусияти ҳисобланувчи соф инсоний қобилият. Мақсад – бу инсоннинг ўз предметини топган идеаллаштирилган эҳтиёжи; бу фаолият предметининг шундай бир субъектив образики, унинг идеал шаклида инсон фаолиятининг мўлжалланган натижаси намоён бўлади. Мақсадлар инсониятнинг жами тажрибаси негизида шакллантирилади ва ижтимоий, ахлоқий, эстетик ва бошқа хил идеаллар кўринишидаги олий шакллар сари юксалади. Аниқ бир мақсадга қаратилган фаолият инсон дунёдан қаноатланмаётгани ҳамда унинг бу дунёни ўзгартириш, уни инсонга, жамиятга зарур бўлган шаклга солиш эҳтиёжи билан изоҳланади.

Оннинг ижодий функциясида инсоннинг олий имкониятлари намоён бўлади. Мақсадга интилувчанлик, яъни инсон ўз ҳаракатларини «нима учун» ва «нимага эришиши йўлида» амалга оширишини англаб етиш ҳар қандай онгли қилмишининг зарурий шартидир. Мақсадни рўёбга чиқариш муайян воситаларни, яъни мақсадга эришиш учун яратиладиган ва шунга хизмат қиладиган воситаларни ишга солишни назарда тутати. Инсон табиатда мавжуд бўлмаган нарсаларни бунёд этади. У бутунлай янги нарсаларни ва умуман янги дунёни яратади. Одамлар ўзгартирган, яратган нарсаларнинг кўлами, шакллари ва хоссалари уларнинг эҳтиёжлари, мақсадлари билан белгиланади; бу нарсаларда инсон нияти, унинг ғоялари рўёбга чиқарилади.

Оннинг коммуникатив функцияси (алоқа функцияси)да одамлар умумий меҳнатда иштирок этадилар ва бир-бирлари билан ўзаро алоқаларга киришишига доими муҳтож бўладилар. Фикрларнинг бу алоқаси нутқ орқали (овозлик алоқа) ва техника воситалари ёрдамида (матнлар, кодланган ахборот) амалга оширилади. Шунинг эътиборга олиш лозимки, ёзма матнларда (китоблар, журналлар, газеталар ва ш.к.)да билим эмас, балки ахборотгина



п
сақланади. Ахборот билимга айланиши учун у субъективлаштирилиши лозим. Айни шу сабабли босма сўзни тарқатиш баён этилган ахборот билимга айланишининг кафолати эмас, балки шарти ҳисобланади. Ахборот билимга, яъни субъектив бойликка айланиши учун қўшимча куч-ғайрат сарфлаш талаб этилади.

Шахс онгининг мантиқий циклини тартибга солиш (бошқарув) функцияси яқунлайди. Онг омилларга баҳо бериш асосида ва қўйилган мақсадга мувофиқ инсон ҳаракатларини, кейинчалик эса – жамоаларнинг ҳаракатларини ҳам бошқаради, тартибга солади. *Онгининг тартибга солиш функцияси инсоннинг ўзини қуршаган муҳит билан ўзаро алоқасига боғлиқ бўлади ва икки шаклда: даъват этувчи тартибга солиш ва ижрони тартибга солиш шаклларида амал қилади.* Одамлар хулқ-атвори ва фаолиятига туртки берувчи омилларнинг ғоявий мазмуни улкан аҳамиятга эгадир. Ғоялар даъваткор кучга айланишига қараб инсон ўз қилмишларини онгли равишда, ўз эътиқодига мувофиқ, изчил амалга оширади. Ижрони тартибга солиш кишилар фаолиятини уларнинг эҳтиёжлари билан мувофиқ ҳолатга келтиради, мақсад ва уни тартибга солиш воситаларининг мутаносиблигини таъминлайди.

Онгининг бош функциялари ана шулардан иборат. Уларнинг уйғун ривожланишигина охир-оқибатда интеллектуал ва маънавий жиҳатдан комил инсонни тарбиялаш имкониятини беради.

XXI аср бошига келиб олимлар интеллектнинг айрим функцияларини инфор­мацион машиналар зиммасига юклаш учун анча кўп заҳмат чекдилар. Бугунги кунда компьютерлар мураккаб ишларни бажармоқдалар: бир тилдан бошқа тилга таржима қилмоқдалар, самолётларни, поездларни бошқармоқдалар, шахмат ўйнамоқдалар, ҳатто инсон миясига хос бўлган баъзи бир мантиқий амалларни бажармоқдалар. Табиий бир савол туғилади: инсон ақлининг ўрнини босишга қодир бўлган машинани яратиш мумкин эмасми?

Техника имкониятлари нуқтаи назаридан, инфор­мацион машиналарни такомиллаштириш чегарасини белгилаш ўринли бўлмайди. Шунга қарамай, машиналар бажарувчи амаллар билан инсон миясида бажариладиган амалларнинг ўхшашлиги машиналарни фикрлаш қобилиятига эга деб ҳисоблаш учун асос бермайди. Моҳият эътибори билан машина инсон тафаккурининг фақат бир жиҳатини – формал-мантиқий фикрлашигина амалга оширади, ваҳоланки, инсоннинг фикрлаш жараёни амалда ирода, эмоциялар, интуиция, орзу, фантазия ва ҳоказолардир. Инсон ички дунёсининг бойлиги унинг ижтимоий алоқалари бойлиги ва серкирралигининг маҳсули ҳисобланади. Айни шу сабабли, инсон онги, унинг структураси ва барча функцияларини тўлиқ моделлаштириш учун мия структурасининг ўзинигина гавдалантириш кифоя қилмайди. Бунинг учун инсон ривожланишининг бутун тарихий йўлини гавдалантириш, уни барча эҳтиёжлар билан, шу жумладан сиёсий, ахлоқий ва эстетик эҳтиёжлар билан таъминлаш талаб этилади. Буларнинг барчаси билишнинг мураккаб вазифаларини ечишда замонавий кибернетик қурилмаларнинг имкониятлари



п чекланганлигидан далолат беради. Улар аслида интеллектуал фаолиятнинг ахборотни қайта ишлаш қоидалари билан боғлиқ бўлган томонларини механизациялаштириш ва автоматизациялаштириш воситаларидан бошқа нарса эмас.

Фикрловчи одамнинг ўзига хос хусусияти шундаки, у ўз онги ёрдамида ўзини, ўзи яшаётган муҳитни таҳлил қилиб, ўз «Мени» ҳақида тасаввур ҳосил қилади ва ўзини бу борлиқдан ажратиб, шу тариқа ўзлигини шакллантиради. Эмоцияларга бой бўлган ва кадриятларга қараб мўлжал олувчи инсон онги фаол асос сифатида амал қилади, чунки у борлиқнинг пассив инъикоси эмас, балки фикрлаш фаолиятининг изчил, назорат қилинадиган ва бошқариладиган жараёни ҳисобланади. Шу маънода у ижодий фаолият сифатида ҳам намоён бўлади, зеро у нафақат борлиқни акс эттиради, балки уни ўзгартириб, борлиқнинг янги шакллари яратади.

Бу ерда ҳар қандай ижодкор фаолиятининг негизи, шунингдек инсон яратган ва яратаётган «иккиламчи» табиатнинг пайдо бўлиш асослари мужассамлашади. *Айнан инсон онгининг фаол ва ижодий хусусияти уни сунъий интеллект манбалари – «ақлли», «фикрловчи» машиналар билан бир қаторга қўйиши имконини бермайди.* Гарчи улар ахборотга ишлов бериш борасида инсондан анча устун ва ҳатто уларнинг ишида «ижод» унсурлари ҳам намоён бўлса-да, лекин улар машиналар бўлиб қолади. Уларнинг иши маънавиятдан маҳрум ва умуман олганда одамларнинг онгли фаолияти билан тенглаша олмайди. Бу фаолият олдиндан белгиланган ҳар қандай дастурдан бойроқ, зеро маданий жараёндан унинг фаол асоси сифатида ўрин олган ва асосан маданият билан белгиланади.

Онги табиатини тушунишга нисбатан ёндошувлар. Фалсафада онги табиатини тушунишга нисбатан иккки хил ёндашув фарқланади. *Биринчи ёндашув француз рационалист файласуфи Рене Декарт номи билан боғлиқ. У онгни инсоннинг сезгилар, идрок, хотира, эмоциялар, ирода, фикрлар, мулоҳазалар, тилни, шунингдек нарсаларнинг образларини ўзида мужассамлаштирувчи берк ички дунёси деб тушунишни таклиф қилган.* Айтиб ўтилган элементлар онги структурасини ташкил этади. Фикрлаш жараёнининг тадрижийлиги онги фаолиятининг бош шакли деб эътироф этилади. Декартнинг «*cogito ergo sum*» (мен фикрляпман, демак, мавжудман) ибораси инсоннинг барча ҳаракатларини то унинг мавжудлигига қадар онгга бўйсундиради.

Ушбу ёндашувга таяниб, фан онги ичига «сафар қилиш»ни, яъни мия механизмларини ўрганишни таклиф қилади. Бироқ нейрофизиологлар мия структуралари ва фаолиятини ўрганиш йўли билан онги ҳақида тўла ахборот олиш мумкинлигига шубҳа билан қарайдилар. Онгининг ижтимоий табиати, унинг муайян тарихий ва ижодий хусусияти билан боғлиқ кўп сонли муаммолар юзага келади.

Иккинчи ёндашув онгининг моҳиятини унинг ўзидан эмас, балки ташқи дунё, ижтимоий амалиётдан қидиришни назарда тутди. Бу ёндашувга биноан онги образлари фаолият жараёнида, инсонга атроф борлиқнинг таъсири натижасида юзага келади. Инсон ўзаро таъсирга киришувчи



п
нарсалар доираси қанча кенг, субъектнинг ўзи қанча фаол бўлса, тафаккур ва онг шунча баркамол бўлади. Бу ёндашув хулосалари: «онгни борлиқ белгилайди», «онг – моддий дунёнинг субъектив образи», «онг – борлиқнинг инъикоси», «онг – жамоавий олинган билим» - онг ташқи борлиққа боғлиқлигини, онгнинг ижтимоий табиатини тасдиқлайди. Шу нуқтаи назардан онг шахсий ва индивидуал хосса, сир ва жумбоқ сифатида эмас, балки бутун инсоният қавмининг универсал ва шаклланувчи хусусияти сифатида намоён бўлади. Онг ҳодисаси оқилона англаб етилувчи ва оқилона белгиланувчи ҳодиса сифатида талқин қилинади. Зеро ўз борлиги усулига кўра онг мия хоссасидир, бунда бош миянинг нерв жараёнлари онгнинг моддий ифодачилари бўлиб хизмат қилади.

Онг таҳлилига нисбатан учинчи интеграл ёндашувнинг асосий тамойиллари онг дунёни акс эттириши ва айни пайтда уни яратишини назарда тутди. Онг, биринчидан, ўзини воқеликда предметлаштиради ва шу боис онгнинг сифат жиҳатидан интенсивлашуви ҳақида инсон фаолиятининг барча (оддий ва мураккаб) маҳсулотларига қараб ҳукм чиқариш мумкин. Иккинчидан, онг таркибий элементлари: сезгилар, идрок, тасаввурлар, эмоциялар, хотира, тасаввур, нутқ, ирода ва бошқалар теран маънавий мотивлар ва эҳтиёжлар таъсирида воқеликни соф индивидуал муносабатнинг ранг-баранг кўринишлари билан бойитади. Бу эса онгнинг теран қатламларини англаб етиш учун инсоннинг предметлаштирилган теран кучлари дунёси ёки унинг вербал (тилдаги) ифодасигина кифоя қилмаслигини, аксарият ҳолларда умум эътироф этилган меъёрлар билан ўзини ниқобловчи интим кечинмаларнинг «кўрсатувлари» ҳам муҳим эканлигини англатади.

Назарий фалсафада мавжуд нуқтаи назарларни умумлаштириб, онгни тушунишнинг қуйидаги асосий жиҳатларини ажратиш мумкин:

Онтологик жиҳат - ўз борлиги усулига кўра онг мия хоссаси бўлиб, бош мия нерв жараёнлари онгнинг моддий ташувчилари бўлиб хизмат қилади. Инсон онги ва тафаккури, улар қай даражада таъсирчан бўлмасин, моддий орган – мия маҳсули ҳисобланади. *Гносеологик жиҳат - мазмун жиҳатидан онг объектив борлиқнинг инъикоси, ташқи дунё ва ўзи ҳақидаги ахборотнинг ифодачиси, ҳаракатларни олдиндан фикран тузувчи ва уларнинг натижаларини башорат қилувчидир.*

Генетик жиҳат - ўзининг юзага келиш усулига кўра онг материя ҳаракати биологик ва ижтимоий шакллариининг маҳсулидир; инсоннинг ижтимоий-моддий фаолияти онгнинг тарихий шаклланиш омилидир.

Функционал жиҳат - ўз фаолият мақсадига кўра онг – инсон хулқ-атвори ва фаолиятини бошқариш омили, борлиқнинг нисбий-изчил инъикоси ва уни асосли-ижодий ўзгартириш воситаси, мантиқий фикрлаш шакллариининг шаклланиш омилидир.

Онг ҳодисасининг моҳиятини фалсафий-илмий тушуниб етиш истиқболлари мавжуд ёндашувларни бирлаштиришдан ташқари, энергия-ахборот алоқаларини ва онгнинг кенг имкониятларини ҳисобга олишни тақозо этади.



п

Тил ва онг. Онг нафақат инсоннинг меҳнат фаолияти, балки одамлар ўзаро алоқаси ва мулоқотининг универсал воситаси – тил билан ҳам узвий боғлиқдир. Аниқ, тушунарли нутқнинг пайдо бўлиши, нафақат ижтимоий муносабатлар, балки инсоннинг ўзи, унинг онги ривожланишининг бутунлай янги ва қудратли воситасига айланди, чунки биологик омил (ирсият)дан ташқари одамларда тил ёрдамида янада қудратлироқ омил – тажриба ва муҳим ахборот беришнинг ижтимоий усули пайдо бўлди. Бу турли авлодлар ва тарихий даврларнинг билимлари, анъаналари, маданиятларининг ворисийлигини таъминлади, сўнгги зикр этилган ҳол эса, ўз навбатида, тилнинг янада ривожланиши ва такомиллашувига туртки берди ва замин ҳозирлади.

Шундай қилиб, меҳнат, онг ва тил бир-бири билан шу даражада узвий боғландики, улардан ҳар бирининг келиб чиқиши ва тарихий ривожланишини бир-биридан алоҳида тасаввур қилиш мумкин эмас. Бунда тил инсоннинг фикрлаш фаолияти амалга ошувчи муҳим шакл ҳисобланади, меҳнат эса, ўз навбатида, тилни ривожлантиради ва бойитади.

Хуллас, индивиднинг онги ижтимоий белгилангандир, яъни у фақат жамиятда шаклланади ва ундан ташқарида пайдо бўлиши мумкин эмас. У нафақат келиб чиқишига кўра, балки борлиқ усули жиҳатидан ҳам ижтимоий ҳодиса ҳисобланади, чунки одамларнинг хулқ-атвори, ҳаракатларида намоён бўлади, уларнинг фаолият йўналишини белгилайди.

Онгсизликнинг табиати. Онг инсоннинг ички дунёси сифатида ўз структурасига эга. Уни ўрганишдан олдин қуйидаги ҳолатга эътиборни қаратиш лозим. Баъзан «онг» тушунчаси «инсон руҳияти» тушунчаси билан айнийлаштирилади. Бу нотўғри. *Руҳият – онгга қараганда мураккаброқ тузилма бўлиб, у акс эттиришининг икки соҳаси – онг ва онгсизликни ўз ичига олади.* Руҳий ҳаёт инсон онгини барча томонлардан қуршаб ва қамраб олади. Руҳий фаолиятда онг иштироки унча катта эмас. Унинг ортида оддий равшан онг иштироки, сўнгра минимал даражада равшан онг иштироки ва ниҳоят, онгсизлик соҳаси жойлашган. *Руҳият онгдан кенгроқ тушунча. Инсон руҳий фаолияти онг диққат марказида бўлиши мумкин, баъзан у онг даражасига кўтарилмайди (илк онг ҳолати, масалан чақалоқда) ёки онг бўсағасидан пастга тушади (онг ости соҳаси).* Онг инсоннинг ҳар қандай ҳолатида ҳам ўзининг максимал даражада мужассамлашуви ва шаффофлик билан тавсифланавермайди. Кучли мастлик, стресс ҳолатидаги одамда у тарқок бўлади, уйқу ҳолатида, гипнотик таъсир кўрсатиш натижасида, айрим тоифадаги руҳий касалларда у мавжуд бўлмайди.

Онгсизликнинг умумий ғояси эски тарихий-фалсафий анъанага эга. У ўзига хос виждон ва олий авторитет сифатидаги ўз ички овозига доимо қулоқ солувчи Сократ деймониясига бориб тақалади. Платон таълимотида онгсизлик муаммоси хотира сифатидаги билиш мавзуси билан боғлиқ. Платон фалсафасининг «анамнесис» деган термини нариги дунёда кўрган нарсаларни бу дунёда эслаётган инсон руҳияти ҳолатини ифодалайди. Платон таълимотида онгсизлик ғояси жонда субъектнинг ўзи хаёлига ҳам келтирмайдиган яширин билимлар мавжудлиги билан боғланади.



п

Турли тарихий шароитларда онгсизлик муаммосига муносабат ҳам турлича бўлган. XVII–XVIII асрларда руҳий фаолиятнинг англаш мумкин бўлмаган шакллари ҳақидаги тасаввурлар теология чегарасидан ташқарига чиқади ва файласуфлар муҳокамаси предметига айланади. Декарт ва Локк «англаш мумкин бўлмаган руҳият» ғоясини қатъиян рад этади, чунки онг ва руҳиятдан ташқарида фақат кўламлик ва соф физиология мавжуд бўлиши мумкин. Бу уларга кўп сонли англашилмовчиликларни четлаб ўтиш имконини беради.

Лейбниц «сеziш мумкин бўлмаган идроклар» концепциясида, шунингдек Кант, қоронғи тасаввурлар соҳаси («dunkler Vorstellungen») мавжудлигини тан олиб, мантиқий қийинчиликларга қарши боришни маъқул кўрадилар. Лейбниц онгли тасаввурлар бўсағасидан ташқарида ётувчи маънавий фаолиятнинг энг тубан шакли сифатидаги онгсизлик концепциясини анча аниқ таърифлашга муваффақ бўлади. Биз ўзимизда муайян тасаввур мавжудлигига, ҳатто амалда уни англамасак ҳам, билвосита ишонч ҳосил қилишимиз мумкин, деб таъкидлайди у. Лейбницнинг «Монадология» асарида онгсиз идроклар – «кичик перцепциялар» ҳақидаги таълимот руҳий ҳаётнинг узлуксизлигини ва дунёда юз бераётган жараёнларнинг умумий ўзаро алоқасини асослаш учун қўлланилади. Айни шу ўзаро алоқа туфайли ҳар қандай жисмсиз субстанция – монада Коинот кўзгуси сифатида амал қилади.

XIX аср ўрталарида онгсизликни талқин қилишга нисбатан икки хил ёндашув вужудга келади. Биринчи ёндашувга кўра, онгсизлик – муайян сабабларга кўра англаш қобилиятини йўқотган мия ишини ифодаловчи соф салбий ҳодиса. Бу «рудиментар, тубанлашган руҳий фаолият» бўлиб, уни фақат физиологик нуқтаи назардан ўрганиш талаб этилади. *Иккинчи ёндашувга кўра, онгсизлик – руҳий ҳаётнинг ижобий томони, атроф борлиққа муносабатнинг англанаётган турдаги руҳий фаоллик асосида амалга ошириш мумкин бўлмаган кўриниши.* Онгсизлик муаммосига нисбатан ёндашувда мавжуд бўлган бундай икки ёқламаликни немис идеалист-файласуфи, физиолог ва психолог **В.Вундт** (1832–1920) қайд этади.

Олимлар инсонда онглилик ва онгсизликнинг ўзаро нисбати тўғрисида сўз юритар эканлар, баъзан уларни океандаги музтоққа ўхшатадилар. Бу музтоғнинг сув устидаги кўзга кўринадиган қисми онгга қиёсланади, сув остидаги кўринмайдиган қисми эса онгсизликка ўхшатиладики, унинг миқёси, шакли, тузилиши ва мазмуни ҳақида биз билвосита белгиларга кўра фақат тахмин қилишимиз мумкин. *Онгсизлик соҳаси – бу ақлдан ташқаридаги руҳий ҳодисалар, ҳолатлар ва ҳаракатлар мажмуи,* деб ҳисоблаш одат тусини олган. Бу соҳага, энг аввало, *инстинктлар* – инсон хулқ-атворининг узоқ тадрижий ривожланиш жараёнида ҳосил бўладиган ва ҳар бир мавжудотнинг ҳаёт функцияларини, умуман унинг мавжудлигини таъминлашга қаратилган туғма ҳаракатлари мажмуи киритилади. Онгсизлик тушунчаси билан инсон онгида акс этмаган, ақл-идрок соҳасидан ташқарида ётган, бошқариш мумкин бўлмаган руҳий ҳодисалар, ҳолатлар ва ҳаракатлар




п
мажмуи қамраб олинади¹. Онгсизлик ўз-ўзидан, рефлексли тарзда бажариладиган ҳаракат сифатида талқин қилинади. Психологик адабиётларда «онгсизлик» атамаси кўпинча руҳиятнинг мазмуни инстинктлар билан белгиланадиган ва онг билан идрок этиш мумкин бўлмаган майллар, интилишлар ва мотивларни ўзида мужассамлаштирувчи алоҳида соҳани ифодалаш учун ишлатилади. Онгсизлик ва онг инсон ягона руҳий борлиғининг нисбатан мустақил бўлган икки томони ҳисобланади; уларнинг ўртасида тез-тез зиддиятлар, баъзан конфликтлар юзага келади, лекин улар бир-бири билан боғланган, бир-бири билан ўзаро алоқа қилади ва уйғун бирликка эришишга қодир. Онгсизлик соҳасида инсон ҳаёт фаолиятини, айниқса субъектнинг ижодий фаолиятини оқилонлаштириш учун кенг имкониятлар мавжуд. Бу ҳол иррационалистик фалсафий таълимотларнинг шаклланиши учун асос бўлиб хизмат қилади. Уларда *онгсизликнинг турли шакллари: инстинктлар, интуиция ва шу кабилар инсон хулқ-атворининг салмоқли ёки ҳатто ҳал қилувчи кучи ҳисобланади*. Иррационализмнинг таниқли намояндalари орасида *Артур Шопенгауэр* (Германия), *Сёрен Кьеркегор* (Дания), *Фридрих Ницше* (Германия), *Эдуард Гартман* (Германия), *Анри Бергсон* (Франция), *Зигмунд Фрейд* (Австрия), *Мартин Хайдеггер* (Германия) кабилар онгсизлик муаммосини таҳлил қилганлар..

Онгсизлик – руҳиятнинг теран пойдевори. У турли-туман ва ранг-баранг кўринишларда, чунончи: мўлжал, майл, сезги, интуиция, туш, аффект ҳолати ва ҳоказоларда намоён бўлади. «Онгсизлик» атамаси мақсадлари ва ҳаракатлари жараён иштирокчилари томонидан англанмайдиган индивидуал ёки жамоа хулқ-атворини тавсифлаш учун ишлатилади. К.Г.Юнг (1875-1961) жамоа онгсизлик образлари – «архетиплар»ни атрофлича тадқиқ этган. Улар ижтимоий-маданий меъёрлар сифатида эълон қилинмайдиган, расмий мулоқот каналлари юзасида ётмайдиган, бироқ одамзот руҳий ҳаётининг теран қатламларидан чиқадиган туғма дастурлар ва мўлжаллар, типик реакциялар тизимини ўзида ифодалайди.

Уруғ жамоа ҳаётининг авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтувчи яқуни сифатида тушуниладиган жамоа онгсизлик инсон ва жамият хулқ-атворини тушунтириш модели бўлиб хизмат қилиши мумкин. Агар онг архетиплар тажрибасини идрок этмаса ва узлуксиз энергия алмашинуви жараёни юз берадиган ўз-ўзидан ташкил топувчи тизим элементи сифатида амал қилишдан бош тортса, руҳиятга энг содда кўринишлардаги онгсизлик суқилиб кириши мумкин. Бу эса, Юнг фикрига кўра, индивидуал ва оммавий психозларга, сохта башоратгўйликларга, ғалаёнлар ва урушларга олиб келади. «Одобли ва ақлли мавжудот маньякка ва ёввойи ҳайвонга айланиши мумкин»². Онг билан алоқани йўқотар экан, онгсизлик ўзини билвосита қарор топтиради. Онгимизга бостириб кириб у шахс ижтимоий борлиғининг

¹ Қаранг: Спиркин А.Г. Сознание и самосознание. – М., 1972. – 171-б.

² Қаранг: Юнг К. Архетип и символ. – М., 1991. – 140-б.



п
оқилона рухий структураларини қамраб олади ва уларни фалажлик ҳолатига келтиради.


Юнг онгсизликни эътиборга олмаслик хавфидан огоҳлантиради. Онгсизлик онгнинг зиддигина эмас, у онгнинг «модификацияловчи рақиб-шериги» ҳамдир. Онгсизлик стихияли-спонтан ҳаёт оқимидан келиб чиқади, яхшилик ва ёмонлик мезонлари, ижтимоий меъёрлар қаричи билан ўлчаш мумкин бўлмаган ахборотни ўзида мужассамлаштиради.

Ривожланишнинг ҳозирги босқичида онгсизликни ҳаёт фаолиятига заррача таъсир кўрсатмайдиган мистика деб эълон қилиш тўғри бўлмайди. Физиологик нуқтаи назардан онгсизлик жараёнларининг мақсадга мувофиқ жиҳатлари ҳам йўқ эмас. Улар мияни доимий зўриқишлардан халос қилиш орқали *муҳофаза* функциясини бажаради. Хотирада сақланаётган ахборотнинг тўлиқ ҳажми ҳақида одамлар ҳатто тахмин ҳам қилмайдилар. *Онгсизлик инсон ҳаракатларини автоматизациялаш функциясини бажаради.* Агар инсон ҳаёт фаолиятининг барча элементлари англаш ва бошқаришни бир вақтнинг ўзида талаб қилганда, инсон ўйлашга ҳам, ҳаракат қилишга ҳам қодир бўлмас эди.

Онгсизликнинг ўрни ва аҳамиятини аниқлашда австриялик психиатр, психологик ва невропатолог Зигмунд Фрейд (1856–1939) концепцияси алоҳида аҳамият касб этади. *З.Фрейд фикрича онгсизлик онг фаолиятининг зидди, қудратли иррационал куч. Айни пайтда у инсон ўзи англамайдиган майллар психоанализ техникаси ёрдамида аниқланиши ва онг назорати остига олиниши мумкин.* Фрейд инсон руҳиятининг теран онгсизлик қатлами ҳақидаги тасаввурга таянади. Унинг фикрича, бу ерда ҳали лозим даражада ўрганилмаган, бироқ онг учун анча муҳим бўлган алоҳида ҳаёт мавжуд.

Фрейд концепциясининг марказий тушунчаси «либидо»дир. Фрейднинг илк асарларида «либидо» деганда жинсий майл энергияси тушунилади. Кейинчалик Фрейд «либидо»ни Платоннинг «Эроси» билан боғлайди, уни «муҳаббат» сўзи билан қамраб олинадиган ҳодисалар – жинсий муҳаббат, ота-она ва фарзандларга муҳаббат, умуман одамларга муҳаббат энергияси билан айнийлаштиради. Юнг «либидо» тушунчасининг ҳаёт жараёнида намоён бўлувчи рухий энергия сифатидаги кенг талқинини илгари суради. Унинг фикрича, бу витал-рухий энергия оқими бўлиб, онгли ва онгсиз ҳаёт феноменларининг барчаси либидо яхлит ва ягона энергиясининг айрим кўринишларидир. Зигмунд Фрейд яратган инсон хулқ-атвори моделининг замирида инсон руҳиятида жинсий майлларнинг ҳукмронлиги ҳақидаги тасаввурда мазкур майллар онг билан тўқнашади ва натижада уни ўзига бўйсундиради. Аммо фалсафий мактабларнинг аксарияти ўзгача нуқтаи назарни илгари суради. Улар инсон руҳиятида етакчи асос онг бўлиб, у онгсизлик соҳасини «озиклантириш» ва уни кўп жиҳатдан шакллантириш орқали умуман олганда уни бошқаришга, шунингдек инсон хулқ-атворининг умумий стратегиясини белгилашга қодир, деб ҳисоблайди.

XX асрда Фрейд ва Юнг билан баҳсга файласуф, социолог ва психолог Эрих Фромм (1900–1980) киришади. Жум ладан, Фрейд фикрига кўра, *онгсизлик – асосан инсон руҳиятининг туб-тубида яшириниб ётадиган,*



п унинг маданияти ва ташиқи ўзлиги (эгоси) талаблари билан мувофиқ келмайдиган ҳодиса. Юнг таълимотида онгсизлик ваҳий манбаига, динда Худо деб аталувчи субстрат тимсолига айланади. Фромм иккала концепцияни ҳам бир ёклама деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, онгсизлик – инсон ўзлигининг онг воситасида бошқариладиган Эгодан ташиқаридаги қисми. У ижобий ва салбий, олий ва тубан унсурлардан таркиб топади. Биз онгсизликка сиғиниш талаб этиладиган Худо сифатида ёки ўлдириш лозим бўлган аждар сифатида эмас, балки хотиржам, чуқур ҳазил ҳисси билан ёндашишимиз, ўзимизнинг мазкур бошқача қисмимизни даҳшатга тушмасдан, бироқ унга тавозе ҳам қилмасдан, асл ҳолича қабул қилишимиз керак¹.

Ҳар хил тушлар, галлюцинациялар, хаёлдан кетмайдиган зоялар, интуиция ва шу кабилар онгсизликнинг намоён бўлиш шаклларига мисол бўлиши мумкин. Улар одамлар руҳияти ва хулқ-атвориға кучли таъсир кўрсатади, лекин айни вақтда бу жараёнларни бошқариш нуқтаи назаридан уларға бўйсунмайди. Шу сабабли онгсизлик онгнинг муайян лаҳзада онг билан бошқаришға қодир бўлмаган парчаси, дейиши мумкин².

Онгсизлик структурасиға онг соҳасида вужудға келиши ва вақт ўтиши билан онгсизлик соҳасиға кириши мумкин бўлган интуиция ва автоматизмлар ҳам киради. *Интуиция* – бу олиш йўллари ва шартларини англамасдан, бевосита ҳиссий кузатиш ёки мушоҳада юритиш йўли билан олинадиган билим. *Автоматизмлар* – бу аввал онг назорати остида пайдо бўлиб, узок машқ қилиш ва кўп карра такрорлаш натижасида онгсиз ҳаракатлар хусусиятини касб этувчи инсоннинг мураккаб ҳаракатлари. Туш, гипноз ҳолати, сомнамбулизм ҳодисалари, ҳушсизлик ҳолатлари ҳам онгсиз ҳаракатлар ҳисобланади.

Рухий фаолиятға онгсиз ҳаракатларнинг кўшилиши натижасида онгға тушувчи юк камаяди, бу эса, ўз навбатида, инсоннинг ижодий имкониятлари майдонини кенгайтиради. Ҳозирги замон фани *онг ости соҳаси* тушунчаси билан ҳам иш кўради. Бу онгсизлик соҳасининг алоҳида қатлами ёки даражасидир. Унга фаолият амалларининг онг даражасидан автоматизм даражасиға ўтиши билан боғлиқ рухий ҳодисалар киритилади.

Антроп тамойил. *Антроп тамойилида инсон амалда мавжуд бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай дунёда эмас, балки унинг хусусиятларини белгиловчи физик константаларнинг ўта аниқ мажмуи билан тавсифланувчи дунёдагина пайдо бўлиши мумкин бўлган, деган маъно келиб чиқади.* Бу бизнинг Коинот айнан унда инсоннинг мавжудлиги учун зарур бўлган тарзда тузилганини англатади. Агар у ўзгача бўлганида, унда биз мавжуд бўлмас эдик. Бошқа Коинотлар (агар улар мавжуд бўлса) бизға мос келмайди: уларда бизға ўхшаган ақлли жонзотлар мавжуд бўлиши мумкин

¹ Қаранг: Ницше Ф., Фрейд З., Фромм Э., Камю А., Сартр Ж.П. Сумерки богов. – М., 1989. – 206-б.

² Қаранг: Шрейдер Ю.А. Загадочная притягательность философии (субъективнке заметки) // Вопросы философии. 1996. №7. – С.168.



п эмас. Шундай қилиб, онтологик жиҳатдан ўзгача дунёлар инсоннинг «уйи», унинг яшаш жойи бўлиши мумкин эмас.

XX асрнинг сўнгги ўн йилликларида астрономиянинг ривожланиши Ердан ташқарида цивилизациялар мавжудлигига бўлган шубҳани янада кучайтирди.

Биринчидан, астрономик маълумотларга аниқлик киритилиши ақлли ҳаёт мавжуд бўлиши мумкин деб тахмин қилиш мумкин бўлган космик объектлар сони сурункали қисқаришига олиб келади.

Иккинчидан, юқорида кўриб чиқилган, ривожланган цивилизацияларгина амалга оширишга қодир бўлган космосни ўзлаштириш имкониятлари билан Ердан ташқаридаги цивилизациялар фаолиятининг амалда кузатиловчи бирон-бир кўринишлари умуман мавжуд эмаслиги ўртасида зиддият вужудга келади¹. Бу зиддият «астросоциологик жумбоқ» деб аталади. Ердан ташқаридаги цивилизациялар (SETI)нинг радиосигналларини ва уларнинг космосдаги фаолияти натижасида қолган бирон-бир изларни қидириш ҳозирча ҳеч қандай самара бергани йўқ. «Космос сукути» айниқса ғалати, зеро техника таракқиётининг ҳозирги даражаси ўзга цивилизациянинг радиосигналининг пайқаш учун етарлидир.


Коинот миқёсида сезиларли фаоллик кўрсатувчи цивилизациялар Галактикада ҳам, Андромеда туманлигига ўхшаш кўшни сайёралар системаларида ҳам мавжуд эмас, деган фараз «астросоциологик жумбоқ»нинг энг табиий ечими бўлса керак. Ҳамонки Ерга ўхшаш цивилизациялар космик экспансия йўлига кириши лозимлиги муқаррар экан, бизнинг Галактикани ҳам ўз ичига олган галактикалар тизимида улар жуда оз ёки умуман мавжуд эмас, деб тахмин қилиш мумкин. Нима бўлганда ҳам инсоният Коинотда ёлғиз эканлигининг эҳтимоли кўпроқ.

Юқорида баён этилган фикр-мулоҳазалардан бизнинг давримизда инсоннинг Коинотдаги алоҳида ўрни ҳақидаги қадимги тасаввурларга ўзига хос қайтиш юз бермоқда, деган хулосага келиш мумкин.

Ўз-ўзидан равшанки, бу ерда гап дунё ва инсонга доир қадимги содда қарашларга қайтиш ҳақида кетаётгани йўқ. Бу қадимги ғояларни тиклаш уларни тубдан қайта ишлаш ва билимларнинг бутунлай янги даражасида талқин қилиш билан боғлиқ. Эски муаммо бутунлай янгича тарзда қўйилади ва уни ечишга нисбатан ҳозирги ёндашув қадимги давр билан таққослаганда ўта чуқур асосларга таянади.

Қадимги одамлар Оламни инсонсиз тасаввур қила олмаганлар. Инсонсиз «бўш» космос бўлиши мумкинлиги уларнинг тасаввурига ҳам сиғмаган. Бундай тасаввур фаннинг ривожланиши билан пайдо бўлган. Юз йил муқаддам дунёнинг манзараси физика ва астрономияда гўё унда инсон мавжуд эмасдек тасвирланган. Фан дунёда инсоннинг мавжудлигига муҳтож бўлмаган. Коинотда инсон борми, йўқми – бу унинг тузилишини тушунтириш учун мутлақо аҳамиятсиз бўлган. Коинот ўзича, инсон – ўзича мавжуддек таассурот туғилган. Дин уларни умумий яратувчига ишора қилиш

¹ Гиндилес Л.М. Астросоциологический парадокс в проблеме SETI// Астрономия и современная картина мира. -М.:1996. –С.76.



п

йўли билан бирлаштирган. Аммо фанда инсон табиатга муқаррар бўлмаган қандайдир «илова» ва ўз қаршида намоён бўлган дунёни кузатувчи сифатидагина муносабат шаклланган.

Ҳозирги даврда инсон фан ва фалсафада яна табиатнинг *ажралмас қисми* сифатида талқин қилинмоқда. Биз яна, қадимги юнонлар каби, инсон ва космоснинг ягона эканлигига ишонч ҳосил қилмоқдамиз, тўғри, бу ягоналикни биз янада теранроқ тушунамиз. *Коинотни фақат унда инсоннинг мавжудлиги ҳисобга олинган ҳолдагина тушунтириш мумкинлигига ишонч ҳосил қилинмоқда (антроп тамойил). Бизнинг Коинотимиз – бу чиндан ҳам инсоннинг Ерда яшаш ва камол топиш имкониятига эга бўлиши учун мослаштирилган уйидир.*

Қадимги антропоцентризм ғояси янгича асосда тикланмоқда. Инсон яна Коинот марказига ёки ҳеч бўлмаса материя ривожланишининг «марказий йўли»га қўйилмоқда. Бу ерда у дунёни қайта қуришга қодир бўлган қудратли куч сифатида намоён бўлмоқда. Инсон тафаккури дунёдаги эволюция жараёнининг эҳтимол тугилган омили сифатида тушунила бошламоқда.

Инсониятнинг келажаги олдиндан белгиланмаган – бу ерда вариантлар бўлиши мумкин. Фаннинг вазифаси уларни аниқлаш ва уларнинг энг мақбуллари рўёбга чиқариш йўллари топишдан иборат бўлса, фалсафанинг вазифаси уларга (фалсафа иштирокида шаклланадиган) инсон идеаллари нуқтаи назаридан баҳо бериш ва шу тариқа уларнинг энг мақбуллари танлашга кўмаклашишдан иборат.

Хулосалар. Фан каби, фалсафа ҳам дунё ва инсон ҳақида «узил-кесил» билим бермайди. Фалсафий тамойиллар узил-кесил ҳақиқат сифатида қабул қилиниши лозим бўлган аксиомалар сифатида қаралиши мумкин эмас. Уларнинг ҳақиқийлиги, умуман инсоннинг ҳар қандай билими каби, пировард натижада амалиёт синовидан ўтиши лозим.

Борлиқ ҳақидаги фалсафий тасаввурларни амалда бевосита текшириш мумкин бўлмаса-да, улар амалиёт синовидан билвосита – инсон билими ва инсон фаолиятининг ривожланишида уларнинг методологик ва эвристик ролини аниқлаш йўли билан ўтказилади.





Тажрибавий амалий матнлар

Инсон, индивид, шахс, индивидуал борлиқ, онг, индивидуал онг, жон, онгсизлик, галлюцинация, иррационализм, эмергентистик материализм, инъикос, тил, ўзликни англаш, антроп тамойил.

Қўшимча ва тушунтирувчи матнлар



II





- Инъкоснинг олий шакли сифатида онгнинг пайдо бўлиши «ақлли одам» (homo sapiens)нинг шаклланиш жараёни билан боғланади ва аввало меҳнат фаолияти билан белгиланади.
- Инъкос сезиш, идрок этиш ва тасаввур қилиш каби ҳиссий шаклларда амалга оширилади.

Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар

1. Фалсафада онгни тушунишга нисбатан қандай асосий ёндашувлар вужудга келган?
2. Онгнинг фалсафий ва табиий-илмий талқини ўртасидаги фарқ нимада?
3. Онгнинг пайдо бўлишини материалистик фалсафа қандай тушунтиради?
4. Антроп тамойилнинг моҳияти нимада?

Реферат мавзулари

1. Онг фалсафий муаммо сифатида.
2. Онгнинг келиб чиқиши ва моҳиятига рационализм нуқтаи назаридан ёндошувлар тарихи
3. Онглилик ва онгсизликнинг ўзаро таъсири.
4. З.Фрейд ижодида онгсизлик муаммосининг талқини.
5. К.Юнг ижодида онг ва онгсизлик масаласи

Билим ва кўникмаларни баҳолаш мезонлари

1. Ушбу фикр муаллифини топинг: «Инсон барча нарсалар мезонидир: у мавжуд нарсаларнинг мавжудлигини, йўқ нарсаларнинг эса йўқлигини белгилайди»?

- А. Протогор
- Б. Суқрот
- В. Фалес
- Г. Демокрит

2. Микдорий ифодалаш, сезиш ёки кузатиш мумкин бўлмаган, массаси ҳам, энергияси ҳам йўқ, моддий объектлар каби муайян шакл-шамойилга ҳам эга бўлмаган фалсафий категория, бу –

- А. Онг
- Б. Сизги
- В. Ҳаракат
- Г. Моҳият

3. Қайси олим оловни оқил ва олижаноб, сувни – тубан асос деб ҳисоблаган?



п

- А. Гераклит
- Б. Анаксимен
- В. Анаксагор
- Г. Зенон

4. Илк бор муфассал онг ва онг ости ҳодисаларини ким ўрганган?

- А. З.Фрейд
- Б. К. Юнг
- В. Э.Фромм
- Г. Н.Вернадский

5. Ижтимоий онг нима?

- А. Инсон уни қуршаган бошқа одамлар томонидан ижтимоий идрок этилиши.
- В. Инсоннинг тавсифланиши ва баҳоланишини
- С. Ижтимоий ҳодиса
- Д. Барча эавоблар тўғри

6. Ушбу фикр муаллифни топинг: Инсон ўз жони фаолиятини бошқара олади, шу боис дунёни тушуниш йўли ўз-ўзини билиш орқали ўтади, деб ҳисоблайди.

- А. Платон
- Б. Сукрот
- В. Фалес
- Г. Демокрит

7. биринчи бўлиб жон ҳақидаги яхлит таълимотни яратди. У одамлар жонининг қандайлигига қараб уларни ҳар хил типларга ажратди.

- А. Платон
- Б. Сукрот
- В. Фалес
- Г. Демокрит

8. Қуйидаги сўзлар муаллифини топинг: «Мавжуд барча нарсалар орасида энг ишончлиси ва бизга кўпроқ маълум бўлгани, ҳеч шубҳасиз, бизнинг ўз мавжудлигимиздир, зеро бизда бошқа нарсалар ҳақида мавжуд тушунчаларни сиртқи ва юзаки деб ҳисоблаш мумкин, холбуки ўз-ўзини билиш ички, теран билишдир».

- А. Бергсон
- Б. Сукрот
- В. Фалес
- Г. Демокрит



п

9. Онг муаммосини ечишга нисбатан янгича ёндашувлар ҳозирги замон фалсафасининг қайси мансуб?

- А. Иррационалистик
- Б. Иррационализм
- В. Экзистенциализм
- Г. Неопозитивизм .

10. - одамлар, ҳайвонлар ҳаёти, нарсалар ва ҳодисаларга жон ва руҳлар таъсир кўрсатишига бўлган эътиқод.

- А. Анимизм
- Б. Татимизм
- В. Фитишизм
- Г. Будивизм

11.Гераклит қандай ғояни илгари суради?

- А. жон (психея) олов ёки сувдан иборат бўлади,
- Б. Жон (психея) олов ёки хаводан иборат бўлади,
- В. Жон олов ёки тупроқдан иборат бўлади,
- Г. Жон олов, ер ёки хаводан иборат бўлади,

12.Гераклит энг оқил ва мақбул деб қанда жони ҳисоблайди.

- А. Олов кўпроқ бўлган «қурук» жонни
- Б. Ер кўпроқ бўлган «иссиқ» жони
- В. Сув кўпроқ бўлган «совуқ» жонни
- А. Хаво кўпроқ бўлган «хўл» жонни

13. Ўз навбатида айрим кишиларнинг жонлари бутун дунёнинг биринчи сабаби ҳисобланадиган ва уни бошқарадиган дунёвий ақл олови –нима билан боғлиқ?

- А. Тафаккур
- Б. Ақл
- В. Фан
- Г. Барча жавоблар тўғри.

14. Сукрот ва Платон қандай ҳодисаларни фарқлаган?

- А. Идеал ва маънавий
- Б. Моддий ва иқтисодий
- В. Моддий ва идеал
- Г. Иқтисодий ва идеал

15. Европа фалсафий анъанасида идеал асосни қайд этибгина қолмасдан, балки ундан моддий асосни ҳам келтириб чиқарган биринчи файласуф тўғри кўрсатилган жавобни топинг?

- А. Платон
- Б. Сукрот
- В. Фалес



п
Г. Демокрит

16. Айрим инсон онги эса, қайси файласуф фикрига кўра, унинг жони билан бевосита боғланади?

- А. Платон
- Б. Сукрот
- В. Фалес
- Г. Демокрит

17. Аристотелнинг қайси рисоласини қадимги юнон файласуфларининг онг ҳақидаги фалсафий мулоҳазаларининг муайян яқуни деб ҳисоблаш мумкин?

- А. «Жон ҳақида»
- Б. «Дин ҳақида»
- В. «Рух ҳақида»
- Г. Бврча жавоблар тўғри.

18. Ўрта асрлар Европа фалсафаси нимага айланиб, онг ҳақидаги масалага бутунлай ўзгача нуқтаи назар билан ёндашди – уни абадий мавжуд бўлган дунёни, шу жумладан инсон ва унинг жонини йўқликдан яратган Худонинг ягона дунёвий асос сифатидаги талқини билан боғлади?


- А. «Дин чўриси»
- Б. «Ақл чўриси»
- В. «Фалсафа дунёси»
- Г. «Дин дунёси»

19. Қайси файласуф онгни тафаккур билан тенглаштириб, уни умумийроқ тусдаги «руҳият» тушунчасидан ажратди ва онгни мустақил, эркин фикрловчи субстанция деб ҳисоблаб, ёнма-ён жойлашган бошқа – кўламли, фикрламайдиган, моддий субстанцияга қарши қўйди?

- А. Платон
- Б. Сукрот
- В. Фалес
- Г. Р. Декарт

20. Гегель индивидуал онгга бутун ривожланиш негизи саналган мутлақ ғоянинг пировард шаклларида бири сифатида ёндашди. Бу ерда онг тарихан белгиланган фаол асос сифатида тушунилади. Мазкур асосда унинг тузилиши даражалари, қандай даражаларда фарқланади?

- А. Ҳиссий, мантиқий, индивидуал ва ижтимоий даражалар
- Б. Мантиқий, индивидуал ва ижтимоий даражалар
- В. Индивидуал ва ижтимоий даражалар
- Г. Ҳиссий, мантиқий, иқтисодий, маънавий ва ижтимоий даражалар



п

21. Бюхнер, Фохт, Молешотт каби файласуфлар онгга қандай нуқтаи назаридан ёндашади?

- А. «Вульгар неофрейдизм»
- Б. «Вульгар материализм»
- В. «Иррационализм»
- Г. Барча жавоблар тўғри.

22. Онгсизликни (онг ости) тушуниш, унинг мавжудлиги а қайси олим томонидан XX аср бошида аниқлаган?

- А. З.Фрейд .
- Б. Сукрот
- В. Фалес
- Г. Р.Декарт

23.Иррационализм сўзнинг луғавий маноси?

- А. Irrationalis – нооқилона, онгсиз.
- Б. Irrationalis – оқилона, онгли
- В. Irrationalis – ақили, тафаккури бой
- Г. Б ва В жавоблар

24.Неофрейдизмнинг атоқли намояндаларидан бири онгни илмий воситалар билан билиш мумкин эмас, деб ҳисоблаган ва унга таъриф беришга уринишлардан бутунлай воз кечиб, уни расмлар ва метафоралар ёрдамида тавсифлаш билангина кифояланишни таклиф қилган.

- А. З.Фрейд .
- Б. Сукрот
- В. Р.Декарт
- Г. .Г.Юнг

25. 70-йилларда АҚШ ва Канадада қандай фалсафий йўналиш шаклланди?

- А. «Вульгар материализм»
- Б. «Иррационализм материализм»
- В. «Эмергентистик материализм»
- Г. «Иррационалистик материализм»

26.Инъикос - бу?

А. нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро таъсирлашуви асосида ҳосил бўладиган субъектни ифодалайди.

А. Нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро таъсирлашуви асосида ҳосил бўладиган объектни ифодалайди.

В. Барча жавоблар тўғри.

А. нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро таъсирлашуви асосида ҳосил бўладиган ходиса, ҳолат, жараён ва ўзгаришларни ифодалайди.



п

27. Антик фалсафада инсонни худолар ҳукмидан халос этиш ва оламда унга бош ролни бериш тенденцияси вужудга келади. Бу ғоя Протагор (милоддан аввалги 480-410 йиллар)нинг қайси машхур иборасида ўзининг аниқ ифодасини топган?

А. «Инсон ҳаёт мезонидир: у мавжуд нарсаларнинг мавжуд эмаслигини, мавжуд бўлмаган нарсаларнинг мавжудлигини белгилайди».

Б. «Инсон дунёнинг асосини ташкил қилади, ақл мезонидир».

В. «Инсон ҳамма нарсалар мезонидир: у мавжуд нарсаларнинг мавжудлигини, мавжуд бўлмаган нарсаларнинг мавжуд эмаслигини белгилайди».

Г. «Инсон дунёнинг яратувчисидир: у ҳамма нарсани кашф қилишга қодир».

28. Кишилиқ тарихи учинчи минг йиллигининг бошида инсониятнинг Коинотдаги имкониятларига баҳо беришда таяниш мумкин бўлган баъзи бир муҳим шартлари тўғри кўрсатилган жавобни топинг?

А. Кишилиқ жамиятининг тарихий жараёни унинг ривожланиши асосий кўрсаткичларининг экспоненциал ўсиши билан тавсифланади. Кишилиқ жамияти атроф муҳитга таъсир кўрсатишнинг воситаларини яратади.

Б. Ночизиқ диссипатив системалар эволюциясининг синергетикада аниқланган қонуниятларидан муайян шароитда кичик локал флуктуациялар бутун системада оламшумул ўзгаришлар ясади деган хулоса келиб чиқади.

В. Барча жавоблар тўғри.

Г. Астрофизик ва космологик тадқиқотларнинг натижалари Коинотимиз (Метагалактика)нинг фундаментал физик константалари бир-бири билан муштарак эканлигидан далолат беради.

29. тамойилидан инсон амалда мавжуд бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай дунёда эмас, балки унинг хусусиятларини белгиловчи физик константаларнинг ўта аниқ мажмуи билан тавсифланувчи дунёдагина пайдо бўлиши мумкин бўлган, деган маъно келиб чиқади.

А. Антроп

Б. Иррационализм

В. Экзистенциализм

Г. Неопозитивизм .

30. Ривожланган цивилизацияларгина амалга оширишга қодир бўлган космосни ўзлаштириш имкониятлари билан Ердан ташқаридаги цивилизациялар фаолиятининг амалда кузатиловчи бирон-бир кўринишлари умуман мавжуд эмаслиги ўртасида зиддият вужудга келади. Бу зиддият нима деб аталади?

А. «Антропологик жумбоқ »

Б. «Социологик зиддият»

В. «Астросоциологик жумбоқ»

Г. Тўғри жавоб йўқ.




1. Маърузани олиб бориш технологияси

<i>Талабалар сони:</i>	<i>Вақти:</i> 2 соат
<i>Машгулот шакли</i>	Кириш мавзуси бўйича маъруза
<i>Маъруза режаси</i>	1.Ўзликни англаш антропосоциогенезнинг роли 2.Л.Мэмфорд ёндашуви 3.Ўзликни англаш ва инсон экологияси уйғунлиги 4.Экософия муаммолари.
<i>Машгулотнинг мақсади:</i> Ўқув фани ҳақида умумий тасаввурни шакллантириш, инсон борлигида ўзликни анлашнинг намоён бўлиши шакли ҳақида тушунча ҳосил қилиш.	
<i>Педагогик вазифалар</i>	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i>
Ўзликни англаш антропосоциогенезнинг роли ҳақида тушунчалар бериш.	Ўзликни англаш антропосоциогенезнинг роли ҳақида талабаларга тушунчалар берилди.
Л.Мэмфорд ёндашуви ҳақида тушунча бериш.	Л.Мэмфорд ёндашуви ҳақида талабаларга тушунчалар берилди.
Ўзликни англаш ва инсон экологияси уйғунлиги ҳақида тушунча бериш.	Ўзликни англаш ва инсон экологияси уйғунлиги ҳақида талабаларга тушунчалар берилди.
Экософия муаммолари ҳақида тушунча бериш.	Экософия муаммолари ҳақида талабаларга тушунчалар берилди.
<i>Ўқитиш усуллари ва техника</i>	Маъруза, «аклий ҳужум», Т-схема, мунозара, муаммоли вазиятлар усули.
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Маъруза матни, тарқатма материаллар, слайдлар, проектор.
<i>Ўқитиш шакллари</i>	Жамоа, тўғридан-тўғри ва гуруҳларда ишлаш.
<i>Ўқитиш шарт-шароити</i>	Техник воситалар билан таъминланган аудитория.
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Оғзаки назорат, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш.

2. Маърузанинг технологик картаси

<i>Иш жараёнлари вақти</i>	<i>Фаолиятнинг мазмуни</i>	
	<i>ўқитувчи</i>	<i>Талаба</i>
I-босқич. Фанга ва мавзуга кириш. (20 минут)	1.1. Ўқув фани номини айтиб, фан доирасида дастлабки умумий тасаввурни беради ҳамда услубий ва ташкилий томонлари билан таништиради.	Тинглайдилар.
	1.2. Фан бўйича ўтиладиган барча мавзулар билан таништиради, уларнинг узвийлиги ҳақида қисқача маълумот беради.	Тинглайдилар.
	1.3. Фан якунида қўйиладиган рейтинг баҳолаш	ЎУМ га қарайдилар.



П

	<p>мезонлари билан таништиради</p> <p>1.4. Фанни ўзлаштиришда фойдаланиш учун зарур бўлган адабиётлар рўйхати билан таништиради.</p>	ЎУМ га қарайдилар.
	1.5. Ўқув машғулоти мавзуси билан таништиради ва унинг мақсади, ўқув фаолияти натижаларини баён қилади.	Мавзу номини ёзиб оладилар.
	1.6. Мавзу юзасидан ақлий ҳужум қондаси асосида дарс ўтказишни таклиф этади. Талабалар томонидан айtilган фикрларни ёзиб боради ва умумлаштиради	Тушунчаларни эркин фикр орқали билдиради.
II-босқич. Асосий (50 минут)	2.1. Мавзу режаси ва таянч тушунчалар билан таништиради.	Тинглайдилар.
	2.2. Маърузани режа бўйича тушунтиради, ҳар бир режани ниҳоясида умумлаштиради. Жараён компьютер слайдларини намойиш қилиш билан олиб борилади	Тинглайдилар. Слайдга эътибор қаратади, уни ўзига ёзиб олади ва саволлар беради.
	2.3. Ҳар бир режани мустаҳкамлаш учун қуйидагича саволлар беради: 1.Ўзликни англаш? 2. Л.Мэмфорд ёндашуви? 3.Ўзликни англаш ва инсон экологияси уйғунлиги? 4.Экософия муаммолари?	Саволларга жавоб берадилар, эркин баҳс-мунозара юритадилар.
	2.4. Таянч ибораларга қайтилади. Талабалар иштирокида улар яна бир бор такрорланади.	Ҳар бир таянч тушунча ва ибораларни муҳокама қиладилар. Конспект қиладилар.
III-босқич. Яқуний босқич. (10 минут)	3.1. Т-схема техникасидан фойдаланилган ҳолда жуфт-жуфт бўлиб ишлаш учун тингловчиларга: инсон борлиғида ўзликни анлашнинг намоён бўлишига оид савол ёзилган тарқатма материаллар тарқатади. Ушбу техника орқали мавзу бўйича яқунловчи хулоса қилади.	Мустақил Т-схемани тўлдирадилар. Эркин фикрини баён этади.
	3.2. Талабаларнинг фаолиятига баҳо қўйилади ва рағбатлантирилади.	Эшитади.
	3.3. Келгуси машғулотга тайёргарлик кўриш учун топшириқлар ва фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати берилади.	Эшитади ва ЎУМ га қарайдилар.



ИНСОН БОРЛИҒИДА ЎЗЛИКНИ АНГЛАШНИНГ НАМОЁН БЎЛИШИ

Ўзликни англашда антропосоциогенезнинг роли. Ўзликни англаш муаммоси одатда инсон ва кишилиқ жамиятининг вужудга келиши тўғрисидаги масала – антропосоциогенез муаммоси билан боғлиқ. Гарчи инсоннинг келиб чиқиши асрлар қаърига бориб тақаладиган мураккаб муаммо саналса-да, авлодлар алмашуви изчил жараёни одамзотнинг ягона ва яхлитлигидан далолат беради. «Биринчи одам» - бу муқаррар тарзда кўп сонли кишилар, уларнинг гуруҳлари, меҳнат фаолияти, нутқи ва хоказолардир.

Кўп жиҳатдан гипотетик хусусиятга эга бўлган *антропосоциогенез меҳнат назариясининг* кенг тарқалганлиги у археологик далилларга таянган ҳолда асосланганлиги ва ривожланиш эволюцион назариясига мувофиқлиги билан изоҳланади. Антропосоциогенез меҳнат назариясига мувофиқ, бундан олдинги эволюция жараёнида инсон ва инсоний онг вужудга келишига замин яратувчи омиллар таърифланган. Бу ерда гап *инсоний онг генезисини белгиловчи қуйидаги уч омил ҳақида боради: олий ҳайвонларнинг мураккаб руҳий фаолияти (1); меҳнат қуролларига асосланган фаолият куртаклари, одамсимон аждодларнинг инстинктив меҳнати (2); олий ҳайвонларнинг пода бўлиб яшаши (3).*

Юқорида зикр этилган омиллардан ҳар бири вақт ўтиши билан янгича сифат касб этади. Масалан, олий ҳайвонларнинг соф биологик қонуниятлар билан белгиланган мураккаб руҳий фаолияти уларнинг адаптив (мослашиш) хулқ-атворини тартибга солиш воситаси бўлиб хизмат қилади. Ҳайвон ўз турига хос бўлган хулқ-атвор тарзига туғма мойиллик билан тавсифланади. Инсонга эса хулқ-атворнинг индивидуал вариативлиги хосдир. Ҳайвонлардан фарқли ўлароқ, у ўзини ҳар қандай тур мезонига мувофиқ тутиши мумкин. Табиий чекланганлик хулқ-атворнинг вариабеллигига имкон бермаган жойда эса инсон сунъий воситачилар – меҳнат қуролларини ясайди ва улардан фойдаланади.

Ҳайвоннинг инсонга айланиши бир лаҳзада ёки тез юз бериши ҳақида гап бўлиши ҳам мумкин эмас. Ҳозирги тадқиқотларнинг маълумотларига қараганда, антропосоциогенез жараёни 3–3,5 млн. йил мобайнида давом этган, бу вақтнинг 95% аниқ инсоний хусусиятларга эга бўлган илк жамоаларнинг шаклланишига кетган. Юксак даражада уюшган ҳайвонлар орасида инсон энг уюшган мавжудотдир деган эволюцион мантиқни антропосоциогенезнинг тушунтирувчи модели сифатида қабул қилинса, унинг олдинги турларга ўхшаш жиҳатларини ва улардан фарқини қайд этиш керак бўлади.

Организм ва табиат ўртасида моддалар алмашинуви ҳар қандай органик мавжудликнинг умумий шарти ҳисобланади. Бу жиҳатдан инсон



п
хам, ҳайвон ҳам моддий муҳит билан табиий-моддий ришталар воситасида боғланади. Табиий муҳитдан зарурий моддий энергияни олиш бош вазифага айланади. Аммо табиий неъматларни ўзлаштириш усулларига кўра инсон ҳайвонлардан сезиларли даражада фарқ қилади.

Биринчидан, ҳайвонлар ва ўсимликлар дунёсида организмлар ва табиат ўртасида моддалар алмашинуви *бевосита* юз беради. Ҳайвон табиат ферментларини айнан қабул қилади. Ҳайвонлар табиий неъматларнинг истеъмолчилари ҳисобланадилар ёки ўзлари бошқа организмлар учун истеъмол объектлари бўлиб хизмат қиладилар. Истеъмол қилинадиган объектларни яратишда улар иштирок этмайдилар ва тайёр озиқ-овқат захираларини еб битириш билангина кифояланадилар.

Иккинчидан, бевосита истеъмол қилиш муносабати жараёни табиий-биологик чегарадан ҳеч қачон четга чиқармайди. Ҳар бир янги истеъмол акти сифат жиҳатидан айна бир жараёни такрорлайди. Мазкур жараён такрорланганда табиатнинг ўзидаги табиий ўзгаришлар (ўсиш, биологик турнинг кўпайиши, табиий муҳитнинг стихияли ўзгаришлари)дан бошқа ҳеч нарса юз бермайди. Ушбу истеъмол актининг охирида дастлабки муносабатнинг икки иштирокчиси – муайян биологик тур ва табиий муҳит ўртасида бирон-бир янги воқелик юзага келмайди. Жараён айна бир маконда, табиий-биологик муносабат доирасида айланади.

Одамларнинг табиий муҳитга бўлган муносабати бутунлай бошқача хусусиятга эга. Аммо бу янги муносабат юзага келиши ва табиий-биологик истеъмол чегараси бузилиши учун ривожланиш жараёнида сакраш юз бериши лозим. Антрополог олимлар мазкур жараёни тадқиқ этган ва археология маълумотларига таянган ҳолда икки сакраш назариясини яратганлар ва шу тариқа «етишмаётган бўғин» муаммосининг ўз ечимини таклиф қилганлар. *Икки сакраш назарияси* антропосоциогенезнинг боши ва охирига мос келади.

Биринчи сакраш меҳнат қуролларини ясашга киришиши, ҳайвонлар босқичидан шаклланаётган одамлар босқичига ўтиши, ижтимоий қонуниятларнинг куртаклари пайдо бўлиши билан, иккинчи сакраш эса – Ното сарпелс (ақлли инсон) вужудга келиши, шунингдек ижтимоий қонуниятлар ўрнатилиши ва одамлар ҳаётига ўз ҳукмини ўтказиши билан боғлиқ.

Шундай қилиб, биринчи босқичдаёқ гап ишлаб чиқариш фаолияти ҳақида боради. Аслида, бу ерда ишлаб чиқариш фаолияти табиатда тайёр ҳолда мавжуд бўлмаган меҳнат қуролларини ясашни, моддий ижод эса идеал, маънавий ижод, тафаккур ва нутқни назарда тутаяди.

Инсон ва табиат ўртасида моддалар алмашинуви ҳайвонлар дунёсидаги каби тўғридан-тўғри ва бевосита эмас, балки бир қанча боғловчи бўғинлар орқали юз беради. Мазкур бўғинлар ижтимоий хусусиятга эга бўлган янги муносабатларнинг бутун бир дунёсини, шу жумладан тақсимлаш ва айирбошлаш муносабатларини, янада ривожланган шаклларда эса – хўжалик ва ҳуқуқий муносабатлар мажмуини яратади. Истеъмол занжирда охириги бўғинга айланади. Ундан олдин қуйидагилар келади: *а) ишлаб чиқариши*



п жараёни, бунда табиат маҳсулотлари инсон эҳтиёжларига мослаштирилади; б) тақсимлаш жараёни: у маҳсулотларни ижтимоий қонунларга мувофиқ тақсимлайди; в) айирбошлаш: у ҳар кимга айнан унга зарур бўлган объектларни етказиб беради; г) истеъмол қилиш: у маҳсулотни ижтимоий айланма ҳаракатдан чиқаради.


Ҳозирги замон фалсафаси онг вужудга келиши замирида хайвоний организмнинг органик танасида қайд этилмаган эҳтиёжни кўрадики, бу ижтимоий эҳтиёждир. Шу туфайли ҳам одамларни хайвонлардан онг, дин ва бошқа белгиларга кўра ажратиш мумкин, уларнинг ўзлари эса, ўзларига керак бўлган тирикчилик воситаларини ярата бошлаганлари заҳоти, ўзларини хайвонлардан ажрата бошлайдилар, деган тезис фалсафада ўзига хос мезон аҳамиятини касб этади.

Ўз-ўзидан ташкил топиш назарияси – синергетика инсон онгининг вужудга келиши муаммосининг янги ва ноанъанавий талқинини тақлиф қилади. Ҳозирги синергетик ёндашув жаҳон тараққиётининг асосий мазмунига анча барқарор бўлган, бир-бири ва атроф муҳит билан бир қанча белгиларга кўра мувофиқлаштирилган янги ташкилий шаклларни яратишни киритади. Ҳар қандай ўз-ўзидан ташкил топиш жараёни табиатда мавжуд имкониятларнигина рўёбга чиқаришга қодир. Антропосоциогенез жараёнини синергетика нуқтаи назаридан талқин қиладиган бўлсак, приматлардан Инсонга ўтиш, яъни бутунлай янги ҳаёт шаклининг вужудга келиши бифуркациянинг одатдаги натижасидир. Бифуркация нуқтаси янги структураларга ўтишни назарда тутувчи «эволюция йўлаги» чегарасини англатади. Эволюция босқичларининг бифуркция нуқталари юзага келувчи чорраҳасида ривожланиш хусусияти бутунлай ўзгаради. Бифуркация ҳеч бўлмаса тармоқлар мавжудлигини, тизим эволюцияси йўналишларининг икки векторлигини назарда туттади. Бошқа траекторияга ўтиш кўп сонли тасодифий таъсирлар – флуктуацияларга боғлиқ бўлади. Бифуркациянинг мазкур чегаравий ҳолати тахминий хусусиятга эга бўлгани боис, у аниқ йўналишли ва орқага қайтариб бўлмайдиган тус олади. Бошқача қилиб айтганда, бундай воқеанинг такрорланиш эҳтимоли нолга тенг бўлади.

Бифуркация механизмларининг мавжудлиги тармоқларидан бири инсон пайдо бўлишига олиб келган эволюция «дарахти»нинг тикланиши умумий манзарасига муайян тузатишлар киритишга мажбур қилади. Зеро ривожланиш жараёнини Дарвин айтган «турларнинг аста-секин, босқичма-босқич такомиллашуви»гина эмас, балки қайта куриш жараёнлари ҳам белгилайди. Мослашиш мезонлари ҳам, бифуркация алгоритмлари ҳам модданинг ўз-ўзидан ташкил топишини амалга оширувчи механизмларнинг одатдаги туркумларини ташкил қилади¹.

Муайян шароитларга оқилона мослашиш имконини берувчи гомеостазисни сақлаб қолишга интилиш шикастли тор ихтисослашув юз беришига олиб келади. Ташқи шароитларнинг аҳамиятсиз ўзгариши тор ихтисослашган бундай шаклларнинг ҳалокатига сабаб бўлади. Антропогенез

¹ Қаранг: Моисеев Н. Человек и ноосфера. – М., 1990. – 47-б.



п
жараёнининг дастлабки босқичларини тавсифловчи эволюция тезлиги мисли кўрилмаган даражада илдамлик билан тавсифланади. Одамлар ўртасидаги табиий танланишда интеллект куртаклари алоҳида аҳамият касб этади. Илк аجدодимиз нимжон ҳайвондан етук ақл ва чидамли нерв системасига эга бўлган кучли ҳайвонга айланади. У ўз ихтиёрида мавжуд бўлган содда предметлардан фойдаланиш билан бир қаторда, янги меҳнат қуролларини яратиш, ўт ёқишни ҳам ўрганишга муваффақ бўлади.

Антропогенезнинг яқунловчи босқичида эволюция тезлиги сезиларли даражада пасаяди. 30–40 минг йил муқаддам инсоннинг биологик тур сифатида ривожланиш жараёни деярли тўхтади. Барча инсонларнинг умумий аждоди – кроманьонлик¹ одам ҳозирги жисмоний типга мансуб одамдан деярли фарқ қилмаган.

Шу даврдан бошлаб инсониятнинг ривожланиш жараёни индивидуал белгиларни эмас, балки ижтимоий белгиларни ўзлаштиришга таянган ҳолда давом этади. Дарвин «триадаси» элементлари – *ўзгарувчанлик*, *ирсият* ва *танланиш* амал қилишда давом этади. Аждодларимиз ўзаро рақобатлашиш жараёнида ўша даврдаги яшаш шароитларига камроқ даражада мослашган қабиладошларини сиқиб чиқарадилар, мазкур шароитларга яхшироқ мослашганларнинг ташкилий ва меҳнат кўникмаларини эса ўзлаштирадилар. Аммо танланиш янги даражага – ижтимоий ҳаёт ташкилоти даражасига кўтарилади. Ривожланиш суръатлари бутунлай бошқа – цивилизацион асосда жадаллашиб боради. Шу тариқа синергетика куйидаги компонентлардан таркиб топган антропосоциогенез моделини асослайди: *биологик эволюция – бифуркация – ижтимоий ривожланиш*.

Л.Мэмфорд таклиф қилган бошқача ёндашув ҳам мавжуд бўлиб, унда антропогенез ривожидида одатлар етакчи роль ўйнаган, деган фикр илгари сурилади. Унинг фикрича, интеллектнинг фаоллигини белгилаш учун техник кўникмаларнинг ўзи кифоя қилмайди. Айнан маросимларни ўтказиш негизида шаклланган муайян амалларни аниқ бажариш одати инсонда қўл меҳнати учун зарурий кўникмалар ҳосил бўлишига олиб келган. М.Маклюэн антропосоциогенезнинг бош омили сифатида алоқа ва мулоқотга эътиборни қаратади. Антропосоциогенез муаммосининг муайян ечимини таклиф қилувчи ёндашувлар мажмуи юқорида зикр этилган концепциялардангина иборат эмас. Мазкур феноменни мантиқий англаб етишдаги қийинчиликлар ва муаммолар шу даражада улкан, аниқ ва рашанки, ҳозирги замон антропологик тафаккури унинг «Антропосоциогенез жумбоклари» деган баландпарвоз ва парадоксал номи билан муросага келган.

Ўзликни англаш ва инсон экологияси уйғунлиги. Персоналистларда жуда қизиқарли бир афоризм бор: «Психологияни ўрганиш – self ни ўрганиш демак. Self ни ўрганиш – self ни унутиш демак. Self ни унутиш – ҳамма нарсани унутиш демак».

¹ Кроманьон – Франциядаги ғор бўлиб, бу ерда одам суяклари биринчи марта топилган.



п

Бинобарин, биз ўз манфаатларимиз соҳасини ўрганишимизга қараб, асосан шахсий мўлжалларимиз чегарасидан четга чиқамиз ва ўзимиздан бошқа нарсаларни, бизни қуршаган муҳитни кўра бошлаймиз.

Инсон экологияси тўғрисида сўз юритганда, инсон популяцияларининг реал турмуш тарзини ўрганишни назарда тутиш лозим. Бу ерда нафақат инсоннинг жисмонийлиги ва у яшайдиган моддий муҳит, балки маънавий ҳам муҳимдир. Аммо, руҳга ҳаёт бахш этиш учун танани ҳам ҳаёт билан таъминлаш керак. Руҳ ва тананинг бир-бирини тақозо этиши ва айни вақтда бир-бирини инкор этиши, ҳар сафар янги ва янги куч билан намоён бўлувчи қарама-қаршилик сифатида, ўз ечимини фақатгина маънавий ва фақатгина жисмоний бўлмаган бошқа бир нарса воситасида топишни тақозо этади. Шу маънода ўз қобилиятларини рўёбга чиқариш муаммоси доим инсон экологиясининг бош муаммоси бўлиб келган. М.Монтень ўз вақтида: «Дунёда энг муҳими ўзликни сақлашдир», деб ёзган эди.


Янги атама – *экософия шахс хулқ-атворини белгилаб, унга ўзликни сақлаш қувончини бахшида этувчи қадриятлар шахсий кодекси ва дунёқарашни англатади.*

Экософиянинг категориялар тизимида ўз қобилиятларини рўёбга чиқариш ва қадриятлар тизимидан ташқари, ўз-ўзини тинимсиз сўроқлаш императиви ҳам киради. Унинг энг етук рефлексив шаклини И.Кантнинг машҳур саволларида кўриш мумкин: «Мен нимани билишим мумкин? Мен нимага умид қила оламан? Мен нима қилишим керак? Инсон нима?». Булар умумий умуминсоний муаммолар рўйхатига киритилган оламшумул саволлардир. Аммо яшаш жараёнида вазиятга қараб муайян саволлар туғилиши ҳам мумкин. Бу ерда ментал ва этник хусусиятлар муҳим аҳамият касб этади.

Менталлик шахсни фикрлаш, сезиш ва муайян тарзда ҳаракат қилишга мажбур этувчи «вақт руҳи»ни тавсифлайди. Ментал таъсир механизмлари анча мураккабдир. Одам боласи дунёни идрок этишнинг шундай бир хусусиятларини она сути билан ҳазм қилади, дастлабки ижтимоийлашув жараёнида жамият ҳаётида мўлжал олишнинг шундай бир ўзига хос кўникмаларини ўзлаштирадики, улар энг ноқулай вазиятда ўзидан нишона бериб қолиши мумкин. Менталлик оқилоналикнинг ялпи назоратига бўйсунмайди, у оқилоналикдан устун ва уни ғоявий жиҳатдан йўқ қилиб бўлмайди.

Мақсадни теран англаш инсоннинг ижобий хислатларини янада кучайтиради, деган тезис эзотеризмнинг дунё ва ўз-ўзи билан уйғун ҳаёт кечириш усули сифатидаги экософия муаммоларига ойдинлик киритувчи энг диққатга сазовор ғоясидир. У.Колин фикрига кўра, кучли истеъдод соҳиби ва оддий одам ўртасидаги фарқ шунда намоён бўладики, истеъдод соҳиби ўз мақсадларини теран англайди, оддий одам эса, мақсадлар тизгинини тинимсиз йўқотади, уларни ҳар соат, деярли ҳар дақиқада ўзгартиради¹. *Мақсадни теран англаш – ҳаётни ўзгартириш, чуқур ўрнашиб қолган*

¹ Қаранг: Калинин У. Оккультизм. – М., 1994. – 50–52-б.



п

одатлар ва феъл-атвор хусусиятларига барҳам беришга қодир кучли дастак. Муайян мақсадга эришишга йўналтирилган онгнинг тўлиқ ўзгариши тўғрисида сўз юритиш мумкин.

Онглилик илмий анъанада ҳам, фалсафий анъанада ҳам, эзотеризм анъанасида ҳам шахс ҳаёт фаолиятининг муҳим унсури сифатида қайд этилади. Эзотеризм анъанасида, шу билан бирга, тозаланган, тубан психизмлардан холи онгга эга бўлиш нақадар муҳимлиги анча ишонарли далиллар билан кўрсатиб берилган. Онг янги имкониятларни идрок этиш, ижод қилиш ва камол топиш учун очиқ. Оддий онг хира чироқ билан ёритилган расмлар кўргазмасига ўхшатилади. Идрок этиш жараёни фаоллашган лаҳзалар, қуёш нури каби, тоза онгда барча ранглари янгича кўз билан кўриш имконини беради. Онглилик тиниқ шуур, фикрнинг ойдинлиги, зийраклик ва оқиллик сифатида талқин қилинади. Онглилик йўл танлаш, уни ўзгартириш ва ўз тақдирини ўзи белгилаш қобилиятини назарда тутати. Эзотериклар оқилона онгга бизни атрофимиздаги ҳақиқий ҳаётнинг тўлиқ таъсиридан асровчи клапан тури сифатида қарайдилар¹.

Психологик жамият асосчиларидан бири Г.В.Х.Мейер онгга спектр сифатида қарашни таклиф қилади. Спектр ўртасида бизга маълум қобилиятлар: кўриш, эшитиш, ҳид билиш, тери орқали сезиш қобилиятлари жойлашган. Спектрнинг қизил четидан пастроқда биз онг иштирокисиз муайян даражада назорат қилишимиз мумкин бўлган органик жараёнлар жойлашган. Спектрнинг бинафшаранг ҳалқаси устида биз деярли тўлиқ инкор этувчи бошқа олий қобилиятлар ётади. Инсон улардан фойдаланишга ҳаракат қилмайди ва шу боис уларга ишонмайди. Аммо оккульт қобилиятлар ҳар бир одамда яширин тарзда мавжуд ва сидқидилдан хоҳлаган одам уларни ривожлантириши мумкин.

Инсон ҳар сафар ўз ахамиятини теран ҳис этганида, у бинафшаранг ҳалқа устида ётган қобилиятларни фаоллаштиради. Инсон моҳияти бефарқлик ҳолатида бўлганида эса (инсон кўпинча бу ҳолатни ўзи хоҳлаган ҳолат сифатида қабул қилади), онгнинг барча имкониятларидан фойдаланилмайди. Ҳар қандай танглик ёки мушкул муаммо соат бонги сифатида янграб, одамни мудроқ уйқудан уйғотади. Инсоннинг «ухлаб ётган» психик қобилиятларини «уйғотиш» муҳим вазифадир. Кўпгина одамлар «ўз ичидаги прожекторни ёқишни ўрганади».

Иродаси кучли одам – сеҳргар образининг прототиби. Сеҳргарлар ва медиаторлар онг остидаги истакни рўёбга чиқариш мумкинлигини англаб етган одамлардир. Мистик – мақсадни топган одам. Унинг вазифаси – ақлнинг фаол ишлашига эришиш ва бунда одатдаги энергия сарфига йўл қўймасликдир.

Ўз қобилиятларини мумкин қадар кенгайтириши учун зарур концентрация даражасига эриша олмаслик инсоннинг асосий муаммоси ҳисобланади. Бунга монелик қилувчи ҳолатлар сифатида онгнинг бўғиқлиги, ҳардамхаёллик, вибрациялар, яъни ички зўриқиш қайд этилади. Бунда оддий,

¹ Ўша ерда. – 67-б.



п психосоматик (кучли рухий ҳаяжонланиш билан боғлиқ), нотривиал (кучли таассурот билан боғлиқ) вибрациялар фарқланади. Сократ таъкидлаганидек “Ўз даражисига етолмаслик жоҳиллик, ўз даражасидан ўтиш эса донишмандлик”дир. Бу инсоннинг доимий равишда ўзининг потенциал имкониятларидан фойдаланиш зарурлигига ишорадир.

Медитация (лот. meditatio – фикрлаш) методи онгни тозалаш воситаси бўлиб хизмат қилади. В.Налимов «Онгнинг спонтанлиги» монографиясида медитацияга бир неча таъриф берган. Медитация – бу ички тажрибамизни кенгайтириш воситаси, ўз-ўзини гипноз қилиш шакли, шахснинг очқлигини кучайтириш усули, онгни семантик бўғиқликдан халос этиш, спонтанликни озод қилишдир.

С.Гроф медитация ҳолатидаги онг имкониятларини тизимга солиб, куйидагиларни фарқлашни таклиф қилди:

- онгнинг вақтда кенгайиши. У чегараларни сезиш, инкарнациядан кейинги тажриба, эволюцион тажрибани ўз ичига олади;

- онгнинг маконда кенгайиши. У бошқа шахслар билан идентификация қилиш, ўсимликлар ва ҳайвонлар билан идентификация қилиш, дунёни англаш, ноорганик материяни англашни ўз ичига олади;

- онгнинг маконда торайиши – айрим орган даражасигача;

- «объектив борлик» чегараларидан четга чиқувчи борликни ҳис қилиш. У бошқа оламларни сезиш тажрибаси ва уларнинг аҳолиси билан учрашувни, мураккаб мифологик сюжетларни идрок этишни, мураккаб рамзларни интуитив тушунишни, универсум Ақлининг онгини идрок этишни, космосдан юқори ва метакосмик бўшлиқни идрок этишни ўз ичига олади.

Майл туғилишининг ақлга мувофиқлигини англаб етиш имконияти қобилиятларни ривожлантиришнинг иккинчи воситаси ҳисобланади.

Нихоят, учинчи омил – бу ўзини мойиллик ҳолатига келтириш қобилиятидир.

Эзотеризмга оид адабиётларда инсон хусусиятларининг куйидаги тўрт таркибий қисмдан иборат деб кўрсатилган:

1. Майл (хоҳиш-ирода) – инсоннинг асосий моҳиятини белгиловчи туйғу.

2. Ниқоб – инсон ўз атрофидагиларга кўрсатиш учун яратувчи ва кўпинча унинг асл моҳиятига зид бўлган юз (қиёфа).

3. Бунёдкор тафаккур – табиий ижодий мойиллик.

4. Само қонунлари томонидан инсон пешонасига ёзиб қўйган тақдир танаси.

Ниқоб ҳам, бунёдкор негиз ҳам икки имкониятга эга. Улар ҳаққоний ёки яширин ифодаланиши мумкин.

Инсон эволюцияси муаммоси унинг қобилиятларини кенгайтириш ва ахлоқий қадриятларини такомиллаштириш соҳасига татбиқан ҳал қилинади. Инсон ўз ички бирлиги, доимий Эгосини англаб етиши лозим. Эволюция йўлидаги биринчи кадам – ўз-ўзини ўрганиш. Бунда салбий эмоцияларга қарши курашиш муҳим аҳамият касб этади. Мазкур кураш



п
жараёнида «инсон ўз ғам-андухларини қурбон келтириши керак». Зеро, токи инсонда салбий эмоциялар мавжуд экан, унинг бирлиги, онги, иродаси ривожлана олмайди. Ўз-ўзини ривожлантириш учун инсон ўзини кузатишни, ўзининг фойдали ва зарарли жиҳатларини фарқлашни ўрганиши лозим. Шахсда юзага келувчи қизиқишлар, худди магнетик марказ каби, инсоннинг ривожланишини йўлга солади ва назорат қилади.

Эзотерикага оид адабиётларда инсон ўз ривожланишининг мазкур босқичида Олам Ибодатхонасининг ғишти сифатида баҳоланади. Моддий тана руҳ учун лаборатория вазифасини бажаради. Бу ерда жон маънавий ўсиш тажрибаларини ўзлаштиради. Етишмаётган билимни олиб, уни рухий энергия кўринишида ўз хужайраларига жойлаштиргач, инсон космик билимлардаги маънавийнинг навбатдаги босқичига кўтарилади. Ўз планетар ривожланишининг эволюциясини яқунлагач, инсон жони дунёвий ҳаёт борлигининг барча зарур тажрибаларини ўзлаштирган юксак маънавийли жонзотга айланади. Инсон манманлик, ҳасадгўйлик, жоҳиллик, ғаразгўйлик, рашк, ёлғончилик каби ва бошқа иллатлардан халос бўлиши керак. Одамзот хайрихоҳлик, меҳрибонлик, бағрикенглик, кечиримлилик, хушчакчақлик каби маънавий фазилатларни ўзига сингдиришга ҳаракат қилиши лозим¹.

Экософия муаммолари доирасига ўлимни енгиш муаммоси ҳам қиради.
У шахс негизини номуайян узоқ муддатга сақлаб қолиш муаммоси сифатида қайта талқин қилинган. Олимларда ҳам, эзотерикларда ҳам катта қизиқиш уйғотиб келаётган бу муаммо ҳозирги илмий мунозараларда ўзининг янги ечимларини топмоқда.

Экософияни анча ёш фан – эниологиянинг энг янги хулосалари ҳам тўлдирмоқда. Энергия-ахборот ўзаро таъсирларининг ҳозирги тизимида ёзилмаган қонунлар мақомига эга бўлган бир қанча қоидалар мавжуд:


1. Энергия-ахборот (ЭА) ўзаро таъсирларининг барча техникалари мутлақ эмас, балки нисбий хусусиятга эга, улар ЭА қобилиятларига эга бўлган, профессионал жиҳатдан яхши тайёрланган, маънавий масъулият ва психик барқарорлик даражаси юқори бўлган одамлар томонидан амалга оширилиши мумкин.

2. Энергия-ахборот ўзаро таъсирларининг амалга ошиш имконияти юз фоиз эмас. У оператор ҳолатига ва Инсон – Ер – Космос системаларидаги ташқи шароитга боғлиқ.

3. ЭА техникалари инсон онги билан боғлиқ бўлгани сабабли, бу онгни деструктив таъсирлардан ҳимоя қилиш зарур. Муҳаббат, эзгулик, меҳрибонлик ҳақидаги гап-сўзлар ўз ҳолича шахс ва жамият психосферасини унинг «табиблари» вайрон этишидан сақлай олмайди. Фақат амалий фаолият, таъбабат соҳасида эса – узоқ муддатли натижалар шахс ва жамият онги ишончли ҳимояланишини кафолатлаш имконини беради².

¹ Қаранг: Древние и современные легенды. – Сочи, 1991. – 67-б.

² Қаранг: Волченко В.Н. Неизбежность, реальность и постижение тонкого мира // Сознание и физическая реальность. – М., 1996. №1-2. – 6-б.




п

Хулоса. Онгга сунъий таъсир кўрсатишнинг барча шакллари ахлоқий ва экологик жиҳатдан рад этилади. Оммавий ахборот воситалари, зўравонликнинг деструктив дастурларидан фойдаланишнинг салбий жиҳати биоэнергия-ахборот ўзаро таъсирларида шахс ва жамият онгини бузишнинг энг хавфли манбаи ҳисобланади. Одатда улардан давлат амалдорлари ёки фуқаролар орасидаги ахлоқсиз шахсларнинг гуруҳлари ўз ғаразли манфаатлари йўлида фойдаланишга ҳаракат қилади.

Тажрибавий амалий матнлар

Ўзликни англаш, экософия, энергия ахборот, Мэмфорд таълимоти, оммавий ахборот воситалари, энергия ахборот, эзотеризм

Қўшимча ва тушунтирувчи матнлар





Само қонунлари томонидан инсон
пешонасига ёзиб қўйган тақдир танаси.

Реферат мавзулари

1. Ўз-ўзини англашнинг маънавий камолот, оилавий барқарорлик ва ватан равнақига ҳисса қўшишдаги роли.
2. Экософия муаммоларининг фалсафий таҳлили
3. Мэмфорд таълимотининг ижтимоий аҳамияти
- 4.

Билим ва кўникмаларни баҳолаш материаллари

1. Онг структурасининг олий элементи нима ?

- A. Тафаккур
 - B. Идрок
 - C. Ирода
 - D. Эмоция
2. Қуйидагилардан қайси бири хотиранинг асосий элементларига кирмайди?
- A. Эслаб қолиш, сақлаш
 - B. Гавдалантириш
 - C. Унитиш
 - D. Барча жавоблар тўғри
3. Тафаккурнинг унга ўз фаолият шакллари тахмин қилиш ва англаб етишга кўмаклашувчи тамойил сифатида қайси тушунча тавсифланади.
- A. Интуиция
 - B. Рефлексия
 - C. Инстинкт
 - D. Эмоция
4. Ўзликни англаш шахснинг дунё қараш қобилиятлар, фел атвор, қизиқишлар каби маънавий элементлари билан бир қаторда қандай жараён таъсирида шаклланади?
- A. Реал воқеа-ходиса
 - B. Сийёсий муҳит



п

- C. Ижтимоий муҳитси
- D. Сиёсий фаолик

5. онгнинг қайси функцияси биринчи даражали ҳамият касб этади?

- A. Ориентацион
- B. Аксиологик
- C. Камуникатив
- D. Акс эттириш

6. Инсон ташқи дунё ҳақида маълумотлар олиш билан бир вақтда уларни ўз эҳтиёжлари ва манфаатлари нуқтаи назарида баҳолайди. Ушбу тариф онгнинг қайси функциясига тегишли?

- A. Аксиологик
- B. Ориентацион
- C. Каменикатив
- D. Акс эттириш

7. Ривожланган цивилизацияларгина амалга оширишга қодир бўлган космосни ўзлаштириш имкониятлари билан Ердан ташқаридаги цивилизациялар фаолиятининг амалда кузатилувчи бирон бир кўринишлари умуман мавжуд эмаслиги ўртасида вужудга келган зиддият нима деб аталади?

- A. Космос сукути
- B. Астросоциологик жумбоқ
- C. Бўш космос
- D. Астрологик баҳс

8. Инсон ва кишилик жамиятининг вужудга келиши тўғрисидаги масала фанда қандай аталади?

- A. Анропология
- B. Биогенетика
- C. Антропосоциогенез
- D. Антропогенез

9. Антрополог олимлар одамларнинг табиий мухитга бўлган муносабати жараёнини тадқиқ этиш натижасида қандай назария яратганлар?

- A. Ўз-ўзидан ташкил топиш назарияси
- B. Мослашиш назарияси
- C. Табиий танланиш назарияси
- D. Икки сакраш назарияси

10. Қандай одам сеҳргар образи прототипи ҳисобланади?

- A. Иродаси кучли одам
- B. Зийрак одам



п

- С. Иқтидарли одам
- Д. Сизги аъзолари кучли одам

11. Онгга спектр сифатида қарашни таклиф қилган психологик жамият асосчиларидан бири?

- А. Х. Мейер
- В. С. Гроф
- С. У. Колин
- Д. М. Монтень

12 Шахсининг хулқ-атворини белгилаб унга ўзликни сақлаш қувончини бахшида этувчи қадриятлар шахсий кодекси ва дунёқарашни англатувчи тушунча?

- А. Бифуркация
- В. Экософия
- С. Инсон экологияси
- Д. Флуктуация

13 М. Маклюэн антропосоциогенезнинг бош омили сифатида нималарга эътиборни қаратади?

- А. Муайян амалларни аниқ бажариш
- В. Алоқа ва мулоқот
- С. Ирсият ва ўзгарувчанлик
- Д. Ирсият ва танланиш

14. Антропосоциогенез жараёни неча йил мобайнида давом этган?

- А. 3-3,5 млн. йил
- В. 2-2,5 млн. йил
- С. 3,5-4 млн. йил
- Д. 1,5-2 млн. йил

15. Бифуркация нуқтасида бошқа траекторияга ўтиш қандай таъсирларга боғлиқ бўлади?

- А. Адаптация
- В. Аттрактор
- С. Флуктуация
- Д. Ижтимоий

16. Антропосоциогенез жараёни синергетика нуқтаи назаридан қандай талқин қилинади?

- А. Ҳар бир янги истеъмол акти сифат жихатидан айна бир жараённи такрорлайди
- В. Организм ва табиат ўртасида моддалар алмашинуви ҳар қандай органик мавжудликнинг умумий шарти ҳисобланади
- С. Приматлардан инсонга ўтиш яъни бутунлай янги ҳаёт шаклининг вужудга келиши бифуркациянинг одатдаги натижасидир
- Д. Инсон ва табиат ўртасидаги моддалар алмашинуви тўғридан тўғри бевосита эмас, балки бир қанча боғловчи бўғинлар орқали юз беради

17. Инсонни биологик тур сифатида ривожланиш жараёни бундан неча минг йил муқаддам тўхтаган?



п

- A. Бундан 20-25 минг й
- B. Бундан 50-60 минг й
- C. Бундан 40-50 минг й
- D. Бундан 30-40 минг й

18. Бифуркация нуқтаси нима?

- A. Янги структураларга ўтишни назарда тутувчи “эволюция йўлаги” чегарасини англатади
- B. Инсон ва кишилик жамиятининг вужудга келиши тўғрисидаги масала
- C. Нарса ва ходисаларнинг ўзаро таъсирлашуви асосида ҳосил бўладиган ҳодиса
- D. Инсон ўзлигининг онг воситасида бошқариладиган Эгодан ташқаридаги қисми

19. “Ўз даражасига етолмаслик жохиллик, ўз даражасидан ўтиш эса донишмандлик”, деган фикрни қайси файласуф айтган?

- A. Платон
- B. Арасту
- C. Кант
- D. Суқрот

20. Қайси метод онгни тозалаш воситаси бўлиб хизмат қилади?

Психосоматик

- A. Медитация
- B. Нотривиал
- C. Семантик

21. Эзотерикага оид адабиётларда инсон ўз ривожланиш босқичида қандай баҳоланади?

- A. Эзгу кадрият сифатида
- B. Олам ибодатхонасининг ғишти сифатида
- C. Хаёт омили сифатида
- D. Эволюцион босқич сифатида

22. “Дунёда энг мухими ўзликни сақлашдир”, деб ким ёзган эди?

- A. М.Монтен
- B. Л. Мемфорд
- C. С. Гроф
- D. Х. Мейер

23. Инсонни ўзини ўзи тинимсиз камол топтиришнинг мухим шarti бу...?

- A. Ўзликни англаш
- B. Жисмоний баркамоллик
- C. Руҳий зўриқиш
- D. Тўғри жавоб йўқ

24. Инсон популяцияларининг реал турмуш тарзини ўрганишни назарда тутувчи йўналиш?

- A. Инсон физиологияси
- B. Инсон психологияси





- C. Инсон экологияси
- D. Инсон антропологияси

25. Онгсиз идроклар-“кичик перцепциялар” ҳақидаги таълимот қайси файласуф ижодида учрайди?

- B. Вундт
- K. Юнг
- Ф. Ницше
- Лейбниц

26 Платон фалсафасида “анамнесис” тушунчаси нимани англатади? Нариги дунёда кўрган нарсаларни бу дунёда эслаётган инсон рухияти холати

- A. Жонда субъектнинг ўзи хаёлига ҳам келтирмайдиган яширин билимлар мавжудлиги
- B. Инсон хулқ-атвори ва фаолиятини бошқариш омили
- C. Хаёлот ёрдамида яратилган образлар

26. Ўзининг юзага келиш усулига кўра онг материя харакати биологик ва ижтимоий шаклларининг махсулидир. Ушбу таъриф онгни тушунишнинг қайси жиҳатига мос келади?

- A. Онтологик жиҳат
- B. Генетик жиҳат
- C. Функционал жиҳат
- D. Тўғри жавоб йўқ

27. Онгни тушунишнинг асосий жиҳатларига қуйидагилардан қайси бири кирмайди?

- A. Онтологик жиҳат
- B. Генетик жиҳат
- C. Функционал жиҳат
- D. Юқоридаги ҳамма жиҳат киради

28. Онг структурасининг олий элементи бу...?

- A. Тафаккур
- B. Сизги
- C. Идрок
- D. Интуиция

29. Онг дунёни акс эттириш билан бир қаторда уни яратади ҳам деган машҳур тезис онгнинг қайси функциясини ўзида ифодалайди?

- A. Ориентацион функция
- B. Аксиологик функция
- C. Ўзгартириш функцияси
- D. Коммуникатив функция




1. Маърузани олиб бориш технологияси

<i>Талабалар сони:</i>	<i>Вақти:</i> 4 соат
<i>Машигулот шакли</i>	Кириш мавзуси бўйича маъруза
<i>Маъруза режаси</i>	1.Ривожланаётган дунёнинг яхлит назарий образини яратишнинг зарурлиги 2.Диалектиканинг тарихий шакллари ва хусусиятлари 3.Нокласик диалектиканинг хусусиятлари
<i>Машигулотнинг мақсади:</i> Ўқув фани ҳақида умумий тасаввурни шакллантириш, ўзаро алоқадорлик ва ривожланиш ҳақидаги таълимот ҳақида тушунча ҳосил қилиш.	
<i>Педагогик вазифалар</i>	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i>
Ривожланаётган дунёнинг яхлит назарий образини яратишнинг зарурлиги ҳақида тушунчалар бериш.	Ривожланаётган дунёнинг яхлит назарий образини яратишнинг зарурлиги ҳақида талабаларга тушунчалар берилди.
Диалектиканинг тарихий шакллари ва хусусиятлари ҳақида тушунча бериш.	Диалектиканинг тарихий шакллари ва хусусиятлари ҳақида талабаларга тушунчалар берилди.
Нокласик диалектиканинг хусусиятлари ҳақида тушунча бериш.	Нокласик диалектиканинг хусусиятлари ҳақида талабаларга тушунчалар берилди.
<i>Ўқитиш усуллари ва техника</i>	Маъруза, «аклий ҳужум», Т-схема, мунозара, муаммоли вазиятлар усули.
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Маъруза матни, тарқатма материаллар, слайдлар, проектор.
<i>Ўқитиш шакллари</i>	Жамоа, тўғридан-тўғри ва гуруҳларда ишлаш.
<i>Ўқитиш шарт-шароити</i>	Техник воситалар билан таъминланган аудитория.
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Оғзаки назорат, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш.

2. Маърузанинг технологик картаси

<i>Иш жараёнлари вақти</i>	<i>Фаолиятнинг мазмуни</i>	
	<i>ўқитувчи</i>	<i>Талаба</i>
I-босқич. Фанга ва мавзуга кириш. (20 минут)	1.1. Ўқув фани номини айтиб, фан доирасида дастлабки умумий тасаввурни беради ҳамда услубий ва ташкилий томонлари билан таништиради.	Тинглайдилар.
	1.2. Фан бўйича ўтиладиган барча мавзулар билан таништиради, уларнинг узвийлиги ҳақида қисқача маълумот беради.	Тинглайдилар.
	1.3. Фан якунида қўйиладиган рейтинг баҳолаш мезонлари билан таништиради	ЎУМ га қарайдилар.
	1.4. Фанни ўзлаштиришда фойдаланиш учун	ЎУМ га қарайдилар.



П

	зарур бўлган адабиётлар рўйхати билан таништиради.	
	1.5. Ўқув машғулоти мавзуси билан таништиради ва унинг мақсади, ўқув фаолияти натижаларини баён қилади.	Мавзу номини ёзиб оладилар.
	1.6. Мавзу юзасидан ақлий ҳужум қоидаси асосида дарс ўтказишни таклиф этади. Талабалар томонидан айтилган фикрларни ёзиб боради ва умумлаштиради	Тушунчаларни эркин фикр орқали билдиради.
II-босқич. Асосий (50 минут)	2.1. Мавзу режаси ва таянч тушунчалар билан таништиради.	Тинглайдилар.
	2.2. Маърузани режа бўйича тушунтиради, ҳар бир режани ниҳоясида умумлаштиради. Жараён компьютер слайдларини намойиш қилиш билан олиб борилади	Тинглайдилар. Слайдга эътибор қаратади, уни ўзига ёзиб олади ва саволлар беради.
	2.3. Ҳар бир режани мустаҳкамлаш учун қуйидагича саволлар беради: 1. Ривожланаётган дунёнинг яхлит назарий образини яратишнинг зарурлиги? 2. Стихияли диалектика? 3. Диалектиканинг муқобиллари?	Саволларга жавоб берадилар, эркин баҳс-мунозара юритадилар.
	2.4. Таянч ибораларга қайтилади. Талабалар иштирокида улар яна бир бор такрорланади.	Ҳар бир таянч тушунча ва ибораларни муҳокама қиладилар. Конспект қиладилар.
III-босқич. Яқуний босқич. (10 минут)	3.1. Т-схема техникасидан фойдаланилган ҳолда жуфт-жуфт бўлиб ишлаш учун тингловчиларга: ўзаро алоқадорлик ва ривожланишга оид савол ёзилган тарқатма материаллар тарқатади. Ушбу техника орқали мавзу бўйича яқунловчи хулоса қилади.	Мустақил Т-схемани тўлдирадилар. Эркин фикрини баён этади.
	3.2. Талабаларнинг фаолиятига баҳо қўйилади ва рағбатлантирилади.	Эшитади.
	3.3. Келгуси машғулотга тайёргарлик кўриш учун топшириқлар ва фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати берилади.	Эшитади ва ЎУМ га қарайдилар.



РИВОЖЛАНИШ ФАЛСАФАСИ


ЎЗАРО АЛОҚАДОРЛИК ВА РИВОЖЛАНИШ ҲАҚИДАГИ ТАЪЛИМОТ

Ахборот цивилизацияси даврига қадам кўяётган инсон учун жадал суръатларда ўзгараётган дунё ҳақидаги тасаввур дунёқарашнинг ажралмас таркибий қисмидир. Аммо ривожланаётган дунёнинг яхлит назарий образини яратиш – оғир ва машаққатли вазифа. Уни ечишнинг фалсафий йўли икки ярим минг йил муқаддам бошланган бўлиб, шундан бери ўтган давр мобайнида ривожланиш фалсафаси шаклланган ва босқичма-босқич атрофлича ишлаб чиқилган. Фалсафанинг мазкур бўлими ривожланиш муаммосини турли нуқтаи назарлардан ўрганувчи концепцияларни ўз ичига олади. Уларнинг орасида диалектика, метафизика ва синергетика алоҳида ўрин эгаллайди. Диалектикани билиш, унинг тамойиллари, қонунлари ва категорияларидан ижодий фойдаланиш ҳар қандай соҳа мутахассиси аниқ дунёқараш ва методологик интизомининг муҳим шарти ҳисоблангани учун бу бўлимда асосий эътибор диалектикани ўрганишга қаратилади.

Диалектиканинг тарихий шакллари ва хусусиятлари. «Диалектика» (юнон. *dialektike* – суҳбат қуриш санъати) сўзининг «диалог» сўзи билан умумий жихатлари бисёр. Дастлаб диалектика баҳслашиш, мунозара қилиш санъати сифатида тушунилган, бунда фикрлар, қарашлар қарама-қаршилиги воситасида ҳақиқатнинг тагига етиш мақсадида муаммони ўзаро манфаатдор муҳокама қилишга қаратилган мунозара назарда тутилган. Диалектик – бу савол бериш ва жавоб қайтаришга уста одам, деб ҳисобланган.

Стихияли диалектика. Қадимги мутафаккирлар зиддиятчилик ва ўзгарувчанлик фикр-мулоҳазалардагина эмас, балки реал борликда ҳам мавжудлигини таъкидлаганлар. Хусусан, *Гераклит* дунёни «жонли олов» ёки «икки марта кириш» мумкин бўлмаган дарё оқими сифатида тасаввур қилган. *Ҳаракатчан дунёда вақт ўтиши билан ҳамма нарса ўзининг дастлабки шакл-шамойилини йўқотади ва аста-секин ўзининг қарама-қаршилигига ўтиши стихияли диалектикадир*: хўл нарса қурийди, қуруқ нарса эса нам тортади; бир нарса бошқа нарсага: совуқ иссиққа, тирик ўликка ўтади. Бу мулоҳазаларда замонавий диалектиканинг асослари мужассамлашган. Шу сабабли қадимги файласуфларнинг стихияли диалектикасини диалектиканинг тарихан биринчи шакли деб ҳисоблаш мумкин. *Бу борлиқ ва билишнинг жараёнлар моҳиятини англаб етишга асосланмаган содда диалектикадир.*

Ўрта асрларда метафизика фалсафадан диалектикани сиқиб чиқарган. Натижада диалектика одамлар онгига диний дунёқарашни сингдириш ва



п мустаҳкамлаш учун ҳукмрон синфлар фаол фойдаланган софистика ва схоластикага айланган.

Идеалистик диалектика. Метафизика унсурларини ўз ичга олган диалектикага қайтиш Янги давр фалсафаси (*Рене Декарт, Бенедикт Спиноза, Дени Дидро* ва б.)да юз берган. Шунга қарамай диалектиканинг энг яхлит концепциясини немис классик фалсафасида *Георг Гегель* таърифлаган. Бу концепция диалектиканинг иккинчи шакли деб аталади.

Гегель илк бор дунёни куйидан олийга қараб боровчи умумий ривожланиш жараёни сифатида тасвирлаган, ривожланиш манбаи - қарама-қаршилиқлар курашини кўрсатиб берган, диалектиканинг асосий қонунлари ва категорияларини таърифлаган. Аммо идеалистик *Гегель диалектикаси* идеалистик хусусият касб этган. *Идеалистик диалектикада дунёнинг асоси объектив борлиқ эмас, балки уни акс эттирувчи тафаккур хизмат қилади.* Бу назария чуқур диалектика ғоялари: геологияга татбиқан ривожланиш назарияси (*Ч.Лойель*), *Ламаркнинг* эволюцион ғоялари, *Кант – Лаплас* космологик ғоялари ва бошқалар илгари сурилган табиатшунослик асосларига зид бўлган.

Материалистик диалектика. Гегель диалектикаси диалектиканинг навбатдаги шакли вужудга келишига замин ҳозирлаган. Материализмнинг диалектик мантиқ билан боғлиқлигига ҳақидаги таълимот *диалектиканинг учинчи тарихий шаклидир* (XIX асрнинг иккинчи ярми). Унга амалда илмий билишнинг ривожланиши йўл очиб берган. XIX асрнинг 40-йилларигача фаннинг турли соҳаларида янги кашфиётлар пайдо бўлган ва улар табиатни тушунтиришга нисбатан диалектик-материалистик ёндашувни табиатшунослик нуқтаи назаридан асослаган. *Уларнинг орасида уч кашфиёт: физикада – материя ҳаракати турли шакллариинг ўзаро алоқасини асослаб берган энергиянинг сақланиши ва ўзгариши қонунининг аниқланиши; биологияда – бутун жонли табиатнинг (ўсимликлар дунёсининг ҳам, ҳайвонот дунёсининг ҳам) таркибий жиҳатдан ягоналигини ёритиб берган ҳужайра назариясининг яратилиши; ривожланиши гоёсини жонли табиатга татбиқан ишлаб чиққан Дарвиннинг эволюция назарияси* алоҳида ўрин эгаллайди. Бу шароитда материалистик диалектика борлиқнинг ўхшаши, яъни борлиқни унинг ўзига мос равишда фикрлаш ва билиш имконияти сифатида фалсафий тафаккурнинг фанга айниқса мос келувчи шаклига айланган.

Диалектиканинг тарихий шаклини яратишда тарихни материалистик тушуниш айниқса муҳим рол ўйнаган. Бу кашфиёт ёрдамида диалектиканинг нафақат материализм, балки гуманизм билан ҳам синтези амалга оширилган. Диалектика инсонга боғланмасдан, ўз ҳолича эмас, балки инсон ҳаёт фаолиятининг конкрет-тарихий муаммолари нуқтаи назаридан қарала бошлаган.

Классик диалектика. *Классик диалектиканинг ўзига хос хусусиятларини қайд этиб ўтамиз. Биринчидан, классик диалектика дунёни тушунишнинг шундай бир усулики, бунда борлиқ нарсалар ва ҳодисаларнинг умумий ўзаро алоқаси, уларнинг бир-бирини тақозо этиши ва муттасил ўзгариши нуқтаи назаридан англаб етилади. Аммо шунини ёдда тутиши*



п

керакки, диалектика ҳар қандай ўзгариш, ҳар қандай ҳаракат назарияси эмас, балки ўзгаришларнинг фақат бир шакли – ривожланиш назарияси ҳисобланади. Диалектика ривожланишнинг теран, тўлақонли ва мазмунан бой назариясидир. У ўзгариш ҳолатида бўлмаган бирон-бир нарса табиатда ҳам, жамиятда ҳам, тафаккурда ҳам мавжуд эмас, чунки барча мавжуд нарсалар ўз ички зиддиятларига эга ва улар бу нарсаларни ўзгаришга, янги шакл-шамойил касб этишга, ривожланишга мажбур қилади, деб ўргатади.

Иккинчидан, диалектика объектив ва субъектив диалектиканинг мавжудлигини тан олади.

Объектив диалектика – бу табиий ва ижтимоий ҳодисаларнинг ўзаро боғланиши ва ривожланиши. У субъектдан, инсон ва инсониятдан қатъий назар мавжуддир. Субъектив диалектика – бу субъектнинг фикрлаш диалектикаси ва унинг объектив дунёни билиши. Объектив ва субъектив диалектиканинг ўзаро нисбати қандай? Материалистик нуқтаи назаридан субъектив диалектика объектив диалектикани акс эттиради. Объектив ва субъектив диалектика мазмунан бир-бирига мос келади (уларнинг умумий жиҳати мазмун – борлиқ ривожланишининг ягона диалектик қонунияти). Бирок, шу билан бир вақтда, улар шаклан бир-биридан фарқ қилади, чунки тафаккур, борлиқнинг бошқа соҳалари билан таққослаганда, ривожланишнинг ўз ички мантиғига эга. Объектив диалектика тафаккурда, субъектив ва идеал шаклларда акс этади.

Объектив ва субъектив диалектика - қарама-қаршиликлар, лекин бу қарама-қаршилик ижтимоий-тарихий амалиётда «йўқолади». Ҳамонки субъектив диалектика объектив диалектикани акс эттирар экан, инсон объектив диалектикани билиш ва шунга мувофиқ ўзининг изчил амалий фаолиятини ташкил этиш, бу фаолият жараёнида объектив дунёни ва ўзини ўзи ўзгартиришга қодир. Инсон ва жамият амалиётида билимлар инъикос шаклидан фаолият шаклига айланади.

Учинчидан, фан сифатидаги диалектиканинг ички мазмуни ва мантиқий «синчи» унинг тамойиллари, қонунлари ва категорияларини яратади. Диалектика жамулжам ҳолда объектив дунёни ва уни узлуксиз ўзгариш ва ривожланиш жараёнида билишни акс эттирувчи тамойиллар, қонунлар ва категориялар тизими сифатида тавсифланади. Бунда тамойиллар деганда умумий ва универсал, асосий ғоялар тизимида бошқа барча элементларнинг роли ва мазмунини белгиловчи мезонлар тушунилади. Диалектиканинг ҳозирги концепцияларида алоқа тамойили ва ривожланиш тамойили айниқса муҳим рол ўйнайди. Диалектика қонунлари ривожланиш жараёнидаги умумий муҳим алоқаларни акс эттиради. Улар диалектиканинг назариясини яратишда муҳим методологик функцияни бажаради. Диалектикада умумий қонунлар: диалектик зиддиятчилик қонуни, миқдор ва сифат ўзгаришларининг бир-бирига ўтиши қонуни ҳамда инкорни-инкор қонуни кабилардир. Диалектика категориялари – бу энг фундаментал, асосий тушунчалар бўлиб, уларнинг ёрдамида фалсафий фикрлаш амалга оширилади. (Диалектика тамойиллари, қонунлари ва категорияларини биз куйида атрофлича кўриб чиқамиз.)



п

Тўртинчидан, диалектиканинг ўзига хос хусусияти шундаки, у назария вазифасини ҳам, методология вазифасини ҳам бажаради. Диалектика қонунлари, категорияларининг мазмунига ва билиш жараёнининг амал қилиш ва ривожланиш қонуниятларига мувофиқ фикрловчи субъектга қўйиладиган тегишли талаблар шакллантирилади ва шу тариқа унга билиш фаолиятида йўл кўрсатилади. Кўрсатилган субъект борлиқни билиш ва амалда ўзгартириш масалаларида амал қилиши лозим бўлган тегишли нормалар ва қоидалар ҳам ишлаб чиқилади. Диалектика берган методологик жиҳатдан тўғри мўлжаллар тадқиқотнинг тўғри йўлини танлашга, кўп сонли хатолар оғишларни четлаб ўтишга, ортиқча иш, кераксиз ҳаракатларга куч ва қимматли вақтни беҳуда сарфламасликка ёрдам беради.

Шундай қилиб, **ҳозирги талқиндаги диалектика - бу:**

а) *ҳодисаларнинг уларга хос бўлган зиддиятлар вужудга келиши, ўзаро таъсирга киришиши ва ечилишига мувофиқ ривожланишидан иборат бўлган объектив жараён;*

б) *табиат, жамият ва тафаккурнинг ҳаракат ва ривожланиш универсал қонунлари ҳақидаги фалсафий концепция; дунёни билиш ва ўзгартириш методи. Унинг тизимига кирувчи ривожланишнинг умумий қонунларини билиш ўтмишини англаб етиш, ҳозирги дунёда юз бераётган жараёнларни тўғри тушуниш ва келажакни башорат қилиш имконини беради.*

Ноклассик диалектика. Сўнги йилларда айрим тадқиқотчилар Гегель диалектикаси ва материалистик диалектикани классик диалектика сифатида тавсифлаб, диалектиканинг тўртинчи, ноклассик шаклини ҳам фарқламоқдалар. Ҳозирги замон Ғарб фалсафасида диалектиканинг кўрсатилган шаклининг энг муҳим элементлари фалсафий мушоҳада юритишнинг унга хос бўлган герменевтик усулида намоён бўлмоқда. Аммо бу ерда диалектик метод аввало мазмунни талқин қилиш воситасида аниқлаш учун (*П.Рикер*), шунингдек англаб етилаётган объектни вазиятли таҳлил қилиш учун қўлланилади. Аммо XX асрда диалектиканинг бир қанча ноклассик концепциялари вужудга келди. Уларнинг қаторига қуйидагилар киради:

а) *«фожеий диалектика» ҳозирги замон диалектикаси ҳозирги давр жамияти тараққиётдан инсоният манфаатларида фойдаланишига қодир эмас* деган ғояга асосланади Унинг муаллифи француз файласуфи *Раймон Арон* (1905-1983)

б) *«диалектик теология» ёки «инқироз теологияси».* Унинг муаллифлари швейцариялик протестант теологи ва файласуфи *Карл Барт* (1886-1968) ва немис-америка христиан теологи *Мауль Тиллих* (1886-1965). Уларнинг креационистик таълимоти дунёнинг ривожланиши *замирида бу дунёни қандайдир гайритабиий қурилиш материали – материядан яратган илоҳий субстанция ётади, деган ғоядан келиб чиқади.* Шу сабабли дунё «Худо каби боқий» эмас, унинг боши ва охири бор. Аммо бу яратилган дунё Худо билан бирон-бир умумий жиҳатга эга эмас, деган маънони англамайди. Уларнинг ўртасида муайян ўхшашлик мавжуд бўлиб, у



п
пировард, яратилган нарсаларнинг ривожланиш йўллари тушуниб етиш имконини беради;

в) **«салбий диалектика»**. (*Теодор Адорно* 1903-1969 ва *Жан Поль Сартр* 1905-1980). Т.Адорно – немис файласуфи, социологи, Франкфурт мактабининг вакили, кўп сонли фалсафий асарлар, шу жумладан «Салбий диалектика» (1966) китобининг муаллифи. Ж.П.Сартр – француз файласуфи ва ёзувчиси, атеистик экзистенциализм вакили. У фалсафа муаммоларига бағишланган бир қанча асарлар, шу жумладан «Диалектик ақл танқиди» (1960) китобининг муаллифи. Унинг талқинида диалектика икки шаклда – «танқидий» ва «догматик» шаклларда мавжуд бўлиши мумкин. Биринчиси «салбий диалектика»дир.

«Салбий диалектика» бир ёқлама, субъектив концепция бўлиб, у инкорни мутлақлаштиришдан, бутун борлиқнинг умумий бузилишидан, яъни критицизмдан, ҳар қандай ижобийликни рад этишдан, ўзини ўзи инкор қилишдан келиб чиқади ва шу боис метафизика чегарасидан четга чиқмайди. «Салбий диалектика» - бу, моҳият эътибори билан, аксилдиалектикадир.

Диалектиканинг муқобиллари. Одатда ривожланишнинг диалектикага зид бўлган ёки унга ўхшамайдиган концепциялари, билиш методлари, дунёни маънавий ўзлаштириш усуллари, яъни диалектикадан фарқ қилувчи дунёқарашга доир ва методологик мўлжаллар диалектиканинг муқобилидир.

Метафизика диалектиканинг шундай муқобилларидан бири ёки фикрлашнинг метафизик методидир. Шу жиҳатдан метафизика аксилдиалектика сифатида қаралади. «Аксилдиалектика» маъносидаги «метафизика» атамасини фалсафага XIX асрда *Георг Гегель* киритган.

XVII-XVIII асрларда илмий билимнинг аксарият тармоқлари илмий далиллар йиғиш даражасида бўлган. Аксарият ҳолларда дунё турли-туман, ўзгармас нарсалар ва такрорланувчи жараёнларнинг механик тўплами сифатида тасаввур қилинган. Бу нарсалар ва жараёнлар ўртасидаги боғланишлар доим ҳам теран асосланмаган. Оламнинг ичдан зиддиятлилиги ҳақидаги тасаввур кўп жиҳатдан йўқолган, қарама-қаршилиқлар ё инсон тафаккурининг норасолиги, ё айрим нарсалар тўқнашуви сифатида анланган. Ривожланиш ўзгармас нарсалар ва жараёнларнинг айланма ҳаракати сифатида тушунилган. Математик билимнинг раванқ топиши олимлар эътиборини табиий ҳодисаларнинг сифат жиҳатидан ўзига хослигига эмас, балки асосан уларнинг миқдор жиҳатига қаратишга даъват этади. Шундай қилиб, қадимгилар диалектикаси ўрнини маълум даражада диалектиканинг муқобили сифатида тушуниладиган «метафизика» эгаллайди. Шунини таъкидлаш лозимки, «метафизика» атамаси одатда ё фалсафа синоними сифатида, ё фалсафа бўлими -онтология сифатида тушунилади.

Марксистик анъанада «метафизика» атамаси салбий маъно касб этди: догматизм, тафаккурнинг торлиги, эски, қотиб қолган қарашларга содиқлик сифатида талқин қилинди. Янги давр фалсафаси ва фанининг мазкур тавсифи ҳақиқатга унча мос келмайди, зеро Янги давр илмий билими фалсафий



п тафаккур таркибидан унинг ажралмас қисми сифатида ўрин олган тушунчалар аппаратини яратди. Ломоносов – Лавуазье модда ва ҳаракатнинг сақланиши ғояси; Г.Лейбниц таърифлаб берган ривожланиш ғояси; Ньютон классик механикасидаги масса, инерция ва ҳаракат, марказга интилувчи ва марказдан қочувчи кучлар тушунчалари; табиатдаги турли-туман алоқаларнинг ўрганилиши; детерминизм тамойилининг асосланиши; механик ҳаракат диалектикаси; Ер эволюцияси ҳақидаги тасаввур; табиатга нисбатан тарихий ёндашувнинг назарий аҳамиятини намойиш этган Қуёш системасининг пайдо бўлиши ҳақидаги Кант – Лаплас гипотезаси; организм ва муҳитнинг бирлиги тамойилининг асосланиши – ўша давр фани ютуқларининг тўлиқ бўлмаган рўйхатидир. Шу сабабли Янги давр ва Маърифат даври фалсафаси диалектика тамойилларидан бутунлай воз кечиш даври эмас, балки диалектика ривожланишининг ўзига хос ва анча етук босқичи ҳисобланади.


Диалектика ва метафизиканинг ривожланишнинг икки концепцияси ва билишнинг икки методи сифатида муқобиллиги қуйидагиларда намоён бўлади:

а) *нарсалар ва ҳодисаларнинг алоқаларини тушунишда*. Диалектика ҳодисаларнинг ўзаро алоқаси ва бир-бирини тақозо этишини тан олади, метафизикага нарсалар ва ҳодисаларнинг айрим элементлари, хоссаларини бир-биридан ажратиш ва уларни алоҳида-алоҳида нарсалар сифатида идрок этиш хос. Шу сабабли метафизикада бевосита, сиртдан аниқ-равшан бўлган ўзаро алоқаларгина акс этади, теран, ички ўзаро алоқалар эса эътибордан четда қолади;

б) *ривожланишнинг манбаи ва ҳаракатлантирувчи кучларини тушунишда*. Диалектика ҳаракат ва ривожланишнинг манбаини нарсалар ва ҳодисаларнинг ички зиддиятларида, қарама-қаршиликларнинг бирлиги ва курашида кўради. Метафизика ривожланишнинг ички манбаи – ўз-ўзини ривожлантиришни рад этади. Табиат ва ривожланишнинг сабабини у қандайдир ташқи сабабда кўради, яъни уни нарсалар ва ҳодисалардан ташқарида топади;

в) *ривожланишнинг хусусиятини, эски сифатдан янги сифатга ўтиш «механизми»ни тушунишда*. Диалектика нуқтаи назаридан, миқдор жиҳатидан аста-секин ва сифат жиҳатидан сакраш йўли билан содир бўладиган ривожланиш ана шундай «механизм»дир. Метафизика ривожланишга ё сифатнинг «сакраши» деб, ё фақат айни бир нарсанинг миқдор жиҳатидан ўсиши деб, фақат камайиш ёки кўпайиш деб, айни бир ҳолатларнинг такрорланиши деб қарайди;

г) *ривожланишнинг йўналишини тушунишда*: бутун борлиқнинг ривожланиши тўғри чизик бўйлаб юз бераптими, айлана бўйлабми ёки бошқа йўлданми? Маълумки, диалектика ривожланиш спиралсимон тарзда юз беришидан келиб чиқади, чунки ривожланиш жараёнида такрорлар, ортга қайтиш, бўлган нарсани юқорироқ даражада гавдалантириш юз беради. Метафизика бу ерда ҳам бир ёқлама позицияни эгаллайди, ҳар қандай ривожланишнинг ё умумий юксалишини, ё умумий таназзули (регресс)ни, ё



п айланма, турғун хусусиятини мутлақлаштиради ва шу тариқа уни амалда рад этади;

д) *билиш методини тушунишда*. Диалектика нуқтаи назаридан, нарсани билиш учун унинг барча томонлари ва алоқаларини қамраб олиш, уларни ўрганиш зарур. Нарса унинг ривожланиши, ўз-ўзидан ҳаракатланиши, ўзгариши нуқтаи назаридан қаралиши лозим. Метафизикага бир ёқламалик, юзакилик, англаб етилаётган объектни мутлақлаштириш, уни схемалаштириш хос.

Шундай қилиб, *метафизика – дунёни шундай бир тушуниш ва фикрлашнинг шундай бир усулики, бунда нарсалар ва ҳодисаларнинг ўзаро алоқалари ва ўзаро таъсирлари эътиборга олинмайди ёки уларга юзаки қаралади, ривожланиш жараёни эса аввало объектларнинг сифат ўзгаришларисиз, миқдор жиҳатидан кўпайиши сифатида талқин қилинади*.

Догматизм. *Метафизик фикрлаш усулининг жонли воқелик таҳлилини қотиб қолган, ўзгармас формулалар билан алмаштириш хос бўлган кўринишларидан бири догматизмдир* (юнон. *dogma* – амалиётга боғламасдан, нотанқидий қабул қилинувчи қоида). Бу билимларни ўзлаштириш ва амалга татбиқ этиш усули бўлиб, унда у ёки бу таълимот ёинки қоида тугалланган боқий ҳақиқат сифатида, ҳаётнинг муайян шароитларини ҳисобга олмасдан қўлланиладиган догма сифатида идрок этилади. *Догматизм ўзгармас формулалардан, билишнинг ривожланиши жараёнида бойиши мумкин бўлмаган билимлардан келиб чиқади*. Ҳамонки муайян ҳақиқат мавжуд экан, у догматизмга мувофиқ ҳар қандай ҳолат, ривожланишнинг ҳар қандай шароити учун тўғридир.

Релятивизм (лот. *relativus* – нисбий). *Релятивизм борлиқнинг муттасил ўзгарувчанлиги ҳақидаги тезисдан келиб чиқади ҳамда нарсалар ва ҳодисаларнинг турғунлигини рад этади*. Догматизм мутлақ ҳақиқатнинг конкретлигини эътиборга олмасдан, унинг аҳамиятини ошириб кўрсатишга асосланса, релятивизм, аксинча, нисбий ҳақиқатнинг мутлақлигини рад этиб, унинг аҳамиятини ошириб кўрсатади. Албатта, бу ерда релятивизм ҳақиқатни метафизик талқин қилишнинг тур хили сифатида амал қилади. Шундай қилиб, релятивизм билиш назарияси сифатидаги диалектика билан узвий боғлиқ ва бунда – унинг муқобили.

Софистика ҳам диалектиканинг муқобили ҳисобланади, чунки у метафизиканинг тур хили сифатида амал қилади. *Софистика* (юнон. *sophistal* – мантиқ қонунларини атайлаб бузишга асосланган фикр) *мавжуд назарий қоидаларни сақлаш ёки нарсаларнинг мавжуд тартибини оқлаш учун далиллар, воқеаларни субъективистик талқин қилишга асосланган далиллаш тарзида намоён бўлади*. Софистика ўз концепцияларида турли мантикий хатолардан, сохта тушунчалардан, хулосаларнинг нотўғри шаклларида, шунингдек сўз ўйинларидан, тушунчаларнинг кўп маънолилигидан фойдаланади. Далилларни манипуляция қилиш софистиканинг айниқса кенг тарқалган тури ҳисобланади. Унинг ёрдамида исталган нарсани исботлаш мумкин. Ҳозирги вақтда софистикадан шўро жамияти тарихида хатолардан бошқа нарсани мавжуд эмаслигини исботлаш



п
учун кенг фойдаланилмоқда. Мазкур ёндашувнинг метафизик хусусияти аниқ-равшан кўриниб туради, ахир бундай ёндашув бир ёқлама, демак диалектикага зид.

Софистикани танқид қилганда шуни эътиборга олиш лозимки, у онг эскирган қоидаларининг илмий танқиди шаклланишига кўмаклашиб, фаннинг ривожланиш тарихида ижобий рол ҳам ўйнаган.

Эклектика (юнон. *eklego* – танлайман) - қарама-қарши концепциялардан принципсиз ўзлаштирилган турли жинсли, ўзаро мос келмайдиган элементларни бир таълимотда механик бирлаштириши; контекstdан юлиб олинган далиллар, таърифлар, иқтибослар ва шу кабилардан муайян бир ёқлама мақсадда фойдаланиши ва уларни бузиб талқин қилиши. Эклектика – бу, таъбир жоиз бўлса, «қоришма», шу боис у ривожланиш назарияси ҳам, билиш назарияси ҳам, метод ҳам, дунёқараш ҳам ҳисобланмайди. Эклектиканинг хавфлилиги шундаки, унга баъзан диалектика никоби кийдирилади.

Диалектиканинг муқобиллари орасида синергетика алоҳида ўрин эгаллайди.

Синергетика. XX асрнинг 70-йилларида немис файласуфи Ганс Хакен синергетика тушунчасини илмий муомалага киритди. Синергетика билим соҳаси сифатида шаклланишида *Борис Белоусов* ва *Андрей Жаботинский* каби олимлар ўтказган экспериментлар айниқса муҳим рол ўйнади. Уларга таяниб, *Илья Пригожин* бошчилигидаги «бельгия мактаби» кимёвий жараёнлар синергетикасининг термодинамиканинг номутаносиблиги ғояларига асосланган биринчи ночизикли моделини яратди.

*Синергетика (юнон. *synergein* – умумий, мувофиқ тарзда ҳаракат қилувчи) – объекти физик, кимёвий, биологик, экологик ва бошқача табиатга эга бўлган очиқ тизимлардаги ўз-ўзини ташкил қилиши жараёнлари бўлган тармоқлараро тадқиқотлар йўналиши.* Термодинамик мутаносибликдан узоқ бўлган бундай тизимларда ташқи муҳитдан келувчи энергия ва модда окими ҳисобига номутаносиблик яратилади ва қувватланади. Бунинг натижасида элементлар ва кичик тизимлар ўзаро таъсирга киришади ва бу уларнинг ўзаро мувофиқ хулқ-атвориға, янги барқарор тузилмалар яратилишиға ва ўз-ўзини ташкил этишға олиб келади. Илгари сурилган ўз-ўзини ташкил этиш концепцияси материянинг ўз-ўзидан ҳаракатланиш ва ўз-ўзидан ривожланиш тамойилиға табиий-илмий аниқлик киритди. Материяға ташқи куч билан ҳаракатға келтирилувчи қотиб қолган масса сифатида ёндашадиган классик механикадан фарқли ўлароқ, синергетика муайян шароитларда ноорганик табиатға эга бўлган тизимлар ҳам ўзини ўзи ташкил этишға қодир эканлигини намойиш этади. Мутаносиб термодинамика тизим энтропияси (яъни хаос, тартибсизлик)нинг кўпайиши томонғагина эволюцияни тан олса, синергетика *флуктуациялар*, яъни тизим ўзининг қандайдир ўртача ҳолатидан оғиши орқали тартибнинг вужудға келиши механизми ғоясини илк бор илгари суради. Флуктуациялар номутаносиблик ҳисобига кучайиб боради, олдинги структураға путур етказади ва янги



п
структура пайдо бўлишига олиб келади. Шу тарика тартибсизликдан тартиб
вужудга келади.

Ўзини ўзи ташкил этувчи жараёнларга диалектик зиддиятлар: беқарорлик ва барқарорлик, тартибсизлик ва тартиб хос. Ўзини ўзи ташкил этишнинг умумий тамойиллари амал қилишига қараб синергетиканинг ночизиқ хусусиятга эга бўлган, сифат ўзгаришларини ҳам ҳисобга оладиган янада мукамалроқ моделлари яратилиши мумкин. Синергетика реал структуралар ва системалар ҳамда улар билан боғлиқ бўлган ривожланиш жараёнларининг динамик хусусияти ҳақидаги тасаввурга аниқлик киритади, материя эволюциясининг ҳар бир босқичида ўзини ўзи ташкил этувчи тизимларнинг тартиблигиги ва иерархиявий мураккаблик даражаси ортишини акс эттиради. Унинг натижалари жонли ва жонсиз материя ўртасидаги алоқаларни аниқлаш, шунингдек Ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши жараёнларини ёритиш учун улкан аҳамиятга эга.

Синергетика гуманитар фанлар методологияси, хусусан фалсафа сари янада кенгроқ йўл очмоқда. Фалсафага номутаносиблик, беқарорлик, бифуркация, фазавий ўтишлар, ночизиқлик, кичик таъсирлар, аттракторлар каби тушунчалар кириб келмоқда. Синергетика дунёнинг вужудга келиш асосларидаги зарурий (қонуний, белгиланган) ва тасодифий омиллар, жиҳатлар ҳақидаги тасаввурни бутунлай ўзгартирувчи янги дунёқараш сифатида намоён бўлишга ҳаракат қилмоқдар. Жонсиз материянинг ҳамда жамият ҳаёт фаолиятининг иқтисодий, сиёсий-ижтимоий, ҳарбий ва бошқа соҳаларидаги тарихий жараёнларнинг сабаблари ва ривожланиш шакллари янги тавсифланмоқда. Тасодифнинг биологик ва ижтимоий эволюциянинг мустақил омили сифатидаги янги талқини шаклланмоқда, ўзини ўзи ташкил этиш жараёнларида тасодифнинг роли тан олинмоқда. Синергетик дунёқараш асосчиларидан бири Илья Пригожин шундай деб ёзади: «Динамика оқилона моделининг муқаррар оқибати сифатида идрок этилган детерминизм ҳозирги вақтда айрим ҳоллардагина намоён бўлувчи хосса билан боғланади». Шундай қилиб, бу ерда гап ижтимоий фанлар парадигмасининг ўзгариши ҳақида, детерминизмнинг аввалги талқинидан воз кечиш ва уни тан олиш ҳақида ва балки детерминизмнинг янги турларини кашф қилиш ҳақида, фалсафада эса яна материалистик диалектикани қайта англаб етиш ҳақида боради.

Айрим тадқиқотчилар фикрига кўра, ижтимоий фанлар методологиясида янги парадигма шу жумладан диалектикани синергетиканинг айрим методи сифатида (фақат муайян соҳаларда) ўз ичига олади ёки умуман уни воқеликка нисбатан бутунлай янги ёндашувлар билан алмаштиради. Гап шундаки, синергетика онтология ва гносеология муаммоларини диалектикага (айниқса унинг материалистик модификациясига) қараганда бошқача йўл билан ечади. Агар материалистик модификация тарафдорлари учун диалектика ҳам, билиш назарияси ҳам, мантиқ ҳам бир, универсум ҳам диалектика қонунларига мувофиқ мавжуд бўлса, синергетик дунёқараш учун бу тамойиллар исботсиз ҳисобланади,



п
онтология ва гносеологиянинг диалектик бирлиги ҳам ҳали кузатилганича йўқ.

Синергетика кўп сонли мифлар, стереотипларни чиппакка чиқарди. Биринчидан, мураккаб тuzилишга эга бўлган ижтимоий-табиий тизимларга ривожланиш йўллари кўрсатиш мумкин эмаслиги аниқланди. Иккинчидан, синергетика ҳар қандай мураккаб тизим ривожланишининг бир эмас, балки бир нечта, ўз табиатига мос келувчи йўлларига эга эканлигидан далолат беради. Учинчидан, синергетика хаос структураларнинг ўзини ўзи уюштириш ва ўзини ўзи йўлга солиш, ортиқча унсурлардан халос бўлиш, нисбатан содда структуралар – эволюция аттракторлари билан боғланиш механизми сифатида амал қилиши мумкин.


Шундай қилиб, ривожланиш муаммоси фалсафанинг бош муаммоларидан бири ҳисобланади. Бу муаммони англаб етиш инсонга ўзини қуршаган дунёни ва ўзининг ундаги ўрнини теранроқ тушуниш имконини беради. Инсониятнинг мавжудлик тарихи мобайнида теран ақл эгалари ривожланиш жараёнининг кўп сонли концепцияларини яратганлар. Диалектика айниқса пухта ишлаб чиқилган концепция ҳисобланади. Диалектика билан бир қаторда ривожланишнинг бошқа концепциялари ҳам мавжуд. Ривожланиш ҳақидаги таълимот – фалсафада бош таълимотлардан бири. Бу ҳол шу билан белгиланадики, мазкур таълимотда умумий алоқаларнинг мазмуни, дунёда юз бераётган ўзгаришларнинг умумий қонуниятлари, ривожланиш жараёнларининг манбалари, механизмлари ва йўналиши, борлиқнинг бошқа универсал алоқалари теран ва ҳар томонлама ёритилади. Буларнинг барчаси дунёқарашни ва фикрлашнинг диалектик методини шакллантириш асоси ҳисобланади.

Умумий ўзаро алоқа ва ривожланишнинг диалектик тамойиллари. Ҳар қандай концепциянинг мазмунини ёритишда унинг тамойилларини таҳлил қилиш айниқса муҳим аҳамият касб этади. Диалектика ҳам бундан мустасно эмас. Тамойиллар нима?

Фалсафий маънода «тамойил»(принцип) тушунчаси фундаментал қоида, биринчи асосни, бирон-бир концепция ёки назариянинг энг муҳим асосини англатади. Фалсафий назария сифатидаги диалектикага тамойиллар яхлит тус беради, унинг қонунлари ва категорияларини изчил тизимга солади. Диалектиканинг ҳозирги концепцияларида *умумий алоқадорлик, тарихийлик, сабабият, тизимлилик* тамойиллари муҳим рол ўйнайди. Тамойиллар ҳақида кейинги мавзуда фикр юритамиз.

Хулосалар. Диалектика ривожланиш фалсафасининг айниқса пухта ишлаб чиқилган концепциясидир. Ҳодисалар ривожланишининг умумий назарияси сифатида у ривожланишнинг моҳиятини англаб етишга йўл очади, табиат, жамият ва тафаккурдаги реал жараёнларни улар амалда қандай бўлса, шундай акс эттиради.

Диалектика нарсалар ва ходисаларни ўрганишга уларнинг вужудга келиши, ҳаракати ва ривожланиши нуқтаи назаридан ёндашади, шу сабабли у объектив жараёнларни конкрет, ҳар томонлама ўрганишга йўл кўрсатади.




п


Диалектика билан бир каторда ривожланишнинг метафизик концепцияси, софистика, эклектика, экзистенциал диалектика, синергетика ва бошқа концепциялар мавжуд. Айрим фалсафий мактаблар диалектикани схоластика сифатида рад этади. Бу диалектика янада чуқурроқ ўрганиш ва англаб етишни талаб қилишини англатади.

Тажрибавий амалий матнлар

Диалектика, стихияли диалектика, идеалистик диалектика, классик диалектика, диалектика муқобиллари, метафизика, софистика, эклектика, синергетика.

Қўшимча ва тушунтирувчи матнлар





Мустақил ишлаш учун савол ва тошириқлар

1. Субъектив ва объектив диалектиканинг ўхшашлик ва фарқи нимада?
2. Диалектиканинг билиш мантиқи ва методологияси сифатидаги асосий хусусиятини айтинг.
3. Ноклассик диалектиканинг ўзига хос хусусиятлари нимада намоён бўлади?


Реферат мавзулари

1. Диалектика ва синергетика: ўзаро алоқадорлиги ва фарқи
2. Диалектика муқобилларининг таснифи
3. Классик диалектиканинг ўзига хос хусусиятлари
4. Синергетика диалектика муқобили сифатида

Билим ва кўникмаларни баҳолаш материаллари

1. «Диалектика» сўзнинг луғавий маъноси?

- А. Юнон. *dialektike* – суҳбат қуриш санъати сўзининг «диалог». Юнон. *dialogos* – икки ёки бир нечта суҳбатдошлар сўзлашуви
- Б. Лотин. *dialektike* – мулоқот воситаси.
- В. Юнон. *dialektike* – ошқоралик



п

Г. Лотин. dialektike – сухбат куриш санъати сўзининг «диалог». Лотин. dialogos – икки ёки бир нечта сухбатдошлар сўзлашуви

2. Диалектик – бу?

- А. Савол бериш ва жавоб қайтаришга уста одам, деб ҳисобланган.
- Б. Саводли одам, деб ҳисобланган
- В. Идеал уста одам, деб ҳисобланган
- Г. Саводли ва билимдон, одам, деб ҳисобланган

3. Қайси файласуф дунёни «жонли олов» ёки «икки марта кириш» мумкин бўлмаган дарё оқими сифатида тасаввур қилган?

- А. Гесиод
- Б. Г. Гегель
- В. И Кант
- Г. Гераклит

4. Ўрта асрларда метафизика фалсафадан диалектикани сиқиб чиқарган. Натижада одамлар онгига диний дунёқарашни сингдириш ва мустаҳкамлаш учун ҳукмрон синфлар фаол фойдаланган софистика ва схоластикага айланган.

- А. Диалектика
- Б. Метафизика
- В. Эклетика
- Г. Тўғри жавоб йўқ.

5. Метафизика унсурларини ўз ичга олган диалектикага қайтиш Янги давр фалсафаси (Рене Декарт, Бенедикт Спиноза, Дени Дидро ва б.)да юз берган. Шунга қарамай диалектиканинг энг яхлит концепциясини немис классик фалсафасида таърифлаган. Бу концепция диалектиканинг иккинчи шакли деб аталади.

- А. Гесиод
- Б. Г. Гегель
- В. И Кант
- Г. Гераклит

6. илк бор дунёни қуйидан олийга қараб боровчи умумий ривожланиш жараёни сифатида тасвирлаган, ривожланиш манбаи - қарама-қаршиликлар курашини кўрсатиб берган, диалектиканинг асосий қонунлари ва категорияларини таърифлаган.

- А. Гесиод
- Б. Г. Гегель
- В. И Кант
- Г. Гераклит



п

7. Аммо идеалистик диалектикаси идеалистик хусусият касб этган. Идеалистик диалектиканинг андозаси бўлиб объектив борлиқ эмас, балки уни акс эттирувчи тафаккур хизмат қилган.

- А. Гесиод
- Б. Г.Гегель
- В. И Кант
- Г. Гераклит

8. «Диалектик теология» ёки «инқироз теологияси муаллифлари тўғри кўрасатилган жавобни топинг?

- А. Карл Барт (1886-1968)
- Б. Мауль Тиллих (1886-1965).
- В. Теодор Адорно 1903-1969
- Г. Жан Поль Сартр 1905-1980).

9. Немис файласуфлари ва бу заминга таянган ҳолда материализмни диалектик мантиқ билан боғлашга ҳаракат қилганлар.

- А. Карл Маркс ва Фридрих Энгельс
- Б. Карл Барт ва Фридрих Энгельс
- В. Мауль Тиллих.
- Г. Теодор Адорно ва Жан Поль Сартр.

10. XIX асрнинг 40-йилларигача фаннинг турли соҳаларидаги уч кашфиёт тўғри кўрсатилган жавобни топинг?

- А. Физикада, Биологияда; ривожланиш ғоясини жонли табиатга татбиқан ишлаб чиққан Дарвиннинг эволюция назарияси алоҳида ўрин эгаллайди.
- Б. Физикада, Географияда; ривожланиш ғоясини жонли табиатга татбиқан ишлаб чиққан Дарвиннинг эволюция назарияси алоҳида ўрин эгаллайди.
- В. Фалсафада, Биологияда; ривожланиш ғоясини жонли табиатга татбиқан ишлаб чиққан Дарвиннинг эволюция назарияси алоҳида ўрин эгаллайди.
- Г. Физикада биологияда, Иқтисодда.

11. Классик диалектиканинг ўзига хос қандай хусусиятларини қайд этади?

- А. Классик диалектика дунёни тушунишнинг шундай бир усулики, бунда борлиқ нарсалар ва ҳодисаларнинг умумий ўзаро боғланиши, уларнинг бири-бирини тақозо этиши ва муттасил ўзгариши нуқтаи назаридан англаб етилади.
- Б. Диалектика объектив ва субъектив диалектиканинг мавжудлигини тан олади.
- В. А ва Б жавоблар тўғри.
- Г. Тўғри жавоб йўқ.

12.Объектив диалектика – бу?



п

- А. Иқтисодий ва ижтимоий ҳодисаларнинг ўзаро боғланиши ва ривожланиши. У субъектдан, инсон ва инсониятдан қатъий назар мавжуддир.
- Б. Иқтисодий ва ижтимоий ҳодисаларнинг ўзаро боғланиши ва ривожланиши. У объектдан, инсон ва инсониятдан қатъий назар мавжуддир.
- В. Табиий ва ижтимоий ҳодисаларнинг ўзаро боғланиши ва ривожланиши. У субъектдан, инсон ва инсониятдан қатъий назар мавжуддир.
- Г. Табиий ва ижтимоий ҳодисаларнинг ўзаро боғланиши ва ривожлана олмаслиги.

13. Субъектив диалектика – бу?

- А. Иқтисодий ва ижтимоий ҳодисаларнинг ўзаро боғланиши ва ривожланиши. У субъектдан, инсон ва инсониятдан қатъий назар мавжуддир.
- Б. Иқтисодий ва ижтимоий ҳодисаларнинг ўзаро боғланиши ва ривожланиши. У объектдан, инсон ва инсониятдан қатъий назар мавжуддир.
- В. Табиий ва ижтимоий ҳодисаларнинг ўзаро боғланиши ва ривожланиши. У субъектдан, инсон ва инсониятдан қатъий назар мавжуддир.
- Г. Субъектнинг фикрлаш диалектикаси ва унинг объектив дунёни билиши.

14.Объектив ва субъектив диалектиканинг ўзаро нисбати қандай?

- А.Материалистик давр нуқтаи назаридан субъектив диалектика объектив диалектикани акс эттиради.
- Б. Объектив ва субъектив диалектика мазмунан бир-бирига мос келади. Бироқ, шу билан бир вақтда, улар шаклан бир-биридан фарқ қилади, чунки тафаккур, борлиқнинг бошқа соҳалари билан таққослаганда, ривожланишнинг ўз ички мантиғига эга.
- В. Барча жавоблар тўғри.
- Г. Объектив диалектика тафаккурда, субъектив ва идеал шаклларда акс этади.

15. Диалектика категориялари – бу?

- А. Энг фундаментал, асосий тушунчалар бўлиб, уларнинг ёрдамида фалсафий фикрлаш амалга оширилади.
- Б. Энг фундаментал, асосий тушунчалар бўлиб, уларнинг ёрдамида фалсафий фикрлаш амалга оширмайдилари.
- В. Энг фундаментал, асосий тушунчалар хисобланмай, уларнинг ёрдамида фалсафий фикрлаш амалга оширилмайди.
- Г. Тўғри жавоб йўқ.

16. Ҳозирги талқиндаги диалектика - бу:

- А. Ҳодисаларнинг уларга хос бўлган зиддиятлар вужудга келиши, ўзаро таъсирга киришиши ва ечилишига мувофиқ ривожланишидан иборат бўлган объектив жараён.
- Б. Табиат, жамият ва тафаккурнинг ҳаракат ва ривожланиш универсал қонунлари ҳақидаги фалсафий концепция; дунёни билиш ва ўзгартириш методи.



п

В. А ва Б жавоблар.

Г. Ҳодисаларнинг уларга хос бўлган зиддиятлар вужудга келиши, ўзаро таъсирга киришиши ва ечилишига мувофиқ ривожланишидан иборат бўлган субъектив жараён. Табиат, жамият ва тафаккурнинг ҳаракат ва ривожланиш универсал қонунлари ҳақидаги фалсафий концепция; дунёни билиш ва ўзгартириш методи.

17. XX асрнинг 70-йилларида қайси файласуфи синергетика тушунчасини илмий муомалага киритди?

А. Гесиод

Б. Г. Гегель

В. И Кант

Г. Г. Хакен

18. Синергетика (юнон. synergein – умумий, мувофиқ тарзда ҳаракат қилувчи) нима?

А. Субъекти физик тизимдаги ўз-ўзини ташкил қилиш жараёнлари бўлган тармоқлараро тадқиқотлар йўналиши.

Б. Субъекти кимёвий ўз-ўзини ташкил қилиш жараёнлари бўлган тармоқлараро тадқиқотлар йўналиши.

В. Объекти физик, кимёвий, биологик, экологик ва бошқача табиатга эга бўлган очик тизимлардаги ўз-ўзини ташкил қилиш жараёнлари бўлган тармоқлараро тадқиқотлар йўналиши.

Г. Субъекти физик, кимёвий, биологик, экологик ва бошқача табиатга эга бўлган очик тизимлардаги ўз-ўзини ташкил қилиш жараёнлари бўлган тармоқлараро тадқиқотлар йўналиши.

19. XX асрда диалектиканинг бир қанча ноклассик концепциялари вужудга келди. Уларнинг қаторига қайсилари киради?

А. «Салбий диалектика», «диалектик теология», «фожеий диалектика», «аксилдиалектика».

Б. «Инқироз теологияси», «диалектик теология», «фожеий диалектика».

В. «Салбий диалектика», «диалектик теология», «фожеий диалектика», «инқироз теологияси».

Г. «Инқироз теологияси», «диалектик теология», «фожеий диалектика», «инқлоб теологияси».

20. «Салбий диалектика»- бу?

А. Бир ёқлама, субъектив концепция бўлиб, у инкорни мутлақлаштиришдан, бутун борлиқнинг умумий бузилишидан, ялпи критицизмдан, ҳар қандай ижобийликни рад этишдан, ўзини ўзи инкор қилишдан келиб чиқади ва шу боис метафизика чегарасидан четга чиқмайди.

Б. Критицизмдан, ҳар қандай ижобийликни рад этишдан, ўзини ўзи инкор қилишдан келиб чиқади.



п

В. Бир ёқлама, объектив концепция бўлиб, у инкорни мутлақлаштиришдан, бутун борлиқнинг умумий бузилишидан, ялпи критицизмдан, ҳар қандай ижобийликни рад этишдан, ўзини ўзи инкор қилишдан келиб чиқади ва шу боис метафизика чегарасидан четга чиқмайди.

Б. Критицизмдан, ҳар қандай ижобийликни рад этмадан, ўзини ўзи инкор қилишдан келиб чиқади.

21.«Аксилдиалектика» маъносидаги «метафизика» атамасини фалсафага XIX асрда қайси файласуф киритган?

- А. Гесиод
- Б. Г. Гегель
- В. И Кант
- Г. Г. Хакен

22.Марксистик анъанада «.....» атамаси салбий маъно касб этди.

- А. Догматизм.
- Б. Метафизика
- В. Диалектика
- Г. Релятивизм

23. Диалектика ва метафизиканинг ривожланишнинг икки концепцияси ва билишнинг икки методи сифатида муқобиллиги қандай намоён бўлади?

- А. Нарсалар ва ҳодисаларнинг боғланишларини тушунишда.
- Б. Ривожланишнинг манбаи ва ҳаракатлантирувчи кучларини тушунишда.
- В. Ривожланишнинг хусусиятини, эски сифатдан янги сифатга ўтиш «механизми»ни тушунишда. тушунишда, билиш методини тушунишда.
- Г. Барча жавоблар тўғри.

24. Метафизика нима?

- А. Дунёни шундай бир тушуниш ва фикрлашнинг шундай бир усулики, бунда нарсалар ва ҳодисаларнинг ўзаро боғланишлари ва ўзаро таъсирлари эътиборга олинмайди ёки уларга юзаки қаралади.
- Б. Объектларнинг сифат ўзгаришларисиз, миқдор жиҳатидан кўпайиши сифатида талқин қилинади.
- В. А ва Б жавоблар тўғри.
- Г. Дунёни шундай бир тушуниш ва фикрлашнинг шундай бир усулики, бунда нарсалар ва ҳодисаларнинг ўзаро боғланишлари ва ўзаро таъсирлари эътиборга олинади ёки уларга тўғри қаралади.

25. Догматизм сўзнинг луғавий маъноси?

- А. Лот. *dogma* – амалиётга боғламасдан, танқидий қабул қилинувчи қоида.
- Б. Юнон. *dogma* – амалиётга боғлаган холда, танқидий қабул қилинувчи қоида.



- п
- В. Юнон. *dogma* – амалиётга боғламасдан, нотанқидий қабул қилинувчи қоида.
- Г. Лот. *dogma* – амалиётга боғлаган холда, нотанқидий қабул қилинувчи қоида.

26.Релятивизм (лот. *relativus* – нисбий) нима?

- А. Релятивизм борликнинг муттасил ўзгарувчанлиги ҳақидаги тезисдан келиб чиқади ҳамда нарсалар ва ҳодисаларнинг турғунлигини рад этади.
- Б. Релятивизм объектларнинг сифат ўзгаришларисиз, миқдор жиҳатидан кўпайиши сифатида талқин қилинади.
- В. Г ва Б жавоблар тўғри.
- Г. Дунёни шундай бир тушуниш ва фикрлашнинг шундай бир усулики, бунда нарсалар ва ҳодисаларнинг ўзаро боғланишлари ва ўзаро таъсирлари эътиборга олинади ёки уларга нисбий қаралади.

27. мавжуд назарий қоидаларни сақлаш ёки нарсаларнинг мавжуд тартибини оқлаш учун фактлар, воқеаларни субъективистик талқин қилишга асосланган далиллаш тарзида намоён бўлади.


- А. Софистика
- Б. Эклектика
- В. Метафизика
- Г. Диалектика

28. Эклектика (юнон. *eklego* – танлайман) нима?

- А. Қарама-қарши концепциялардан принципсиз ўзлаштирилган турли жинсли, ўзаро мос келмайдиган элементларни бир таълимотда механик бирлаштириш; контекстдан юлиб олинган фактлар, таърифлар, иқтибослар ва шу кабилардан муайян бир ёқлама мақсадда фойдаланиш ва уларни бузиб талқин қилиш.
- Б. Дунёни шундай бир тушуниш ва фикрлашнинг шундай бир усулики, бунда нарсалар ва ҳодисаларнинг ўзаро боғланишлари ва ўзаро таъсирлари эътиборга олинади ёки уларга нисбий қаралади.
- В. Мавжуд назарий қоидаларни сақлаш ёки нарсаларнинг мавжуд тартибини оқлаш учун фактлар, воқеаларни субъективистик талқин қилишга асосланган далиллаш тарзида намоён бўлади.
- Г. Борликнинг муттасил ўзгарувчанлиги ҳақидаги тезисдан келиб чиқади ҳамда нарсалар ва ҳодисаларнинг турғунлигини рад этади.

29. Материалистик диалектика –бу?

- А. Ривожланиш назарияси ва билишнинг умумий методологияси
- Б. Мутлақ ғоянинг ўз-ўзидан ривожланиш ва ўз-ўзини англаб етиш диалектикаси
- В. Борлиқ ва билишнинг моҳиятни англаб етишга асосланмаган содда диалектикаси



п

Г. Борлиқ ва билишнинг моҳиятни англаб етишга асосланмаган мураккаб диалектикаси

30. «фожий диалектика» муаллифи қайси файласуф?

А. Раймон Арон (1905-1983)

Б. Мауль Тиллих (1886-1965).

В. Теодор Адорно 1903-1969

Г. Жан Поль Сартр 1905-1980).




II

1. Маърузани олиб бориш технологияси

<i>Талабалар сони:</i>	<i>Вақти:</i> 4 соат
<i>Машгулот шакли</i>	Кириш мавзуси бўйича маъруза
<i>Маъруза режаси</i>	1.Нарса тушунчасининг таснифи 2.Алоқа ўзаро алоқа тушунчаларининг таснифи 3.Алоқанинг асосий жихатлари
<i>Машгулотнинг мақсади:</i> Ўқув фани ҳақида умумий тасаввурни шакллантириш, диалектиканинг асосий тушунчалари ҳақида тушунча ҳосил қилиш.	
<i>Педагогик вазифалар</i>	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i>
Нарса тушунчасининг таснифи ҳақида тушунчалар бериш.	Нарса тушунчасининг таснифи ҳақида талабаларга тушунчалар берилди.
Алоқа ўзаро алоқа тушунчаларининг таснифи ҳақида тушунча бериш.	Алоқа ўзаро алоқа тушунчаларининг таснифи ҳақида талабаларга тушунчалар берилди.
Алоқанинг асосий жихатлари ҳақида тушунча бериш.	Алоқанинг асосий жихатлари ҳақида талабаларга тушунчалар берилди.
<i>Ўқитиш усуллари ва техника</i>	Маъруза, «ақлий хужум», Т-схема, мунозара, муаммоли вазиятлар усули.
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Маъруза матни, тарқатма материаллар, слайдлар, проектор.
<i>Ўқитиш шакллари</i>	Жамоа, тўғридан-тўғри ва гуруҳларда ишлаш.
<i>Ўқитиш шарт-шароити</i>	Техник воситалар билан таъминланган аудитория.
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Оғзаки назорат, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш.

2. Маърузанинг технологик картаси

<i>Иш жараёнлари вақти</i>	<i>Фаолиятнинг мазмуни</i>	
	<i>ўқитувчи</i>	<i>Талаба</i>
I-босқич. Фанга ва мавзуга кириш. (20 минут)	1.1. Ўқув фани номини айтиб, фан доирасида дастлабки умумий тасаввурни беради ҳамда услубий ва ташкилий томонлари билан таништиради.	Тинглайдилар.
	1.2. Фан бўйича ўтиладиган барча мавзулар билан таништиради, уларнинг узвийлиги ҳақида қисқача маълумот беради.	Тинглайдилар.
	1.3. Фан якунида қўйиладиган рейтинг баҳолаш мезонлари билан таништиради	ЎУМ га қарайдилар.
	1.4. Фанни ўзлаштиришда фойдаланиш учун зарур бўлган адабиётлар рўйхати билан таништиради.	ЎУМ га қарайдилар.
	1.5. Ўқув машғулотни мавзуси билан таништиради ва унинг мақсади, ўқув фаолияти натижаларини баён қилади.	Мавзу номини ёзиб оладилар.
	1.6. Мавзу юзасидан ақлий хужум қондаси асосида дарс ўтказишни таклиф этади. Талабалар томонидан айtilган фикрларни ёзиб билдиради.	Тушунчаларни эркин фикр орқали билдиради.



П

	бореди ва умумлаштиради	
II-босқич. Асосий (50 минут)	2.1. Мавзу режаси ва таянч тушунчалар билан таништиради.	Тинглайдилар.
	2.2. Маърузани режа бўйича тушунтиради, ҳар бир режани ниҳоясида умумлаштиради. Жараён компьютер слайдларини намоиш қилиш билан олиб борилади	Тинглайдилар. Слайдга эътибор қаратади, уни ўзига ёзиб олади ва саволлар беради.
	2.3. Ҳар бир режани мустаҳкамлаш учун қуйидагича саволлар беради: 1.Нарса ўзини бошқа нарсалар билан боғловчи ва улар билан ўзаро таъсирга киришиш? 2.Алоқаларнинг таснифи? 3.Алоқанинг объективлиги?	Саволларга жавоб берадилар, эркин баҳс-мунозара юритадилар.
	2.4. Таянч ибораларга қайтилади. Талабалар иштирокида улар яна бир бор такрорланади.	Ҳар бир таянч тушунча ва ибораларни муҳокама қиладилар. Конспект қиладилар.
III-босқич. Якуний босқич. (10 минут)	3.1. Т-схема техникасидан фойдаланилган ҳолда жуфт-жуфт бўлиб ишлаш учун тингловчиларга: диалектиканинг асосий тушунчаларига оид савол ёзилган тарқатма материаллар тарқатади. Ушбу техника орқали мавзу бўйича якунловчи хулоса қилади.	Мустақил Т-схемани тўлдирадилар. Эркин фикрини баён этади.
	3.2. Талабаларнинг фаолиятига баҳо қўйилади ва рағбатлантирилади.	Эшитади.
	3.3. Келгуси машғулотга тайёргарлик кўриш учун топшириқлар ва фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати берилади.	Эшитади ва ЎУМ га қарайдилар.



ДИАЛЕКТИКАНИНГ АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАРИ

Нарса. Кундалик ҳаётда ҳар бир инсонда муайян ҳаёт тажрибаси ва унинг ўзи яшаётган дунё ҳақидаги умумий тасаввурлари шаклланади. Гўдаклик чоғидаёқ у айрим нарсаларни фарқлайди, уларни ушлаб кўриш ва кўлга олишга ҳаракат қилади. Шу тариқа биз ўзимизни сон-саноксиз ҳар хил алоҳида нарсалар: дарахтлар ва балиқлар, уйлар ва ҳайвонлар, тоғлар ва юлдузлар қуршовида яшаётгандек ҳис қила бошлаймиз. Фалсафий маънода «наrsa» - *борлиқнинг нисбатан мустақил ва нисбатан барқарор ҳолда мавжуд бўлган бир қисмидир. Нарса тушунчасида борлиқ ҳар қандай ҳодисанинг – у хоҳ табиат, хоҳ жамият, хоҳ инсон ёки унинг онги бўлсин, дискретлиги, нисбатан мустақиллиги ва сифат жиҳатидан аниқлиги намоён бўлади.* Борлиқнинг бир қисми сифатида наrsa узвий ва узлуксиз бўлиб, ўзининг яхлитлиги, ўз ҳолатлари ўзгаришининг тадрижийлиги, ўз элементлари ички алоқаларининг ранг-баранглиги билан тавсифланади. Нарса ўзини бошқа нарсалар билан боғловчи ва улар билан ўзаро таъсирга киришиш имконини берувчи хоссаларининг яхлит мажмуи билан тавсифланади. Нарсанинг нисбатан мустақиллиги ва нисбатан ўзгармаслиги бошқа нарсалар билан боғлиқ бўлмаган ва ўзгаришсиз қоладиган нарсалар мавжуд эмаслигини англатади. Шоир таъбири билан айтганда, «Дунёда ҳамма наrsa бир-бири билан боғлиқдир». Аслида, бу алоқанинг шоирона талқини. Хўш, алоқа тушунчасининг фалсафадаги талқини қандай?

Дунё ўта ранг-баранг. Ҳар бир объект кўп сонли хоссаларга эга бўлиб, улар бошқа объектлар билан ўзаро алоқа қилиш жараёнида намоён бўлади. Бошқача қилиб айтганда, ҳар қандай тузилма бошқа тузилмалар билан алоқага киришиш орқали намоён бўлади. Шундай қилиб, ҳар бир объект ўзга объектлар билан қонуний алоқа қилади ва бу объектлар билан ўзаро таъсирга киришиш жараёнида иштирок этади.

Алоқа. *Фалсафада алоқа деганда макон ё вақтда бир-биридан муайян масофада узоқликда жойлашган икки ёки бир неча ҳодиса ёки объектнинг ўзаро боғланиш жараёни тушунилади.* Объектлар дискретлик, шаклланганлик ва нисбатан мустақилликдан маҳрум бўлган жойда алоқалар мавжуд бўлиши мумкинми? Ўз-ўзидан равшанки, шаклланган, нисбатан мустақил нарсалар мавжуд бўлмаган жойда алоқа мавжудлигини тахмин қилиш ҳам мумкин эмас. Шу сабабли умумий алоқа категорияси «наrsa», «узлуклилик», «узлуксизлик», «чексизлик», «туганмаслик» тушунчалари билан тавсифланади. Ҳозирги илмий билимга таянувчи борлиқнинг фалсафий талқини оламнинг универсал яхлитлигини, дунёнинг бирлигини очиқ беради. *Диалектика категориялари борлиқнинг универсал алоқаларини билиш шакли ҳисобланади.*

Алоқаларнинг универсаллиги уларнинг типлари ва турларининг ранг-баранглигида намоён бўлади. Алоқаларни таснифлаш турли асосларга кўра амалга оширилади. *Хусусан, бир томонлама ва ўзаро алоқалар, тўғри ва эгри алоқалар, бевосита ва билвосита алоқалар, ички ва ташқи алоқалар фарқланади. Ҳажм жиҳатидан алоқалар умумий, алоҳида ва хусусий бўлиши*



п мумкин. Мазмун жиҳатидан генетик, функционал, структурави, энергетик, моддий, информация ва бошқа алоқалар фарқланади. Алоқаларнинг бутун ранг-баранглиги фаннинг қайсидир бир тармоғи доирасида тадқиқ этилиши мумкин эмас. Уларнинг муайян турлари махсус фанларнинг предмети ҳисобланади. Диалектика борлиқнинг барча жараёнларига хос бўлган умумий, муҳим, универсал алоқаларни ўрганади. Фан борлиқнинг универсал қонунларини ташкил этадиган *ички, зарурий, муҳим, барқарор, такрорланувчи* алоқаларга алоҳида эътибор беради. Умумий алоқалар диалектика категорияларида ёритилади.


Ўзаро алоқа. Реал воқеликда ҳар бир муайян объект кўп сонли сабабий занжирларнинг мураккаб «туғуни» ҳисобланади. У бошқа объектлардан таъсирланиш билан бир вақтда ўзи ҳам уларга акс (реактив) таъсир кўрсатади. «Ташқи» ва «ички» сабабий занжирлар унда уйғунлашади, кесишади ва тармоқланади. Улар бир-бири билан ўзаро алоқага киришади ва бу ўзаро алоқа объектда юз берувчи барча жараёнларнинг негизига айланади.

Объектни билиш учун пировард натижада унда вужудга келган сабабий алоқалар «туғуни»ни ечиш талаб этилади. Барча ҳодисалар моҳиятига изоҳни ўзаро алоқадан излаш керак. У ҳодисаларнинг барча хоссалари ва хусусиятларини белгилайди, амалда мавжуд бўлган барча имкониятлар, тасодифлар ва заруриятларнинг манбаларини ўзида мужассамлаштиради. *Ўзаро алоқани тушуниш – умуман объектни тушуниш демакдир.*

Аммо ҳар қандай объект бошқа объектлар билан ўзаро алоқа қилгани боис, унинг барча ўзаро алоқаларини билиш учун ундан бошқа объектларни ўрганишга, улардан – учинчи объектларга ўтишга тўғри келади ва ҳ.к. Айрим объектнинг табиатини белгиловчи ўзаро алоқани билиш жараёни чексиздир. Паскаль таъбири билан айтганда, тўғнағич каллагини билиш учун бутун Оламни билиш талаб этилади.

Алоқа учун асос. Алоқа, алоқа учун асос ва алоқа шарт-шароитлари тушунчаларини фарқлаш лозим. *Алоқа юзага келишига имконият яратувчи айрим хосса, белги ёки муносабат алоқа учун асос бўлади.* Асоснинг мавжудлиги алоқа ўрнатиш учун зарур, лекин етарли эмас, чунки унинг ўрнатилиши доим эмас, балки муайян шароитдагина юз беради. Шарт-шароитлар – бу аввало предмет мавжуд бўлган муҳитдир. У алоқа ўрнатиш учун қулай ёки ноқулай бўлиши мумкин. Шарт-шароитлар ўз ҳолича алоқа ўрнатиш омили бўлиши мумкин эмас, улар фақат алоқа юзага келишига кўмаклашади ёки монелик қилади.

Нарсалар ўртасида алоқа бирон-бир муайян асосга кўра юзага келади. Умумий асос айрим умумий асосга эга бўлган турли объектлар ўртасида умумий алоқа йўлини ҳам вужудга келтиради. *Масалан, муайян манфаат гуруҳлари ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун сиёсий гуруҳларга бирлашадилар, мамлакатдаги сиёсий муҳитга кучли таъсир кўрсатадилар. Аммо бошқа, масалан, этник, диний ва бошқа асосларга кўра улар ўзаро боғлиқ бўлмаслиги ҳам мумкин.* Шундай қилиб, мазкур мисолда алоқа йўли алоқа юзага келиши учун асос, бошқа белгилар – бунинг шартларидир. Ўзаро



п алоқа умумий хусусият касб этади, у бутун борликқа хосдир. Шу сабабли алоқа тушунчаси диалектикада энг умумий тушунчалардан бири ҳисобланади. Бошқа барча категориялар ўзаро алоқанинг муайян турлари билан тавсифланади.

Алоқа тушунчаси ўзаро алоқа, ҳаракат, муносабат тушунчалари орқали ёритилади. «Ҳозирги замон фалсафа луғати»да¹ муносабат тушунчаси «нарсаларнинг ўзаро мавжудлик усули, уларда яширин хоссаларнинг намоён бўлиш омили» сифатида таърифланган. Бу таърифда муносабатни тавсифловчи қуйидаги жиҳатлар фарқланади: биринчидан, нарсаларнинг ўзаро мавжудлиги, яқинлашуви, бирлашуви. Иккинчидан, муносабат нарсанинг хоссаларини намоён этиш, яъни ҳаракатга келтириш усули сифатида амал қилади. Учинчидан, нарсаларнинг бирлашуви сифатидаги муносабат таъсирида кооператив эффект, яъни *нарсалар ҳолатларининг бир-бирини ўзгартириши* юз беради. Бунда муносабат юзага келгунга қадар яширин ҳолда мавжуд бўлган нарсаларнинг хоссалари бир-бирига ўтади ва намоён бўлади.

Хуллас, муносабат, бир томондан, нарсаларнинг ўзаро алоқасини, бошқа томондан эса – уларнинг алоҳида-алоҳида мавжудлигини назарда тутади.

Ўзаро таъсир. Нрсалар бир-бирига таъсир кўрсатиши натижасида юзага келадиган ва улар бир-бирини ўзгартиришига сабаб бўладиган алоқа. Яъни, *ўзаро таъсир нарсаларнинг ўзаро алоқадорлигини, улар бир-бирига таъсир кўрсатиши ва бир-бирини ўзгартиришини англатади.* Аммо ўзгариш – ҳаракат фалсафий тушунчасининг синонимидир. Бинобарин, умумий алоқанинг тан олиниши бизни муқаррар тарзда борлиқнинг ўзгарувчанлиги умумий хусусиятини тан олишга олиб келади. Умуман ўзгариш сифатида тушуниладиган ҳаракат бутун оламни қамраб олади, дунёда ҳамма нарса муайян пайтда вужудга келади, тадрижий ривожланади, ўзгаради ва ғойиб бўлади (ўлади, ҳалок бўлади, барҳам топади). Демак, ҳар қандай ҳодиса ўз тарихига эга. Айти шу сабабли табиат ва жамият ҳодисаларини ўрганишга нисбатан тарихий ёндашув зарур. Ўзгаришлар ўз хусусияти ва йўналишига кўра бир хил бўлмайди. Тартибсиз ўзгаришлар, айланма ҳаракатлар, жисмларнинг маконда бир жойдан бошқа жойга механик кўчишини фарқлаш мумкин. Ривожланиш ўзгаришнинг алоҳида типи ҳисобланади.

Диалектика категориялари умумий алоқаларнинг ўзгариш ва ривожланиш манбаи сифатидаги тавсифини тўлдирди, ҳаракатланаётган, тадрижий ривожланаётган дунёнинг кенг манзарасини яратиш имконини беради. Бирон-бир алоқалар ва ўзаро таъсирларсиз мавжуд бўлиши мумкин бўлган объектлар амалда мавжуд эмас. Диалектиканинг муҳим белгиларидан бири ва умумий алоқа тамойилининг мазмуни айнан объектларнинг ҳар томонлама ўзаро алоқалари ва ўзаро таъсирларини ҳисобга олишдан иборат.

Шундай қилиб, диалектика моддий дунёда ҳукм сурувчи умумий алоқани аниқлашни талаб қилади.

¹ Қаранг: Современный философский словарь / Под ред. В.Е.Кемерова. – М.: 2004. – С.497.



п

Алоқалар қуйидаги жиҳатлар билан тавсифланади. Биринчидан, улар объектив хусусият касб этади, яъни одамлар онгидан қатъи назар, объектив қонуният сифатида мавжуд бўлади.

Иккинчидан, алоқалар универсалдир, чунки ҳамма жойда ва ҳар доим, барча ҳодисаларда, барча даражалар ва босқичларда намоён бўлади.

Учинчидан, ўзаро алоқа ўзининг моҳияти ва табиатига кўра серкиррадир, зеро ҳар бир предмет, ҳар қандай ҳодиса бошқа ҳодисалар билан минглаб ришталар воситасида боғланади ҳамда бу алоқа моддий ва маънавий дунё ҳодисалари ва жараёнлари ўртасидаги муносабатларнинг охири кўринмайдиган тармоғи билан тавсифланади.

Тўртинчидан, реал алоқалар ўз хусусияти, чуқурлик ва мураккаблик даражаси, намоён бўлиш шаклларига кўра чексиз даражада ранг-барангдир. Диалектика борлиқнинг ранг-баранг алоқаларини таҳлил қилишга нисбатан дифференциациялашган ёндашувни назарда тутди. Бунда у қуйидаги алоқаларни фарқлайди:

- материянинг асосий турларига ва унинг ҳаракат шаклларига хос бўлган алоқалар (механик, физик, кимёвий, биологик, ижтимоий алоқалар);
- материя мавжудлигининг асосий шаклларига хос бўлган алоқалар (маконга доир, вақтга доир, структуравий, генетик, сабабий, функционал алоқалар).


Аммо алоқаларнинг кўп сонли конкрет шакллари орасида диалектикани борлиқнинг барча ҳодисалари ва жараёнларида намоён бўлувчи ўзига хос алоқалар (алоқалар хусусияти) қизиқтиради. Алоқаларнинг бундай шакллари қаторига қуйидагилар киради: ички ва ташқи алоқалар; муҳим ва аҳамиятсиз алоқалар; зарурий ва тасодифий алоқалар; барқарор ва беқарор алоқалар; умумий ва яққа алоқалар.

Ривожланишда бу алоқаларнинг роли бир хил эмас: уларнинг айримлари ёрдамида предмет ўз табиатини рўёбга чиқаради, яъни улар бош ролни ўйнайди, бошқа алоқалар эса иккинчи даражали аҳамият касб этади. Шунга мувофиқ «қонун алоқа демак» деган ибора пайдо бўлган. Бу тўғрими? Тўғри, агар қонун – бу ҳар қанақанги алоқа эмас, деб қўшимча қилинса.

Қандай алоқа қонун ҳисобланади? Қонун деб, бир қанча зарурий белгиларга эга бўлган ўзаро алоқага айтилади:

- **алоқанинг объективлиги.** Бу ерда гап бугун қабул қилиниб, эртага бекор қилинадиган юридик қонунлар ҳақида бораётгани йўқ. Энергия ва модданинг сақланиш қонунлари ёки бутун олам тортишиш қонуни ҳақида гапирадиган бўлсак, биз уларни бекор қилишимиз ёки уларнинг амал қилишини онгли равишда тўхтатишимиз мумкин, деб айтиш ақлга сиғмайди.. *Демак, қонун муҳим белгиси нарсаларнинг объектив ҳолатини, нарсалар ва ҳодисалар ўртасидаги объектив алоқани акс эттиришидир;*

- **алоқанинг муҳимлиги.** *Муҳим алоқа – бу нарсанинг мавжудлигини, унинг ҳаракати ва ривожланишини белгиловчи алоқа.* Айтайлик, элементларнинг даврий қонуни атом оғирлиги, атом ўзагининг заряди ва элементларнинг кимёвий хоссалари ўртасидаги муҳим алоқани акс эттиради;



п

- **алоқанинг зарурийлиги.** *Зарурий алоқа – бу муайян шароитда зарурий тарзда намоён бўлувчи алоқа.* Масалан, физикада маълум бўлган ўтказгич қаршилигининг ўтказгич таркиби, унинг узунлиги ва кўндаланг кесимининг юзига боғлиқлиги қонуни ўтказгичда электр токи ўтган ҳар бир ҳолда зарурий тарзда намоён бўлади, чунки у ўтказгич қайси моддadan ясалган бўлса, шу модданинг табиати, унга хос бўлган объектив хусусиятлар билан белгиланади;

- **алоқанинг барқарорлиги.** *Барқарор алоқа – бу ишончли тарзда сақланадиган алоқа.* У материя ҳаракатининг тегишли шакли (материя ривожланишининг муайян босқичи) ёки тафаккур мавжуд бўлган давр мобайнида, токи бу нарсалар ва ҳодисалар мавжуд экан, амалда мавжуд бўлади;

- **алоқанинг умумийлиги.** *Алоқанинг умумийлиги шунда намоён бўладиги, унга объектив дунёнинг аксарият ёки ҳатто барча нарсалари, ҳодисалари ва жараёнлари бўйсундида намоён бўлади.*

Қонуннинг кўриб чиқилган белгилари унга мантикий таъриф бериш имконини беради. *Қонун – бу моддий ва маънавий ҳодисаларнинг уларнинг ҳаракат ва ривожланиш хусусияти ва йўналишини белгиловчи объектив, муҳим, зарурий, барқарор ва умумий алоқаси.*

Шуни эътиборга олиш лозимки, илмий адабиётларда «қонун» тушунчасидан ташқари «қонуният» тушунчаси ҳам ишлатилади. Булар айний тушунчалар эмас. Улар бир тартибли тушунчалардир, чунки уларда объектив борлиқда мавжуд бўлган зарурий, объектив, умумий алоқалар акс этади. *Аммо қонуният қонунга қараганда кенгроқ тушунчадир. Қонун муайян шароитда ўзини қатъий ва муқаррар тарзда намоён этса, қонуният бир қанча қонунларнинг ўзаро алоқаси, ўзаро таъсири сифатида намоён бўлади.* Масалан, ижтимоий ҳодисаларни таҳлил қилиш чоғида қиймат қонуни ёки ишлаб чиқариш муносабатлари ривожланишининг муайян даражасига ишлаб чиқариш кучларининг мувофиқлиги қонунининг аниқ кўринишлари ҳақида ҳам, объектив қонуният сифатидаги жамиятнинг фаол ривожланиши ҳақида ҳам гапириш мумкин.

Умумий алоқадорлик тамойили. Ранг-баранг дунёда ҳар бир объект кўп сонли хоссаларга эга бўлиб, улар бошқа объектлар билан ўзаро алоқа жараёнида намоён бўлади. Бошқача қилиб айтганда, ҳар қандай тузилма бошқа тузилмалар билан алоқага киришиш орқали намоён бўлади. Шундай қилиб, ҳар бир объект ўзга объектлар билан қонуний боғланади ва бу объектлар билан ўзаро таъсирга киришиш жараёнида иштирок этади.

Алоқа. *Фалсафада алоқа деганда макон ё вақтда бир-биридан муайян масофада узоқликда жойлашган икки ёки бир неча ҳодиса ёки объектнинг ўзаро алоқа жараёни тушунилади.* Объектлар дискретлик, шаклланганлик ва нисбатан мустақилликдан маҳрум бўлган жойда алоқалар мавжуд бўлиши мумкинми? Ўз-ўзидан равшанки, шаклланган, нисбатан мустақил нарсалар мавжуд бўлмаган жойда алоқа мавжудлигини тахмин қилиш ҳам мумкин эмас. Шу сабабли умумий алоқа категорияси «нарса», «узлуклилик», «узлуксизлик», «чексизлик», «туганмаслик» тушунчалари билан



П

тавсифланади. Ҳозирги илмий билимга таянувчи борлиқнинг фалсафий талқини оламнинг универсал яхлитлигини, дунёнинг бирлигини очиб беради. *Диалектика категориялари борлиқнинг универсал алоқаларини билиш шакли ҳисобланади.*

Алоқаларнинг универсаллиги уларнинг типлари ва турларининг ранг-баранглигида намоён бўлади. Алоқаларни таснифлаш турли асосларга кўра амалга оширилади. *Хусусан, бир томонлама ва ўзаро алоқалар, тўғри ва эгри алоқалар, бевосита ва билвосита алоқалар, ички ва ташқи алоқалар фарқланади. Ҳажм жиҳатидан алоқалар умумий, алоҳида ва хусусий бўлиши мумкин. Мазмун жиҳатидан генетик, функционал, структуравий, энергетик, моддий, информация ва бошқа алоқалар фарқланади. Алоқаларнинг бутун ранг-баранглиги фаннинг қайсидир бир тармоғи доирасида тадқиқ этилиши мумкин эмас. Уларнинг муайян турлари махсус фанларнинг предмети ҳисобланади. Диалектика борлиқнинг барча жараёнларига хос бўлган умумий, муҳим, универсал алоқаларни ўрганади. Фан борлиқнинг универсал қонунларини ташкил этадиган *ички, зарурий, муҳим, барқарор, такрорланувчи* алоқаларга алоҳида эътибор беради. Умумий алоқалар диалектика категорияларида ёритилади.*

Ўзаро алоқа. Реал воқеликда ҳар бир муайян объект кўп сонли сабабий занжирларнинг мураккаб «туғуни» ҳисобланади. У бошқа объектлардан таъсирланиш билан бир вақтда ўзи ҳам уларга акс (реактив) таъсир кўрсатади. «Ташқи» ва «ички» сабабий занжирлар унда уйғунлашади, кесишади ва тармоқланади. Улар бир-бири билан ўзаро алоқага киришади ва бу ўзаро алоқа объектда юз берувчи барча жараёнларнинг негизига айланади.

Объектни билиш учун пировард натижада унда вужудга келган сабабий алоқалар «туғуни»ни ечиш талаб этилади. Барча ҳодисалар моҳиятига изоҳни ўзаро алоқадан излаш керак. У ҳодисаларнинг барча хоссалари ва хусусиятларини белгилайди, амалда мавжуд бўлган барча имкониятлар, тасодифлар ва зарурийларнинг манбаларини ўзида мужассамлаштиради. *Ўзаро алоқани тушуниш – умуман объектни тушуниш демакдир.*

Аммо ҳар қандай объект бошқа объектлар билан ўзаро алоқа қилгани боис, унинг барча ўзаро алоқаларини билиш учун ундан бошқа объектларни ўрганишга, улардан – учинчи объектларга ўтишга тўғри келади ва ҳ.к. Айрим объектнинг табиатини белгиловчи ўзаро алоқани билиш жараёни чексиздир. Паскаль таъбири билан айтганда, тўғнағич каллагини билиш учун бутун Оламни билиш талаб этилади.

Алоқа учун асос. Алоқа, алоқа учун асос ва алоқа шарт-шароитлари тушунчаларини фарқлаш лозим. *Алоқа юзага келишига имконият яратувчи айрим хосса, белги ёки муносабат алоқа учун асос бўлади. Асоснинг мавжудлиги алоқа ўрнатиш учун зарур, лекин етарли эмас, чунки унинг ўрнатилиши доим эмас, балки муайян шароитдагина юз беради. Шарт-шароитлар – бу аввало предмет мавжуд бўлган муҳитдир. У алоқа ўрнатиш учун қулай ёки ноқулай бўлиши мумкин. Шарт-шароитлар ўз ҳолича алоқа*



П

ўрнатиш омили бўлиши мумкин эмас, улар фақат алоқа юзага келишига кўмаклашади ёки монелик қилади.

Нарсалар ўртасида алоқа бирон-бир муайян асосга кўра юзага келади. Умумий асос айрим умумий асосга эга бўлган турли объектлар ўртасида умумий алоқа йўлини ҳам вужудга келтиради. Масалан, муайян манфаат гуруҳлари ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун сиёсий гуруҳларга бирлашадилар, мамлакатдаги сиёсий муҳитга кучли таъсир кўрсатадилар. Аммо бошқа, масалан, этник, диний ва бошқа асосларга кўра улар ўзаро боғлиқ бўлмаслиги ҳам мумкин. Шундай қилиб, мазкур мисолда алоқа йўли алоқа юзага келиши учун асос, бошқа белгилар – бунинг шартларидир. Ўзаро алоқа умумий хусусият касб этади, у бутун борлиққа хосдир. Шу сабабли алоқа тушунчаси диалектикада энг умумий тушунчалардан бири ҳисобланади. Бошқа барча категориялар ўзаро алоқанинг муайян турлари билан тавсифланади.


Муносабат. *Алоқа тушунчаси ўзаро алоқа, ҳаракат, муносабат тушунчалари орқали ёритилади. «Ҳозирги замон фалсафа луғати»да¹ муносабат тушунчаси «нарсаларнинг ўзаро мавжудлик усули, уларда яширин хоссаларнинг намоён бўлиши омили» сифатида таърифланган. Бу таърифда муносабатни тавсифловчи қуйидаги жиҳатлар фарқланади: биринчидан, нарсаларнинг ўзаро мавжудлиги, яқинлашуви, бирлашуви. Иккинчидан, муносабат нарсанинг хоссаларини намоён этиш, яъни ҳаракатга келтириш усули сифатида амал қилади. Учинчидан, нарсаларнинг бирлашуви сифатидаги муносабат таъсирида кооператив эффект, яъни нарсалар ҳолатларининг бир-бирини ўзгартириши юз беради. Бунда муносабат юзага келгунга қадар яширин ҳолда мавжуд бўлган нарсаларнинг хоссалари бир-бирига ўтади ва намоён бўлади.*

Хуллас, муносабат, бир томондан, нарсаларнинг ўзаро алоқасини, бошқа томондан эса – уларнинг алоҳида-алоҳида мавжудлигини назарда тутади.

Ўзаро таъсир *нарсаларнинг ўзаро алоқадорлигини, улар бир-бирига таъсир кўрсатиши ва бир-бирини ўзгартиришини англатади. Аммо ўзгариш – ҳаракат фалсафий тушунчасининг синонимидир. Бинобарин, умумий алоқанинг тан олинishi бизни муқаррар тарзда борлиқнинг ўзгарувчанлиги умумий хусусиятини тан олишга олиб келади. Умуман ўзгариш сифатида тушуниладиган ҳаракат бутун оламни қамраб олади, дунёда ҳамма нарса муайян пайтда вужудга келади, тадрижий ривожланади, ўзгаради ва ғойиб бўлади (ўлади, ҳалок бўлади, барҳам топади). Демак, ҳар қандай ҳодиса ўз тарихига эга. Айни шу сабабли табиат ва жамият ҳодисаларини ўрганишга нисбатан тарихий ёндашув зарур.*

Ўзгаришлар ўз хусусияти ва йўналишига кўра тартибсиз ўзгаришлар, айланма ҳаракатлар, жисмларнинг маконда бир жойдан бошқа жойга механик кўчишида намоён бўлиши мумкин. Ривожланиш ўзгаришнинг алоҳида тип ҳисобланади.

¹ Қаранг: Современный философский словарь / Под ред. В.Е.Кемеров. – М.: 2004. – С.497.



П

Диалектика категориялари умумий алоқаларнинг ўзгариш ва ривожланиш манбаи сифатидаги тавсифини тўлдирди, ҳаракатланаётган, тадрижий ривожланаётган дунёнинг кенг манзарасини яратиш имконини беради. Бирон-бир алоқалар ва ўзаро таъсирларсиз мавжуд бўлиши мумкин бўлган объектлар амалда мавжуд эмас. Диалектиканинг муҳим белгиларидан бири ва умумий алоқа тамойилининг мазмуни айнан объектларнинг ҳар томонлама ўзаро алоқалари ва ўзаро таъсирларини ҳисобга олишдан иборат.

Шундай қилиб, диалектика моддий дунёда ҳукм сурувчи умумий алоқани аниқлашни талаб қилади.

Алоқаларнинг таснифи ва хусусияти

Алоқаларнинг асосий турлари		Алоқаларнинг хусусиятлари		
Материянинг асосий турларига ва унинг ҳаракат шаклларига хос бўлган алоқалар		Материя мавжудлигининг асосий шаклларига хос бўлган алоқалар	Қонун, ҳодисани белгилайдиган алоқалар	Қонун, ҳодисани белгиламайди-ган алоқалар
Ижтимоий	Моддий-энергетик	Маконга доир	Ички	Ташқи
Биологик		Вақтга доир	Муҳим	Аҳамиятсиз
Кимёвий		Структуравий	Зарурий	Тасодифий
Физик	Информацион	Генетик	Барқарор	Беқарор
Механик		Сабабий	Умумий	Якка
		Функционал		

Алоқалар қуйидаги жиҳатлар билан тавсифланади. Биринчидан, улар объектив хусусият касб этади, яъни одамлар онгидан қатъий назар, объектив қонуният сифатида мавжуд бўлади.

Иккинчидан, алоқалар универсалдир, чунки ҳамма жойда ва ҳар доим, барча ҳодисаларда, барча даражалар ва босқичларда намоён бўлади.

Учинчидан, ўзаро алоқа ўзининг моҳияти ва табиатига кўра серқиррадир, зеро ҳар бир предмет, ҳар қандай ҳодиса бошқа ҳодисалар билан минглаб ришталар воситасида боғланади, бу алоқа моддий ва маънавий дунё ҳодиса ва жараёнлари ўртасидаги муносабатларнинг охири кўринмайдиган тармоғи билан тавсифланади.

Тўртинчидан, реал алоқалар ўз хусусияти, чуқурлик ва мураккаблик даражаси, намоён бўлиш шаклларига кўра чексиз даражада ранг-барангдир. Диалектика борлиқнинг ранг-баранг алоқаларини таҳлил қилишга нисбатан дифференциациялашган ёндашувни назарда тутди. Бунда у қуйидаги алоқаларни фарқлайди:



П

- материянинг асосий турларига ва унинг ҳаракат шаклларига хос бўлган алоқалар (механик, физик, кимёвий, биологик, ижтимоий боғланишлар);

- материя мавжудлигининг асосий шаклларига хос бўлган алоқалар (маконга доир, вақтга доир, структуравий, генетик, сабабий, функционал боғланишлар).

Аммо алоқаларнинг кўп сонли конкрет шакллари орасида диалектикани борлиқнинг барча ҳодисалари ва жараёнларида намоён бўлувчи ўзига хос алоқалар (боғланишлар хусусияти) қизиқтиради. *Алоқаларнинг бундай шакллари қаторига ички ва ташқи алоқалар; муҳим ва аҳамиятсиз алоқалар; зарурий ва тасодифий алоқалар; барқарор ва беқарор алоқалар; умумий ва яқка алоқалар киради.*

Ривожланишда бу алоқаларнинг роли бир хил эмас: уларнинг айримлари ёрдамида предмет ўз табиатини рўёбга чиқаради, яъни улар бош ролни ўйнайди, бошқа алоқалар эса иккинчи даражали аҳамият касб этади. Шунга мувофиқ «қонун алоқа демак» деган ибора пайдо бўлган. Бу тўғрими? Тўғри, агар қонун – бу ҳар қанақанги алоқа эмас, деб қўшимча қилинса. Қандай алоқа қонун ҳисобланади? Қонун деб, бир қанча зарурий белгиларга эга бўлган ўзаро алоқага айтилади.

- **Алоқанинг объективлиги.** Бу ерда гап бугун қабул қилиниб, эртага бекор қилинадиган юридик қонунлар ҳақида бораётгани йўқ. Энергия ва модданинг сақланиш қонунлари ёки бутун олам тортишиш қонуни ҳақида гапирадиган бўлсак, биз уларни бекор қилишимиз ёки уларнинг амал қилишини онгли равишда тўхтатишимиз мумкин, деб айтиш ақлга сиғмайди. *Демак, қонуннинг муҳим белгиси нарсаларнинг объектив ҳолатини, нарсалар ва ҳодисалар ўртасидаги объектив алоқани акс эттиришида намоён бўлади.*

- **Алоқанинг муҳимлиги.** *Муҳим алоқа – бу нарсанинг мавжудлигини, унинг ҳаракати ва ривожланишини белгиловчи боғланиш.* Айтайлик, элементларнинг даврий қонуни атом оғирлиги, атом ўзагининг заряди ва элементларнинг кимёвий хоссалари ўртасидаги муҳим алоқани акс эттиради;

- **Алоқанинг зарурийлиги.** *Зарурий алоқа – бу муайян шароитда зарурий тарзда намоён бўлувчи боғланиш.* Масалан, физикада маълум бўлган ўтказгич қаршилигининг ўтказгич таркиби, унинг узунлиги ва кўндаланг кесимининг юзига боғлиқлиги қонуни ўтказгичда электр токи ўтган ҳар бир ҳолда зарурий тарзда намоён бўлади, чунки у ўтказгич қайси моддадан ясалган бўлса, шу модданинг табиати, унга хос бўлган объектив хусусиятлар билан белгиланади;

- **Алоқанинг барқарорлиги.** *Барқарор алоқа – бу ишончли тарзда сақланадиган алоқа.* У материя ҳаракатининг тегишли шакли (материя ривожланишининг муайян босқичи) ёки тафаккур мавжуд бўлган давр мобайнида, токи бу нарсалар ва ҳодисалар мавжуд экан, амалда мавжуд бўлади;

- **Алоқанинг умумийлиги.** *Алоқанинг умумийлиги шунда намоён бўладики, унга объектив дунёнинг аксарият ёки ҳатто барча нарсалари, ҳодисалари ва жараёнлари бўйсунди.*



II

Тарихийлик тамойили. Ҳар қандай, нарса, жараён мавжудлиги пайдо бўлиш, ривожланиш ва йўқолиш босқичларида намоён бўлади. Масалан Ер тахминан 6 миллиард йил илгари иссиқ газсимон туманликдан пайдо бўлиб, ҳозирги ҳолатига етган. Айни пайтда олимлар қачонлардир Ернинг совиб, ойсимон, совуқ планетага айланишини эътироф этганлар.

Материалистлар тарихийлик тамойилини “оламнинг моддий бирлиги ҳақидаги монистик тамойилга” мослиги учун реалликнинг барча соҳаларида мавжуд деб ҳисоблайдилар. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, тарихийликни мутлоқлаштириш тўғри эмас. Чунки, илгари Ой оддий планета бўлган, ҳозир эса совуқ космик жисм, қутб юлдузининг конфигурацияси 50 минг йил илгари ҳозиргидан бошқача бўлган, инсоннинг жисмоний типини 40-50 минг йил илгари тўлиқ шаклланган. Бунда тарихийлик тўлиқ намоён бўлаётгандек. Бироқ, аслида, табиат, материя абадий, биз унинг фақат муайян фрагментларини, табиат фрагментларининг тарихини кўрамиз холос. Шунинг учун тарихийлик тамойили ҳақида эмас, балки эволюция тамойили ҳақида гапириш тўғрироқ бўлади.

Тарихийлик тамойилининг шакллари турлича. Тарихийликнинг ижтимоий жиҳати ижтимоий тарихнинг қонуниятлиги, унинг тараққиёти қайтарилмас эканлигидан далолатдир. Янги ижтимоий тузилма ва тизимларнинг пайдо бўлиши муқаррар. Ижтимоий ҳаётни ўрганишда тарихийлик тамойили ғояси Ибн Халдун, ар-Розий, Гегел, Шмоллер ижодида акс этган. *Методологик жиҳатдан тарихийлик тамойили жамият тараққиётининг у ёки бу босқичидаги яхлитликни, ривожланишининг истиқболларини баҳолаш имконини беради.* Масалан, Ўзбекистон мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ таълим соҳасида ислохотларни амалга оширди. Бу таълим тизимининг илгариги ҳолатидан бутунлай янги ҳолатга ўтишини таъминлади. Мулк соҳасидаги ислохотлар эса кишиларнинг мулкка онгли муносабатини шакллантиришга замин тайёрлади. Жамиятнинг тарихий ривожланишида ва тарихийлик тамойилининг амал қилишида тарихий тараққиётни билиш ёки билмаслик муҳим аҳамият касб қилади. Зеро, билиш орқали янги жамиятнинг назарий асослари яратилади, билмаслик эса кўр кўрона фаолият натижасида жамиятни навбатдаги боши берк кўчага олиб киради.

Сабабият тамойили. *Сабабият алоқаларнинг генетик типини, зеро унда бир ҳодиса муқаррар янги бир ҳодисани яратади.* Янги сифатнинг пайдо бўлиши сабабга эга. Масалан, Ўзбекистонда мудофаа соҳасидаги ислохотлар илгариги мудофаа хизматининг ҳозирги давр талабларига жавоб бермаслиги давлат манфаатларига мос эмаслиги билан белгиланади. Ҳодиса ва жараёнларнинг ўзаро алоқадорликда бири иккинчисини келтириб чиқарувчи жараёндир. Масалан: 1997 йилда Ўзбекистонда кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қабул қилиниши, унда белгиланган вазифаларни тизимли амалга оширишни тақозо қилади.

Тизимлилик тамойили. Тизимлилик тамойили ва у билан боғлиқ тизимли ёндошув ўзида диалектика назариясининг комплекс ғояларини мужассамлаштирган ҳозирги замон фани ва амалиётида муҳим методологик



п

аҳамият касб қилади. Тизимлилик тамойилининг асосий омили яхлитлик тамойилидир. Бу объектларни икки ёқлама: бир томондан объектларнинг муҳит билан мутаносиблиги, иккинчи томондан тизим элементлари, хоссалари ва функцияларининг бутун доирасида ички бўлиниши нуктаи назаридан ўрганишни талаб қилади. Бунда бутуннинг хоссалари унинг элементларини назарда тутати ва аксинча. Тизимнинг яхлитлиги ҳақидаги тасаввурлар алоқа орқали конкретлаштирилади. (Алоқалар ҳақида юқорида аниқ маълумот берилган).

Юқорида келтирилган таъриф ҳамма қонунларга тегишли. Аммо қонунлар ҳар хил бўлади. Хусусан, асосий ва иккинчи даражали, динамик ва статик қонунлар, табиат ва жамият қонунлари, махсус ва умумий қонунлар фарқланади. Борлиқ қонунлари ҳақидаги таълим сифатидаги диалектикани умумий (универсал) қонунлар қизиқтиради, чунки улар, биринчидан, фаолиятнинг барча соҳаларига хос, яъни табиат, жамият ва билишда амал қилади; иккинчидан, ҳаракат ва ривожланишнинг теран асосларини ёритиб беради, аниқроқ айтганда, ривожланиш нима учун, қай тарзда, қайси йўналишда юз беради, деган муҳим саволларга изчил жавоб беради.

Диалектика борлиқнинг умумий қонунлари ҳақидаги таълим сифатида объектив дунё тинимсиз ҳаракатда, ўзгаришда ва ривожланишда бўлишидан келиб чиқади. Диалектиканинг бу қоидаи унинг иккинчи тамойили – *ривожланиш тамойилида* қайд этилади. Аммо ривожланишни кўриш ва унинг мавжудлигини тан олишнинг ўзи кифоя қилмайди. **«Ривожланиш» тушунчасининг моҳият ва мазмуни** ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилиш талаб этилади.

Ривожланиш нима? Бу тушунча фалсафада қандай талқин қилинади?

Ривожланиш ижобий ўзгариш ясашга қаратилган ҳаракат, деган тасаввур қадимда юзага келган. Бироқ у, асосан, нисбий хусусиятга эга бўлган. Тарихий тараққиёт ғояси дунё ва инсоннинг пировард тақдири, коинот ва тарихнинг мақсади ҳақидаги диний таълимоти (христиан эсхатологиясини) рад этишдан тўқилган. Тараққиёт аввал илмий билиш соҳасида тадқиқ этилди, сўнгра у билан боғлиқ ғоя ижтимоий муносабатлар соҳасига татбиқ этилди.

Антик давр файласуфи Гесиод ўзидан олдинги беш асрдан буён ўтган тарихни тавсифлаган. Бунда аҳвол асрдан асрга ёмонлашиб борган. Тарих олижаноблик ва юксак ахлоқ ҳукм сурган «олтин аср»дан бошланган, сўнгра улар таназзулга юз тутган «кумуш аср» келган. Тарихий жараён мутлақо ахлоқий тубанликни намойиш этувчи «темир аср» билан яқунланган. Гесиоднинг фикр-мулоҳазаларида регресс ғояси аниқ кўзга ташланади. Унинг ёндашуви аниқ ва тушунарли: у ўша давр жамоа тузуми инқирозга юз тутган замонда яшаган ва унинг фикр-мулоҳазаларида айнан эски жамиятга хос маънавий-ахлоқий негизларнинг емирилиши ўз ифодасини топган. Қизиғи шундаки, Гесиоднинг ушбу фикри ўз даврдан нолиб юрадиган одамларга шунчалик маъқул бўлганки, у яшаган даврдан икки минг йилдан кўпроқ вақт ўтган бўлишига қарамай, бу мулоҳаза ҳалигача одамлар орасида «Йилдан йилга аҳвол баттар» деган ибора тарзида сақланиб қолган. Агар шундай



п

бўлганида эди, бу оламда ўшандан буён ҳеч вақо қолмаган, балки Ернинг ўзи ҳам йўқолиб кетган бўлармиди?

Уйғониш даври мутафаккирлари ақл-идроқка таяниб яшаиш тамойилини «ривожланиш» тушунчаси билан боғлаб, шаклланаётган янги сиёсий кучларнинг идеаллари ва эҳтиёжларини тарихнинг пировард мақсади даражасига кўтарганлар. XVIII асрда яшаган италян файласуфи Вико ижтимоий тараққиёт ғоясини, айниқса, пухта ишлаб чиқди. У барча халқлар ўз тараққиётида қуйидаги уч босқичдан ўтиши ҳақидаги ғояни илгари сурди: 1) «Худолар асри» – диний раҳнамоларга бўйсунуш даври; 2) «Қаҳрамонлар асри» – аристократик давлат даври; 3) «Инсонлар асри» – республика ёки вакиллик монархияси даври¹. Унинг фикрича, шу босқичлардан ўтгач, муайян халқ қуйига қараб ҳаракат қила бошлайди. Яъни, таназзул босқичи бошланади, сўнгра юқорида зикр этилган жараён такрорланади. Вико тарихий ривожланиш циклик ва зиддиятли хусусиятга эга эканлигига эътибор қаратган. Шу боис унинг таъкидлашича «прогресс» тушунчасини унинг зидди – «регресс» (лот. regressus – тесқари ҳаракат, орқага қайтиш) тушунчаси билан боғлиқ ҳолда ўрганиш лозим.


Умуман олганда, прогресс ривожланиш суръатларининг ўсиб бориши билан тавсифланади ва у тарихий ривожланишнинг объектив қонуни сифатида қабул қилинади. Аммо регресснинг айрим унсурлари, алоқалари ва функцияларининг мавжудлиги тараққиётнинг муҳим хусусиятларидан бири ҳисобланади. Француз социологи Р.Арон «Тараққиётдан кўнгиш совиши» китобида бу борадаги ҳалоқатли урушлар, табиий офатлар, инсониятнинг умумий таназзулига ишора қилган. У Ер аҳолиси ҳаддан ташқари кўпайиб кетгани, фан-техника инқилоби шароитида инсоннинг биологик жиҳатдан тубанлашуви юз бераётгани ҳақида фикр юритиб, пессимистик хулосалар чиқарган ва ривожланиш ғоясининг ўзига шубҳа билдирган.

Аммо жаҳоннинг тарихий ривожланиш жараёнини тангликлар ва инқирозларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Дунёни мутлақо тартибли ҳолда кўриш, табиий тарихий жараённи умумий, фақат ижобий манзараларда ифодалаш истаги назарий прогнозлардан ҳам кўра кўпроқ утопик (хом хаёл), амалга ошмайдиган лойиҳалар соҳасига тааллуқлидир.

Кишилик жамиятининг қуйидан юқorigа томон ривожланиши доимо ижтимоий тараққиёт билан боғланган бўлса-да, тарихий тараққиётнинг асл моҳияти, қонунлари ва ҳаракатлантирувчи кучлари узоқ вақтгача маълум бўлмаган. Идеализм ғоялари билан руҳланган файласуф ва социологлар прогресс манбаини маънавий негиздан, ақл-заковатнинг такомиллашиш қобилятидан, ахлоқ ҳамда ҳуқуқий ғояларнинг ривожланиш даражасидан излаганлар. Аммо бу олий маънавий кучларни ривожланишга нима мажбур қилиши тушунарсиз бўлиб қолган.

Тараққиётнинг фаталистик талқини, яъни прогрессни муқаррар жараён деб тушуниш фаолликни сусайтиради, ҳаётга томошабин бўлиб қараиш, воқеликни лоқайд кузатишга йўналтиради.

¹ Вико В. \ \ Всемирная энциклопедия. –М.: Современный литератор, 2001. –С.150.



п

Тараққийётнинг волюнтаристик талқини жаҳон тарихининг объектив қонунларини инкор этиш, ўз хоҳиш-иродасини стихияли тарзда ифодалаш, ижтимоий ривожланишини эркин баҳолаш билан боғлиқдир.

Материалистик ёндашув тарихий тараққийёт илдизларини моддий ишлаб чиқариш соҳасидан, иқтисодиётдан излаш керак, деган гояни илгари суради. Бунда инсон ва у яратган меҳнат қуролиларини ўз ичига олган жамиятда ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши ижтимоий тараққийётнинг олий объектив мезони сифатида тан олинади. Муайян ижтимоий тузумнинг прогрессивлиги ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш даражаси билан белгиланади.

Бунда ишлаб чиқариш кучлари жамиятнинг ривожланиш даражасини пировард натижада, умумбашарий тарихий миқёсда, умумий тарзда белгилайди, деб ҳисобланади. Гўёки ишлаб чиқариш кучлари эришган ҳар бир даража жуда кўп турли имкониятларни яратади ва ижтимоий ҳаракат йўли кўпгина ҳолатларга, хусусан, ижтимоий фаолият субъекти танлаган тарихий йўлга боғлиқ бўлади.

Бугунги тарих тараққийётни ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш даражасига бевосита боғлаш мумкин эмаслигини, устқурмавий ҳодисалар иқтисодиётга нисбатан анча мустақил эканлигини кўрсатди.

Тараққийёт – серқирра ҳодиса бўлгани каби, жамият жуда кўп ранг-баранг элемент ва жараёнларни ўз ичига олган мураккаб тизимдир. Бу элемент ва жараёнлар ривожланувчи, юксалишга қодир ва прогрессив ўзгаришларнинг ўз мезонига эга кичик тизимлар сифатида намоён бўлади. Шу боис ижтимоий тараққийётнинг муайян мезонлари сифатида, иқтисодий мезон билан бир қаторда, ижтимоий-сиёсий, мафкуравий ва гуманистик мезонлар ҳам қайд этилади. Айни вақтда бу хусусий мезонлар ижтимоий ҳаётнинг айрим жиҳатларинигина тавсифлайди ва тараққийёт ҳақида умумий яхлит тасаввур бермайди. Жамиятнинг ўз-ўзидан ривожланувчи ҳаракатчан тизим сифатида ривожланиши унинг барча кичик элементлари бир хилда ва бир хил суръатда ривожланишини англамайди. Одатда, уларнинг ривожланиши нотекис кечади, айрим соҳалардаги прогресс бошқа соҳалардаги регресс ёки бир ёклама ривожланиш билан бирга намоён бўлади.

Баъзи Ғарб социологлари тараққийёт мезонларини онг соҳасидан излашни тавсия этадилар ва инсон ўзини қай даражада бахтли, хотиржам ҳис қилишига қараб, бу муаммони ахлоқий муаммолар билан бир қаторга қўяди. Аммо бундай ёндашувлар субъектив хусусиятга эга, чунки одамларнинг мақсади, идеаллари ва кайфияти муттасил ўзгариб туради.

«Ривожланиш» тушунчаси универсал эмас, балки нисбий хусусиятга эга. Фалсафада уни бутун коинотга нисбатан қўллаб бўлмайди, чунки унда аниқ белгиланган ривожланишни кузатиш мумкин эмас, деган фикрлар бор. Бу тушунчани циклик хусусиятга эга бўлган кўпгина жараёнларга нисбатан ҳам қўллаб бўлмайди. Табиатдаги тараққийётни таҳлил қилишда ривожланишнинг асосий тармоғи ва иккинчи даражали тармоқлари фарқланади. Айрим олимлар фикрига кўра, ҳаракатнинг олий, яъни



п ижтимоий шаклига тараққиётнинг яқинлашув даражаси жонли табиат тараққиётининг умумий мезони ҳисобланади.

Ривожланиш очиқ тизимнинг мавжудлиги ва эволюцияси, бир томондан, унинг ички тузилишига, бошқа томондан эса – унинг ташқи муҳит билан ўзаро алоқасига боғлиқ. Бу ўзаро алоқа жараёнида унинг энтропияси кўпайиши ҳам, ўзгаришсиз қолиши ҳам, камайиши ҳам (атроф муҳитда энтропиянинг ўсиши ҳисобига) мумкин.

Энтропиянинг камайиши тизимнинг дифференцияланиши, тизим структурасининг мураккаблашуви ва уюшқоқлик даражасининг ортиши билан боғлиқ.

Тизимнинг уюшқоқлик даражасини аниқлаш учун куйидаги мезонлардан фойдаланилади:

- структуравий мезонлар – тизимнинг мураккаблик даражаси, тизим элементлари ва уларнинг ўртасидаги алоқаларнинг ранг-баранглиги ва ҳ.к.;
- энергетик мезонлар – тизим фаолиятининг самарадорлик кўрсаткичлари (муайян мақсадга эришиш учун қандай модда ва энергия сарфлари талаб этилиши билан белгиланади);
- информацион мезонлар – сиртдан олинувчи ва тизимда айланувчи ахборот миқдори ва сифати, шунингдек ахборотни қайта ишлаш ва ундан бошқарув тизимларида фойдаланиш усуллари ва ҳ.к.

Эволюция қилаётган, уюшқоқлик даражаси ўсиб бораётган тизимлар ривожланаётган тизимлар ҳисобланади.

Аммо шуни эътиборга олиш лозимки, ҳар қандай конкрет тизим ўз тарихига эга, бу тарихнинг эса боши ва охири бор. Бу тарихда тизимнинг у пайдо бўлганидан кейинги ҳаёти аввалига уюшқоқликнинг қандайдир олий даражасигача (юнон. «акме» - чўққи) ўсиб боради, сўнгра уюшқоқлик даражаси пасая бошлайди, тизимнинг структураси соддалашади, тартибсизлик кучаяди ва мазкур жараён тизимнинг ҳалок бўлиши билан тугайди.

Ривожланиш тушунчаси адабиётларда икки хил маънода қўлланилади. *Кенг маънодаги ривожланиш тушунчаси тизимнинг ҳаёт циклини тўла қамраб олади (ва айни ҳолда унинг ривожланишидаги ўсиш ва пасайиш тўғрисида сўз юритилади). Тор маънодаги ривожланиш деганда эса фақат эволюциянинг ўсиш жараёни тушунилади (бу ҳолда пасайиш жараёни ривожланишига завол топиш ва таназзул жараёни сифатида қарама-қарши қўйилади).*

Баъзан эволюциянинг ўсиш жараёни тараққиёт (прогресс), пасайиш жараёни эса – регресс сифатида тавсифланади. Аммо тараққиёт ва регресс деганда нимани тушуниш лозим? Бу тушунчалар тизимнинг ўзгаришларига уларнинг муайян мақсадга мувофиқлиги нуқтаи назаридан берилган баҳони акс эттиради (бу ижтимоий тизимларнинг тараққиёти ёки регресси тўғрисида сўз юритилганда айниқса бўртиб намоён бўлади). Мақсадга эришишга кўмаклашувчи омиллар прогрессив, ундан узоклаштирувчи омиллар эса регрессивдир. Бинобарин, булар муайян субъектнинг фикрига кўра тизим хизмат қилиши лозим бўлган мақсадлар билан белгиланувчи нисбий



п тушунчалардир. Аксарият ҳолларда эволюциянинг ҳар бир босқичида қандайдир ўзгаришлар прогрессив деб (улар уюшқоқлик даражасини оширмаслиги ҳам мумкин), қандайдир ўзгаришлар эса регрессив деб (улар уюшқоқлик даражасини пасайтирмаслиги ҳам мумкин) деб баҳоланади.

Ривожланиш тушунчасига у бошқа маълум тушунчалар – «ўзгариш» ва «ҳаракат» билан ўзаро нисбатлаш йўли билан таъриф бериш мумкин. Ўзгариш – бу нарсалар, ҳодисаларнинг бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтиши. У «барқарорлик»ка зид ва аниқ йўналишли – прогрессив ёки регрессив хусусият касб этади. *Прогресс ёки тараққиёт – материя тузилишининг қуйи шаклларида олиқ шаклларида, соддадан мураккабга ўтиш.* Бунга тесқари йўналишда юз берувчи жараён регресс деб аталади.

«Ҳаракат» тушунчасини диалектика материяга татбиқан «умуман ўзгариш» сифатида тавсифлайди, яъни у дунёда юз берувчи барча жараёнларни, уларнинг мазмунидан қатъий назар қамраб олади. Ҳаракат ўз ҳажмига кўра ривожланишга қараганда кенгроқ тушунча, лекин ривожланиш ўзининг конкрет мазмунига кўра ҳаракатга қараганда чуқурроқ. Ривожланишни ҳаракат феноменидан қуйидаги жиҳатлар ёрдамида фарқлаш мумкин:

а) вақтда аниқ йўналишга эгаллик – ўтмишдан ҳозирги давр орқали келажакка қаратилганлик;

б) жараённинг ортга қайтмаслиги, яъни ўзгарувчи реал нарсалар, ҳодисалар ўз индивидуал жиҳатларида бетакрордир;


в) ривожланиш жараёнида янги, яъни илгари мавжуд бўлмаган нарсанинг пайдо бўлиши;

г) ривожланишнинг қонуний хусусияти, у муайян қонунларга бўйсунуши.

Шундай қилиб, *ривожланиш умуман ўзгаришнинг муайян шакли, ҳаракатнинг алоҳида тури бўлиб, унга моддий объектларнинг қонуний, йўналтирилган, орқага қайтариб бўлмайдиган, сифат ўзгаришлари ҳосдир.*

Ривожланиш билан юзаки танишиш у бир йўналишли хусусиятга эга ва ғолибона олға силжишдан иборат, деган тасаввур уйғотиши мумкин. Амалда бундай эмас. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун баъзан айнийлаштириладиган «ривожланиш» ва «тараққиёт» тушунчаларини ўзаро нисбатлаш кифоядир.

Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, ривожланиш янги, яъни илгари мавжуд бўлмаган нарса пайдо бўлишига олиб келади. Аммо шу ўринда табиий бир савол туғилади: янги нарса доим ҳам эски нарсадан баркамолроқ бўладими? Йўқ, бўлмайди. Масалан, ХХ асрнинг 30-йилларида Германияда фашизм ижтимоий ҳаётдаги янги ҳодиса сифатида пайдо бўлган. Бу жамият ҳаётида тараққиёт бўлганми? Йўқ, бўлмаган. Демак, ҳар қандай янги ҳодиса ёки нарса прогрессив бўлавермайди. Бундан хулоса шуки, янги нарса ривожланиш даражасига кўра эски нарсадан устун туриши мумкин ва аксинча, у ривожланишда орқага сурилиш бўлиши мумкин. Шу сабабли ривожланиш жараёнида икки тенденция – прогрессив ва регрессив тенденцияларни фарқлаш лозим. Мисол учун, мураккаб моддий тизимларда, айтайлик жамиятда тараққиёт ва регресс элементлари ёнма-ён туради.



п

Жамиятда ўзгаришлар юз берган даврда бу айниқса бўртиб намоён бўлади. Шундай қилиб, ривожланиш мураккаб, диалектик жиҳатдан зиддиятли хусусият касб этади.

Ривожланишнинг диалектик концепцияси қуйидаги жиҳатларга алоҳида эътиборни қаратади:

Биринчидан, *ривожланишнинг манбаи нарсалар, ҳодисалар ва жараёнларнинг ички зиддиятларидир.* Бу борлиқнинг барча ҳодисаларига ички қарама-қаршиликлар хос эканлигини англатади. Бу қарама-қаршиликлар ўртасидаги муносабатлар зиддиятлар деб аталади. Ҳар бир предмет, ҳодиса, жараён доирасида қарама-қаршиликларнинг бирлиги ва қарши ҳаракати кузатилади. Бу «қарши ҳаракат» ривожланиш манбаи ҳисобланади. У ҳамма жойда: жонсиз табиатда ҳам, жонли табиатда ҳам, ижтимоий ҳаётда ҳам, онг соҳасида ҳам юз беради. Чунки борлиқнинг умумий қонуни – диалектик зиддиятлилиқ қонуни амал қилади.

Иккинчидан, *миқдор ва сифат ўзгаришларининг бир-бирига ўтиши ривожланишнинг шакли ҳисобланади.* Табиат, жамият ва тафаккурда юз берувчи жараёнлар таҳлили ҳар бир нарса, ҳодиса, жараёнга бир-бири билан узвий алоқа қилувчи ва муттасил ўзгарувчи миқдор ва сифат жиҳатлари хосдир, деган хулосага келиш имконини беради. Бу ўзгаришларнинг моҳияти шунда намоён бўладики, миқдор ўзгаришлари аста-секин йиғилиб, предметнинг меъёрини оширади ва унинг сифат ҳолати ўзгаришига сабаб бўлади. Бу сакраш, ривожланиш жараёнида хужумкорликни тўхтатиш тарзида юз беради. Бу ерда борлиқнинг умумий қонуни – миқдор ва сифат ўзгаришларининг бир-бирига ўтиши қонуни амал қилади.

Учинчидан, *ривожланиш жараёнида ворисийлик омили муқаррар тарзда мавжуд бўлади.* Бунинг натижасида ривожланиш олдинги даражаларининг бойлиги муттасил тўпланиши унга хужумкор тус беради. Шунга қарамай айти шу хужумкорлик зиддиятлидир, чунки ривожланиш цикллилик босқичларини ўз ичига олади, «гўёки» эскига қайтиш юз беради ва ривожланиш спиралсимон кўриниш касб этади. Бунда борлиқнинг умумий қонуни – инкорни-инкор намоён бўлади.

Хулосалар. Оламнинг мавжудлиги унинг муттасил ўзгариши ва ривожланиши билан боғлиқ.

Ривожланиш ўзаро алоқаларни тақозо қилади. Нарсалар ўртасидаги ўзаро алоқа макон ва вақтдаги ўзаро таъсирни тақозо қилади.

Тараққиётнинг имконияти муайян тарихий шарт-шароитнинг мавжудлиги билан белгиланади. Масалан, ҳаётнинг юзага келиши жуда кўп физик-кимёвий шартларга, сайёра ҳароратига, атмосферанинг мавжудлигига боғлиқ бўлган. Мавжуд шарт-шароит тараққиёт даражасининг янада ўсишига имконият яратиши, уни тўхтатиб қўйиши ёки унга тўсқинлик қилиши мумкин. Ривожланиш амалда юқорига қараб, прогрессив йўналишда юз берса-да, унинг зиддиятли хусусиятга эга эканини ёдда тутиш лозим.

Тажрибавий амалий матнлар




п
Ривожланиш, нарса, алоқа, алоқа учун асос, ўзаро алоқа, муносабат, ўзаро таъсир, уюшқоқлик.

Қўшимча ва тушунтирувчи матнлар

Алоқаларнинг таснифи ва хусусияти

АЛОҚАЛАРНИНГ АСОСИЙ ТУРЛАРИ		АЛОҚАЛАРНИНГ ХУСУСИЯТИ		
Материянинг асосий турларига ва унинг ҳаракат шакллари хос бўлган алоқалар		Материя мавжудлигининг асосий шакллари хос бўлган алоқалар	қонун, ҳодисани белгилайдиган алоқалар	қонун, ҳодисани белгиламайдиган алоқалар
Ижтимоий	Моддий-энергетик	Маконга доир	Ички	Ташқи
Биологик		Вақтга доир	Муҳим	Аҳамиятсиз
Кимёвий		Структуравий	Зарурий	Тасодифий
Физик	Информацион	Генетик	Барқарор	Беқарор
Механик		Сабабий	Умумий	Якка
		Функционал		



Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар

1. Нарса ва алоқа бирлигини тушунтиринг
2. Нима алоқа учун асос бўла олади?
3. Алоқанинг муҳимлиги а объектиликни асосланг



п

Реферат мавзулари

1. Диалектиканинг асосий тушунчалари тавсифи
2. Ижтимоий жараёнлар диалектикасида ўзаро алоқадорликнинг роли
3. Жамият ривожланишида ўзаро таъсирнинг аҳамияти
4. Ўзаро таъсир ривожланишнинг асоси

Билим ва кўникмаларни баҳолаш материаллари

1. Ўзгариш – бу

- А. нарсалар, ҳодисаларнинг бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтиши.
- Б. нарса ва ҳодисаларнинг бирлиги
- В. нарса ва ҳодисалардаги фарқ
- Г. Жараёнлардаги турғунлик

Билим ва кўникмаларни баҳолаш материаллари

2. Алоқа нима?

- А. Фалсафада алоқа деганда макон ё вақтда бир-биридан муайян масофада узоқликда жойлашган икки ёки бир неча ҳодиса ёки объектнинг ўзаро алоқа жараёни тушунилади.
- Б. Ўз-ўзидан равшанки, шаклланган, нисбатан мустақил нарсалар мавжуд бўлмаган жойда алоқа мавжудлигини тахмин қилиш ҳам мумкин эмас
- В. Ўз-ўзидан равшанки, шаклланган, нисбатан мустақил нарсалар мавжуд бўлмаган жойда алоқа мавжудлигини тахмин қилиш ҳам мумкин.
- Г. Барча жавоблар тўғри.

3.Объектлар дискретлик, шаклланганлик ва нисбатан мустақилликдан маҳрум бўлган жойда алоқалар мавжуд бўлиши мумкинми?

- А. Ўз-ўзидан равшанки, шаклланган, нисбатан мустақил нарсалар мавжуд бўлмаган жойда алоқа мавжудлигини тахмин қилиш ҳам мумкин эмас.
- Б. Барча жавоблар тўғри.
- В. Ўз-ўзидан равшанки, шаклланган, нисбатан мустақил нарсалар мавжуд бўлмаган жойда алоқа мавжудлигини тахмин қилиш ҳам мумкин.
- Г. Барча жавоблар тўғри.

4. таъбири билан айтганда, тўғнағич каллагини билиш учун бутун Оламни билиш талаб этилади.

- А. Паскаль
- Б. Г.Гегель
- В. И Кант
- Г. Ф.Гегель



п

5. Диалектика борлиқнинг ранг-баранг алоқаларини таҳлил қилишга нисбатан дифференциациялашган ёндашувни назарда тутати. Бунда у қандай алоқаларни фарқлайди?

А. Материянинг асосий турларига ва унинг ҳаракат шакллариغا хос бўлган алоқалар (механик, физик, кимёвий, биологик, ижтимоий алоқалар);

Б. Материя мавжудлигининг асосий шакллариغا хос бўлган алоқалар (маконга доир, вақтга доир, структуравий, генетик, сабабий, функционал алоқалар).

В. А ва Б жавоблар.

Г. Тўғри жавоб йўқ.

6. Ўзаро таъсир нима?

А. Нарсалар бир-бирига таъсир кўрсатиши натижасида юзага келадиган ва улар бир-бирини ўзгартиришига сабаб бўладиган алоқа.

Б. Ўзаро таъсир нарсаларнинг ўзаро алоқадорлигини, улар бир-бирига таъсир кўрсатиши ва бир-бирини ўзгартиришини англатади.

В. А ва Б жавоблар.

Г. Тўғри жавоб йўқ.

7. Диалектиканинг муҳим белгилари тўғри кўрсатилган жавобни топинг?

А. Бир ва умумий алоқа тамойилининг мазмуни айнан объектларнинг ҳар томонлама ўзаро алоқалари ва ўзаро таъсирларини ҳисобга олишдан иборат.

Б. Ўз-ўзидан равшанки, шаклланган, нисбатан мустақил нарсалар мавжуд бўлмаган жойда алоқа мавжудлигини тахмин қилиш ҳам мумкин эмас.

В. Барча жавоблар тўғри.

Г. Ўз-ўзидан равшанки, шаклланган, нисбатан мустақил нарсалар мавжуд бўлмаган жойда алоқа мавжудлигини тахмин қилиш ҳам мумкин.

8. Алоқалар қандай жиҳатлар билан тавсифланади?

А. Улар объектив хусусият касб этади, яъни одамлар онгидан қатъи назар, объектив қонуният сифатида мавжуд бўлади.

Б. Алоқалар универсалдир, чунки ҳамма жойда ва ҳар доим, барча ҳодисаларда, барча даражалар ва босқичларда намоён бўлади. Ўзаро алоқа ўзининг моҳияти ва табиатига кўра серқиррадир,

В. Барча жавоблар тўғри.

Г. Реал алоқалар ўз хусусияти, чуқурлик ва мураккаблик даражаси, намоён бўлиш шакллариغا кўра чексиз даражада ранг-барангдир.

9. Алоқаларнинг қандайдай шакллари мавжуд?

А. Ички ва ташқи алоқалар; муҳим ва аҳамиятсиз алоқалар; зарурий ва тасодифий алоқалар; барқарор ва бекарор алоқалар; умумий ва яқка алоқалар.

Б. Ички ва ташқи алоқалар; муҳим ва аҳамиятли алоқалар; зарурий ва тасодифий алоқалар



п

А. Муҳим ва аҳамиятсиз алоқалар; зарурий ва тасодифий алоқалар; барқарор алоқалар.

Г. Муҳим ва аҳамиятли алоқалар; зарурий ва тасодифий алоқалар; барқарор ва бекарор алоқалар.

10. Ривожланишда бу алоқаларнинг роли бир хил эмас: уларнинг айримлари ёрдамида предмет ўз табиатини рўёбга чиқаради, яъни улар бош ролни ўйнайди, бошқа алоқалар эса иккинчи даражали аҳамият касб этади. Шунга мувофиқ «қонун алоқа демак» деган ибора пайдо бўлган. Бу тўғрими?

А. Нотўғри агар у ҳар қанақанги алоқа эмас, деб қўшимча қилинса.

Б. Тўғри, агар қонун – бу ҳар қанақанги алоқа эмас, деб қўшимча қилинса.

В. Нотўғри агар у ҳар қанақанги алоқа эмас.

Г. Тўғри, агар қонун – бу ҳар қанақанги алоқа ҳисобланади, деб қўшимча қилинса.

11. Қандай алоқа қонун ҳисобланади?

А. Қонун деб, бир қанча белгиларга эга бўлган ўзаро алоқа

Б. Қонун деб, бир қанча зарурий белгиларга эга бўлган ўзаро алоқага айтилади:

В. Қонун деб, бир қанча зарурий белгиларга эга бўлган ўзаро алоқага айтилмайди ва у умумий риоя қилинадиган қаттиқ қоидалардир.

Г. Қонун деб, ўзаро алоқага айтилади:

12. Алоқанинг объективлиги нима?

А. Қонун нарсаларнинг субъектив ҳолатини, нарсалар ва ҳодисалар ўртасидаги субъектив алоқани акс эттириши унинг муҳим белгиси бўлади;

Б. Қонун нарсаларнинг объектив ҳолатини, нарсалар ва ҳодисалар ўртасидаги объектив алоқани акс эттириши унинг муҳим белгиси бўлади;

В. Қонун нарсаларнинг объектив ҳолатини, нарсалар ва ҳодисалар ўртасидаги субъектив алоқани акс эттириши унинг муҳим белгиси бўлади;

Г. Қонун нарсаларнинг субъектив ҳолатини, нарсалар ва ҳодисалар ўртасидаги объектив алоқани акс эттириши унинг муҳим белгиси бўлади;

13. Муҳим алоқа нима?

А. Бу нарсанинг мавжудлигини, унинг ҳаракати ва ривожланишини белгиловчи алоқа.

Б. Бу нарсалар ва ҳодисалар ўртасидаги объектив алоқани акс эттириши унинг муҳим белгиси бўлади;

В. Бу нарсалар ва ҳодисалар ўртасидаги субъектив алоқани акс эттириши

Г. Бу нарсалар ва ҳодисалар ўртасидаги объектив алоқани акс эттириши.

14. Зарурий алоқа нима?

А. Бу муайян шароитда зарурий тарзда намоён бўлувчи алоқа.



п

Б. Бу нарсанинг мавжудлигини, унинг ҳаракати ва ривожланишини белгиловчи алоқа.

В. Бу ишончли тарзда сақланадиган алоқа. У материя ҳаракатининг тегишли шакли (материя ривожланишининг муайян босқичи) ёки тафаккур мавжуд бўлган давр мобайнида, токи бу нарсалар ва ҳодисалар мавжуд экан, амалда мавжуд бўлади;

Г. Алоқанинг умумийлиги шунда намоён бўладики, унга объектив дунёнинг аксарият ёки ҳатто барча нарсалари, ҳодисалари ва жараёнлари бўйсунди.

15. Барқарор алоқа нима?

А. Бу муайян шароитда зарурий тарзда намоён бўлувчи алоқа.

Б. Бу нарсанинг мавжудлигини, унинг ҳаракати ва ривожланишини белгиловчи алоқа.

В. Бу ишончли тарзда сақланадиган алоқа. У материя ҳаракатининг тегишли шакли (материя ривожланишининг муайян босқичи) ёки тафаккур мавжуд бўлган давр мобайнида, токи бу нарсалар ва ҳодисалар мавжуд экан, амалда мавжуд бўлади;

Г. Алоқанинг умумийлиги шунда намоён бўладики, унга объектив дунёнинг аксарият ёки ҳатто барча нарсалари, ҳодисалари ва жараёнлари бўйсунди.

16. Алоқанинг умумийлиги нима?

А. Бу муайян шароитда зарурий тарзда намоён бўлувчи алоқа.

Б. Бу нарсанинг мавжудлигини, унинг ҳаракати ва ривожланишини белгиловчи алоқа.

В. Бу ишончли тарзда сақланадиган алоқа. У материя ҳаракатининг тегишли шакли (материя ривожланишининг муайян босқичи) ёки тафаккур мавжуд бўлган давр мобайнида, токи бу нарсалар ва ҳодисалар мавжуд экан, амалда мавжуд бўлади;

Г. Алоқанинг умумийлиги шунда намоён бўладики, унга объектив дунёнинг аксарият ёки ҳатто барча нарсалари, ҳодисалари ва жараёнлари бўйсунди.

17. Қонун – бу?


А. Моддий ва маънавий ҳодисаларнинг уларнинг ҳаракат ва ривожланиш хусусияти ва йўналишини белгиловчи объектив, муҳим, зарурий, барқарор ва умумий алоқаси.

А. Субъектив, муҳим, зарурий, барқарор ва умумий алоқаси.

В. Моддий ва маънавий ҳодисаларнинг уларнинг ҳаракат ва ривожланиш хусусияти ва йўналишини белгиловчи.

Г. Моддий ва маънавий ҳодисаларнинг уларнинг ҳаракат ва ривожланиш хусусияти ва йўналишини белгиловчи субъектив, муҳим, зарурий, барқарор ва умумий алоқаси.

18. «.....» - борлиқнинг нисбатан мустақил ва нисбатан барқарор ҳолда мавжуд бўлган бир қисмидир. Унинг тушунчасида борлиқ ҳар қандай ҳодисасининг – у хоҳ табиат, хоҳ жамият, хоҳ инсон ёки унинг онги



п

бўлсин, дискретлиги, нисбатан мустақиллиги ва сифат жихатидан аниқлиги намоён бўлади.

- А. Нарса
- Б. Харакат
- В. Воқеа
- Г. Ходиса

19. Тарихий жараён мутлақо ахлоқий тубанликни намойиш этувчи «темир аср» билан якунланган деб эътироф этган файласуф ким?

- А. Гесиод
- Б. Г. Гегель
- В. И Кант
- Г. Ф. Гегель

20. файласуфнинг ушбу фикри ўз давридан нолиб юрадиган одамларга шунчалик маъқул бўлганки, у яшаган даврдан икки минг йилдан кўпроқ вақт ўтган бўлишига қарамай, бу мулоҳаза ҳалигача одамлар орасида «Йилдан йилга аҳвол баттар» деган ибора тарзида сақланиб қолган?

- А. Гесиод
- Б. Г. Гегель
- В. И Кант
- Г. Ф. Гегель

21. XVIII асрда яшаган итальян файласуфи Вико ижтимоий тараққиёт ғоясини, айниқса, пухта ишлаб чиқди. У барча халқлар ўз тараққиётида қуйидаги уч босқичдан ўтиши ҳақидаги ғояни илгари сурди- булар?

А.1) «Худолар асри» – диний раҳнамоларга бўйсунуш даври; 2) «хон асри» – аристократик давлат даври; 3) «шахс асри» – республика ёки вакиллик монархияси даври.

Б.1) «Хон асри» – диний раҳнамоларга бўйсунуш даври; 2) «ғоя асри» – аристократик давлат даври; 3) «Инсонлар асри» – республика ёки вакиллик монархияси даври.

В.1) «Худолар асри» – диний раҳнамоларга бўйсунуш даври; 2) «ғоя асри» – аристократик давлат даври; 3) «шахс асри» – республика ёки вакиллик монархияси даври.

Г.1) «Худолар асри» – диний раҳнамоларга бўйсунуш даври; 2) «Қаҳрамонлар асри» – аристократик давлат даври; 3) «Инсонлар асри» – республика ёки вакиллик монархияси даври.

22. Унинг фикрича, шу босқичлардан ўтгач, муайян халқ қуйига қараб ҳаракат қила бошлайди. Яъни, таназзул босқичи бошланади, сўнгра юқорида зикр этилган жараён такрорланади.

- А. Гесиод
- Б. Г. Гегель



п
В. И Кант
Г. Вико

23. «прогресс» тушунчасининг луғавий маъноси?

- А. Унинг зидди – «регресс» (лот. regressus – тўғри ҳаракат, орқага қайтиш
- Б. Лот. regressus – тўғри ҳаракат тушунчаси билан боғлиқ.
- В. «регресс» (лот. regressus – тўғри ҳаракат) тушунчаси билан боғлиқ ҳолда ўрганиш лозим.
- Г. Унинг зидди – «регресс» (лот. regressus – тескари ҳаракат, орқага қайтиш) тушунчаси билан боғлиқ ҳолда ўрганиш лозим.

24. Француз социологи Р.Арон қайси китобида ҳалокатли урушлар, табиий офатлар, инсониятнинг умумий таназзулига ишора қилган.

- А. «Инқилобдан кўнгил совиши»
- Б. «Тарбиянинг тўғри қўйиш»
- В. «Хаётдан кўнгил қолиш»
- Г. «Тараққиётдан кўнгил совиши»

25. Баъзи Ғарб социологлари тараққиёт мезонларини қайси соҳадан излашни тавсия этадилар?

- А. Онг
- Б. Тафаккур
- В. Ғоя
- Г. Фикр

26. Ривожланиш очиқ тизимнинг мавжудлиги ва эволюцияси, бир томондан, унинг ички тузилишига, бошқа томондан эса – унинг ташқи муҳит билан ўзаро алоқага боғлиқ. Бу ўзаро алоқа жараёнида унинг энтропияси қандай тизимига эга бўлиши мумкин?

- А. Кўпайиши ҳам, ўзгаришсиз қолиши ҳам, камайиши ҳам (атроф муҳитда энтропиянинг ўсиши ҳисобига) мумкин.
- Б. Кўпайиши ҳам, ўзгаришли қолиши ҳам, камайиши ҳам.
- В. Каммайиши ҳам, ўзгаришли қолиши ҳам, камайиши ҳам (атроф муҳитда энтропиянинг ўсиши ҳисобига) мумкин эмас.
- Г. Кўпайиши ҳам, камайиши ҳам мумкин эмас даражада..

27. Тизимнинг уюшқоқлик даражасини аниқлаш учун қандай мезондан фойдаланилади?

- А. Структуравий мезонлар
- Б. Энергетик мезонлар
- В. Барча жавоблар тўғри.
- Г. Информацион мезонлар

28. Эволюция қилаётган, уюшқоқлик даражаси ўсиб бораётган тизимлар қандай тизимлар ҳисобланади.

- А. Инклубий



- п
Б. Ривожланаётган
В. Ривожланмаётган
Г. Сиёсий

29. Ривожланишнинг диалектик концепцияси қандай жиҳатларга алоҳида эътиборни қаратади?

- А. Ривожланишнинг манбаи нарсалар, ҳодисалар ва жараёнларнинг ички зиддиятларидир..
Б. Миқдор ва сифат ўзгаришларининг бир-бирига ўтиши ривожланишнинг шакли ҳисобланади.
В. Барча жавоблар тўғри.
Г. Ривожланиш жараёнида ворисийлик омили муқаррар тарзда мавжуд бўлади.

30. Информацион мезонлар нима?

- А. Сиртдан олинувчи ва тизимда айланувчи ахборот миқдори ва сифати, шунингдек ахборотни қайта ишлаш ва ундан бошқарув тизимларидан фойдалан маслиҳат усуллари
Б. Барча жавоблар тўғри.
В. Сиртдан олинувчи ва тизимда айланувчи ахборот миқдори ва сифати, шунингдек ахборотни қайта ишлаш ва ундан бошқарув тизимларида фойдаланиш усуллари
Г. Сиртдан олинувчи ва тизимда айланувчи ахборот миқдори ва сифатидан фойдалан маслиҳат усуллари




1. Маърузани олиб бориш технологияси

<i>Талабалар сони:</i>	<i>Вақти:</i> 4 соат
<i>Машигулот шакли</i>	Кириш мавзуси бўйича маъруза
<i>Маъруза режаси</i>	1.Барқарорлик ва беқарорлик диалектикаси 2.Фалсафа тарихида борликнинг барқарорлиги ва беқарорлиги ҳақидаги қарашлар эволюцияси
<i>Машигулотнинг мақсади:</i> Ўқув фани ҳақида умумий тасаввурни шакллантириш, борликнинг барқарорлиги ва ўзгарувчанлиги муаммоси ҳақида тушунча ҳосил қилиш.	
<i>Педагогик вазифалар</i>	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i>
Барқарорлик ва беқарорлик диалектикаси ҳақида тушунчалар бериш.	Барқарорлик ва беқарорлик диалектикаси ҳақида талабаларга тушунчалар берилди.
Фалсафа тарихида борликнинг барқарорлиги ва беқарорлиги ҳақидаги қарашлар эволюцияси ҳақида тушунча бериш.	Фалсафа тарихида борликнинг барқарорлиги ва беқарорлиги ҳақидаги қарашлар эволюцияси ҳақида талабаларга тушунчалар берилди.
<i>Ўқитиш усуллари ва техника</i>	Маъруза, «ақлий ҳужум», Т-схема, мунозара, муаммоли вазиятлар усули.
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Маъруза матни, тарқатма материаллар, слайдлар, проектор.
<i>Ўқитиш шакллари</i>	Жамоа, тўғридан-тўғри ва гуруҳларда ишлаш.
<i>Ўқитиш шарт-шароити</i>	Техник воситалар билан таъминланган аудитория.
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Оғзаки назорат, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш.

2. Маърузанинг технологик картаси

<i>Иш жараёнлари вақти</i>	<i>Фаолиятнинг мазмуни</i>	
	<i>ўқитувчи</i>	<i>Талаба</i>
I-босқич. Фанга ва мавзуга кириш. (20 минут)	1.1. Ўқув фани номини айтиб, фан доирасида дастлабки умумий тасаввурни беради ҳамда услубий ва ташкилий томонлари билан таништиради.	Тинглайдилар.
	1.2. Фан бўйича ўтиладиган барча мавзулар билан таништиради, уларнинг узвийлиги ҳақида қисқача маълумот беради.	Тинглайдилар.
	1.3. Фан якунида қўйиладиган рейтинг баҳолаш мезонлари билан таништиради	ЎУМ га қарайдилар.
	1.4. Фанни ўзлаштиришда фойдаланиш учун зарур бўлган адабиётлар рўйхати билан таништиради.	ЎУМ га қарайдилар.
	1.5. Ўқув машғулоти мавзуси билан таништиради ва унинг мақсади, ўқув фаолияти натижаларини баён қилади.	Мавзу номини ёзиб оладилар.
	1.6. Мавзу юзасидан ақлий ҳужум қондаси асосида дарс ўтказишни таклиф этади. Талабалар томонидан айtilган фикрларни ёзиб билдиради.	Тушунчаларни эркин фикр орқали билдиради.



П

	бореди ва умумлаштиради	
II-босқич. Асосий (50 минут)	2.1. Мавзу режаси ва таянч тушунчалар билан таништиради.	Тинглайдилар.
	2.2. Маърузани режа бўйича тушунтиради, ҳар бир режани ниҳоясида умумлаштиради. Жараён компьютер слайдларини намоиш қилиш билан олиб борилади	Тинглайдилар. Слайдга эътибор қаратади, уни ўзига ёзиб олади ва саволлар беради.
	2.3. Ҳар бир режани мустаҳкамлаш учун куйидагича саволлар беради: 1.Ўзгарувчанлик ва ҳаракат? 2.Объектларнинг барқарорлиги ва беқарорлиги ҳақидаги қарашлар?	Саволларга жавоб берадилар, эркин баҳс-мунозара юритадилар.
	2.4. Таянч ибораларга қайтилади. Талабалар иштирокида улар яна бир бор такрорланади.	Ҳар бир таянч тушунча ва ибораларни муҳокама қиладилар. Конспект қиладилар.
III-босқич. Яқуний босқич. (10 минут)	3.1. Т-схема техникасидан фойдаланилган ҳолда жуфт-жуфт бўлиб ишлаш учун тингловчиларга: борликнинг барқарорлиги ва ўзгарувчанлиги муаммосига оид савол ёзилган таркатма материаллар таркатади. Ушбу техника орқали мавзу бўйича яқунловчи хулоса қилади.	Мустақил Т-схемани тўлдирадилар. Эркин фикрини баён этади.
	3.2. Талабаларнинг фаолиятига баҳо қўйилади ва рағбатлантирилади.	Эшитади.
	3.3. Келгуси машғулотга тайёргарлик кўриш учун топшириқлар ва фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати берилади.	Эшитади ва ЎУМ га қарайдилар.



БОРЛИҚНИНГ БАРҚАРОРЛИГИ ВА ЎЗГАРУВЧАНЛИГИ МУАММОСИ.

Борлиқнинг ўзгарувчанлиги ва шаклланиш ғояси. Борлиқ тинимсиз ўзгаради. Ўзгарувчанлик моддий дунёнинг бош хоссаси. Нафақат моддий дунё ва билиш объекти, балки субъект ҳам ўзгаради. Лўнда қилиб айтганда, дунёда ҳамма нарса ўзгаради.

Материянинг фаоллиги сирини унинг икки хоссаси – узлуклилик ва узлуксизликдан излаш ўринли бўлади. Бу хоссалар умумий илмий даражада барқарорлик ва ўзгарувчанлик тушунчаларида ўз ифодасини топади. Барқарорлик ва ўзгарувчанлик – моддий объектлар фаоллигининг ичдан муштарак, лекин бир-бирига қарама-қарши ҳолатларидир. Уларда фаолликнинг икки ёқлама моҳияти мужассамлашади. Барқарорлик ва ўзгарувчанлик фаолликнинг узвий хоссаларидир. Улар бир-бирисиз мавжуд бўлмайди, ўзаро айний ва бир-биридан фарқ қилади, бир-бирини тўлдиради, бир-биридан ажралади, бир-бири билан бирикади, бир-бирига ўтади ва бир-бирини истисно этади. Барқарорлик ва ўзгарувчанлик хоссалари ўртасидаги мазкур муносабатлар диалектик зиддият категорияси билан умумлаштирилади. Муаммони янада чуқурроқ ўрганиш ўзгарувчанлик тушунчаси билан узвий боғлиқ бўлган шаклланиш категориясини кўриб чиқишни тақозо этади.

Шаклланиш – *нарсалар ва ҳодисаларнинг ўзгарувчанлигини ифодаловчи фалсафий категория. У асосан уч хил маънода ишлатилади:*

а) ривожланиш категориясининг синоними сифатида;

б) жараёнлар ва ҳодисаларга туртки берувчи омилларнинг юзага келиш жараёнининг ифодаси сифатида;

в) предметнинг «дастлабки шаклланиш» жараёни тавсифи сифатида, вужудга келиш ва йўқ бўлиш, борлиқ ва йўқликнинг ягоналигини ўзида ифодаловчи жараён сифатида.

Шаклланиш жараёнида эскидан янгига ўтиш, унинг ўсиши, мустақамланиши ва ривожланган яхлит тизимга айланиши амалга ошади. Дунёда ҳамма нарса вужудга келиши ва йўқ бўлишини пайқаган қадимги мутафаккирлар бу хоссани мутлақлаштирганлар, ўзгариш барқарорликни, муайян ўзгармас жиҳатнинг сақланишини ҳам назарда тутишини англамаганлар. Акс ҳолда, ҳолати ўзгарган эски билан янгининг ўртасида ҳеч қандай алоқа бўлмаса, қандай ўзгариш ҳақида ва ниманинг ўзгариши ҳақида гап бориши мумкин? Бу ерда ўзгарган нарса ёки ҳодисанинг ўзи йўқ, демак, ўзгариш ҳам мавжуд эмас. Шаклланиш мутлақлаштирилиши мумкин эмас, зеро у ўзгариш, эскидан фарқ қиладиган янгининг вужудга келишидир. *Шаклланиш бир нарсанинг ўзгариши натижасида бошқа нарсага айланиш жараёнини акс эттиради, лекин бунда нарсанинг ўзи умуман мавжуд бўлган нарса сифатида сақланиб қолади. Фақат конкрет борлиқ ўзгарувчан ва шаклланади (худди шунингдек завола топади), лекин бу мутлақ борлиқдир, зеро умуман борлиқ ўзгармасдир.*



п

Шаклланиш, аниқроқ айтганда ўзгариш жараёни (бу ерда нафақат бунёдкорлик, балки вайронкорлик йўналишини ҳам эътиборга олиш зарур) борлиқ тушунчасининг мазмуни билан мувофиқ келмайди. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, борлиқ ўзгармасдир, яъни у шаклланиши, пайдо бўлиши мумкин эмас; иккинчидан, борлиқ - бу мавжудликнинг хоссаларидан бири эмас, балки мавжудликнинг ўзидир. Шаклланиш – бу муайян нарса ёки ходиса билан юз берувчи жараёндир.

Бизни қуршаган реал дунёни ўрганиш деярли ҳар лаҳзада унинг икки муҳим ва муқаррар хоссаси – барқарорлик ва ўзгарувчанликни амалда намойиш этади. Масалан, Ер юз миллионлаб йиллардан бери Қуёш атрофида ўз орбитаси бўйлаб айланади, лекин бу такрорийлик Птолемей ва Коперник фараз қилганидек туташ эпицикл бўйлаб эмас, балки спирал бўйлаб амалга ошади, яъни бир вақтнинг ўзида ҳам барқарорлик, ҳам ўзгарувчанликни намойиш этади. Бу ерда ҳар бир айланма ҳаракат янги ҳисобланади. Ўтган миллионлаб йиллар мобайнида космосда сон-саноксиз юлдузлар пайдо бўлган ва сўнган. Пайдо бўлган ҳар бир юлдуз маконда ва вақтда ҳаракатланади, ушбу ҳаракат жараёнида ўзгаради ва шу боис муқаррар тарзда «йўқ бўлади», шу тариқа у Коинот борлигининг барқарор умумий қонунияти – мавжудлик шакллариининг ўзгаришини амалда намойиш этади. Бунда юлдузнинг материали йўқ бўлиб кетмайди, балки навбатдаги шакл-шамойилни касб этади. Ерда тоғлар пайдо бўлди ва емирилди, динозаврлар йўқ бўлиб кетди ва «одамлар» пайдо бўлди. Ижтимоий-иқтисодий тузумлар вужудга келди, ривожланади ва инқирозга учрайди. Уларнинг ўрнида айни шу одамлардан янги тузумлар шаклланади. Қадимги динлар пайдо бўлди, ривожланди ва йўқ бўлиб кетди. Янги ва сон-саноксиз мазҳаблар пайдо бўлди.

Барқарорлик ва ўзгарувчанлик асосий ва бир-бири билан узвий қарама-қарши бўлган борлиқнинг хоссаларидир. Аммо амалиёт ва фан хулосалари бизни қуршаган дунё шакллариининг барқарорлиги нисбий ва нисбатан тезоқарлигини, шаклларнинг ўзгарувчанлиги эса – мутлақ ва умумий эканлигини, борлиқнинг энг барқарор жиҳати, унинг мазмуни ҳисобланишини кўрсатади.

Оламда фақат маконгина ўзгармасдир, чунки у барча йўналишларда чексиз ва шу боис фақат вақтда ҳаракатланади. Макон ҳаракатсизликнинг объектив шаклидир. Макон субстратга эга эмаслиги, яъни объектив ва мутлақ, бўлинмас ва йўқ бўлмас бўшлиқлиги туфайли, у шаклсиздир.

Макондан фарқли ўлароқ, вақт бир маромда кечадиган ва бўлинмас соф ҳаракатнинг амалдаги ифодасидир. Аммо, макон каби, вақт ҳам субстратга эга эмас. Унинг «субстанцияси» номоддийдир, шу сабабли вақт ўз ҳаракати мобайнида ўзида қандайдир шакллар ва янги муносабатларни яратишга қодир эмас. Вақт шу маънода чексизки, унинг «ибтидоси»... ибтидога эга эмас ва у бутун чексиз маконда келажак сари маконнинг барча нуқталарида бир хилда ва синхрон тарзда «оқади». Нотанқидий фикрлайдиган инсон онгидагина вақт субъектив даражада қисмларга



п
бўлинадиган ва мавсумлар ўзгариши, маятникнинг тебраниш амплитудаси, Ои фазалари билан боғланади.

Макон ва вақтдан фарқли ўлароқ, материя субстратга эга, яъни «моддий» ва амалда чексиз даражада корпускулярдир. Фақат материя элементлари маконда бир жойдан бошқа жойга, яъни «А пунктидан Б пунктига» кўчиш имкониятига эга. Фақат материя жисмлар, зарралар ва майдонларнинг ўзаро алоқалари ёрдамида, масалан, А жисмнинг А нуқтадан Б нуқтага ҳаракатидан ҳосил бўлувчи энергияни маконнинг В, Г нуқталарига узатиш ва сўнгра А нуқтага қайтаришга қодир. Бошқача қилиб айтганда, фақат моддий муҳит ҳаракат энергиясини тарқатиш қобилиятига эгадир. Фақат материя ўзининг бир жойдан бошқа жойга кўчувчи ва тебранувчи элементларидан сон-саноксиз макро ва микро композициялар яратишга қодир. Фақат материя ўз ҳаракати жараёнида чексиз маконда ҳажмларни эгалловчи жисмлар, зарралар ва «майдонлар»нинг шакллари изчиллик билан ярата олади. Объектлар шакллари ра ранг-баранглиги материяга (ҳаракатланиш жараёнида) алоқалар, муносабатлар ва инъикосларнинг сон-саноксиз шакллари яратиш имкониятини беради. *Кишилик жамияти – материя шакллари билан биридир. У материянинг бошқа шакллари билан ижтимоий алоқалари мавжудлиги билан ва (акс эттиришининг объектив шакллари билан ташқари) акс эттиришининг субъектив шакллари мавжудлиги билан, яъни индивидуал ва ижтимоий онг билан ажралиб туради.*

Шундай қилиб, Коинотда шакллари ра ўзгарувчанлигини белгиловчи умумий объектив омил материянинг асосий хоссаси – ҳаракатланишдир (бир жойдан бошқа жойга кўчиш, силжитиш, тебраниш, рефлексия қилиш ва ҳ.к.). Материя ҳаракатсиз мавжуд бўлиши мумкин эмас. Материянинг ҳар қандай объекти фақат унда муайян турдаги ҳаракатлар мужассамлашгани туфайли мавжуддир. Бу ҳаракатлар йўқ бўлгани заҳоти объект ҳам йўқ бўлади, муайян турдаги ва шаклдаги ҳаракатларнинг маълум тўплами билан тавсифланувчи бошқа объектларга ўтади. Бошқача қилиб айтганда, ҳаракат материянинг узвий хоссасидир. Материя қай даражада мутлақ бўлса, ҳаракат ҳам шу даражада мутлақдир.

Ўзгариш – моддий объектларнинг ўзаро алоқага киришиши жараёни ва унинг натижаси, моддий тузилмалар алоқалари навбатдаги шаклнинг амалда актуаллашуви. Бизни қуршаган дунё шакллари ра ранг-баранглигини ва ундаги алоқаларнинг ранг-баранглигини аниқлаш кузатувчан инсон учун унчалик қийин иш эмас. Аммо шакллари ра бундай ранг-баранглигининг конкрет, умумий сабабини ва ҳаракат шакллари ра билан бири – ўзгаришнинг моҳиятини тушунириш талаб этилади.

Маълумки, диалектикада ҳодисани ра моҳияти деганда мазкур ҳодисани вужудга келтирган қарама-қаршилиқларнинг ҳақиқий муносабати, яъни қарама-қаршилиқлар бирлиги ва кураши тушунилади. Ҳар қандай ҳодиса унинг ўзида ёки унинг сиртида муайян нарсалар ўртасида юз берган ўзаро алоқаларнинг оқибати ҳисобланади (бунда ички ўзаро алоқалар биринчи даражали аҳамият касб этади). Айни шу сабабли бирор нарсани ра моҳиятини аниқлаш муносабатлари (бирлиги ва кураши) ҳодисани вужудга келтирувчи



п сабаблар, яъни конкрет, энг аввало, ички карама-қаршиликларни топиш демакдир.

Ўзгарувчанликнинг йўқ бўлмаслиги шу билан белгиланадики, ички ва бизни қуршаган дунё ходисаларининг умумий алоқасини йўқ қилишга, бинобарин, ўзаро таъсирларга барҳам беришга ҳеч ким ва ҳеч нарса қодир эмас. Боз устига, мутлақо соф тажриба ўтказиш, яъни бирор нарса ёки ходисани унинг ташқи ва ички таъсирларисиз англаб етиш барча табиий фанларнинг улкан муаммоси ҳисобланади. Масалан, «мутлақо эгилувчан жисм», «нуқта», «мутлақ тезлик», «умуман товар» каби тушунчаларни олимлар фақат илмий абстракцияларда, тор доирадагина қўллашга муваффақ бўладилар.

Ҳар қандай ташкилий ўзаро алоқа элементлар ёки индивидлар ўртасида алоқалар ёки коммуникацияларнинг тортилишлари, ўхшашликлари ва имкониятларининг мавжудлиги ва ўзаро ўйинини назарда тутати. Аммо фарқларнинг сақланиши тенг даражада истисно қилувчи, ўзидан нари итарувчи ва парчаловчи кучларнинг мавжудлигини ҳам назарда тутати. Акс ҳолда ҳамма нарсалар ва ходисалар аралашиб кетар ва бирорта ҳам тизимни англаб етиш мумкин бўлмас эди. В.Люпаско бу хусусда шундай деган: «Тизим шаклланиши ва мавжуд бўлиши учун ҳар қандай яхлитликнинг таркибий қисмлари ўз табиатига кўра ёки уларнинг хулқ-атворини бошқарувчи қонунларга мувофиқ ўзаро яқинлашишни ҳам, бир-бирини истисно этишни ҳам, ўзаро тортилишни ҳам, бир-биридан узоқлашишни ҳам, бирлашишни ҳам, алоқаларнинг узилишини ҳам, интеграцияни ҳам, дезинтеграцияни ҳам назарда тутиши талаб этилади»¹. Айни шу сабабли тортилиш кучи, ўхшашлик, алоқалар, коммуникациялар ва ҳоказоларнинг тизимли тузилишида бир-бирини истисно этиш, итарилиш, парчаланиш кучлари устунлик қилиши, улар биринчи зикр этилган омилларни тўхтатиши, тийиб туриши, назорат қилиши зарур.

Ҳар қандай объект ҳаракатланувчи материя борлигининг конкрет шакли сифатида барқарорлик ва ўзгарувчанлик хоссаларининг бирлигини ўзида ифодалайди. Объект вақтда сақланган ҳолда (барқарорлик хоссаси), ўз-ўзига айнийликни маълум даражада йўқотади (ўзгарувчанлик хоссаси). Ташқи ёки ички таъсирга фаол қаршилик яхлитлик сифатидаги объектнинг ички жараёнлари билан, лекин маълум даражада, барқарорлик захираси тугагунга қадар таъминланади. Барқарорлик механизмлари (таъсир кўрсатувчи омиллар ўзгарганида) ўз ички тузилишини ўзгартиради ва бу таъсир эффеқтини пасайтириб, ўз мавжудлигини давом эттириш имкониятини беради. Объектда барқарорлик хоссасининг мавжудлиги ўзгаришни қайд этиш ва аниқлаш учун имконият яратади. Жисмларнинг барқарорлиги, нисбатан осойишталиги ва вақтинчалик мувозанат ҳолатларининг мавжудлиги материянинг парчаланиши ва ҳаёт пайдо бўлишининг муҳим омили ҳисобланади. Барқарорлик хоссаси объектнинг ҳаракатида муайян тенденцияларни аниқлаш имкониятини беради. Бу

¹ Люпаско В Диалектика как система.М.: Политиздат, 1993. –С.373



п
хоссанинг инкор этилиши билиш назариясида релятивизмга, яъни объект ҳақида ҳақиқий саналган бирон-бир нарсани қайд этиш мумкин эмаслигига олиб келади. Лўнда қилиб айтганда, объект жараён ҳақидаги тасаввурга сингиб кетади. Аммо барқарорлик бу жиҳатдан мутлақ саналган умумий ўзгаришнинг, ҳаракатнинг бир хоссаси сифатидагина мавжуд бўлади. Барқарорликка уни ҳаракатга боғламасдан ёндашиш қотиб қолган, ҳаракатсиз дунё концепциясига, охир-оқибатда эса – теологияга (барқарорлик тушунтириш ва башорат қилишда асос сифатида олингани заҳоти) олиб келади.

Ўзгариш субстрати сифатидаги объект ва жараёнларнинг бир-бирини мувозанатга солиши орқали ҳаракат барқарорлик билан бевосита боғланади. Аммо ўзгариш ва сақланишнинг алоқаси бошқа бир жиҳатга ҳам эга: улар диалектик бирлик билан тавсифланади, зеро ҳар қандай жараён вақтда бўлиши туфайли барқарорликка эга бўлади. Барқарорлик ва ўзгарувчанликнинг фарқи умумий ҳолда ҳам нисбийдир, чунки мавжудлик сифатидаги ҳар қандай ҳаракат барқарорликдир ва аксинча, ҳар қандай барқарорлик ҳаракатнинг мавжудлик шаклидир. Объектга ўзининг мавжудлик усулини сақлашгина эмас, балки ушбу усул доирасида ўзгариш ҳам хосдир; боз устига, ўзгариш объектнинг ички мазмунини белгиламаганида, объект амалда мавжуд бўлмас эди. Ўз-ўзига ҳар томонлама айний, қотиб қолган объектлар мавжуд эмас, фақат жараёнлар бор; дунё тайёр, ҳар томонлама мукамал предметлардан иборат эмас, у узлуксиз ўзгарувчи предметларни ўз ичига олган жараёнлар мажмуини ўзида ифодалайди. Бинобарин, *барқарорлик деганда объектнинг айрим таркибий элементлари ва бўғинлари, унинг бошқа объектлари билан ўзаро алоқалари шаклининг оддий ёки мураккаб инъикосини, шунингдек унинг ички жисмларнинг бир жойдан бошқа жойга кўчишидан фикрларнинг жараёнлари мувозанати, унинг ўзгариши ва ривожланишини белгиловчи қонунларнинг муайян типлари инъикосини тушуниш ўринли бўлади.*

Ўзгариш эса барча объектлар ва ҳодисалар (оддий ҳаракатигача) борлигининг энг умумий шаклидир. Ўзгариш моддий ёки маънавий ҳодисанинг бошқа ҳодисага ўтиши, айланишини ёки айни бир предмет ҳолатларининг алмашувини англатади. Ўзгаришлар ҳажми, давомлилиги ва суръатлари (қисқа ёки узок, тез ёки суст), юз бериш тезлиги, йўналиши (орқага қайтарса бўладиган ва орқага қайтариб бўлмайдиган) ва бошқа омиллар билан белгиланади. Ўзгариш доим предметларнинг хоссалари, тузилиши ёки мавжудлик қонунларининг нисбатан барқарорлигига қарама-қарши қўйилади. Аммо тузилиш, хоссалар ва қонунларнинг ўзлари ҳам ўзаро алоқалар маҳсули ҳисобланади, бинобарин, материянинг ўзгариши натижасида вужудга келадилар. Ўзгариш категорияси ўз мазмунига кўра ҳаракат, ривожланиш ва ўзаро алоқа категориялари билан узвий боғлиқ.

Барқарорлик ва ўзгарувчанлик объектив воқеликнинг бир-бири билан диалектик боғланган томонлари сифатида унинг борлигининг универсал зиддиятини ифодалайди. Объектив воқеликнинг бошқа барча зиддиятлари замирида айни шу универсал зиддият – барқарорлик ва ўзгарувчанлик ётади.




п

Барқарорлик ва ўзгарувчанлик нисбати. Қадимги юнон файласуфлари табиатнинг тузилиши замирида мантикий мушоҳада қилиш мумкин бўлган ягона ва умумий тамойиллар ётади, деган фаразни илгари суриб, инсон тафаккури тарихида энг буюк кашфиётни яратган бўлсалар керак. Дунёдаги барча жараёнлар инсон тилида тушунилиши ва аниқ таърифланиши мумкин бўлган қоидаларнинг унча катта бўлмаган тўплами билан бошқарилса, тафаккур ва борлиқнинг ягона асосини ўзаро нисбатлаш мумкин бўлади ва бу билиш имкониятини белгилайди. Аммо инсон ақл-заковати бу фундаментал фараз билан кифояланмади ва уни танқидий ўрганди. Дунёнинг тузилишини белгиловчи тамойиллар абадий ва ўзгармасми? Яъни бутун дунёда эволюция жараёнлари юз берган бир вақтда, мазкур эволюцияни белгиловчи қоидалар унинг таъсиридан четда қолиши мумкинми? Бу ҳолда қоидаларнинг ўзи қандай онтологик табиатга эга? Ва аксинча, қоидалар ўзгарадиган бўлса, инсон тафаккури бу ўзгаришлар жараёнини билишга қодирми? Агар қодир бўлса, бундай қилиш қай тарзда амалга оширилади?

Гегель ҳар қандай теран ҳақиқатни инкор этишнинг ўзи ҳам ҳақиқат ҳисобланишини кўп карра қайд этган. Аммо бу ерда вазият мураккаброк бўлса керак. Ўзгарувчанлик ва барқарорлик ғояларини инсон тафаккурининг тинимсиз ҳаракатини белгиловчи бинар оппозициянинг идеал кутблари деб ҳисоблаш мумкин. Антик фалсафада бундай оппозициялардан бир нечтаси шаклланган: дискретлик – континуаллик, чеклилик – чексизлик, фикр – билим ва ҳ.к. Уларнинг ҳаммаси нафақат фалсафа, балки табиатшуносликнинг ривожланиш жараёнида ҳам муҳим роль ўйнаган. Масалан, фикр ва билим ўртасидаги фарқ ҳар қандай гносеология учун муҳимдир. Дискретлик ва континуаллик ўртасидаги фарқ ҳозирги замон физикаси доирасида бартараф этилди. Фан учун муҳим бўлган чексизлик тушунчаси чеклилик атамаларида тавсифланди. Аммо ўзгарувчанлик ва барқарорлик ҳар доим бирга келадиган категориялардир. Лўнда қилиб айтганда, улар борлиқнинг доим ўзига хос уйғунликларда намоён бўлувчи икки қиёфасидир. Умуман олганда, ҳар қандай ўзгариш муайян барқарорлик замирида юз беради. Барқарорлик эса фақат ўзгарувчанлик шароитидагина мавжуд бўлади.

Айни шу сабабли бу ерда оппозиция кутбларини ўзгача белгилаш ўринли бўлади. Шунини тан олиш лозимки, ҳар қандай табиий жараён ўзгарувчанлик ва барқарорликнинг у ёки бу бирикмаси (баъзан – у ёки бу даражада изчил иерархияси) билан тавсифланади. Бу ҳолда муаммо мазкур икки омилнинг қайси бири фундаменталроқ, деган саволга жавоб топишдан иборат бўлади. Аксарият ҳолларда бу савол икки қисмга ажралади: икки омилнинг қайси бири онтологик жиҳатдан ва қайси бири гносеологик жиҳатдан фундаменталроқ? Аксарият ҳолларда шундай бўлади – лекин барча ҳолларда эмас, чунки инсон билими нуқтаи назаридан берилган дунё билан ўз-ўзича дунё ўртасидаги фарқ турли фалсафий ва ҳатто табиий-илмий тизимларда турлича мазмун касб этади. Айни ҳолда гап «оригинал» билан маълум даражада, аниқроқ айтганда, изоморфизм даражасида аниқ ўхшаш



п

бўлган «портрет» ҳақида боради. Бошқа бир ҳолда аниқ изоморфизм назарда тутилади (масалан, антик натурфалсафада ёки XVIII аср дунёнинг механистик манзарасида). Кантчиликда дунёнинг ички тузилишига доир масала эмас, балки «ўз-ўзича» дунёнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги тўғрисидаги масала мазмун касб этади. Ниҳоят, позитивистик анъанада ҳаттоки шу масала ҳам мазмунга эга эмас.

Аммо шу нарса аниқки, ўзгарувчанлик ва барқарорлик ўртасида мувозанат ўрнатиш муаммоси ҳар қандай фалсафий контекстда мазмунлидир. Зотан, борлиқ ва тафаккурнинг муносабати қандай тушунилишидан қатъий назар, тафаккур турли қонунларга амал қилиши, чунончи: у ўзгарувчанлик ҳақида барқарорлик атамаларида мулоҳаза юритиши ёки, аксинча, барқарорлик ҳақида ўзгарувчанлик атамаларида фикр юритиши мумкин. Шу билан бир вақтда, ўзгарувчанлик ҳақида ҳеч қандай атамаларда мулоҳаза юритиш мумкин эмас, деган нуқтаи назар ҳам мавжуд (элеатлар). Аммо бу ерда ҳам иккала кутб яширинча мавжуд. Элей мактаби намояналарининг қарашларига кўра, ўзгариш, ҳаракат ва кўп сонлилик муайян кўринишда, аниқроқ айтганда – «фикрда» ҳам мавжуд.

Шундай қилиб, ўзгарувчанлик ва барқарорликнинг ўзаро нисбатини тафаккур тарихининг азалий ва абадий мавзуси деб ҳисоблаш учун барча асослар бор. Бирлик – кўплик оппозицияси билан бир қаторда, ушбу мавзу антик натурфалсафанинг икки йўналишга ажралишига олиб келган. *Биринчи – диалектик йўналиш дунёнинг биринчи асосини сўзнинг ўз маъносидagi ўзгариш, қарама-қаршиликлар ўртасидagi кураш ва табиий стихияларнинг бир-бирига ўтувчанлиги билан айнийлаштиради.* Коинотнинг абадийлиги бу ерда унинг барча элементларининг абадий динамик ўзгаришида намоён бўлади. *Иккинчи – таркибий-таҳлилий йўналишда табиий стихиянинг ўзи, илк материя борлиқнинг ягона асоси ҳисобланади.* Гераклит номи билан боғланадиган биринчи йўналишга зиддиятлар ва парадокслар билан муросаи мадорага келишга тайёрлик хос бўлса керак. Зиддиятлар ва парадокслар юзага келиши муқаррардир, зеро борлиқнинг ҳар қандай даражасида ўзгарувчанликни фараз қилиш бу ерда фундаменталроқ даражадаги муайян барқарорликни ўзгарувчанлик сифатида тавсифлашни истамаслик билан бирикади. Тўғри, дунёдаги ўзгариш жараёнларининг барчаси умумий тамойил – Логос билан қамраб олиниши мумкин. Аммо бу борлиқнинг барча оқувчан элементлари билан таққослаганда бутунлай ўзгача табиатли омилдир; у мазкур элементлар билан бир қаторга, масалан, улар иерархиясининг навбатдаги даражаси сифатида, уларнинг тизимидаги зиддиятларни бартараф этиш учун қўйилиши мумкин эмас. Аксинча, бу ерда барча қарама-қаршиликлар айнан «логос нуқтаи назаридан» амалда намоён бўлади.

Юқорида айтилганлар Гераклит қарашларининг нисбатан эркин талқинини ўзида ифодалаши мумкин. Аммо бизни қизиқтираётган нуқтаи назардан уларда энг муҳими расмий даражада муросасиз бўлган қарама-қаршиликлар дунёни тушунишнинг узвий хоссаси сифатида тан олинишидир. Буни Аристотель зиддият қонунларининг баён этилиши



п муносабати билан Гераклит исмини тилга олиш орқали билвосита тасдиқлайди. Метафизика – бу, моҳият эътибори билан, жараёнлар ва ҳодисаларда зиддиятларни инкор этиш фалсафасидир. Ушбу фалсафа ўзгаришларнинг мавжуд шакллари ва миқдор жиҳатини мутлақлаштиришни назарда тутди. Шу нуқтаи назардан «метафизика» атамасининг гегелча талқини аристотелча «классик» талқин билан мувофиқ келсак керак. Бу хусусда Аристотель «Айни бир хосса айни бир вақтда айни бир нарса ёки ҳодисага айни бир жиҳатдан хос бўлиши ва бўлмаслиги мумкин эмас»¹, деб таъкидлайди. Зиддиятларни инкор этиш дунёнинг асосида сезиларли даражада ўзгармас элементлар, хоссалар ва муносабатлар ётишини тан олишни талаб қилади. *Бу ҳолда ҳар қандай ўзгариш барқарорликнинг муайян ҳосиласи, аниқроқ айтганда – мазкур фундаментал моҳиятларнинг «қайта гуруҳланиши» сифатида намоён бўлади.*

Антик натурфалсафанинг иккинчи – таркибий-тахлилий йўналиши ҳам айни шу йўсинда ривожланади. У атомизмни ҳам, сифатлар манбаи саналган элементлар концепциясини ҳам, «стихияли» милет мактабини ҳам, ҳатто Анаксагорнинг олий даражада ўзига хос таълимотини ҳам бирлаштиради. Бундай фалсафада табиат фундаментал тамойиллари (ёки қонунлари)нинг ўзгармаслиги ғояси ўз-ўзидан юзага келади. Макротажриба даражасида эмпирик қайд этиладиган нарсаларнинг оқувчанлиги ва кўп сонлилиги «фикрда»гина муҳимдир. Амалда эса ранг-баранг бирикмаларда намоён бўлувчи, ҳар доим ўзига тенг бўлган, ўзгармас моҳиятлар мавжуд. Улар микродунё объектлари каби ўз табиатини ўзгартира олмайди.

Аристотелга ўзгариш нарсалар дунёси баркамол эмаслигини кўрсатмайди. Ўзгариш табиий жараёндир, у нарсаларнинг одатдаги ривожланиши мобайнида юз беради. Амалда у ҳатто зарур, чунки нарсалар доим ўз вазифасини бажариши лозим. Аристотель энг муҳим ўзгаришлар объектнинг моҳияти билан белгиланади, деб ҳисоблайди. Моҳият нарсалар, ҳодисалар ва жараёнларнинг энг муҳим, узвий, асосий, зарурий ва барқарор алоқалари, томонлари ва муносабатларининг мажмуини ўзида ифодалайди. Масалан, ўрик данагининг моҳияти ўрик дарахтига айланишдан иборат. Тошнинг моҳияти уни шамол ва сув чангга айлантормагунга қадар йўлда асрлар мобайнида ётишга мажбур этади.

Ўзгариш муайян мақсадга эга бўлиши лозим. Бу ўзгаришлар ҳақида мулоҳаза юритишнинг бутунлай янги усулидир. Мавжудлик аста-секин муайян янги ҳолатга келади.

Аристотелнинг ўзгариш хусусидаги нуқтаи назари тафаккур тарихига улкан таъсир кўрсатди. У Ўрта асрлар ва Янги давр мобайнида айниқса долзарб аҳамият касб этди. Инглиз олими Чарльз Дарвин ўзининг барча ўзгаришларни табиий танланиш билан тушунтирувчи эволюция назариясини илгари сурган XIX асрда вазият бутунлай ўзгарди.

Фалсафа ва фанда ўзгаришлар жараёни хусусидаги қарашларнинг ўзгариш жараёнига эътибор беринг:

¹ Аристотель//Всемирная энциклопедия.-М.: Современный литератор, 2001. –С. 54.



п

Гераклит: ўзгариш - қарама-қаршиликлар курашининг табиий натижаси.

Парменид: ўзгариш хом хаёлдир, у янглишишдан бошқа нарса эмас. Амалда ҳамма нарса аслида қандай бўлса, шундайлигича қолади.

Платон: ўзгариш нарсаларнинг идеал шаклларга қараганда номукаммал эканлигини кўрсатади.

Аристотель: ўзгариш мақсадга эга. У нарса ўзининг асл моҳиятини касб этганида юз бериши лозим.

Дарвин: ўзгариш табиий танланиш натижасида юз беради.

Ҳозирги олимларнинг Аристотел қарашларидан асосий фарқи шундаки, улар ҳар қандай ривожланиш муайян мақсадга эга, деб ҳисоблайди. Бугунги кунда кўпчилик олимлар бу фикрни янглиш деб қарайдилар.

Масалан, Аристотель каби, қушда қанотлар у учиши керак бўлгани учун пайдо бўлган, деб айтиш мумкин. Бироқ олим қушда қанотлар пировардида фойдали бўлиб чиққан тасодифий ўзгаришлар ва мутациялар натижасида пайдо бўлган, деб таъкидлаган бўлур эди. Дарвин эволюция назариясининг моҳияти айни шундан иборат.

Дарвиннинг эволюция назарияси турли хил ҳаёт шакллари улар учун белгиланган мақсадсиз қандай қилиб ўзгариши мумкинлигини тушунтириш имкониятини беради. Табиий танланиш қандай ўзгариш тарихда қолишини, яъни турнинг прогрессив тавсифига айланишини белгилайди. Бир сўз билан айтганда, Дарвинга кўра, маймунни инсонга айланишга мажбур қилган ҳеч қандай зарурий мақсад бўлмаган. Инсон ўзини қуршаган муттасил ўзгарувчи дунёда яшаб қолиш ва ўзидан насл қолдиришга қодир бўлган.


Аммо Аристотель ўзгаришлар тасодифий хусусият касб этиши мумкин, деб ҳисобламаган. У дунёни муштарак мақсадларга эга бўлган турли қисмлардан иборат яхлитлик сифатида тасаввур қилган. Ўзгариш режалаштирилган ривожланиш жараёнининг муайян мақсадга қаратилган таркибий қисми ҳисобланади. У ўз мақсадига эришгач, бошқа тирик жонзотлар ўз мақсадларига эришиш имкониятига эга бўлишлари учун йўқ бўлиб кетиши лозим. Мақсадга эришиш йўлида ўзгариш муқаррар ва табиий жараёндир.

Мақсад ҳақидаги тасаввур Аристотель фалсафасида биринчи даражали аҳамият касб этади. Шунга қарамай, мақсаднинг мавжудлиги ўзгаришларнинг бирдан-бир сабаби эмас. Амалда Аристотель ўзгаришнинг сабаблари бир нечта бўлиши мумкинлигини тушунган ва шу боисдан барча ўзгаришларни бир неча туркумга ажратган. Уларни бирлаштириб, Аристотелнинг сабабият концепциясини билиш мумкин. Бу концепцияда сабабиятнинг тўрт тури ажратилади:

Моддий сабаб: барча нарсаларнинг моҳиятини белгиловчи материя ёки субстанция ўзгаришлар юз беришига имконият яратади.

Амалдаги сабаб: аввал юз берган воқеалар муайян оқибатни келтириб чиқаради.

Формал сабаб: ўзгаришларга бўлган ички эҳтиёж.




п

Пировард сабаб: бир қатор ўзгаришлар орқали эришиладиган ташқи мақсад ёки пировард ҳолат.

Антик давр файласуфлари космосда қарама-қарши асослар мавжудлигини ва стихияларнинг ўзаро алоқасини қайд этиш йўли билан ҳал қилган дунёнинг ўзгарувчанлиги ва бу ўзгарувчанликнинг оқибати – ранг-баранглик муаммоси Уйғониш даври фалсафасида биринчи ўринга чиқди. Бу даврда *материя умумий жонга эга деган гояни илгари сурувчи концепция – панпсихизм пайдо бўлди. Материянинг фаоллигини унга ҳаёт бахш этиш орқали тушунтириш – гилозоизм унга мазмунан яқин концепцияга айланди. Панпсихизмда ҳам, гилозоизмда ҳам дунёнинг ўзгарувчанлиги сабаби материяга сингиб кетган маънавий асос эканлиги назарда тутилади. Бу асос – ҳаёт ёки жондир.*

Механицист файласуфлар материяни жонсиз модда билан айнийлаштириб, ҳаракат манбаи тўғрисидаги саволга бошқача жавобни қидиришга мажбур бўлдилар. XVII-XVIII асрларда деизм айниқса кенг тарқалди. *Деизмга биноан, Худо дунёни яратади ва шундан сўнг дунёнинг ишларига аралашмайди, Коинот табиий қонунларга бўйсуниб, мустақил яшаишда давом этади. Деизм Худо Коинотнинг «соат механизми»ни ишга туширишда фойдаланган биринчи туртки диний концепциясининг дунёвий кўриниши ҳисобланади.*

«Ҳокимиятга интилиш» - ницшечиликнинг марказий тушунчаси. Ницше руҳиятнинг турли ҳолатлари (инстинктлар, эмоциялар, интеллект ва ҳ.к.)ни бирон-бир ягона асос билан боғлашга ҳаракат қилар экан, пировардида «ҳокимиятга интилиш» тушунчасига келади. Сифат ўзгаришлари замирида турткилар кучи, яъни микдор ўзгаришлари ётади. Бутун Коинотни Ницше «ҳокимият квантлари»нинг узлуксиз кураши сифатида тушунади. Бу квантларнинг ҳар бири қолган квантларга ўз ҳукмини ўтказишга ҳаракат қилади, бутун дунёнинг уюштирувчи марказига айланишни кўзлайди. Ўз моҳиятига кўра ижтимоий бўлган ҳукмронлик ва бўйсунуш муносабатлари бутун дунёга татбиқ этилади, ижтимоий дунёнинг ўзи эса рақобатлашувчи интилишларнинг мангу жанги сифатида тушунилади. Ницшеннинг юнон фалсафасига бўлган муносабати ва унинг ўз нуқтаи назарини мунтазам равишда ўзгартириши ҳокимиятга интилиш ҳақидаги таълимот ва унинг оқибатлари билан белгиланади. Айни шу таълимотга таянган ҳолда, Ницше натурфайласуфлар, элеатлар ва уларнинг борлиқ тушунчасини шарҳлайди. Бунда Гераклит ва Парменид ўртасидаги баҳсда Ницше кимнинг тарафида эканлигига шак-шубҳа қолмайди. У иониялик мутафаккирларнинг кучи нимада эканлигини аниқ тасаввур қилади, лекин уларнинг борлиқ ва шаклланишнинг тенглиги ҳақидаги ғоясини рад этади. Борлиқни оддий тамойил, сув билан боғловчи ва уни айланма ҳаракат сифатида тавсифловчи Фалес айни вақтда борлиқни узлуксиз шаклланиш сифатида тушунади. Ҳатто Анаксимандрнинг ўзгармас апейрони ҳам ўзидан стихияларнинг қарама-қаршиликларини юзага келувчи ва ҳалок бўлувчи дунёларнинг чексиз силсиласини яратади. Гераклит фалсафаси Ницше ғоялари билан мувофиқ келади, у мазкур фалсафага



п
шаклланишнинг энг қудратли фалсафаси сифатида симпатия билан қарайди, ўз атомистик, механистик, материалистик натурализмини намоёниш этувчи ва бўлинмас майда зарраларнинг борлиқдаги тартибига, мустаҳкам, ўзгармас, барқарор ҳолатларга қайтувчи Демокрит фалсафаси эса унга Левкипп атомистикаси каби ёт бўлиб қолади. Левкипп атомистикасига қарши чиққан Эмпедоклга Ницше қардошлик кўзи билан қарайди.


Дунёнинг барқарорлиги ва ўзгарувчанлиги мавзуси билан Шарқ файласуфлари ҳам шуғулланганлар. Масалан, даосизм фалсафасида муттасил ўзгариш ҳолатини хитойча инь-ян тамойили тушунтиради. Инь ва ян – бу яхлит бир бутуннинг таркибий қисмлари саналган қарама-қаршиликлардир. Инь ва яндан таркиб топган яхлитлик маълум символ билан тасвирланади. Бу символда оқ ва қора қисмлар уйғунлик тимсоли саналган бутун доирани ташкил этади. Улар гўёки ўз қарама-қаршилигига айланишга уриниб, бир-бирининг ортидан спираль бўйлаб ҳаракатланаётгандек бўлиб кўринади. Бундан ташқари, оқ қисмнинг ичида қора нуқта, қора қисмнинг ичида эса – оқ нуқта бор бўлиб, бу қисмларнинг ҳар биридаги қарама-қаршиликнинг мазмунига ишора қилади.

Ўзгариш ва сақланишнинг зиддиятига Ўрта Осиё фалсафасининг улкан намояндаси Ибн Сино ҳам умумийроқ зиддият – ҳаракат ва ҳаракатсизлик зиддиятининг ўзига хос кўриниши сифатида ёндашади. Ибн Синонинг ўзгариш ва сақланишнинг ўзаро алоқаси хусусидаги қарашлари материянинг умрбоқийлиги ҳақидаги таълимот билан боғлиқ. Унинг тасаввурларига кўра, шакл ўзгариб турли хил кўриниш касб этади, лекин материя доим ўзгаришсиз қолади, у йўқ бўлмайди ва парчаланмайди.

Ибн Синонинг материянинг сақланувчанлиги ҳамда ўзгариш ва сақланишнинг ўзаро таъсири ҳақидаги қарашлари кейинчалик бошқа буюк мутафаккирлар томонидан ривожлантирилган. Масалан, Ж.Бруно бир нарса ёки ҳодисанинг йўқ бўлиши бошқа бир нарса ёки ҳодисанинг пайдо бўлиши демакдир, умуман олганда эса, Коинот сақланиб қолади, деб таъкидлаган. Д.Дидро бу хусусда ҳамма нарса бир шаклда йўқ бўлади ва бошқа шаклда тикланади, деб ёзган.

Барқарорлик ва ўзгарувчанлик диалектикаси. *Барқарорлик ва ўзгарувчанлик диалектик хусусият касб этади: ўзгарувчанликдан барқарорлик пайдо бўлади, барқарорлик эса эртами-кечми – ўзгарувчанликка айланади. Улар бир-бирининг ўрнига келиб, тебранувчан режимни яратадилар.*

Синергетика (юнон. синергия – ҳамкорлик, ҳамдўстлик) XX асрнинг 70-йиллари ўрталарида вужудга келган илмий тадқиқотларнинг фанлараро йўналиши бўлиб, унинг доирасида ўзини ўзи ташкил этиш ва ўз-ўзидан тартибсизланиш жараёнлари, турли хил табиатли очик ночизик муҳитларда хаосдан тартибга ва аксинча – тартибдан хаосга ўтиш жараёнлари ўрганилади. Синергетика тасодифий қўйилган ном эмас, балки илмий тадқиқотларнинг мазкур йўналиши доирасида илгари сурилган дунёқарашнинг асосий жиҳатларини бирлаштирувчи ўзига хос тимсолдир. «Синергетика» атамасини Г.Хакен ўзини ўзи ташкил этиш жараёнларида кўп



п
сонли кичик тизимларнинг мувофиқлаштирилган ўзаро алоқаси билан белгиланган жамоа ўйнайдиган муҳим ролга урғу бериш мақсадида таклиф қилган. Синергетика мураккаб тизимларни, уларнинг тадрижий ривожланиш жараёни ва ўзини ўзи ташкил этишини, яъни Коинот асосларини ўрганеди. Синергетика ёрдамида эволюциянинг Дарвиндан кейин амал қилаётган ҳозирги парадигмаси таърифланган.

Синергетикага янги илмий парадигма сифатида қисқача тавсиф берадиган бўлсак, у уч асосий ғояни ўз ичига олади. Булар:

- 1) ўзини ўзи ташкил этиш;
- 2) очик тизимлар;
- 3) ночизиклик.

Табиатда юз бераётган барча ҳодисалар бир-бири билан у ёки бу даражада боғлиқдир. Хўш, бу алоқа қандай хусусият касб этади? Мазкур ҳодисаларни тавсифловчи катталиклар ўртасидаги алоқаларни қандай қилиб тўғри акс эттириш мумкин?

Классик табиатшунослик замирида энг аввало чизикли асос ётади: бир мустақил катталиқнинг тенг ўзгаришларига албатта тобе катталиқдаги тенг ўзгаришлар мувофиқ келиши лозим. Биз ўзимиз яшаётган дунёнинг чизикли эканлигига кўп сонли мисоллар топишимиз мумкин. Аммо бу мазкур дунё қонуниятларининг кичик бир қисмидир.

Табиатнинг энг муҳим хоссалари бундай изчил, лекин ҳаддан ташқари идеал чизикли схема доирасига сиғмайди. Ночизик дунё – бу классик фан кўниккан қонуниятлардан бутунлай фарқ қиладиган қонунлар амал қилувчи дунё. Ўзини ўзи ташкил этишга қодир бўлган тизимлар туркуми – бу очик ва ночизик тизимлардир.

Тизимнинг очиклиги унда атроф муҳит билан моддалар ва энергия (ресурслар) алмашинуви манбалари ва оқимлари мавжудлигини англатади. Манбалар ва оқимлар якка ва кўп сонли бўлиши мумкин. Алмашинув жараёнлари очик тизим чегараси орқалигина эмас, балки тизимнинг ички нуқталари ва соҳалари орқали ҳам юз беради.

Ночизиклик тушунчаси математикадан кириб келган. Бунда бирдан катта даражадаги изланаётган қийматларни ва муҳит хоссаларига боғлиқ бўлган коэффициентларни ўз ичига олган математик тенгламалар ўрганилади. Бундай ночизик тенгламалар бир нечта ҳар хил ечимларга эга бўлади. Ночизикликнинг физик мазмуни: ечимлар тўпламига мазкур тенгламалар билан тавсифланаётган ночизик тизим эволюциясининг йўллари тўплами мувофиқ келади.

Фалсафий нуқтаи назардан ночизиклик ғояси қуйидаги ғоялар воситасида шарҳланиши мумкин: 1) эволюция йўллариининг кўп вариантлилиги, муқобиллиги; 2) мазкур муқобиллар орасидан энг мақбулини танлаш; 3) эволюциянинг ўзгарувчи суръати; 4) эволюция жараёнини орқага қайтариб бўлмаслиги; 5) «кичикнинг ўсиши» ёки «флуктуацияларнинг кучайиши»; 6) таъсирчанлик бўсағасининг хоссаси (бўсағадан қуйида ҳамма нарса камаяди, унутилади, юқорида эса – аксинча, ҳамма нарса бир неча баравар кўпаяди); 7) эволюция йўллариининг дискретлиги (эволюциянинг ҳар



п
кандай йўли эмас, балки бу йўлларнинг муайян доираси амал қилиши мумкин); 8) ўзгарувчанлик – жараёнлар йўналишининг тасодифий ўзгаришлари; 9) очиқ ночизиқ муҳитнинг ўзида мажбурий ёки спонтан ўзгаришлар юз бериши мумкинлиги (бу унинг эволюцияси жараёнлари манзараси бутунлай ўзгаришига олиб келади).

Синергетикада ўзгарувчанликни икки хил маънода тушуниш мумкин:

1) бифуркация пайтидаги йўл танлаш вазияти сифатида. Бунда ривожланишнинг у ёки бу аттракторга чиқиш сифатидаги турли йўлари очилади;

2) жараёнларнинг кичик флуктуацияларга таъсирчанлиги маъносидagi ўзгарувчанлик сифатида. Методология нуқтаи назаридан, турғунликнинг тўғрироқ талқини иккинчи ҳолатда қайд этилган. Ўзгарувчанлик деганда ўта жадал суръатларда ўсиб бориш жараёнлари тушунилади.

Ўзгарувчанлик доим ҳам салбий оқибатларга олиб келавермайди. У барқарор ривожланиш омили бўлиб хизмат қилиши ҳам мумкин. Фақат мувозанат ҳолатидан узоқда бўлган тизимлар, бекарорлик ҳолатидаги тизимларгина ўзини ўзи спонтан ташкил этиш ва ривожланишга қодир. Мутлақо барқарорлик ва мутаносиблик эволюцияни боши берк кўчага олиб кириши мумкин. *Ўзгарувчанлик бўлмаса, ривожланиш ҳам бўлмайди. Ривожланиш ўзгарувчанлик ва тасодифийлик орқали юз беради.*

Фаннинг асосий мақсади воқелик жараёнлари ва ҳодисаларини тавсифлаш, тушунтириш ва башорат қилишдан иборат, яъни биз яшаётган дунёнинг тизимлилигини ҳисобга олиб, тизимларнинг вақтда ривожланиш қонуниятларини аниқлаш ва белгилашдан иборат, деб ҳисоблаш одат тусини олган. Фан тарихида энг қизиқарли ва драматик воқеалар айна шу йўлда юз беради.

XIX асрда Р.Клаузиус алоҳида тизимлардаги иссиқлик ҳодисаларини ўрганиш жараёнида термодинамиканинг иккинчи асоси деган ном олган фундаментал қонунни аниқлайди. Бу қонуннинг энг содда таърифи куйидагича янграйди: *«Иссиқлик доим кўпроқ даражада қизиган жисмдан камроқ даражада қизиган жисмга узатилади ва бунинг тескариси ҳеч қачон юз бермайди»¹.* Тизимнинг иссиқлик ҳолатини тавсифлаш учун у энтропия тушунчасини илмий муомалага киритади. Энтропия тилида термодинамиканинг иккинчи асоси куйидагича таърифланиши мумкин: *«Алоҳида тизимнинг энтропияси ҳеч қачон камаймайди».* Кейинчалик Л.Больцман ва М.Планк термодинамиканинг иккинчи асосини модданинг статистик назарияси нуқтаи назаридан қайта таърифлайдилар: *«Вақт ўтиши билан алоҳида тизим камроқ даражада эҳтимол тутилган ҳолатлардан кўпроқ даражада эҳтимол тутилган ҳолатларга ўз-ўзидан ўтади».* Лўнда қилиб айтганда, алоҳида тизимда муқаррар жараён юз бериши натижасида тизим мутаносиб ҳолатга ўтишга ҳаракат қилиб, камроқ даражада эҳтимол тутилган ҳолатлардан кўпроқ даражада эҳтимол тутилган ҳолатларга ўтади. Бу Больцманга энтропияни тизим мазкур ҳолатда аниқланишининг эҳтимоллик

¹ Клаузиус Р. Э. Избрание произведения. М.: 1995.



п даражаси сифатида киритишга асос берди. Больцман энтропияси статистик энтропия деган ном олди.

Орадан анча вақт ўтгач, К.Шеннон бизга айнан қандай ҳолат юзага келгани ҳақида тўлақонли тасаввур ҳосил қилиш имкониятини берувчи ахборотнинг ўлчови сифатидаги информатсион энтропия тушунчасини илмий муомалага киритди. Унинг фикрича, *агар натижа олдиндан маълум бўлса, ахборот нолга тенгдир. Барча ҳолатларнинг эҳтимоллик даражаси тенг бўлган ҳолда (мутаносиблик ҳолати) ахборот сони* (информатсион энтропия) ҳолат тўлиқ аниқланганида максимал даражада бўлади¹.

Клаузиуснинг термодинамик энтропияси ҳам, Больцманнинг статистик энтропияси ҳам, Шенноннинг информатсион энтропияси ҳам алоҳида тизимларда муқаррар жараёнлар юз берганида амал қиладиган айтиб келинган бир қонуниятни – тузилманинг ўз-ўзидан йўқ бўлиш тенденциясини тавсифлайди. Бу термодинамик, статистик ва информатсион энтропиялар эквивалентдир, деган хулосага келиш учун асос бўлади. Ҳозирги вақтгача мавжуд экспериментал маълумотларнинг барчаси бу хулосанинг тўғрилигини тасдиқлайди.

Фундаментал қонун – термодинамиканинг иккинчи асосининг шаклланиши фан хулосалари ва амалий тажриба ўртасида тўқнашув юз беришига олиб келди. Аслини олганда, Коинотни алоҳида тизим сифатида оладиган бўлсак, унда барча жараёнлар тузилмаларнинг йўқ бўлиши, хаотик ҳолат юзага келиши томонга қараб кечиши лозим (Коинотнинг «иссиқликдан ўлими» гипотезаси). Амалда биз ўзимиз яшаётган дунёнинг ўта тартиблилигини кузатамиз. Ҳаёт феноменининг ўзи ўта тартибли тизимлар мавжудлигини тасдиқлайди. Бу зиддиятни ечиш очиқ тизимларнинг вақтда ривожланиш хусусияти билан боғлиқ, реал дунёнинг барча тизимлари эса, юқорида қайд этиб ўтилганидек, очиқ тизимлардир.

Тизимларнинг вақтда ривожланиши кўпинча уларнинг ҳаракати сифатида тавсифланади, тизимларнинг ўзи эса «динамик тизимлар» деб аталади. *Тарихан динамик тизимлар деганда жонсиз табиат тизимлари тушунилади.* Динамик тизимнинг ҳолати айрим кўрсаткичлар тўплами билан белгиланади. Бу параметрларнинг ўзи вақт функциялари ҳисобланади. Мазкур параметрларнинг ўзгариш қонуниятлари дифференциал тенгламалар системалари билан белгиланади. Айтиб келинган динамик тизимларни ўрганиш учун биз билишнинг изчил илмий методидан тўлақонли фойдаланишимиз мумкин.

Динамик тизимлар параметрлари вақт ўтиши билан ўзгармайдиган ҳолатларда бўлиши мумкин. Бундай ҳолатлар турғун ҳолатлар деб аталади. Турғун ҳолати мутаносиб ҳолат билан мувофиқ келувчи алоҳида тизимлардан фарқли ўлароқ, очиқ тизимда жараён турғун ҳолатда кечади. Бундай ҳолатни жорий мувозанат ҳолати деб номлаш мумкин. Тизимга таъсир кўрсатилган тақдирда, орадан маълум вақт (релаксация вақти) ўтгач, тизим кўрсаткичлари ўзларининг аввалги қийматларини касб этишлари

¹ Шеннон К. Работы по теории информации и кибернетике. – М.: Изд-во иностранной литературы, 1963. – 830с.




п мумкин. Бундай турғун ҳолатлар барқарор (ёки асимптомик барқарор) ҳолатлар деб аталади. Муайян таъсир кўрсатилганида турғун ҳолатлар хулқ-атворининг бошқа бир кўриниши барқарорликнинг йўқолиши билан боғлиқ. Бунда тизимнинг кейинги ҳаракатини олдиндан айтиш имконияти йўқолади. Масалан, беқарор турғун ҳолатда муайян тузилма мавжуд бўлса, барқарорликнинг йўқолиши мазкур тузилманинг бузилишини англатади. Ўзининг кейинги ривожланиш жараёнида тизим янги турғун ҳолатга келиши ва бу ҳолат барқарор бўлиб чиқиши мумкин. Бундай ҳолатда тизимнинг янги, барқарор тузилмаси вужудга келиши ва у анча узоқ вақт мобайнида, аниқроқ айтганда, муайян таъсирлар тизимни мазкур ҳолатни тарк этишга мажбур этгунга қадар мавжуд бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, асосан математик атама саналган бифуркациянинг физик мазмуни тизимда барқарорлик типининг ўзгариши билан белгиланади. Мазкур жараён тизимни тавсифловчи кўрсаткичларнинг айрим «критик» қийматларида юз беради, яъни «кооператив» хусусият касб этади. Бифуркация тизим критик кўрсаткичларга эришганида унинг кейинги ҳаракати турли сценарийлар бўйича юз бериши мумкинлигини англатади (математика тили билан айтганда, ечимларнинг тармоқланиши юз беради). Қайси сценарий амалга ошиши тахминий бўлиб, реал тизимлар учун уни олдиндан айтиш мумкин эмас. Масалан, ер атмосферасида асосий жараёнлар атмосферани ташкил этувчи молекулаларнинг хаотик иссиқлик ҳаракати билан боғлиқ. Аммо мазкур хаотик ҳаракат фонида структуралар, циклонлар ва антициклонлар юзага келади ва уларни космосдан олинган суратларда аниқ кузатиш мумкин. Уларнинг вужудга келиши атмосферанинг океан ва куруқлик, Ернинг айланиши ва ҳоказолар билан ўзаро алоқага киришиши натижасида юзага келувчи атмосфера оқимларининг шаклланиши билан боғлиқ. Ушбу атмосфера тузилмалари юзага келади, узоқ ёки қисқа вақт мавжуд бўлади, сўнг тарқалиб кетади ва қайтадан юзага келади. Бундай тизим бошланғич кўрсаткичларининг айна бир қийматларига ривожланишнинг турли сценарийлари мувофиқ келади. Бу ташқи табиий омиллар тизимга кўрсатувчи таъсирнинг ранг-баранглиги ва тасодифийлиги билан боғлиқ. Об-ҳавони узоқ муддатга прогноз қилишдаги қийинчиликлар айна шу омиллар билан изоҳланади.

Шундай қилиб, ҳар қандай реал мураккаб тизим ночизиқ тенгламалар системаси билан тавсифланади. Ушбу система маконда кўп сонли тармоқларга эга бўлган ечимлар тўпламидан иборат бўлади. Бошқарувчи кўрсаткичларнинг ўзгаришлари тизимнинг ҳолатида шикастли, яъни катта сакрашларга сабаб бўлиши мумкин ва бу сакрашлар деярли бир лахзада юз беради. Тизимда тартиб кўрсаткичлари ўзгарганида турли хил ўтиш ҳодисалари кузатилади. Бу ҳодисаларни бифуркация диаграммалари ёрдамида ифодалаш мумкин. Тармоқланиш нуқтасининг ўзи бифуркация (лот. – иккиланиш, кўпайиш) нуқтаси деб аталади.

Бифуркациянинг физик мазмунини қуйидагича тавсифлаш мумкин: бифуркация нуқтаси – бу очиқ ночизиқ тизимнинг тадрижий ривожланиши



п

(эволюция) йўлларининг тармоқланиш нуқтаси ёки бифуркациялар – бу очик ночизик тизимнинг ривожланиш йўллари майдонидаги тармоқлар.

Бошқарувчи кўрсаткичнинг кичик флуктуацияси ҳам тизим учун ҳал қилувчи аҳамият касб этиши мумкин. Тизим ё у, ё бу тармоқ бўйлаб ривожлана бошлайди. Биологик эволюцияда бундай флуктуациялар мутациялар, ўзгарувчанлик сифатида намоён бўлади. Бошқа томондан, табиий танланиш тизимнинг барқарорлигини таъминлайди.

Структуранинг мураккаблашуви ва тизимнинг хулқ-атвори бифуркациялар натижасида ривожланишнинг янги йўллари пайдо бўлиши билан узвий боғлиқ. Ўта номутаносиб шароитларда ўзини ўзи ташкил этиш жараёнлари тасодиф ва зарурият, флуктуациялар ва детерминистик қонунлар ўртасидаги «теран ўзаро алоқа»га мувофиқ келади. Бифуркациялар, яъни тизимнинг кескин ўзгаришлари яқинида асосий ролни флуктуациялар ёки тасодифий элементлар ўйнайди, бифуркациялар ўртасидаги ораликларда эса детерминизм устунлик қилади.

Очик тизимларнинг ҳаракат жараёнлари энтропия тилида тавсифланиши мумкин. Очик тизим энтропиясининг ўзгариши икки таркибий қисмдан иборат. Уларнинг бири фақат тизимдаги жараёнлар билан боғлиқ ва термодинамиканинг иккинчи асосига мувофиқ доимо мусбатдир. Энтропия ўзгаришининг иккинчи таркибий қисми атроф муҳит билан алмашинув жараёнлари билан боғлиқ ва мусбат бўлиши ҳам, манфий бўлиши ҳам мумкин. Бу энтропиянинг тўлиқ ўзгариши ҳам мусбат ёки манфий бўлиши мумкинлигини, яъни тизимнинг тўлиқ энтропияси ўсиши ҳам, камайиши ҳам мумкинлигини англатади. *Энтропиянинг камайиши тизимда тартибнинг кўпайишини англатади. Шундай қилиб, очик тизимларда термодинамиканинг иккинчи асосини бузмасдан структуралар вужудга келиши ва мавжуд бўлиши мумкин.*

Бундай ҳолатлар барқарор турғун ҳолатларга, очик тизимларнинг ҳаракати жараёнида юзага келадиган жорий мувозанат ҳолатларига мувофиқ келади.

Хулоса. Очик тизимларда юз берувчи муқаррар жараёнлар мобайнида барқарор структураларнинг ўз-ўзидан вужудга келиши ўзини ўзи ташкил этиш ҳодисаси деган ном олган. Ўзини ўзи ташкил этиш ички ва ташқи омилларни ҳисобга олган ҳолда тизимни тавсифловчи кўрсаткичлар билан белгиланадиган шароитларда юзага келади. Тартибга солинган, ташкиллаштирилган ҳолат токи тизимнинг ҳаракатланиш шароитлари (тизим кўрсаткичлари) муайян доирада экан, барқарор мавжуд бўлади. Кўрсаткичлар айрим критик қийматларга етганида тизимнинг тартибли ҳолати бузилади. Айти шу ҳодиса бифуркация деб аталади. Бифуркациядан сўнг тизимнинг ривожланиш жараёни номуайян тус олади.


Борлиқ доимий ривожланишда, бироқ унга барқарорлик ва ўзгарувчанлик хос. Барқарорлик нисбий характерда бўлиб ривожланиш жараёнидаги ўзгарувчанликнинг асоси бўла олади.



п


Барқарорлик, ўзгарувчанлик, энтропия, флуктуация, критик қиймаг, ўзини ўзи ташкил этиш, очик тизимлар, ночизиклик, шаклланиш.

Қўшимча ва тушунтирувчи матнлар







Аристотелнинг сабабият концепцияда сабабият турлари



Бифуркация



Очиқ тизим энтропиясининг ўзгаришининг таркибий қисмлари





Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар

1. Барқарорликнинг моҳияти нимада?
2. Аристотелнинг сабабийлик ҳақидаги таълимотининг назарий асосини айтиб беринг.
3. Барқарорлик ва ўзгарувчанлик диалектикаси нимага асосланади?
4. Барқарорлик ва ўзгарувчанликнинг фарқи нималарда намоён бўлади?

Реферат мавзулари

1. Барқарорлик ва ўзгарувчанлик диалектикаси.
2. Гегел барқарорлик ва ўзгарувчанлик ҳақида
3. Шаклланиш ҳақидаги қарашлар таҳлили.

Билим ва кўникмаларни баҳолаш материаллари

1. Материянинг фаоллиги сирини унинг икки хоссаси – бу?

- А. Узлуклилиқ ва узлуксизликдан
- Б. Барқарорлик ва ўзгарувчанлик
- В. Узлуклилиқ ва ўзгарувчанлик
- Г. Узлуксизлик ва ўзгарувчанлик

2. Барқарорлик ва ўзгарувчанлик фаолликнинг қандай хоссаларидир?


- А. Узвий хоссалари
- Б. Барқар хоссалари
- В. Узлукли хоссалари
- Г. Узлуксиз хоссалари

3. Нарсалар ва ҳодисаларнинг ўзгарувчанлигини ифодаловчи фалсафий категорияни кўрсатинг?

- А. Шаклланиш
- Б. Барқарорлик
- В. Сифат
- Г. Сон

4. Ривожланиш категориясининг синоними сифатида, жараёнлар ва ҳодисаларга туртки берувчи омилларнинг юзага келиш жараёнининг ифодаси сифатида ишлатиладиган сўз нима?

- А. Шаклланиш
- Б. Барқарорлик
- В. Узлуклилиқ
- Г. Узлуксизлик



п

5. Ер юз миллионлаб йиллардан бери Қуёш атрофида ўз орбитаси бўйлаб айланади, лекин бу такрорийлик Птолемей ва Коперник фараз қилганидек туташ эпицикл бўйлаб эмас, балки намойиш этади. Бу ерда ҳар бир айланма ҳаракат янги ҳисобланади.

А. Спирал бўйлаб амалга ошади, яъни бир вақтнинг ўзида ҳам барқарорлик, ҳам ўзгарувчанликни

Б. Доира бўйлаб амалга ошади, яъни бир вақтнинг ўзида ҳам барқарорлик, ҳам ўзгарувчанликни

А. Учбурчак бўйлаб амалга ошади, яъни бир вақтнинг ўзида ҳам барқарорлик, ҳам ўзгарувчанликни

А. Параллел бўйлаб амалга ошади, яъни бир вақтнинг ўзида ҳам барқарорлик, ҳам ўзгарувчанликни

6. Вақт шу маънода чексизки, унинг «ибтидоси»... ибтидога эга эмас ва у бутун чексиз маконда келажак сари маконнинг барча нуқталарида қандай тарзда «оқади».

А. Кўп хилда ва синхрон

Б. Бир хилда ва синхрон

В. Хар хилда ва синхрон

Г. Бир-кўп ва синхрон

7. Макон ва вақтдан фарқли ўлароқ, материя субстратга эга, яъни «моддий» ва амалда чексиз даражада корпускулярдир. Фақат материя элементлари маконда қандай имкониятига эга?

Б. бир жойдан бошқа жойга, яъни «А пунктидан Б пунктига» кўчмаслик.

Б. Бир жойдан бошқа жойга, яъни «А пунктидан Б пунктига» кўчиш

В. Хар - хил жойдан бошқа жойга кўчиш

Г. Бир жойдан бошқа жойга кўчмаслик.

8. – материя шаклларидан биридир. У материянинг бошқа шаклларидан ижтимоий алоқалари мавжудлиги билан ва (акс эттиришнинг объектив шаклларидан ташқари) акс эттиришнинг субъектив шакллари мавжудлиги билан, яъни индивидуал ва ижтимоий онг билан ажралиб туради.

А. Фуқаролик жамияти

Б. Кишилиқ жамияти

В. Халқаро жамияти

Г. Маънавият жамияти

9. Шундай қилиб, Коинотда шаклларнинг ўзгарувчанлигини белгиловчи умумий объектив омил материянинг асосий хоссаси –бу?

А. Ҳаракатланиш

Б. Бир жойдан бошқа жойга кўчиш, силжитиш, тебраниш, рефлексия қилиш ва ҳ.к. дир.

В. А ва Б жавоблар



п

Г. Тўғри жавоб йўқ.

10. Ўзгариш –бу?

А. Моддий объектларнинг ўзаро алоқага кирмаслиги жараёни ва унинг натижаси.

Б. Моддий тузилмалар алоқалари навбатдаги шаклининг актуаллашуви..

В. Моддий объектларнинг ўзаро алоқага киришиш жараёни ва унинг натижаси, моддий тузилмалар алоқалари навбатдаги шаклининг амалда актуаллашуви..

Г. Барча жавоблар тўғри.

11. Диалектикада ҳодисанинг моҳияти деганда нима тушинилади?

А. Мазкур ҳодисани вужудга келтирган қарама-қаршиликларнинг ҳақиқий муносабати, яъни қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши тушунилади.

Б. Моддий объектларнинг ўзаро алоқага кирмаслиги жараёни ва унинг натижаси.

В. Моддий тузилмалар алоқалари навбатдаги шаклининг актуаллашуви.

Г. Моддий объектларнинг ўзаро алоқага киришиш жараёни.

12. Ушбу фикр муаллифини топинг: «Тизим шаклланиши ва мавжуд бўлиши учун ҳар қандай яхлитликнинг таркибий қисмлари ўз табиатига кўра ёки уларнинг хулқ-атворини бошқарувчи қонунларга мувофиқ ўзаро яқинлашишни ҳам, бир-бирини истисно этишни ҳам, ўзаро тортилишни ҳам, бир-биридан узоқлашишни ҳам, бирлашишни ҳам, алоқаларнинг узилишини ҳам, интеграцияни ҳам, дезинтеграцияни ҳам назарда тутиши талаб этилади».

А. Аристотель

Б. Г.Гегель

В. Ибн Сино

Г. Люпаско

13. Барқарорлик деганда нимани тушуниш ўринли бўлади.

А. Объектнинг айрим таркибий элементлари ва бўғинлари, унинг бошқа объектлари билан ўзаро алоқалари шаклининг оддий ёки мураккаб инъикосини.


Б. Унинг ички жисмларнинг бир жойдан бошқа жойга кўчишидан фикрларнинг жараёнлари мувозанати.

В. Барча жавоблар тўғри.

Г. Унинг ўзгариши ва ривожланишини белгиловчи қонунларнинг муайян типлари инъикосини

14. Ўзгариш –бу?

А. Объектлар ва ҳодисалар (оддий ҳаракатигача) борлигининг энг умумий шаклидир.



п

Б. Субъектив ва ходисалар (оддий ҳаракатигача) борлигининг энг умумий шаклидир.

В. Субъектив ва нарсалар борлигининг энг умумий шаклидир.

Б. Субъектив ва ходисалар умумий шаклидир.

15. Аристотелнинг сабабият концепцияда сабабиятнинг тўрт тури ажратилади булар?

А. Моддий сабаб

Б. Амалдаги сабаб

В. Формал сабаб

Г. Пировард сабаб

16. ҳар қандай теран ҳақиқатни инкор этишнинг ўзи ҳам ҳақиқат ҳисобланишини кўп карра қайд этган.

А. Аристотель

Б. Г. Гегель

В. Ибн Сино

Г. Люпаско

17. Ўзгарувчанлик ва барқарорлик ғояларини инсон тафаккурининг тинимсиз ҳаракатини белгиловчи бинар нима деб ҳисоблаш мумкин?

А. Позиянинг идеал кутблари

Б. Оппозиянинг идеал кутблари

А. Позиянинг суст кутблари

А. Оппозиянинг ривожланмаган кутблари

18. Қайси таълимотда дунёнинг ички тузилишига доир масала эмас, балки «ўз-ўзича» дунёнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги тўғрисидаги масала мазмун касб этади?

А. Кантчиликда

Б. Оппозия

В. Позия

Г. Некантчиликда

19. Элей мактаби намояндаларининг карашларига кўра, ўзгариш нимада мавжуд.

А. Кўп сонлилик муайян кўринишда, аниқроқ айтганда – «ақлда» ҳам

Б. Ҳаракат ва кўп сонлилик муайян кўринишда, аниқроқ айтганда – «фикрда»

В. Ҳаракат ва кўп сонлилик муайян кўринишда, «ақлда»

Б. Ҳаракат ва кўп сонлилик муайян кўринишда, – «билимда»

20. Антик натурфалсафанинг икки йўналиши тўғри кўрсатилган жавобни топинг?

А. Биринчи – диалектик йўналиш дунёнинг биринчи асосини сўзнинг ўз маъносидаги ўзгариш, қарама-қаршиликлар ўртасидаги кураш ва табиий



п
стихияларнинг бир-бирига ўтувчанлиги билан айнийлаштиради. Иккинчи – таркибий-тахлилий йўналишда табиий стихиянинг ўзи, илк материя борлиқнинг ягона асоси ҳисобланади.

Б.Биринчиси-Коинотнинг абадийлиги бу ерда унинг барча элементларининг абадий динамик ўзгаришида намоён бўлади. Иккинчи – таркибий-тахлилий йўналишда табиий стихиянинг ўзи, илк материя борлиқнинг ягона асоси ҳисобланади.

В. А ва Б жавоблар

Г. Тўғри жавоб йўқ

21. Синергетикага янги илмий парадигма сифатида қисқача тавсиф берадиган бўлсак, у уч асосий ғояни ўз ичига олишининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Булар:

А. Ўзини ўзи ташкил этиш;очиқ тизимлар;ночизиклик.

Б. Ўзини ўзи ташкил этиш;ночизиклик.

В. Ўзини ўзи ташкил этиш;очиқ тизимлар.

Г. Ўзини ўзи ташкил этиш;очиқ тизимлар;ночизиклик,узликсизлик.

22. Бизга айнан қандай ҳолат юзага келгани ҳақида тўлақонли тасаввур ҳосил қилиш имкониятини берувчи ахборотнинг ўлчови сифатидаги инфор­мацион энтропия тушунчасини илмий муомалага киритди. Унинг фикрича, агар натижа олдиндан маълум бўлса, ахборот нолга тенгдир.

А. К.Шеннон

Б. Г.Гегель

В. Ибн Сино

Г. Люпаско

23. Метафизика – бу?

А. Моҳият эътибори билан, жараёнлар ва ҳодисаларда зиддиятларни инкор этсаслик фалсафасидир.

Б. Моҳият эътибори билан, жараёнлар ва ҳодисаларда зиддиятларни инкор этиш фалсафасидир.

В. Жараёнлар ва ҳодисаларда боғлиқларини инкор этиш фалсафасидир.

Г. Моҳият эътибори билан, нарса ва ҳодисаларда боғлиқларни инкор этиш фалсафасидир.

25. «Айни бир хосса айни бир вақтда айни бир нарса ёки ҳодисага айни бир жиҳатдан хос бўлиши ва бўлмаслиги мумкин эмас», деб таъкидлайди.

А. Аристотель

Б. Г.Гегель

В. Ибн Сино

Г. Люпаско



п

26. Ушбу фикр муаллифини топинг: ўзгариш - қарама-қаршиликлар курашининг табиий натижаси.

- А. Гераклит
- Б. Г. Гегель
- В. Ибн Сино
- Г. Люпаско

27. Ушбу фикр муаллифини топинг: ўзгариш хом хаёлдир, у янглишишдан бошқа нарса эмас. Амалда ҳамма нарса аслида қандай бўлса, шундайлигича қолади.

- Б. Парменид
- Б. Г. Гегель
- В. Ибн Сино
- Г. Люпаско

27. Бифуркациялар нима?

- А. Очиқ ночизик тизимнинг ривожланиш йўллари майдонидаги тармоқлар.
- Б. Жараёнларнинг кичик флуктуацияларга таъсирчанлиги маъносидаги ўзгарувчанлик сифатида.
- В. Ривожланишнинг у ёки бу аттракторга чиқиш сифатидаги турли йўлари очилади.
- Г. Ёпиқ ночизик тизимнинг ривожланиш йўллари майдонидаги тармоқлар.

28. Ушбу фикр муаллифини топинг: ўзгариш табиий танланиш натижасида юз беради.

- А. Дарвин
- Б. Г. Гегель
- В. Ибн Сино
- Г. Люпаско

29. Ўзгариш ва сақланишнинг зиддиятига ҳам қайси муттафакир умумийроқ зиддият – ҳаракат ва ҳаракатсизлик зиддиятининг ўзига хос кўриниши сифатида ёндашади. Унинг ўзгариш ва сақланишнинг ўзаро алоқаси хусусидаги қарашлари материянинг умрбоқийлиги ҳақидаги таълимот билан боғлиқ. Унинг тасаввурларига кўра, шакл ўзгариб турли хил кўриниш касб этади, лекин материя доим ўзгаришсиз қолади, у йўқ бўлмайди ва парчаланмайди?

- А. Дарвин
- Б. Г. Гегель
- В. Ибн Сино
- Г. Люпаско

30. бир нарса ёки ҳодисанинг йўқ бўлиши бошқа бир нарса ёки ҳодисанинг пайдо бўлиши демакдир, умуман олганда эса, Коинот сақланиб қолади, деб таъкидлаган.



п

- А. Дарвин
- Б. Ж.Бруно
- В. Ибн Сино
- Г. Люпаско

31. Синергетикада ўзгарувчанликни қандай маънода тушуниш мумкин?

А. 1) бифуркация пайтидаги йўл танлаш вазияти сифатида. 2) жараёнларнинг кичик флуктуацияларга таъсирчанлиги маъносидаги ўзгарувчанлик сифатида.

Б. 1) ривожланишнинг у ёки бу аттракторга чиқиш сифатидаги турли йўлари очилади; 2) жараёнларнинг кичик флуктуацияларга таъсирчанлиги маъносидаги ўзгарувчанлик сифатида.

- В. А ва Б жавоблар
- Г. Тўғри жавоб йўқ.




II

1. Маърузани олиб бориш технологияси

<i>Талабалар сони:</i>	<i>Вақти:</i> 4 соат
<i>Машигулот шакли</i>	Кириш мавзуси бўйича маъруза
<i>Маъруза режаси</i>	1.Ижтимоий-маданий жараён контекстида барқарорлик ва беқарорлик муаммоси 2.Ахборот ижтимоий маданий жараёнларни қайд этиш воситаси 3.Барқарорлик ва беқарорлик ижтимоий маданий жараёнлар омиллари
<i>Машигулотнинг мақсади:</i> Ўқув фани ҳақида умумий тасаввурни шакллантириш, ижтимоий маданий жараёнларда барқарорлик ва беқарорлик диалектикаси ҳақида тушунча ҳосил қилиш.	
<i>Педагогик вазифалар</i>	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i>
Ижтимоий-маданий жараён контекстида барқарорлик ва беқарорлик муаммоси ҳақида тушунчалар бериш.	Ижтимоий-маданий жараён контекстида барқарорлик ва беқарорлик муаммоси ҳақида талабаларга тушунчалар берилди.
Ахборот ижтимоий маданий жараёнларни қайд этиш воситаси ҳақида тушунча бериш.	Ахборот ижтимоий маданий жараёнларни қайд этиш воситаси ҳақида талабаларга тушунчалар берилди.
Барқарорлик ва беқарорлик ижтимоий маданий жараёнлар омиллари шакли ҳақида тушунча бериш.	Барқарорлик ва беқарорлик ижтимоий маданий жараёнлар омиллари ҳақида талабаларга тушунчалар берилди.
<i>Ўқитиш усуллари ва техника</i>	Маъруза, «аклий ҳужум», Т-схема, мунозара, муаммоли вазиятлар усули.
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Маъруза матни, тарқатма материаллар, слайдлар, проектор.
<i>Ўқитиш шакллари</i>	Жамоа, тўғридан-тўғри ва гуруҳларда ишлаш.
<i>Ўқитиш шарт-шароити</i>	Техник воситалар билан таъминланган аудитория.
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Оғзаки назорат, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш.

2. Маърузанинг технологик картаси

<i>Иш жараёнлари вақти</i>	<i>Фаолиятнинг мазмуни</i>	
	<i>ўқитувчи</i>	<i>Талаба</i>
I-босқич. Фанга ва мавзуга кириш. (20 минут)	1.1. Ўқув фани номини айтиб, фан доирасида дастлабки умумий тасаввурни беради ҳамда услубий ва ташкилий томонлари билан таништиради.	Тинглайдилар.
	1.2. Фан бўйича ўтиладиган барча мавзулар билан таништиради, уларнинг узвийлиги ҳақида қисқача маълумот беради.	Тинглайдилар.
	1.3. Фан якунида қўйиладиган рейтинг баҳолаш мезонлари билан таништиради	ЎУМ га қарайдилар.
	1.4. Фанни ўзлаштиришда фойдаланиш учун зарур бўлган адабиётлар рўйхати билан таништиради.	ЎУМ га қарайдилар.



П

	1.5. Ўқув машғулоти мавзуси билан таништиради ва унинг мақсади, ўқув фаолияти натижаларини баён қилади.	Мавзу номини ёзиб оладилар.
	1.6. Мавзу юзасидан ақлий ҳужум қондаси асосида дарс ўтказишни таклиф этади. Талабалар томонидан айtilган фикрларни ёзиб боради ва умумлаштиради	Тушунчаларни эркин фикр орқали билдиради.
II-босқич. Асосий (50 минут)	2.1. Мавзу режаси ва таянч тушунчалар билан таништиради.	Тинглайдилар.
	2.2. Маърузани режа бўйича тушунтиради, ҳар бир режани ниҳоясида умумлаштиради. Жараён компьютер слайдларини намойиш қилиш билан олиб борилади	Тинглайдилар. Слайдга эътибор қаратади, уни ўзига ёзиб олади ва саволлар беради.
	2.3. Ҳар бир режани мустаҳкамлаш учун куйидагича саволлар беради: 1.Методология ҳар қандай ижтимоий фаолиятнинг усули? 2. Ахборот ижтимоий маданий жараёнларни қайд этиш воситаси? 3.Дунёнинг фалсафий манзарасида барқарорлик?	Саволларга жавоб берадилар, эркин баҳс-мунозара юритадилар.
	2.4. Таянч ибораларга қайтилади. Талабалар иштирокида улар яна бир бор такрорланади.	Ҳар бир таянч тушунча ва ибораларни муҳокама қиладилар. Конспект қиладилар.
III-босқич. Яқиний босқич. (10 минут)	3.1. Т-схема техникасидан фойдаланилган ҳолда жуфт-жуфт бўлиб ишлаш учун тингловчиларга: ижтимоий маданий жараёнларда барқарорлик ва беқарорлик диалектикаси оид савол ёзилган тарқатма материаллар тарқатади. Ушбу техника орқали мавзу бўйича яқунловчи хулоса қилади.	Мустақил Т-схемани тўлдирадилар. Эркин фикрини баён этади.
	3.2. Талабаларнинг фаолиятига баҳо қўйилади ва рағбатлантирилади.	Эшитади.
	3.3. Келгуси машғулотга тайёргарлик кўриш учун топшириқлар ва фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати берилади.	Эшитади ва ЎУМ га қарайдилар.



п

ИЖТИМОЙ МАДАНИЙ ЖАРАЁНЛАРДА БАРҚАРОРЛИК ВА БЕҚАРОРЛИК ДИАЛЕКТИКАСИ

Ижтимоий-маданий жараён контекстида барқарорлик ва беқарорлик муаммоси таҳлилининг замирида атроф муҳитни асосан дедукция қоидалари ёрдамида акс эттириш, билиш ва таҳлил қилишнинг диалектик методологияси ётади.

Бунда қуйидагиларга амал қилиш мақсадга мувофиқ:

- ижтимоий-маданий дунёнинг барқарор ва беқарор жараёнларини ўрганиш методологиясини таклиф қилиш;
- «барқарорлик» ва «беқарорлик» илмий категорияларининг вужудга келиши ва ривожланиши ижтимоий жараёнда қандай акс этганини кўрсатиш;
- ижтимоий-маданий жараёни барқарорлик ва беқарорлик категориялари диалектикаси билан боғлаш;
- ижтимоий-маданий жараёнларни тартибга солиш ва уларнинг тартибсизлигини англаб етиш назарий тамойилларини кўрсатиш;
- дунёнинг илмий манзарасига зид бўлмаган ижтимоий-маданий моделни яратиш.

Методология ҳар қандай ижтимоий фаолиятнинг усули ҳисобланади.

Унда фаолият мақсадлари, объектлари ва натижалари, шунингдек уларга эришиш йўллари белгиланади. Методология у ёки бу фаолият соҳасидаги муайян усуллар ва амаллар тизимлари ҳамда тизим ҳақидаги таълимотни, яъни метод назариясини ўз ичига олади. Гегель: «қарорлар қабул қилишнинг асосий шarti мутлақ номуайяликдир»¹, деб таъкидлаган эди.

Методологияни белгилаш ҳамisha воқеликни фалсафий-илмий билишнинг бош омили ҳисобланган. Ҳозирги вақтда методология муаммолари тафаккурнинг диалектика, фан фалсафаси, феноменология, синергетика каби йўналишлари доирасида муҳокама қилинади. Методология билувчи субъектга аниқ вазифаларни ечиш ва муайян натижаларга эришишга йўл кўрсатувчи ҳаракатлар билан боғлиқдир.

Методология ҳақиқатларни яратмайди, лекин уларнинг тагига етишга кўмаклашади, мақсадларга қисқа йўл билан, камроқ маблағ ва куч-ғайрат сарфлаш имкониятини берадики, бу ҳозирги оқилона, лекин беқарор дунё учун жуда муҳимдир. Аммо кези келганда яна шуни ҳам қайд этиш лозимки, методологиянинг асосий функцияси билиш, назарий ва илмий фаолиятни тартибга солиш ҳисобланади.

Методологияни қўллаш ижтимоий таҳлил объектини ажратишга, тушунчалар устида мантикий амалларни бажариш йўли билан объектнинг моҳияти, асосий белгилари ва ривожланиш омилларини ҳамда ижтимоий-маданий фаолиятда унга инсон томонидан таъсир кўрсатиш имкониятини аниқлашга ёрдам беради.

Методологияларнинг барчаси мавжудлик ҳуқуқига эга, лекин уларнинг натижаси амалда ўз тасдиғини топиши лозим. Акс ҳолда ижтимоий-маданий

¹ Гегель. Энциклопедия философских наук. В 2-х т. Т. 1. – М., 1974. – 217–218-б.



п
жараённинг мураккаблиги ва уни билиш воситаларининг норасолигидан айрим назариячилар маданиятнинг ноижтимоийлиги, унинг феноменлар билан боғлиқлиги ҳақида хулоса чиқаришлари сабабини тушунтириш қийин бўлади. Бунда нариги дунё инсоннинг нормал онги даражаси остида ёки устида ётади, деб фараз қилинади.

Бошқа бир нуқтаи назарга кўра, ижтимоий-маданий жараён инсон тарихий фаолиятининг ўзгача борлиғи сифатида тушунилади, яъни инсоннинг айрим ҳаракатлари негизида тарихий қонуният тушунчасини яратиш методи сифатида майдонга чиқади. Мазкур ёндашувда ижтимоий материя (яъни инсоннинг ижтимоий фаолияти) ижтимоий онгда илмий тафаккур қоидаларига биноан, яъни таҳлил, синтез, индукция, дедукция ва ҳоказолар воситасида акс этади ва қайта ишланади. Бунда маданият синкретик, яъни бир-бирига ўтувчи, бир-бирини бойитувчи хусусият касб этади, ижтимоий-маданий жараён эса конкрет тарихий жараённинг абстракт-мантиқий аналоги ҳисобланади.

Бу ҳолда маданият тарихи, халқлар ўртасидаги алоқалар, шахс, жамият ва унинг институтларини маданий-маънавий такомиллаштириш ҳақида гапириш мумкин. Маданий-тарихий жараёнга диалектика категорияларининг умумий тамойилларини, шу жумладан тарихий ва маданий фаолиятнинг барқарорлиги ва беқарорлиги тамойилларини татбиқ этиш мумкин. Бошқа методикаларда, масалан, объектив-идеалистик методикада ўзгача ёндашувлар ва тамойиллар мавжуд, мантиқий ва тарихий методлар ўрнига формал-мавхум метод қўлланилади. *Зеро ижтимоий-маданий қадриятлар ва тамойиллар идеал тушунчалар тарзида берилгани боис, уларни фаолият йўли билан эмас, балки мулоҳаза юритиш орқали англаб етиш мумкин.*


Ушбу метод негизида донишманд, яъни дунёвий қадриятларни бутунлай рад этган ва абсолют билан юз кўришишга қараб мўлжал олган одамнинг одатдаги образи вужудга келган. Бунга мисол тариқасида ижтимоий-маданий жараёнларни теран англаб етиш улардан мумкин қадар узоклашиш йўлида амалга оширилади деб ҳисоблайдиган конфуцийчилик, платонизм, стоицизм ва бошқа оқимлар методикасини келтириш мумкин. «Билувчилар гапирмайдилар, гапирувчилар билмайдилар»¹, деб сабоқ беради Конфуций.

Ф.Ницше: «Дунё янги шов-шувни яратувчилар атрофида эмас, балки уларнинг қадриятлари атрофида айланади; унинг айлангани эшитилмайди»,² деб таъкидлайди. Бу методологияни ижодкор зиёлилар даврасида айниқса кенг тарқалган субъектив-идеалистик методологияга киритиш мумкин. Аммо у бизни ижтимоий тараққиёт сабабларини тушунишга яқинлаштирмайди, чунки инсон фаолияти ва онгини ундан ташқарига чиқаради.

Шундай қилиб, *метод – бу дунёни изчил тушунчалар ва категориялар ёрдамида тавсифлаш усулидир.* Методология тамойилларига қараб ижтимоий-маданий жараён воқелигининг конфуцийча, диний, марксистик, экзистенциалистик ва ҳоказо талқинлари фарқланади. Категорияларни

¹ Конфуций Уроки мудрости.-М.: ЭКСМО, Фолио, 2005. -67-б.

² Ницше Ф. Так говорил Заратустра. Соч. В 2 т., т 2.-М.: Мысл, 1990. -95 –б.



п
актуаллаштириш тушунчалар устида мантикий амалларни бажариш йўли билан диалектиканинг умумий тамойилларини ижтимоий-маданий жараёни билиш тамойилларига айлантириш имкониятини беради.

Айрим муаллифлар муайянлик ва номуайянлик диалектикасини фалсафий категорияларнинг фундаментал жуфтлиги сифатида анча чуқур ўрганганлар. Бу тадқиқотларнинг натижалари мазкур категориялар таҳлилни давом эттириш ва конкрет жараёнлар моҳиятини янада кенгрок акс эттирувчи категориялар жуфтлиги – барқарорлик ва беқарорликка ўтиш учун имконият яратади. Бизнинг назаримизда, номуайянликдан муайянликка, сўнгра барқарорлик ва беқарорликка ўтиш ижтимоий-маданий жараёнлар механизмини ёритиш имкониятини беради.

Дунё ҳақидаги тасавурларнинг ривожланиши билимнинг содалашувига эмас, балки мураккаблашувига элтади. Илмий билишнинг эски усуллари ўз ролини бажармай кўяди, яъни улар тўғри бўлса-да, лекин янги билимга олиб келмайди ва янги жумбоқларни тушунтирмайди. Бу жумбоқлар янгича идрок этишни ва янги методологияни талаб қилади.

Ҳозирги замон ижтимоий фанида барқарорлик инсониятни кўпгина муаммолардан халос этиши мумкин бўлган фойдали ғоя сифатида тавсифланади. Буни инкор қилмаган ҳолда, шуни қайд этиш лозимки, барқарорлик ҳам ўз чегарасига эга бўлиб, ундан ташқарида турғунликка айланиши мумкин. Бинобарин, барқарор ривожланиш ғояси учун курашиш жараёнида беқарорликнинг инқирозга йўл қўймайдиган даражасини назарда тутиш лозим.

Фалсафа ҳам бундан мустасно эмас. У фаолият тури сифатида ўзига хос вазифани бажаради: маънавий изланишларга йўл очади, ижтимоий-маданий ривожланишнинг таҳлилига имконият яратади. Ҳар қандай ижод маҳсули вақт ўтиши билан эскиради. Энг буюк кашфиётлар ҳам вақти келиб фан архивига топширилади. Ҳар қандай янги илмий йўналиш боши берк кўчада тугайди. Бу табиий бир ҳолдир. Фанда муттасил равишда янги гипотезалар ва ғоялар пайдо бўлади, улар илгари эришилган илмий натижаларни гўёки қадрсизлантиради, лекин аслида фанда уларга тегишли ўрин ажратиб, уни янада бойитади. Бунинг натижаси ўлароқ ижтимоий-маданий ривожланиш феномени пайдо бўлади. У тарихнинг табиий вужудга келувчи ва табиий ғойиб бўлувчи циклларини ўзида ифодалайди. Бунда тарих воқеалар ва жараёнларни тартибга солувчи ижтимоий-маданий воқелик ва объектив қадрият сифатида майдонга чиқади.

Инсон сўниб бораётган жараёнларни энтропияга қарши энергия билан қувватлайди. Бу энергияни у, бир томондан, ўз маънавий фаолиятдан, бошқа томондан эса – ўзини қуршаган муҳит кучларидан олади. Тарихда инсон ижтимоий-маданий фаолиятининг бош аҳамияти шу билан белгиланади. Аммо инсон фаолиятининг энтропияга қарши жихати фанда яхши ўрганилмаган. Шуниси қизиқки, энтропияга қарши омилларнинг манбалари маълум бўлмаган табиий фанларда уларга қизиқиш кучли. Энтропияга қарши фаолиятга ўрناк ҳисобланувчи ижодий фаолиятда бу




п масалаларга лозим даражада эътибор берилмайди, зеро ахборот назариясининг умумфалсафий муаммолари ўз тадқиқотчисини кутмоқда. Ҳозирги вақтда энтропияга қарши табиий омилларнинг айримларигина маълум. Масалан, янги энергия манбалари, янги юлдузларнинг пайдо бўлиши ва ҳ.к. Аммо фалсафа ўзининг илк асосларидаёқ энтропияга қарши омилларнинг чексиз манбаи – инсон руҳи ва ижодий фаолиятни кўрсатган. Табиий жараёнлар энтропияга қарши энергияга оз миқдордагина эга, ижтимоий ҳаётнинг негизи эса тўлалигича ижодий фаолият, маънавий энергия билан белгиланади. Ижтимоий-маданий жараёнларнинг барқарорлиги ва беқарорлиги диалектикасини ўзида уйғун мужассамлаштирган ижоднинг мазмун ва моҳияти шунда намоён бўлади. Агар инсоният абадиятга эришганида, энтропияга қарши жараёнлар манбаи – ижтимоий-маданий ижод ва фаолият ҳам чексиз тус олган бўлур эди.

Барқарорлик ва беқарорлик тизим сифатидаги дунё инқирозга юз тутишига имкон бермайдиган категориялар жуфтлигидир. Тизимнинг айрим бўғинлари инқироз ҳолатида, яъни мазкур тизим учун ўринли саналган барқарор ҳолатда бўлиши мумкин. Аммо ички ёки ташқи беқарорлик охир-оқибат уни мазкур ҳолатдан чиқаради ва ўзгаришларнинг янги даврасига ташлайди. Бундай тизимларнинг айрим кўринишлари ижод ва тараққиёт ҳисобланади. Уларда барқарорлик турғунликка, беқарорлик эса – ривожланишнинг аввалги циклини бузиш ва рад этишга айланади.

Инсон табиат қонунларига ўз ҳукмини ўткази олмайди, лекин амалиёт у ахборотни бошқаришга қодир эканлигини кўрсатади. Бизнинг назаримизда, айнан ахборот соҳасида инсон моддий жараёнларни англаб етади ва уларга таъсир кўрсатади, чунки у онгнинг «танаси» ҳисобланади. Лўнда қилиб айтганда, онгнинг ўзи ахборот демакдир.

Моддий жараёнлар ахборот тизимларининг амал қилиши маҳсули ҳисобланади. Бинобарин, инсониятнинг маданий фаолияти энг аввало дунёни «яратиш ҳаракати» билан бевосита боғлиқ, дунёнинг эманация жараёнида иштирок этади. Тўғри, ҳозир бу иштирок асосан тарих қонунларига таянган ҳолда, ўз тарихи ва маданиятини яратиш билангина чекланади. Аммо инсон ижоднинг бу сирли қонунлари тагига етиш имкониятини берувчи «ахборот калити»ни топиши ва шу тариқа мазкур қонунларни яратиш жараёнига қўшилиши шак-шубҳасиздир. Бу табиат қонунларида инсоннинг ҳаммуаллифлигини белгиловчи формал қонунлар йўқ, деган хулосага келиш имкониятини беради. Ҳамиждорликка элтувчи бу йўлни материя орқали излаганлар, ҳолбуки, у инсонга ҳам, предметга ҳам хос бўлган универсал хосса – ахборот орқали ўтади. Спиноза тош ҳам фикрлайди, деб ҳисоблаган. Бинобарин, ижод ўз табиатига кўра борлиқнинг теран асосларига унинг ахборот омили орқали охир-оқибат борлиқ жараёнларини бошқариш мақсадида инсоннинг кириши исбот қилинган илмий далилдир. Бу метод ҳақиқат, эзгулик, гўзаллик, бахт-саодат ва умрбоқийликка, яъни фалсафий тафаккур ўзи вужудга келган пайтдан бошлаб ўрганаётган нарсалар ва ҳодисаларнинг барчасига элтади. Бу коинот тизимида инсон ролининг ўзгаришига олиб келади: у воқеалар иштирокчисидан бунёдкорга айланади.



п

Ахборот ижтимоий маданий жараёнларни қайд этиш воситаси.

Инсон бутун ахборот оламини, шу жумладан сунъий олам, компьютер оламини ҳаракатга келтирувчи кучдир. Унга бу вазифани бажаришга ахборотни олиш, қайта ишлаш, сақлаш, ўзгартириш ва ундан фойдаланишнинг универсал органи – онг ёрдам беради. Умуман олганда, бу жараён онгнинг барқарорлаштирувчи (тартибга солувчи, тизимлаштирувчи ва х.к.) функцияси билан беқарор дунё ҳодисаларининг ўзаро алоқаси маҳсулидир. Онгнинг бу функциясини Гегель кўрсатган, идрок этиш жараёнлари узлуксизликнинг узилиши, тартибсизликнинг тартибга солиниши эканлигини, яъни онг ҳар доим реал жараёнларни содалаштириши, қўполлаштириши ва формаллаштиришини, лекин уларнинг ҳаракати, нисбийлик, осойишталик ва барқарорлик ҳолатларини кузатиш имкониятини беришини таъкидлаган эди. Фалсафий тизимларнинг аксарияти айнан дунёнинг тартибсизлиги ва унинг онгда яхлит, уйғун акс этиши қаршида ожиздир. Аммо бу диалектик, яъни реал зиддият ва у фаолият, амалиёт ва фикрлаш жараёнида бартараф этилади.

Моддий дунёда ижтимоий, табиий-илмий тамойиллар ва қонунлар амал қилади. Улар онг фаолиятига татбиқ этилиши мумкин эмас. Аммо бу тафаккурнинг тизимсизлиги ва ўзбошимчалигини, унинг волюнтаризмини англамайди, чунки онг қонунлари сифатида табиий қонунларнинг аналоглари ҳисобланмайдиган, лекин улар билан ахборот атрибути воситасида узвий боғланган мантиқ қонунлари майдонга чиқади. Онг қонунлари, мантиқ қонунлари реал дунё қонунларининг ўзгача борлиғи ҳисобланадики, бу охир-оқибат уларни айният деб ҳисоблаш имкониятини беради.

Бизнинг назаримизда, бу айният асосини онгнинг тартибга солувчи фаолияти ташкил этади. У тафаккурнинг хаёлий волюнтаризмига ҳам (Эрнст Мах), объектив дунёнинг фатализимига ҳам (Б.Спиноза) барҳам беради. Идеал қонуннинг реал объектларга айланишини тақиқловчи қонун йўқ, худди шунингдек информацион моделни (Платон «ғоялари»ни) реал объектларга айлантиришга йўл қўймайдиган тақиқ ҳам мавжуд эмас. Бу йўлда фикрловчи онг қийинчиликларга дуч келади, чунки ҳатто Худо ҳам онг маҳсули ҳисобланади, у билан бирга пайдо бўлади ва ривожланади. У ўзини яратган одамлар онгидагина яшайди ва одамларнинг ўзгариши ёки йўқолиши билан бирга ғойиб бўлади. Бунда одамлар дам ўз хаёлотини воситасида худоларни яратадиган, дам уларни ижоднинг тур хили саналган хаёлотнинг янги маҳсули билан алмаштирадиган барқарорлик ва беқарорлик диалектикаси намоён бўлади.

Хаёллар амалда ўзининг моддий ифодасини топиши шарт эмас – улар учун ижод соҳасида мавжуд бўлишнинг ўзи кифоядир, чунки бу соҳа идеал моделлар, яъни ахборот макони ҳисобланади. Шу тариқа моддийлик ва идеаллик ўртасидаги маълум зиддиятга барҳам берилади, чунки ижод идеал дунё чегарасидан четга чиқмайди, балки унинг ўзида мавжуд бўлади. Бу ерда диалектика билан зиддият кузатилмайди, зеро дунёда ҳаракатланувчи материядан бошқа нарса йўқ ва у маконда, ахборотда ва вақтда



п
харакатланади. Ахборот атрибутини киритиш дунёга ижодий жиҳатдан узлуксиз бўлган, механик қонунлар билан белгилашни талаб этмайдиган чексиз жараён сифатида ёндашиш имкониятини беради. Бу инсон ерда тасодифий меҳмон эмаслигига бўлган ишончни мустаҳкамлайди.

Номуайялик тамойили беқарорлик тушунчасига нисбатан умумийроқ хусусият касб этади, чунки ҳаракатнинг мутлақлиги ва ҳаракатсизликнинг нисбийлиги тушунчасидан келиб чиқади, ҳаракатнинг мутлақлигини конкретлаштиради. Беқарорлик номуайяликнинг айрим кўриниши бўлиб, у табиатда бир ҳолатдан бошқа ҳолатга тинимсиз ўтиши тарзида амал қилади, ижтимоий жараёнларда эса ижтимоий манфаатлар ўйини шакл-шамойилини касб этади.

Дунёнинг фалсафий манзарасида барқарорлик материянинг мавжудлиги билан, беқарорлик эса – материя ҳолатининг ўзгариши билан боғлиқ. Бу фалсафий тезис барқарорлик ва беқарорликнинг мазмунини эмас, балки асосинигина тушуниш имкониятини беради. Бизнинг назаримизда, ушбу категориялар диалектика қонунлари ва категориялари билан белгиланади, лекин эскича тасаввурлардан фарқли ўлароқ, уларга тўлиқ боғланмайди. Барқарорлик ва беқарорлик мустақил категориялар ҳисобланади, зарурият ва тасодиф диалектикаси ҳақидаги янгича тасаввурни ифодалайди. *Тасодиф ҳукм сурувчи дунёда зарурият ҳам тасодифий бўлур эди.*

Вазифа энг аввало тасодифнинг янги функциясини синергетика назарияси муаллифлари томонидан илгари сурилган флуктуация гипотезаси нуқтаи назаридан асослаш йўлини топишдан иборат. Бу беқарорликни унинг реал асоси – тасодиф билан боғлашга ёрдам беради.

Диалектиканинг асосий қонунлари ва категориялари ҳамда табиатшуносликнинг фундаментал қонунлари тизимларида барқарорлик ва беқарорлик категорияларининг нисбий мустақиллиги нимада намоён бўлади? Бизнинг назаримизда, тасодиф зарурият функцияси сифатида эмас, балки материянинг атрибутлари, биринчи навбатда ҳаракатга хос бўлган хосса сифатида тушуниши лозим. Тасодиф ва зарурият категорияларини ривожланиш (ўзгариш) нуқтаи назаридан, шунингдек табиат ва жамиятдаги кўламли ва муваққат жараёнларга боғлаб ўрганиш бизнингча ўринли бўлади, зеро анъанавий нуқтаи назардан диалектика тамойиллари универсал хусусият касб этади. Тўғри, бунда улар моддий дунёнинг юқорида зикр этилган соҳаларида қандай намоён бўлишлари аниқ эмас. Анъанавий фалсафа макон, вақт, ахборот ва тафаккур соҳаларида бу категорияларнинг намоён бўлиши ҳақида мулоҳаза юритмаган, ижтимоий жараёнларга нисбатан эса юзаки таассуротлар билан кифояланган.

Бинобарин, мазкур соҳаларга татбиқан тасодиф ва зарурият ҳақида эмас, балки барқарорлик ва беқарорлик ҳақида гапириш ўринли бўлади, чунки уларни ҳозирги замон фани нуқтаи назаридан тушунтириш мумкин. Масалан, тасодифий вақт ҳақида гапириш мумкин эмас, лекин беқарор вақт ҳақида гапириш мумкин ва у конкретлаштирувчи фалсафий категория ҳисобланади.



п

Вақт – бу мавжудликнинг ҳар бир предметга ажратилган қисмларидир, бинобарин, у предметлар каби объектив ва реал ҳисобланади. Жаннат идеалдир, лекин у ерда вақт ҳеч кимга ўлчаб берилмаган, боз устига вақт ўтмайди ва ўзгармайди. Бу ерда ўлим йўқлигини шу билан изоҳлаш мумкин. Бу ерда вақт қотиб қолган. Тасодифий ёки зарурий вақт ҳақида гапириш мумкин эмас, чунки у объективдир, лекин барқарор ёки беқарор вақт ҳақида гапириш мумкин. Масалан, ҳалокатлар ёки ғавқулдда вазиятлар жараёнида.


Вақтнинг кўп даражаллиги ва уни орқага қайтариш мумкинлиги ҳақидаги физик гипотезалар фалсафада ва табиатшуносликда вақтнинг кўп даражаллигини ман этувчи қонунлар йўқлигини кўрсатади. Бизнинг назаримизда, вақт – бу моддий воқеаларнинг қайд этилиши ва уларнинг ахборотда мустаҳкамланишидир.

Вақтни реал ва идеал дунёда юз бераётган жараёнларнинг ахборотда қайд этилиши сифатида тавсифлаш мумкин. Бу ўтмишни ҳам (қайд этиш), келажакни ҳам (гипотеза) яхши тушунтиради ва ҳозирги пайтни амалга оширилган қайд этиш сифатида ажратиш имкониятини беради. Ёзилган ва ёзилаётган ахборот сифатидаги вақт юз бераётган жараёнларни моддий жисмларда қайд этишдан бошқа нарса эмас.

Материянинг асосий атрибутлари, шу жумладан вақт фалсафа ва табиатшуносликда ҳали лозим даражада англаб етилгани йўқ, бинобарин, фалсафа ва табиатшуносликнинг асосий қонунларига зид бўлмаган ҳар қандай маънода талқин қилиниши мумкин. Масалан, «руҳни руҳ, жисмни жисм тушунади», «ўзгаришгина ўзгармас, ўлимгина дахлсиздир», «ахборотсиз дунё ўлик» ва ҳ.к. Аммо булар изчил илмий мулоҳазалар бўлмайди, чунки барқарор-беқарор дунё қонунлари ҳисобга олинмайди, жараёнлар фақат бир даражада, уларнинг бир ҳолатдан бошқа ҳолатга кўп сонли ўтишларини ҳисобга олмасдан кузатилади.

Термодинамика қонунларига биноан дунёни иссиқликдан ўлим кутаётган бўлса, ахборот қонунларига биноан уни ўзга борлиқда янги ҳаёт кутаётган бўлиши мумкин. Бинобарин, барқарорлик-беқарорлик тушунчаси дунёнинг объектив диалектикасини ривожланишнинг мазкур босқичида икки асос кураши сифатида тавсифлаб, уни конкретлаштиради. Бунда барқарорлик табиат ва жамиятнинг мутлақ осойишталикка интилаётган турғун ва мутаносиб кучларини ифодалайди. Беқарорлик ахборот ва ижод сифатида майдонга чиқувчи фаол кучларни ифодалайди. Қайси омил етакчилик қилади ва ютиб чиқади, деган саволга жавоб фақат инсон ҳукми ҳамда ахборотнинг табиатига хос бўлган мукамалликка интилиш билан белгиланади.

Шундай қилиб, ривожланиш йўлини танлаш муаммоси инсон ҳукмига боғлиқ хусусият касб этади, чунки унинг онги эволюция жараёнида ахборотни олиш, қайта ишлаш, сақлаш ва ундан фойдаланиш учун шаклланган, ё ўлим ва кимсасизлик, ё ижод ва тараққиётни танловчи механизмдир. Ахборот ўз-ўзидан ташкил топишининг мазкур босқичида «инсон» деганда биз айрим одамни эмас, балки ижод қилиш қобилятига эга бўлган, барқарор-беқарор дунёда хулқ-атворнинг информацион моделини



п
танлаш асосида умрбоқийликка интилувчи Хомо Сапиенс тарихий типини тушунамиз.

Инсонга барқарорлик табиат ва аждодлардан мерос қолади. Умуман олганда бу унинг организми, лекин у ўзини тўлалигича ижодий ўзгартириши, океан ёки космосда яшашга мослаштириши мумкин. *Бу яшашга интилиш ижодий фаолиятга интилишидир, деган хулосага келиш имкониятини беради, чунки ҳаёт бу дунёнинг барқарорлиги ва беқарорлиги ўртасида ижодий йўл танлаш доимий жараёнидир.* Барқарорлик – бу ҳаракатсизлик, ялқовлик, ўлим; беқарорлик – таваккалчилик, азоб-укубатлар, ғалаба, маънавий қониқиш, баркамоллик. Бу қарама-қаршиликлар алоҳида олинган ҳолда ҳаёт фаолияти учун асос бўла олмайди. Барқарорлик ва беқарорликнинг ўзаро алоқаси нуқтаи назаридан олинганида, улар инсон ва уни қуршаган дунё мавжудлигининг ҳақиқий парадигмаси сифатида амал қилади.

Табиат, тақдир инсонни яратиб, уни эркин ирода ва ижод қилиш қобилияти билан тақдирлаган. Бинобарин, инсон табиат ва жамиятдаги энтропияни орқага қайтариш имкониятини берувчи ахборотнинг мўъжизакор хоссаларига таяниб, таназул (ўлим) ва баркамоллик (ҳаёт) ўртасида йўл танлаши лозим. Табиий жараёнлар аралашини талаб қилмайди ва энтропия қонунига биноан ўз-ўзидан амалга ошади. Аммо инсон бундан мустаснодир.

Тақиқлардан холи бўлган ахборот қонунлари ва хоссаларини ўзлаштириш орқали инсон ва инсоният чинакам умрбоқийликка эришади. Компьютер хотираси, унинг «жони» чексиз даражада узоқ сақланиши бунинг исботидир. Тарихий нуқтаи назардан инсониятнинг генетик ахбороти, шунингдек унинг ижтимоий генетика вазифасини бажарувчи маданияти умрбоқийлик элементига эгадир. Зеро ахборот моддий дунёнинг физик қонунларига бўйсунмайди, шу жумладан ўлмайди ва қаримайди. Ахборотга эга бўлган инсон ёки тизим қарийди ва ўлади.

Барқарорлик-беқарорлик тизими тақдир қонунларига биноан, яъни Спинозанинг казуал тамойилига мувофиқ ривожланади. Тақдирни танламайдилар – у барқарор-беқарор дунё далилдир. Аммо бунда тақдир, қисмат нима, деган саволга жавоб топиш талаб этилади. Бизнингча, тақдир – бу инсоннинг объектив ва субъектив омиллар таъсирида шаклланган индивидуал ҳаётидир. Қисмат деганда инсоннинг индивидуал иродаси қаршилик кўрсатишга ожиз бўлган енгилмас куч ва омиллар мажмуини тушуниш мумкин. Айнан шундай ҳолларда ҳаёт шароитлари инсондан кучлироқ бўлади. Аммо қисмат бутун ҳаёт сценарийси эмас, балки унинг бир парчаси, холос.

Шу тариқа инсонда эркинликнинг икки даражаси: ирода эркинлиги ва йўл танлаш эркинлиги пайдо бўлади. Ҳаётда ҳеч нарсани танламаслик, яъни ўз имкониятларини рўёбга чиқармаслик мумкин. Бу ерда ирода эркинлиги бор, лекин йўл танлаш эркинлиги йўқ. Бошқа ҳолларда йўл танлаш эркинлиги бор, лекин ирода эркинлиги йўқ. Бу имкониятлардан бирининг тимсоли барқарорлик, иккинчисининг тимсоли эса – беқарорликдир. Бунда бой берилган вариантлар негизида янгилари пайдо бўлади.



п

Ижтимоий муносабатлар ривожланишининг муайян босқичида соғлом фикр ва интуиция мавжудлигининг ўзи кифоя қилмайди, ижтимоий жараёнлар уқувсиз шахслар томонидан бошқарилишининг салбий оқибатлари ҳам буни тасдиқлайди. Айни шу сабабли олимлар ва мутахассислардан бошқарув тузилмалари яратишга интилиш бутун дунёда кенг кузатилади. Инсоният оламшумул муаммоларнинг ечилишига бўлган умидини профессионал кишилар жамоаларининг фаолияти билан боғлайди. Бунда барқарор-беқарор дунё шароитида улар оқилона ва самарали иш кўришлари назарда тутилади. Ахборотга эга бўлган одам аста-секин тарих омилидан унинг бунёдкорига айланади.

Барқарорлик ва беқарорлик ижтимоий маданий жараёнлар омиллари. Ҳозирги замон маданияти дунё ҳақидаги тасаввур билан бир қаторда дунё ва ундаги инсоннинг янги қиёфасини ҳам шакллантиради. Ушбу беқарор асос вақт ўтиши билан барқарор тарихий жараёнга айланади. Айрим маънавий қадриятларни дахлсизликда сақлашга интилиш маданиятга хос хусусиятдир. Бу билан жамулжам ҳолда ягона ижтимоий-маданий жараённи ташкил этувчи тарихий воқеалар, шу жумладан маданият унсурларининг бетакрорлигига урғу берилади.

Анъанавий маданият ранг-барангликка қаршилик кўрсатади, ижтимоий-иқтисодий ва техник-технологик новациялар кириб келишига тўсқинлик қилади. Унинг бу борадаги ҳаракатлари пировардида ижтимоий-маданий турғунликка олиб келади. Бунда элитар маданият унинг кўрсаткичи сифатида амал қилади. Элитарлик ҳамиша ўтмиш билан боғлиқ, шаклланаётган маданият эса оммавий, демократик ҳисобланади. Бу омилларсиз маданият тарихда амалга оширилмаган маданият бўлиб қолади.

«Маданиятлар мулоқот» ҳам барқарор жараён эмас, лекин у охир-оқибат жаҳон маданиятининг ягона маданий синтези сифатида барқарор ривожланишга олиб келади. Дунё фалсафа билан бир қаторда маданият орқали ҳам тушунила ва тушунтирила бошлайди. Бинобарин, индивид дунёнинг фалсафий манзарасидагина эмас, балки ижтимоий-маданий манзарасида ҳам яшаши мумкин. *Новаторлик (беқарорлик) ва анъана (барқарорлик) ижтимоий-маданий жараённинг икки томони сифатида маданият тақлилига нисбатан икки хил ёндашувни вужудга келтиради.* Анъаналар маънавий маданиятнинг барча шакллари (диний, ахлоқий, илмий ва ҳ.к.)да вақт танлаб олган ва сақлаб қўйган, жамиятнинг яхлитлиги ва барқарорлигини таъминловчи ахборот сифатида мавжуд бўлади.

Маданиятга барқарор ва беқарор элементлар ва тузилмаларнинг ички кураши хосдир. Барқарор элементлар ва тузилмаларга асосий муаммоларни ечишга ёрдам берувчи белгили воситалар, чунончи: маданий онг психологияси, дунёнинг ижтимоий-маданий манзараси, маданият категориялари ва ҳоказолар киради. Беқарор элементлар ва тузилмаларга янги ижтимоий муносабатлар, одамларни маданият билан ошно этишнинг янги ижтимоий-маданий усуллари, янги вазиятлар, вақти-вақти билан юзага келадиган, янги белгиларни ихтиро қилиш йўли билан ечиладиган муаммолар киради. Бунда анъанавий усул қайта англаб етилади ва



п
беқарорликдан жамиятдаги муносабатларнинг барқарорлашувига олио келади.

Кант ижтимоий механизмни таҳлил қилар экан, унда тартибга ёки тартибсизликка олиб келувчи барқарорлик ва беқарорлик манбаларини топади. Масалан, ижтимоий-маданий жараёнларнинг қонунга мувофиқлашувига туртки берувчи антагонизмни у тартиб манбаи деб ҳисоблайди¹.

Бошқа томондан, жамият ривожланади, ўзгаради, яъни ижод ва новацияларсиз мавжуд бўла олмайди. Улар вақт синовидан ўтиб умуминсоний аҳамият касб этади ва умуминсоний қадриятлар сифатида барқарорлашади. Улардан оғиш беқарорлик ҳолатини вужудга келтиради. қадриятлар юзага келган муаммоларни акс эттиргач, ўз-ўзидан анъанага айланади (масалан, санъатдаги янги жанрлар ва услублар, маданиятнинг авлоддан авлодга ўтиб келувчи маънавий-ахлоқий ва бошқа натижалари каби). Бу жараён замирида маданият ривожланишининг ички манбаи саналган барқарор ва беқарор элементларнинг ўзаро алоқаси ётади. Ягона маданий маконда бирикмаган бу элементлар нарсалар ва ҳодисаларнинг тартибсиз уюмига айланади. Улар ўзларида ифодаланган ахборотга назарий ишлов берилиши ва англаб етилиши натижасида маданий ҳодисага айланади.

Янги маданий қадриятлар пайдо бўлиши жамиятнинг ривожланиш жараёнини янада жадаллаштиради. Бу қадриятлар ижодий фаолиятни рағбатлантирувчи қўшимча омилга айланади. Маданият очиқ хусусият касб этади, муҳитдаги ўзгаришларни тез ўзлаштиради. Охир-оқибат маданият ижтимоий-маданий жараёндагина эмас, балки умумий тарихий жараёнда ҳам ҳаракатлантирувчи куч вазифасини бажара бошлайди. Унда ижод омили оддий нарсаларни ҳам санъат асарларига айлантиради.

Пировардида меҳнат ва бойлик тақсимоли билан иккига ажралган жамият қўшма фаолият маҳсули саналган бирдан-бир барқарор алоқа – маданиятга таянади. Натижада бой ва камбағал маданиятнинг уларни бирлаштирувчи ва ягона ижтимоий-маданий макон яратувчи ҳамма учун очиқ соҳасида ҳамкорлик қиладилар. Одамларни умумий маданият, яъни тарихий хотира сифатидаги ижтимоий ахборот бирлаштиради, миллат, дин, ишлаб чиқариш ва рақобат уларни бир-биридан ажратади. Бу беқарорлик оқимида маданият барқарорлаштирувчи омил сифатида майдонга чиқади. Айни пайтда, у жамиятни ижтимоий-маданий ривожланишнинг янги босқичига олиб чиқувчи янги ижтимоий эҳтиёжлар ва муносабатларга амалга ошиш имкониятини берадиган даражада барқарор эмас.

Дунёнинг беқарорлигига ўз даврида Платон ҳам эътиборни қаратган эди. *У борлиқ муаммосини таҳлил қилар экан, унда уч моҳиятни ажратади: биринчи – ҳаракатлантирувчи ҳаракатсизлик, иккинчи – ўз-ўзидан ҳаракатланувчи ҳаракатсизлик, учинчи – ҳаракатланиши лозим бўлган ҳаракатсизлик.* Хуллас, ҳар қандай ўзгариш беқарорлик ва номуайянликка сабаб бўлади. Умуман олганда, барча моддий жараёнлар замирида муайян

¹ Кант И. Соч.: В 6 т. Т. 6. – М., 1966. – 5-б.



п

туртки, тўлқин ётади. У барқарорликнинг беқарорликка ва беқарорликнинг барқарорликка ўтиш жараёнини ўзида ифодалайди, бу дунёнинг, шу жумладан тарих ва маданиятнинг ўз-ўзини ривожлантириш ва ҳаракатланиш манбаи ҳисобланади.

Дунёнинг биринчи асосига нисбатан физик тадқиқотларнинг барчаси материя тузилишининг пировард чегараси – ахборот-тўлқинли импульсга келади. Цикл кўринишига эга бўлган бу импульс амалда барқарорлик ва беқарорликнинг бирлиги ҳисобланади. Аммо импульслар доим янги шароитларда пайдо бўлгани боис, уларнинг натижаси ҳам доимо янги бўлади. Онтологик асоси бир хил бўлган нарсалар ва ҳодисаларнинг ранг-баранглигини шу билан изоҳлаш мумкин. Маданий даражада инсон эҳтиёжлари маданият қонунлари билан белгиланади, биологик эҳтиёжларни эса атроф муҳит белгилайди. Натижада ҳозирги даврнинг икки муаммоси – маданий кадриятлар ва атроф муҳитни асраш пайдо бўлган.

Бу жараёнлар механизми маданият тарихи замирида ётади. Айни шу жараёнларга диний маданиятда ҳам дуч келиш мумкин. Жаҳон динларида ёруғлик (яъни тўлқин) борлиқнинг биринчи асоси ҳисобланади. Дастлабки импульс, цикл ғояси фалсафада материя ва маданиятнинг реал биринчи асосларидан бири сифатида қаралган (масалан, материяда – апейрон, монада ва ҳ.к., маданиятда – маънавият, инсонни ардоқлаш ва ҳ.к.). Бу маданият асослари ахборот (маънавият) майдонининг глобал циклини излаш даражасида ётишини кўрсатади. Маданиятнинг биринчи асосини моддий объектларда изласак, шаклланиш жараёнида улар ғойиб бўлади. Бу қийинчиликлар ягона ахборот маконини киритиш йўли билан бартараф этилади. Мазкур маконда барқарорлик-беқарорлик цикли билан қамраб олинган барча кадриятлар мавжуд бўладигани, бу маданиятларнинг ворисийлигини ва маданий кадриятларни жамғариш имкониятини изоҳлайди.

Информацион-тўлқинли циклга барқарорлик мусбат ифода, беқарорлик эса – салбий ифода беради. Умуман олганда жаҳон маданиятининг юксалишлари ва инқирозлари, яъни унинг тарихий цикллари айни шу омиллар билан белгиланади. Бинобарин, объектив борлиқнинг биринчи асосини биз оддий «квант-энергия» физик катталигида эмас, балки информацион-тўлқинли импульсда кўрамиз. Бу импульс информация ва физик асосни ўзида мужассамлаштиради ва борлиқнинг биринчи асосида моддийлик ва идеаллик хоссаларини бир бутунга – маданиятни таркибий қисм сифатида ўз ичига олувчи объектив воқеликка бирлаштиради.

Компьютер ахборот тизимларида ахборот ишчи жисм ва уларнинг ўз фаолият усули ҳисобланади, бунда у ички қизиқиш ва кузатиш объектини, яъни маданият объектини ўзида ифодаламайди. Тафаккурнинг сунъий интеллектдан принципиал фарқи шунда намоён бўлади, зеро тафаккур учун ахборот ҳам билиш мақсади, ҳам унинг натижаси ҳисобланади. Бугунги кунда сунъий тизимларнинг барчаси механик энергияда ишлайди ва энтропия қонунига бўйсунди. Фикрловчи онг ўзгартирилган ахборот ҳисобланувчи асабий-руҳий энергияда ишлайди ва антропияга қарши ноёб хосса, яъни ахборотга ишлов беришнинг маънавий воситаси саналган ижодга



п
эга бўлади. Унинг маҳсули реал дунёнинг информацион (идеал) модели, инсоният маданияти ютуқларидир.

Ахборот – материянинг жони, унинг фаол томони. Унда кейинчалик ҳаёт ва маданият қадриятларида ўз ифодасини топувчи импульс-қонунлар, цикллarning тишиб этилиши ва намоён бўлиши юз беради. Акс эттирувчи субъектнинг ўлимидан сўнг дунёни зулмат қопламайди: материяда ахборотни акс эттириш, жамлаш ва жамғариш жараёнлари юз беради. Материя ортида унинг атрибути ва ҳаракатлантирувчи кучи сифатида ахборот туради. Айни пайтда у фаол асос – беқарорлик сифатида намоён бўлади ва пассив асос – барқарорлик билан тўкнашади. Бу жараён инсон онгида маданий-тарихий макон ва вақт сифатида акс этади. Инсон онги континуумни идрок этиши мумкин эмас, бинобарин, уни фаолият, ижод ва маданиятда олдинма-кетин келувчи цикллар тарзидаги узлуклилик ва узлуксизликнинг бирлиги сифатида тушунади.

Фаолият илмий тамойилларга асосланади, лекин уларнинг ўзи билангина белгиланмайди. Табиий қонунларнинг аналоглари ҳисобланмайдиган мантиқ қонунлари улар билан ахборот атрибути воситасида боғланади. Онг ва унинг қонунлари дунёнинг информацион манзарасининг ўзгача борлиғи ҳисобланади. Онг беқарор дунёни ижтимоий-маданий ва илмий категорияларда барқарорлаштиришга ҳаракат қилади.

Албатта, бу қоидалар умумий аҳамият касб этади. Конкрет жараёнларда улар бошқа, озроқ даражада умумий категорияларда актуаллашади. Жонли табиатга татбиқан улар генетик ва тарихий хотира сифатида амал қилади, жонсиз материяда эса объектив дунё қоидаларида ўз ифодасини топади. Лўнда қилиб айтганда, онг бутунлай янги даражадаги материядир. Бизнинг назаримизда, уларнинг одатдаги зиддияти боши берк кўчага олиб киради. Бу фалсафа ва маданият тарихининг рад этилишини эмас, балки парадигмалар алмашувининг англатади.

Шундай қилиб, барқарорлик ва беқарорлик диалектикаси ўзининг турли кўринишларида моддий дунёнинггина эмас, балки маънавий ҳаётнинг ҳам функционал асосини ташкил этади. Бу ерда ахборот категориялар ўзаро алоқасининг мустақил омили сифатида майдонга чиқади. У мазкур алоқани механистик детерминизм нуқтаи назаридан тушунтириб бўлмайдиган макон ва вақт доирасига солади.

Фалсафа ахборот мантиғига таянган ҳолда универсал ахборотда дунёнинг универсал хоссаларини топиши мумкин. Бинобарин, мантиқ ақлнинг абстракт тушунчалар билан иш кўриш хусусияти сифатидагина эмас, балки ахборот қонунларининг инъикоси сифатида ҳам амал қилиши лозим. Мантиқ қонунлари ва категориялари, албатта, инсон тафаккури маҳсули ҳисобланади, лекин улар кўпроқ даражада универсум қонунларининг, шу жумладан унинг дунё мантиғини ўзида акс эттирувчи ахборот омилининг инъикосидир. Бу беқарорликни унинг реал асоси – тасодиф билан боғлашга ёрдам беради. Маълумки, тасодиф заруриятнинг намоён бўлиш шакли ҳисобланади, бу эса, ўз навбатида, онгнинг ахборотга ишлов бериш жараёни сифатидаги табиатини янада теранроқ аниқлаш ва онг билан маданиятнинг



п
ночизик жараён сифатидаги тарихий генезиси ҳақидаги саволга жавоб топиш имкониятини беради.

Барқарорлик ва беқарорлик актуал категориялар сифатида локал масалаларни амалда ечиш имконини беради. Беқарорлик барқарор ҳолатда мавжуд бўлмаган янги имкониятларни яратади, лекин уларга тўлиқ рўёбга чиқиш имкониятини бермайди. Масалан, ҳозирги замон санъати янги ифода воситаларини олган бўлса-да, илгари эришилган ютуқларни ижтимоий-маданий тажрибадан сиқиб чиқаргани йўқ. Бу муаммонинг барча жиҳатларини атрофлича ўрганиш жараёнида ҳаёт учун хаос тартибдан кўра кўпроқ зарур, деган ажабтовур хулосага келиш мумкин. Хаос ва тартибдан фарқли ўлароқ, барқарор ривожланиш турғунликни четлаб ўтиш имкониятини беради, чунки ҳар қандай барқарорлик ҳолати ҳаракат ва ривожланиш омили ҳисобланади. Аммо хаос ҳам фаол ҳодисадир, зеро унда аста-секин барқарор структуралар вужудга келади, чунки хаос доим уларни ўз-ўзини ташкил этиш билан боғлайди. Бу структураларни, аслида эса ижтимоий-маданий цикллар алмашувининг тарихий шакли саналган хаосни бошқариш ҳақида бутун бир фан мавжуд.

Беқарорликнинг салбий томони инсон онги (фикри)дагина мавжуд, чунки табиатда бу ахлоқий-руҳий баҳолаш мумкин бўлмаган реал жараёндир. Ижтимоий-маданий жараёнларда воқеалар ўз долзарблигини йўқотгани заҳоти беқарорлик ҳам ўзининг салбий аҳамиятини йўкотади: Нерон ҳозирги замон одами учун фақат операдаги ёвуз одам ҳисобланади. Ижтимоий онгда Нерон ва унинг даври ахлоқий ва маданий нуқтаи назардан қораланмайди, балки тарихий жараённинг бир қисми сифатидагина идрок этилади. Циклли жараёнлар сиёсатда, иқтисодда, маданиятда, жонли табиатда ва бошқа соҳаларда юз беради. Бинобарин, ҳамма жойда синергетик тамойиллар амал қилади. Хаосдан тартиб туғилади. Хаоснинг ўзагини ҳам тартиб ташкил этади.

Ижтимоий беқарорлик шароитида ижод ва тараққиёт. *Барқарорлик ва беқарорлик тизим сифатидаги дунё инқирозга юз тутишига имкон бермайдиган категориялар жуфтлигидир.* Тизимнинг айрим бўғинлари инқироз ҳолатида, яъни мазкур тизим учун ўринли саналган барқарор ҳолатда бўлиши мумкин. Аммо ички ёки ташқи беқарорлик охир-оқибат уни мазкур ҳолатдан чиқаради ва ўзгаришларнинг янги даврасига ташлайди. Бундай тизимларнинг айрим кўринишлари ижод ва тараққиёт ҳисобланади. Уларда барқарорлик турғунликка, беқарорлик эса – ривожланишнинг аввалги циклини бузиш ва рад этишга айланади.

Ижод қилиш ҳуқуқини инсон Уйғониш даврида олган. Ижод ижодкорнинг шахсияти билан боғлиқ бўлган индивидуал жараёнга айланган. Ижод ва тараққиёт ўзаро боғланган, лекин бир-бирининг ўрнини босмайдиган жараёнлардир. Тараққиёт янги ижобий қадриятлар жамғарилиши натижасида жамиятнинг ўзгариши маҳсули ҳисобланади. Айни шу сабабли ижод ва тараққиёт нисбати ўзгарувчанлик ва барқарорлик, янгилик ва ижтимоий барқарорлик диалектикасидир. *Ижодий фаолият ижтимоий тараққиётга нисбатан янгилик омилини ўз ичига олади.* Бу омил



п
маданиятда ўзига ўрин топиши, унда илдиз отиши лозим. Жамғарилган маданият тараққиётда асос, барқарорлик, аҳамиятга моликлик функциясини бажаради. Маданиятнинг барқарорлиги унга узилишлар, замонлар ўртасидаги алоқаларнинг йўқолиши, ахлоқий ва умумий маданий мўлжалларнинг бутунлай ўзгариши хос эканлигини кўздан яшира олмайди. Буларнинг барчаси бу эволюцион соҳада ҳам вақти-вақти билан юз берувчи беқарорликнинг классик кўрсаткичи ҳисобланади.

Маданият тарихида даврларнинг ўзгариши ва уларнинг ўрнини маданиятнинг янги типлари эгаллаши айна шу омиллар билан белгиланади. Ҳозирги замон маданияти ўтган замонлар маданиятларнинг унсурларини ўзида мужассамлаштиргани уларнинг барчаси бизнинг давримизгача барқарор ҳолатда сақланиб қолганини англатмайди. Американинг Колумбга қадар бўлган цивилизацияси йўқолган маданиятга классик мисол бўлиши мумкин. Маданиятлар йўқолиши яширин жараёни эса – бу Уйғониш даври ва Янги давр маданиятида эллинизм унсурларининг мавжудлигидир. Ҳозирги замон театри – бу Сукрот томоша қилган театр эмас. Шакл янги мазмунни узатиш учун сақланиб қолади. Мазмунининг тўқсон фоизи ХХ аср маҳсули саналган фан каби, маданиятнинг жуда оз қисмигина мавжуд цивилизациялар томонидан сақлаб қолинади, маданий объект узоқлашишига қараб бу мавжудлик аста-секин қисқариб боради. Назарий жиҳатдан олиб қараганда, эллинистик маданиятдан фақат қомусда унга бағишланган мақола қолувчи натижа юз бериши ҳам мумкин. Масалан, қадимги Миср мифологияси даври Европа учун йўқликка юз тутган эди. Барқарорликнинг беқарорлик билан алмашуви ва бунинг тескариси бу соҳада ҳам жараён хусусиятига қараб айрим тузатишлар билангина юз беради.

Ижод ва тараққиёт ўзаро нисбатининг навбатдаги босқичи – бу индивидуаллик ва жамоаликнинг нисбати, яъни ижод индивидуал, тараққиёт эса – жамоалик жараёндир. Бу кўп сонли мисоллар билан, шу жумладан ҳозирги маънодаги индивидуал ижод мавжуд бўлмаган ибтидоий жамоа даврида тараққиёт жараёни ўта суст кечгани билан тасдиқланади. Аммо моддий маданият соҳасида ижоднинг ривожланиш ва такомиллашиш жараёнига назар ташласак, тошдан ясалган меҳнат қуролларидан ХХI аср компьютеригача бўлган тараққиётни ҳаракатлантирувчи куч сифатида амал қилган барқарорлик-беқарорлик диалектикасига дуч келишимиз мумкин. Аммо сиртдан тараққиёт унсурларига эга бўлиб кўринган ҳар қандай ижтимоий ҳаракат ҳам тарихий беқарорликка намуна сифатида қаралиши мумкин эмас. Бундай далиллар қаторига ўтмишда ҳам, ҳозирги даврда ҳам мавжуд бўлган, тарафдорлари ўз фаолиятини янгиликнинг эскиликка қарши кураши сифатида кўрсатишга ҳаракат қиладиган турли-туман экстремистик ҳаракатларни киритиш мумкин. Йиғилиб қолган муаммоларнинг бирортасини ҳам зиддиятлар ва экстремизм йўлида ҳал қилиш мумкин эмас. Бу бунёдкорлик йўли эмас, балки ўз-ўзидан бузилиш йўлидир. Бу йўл барқарорликка эмас, балки хаосга элтади. Ишончсизлик ва жанжаллар ўтини ёқиш, одамларнинг туйғулари ва эмоцияларида, мавжуд қийинчиликлар ва ҳали ўз ечимини топмаган муаммоларда ўйин қилиш орқали кутилган




п барқарорликка эришиш мумкин эмас. Нотўғри ҳаракатлар билан мамлакат ўта беқарорлик манбаи саналган ижтимоий конфликт ўчоғига киришига туртки бериш мумкин.

Жавоб битта бўлса, фақат оқ-қора тасвир шаклланади. Бу унинг яшовчанлиги, баъзи ҳолларда эса муваффақияти омили ҳисобланади. Аммо, ижод – бу мавжуд билим чегарасидан четга чиқиш ва янгиликни кашф этиш, дейдиган бўлсак, биз эски билимнинг, мавжуд тизимлар, назариялар ва тасаввурларнинг аҳамиятини камситган бўламиз. Мавжуд билим – бу предмет ҳақида тўпланган билимларнинг, шунингдек мазкур предметни ўрганиш методларининг тўпламидир. *Ҳар қандай ижодий фаолият ҳар доим мавжуд билим билан маълум даражада белгиланади.* Ҳар қандай янгилик ҳамиша илгари олинган билим билан боғлиқ бўлади, унга асосланади. Бинобарин, ҳақиқий билим диалектик хусусият касб этади, ўзгарувчан ва синтетик бўлади, эски билимни ҳам, мавжуд билимни ҳам, шакл-шамойиллари ҳозирги пайтда интуитив даражада юзага келаётган бўлғуси билимни ҳам ўз ичига олади.

Эски ва янги билим диалектикасида беқарорликнинг барқарорлик билан кураши тенденцияси намоён бўлади. Бу кураш ижодга эришилган натижалар билан кифояланиш имкониятини бермайдиган билимнинг янги давраларига олиб келади. Барқарорлик мутлақ ҳақиқат тажассуми сифатида майдонга чиқади, лекин билиш жараёни шунинг ўзида тўхтаб қолмайди. Беқарорлик турли-туман, баъзан ғайриоддий шаклларда, масалан «бидъат» кўринишида, аввал тизимнинг тугалланганига шубҳа уйғотади, сўнгра тафаккур бундай жўн нарсаларни қандай қилиб мутлақлаштириши мумкинлигига таажжуб пайдо қилади. Бунга ўтган асрларнинг дарсликлари, кодекслари, формулалари ва ҳоказолар мисол бўлиши мумкин. Ҳозирги замон фани сўнгги асрда олинган билимларга асосан ишонади ва улардан фойдаланади. Бу қонуниятларга барча замонларда ҳам маълум даражада риоя этилса керак.

Аммо бу умуман билимларга тегишли. Ижтимоий билимга татбиқан бундай ворисийлик ва олдиндан белгиланганлик жиддий тузатишларга муҳтож. Боз устига, ижтимоий фанларда тарихий тажриба жамланганига қарамай, улардаги андозалар, «догмалар» ўзгарган шароитларда салбий ва ҳатто реакцион роль ўйнаши мумкин. Бунга турли ақидалар мисол бўлади. Минг йиллик диний ақидалар билан кўз ўнгимизда юз бераётган метаморфоза улар умумий аҳамиятга молик тажрибани сақлаб қолиш ва авлодларга узатишнинг нисбатан барқарор усулидан бошқа нарса эмаслигини намоиш этади. Анъанавий динларда мазҳабларнинг ривожланиши мувозий жараёни бу ақидаларга ҳужум яқинда бошланмаганини тасдиқлайди. Янги минг йиллик бошида умумбашарий ривожланишнинг асосий муаммоларини ечишда ақл-заковатнинг устуворлигини таъкидлаш, ўринли бўлади. Бугунги кунда жаҳоннинг турли мамлакатларида одамлар дуч келаётган муаммоларнинг деярли барчасини тинч, оқилона йўллар билан, демак, ақл-заковат воситасида ечиш мумкин.



п

Ақидалар ҳам, «бидъатлар» ҳам ижтимоий воқеликнинг барқарорликдан беқарорликка ва беқарорликдан барқарорликка ўтишлар орқали амалга ошувчи яхлит бир бутун хоссасини акс эттиради. Бинобарин, синфий табиатга эга бўлмаган «ижобий фанлар»дан фарқли ўлароқ, ижтимоий фанларда андозалар чегарасидан четга чиқиш ҳамиша эски жамиятда туб ўзгаришлар, яъни янги барқарорликни ўрнатиш мақсадида, барқарорликни беқарорлик ёрдамида бузишга уриниш билан бирга юз беради.

Шахснинг ижодий қобилиятларини фаоллаштиришнинг энг муҳим имкониятлари инсон омили билан боғлиқ. Бу қобилиятлар турғунликка ўтувчи ижтимоий барқарорлик шароитида лозим даражада рўёбга чиқарилмайди. Масалан, ўз табиатига кўра асосан ижодий фаолият ҳисобланадиган фанда турғунлик ҳолати тадқиқотчилар даврасида шундай бир вазият юзага келишига сабаб бўладики, у самарали меҳнат қилишга ҳам, фан сифат жиҳатидан янги ҳолатга эришишига қаратилган ҳаракатларнинг фаоллашуви ҳам имконият яратмайди.

Ҳақиқий фалсафий билимга келсак, ҳозирги даврагина фан Коинотдаги ҳаёт оксилли жисмларнинг мавжудлик усулидир, деган қатъий бир тўхтамга келди. Буни бизнинг доғмалар ва стереотипларни шошма-шошарлик билан қабул қилиш ҳам, уларни рад этиш ҳам ярамайди, деган тезис тасдиқлайди. Ҳаётнинг оксилли табиати беқарорлик ва хаос уммонида ҳозирги дунёнинг ривожланишига имконият яратган ўзига хос «барқарорлик ороли»га айланди. Албатта, барқарорлик ҳам, беқарорлик ҳам нисбий хусусиятга эга. Айни пайтда барқарорлик-беқарорлик категориялари жуфтлигининг ўзи реал дунёнинг мавжудлигини акс эттиради.

Истеъдодлар, нодир ақл эгаларининг беллашуви догматизмга ҳам, релятивизмга ҳам муккасидан берилишга йўл қўймаслик воситасидир. Асосли таваккалчилик кўп жиҳатдан изланиш йўли ва услуги тўғри танлангани туфайли жиддий илмий натижаларга эришиш имкониятини беради. Соғлом рақобатнинг тақчиллиги боқибегамлик ва бефарқлик кайфиятини уйғотади, масъулият ҳиссининг сусайишига ва ижодий жараёнда барқарорликнинг меъёри ҳақида тўғри тасаввурнинг йўқолишига олиб келади.


Хулоса. Инсон, айниқса ижодкор одам ўз ишининг устаси бўлиши лозим: унинг ишончилиги билимдонлик ва омилкорлик билан уйғун бўлган касбий маҳорат даражаси билан белгиланади. Одамлар тажрибаси турлича бўлиши мумкин, лекин ҳар қандай ҳолда ҳам инсон сифатли ишлари, таваккалчилиكنинг мақбул даражасини ўз тажрибаси ва билимларига мувофиқ тўғри аниқлаши лозим. Фалсафанинг вазифаси зарурий профессионализм даражасини пировард натижада инсоннинг ўз-ўзи ва ўзини куршаган муҳит билан уйғунлигига эришишга қаратилган методологик тамойиллар нуқтаи назаридан аниқлашдир. Бунда профессионализм деганда меҳнатга доир кўникмаларгина эмас, балки беқарор-барқарор дунёда тўғри мўлжал олиш қобилияти ҳам тушунилади. Бу инсонга дунёда ўз эркинлигини рўёбга чиқариш имкониятини беради.



Тажрибавий амалий матнлар

Барқарорлик, беқарорлик, ахборот, энтропия, ижод, билим, эски, янги, профессионализм, вақт, макон

Қўшимча ва тушунтирувчи маълумотлар



Барқарорлик ва беқарорлик таҳлили

Ижтимоий-маданий дунёнинг барқарор ва беқарор жараёнларини ўрганиш методологиясини таклиф қилиш

«Барқарорлик» ва «беқарорлик» илмий категорияларининг вужудга келиши ва ривожланиши ижтимоий жараёнда қандай акс этганини

Ижтимоий-маданий жараённи барқарорлик ва беқарорлик категориялари диалектикаси билан боғлаш

Ижтимоий-маданий жараёнларни тартибга солиш ва уларнинг тартибсизлигини англаб етиш назарий тамойилларини кўрсатиш

Дунёнинг илмий манзарасига зид бўлмаган ижтимоий-маданий моделни яратиш.




Методология

Ҳар қандай ижтимоий фаолиятнинг усули ҳисобланади. Унда фаолият мақсадлари, объектлари ва натижалари, шунингдек уларга эришиш йўллари белгиланади.

Методологияни қўллаш ижтимоий таҳлил объектини ажратишга, тушунчалар устида мантиқий амалларни бажариш йўли билан объектнинг моҳияти, асосий белгилари ва ривожланиш омилларини ҳамда ижтимоий-маданий фаолиятда унга инсон томонидан таъсир кўрсатиш имкониятини аниқлашга ёрдам беради.

Ахборот

Материянинг жони, унинг фаол томони. Унда кейинчалик ҳаёт ва маданият кадриятларида ўз ифодасини топувчи импульс-қонунлар, цикларнинг пишиб етилиши ва намоён бўлиши юз беради.



Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар

1. Вақтнинг барқарорлиги ва беқарорлигини асосланг?
2. Ижтимоий маданий маконда ахборотнинг ролини асосланг?
3. Вақт нима?



п

4. Агар умрнинг муайян вақтини орқага қайтариш имкони бўлганида сиз қандай яшаган бўлар эдингиз?

Реферат мавзулари

1. Гегел барқарорлик ва беқарорлик ҳақида
2. Ижтимоий жараёнларда барқарорлик ва беқарорлик диалектикасининг таҳлили

Билим ва кўникмаларни баҳолаш материаллари

1. **Ижтимоий-маданий жараён контекстида барқарорлик ва беқарорлик муаммоси таҳлили тўғри кўрсатилган жавобни топинг?**
 - А. Барча жавоблар тўғри
 - Б. ижтимоий-маданий дунёнинг барқарор ва беқарор жараёнларини ўрганиш методологияси; категорияларининг вужудга келиши ва ривожланиши ижтимоий жараёнлигида;
 - В. ижтимоий-маданий жараённи барқарорлик ва беқарорлик категориялари диалектикаси билан боғлаш; ижтимоий-маданий жараёнларни тартибга солиш ва уларнинг тартибсизлигини англаб етиш назарий принциплари;
 - Г. Илмий категорияларининг вужудга келиши ва ривожланиши ижтимоий жараёнда қандай акс этганини кўрсатиш; дунёнинг илмий манзарасига зид бўлмаган ижтимоий-маданий моделни яратиш.
2. **Ушбу фикр муаллифи тўғри кўрсатилган жавобни топинг: «қарорлар қабул қилишнинг асосий шarti, бошқача қилиб айтганда, ҳал қилиш имкониятининг, амалий ҳаракатлар қаршисида мулоҳаза юритиш имкониятининг асосий шarti мутлақ номуайянликдир».**
 - А. Гегел
 - Б. Ф.Ницше
 - В. Э.Бетти
 - Г. Ф.Шлейермахер
3. **Ҳозирги вақтда методология муаммолари тафаккурнинг қандай йўналишлари сифатида муҳокама қилинади.**
 - А. Метафизика, физика
 - Б. Диалектика, фан фалсафаси, еноменология , синергетика
 - В. Антропология, тиббиёт.
 - Г. Социология, тарих
4. **Метод – бу?**
 - А. Барча жавоблар тўғри
 - В. дунёни изчил тушунчалар ва категориялар ёрдамида тавсифлаш усули



п

- С. ҳар қандай ижтимоий фаолиятнинг усули
- Д. фаолият мақсадлари, объектлари ва натижалари, шунингдек уларга эришиш усули

5. Ушбу фикр муаллифини топинг: «Дунё янги шов-шувни яратувчилар атрофида эмас, балки уларнинг қадриятлари атрофида айланади; унинг айлангани эшитилмайди».

- А. Ф.Ницше
- Б. Гегел
- В. Э.Бетти
- Г. Ф.Шлейермахер

6. Инсон сўниб бораётган жараёнларниқандай қуватлайди.

- А. А ва Б жавоблар тўғри
- Б. Энтропияга қарши энергия билан
- В. Инсоннинг ўзини қуршаган муҳит кучларида
- Д. Тўғри жавоб йўқ

7. Инсониятнинг маданий фаолияти энг аввало дунёни «яратиш ҳаракати» билан бевосита боғлиқ, дунёнинг қандай жараёнида иштирок этади?

- А. Эманация
- В. Барча жавоблар тўғри
- С. Инфармация
- Д. Иригация

8. Қайси олим тош ҳам фикрлайди, деб ҳисоблаган.

- А. Спиноза
- Б. Ф.Ницше
- В. Гегел
- Г. Э.Бетти

9. Ахборотнинг ижтимоий -маданий жараёни нима?

- А. Инсон бутун ахборот оламини, шу жумладан сунъий олам, компьютер оламини ҳаракатга келтирувчи кучдир
- Б. Барча жавоблар тўғри
- В. Инсоннинг инфармацион олами
- Г. Ижтимоий- маданий жараёни ва техник жараённи ҳаракати

10. Ахборот ижтимоий маданий жараёнларни қайд этиш вазифани бажаришга қандай жараёнлар ёрдам беради?

- А. Маълумот йиғиш
- Б. Ахборотни олиш, қайта ишлаш, сақлаш,
- В. ўзгартириш ва ундан фойдаланиш универсал органи – онг
- Г. Тўғри жавоб йўқ



п

11. Энтропия –бу?

- А. Тартибсизлик ўлчами
- Б. Тартиблилик ўлчами
- В. Тўғри жавоб йўқ
- Г. Мувозанатлилик , тизимлаштирувчи

12. Номуайянлик тамойили нима?

- А. ҳаракатнинг мутлақлиги ва ҳаракатсизликнинг нисбийлиги тушунчасидан келиб чиқади, ҳаракатнинг мутлақлигини конкретлаштиради
- Б. Мутлоқ ўзгармаслик ҳолати.
- В. У табиатда бир ҳолатдан бошқа ҳолатга тинимсиз ўтиш тарзида амал қилади
- Г. Ижтимоий жараёнларда ижтимоий манфаатлар ўйини шакл-шамойилини касб этади.

13. Беқарорлик нима?

- А. Оламнинг турғун ҳолати.
- Б. ҳаракатнинг мутлақлиги ва ҳаракатсизликнинг нисбийлиги тушунчасидан келиб чиқади, ҳаракатнинг мутлақлигини конкретлаштиради
- В. У табиатда бир ҳолатдан бошқа ҳолатга тинимсиз ўтиш тарзида амал қилади
- Г. Ижтимоий жараёнларда ижтимоий манфаатлар ўйини шакл-шамойилини касб этади.


14. Барқарорлик ва беқарорлик дунёнинг фалсафий манзараси билан қандай боғлиқ?

- А. Барқарорлик материянинг мавжудлиги , беқарорлик – материя ҳолатининг ўзгариши
- Б. Барқарорлик тафаккурнинг мутлоқлиги , беқарорлик – тафаккур жараёнининг ўзгариши
- В. Ахборотнинг тизимлаштирувчи функцияси
- Г. Борлиқнинг мавжудлиги

15. Онгнинг барқарорлаштирувчи функциясини Гегель қандай кўрсатиб берган

эди ?

- А. Барча жавоблар тўғри.
- Б. Идрок этиш жараёнлари узлуксизликнинг узилиши,
- В. Тартибсизликнинг тартибга солиниши эканлигини,
- Г. Онг ҳар доим реал жараёнларни соддалаштириши, қўполлаштириши ва формаллаштиришини, лекин уларнинг ҳаракати, нисбийлик, осойишталик ва барқарорлик ҳолатларини кузатиш имкониятини беришини



п

16. Фалсафий тизимларнинг аксарияти айнан дунёнинг тартибсизлиги ва унинг онгда яхлит, уйғун акс этиши қаршисида қандай?

- A. Ожиз
- B. Фарқли
- C. Кучли
- D. Хар хил

17. Метод – бу... ?

A. Бу дунёни изчил тушунчалар ва категориялар ёрдамида тавсифлаш усулидир.

B. У усул тури сифатида ўзига хос вазифани бажаради.

B. Барқарорлик ва беқарорлик тизим сифатидаги дунё инқирозга юз тутишига имкон бермайдиган категориялар жуфтлигидир

Г. Тўғри жавоб йўқ.

18. «Билувчилар гапирмайдилар, гапирувчилар билмайдилар»-ушбу фикр кимга тегишли?

- A. Конфуций
- B. Гегел
- B. Кант
- Г. Сукрот

19. Ҳозирги замон ижтимоий фанида қайси ғоя инсониятни кўпгина муаммолардан халос этиши мумкин бўлган фойдали ғоя сифатида тавсифланади.


- A. Барқарорлик
- B. Бунёдкорлик
- B. Вайронкорлик
- Г. Тўғри жавоб йўқ.

20. Ҳозирги вақтда методология муаммолари тафаккурнинг қайси йўналишлари доирасида муҳокама қилинади?

- A. Барча жавоблар тўғри.
- B. Синергетика
- B. Фан фалсафаси
- Г. Дилектика

21. “Инсониятнинг маданий фаолияти энг аввало дунёни «яратиш ҳаракати» билан бевосита боғлиқ, дунёнинг эманация жараёнида иштирок этади”-бу фикрлар кимга тегишли?

- A. Плотин
- B. Сукрот
- B. Платон
- Г. Гегел



п

22. Бутун ахборот оламини, шу жумладан сунъий олам, компьютер оламини ҳаракатга келтирувчи куч-бу?

- А. Инсон
- Б. Табиат
- В. Тўғри жавоб йўқ
- Г. Б жавоб тўғри

23. Дунёнинг фалсафий манзарасида барқарорлик нима билан боғлиқ?

- А.Материя мавжудлиги билан
- Б.Материя ўзгариши билан
- В.Материя тузилиши билан
- Г. Тўғри жавоб йўқ

24. бу- мавжудликнинг ҳар бир предметга ажратилган қисмларидир, бинобарин, у предметлар каби объектив ва реал ҳисобланади.

- А.Вақт
- Б.Кўлам
- В.Макон
- Г.Фаолият

25. Барқарорлик-беқарорлик тизими қайси қонунларга баноан ривожланади?

- А. Тақдир
- Б. Ҳаёт
- В. Мавжудлик
- Г. Йўқлик

26.- ижтимоий механизмни таҳлил қилар экан, унда тартибга ёки тартибсизликка олиб келувчи барқарорлик ва беқарорлик манбаларини топади. Масалан, ижтимоий-маданий жараёнларнинг қонунга мувофиқлашувига туртки берувчи антагонизмни у тартиб манбаи деб ҳисоблайди.

- А. Кант
- Б. Сукрот
- Б. Юнг
- В. Ҳайдегир

27. – материянинг жони, унинг фаол томони. Унда кейинчалик ҳаёт ва маданият қадриятларида ўз ифодасини топувчи импульс-қонунлар, циклларнинг пишиб етилиши ва намоён бўлиши юз беради.

- А. Ахборот
- Б. Вақт
- В. Барқарорлик
- Г. Беқарорлик



п

28. Ижод қилиш ҳуқуқини инсон қачон олган?

- А. Уйғониш даврида
- Б. Ўрта асрларда
- В. XX асрда
- Г. XIX асрда

29. Ижод нима?

- А. Ижодкорнинг шахсияти билан боғлиқ бўлган индивидуал жараён
- Б. Ижодкорнинг тафаккур қилиш жараёни
- В. Ижодкорнинг фаолияти
- Г. Тўғри жавоб йўқ

30. Барқарорлик ва беқарорлик тизим бу-?

- А. Дунё инқирозга юз тутишига имкон бермайдиган категориялар жуфтлигидир
- Б. Ижод ва тараққиёт ўзаро боғланган, лекин бир-бирининг ўрнини босмайдиган жараёнлардир
- В. Барча жавоблар тўғри
- Г. Тараққиёт янги ижобий қадриятлар жамғарилиши натижасида жамиятнинг ўзгариши маҳсули

31. Тошдан ясалган меҳнат қуролларидан қайси давргача бўлган тараққиётни ҳаракатлантирувчи куч сифатида амал қилган барқарорлик-беқарорлик диалектикасига дуч келишимиз мумкин?

- А. XXI аср компютеригача
- Б. XIX аср техник тараққиётигача
- В. XVI-XVIII аср фаннигача
- Г. X-XI аср техникасигача




II

1. Маърузани олиб бориш технологияси

<i>Талабалар сони:</i>	<i>Вақти:</i> 4 соат
<i>Машигулот шакли</i>	Кириш мавзуси бўйича маъруза
<i>Маъруза режаси</i>	1.Қонун тушунчасининг тавсифи в унинг турлари 2.Қарама қаршилиқлар бирлиги ва кураши қонуни 3.Айният ва тафовут.Зиддиятнинг турлари
<i>Машигулотнинг мақсади:</i> Ўқув фани ҳақида умумий тасаввурни шакллантириш, ривожланишнинг умумий қонунлари ҳақида тушунча ҳосил қилиш.	
<i>Педагогик вазифалар</i>	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i>
Қонун тушунчасининг тавсифи в унинг турлари ҳақида тушунчалар бериш.	Қонун тушунчасининг тавсифи в унинг турлари ҳақида талабаларга тушунчалар берилди.
Қарама қаршилиқлар бирлиги ва кураши қонуни ҳақида тушунча бериш.	Қарама қаршилиқлар бирлиги ва кураши қонуни ҳақида талабаларга тушунчалар берилди.
Айният ва тафовут.Зиддиятнинг турлари ҳақида тушунча бериш.	Айният ва тафовут.Зиддиятнинг турлари ҳақида талабаларга тушунчалар берилди.
<i>Ўқитиш усуллари ва техника</i>	Маъруза, «ақлий хужум», Т-схема, мунозара, муаммоли вазиятлар усули.
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Маъруза матни, тарқатма материаллар, слайдлар, проектор.
<i>Ўқитиш шакллари</i>	Жамоа, тўғридан-тўғри ва гуруҳларда ишлаш.
<i>Ўқитиш шарт-шароити</i>	Техник воситалар билан таъминланган аудитория.
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Оғзаки назорат, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш.

2. Маърузанинг технологик картаси

<i>Иш жараёнлари вақти</i>	<i>Фаолиятнинг мазмуни</i>	
	<i>ўқитувчи</i>	<i>Талаба</i>
I-босқич. Фанга ва мавзуга кириш. (20 минут)	1.1. Ўқув фани номини айтиб, фан доирасида дастлабки умумий тасаввурни беради ҳамда услубий ва ташкилий томонлари билан таништиради.	Тинглайдилар.
	1.2. Фан бўйича ўтиладиган барча мавзулар билан таништиради, уларнинг узвийлиги ҳақида қисқача маълумот беради.	Тинглайдилар.
	1.3. Фан якунида қўйиладиган рейтинг баҳолаш мезонлари билан таништиради	ЎУМ га қарайдилар.
	1.4. Фанни ўзлаштиришда фойдаланиш учун зарур бўлган адабиётлар рўйхати билан таништиради.	ЎУМ га қарайдилар.
	1.5. Ўқув машғулоти мавзуси билан таништиради ва унинг мақсади, ўқув фаолияти	Мавзу номини ёзиб оладилар.



П

	натижаларини баён қилади.	
	1.6. Мавзу юзасидан ақлий хужум коидаси асосида дарс ўтказишни таклиф этади. Талабалар томонидан айtilган фикрларни ёзиб боради ва умумлаштиради	Тушунчаларни эркин фикр орқали билдиради.
II-босқич. Асосий (50 минут)	2.1. Мавзу режаси ва таянч тушунчалар билан таништиради.	Тинглайдилар.
	2.2. Маърузани режа бўйича тушунтиради, ҳар бир режани ниҳоясида умумлаштиради. Жараён компьютер слайдларини намоиш қилиш билан олиб борилади	Тинглайдилар. Слайдга эътибор қаратади, уни ўзига ёзиб олади ва саволлар беради.
	2.3. Ҳар бир режани мустаҳкамлаш учун қуйидагича саволлар беради: 1. Қонун тизимининг элементлари? 2. Қарама қарши бирлиги? 3. Зиддиятлар диалектикаси?	Саволларга жавоб берадилар, эркин баҳс-мунозара юритадилар.
	2.4. Таянч ибораларга қайтилади. Талабалар иштирокида улар яна бир бор такрорланади.	Ҳар бир таянч тушунча ва ибораларни муҳокама қиладилар. Конспект қиладилар.
III-босқич. Якуний босқич. (10 минут)	3.1. Т-схема техникасидан фойдаланилган ҳолда жуфт-жуфт бўлиб ишлаш учун тингловчиларга: ривожланишнинг умумий қонунларига оид савол ёзилган тарқатма материаллар тарқатади. Ушбу техника орқали мавзу бўйича яқунловчи хулоса қилади.	Мустақил Т-схемани тўлдирадилар. Эркин фикрини баён этади.
	3.2. Талабаларнинг фаолиятига баҳо қўйилади ва рағбатлантирилади.	Эшитади.
	3.3. Келгуси машғулотга тайёргарлик кўриш учун топшириқлар ва фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати берилади.	Эшитади ва ЎУМ га қарайдилар.



РИВОЖЛАНИШНИНГ УМУМИЙ ҚОНУНЛАРИ

Қонунларнинг таснифи. Қонун ҳодисаларни тавсифлашдан уларнинг моҳиятини англаб етишга ўтиш ҳодисаларда умумий жиҳатларни топишни талаб этади. Бунда вазифа турли ҳодисалар ўртасида умумий жиҳатларни топишдангина иборат эмас. Ҳодисаларни бирлаштирувчи ва уларнинг бирлигини белгиловчи асосни тушуниб етиш зарур. Бу асос – ҳодисаларни «бириктирувчи» ва уларни бир-бирига йўлдош бўлиш, уйғунлашиш ва мувофиқлашишга мажбур қилувчи амалда мавжуд бўлган барқарор алоқани акс эттирувчи қонундир.

Қонунларни билишга ҳодисаларни илмий ўрганиш натижасида эришилади. Одатда, бу олимлардан тафаккурнинг кучли зўриқишини ва узок заҳмат чекишни талаб этувчи жуда оғир ишдир. Воқеликнинг бирон-бир қонунини аниқлаш учун олим ўрганилаётган ҳодисалар ҳақидаги дастлабки маълумотларнинг кўп сонли тўпламларига таянишига тўғри келади. Бу маълумотлар шундай тартибга солиниши ва умумлаштирилиши лозимки, ҳодисаларнинг мазкур соҳаси асосий элементлар ва муносабатларни фарқлаш имконини берадиган тизим сифатида намоён бўлсин. Шундай сўнг элементларнинг ранг-баранг муносабатлари орасида тизимнинг ва тизим айрим элементларининг ҳар қандай ўзгаришларида сақланиб қолувчи умумий, ўзгармас, инвариант алоқаларни аниқлаш талаб этилади.


Қонун – *тизимнинг элементлари ўртасидаги умумий ва инвариант алоқа.*

Воқелик қонунлари *бизнинг онгимиздан, биз уларни билиш-билмаслигимиздан қатъий назар мавжуд ва амал қилади.*

Фан қонунлари *одамлар томонидан англаб етилган воқелик қонунларининг онгимиздаги инъикоси ҳисобланади.* Ҳар бир фан воқеликнинг муайян соҳасини ўз предмети сифатида ўрганар экан, мазкур соҳада амал қилувчи қонунларни аниқлайди. Илмий назария билан қамраб олинган соҳа қанча кенг бўлса, унинг қонунлари шунча умумий бўлади. Фанда қонунларнинг умумийлик даражасига кўра мураккаб иерархияси мавжуд. Умумийлик даражаси пастроқ бўлган қонунлар умумийроқ қонунларнинг айрим кўринишлари сифатида амал қилади ва сўнгги зикр этилган қонунлардан уларнинг оқибатлари сифатида келтириб чиқарилади.

Масалан, геометрик оптикада ёруғликнинг акс этиш ва синиш қонунлари электромагнит тўлқинлар тарқалишининг умумийроқ қонунларидан, улар эса, ўз навбатида, электромагнит майдони назариясининг янада умумийроқ қонунларидан келиб чиқади.

Ҳар қандай қонун муайян шароитда амал қилади. Қонун амал қилишининг базис ва локал шароитларини фарқлаш лозим. *Базис шароитлар қаторига қонуннинг амал қилиш соҳасини белгиловчи шароитлар киради.* Мазкур шароитлардан ташқарида қонун амал қила олмайди (улар йўқ бўлган тақдирда уларда амал қилаётган тизим ҳам йўқ бўлади). *Локал шароитлар*



п

қаторига қонуннинг амал қилиш соҳасидаги шароитлар киради. Қонун бу шароитларнинг ҳар қандай вариациясида ўз кучини сақлаб қолади, лекин уларнинг ўзгаришлари қонуннинг амал қилиш натижаларининг ўзгаришларига сабаб бўлади. Айтиш мумкинки, қонун локал шароитларга нисбатан инвариант, лекин у базис шароитларга нисбатан инвариант эмас.

Масалан, Архимед қонуни учун суюқлик ва унга солинган жисмнинг, оғирлик кучининг мавжудлиги базис шароитлар ҳисобланади. Бу шароитларга нисбатан Архимед қонуни ноинвариантдир: улар мавжуд бўлмаса, қонун амал қилмайди. Бу ерда суюқликнинг таркиби ва солиштирма оғирлиги, жисмнинг физик тузилиши ва шакли локал шароитлар ҳисобланади. Уларга нисбатан қонун инвариантдир. Аммо унинг амал қилиши турли натижаларда акс этиши мумкин: айрим ҳолларда жисм сувда сузади, айрим ҳолларда эса – у чўкиб кетади.

Одамлар қонунларнинг амал қилиш шароитларини ўзгартириб, улардан ўзлари истаган натижаларга эришиши учун фойдаланиши имкониятини қўлга киритадилар. Янги базис шароитларни яратиши йўли билан эса улар айрим қонунларнинг амал қилишини тўхтатиши ва бошқа қонунларни амалга киритишига қодирлар.

Қонунларнинг амал қилиши ҳодисаларнинг мунтазамлиги, такрорийлигида намоён бўладиги, буни тажрибада, кузатишлар ва экспериментларда кўриш мумкин. Ҳодисаларнинг бундай мунтазамлиги, такрорийлиги қонуният (шунингдек феноменлогик қонун, эмпирик алоқа) деб аталади. **Қонуниятлар** – бу қонунларнинг намоён бўлишидир.

Фалсафа қонунлари ўзида воқелик ва фан қонунларини мужассамлаштириб, табиат ва жамиятдаги ўзаро алоқадорликни ифодалайди. Фалсафа қонунлари тизимида диалектик зиддиятлик қонуни марказий ўринни эгаллайди. Фалсафа қонуннинг муҳим жиҳатларини аниқлаш учун унинг асосий категорияларини чиқиш керак. Таҳлилни қарама-қаршилиқ тушунчасидан бошлаймиз.

Қарама – қаршилиқлар. Қарама-қаршилиқлар – предметнинг бир-бирини истисно этувчи ва бир-бирини назарда тутувчи томонларидир. Қарама-қаршилиқлар – ўзаро алоқали бўлган тушунчалар. Турли жиҳатлардан олинган тақдирда, улар ўзаро бирликни ташкил этмайди ва бир-бирига зид бўлмаслиги мумкин. *қарама-қаршилиқ* – нарсалар ва ҳодисалардаги бир-бирини тақозо қилувчи ва бир-бирини истисно этувчи томонлар, хоссалар, тенденциялар, жараёнларни акс эттирувчи фалсафий категория (ассимиляция – диссимиляция, ўзгарувчанлик – туғмалик, ишлаб чиқариш – истеъмол қилиш, яхшилиқ – ёмонлик ва ш.к.).

Қарама-қаршилиқлар ўртасида икки хил муносабат мавжуд: ягоналик муносабати ва қарши ҳаракатга доир муносабат (қонуннинг классик таърифида «кураш» атамаси ишлатиладики, у қонуннинг моҳиятини соддалаштиради, чунки мазкур атама кўпроқ жамиятга тегишлидир.).

Қарама-қаршилиқ бирлиги нима? Биринчидан, қарама-қаршилиқлар бирлиги – бу уларнинг узвийлиги. Ҳар бир қарама-қаршилиқ бошқа бир қарама-қаршилиқнинг мавжудлик шартини ҳисобланади. Улар алоҳида-



п алоҳида мавжуд бўлиши мумкин эмас (агар қарама-қаршиликлардан бири йўқ бўлса, уларнинг иккинчиси ҳам йўқ бўлади). *Иккинчидан, қарама-қаршиликлар бирлиги улар бир-бирини тақозо этган ва бир-бирига ўтган ҳолдагина муайян мазмун касб этади. Ҳар қандай қарама-қаршилик ўзида мавжуд бўлмаган, лекин бошқа қарама-қаршиликда мавжуд бўлган жиҳатга муҳтож бўлади.* Улар бир-бири билан ўзаро таъсирга киришади. Қарама-қаршиликлар бир-бирига таъсир кўрсатиш орқали бир-бирига ўтади. Бу қарама-қаршиликлар маконда бир-биридан ажратилган, турли жинсли ходисалар сифатида мавжуд бўлмаслигини, уларнинг ҳар бири ўзида бошқасининг муайян жиҳатини мужассамлаштиришини англатади (масалан, ўқув жараёни ўқитувчи ва талаблар мавжудлигини назарда тутди).

Қарама-қаршиликларнинг қарши ҳаракат («кураш»)га доир муносабати нима? Қарама-қаршиликлар бир-бирини тақозо этар ва ривожланар экан, бири бошқасига «бепарво» бўлмайди, балки бир-бирига ўзаро таъсир кўрсатади. Уларнинг ўртасида қарши ҳаракат, кураш боради. Унинг моҳияти ягоналикка барҳам беришдан иборат. Қарама-қаршиликларнинг ҳар бири иккинчисини ўзидан итариб чиқаради, ундан халос бўлишга ҳаракат қилади. Шундай қилиб, қарама-қаршиликлар кураши қарама-қаршиликлар бир-бирини инкор этган, бир-бирини истисно қилган ҳолда юз беради.

Қарама-қаршиликлар бирлиги нарсанинг барқарорлигини акс эттиради ва нисбий, ўткинчи ҳисобланади. Қарама-қаршиликларнинг кураши мутлақ хусусият касб этади, у ҳеч қачон тўхтамайди.

Зиддият қарама-қаршиликларнинг бирлиги билан тавсифланадиган ва айни вақтда уларнинг ўртасидаги муттасил кураш ҳисобланадиган муносабатдир. *Зиддиятлар – нарса ёки ҳодиса қарама-қарши томонларининг бир-бирини истисно этиши ва бир-бирига ўтиши муносабатларидир.* Зиддиятлар борлиқнинг барча ходисалари ва жараёнларига хос бўлиб, ўзгариш ва ривожланишнинг манбаи, ҳаракатлантирувчи кучи сифатида амал қилади. Айни шу сабабли зиддият диалектик зиддиятчилик қонунининг моҳиятини ёритиб берувчи бош категория ҳисобланади. *Зиддият – бу қарама-қаршиликлар муносабатигина эмас, балки уларнинг тарқалиш жараёни ҳамдир.* Шу туфайли ҳам, Гегель ғояларига асосланиб, зиддият тарқалишининг куйидаги *босқичлари (фазалари)* фарқланади: *айният, тафовут, қарама-қаршилик, зиддият ва асос* (яъни зиддиятнинг ечилиши).

Диалектик зиддият – бир-бирини истисно этувчи қарама-қаршиликларнинг билвосита бирлигидир.

Зиддиятнинг вужудга келиши ягонанинг иккиланиши сифатида, ягонанинг ўз-ўзини қарама-қаршиликларга дифференциация қилиши сифатида юз беради. Иккиланиш чоғида бир вақтнинг ўзида айни шу муносабатда қарама-қаршиликлар бирлиги ҳам, уларнинг кураши ҳам вужудга келади. Зиддиятнинг шаклланиш жараёнида қарама-қаршиликлар кураши биринчи ўринга чиқади ва ривожланишнинг ички, теран манбаига айланади. Зиддиятнинг ўзида қарама-қаршиликлар ҳар хил рол ўйнайди. Фаолроқ, ҳаракатчанроқ қарама-қаршилик зиддиятнинг етакчи томони ҳисобланади. Қарама-қаршиликлар кураши охир-оқибатда янги сифат



п
ҳолатига олиб келади. Пайдо бўлувчи янги ҳодисалар ўзларига хос бўлган янги зиддиятларга эга бўлади. Бу зиддиятлар мазкур ҳодисалар ривожланишининг ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади.


Зиддиятларнинг ривожланиш жараёнига янада чуқурроқ кириш учун уларнинг тарқалиш босқичлари (фазалари)дан ташқари, *ҳолатларини* ҳам фарқлаш зарур. Предметли-моддий, «етилган» зиддиятнинг ҳолати деганда унинг қарама-қаршиликларининг амал қилиш усули, «бирлиги ва кураши»нинг намоён бўлиш хусусияти тушунилади. Айни шу хусусият бу қарама-қаршиликларнинг ривожланиш хусусияти ва фаоллик даражасини, мазкур зиддиятни ечиш хусусиятини белгилайди. Зиддиятнинг ривожланиш жараёнида босқичларни ёки тарқалган, «етилган» зиддиятни тавсифловчи ҳолатларни ҳам фарқлаш мумкин. Ижтимоий тизимларга татбиқан зиддиятларнинг ривожланиш босқичларига нисбатан бундай ёндашув уларнинг қуйидаги: *гармония, дисгармония, конфликт* ҳолатларини аниқлаш имконини беради.

Шуни қайд этиш муҳимки, зиддиятлар ривожланаётган ҳар қандай тизимда мазкур тизим мавжудлигининг бошидан охирига қадар мавжуд бўлади. Ҳолатлар, миқдор кўрсаткичлари, қарама-қаршиликларнинг ўзаро алоқа хусусияти, уларнинг тизимдаги ролигина ўзгаради.

Қарама-қаршиликлар – зиддиятларнинг негизи, боғловчи бўғинлар эса – уларни ечиш механизмидир. Қуйидаги далиллар боғловчи бўғинлар роли ва қарама-қаршиликлар тушунчасига мисол бўлиши мумкин: Ирсият ва ўзгарувчанлик кутбларида нафақат организмнинг аввалги ҳолати, балки ўзлаштирилган янги белгилари ҳам сақланишини таъминловчи генетик код боғловчи бўғин ҳисобланади. Ижтимоий ҳаётда жамиятнинг ўта бой ва ўта қашшоқ қатламлари қарама-қаршиликлари ўртасида боғловчи бўғин вазифасини ўрта синф бажаради. Ўрта синф мамлакат аҳолисининг аксарият қисмини ташкил этиши лозимлиги, акс ҳолда жамият ҳолати доимо беқарор бўлишини Аристотель қадим замонлардаёқ қайд этган эди. Зеро, майда мулкдорлар олган даромадининг бир қисмини ўз ишини ривожлантиришга йўналтиради, бозор конъюнктурасини ўрганади ва унга жуда тез мослашади, бозорни зарур товарлар ва хизматлар билан бойитади. Яна бир мисол – шахс ва жамият муносабатлари. Маълумки, шахс ва жамият қарама-қаршиликлар ҳисобланади, шахс аъзо бўлган ижтимоий гуруҳлар уларнинг ўртасида боғловчи бўғин сифатида амал қилади.

Бу ва бошқа далиллар билишда ички қарама-қаршиликлар мавжудлигини ҳам, боғловчи бўғинларни ҳам ҳисобга олиш муҳим эканлигини кўрсатади. XX аср 30-йилларининг бошида инглиз физиги Поль Дирак позитронлар, яъни электронларга ўхшаш, лекин мусбат зарядга эга бўлган зарралар мавжудлигини башорат қилди. Гарчи олим ўз назариясида бирон-бир хато топмаган бўлса-да, аксилзарралар мавжудлигига унинг ишончи йуқ эди.

Шундай қилиб, қарама-қаршиликлар алоқаси ва зиддиятларни ечишнинг бир-бири билан билвосита боғлиқлиги умумий хусусият касб этади, алоқа усули эса алоқа хусусияти билан белгиланади. Боғловчи



п
бўғинларнинг ўзи зиддият қарама-қарши аъзолари хоссаларининг уйғунлигидан ташкил топади.

Айният ва тафовут. Предметнинг ривожланиши ва зиддиятларнинг ечилиши бир неча босқичдан ўтади. *«Айният» тушунчаси зиддият тарқалишининг дастлабки босқичини англатади. Бу бир хиллик, нарса, ҳодиса, жиҳатнинг ўз-ўзига ёки бошқа нарсалар, ҳодисалар, жиҳатларга ўхшашлик муносабати.*

Дастлабки босқич – предметнинг ўз-ўзи билан нисбий айнийлик ҳолати. Табиатда мутлақ айният мавжуд эмас. Масалан, ҳар бир организм ҳатто оқсил молекуласининг тузилиши даражасида ҳам ўзига хос белгиларга эгадир. Ҳар қандай предмет ҳеч қачон ўз-ўзи билан айний бўлмайди. Масалан, кўзгуга келар экансиз, сиз ўз қиёфангизда ҳеч қандай фарқ кўрмайсиз. Ўз дўстингиз билан орадан беш йил ўтиб учрашгач, иккалангиз ҳам: «У жуда ўзгариб кетибди!», деб ўйлайсиз.

Тафовут - аввалги ҳолатдан сақланиб қолган хоссалар устунлик қилгани ҳолда, айти бир предмет хоссаларининг мос келмаслигидир. «Тафовут» - ҳар хиллик, ўз-ўзига, бошқа нарсалар, ҳодисалар, жиҳатларга мос келмаслик муносабати. Тафовут кучли ёки аҳамиятсиз бўлиши мумкин. Кучли тафовут – предметнинг ўз-ўзи билан зиддиятга киришиш омили. Бу қарама-қаршилиқ босқичи бўлиб, унинг ечилиши предметнинг бутунлай ўзгаришига олиб келади. Шундай қилиб, зиддиятларнинг кучайиши ва ўз ечимини топиши ривожланиш манбаи ҳисобланади.

Ривожланиш манбаи ва ривожланишни ҳаракатлантирувчи кучни фарқлаш лозим. Ривожланиш манбаи – ички ҳодиса, предметнинг ички зиддиятларидир. Ваҳоланки, ташқи зиддият ҳам ривожланишни ҳаракатлантирувчи куч бўлиши мумкин. Масалан, сиз шамоллаб қолдингиз. Айни ҳолда ташқи муҳит сизнинг ҳолатингиз ўзгаришини ҳаракатлантирувчи куч бўлди. Диалектик зиддият таркибида асосий томон манфий хусусиятга эга, чунки у мазкур зиддиятни бартараф этиш, инкор қилишга қаратилган. Мусбат томон мазкур зиддиятни сақлашга қаратилган.

Зиддиятларнинг турлари. Зиддиятларнинг бутун ранг-баранглиги турли асосларга кўра таснифланади. Хусусан, 1) намоён бўлиш шаклига кўра – ички ва ташқи зиддиятлар;

2) ривожланишдаги ролига кўра – асосий ва иккинчи даражали зиддиятлар;

3) вужудга келиш хусусиятига кўра – зарурий ва тасодифий зиддиятлар;

4) жамиятдаги типига кўра – антагонистик ва ноантагонистик зиддиятлар фарқланади.

Асосий зиддиятлар структуранинг қарама-қарши томонлари ўртасида, иккинчи даражали зиддиятлар эса – боғловчи бўғинлар ўртасида юзага келади. Асосий зиддиятлар сифатли, муҳим ва зарурдир. Асосий зиддиятларсиз предмет, унинг сифат жиҳатидан муайянлиги ва яхлитлиги мавжуд бўлмайди. *Иккинчи даражали зиддиятлар тасодифий хусусият касб этади, уларнинг борлиги ёки йўқлиги предметнинг сифатини ўзгартирмайди.*



п

Муҳим зиддиятлар – бир лаҳзалик зиддиятлардир: улар ички ёки ташқи, асосий ёки иккинчи даражали бўлиши мумкин. Масалан, инсон ҳаёти қил устида турадиган автомобиль ҳалокати юз берган пайтда барча ички зиддиятлар (психологик конфликтлар, стресслар ва физиологик патологиялар) иккинчи даражали аҳамият касб этади.

Борлиқнинг ичдан зиддиятлилиги – объектив ҳодиса, табиат ва жамиятнинг асосий ва умумий хоссасидир. Ҳар бир инсон ҳаётига келсак, у зиддиятлар билан ҳар куни тўқнаш келади, қарорлар қабул қилади, баҳолар беради, ўз қилмишларидан пушаймон бўлади, кўпинча йўл қўйган хатоларидан афсус чекади. Ҳар қандай воқеа, вазият, тахминнинг ички зиддиятларини кўриб, ўзи қабул қилаётган қарорларнинг ижобий ва салбий томонларини тарозига сола билиш тафаккурнинг етуклик белгисидир.


Бизни қуршаган дунёда зиддиятлар жуда серқирра; уларни турли асосларга кўра таснифлаш одат тусини олган.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб шуни қайд этиш мумкинки, диалектик зиддиятлилиқ қонуни барча нарсалар, тизимлар, ҳодисалар ва жараёнлар ички зиддиятлар, қарама-қарши томонлар ва тенденциялар билан тавсифланишини назарда тутаяди. Уларнинг ўзаро алоқаси, улар ўртасидаги «кураш» ўзгариш ва ривожланиш манбаи ҳисобланади, зиддиятларнинг кучайишига сабаб бўлади. Бу зиддиятлар охир-оқибатда муайян босқичда эскининг йўқолиши ва янгининг вужудга келиши билан ечилади.

Диалектика тизимида бу қонуннинг марказий ўрни нима билан белгиланади? Биринчидан, бу қонун ҳар қандай ҳаракат ва ривожланиш манбаини ёритади, яъни ривожланиш назариясининг энг муҳим саволларига жавоб беради. Иккинчидан, бу қонун диалектиканинг қолган барча қонунлари ва категорияларининг асоси ҳисобланади. Кўрсатилган қонунлар ва категорияларнинг ҳар бирида биз бирлик ва кураш муносабати билан боғлиқ бўлган қарама-қаршилиқларга дуч келаемиз. Учинчидан, диалектик зиддиятлилиқ қонуни ягонани тафаккурда иккилантириш ва унинг қарама-қаршилиқларини уларнинг таҳлилини синтез билан бирлаштириш орқали ўрганишни талаб қилиб, билиш диалектик методининг бош мазмунини белгилайди.

Ривожланиш манбаини ёритувчи диалектик зиддиятлилиқ қонунидан фарқли ўлароқ, миқдор ва сифат ўзгаришларининг бир-бирига ўтиши қонуни ривожланиш жараёнининг механизмини ёритади, у қай тарзда ва қандай шаклларда амалга оширилишини кўрсатади (Бу қонуннинг хусусиятини, у қандай намоён бўлиши ва амал қилишини аниқлаш учун унинг асосий тушунчалари: сифат, миқдор, меъёр, сакрашнинг мазмунини ёритиш талаб этилади.

Миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиши қонуни. Ҳодисаларга макон-вақт мезони нуқтаи назаридан тавсиф бериш жараёнида «қаерда?» ва «қачон?» саволлари биринчи ўринга чиқади. Уларни билишга нисбатан бошқа бир ёндашув «нима?» саволи билан боғлиқ. Маълум жойда ва маълум вақтда мавжуд бўлган мазкур ҳодиса нимадан иборат? У қандай хоссалар билан тавсифланади? Бошқа ҳодисалардан унинг фарқи нимада ва



п

қай жиҳатдан уларга ўхшаш? Бундай саволларга жавоб ҳодисаларни сифат ва миқдор жиҳатидан тавсифлаш орқали берилади. Мазкур тавсиф предмети сифат ва миқдор категориялари билан ифодаланади. Энг синчков таҳлил ҳам ҳодисада сифат ёки миқдор жиҳатидан тавсифлаш мумкин бўлмаган нарсани аниқлаш имконини бермайди. Бинобарин, сифат ва миқдор – ҳодисанинг қолдиқсиз «парчаланувчи» икки томонидир.

ҲОДИСА	
Сифат	Миқдор

Аввал ҳодисалар (нарсалар ва жараёнлар)нинг сифат томонини, сўнгра уларнинг миқдор томонини кўриб чиқамиз.

Нарсани сифат жиҳатидан тавсифлаш – аввало унинг хоссаларини кўрсатиши демак. Аммо турли шароитда нарсаларда турли хоссалар аниқланади.

Масалан, шакар сувда эриш хоссасига эга. Аммо бу фақат шакар сувга тушганда юз беради. Токи у шакар идишда экан, мазкур хосса бирон-бир тарзда намоён бўлмайди. У фақат потенциал мавжуд бўлади.

Нарсада мазкур шароитда намоён бўлмайдиган, лекин бошқа шароитда намоён бўлиши мумкин бўлган хоссалар диспозиционал (лот. *dispositio* – жойлашув) хоссалар деб аталади. Ҳар қандай нарса кўп сонли хоссаларга эга бўлади. Бу хоссаларнинг айримлари мазкур шароитда намоён бўлади, айримлари эса фақат потенциал, диспозиционал ҳолатда бўлади. Диспозиционал хоссалар намоён бўлмаса-да, лекин муттасил сақланиб қолса, демак, нарсада муайян барқарор асос, нарса хоссаларининг доимий манбаи – уларнинг субстрати мавжуд.


Нарсанинг таркиби, унинг «тузилиши» ана шундай субстрат ҳисобланади. Масалан, шакар хоссаларининг манбаи бўлиб хизмат қилувчи субстрат – унинг кимёвий таркиби; жонли организмларда ирсият субстрати – генлар; шахс руҳий хоссаларининг физиологик субстрати – нерв системаси ва ш.к.

Шундай қилиб, нарсанинг сифати, биринчидан, унинг хоссалари билан ва иккинчидан, унинг субстрати билан белгиланади (расмга қаранг)

СИФАТ	
Хоссалар	Субстрат

Сифат – ҳодисанинг унинг хоссалари ва субстрати билан белгиланувчи хусусияти.

Агар нарсанинг субстрати ва хоссалари ўзгарса, унинг сифат жиҳатида ҳам ўзгаришлар юз беради. Бундай ўзгариш доим нарсанинг қайсидир белгилари йўқ бўлиши ва янги белгилар вужудга келиши билан боғлиқ. Йўқ



п

бўлиш ва вужудга келиш – сифат мезонининг бир-бири билан узвий бўлган икки томонини ифодалайди.

Хоссаларнинг ўзгариши	Вужудга келиш	Субстратнинг ўзгариши
	СИФАТ ЎЗГАРИШИ	
	Йўқ бўлиш	

Сифат нарсаларга хос ва уларнинг борлиги билан айний бўлган ҳамда уларни муайян алоқалар тизимидаги бошқа нарсалардан фарқлаш имконини берадиган ўзига хос хусусиятни акс эттиради. Нарсаларнинг сифати уларнинг чеклилиги билан боғлиқ, зеро мазкур сифат йўқ бўлиши билан нарсанинг ўзи ҳам йўқ бўлади, у бошқа нарсага айланади. Барча нарсалар, жараёнлар, ҳодисалар сифат билан бир қаторда муайян миқдорга ҳам эга бўлади. Улар муқаррар тарзда муайян ўлчам, ҳажм, масса ва шу кабилар билан тавсифланади. *Сифат – нарсанинг ички хусусияти, предметни муайян жиҳатдан фарқлаш учун зарур ва етарли бўлган хоссалар мажмуи.* Сифат – хоссаларнинг оддий мажмуи эмас, балки уларнинг муайян яхлитликдан ўрин олган ва предметнинг алоҳида моҳият сифатида мавжудлигини белгиловчи тизимидир. Предметларнинг муносабатлари ва алоқаларининг ранг-баранглиги айни бир предметда қарама-қарши хоссалар ва сифатлар мавжудлигини изоҳлайди. Бир жиҳатдан энгил нарса бошқа бир жиҳатдан оғир бўлади, бир алоқада оқ нарса бошқа бир алоқада қора бўлади ва ҳ.к. Масалан, сув ва буғ бир-биридан сифат жиҳатидан фарқ қиладими ёки миқдор жиҳатиданми? Модданинг агрегат ҳолатини таққослайдиган бўлсак, сув ва буғ сифат жиҳатидан фарқ қилади. Таққослаш сув ва буғнинг кимёвий таркибини аниқлашни назарда тутса, уларнинг ўртасида миқдорий фарқ мавжуд бўлади. Аммо ҳар қандай нарса бир жиҳатдан битта сифатга ва турли жиҳатлардан кўплаб сифатларга эга бўлади

Хосса – предметнинг жиҳати бўлиб, унинг бошқа предметлардан фарқи ёки улар билан ўхшашлигини белгилайди ва улар билан ўзаро алоқада намоён бўлади. Хоссалар муҳим ва иккинчи даражали бўлиши мумкин. Муҳим хоссалар предметнинг сифатини белгилайди. Уларнинг йўқолиши моҳиятини муайян хоссалар ташкил этган предметнинг ҳам йўқолишини англатади. Иккинчи даражали хоссалар ўзлаштирилиши ёки предметнинг сифатини ўзгартирмасдан йўқолиши мумкин. Ҳар қандай хосса (температура, ҳажм, энергия ва ш.к.) муайян миқдор ва сифатга эга бўлади. Ҳар қандай предмет ўзининг мавжудлигини белгиловчи барча хоссалар мажмуидир

Нарсанинг миқдор жиҳатига келсак, билиш тажрибаси у аниқлашнинг икки асосий усули – санаш ва ўлчаш мавжуд эканлигини кўрсатади.

Миқдорда икки қарама-қарши жиҳат – **тўплам** ва **катталиқ** фарқланади.

МИҚДОР	
Тўплам	Катталиқ



п

Миқдор – нарса ёки жараёни тавсифловчи тўпламлар ва катталиклар йиғиндиси. *Миқдор* – предмет муайян хоссасининг намоён бўлиши, интенсивлиги даражаси. У сифат жиҳатидан ўхшаш хоссалар ёки бутуннинг қисмларини таққослаш йўли билан аниқланади.

Миқдор сифат жиҳатидан бир жинсли ҳодисаларнинг муайян объектив кўрсаткичи бўлиб, у мазкур ҳодисаларнинг катталигини, мавжудлик муддатини ва умуман ҳодиса ёки унинг айрим томонлари ривожланишининг фаоллик даражасини тавсифлайди.

Миқдорий муносабатлар сифатга боғланмасдан аниқланиши мумкин. Шунингдек, миқдор турли предметларнинг айрим умумий хоссаси сифатида, предметларни сифат жиҳатидан тенглаштиради. Шу маънода миқдор сифатнинг зиддидир. Аммо предметнинг сифат хусусиятини мавҳумлаштириш сифат жиҳатидан ҳар хил тузилмаларни ўрганишга тадқиқотнинг миқдорий методларини жалб қилиш имконини беради. Масалан, ўлчаш таққослашнинг ўрганилаётган объектнинг миқдор кўрсаткичларини аниқловчи айрим кўриниши сифатида, сифат ҳақида аниқроқ хулоса чиқариш имконини беради. Математикада миқдорий муносабатлар сон, қиймат, функция, тўплам тушунчаларида ифодаланади. Ҳозирги замон фани аниқ математик аппаратдан фойдаланиб, микродунёнинг теран қатламларига киради, Оламнинг чексиз маконларини тадқиқ этади. Математика табиат ва жамиятни ўрганишнинг самарали воситаларидан бирига айланган.

Тўпламлар ва катталикларни ифодалаш учун одамлар қадимдан сонлардан фойдалана бошлаганлар. Математиканинг ривожланиши билан сонларнинг янада мураккаброқ системалари пайдо бўлади (бутун, рационал, моддий, комплекс, гиперкомплекс сонлар ва ш.к.). Уларнинг ёрдамида ранг-баранг (тартибга солинган ва тартибга солинмаган, чекли ва чексиз, зич ва нозич ва б.) тўпламлар ва (скаляр, вектор, тензор, интенсив, экстенсив ва б.) катталикларни фарқлаш, тавсифлаш ва тузиш имконияти пайдо бўлади.

Аристотель ўз вақтида тўпламлар дискрет, катталиклар эса узлуксиз деб ҳисоблаган бўлса, кейинчалик бундай қарама-қарши қўйиш нисбий эканлиги – дискрет катталиклар ҳам, узлуксиз (саноксиз) тўпламлар ҳам бўлиши мумкинлиги аниқланди.

Ўрганилаётган катталикларнинг аниқ сон қийматларини топиш фанда улкан аҳамиятга эга.

Аммо кузатилаётган ҳодисаларнинг миқдор томонини сон билан ифодалашга биз доим ҳам қодир эмасмиз.

Миқдор ўзгаришларининг (яъни ҳодисаларнинг миқдор жиҳати ўзгаришининг) икки асосий тури – **кўпайиш** ва **камайиш** табиат ва жамиятда амал қилади.



п

Меъёр. *Сифат ва миқдорнинг диалектик синтези меъёр категорияси билан ифодаланади. Бу категориянинг мазмуни ҳодисаларнинг сифат ва миқдор томони ўртасидаги ўзаро алоқани тавсифлайди. Ҳар қандай ҳодиса ўз миқдор кўрсаткичларининг катта ёки кичик қийматларида ўзининг сифат кўрсаткичларини сақлаб қолиши мумкин. Аммо мазкур сифат йўл кўювчи уларнинг ўзгаришлари маълум чегарага эга. Миқдор ўзгаришларининг бу чегарадан четга чиқиши мазкур сифат йўқ бўлиши ва унинг ўрнида бошқа сифат пайдо бўлишига олиб келиши мумкин.*

Масалан, сув ўзининг суюқ ҳолатини 0 дан 100 градусгача бўлган температура ўзгаришларида сақлаши мумкин. Аммо бу оралиқ чегарасидан ташқаридаги температурада сув газсимон ёки қаттиқ ҳолатга ўтади (атмосфера босими нормал бўлганда). Оралиқ ёки «интервал» {00, 1000} – бу сувнинг суюқлик сифатида мавжудлик меъёри.

Меъёр – бу шундай бир чегараки, унда миқдор ўзгаришлари нарсанинг сифатига путур етказмайди. Меъёр – бу миқдор ва сифатнинг шундай бир бирлигики, бунда муайян сифат фақат муайян миқдор билан боғлиқ. Меъёр – бу миқдор кўрсаткичлари ёки ўзгаришларининг тегишли сифат мавжуд бўлиши мумкин бўлган муайян оралиги ҳамдир. Меъёр – предмет борлигининг чегараси. У предмет хоссалари миқдор ва сифат ўзгаришларининг хусусияти билан белгиланади. Гегель фикрича, «Ҳамма нарса ўз меъёрига эга, яъни миқдор жиҳатидан аниқдир»¹. Масалан, водород пероксиди ва сув биридан молекулалардаги кислород атомларининг миқдorigа кўра фарқ қилади. Ҳукуқий, ахлоқий ва эстетик ҳодисалар тавсифида меъёр тушунчаси нормативлик хусусиятини касб этади. «Айнан «кўпроқ» ва «камроқ» орқали енгилтаклик меъёри бузилади ва бутунлай бошқа нарса – жиноят намоён бўлади, айнан «кўпроқ» ва «камроқ» орқали адолат ҳақсизликка, фазилат нуқсонга ўтади»². Масалан, ҳуқуқда қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва жазо чораси ўртасидаги мувофиқликка риоя этилади. Меъёр тушунчасида миқдор ва сифат хоссаларининг ўзаро алоқаси акс этади. Табиатда кузатиладиган нарсаларнинг бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтиши дунё эволюциясининг муҳим ва кенг тарқалган механизмларидан бирини акс эттиради. Меъёр тушунчаси эволюция тенденцияларини аниқлаш, турли системаларнинг ўтмиши ва келажаги хусусида гипотезалар тузиш имконини беради.

Ҳар қандай предмет миқдор ва сифат қарама-қаршиликларининг муайян синтезидир. Унинг борлиги объектга хос бўлган муҳим хоссаларни сақлашни назарда тутаяди. Оламнинг кўп сифатлилиги унинг элементлари нисбатан барқарорлиги ва мустақиллиги билан таъминланади. Аммо олам, шу жумладан ҳар қандай предмет муттасил ўзгаришда бўлади. Ҳеч нарса боқий эмас. Бутун борлиқ қачондир пайдо бўлган ва қачондир ҳалок бўлади. Дунё ўзгаради ва айни вақтда ўзлигини сақлаб қолади, ўз-ўзига нисбатан айний бўлади.

¹ Гегель Г.В. Энциклопедия философских наук. Соч. Т. 1.М.: – С.145.

² Гегель Г.В. Наука логики. Т. 1. – М.: 1970. – С. 467.



п

Шундай қилиб, нарсалар ва ходисалар сифат ва миқдор хусусиятларига эга бўлади. Аммо нарсалар ва ходисаларнинг бу томонлари ўртасида узвий алоқа мавжуд эмасдек, уларнинг бири иккинчисига боғлиқ эмасдек бўлиб туюлиши мумкин. Лекин амалда бундай эмас. Миқдор ва сифат ўртасида диалектик алоқа мавжуд: муайян сифатни акс эттирмайдиган миқдор мавжуд эмас ва шу билан бир вақтда миқдорсиз сифат ҳам йўқ. Мазкур сифатга қўшимча тарзда доим қандайдир эмас, балки муайян миқдор жавоб беради. Биз, масалан, узунлиги Амударё устида қурилган кўприкнинг узунлигига тенг бўлган столни кўрмаганмиз. Шунингдек оёқларининг узунлиги 5 м бўлган одамни тасаввур қилиш ҳам қийин. Шундай қилиб, ҳар қандай сифат фалсафада меъёр деб аталадиган миқдор чегарасига эга бўлади. Миқдорнинг меъёр доирасида ўзгариши сифатнинг ўзгаришига сабаб бўлмайди, лекин меъёрдан ошилганда нарса ўзининг аввалги моҳиятини йўқотади. Миқдор ва сифат ўзгаришларининг бундай ўзаро таъсирига кўп сонли далилларни келтириш мумкин. Масалан, жисмнинг тезлиги секундига 1000, 2000, 7910 метр бўлса, у ерга йиқилади. Агар жисмнинг тезлиги атиги бир бирликка оширилса ва у секундига 1911 метрга етказилса, жисм Ердан кўтарилади ва унинг йўлдошига айланади. Демак, миқдор ўзгаришлари, агар улар меъёр доирасида юз берса, сифатни бутунлай ўзгартирмайди. Бироқ, агар бу ўзгаришлар меъёр чегарасидан четга чиқса, ўзининг муайян миқдори ва ўз меъёрига эга бўлган янги сифат вужудга келади.

Миқдор ва сифат ўзгаришларининг ўзаро боғлиқлиги ҳақидаги қоида умумий аҳамият касб этади. У атроф борлиқнинг барча нарсалари ва ходисаларига нисбатан ўринли, яъни диалектика қонуни кучига эга.

У қуйидагича таърифланади. *Миқдор ва сифат ўзгаришларининг бири-бирига ўтиши қонуни нарсанинг миқдор ва сифат томонларининг шундай бир ўзаро алоқасини акс эттирадики, унинг таъсирида миқдор ўзгаришлари меъёр чегарасидан четга чиқиб, албатта туб сифат ўзгаришларига сабаб бўлади, бу сифат ўзгаришлари эса, ўз навбатида, янги миқдор кўрсаткичларига олиб келади.*

Бу қонунга мувофиқ ривожланиш бир-биридан фарқ қиладиган, лекин ўзаро боғланган икки босқич – узлуксизлик ва узлуклиликнинг бирлиги сифатида юз беради. Ривожланишда узлуксизлик – бу жуда суст, кўзга кўринмас миқдор ўзгаришлари босқичи.

Сакраш. Ривожланишда узлуклилик *сакраш* деб аталади. *Сакраш* – бу бир сифатнинг бошқа сифатга айланиш вақти, шакли, усули, миқдор ўзгаришларининг узлуксизлиги, босқичма-босқичлигидаги узлиши. Масалан, сакраш – бу Ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши, ҳайвонлар дунёсидан инсоннинг ажралиб чиқиши, бир ижтимоий тузум ўрнига бошқа ижтимоий тузум келиши, буюк илмий ва техникавий кашфиётлар. Ҳар қандай сакраш ривожланишда ўтиш даврини тавсифлайди. Ўз табиатига кўра у доим зиддиятлидир, чунки янгининг туғилишидан ҳам, эскининг қаршилигидан ҳам далолат беради.



п

Сакрашларнинг шакллари ранг-баранг бўлиб, ривожланаётган ходисанинг табиати, шунингдек унда сифат ўзгаришлари юз бераётган конкрет шароит билан белгиланади. Сакрашлар:

- 1) ўзгаришнинг давомлилигига кўра (жадал, суст);
- 2) ўзгариш шаклига кўра (бир карра, кўп карра);
- 3) ўзгаришнинг чуқурлик даражасига кўра (қисман, тўлиқ);
- 4) ўзгаришнинг йўналишига кўра (прогрессив, регрессив, йўналишсиз)


фарқ қилади.

Сакрашларни таҳлил қилиш чоғида «эволюция», «инқилоб», «ислохот» каби атамалар айниқса муҳим аҳамият касб этади. «Эволюция» тушунчаси кенг ва тор маъноларда қўлланилади. Кенг маънодаги «эволюция» аста-секин ривожланиш жараёни бўлиб, у миқдор ўзгаришларинигина эмас, балки сифат ўзгаришлари, шу жумладан инқилобларни ҳам ўз ичига олади. Тор маънода «эволюция» деганда инқилобдан, унинг тайёрланишидан олдинги давр тушунилади. «Инқилоб» тушунчаси ижтимоий ходисаларни тавсифлаш учун ишлатилади. Бу жамиятни аста-секин ўзгартирмайдиган, балки унда туб ўзгариш ясайдиган сакрашдир. Ислохот жамият ҳаётининг бирон-бир муҳим томонини ўзгартириш бўлиб, бунда унинг иқтисодий ва давлат тартиби асослари сақланиб қолади.

Шундай қилиб, миқдор ва сифат ўзгаришларининг бир-бирига ўтиш қонуни ривожланишнинг умумий қонуни сифатидаги мазмуни ҳақида яхлит тасаввур ҳосил қилиш имконини берадиган «сифат», «миқдор», «меъёр», «сакраш» категориялари ёрдамида муайянлаштирилади. Мазкур қонун бутун борлиқнинг ривожланиши, ҳаракати ва ўзгариши қандай, қай тарзда юз беради, деган саволга жавоб бериб, объектив воқеликнинг ҳар қандай соҳасида янги сифатга ўтишнинг ички механизмини ёритади. Ҳодисаларнинг ўзгариш жараёнлари умуман олганда *ҳаракат* категорияси билан тавсифланади. Бунда ҳаракат ўта кенг маънода – маконда кўчиш сифатидагина эмас, балки *макон ва вақтда юз берувчи сифат ва миқдор ўзгаришларининг ҳар қандай кетма-кетлиги* сифатида тушунилади. Ҳаракат жараёнида бу ўзгаришлар ўртасидаги нисбат бўйсунадиган умумий қонуният миқдорнинг сифатга ўтиш қонуни деб аталади. Ҳаракат жараёнида миқдор ўзгаришлари тўпланиб, меъёр чегарасига етади ва сифат ўзгаришларига ўтади.

Ҳаракат зиддиятли хусусият касб этади: унда ўзгариш ўзгараётган нарсанинг сақланиши билан уйғунлашади. Айтиш мумкинки, бирор нарсанинг ўзгариши – бу унинг сақланиш усули ёки, бошқача айтганда, бирор нарсанинг сақланиши унинг ўзгариши шартидир.

Шундай қилиб, ҳаракат икки қарама-қарши жиҳат: *ўзгарувчанлик ва барқарорликни ўз ичига олади.* Физикада бу жиҳатлар энергия ва масса тушунчалари билан ифодаланади. Энергияга объектнинг ўзгарувчанлиги, ўзгариш қобилятининг меъёри сифатида, массага – объектнинг барқарорлиги, инертлиги, ўз ҳолатини сақлаш қобиляти меъёри сифатида қараш мумкин.



п

Кўриб чиқилган қонунлар ривожланиш манбаи ва унинг механизмини ёритиб берса, инкорни-инкор қонуни – ривожланишнинг умумий тенденциясини, унинг йўналишини акс эттиради.

Инкорни-инкор. «Инкорни-инкор» нима? Айти бир атама бундай кетма-кет қўлланилишининг маъноси нимада? Унинг моҳияти нимадан иборат?

«Инкор» ва «инкорни-инкор» категориялари диалектикага Гегель томонидан киритилган бўлиб, айти шу мутафаккирнинг саъй-ҳаракатлари билан улар умумий фалсафий категориялар мақомини олган. Инкор ва инкорни-инкор категорияларидан Гегель ривожланишнинг ўзига хос хусусиятларини ёритиш воситаси сифатида фойдаланган. Инкор ривожланиш янги сифат пайдо бўлишига олиб келадиган аниқ йўналтирилган, қайтмас ўзгариш сифатида тавсифланади.

Инкор категорияси ривожланаётган объект тарихидаги бир лаҳзанигина тавсифлайди. Битта инкор ҳаракати ўзгариш қайси йўналишда юз бераётгани, олдинги ва кейинги воқеалар оқимида у қандай аҳамиятга эга эканлигини, юз берган воқеанинг мазмунини аниқлаш учун доим ҳам имконият яратавермайди. *Инкор деганда тизимнинг ривожланиши жараёнида кузатиладиган унинг бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтиши тушунилади (масалан, дон куртак отиб бошоққа айланади).* Тизимнинг ривожланиш жараёни бир қанча олдинма-кетин инкорлар орқали юз беради. Яъни тизимнинг дастлабки ҳолати янги ҳолатга ўтишига элтувчи инкор ортидан бу янги ҳолатнинг инкори («инкорни инкор») ҳам юз беради.

Масалан, ўсимликнинг ривожланиш жараёнида дон бошоққа айланса (биринчи инкор), кейинчалик бошоқнинг етилиши натижасида янги донлар пайдо бўлади (иккинчи инкор).

Гегель ва унинг издошлари кўрсатиб берган баъзи бир ўзига хос хусусиятларни кўриб чиқамиз. *Биринчидан, инкорни-инкор ривожланиши йўналишини кўриш учун имконият яратади.* Мазкур ҳодиса тараққиёт ёки таназзул аломати эканлигини бир инкор ҳаракатининг ўзидан аниқлаш мушкул. Шу боис, масалан, қабул қилинган муайян қонун, сайлов натижалари ва шу кабилар ҳақида хулоса чиқаришга шошилмаслик керак. *Иккинчидан, инкорни-инкор ривожланиши шаклини ифодалайди.* Маълумки, Гегелнинг диалектика тизимида ривожланиш мантиқий зиддиятнинг юзага келиши ва унинг бартараф этилиши сифатида тавсифланади. Бу жараён «тезис – антитезис – синтез» формуласига мувофиқ юз беради. Диалектика контекстида ривожланишнинг уч босқичи ижтимоий ва табиий тизимлар ривожланишининг кўп сонли сценарийларидан бири сифатида намоён бўлади. Аммо Гегель қайд этган ривожланишнинг цикллилиги, унинг чизиқсизлиги табиат ва жамиятда жараёнлар кечишининг анча кенг тарқалган шакли ҳисобланади. *Учинчидан, табиий ва ижтимоий циклларда ривожланиши ҳам, таназзул ҳам бўлмаслиги мумкин: ўзгариш айланма ҳаракат қилади. Инкорни-инкорда ривожланиши қуйи босқичининг ўзига хос хусусиятлари юқорироқ босқичда такрорланиши юз беради.* Аввалги ҳолатларга қайтиш имконияти, яъни ўтилган ҳолатларнинг айрим хоссалари



п ривожланишнинг юқорироқ босқичида такрорланиши билиш ва тарихнинг ривожланишини тушуниш учун ўз аҳамиятини сақлаб қолади. Бошқача айтганда, *инкорни-инкор тушунчаси ривожланиш жараёнининг муҳим хусусиятларини аниқлаш имконини беради.*

Демак, *инкорни инкор натижасида тизим сифат жиҳатидан янги ҳолатга ўтади ва унда тизим бошланғич ҳолатининг баъзи бир жиҳатлари акс этади.*

Шундай қилиб, тизимнинг ривожланиш жараёни зиддиятли кечади – унда икки қарама-қарши тенденция уйғунлашади: *биринчи – илгари мавжуд бўлмаган янги ҳолат муттасил вужудга келади, иккинчи – илгари мавжуд бўлган ҳолатга (ўзгартирилган кўринишда) муттасил қайтилади.*

Ривожланаётган тизимларнинг хоссаларини ва уларнинг ўзгариш қонуниятларини билишга синергетика салмоқли ҳисса қўшади. Жумладан, у тизимларнинг ўз-ўзидан уюшиш жараёнида хаосдан тартибга ўтиш шароитлари ва қонуниятларини аниқлайди. Бунда тизим ривожланишининг ўсиш тармоғида ҳам, пасайиш тармоғида ҳам хаос ва тартиб мавжуд бўлади, лекин ўсиш тармоғида тартиблиликнинг кучайиши, пасайиш тармоғида эса – аксинча, тартибсизликнинг кучайиши устунлик қилади. Синергетик тадқиқотлар моддий тизимларнинг ўз-ўзини уюштириш ва ўз-ўзини ривожлантириш имкониятларини органик ҳаёт ва инсоннинг пайдо бўлишига қадар илмий асослашга ҳаракат қилади (бу мазкур имкониятни рад этувчи ва унинг ғайритабиий келиб чиқиши ғоясини ҳимоя қилувчи идеализмга қарши далил ҳисобланади).

«Инкор» категориясининг мазмунига нисбатан икки хил – метафизик ва диалектик нуқтаи назар мавжуд. *Метафизик «инкор» асосий эътиборни эскининг йўқ бўлишига қаратади ва янгининг сақланиши ва уни яратиш жараёнларини деярли эътиборга олмайди. Шундай қилиб, метафизик инкор - инкор қилиш рад этиш, йўқ қилишни англатади.*

Диалектик инкор эски сифатдан янги сифатга ўтиш бўлиб, бунда эски сифатнинг муайян томонлари, мазмуни ва функциясининг элементлари ўзгарган кўринишда янги сифатга ўтади. Диалектик инкор – бу нарсани бутунлай йўқ қилиш эмас, балки эски сифатнинг баъзи бир жиҳатларини сақлаган ва ўзгартирган ҳолда уни янги нарсага айлантиришдир. У янги ва эски сифат ўртасида алоқа мавжудлигидан далолат беради. Диалектик инкор уч муҳим жиҳат билан тавсифланади:

- 1) эскини вайрон қилиш, бузиш;
- 2) эскининг элементларини сақлаш (ворисийлик);
- 3) янгини яратиш, тузиш.

Диалектик инкор ривожланиш омили ҳисобланади, чунки у бартараф этишни ўз ичига олади. Гегель фикрича, бартараф этиш «икки хил маъно касб этади: у асраш, сақлаб қолишни ва айни вақтда тўхтатиш, чек қўйишни англатади»¹. Гегель талқинида инкор ривожланиш омили сифатида яшаш қобилятини йўқотган нарсани йўқ қилиш ва эришилган ривожланишни

¹ Гегель Г.В. Соч. Т. 5. – М.: 937. – С.99.



п
сақлашни назарда тутади. Масалан, А.Эйнштейн янги ва эски назарияларнинг ўзаро нисбатини шундай тавсифлайди: «Янги назария... эски назария ютуқларини четга чиқариб ташлайди, деб ҳисоблаш тўғри бўлмайди. Янги назария эски назариянинг афзалликларини ҳам, камчиликларини ҳам намоён этади ва бизга эски тушунчаларга теранроқ нуқтаи назардан баҳо бериш учун имконият яратади... Биз эски назария ўринли бўлган соҳада далиллар ўрганилаётганда ҳар сафар ундан фойдаланишимиз мумкин»¹. Аммо ҳар қандай ҳодиса яхлит бўлгани боис, бартараф этиш ҳақидаги масаланинг қўйилиши абстракт хусусият касб этади. XIX аср фалсафий таълимотларида бартараф этишнинг табиат ва тарихдаги кўринишларини эришилган ривожланишни ўзгартирилган ҳолда сақлаш сифатида ёритиб, бу тушунчани тўлдирди. Янгилик ва эскиликнинг ички зиддиятларига чек қўйиш сифатидаги ўз-ўзини инкор диалектик инкорнинг муҳим хусусияти бўлиб, бу ривожланишнинг ҳужумкорлигини белгилайди.


Биз инкор категорияси метафизик ва диалектик талқинининг моҳиятини аниқладик. Энди қўш инкор нимадан иборат эканлигини кўриб чиқамиз.

Қўш инкор моҳияти. «Инкорни-инкор» шуни қайд этадики, ривожланиш жараёни эски сифатни инкор қилишдан бошланади, уни эса орадан маълум вақт ўтгач янги сифат инкор этади. Аммо ривожланиш қандай юз беради? Тўғри (юксалиб борувчи) чизик бўйлабми ёки эгри чизик бўйлабми? Бу масала қуруқ гап эмас, балки муҳим аҳамиятга эга. Чунки ривожланиш жараёнида эски ва янгининг алоқаси бўлмаганда, ворисийлик ҳам бўлмасди, эски бутунлай йўқ бўлар, ривожланишни график кўринишда янги эскидан фарқ қиладиган, эски эса янгида такрорланмайдиган тўғри (юксалиб борувчи) чизик сифатида тасвирлаш мумкин бўларди. Бирок амалда янгида эски сақланади, унинг элементлари янгида такрорланади. Аммо бу такрорланиш юқорироқ даражада юз беради. Эскининг жиҳатлари, элементлари юқорироқ асосда такрорланиши инкор қонунининг ўзига хос хусусияти ҳисобланади. Бундан қонуннинг бошқа бир хусусияти келиб чиқади. Ҳамонки эскининг олий асосда қайтарилиши мавжуд экан, ривожланиш тўғри чизик бўйлаб эмас, балки спиралсимон чизик бўйлаб юз бериши, циклдан-циклга эскига яқинлашиши (чунки такрорланиб туришлик мавжуд) ва ундан узоқлашиб бориши (чунки бу янги) аён бўлади.

Нима учун бу такрорланиб туришлик муқаррар?

Гап шундаки, инкор зиддият билан узвий боғлиқ, у мазкур зиддиятнинг ечилиши билан белгиланади. Ўзига хос зиддият билан вужудга келган ҳар қандай янги нарсани олайлик. Зиддиятнинг ривожланиш жараёнида нарса ўзининг қарама-қаршилигига айланади. Аммо инкорнинг мазкур босқичида дастлабки нарсада мужассамлашган зиддият фақат қисман ечилади. Бу тўлиқсизлик нарса ўзини инкор қилишда давом этишини белгилайди. Биринчи инкор ўрнига иккинчи инкор келади ва иккинчи нарсага қарама-

¹ Эйнштейн А., Инфельд Л. Эволюция физики. – М.: 1956. – С.156.



п

қарши бўлган янги, учинчи нарса вужудга келади, у иккинчи нарсанинг инкори, яъни биринчи нарсанинг инкорининг инкори ҳисобланади.

Иккинчи инкор босқичида биринчи нарсага хос бўлган зиддият тўла ечилади. Қўш инкор натижасида, дастлабки нуқтага қайтилиши билан ривожланишнинг юқорироқ даражасига эришилади, ривожланишнинг бошланғич, лекин бойитилган шакли тикланади. Ривожланиш чизиғи гўё «спирал ўрами» айланасини ташкил этади, лекин унинг боши охири билан туташмайди. Шундай қилиб, ривожланиш ҳаракатнинг босқичма-босқичлиги ва цикллилиги жиҳатларини ўзида бирлаштиради.

Бу қоида ҳам умумий аҳамият касб этади. У атроф борлиқнинг барча нарсалари ва ҳодисаларига нисбатан ўринли, яъни диалектика қонуни кучига эга. У қуйидагича таърифланади. *Инкорни-инкор қонуни – бу шундай бир қонунки, унга мувофиқ ривожланиш жараёни янгининг эскини диалектик инкор этишлари чексиз занжирдан иборат бўлади, бунда ривожланиш аввалги босқичларининг барча муҳим жиҳатлари янгида сақланади ва умуман бу жараён ҳужумкор, юксалиб борувчи йўналишга эга бўлади.* Айни вақтда ривожланиш жараёнида унинг олий босқичларида аввалги босқичларнинг айрим жиҳатлари ва томонлари сифат жиҳатидан янги асосда такрорланади ва айни ҳол тўғри чизиқ, туташ доира бўйлаб эмас, балки спиралга яқинлашувчи эгри чизиқ бўйлаб юксалишни белгилайди. Ҳаракатнинг спиралсимонлиги ривожланишнинг цикллилигини акс эттиради. Бу қонун диалектиканинг бошқа қонунларини умумлаштиради, уларни синтез қилади.

Инкорни инкор жараёнида тизим, бир томондан, айрим бошланғич ҳолатдан ўзга, сифат жиҳатидан янги ҳолатга ўтади; бошқа томондан эса, бу янги ҳолат қай жиҳатдандир бошланғич ҳолатга ўхшайди (дон – бошоқ - яна дон). Инкорни инкор қонуни ривожланишда алоҳида ворисийлик кузатилишини акс эттиради: ривожланишнинг дастлабки босқичига хос бўлган ва кейинчалик унинг инкор этилиши жараёнида йўқ бўлган қандайдир жиҳатлар иккинчи инкор (инкорни инкор) натижасида яна пайдо бўлади. *Янгининг пайдо бўлишида эскининг муайян белги ва сифатларининг сақланиб қолиши ворисийлик деб номланади.*

Шаклан ривожланиш бир чизиқли ҳам, айланма ҳам эмас, балки ранг-барангроқ ва мураккаброқ, чунончи: бир чизиқли ва кўп чизиқли, тўғри чизиқли ва зигзагсимон, умумий ва маҳаллий, уйғун ва ноуйғундир.

Йўналиш жиҳатидан ривожланиш прогрессив ва регрессив бўлиши мумкин. Ривожланиш тизим айрим элементларининг таназзули билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бутун тизим таназзулга учраши, унинг айрим элементлари эса таракқий этиши мумкин эмас. Объектга нисбатан ташқи кучлар таъсирида юз бериши мумкин бўлган ҳаракатдан фарқли ўлароқ, ривожланиш ўз-ўзидан ҳаракат, ички жараён бўлиб, зиддият, бир-бирини истисно этувчи томонлар, тенденциялар унинг манбаи ҳисобланади.

Юқорида айтиб ўтилганидек, Гегель фалсафасида ривожланиш тушунчаси инкор ва инкорни-инкор категорияларида ёритилади. Мазкур терминология мутафаккирнинг мантиқ тизими негизига айлантирилган объектив-идеалистик фалсафаси контекстида намоён бўлади.



п

Ривожланиш қонунларининг умумий жиҳатлари. *Диалектиканинг асосий қонунлари ягона ривожланиш жараёнининг турли жиҳатларини тавсифлаб, алоҳида-алоҳида эмас, балки узвий диалектик бирликда амал қилади.* Масалан, миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиши ва бунинг акси зиддиятни ҳам, диалектик инкорни ҳам ўз ичига олади. Қарама-қаршилиқлар бирлиги ва кураши миқдор-сифат муносабатларини ва инкорни-инкорни ўз ичига олади. Худди шунингдек инкор жараёнида ягонанинг эски ва янгига иккиланиши, уларнинг ўртасида қарама-қаршилиқ, шунингдек миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиши юз беради. Бошқача қилиб айтганда, моддий дунёнинг ягоналиги қонунлар амал қилишининг умумийлигини назарда тутди. Аммо шуни эътиборга олиш лозимки, диалектика қонунлари бир вақтда амал қилганда, уларнинг ҳар бири нисбатан мустақил бўлади, зеро ривожланиш моҳиятининг муайян жиҳатини (манба, механизм, йўналиш) акс эттиради. Ривожланишнинг зарурий шарт сифатида тавсифланади: ўз мавжудлигининг аввалги шаклларини инкор этмайдиган ривожланиш бўлиши мумкин эмас. Инкор ҳаракатида ривожланишга монелик қиладиган нарсаларнинг рад этилиши, йўқ қилиниши юз беради. Умуман олганда инкор – объектив жараён. Масалан, ҳозирги замон фани маълумотларига кўра, кенгайиб бораётган плазмани йўқ қилиб ташлаган Катта портлашсиз биз яшаётган Олам, унинг галактикалари, юлдузлари ва сайёралари ҳам, инсон ҳам бўлмас эди. Аммо инкорни соф йўқ бўлиш сифатида жўн талқин қилишдан эҳтиёт бўлиш лозимлигини Гегель ҳам, бошқа файласуфлар ҳам қайд этади. Бундай инкор «беҳуда», метафизик инкор деб эътироф этилади. У табиатда ҳам, жамиятда ҳам мавжуд. Лекин оддий йўқ бўлиш жамиятни ортга улоқтириб ташлайди, холос.

Хулосалар. *Диалектика қонунлари объектив дунёнинг энг муҳим алоқалари ва муносабатларини акс эттиради. Улар бирликда ва ўзаро алоқада амал қилиб, мураккаб серқирра жараён – объектив борлиқнинг ривожланишини тавсифлайди.*


Диалектика қонунларининг амал қилиш механизмини чуқур билиш ва улардан моҳирона фойдаланиш янглишиш ва хатолардан қутқаради, кишиларнинг амалий фаолиятига янада изчилроқ ва самаралироқ тус беради.

Тажрибавий амалий матнлар

Зиддият, қарама-қаршилиқ, тафовут, инкор, хосса, миқдор, сифат, меъёр, сон, сакраш, қонун, инкорни-инкор, ривожланиш, айният, ворисийли.




Қўшимча ва тушунтирувчи матнлар






П





МИҚДОР ЎЗГАРИШЛАРИНИНГ СИФАТ ЎЗГАРИШЛАРИГА ЎТИШИ ҚОНУНИ



Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар

1. Нима учун зиддият тушунчаси диалектикада бош тушунча ҳисобланади?
2. Миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиши қонуни жамият таракқиётида қандай амал қилади?
3. Диалектик инкор нима?
4. Метафизик инкорнинг моҳиятини тушунтиринг

Реферат мавзулари

1. Диалектика қонун ва категорияларининг ўзаро алоқаси ва ўзаро таъсири
2. Ижтимоий жараёнларда инкорни инкор қонуни амал қилишининг методологик жиҳатлари
3. Гегел диалектика қонунларининг асосичи

Билим ва кўникмаларни баҳолаш мезонлари

1. Диалектик инкорнинг биринчи муҳим жиҳати
 - А. Эскини вайрон қилиш, бузиш
 - Б. Янгини яратиш
 - В. Эскидан ҳеч нарса қолдирмаслик
 - Г. Борига кўникма ҳосил қилиш



п

2. Диалектик инкорнинг иккинчи муҳим жиҳати

- А. Эскининг элементларини сақлаш (ворсийлик);
- Б. Зиддиятларни яратиш
- В. Миқдордан сифатга ўтиш
- Г. Нарсалардаги тафовут

3. Диалектик инкорнинг учинчи муҳим жиҳати

- А. Янгини яратиш, тузиш
- Б. Хусусий қонунга амал қилиш
- В. Диссипатив ҳолатни шакллантириш
- Г. Бифуркация ҳолатига ўтиш

4. Тафовут –бу

- А. Аввалги ҳолатдан сақланиб қолган хоссалар устунлик қилгани ҳолда, айна бир предмет хоссаларининг мос келмаслиги
- Б. Бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиш
- В. Эмперик хулосалар асосида янги хулосага келиш
- Г. Янгини яратиш

5. Сифат – бу

- А. Нарсанинг ички хусусияти, предметни мазкур жиҳатдан фарқлаш учун зарур ва етарли бўлган хоссалар мажмуи.
- Б. Нарсанинг ташқи кўриниши
- В. Ворсийликнинг амал қилиши
- Г. Ўз-ўзини ташкиллаштириш

6. Қандай сакрашлар мавжуд?

- А. Интексив сакраш
- Б. Сакраш йўқ
- В. Ўзгаришнинг давомлилигига кўра (жадал, суст); ўзгариш шаклига кўра (бир карра, кўп карра); ўзгаришнинг чуқурлик даражасига кўра (қисман, тўлиқ); ўзгаришнинг йўналишига кўра (прогрессив, регрессив, йўналишсиз) фарқ қилади.
- Г. Умумий сакраш

7. Сакрашларни таҳлил қилиш қайси атамалар айниқса муҳим аҳамият касб этади.

- А. «эволюция», «ислоҳот», «прогрессив»
- Б. «эволюция», «инқилоб», «ислоҳот»
- В. «эволюция», «регрессив», «ривожланиш»
- Г. «эволюция», «ривожланиш», «ислоҳот»



п

8. Диалектик инкор қандай жиҳат билан тавсифланади:

- А. Эскини вайрон қилиш, бузиш; янгини яратиш, тузиш.
- Б. Эскини вайрон қилиш, бузиш; эскининг элементларини йўқотиш; янгини яратиш, тузиш.
- В. Эскини вайрон қилиш, бузиш; эскининг элементларини сақлаш (ворисийлик);
- Г. Эскини вайрон қилиш, бузиш; эскининг элементларини сақлаш (ворисийлик); янгини яратиш, тузиш.

9..... фикрича, бартараф этиш «икки хил маъно касб этади: у асраш, сақлаб қолишни ва айна вақтда тўхтатиш, чек қўйишни англатади».

- А. Аристотель
- Б. Г.Гегель
- В. Д.И.Менделеев
- Г. Платон

10. Архимед қонуни учун суюқлик ва унга солинган жисмнинг, оғирлик кучининг мавжудлиги базис шароитлар ҳисобланади. Бу шароитларга нисбатан Архимед қонуни қандай мақъжуддир?

- А. Ноинвариантдир.
- Б. Индивиддир.
- В. Ноиндивиддир.
- Г. Инвариантдир.

11.Одамлар қонунларнинг амал қилиш шароитларини ўзгартириб, улардан ўзлари истаган натижаларга эришиш учун фойдаланиш имкониятини қўлга киритадилар. Янги қандай шароитларни яратиш йўли билан эса улар айрим қонунларнинг амал қилишини тўхтатиш ва бошқа қонунларни амалга киритишга қодирлар.

- А. Базис
- Б. Локал
- В. Вакум
- Г. Барча жавоблар тўғри.

12.Миқдор ўзгаришларининг қандай турлари бор?

- А. Эскини вайрон қилиш, бузиш; янгини яратиш, тузиш.
- Б. Эскини вайрон қилиш, янгини яратиш, тузиш.
- В. Қўпайиш ва камайиш табиат ва жамиятда амал қилади.
- Г. Инкилоб, бузиш; янгини яратиш, тузиш,ташқиллаштириш.

13.Қонуниятлар – бу?

- А. Қонуннинг энг юқори кўрсаткичи.
- Б. Тўғри жавоб йўқ.
- В. Қонунларнинг намоён бўлишидир.



п
Г. Барча жавоблар тўғри.

14.Фалсафа қонунлари- бу?

- А. Предметнинг бир-бирини истисно этувчи ва бир-бирини назарда тутувчи томонларидир.
- Б. Объектнинг бир-бирини истисно этувчи ва бир-бирини назарда тутувчи томонларидир.
- В.Ўзида воқелик ва фан қонунларини мужассамлаштириб, табиат ва жамиятдаги ўзаро алоқадорликни ифодалайди.
- Г. Барча жавоблар тўғри.

15.Қарама-қаршиликлар – бу?

- А. Предметнинг бир-бирини истисно этувчи ва бир-бирини назарда тутувчи томонларидир. Қарама-қаршиликлар – ўзаро алоқали бўлган тушунчалар.
- Б.Турли жиҳатлардан олинган тақдирда, улар ўзаро бирликни ташкил этмайди ва бир-бирига зид бўлмаслиги мумкин.
- В. Нарсалар ва ҳодисалардаги бир-бирини тақозо қилувчи ва бир-бирини истисно этувчи томонлар, хоссалар, тенденциялар, жараёнларни акс эттирувчи фалсафий категория
- Г. Барча жавоблар тўғри.

16.Қарама-қаршилик бирлиги нима?

- А. Бу уларнинг узвийлиги. Ҳар бир қарама-қаршилик бошқа бир қарама-қаршиликнинг мавжудлик шарти ҳисобланади.
- Б. Улар алоҳида-алоҳида мавжуд бўлиши мумкин эмас. қарама-қаршиликлар бирлиги улар бир-бирини тақозо этган ва бир-бирига ўтган ҳолдагина муайян мазмун касб этади.
- В. А ва Б жавоблар
- Г. Тўғри жавоб йўқ

17.Зиддиятлар- бу?

- А. Предметнинг бир-бирини истисно этувчи ва бир-бирини назарда тутувчи томонларидир.
- Б. Объектнинг бир-бирини истисно этувчи ва бир-бирини назарда тутувчи томонларидир.
- В. Нарса ёки ҳодиса қарама-қарши томонларининг бир-бирини истисно этиш ва бир-бирига ўтиш муносабатларидир.
- Г. Нарсалар ва ҳодисалардаги бир-бирини тақозо қилувчи ва бир-бирини истисно этувчи томонлар, хоссалар, тенденциялар, жараёнларни акс эттирувчи фалсафий категория

18. Гегель ғояларига асосланиб, зиддият тарқалишининг қандай босқичлари (фазалари) фарқланади?



п

А. Сабабият, айният, тафовут, қарама-қаршилик, зиддият ва асос (яъни зиддиятнинг ечилиши).

Б. Сабабият, тафовут, қарама-қаршилик, зиддият ва асос.

В. Айният, тафовут, қарама-қаршилик, зиддият ва асос (яъни зиддиятнинг ечилиши).

Г. Тафовут, қарама-қаршилик, зиддият ва асос.

19. Бир-бирини истисно этувчи қарама-қаршиликларнинг билвосита бирлиги бу?

А. Гармония зиддият

Б. Дисгармония зиддият

В. Вонфликт зиддият

Г. Диалектик зиддият

20. Ижтимоий тизимларга татбиқан зиддиятларнинг ривожланиш босқичларига нисбатан бундай ёндашув уларнинг қандай ҳолатларини аниқлаш имконини беради.

А. Гармония, дисгармония, конфликт, диалектик

Б. Диалектик, дисгармония, конфликт

В. Гармония, дисгармония, конфликт

Г. Гармония, дисгармония, диалектик

21. Қарама-қаршиликлар – зиддиятларнинг негизи, боғловчи бўғинлар нима?

А. Уларни ечиш механизмидир.

А. Уларни бузиш механизмидир.

А. Уларни боғлаш механизмидир.

Г. Уларни бошқариш механизмидир.

22. XX аср 30-йилларининг бошида қайси олим позитронлар, яъни электронларга ўхшаш, лекин мусбат зарядга эга бўлган зарралар мавжудлигини башорат қилди.

А. Аристотель

Б. Г. Гегель

В. Поль Дирак

Г. Д. И. Менделеев

23. Зиддиятларнинг қандай турлари бор?

А. Ички ва ташқи зиддиятлар; ривожланишдаги ролига кўра – асосий ва иккинчи даражали зиддиятлар; вужудга келиш хусусиятига кўра – зарурий.

Б. антагонистик ва ноантагонистик зиддиятлар фарқланмайди.

В. Намоён бўлиш шаклига кўра – ички ва ташқи зиддиятлар; ривожланишдаги ролига кўра – асосий ва иккинчи даражали зиддиятлар; вужудга келиш хусусиятига кўра – зарурий ва тасодифий зиддиятлар;



п
жамиятдаги типига кўра – антагонистик ва ноантагонистик зиддиятлар фарқланади.

Г. Намоён бўлиш шаклига кўра — асосий ва иккинчи даражали зиддиятлар; вужудга келиш хусусиятига кўра – зарурий ва тасодифий зиддиятлар; жамиятдаги типига кўра – ички ва ташқи зиддиятлар.

24. Борлиқнинг ичдан зиддиятлилиги – бу?

А. Предметнинг бир-бирини истисно этувчи ва бир-бирини назарда тутувчи томонларидир.

Б. Объектнинг бир-бирини истисно этувчи ва бир-бирини назарда тутувчи томонларидир.

В. Нарса ёки ходиса қарама-қарши томонларининг бир-бирини истисно этиш ва бир-бирига ўтиш муносабатларидир.

Г. Объектив ходиса, табиат ва жамиятнинг асосий ва умумий хоссасидир

25. Диалектика тизимида бу қонуннинг марказий ўрни нима билан белгиланади?

А. Бу қонун ҳар қандай ҳаракат ва ривожланиш манбаини ёритади, ривожланиш назариясининг энг муҳим саволларига жавоб беради.

Б. Бу қонун диалектиканинг қолган барча қонунлари ва категорияларининг асоси ҳисобланади.

В. Барча жавоблар тўғри.

Г. Диалектик зиддиятлилиқ қонуни ягонани тафаккурда иккилантириш ва унинг қарама-қаршилиқларини уларнинг таҳлилини синтез билан бирлаштириш орқали ўрганишни талаб қилиб, билиш диалектик методининг бош мазмунини белгилайди.

26. Миқдор ва сифат ўзгаришларининг бир-бирига ўтиши қонуни қандай тушунчалари мавжуд?

А. Хасса, сифат, миқдор, меъёр, сакрашнинг мазмунини ёритиш талаб этилади.

Б. сифат, миқдор, меъёр, сакрашнинг мазмунини ёритиш талаб этилади.

Б. Меъёр, сакрашнинг мазмунини ёритиш талаб этилади.

Г. Миқдор, меъёр, сакрашнинг мазмунини ёритиш талаб этилади.

29. Нарсада мазкур шароитда намоён бўлмайдиган, лекин бошқа шароитда намоён бўлиши мумкин бўлган хоссалар нима деб аталади?

А. Дискрет

Б. Позицион

В. Диспозиционал

Г. Позиционал

30. Қайси олим ўз вақтида тўпламлар дискрет, катталиқлар эса узлуксиз деб ҳисоблаган?

А. Аристотель

Б. Г. Гегель



п

В. Поль Дирак
Г. Д.И.Менделеев

31. Ривожланишда узлуклилик нима деб аталади.

А. Сифат
Б. Миқдор
В. Сакраш
Г. Меъёр

32.....– бу бир сифатнинг бошқа сифатга айланиш вақти, шакли, усули, миқдор ўзгаришларининг узлуксизлиги, боскичма-боскичлигидаги узилиш.

А. Сифат
Б. Миқдор
В. Сакраш
Г. Меъёр

33.Қонун –бу

А.Тизимнинг элементлари ўртасидаги умумий ва инвариант алоқа.
Б. бизнинг онгимиздан, биз уларни билиш-билмаслигимиздан қатъий назар мавжуд ва амал қилади.
В .Одамлар томонидан англаб етилган воқелик қонунларининг онгимиздаги инъикоси ҳисобланади
Г. А ва Б жавоб тўғри

34.Воқелик қонунлари-бу


А.Тизимнинг элементлари ўртасидаги умумий ва инвариант алоқа.
Б. бизнинг онгимиздан, биз уларни билиш-билмаслигимиздан қатъий назар мавжуд ва амал қилади.
В .Одамлар томонидан англаб етилган воқелик қонунларининг онгимиздаги инъикоси ҳисобланади
Г. А ва Б жавоб тўғри

35. Базис шароитлар қаторига қонуннинг қандай шароитлари киради?

А. Амал қилиш соҳасини белгиловчи шароитлар киради.
Б. Амал қилиш соҳасидаги шароитлар киради
В. бизнинг онгимиздан, биз уларни билиш-билмаслигимиздан қатъий назар мавжуд ва амал қилади.
Г .Одамлар томонидан англаб етилган воқелик қонунларининг онгимиздаги инъикоси ҳисобланади

36. Локал шароитлар қаторига қонуннинг қандай шароитлар киради?

А. Амал қилиш соҳасини белгиловчи шароитлар киради.
Б. Амал қилиш соҳасидаги шароитлар киради
В. бизнинг онгимиздан, биз уларни билиш-билмаслигимиздан қатъий назар мавжуд ва амал қилади.



п
Г.Одамлар томонидан англаб етилган воқелик қонунларининг онгимиздаги
инъикоси ҳисобланади




II

1. Маърузани олиб бориш технологияси

<i>Талабалар сони:</i>	<i>Вақти:</i> 4 соат
<i>Машгулот шакли</i>	Кириш мавзуси бўйича маъруза
<i>Маъруза режаси</i>	1. Категория тушунчаси ва унинг таърифи 2. Фалсафа тарихида категорияларга муносабат 3. Янги даврда категориялар ҳақидаги таълим
<i>Машгулотнинг мақсади:</i> Ўқув фани ҳақида умумий тасаввурни шакллантириш, категорияларнинг таснифи ҳақида тушунча ҳосил қилиш.	
<i>Педагогик вазифалар</i>	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i>
Харакат шакллари умумий тавсифи ҳақидаги қарашлар эволюцияси ҳақида тушунчалар бериш.	Харакат шакллари умумий тавсифи ҳақидаги қарашлар эволюцияси ҳақида талабаларга тушунчалар берилди.
Харакат шакллари таснифи ҳақида тушунча бериш.	Харакат шакллари таснифи ҳақида талабаларга тушунчалар берилди.
Материя ҳаракатининг геологик шакли ҳақида тушунча бериш.	Материя ҳаракатининг геологик шакли ҳақида талабаларга тушунчалар берилди.
<i>Ўқитиш усуллари ва техника</i>	Маъруза, «аклий ҳужум», Т-схема, мунозара, муаммоли вазиятлар усули.
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Маъруза матни, тарқатма материаллар, слайдлар, проектор.
<i>Ўқитиш шакллари</i>	Жамоа, тўғридан-тўғри ва гуруҳларда ишлаш.
<i>Ўқитиш шарт-шароити</i>	Техник воситалар билан таъминланган аудитория.
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Оғзаки назорат, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш.

2. Маърузанинг технологик картаси

<i>Иш жараёнлари вақти</i>	<i>Фаолиятнинг мазмуни</i>	
	<i>ўқитувчи</i>	<i>Талаба</i>
I-босқич. Фанга ва мавзуга кириш. (20 минут)	1.1. Ўқув фани номини айтиб, фан доирасида дастлабки умумий тасаввурни беради ҳамда услубий ва ташкилий томонлари билан таништиради.	Тинглайдилар.
	1.2. Фан бўйича ўтиладиган барча мавзулар билан таништиради, уларнинг узвийлиги ҳақида қисқача маълумот беради.	Тинглайдилар.
	1.3. Фан якунида қўйиладиган рейтинг баҳолаш мезонлари билан таништиради	ЎУМ га қарайдилар.
	1.4. Фанни ўзлаштиришда фойдаланиш учун зарур бўлган адабиётлар рўйхати билан таништиради.	ЎУМ га қарайдилар.
	1.5. Ўқув машғулот мавзуси билан таништиради ва унинг мақсади, ўқув фаолияти натижаларини баён қилади.	Мавзу номини ёзиб оладилар.
	1.6. Мавзу юзасидан аклий ҳужум коидаси асосида дарс ўтказишни таклиф этади.	Тушунчаларни эркин фикр орқали



П

	Талабалар томонидан айтилган фикрларни ёзиб боради ва умумлаштиради	билдиради.
II-босқич. Асосий (50 минут)	2.1. Мавзу режаси ва таянч тушунчалар билан таништиради.	Тинглайдилар.
	2.2. Маърузани режа бўйича тушунтиради, ҳар бир режани ниҳоясида умумлаштиради. Жараён компьютер слайдларини намоиш қилиш билан олиб борилади	Тинглайдилар. Слайдга эътибор қаратади, уни ўзига ёзиб олади ва саволлар беради.
	2.3. Ҳар бир режани мустаҳкамлаш учун қуйидагича саволлар беради: 1.Тушунча фикр категорияларнинг шаклланиши? 2.Антик даврда категориялари таснифи? 3.Фалсафий категорияларнинг уч муҳим гуруҳи?	Саволларга жавоб берадилар, эркин баҳс-мунозара юритадилар.
	2.4. Таянч ибораларга қайтилади. Талабалар иштирокида улар яна бир бор такрорланади.	Ҳар бир таянч тушунча ва ибораларни муҳокама қиладилар. Конспект қиладилар.
III-босқич. Якуний босқич. (10 минут)	3.1. Т-схема техникасидан фойдаланилган ҳолда жуфт-жуфт бўлиб ишлаш учун тингловчиларга: категорияларнинг таснифига оид савол ёзилган тарқатма материаллар тарқатади. Ушбу техника орқали мавзу бўйича якунловчи хулоса қилади.	Мустақил Т-схемани тўлдирадилар. Эркин фикрини баён этади.
	3.2. Талабаларнинг фаолиятига баҳо қўйилади ва рағбатлантирилади.	Эшитади.
	3.3. Келгуси машғулотга тайёргарлик кўриш учун топшириқлар ва фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати берилади.	Эшитади ва ЎУМ га қарайдилар.



КАТЕГОРИЯЛАРНИНГ ТАСНИФИ

Фалсафа тарихида категорияларга муносабатнинг хилма-хиллиги. Шарқ анъанасида ҳам, қадимги Юнонистонда ҳам категорияларнинг жуфтли хусусияти ва уларнинг зиддиятли муносабатларини ҳал қилишга эҳтиёж бўлган.

Категорияларини тизимга солиш ва формал-мантиқий фикрлашнинг умумий қонунларини ишлаб чиқишга илк уриниш Аристотель ижоди билан боғлиқ. Фалсафа тарихида Аристотель антик фалсафани тизимга солувчиси сифатида намоён бўлади. Унинг «Органон» асари ишончли, ҳақиқий билим олиш воситаси сифатида қаралган. («Органон» - лот. *organum* - қурол, асбоб, Аристотель мантиқий асарларининг умумий номи.) Бу асарда Аристотель, хусусан, формал-мантиқий қонунни таърифлаган бўлиб, унга мувофик ҳаққоний фикрлаш зиддиятсиз фикрлаш демакдир деб таъкидлайди. Аммо «Метафизика» асарида (лот. *metaphisica* – бутун борлиқнинг илк асослари ҳақидаги таълимот) Аристотель оламнинг умумий асосларига тавсиф беришга ҳаракат қилади ва фалсафий категориялар материя, шакл, сабаб, зарурият ва бошқалар ҳақида сўз юритади. Мазкур категорияларга Аристотель уларнинг ички қарама-қаршиликларини тушунишни назарда тутувчи онтологик маъно юклайди. Бундан фикрдаги зиддият у янглиш эканлигининг бош белгиси, борлиқнинг зиддиятлилиги ҳақидаги таълимот эса – у ҳаққоний эканлигининг бош белгиси, деган хулоса келиб чиқади. Бироқ борлиқ зиддиятлари ҳақидаги фикр қандай қилиб зиддиятлардан холи бўлиши мумкин? Ҳамонки у борлиқнинг зиддиятлилигига ишора қилмас экан, у қандай қилиб ҳаққоний бўлиши мумкин? Шу тариқа фалсафий категориялар ва формал мантиқ категориялари ўртасида фарқ юзага келади. Кейинчалик бу фарқ формал ва диалектик мантиқ ўртасидаги зиддиятга айланади. Формал мантиқ биз қандай фикрлашимиз лозимлигини кўрсатиб, норматив функцияни бажариш учун мўлжалланган фикрлаш қонунлари билан чекланади. Диалектик мантиқ ҳам фикрлаш ва билиш методларига кўйиладиган талаблари бажарилиши лозимлигини кўрсатади, бироқ айни вақтда у диалектик мантиқ қонунлари нафақат бизнинг тафаккуримизда, балки нарсаларнинг ўз табиатида ҳам амал қилади, деган фикрга асосланади.

Янги давр (XVII аср). Янги даврда фан ривожланади. Унинг бош вазифасини олимлар табиат қонунларини аниқлашда кўрдилар. Инсоннинг синчков ақли табиат ҳодисаларининг ўхшаш ўзаро таъсирларида муқаррар тарзда такрорланувчи барқарор алоқалар мавжудлигини қадим замонлардаёқ пайқаган эди. Бунда муҳим, такрорланувчи хоссалар фан ва фалсафа категорияларида қайд этилади, уларнинг ўртасидаги такрорланувчи алоқалар эса табиат қонунлари сифатида тушунилади. Фан ва фалсафа қонунлари муҳим хоссаларида ўхшаш, иккинчи даражали хоссаларига кўра эса бири-бирдан фарқ қиладиган табиий жараёнлар ранг-баранг вариантларининг



п

идеал инварианти* ҳисобланади. Янги давр файласуфларининг асосий эътибори илмий билиш методологияси муаммоларига қаратилади. Бунда юзага келадиган энг катта қийинчилик зиддиятли бирлиги англаб етилмаган, эмпиризм ва рационализм диалоги эса эмпиризмнинг тантанаси билан тугаган эмпирик ва назарий билимнинг ўзаро нисбати муаммосидир.

XVIII аср охирида немис классик фалсафасининг атоқли намояндаси Иммануил Кант XVII-XVIII асрлар фани ва фалсафасининг ғоялари ва категорияларини тизимга солишга аҳд қилади. Шу мақсадда у категорияларнинг уч гуруҳи: *ҳиссиёт*, *идрок* ва *ақл* категорияларини фарқлайди. Кант барча категориялар априор (тажрибада кўрилмаган) хусусиятга эга эканлигини қайд этади. Билиш категорияларини Кант тажрибага йўл очадиган дастлабки конструктив схемалар сифатида талқин қилади. Категориялар билаётган инсон ҳиссий таассуротлар хаоси устига «ташлайдиган» ва ҳар хил таассуротларни таснифлаш, таърифлаш ва ўзаро боғлашни амалга оширадиган тушунчалар «тўри»га ўхшатилади. *Ҳиссиёт категориялари таркибига* Кант макон ва вақт тушунчаларини киритади. Улар бизнинг ўз сезги органларимиз кўрсатган нарсаларни умумлаштириш ва англаб етиш қобилиятимизни тавсифлайди. Идрок категориялари таркибига Кант категорияларнинг тўрт туркуми: *миқдор*, *сифат*, *нисбат* ва *модаллик*ни киритади. У инсон идрокининг априор шакллари объектив ва умумий мазмунга эга бўлади, бунинг натижасида тажриба умумий ва зарурий аҳамият касб этади, деб қайд этади. Ақл категорияларини Кант ғоялар деб номлайди. Кант фикрига кўра, ғоя мумкин бўлган тажриба чегарасидан четга чиқувчи тушунчадир. Ғоялар бизнинг амалий ва билиш фаолиятимизни тартибга келтирувчи ва тизимга солувчи схемаларга айланади. Улар инсон фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган тартибга солиш функциясини бажаради. Схема – бу билиш методи ва йўналиши: у предметни тушунтирмайди, балки биз ақлга таянган ҳолда бутун оламнинг хоссалари ва алоқаларини қандай аниқлашимиз лозимлигини кўрсатади. Тартибга солувчи ғоялар сифатида Кант инсон (жон) ғояси, эркин ирода ғояси ва «*нарса ўзида*» ғоясини қайд этади. Худо ғоясига келсак, Кант бу ғоя предметини шаклшубҳасиз қабул қилиш (у ўз ҳолича мавжудлигини тахмин қилиш) учун ҳеч қандай асосга эга эмаслигимизни таъкидлайди. Бу ғоя фақат бизга ақл дунёдаги барча алоқаларга олий ақл ниятининг маҳсули сифатида қарашни амр этишини кўрсатади. Бошқача айтганда, ақл бизга, Худо борлиги ёки йўқлигидан қатъий назар, Худо амалда мавжуд, деб тахмин қилишни буюради. Аммо биз Худонинг борлигини аниқ била олмаймиз, чунки Худо ғояси тажрибада ўз тасдиғини топмайди. Худо ғояси назарий ақлни эмас, балки амалий ақлни тартибга солиш воситаси (регулятори) сифатидагина маъно касб этади: агар табиатшунос бу ғояга нафақат регулятив даражада, балки интуитив даражада ҳам амал қилса (яъни Худо борлигига далил-исботсиз ҳам ишончи комил бўлса), бу ялқов ақл саналади ва у илм билан

* Инвариант – мазмунини айрим ходисалар туркуми барча муайян кўринишлари асосий белгиларининг нисбатан барқарор мажмуи ташкил этадиган тушунчани ифодаловчи тил бирлиги



п
шуғулламанмагани маъқулроқдир. Кант ақл ғояларини нотанқидий идрок этишдан сақланишга чақиргани бежиз эмас: унинг фикрича, ақл ғоялари нафақат конструктив, балки деструктив рол ўйнаши ҳам мумкин. Ақл тажрибада синалган билим чегарасидан четга чиққан ва фақат тажрибада ҳеч қачон кўрилмайдиган соф тушунчалар билан иш кўрган ҳар бир ҳолда шундай бўлади. Ҳақиқийлиги ёки сохталигини бирон-бир тажрибада аниқлаш мумкин бўлмаган фикрлар ҳам мавжуд. Юқорида кўрсатилган сабабларга кўра фан ҳисобланмайдиган метафизика (Кант бўйича - фалсафа) тушунчалари ана шундай хусусиятга эга. Кант инсон доим тажрибада кўрилган билим чегарасидан четга чиқиш ва табиий фанларнинг имкониятлари чекланган билимларини бутун дунёга нисбатан татбиқ этишга ҳаракат қилишини таъкидлайди. Тажриба чегарасидан четга чиқиш биз, масалан, дунё вақтда ва маконда чекланган – дунё вақтда ва маконда чексиздир, дунёда ҳамма нарса мақсадга мувофиқдир – табиатда мақсадга мувофиқлик мавжуд эмас, Худо бор – Худо йўқ каби қарама-қарши фикрларнинг иккаласи ҳам ҳаққоний эканлигини исботлашимиз мумкин бўлган ақлнинг янглишишларига олиб келади.

Барча категорияларни Кант онгимизнинг билиш объектига эмас, балки субъектига тегишли бўлган априор элементлари деб эълон қилади. Априор элементлар деганда туғма эмас, балки индивиднинг ривожланиш жараёнида ўзлаштирилган элементлар тушунилади.

Кант мулоҳазаларининг мантиғини тушуниш учун бола нутқ қобилятининг ривожланишини кузатамиз. Бунда биз бола сўзларни уларнинг умумий қабул қилинган маъносида эмас, балки мазмунини ўзи ўзлаштирган сўзлар билан ўхшашлик бўйича қўллашини албатта пайқаймиз. «Ойи, менинг умуртқам қаерда?», деб сўрайди сиздан кичкинтой ўғлингиз. – «Мана у», деб унинг умуртқасини кўрсатасиз. «Йўқ, - деб у бош чайқайди, ва менинг умуртқам мана бу ерда», деб кўли билан ўз қулоғини кўрсатади. Бу мисол бола туғилган пайтдан бошлаб тайёр нутқ шакллариини ўзлаштиришини тасдиқлайди. Боланинг шахсий ҳаёт тажрибаси янги сўзларни ўзлаштириш изидан қувиб етолмагани боис, у мазкур сўзларга ўзининг тор тажрибасидан олинган маълум маънони юклайди. Аввалига сўз шакли, сўнгра унинг тажрибадан олинмайдиган маъноси, аввал сўзлар, сўнгра – тушунча, сўзлар эса одамлар ўтган авлодлари маданиятининг ютуқларидан олинади: **«apriori» - сўзма-сўз таржимада «аввалгидан» деганидир.**

Кант мулоҳазалари замирида бола туғилган пайтдан бошлаб шаклланган тил, нутқ, фикрлаш мантиғи ва маданиятга дуч келади, деган фикр ётади. Тил, тайёр мантиқий шакллар таассуротлар хаосини маълум даражада тартибга солиш, борлиқ манзарасига оқилона тус бериш учун имконият яратади. Кант фикрига кўра, тил ҳиссий таассуротлар тажрибасидан олдин келади, илмий ва одатдаги билишнинг зарурий омили ҳисобланади. Мушоҳада юритиш ва идрок этиш шакллариининг априорлиги ғояси Кантга ҳиссий ва оқилона билишнинг бирлигини кўрсатиш имконини беради: «сезгилар ёрдамида биз нарсаларни биламиз ва фақат билишгина бизга мушоҳада юритиш имконини беради; нарсаларни биз ақл билан идрок



п
этамиз ва идрок этиш натижасида тушунчалар юзага келади»¹. Ақл мулоҳазаларининг далил-исботи «фақат шунга асосланадики, улар ҳар қандай тажрибанинг интеллектуал шаклини ташкил этади ва шу сабабли уларнинг қўлланилиши доим тажрибада кўрсатилиши мумкин»². Умуман олганда, тажрибада тасдиқланмаган ҳар қандай тушунча уйдирмадан бошқа нарса эмас.

Кант таклиф қилган фалсафий категориялар таснифи борлиқ ва билиш категорияларинигина ўз ичига олмайди. Кант фалсафасининг таркибий қисмини «Соф ақлнинг танқиди» - «Амалий ақл танқиди» ва «Мулоҳаза юритиш қобилятининг танқиди» асарлари ҳам ташкил этади. Бу асарларда мутафаккир инсоннинг маънавий қобилятларини ахлоқ ва эстетика категорияларида тавсифлайди. Шундай қилиб, Кант шундай бир ўзига хос тизимни яратадики, у Европа фалсафий тафаккурига, айниқса немис фалсафасига жуда кучли таъсир кўрсатди.

Фихте. Кант ғоялари немис идеализмининг таниқли намояндалари – Фихте, Гегель, Шеллинг асарларида танқидий ёндашув билан қайта ишланди ва ривожлантирилди. *И.Фихте фалсафага ахлоқий қонун олий тамойили саналган мустақил онтологик асос сифатидаги фаолият категориясини киритди.* Шу сабабли Фихте билишни ҳам субъект, яъни «Мен» (унинг терминологиясида) фаолиятининг маҳсули сифатида тушунади. Билиш объекти («Мен эмас»)га келсак, у инсон «Мени»нинг маҳсули саналса-да, лекин амалда мавжуд бўлган нарса эмас. Шу ўринда, инсон дунёнинг яратувчиси экан-да, деган табиий бир савол туғилади. Фихте ўз нуктаи назарини шундай тушунтиради: «Мен эмас», яъни табиат «нарса ўзида», яъни объектив борлиқдир, лекин бизнинг «нарса ўзида» ҳақидаги билишимиз ўз таассуротларимизни англаб етишимиздан бошқа нарса бўлмай, уларнинг манбаи «нарса ўзида» эмас, балки ақл-заковатимиз ҳаракати, яъни «соф Мен»дир. Фихте мушоҳадага асосланган билимнинг ролини инкор этмаган ҳолда, табиатни билишни ҳам, инсоннинг табиат устидан ҳукмронлиги доирасини кенгайтиришни ҳам таъминлайдиган амалиётни биринчи ўринга кўяди. Фаолият назарий иш кўрадиган билувчи «Мен» билан «Мен эмас» дунёси ўртасидаги боғловчи бўғин ҳисобланади, шу сабабли реал борлиқни фақат амалий ҳаракатлар ёрдамида билиш мумкин. Амалда инсон табиат предметларини ўз эҳтиёжларига мувофиқ ўзгартиради ва шу боис ўзгартирилган табиатда инсоннинг ўзи аниқ акс этади. *Фихтенинг хизмати шундаки, у назарий муомалага, фалсафий категориялар тизимида амалиёт тушунчасини киритди ва шу тариқа билиш назариясини ҳам, антропология, яъни инсон ҳақидаги таълимотни ҳам сезиларли даражада бойитади.*

Ф.Шеллинг фалсафий категорияларни тадқиқ этиш ва ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшди. Шу маънода Ф.Шеллингнинг натурфалсафаси (табиат фалсафаси) айниқса диққатга сазовордир. Табиатни тушунишда Шеллинг пантеистдир, у Худо ва табиатни тенглаштиради. Табиатнинг ривожланишини Шеллинг онгнинг шаклланиш жараёни,

¹ Кант И. Соч. Т. 6.М.: АСТ, 1999. – С.127.

² Кант И. Соч. Т. 6.М.: АСТ, 1999. – С.127



п
онгсизликдан онглилик сари ҳаракат сифатида тавсифлайди. Онгнинг шаклланиш механизмини Шеллинг табиатда кутблилик (қарама-қаршилиқлар бирлиги) ва тадрижийликнинг мавжудлиги билан изоҳлайди. Тадрижийлик, яъни табиат эволюцияси босқичларини Шеллинг кутблиликда кескинликнинг пасайиши маҳсули сифатида тушунтиради. У жонли организмлар ноорганик шакллардан вужудга келади, ҳаёт эса модда синтези ва парчаланишининг бирлигидир, деб ҳисоблаган.

Шеллинг ўз натурфалсафасининг таърифланган муҳим тамойиллари – табиатнинг диалектик бирлиги, ривожланиши ва умумий икки тарафламалигини инсоннинг табиатни тушунишига нисбатан татбиқ этади. Фихтега эргашиб Шеллинг ҳам билишнинг ривожланишини билишнинг назарий босқичларидан амалий босқичлар сари ҳаракат сифатида таҳлил қилади. Онгнинг шаклланиш асосини Шеллинг инсоннинг дунёга нисбатан ҳаракатлари билан боғлайди. Ўзликни англаш тадрижийлик, яъни мушоҳада юритишнинг қуйи шакллари - сезиш, идрок этишдан тасаввур қилиш ва рефлексияга ўтиш сифатида шаклланади. Нима учун айнан фаолият, онг ва билишнинг ривожланиш манбаи ҳисобланади? – Шеллинг қуйидагича мулоҳаза юритади: амалий фаолиятда инсон ўзининг маънавий қобилиятларини моддийлаштиради (объектга айлантиради), улар инсон ўзгартирган табиат предметларида яшашда давом этади. Шундай қилиб, инсон фаолияти натижасида табиат соф табиатга ва инсон томонидан ўзгартирилган табиатга ажралади. Инсоннинг муҳим хусусиятлари моддийлашган айни шу ўзгартирилган табиат инсон онги ва ўзлиги ривожланишига кўмаклашади. Аммо индивидларнинг ўзаро алоқаси, уларнинг мулоқоти инсонга бундан ҳам кучлироқ таъсир кўрсатади. Умуман олганда Ф.Шеллинг Гегель диалектикасининг аксарият ғояларини ундан олдинроқ илгари суради ва кўп жиҳатдан ундан ўзиб кетади, чунки Гегель табиатда ривожланишнинг мавжудлигини рад этади, Шеллинг эса, аксинча, нафақат инсон руҳи, балки табиат ривожланишининг умумий тамойилларини ҳам таърифлаб берди, табиатнинг тадрижий ривожланиш жараёни онг шаклланиши билан ниҳоясига етишини қайд этди. Шеллинг ғоялари Гегель фалсафасида ўзининг мукамал ифодасини топди.

Маълумки, **Г.Гегель** диалектика фалсафасининг энг кучли томони ҳисобланади. У диалектикани мантиқ ва билиш назарияси билан тенглаштиради. Гегель фалсафасида дунё мутлақ руҳнинг ўз-ўзини ривожлантириши сифатида намоён бўлади. Мутлақ руҳ бир вақтнинг ўзида ҳам субстанция (борлиқ асоси), ҳам субъект, яъни ўз ривожланиши ва билишининг манбаидир. Инкорни-инкор Гегель фалсафасининг асосий тамойили ҳисобланади. Икки томонлама инкор этиш ғоясига мувофиқ мутлақ ғоянинг ривожланиши қуйидаги уч босқичдан ўтади: соф борлиқ (тезис), йўқлик (антитезис); мавжуд борлиқ вужудга келиш ва йўқ бўлиш сифатида, шаклланиш (синтез). Билишнинг уч босқичи (триада) ғояси Гегель фалсафасини тўла қамраб олади. Нафақат Гегелнинг бутун фалсафаси, балки у илгари сурган фикрларнинг ҳар бир кичик ҳужайраси ҳам уч қисмга бўлинади («Мантиқ фани», «Натурфалсафа», «Руҳ фалсафаси»). Масалан,



п
мантиқни Гегель илоҳий ақлга мос келадиган соф ақл соҳаси сифатида таърифлайди. У уч қисмдан иборат:

- борлиқ;
- моҳият;
- тушунча.


Мантиқнинг биринчи қисмида Гегель борлиқ тушунчасини тавсифловчи категориялар: сифат, миқдор, меъёрга таъриф беради. Сифатни Гегель «борлиқ билан айний бўлган бевосита муайянлик» деб таърифлайди. Айни шу сабабли предмет ўз сифатини йўқотар экан, ўзининг аввалги моҳиятини ҳам йўқотади¹. Миқдор сифатнинг инкоридир: «Миқдор соф борлиқ бўлиб, унда муайянлик борлиқ билан айний эмас, балки йўқолган ёки бефарқ тус олади»². Меъёр – предмет борлигининг чегараси; миқдор ўзгаришларининг шундай бир чегарасики, бунда предмет ўзининг аниқ сифатини йўқотмайди. Миқдор ўзгаришлари меъёри чегарасидан ўтар экан, предмет янги сифат ҳолатига ўтади.

Гегель диалектикасида моҳият ҳақидаги таълимот – бу ҳаракатлантирувчи куч ҳақидаги таълимотдир. Моҳият ички зиддият, қарама-қаршилиқларнинг айнийлиги демакдир. Айниятни Гегель тафовутни ўз ичига олувчи нисбий айният сифатида тушунади. Гегель айниятнинг математик типдаги ($A=A$ қабилдаги) формал-мантиқий талқинини танқид тиғи остига олади. Айният ҳақидаги таълимотда Гегель айният, тафовут, қарама-қаршилиқлар, зиддиятлар каби тушунчаларга таъриф беради. Гегель моҳиятни у ёки бу даражада тавсифловчи айрим бошқа категориялар, чунончи: асос, ҳодиса, мавжудлик, намоён бўлиш, муносабат, борлиқ, субстанциялиқ, каузалиқ, ўзаро алоқани ҳам кўриб чиқади. Гегель моҳият рефлексия сифатида ҳам, объективлик омили сифатида ҳам тавсифланиши мумкинлигини қайд этади. Моҳият ҳодисадан айри ҳолда мавжуд нарса эмас, ҳодиса эса моҳиятни яширувчи нарса эмас, у моҳият билан узвийдир. Моҳият ҳодисада қандай намоён бўлишини ва ҳодиса моҳиятни қандай ифодалашини кўриш лозим. Моҳият кўриниш (рўё) ва намоён бўлишга ажратиш мумкин бўлган ҳодисанинг томони ҳисобланади. Аммо рўё ҳам ҳодисани нафақат ниқоблайди, балки уни намоён этади.

Тушунча ҳақидаги таълимотда Гегель объектив тушунчани фарқлайди (у нарсаларнинг ўзида яшайди, унинг мавжудлиги туфайли нарсалар моҳият касб этади, нарсани англаш унинг тушунчасини англаш демакдир. Субъектив тушунча бизнинг борлиқни билиш усулимиз сифатида таърифланади. Умуман олганда Гегель мантиғида тушунчалар (категориялар)нинг ривожланувчи тизими ўз ифодасини топади. Унинг фикрича, тушунчалар диалектикаси нарсалар диалектикасини белгилайди. Ҳар бир категория муайян мазмунга эга бўлади ва инкорни-инкор тамойилига кўра ҳал қилинадиган ўз қарама-қаршилигининг мавжудлигини назарда тутаяди. Натижада янада умумийроқ тушунчалар тизими вужудга келади.

¹ Каранг: Гегель Г.В.Ф. Энциклопедия философских наук. Т. 1. – М.: Прогресс, 1974. – С.228

² Гегель Г.В.Ф. Соч. Т. 1. – М.: 1999. – С.170.



п

Билиш назариясида Гегель ўзининг тафаккур ва борлиқнинг айнийлиги ҳақидаги ғоясини асослашга ҳаракат қилади. У нарсалар ҳақидаги фикр ва нарсаларнинг ўзи мос келишини, аммо бу айният тафовутни ҳам ўз ичига олишини қайд этади. Билиш ривожланишининг умумий тамойили – мавҳумдан муайянга юксалишдир. Билиш жараёнида Гегель уч асосий босқич: ҳиссий аниқлик, идрок ва ақлни фарқлайди. Ҳиссий аниқлик англашнинг тўғрилигига, яъни бизнинг сезгиларимиз нарсанинг яхлит образини қайд этаётгани ва унда ҳеч нарсани эътибордан четда қолдирмаётганига ишонч уйғотади. Идрок предметни ўз хоссаларига эга бўлган нарса сифатида тушунади. Ақл нарсанинг ҳиссий қиёфаси ортида унинг ички мазмуни, моҳиятини топишга ҳаракат қилади. Борлиқ ва тафаккурнинг айнийлиги ғояси Гегелни Аристотель мантиғи амалда тўқнаш келган зиддиятга қайтаради: агар борлиқ ичдан зиддиятли бўлса, ўз-ўзига қарши бормасдан фикрлаш мумкин эмас. Гегель мазкур зиддиятни истисно этилган учинчи формал-мантиқий қонунининг янглишлиги ҳақидаги фикр ёрдамида ечишга ҳаракат қилади. У зиддиятларни фикрлаш мумкин эмас, деб ўйлаш хато эканлигини қайд этади. Гегель учун зиддиятлар – ҳаракат манбаи, фикр қарама-қаршилиги – фикрнинг ҳаракат манбаидир. *Гегель билиш зиддиятлари ва объектив зиддиятларни фарқлайди.* Шу тариқа у диалектик қарама-қаршилиқни асоссиз равишда формал-мантиқий қарама-қаршилиқ билан алмаштиради.

Гегель ўз натурфалсафасида ўзи яшаган даврнинг муайян бўлган илмий тасаввурларини баён этади. У табиатни мутлақ руҳнинг ўзгача борлиғи сифатида тавсифлайди ва унинг вазифаси ўз фалсафасининг учинчи қисми – руҳ фалсафасида амалга ошадиган синтезга замин яратишдан иборат эканлигини қайд этади. Гегель таърифлаб берган табиатни ўрганишнинг асосий тамойиллари ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Булар: антиредукционизм, табиатни ўрганишга нисбатан яхлит ёндашув, табиат асосий соҳалари: механика, физика, органиканинг ўзига хос хусусияти кабилардир.

XX асрда категорияларга муносабат. XX асрда биз яшаётган сайёра қиёфаси бутунлай ўзгарди. Инсоннинг тийиксиз ишлаб чиқариш фаолияти инсониятни дунё миқёсидаги экологик тангликка гирифтор этди. Ютуқлар ва зиддиятлардан иборат оғир ва машаққатли глобаллашув жараёни юз берди. Фанда, хусусан астрофизикани, Оламнинг келиб чиқишини ўрганиш борасида эришилган ажойиб ютуқлар, эҳтимоллик назариясини математик асослаш, системалар умумий назарияси, турли типдаги системаларнинг қонуниятлари ҳақидаги тасаввурларнинг ривожланиши ва ҳоказолар диалектиканинг категориялар аппаратини сезиларли даражада бойитди ва уларга аниқлик киритди. Диалектика категориялари ҳақидаги тасаввурларга синергетика ҳам жиддий тузатишлар киритмоқда. (Унинг категорияларини биз тегишли бўлимларда кўриб чиқамиз.) Сўнгги ўн йилликларда фалсафий тадқиқотлар доирасига бутунлай янги соҳа – виртуалистика кириб келмоқда. Унинг фалсафий мақомини ва категориялар тизимини белгилаш шаклланиш босқичини бошдан кечирмоқда. Ҳозирги вақтда фалсафада илмий ва



п
ноилмий билишнинг нисбати, билиш субъектининг роли, фалсафий категорияларнинг билиш жараёни ва одамлар амалий фаолиятидаги ролини тушунишга нисбатан ёндашувларда туб ўзгаришлар юз бермоқда. Бу фалсафа ўтмишнинг фалсафий тафаккури эришган ютуқлардан воз кечяпти, деган маънони англатмайди. Ўтмиш мутафаккирларининг дунёқараши қандай қонунларга мувофиқ ўзгарган бўлса, ҳозирги замон фалсафаси ҳам шу қонунларга мувофиқ ўзгармоқда ва ривожланмоқда: фан ва амалиёт муқаррар тарзда бизнинг дунё ҳақидаги тасаввурларимизга ўз тузатишларини киритмоқда.

Категория тушунчаси ва унинг таснифи. Категория нима? Бу саволга жавоб бериш учун биз қандай фикрлашимиз ва ўз фикрларимизни бошқа одамларга қандай етказишимизни кўриб чиқамиз. Биз тушунчалар, мулоҳазалар ва мушоҳадалар кўринишида фикрлаймиз. Фикрлаш жараёнининг асосий материали тушунчалар бўлиб, предметлар ўз умумий ва муҳим белгиларида улар орқали фикрланади. Тушунчалар ёрдамида биз воқеа ва ҳодисалар маъносини англаймиз, уларнинг ўзимиз учун аҳамиятини аниқлаймиз. Тушунча ва тушуниш ўзакдош сўзлардир, шу сабабли бизнинг дунёни тушунишимиз, дунёга онгли муносабатимиз инсон ихтиёрида мавжуд бўлган тушунчалар аппарати билан белгиланади. Биз ўз фикрларимизни сўзлар ёрдамида ифодалаймиз. Сўз – фикр ва дунё ўртасидаги воситачи. У фикрлаш омили, фикрни ифодалаш, уни бошқаларга етказиш воситаси ҳисобланади. Сўз бойлигимиз қанча катта бўлса, бизнинг дунёни англаш борасидаги имкониятларимиз шунча кенг бўлади. Обьектив борлиқни аниқроқ ва тيرانроқ акс эттириш учун инсон фикрлаш мантиқий воситаларининг муайян мажмуини, тушунчаларнинг муайян доирасини яратади.

Тушунча – бу шундай бир фикрки, унда нарсанинг такрорланувчи хоссалари, алоқалари ва томонлари акс этади. Тилда тушунча сўз билан ифодаланади. Масалан, «талаба», «университет», «аудитория» сўзлари маълум даражада умумий, мавҳумдир. Аммо шундай тушунчалар ҳам борки, уларда шунчаки умумий эмас, балки ўта умумий нарсалар ва ҳодисалар қайд этилади. Бундай тушунчалар жуда юқори даражадаги мавҳумлаштириш (муайяндан узоклашиш) маҳсули ҳисобланади.

Мана бундай мавҳумлаштиришнинг тахминий йўли: «бу атиргул» («бу» сўзи билан аниқ белгиланган); «атиргул» («бу» ишораси мавҳумлаштирилган); «атиргул» сўзи «бу атиргул» иборасидагидан умумийроқ нарсани қайд этади. Шундан сўнг бу иборага «гул» сўзини қўшамиз ва у амалда мавжуд барча гулларни қамраб олади. Шундай қилиб биз гулларнинг муайян ранг-баранглигидан фикран узоклашамиз, чунки эътибор барча гулларда мавжуд бўлган умумий жиҳатга қаратилади. «Ўсимлик» сўзи бутун ўсимликлар дунёсини ўз ичига олади ва янада кенгроқ мавҳумлик ҳисобланади. Мавҳумлаштириш (муайяндан узоклашиш) йўлида ҳаракатни давом эттирамиз. Бу йўлда «тирик» тушунчаси янада умумийроқ бўлади, чунки ўсимликлар дунёсинигина эмас, балки ҳайвонот дунёсини ҳам ўз ичига олади. «Тириклик» тушунчаси мавҳумлаштиришнинг янада



п юқорироқ даражасида туради. Бундай тушунчалар категориялар (юнон. – асос, умумий баҳо) деб аталади.

Фикр бизнинг дунё билан ўзаро алоқа қилиш тажрибамизни у ёки бу даражада умумлаштиради. Дунё ўз хоссалари, нарсалари ва муносабатларининг ранг-баранглиги жиҳатидан чексиз даражада бойдир. Бизнинг сўз бойлигимиз ўзимиз яшаётган дунёдан кашшоқроқдир. Фанда янги кашф этилган ҳодисаларни ифодалаш учун мос келадиган атамани топиш зарурияти тез-тез юзага келиши тасодифий ҳол эмас. Бизнинг дунё ҳақидаги тасаввурларимизни ифодаловчи сўзларнинг маъно бойлиги қанча аниқ бўлса, тафаккуримиз шунча теранроқ бўлади, бизнинг тушунчалар аппаратимиз қанча кенг бўлса, фикрлаш қобилиятимиз шунча комилроқ бўлади.

Ҳар қандай тушунча муайян нарсалар ва ҳодисаларнинг жамулжам ифодаси ҳисобланади. Аммо унинг ҳажми, яъни унда фикрланган нарсалар ва ҳодисалар миқдори ҳар хил бўлади. Масалан, ҳар қандай халқнинг тарихан вужудга келган тилида одамлар кундалик ҳаёти ва фаолиятининг тажрибаси қайд этиладиган ва англаб этиладиган тушунчалар мавжуддир. Ижтимоий ҳаётнинг мураккаблашуви табиий тил сўз бойлигининг кенгайиши ва бойишига туртки беради. Фан ва фалсафанинг ривожланиши алоҳида мақомга эга бўлган ва билиш жараёнида махсус функцияларни бажарадиган тушунчалар шаклланишига олиб келди. Бу тушунчалар категориялар деб номланди. *Категория* (юнон. *kategoria* – таъриф, мулоҳаза) – борлиқ ҳодисалари ва унда ҳукм сурувчи муносабатларнинг муҳим, типик мазмунини ўзида акс эттирадиган ўта кенг тушунча. Шундай қилиб, табиий тил тушунчалари фан ва фалсафа категориялари билан тинимсиз бойиб боради. Категорияларни таснифлаш, борлиқнинг турли шакллари ҳақидаги фалсафий тасаввурларга мувофиқ амалга оширилади.

Умуман олганда, категория қуйидаги хусусиятларни ўзига қамраб олади:

а) «категория» оламдаги муносабат, алоқаларни ифодаловчи умумий мазмун ва хусусиятга эга тушунча;

б) категориялар моддий оламдаги ҳаётни тавсифлагани ҳолда, бир бутунликда, ўзаро алоқадорликда бўлади, бир-бирини тақозо этади, белгилайди ёки юзага келтиради;

в) категория объектив мазмунга эга. Ҳар бир категория воқелик туфайли рўёбга чиқади, воқеликда намоён бўлади, воқелик мавжудлигининг ўзига хос хусусиятлари, томонлари, белгиларини ифодаловчи тушунчалар сифатида инсон тафаккурида акс этади;

г) категория умумий тушунчалар сифатида инсоннинг табиий-ижтимоий ҳодисалар моҳиятини билишга қаратилган билиш жараёни тарихининг натижалари ва воқеликни чуқурроқ била бориши-нинг илмий воситаларидир;

д) категориялар фалсафанинг ўзи сингари, барча фанлар учун илмий тадқиқот ва амалий фаолиятда методологик аҳамиятга эга бўлган илмий тушунча ҳисобланади;



п

е) категория назарияда, илмий билиш жараёнидагина эмас, балки амалиётда ҳам ўзига хос роль ўйнайди ва аҳамиятини сақлаб қолади. Уларнинг ўзаро алоқа ҳамда намоён бўлиш хусусиятларини билиш ҳаётда, фан ва амалиётда муҳим натижаларга олиб келади.

Ҳозирги замон фалсафасида ҳам категориялар, уларнинг мазмун-моҳияти, намоён бўлиш шакллари каби масалалар катта аҳамиятга эга. Кўплаб фалсафий оқимлар (экзистенциализм, фрейдизм, неопозитивизм, иррационализм ва ҳ.к.) ва фалсафий мактабларда (Ф.Ницше, А. Шопенгауэр) баркамол инсон (супермен) образини яратишга интилиш (Ф. Ницше), ўзлик дунёси ва мен дунёси, яъни ирода ва тасаввурдаги дунёлар ҳақида фикр юритиш (А. Шопенгауэр) характерлидир. Ҳозирги кунда инсон ва унинг фаолияти, жамият, табиат билан алоқадор тушунчалар тизимини ишлаб чиқиш билан илму фан ривожига катта аҳамият касб этадиган умумий тушунчаларнинг аҳамиятини кўрсатишга доир ишлар устида кўплаб тадқиқотлар олиб борилмоқда

Одатда фан категориялари, айрим илмий категориялар ва фалсафа категориялари фарқланади.

Фан категориялари табиий тил тушунчаларидан анча фарқ қиладиган сўзлар билан ифодаланади. Аксарият ҳолларда улар қадимги юнон ёки классик латин тилидан ўзлаштирилади, баъзан улар мазкур ҳодисани кашф этган олимнинг исми билан аталади. Илгари маълум бўлмаган ҳодисани ифодалаш учун сунъий тарзда яратилган сўзлар – *неологизмлар* ҳам анча кўп учрайди. Табиий тилдан фарқли ўлароқ, фан тушунчалари ва категориялари атамалар (терминлар) ҳисобланади, яъни эркин талқинга йўл қўймайдиган аниқ белгиланган ҳажм ва мазмунга эга бўлади.

Ҳар қандай фан борлиқнинг муайян томонларини ўрганар экан, албатта ўз категориялар аппаратини шакллантиради. Математика «сон», «дифференциал», «интеграл» каби категориялар билан боғлиқ. Биологияда «тур», «ирсият», «ўзгарувчанлик» каби категориялар мавжуд. Аммо, муайян фанларнинг категориялари маълум даражада умумий бўлса-да, борлиқнинг айрим соҳаларидагина қўлланилади ва мазкур соҳаларга хос бўлган алоқалар ва муносабатларни акс эттиради

Айрим илмий категориялар илмий билимнинг алоҳида соҳаларида қўлланилади, билишнинг муайян ва махсус соҳалари ҳақидаги билимларни умумлаштириш натижаси сифатида амал қилади. Моҳият нуқтаи назаридан бошқа фанларда қўлланилиши мумкин бўлмаган категориялардир Масалан, механикада «куч», «оғирлик», «тезланиш», биологияда – «тур», «ирсият», «мутация», «организм» шундай категориялар ҳисобланади.

Фалсафий категориялар фан категорияларидан бутунлай фарқ қилади. *Фалсафий категорияларнинг муҳим хусусияти, улар ўта кенг тушунчалар эканлигидир. Айни шу сабабли фалсафий категориялар ҳеч қачон ҳажман чекланган табиий тил тушунчалари даражасида соддалаштирилиши мумкин эмас.* Тушунчалар сифатида категориялар фикрлашнинг зарурий шакллари ҳисобланади. Ўта кенг тушунчалар сифатида улар универсал қўлланиш ва бутун оламни тавсифлашга даъвогар



п
бўлиши мумкин. Шу боисдан фалсафий категориялар дунёнинг манзарасини яратиш воситаси бўлиб хизмат қиладики, бу, умуман олганда, фалсафанинг бош вазифаси ҳисобланади. Ҳар қандай тушунчалар каби, категориялар инструментал функцияни бажаради, фикрлаш омили ва воситаси сифатида амал қилади. Шунингдек фалсафий категориялар инсоннинг турли ҳодисаларни билиш ва ўзлаштириш усули сифатида ҳам инструментал функцияни бажаради. Фалсафий категориялар илмий билишнинг муайян методологиясини, умуман борлиқни, айниқса инсон борлигини тушуниш меъёрларини яратиш орқали норматив функцияни ҳам бажаради. Категорияларнинг аҳамияти ва универсаллиги шу билан белгиланадики, билиш натижалари муқаррар тарзда категорияларда қайд этилади, категориялар шакл-шамойилини касб этади. Улар фан таркибининг зарурий қисми ҳисобланади. Зеро фан объекти фақат категориялар ёрдамида фикрланиши ва тушунилиши мумкин

Фалсафанинг вужудга келиши ва ривожланиши жараёнида фалсафий билиш предметининг ўзига хослигини ва фалсафий тафаккур хусусиятларини акс эттирувчи категориялар тизими мавжуд. Уларни мазмунан талқин қилиш дунёқарашнинг шаклланиш жараёни билан узвий боғлиқ бўлиб, фан, фалсафа ва умуман маънавий маданиятнинг ривожланишига қараб ўзгариб боради. Фалсафий категориялар таркиби ҳам кенгайди. Фаннинг аксарият категориялари фалсафий мақом касб этади. Илгари мавжуд бўлмаган янги жараёнлар ва ҳодисалар вужудга келиши билан боғлиқ ижтимоий ривожланиш тегишли тарзда фалсафий идрок этиладики, бу фалсафанинг тушунчалар аппаратини янада бойитади. Фалсафий тушунчалар ва категориялар билан иш кўриш маҳоратини ўзлаштириш талабанинг фалсафий маданиятини, умуман фикрлаш маданиятини шакллантиришнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Фалсафий категориялар – борлиқнинг умумий, муҳим томонлари, хоссалари, алоқалари ва муносабатлари ҳақида фикрлаш учун қўлланиладиган ўта кенг тушунчалар мажмуидир. Фалсафий категориялар тизимида шартли равишда тўртта муҳим гуруҳни фарқлаш мумкин.

1. Борлиқ категориялари фалсафий категорияларнинг биринчи ва энг муҳим гуруҳи бўлиб, улар ҳар қандай фалсафий муаммоларни таҳлил қилишда қўлланиладиган умумий категориялардир (фалсафий адабиётларда бу категорияларни диалектика категориялари ёки онтологик категориялар деб номлаш одат тусини олган). **Онтологик категориялар – бу фикрлашнинг ҳар қандай объектни билишда «ишлаш»га қодир бўлган универсал воситалари.** Улар шундай бир ўзига хос тилни ҳосил қиладики, унинг ёрдамида моддий объектлар ҳақидаги умумий тасаввурлар ифодаланади. Дарҳақиқат, фан ўрганаётган объектлар қай даражада ҳар хил бўлмасин, у мазкур объектларни тавсифлаш ва тушунтириш учун ҳаракат, макон, вақт, тасодиф, зарурият ва ҳоказо категориялардан фойдаланиши лозим. Категориялар тили – универсал тил: унда ҳар қандай объект ҳақида гапириш мумкин. Шундай қилиб, атрибутив модель ҳар қандай объектни



п
тавсифлаш учун яроқли бўлган атрибутлар тизими ҳам, категориялар тизими ҳам, тил тизими ҳамдир.

2. Иккинчи гуруҳни фалсафанинг турли бўлимларига тегишли бўлган махсус категориялар ташкил этади. **Субстанцион категориялар – бу бошқа категориялардан қатъий назар, алоҳида-алоҳида қўлланиладиган категориялар.** Бундай категориялар қаторига «борлик», «материя», «ҳаракат», «ривожланиш», «макон», «вақт», «зиддият» ва ҳоказолар киради. Улар объектив воқеликнинг муайян умумий хоссаларини қайд этади, лекин бу категорияларнинг бошқа категориялар билан алоқалари ҳақида бевосита тасаввур ҳосил қилиш имконини бермайди.


3. Учинчи гуруҳни махсус фалсафий фанлар: мантик, ахлоқ (этика), эстетика категориялари ташкил этади. Масалан, ахлоқ фанида фалсафий билимнинг айна шу соҳаси ва фалсафанинг ахлоқ билан турдош бўлимлари – антропология, ижтимоий фалсафа, аксиологияга хос бўлган категориялар тизими (яхшилик ва ёмонлик, шаън ва қадр-қиммат, ҳаёт маъноси, бахт ва бошқалар) вужудга келган. Тушунчалар, мулоҳазалар, мушоҳадалар, далиллаш ва ҳоказолар мантиқ категориялари ҳисобланади. Эстетикада гўзаллик ва хунуклик, фожеавийлик ва кулгилилик, улуғворлик ва тубанлик каби категориялар қўлланилади. Биз эса фалсафанинг умумий категорияларини кўриб чиқамиз.

Муносабатдош категориялар бири иккинчисини билан уйғун боғлиқ бўлиб, билиш жараёнида бири иккинчисини назарда тутати; уларнинг бири ҳақида тасаввур ҳосил қилганда бошқасини ҳисобга олмаслик мумкин эмас. Бундай категориялар қаторига яккалик ва умумийлик; ҳодиса ва моҳият; шакл ва мазмун; қисм ва бутун; сабаб ва оқибат; тасодиф ва зарурият; имконият ва воқелик қабилар киради.

Фалсафа категориялари муайян фанларнинг категорияларидан анча фарқ қилади. Бу фарқ шундан иборатки, диалектика категориялари объектив дунё ҳодисалари туркумланининг муҳим хоссалари ва алоқаларинигина эмас, балки барча моддий жараёнларга хос бўлган энг умумий хоссалар ва алоқаларни акс эттиради. Шундай қилиб, **диалектика категориялари объектив дунёни идеал акс эттиришнинг ўта кенг шакллари бўлиб, улар воқеликни билиш ва маънавий-амалий ўзгартиришнинг асосий тамойиллари бўлиб хизмат қилади.**

Атрибутлар ва категориялар. Атрибутларни атрибутлар ҳақидаги тушунчалардан фарқлаш лозим. Атрибутлар объектив борликда бизнинг онгимиздан қатъий назар мавжуд. Атрибутлар ҳақидаги тушунчалар эса – бу бизнинг онгимизда мавжуд бўлган улар ҳақидаги билимлардир.

Атрибутлар ҳақидаги тушунчалар онтологик категориялар деб аталади. Муаммо шундан иборатки, атрибут ҳам, уни акс эттирувчи тушунча (категория) ҳам тилда айна бир сўз билан ифодаланади. Масалан, сифат ва микдор атрибутлар сифатида моддий объектларга хос. Шу билан бир вақтда сифат ва микдор – бу бизнинг онгимизда мавжуд бўлган




п тушунчалардир. Сўзларнинг бундай «икки ёқламалиги» умуман олганда инсон тилига хос ва у билан доимо ҳисоблашиш керак. Айтайлик, «стол» деганда реал столни ҳам, стол ҳақидаги тушунчани ҳам назарда тутиш мумкин. Худди шунингдек «сифат» деганда атрибут ҳам, уни акс эттирувчи категория ҳам тушунилиши мумкин.


Фалсафа тарихида онтологик категориялар тизимининг турли вариантлари таклиф қилинган. Дастлабки тизимлардан бирини Аристотель яратган. Унинг асарларида категориялар борлиқнинг асосий «жинслари» сифатида ва шу билан бир вақтда объектларни ўрганишда илгари суриладиган ҳар хил нуқтаи назарлар сифатида амал қилади. Аристотель жами ўнта категорияни санайди: 1) моҳият, 2) миқдор, 3) сифат, 4) муносабат, 5) жой, 6) вақт, 7) ҳолат, 8) эгалик, 9) ҳаракат, 10) азоб-укубат. Бунда, албатта, категорияларнинг мазкур рўйхати нимага асосланиб тузилгани ва улар ўртасида қандай алоқа мавжудлиги аниқ эмас.

Кант талқинида категориялар фикр шакллари бўлиб, уларнинг воситасида биз тажрибада олинган маълумотларни тартибга соламиз; шу билан бир вақтда категориялар «умуман предмет ҳақида тушунча» бўлиб, уларнинг ақлимизда мавжудлиги ҳар қандай конкрет предмет ҳақида фикрлаш имконини беради. Категориялар априор ва ўзгармасдир. Кант уларни тўрт типга ажратиб тизимга солади¹.

Кантнинг категориялар жадвали




¹ Кант И. Сочинения В 6 т. Т.3.-М.: 1964.-С.175



Гегель категорияларнинг кенг тизимини яратишга ҳаракат қилган. У яратган тизимнинг ўзига хос хусусияти шундаки, унда категориялар Аристотель асаридаги каби шунчаки санаб ўтилмайди ва Кант жадвалидаги каби априор схема кўринишида берилмайди, балки Мутлақ зоянинг мантиқий ривожлантириш жараёнида вужудга келади. Гегель таълимотидаги Мутлақ ғоя ақл бўлиб, у, Кантнинг соф ақлидан фарқли ўлароқ, борлиқни белгилловчи тушунчаларни яратади. Дастлабки тушунча бўлиб, борлиқнинг энг абстракт тавсифи – «соф борлиқ» категорияси хизмат қилади. У «ўз-ўзидан» «ҳечлик» категориясига ўтади, сўнгра бу икки категориянинг синтезидан «шаклланиш» категорияси ҳосил бўлади ва ҳ.к. Натижада борлиқнинг янада аниқроқ тавсифлари тизими вужудга келади: сифат ва миқдор, ягона ва кўплик, чекли ва чексиз, ҳодиса ва моҳият ва б. Шундай қилиб, Гегелнинг категориялар тизими тушунчалар тизими бўлиб, уларда борлиқ фикрланади – яъни яратилади (Мутлақ зоя ёки «соф борлиқ», «фикрлаш стихияси» томонидан) ва англаб етилади (бизнинг инсоний ақлимиз томонидан).

Гегелнинг тушунчалар диалектикаси инсон билимининг ривожланиш тажрибасини умумлаштирувчи кўп сонли ноёб ғоялардан иборат. Гегелнинг хизмати шундаки, у категориялар ўртасидаги алоқаларни ўрганган. Унинг тизимида категориялар бир-бирига ўтади, «қуйилади». Аммо Гегель тизимида лозим даражада асосланмаган, мавҳум, баъзан сўз ўйинига айланадиган ва категорияларнинг «ўз-ўзидан ҳаракати» ва бир-бирига айланишини оқлаш учунгина керак бўлган мулоҳазалар ҳам анчагина.

Гегелда «соф фикр салтанати»да яратилувчи категориялар борлиқнинг хоссаларини белгиласа, материалистик нуқтаи назардан, аксинча, борлиқнинг хоссалари – унинг атрибутлари категорияларда акс этади ва уларнинг мазмунини белгилайди. Ҳамонки атрибутлар онгимиз орқали категорияларда акс этар экан, атрибутив моделни (яъни моддий объектнинг атрибутлар тизимини) тузишнинг вазифаси айни вақтда тегишли **онтологик категориялар тизимини** яратишдан иборат.



п

Атрибутив моделни тузиш тамойиллари. Объектларнинг қайси хоссаларини атрибутив деб ҳисоблаш лозим? Атрибутлар мазмуни нимадан иборат (ёки онтологик категориялар мазмуни нимадан иборат)? Атрибутлар (категориялар) бир-бири билан қандай боғланган? Атрибутив моделни тузиш учун ечиш зарур бўлган асосий муаммолар ана шулардир. Бу муаммоларни ечишда амал қилиш мақсадга мувофиқ саналган бош тамойилларни кўриб чиқамиз.


Биринчи тамойиллар: инсоннинг билиш тарихий амалиётини умумлаштириш. Инсоният тўплаган дунёни билиш тажрибаси – бу онтологик умумлаштиришларнинг **эмпирик базиси**. Эмпирик базиснинг мумкин қадар кенглиги – уларнинг ишончлилиқ даражасини оширишнинг зарурий шарти. Бу базис уч асосий қатламга эга. Биринчи – соғлом ақл, халқ донишмандлиги, тил меъёрлари ва ҳоказоларда ифодаланган ҳаёт тажрибаси. Иккинчи – илмий билиш натижалари. Учинчи – илмий билимларнинг ривожланиш мантиқини ўрганиш.

Онтология, аввало, фан тўплаган борлиқ ҳақидаги маълумотлар мазмунини умумлаштиради. Бироқ яна бир ҳолат ҳам муҳимдир. Фалсафий тадқиқот билиш жараёнлари ҳамма жойда «нимани» билиш лозимлигини белгиловчи аниқ ёки ноаниқ дастлабки шартларга таянишини кўрсатади. Бу билиш жараёни бошлангунга қадар субъект объектда ўзи билишни мўлжаллаган хоссалар мавжуд эканлигини тахмин қилишини англатади. Бундай хоссалар – атрибутликка «номзодлар»дир.

Атрибутлар ҳақида дастлабки тасаввур одамларда файласуфлар бу ҳақда нима дегани ва ёзганидан қатъий назар мавжуддир. Тўғри, улар анча мавҳум бўлиши ва аниқ англамаслиги мумкин. Файласуфнинг иши – бундай тасаввурлар билиш тарихий амалиёти нуқтаи назаридан қай даражада ўринли эканлигини таҳлил қилиш, уларни аниқлаш ва тизимга солиш, уларнинг мазмуни ва ўзаро алоқасини ёритиб беришдир. Бу атрибутив моделни шакллантиришнинг муҳим йўллари билан биридир.

Шундай қилиб, объект атрибутив моделининг мазмуни одамлар тўплаган атроф муҳитни билиш тажрибасини умумлаштиради. Аммо билиш тажрибаси муттасил равишда тўпланишда давом этади ва бу шунга олиб келадик, бизнинг атрибутлар ва уларнинг ўзаро алоқалари ҳақидаги билимларимиз кенгаяди, онтологик категориялар мазмунига аниқлик киритилади ва у чуқурлаштирилади. Илмий билишнинг ривожланиши билан борлиқнинг атрибутлар деб ҳисобланган муайян хоссалари ва жиҳатлари амалда умумий, универсал эмаслиги ва, бинобарин, атрибутив хусусият касб этмаслиги аниқланади. Бошқа томондан эса, илгари маълум бўлмаган янги атрибутлар аниқланади. Шу сабабли объектнинг диалектик модели ҳеч қачон қотиб қолмайди ва тугалланмайди. У доим ўзгаришлар учун очиқ бўлади, аниқликлар киритиш ва тўлдиришга йўл қўяди. Ривожланиш билишни вайрон қилмайди, балки уни такомиллаштиради.

Иккинчи тамойиллар: диалектик таҳлил ва синтез. Дунёда материянинг «энг содда», мутлақо элементар шакллари йўқлиги туфайли, ҳар қандай объект мураккаб тузилма, «ранг-барангликнинг бирлиги»



п
ҳисобланади. Унда турли томонлар, жиҳатлар, нисбатлар, хоссалар ва ҳоказоларнинг чексиз тўплами уйғунлашади. Билиш жараёнида уларни ажратиш ва алоҳида-алоҳида ўрганишга тўғри келади. Бундай таҳлилдан объект ҳам, унинг атрибутлари ҳам ўтказилиши лозим.

Турли атрибутларни таққослаш жараёнида уларнинг мураккаблик даражаси ҳар хил эканлигини кўриш мумкин. Айрим атрибутлар бойроқ, айримлари - соддароқ мазмунга эга. Лўнда қилиб айтганда, уларнинг мазмунига кирувчи белгилар, жиҳатлар ва ҳолатлар сонидан тафовут мавжуд. Бундай айрим атрибутлар ўзлари бошқа атрибутлар мазмунининг жиҳатлари сифатида амал қилади.

Масалан, «моҳият» ва «қонун» атрибутлари тенг – универсал бирликка эга, аммо қонун моҳиятнинг жиҳатларидан бири ҳисобланади – сўнгги зикр этилган атрибутнинг мазмунига қонундан ташқари бошқа жиҳатлар ҳам киради.

Ҳамонки айрим атрибутлар бошқа атрибутлар таркибига кирар экан, уларнинг ўртасида муайян иерархиявий субординация мавжуд. Иерархиянинг юқори даражаларидан энг мураккаб, мазмун жиҳатидан бой атрибутлар ўрин олади. Уларни таҳлил қилиш уларда мавжуд бўлган айрим жиҳатларни, яъни иерархиянинг «қуйи турувчи» даражаларига мансуб бўлган соддароқ атрибутларни фарқлаш имконини беради. Ўз навбатида, бу соддароқ атрибутлар ҳам таҳлил қилиниши мумкин ва ҳ.к.


Аммо мураккаб атрибутларнинг мазмуни таҳлил воситасида алоҳида элементларга ажратилганидан сўнг, уларни синтез қилиш зарурияти туғилади. У аниқланган атрибутлар ўртасидаги янги алоқаларни ва бу алоқалар таъсирида ҳосил бўлувчи бошқа атрибутларни топиш имконини беради. Бундай таҳлил ва синтез натижасида ўз-ўзини мувофиқлаштирган атрибутлар тизимининг яхлит манзараси яратилади.

Бироқ объект ва унинг атрибутларини таҳлил ва синтез қилишни қийинлаштирувчи жиддий тўсиқ мавжуд бўлиб, у шундан иборатки, таҳлил ҳам, синтез ҳам турлича ўтказилиши, бунда уларнинг тўлиқлик ва чуқурлик даражаси ҳар хил белгиланиши, атрибутлар мазмунидаги жиҳатларнинг турли йиғиндилари фикран ажратилиши ва бириктирилиши мумкин.

Агар биз таҳлил айрим жиҳатларини тасодифий тарзда ва тартибсиз танлашдан, синтез эса – уларни худди шундай тасодифий ва тизимсиз бириктиришдан иборат бўлишини истамасак, бу амалларни «таваккалига» эмас, балки олинувчи натижаларнинг тизимли тартибга солинганлигини белгиловчи муайян тамойилга биноан бажаришимиз лозим.

Предмет эркин эмас, балки диалектик таҳлил қилиниши, яъни у икки қарама-қаршиликка ажратилиши, бунда улар билан бир қаторда «учинчи» нарса мавжуд бўлмаслиги керак. Ҳар хилгина эмас, балки қарама-қарши томонлар ва жиҳатларни топиш унинг бутун мазмунини мумкин қадар тўла камраб олиш имконини беради.

Қарама-қаршиликларни аниқлаш ва уларнинг диалектик жиҳатдан зиддиятли ўзаро нисбатини ўрганиш – диалектик фикрлашнинг бош



п
тамойилларидан бири. Диалектик фикрлаш санъати аввало диалектик зиддиятларни аниқлаш ва таҳлил қила билишда намоён бўлади.

Диалектик ва мантиқий зиддиятларни фарқлаш лозим. *Диалектик зиддият – бу объектив борлиқда мавжуд бўлган қарама-қаршиликларнинг бирлиги.*

Мантиқий зиддият бизнинг мулоҳазаларимизда биз айна бир вақтда ва айна бир жиҳатдан олган айна бир предмет ҳақида икки қарама-қарши фикрни билдирганимизда вужудга келади. Зиддият қонуни деб аталадиган мантиқий қонун бундай мулоҳазалар биргаликда ҳақиқий бўлиши мумкин эмаслигини кўрсатади. Шу сабабли мантиқий зиддиятнинг мавжудлиги фикрлашда хатога йўл қўйилганидан далолат беради.

Объектда диалектик зиддиятни кўрганда (қарама-қаршиликлар бирлиги), у ҳақда бир-бирига зид бўлган фикрларни билдиришга тўғри келади. Масалан, ёруғликнинг тарқалиши – бу ҳам узлуксиз (электромагнит майдоннинг тебранишлари), ҳам узлукли (дискрет зарралар – фотонлар оқими) жараён.


Бир қарашда бундай мулоҳазаларни бирлаштириш мантиққа зид ва янглиш бўлиб туюлиши мумкин. Лекин амалда бундай эмас. Диалектик зиддиятни акс эттирувчи мулоҳазалар объектни турли жиҳатлардан тавсифлайди. Шу сабабли зиддиятнинг мантиқий қонуни бузилмайди ва бу мулоҳазаларнинг иккаласи ҳам ҳаққоний бўлиши мумкин. Шундай қилиб, нарсаларнинг диалектик зиддиятчилигини тан олиш фикрлашнинг мантиқий зиддиятчилигини англамайди.

Объектда қарама-қаршиликларнинг бирлигини қайд этувчи мулоҳазалар сиртдан мантиқан зиддиятли кўринишга эга бўлиши мумкин. Аммо диалектика қарама-қаршиликларни қайд этишнигина эмас, балки улар айна бир объектда қандай бирикканини мантиқан зиддиятсиз тарзда тушунтириб беришни ҳам талаб қилади. Агар бунга муваффақ бўлинса, мантиқий зиддият йўқолади.

Атрибутив моделнинг тузилиши. Атрибутлар тизимини тузиш усуллари ҳар хил бўлиши мумкин бўлса-да (улар объектни ўрганиш шартлари, мақсадлари ва вазифаларига боғлиқ бўлади), одамларнинг билиш фаолияти тажрибаси инсон билимининг муайян умумий мантиқи мавжуд бўлиб, у пировард натижада объектнинг атрибутлари ҳақидаги билимнинг ривожланиш жараёнини белгилайди. Умуман олганда билиш жараёни ҳодисаларни кузатишдан уларнинг моҳиятини тушунтиришга қараб боради.

Бунда ҳодисани билиш учун унинг сифат ва миқдор, макон ва вақт жиҳатларини, унинг ҳаракатини ва кузатиш мумкин бўлган бошқа атрибутив хоссаларини аниқлаш, ҳодисанинг моҳиятини англаб етиш учун эса - қонунлар, сабабий алоқалар, ўзаро алоқалар ва ҳоказоларни аниқлаш талаб этилади.

Шундай қилиб, атрибутлар (ва уларни акс эттирувчи категориялар) икки гуруҳга бўлинади. Бу гуруҳларнинг бири ҳодисалар соҳасига, иккинчиси – моҳият соҳасига тааллуқли.




Ҳар қандай объект ўзаро боғланган атрибутлар тизимидир. Ўз-ўзидан равшанки, чизмада объект моделининг соддалаштирилган кўргазмали ифодасидан бошқа нарса эмас. Чизмада барча атрибутлар кўрсатилмаган, у атрибутлар ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг ранг-баранглиги ва мураккаблигини акс эттирмайди. Шунингдек, моделнинг ўзи аниқ белгиланган тузилишга эга эмас ва турли модификацияларга йўл кўяди.

У ёки бу тадқиқотнинг шартлари, мақсадлари ва вазифаларига қараб атрибутларга нисбатан ёндашув ўзгаради, уларнинг ўртасидаги айрим алоқалар биринчи ўринга чиқади ва айрим алоқалар ўз аҳамиятини йўқотади. Шундай қилиб, объект атрибутлар тизимидир, деган умумий ғоя ҳар хил кўринишда муайянлаштирилиши мумкин.




Хулосалар. Фалсафа тарихида диалектика категорияларига хос бўлган қарама-қаршиликлар бирлигини тушунтиришга уринишлар жараёнида фикрлаш ва борлиқнинг қарама-қаршиликларини бирлаштирувчи ягона асосни топиш йўлида изланишлар олиб борилган. Мазкур ёндашув натижасида диалектика категориялари умумий ва фундаментал хусусият касб этиб борган.


Тажрибавий амалий матнлар

Категория, атрибутив категориялар, субстанционал к, муносабатдош каткгориялар, атрибутив модел, тушунча, нарса, фалсафа категориялари, фан категориялари, воқелик категориялари.



Қўшимча ва тушунтирувчи матнлар





Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар

1. Фан ва воқелик категориялари орасидаги фарқ ва алоқадорлик нимада?
2. Субстанционнал ва муносабатдош категорияларни аниқланг?
3. Гегельнинг тафаккур ва борлиқнинг айнийлиги ҳақидаги ғоясини асосланг.



п

Реферат мавзулари

1. Барқарорлик-беқарорлик тизими.
2. Диалектика категориялари.
3. XVIII аср охирида немис классик фалсафасида категорияларнинг таснифи
4. Ҳиссиёт категориялари.

Билим ва кўникмаларни баҳолаш мезонлари

- 1. Дунё билан ўзаро алоқа қилиш тажрибсини умумлаштирувчи ҳодиса бу - ...**
 - А. Фикрлаш
 - Б. Сўзлаш
 - В. Идрок этиш
 - Г. Сезиш
- 2. Борлиқ ҳодисалари ва унда ҳукм сурувчи муносабатларнинг муҳим, типик мазмунини ўзида акс эттирадиган кенг тушунча бу**
 - А. Категория
 - Б. Атама
 - В. Хулоса
 - Г. Тушунча
- 3. Борлиқнинг умумий, муҳим томонлари, хоссалари, алоқалари ва муносабатлари ҳақида фикрлаш учун қўлланиладиган ўта кенг тушунчалар мажмуи, бу - ?**
 - А. Фалсафий категориялар
 - Б. Фан категориялари
 - В. Умумий категориялар
 - Г. Атамалар
- 4. Фалсафий категориялар ва формал мантиқ категориялари ўртасида фарқнинг юзага келишига қайси файласуфнинг ижоди тасир қилган?**
 - А. Аристотель
 - Б. Спиноза
 - В. Гегель
 - Г. Кант
- 5. И.Кант категорияларнинг неча турини фарқлайди ва улар қайсилар?**
 - А. Уч, ҳиссиёт, идрок ва ақл
 - Б. Икки, сезги ва тафаккур
 - В. Тўрт, ҳиссий, рационал, иррационал ва трансцендентал
 - Г. Фақат битта



п

6. Қайси асарда Аристотель, хусусан, формал-мантикий қонунни а мувофиқ ҳаққоний фикрлаш зиддиятсиз фикрлаш демакдир деб тарифлаган?

- А. «Органон»
- Б. «Метафизика»
- В. «Соф ақлнинг танқиди»
- Г. «Амалий ақл танқиди»

7. «..... » асарида Аристотель оламнинг умумий асосларига тавсиф беришга ҳаракат қилади ва фалсафий категориялар материя, шакл, сабаб, зарурият ва бошқалар ҳақида сўз юритади.

- А. «Органон»
- Б. «Метафизика»
- В. «Мулоҳаза юритиш қобилятининг танқиди»
- Г. «Амалий ақл танқиди»

8. XVIII аср охирида немис классик фалсафасининг атоқли намояндаси XVII-XVIII асрлар фани ва фалсафасининг ғоялари ва категорияларини тизимга солишга аҳд қилади.

- А. Аристотель
- Б. Г.Гегель
- В. И Кант
- Г. Ф.Гегель

9. Қайси олим фалсафа тарихида антик фалсафани тизимга солувчиси сифатида намоён бўлади.

- А. Плотон
- Б. Аристотель
- В. Демакрит
- Г. Суқрот

10. Идрок категориялари таркибига Кант категорияларнинг тўрт туркумини топинг?

- А. Миқдор, сифат, хосса ва модалликни киритади.
- Б. Миқдор, сифат, нисбат ва модалликни киритади
- В. Зарра, сифат, нисбат ва модалликни киритади
- Г. Барча жавоблар тўғри.

11. фикрига кўра, ғоя мумкин бўлган тажриба чегарасидан четга чиқувчи тушунчадир.

- А. Аристотель
- Б. Г.Гегель
- В. И Кант
- Г. Ф.Гегель



п

12. Аристотельнинг «Органон» асари қандай маъно англатади?

А. «Органон» - лот. organum - қурол, асбоб, Аристотель мантикий асарларининг умумий номи.

Б. «Органон» - юнон. organum - қурол, асбоб, Аристотель мантикий асарларининг умумий номи.

В. «Органон» - лот. organum - билиш, мантик, Аристотель мантикий асарларининг умумий номи.

Г. «Органон» - юнон. organum - билим, ақл деган маънони англатган.

13. Инсон доим тажрибада кўрилган билим чегарасидан четга чиқиш ва табиий фанларнинг имкониятлари чекланган билимларини бутун дунёга нисбатан татбиқ этишга ҳаракат қилишини таъкидлайди.

А. Аристотель

Б. Г.Гегель

В. И Кант

Г. Ф.Гегель

14. Индивиднинг ривожланиш жараёнида ўзлаштирилган элементлар – бу?

А. Тўғри жавоб йўқ

Б. Априор элементлар

В. Софриор элементлар

Г. Приор элементлар .

15. Кант фикрига кўра, тил қандай омили ҳисобланади?

А. Ҳиссий таассуротлар тажрибасидан олдин келади, илмий ва одатдаги билишнинг зарурий омили.

Б. Ҳиссий таассуротлар тажрибасидан кейин келади, илмий ва одатдаги билишнинг зарурий омили

В. Ҳиссий таассуротлар тажрибасидан олдин келади, одатдаги билишнинг зарурий омили ҳисобланмайди.

Г. Барча жавоблар тўғри.

16. Кант фалсафасининг таркибий қисмини қайси асарлари ташкил этади?

А. «Органон» ва «Мулоҳаза юритиш қобилиятининг танқиди» «Соф ақлнинг танқиди» - «Амалий ақл танқиди»

Б. «Метафизика» ва «Мулоҳаза юритиш қобилиятининг танқиди».

В. «Мулоҳаза юритиш қобилиятининг танқиди» ва «Соф ақлнинг танқиди» - «Амалий ақл танқиди»

Г. Барча жавоблар тўғри.

17. И.Фихте фалсафага ахлоқий қонун олий тамойили саналган мустақил онтологик асос сифатидаги қайси категориясини киритди?



п

- А. Ақл категориясини
- Б. Харакат категориясини
- В. Ахлоқ категориясини
- Г. Фаолият категориясини

18. ўз нуқтаи назарини шундай тушунтиради: «Мен эмас», яъни табиат «нарса ўзида», яъни объектив борлиқдир, лекин бизнинг «нарса ўзида» ҳақидаги билимимиз ўз таассуротларимизни англаб етишимиздан бошқа нарса бўлмай, уларнинг манбаи «нарса ўзида» эмас, балки ақл-заковатимиз ҳаракати, яъни «соф Мен»дир.

- А. Фихте
- Б. Г.Гегель
- В. И Кант
- Г. Ф.Гегель

19. Фихтенинг хизмати аввало шундаки, у назарий муомалага, фалсафий категориялар тизимига қандай тушунчани киритди ва шу тариқа билиш назариясини ҳам, антропология, яъни инсон ҳақидаги таълимотни ҳам сезиларли даражада бойитади?

- А. Амалиёт
- Б. Назария
- В. Назарий билиш
- Г. Барча жавоблар тўғри.

20. натурфалсафаси (табиат фалсафаси) айниқса диққатга сазовордир. Табиатни тушунишда у пантеистдир, шу билан бирга Худо ва табиатни тенглаштиради.

- А. Фихте
- Б. Г.Гегель
- В. И Кант
- Г. Ф.Шеллингнинг

21. Гегель фалсафасида қандай сифатда намоён бўлади?

- А. Барча жавоблар тўғри
- Б. дунё мутлақ руҳнинг мавжуд эмаслигининг ривожлантириши
- В. Инсони мутлақ руҳнинг ўзи мавжуд эмас
- Г. Дунё мутлақ руҳнинг ўз-ўзини ривожлантириши

22. Шеллинг ўз натурфалсафасининг таърифланган муҳим тамойиллари тўғри кўрсатилган жавобни топинг?

- А. Табиатнинг диалектик бирлиги, ривожланиши ва умумий икки тарафламалигини инсоннинг табиатни тушунишига нисбатан татбиқ этилмайди.
- Б. Табиатнинг диалектик бирлиги, ривожланиши ва умумий икки тарафламалигини инсоннинг табиатни тушунишига нисбатан татбиқ этади.



п

В. Тўғри жавоб йўқ

Г. Табиатнинг диалектик бирлиги, ривожланиши ва умумий бир тарафламалигини инсоннинг табиатни тушунишига нисбатан татбиқ этади.

23. Ф.Шеллинг Гегель диалектикасининг аксарият ғояларини ундан олдинроқ илгари суради ва кўп жихатдан ундан ўзиб кетади, чунки Гегель табиатда ривожланишнинг мавжудлигини рад этади, Шеллинг эса қайд этди.

А. Нафақат инсон руҳи, балки табиат ривожланишининг умумий тамойилларини ҳам таърифлаб берди.

Б. Табиатнинг тадрижий ривожланиш жараёни онг шаклланиши билан ниҳоясига етишини айтади.

В. А ва Б жавоблар

Г. Нафақат инсон тафаккури, балки жамият ривожланишининг умумий тамойилларини ҳам таърифлаб берди, жамиятнинг тадрижий ривожланиш жараёни онг шаклланиши билан ниҳоясига етишини қайд этади.

24. Инкорни-инкор Гегель фалсафасининг асосий тамойили ҳисобланади. Икки томонлама инкор этиш ғоясига мувофиқ мутлақ ғоянинг ривожланиши қуйидаги уч босқичи тўғри кўрсатилган жавобни топинг?

А. Соф борлик (антезис), йўқлик (антитезис); мавжуд борлик вужудга келиш ва йўқ бўлиш сифатида (синтез).

Б. Соф борлик (анализ), йўқлик (антитезис); мавжуд борлик вужудга келиш ва йўқ бўлиш сифатида (синтез)

В. Соф борлик (тезис), йўқлик (антитезис); мавжуд борлик вужудга келиш ва йўқ бўлиш сифатида (синтез).

Г. Соф борлик (тезис), йўқлик (антитезис); мавжуд борлик вужудга келиш ва йўқ бўлиш сифатида (антезис).

25. Мантиқни Гегель илоҳий ақлга мос келадиган соф ақл соҳаси сифатида таърифлайди. У неча қисмдан иборат ва уларнинг номлари?

А. 5: Борлик, моҳият, тушунча, борлик, йўқлик, онг.

Б. 4: Моҳият, тушунча, борлик, йўқлик,

В. 2: Тушунча. моҳият

Г. 3; Моҳият, тушунча, борлик

26. – предмет борлигининг чегараси; миқдор ўзгаришларининг шундай бир чегарасики, бунда предмет ўзининг аниқ сифатини йўқотмайди.

А. Меъёр

Б. аниқлик

В. миқдор

Г. моҳият



п

27. Билиш жараёнида Гегель уч асосий босқични фарқлайди. Булар ?

- А. Ҳиссий аниқлик, идрок ва ақлни
- А. туғма аниқлик, тафаккур ва ақлни
- А. ижтимоий аниқлик, идрок ва тафаккурни.
- Г. Ҳиссий аниқлик, тафаккур ва ақлни

28. Тушунча – бу?

- А. Шундай бир фикрки, унда нарсанинг такрорланувчи хоссалари, алоқалари ва томонлари акс этади.
- Б. Фикр бизнинг дунё билан ўзаро алоқа қилиш тажрибамизни у ёки бу даражада умумлаштиради
- В. Борлиқ ҳодисалари ва унда ҳукм сурувчи муносабатларнинг муҳим, типик мазмунини ўзида акс эттирадиган ўта кенг .
- Г. Тўғри жавоб йўқ

29. Умуман олганда, категория қандай хусусиятларни ўзига қамраб олади?

- А. «категория» оламдаги муносабат, алоқаларни ифодаловчи умумий мазмун ва хусусиятга эга тушунча, категориялар моддий оламдаги ҳаётни тавсифлагани ҳолда, бир бутунликда, ўзаро алоқадорликда бўлади, бири-бирини тақозо этади, белгилайди ёки юзага келтиради, категория объектив мазмунга эга.
- Б. Барча жавоблар тўғри.
- В. категориялар фалсафанинг ўзи сингари, барча фанлар учун илмий тадқиқот ва амалий фаолиятда методологик аҳамиятга эга бўлган илмий тушунча ҳисобланади;
- Г. категория назарияда, илмий билиш жараёнидагина эмас, балки амалиётда ҳам ўзига хос роль ўйнайди ва аҳамиятини сақлаб қолади. Уларнинг ўзаро алоқа ҳамда намоён бўлиш хусусиятларини билиш ҳаётда, фан ва амалиётда муҳим натижаларга олиб келади.

30. Аристотель жами нечта категорияни санайди ва булар?


- А. 1) ҳаракат, 2) азоб-уқубат.3) сифат, 4) муносабат, 5) жой, 6) вақт, 7) ҳолат, 8) эгалик, 9) ҳаракат, 10) азоб-уқубат.
- Б. 1) моҳият, 2) миқдор, 3) сифат, 4) муносабат, 5) жой, 6) вақт, 7) ҳолат, 8) эгалик,
- В. 1) моҳият, 2) миқдор, 3) сифат, 4) муносабат, 5) жой, 6) вақт, 7) ҳолат, 8) эгалик, 9) ҳаракат, 10) азоб-уқубат.
- Г. 1) моҳият, 2) миқдор, 3) сифат, 4) муносабат, 5) жой, 6) вақт, 7) ҳолат,

31. Диалектик зиддият – бу?

- А. Объектив борликда мавжуд бўлган қарама-қаршиликларнинг бирлиги.
- Б. Объектив борликда мавжуд бўлмаган қарама-қаршиликларнинг бирлиги.
- В. Объектив йўқликда мавжуд бўлган қарама-қаршиликларнинг бирлиги.
- Г. Объектив йўқликда мавжуд бўлмаган қарама-қаршиликларнинг бирлиги.



II






II

1. Маърузани олиб бориш технологияси

<i>Талабалар сони:</i>	<i>Вақти:</i> 6 соат
<i>Машигулот шакли</i>	Кириш мавзуси бўйича маъруза
<i>Маъруза режаси</i>	1.Яккалик, хусусийлик ва умумийлик диалектикаси 2.Ходисанинг атрибутлари нарса ва жараён 3.Мохият ва мавжудлик 4.Мохият ва ходиса диалектикаси
<i>Машигулотнинг мақсади:</i> Ўқув фани ҳақида умумий тасаввурни шакллантириш, фалсафа категориялари ҳақида тушунча ҳосил қилиш.	
<i>Педагогик вазифалар</i>	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i>
Яккалик, хусусийлик ва умумийлик диалектикаси ҳақида тушунчалар бериш.	Яккалик, хусусийлик ва умумийлик диалектикаси ҳақида талабаларга тушунчалар берилди.
Ходисанинг атрибутлари нарса ва жараён ҳақида тушунча бериш.	Ходисанинг атрибутлари нарса ва жараён ҳақида талабаларга тушунчалар берилди.
Мохият ва мавжудлик ҳақида тушунча бериш.	Мохият ва мавжудлик ҳақида талабаларга тушунчалар берилди.
Мохият ва ходиса диалектикаси ҳақида тушунча бериш.	Мохият ва ходиса диалектикаси ҳақида талабаларга тушунчалар берилди.
<i>Ўқитиш усуллари ва техника</i>	Маъруза, «аклий ҳужум», Т-схема, мунозара, муаммоли вазиятлар усули.
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Маъруза матни, тарқатма материаллар, слайдлар, проектор.
<i>Ўқитиш шакллари</i>	Жамоа, тўғридан-тўғри ва гуруҳларда ишлаш.
<i>Ўқитиш шарт-шароити</i>	Техник воситалар билан таъминланган аудитория.
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Оғзаки назорат, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш.

2. Маърузанинг технологик картаси

<i>Иш жараёнлари вақти</i>	<i>Фаолиятнинг мазмуни</i>	
	<i>ўқитувчи</i>	<i>Талаба</i>
I-босқич. Фанга ва мавзуга кириш. (20 минут)	1.1. Ўқув фани номини айтиб, фан доирасида дастлабки умумий тасаввурни беради ҳамда услубий ва ташкилий томонлари билан таништиради.	Тинглайдилар.
	1.2. Фан бўйича ўтиладиган барча мавзулар билан таништиради, уларнинг узвийлиги ҳақида қисқача маълумот беради.	Тинглайдилар.
	1.3. Фан якунида қўйиладиган рейтинг баҳолаш мезонлари билан таништиради	ЎУМ га қарайдилар.
	1.4. Фанни ўзлаштиришда фойдаланиш учун	ЎУМ га қарайдилар.



П

	зарур бўлган адабиётлар рўйхати билан таништиради.	
	1.5. Ўқув машғулоти мавзуси билан таништиради ва унинг мақсади, ўқув фаолияти натижаларини баён қилади.	Мавзу номини ёзиб оладилар.
	1.6. Мавзу юзасидан ақлий ҳужум қондаси асосида дарс ўтказишни таклиф этади. Талабалар томонидан айtilган фикрларни ёзиб боради ва умумлаштиради	Тушунчаларни эркин фикр орқали билдиради.
II-босқич. Асосий (50 минут)	2.1. Мавзу режаси ва таянч тушунчалар билан таништиради.	Тинглайдилар.
	2.2. Маърузани режа бўйича тушунтиради, ҳар бир режани ниҳоясида умумлаштиради. Жараён компьютер слайдларини намойиш қилиш билан олиб борилади	Тинглайдилар. Слайдга эътибор қаратади, уни ўзига ёзиб олади ва саволлар беради.
	2.3. Ҳар бир режани мустаҳкамлаш учун қуйидагича саволлар беради: 1.Яккалик, хусусийлик ва умумийлик диалектикаси? 2. Ходисанинг атрибутлари? 3.Мазмун ва шакл?	Саволларга жавоб берадилар, эркин баҳс-мунозара юритадилар.
	2.4. Таянч ибораларга қайтилади. Талабалар иштирокида улар яна бир бор такрорланади.	Ҳар бир таянч тушунча ва ибораларни муҳокама қиладилар. Конспект қиладилар.
III-босқич. Якуний босқич. (10 минут)	3.1. Т-схема техникасидан фойдаланилган ҳолда жуфт-жуфт бўлиб ишлаш учун тингловчиларга: фалсафа категорияларига оид савол ёзилган тарқатма материаллар тарқатади. Ушбу техника орқали мавзу бўйича якунловчи хулоса қилади.	Мустакил Т-схемани тўлдирадилар. Эркин фикрини баён этади.
	3.2. Талабаларнинг фаолиятига баҳо қўйилади ва рағбатлантирилади.	Эшитади.
	3.3. Келгуси машғулотга тайёргарлик кўриш учун топшириқлар ва фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати берилади.	Эшитади ва ЎУМ га қарайдилар.



ФАЛСАФА КАТЕГОРИЯЛАРИ

Яккалик, хусусийлик ва умумийлик Бу фалсафий категориялар борлиқ нарсалари ва ҳодисаларининг диалектик бирлигини ва уларнинг ўртасидаги тафовутни акс эттиради. Кундалик ҳаётда биз «якка», «хусусий», «умумий» тушунчаларини кўп ишлатамиз ва уларнинг мазмуни бизга баъзан ойдек равшан бўлиб туюлади. Аммо мазкур тушунчалар билан ифодаланадиган предмет ёки предметлар туркумини топишга ҳаракат қилганимиз заҳоти катта қийинчиликларга дуч келамиз. Масалан унга иккита боланинг суҳбатини асос бўлиши мумкин:

- Умрингда ҳеч қушни кўрганмисан?
- Ҳа, кўрганман. Мана у (канарейкага ишора қилади).
- Э, бу қуш эмас, канарейка-ку. Канарейкани ҳам сен ҳеч қачон кўрмагансан. Сен фақат битта канарейкани, бизнинг канарейкамизни кўргансан.

Соғлом фикр канарейкада қушни кўрган бола у ҳеч қачон қушни кўрмаганини айтаётган боладан кўпроқ ҳақ эканлигидан далолат беради. Аммо умуман қуш, мева, дарахтини кўрганини ким узил-кесил қайд эта олади? Биз бу қуш, бу дарахт, бу мевани ўз тажрибамизда кўрганимиз ҳеч қандай шубҳа уйғотмайди. Умумий тушунчалар амалда объектив мазмунга эга ёки эга эмаслиги фалсафа тарихида қизгин мунозараларга сабаб бўлган. Умумий тушунчалар табиати масаласи атрофида баҳс Ўрта асрлардан бери давом этиб келади. Умумий тушунчалар амалда мавжудми? Нима ҳақиқий борлиқ ҳисобланади – яккаликми ёки умумийликми? Умумийлик ва яккалик муносабати ҳодисалар хоссаларининг эмас, балки ҳодисаларнинг муносабати сифатида қараладиган дарсликларга ҳозир ҳам дуч келиш мумкин. Хўш, бугунги кунда фалсафада мазкур масала қандай ечилмоқда.

Яккалик, хусусийлик ва умумийлик. Яккалик, хусусийлик ва умумийлик категориялари борлиқ нарсалари ва ҳодисаларининг нисбатан мустақиллиги, уларнинг ранг-баранглиги ва бирлиги инъикоси ҳисобланади. Яккалик тушунчаси зикр этилган категориялар мазмунини очиб берувчи асосий тушунчадир. *Яккалик – «нарса» тушунчасининг синоними, яъни борлиқнинг нисбатан мустақил, сифат жиҳатидан муайян парчаси. У хоссалар тўпламига эга.* **Яккалик** а) нарса ва ҳодисалар, уларнинг бири-бирига ўхшаш ва фарқ қилувчи томонларини; б) оламга хос муносабат ва алоқадорликни, олам тараққиётининг хусусияти, унинг макон ва замондаги мавжудлик шакллари, ҳар бир нарса ёки ҳодисанинг айрим белгилари ҳамда ўзаро бирликни ифодаловчи умумий жиҳатларини ифодалайди.

Яккалик – фақат мазкур объектга хос бўлган хоссаларни ифодаловчи категория. Яккалик айрим нарсалар нисбатан мустақил мавжудлигини ҳам, мазкур нарсанинг бу нисбатан мустақиллиги,



п дискретлиги, алоҳидалиги натижасида юзага келиши мумкин бўлган индивидуал бетакрор белгиларни ҳам қайд этади.

«Яккалик» категорияси оламдаги нарса, воқеа ва жараёнларга хос бўлган аниқ, ягона, такрорланмайдиган белгилар ҳамда хусусиятларни акс эттиради. Мазкур категория табиат ва ижтимоий ҳаётдаги алоҳида нарса, ҳодиса, жузъий факт ва ягона воқеа ҳақидаги тушунчаларни ҳам билдиради. Масалан, ҳар бир миллатга хос маданиятнинг тил, урф-одат, анъана, миллий характер, психология каби белгилари айти шу шакл ва мазмунда бошқа халқларда, тўла-тўқис такрорланиши мумкин бўлмаган айримликдир. Шунингдек, тиббиётда инфаркт миокарди — юрак-томир касалликлари системасида ўзига хос белги ва хусусиятларига кўра айримликка мисол бўла олади. Яккалик категорияси моддий олам мавжудлиги ва ундаги муносабатларнинг фақат бир томонини ифодалайди, холос. Айрим олинган воқеа, ҳодиса, алоҳида предмет ва жараёнлар, уларга хос белгилар билан, айти пайтда, материянинг конкрет кўринишлари, воқеа ва процессларни ўхшаш, айнан томонларини билдирувчи умумий белгилари ҳам мавжуд.

Умумийлик. Умумийлик якка нарсанинг моҳиятини акс эттиради. **«Умумийлик» категорияси нарса, ҳодиса, жараёнларга хос асосий, доимий такрорланадиган белгилар ва хусусиятлар йиғиндисини билдиради.** *Айрим нарсанинг муайян туркумга мансуб барча нарсалар билан ўхшашлигини белгиловчи хоссалар умумийлик категорияси билан ифодаланади* Бу категория нарсаларнинг келиб чиқиш жиҳатидан умумийлигини, улар тараққиёт умумий занжирининг узвий боғлиқ ҳалқалари эканлигини, бир хил қонуниятларга бўйсунishi мумкинлигини англатади. Масалан, ҳар қандай ўтиш даври эски жамиятдан янгисига ўтиш муаммоларини ҳал этилиш шакли бўлиб, унинг мазмуни мавжуд ижтимоий, иқтисодий муносабат, тартибларни тубдан ўзгартиришдан иборатдир. Хусусан, Ўзбекистондаги ҳозирги ўтиш даврида ҳам ана шундай ўзгаришлар амалга ошмоқда, аммо бу жараёнда фақат мамлакатимизгагина хос хусусиятлар мавжуд. Хуллас, умумийлик айримликка нисбатан кенг мазмунга эга, у айрим нарса, ҳодиса ва жараёнларга хос бўлган ички қонуниятни, умумий асосни, ўхшашликни англатади. Умумийликни фақат моҳиятни аниқлаш орқали очиб бериш мумкин. Яккаликсиз умумийлик сезгилар даражасида идрок этиладиган белгилардан, айримликнинг бетакрор индивидуаллиги, бойлигидан маҳрум бўлган абстракция бўлиб қолади. Яккалик ва умумийликнинг келтириладиган таърифлари уларни айти бир айрим объектнинг томонлари сифатида тавсифлайди. Масалан, ҳаёт бугунги кунда оксилли жисмлар ва нуклеин кислоталарнинг мавжудлик шакли сифатида тавсифланади. Ирсият ва ўзгарувчанлик – бутун тирикликнинг умумий хоссалари. Аммо оксилнинг кимёвий таркиби ва айтиқса тузилиши ҳар бир организмда индивидуал даражада бетакрордир. Бу бир жонзотни бошқа жонзотдан фарқлаш имконини берувчи бирдан-бир хоссадир. Мантиқда яккалик ва умумийлик – тушунчалар тавсифи берилган. Унга кўра умумийлик тушунчасида икки ва ундан ортиқ предмет, яккалик тушунчасида



п
эса – битта предмет тушунилади. Грамматик жиҳатдан умумийлик турдош б¹ билан, яккалик эса – атоқли от билан ифодаланади. *Фалсафада яккалик ва умумийлик борлиқ ҳодисаларининг ўхшашлиги ва фарқларини белгиловчи хоссалардир.*

Ўрта асрлар фалсафасида умумий тушунчалар табиати ҳақидаги масала атрофидаги баҳс унинг иштирокчилари реалистлар ва номиналистларга бўлинишига олиб келди. Реалистлар умумийликни яккаликдан ажратиб, умумийликни мустақил ҳолда мавжуд ҳодиса сифатида, нарсалар пайдо бўлгунга қадар – нарсаларнинг (Худо ақлидаги) илк тимсоли сифатида, нарсаларда – Худонинг рўёбга чиқарилган ғояси сифатида талқин қилганлар. Шундай қилиб, *реалистлар фикрича умумийлик нарсаларга қадар, нарсаларда ва нарсалардан кейин нарсанинг муайян ғояси сифатида мавжуд бўлади. Номиналистлар эса, аксинча, фақат якка нарсалар амалда мавжуд, умумий тушунчалар эса, айрим нарсаларнинг номлари, холос, деб ҳисоблаганлар.* Мазкур тасаввурлар акс садосига бугунги кунда ҳам, масалан, умумийлик объектлар тўплами билан, яккалик эса – битта предмет билан тенглаштирилган ҳолда дуч келиш мумкин. Амалда умумийлик ва яккалик категориялари объектларни эмас, балки уларнинг хусусийлик томонлари сифатида биргаликда мавжуд бўлган хоссаларини акс эттиради. Умумийлик ва яккаликнинг бирлиги ўзига хосдир, чунки уларнинг ҳар бир объектдаги кўриниши, уйғунлиги, бирининг иккинчисидан устунлиги бетакрордир. Шу сабабли ҳар бир айрим ҳодиса, нарса – *хусусийдир.*

Хусусан, «яккалик» категорияси нарсада, ҳодисада фақат шу нарсага, ҳодисага хос бўлган жиҳатни акс эттиради. «Умумийлик» - бу нарсалар ва ҳодисалар ўртасида муайян сифат жиҳати доирасида амалда мавжуд бўлган айнийликдир. Яккалик ҳам, умумийлик ҳам мустақил мавжуд бўлмайди. Айрим нарсалар, ҳодисалар, жараёнлар мустақил мавжуд бўлади. Умумийлик ҳам, яккалик ҳам фақат айрим нарса ёки ҳодисадагина мавжуддир. Ҳар қандай айрим нарса ёки ҳодиса қарама-қаршилиқлар бирлиги ҳисобланади. Бир вақтнинг ўзида у ҳам яккалик, ҳам умумийликдир. Ҳар қандай умумийлик айрим нарса, ҳодисанинг таркибий қисми, элементи ҳисобланади, чунки у айрим нарса ёки ҳодисани тўлиқ эмас, балки бир ёқлама – нарсаларда мавжуд айний жиҳатларни акс эттиради. Яккалик ўз моҳиятига кўра мавҳум ҳисобланган умумийликдан бойроқдир. Аммо умумийлик нарсанинг мазмуни, моҳиятини чуқурроқ ёритади.

Яккалик ва умумийлик диалектикаси. Бу фалсафий категориялар борлиқ нарсалари ва ҳодисаларининг диалектик бирлигини ва уларнинг ўртасидаги тафовутни акс эттиради. Хусусан, «яккалик» категорияси нарсада, ҳодисада фақат шу нарсага, ҳодисага хос бўлган жиҳатни акс эттиради. «Умумийлик» - бу нарсалар ва ҳодисалар ўртасида муайян сифат жиҳати доирасида амалда мавжуд бўлган айнийликдир. Яккалик ҳам, умумийлик ҳам мустақил мавжуд бўлмайди. Айрим нарсалар, ҳодисалар, жараёнлар мустақил мавжуд бўлади. Умумийлик ҳам, яккалик ҳам фақат айрим нарса ёки ҳодисадагина мавжуддир. Ҳар қандай айрим нарса ёки ҳодиса қарама-қаршилиқлар бирлиги ҳисобланади. Бир вақтнинг ўзида у ҳам




п
яккалик, ҳам умумийликдир. Ҳар қандай умумийлик айрим нарса, ҳодисанинг таркибий қисми, элементи ҳисобланади, чунки у айрим нарса ёки ҳодисани тўлиқ эмас, балки бир ёқлама – нарсаларда мавжуд айний жиҳатларни акс эттиради. Яккалик ўз моҳиятига кўра мавҳум ҳисобланган умумийликдан бойроқдир. Аммо умумийлик нарсанинг мазмуни, моҳиятини чуқурроқ ёритади.

Хусусийлик. «Хусусийлик» яккалик ва Яккалик ва умумийлик. Бу фалсафий категориялар борлиқ нарсалари ва ҳодисаларининг диалектик бирлигини ва уларнинг ўртасидаги тафовутни акс эттиради. *Яккалик ва умумийликни боғловчи ҳалқа хусусийликдир.* У яккалик ва умумийликнинг ўзаро алоқадорлиги билан боғлиқ мазмунини англатади. Хусусийлик – яккага нисбатан умумий бўлган ва умумийга нисбатан якка бўлган нарса ёки ҳодиса. Масалан: модда (қонун моддаси) – якка; қонун – хусусий; ҳуқуқ - умумий. «қонун» тушунчаси «модда» тушунчасига нисбатан умумийдир. Ўз навбатида «қонун» тушунчаси «ҳуқуқ» тушунчасига нисбатан яккаликни акс эттиради.

Яккалик, хусусийлик ва умумийлик категориялари билиш жараёнида унинг таянч нуқталари, билимсизликдан билим сари босқич ролини ўйнайди. Масалан: водород яккалик, газ — хусусийлик, химиявий элемент — умумийликни ифодалайди. Яккалик, хусусийлик, умумийлик ўртасидаги муносабат диалектик характерга эга бўлиб, уларнинг тафовути нисбийдир. Дунёда ва билиш жараёнида мазкур тушунчалар аниқ шарт-шароитга кўра, бир-бирига ўтиши, ўрин алмашиши ҳам мумкин. Аммо фалсафада бошқа қатор энг умумий тушунчалар ҳам борки, улар ниҳоятда кенг мазмунни ифодалаганлиги сабабли хусусийлик жиҳатини йўқотмаслиги мумкин. Масалан, "ҳаракат", "макон", "замон" ва ҳ.к.

Яккалик, хусусийлик ва умумийлик воқеликдаги аниқ, нарса, ҳодиса, жараёнлар орқали мавжуддир. Оламдан ажралган алоҳида ёки умумий тушунча бўлишини тасаввур қилиш қийин. Мазкур категориялар ўртасидаги ўзаро муносабат масаласини файласуфлар турлича изоҳлаганлар. Г.Гегель фикрича, умумийлик аниқ нарсаларга боғлиқ бўлмаган ҳолда, қандайдир, мустақил шаклда мавжуд бўлиб, алоҳидаликдан аввал вужудга келади ва уни белгилайди. Ж. Локк "Умумийлик ва универсаллик ҳақиқатан мавжуд нарсаларга мансуб эмас, балки уни ақл-идрок ўз истеъмоли учун ихтиро қилган ва яратгандир ҳамда белгилар, сўзлар ёки идеяларгагина тааллуқлидир"— деган фикрни илгари сурган эди. Умумийликни айримликдан ажратиб, уни воқеликда мавжуд бўлмайдиган нарсаларни ифодалайди, деган номиналистик таълимот ҳам мавжуд. Бу ҳозирги замон фалсафасининг Чейз, Уэлпол, Кейзер каби намояндалари ижодида учрайди. Аслида эса яккалик хусусийлик ва умумийлик объектив ҳамда субъектив хусусиятга эга эканлигини эътироф этиш улар ўзаро алоқадорликда мавжуд бўлади, деган қоидага асосланади. Яккалик умумийликка нисбатан мазмунан бой бўлиб, ўзида умумийликка хос белгилардан ташқари яна муайян белгиларни ҳам ифодалайди. Умумийлик эса яккаликнинг муҳим, асосий ички белгиси, муносабатларини кўрсатади.



п

Яккалик ва умумийлик олам тараққиётининг босқичлари ва ифодаланиш шакллари сифатида ички алоқадорлик муносабатида намоён бўлади. Яккалик умумийликсиз яшаши мумкин бўлмаганидек, умумийлик ҳам яккаликсиз мавжуд бўлмайди. Демак, оламдаги ҳар бир аниқ нарса, ҳодиса, умумийлик, хусусийлик ва яккаликнинг бирлиги сифатида мавжуд ҳамда намоён бўлади. Ушбу категорияларнинг моҳиятини ва уларнинг ўзаро боғлиқлигини илмий асосда тушуниш фан, амалиёт учун ниҳоятда муҳимдир.

Мазкур категориялар билиш жараёнининг босқичлари сифатида ҳам намоён бўлади. Иссий билиш (алоҳидалик) ва абстракт мантиқий билиш (умумийлик) ўртасидаги алоқадорлик билишнинг оддий, алоҳида шаклидан умумийликка қараб боришини кўрсатади ва ушбу жараённи тўғри тушунишга имкон яратади. Масалан, врач беморни даволашга киришишдан аввал ундаги касалликнинг белгилари (яккалик)ни ўрганади, бу белгилардан қайси бири қандай касалликларга тааллуқли эканлигини (хусусийлик) айна вазиятда улардан қайси бири муҳим, ички қонуният (умумийлик) эканлигини аниқлагач, мазкур касалликни даволашга киришади.

Яккалик, хусусийлик ва умумийлик ўртасидаги ўзаро боғлиқликни тўғри тушуниш нарса, ҳодисаларнинг муҳим белгиларини очиш орқали амалга ошади. Бу категориялар ривожланишнинг асосий йўл ва йўналишларини белгилаб олиш, воқеликнинг муайян жиҳати ҳақида илмий хулосалар чиқариш учун имкон беради. Чунончи, Д.И.Менделеев кимёвий элементларга хос энг умумий хусусиятларни тадқиқ этиб, даврий системага кирмаган тўртта элемент мавжудлигини илгаридан айтган эди. Кейинчалик бу илмий башорат фан томонидан исботланади.

Яккалик, хусусийлик ва умумийлик категориялари ўртасидаги ўзаро бирлик табиат ҳамда ижтимоий ҳаётнинг тараққиёт тенденциясини англашда, турли воқеалар системасида янгиликни ажрата олиш ва унга йўл очишда муҳим аҳамиятга эга. Ҳаётда ҳар қандай янгилик, янги ташаббус ва ҳаракатлар, янгича одат ва анъаналар, даставвал, яккалик тарзида вужудга келади, сўнгра халқ назаридан ўтиб, мустаҳкамланиб, ўзига йўл очади. Мустақилликни мустаҳкамлаш учун фаоллар ҳаракати худди шу тариқа вужудга келди ҳамда оммавий ҳаракат тарзида умумийликка айлана бошлади.

Демак, яккалик, хусусийлик ва умумийлик категориялари оламда амал қилувчи қонуний жараён ҳамда мазкур жараённинг инсон тафаккуридаги инъикоси бўлиб, у оламга хос яшаш ва ривожланиш жараёнининг муҳим томонларидан бирини тўғри тушунишга имконият яратади.

Моҳият ва ҳодиса. Платон таъбири билан айтганда, билиш таажжубдан бошланади. Амалда таажжуб инсон ниманидир «кўраётгани», лекин уни «тушунмаётгани» ва шу боис кўрилган нарсанинг чегарасидан четга чиқувчи қўшимча билимга муҳтож эканлигини англатади. Бу билиш сари ташланган биринчи қадам – ўрганилаётган объектнинг дастлабки «иккиланиши»дир: унда сезгилар даражасида идрок этилувчи «сиртдаги» борлиқ (ҳодиса) ва мазкур ҳодисанинг кўздан яширин, уни тушуниш учун билиш зарур бўлган «ички» моҳияти фарқланади.



п

Битта, ягона, яхлит ҳодисанинг бундай «иккиланиши» ибтидоий одамлар табиатни руҳлантира бошлаган замондаёқ пайдо бўлган. Ўрмон руҳи (алвасти), сув руҳи (сув алвастиси) ва ҳоказолар кузатилаётган ҳодисалар замирида ётувчи ва уларни «бошқарувчи» моҳият ҳақидаги дастлабки, ўта содда тасаввурлардир. Ҳодиса ва моҳият фалсафий категорияларининг вужудга келишига элтувчи йўл айна шу ибтидоий тасаввурлардан бошланади.

Ҳодиса объектнинг ташқи томони бўлиб, уни инсон ҳиссий образларда акс эттирилади. *Ҳодиса – бу нарсада, жараёнда қаршимизда бевосита намоён бўлувчи хоссалар, томонлар йигиндисини ифодалаш учун мўлжалланган категория.*

Моҳият – объектнинг бевосита ҳиссий идрок этиш мумкин бўлмаган ва фикрлаш ёрдамида англаб етиладиган ички томони. *Моҳият объектив борлиқнинг ички, нисбатан яширин ва барқарор томонини ифодалаш учун мўлжалланган бўлиб, у нарсанинг, жараённинг табиатини ва уларга хос бўлган қонуниятларини белгилайди*


Ҳодисани билиш учун уни кузатиш керак. Бу ҳодисанинг моҳиятини билиш учун уни тушуниш лозим. Ҳодиса ҳақидаги билим унинг тавсифида акс этади. Бу ҳодисанинг моҳияти ҳақидаги билим унга берилган изоҳда ўз аксини топади. Илмий билишда ҳодисаларни тавсифлаш эмпирик ўрганишга таянади, уларнинг моҳиятини тушунтиришга эса назарий ўрганиш ёрдамида эришилади.

Ҳодиса ва моҳият бир-бири билан узвий боғлиқ. Улар бир-бирисиз мавжуд бўлиши мумкин эмас. Ҳар қандай ҳодиса ўз моҳиятига эга бўлади, ҳар қандай моҳият эса муайян ҳодисада намоён бўлади. Моҳият ҳодисанинг уни белгиловчи ва тушунтирувчи асоси сифатида амал қилади. Аммо бу асос ҳодисадан сиртда эмас, балки унинг ўзида мужассамлашади.

Бир-бири билан узвий ва ягона бўлган ҳодиса ва моҳият ўзаро мос келмайди. Уларнинг бирлиги – бу қарама-қаршиликлар бирлигидир. Бу категориялар билишнинг турли босқичларини белгилайди ва уларнинг ҳар бири объектни англаб етишнинг чуқурлик даражасини акс эттиради.

Ҳозирги фалсафий адабиётларда моҳият предмет борлиғи барча ранг-баранг ва қарама-қарши шакллариининг барқарор бирлигидан иборат бўлган предметнинг ички мазмуни сифатида тавсифланади. *Моҳият ҳар қандай системанинг асосий жиҳатлари ва тенденцияларини белгиловчи теран алоқалар, муносабатлар, хоссалар ва ички қонунлар мажмуидир.* Муайян моҳиятсиз жисм, жараён бўлмаганидек, муайян ҳодисада ўз ифодасини топмаган моҳият ҳам бўлиши мумкин эмас.

Фалсафада ҳодисанинг икки маъноси шаклланган. *Биринчидан, ҳодиса деганда воқеа, табиат ва жамиятдаги жараёнлар тушунилади.* У мазкур жараёнлар бизнинг онгимиз, идрокимизда акс этишини англатади. Масалан, момақалди роқ, камалак, қор ёғиши, сув тошиши, ер қимирлаши, вулқон отилиши – буларнинг барчаси табиат ҳодисаларидир. Инсон табиат ҳодисаларини тушуниш, тушунтиришга ҳаракат қилган ва уларнинг ўз онгидаги инъикоси билан амалдаги ифодаси ўртасида муайян фарқ



п
мавжудлигини аниқлаган. Табиат ҳодисаларини уларнинг инсон биринчи навбатда идрок этадиган ва пировард натижада уни алдайдиган юзаки, ўзгарувчан жиҳатлари тавсифлайди. Шу тариқа ҳодиса категорияси моҳиятнинг зидди сифатидаги фалсафий маъносига эга бўлади.

Иккинчидан ҳодиса – моҳиятни аниқлаш усули. У, одатда, нарсалар ўзаро таъсирга киришганида, моҳият ўзини намоён этиши натижасида юз беради. Нарса қандай бўлса, кўрсатилган алоқалар ва ўзаро таъсирлар хусусияти ҳам шундай бўлади. Масалан, йиртқич ҳайвон уни ўтхўр ҳайвонга айлантиришга қанча уринмасинлар, барибир йиртқич бўлиб қолади. Аммо у қандай муҳитда ва ўз иштаҳасининг қайси потенциал қурбони билан тўкнаш келишига қараб, унинг хулқ-атвори ўзгаради. Айни шу сабабли ҳодиса нарсанинг моҳиятини, унинг муайян ички ва муҳим хоссасини у ёки бу тарзда намоён этади.

Ҳақиқийлик мезонига жавоб берувчи билимни олиш билишнинг муҳим вазифасидир. Бундай билим ўрганилаётган нарсанинг моҳиятига кириш демакдир. Моҳиятни билиш ривожланишнинг асосий жиҳатлари ва тенденцияларини белгилайдиган теран алоқалар, муносабатлар ва қонунларни аниқлашни назарда тутади. Табиатнинг моҳияти чексиз-чегарасиз бўлгани боис, уни билиш жараёни ҳам чексиздир. Моҳият тушунчаси билишни тўлиқ, мукамал билимга эришишга йўналтирувчи тартибга солиш тамойили аҳамиятига эгадир. Ҳодиса тушунчаси моҳиятни билиш усулини кўрсатади ва шу боисдан методологик аҳамият касб этади. Ўрганилаётган объект ўзи учун ғайриоддий шарт-шароитларга солинадиган илмий эксперимент бутунлай янги ҳодисаларни қайд этиш ва шу тариқа ўз шаклланиши ва фаолиятининг илгари номаълум бўлган қонунларини кашф этиши тасодифий бир ҳол эмас.


Ҳар қандай конкрет ҳодиса «бу ерда» ва «ҳозир», яъни шу вақтда ва шу жойда мавжуд бўлган қандайдир **яккаликдир**. Моҳият эса турли вақтда ва турли жойларда мавжуд бўлган ҳодисаларда бир хил бўлган **умумийликдир**. Турли ҳодисалар тўплами айни бир моҳиятга эга бўлиши мумкин.

Якка ва умумийнинг ўзаро нисбати номинализм ва реализм ўртасида кўп асрлик баҳс предмети ҳисобланади.

Номинализм (лот. *nomēn* – ном) нуқтаи назари: амалда якка нарсаларгина мавжуд, умумийлик эса амалда мавжуд эмас. Нарсаларнинг айрим тўплами учун фақат уларга берилган ном (сўз) умумий бўлиши мумкин, яъни умумийлик бизнинг фикримиздагина мавжуд.

Реализм нуқтаи назари: якка нарсалар («бу стул», «бу учбурчак») билан бир қаторда айрим умумий моҳиятлар («умуман стул», «умуман учбурчак») ҳам амалда мавжуд; яъни умумий тушунчалар (универсалиялар) – бу амалда «ўз холича» мавжуд бўлган алоҳида предметлар.

Номиналистлар ва реалистлар ўртасидаги баҳснинг ечими ҳодиса (яъни яккалик) ва моҳият (яъни умумийлик)нинг **бирлиги** ҳақидаги тасаввурдан келиб чиқади. Якка нарсалар ҳам, умумий нарсалар ҳам амалда мавжуд (бу ерда реалистлар маълум маънода ҳақ). Аммо якка нарсадан сиртда, ундан



п алоҳида ҳолда бирон-бир умумий моҳият амалда мавжуд эмас (бу маънода номиналистларнинг гапида ҳам жон бор). Умумийлик (моҳият) яккалик (ҳодиса)да мавжуд бўлади ва у билан узвийдир.

Ҳодиса ўзгарувчан ва беқарордир; у кўп сонли ранг-баранг жиҳатлар ва хусусиятлардан иборат бўлиб, улар ҳодисанинг моҳияти билангина эмас, балки унинг мавжудлик шароити билан ҳам белгиланади. Моҳият эса, аксинча, барқарор ва ўзгармасдир; у шароитга қараб турлича намоён бўлган ҳолда, айтилиш вақтида ўзгаришсиз қолиши мумкин. Ҳодиса тўлалигича ўз моҳияти билан белгиланмайди, у ҳамيشа ўз моҳиятидан «бойроқ».

Моҳият ҳодисалар «юзасида» ётмайди, унга етгунча анча заҳмат чекиш талаб этилади. Борлиқни билиш жараёнида одатда аввал ҳодисалар кузатилади, сўнгра мазкур маълумотлар устида мулоҳаза юритиш йўли билан уларнинг моҳияти аниқланади. Аммо бу моҳият ҳам ўзини асослаш ва тушунтиришни талаб қилади. Шу сабабли инсон тафаккури янада илгарироқ, янада чуқурроқ моҳияти сари ҳаракатланади ва ҳ.к.

Фан тарихида осмонда кузатилаётган ҳодисаларнинг моҳиятига берилган изоҳ қай даражада чуқурлашиб борганини мисол тариқасида кўриб чиқамиз (чизмага қаранг).

Шундай қилиб, билиш жараёнида объект ҳодиса ва моҳиятга «иккиланади» Унда бу икки қарама-қарши томондан бошқа ҳеч нарса мавжуд эмас. Аммо уларнинг ҳар бири «ранг-барангликнинг бирлиги» (мазмун жиҳатидан объектдан «қашшоқроқ» бўлса ҳам) ва, ўз навбатида, алоҳида таҳлил қилиниши мумкин.

ОБЪЕКТ	
Ҳодиса	Моҳият
САЙЁРАЛАРНИНГ ОСМОН БЎЙЛАБ СИЛЖИШИ Бобил қоҳинлари, милоддан аввалги II минг йилликнинг боши	————— ХОДИСА
↓	
САЙЁРАЛАРНИНГ ҚУЁШ АТРОФИДАГИ ҲАРАКАТИ Коперник, XVI аср ўрталари	————— 1-тартибдаги МОҲИЯТ
↓	
САЙЁРАЛАРНИНГ ЭЛЛИПССИМОН ОРБИТАЛАРИ Кеплер, XVII аср боши	————— 2-тартибдаги МОҲИЯТ
↓	
БУТУН ОЛАМ ТОРТИШИШИ Ньютон, XVII аср охири	————— 3-тартибдаги МОҲИЯТ
↓	
МАҚОН-ВАҚТНИНГ ҚИЙШАЙИШИ Эйнштейн, XX аср боши	————— 4-тартибдаги МОҲИЯТ
↓	
?	————— ?



П

Сайёралар ҳаракати - қадимдаёқ кузатилган ҳодиса, унинг моҳияти эса илмий назариялар асосида ёритилади, бунда ҳар бир кейинги назария бу ҳаракатни белгиловчи янада чуқурроқ қонунлар, сабаблар ва кучларни ёритади. Фаннинг навбатдаги («5-тартибдаги моҳият» сари) қадами қандай бўлади – ҳозирча маълум эмас.

Ҳодисанинг атрибутлари: нарса ва жараён. Ҳодисани билиш жараёнида туғиладиган дастлабки саволлар – «нима?», «қаерда?» ва «қачон?». Шундай қилиб, ҳодиса аввал-бошданок макон ва вақт мезонларига мувофиқа тавсифланадиган, яъни маконда ва вақтда мавжуд бўлган нарса сифатида тасаввур қилинади.

Ҳар қандай ҳодиса нарса ҳам, жараён ҳамдир. Моҳиятсиз ҳодисалар мавжуд бўлмаганидек, ўзларида юз бераётган жараёнларсиз нарсалар ҳам мавжуд эмас. Аммо билиш жараёнида яна яққанинг «иккиланиши» юз беради. Унинг айрим қисмларини билиш мумкин бўлсин (чизмага қаранг).

ҲОДИСА	
Нарса	Жараён

Нарса деганда кўпинча моддий жисм тушунилади. Аммо бу ерда «наrsa» тушунчаси кенгроқ мазмун касб этади ва маконда муайян (геометрик) шакл-шамойилга эга бўлган ҳар қандай турғун моддий тузилмани англатади. Бу, масалан, камалак, ёруғлик тўлқини, элементар зарра, юлдузнинг гравитация майдони ва ҳоказолар бўлиши мумкин.

Нарсанинг маконда мавжудлиги ҳақида тасаввур ҳосил қилиш учун, биринчидан, унинг макондаги чегараларини (ҳеч бўлмаса тахминан); иккинчидан, унинг кўламини, маконда эгаллаган ўрнининг ҳажмини; учинчидан, унинг бошқа нарсаларга нисбатан ҳолатини («ўнгда», «юқорида», «ичда» ва ҳ.к.) аниқлаш талаб этилади.

Худди шунингдек жараённинг вақтда мавжудлигини тавсифлаш, биринчидан, унинг вақтдаги чегараларини, иккинчидан, унинг давомлилигини, учинчидан, унинг бошқа жараёнларга нисбатан ҳолатини, уларнинг кетма-кетлигида бу жараённинг ўрнини («илгари», «кейин», «бир вақтда») аниқлашни назарда тутати.

Моҳият ва мавжудлик. Платон моҳиятни нарсаларнинг моддий-ҳиссий борлиғи билан боғлаш мумкин бўлмаган ғоя сифатида тавсифлаган. Ҳар қандай ғоя каби, моҳият номоддий, ўзгармас ва боқийдир. Аристотель моҳият деганда нарсалар борлигининг абадий тамойилини тушунган. Нарсанинг моҳияти қотиб қолган материя билан эмас, балки шакл билан белгиланишига унинг ишончи комил бўлган. Маълумки, антик анъанада «шакл» ва «ғоя» тушунчалари бир хил маънога эга. Бироқ, Платондан фарқли ўлароқ, Аристотель шакл (ғоя) ва материяни бир-биридан ажратмайди, балки уларнинг узвий алоқасини қайд этади. Ўрта асрларда моҳият ва мавжудлик



п
ўртасидаги фарқ англаб етилади. Моҳият муайян мақсад, мўлжални ўзида мужассамлаштиради, моҳиятни билиш эса унинг туб негизига мувофиқ бўлган таърифда ифодаланади.

Ўрта асрлар фалсафасида қайд этилган моҳият ва мавжудлик ўртасидаги фарқ кейинчалик моҳият ва ҳодисанинг номувофиқлиги сифатида талқин қилинган. Бу номувофиқлик тасодифий, ўткинчи бўлиши ва асосий тамойилни, яъни нарсани унинг муҳим хоссалари билан яратган Тангри ниятини тушунишдан чалғитиши мумкин.

Моҳият ва ҳодиса ўртасидаги диалектик алоқа қуйидагиларда намоён бўлади:

а) моҳият ва ҳодиса бир-бири билан узвий боғлиқ. Ҳодиса ўзида мужассамлашган нарса, яъни моҳиятсиз мавжуд бўла олмайди. Моҳиятда у ёки бу тарзда намоён бўлмайдиган нарсанинг ўзи йўқ;

б) моҳият ва ҳодисанинг бирлиги уларнинг ўзаро мослиги, айнийлигини англабмайди. Моҳият доимо ҳодиса ортида яшириниб ётади. Агар нарсаларнинг намоён бўлиш шакли ва моҳияти бевосита мос келганида, фанга ҳожат қолмас эди;

в) ҳодиса моҳиятга қараганда фаолроқ ва жўшқинроқ, моҳият эса барқарорроқ ва турғунроқ - у барча ўзгаришларда сақланиб қолади. Аммо, ҳодисага нисбатан барқарорроқ бўлган моҳият мутлақо ўзгаришсиз қолмайди;

г) ҳодиса моҳиятга қараганда бойроқ. У объект муҳим алоқаларининг ички мазмунинигина эмас, балки бу объектнинг ҳар қандай тасодифий муносабатлари, алоҳида жиҳатларини ўзида мужассамлаштиради.

Моҳият ва ҳодиса ўзаро муносабатларининг бир-бири билан зиддиятли алоқасини қайд этувчи ўзига хос шакли *зоҳирийлик*дир. У бизнинг сезгиларимиз нарсаларнинг моҳиятини, аниқроқ айтганда моҳиятнинг бирон-бир жиҳатини бир ёқлама ноаниқ акс эттиришини англабтади. Илмий билишнинг мақсади нарсалар ва ҳодисаларнинг зоҳирийлик ортида яшириниб ётган моҳиятини ёритишдан иборат.

Мазмун ва шакл. Мазмун ва шакл оламдаги турли нарса, ҳодиса ва жараёнларнинг диалектикасини ўрганишда, улар ўртасидаги алоқа ва муносабатларни билишда муҳим ўрин тутадиган категориялардир. Мазмун ва шакл тушунчалари, уларнинг диалектикаси қадимдаёқ синчиклаб ўрганилган. Уйғунлик, гўзаллик, мутаносиблик туйғуси, ақл ва тананинг баркамоллиги қадимги юнонлар учун жуда муҳим бўлган. Уларнинг тилида шакл тушунчаси табиатнинг оддий материали гўзал шакл-шамойил касб этишига имконият яратадиган ғоя тушунчасининг синоними саналган. Аристотель ғоя, яъни шаклни материя билан узвий деб ҳисоблаган. Қадимги Юнонистонда мазмун ва шакл муаммоси қўйилган бўлса, кейинги минг йилликда бу муаммони турли йўналиш мутафаккирлари ечишга ҳаракат қилди.

Мазмун. *Мантиқда* мазмун тушунчаси унинг муҳим белгилари мажмуини англабтади. *Фалсафада* мазмун нарсанинг негизини ташкил этадиган, унинг мавжудлиги, ривожланиши ва шаклларининг ўзгаришини



п
белгилайдиган қисмлар, элементларнинг муайян тарзда тартибга солинган мажмуидир. Кўриб турганимиздек, мантиқ ва фалсафадаги мазмун тушунчалари бир-бирини истисно этмайди, балки бир-бирини тўлдиради. *Мазмун – мазкур нарса, жараён, ҳодисани белгиловчи элементлар, томонлар, хоссалар, алоқалар ва тенденцияларнинг йиғиндисиди.*

Мазмун муайян нарса, ҳодиса, жараёнларнинг ўзига хос сифати, хусусиятлари, муҳим белгилари, элементларининг йиғиндисини англатса, шакл мазмуннинг мавжудлик усули, нарса ва ҳодисаларнинг ички ҳамда ташқи тузилишини ифода этади. Масалан, нарса ва жисмнинг мазмуни моддийлиги ва ҳаракатда эканлигидадир. Худди шундай, атомнинг мазмуни унинг таркибидаги 30 дан ортиқ манфий, мусбат ва ноль зарядли элементар зарралар, уларнинг резонанслари, электрон майдон кабиларнинг шунчаки механик бирлигидангина иборат эмас. Айни пайтда, уларнинг ҳаракати муайян майдонлар орқали бир-бирига таъсир ва акс таъсир кўрсатишини ҳам билдиради. Атомнинг шакли унинг таркибига кирувчи элементар зарраларнинг жойланиш тартиби, зарралар ва майдон орасидаги муносабат асосида юзага келувчи алоқалар, алоқанинг хусусияти билан белгиланади. Шунингдек, ҳар қандай бадиий асарнинг мазмуни унда акс эттирилган воқеа орқали ғоя ва образлар тизимини билдирса, шакли шу асарнинг тузилиши, тили ҳамда ҳикоя, роман ва шу кабилар тарзида ифодаланади.

Шакл. Ҳар қандай нарса, ҳодиса аниқ мазмун билангина эмас, балки муайян шакл билан ҳам тавсифланади. *Шакл – бу нарсалар ва жараёнларнинг мазмунини белгиловчи томонлар, хоссалар ва алоқаларни уюштириш усули. Бошқача айтганда, нарсанинг шакли – бу элементлар ўртасидаги барқарор ички алоқаларни уюштиришининг унга яхлитлик сифатида намоён бўлиши ва ўзига хос бўлган барча функцияларни бажариши имконини берувчи усули.*

Шакл,-дейди Ибн Сино,-жисмларнинг мавжудлиги қандай бўлса, шундай сақланиши ёки бошланғич материянинг конкрет жисмга айланишидир. Шакл- табиий куч сифатида аорганик жисмларни ҳаракатга келтиради: ўсимлик, ҳайвон, одам, космик руҳни ҳаракатга келтирадиган табиий жисмлар шаклидир. Шакл-жисмдан конкрет нарса ва предмет ҳосил бўлишидир. Шакл-жисмларнинг алоҳида хусусияти бўлиб, конкрет яшаш тарзини белгилайди. Шакл умумий ном бўлиб, нарса турини, нарсанинг мавжудлигини, иккинчи марта такомиллашини, мавжудлиги ва ўринли актуалланишини билдиради. Шаклни аниқлашда нарсалар мавжудлиги муҳим ўрин эгаллайди. Масалан, олов олов шакли асосида актуаллашади ва бошқа шаклга ўтади. Шакл туфайли жисм жисм бўла олади.¹ Мазмун ва шакл тушунчаларига берилган таърифларнинг ўзидаёқ биз уларнинг ўхшашлигини пайқаймиз, чунки структура, ички изчиллик – мазмуннинг ҳам, шаклнинг ҳам зарурий компоненти. Шу сабабли мазмунни шаклдан фақат абстракт нуқтаи назардангина ажратиш мумкин. Икки ўхшаш мазмунни таққослашгина шакл омилларини фарқлаш имконини беради. Нафақат

¹ Ибн Сино Донишنامه. -Душанбе.: 1980.-С.56.



п
мазмун «шаклдор», балки шакл ҳам мазмунлидир. Шу сабабли айни бир жихат, элемент бир вақтнинг ўзида бир предметнинг шакли ҳам, бошқа предметнинг мазмуни ҳам бўлиши мумкин.

Мазмун ва шаклнинг диалектикаси хусусида хулоса чиқаришга шошилиш ярамайди. Зеро нарса шаклсиз ҳам мавжуд бўлмайди. Шунингдек, шакл мазмунга фаол таъсир кўрсатади, нарсага унда мавжуд бўлмаган хоссаларни бахш этади. Мисол учун, кўмир, графит ва олмосни олайлик. Уларнинг фарқи – фақат молекула структурасида, яъни шаклда. Аммо ҳеч ким бу моддаларни бир-бирига ўхшатмайди. Хуллас, шакл мазмунга фаол таъсир кўрсатиб, ё уни такомиллаштиради, ё ўзини тўла намоён этишига монелик қилади. Шакл мазмундан нисбатан мустақилдир. Бу ҳол айни бир мазмуннинг кўплаб шакллари мавжудлигида, шунингдек шакл мазмундан ўзиши ёки ундан орқада қолишида намоён бўлади. Шу сабабли шакл ва мазмуннинг узлуксизлиги уларнинг бирлиги тўғрисида сўз юритиш имконини беради. Бунда ҳар бир муайян ҳолда ё шакл, ё мазмун устунлик қилиши мумкин. Шакл ва мазмуннинг номувофиқлиги ёки қарама-қаршилиги юзага келишига сабаб бўладиган мазкур категориялар диалектикаси борлиқнинг ҳар қандай ҳодисаси ўзгариши ва ривожланишининг ички манбаи ҳисобланади.

Формализм. Шакл ва мазмуннинг ўзаро алоқаси шунда ифодаланадики, нарсанинг бу икки қарама-қарши томонлари бир-бирига ўзаро таъсир кўрсатади. Қадимда мазмун ва шакл диалектикасида шакл устун қўйилган, унинг ёрдамида нарса ўз ғояси (шакли) ёки вазифаси (мақсади)га мувофиқ бўлган муайян борлиқ сифатида мавжуд бўлади, деб ҳисобланган. Кейинчалик фаннинг ривожланиши ва унинг фалсафага таъсири кучайиши билан мазмун ва шаклнинг алоқаси ҳақидаги тасаввурга ҳам аниқлик киритилган. Оддий соғлом фикр бизга шакл *ниманингдир*, яъни муайян мазмуннинг шакли бўлиши мумкинлигини, мазмунсиз шакл ҳеч қандай аҳамият касб этмаслигини кўрсатади. Шу сабабли формализм танқиди мутлақо ўринлидир. Масалан, санъатда «соф шакллар» билан ўйин қилишга уриниш шунинг учун ҳам муваффақиятсизликка учрайдики, ўзини формалист деб ҳисобловчи истеъдодли санъаткор асарида мазмун барибир мавжуд бўлади. Давлатни бошқаришда формализм турларидан бири саналган бюрократизм билан ҳам шундай ҳол юз беради. Ўз фаолиятини соф формал қоидаларга бўйсундирувчи, соғлом фикрга сон-саноксиз тўсиқлар ўрнатувчи бюрократ амалда ҳокимият ваколатлари бирдан-бир мақсад саналган муайян давлат тизимининг вакили ҳисобланади. Формализмнинг яна бир кўриниши ҳуқуқнинг позитивистик талқини бўлиб, унга биноан ҳуқуқ иқтисодий, сиёсий, ахлоқий ёки ўзгача асослашга муҳтож бўлмаган олий асосдир. Ҳуқуқнинг мазкур формал-догматик талқини қонунчининг ўзбошимчалигига кенг йўл очади. Натижада давлатда *ноҳуқуқий* қонунлар устуворлиги қарор топади.

Мазмун ва шакл ўртасидаги диалектик ўзаро алоқа қуйидаги омиллар билан белгиланади.



п

1. Мазмун ва шакл бир-бири билан узвий боғлиқ. Амалда шаклсиз мазмун ва мазмунсиз шакл ҳеч қачон ва ҳеч қерда мавжуд эмас. Шаклни мазмундан ажратишга, шакл мустақил аҳамиятга эга эканлигини исботлашга уринишлар формализмга олиб келади.

2. Мазмун ва шаклнинг бирлигида мазмун етакчилик қилади. Мазмуннинг ўзгариши доим шаклнинг ўзгаришига сабаб бўлади. қандайдир ташқи куч эмас, балки айнан мазмун ўзини шакллантиради. Мисол учун, фанни ривожлантириш, янги қонунларни кашф этиш, объектив ҳақиқатларнинг тагига етиш мазкур янги қонунлар мазмунини расмийлаштирувчи тегишли янгича тасаввурлар, формулалар, назарияларни талаб қилади.


3. Мазмун ва шаклнинг бирлиги мазмунга нисбатан шаклнинг нисбатан мустақиллиги, фаоллигини назарда тутади. Шаклнинг нисбатан мустақиллиги қуйидагиларда намоён бўлади:

а) ривожланишда шаклнинг мазмундан оқсашида. Мазмун ҳеч қачон бир даражада турмайди. У ўзгаради. Шакл ҳам ўзгаришсиз қолмайди. Аммо мазмун билан таққослаганда шакл барқарорроқ, турғунроқдир. Бу ҳол шу билан изоҳланадики, мазмун ўз ҳаракатига эга бўлади, шакл эса мазмун билан белгиланади. Мазмундан фарқли ўлароқ, шакл ҳодисанинг турғунроқ томони сифатида амал қилади. У муқаррар тарзда ўз мазмунидан ортда қолади;

б) шаклнинг мазмунга акс таъсирида. Бу таъсир икки ёқлама: шакл ё мазмуннинг ўзгаришига кўмаклашади, ё унга монелик қилади. Албатта, агар шакл мазмуннинг ўзгаришига мувофиқ бўлса, у мазмун жадал суръатларда ривожланишга замин яратади. Агар уларнинг ўртасида зиддият туғилса, мазмун лозим даражада ривожлана олмайди, чунки унга эски шакл халақит беради. Шу сабабли эртами-кечми зиддиятни ечиш вақти келади. Янги мазмунга мувофиқ янги шакл яратилади. Шундай қилиб, мазмун ва шакл ўртасидаги зиддият нарсалар ва ҳодисаларнинг ўзгариш, уларнинг бошқа нарсалар ва ҳодисаларга айланиш сабабларидан бири ҳисобланади.

Мазмун ва шаклнинг бирлиги уларнинг айнанлигини билдирмайди. Улар орасида ўзаро диалектик муносабат мавжудки, бу birlik бир томондан нарса, ҳодисаларга хос ички тараққиёт тамойилини билдирса, иккинчидан, қарама-қаршиликларнинг ўзига хос ифодаси сифатида нарсалардаги зиддиятни ва зиддиятли томонлар муносабатини англатади. Бундай муносабатда мазмуннинг ўзгарувчанлиги ва фаол характерга эга эканлиги намоён бўлади. Масалан, бирон-бир эски шакл қобиғида янги мазмун вужудга келади, натижада аста-секин унга мувофиқ шакл ҳам ўзгаради. Демак, маълум чегарагача шакл мазмунга мос келади, сўнгра эса бу мувофиқлик бузилади, яъни янги мазмун ва янги шакл бирлигига эга бўлган янги нарса ёки ҳодиса пайдо бўлади. Бу табиий ҳамда ижтимоий ҳодисаларнинг тўхтовсиз ривожланиб, янгиланиб туришида мазмун ва шакл ўртасидаги муносабатнинг ифодасини тўғри англаш имконини беради.

Мазмун билан шакл алоқадорлигидаги қонуният шундаки, ривожланиш жараёни буларнинг ўзаро мувофиқлиги асосида содир бўлади.



п

Шунинг учун ҳам мазмуннинг ўзгариши унга мос келадиган шаклнинг ўзгаришига олиб келади ва ҳар иккаласи бир-бирига мос бўлиб қолади. Мазмун ва шакл диалектикасида нарса, ҳодиса ҳамда жараёнларнинг йўналишидаги мазмуннинг бирламчилиги ва фаоллиги шаклнинг пасивлигини билдирмайди. Шакл ҳам ўз имконияти чегарасида мазмунга муайян тарзда таъсир кўрсатади, ривожланишини тезлаштиради ёки секинлаштиради. Чунончи, меҳнат қуроллари шаклининг ўзгариши кишилар амалий фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади ёки бирон-бир самолётнинг тезлиги унинг техник қурилишига, айти пайтда, ташқи шакли, қанот тузилишига ҳам боғлиқдир.

Ишлаб чиқаришни ташкил этишда, техника тараққиётида машиналар, қурилмалар, меҳнат қуролларининг ички ва ташқи кўринишлари мақсадга мувофиқ шаклларда бўлишига эътибор берилишининг сабаби ана шунда. Мазмун ва шаклнинг умумий мувофиқлик қонуниятида ўзаро мосликка интилиш ҳеч қачон бу борада мутлақ уйғунликни англатмайди. Улар ўртасидаги мосликнинг вақти-вақти билан бузилиб туриши мазмун ва шакл уйғунлигидаги асосий ҳолатдир. Шаклнинг фаоллиги аниқ шароитга кўра турлича намоён бўлади. Мазмун ҳамisha эски шаклни тўла инкор этмасдан ўзига мувофиқлаштиришга интилади. Яна шу жиҳатини ҳам айтиб ўтиш керакки, бир мазмун бир неча шаклларда ҳам намоён бўлиши мумкин. Мазмун ва шаклнинг бирлик муносабатини нотўғри тушуниб, уларни бир-биридан ажратиб қўйиш, катта хато бўлиб, аниқ ҳолат ва вазиятга етарли баҳо бера олмаслик, назарияда ақидапарастликка, амалий фаолиятда эса шаклбозликка олиб келиши мумкин. Бу борада мазмун ва шакл бирлигини тўғри тушуниш муҳим аҳамиятга эга

Мазмун ва шакл оламдаги нарса, ҳодиса, жараёнларнинг мавжудлигини ифодалаш воситаси бўлиб, ҳар икки категориянинг бирлиги оламнинг аниқ кўринишларидан иборат бўлади. Мазмунга эга бўлмаган нарса ва ҳодисалар бўлмаганидек, шаклсиз жисм ва жараён ҳам бўлиши мумкин эмас. Демак, биринчидан, олам ва унинг аниқ кўринишлари инсон тафаккурига боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлганидек, оламга хос муҳим муносабат, нарсаларнинг мавжудлик воситаси сифатида мазмун ва шакл категориялари ҳам мавжуддир. Иккинчидан, воқеликдаги ҳар бир жисм, нарса, ҳодиса мазмун ва шаклнинг бирлиги ҳамда бир бутунлиги тарзида, муайян структуранинг йиғиндиси сифатида юзага келади ва мавжуд бўлади. Учинчидан, оламдаги жисм, воқеа, жараёнлардан ажралган, мустақил мазмун ва шакл бўлмайди.

Фалсафа тарихида мазмун ва шакл каегориясига муносабат. Фалсафа тарихида мазмун ва шакл масаласига турлича ёндашиш, уларнинг бирлиги, воқеликда тутган ўрни, билиш жараёнидаги ролини ҳар хил изоҳлашлар бўлган. Файласуфлардан айримлари шакл ва мазмуннинг мавжудлигини инкор этсалар, бошқалари унинг ўзаро бирлигини англамаганлар. Жумладан, Аристотель мармардан хайкал йўнаётган хайкалтарошни кузатар экан, шакл мазмундан бўлак ва мустақил мавжуд бўлади, унга мазмун ташқаридан киритилади, шу туфайли мармар



п
жонланади, деган хулосага келган. И. Кант эса мазмун ва шаклни фақат инсон ақли, тафаккурининг маҳсули, натижаси деб тушунди. Ф.Гегель мазмун ва шакл диалектикасини тан олган бўлса ҳам, лекин мазмун ҳам, шакл ҳам мутлақ ғоя ривожланишининг босқичлари, турли кўринишлардаги ифодасидир, деб фикр юритган. Ўзирги замон фалсафаси вакилларида бири, физик олим Э.Шредингернинг фикрича, воқеликда нарсалардан мустақил шаклларгина мавжуд, жумладан, "элементар" зарраларнинг моддийликка алоқаси йўқ, улар ҳар қачонгидай, соф шаклдир ва оламда шаклдан бўлак ҳеч нима бўлиши мумкин эмас.

Мазмун ва шаклнинг ўзаро алоқадорликда мавжуд бўлиши, оламнинг муайян томонларини ифодаловчи зарурий муносабатлар бирлигига асосланади. Мазмун ва шакл оламнинг барча соҳаларида, табиатда, микро ва макродунёда, ижтимоий ҳаётда ҳамда тафаккур жараёнида кенг амал қилади.

Бутун ва қисм. Ўзаро боғланган соддароқ нарсалардан ташкил топадиган ҳар қандай предметнинг мураккаб тузилишини ифодаловчи фалсафий категорияларнинг айрим нисбатан ажралмас мажмуини ташкил этади. Бутун ва қисм олам ва ундаги нарсаларнинг таркибий тузилишини англатади. **Бутун ва қисм — фалсафий категориялари бутун нарса, ҳодиса ва уни ташкил этган қисмларнинг муайян тартибда жойлашган ва ўзаро боғланган ягоналикнинг ифодасидир. Ёсим бутун таркибига кирадиган, унинг таркибидагина ўз вазифаси (функцияси)ни бажара оладиган алоҳидалиқдир.** Ушбу тушунчаларнинг умумлашиши объектив оламдаги хилма-хилликнинг моҳиятан яхлитлиги билан ифодаланади. Бироқ улар алоҳида-алоҳида ҳолатда ҳам воқеликдаги бирон-бир реалликни идрок этишга имкон туғдиради. Объектив олам бепоён бўлгани ва у жуда кўп нисбий бутунликлардан ташкил топгани учун бутун бошқа бутунликнинг қисми бўлиши, қисми эса бошқа элементларга нисбатан бутун вазифасини ўташи ҳам мумкин.

Масалан, Ер шари ўзи бутунлик бўлиб, бу макондаги бошқа барча нарса, ҳодиса, жараёнлар унинг қисмларидир. Ёсуёш системасига нисбатан Ер қисм бўлса, Галактиканинг бир зарраси — элементидир. Ер шаригадаги жонсиз ва жонли жисмлар уни ташкил этган қисм эканлиги ҳақида фикр юритилганда, уларни контекст (матн)дан ажратган ҳолда талқин этиш жиддий хатоликларни, ғайриилмий муносабатларни келтириб чиқаради. Чунончи, одамзот жонли табиатдаги ягона бир тур, яъни битта бутунликдир. Унинг миллий (этник), ирқий, синфий, диний ва бошқа тафовутлари шу социал бутунликнинг турлича намоён бўлиши, бинобарин, улар ҳам биологик, ҳам социал мавжудот бўлган одамзот турига нисбатан қисмлардир. «Бутун» ва «система», «қисм» ва «элемент» тушунчаларидаги умумийлик билан бирга тафовутни ҳам англаш муҳимдир.

. *Предметни (бутунни) ташкил этувчи нарсалар унинг қисмлари ҳисобланади.* Бутунни ташкил этувчи қисмларни бирлаштирадиган алоқа предметга яхлитлик бахш этади, яъни бутунга хос бўлган, лекин уни ташкил этувчи қисмларга уларнинг тарқоқлик ҳолатига хос бўлмаган интегратив хоссалар ва қонуниятлар пайдо бўлишига олиб келади. Бинобарин, бутун



п

Ўзини ташкил этувчи қисмларнинг бирлигидир. У ўз қисмларининг ўзаро алоқаси туфайли мавжуд бўлиб, бу алоқанинг барқарорлиги мазкур бутуннинг тузилишида ўз ифодасини топади.

Бутун ва қисм тушунчалари қадимги юнон фалсафасидаёқ маълум бўлган. Бутунни ўрганишга нисбатан ёндашувларни белгилашда юзага келган зиддиятларни ечиш қийинчилик туғдирган. Маълумки, Декарт ўзининг метод ҳақидаги мулоҳазаларида ҳар қандай предметни ўрганишни билиш вазифасини ечиш учун бу предметни неча қисмга ажратиш керак бўлса, шунча қисмга ажратишдан бошлашни тавсия этади. Демак, бутун - қисмлар йиғиндиси дейиш ҳам мумкин. Аммо бу фикр фақат қисман тўғри, чунки бутун ўзини ташкил этувчи қисмларнинг оддий йиғиндиси билан изоҳланиши мумкин эмас. Масалан, қурилиш материаллари бир уюмга тўкилса, бино пайдо бўлмайди. Қарама-қарши ёндашув бутуннинг устунлигини тан олишни назарда тутаяди. Бу ҳолда бутунни билиш қисмларни билишдан олдин келади. Аммо бутуннинг ўзига хослиги уни ташкил этувчи қисмлардан келиб чиқмаганидек, қисмнинг хоссалари ҳам бутундан келиб чиқмайди. Натижада қониқарли ечимини топиш мушкул бўлган яхлитлик антиномиялари юзага келди, чунки қарама-қарши фикрларнинг ҳар бирини амалиётдан олинган мисол билан исботлаш ва худди шунингдек, амалиётдан олинган мисол билан рад этиш мумкин. Масалан, бутун қисмларнинг йиғиндисидир, деган қоидага бутун ўзини ташкил этувчи қисмлар йиғиндисидан кўпроқдир, деган қарши қоида зид келади. Қисмлар бутундан олдин пайдо бўлади, деган фикрга бутун ўзининг қисмларидан олдинроқ пайдо бўлади, чунки уларга янги хоссалар бахш этади, деган фикр зид келади. Мазкур антиномиялар билиш методологиясида ҳам билишнинг қарама-қарши мўлжалларида ўз ифодасини топади: бутунни билиш унинг қисмларини билиш орқали амалга оширилади, бунга қарши қоида эса шундай янграйди: қисмлар бутунни қисмларга ажратиш маҳсули сифатида фақат бутун ҳақидаги билимга мувофиқ англаниши мумкин. Яхлитлик жумбоқларига, хусусан, қуйидаги ҳодиса мисол бўлади: ҳар бир атом ядросининг оғирлиги унинг таркибий қисмлари оғирлигининг йиғиндисидан камроқдир. «Масса нуқсон» деб аталадиган бу ҳодиса масса ва энергиянинг эквивалентлиги билан изоҳланади. Бу ҳодисани яхлитлик жумбоқлари нуқтаи назаридан қандай тушунтириш мумкин? Мазкур зиддиятларни ечиш бутун ва қисмнинг алоқаси ҳақидаги қарама-қарши тасаввурлар бирлигини тан олишни назарда тутаяди. Дарҳақиқат, қисм бутунга боғлиқ бўлади, у бутундан янги хоссалар олади. Бутун ҳам қисмларга, бироқ кўпроқ даражада – улар ўртасидаги алоқанинг хусусиятига боғлиқ бўлади.

Қисмлар ўртасидаги алоқанинг хусусияти бутуннинг сифат жиҳатидан аниқлигини, унинг яхлитлигини белгилайди. *Яхлитлик қисмларнинг шундай бир алоқасики, унда бутун қисмларининг бирлигини таъминланади, бунинг натижасида бутун тизимлилиқ, уюшқоқлиқ хусусиятини* касб этади. Қисмлар алоқасининг типи яхлитлик типини белгилайди. Алоқанинг структуравий (тузилишнинг алоқалари), функционал



п
(предметнинг фаолият усулини тавсифловчи), генетик типлари яхлитликнинг тегишли типларини ташкил этади. Яхлитликнинг қуйидаги турлари фарқланади:

1. *Механик яхлитлик.* Бу ерда қисмнинг бутунга камроқ боғлиқлиги ва бутуннинг қисмга сезиларли даражада боғлиқлиги кузатилади. Масалан, автомобиль гилдираги ёки рули унинг ҳаракатланишини таъминловчи қисмлардир, лекин улар ўз сифатида автомобилдан қатъий назар мавжуд бўлиши мумкин.

2. *Ноорганик яхлитлик.* Бу ерда қисмларнинг бутунга боғлиқлиги ортади, бутуннинг қисмга боғлиқлиги эса камаяди. Қисмларнинг барқарор алоқаси ҳар бир элементга ўз хоссаларини сақлаш ва нисбатан ўзгармас бўлиб қолиш имконини беради. Масалан, электрон атом таркибида ҳам, ундан ташқарида ҳам (ҳаракатланаётган электронларнинг изчил оқими сифатида) деярли ўзгаришсиз қолади.

3. *Органик яхлитлик.* Органик дунёда нафақат қисмларнинг ўзаро мослигига, балки уларнинг субординациясига ҳам дуч келиш мумкин. Органик тизимларнинг қисмлари бутундан ташқарида мавжуд бўлмайди. Танадан узилган қўл фақат номигагина қўл саналишини Аристотель қадим замонлардаёқ қайд этган эди.

Яхлитлик типлари ва турларининг таснифи бутуннинг табиатини билиш нафақат уни ташкил этувчи қисмларни, балки қисмлар ўртасидаги алоқалар хусусиятини ҳам билиш орқали амалга оширилишини кўрсатади.

Демак бутун – нарса, ҳодиса ва уни ташкил этган қисмларнинг муайян тартибда жойлашуви ва ўзаро боғланган ягоналикнинг ифодаси. қисм – бутун таркибига кирадиган, унинг таркибидагина ўз вазифаси (функцияси)ни бажара оладиган алоҳидалик.

Масалан, яхлит бир бутун сифатидаги H_2O молекулаларининг қисмлари – водороднинг икки атоми ва кислороднинг бир атоми. Бутун ўз қисмларининг оддий йиғиндисидан иборат эмас. Маълумки, водород ёнади, кислород ёнишни қувватлайди, лекин сув, албатта, ёнишга тўсқинлик қилади.

Диалектика бутун ва қисмга уларнинг диалектик бирлиги нуқтаи назаридан ёндашади. Бутун ҳосил бўлганда қисмлар хоссаларининг йиғиндисидан иборат бўлмаган янги сифат вужудга келади; шунга қарамай у қисмлар – уларнинг миқдори ва ўзаро алоқанинг муайян типи билан белгиланади. Шу сабабли диалектика бутунни билиш фақат хоссалар, қисмлар ҳақида билим мавжуд бўлган тақдирда самарали бўлиши мумкин ва аксинча, қисмларни ўрганиш бутунга доир олдинги билимга таяниши лозим, деб ҳисоблайди.

Бутуннинг уч типи маълум:

а) механик бутун (қум, тош уюми, чунки уларнинг қисмлари бутунга киради ва ундан деярли ўзгармасдан чиқади);

б) уюшган бутун, агар қисмларнинг кўриниши ўзгарса;

в) органик бутун, агар қисмлар ўз-ўзидан ривожланса (тирик организмлар).



п

"Бутун-қисм" муносабатларидаги элементларни таҳлил этганда, уларнинг икки тури борлигини назарда тутиш лозим. Булар бошланғич элементлар ва қисм элементларидир. Бошланғич элементлар бутун таркибида ўзига хос мустақил бир бутунлик сифатида намоён бўлса, қисм элементлар фақат бутундан ажралмаган ҳолда гавдаланади. Масалан, одам танаси бир неча бошланғич элементлардан ташкил топган бир бутун системадир: бош мия, юрак, асаб тизими ва бошқалар таркибдаги мустақил системалар бўлиб, улар бир неча қисм элементлардан иборат. Бутун ва қисмни талқин этишда улардан бирининг ролини мутлақлаштирмаслик лозим. Чунончи, бутун қисмлардан иборат ёки бутун қисмларга нисбатан устун дейиш тўғри эмас. Зеро, миқдорий жиҳатдан бутун қисмлар йиғиндисидан каттароқ ҳажмга эга. Бошқача айтганда, қисм бутунсиз, бутун эса қисмсиз бўлмайди. Уларни диачектик бирликда олиб қараш ва муносабат билдирилгандагина тўғри хулосаларга келиш мумкин. Ижтимоий ҳаётда индивид (қисм) манфаатларини жамият (бутун) манфаатларидан устун қўйиш ҳам, аксинча, жамият манфаатларини индивид манфаатларидан устун қўйиш ҳам ижтимоий тараққиёт ва инсон камолотига жиддий зарар етказди. Жамият ва индивид бир вақтнинг ўзида мақсад ҳамда восита сифатида намоён бўлиб, улар бир-бирлари манфаатлари уйғунлиги шароитидагина раванқ топиши мумкин. Жамият (бутун) индивидларсиз мавжуд бўлмагани каби индивидлар (қисмлар) ҳам жамият (бутун)сиз яшай олмайди

Система, элемент, структура. Бутун ва қисм категорияларини система, структура, элемент категориялари тўлдирди ва ривожлантиради. Бутун ҳажм жиҳатидан «система» тушунчасига тенг.

Система – ўзаро боғланган қисмлардан таркиб топган бутун тизим. Қадимги юнон фалсафасида система (тизим) тушунчаси борлиқнинг тартиблилиги ва яхлитлиги сифатида тавсифланган. Ҳозирги талқинда система муайян яхлитликни ташкил этувчи қонуний муносабатлар ва алоқаларда бўлган элементларнинг органик тўплами сифатида тавсифланади. Система (юнон. *systema* – бирлаштириш, яратиш) – *бир-бирининг ўртасида қонуний алоқа ёки ўзаро алоқа мавжуд бўлган муайян элементлар йиғиндиси*. Ҳар қандай системанинг структураси аввало унинг таркибий элементларига боғлиқ бўлади. Ўз навбатида, элементларнинг хоссалари ҳам кўп жиҳатдан ўзлари ҳосил қилган системанинг структураси билан белгиланади.

Бироқ, система ўз таркибида нисбатан мустақил бутунликларни ҳам қамраб олади. Сўнгра "бутун" деганда, системали ташкилланишдаги ўзига хос бирликка урғу берилса, "система"да хилма-хилликдаги бирлик тушунилади. Агар бутун қисмлардан ташкил топса, системага структура ва элементлар хосдир. Систем ўз ҳолича фақат бутун доирасидагина маълум маъно касб этади, у бутуннинг сифат муайянлиги белгиларини ўзида акс эттиради ва мустақил равишда мавжуд бўла олмайди.

Ҳодисаларнинг макон, вақт, сифат ва миқдор жиҳатларини ўрганиш асосида уларни системали тавсифлаш имконияти пайдо бўлади. Тизимли ёндашув ҳодиса унинг амалга оширилган таҳлил натижасида фарқланган



п атрибутларининг синтетик бирлиги сифатида қаралишини назарда тутати. Тизим – дифференциацияланган, лекин шу билан бир вақтда яхлит бирлик.

Система ва элемент тушунчалари бутун ва қисм категорияларига яқин туради. Аммо улар айний тушунчалар эмас. Хусусан, қисм бўлинади, элемент – эса системанинг бошқа қисмларга ажралмайдиган компоненти ҳисобланади. Шунингдек система бутун билан ҳам солиштирилиши мумкин ва худди бутун каби, қисмларнинг алоқадорлиги, тартиблилиги ва уюшқоқлиги билан тавсифланади. Аммо бутунни ўрганишда унинг ўзига хос хусусиятини, сифат жиҳатидан муайянлигини аниқлаш вазифаси биринчи ўринга чиқади.

Системали ёндашув системаларнинг сифат жиҳатидан ўзига хослигидан қатъий назар, улар хулқ-атворининг умумий тамойиллари ва қонунларини аниқлашни назарда тутати. Айни шу сабабли системалар жуда кенг миқёсда қўлланилади. Аммо ҳар қандай объектни ўрганишга нисбатан системали ёндашув доим ҳам самарали эмас. Бирон-бир рўзғор буюми (қошиқ ёки чойнак, ёзув дафтари ва ш.к.)ни системали ўрганишнинг ҳожати йўқ. Баъзан шундай бир «тадқиқотлар» учрайдики, уларда системалар назарияси атамалари ишлатилган бўлса-да, уларни яратган сохта олимлар тавсифланаётган объект талқинига бирон-бир янги нарса киритмайди. Ҳозирги замон фанида системали ёндашувнинг икки йўли қўлланилади: биринчи – системалар тушунчасини муайян тарзда формаллаштириш ва уларнинг фан тилида тавсифланадиган умумий белгиларини аниқлаш; иккинчи – муайян системаларнинг типологик таҳлилидан фойдаланиш кабилардир

Системанинг ҳар бир қисми ҳам тизим («кичик тизим») сифатида қаралиши мумкин. Аммо қисмлар янада кичикроқ қисмларга ажартилганда охир-оқибатда тизимнинг энг содда, билишнинг мазкур даражасида бошқа бўлинмайдиган қисмлари – **элементлар** олинади.

Элемент – (лот. *elementum* – бирламчи модда) – *бутуннинг нисбатан бўлинмас қисми*. Қисм тушунчаси ўз ҳажмига кўра «элемент» тушунчасидан кенгроқ, чунки бу ҳар қандай қисм эмас, балки нисбатан бўлинмас қисм. Бунда «қисм» бутун тушунчаси билан, «элемент» эса – структура тушунчаси билан муносабатга киришади. Элемент нарсанинг бошқа бўлинмайдиган заррасини англатувчи категория. Хусусан, модда атомлардан ташкил топади ва атомлар модданинг элементлари ҳисобланади. Аммо бизга маълумки, атом парчланади. Нима учун биз элементар зарраларни модданинг элементлари деб ҳисобламаймиз? Шунинг учунки, элементар зарралар модданинг эмас, балки турли-туман майдонларнинг элементлари ҳисобланади.

Элемент қисмдан фарқли ўлароқ, ҳар қандай системанинг муайян таркибий қисми бўлиб, материя ривожини ташкилланиш даражасининг нисбатан навбатдаги қуйроқ даражасига ўтиш чегарасини англатади. Элемент системага нисбатан ҳар доим бошқа сифатдаги объект ҳам бўла олади. Масалан, ҳозирги ривожланган мамлакатлардаги давлат тузилиши системаси нисбатан мустақил ҳаракат қилувчи тўрт элемент (ҳокимият)дан ташкил топади: қонун чиқарувчи орган, ижроия органи, суд органи ва



п оммавий ахборот воситалари. Давлат системаси доирасида, бир-биринини ишларига аралашмай, фақат ўзига хос функцияларни бажарганлари тақдирдагина бундай давлат системаси ҳаётий, таъсирли ва қудратли бўлади. Мабодо ўша тўрт элементга бир бутуннинг таркибий қисмлари сифатида қаралса ва муносабат билдирилса, уларнинг самарали ишлашига жиддий путур етади.

Элементлар сифатида нарсалар, жараёнлар, хоссалар, катталиклар ва ходисаларнинг бошқа ҳар қандай хусусиятлари амал қилиши мумкин. Элементлар ўртасидаги муносабатлар йиғиндиси тизимнинг структурасини ташкил этади. Ҳамонки нарсалар ва жараёнларни турли усулда қисмларга ажратиш мумкин экан, улар структураларнинг ранг-баранглиги билан тавсифланади.

Ҳодисаларни ўрганишга нисбатан тизимли-структуравий ёндашилганда «яхлитлик эффекти»ни эътиборга олиш лозим: бутун доимо унинг қисмлари йиғиндисидан каттароқ нарсадир. Айни ҳол у ташкиллаштирилгани, яъни тизим элементларини бир бутунга бирлаштирадиган тизим яратувчи, тартибга солувчи алоқаларнинг мавжудлиги билан изоҳланади. Бу алоқалар қанча кучли бўлса, тизимнинг яхлитлик даражаси шунча катта бўлади. Тизимларни ўрганишда уларнинг хоссаларини уларнинг қисмлари хоссаларига боғлаш мумкин эмаслигини ҳисобга олишни талаб этувчи яхлитлик тамойили тизимли ёндашувнинг асосий тамойилларидан биридир.

Нарсалар ва жараёнларни ҳаракатдаги тизимлар сифатида ўрганиш икки жиҳатни фарқлаш имконини беради.

1. Тизимда юз бераётган элементлар ва структуранинг ўзгаришлари бир-бирининг ўрнини шундай тўлдирадики, тизимнинг ўзи ўзгаришсиз қолади ёки цикли ўзгаради, яъни мунтазам равишда айни бир ҳолатга қайтади. Бу стационар тизимлар деб аталади. Уларга, масалан, гомеостатик тизимлар, тебратувчи (осцилляция қилувчи) тизимлар – ўзгарувчан юлдузлар, ишлаётган юрак ва шу қабилар киради.

2. Элементлар ва структуранинг ўзгариши натижасида тизимда орқага қайтариб бўлмайдиган сифат ўзгаришлари юз беради. Пировардида тизим ўзининг дастлабки ҳолатидан бутунлай бошқача шакл-шамойил ва мазмун касб этади. Бу ностационар ёки эволюция қилувчи тизимлар деб аталади. Уларни биз ўз атрофимизда кўп кузатамиз: булар юлдузлар, сайёралар, геологик тузилмалар, жонли организмлар ва ҳ.к.

Берк (ташқи муҳит билан ўзаро алоқа қилмайдиган) тизимлар стационар ҳолатга эволюция қилади. Бу ҳолат зарраларнинг тартибсиз ҳаракати билан тавсифланади ва турғун ҳисобланади, чунки бундай ҳаракат натижасида у ўзгармайди. Аммо мутлақо берк тизимлар табиатда мавжуд эмас. Амалда мавжуд бўлган тизимларнинг барчаси очиқдир.

Стационар ва эволюция қилувчи очиқ тизимлар ўртасидаги фарқ нисбийдир. У кўп жиҳатдан кузатиш вақтига боғлиқ.

Масалан, куёш системаси ёки бизнинг Галактика стационар деб тасаввур қилинади, чунки уларда юз берувчи ўзгаришлар инсон ҳаёти ва



п
хатто инсониятнинг мавжудлик даври билан таққослаганда жуда суст кечади. Аммо миллионлаб ва миллиардлаб йиллар ичида бу системаларда орқага қайтариб бўлмайдиган ўзгаришлар барибир юз беради.

Ёки бошқа бир мисол. Ҳозирги замон космологиясида Метагалактика (бизни қуршаган барча астрономик объектларни қамраб олган космик система) ностационар система сифатида қаралади; тахминан 20 млрд йил олдин ўта зич жисмнинг портлаши натижасида вужудга келган бу система шундан бери тинимсиз кенгайиб бормоқда. Аммо вақт ўтиши билан кенгайиш сиқилишга ўтиши ва Метагалактика «пульсация қилувчи» стационар системага айланиши мумкин.

Биз тизимни кузатаётган давр мобайнида унда юз берган орқага қайтариб бўлмайдиган ўзгаришлар уларни эътиборга олмаслик мумкин бўлган даражада оз бўлган тақдирда биз одатда уларни мавҳумлаштирамиз ва тизимни стационар деб ҳисоблаймиз. Шу сабабли барча объектлар пировард натижада эволюция қилувчи тизимлар ҳисобланади (гарчи узоқ вақт мобайнида деярли ўзгаришсиз стационар ҳолатда бўлиши мумкин бўлса ҳам).

Структура – (лот. *structura* – тузилиш, жойлашув, тартиб) – нарсалар ва ҳодисаларнинг таркибий қисмлари ўртасидаги қонуний алоқа усули. Структура системанинг тузилиши ва ички шакли, мазкур система элементлари ўртасидаги барқарор ўзаро алоқаларнинг бирлиги.

Системаларнинг ўзига хос хусусиятлари. Системаларнинг муҳим умумий хусусиятлари системали ёндашувнинг бир қанча тамойилларини таърифлаш имконини беради. Биринчи – яхлитлик тамойили. Ҳар қандай система кўп сонли элементлардан ташкил топади, лекин уларнинг йиғиндисига боғлиқ эмас. Иккинчи тамойил – системали тузилишининг иерархиявийлиги: системанинг ҳар бир элементи мураккаб тузилишга эга бўлиб, нисбатан мустақил система сифатида қаралади. Айни вақтда ўрганилаётган система мураккаброқ система таркибига унинг элементларидан бири сифатида киради. Учинчи тамойил – системани ташкил этувчи элементлар бир-бири билан муайян муносабатларга киришади. Уларнинг орасида энг муҳимлари система ташкил этувчи, системанинг яхлитлигини таъминловчи элементлардир. Системани ўрганиш структуравий ва функционал ёндашувлардан фойдаланишни назарда тутлади. Структуравий ёндашув системани унинг тузилиши ва шакли нуқтаи назаридан ўрганиш имконини беради. Функционал ёндашув эса, системанинг хулқ-атвори ва бошқа системалар билан ўзаро алоқаларини тадқиқ этиш учун имконият яратади. Системаларнинг ўзаро алоқаси каузал, аниқ белгиланган ва статистик, яъни эҳтимол тутилган бўлиши мумкин. Системанинг муҳитдаги хулқ-атвори актив ва реактив бўлиши мумкин. Системанинг актив хулқ-атвори мақсадлар нуқтаи назаридан тавсифланиши мумкин.

Системаларнинг типлари. Системаларнинг умумий белгилари билан бир қаторда, муайян типлари фақат ўзигагина хос бўлган типологик белгиларга эгадир. Масалан, белгилар системаларини ўрганиш билан илмий билимнинг алоҳида соҳаси – семиотика шуғулланади. У бизнинг тил



п
хақидаги, маданият турли тилларининг ўхшаш жиҳатлари ва фарқлари хақидаги тасаввурларимизни сезиларли даражада бойитади. Кибернетика бошқарувчи системалар хулқ-атворини ўрганадики, бу оқилона асосланган бошқарув системаларини яратиш имконини беради. Ўйинлар назарияси бизнинг конфликтлашаётган системалар хақидаги тасаввуримизни анча кенгайтиради, синергетика эса ўта мураккаб системалар хулқ-атворининг қонуниятларини аниқлайди. Шундай қилиб, *система*, *элемент* ва *структура* категориялари фан ва фалсафани янада бойитиб, муҳим методологик вазифани бажаради.

Элементлари ва структурасининг хусусиятига кўра системаларнинг ҳар хил турлари фарқланади. Объектив борлиқда мавжуд бўлган моддий системаларни ва объектив борлиқнинг инсон онгидаги инъикоси ҳисобланган идеал системаларни фарқлаш айниқса кенг тарқалган. Элементлари ва алоқаларининг сонига кўра содда ва мураккаб системалар фарқланади.


- **Сабаб ва оқибат** оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг бир-бири билан алоқадорлиги, таъсири ва акс таъсирини, воқеликка хос ана шундай муносабатлар жараёнидаги сабаб ҳамда оқибат алоқини ифодалайдиган категориялардир.

Қандай воқеа юз бермасин, барчасининг ўз сабаби бор, деган эди Ибн Сино. Тўғри олинган йўл йўловчини текисликлар орқали мўлжалланган манзилга олиб келади, хато ва бепарволик уни саҳрога олиб боради ва ҳалокатга гирифтор этади. **Ҳодисаларнинг умумий ўзаро боғлиқлиги ва бир-бирини тақозо этиши ғояси детерминизм** тамойилида ўз аксини топади. Бу тамойилга биноан табиатда ҳамма нарса сабабнинг ҳукмига бўйсунди.

Сабаб тушунчаси инсонга унинг ривожланиши дастлабки босқичларидаёқ маълум бўлган. Табиий ҳодисаларнинг келиб чиқишини тушунтирувчи сабабларни аниқлашга бўлган илк уринишларга мифологияда, сўнгра динда дуч келиш мумкин. Кейинчалик сабабларнинг фалсафий ва илмий изоҳи юзага келади. *Сабаб (лот. causa – сабаб) шундай бир ҳодисаки, у бошқа бир ҳодиса – оқибатни бевосита белгилайди, юзага келтиради.* Сабаб оламнинг ҳаракати ва муайян вақт доирасида бўлган ўзгаришдан сўнг иккинчи бошқа бир натижанинг заруран келиб чиқишини таъминловчи асосий ҳодисани англатади.

Оқибат эса ҳодисалар занжирида сабабнинг таъсиридан вужудга келадиган янги ҳодисадир, сабабнинг натижасидир. Сабаб ва оқибат алоқини объектив характерга эга бўлиб, у нарса, ҳодисалар орасидаги алоқаларда амал қилади. Масалан, минг йиллар давомида Ер қуррасидаги иқлим шароитининг ўзгариб бориши ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг ўзгаришига сабаб бўлди. Ёки қадим замонлардан бошлаб меҳнат қуролларининг такомиллаштириливи меҳнат унумдорлигининг ошишига, ишлаб чиқаришнинг ривожига, пировардида эса инсоният таракқиётига ҳам сабаб бўлди.

Нарса ва ҳодисалараро сабабий алоқаларнинг яна бир муҳим хусусияти шундаки, улар умумий характерга эга. Табиат ва ижтимоий ҳаётда



п сабабсиз бирорта ҳодиса ёки воқеа содир бўлиши мумкин эмас. Ернинг Ёуёшга нисбатан ҳозирги ҳолатда жойланиши ҳамда Ер шарининг сирт тузилиши ва унинг ҳам Ёуёш, ҳам ўз ўқи атрофида айланиши сайёрамизда иқлим шароитини ўзгариб туришига сабабдир. Бинобарин, сабабият ёки сабабий алоқалар воқеликдаги барча нарса ва ҳодисаларда умумий, қонуний, истисносиз амал қилувчи муносабатлардир

Сабабият. *Сабабият моҳиятини бир ҳодисанинг бошқа ҳодисани юзага келтириши, сабабнинг оқибатни яратиши таъкил этади.* Оддий онг сабабият жараёнини соддалаштиради: сабаб фаол томон, оқибат – пассив томон сифатида тасаввур қилинади, сабаб оқибатдан олдин келади. Д.Юм бундай тасаввурларни танқид қилар экан, - у сабаблар мавжудлигига шубҳа қилади, аниқроғи буни инкор этади: «Бир ҳодиса айрим ҳолда бошқа ҳодисадан олдин келишидан уларнинг бири – сабаб, иккинчиси – ҳаракат деган хулоса чиқариш ақлга мувофиқ эмас. Уларнинг бирикуви тасодифий бўлиши мумкин, балки бир ҳодиса юз берганида бошқа бир ҳодисанинг мавжудлиги ҳақида хулоса чиқариш учун ҳеч қандай асос йўқдир. Шунга қарамай... инсонни бундай хулоса чиқаришга мажбур қилувчи қандайдир тамойил мавжуд. Бу тамойил одатдир...»¹, деб қайд этади. Сабаблар мавжудлигининг инкорини Юм шу билан тушунтирадики, сабабнинг оқибатни юзага келтириш жараёнини биз бевосита кузата олмаймиз. Сабаб ҳақида биз юз берган оқибатга қараб хулоса чиқарамиз, аммо бу воқеа чиндан ҳам айрим сабабнинг оқибатими, деган саволга биз аниқ жавоб бера олмаймиз, чунки сабаб-оқибат алоқаси мавжудлигини биз синов йўли билан ҳеч қачон тасдиқлай олмаймиз.

Ҳозирги замон фани сабаб объектлар ўртасидаги ўзаро алоқа бўлиб, унинг оқибатида ўзаро алоқага киришган объектларнинг иккаласи ҳам ўзгаришини аниқлаш имконини беради деб ҳисоблайди. Масалан, Ерга йирик метеоритлар тушишига улкан экологик фалокатлар сабаб бўлган. Бир қарашда Ер жабрланган пассив томон, метеорит эса – фаол томон бўлган. Амалда классик механика қонунларига мувофиқ Ер ва метеоритнинг тўқнашуви юз берган. Бунинг оқибатида иккала жисмда тегишли деформациялар юзага келган. Амалиёт ҳар қандай ҳодисанинг вужудга келиши бирон-бир омил ёки омиллар билан белгиланишини кўрсатади. Демак юз бериши янги ҳодиса вужудга келишига олиб келувчи ҳодиса сабаб деб аталади. Сабаб таъсирида вужудга келувчи ҳодиса эса оқибат деб аталади.

Фалсафа тарихида сабаб ва оқибат тўғрисида хилма-хил қарашлар шаклланган. Масалан, баъзи файласуфлар наздида сабаб маълум шарт-шароитлар йиғиндисидангина иборат. Чунончи, инглиз позитивисти Д. Милл: "...сабаб маълум оқибатнинг келиб чиқишини белгилайдиган ижобий ва салбий ҳолатларнинг йиғиндиси, ҳар хил тасодифларнинг мажмуидир", дейди. Бу фикрнинг баҳсли эканлиги шундаки, сабабни Д. Милл баъзи "ҳолатлар", "тасодиф"ларнинг механик йиғиндисидан иборат, деб қарайди,

¹ Қаранг: Юм Д. Соч.: в 2 т. – М.: 1965-1966. Т. 2. –С. 44-46.



п сабабнинг ўз моҳиятига кўра, ички, умумий, зарурий алоқадорлик шакли эканлигини эътиборга олмайди.

Сабабиятнинг энг содда шакли элементар сабабий алоқадир. Бу икки ходиса – сабаб **A** ва оқибат **B** ўртасидаги алоқа бўлиб, унда биринчи ходиса иккинчи ходисани яратади, вужудга келтиради: **A → B**.

Элементар сабабий алоқа қуйидаги жиҳатлар билан тавсифланади.

- **Вақтда олдинма-кетинлик:** сабаб оқибатдан олдин келади. Шунини кайд этиш лозимки, бу сабабий алоқанинг зарурий, лекин етарли бўлмаган шарти. Агар бирон-бир воқеа бошқа воқеадан кейин юз берса, бундан мазкур бошқа воқеа унинг сабаби бўлиб хизмат қилади, деган хулоса келиб чиқмайди. «Бундан кейин – демак бунинг натижасида» деган тамойилга кўра мулоҳаза юритиш мантиқий хатодир. Аксарият бидъатлар замирида айни шундай хато ётади.

- **Узлуксизлик:** сабаб ва оқибат ўртасида вақтга ёки маконга доир тафовут бўлиши мумкин эмас, бир нарсдан бошқа нарсага ўтиш уларнинг ўртасидаги макон ва вақт оралиғини бирон-бир «бўшлиқ»сиз тўлдирувчи жараёндир.

- **Носимметриклик:** сабабий алоқани орқага қайтариб бўлмайди, яъни агар **A B** нинг сабаби бўлса, **B A** нинг сабаби бўлиши мумкин эмас.

- **Турғунлик:** айни бир сабаб айни бир шароитда айни бир оқибатни келтириб чиқаради. Бу **табиатнинг бир хиллиги тамойилидир**. У табиат ҳеч қачон «алдамаслиги»ни англатади: агар бирон-бир сабаб бир марта муайян оқибатни келтириб чиқарган бўлса, у мазкур оқибатни ҳар доим келтириб чиқаради (агар бу оқибат юз берган бўлмаса, айни ҳол шароитлар ўзгаргани билан изоҳланади). Табиатнинг бир хиллиги тамойили улкан амалий аҳамият касб этади, чунки воқеаларни башорат қилиш ва уларни бошқариш имконини беради.

Сабабий алоқалар. Сабабий алоқаларнинг бундай реал ва умумий жиҳатини инкор этиш, оқибатнинг сабабини нарса, ходисаларнинг ўзидан эмас, балки ташқаридан излаш асосида келиб чиқади. Сабаб ва оқибат алоқанинг телеологик таълимотига кўра, олам оқибатларида Худодан бўлак сабаб йўқ, ҳар қандай ўзгариш ва ҳаракат Яратувчининг амри билан содир бўлади. Бунда сабабият эмас, балки мақсадга мувофиқлик мавжуд бўлиб, нарса, ходисаларнинг тартиби азал иродаси билан белгиланади.

Оламдаги ўсимлик ва организмларнинг муҳит, шарт-шароитга мослашганлиги баъзи организмларни муҳитга кўра ҳатто ўз ранги, ташқи қиёфасини ўзгартира олиши, айрим гулларнинг фақат эрта тонгда очилиши, баъзи касалликлар фасллар, қуёш фаоллигининг ошиши ҳоллари билан боғлиқ равишда кучайиши каби ходисалар сабаб ва қонунлар ифодасидир. Хусусан, Ч. Дарвин ўз эволюцион таълимотини, турларнинг келиб чиқиши ва табиий танланиш жараёнини худди шу мақсадга мувофиқлик ходисасини илмий ўрганиш асосида яратган эди.

Сабабий алоқа масаласини объектив идеалистик тушуниш ҳам бор. Бундай оқим тарафдорлари барча ходисаларнинг туб сабаби "ғоялар дунёси" (Афлотун), сабаб ва оқибат "Абсолют ғоя" (Ф.Гегель) ривожланиш



п
ҳолатининг маълум шаклини ифодалайди, деб тушунтиради. Субъектив идеалистлар Д. Юм, И. Кант ҳамда махистлар сабабиятни сезгилар, ғояларнинг муайян, изчилликдаги алоқаси, инсон зехнига хос хусусият деб тушунтирадилар. Жумладан, Э. Мах: "Табиатда сабаб ҳам, оқибат ҳам йўқ; сабаб ва оқибат тафаккуримиз маҳсулидир"¹, деб ҳисоблайди. Д. Джинс, Г. Файхингер, Л. Витгенштейнлар «сабаб» тушунчаси фақат воқеаларни шарҳлашнинг қулай усули, ҳолос, унинг воқелик билан алоқаси йўқ, деб ҳисоблайдилар. Сабабий алоқалар қонуният тарзида олам ва унга хос ўзгаришларнинг моҳиятидан келиб чиқади ҳамда ундаги алоқадорлик, муносабатнинг ўзига хос шакли сифатида амал қилади.

Дунёда барча ҳодисалар, ўзгаришлар, жараёнлар муқаррар тарзда муайян сабаблар туфайли юз беради. Дунёда сабабсиз ҳодисалар йўқ ва бўлиши мумкин ҳам эмас. Барча ҳодисалар сабабий белгиланган, деган қоида сабабият қонунида қайд этилган. Бу қонунни тан олувчи ва уни борлиқнинг барча ҳодисаларига татбиқ этувчи файласуфлар *детерминистлар* деб аталади. Зарурий воқеалар ҳам, тасодифий воқеалар ҳам ўз сабабларига эга бўлади. Олам тараққиётидаги алоқалар сабабиятга, умумий қонуниятга бўйсунди. *Оламда сабабсиз ҳодисалар мавжуд эмас, деган фикр детерминизмдир, сабабият қонунини инкор этувчи файласуфлар эса индетерминистлар деб аталади.* Сабабият ва заруриятни инкор этиб, бу категорияларни воқеликдан ажратган ҳолда тушунтирувчи оқим индетерминизм, деб аталади. Детерминизмдан воз кечиш (индетерминизм), моҳият эътибори билан, фанни фалажликка мубтало этади, чунки сабабсиз ҳодисалар табиатини илмий тушунчалар мумкин эмас.

Индетерминизм сабабий алоқаларни мутлақо инкор этади ёки уни тафаккурга хос ҳодиса, деб ҳисоблайди. Жумладан, айрим ҳозирги замон Жарб физиклари микрооламда ҳам, психик жараёнларда ҳам, ижтимоий ҳаётда ҳам сабабият йўқлигини исботлашга уринмоқда. Далил сифатида улар классик механика қонунларини, микропроцессларга ва квант механикасига қўлланилиши мумкин эмас, деб кўрсатмоқдалар. Улар макро ва микро жараёнларнинг ўзига хос жиҳатини эътиборда тутмаганлари ҳолда, макро жисмнинг фазодаги ҳолати ва тезлигини айна бир вақтнинг ўзида аниқлаш мумкинлиги масаласини микрозарраларнинг координати ва импульсини бир вақтда чексизлик билан аниқлаш мумкин эмаслиги масаласига қарши қўймоқдалар.

Бироқ, классик физика қонунларини квант механикасига мос келмаганлиги микрозарралар оламида сабабий алоқа йўқлигини билдирмайди. Шу билан бирга, микрозарралар ўз ҳаракатида ҳеч қандай қонуниятга бўйсунмайди ва ҳеч қачон эркин йўналишда бўлмайди. Шуни ҳам ҳисобга олиш зарурдирки, квант механикаси ўрганадиган микрозарралар классик механика ўрганадиган объектлардан сифат жиҳатидан фарқланади. Буни ҳозирги замон физикасининг далилларига қараб исботлаш мумкин.



п


Сабаб ва оқибат занжирида биринчи келган ҳодиса сабаб, ундан сўнг содир бўлган воқеа оқибат бўлар экан, лекин бундан ҳар қандай кетма-кет келган ҳодисаларнинг биринчиси доим сабаб, иккинчиси доим оқибат бўлаверади, деган хулоса келиб чиқмаслиги лозим. Чунончи, ёз баҳордан сўнг келади, кундуздан сўнг тун бошланади, бундан баҳор ёзга сабаб ёки кечасига кундузи сабаб, деб хулоса чиқариш тамомила ножўя бўлар эди. Бу мисоллардаги ҳодисаларнинг асли сабаби Ернинг ўз ўқи ва Ёуёш атрофида айланишидир.

Сабаб ва оқибат бир-бири билан ўрин алмашиши, оқибат бошқа ҳодисага нисбатан сабаб ролини ўташи ҳам мумкин. Масаланинг бу жиҳатини ушбу мисолда кўрамиз. Муайян организмнинг бирор қисмини, ўзига хос патологиясини ўрганиш уни даволашнинг йўли ва методларини ишлаб чиқишга сабаб бўлади. Организмнинг шу касалланган қисмини даволаш оқибатида яна бир бошқа қисмидаги касалликнинг олдини олишга сабаб бўлади. Сабаб ва оқибатнинг мазкур ҳолатини характерлаб, сабаб билан натижа доимо ўрин алмаштириб туради, яъни ҳозирги вақтда сабаб бўлган нарса бошқа вақтда натижа бўлади ва аксинча.

Инсон ўз амалиётида сабаб ва оқибат алоқасининг муҳим ҳамда номуҳим томонларини, сабабий алоқаларнинг хилма-хиллигини бирданига ажратиб ва билиб ололмайди. Шунинг учун кузатиш, билиш, амалий фаолият жараёнида муайян оқибатнинг келиб чиқишидаги аниқ сабабнинг ўрни ва аҳамиятини англаш, асосий ва асосий бўлмаган, ички ва ташқи сабабларга ажрата олиш керак. Асосий сабаб ҳодиса ва жараённинг келиб чиқишини заруран белгилайдиган ҳамда унинг энг муҳим хусусиятларини ифодаловчи сабабдир. Асосий бўлмаган сабаб эса воқеа ва ҳодисанинг йўналишини белгиламайдиган, унга айтарлик таъсир кўрсата олмайдиган сабабдир. Масалан, ижтимоий ривожланишни белгилайдиган асосий сабаб моддий ва маънавий бойликлардир. Географик муҳит ва аҳоли зичлиги ҳам жамият тараққиётига муайян тарзда таъсир кўрсатади.

Сабабларнинг турлари. Сабаблар ички ва ташқи, бевосита ва билвосита, объектив ва субъектив бўлиши мумкин. Субъектив сабаблар кўпинча фаолият, хулқ-атвор, қилмишларни изоҳлаш соҳасида намоён бўлади.

Воқеалар занжирининг билишда ички ва ташқи сабаблар ҳам бир хил роль ўйнамайди. Объектнинг моҳиятини ташкил этувчи қарама-қарши кучлар, тенденцияларнинг ўзаро алоқаси сабабнинг ички манбаи ҳисобланади. Ички сабаблар деб нарса ва ҳодисанинг ўз табиатида хос, ички муайянлик, қарама-қарши томонларнинг бирлигини ифодаланишига айтилади. Масалан, одамлар ўз касаллиги ёки қариллигини қайғу-ҳасрат, муваффақиятсизликлар, оғир иш ва ҳоказолар билан тушунтиришга мойилдирлар. Амалда қарилик ёки ўлимни енгишга ҳали ҳеч ким муваффақ бўлмаган, чунки қарилик ҳам, ўлим ҳам ички сабаблар билан изоҳланади. Шу сабабли баъзилар оғир иш билан шуғулланиб ҳам узоқ вақт ёш ва соғлом бўлиб қолади, айрим такасалтанглар эса жуда тез қарийди...



п

Ташқи сабаблар эса нарса ва ҳодисалараро бир-бирига таъсир ҳолатини билдиради. Ташқи сабаблар турли объектлар ўзаро алоқасининг маҳсулидир.

Маълумки, ички сабаблар ҳар қандай ўзгариш ва ривожланишнинг асосини ташкил этади, аммо ташқи сабаблар ўзгаришнинг шарт-шароит ва муҳитини билдиради, холос. Организмнинг нормал шаклланиши ва ўсиши учун ташқи сабаб ҳисобланган муҳим озуқа, ҳаво, сув кабилар юзаки қараганда нечоғли муҳим бўлиб кўринмасин, бироқ организмнинг яшашини, мавжудлигини белгилайдиган асосий сабаб модда алмашилиши, яъни ассимиляция ва диссимиляция жараёнидир. Демак, ҳар бир ҳодиса ва жараён турли сабабларнинг умумий алоқадорлиги асосида шаклланади ва юзага келади. Воқеа ва ҳодисанинг ҳақиқий моҳиятини билишда асосий ва асосий бўлмаган, ички ва ташқи сабабларни алмаштириб юбормаслик лозим. Сабабларнинг ўрни, аҳамиятини аралаштириб, нотўғри тушуниш назарий ва амалий фаолиятда ғайриилмий натижаларга олиб бориши мумкин.

Шунинг учун билиш жараёнида детерминизм тамойилларига асосланиш мақсадга мувофиқ. Сабаб ва оқибат алоқасини илмий тушунишнинг фан ва амалиёт учун аҳамияти тушунилиб, ҳамма нарсанинг алоқадорлиги, сабаблар занжирининг узвийлиги ғояси туғилган пайтдан буён минг йиллар ўтди. Бу сабаб ва оқибат алоқаси инсон тафаккури тарихида қандай шаклларда тушунилганлигини таққослаб кўриш, билиш назариясининг такомиллашиб борганини яққол кўрсатган бўлур эди. Зеро, воқеа ва ҳодисаларга детерминистик нуқтаи назардан ёндашиш оламдаги жараёнларнинг сабабий алоқаларини илмий билиш, фалсафадаги ғайриилмий қарашларга қарши курашда муҳим аҳамиятга эгадир.

Сабаб ва оқибат муносабатларини орқага қайтариб бўлмайди. Сабаб ва оқибатнинг соф чизиқли жараён сифатидаги механистик талқини муқаррар тарзда сабаб ва оқибатни орқага қайтариш мумкин, деган хулосага олиб келади. Масалан, Ой қарама-қарши йўналишда айлана бошласа, у дастлабки ҳолатга келган бўлар эди. Аммо бу фараз замирида сохта асослар ётади: у сабаб-оқибат муносабатларига тасодифий омиллар тўплами кучли таъсир кўрсатишини ҳисобга олмайди. Дастлабки ҳолатга қайтиш – бу мазкур омиллар тўпламини амалда мужассамлаштириш демакдир. Ваҳоланки, уларнинг ҳаммасини амалда мужассамлаштириш мумкин эмас, демак, дастлабки ҳолатга қайтиш мумкин эмас.

Сабаблар ва оқибатларнинг муносабатлари мураккаб ва ранг-барангдир. Бир сабаб кўплаб оқибатларга сабаб бўлиши ва, аксинча, бир оқибат замирида кўп сонли сабаблар ётиши мумкин. Айрим сабаблар оқибатлар чексиз занжирининг илк манбаи ҳисобланади. Баъзи бир сабаблар «занжир реакцияси» кўринишини касб этиши, яъни икки ёки ундан ортиқ оқибатни юзага келтириши, улар эса, ўз навбатида, икки ёки ундан ортиқ оқибатга сабаб бўлиши мумкин.

Баҳона ва шарт. Сабабий алоқаларни "баҳона" ва "шарт-шароит" сингари тушунчалар билан алмаштириш мумкин эмас. Масалан, сабаб доим воқеа, ҳодисаларга хос ҳамда улар ўртасидаги бевосита, ички



п муносабатларни билдиради. Баҳона эса сабабга нисбатан ташқи туртки, холос. Сабабнинг воқеликка айланиши муайян оқибатнинг келиб чиқиши учун иккинчи даражали таъсир кўрсатувчи бўлади. Масалан, биринчи жаҳон уруши бошланиб кетишига герцог Фердинанднинг ўлдирилиши баҳона бўлган. Урушнинг келиб чиқишига ҳақиқий сабаб аслида муайян давлатлар ўртасидаги рақобатнинг кескинлашганлиги ҳамда бўлинган дунёни қайтадан бўлиб олишга қаратилган сиёсатнинг юритилиши эди. Ҳар бир сабаб муайян оқибатни келтириб чиқариши учун, албатта, маълум шарт-шароит зарур бўлади. Лекин, шарт-шароит оқибатнинг сабабини англатмайди. Шарт-шароит — муайян оқибат туғилишига таъсир кўрсатувчи ҳолат бўлиб, сабабнинг оқибатга айланишида ўзига хос роль ўйнайди. Сабабсиз ёлғиз шарт-шароитнинг ўзи оқибатни келтириб чиқармайди.

Сабаб, баҳона ва шартни фарқлаш лозим. Баҳонани субъектив сабаблар қаторига киритиш мумкин. Бунда воқеа ёки шерикнинг ҳаракати ўзининг, одатда, нотўғри жавоб ҳаракатларини оқлаш мақсадида талқин қилинади ва баҳоланади. Шартлар – амалдаги ёки эҳтимол тутилган сабабнинг мавжудлик муҳитини ташкил этадиган ички омиллар ва ташқи муносабатлар мажмуидир. Синергетика муҳитга ягона негиз, бўлғуси тузилманинг ранг-баранг шакллари манбаи, ривожланишнинг турли йўллари учун майдон сифатида қарайди. Сабаб-оқибат муносабатлари тизимида шартларнинг амалдаги аҳамиятини тушуниш учун қуйидаги мисолни кўриб чиқамиз. Фуқаро А. хотини сузишни билмаслигидан хабардор бўлгани ҳолда, ундан қутулиш учун уни денгиз бўйлаб саёҳатга юборади. Оқибатда хотини сувга чўкиб ўлади. Эрнинг ҳаракатлари хотин ўлимининг сабаби ҳисобланадими? Бу мисол шартлар ўз ҳолича оқибат сабаби бўла олмаслигини, лекин сабабнинг амалга ошишига кўмаклашадиган ёки монелик қиладиган омил ҳисобланишини кўрсатади.

Синергетика сабабият ҳақида. Сабабият ҳақидаги фалсафий қарашлар узоқ эволюция жараёнини бошдан кечирди. Механистик ёндашув сабабни сиртдан кўрсатилган таъсир сифатида талқин қилади. Дунё жисмларнинг тартибга солинган, олдиндан айтиш мумкин бўлган аниқ ўзаро алоқаси сифатида тасаввур қилинади. Тасодифнинг мавжудлиги рад этилади. Сабабият занжирлари чизиқли хусусият касб этади, оқибат сабаб таъсирига пропорционал бўлади. Бинобарин, сабабият занжирларига қараб ривожланиш жараёнининг ўтмишини ҳам, келажагини ҳам аниқлаш мумкин. Аммо илмий билимнинг ривожланиши механистик детерминизмнинг асоссизлигини намойиш этади. Синергетика йўналиши асосчиларидан бири И.Р.Пригожин механистик детерминизмга шундай баҳо беради: «Динамика рационалистик моделининг маҳсули сифатида тушунилган детерминизм эндиликда айрим ҳоллардагина намоён бўлувчи хосса билан боғланади»¹, деб баҳо беради.

Фан ривожланиши билан сабаб-оқибат алоқаларининг статистик қонуниятлари ва эҳтимолий табиати ҳақидаги тасаввур юзага келади. Мураккаб системаларнинг ўз-ўзини ташкил этиши ҳақидаги фан –

¹ Пригожин И. Некоторые проблемы саморазвивающихся систем // Вопросы философии. 1989. №8. – С4.



п
синергетика детерминизм талқинига маълум аниқликлар киритди. Бир қатор илмий далиллар олимлар ҳар қандай табиий ҳодисалар стохастик хусусиятга эга ва муайян ноаниқлик шароитида юз беради, деган хулоса чиқаришига олиб келди. Мураккаб системалар учун, одатда, ривожланишнинг бир неча муқобил йўллари мавжуд бўлади. Синергетика сабаб-оқибат алоқалари номутаносиб системаларда намоён бўлишининг ўзига хос хусусиятларини очиб беради. Бу системаларнинг ривожланиши кўп вариантлидир. Бунда эволюциянинг ҳар қандай тури эмас, балки йўлларнинг муайян доираси мавжуд бўлиши мумкин. Ривожланишда кутилмаган бурилишлар юз бериш эҳтимоли мавжуд, чунки у тасодифий алоқалар орқали содир бўлади. Номутаносиб системалар ташқи омилларга ўта таъсирчандир. Шу боис интенсивлик даражасига кўра аҳамиятсиз бўлган таъсирлар ҳам кутилмаган натижаларга олиб келадиган шикастли оқибатлар сабаби бўлиши мумкин.

Сабабий занжир. Ҳар бир сабаб бошқа бир сабабнинг оқибати, ҳар бир оқибат эса – бошқа бир оқибатнинг сабабидир. Шундай қилиб, ҳар қандай элементар сабабий алоқа ундан ўтмишга ҳам, келажакка ҳам қараб кетган сабабий занжирнинг бир бўғини ҳисобланади

Ҳозирги даврдан узоқ ўтмишга қараб кетган айрим сабабий занжирни ўрганиш бир қарашда сабаблар ва оқибатларнинг азалий ва абадий берилган бирикмаси мавжуд бўлиб, унда воқеалар ривожи узил-кесил белгиланган ва бирон-бир тасодифга ўрин йўқ, деган хулосага келиш мумкин. Аммо бундай хулоса нотўғри. Бирон-бир алоҳида сабабий алоқа ёки айрим сабабий занжирни фарқлар эканмиз, биз бунда улар вужудга келган барча шароитларни ҳеч қачон тўлиқ ҳисобга ололмаймиз. Ҳолбуки, бу шароитлар уларга таъсир кўрсатади ва бунинг натижасида занжирларнинг ҳосил бўлиши ноаниқ ва олдиндан белгиланмаган тус олади.

Биринчидан, моддий объектларда юз берувчи ўзгаришлар фақат сиртдан таъсирлар (ташқи сабабият) оқибатлари эмас; улар объектнинг ички тузилишига, унинг шу вақтдаги ҳолатига, унда юз бераётган жараёнларга ҳам боғлиқ бўлади (ички сабабият). Айни бир таъсир (масалан, киздириш) турли объектларда ёки турли вақтда олинган айни бир объектда ҳар хил оқибатларга сабаб бўлади (айрим моддалар эрийди, айрим моддаларнинг ранги ўзгаради, баъзи бир моддаларда кимёвий реакциялар юз беради ва ҳ.к.). Шу сабабли сабабий занжирнинг қайсидир бўғинларида объектга сиртдан кўрсатилган таъсир олдиндан айтиб бўлмайдиган натижага олиб келиши мумкин, чунки у мазкур таъсир билангина эмас, балки бу объектдаги ички сабабият билан ҳам белгиланади. Бундай натижа ташқи сабабий занжирга нисбатан тасодифий ҳисобланади.

Иккинчидан, бошқа сабабий занжирлар билан умуман боғлиқ бўлмаган сабабий занжир мавжуд эмас. Бу занжирлар маълум нуқтада бир-бири билан кесишади. Уларнинг кесишув нуқтасида бу занжирларнинг ҳар бири учун «режалаштирилмаган», тасодифий саналган воқеа юз бериши мумкин («бахтсиз ҳодисалар» - масалан, йўлда юз берувчи ҳалокатлар одатда шундай «режалаштирилмаган» тасодифлар ҳисобланади). Бунда мазкур воқеа янги сабабий занжирнинг асосига айланади



п

Учинчидан, воқеа бир эмас, балки бир нечта оқибатларнинг сабаби бўлиб хизмат қилиши мумкин. Уларнинг ҳар бири, ўз навбатида, воқеаларнинг қандайдир янги занжирларини вужудга келтирувчи бошқа оқибатларга сабаб бўлади. Шундай қилиб, сабабий занжирлар тармоқланади

Бу воқеалар ривожининг сон-саноксиз турли вариантлари вужудга келишига сабаб бўлади, унда илгари мавжуд бўлмаган янги ва янги имкониятлар туғилади. Занжирларнинг тармоқланиш нуктасида ётган дастлабки сабаб улар «кўпайиши»нинг кейинги босқичларида пайдо бўладиган ва амалга ошадиган барча имкониятларни белгилаб бермайди.

Хуллас, сабаб ва оқибат ўртасида мураккаб диалектик ўзаро алоқа мавжуд. У қуйидагиларда намоён бўлади:

1) сабаб вақтда оқибатдан олдин келади. Оқибат сабабдан олдинроқ юз бермайди. Аммо бу бири иккинчисидан олдин келадиган ҳар қандай ҳодиса у билан сабабий алоқада бўлади, дегани эмас. Масалан, тун тонгдан олдин келади, лекин у тонгнинг сабаби ҳисобланмайди;

2) сабаб муайян шароитда албатта оқибатни вужудга келтиради. Сабаб ва оқибат шу даражада боғлиқки, агар сабаб юз берса ва етарли шароит мавжуд бўлса, муқаррар тарзда оқибат ҳам юз беради;

3) сабаб ва оқибат бир-бири билан ўзаро таъсирга киришади. Бу ўзаро таъсирланиш жараёнида сабабгина эмас, балки оқибат ҳам фаол бўлади. У сабабга акс таъсир кўрсатади. Мисол учун, ғоялар борлиқни акс эттиради, лекин, вужудга келгач, ижтимоий борлиқнинг ўзгаришига кишиларнинг амалий фаолияти орқали фаол таъсир кўрсатади;

4) айтиб бир ҳодиса бир муносабатда сабаб сифатида, бошқа бир муносабатда – оқибат сифатида амал қилади. Айтилик, ёмғир – муайян об-ҳаво шароитларининг оқибати, лекин унинг ўзи яхши ҳосилдорлик сабабига айланади; ҳосилдорлик эса давлатнинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш омили бўлиб хизмат қилади. Шу тариқа ҳодисалар ўртасида сабабий алоқа вужудга келади. Аммо биз фақат иккита алоҳида-алоҳида ҳодисани кўриб чиққанамизда, улар ўрин алмашиши мумкин эмас;

5) сабаб ва оқибатнинг ўзаро таъсирга тегишли шароитлар таъсир кўрсатади. *Шароитлар – бу шундай бир ҳодисаларки, улар мазкур воқеа юз бериши учун зарур, лекин ўз ҳолича улар бу воқеани олдиндан белгиламайди.* Оқибат юз беришига қулайлик яратувчи шароитлар ҳам, сабабнинг таъсирини қайтарувчи шароитлар ҳам бўлиши мумкин. Айтиб бир сабаб муайян шароитларда турли шаклдаги оқибатлар юз беришига олиб келади;

6) сабабни ваз вақт билан айлантириш керак. *Важ – бу бошқа воқеадан бевосита олдин келадиган, унинг юз беришига имконият яратадиган, лекин у уни вужудга келтирмайдиган ва олдиндан белгиламайдиган воқеа.* Ваз ҳаракатни яратмайди, балки унга туртки беради.

Сабабий алоқа тушунчаси муҳим методологик функцияни бажаради. Муайян оқибатнинг юз бериш сабаблари ва шароитларини билган ҳолда, инсон нафақат унинг юз беришини башорат қилади, балки зарур оқибатни



п
яратади. Бу инсонга ўтмишни билиш ва келажакка назар ташлаш имконини беради.

Умуман олганда, моддий объектларнинг ўзи эмас, балки уларнинг ўзгаришлари сабаб ва оқибат ҳисобланади. Сабаб сифатида бир объектнинг ўзгариши, оқибат сифатида эса – бошқа бир объектнинг ўзгариши амал қилади. Бирон-бир воқеанинг сабабини аниқлаш жараёнида биз одатда унинг ҳолатларини таҳлил қиламиз. Ўзгармас хусусиятга эга бўлган ҳолатларни биз шароитлар қаторига киритамиз, сабабни эса ўзгарувчан ҳолатлар орасидан излаймиз. Аммо сабаб ва шароит ўртасидаги фарқ нисбийдир. Масалан, телевизор эгаси тасвир сифати пастлигининг сабабини атмосфера шовқинларида кўриши, телемарказдан узоқда жойлашганликни эса шароитлар қаторига киритиши мумкин (у телевизор эгаси учун – ўзгармас ҳолат); телемарказ ходимининг нуқтаи назаридан атмосфера шовқинлари айна ҳолда шароитгина, холос (улар ходим учун – ўзгармас ҳолат), телекўрсатувлар ёмон қабул қилинаётганининг сабаби эса телевизор сигнал манбаидан узоқда жойлашганлигидир (бу, унинг нуқтаи назаридан, ўзгарувчи катталик).

Зарурият ва тасодиф тушунчалари қадим замонлардан бери файласуфлар эътиборини ўзига тортиб келади. Қадимги дунё фалсафасининг Левкипп ва Демокрит каби вакиллари янги замон фалсафасининг П.Гольбах, Б.Спиноза каби намояндалари метафизик детерминизм позициясида турганлари ҳолда ана шундай қарашни илгари сурдилар. Левкипп бирон-бир буюм сабабсиз юзага келмайди, аммо у маълум замин, зарурият туфайли туғилади, деган эди. Демокрит ва П.Гольбах қарашида ҳам барча ҳодисалар зарурий бўлиб, кишилар табиат қонунларидаги сабабий алоқаларнинг турини тўла билмаганликлари учун тасодифга ўрин берадилар, ҳодисалар сабаби билинган ҳамоно тасодифийлик барҳам топади, бинобарин у субъектив мазмундаги категориядир, деб ҳисоблаганлар. Олам, ундаги ўзаро муносабат, алоқадорликни, сабабиятни инкор этувчи индетерминистлар табиий ва ижтимоий оламда зарурият йўқ, зарурият аклий фаолиятнинг шакли (И. Кант), тафаккурга хос тушунча (Э. Мах, К. Пирсон), кишилар ирода ва истагининг намоён бўлиш натижасидир, деб ҳисоблайди.

XVII-XVIII асрларда зарурият ва тасодиф талқинида табиатда тасодиф мавжуд эмас, деган тасаввур ҳукм сурган. Инглиз файласуфи Т.Гоббс: «Эртага ёғадиган ёмғир зарур, яъни зарурий сабаблар билан белгиланган; лекин биз унга тасодифий деб қараймиз ва уни шундай атаймиз, зеро амалда мавжуд сабабларни ҳали билмаймиз. Умуман олганда, зарурий сабабини биз кўра олмайдиган нарса тасодифий деб аталади»¹, деб қайд этган. Шунга ўхшаш фикрни Гольбах ҳам илгари суради: «Табиатда бирон-бир ҳодиса тасодифан юз бериши мумкин эмас; ҳамма нарса муайян қонунларга бўйсунди; бу қонунлар фақат муайян оқибатларнинг сабаблар билан зарурий алоқаси ҳисобланади... Атомларнинг тасодифий бирикиши ҳақида гапириш ёки айрим оқибатларни тасодиф билан боғлаш жисмларнинг

¹ Гоббс Т. О теле // Избр. произв.: в 2 т. Т. 1.М.: – С.158 - 159.



п
харакатланиши, учрашиши, бирикиши ёки ажралиши қонунларини билмасликни тан олиш демақдир»². Кўриб турганимиздек, тасодиф сабаби номаълум бўлган зарурият сифатида талқин қилинган. Сабаби аниқлангани захоти тасодиф зарурият сифатида намоён бўлади. Бу – механистик материализм талқини. Тасодиф илмий назариялардан қувғин қилинган, у иккинчи даражали, ёрдамчи, аҳамиятсиз омил деб ҳисобланган. Тасодифнинг инкор этилишидан дунёда ҳамма нарса зарур, деган хулоса келиб чиқади. Мазкур ёндашувнинг тадрижий оқибати ўлароқ фатализм юзага келади: нимаики юз бермасин, ҳатто аҳамиятсиз воқеалар ҳам зарур, муқаррар бўлиб, сабаб-оқибат алоқаларининг чексиз занжиридаги ажралмас бўғин ҳисобланади. Фаталистик тасаввур ҳар қандай воқеани муқаррар деб билади. XIX аср бошидагина зарурият ва тасодифнинг алоқаси Гегель диалектикасида кўрсатиб берилди.

Вақт ўтиши билан уларнинг талқини ўзгарган, айрим файласуфлар табиатда тасодифнинг мавжудлигини истисно этган бўлса, айримлар уни мутлақлаштирган. Масалан, синергетикада тасодиф тушунчаси ва унинг ўта мураккаб системалар ўз-ўзини ташкил этишидаги роли алоҳида, ҳатто анча муҳим аҳамият касб этади. Зарурият ва тасодиф категориялари бир қатор илмий йўналишлар: биология, тиббиёт, ҳуқуқшунослик, тарих ва ҳоказоларда муҳим методологик аҳамиятга эгадир. Одамлар амалий фаолиятида тасодиф омили заруриятдан камроқ аҳамият касб этмайди. Аммо уларнинг диалектикасини, қарама-қаршиликка асосланган бирлигини тушуниш айниқса муҳимдир.


Зарурият – бу ҳодисалар ўртасидаги уларнинг қонуний ўзгариши ва ривожланишини белгиловчи барқарор, муҳим ички алоқалар.
Зарурият – мавжуд бирдан-бир имкониятнинг амалга ошиши.

Зарурият ҳодиса, жараённинг моҳиятидан келиб чиқади ва мазкур шароитда муқаррар тарзда юз беради. Масалан, ҳар қандай тирик организмнинг ўлими муқаррардир, чунки у мазкур организмнинг табиати ҳамда унда юз берувчи ички жараёнлар билан белгиланади. Табиатда тирик организмларнинг модда алмашилиши жараёни ҳайвон ва ўсимликларнинг ҳаёт кечиришини белгиловчи заруриятдир.

Заруриятнинг ўзига хос белгиларидан бири унинг умумий характерга эгаллиги, оламда амал қилувчи қонунлари билан боғлиқликда, воқеликнинг барча соҳаларида ривожланиши муайян изчиллигини белгилашлигидир. Табиий ва ижтимоий ҳодисалар, жараёнлар, ўз моҳиятига кўра, зарурий алоқалар, алоқадорлик туфайли намоён бўлади. Мазкур ҳолатни зарурият умумийдан ажралмасдир, деган қараш тўғри ифодалайди.

Умумийликда ифодаланувчи, умумийликда мавжуд бўладиган зарурият воқеликнинг асосий томонлари билан бевосита алоқада бўлганлиги учун ҳам тасодифдан фарқланади. Зарурият ҳодисаларни бир бутунликда, яхлит тушунишга, воқеликка хос алоқаларнинг ички қонуниятларини очишга имкон беради., у айримлик тарзда айрим ҳодисалар орқали намоён бўлади.

² Гольбах. Здравый смысл // Избр. антирелигиозные произведения: в 2 т. Т. 1.М.: –С. 35.



п

Йодисалар ўртасидаги ташқи, номухим муносабатларни ифодаловчи тасодиф эса заруриятдан фаркли ўлароқ, умумий характерга эга эмас Шунинг учун ҳам тасодиф заруриятга нисбатан барқарор бўлмай, балки воқеаларнинг ўткинчи, айрим, хусусий, муҳим бўлмаган томонларини ифодалайди.

Зарурият нарсанинг ички моҳиятидан келиб чиқади ва унинг ички қонунлари, структураси ва тартиби билан белгиланади. **Маълум шароит мавжуд бўлган тақдирда албатта юз берадиган ҳодиса ёки воқеа зарурият, деб аталади.** Зарурият ривожланувчи ҳодисанинг моҳиятидан, ички табиатидан келиб чиқади Зарурият қонун тушунчасига яқин туради, муқаррар тарзда намоён бўлади. Масалан, носоз тормоз муқаррар тарзда автомобиль ҳалокатига, унинг ё яқинроқдаги нарсалар, ё ҳаракатланаётган бошқа автомобиллар билан тўқнашувига олиб келади ёки у пиёда ни уриб кетишига сабаб бўлади. Ҳалокат айнан қандай юз бериши, ундан ким жабрланиши мумкинлиги тасодиф билан боғлиқ масаладир, зеро йўлда муайян пайтда исталган нарса ва исталган одам дуч келиши мумкин. Бу ерда зарурият автомобилнинг ички ҳолати билан, тасодиф – ташқи шароит билан белгиланади. Зарурият – юз бериши мумкин бўлган нарса. Зарурият муайян ҳодиса учун доимий ва барқарордир. Зарурият – ички хусусиятга эга ҳодиса, унинг сабаби ўзида бўлади ва ҳодисаларнинг ички ўзаро алоқасидан келиб чиқади. Аммо нафақат ички, балки ташқи зарурият ҳам мавжуддир. Масалан, жисмларнинг бир-бирига уларнинг массасига тўғри пропорционал ва улар ўртасидаги масофага тесқари пропорционал бўлган куч билан тортишиши зарурият ҳисобланади. Бу ташқи заруриятдир.

Тасодиф ҳам ички ва ташқи бўлиши мумкин. Масалан, тирик организмларнинг мутациялари тасодифий хусусият касб этади, аммо улар ички ҳодиса ҳисобланади, чунки бутун организмни қайта қуриш билан боғлиқ. Хўш, бу ҳолда зарурият ва тасодифни бир-биридан қандай фарқлаш мумкин?. Заруриятдан фаркли равишда, тасодифнинг содир бўлиши шарт эмас. У муайян предметнинг моҳиятидан келиб чиқмайди.

Тасодиф ривожланишнинг тадрижий жараёни билан боғлиқ бўлмаган асоси ва келиб чиқиш сабаби мазкур ҳодисанинг ички моҳияти, муҳим томони билан эмас, балки ташқи жараён ва алоқа, омиллар билан белгиланадиган ҳодисадир. Тасодиф – объектларнинг вужудга келиши ёки мавжудлигининг муаммолилигини ёки муқаррар эмаслигини белгиловчи категория; муайян шароитда бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин бўлган нарса тасодифий ҳисобланади. Тасодиф воқеликнинг асосан ташқи шароитлар, юзаки, беқарор алоқалар ва мазкур ҳодиса учун иккинчи даражали омиллар таъсирида пайдо бўлувчи ҳолатларини акс эттиради.

Масалан, бирор ўсимлик уруғининг шу турдаги ўсимлик уруғи бўлмаган жойга тушиб қолиши ва унинг янги шароитда униб-ўсиши тасодифдир. Чунки, уруғни бир жойдан иккинчи жойга элтиб қўйилганлиги, уни аввалгига қараганда бошқачароқ шароитга тушиб қолганлигининг сабаби уруғнинг ўзида ҳам эмас, шунингдек, унинг ички моҳияти билан ҳам белгиланмайди. Яна мисол: муайян ҳудуддаги ҳосилнинг дўл ёғиши туфайли нобуд бўлиши,



п


курғоқчилик сабабли хўжаликда рўй берадиган ҳосилдорликнинг пасайиши умумийликни англатмайдиган тасодиф, айримликдир. Бинобарин, зарурият ривожланиш жараёнида қатъий изчилликда, муайян тартиб ва шаклда воқеа бўлади. Тасодиф эса айти шароитда рўй бериши ҳам мумкин рўй бермаслиги ҳам мумкин. Рўй берганда айти шу шаклда рўй бериши шарт бўлмаган ҳодисалар муносабатининг ички тартиби билан изчил алоқадор бўлмаган ҳодисадир.

Бироқ зарурият ва тасодиф ўртасидаги мазкур зиддият уларнинг ўзаро алоқадорлик диалектикасини инкор этмайди. Бу алоқадорлик, аввало, зарурият ва тасодифни соф ҳолда мавжуд бўлмасдан, балки бир воқеанинг бир муносабатда тасодиф сифатида, иккинчи бир ҳолда зарурият сифатида ифодаланишида намоён бўлади. Сўнгра, заруриятнинг тасодифга айланиши ёки тасодифнинг зарурият билан алмашиниши ёхуд зарурият тасодифлар орқали ўзига йўл очиши аниқ шарт-шароитга боғлиқ.

Воқеаларнинг зарурий жараёни билан боғлиқ бўлмаган ва барча жиҳатлари билан мутлақ характердаги тасодиф бўлмайди. Ва аксинча, заруриятни тўлдирадиган ифодаланиш шакли ҳисобланган тасодифларсиз "соф" заруриятнинг ўзи ҳам бўлмайди. Тарихий тажриба, фаннинг ривожланиши жараёнида муайян, конкрет шароитда тадқиқотчилар томонидан бирон бир кашфиётнинг очилишини мисолга олайлик: инглиз олими А.Флеминг томонидан пенциллиннинг кашф қилиниши, М.Шлейден ва Шванн томонидан тирик организмларнинг ҳужайра тузилишидан иборат эканининг исботланиши, Г.Герц томонидан ёруғлик электромагнит назариясининг кашф этилиши каби фактлар ҳам зарурий, ҳам тасодифдир. Бунинг заруриятлиги шундаки, жамият ва ижтимоий тафаккурнинг мазкур даврдаги ривожланиш даражаси, ижтимоий эҳтиёж ва талаб, фан тараққиёти соҳасида қўлга киритилган ютуқлар шундай кашфиётларнинг кашф этилишига шароит ҳамда имконият яратган эди. Унинг тасодифлиги кашфиётларнинг мазкур олимлар томонидан кашф этилишидир, холбуки, буни бошқа тадқиқотчилар ҳам эртами-кечми амалга оширишлари мумкин эди.

Зарурият ва тасодиф айрим нарса ва ҳодисаларга нисбатан ҳам, воқеалар тизимида ҳам муайян бирлик диалектикасида, алоқадорликда мавжуд бўлади. Зарурият мазкур ҳодиса, жараён ва ҳолатнинг барқарор, ички, такрорланувчи томонини англатса, тасодиф унинг нисбий, ўткинчи, айрим томони ва шаклини ифодалайди. Заруриятнинг воқеалар бағрида яширинганлигини ва у ўзига тасодифлар орқали йўл очишга эътибор бериб, юзаки қараганда, оламда тасодифлар ҳукм сураётгандек кўринса ҳам, аслида бу тасодифлар ҳамма вақт ички, яширин қонунларга бўйсунган бўлади. Бундай ҳолда тасодиф мазкур заруриятнинг қўшимчаси ва рўй бериш формасидир.

Тасодиф замирида нарсанинг моҳияти эмас, балки унга бошқа нарсалар ва ҳодисаларнинг таъсири ётади. Зарурият ва тасодиф тушунчаларига таъриф беришда одатда имконият категорияларига таянадилар. Шу сабабли у юз бериши ёки юз бермаслиги мумкин. Тасодиф юз бериши ҳам, юз бермаслиги ҳам мумкин бўлган нарса сифатида таърифланади. Зарурият ва тасодифнинг



п

карама-қаршилиги – ички ва ташқи нарсалар қарама-қаршилигидир. Тасодиф – ташқи омиллар билан белгиланадиган алоқа типидир.

Тасодиф беқарор ва вақтинчадир, аммо у сабабсиз юз бермайди, зарурият ва тасодиф диалектик тарзда ўзаро боғлиқдир: воқеа бир жиҳатдан зарурият бўлса, бошқа жиҳатдан тасодиф ҳам бўлади. Зарурият ва тасодиф бир-бирига айланиши ҳам мумкин: бир шароитда зарурият бўлган нарса ўзгарган бошқа бир шароитда тасодиф бўлиши мумкин ва аксинча. Тасодиф заруриятни тўлдиради, унинг намоён бўлиш шакли ҳисобланади. Кўп тасодифлар орқасида ҳамиша объектив зарурият қонунияти яширинган бўлади. Илмий ва амалий фаолиятда зарурият ва тасодифнинг объектив диалектикасини назарда тутиш керак. Фаннинг вазифаси тасодифий воқеалар орасида яшириниб ётган ички заруриятни билишдан иборатдир. Лекин фан тасодифларни ҳам инкор қила олмайди. Тасодифлар мавжуд бўлиб, воқелик жараёнларининг оқимиға қандайдир таъсир кўрсатар экан, фан уларнинг ҳам тараққиётдаги ролини ҳисобга олиши, инсонни кўнгилсиз тасодифлар таъсиридан ҳимоя қилиши лозим.

Биринчидан, зарурият ва тасодиф категориялари соф инсон тафаккуригагина хос, тажриба жараёнида инсон воқеликка киритадиган субъектив тушунчалар эмас, балки оламға хос бўлган муносабат ва алоқадорлик шакллари дир. Иккинчидан, зарурият ва тасодиф воқеалар занжиридаги шундай ҳалқаларки, улардан бирисиз иккинчисини тасаввур этиш, бирига ортиқча эътибор бериб, бошқасини эътибордан четда қолдириш сира мумкин эмас. Билиш ва амалий фаолиятда биргина заруриятни тан олиб, тасодифни инкор этиш — фатализмға олиб келганидек, оламда қонуният ва зарурият амал қилмайди, у фақат турли тасодифлардангина иборат дейиш, гносеологик волюнтаризмға олиб келади. Учинчидан, заруриятни сабабий алоқалар, «сабабият» тушунчаси билан айнанлаштириш, тенглаштириш ярамайди, тасодифни сабабсизликнинг оқибати деб билиш нотўғри дир. Сабабий алоқалар хилма-хил бўлиб, шарт-шароитға кўра улардан айримлари зарурий ҳодисаларни туғдирса, бошқалари (ташқи, асосий бўлмаган сабаблар) тасодифий муносабатларни вужудға келтиради.

Демак, зарурият ва тасодиф, аввало, воқеликдаги айрим нарса, ҳодисалар диалектикасини характерловчи, айна пайтда тараққиёт жараёнидаги турли ҳодиса, жараёнлар нисбатини ифодаловчи ўзаро муносабат ҳамда алоқадорлик шакллари дир. Атрофға назар ташлар эканмиз, табиийки, бир қарашда ҳодисалар тизимидаги қайси бир ҳодиса зарурий, қайси бири тасодифий эканлигини ажратиш қийин. Кузатиш, амалий тажриба асосида ҳодисаларнинг ички ва ташқи, муҳим ва муҳим бўлмаган томон, белгиларини аниқлаб бориш туфайли зарурият ҳамда тасодифни умумий алоқадорлик ҳолатининг ўзига хос шакллари сифатида билиш, фарқлай олиш мумкин.

Зарурият ва тасодиф алоқадорлигининг яна бир муҳим томони, вазиятға кўра, уларнинг ўзаро ўрин алмашиши, яъни заруриятнинг тасодифға, ўтиш ҳолати дир.

Фалсафада тасодиф бўлган жойда зарурият бўлмайди, зарурият бўлган жойда тасодиф бўлмайди, деб ҳисоблаш бу категорияларнинг ўзаро



п алоқадорлигини кўрмаслик, уларнинг бир-бирига ўтишини тан олмасликдан иборатдир. Аслида зарурият билан тасодифни биргаликда, бир-бирини тақозо этган ҳолатда текшириб ўрганишгина бизга илмий ҳақиқатни билишга имкон беради. Масалан, табиий муҳит, иқлим шароити таъсирида тирик организмларда айрим белги, хусусиятларнинг пайдо бўлишини тасодиф деб, кейинчалик у белги ирсий сифат белгиларига айланишини зарурият, деб ҳисоблаш керак.


Зарурият ва тасодифнинг бундай ўзаро алоқадорлиги, бир бутунлиги ҳамда ўзаро ўрин алмашиш ҳолати оламга хос қонунларнинг хусусияти билан белгиланади. Илмий ҳамда амалий фаолиятда зарурият ва тасодиф диалектикасини назарда тутиш ғоятда муҳимдир. Инсон томонидан табиий ва ижтимоий ҳодисалар системасида зарурий ва тасодифий алоқаларни пайқай билиш, тасодифлар орасида яширинган ички қонуният, заруриятни очиш, оламнинг мураккаб сирларини билишда ундан мақсадга мувофиқ фойдаланишда амалий аҳамиятга эгадир.

Фан томонидан заруриятни билишни асосий мақсад қилиб қўйилганлиги, тасодифларнинг ролини инкор этилаётганлигини англамайди. Тасодифлар ҳам объектив воқеликда амал қиладиган маълум ҳодисалар гуруҳида нисбий мустақиллик мавқеига эга ва муайян заруриятнинг юзага чиқишини тезлатиши ёки секинлатиши мумкин бўлган алоқадорлик шаклидир. Турли кўринишларда амал қилувчи тасодифларни кузатиш ва тадқиқ этиш, уларнинг ички қонуниятини очиш инсоният учун ноқулай бўлган ҳолат ва воқеаларнинг олдини олиш имконини беради. Тасодифларни ўрганиш табиат сирларини чуқурроқ очиш, жамият ҳодисаларини янада тўғрироқ тушуниш, уларни мақсадга мувофиқ йўналтириш ва бошқаришга имкон беради.

Жамият тараққиётининг турли босқичларида тасодифлар кишиларга турлича таъсир кўрсатган бўлиши керак. Чунончи, ибтидоий кишининг ҳаёти тасодифга тўла эди, аммо жамият ва фан ривожланиб бориши билан одамлар тасодифлар ҳукмронлигидан қутула борди. Бизнинг шароитимизда амал қиладиган баъзи тасодифлар об-ҳаво ноқулайликлари, қурғоқчилик, сув тошқинлари, зилзила сингари табиий ҳодисалар билан боғлиқдир. Табиий ва ижтимоий воқеликдаги тасодифларни ўрганиш ҳодисаларнинг зарурий ва қонуний алоқалари моҳиятини очишга, олам ҳақида тўлароқ ва илмий ҳақиқатни англашга, тасодифлар қаршисида ожиз бўлиб қолмасдан иш кўришга имкон яратади. Тасодифни илмий тушуниш фан ва амалиёт учун олам ҳодисаларини илмий тарзда билиш, ўрганиш учун муҳим аҳамиятга эгадир.

Бу фалсафий категориялар нарсалар ва ҳодисаларнинг бир-бири билан ҳар хил типдаги алоқаларини акс эттиради. Аммо дунёда ҳамма нарса зарурият сифатида пайдо бўладими? Йўқ, дунёда тасодифий воқеалар, ҳодисалар ҳам бор.

Нрсалар мавжудлигининг зарурийлиги ёки тасодифийлиги муаммоси хусусида икки нуктаи назар мавжуд. Уларнинг бири заруриятни мутлақлаштиради: дунёда ҳеч қандай тасодиф йўқ, ҳамма нарса муқаррар



п тарзда юз беради. Бу нуқтаи назар тасодифни рад этиб, *фатализмга* йўл очади.

Фатализм – тақдирга, ҳамма нарса олдиндан белгиланганига бўлган ишонч. Бошқа бир нуқтаи назар тасодифнинг аҳамиятини ошириб кўрсатади. Бу ерда, аксинча, воқеликдан ҳар қандай ички алоқалар, нарсаларнинг объектив белгиланганлиги чиқариб ташланади: дунёда фақат тасодиф ҳукм суради. Илмий дунёқараш биринчи нуқтаи назарни ҳам, иккинчи нуқтаи назарни ҳам тан олмайди. Зарурият ва тасодиф алоҳида-алоҳида мавжуд бўлмайди. Уларнинг ўзаро алоқаси шундан иборатки, тасодиф заруриятнинг намоён бўлиш шакли сифатида ва унинг тўлдирувчиси сифатида амал қилади. Масалан, мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар зарурий хусусият касб этади. Уларда бу ислохотларни йўлга солувчи муайян сиёсий арбоблар тасодифий элемент ҳисобланади.

Зарурият ва тасодиф диалектикаси икки муҳим жиҳатни назарда тутлади. Биринчидан, тасодиф ривожланиш жараёнида заруриятга айланиши мумкин (у ёки бу биологик турнинг қонуний белгилари аввал тасодифий оғишлар сифатида пайдо бўлади ва тўпланиб боради, сўнгра уларнинг асосида тирик организмнинг зарурий сифатлари шаклланади). Иккинчидан, зарурият сон-саноксиз тасодифлар орқали ўзига йўл очади. Масалан, жамиятнинг ривожланиши турли мақсадларни кўзловчи, феъл-атвори ҳар хил бўлган кишилар фаолияти билан белгиланади. Бу мақсадлар ва интилишларнинг алоқаси, чатишуви ва тўқнашуви пировард натижада ривожланишнинг зарурий, муқаррар хусусиятга эга бўлган муайян йўналишига олиб келади.

Диалектиканинг барча қонунлари ва категориялари каби, зарурият ва тасодиф объектив воқеликни билишнинг таянч нуқталари ҳисобланади. Бу категорияларнинг функциялари тенг қимматга эга эмас. Билишда тасодиф доим бошланғич инстанция сифатида, зарурият – мақсад сифатида амал қилади. Билиш фаолияти тасодифдан зарурият сари юксалиш тарзида юз беради.

Зарурият ва тасодиф диалектикасида ички ва ташқи нарсалар тушунчалари нисбатдош эканлигини эътиборга олиш муҳимдир. Бир жиҳатдан ички бўлган нарса бошқа бир жиҳатдан ташқи хусусият касб этади. Масалан, сайёраларнинг қуёш системаси орбиталари бўйлаб ҳаракати бу сайёраларни ўзаро боғловчи ва улар айланаётган орбиталар шаклини белгиловчи ички муносабатлар билан белгиланади. Қуёш системасига нисбатан бошқа космик объектлар ташқи муҳитни ташкил этади. Аммо қуёш системаси галактика элементи бўлиб, юлдузлараро маконда муайян ўрин эгаллайди. Шу сабабли айни шу объектлар қуёш системаси сайёралари эволюциясининг ҳам, уларга яқин космик жисмлар эволюциясининг ҳам ички манбаи ҳисобланади. Шу боисдан зарурият ва тасодиф тушунчалари ҳам нисбатдошдир: бир жиҳатдан тасодифий бўлган нарса бошқа бир жиҳатдан зарурий ҳисобланади.

Зарурият ва тасодиф қарама-қаршилиқлар бўлса-да, лекин улар бирдир. Ҳар қандай ҳодиса ички зарурият туфайли юз беради, аммо унинг юз



п бериши кўп сонли ташки омиллар билан боғлиқ бўлгани боис, заруриятни тасодиф муқаррар тарзда тўлдиради. Бу зарурият ҳам, тасодиф ҳам соф ҳолда мавжуд бўлмаслигини англатади. Тасодиф – заруриятнинг намоён бўлиш шаклидир. Зарурият, сабаб, қонунни кашф этиш – аҳамиятсиз, тасодифий нарсаларни мавҳумлаштириш демакдир.

Бир қарашда зарурият сабабиятга зид бўлиб туюлади. Бу зиддият ё тасодифий ҳодиса сабабга эга эмаслиги билан, ё тасодифий ҳодисалар умуман бўлмаслиги билан изоҳланиши мумкин. Амалда ҳар қандай, шу жумладан тасодифий ҳодиса ҳам муайян сабабга эга бўлади


Шундай қилиб, тасодиф ва зарурият – бу имкониятни воқеликка айлантиришининг ҳар хил усуллари. Аммо дунёда «соф» тасодиф ҳам, «соф» зарурият ҳам мавжуд эмас. Амалда объектлар мавжуд бўлган шароитлар кузатиб бўлмайдиган даражада кўп сонли, уларнинг ҳаммасини ҳеч қачон тўлиқ ҳисобга олиш мумкин эмас. Бирон-бир конкрет объектни ва унинг ўзгаришларини ўрганар эканмиз, биз доим бу объектнинг мавжудлигини белгиловчи шароитларнинг бир қисминигина ҳисобга оламиз, воқеалар ривожига таъсири аҳамиятсиз даражада оз бўлган бошқа шароитларни эса эътибордан соқит этамиз. Аммо айрим шароитларга нисбатан тасодифий бўлган воқеа бошқа шароитларга нисбатан зарурий бўлади.

Масалан, бильярд соққасининг ҳаракати у олган туртки шароити билан белгиланади; лекин унинг ҳаракатига бильярд столининг титраши, стол юзасининг нотекислиги ва ҳоказолар таъсир кўрсатиши мумкинлигини ҳисобга олсак, соққанинг ҳақиқий траекториясида тасодиф элементи пайдо бўлади.

Шундай қилиб, ҳар бир воқеа қайсидир жиҳатдан тасодифий, қайсидир жиҳатдан эса зарурий ҳисобланади.

Тасодифнинг зарурият билан алоқаси ўзгарувчан шароитларда юз берувчи оммавий жараёнларни ўрганиш чоғида айниқса бўртиб намоён бўлади. Масалан, бозорда нархларнинг ўзгаришлари тасодифий, лекин ўрта ҳисобда бу нархлар товарлар қийматига зарур даражада мос келиши лозим. Кўп сонли оммавий тасодифий воқеаларда статистик қонуниятлар намоён бўладики, уларга мувофиқ бу воқеаларнинг бутун йиғиндиси зарур даражада у ёки бу хоссаларга эга бўлади. Бу ерда тасодиф заруриятнинг намоён бўлиш шакли сифатида амал қилади.

Демак, зарурият ва тасодиф воқеалар ривожидан содир бўладиган ҳодисаларни тавсифлайдиган, объектив оламдаги алоқадорликни ифода этувчи фалсафий категориялар. Фалсафанинг бошқа категориялари сингари зарурият ва тасодифларнинг мазмуни ҳамда умумий хусусиятлари ҳақидаги масала ҳозирга қадар ўтган кўплаб файласуфларнинг эътиборини ўзига жалб этган эди. Баъзи файласуфлар воқеликдаги нарса, ҳодисалар муайян сабаблар асосида содир бўлар экан, демак, оламда тасодиф бўлмайди, ҳар қандай ҳодиса маълум сабаблар туфайли юзага келадиган заруриятдир деб қараган. Дунёда тасодифга ўрин йўқ, мавжудлик ва таракқиётни биргина зарурият белгилайди, деб ҳисоблаганлар.



п

Имконият ва воқелик. Қонунлар шароит ўзгарганда объектлар билан нима юз беришини белгилайди. Объектнинг қандайлиги (унинг мавжуд шароитдаги **актуал борлиғи**) ва у қандай бўлиши мумкинлиги (ўзгарган шароитда унинг **потенциал борлиғи** қандайлиги) ўртасидаги фарқ бизнинг тафаккуримизда «**воқелик**» ва «**имконият**» категориялари ёрдамида ифодаланади.


Ҳаракатланиш жараёнида воқелик ва имконият бир-бирига ўтади: имконият воқеликка айланади, янги воқелик эса янги имкониятларни яратади. Воқеликнинг ўзгариш жараёнини тушуниш ва келажакни олдиндан кўра билиш учун мумкин бўлган нарсаларни мумкин бўлмаган нарсалардан фарқлай билиш керак. Бунинг учун мазкур воқеликда амал қилувчи қонунларни билиш лозим. Улар воқеликнинг айрим ўзгаришларига йўл қўяди, айримларини эса тақиқлайди. Бу қонунларга мувофиқ бўлган нарсалар бўлиши мумкин, уларга зид бўлган нарсалар эса бўлиши мумкин эмас.

Имконият ва воқелик ривожланиш жараёнидаги шундай боғлиқликки, улардан бири иккинчисисиз юзага келиши сира мумкин эмас. Биринчиси ўз бағрида зарурий равишда рўёбга чиқиши лозим бўлган воқеликнинг куртагини яшириб, ривожланишининг ибтидоси ҳисобланади. Иккинчиси эса, ходисалар ривожининг етуклик даражасини англатади, яъни улар бир бутун таракқиёт жараёнининг диалектик қарама-қарши томонларини характерлайди. Имконият ва воқелик диалектикасининг муҳим хусусиятларидан яна бири шароит ҳамда вазиятга кўра имкониятнинг воқеликка, воқеликнинг имкониятга ўтиш ҳолатидир. Масалан, табиатда кимёвий элементларнинг илк бирикмаларидан ҳаётнинг дастлабки шакллари бўлмиш бир ҳужайрали тирик организмлар келиб чиқиши туфайли кейинроқ улардан ҳаётнинг мураккаб шакллари юзага келди. Бунда ҳам биз имкониятнинг воқеликка айланиши қонуният эканини кўраемиз.

Имконият ва воқеликнинг бошқа категориялар билан умумийлиги шундаки, булар ҳам мазкур категориялар сингари дунёни акс эттиради, умумий тарзда амал қилади. Аммо бошқа категориялардан фарқли томони ҳам борки, бу — воқеликдаги ривожланиш ва ўзгариш жараёнининг умумий, муҳим, айрим томон ҳамда тенденцияларини ифодалабгина қолмай, балки ривожланиш жараёнининг ички жиҳатини кўрсатади, бир бутунлигини очиб, ривожланишнинг қуйи ва юқори босқичлари ўртасидаги диалектик муносабатни кўрсатади. Имконият ва воқелик категорияларида борлиқнинг ўзгарувчанлиги, динамикаси, унинг ўзгариш тенденциялари ўз аксини топади.

Имконият — воқелик ўзгаришининг бу воқелик қонунларига зид бўлмаган варианты. **Имконият янги нарса, ходиса ва тамойиллар келиб чиқишини ифодаловчи муайян шарт-шароит ҳамда вазият мажмуи, нарса, ходисанинг ички табиатига кўра зарурий равишда реаллашиши лозим бўлган, бироқ ҳали юзага чиқмаган воқеликдир.**

Ҳамонки айни бир қонунлар турли шароитларда амал қилиши ҳар хил натижаларга сабаб бўлар экан, *у ёки бу имкониятнинг амалга ошиши унинг*



п

қонунларга мувофиқлигига ҳам, уларнинг амал қилиш шароитларига ҳам боғлиқ бўлади.

Имкониятларнинг турлари. Реал ва формал, абстракт ва муайян имкониятлар фарқланади

Олам кўп қиррали, турли ҳодисаларга бой бўлганлиги учун ҳам имкониятнинг воқеликка айланиши хилма-хил тарзда содир бўлиши мумкин. Шундай экан, назарий ва амалий фаолиятда реал имконият билан абстракт ёки формал имкониятларни ажрата билиш лозим. Реал имконият деб, воқеалар ривожининг тадрижий ва қонуний натижаси сифатида, муайян шарт-шароитда шубҳасиз рўёбга чиқадиган имкониятга айтилади. Бирон-бир воқеанинг мумкинлиги унинг воқелик қонунларига мувофиқлигидангина эмас, балки унинг юз бериши учун шароит мавжудлигидан ҳам келиб чиқилиши реал имкониятдир. Реал имконият имкониятни воқеликка айлантириши мумкин бўлган шарт-шароитлар мавжудлигини англатади.

Масалан, табиатдан мисол олсак: уруғлик дондаги ҳар бир хужайрада ўсимликка айланиш имконияти мавжуд бўлади. Бу реал имконият бўлиб маълум шарт-шароит бўлса ва модда алмашилиш нормал кечса, ёруғлик, ҳаво ҳарорати, намлик таъсирида, албатта, воқеликка айланади

Агар бирон-бир воқеанинг мумкинлиги мавжуд шароитларга боғлиқ бўлмаган ҳолда, яъни у қонунларга зид эмаслиги билангина белгиланса, бундай имконият абстракт имконият деб аталади (масалан, Ерга ўзга сайёраликлар учиб келиши мумкинлиги). Абстракт имкониятнинг мавжудлиги учун зарур шароитлар туғилган (ёки яратилган) тақдирда у реал имкониятга айланади. Худди шунингдек зарур шароитлар юзага келган ҳолда реал имконият воқеликка айланади. Аммо ҳар қандай реал имконият амалга ошиши шарт эмас. Турли имкониятларнинг амалга ошиш эҳтимоли ҳар хил бўлади.

Абстракт имконият шундай имкониятдирки, ўзи табиий ва ижтимоий қонуниятлар билан боғлиқ бўлади, лекин муайян тарихий шароитда воқеликка айланиши мумкин бўлади ҳам, бўлмайди ҳам. Масалан: сайёрамизнинг Галактикадаги бошқа самовий жисмлар билан тўқнашиб кетиш эҳтимоли бор. Бу ҳол бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин.

Тасодифий алоқа ва муносабатлар билан характерланадиган, ўзи тараққиёт жараёнидан келиб чиқмайдиган ва реал асосга эга бўлмаган имконият формал имконият дейилади. Ч Формал имконият ривожланишнинг тасодифий омиллари маҳсулидир. унончи, ҳозирги даврда ақидапарастлар тарғиб этаётган ислом халифалигини ташкил этиш ғояси ҳақиқатдан йироқ, реал воқеликка айланиши мумкин бўлмаган ҳолатдир. Масалан, расман ҳар бир фуқаро депутат, миллионер ёки кўп болали бўлиши мумкин. Ўз-ўзидан равшанки, аксарият фуқаролар учун бу имконият воқеликка айланмаслиги ҳам мумкин.

Абстракт ва муайян имконият ўртасидаги фарқ – бу моҳият ва мавжудлик ўртасидаги, шунингдек предметнинг идеал образи ва унинг инсон онгига боғлиқ бўлмаган объектив хусусиятлари ўртасидаги фарқдир. Масалан, никоҳга қираётган ёшлар бир-бири ҳақида, оила ва умуман никоҳ



п
ҳақида анча юзаки тасаввурга эга бўлиши мумкин. Улар оила-никоҳ муносабатларининг идеаллаштирилган манзарасини ўз бўлғуси никоҳига кўп жиҳатдан татбиқ этади. Ваҳоланки, бу манзара мазкур муносабатлар моҳиятига умуман олганда мос келса-да, лекин уларнинг бутун бойлиги ва мураккаблиги ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилиш имконини бермайди. Никоҳга киргач, ёшлар имкониятини ўзлари олдиндан кўра билмаган муайян воқелик билан тўқнаш келади. Ёш оиладаги келишмовчиликлар сабаби – никоҳнинг моҳияти ва унинг мавжудлиги ўртасидаги, абстракт имконият («улар қўша қаридилар ва ували-жували бўлдилар») ва аксарият жиҳатларини ёшлар ҳатто хаёлларига ҳам келтирмаган муайян имконият ўртасидаги зиддиятдир. Айрим фалсафий адабиётларда муайян ва реал имконият билан формал ва абстракт имконият тенглаштирилади. Бу ҳолда реал имконият уни рўёбга чиқариш учун шарт-шароит мавжудлиги билан, формал ёки абстракт имконият эса – айти пайтда имкониятни воқеликка айлантириш учун шарт-шароит мавжуд эмаслиги билан белгиланади.

Мураккаб системалар учун, одатда, ривожланишнинг бир неча муқобил йўллари мавжуд бўлади. Айти бир муҳитда ҳар хил структуралар вужудга келиши, ривожланиш жараёни кўп вариантли тарзда амалга ошиши, бунинг натижасида ривожланишда кутилмаган бурилишлар юз бериши мумкин. Шу боис прогноз ва тахминлар ишончсиз ёки янглиш бўлиши мумкин. Шунга қарамай, мазкур муҳитда эволюциянинг ҳар қандай тури эмас, балки йўлларнинг муайян доирасигина мавжуд бўлиши мумкин. Муқобил имкониятлар ўртасидаги миқдорий нисбат математик жиҳатдан эҳтимол тутилган айрим воқеа юз беришининг эҳтимоллик даражаси сифатида ифодаланиши мумкин. Инсон ўз фаолиятида реал имкониятларни ҳисобга олади ва уларни воқеликка айлантириш учун замин ҳозирлайди.

Бу категориялар борлиқнинг процессуаллигига, яъни унинг шаклланиш жараёнига урғу беради. Маълумки, йўқ нарсадан бирон-бир янгилик вужудга келмайди, у фақат эски нарсанинг муайян хоссалари, жиҳатлари негизида вужудга келиши мумкин. Янги нарсанинг борлиғи унинг потенциал ҳолатида имконият ҳисобланади. Имкониятнинг етуклик даражаси имконсизликдан воқеликкача бўлган доирада ўзгариши мумкин. Бу жиҳатдан имкониятни тавсифлашни унинг сифат ва миқдор меъёрларини ҳисобга олиб амалга ошириш мумкин. Сифат жиҳатидан имкониятлар формал ва реал бўлади. Амалга ошиш эҳтимоли паст, аниқроқ айтганда нолга яқин бўлган имконият формал ҳисобланади. Бундай имкониятга табиий ва ижтимоий ривожланиш қонунлари йўл қўяди. Шу маънода у табиий ва ижтимоий борлиқ қонунларига мутлақо зид бўлган имконсизликдан бутунлай фарқ қилади; объектив дунё қонунларига зид бўлган нарса имконсизлик ҳисобланади. Масалан, боқий двигателъ яшаш мумкин эмас; инсоннинг умрбоқийлиги мумкин эмас ва ш.к. Амалга ошиши учун барча зарур шароитлар вужудга келган реал имконият амалга оширишнинг олий даражасига эга бўлади. Масалан, инсоннинг космосга учиш имконияти бир пайтлар формал бўлган, эндиликда у реал тус олди.



п

Имкониятнинг миқдорий тавсифи аниқроқ бўлади. Агар имконсизликни «0» билан, воқеликни эса «1» билан ифодаласак, «0» дан «1» гача бўлган оралиқ қийматларнинг барчаси имконият даражасини тавсифлайди. Эҳтимолликнинг шартли ўқи атрофида имкониятнинг бутун доирасини кўрсатиш мумкин.

Абстракт имкониятларни имкониятсизлик билан ҳам айнанлаштириш мумкин эмас. Чунки биринчиси, объектив қонуниятлар билан боғлиқ, иккинчиси эса мутлақо унга қарама-қарши бўлади. Бинобарин, абстракт имкониятларнинг айримларида конкрет шароитга кўра воқеликка айланиш эҳтимоли бўлиши мумкин. Жумладан, ўтган аср бошида коинотга учиш, уни тадқиқ этиш абстракт имконият ҳолатида эди, аммо фан-техника тараққиёти натижасида аср ўрталарида бу реал имкониятга айланди. Демак, абстракт ва реал имконият ўртасидаги тафовут нисбий бўлиб, ривожланишнинг муайян босқичларида биринчиси иккинчисига айланиши ҳам мумкин экан. Хуллас, табиий ва ижтимоий ҳаётдаги имкониятларга бир хил ўлчов билан ёндашиш, уларни бир хил усулда рўёбга чиқади, деб қараш хатодир. Табиатда имкониятлар стихияли тарзда, объектив шароитлар бағрида воқеликка айланиши билан чегараланади. Жамиятда эса имкониятнинг воқеликка айланишида ўзгача мазмун бор, бунда имкониятни воқеликка айлантирадиган моддий, ташкилий, сиёсий омиллардан ташқари, маънавий шарт-шароитлар ҳам зарур. Бунга одамнинг онги, иродаси, мақсади, уюшқоқчилиги, фаоллиги ва бошқалар киради. Масалан, бугунги ўтиш даври ижтимоий ривожланиш қонунияти билан белгиланадиган объектив вазиятлар билан боғлиқ. Лекин бунга субъектив вазият, яъни фуқаролар фаоллиги, уларнинг туб ўзгаришларга тайёрлиги, давлат ва нодавлат ташкилотлари фаолияти кабилар кўшилмаса, бу иш муваффақиятли бўлмайди.

Шунинг учун ҳам ижтимоий ҳодисаларнинг мазмун-моҳиятини аниқлашда ва мақсадга мувофиқ йўналтиришда субъектив омилларга ҳам эътибор бериш лозим. Бугунги жамиятимизнинг табиатига кўра, биринчидан, турли имкониятларнинг воқеликка айланиши учун умуммиллий анъаналар, халқаро тажриба, мамлакатимизда демократик ҳаёт барпо этиш каби шарт-шароитлар мавжуд, иккинчидан, жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва ғоявий бирлиги асосида, собиқ иттифоқ даврида асло бўлмаган янги имкониятлар вужудга келиб, рўёбга чиқмоқда.

Баъзан реал имкониятлар ўзаро рақобатлашади ва уларнинг бири амалга ошса, бошқаси амалга ошмайди (муқобил имкониятлар). Инсон мақбул имкониятлар амалга ошиши учун шароит яратиш йўли билан воқеалар жараёнини керакли томонга йўналтириб, унга фаол таъсир кўрсатишга қодир.

Имконият ривожланишнинг объектив тенденцияларини акс эттиради, у қонуният, заруриятга, ўзгараётган нарсанинг муҳим томонларига мувофиқ юзага келади. Шунингдек, Имконият – нарсанинг унинг тугалланмаган, потенциал ривожланишидаги объектив мавжуд бўлган ва ичдан белгиланган ҳолатини акс эттирувчи фалсафий тушунча. Ҳар бир вазиятда имкониятларнинг муайян тўплами мавжуд бўлиб, улардан бири амалга




п ошгани бошқалари четда қолганини англатади. Имкониятларнинг «кураши» ва амалга ошиш хусусиятига ичдан зарур тенденцияларга нисбатан тасодифий ҳисобланган шароитлар ўз таъсирини кўрсатади. Шу сабабли воқелик доим ички ва ташқи, моҳият ва ҳодиса, зарурият ва тасодифнинг диалектик бирлигидан иборат бўлади. Ижтимоий ривожланиш ва табиатнинг ўзгариши соҳасида имкониятнинг воқеликка айланиши кишиларнинг онгли йўл танлаши ва фаолияти билан тартибга солинади.

Аммо имконият қандай объектив асосларга эга бўлса, имконсизлик ҳам шундай объектив асосларга эгадир. Имконсизлик – имкониятга зид тушунча. Имконсизлик тушунчаси икки хил маъно касб этади. Биринчи – предметнинг табиатига мос келмайдиган нарса бўлиши мумкин эмас. Масалан, арпа уруғидан бодринг етиштириш мумкин эмас. Имконсизлик тушунчасининг бошқа бир маъноси имконият ва зарурият категорияларининг муносабатлари билан боғлиқ. Зарурият ва имконият – бир занжир бўғинлари: ривожланаётган предмет зарурияти унинг бошқа бир ҳолати бўлиши мумкинлигини белгилайди. Аммо предметнинг ривожланишида, одатда, кўп сонли муқобил имкониятлар мавжуд бўлгани боис, улардан бирини танлаш зарурий ҳисобланмайди. Бир имкониятнинг рўёбга чиқиши қолган имкониятларни рўёбга чиқариш имконини бермайди. Тузатиб бўлмайдиган оқибатларга олиб келган қабул қилган қарори, ўйламасдан содир этган қилмишидан афсус чекмаган одам топилмаса керак. Баъзан имконсизлик бой берилган имконият тарзида мавжуд бўлади. Бу ҳолда имконият имконсиз бўлмаган нарса сифатида ва айни вақтда зарур бўлмаган нарса сифатида намоён бўлади.

Ҳар бир предмет кўп сонли алоқалар юзага келишига замин яратувчи муайян муҳитда мавжуд бўлади. Шу сабабли муҳим ёки иккинчи даражали, тасодифий ёки зарурий бўлиши мумкин бўлган кўп сонли имкониятлар мавжуддир. Имкониятнинг рўёбга чиқишида ички ва зарурий алоқалар муҳим рол ўйнайди, аммо унинг рўёбга чиқиш шартлари, гарчи улар тасодифий хусусиятга эга бўлса-да, ривожланиш жараёнига сезиларли даражада, баъзан ҳал қилувчи таъсир кўрсатади. Айни шу сабабли воқелик ҳам зарурий ва тасодифийнинг бирлиги ҳисобланади.

Имконият ва воқелик бир-биридан фарқланади, лекин уларни айрим олинган ҳолда мутлақлаштириш ярамайди, бир-биридан ажратиб қўйиш ҳам хатодир. Аммо фалсафа тарихида имконият ва воқеликни дунёдан ажратиб, унинг мазмунини инкор этиш, имконият ва воқелик фақат руҳнинг, ғоянинг, тафаккурнинг маҳсулидир, сезгиларнинг йиғиндисидир, инсон истак-иродасининг кўринишидир, деб тушунтиришлар бўлган. Замонавий фалсафа имконият ва воқеликни илмий тушунтириб, бу категориялар дунёдаги алоқадорлик ва ривожланишнинг муҳим хусусият, томонларини ифодалайди, оламдаги нарсаларнинг бир шаклдан иккинчи шаклга ўтишини, таракқиётнинг оддийдан мураккабга қараб йўналишини, эскилик билан янгилик ўртасидаги қарама-қарши муносабатларни билдиради. деб ҳисоблайди.




п

Воқелик эса имкониятнинг нисбатдоши бўлиб, реал ҳолат ва мавжуд бўлган ҳодисаларни ифодалайдиган категориядир. *Воқелик* тушунчаси икки маънода ишлатилади. Биринчидан, воқелик – бу мавжуд борлик, биз яшаётган дунё, унинг онгимиздаги инъикосидир. Воқелик тушунчаси айрим предметнинг борлиғига ҳам тегишлидир. Бу маънода у объектнинг ҳолатини тавсифловчи мазкур лаҳзадир. Иккинчидан, воқелик рўёбга чиққан имконият сифатида тавсифланади. Бу маънода воқелик тушунчаси имконият категориясининг нисбатдоши ҳисобланади. Улар бири-бирига ўтувчи қарама-қаршилиқлардир. Имконият потенциал, воқелик эса актуалдир. Имконият – абстракт ва мазмун жиҳатидан қашшоқ тушунча. Воқелик – муайян ва мазмунан бой тушунча, чунки у кўп сонли хоссалар, индивидуал бетакрор жиҳатларни ўз ичига олади. Демак, воқелик олам қонунларининг зарурият асосида рўёбга чиққан имкониятини, мавжуд бўлган нарса ва ҳодисаларни билдиради. *Воқелик – амалга ошган, актуаллашган борлиқни тавсифловчи фалсафий категория.*

Воқелик тараққиёт давомида амалга ошган имконият бўлиб, ўз навбатида, янгидан-янги имкониятларни вужудга келтирадиган чек-чегарасиз жараён дир. Имконият ва воқелик нарса, ҳодиса, воқеалар ривожининг икки изчил даражаси, сабабнинг оқибатга томон ҳаракати, табиат, жамият, инсон тафаккурининг сабабли алоқалари намоён бўлишининг икки муқаррар босқичидир.

Воқелик кенг ва тор маъноларда тушунилади. Кенг маънода объектив оламнинг ўзида мавжуд бўлган барча турли-туман нарсалар, ҳодисалар, воқеалар, жараёнлар йиғиндиси тушунилса, тор маънода айрим нарса, ҳодисанинг муайян вақт ва муайян шароитдаги ҳолати тушунилади. Кенг маънодаги воқелик абадий бўлса, тор маънодаги воқелик ўткинчи, вақтинчалиқ дир.

Воқелик борлиқнинг мавжуд ҳолати бўлса, имконият эса эҳтимоллик билан муқаррарлик оралиғидаги ҳолат дир, яъни у ҳали аниқ-равшан воқеликка айланмаган, аммо объектив оламда юзага келиш ва ривожланиш майлини боши-дан кечираётган реаллиқ дир. Макро ва микрооламда имконият ва воқелик ўз ички қонунлари асосида бири иккинчисига ўтиб турса, ижтимоий системада бу алоқадорлик ўзига хос шаклда намоён бўлади. Чунончи, ижтимоий тизимлар ривожига ақл соҳиби — одамзот иштирок этади. Айрим шахслар ва ижтимоий гуруҳлар муайян тарихий давр ҳамда шароитда аниқ мақсад сари фаолият кўрсатишлари учун, жамият қонунларининг амал қилишини, яъни имкониятни воқеликка айланишининг ўзига хос хусусиятларини билишлари зарур. Масалан, ҳар бир миллатнинг мустақил тараққиёт йўлига тушиб олиши тарихий-тадрижий жараён бўлсада, ана шу қонуниятли жараённи рўёбга чиқариш учун шу миллатга мансуб айрим шахслар, қатламлар ва ижтимоий гуруҳларнинг миллий эҳтиёжларни англашига, имкониятни воқеликка ўз вақтида айлантира олиш маҳоратига ҳам боғлиқ бўлади. Агар туб миллий манфаатлар ҳимоячиси бўлган шахслар, сиёсий партиялар ва ҳаракатлар реал имконият билан мавҳум имкониятнинг



п фарқига бормасалар, уларни бир-бирига аралаштирсалар, турли социал ларзаларга сабабчи бўлади.

Имконият ва воқелик диалектикаси. Имконият ва воқелик қарама-қарши томонларнинг бирлиги сифатида диалектик муносабат, ўзаро боғлиқликда мавжуд бўлади, улар бир-бирини ҳам тақозо қилади, ҳам истисно этади. Агар воқелик амалга ошгунга қадар имконият бўлиб турса, унда янги имконият эски воқелик бағрида аниқ шароитда юзага келади. Имкониятлар конкрет вазият, шарт-шароит, омиллар билан боғлиқ бўлиб, турли шаклларда рўёбга чиқиши, яъни воқеликка айланиши мумкин. Шуниси ҳам борки, бир хил имкониятни аниқ бир шаклда воқе бўлади, деб қараш нотўғри. Масалан, бир хил экин майдонига, бир хил ишлов бериб, бир хил уруғлик экилишига қарамай, бошқа-бошқа хўжаликларда турлича ҳосил олиниши мумкин. Ёки организмнинг қувватига боғлиқ равишда муайян касаллик турли беморларда турлича кечиши мумкин. Демак, бундан кўришиб турибдики, имкониятнинг воқеликка айланиши ҳар хил омилларга боғлиқ экан.


Амалий фаолиятда доим имкониятни воқеликдан ҳамда имкониятни имкониятсизликдан ажрата билишга ўрганиш керак. Мумкин бўлмайдиган нарсани мумкин бўладиган нарса ёки ҳодиса қилиб кўрсатиш ярамайди ёки аксинча, мумкин бўладиган нарсани мумкин бўлмайдиган нарса қилиб кўрсатиш ҳам воқеликнинг моҳиятини, имконият ва воқелик диалектикасини нотўғри тушуниш асосида келиб чиқади. Бу ҳол фалсафада ғайриилмий қараш ва ҳулосага олиб келади.

Имконият ва воқелик муайян мазмунга эга бўлган олам ҳодисаларининг икки томони, ривожланишнинг бошланиш моменти ва ниҳояси, узлуксиз тараққиёт жараёнининг бир-бири билан боғлиқ, бир-бирини тавсифлайдиган ҳалқаларидир. Ривожланиш узлуксиз имкониятларнинг вужудга келиши, уларнинг воқеликка айлана боришидан иборат жараёндир. Бунда имконият эндигина куртак отаётган, рўёбга чиқиши лозим бўлган ҳодиса бўлса, воқелик эса баъзи ҳолларда ўз умрини тугаллаётган, эскириш жараёнида интиҳосига қараб бораётган ҳодисадир. Бинобарин, имконият ва воқелик олам ривожланиш жараёнида тутган ўрни, тараққиёт даражасига кўра бир нарсани ёки ҳодисани иккинчисидан фарқлантирадиган категориялардир.

Имконият воқеликка айланиши билан боғлиқ бўлган вазиятларнинг икки типидир

В И₁ И₂ И₃ В₁ В И В₁

1. Воқелик В да амал қилувчи қонунлар мазкур шароитда турли рақобатдош имкониятларнинг муайян тўпламига йўл қўяди, лекин улардан биттасигина амалга ошади (чизмада имконият И₁ воқелик В₁ га айланади).



п

Масалан, қимор ўйинида ташланган ошиқ ўзининг олти қиррасидан исталган бирига тушиши мумкин, лекин ошиқ ҳар ташланганда бу имкониятлардан фақат биттаси амалга ошади.

Тасодиф – кўп сонли имкониятлардан биттасининг амалга ошиши.

2. Воқелик В да амал қилувчи қонунлар мазкур шароитда бирдан-бир имконият И га йўл қўяди ва айна шу имконият воқелик Д₁ га айланади (чизма).

Масалан, бильярд соққаси бошқа соққа билан тўқнашганидан сўнг мазкур шароитда механика қонунлари билан белгиланувчи мумкин бўлган бирдан-бир траектория бўйлаб ҳаракатланади.

Хулосалар. Категориялар фикрлашнинг универсал шакллари бўлиб, уларда объектив воқеликда мавжуд бўлган умумий алоқалар, хоссалар ва муносабатлар акс этади;


Категорияларда кишилиқ жамияти кўплаб авлодларининг тажрибаси ва фаолияти мужассамлашади. Билиш натижалари ўз аксини топувчи тушунчалар ва категориялар бўлмаса, бугунги кунда билишнинг ўзи ҳам бўлмас эди;

Категориялар қуйидаги объективлик, муайянлик, амалиёт билан боғлиқлик, тарихийлик, ўзгарувчанлик ва ш.к. хусусиятлар билан тавсифланади.

Тажрибавий амалий матнлар




Категория, фан категориялари, фалсафий категориялар, дунёнинг манзараси, априор, миқдор, сифат, моҳият, айният, тафовут, тушунча, билиш назарияси, синергетика, нарса, алоқа, қарама-қаршилиқ ва зиддият, зиддиятларнинг турлари, инкорни-инкор қонуни, ҳаракат ва ривожланиш, яккалик, хусусийлик, умумийлик, айримлик, бутун ва қисм, яхлитлик, механик яхлитлик.

Қўшимча ва тушунтирувчи матнлар






II





II




Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар

1. Диалектика категориялари фалсафий категориялар тизимида қандай ўрин эгаллайди?
2. Бутун ва қисм, система ва элемент категорияларининг қиёсий таҳлилини амалга оширинг.
3. Моҳият ва қонун категорияларининг ўхшашлик ва фарқи нимада?
4. Мазмун ва шакл, моҳият ва ҳодиса категорияларининг ўхшашлик ва фарқи нимада?
5. Имкониятларнинг қайси турларини биласиз?
6. Фалсафа тарихида диалектиканинг асосий категориялари ҳақидаги тасаввурларнинг эволюциясига тавсиф беринг

Реферат мавзулари:

1. Диалектиканинг тарихий ривожланиш босқичлари.
2. Борлиқ ва тафаккур айнияти муаммоси.
3. Диалектика борлиқнинг универсал алоқалари ҳақида.
4. Диалектика ва синергетика.
5. Детерминизм муаммоси. Сабаб ва оқибат. Зарурият ва тасодиф.
6. Система, структура, элемент. Билиш фаолиятида системали ёндашувнинг ўзига хос хусусиятлари.



Билим ва кўникмаларни баҳолаш мезонлари

1. Яккалик нима?

- А. «Нарса» тушунчасининг синоними, яъни борлиқнинг нисбатан мустақил, сифат жиҳатидан муайян парчаси. У хоссалар тўпламига эга.
- Б. Фақат мазкур объектга хос бўлган хоссаларни ифодаловчи категория.
- В. Оламга хос муносабат ва алоқадорликни, олам тараққиётининг хусусияти, унинг макон ва замондаги мавжудлик шаклларига, ҳар бир нарса ёки ходисанинг айрим белгилари ҳамда ўзаро бирликни ифодаловчи умумий жиҳатларини ифодалайди.
- Г. Барча жавоблар тўғри.

2. Умумийлик нима?

- А. Айрим нарсанинг муайян туркумга мансуб барча нарсалар билан ўхшашлигини белгиловчи хоссалар
- Б. нарса, ходиса, жараёнларга хос асосий, доимий такрорланадиган белгилар ва хусусиятлар йиғиндисини билдиради
- В. Умумийлик якка нарсанинг моҳиятини акс эттиради.
- Г. Барча жавоблар тўғри.

3. фикрича умумийлик нарсаларга қадар, нарсаларда ва нарсалардан кейин нарсанинг муайян ғояси сифатида мавжуд бўлади.

- А. Реалистлар
- Б. Номиналистлар
- В. Идеялистлар
- Г. Барча жавоблар тўғри.

4. Яккалик ва умумийлик диалектикаси нимани акс эттиради?

- А. Бу фалсафий категориялар борлиқ нарсалари ва ходисаларининг диалектик бирлигини ва уларнинг ўртасидаги тафовутни акс эттиради.
- Б. Фақат мазкур объектга хос бўлган хоссаларни ифодаловчи категория.
- В. Оламга хос муносабат ва алоқадорликни, олам тараққиётининг хусусияти, унинг макон ва замондаги мавжудлик шаклларига, ҳар бир нарса ёки ходисанинг айрим белгилари ҳамда ўзаро бирликни ифодаловчи умумий жиҳатларини ифодалайди.
- Г. Барча жавоблар тўғри.

5. Яккалик ва умумийликни боғловчи ҳалқа –бу ?

- А. Хусусийлик
- Б. Кўргазмалилик
- В. Билимлийлик
- Г. Умумийлик



п

6. Кимнинг фикрича, умумийлик аниқ нарсаларга боғлиқ бўлмаган ҳолда, қандайдир, мустақил шаклда мавжуд бўлиб, алоҳидалиқдан аввал вужудга келади ва уни белгилайди.

А. Ж. Локк

Б. Г.Гегель

В. Д.И.Менделеев

Г. Платон

7. Қайси олим "Умумийлик ва универсаллик ҳақиқатан мавжуд нарсаларга мансуб эмас, балки уни ақл-идрок ўз истемоли учун ихтиро қилган ва яратгандир ҳамда белгилар, сўзлар ёки идеяларгагина тааллуқлидир"— деган фикрни илгари сурган эди.

А. Ж. Локк

Б. Г.Гегель

В. Д.И.Менделеев

Г. Платон

8. кимёвий элементларга хос энг умумий хусусиятларни тадқиқ этиб, даврий системага кирмаган тўртта элемент мавжудлигини илгаридан айтган эди. Кейинчалик бу илмий башорат фан томонидан исботланади.

А. Ж. Локк

Б. Г.Гегель

В. Д.И.Менделеев

Г. Платон

9. Ҳодиса нима?

А. Объектнинг ташқи томони бўлиб, уни инсон ҳиссий образларда акс эттирилади. Ҳодиса – бу нарсада, жараёнда қаршимизда бевосита намоён бўлувчи хоссалар, томонлар йиғиндисини ифодалаш учун мўлжалланган категория.

Б. Бу фалсафий категориялар борлиқ нарсалари ва ҳодисаларининг диалектик бирлигини ва уларнинг ўртасидаги тафовутни акс эттиради.

В. Фақат мазкур объектга хос бўлган хоссаларни ифодаловчи категория.

Г. Оламга хос муносабат ва алоқадорликни, олам тараққиётининг хусусияти, унинг макон ва замондаги мавжудлик шаклларига, ҳар бир нарса ёки ҳодисанинг айрим белгилари ҳамда ўзаро бирликни ифодаловчи умумий жиҳатларини ифодалайди.

10. – объектнинг бевосита ҳиссий идрок этиш мумкин бўлмаган ва фикрлаш ёрдамида англаб етиладиган ички томони. У объектив борлиқнинг ички, нисбатан яширин ва барқарор томонини ифодалаш учун мўлжалланган бўлиб, у нарсанинг, жараённинг табиатини ва уларга хос бўлган қонуниятларини белгилайди, ҳодисани билиш учун уни кузатиш керак.



п

- А. Моҳият
- Б. Кўрғазмалилик
- В. Билимлилик
- Г. Умумийлик

11. Ҳодисанинг атрибутлари тўғри кўрсатилган жавобни топинг?

- А. Нарса ва жараён.
- Б. Якка ва умумийлик
- В. Моҳият ва мавжудлик
- Г. Моҳият ва умумийлик.

12. Қайси олим моҳиятни нарсаларнинг моддий-ҳиссий борлиғи билан боғлаш мумкин бўлмаган ғоя сифатида тавсифлаган ?


- А. Аристотель
- Б. Г.Гегель
- В. Д.И.Менделеев
- Г. Платон

13. Қайси олим моҳият деганда нарсалар борлигининг абадий тамойилини тушунган ва нарсанинг моҳияти қотиб қолган материя билан эмас, балки шакл билан белгиланишига унинг ишончи қомил бўлган?

- А. Аристотель
- Б. Г.Гегель
- В. Д.И.Менделеев
- Г. Платон

14. Моҳият ва ҳодиса ўртасидаги диалектик алоқа қандай намоён бўлади?

- А. Барча жавоблар тўғри.
- Б. моҳият ва ҳодисанинг бирлиги уларнинг ўзаро мослиги, айнийлигини англатмайди. Моҳият доимо ҳодиса ортида яшириниб ётади. Агар нарсаларнинг намоён бўлиш шакли ва моҳияти бевосита мос келганида, фанга ҳожат қолмас эди. У объект муҳим алоқаларининг ички мазмунинигина эмас, балки бу объектнинг ҳар қандай тасодифий муносабатлари, алоҳида жиҳатларини ўзида мужассамлаштиради.
- В. ҳодиса моҳиятга қараганда фаолроқ ва жўшқинроқ, моҳият эса барқарорроқ ва турғунроқ - у барча ўзгаришларда сақланиб қолади. Аммо, ҳодисага нисбатан барқарорроқ бўлган моҳият мутлақо ўзгаришсиз қолмайди;
- Г. моҳият ва ҳодиса бир-бири билан узвий боғлиқ. Ҳодиса ўзида мужассамлашган нарса, яъни моҳиятсиз мавжуд бўла олмайди. Моҳиятда у ёки бу тарзда намоён бўлмайдиган нарсанинг ўзи йўқ;



п

15. ғоя, яъни шаклни материя билан узвий деб хисоблаган.

- А. Аристотель
- Б. Г.Гегель
- В. Д.И.Менделеев
- Г. Платон

16. – бу нарсалар ва жараёнларнинг мазмунини белгиловчи томонлар, хоссалар ва алоқаларни уюштириш усули. Элементлар ўртасидаги барқарор ички алоқаларни уюштиришнинг унга яхлитлик сифатида намоён бўлиши ва ўзига хос бўлган барча функцияларни бажариш имконини берувчи усули.

- А. Ўхшашлик
- Б. Шакл
- В. Белги
- Г. Хосса

17. -дейди Ибн Сино,-жисмларнинг мавжудлиги қандай бўлса, шундай сақланиши ёки бошланғич материянинг конкрет жисмга айланишидир.

- А. Аристотель
- Б. Г.Гегель
- В. Д.И.Менделеев
- Г. Платон

18.Мазмун ва шакл ўртасидаги диалектик ўзаро алоқа қандай омиллар билан белгиланади.

- А. Мазмун ва шакл бир-бири билан узвий боғлиқ.
- Б. Мазмун ва шаклнинг бирлигида мазмун етакчилик қилади. ва шаклнинг бирлиги мазмунга нисбатан шаклнинг нисбатан мустақиллиги, фаоллигини назарда тутди. Шаклнинг нисбатан мустақиллиги қуйидагиларда намоён бўлади:
- В. Мазмун ва шаклнинг бирлигида мазмун етакчилик қилмайди. ва шаклнинг бирлиги шаклга нисбатан мазмуннинг нисбатан мустақиллиги, фаоллигини назарда тутди. Мазмуннинг нисбатан мустақиллиги қуйидагиларда намоён бўлади:
- Г. А ва Б жавоблар.

19. Мармардан ҳайкал йўнаётган ҳайкалтарошни кузатар экан, шакл мазмундан бўлак ва мустақил мавжуд бўлади, унга мазмун ташқаридан киритилади, шу туфайли мармар жонланади, деган хулосага келган олим тўғри кўрсатилган жавобни кўрсатинг?

- А. Аристотель
- Б. Г.Гегель
- В. И Кант
- Г. Платон



п

20. Қайси олим мазмун ва шаклни фақат инсон ақли, тафаккурининг маҳсули, натижаси деб тушунади.

- А. Аристотель
- Б. Г.Гегель
- В. И Кант
- Г. Ф.Гегель

21. Ушбу фикр муаллифини топинг: мазмун ва шакл диалектикасини тан олган бўлса ҳам, лекин мазмун ҳам, шакл ҳам мутлақ ғоя ривожланишининг босқичлари, турли кўринишлардаги ифодасидир.

- А. Аристотель
- Б. Г.Гегель
- В. И Кант
- Г. Ф.Гегель

22. Ушбу фикр муаллифини топинг: воқеликда нарсалардан мустақил шаклларгина мавжуд, жумладан, "элементар" зарраларнинг моддийликка алоқаси йўқ, улар ҳар қачонгидай, соф шаклдир ва оламда шаклдан бўлак ҳеч нима бўлиши мумкин эмас.

- А. Э.Шредингернинг
- Б. Г.Гегель
- В. И Кант
- Г. Ф.Гегель

Б.

23.Яхлитликнинг қандай турлари мавжуд?

- А. Механик, уюшган бутун ва органик яхлитлик.
- Б. Ноорганик яхлитлик. Органик..
- В. Механик, уюшган бутун ва органик
- Г. Ноорганик, Механик ва органик яхлитлик

24.Бутуннинг уч типи тўғри кўрсатилган жавобни топинг?

- А. Механик, уюшган бутун ва органик яхлитлик.
- Б. Ноорганик яхлитлик. Органик..
- В. Механик, уюшган бутун ва органик
- Г. Ноорганик, Механик ва органик яхлитлик

25. Ушбу фикр муаллифини топинг: “Табиатда сабаб ҳам, оқибат ҳам йўқ; сабаб ва оқибат тафаккуримиз маҳсулидир”.

- А. Э. Мах
- Б. Г.Гегель
- В. И Кант
- Г. Ф.Гегель



п

26. Синергетика йўналиши асосчиларидан бири И.Р.Пригожин механистик детерминизмга қандай баҳо беради?

А. «Динамика рационалистик моделининг маҳсули сифатида тушунилган детерминизм эндиликда айрим ҳоллардагина намоён бўлувчи хосса билан боғланади», деб баҳо беради.

Б. «Динамика рационалистик моделининг маҳсули сифатида тушунилмаган детерминизм эндиликда айрим ҳоллардагина намоён бўлувчи хосса билан боғланмайди», деб баҳо беради.

В. «Динамика рационалистик моделининг маҳсули сифатида тушунилган детерминизм эндиликда айрим ҳоллардагина намоён бўлувчи хосса билан боғланмайди», деб баҳо беради.

Г. «Динамика рационалистик моделининг маҳсули сифатида тушунилган детерминизм эндиликда ҳамма вақтда намоён бўлувчи хосса билан боғланади», деб баҳо беради.

27. ва қаршида ҳам барча ҳодисалар зарурий бўлиб, кишилар табиат қонунларидаги сабабий алоқаларнинг турини тўла билмаганликлари учун тасодифга ўрин берадилар, ҳодисалар сабаби билинган ҳамано тасодифийлик барҳам топади, бинобарин у субъектив мазмундаги категориядир, деб ҳисоблаганлар.

А. Демокрит ва П.Гольбах

Б. Б. Г.Гегель ва П.Гольбах

В. И Кант ва Демокрит

Г. Ф.Гегель ва И.Р.Пригожин

28.Қайси файласуф «Эртага ёғадиган ёмғир зарур, яъни зарурий сабаблар билан белгиланган; лекин биз унга тасодифий деб қараймиз ва уни шундай атаймиз, зеро амалда мавжуд сабабларни ҳали билмаймиз. Умуман олганда, зарурий сабабини биз кўра олмайдиган нарса тасодифий деб аталади», деб қайд этган?

А. Э.Шредингернинг

Б.

Б. Г.Гегель

В. И Кант

Г. Т.Гоббс:

29.Имкониятларнинг қайси турлари фарқланади?

А. Реал ва формал, абстракт имконият

Б. Реал ва формал, абстракт ва муайян имконият

В. Реал , абстракт ва муайян имконият

А. Реал ва абстракт, абстракт ва муайян имконият

30. томонидан пенциллиннинг кашф қилиниши, ватомонидан тирик организмларнинг хужайра тузилишидан иборат эканининг исботланиши, томонидан ёруғлик электромагнит



п
назариясининг кашф этилиши каби фактлар ҳам зарурий, ҳам тасодифдир. Нуқталар ўрнига тартиб билан ўрнатинг?

- А. Г.Герц, Флеминг ва Т.Гоббс, Шванн
- Б.Флеминг, М.Шлейден ва Шванн, Г.Герц
- В. Г.Герц, Флеминг ва Т.Гоббс, Шванн
- Г. Г.Герц, Т.Гоббс ва Шванн, Г.Герц

Фалсафий атамалар (глоссарий)

Актуал чексизлик - мазкур шароитда тўлиқ мавжуд бўлган чексизликнинг мавҳумлаштирилган кўринишидир.

Антропоген – инсон фаолияти билан боғлиқ.

Апейрон - қадимги юнон фалсафасида (Фалес, Анаксимен) ҳамма нарсани бошқарадиган боқий ва чексиз асос, деб тавсифланган.

Аперцепция- борликни ақл билан англаш, билиш, уларни ғояларда ифодалаш.

Апория – муҳокамалардаги зиддият туфайли ҳал этиб бўлмайдиган ёки ҳал этилиши мушкул бўлган ҳолат, мантикий қийинчилик, муаммо.

Аристотел онтологиясида борлик категориялари - Булар қуйидагилар:1 моҳият; 2 миқдор (қанчалик); 3 сифат (қандайлик);4 муносабат (нисбатдошлик); 5 жой - (макон, фазо, манзил, ҳужра) – (қаердалик); 6 вақт (замон) (қачонлик); 7 ҳолат (аҳвол);8 эғалик (моликлик);9 ҳаракат (иш, таъсир, фаоллик);таъсирланиш (ўзгариш).

Артикуляцияланмаган кодлар. Артикуляциясиз кодлар бир-бири билан бевосита боғлиқ бўлмаган белгилар тўпламларидан таркиб топади. Бу белгилар таркибий элементларга ажратилмайди. Масалан, «гуллар тили» артикуляциясиз код ҳисобланади, чунки ҳар бир гул тури коддаги бошқа белгилар билан боғланмайдиган мустақил белгидир. Артикуляцияланмаган кодлар баъзан «тежамсиз кодлар» деб ҳам аталади. Яна қаранг: *кодлар артикуляцияси*.

Асинхроник коммуникация. «Реал вақт»да кечмайдиган коммуникация асинхроник коммуникация ҳисобланади. Бу тавсиф матн яратувчиси (яратувчилари) мавжудлиги ёки йўқлиги ва медиумнинг техник тавсифлари билан бирга берилади. Асинхроник шахслараро коммуникация энг аввало вербал матн (хатлар, факслар, e-mail) орқали амалга оширилади. Асинхроник оммавий коммуникация вербал матн, графика ва (ёки) аудио-



п
визуал медиумлар (фильмлар, телевидение, радио, газеталар, журналлар ва ҳ.к.) орқали амалга оширилади. Яна қаранг: *коммуникация, синхроник коммуникация*.

Атомлар – (Левкипп (хаёт даври номаълум) ва унинг ўқувчиси Демокрит (460-370 йиллар) борлиқ таълимотидаги зиддиятларни бартараф қилишга уриндилар ва атомлар концепциясини яратдилар), бўлинмас майда зарралар. Барча бўлинмас нарсалар атомлардан ташкил топган. Атом ва жисмлар бир томондан бўшлиқда, иккинчи томондан ҳаракатда мавжуд.

Атрибут – хосса.

Атрибутив концепция - ахборотнинг жонли ва жонсиз табиатдаги ҳар қандай объект ҳамда жараёнлардаги ранг-барангликнинг инъикоси сифатидаги кенг талқинига суянади.

Аттрактор - тўпламларни ўзига тортувчи, элементлар интиладиган марказларни ҳосил қилувчи тузилмадир.

Биологик ҳаракат – жонли организмларда юз берувчи ранг-баранг биологик жараёнлар; - органик ҳаётни қамраб олади. Улар табиат соҳасидаги асосий шакллар ҳисобланади. Улардан юқорида янада олийроқ соҳа – ижтимоий-тарихий жараён мавжуд.

Вақт - жараёнларнинг давомлиги ва кетма-кетлигини тавсифловчи муносабатлар тизими. Ҳодисаларнинг кетма-кетлиги, жараёнларнинг давомийлигини ифодалайди.

Вақтнинг топологик хоссалари - бир йўналишлилик, муайян ўлчовлилик, орқага қайтмаслик.

Виртуал борлиқ - 1970 йилларнинг охирида Массачусет технология институтида Жерон Ленъер томонидан ўйлаб топилган. У 1984 йилда дунёда биринчи виртуал борлиқ фирмасини ташкил этди. Бу атама компьютерда яратиладиган муҳитда инсоннинг мавжудлиги ғоясини ифода этади. Виртуал (лотинча Virtualis – мумкин бўлган) – нарсалар ва ҳодисаларнинг замон ва маконда моддий мавжудлигига қарама-қарши ўлароқ, объектив нарсалар ёки субъектив образлар мавжудлигининг номоддий тури. «Виртуал борлиқ» атамаси муомалага америкалик кинематографчилар томонидан киритилган.

Виртуал борлиқ - инсон реал борлиқда ҳаракат қилаётгани иллюзиясини компьютерда яратиш имконини берувчи интерфаол технология.

Гармония – бир бутун нарса қисмларининг ўзаро мувофиқлиги.

Географик детерминизм - инсон фаолияти табиий муҳитга тўла боғлиқ деган ғояни исботлашга ҳаракат қилувчи механистик қараш.

Географик муҳит – бу ер табиатининг инсон фаолияти доирасига жалб қилинган ва жамият мавжудлиги ва ривожланишининг зарурий омили ҳисобланадиган қисмидир.

Геоцентрик дунё - атрибутларнинг универсал мазмуни, инсон танаси мавжудлик шарт-шароитларида намоён бўлувчи атрибутларнинг универсал мазмунига мос келиши.



п

Герменевтика – фалсафада – тарих, маданиятни, ўзи а индивидуалликни тушуниш санъати.

Гипотетик – эҳтимол тутилган, фараз қилинган, тахмин (гипотеза)га асосланган.

Глобалистика – глобаллашув ва унинг оқибатлари моҳиятини англаб етишга қаратилган илмий ва фалсафий тадқиқотлар фанлараро соҳаси.

Глобаллашув – ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларида яхлит тузилмаларнинг дунё миқёсида шаклланиш жараёни.

Гносеология – билиш назарияси.

Дедукция – тадқиқот ёки тавсифлаш методи, усули бўлиб, бунда айрим қоидалар умумий хулосалар, аксиомалар, қоидалар, қонунлардан тадрижий йўл билан келтириб чиқарилади.

Дезинтеграция – бутуннинг айрим қисмларга парчаланиши.

Деизм – худо дунёни яратгач, унда иштирок этмайди ва унинг воқеалари табиий кечишига аралашмайди, деб ҳисоблайдиган фалсафий нуқтаи назар.

Демииург – луғавий маъносига кўра юнонча ҳунарманд, моҳир уста деган тушунчага мос келади. Платоннинг «давлат» номли асарида демииург – «оламнинг ижодкори ва отаси» деб кўрсатилади. Демииург ўзидан қуйида турадиган худоларни, бутун олам жонини, инсон жонининг ўлмас қисмини, шунингдек, космосни ҳам яратган. У космосни космос билан бирга абадий мавжуд бўлган, ҳамиша тартибсиз ҳаракатдаги материядан («пластик массадан») абадий мавжуд биринчи образ (прообраз) – парадигма – эйдос (ғоя) га қараб яратади.

Демокрит ёндашуви - борликни турли тарзда намоён бўлиши ва онгда акс этиши (дискрет ситуатив-эмпирик) кўринишида тушунишни назарда тутати ҳамда натурализм сифатида намоён бўлади.

Детерминизм – барча воқеалар ва ҳодисаларнинг қонунийлиги ва сабабий боғланганлиги ҳақидаги фалсафий таълимот.

Диалектика – ҳаракат, ривожланиш, ўзгариш ҳақидаги фалсафий таълимот.

Динамик концепция - вақт жараёнларининг, шу жумладан вақт оқимининг объектив борлигини, яъни ўтмиш, ҳозир ва келажак воқеалари ўртасида реал физик фарқлар мавжудлигини тан олади.

Дискрет – узлукли.

Дифференциация – бутуннинг турли-туман қисмлар, босқичлар, шаклларга бўлиниши, парчаланиши, ажралиши.

Дуализм - (лот. Dualis – икки ёқлама) биринчи асос сифатида иккита субстанция олинган фалсафий ёндашув.

Идеал – мутлақ баркамоллик, бундай баркамоллик ҳақидаги тасаввур.

Идеалистик монизм - материяни ҳар қандай борликнинг боқий мавжудлиги, йўқ бўлмаслиги ва биринчи асосига эга бўлган қандайдир идеал нарсанинг маҳсули деб ҳисоблайди.

Иерархия – бир нарсанинг функционал аҳамияти ёки хизмат мавқеига кўра иккинчи нарсага, учинчи нарсага ва ҳоказоларга бўйсунуши.



п

Ижтимоий борлиқ - ижтимоий ҳаёт онтологиясидир. Унинг негизини ижтимоий индивиднинг ижтимоий ишлаб чиқариш билан боғлиқ жамоавий фаолияти ташкил этади. Ижтимоий борлиқ кундалик ҳаётни, одамларнинг моддий-амалий фаолиятини, (амалиётни) ўзаро муносабатларни ўз ичига олади. Ижтимоий борлиқнинг энг муҳим жиҳатлари қаторига унинг муайянлиги, яққа, хусусий ва умумий томонларининг бирлиги, шунингдек, тарихийлик ҳам киради.

Ижтимоий детерминизм - ижтимоий ривожланиш даражаси ва йўналиши биринчи навбатда моддий ишлаб чиқаришнинг ривожланиш даражаси билан белгиланишидир.

Ижтимоий прогноз қилиш келажакни муайян тарзда даврийлаштиришни назарда тутаяди

Ижтимоий ҳаракат – ижтимоий ўзгаришларни, шунингдек фикрлаш жараёнларини қамраб олади.

Изотроп – барча йўналишларда бир хил.

Имитация – тақлид қилиш, сохталаштириш.

Индетерминизм – детерминизмга қарама-қарши таълимот.

Инсон борлиғи - одам танасининг ҳаёти инсон мавжудлигининг бирламчи шарти, шунингдек инсоннинг табиатнинг бир қисми сифатида жисмоний мавжудлиги ва алоҳида инсон борлиғи сифатида намоён бўлади.

Интеграция – бирлашиш, бирикиш, яхлит бир бутуннинг шаклланиши.

Интенсив чексизлик - материянинг ичдан ниҳоясизлиги ҳақидаги тасаввурдир. Интенсив чексизликнинг мавжудлиги табиатда ички тузилишга эга бўлмаган, мутлақо элементар объектлар йўқлигини кўрсатади.

Интровертив – ўзига, ўз ички дунёсига қараб мўлжал олувчи.

Инъикос - бир жисмнинг ўзига хос хусусиятларини бошқа жисмда акс эттириш жараёни тушунилади.

Инъикоснинг психик шаклига - сезги билан бир қаторда инстинктлар, шартли рефлекслар, идрок этиш, эмоциялар, фикрлаш киради.

Иррационализм – борлиқни оқилона мантиқий билиш имкониятини рад этувчи нуқтаи назар.

Категория - юнон тилида «айтмоқ» деган маънони билдиради. Фалсафага уни аристотел киритган эди. Унга қадар «категория» (лотинча «предикат») бўлиб, у гапнинг мантиқий эгаси деган маънони билдирган ва предметнинг хоссаларини ифодалашга хизмат қиладиган тушунча ҳисобланган.

Каузаллик – сабабият, сабаб ва оқибатнинг қонуний алоқаси.

Кибернетика - (юнон. Kybernetes – бошқарувчи) машиналар ва тирик мавжудотларни бошқариш ҳақидаги фандир.

Қидирув прогнози – ижтимоий объектнинг келажаги қандай бўлиши мумкинлигини кўрсатиш учун тузиладиган прогноз.

Кимёвий ҳаракат – ноорганик ва органик табиатдаги турли кимёвий реакцияларни, кимёвий синтез жараёнларини ўз ичига олади.



п

Коммуникация (кенг маънода) – мулоқот. Экзистенциализмда – мулоқот тури бўлиб, унинг ёрдамида «мен» ўзини бошқа одамда топади.

Конституциялаш – яратиш, белгилаш, муайян ташкилий тус бериш.

Консьюмеризм – истеъмол қилишга бўлган кучли эҳтиёж.

Коэволюция - (лот со- мувофиқлашув ва эволюция) кенг маънода экологик алоқа.

Коэволюция – биргаликда тадрижий ривожланиш.

Креационизм – бутун борлиқни худо яратган деб ҳисоблайдиган диний таълимот.

Макон - нарсаларнинг кўламлилиги ва ўзаро жойлашувини тавсифловчи муносабатлар тизими. Нрсаларнинг кўламини, ўзаро жойлашиш тартибини, узлукли ёки узлуксизлигини ифодалайди.

Маконнинг топологик хоссалари – маконнинг бир хиллиги, изотроплиги (жараёнлар айна бир шароитда бир хил кечиши) ҳамдир.

Мақсад сабаб - аристотел фикрича, маънога эга бўлган барча нарсалар ички мақсад томонидан йўналтирилган ва потенциал мукамалликка эга бўлади ва бу барча нарсаларга тааллуқли. «мақсад билан шартланиш, - дейди аристотел, фақат тафаккур орқали белгиланадиган ҳатти – ҳаракатлардагина эмас, балки табиий келиб чиққан (табиатдаги) нарсаларга ҳам тегишли» .мақсадга йўналган жараёнларнинг амалга ошувини аристотел энтелехия деб атайди.

Материализм – дунёнинг моддийлигидан ва онгдан қатъий назар мавжудлигидан келиб чиқадиган фалсафий йўналиш.

Материалистик монизм - дунё ягона ва узвий, у азалдан моддий ва дунёнинг бирлиги замирида айна шу моддийлик ётади, деб ҳисоблайди.

Материя асос - онтологияда юқорида санаб ўтилган сабаблардан биринчи ва иккинчиси кўп ишлатилади. Чунки, қадимги фалсафада дифференциаллашув содир бўлиб, бу дифференциаллашув фалсафанинг эзотерик (мистик) қатлами ҳисобланган. Аристотел «фалсафанинг ўзи», «биринчи фалсафа», «софия» ёки «хусусий метафизика» ва «умумий метафизика» деб кўрсатган қатламдан физикани ажратган. Қадимги юнон фалсафасининг, яъни метафизикасининг мазмунини ташкил этган муҳим тушунчалар, айниқса ҳаракат манбаи (ижодкор сабаб) ёки унинг мақсад сабаби бўлган худо ҳақидаги ғоялар эса натурфалсафа мазмунига кирмайди. Лекин ҳозирги давр фанида, айниқса тизимлар назарияси 3 ва 4 сабаблари ҳам табора олимларнинг диққат марказига айланмоқда).

Материя атамаси -лотинча *materia* сўзидан келиб чиққан бўлиб, модда деган маънони англатади.

Маҳаллий муаммолар тушунчаси юқорироқ даражадаги муаммоларга, аниқроқ айтганда, айрим мамлакатларга ёки йирик мамлакатларнинг анча катта ҳудудларига тегишли бўлган муаммоларга нисбатан татбиқ этилади. Бу ерда одатда кучли зилзилалар, йирик сув тошқинлари ёки, масалан, кичик давлатдаги фуқаролар уруши назарда тутилади.



п

Маънавий борлиқ - субъектив, индивидуаллашган маънавий борлиқ ва объектив ноиндивидуал маънавий борлиқ сифатида мавжуд. Индивидуаллашган маънавий борлиқ - бу инсоннинг ички дунёси. У онглилик ва онгсизликни қамраб олади.

Метафизика – гегелдан олдинги ва ҳозирги ғарб фалсафасида борлиқнинг ўта ҳиссий тамойиллари ва асослари ҳақидаги фан. Фалсафанинг синоними сифатида ишлатиладиган атама.

Методология – метод ҳақидаги таълимот, билишнинг янги методларини яратиш тамойилларини ишлаб чиқиш.

Метрик хоссалар - макон ва вақтнинг кўламлилиқ ҳамда давомлилиқ каби миқдор кўрсаткичлари киради.

Механик ҳаракат – турли жисмларнинг маконда бир жойдан бошқа жойга кўчиши: майда зарралар ҳаракати, катта жисмлар, шу жумладан космик объектлар ҳаракати, материя ҳаракатининг механик шакли бошқа ҳар қандай шаклга кирувчи энг содда шакл сифатида намоён бўлади.

Миллий муаммолар тушунчаси ижтимоий-сиёсий ва илмий муомалада баъзан муайян давлат ёки миллий ҳамжамиятнинг маълум қийинчиликлари, ғам-ташвишларини акс эттиради. Миқёс даражасига қараб улар минтақавий ёки маҳаллий муаммолар сифатида талқин қилиниши мумкин.

Минтақавий муаммолар айрим қитъалар, дунёнинг йирик ижтимоий-иқтисодий ҳудудлари ёки анча йирик давлатларда юзага келадиган муҳим масалалар доирасини қамраб олади

Мистика – сирли, ғайритабиий, тушунарсиз нарса ёки ҳодиса.

Мифологиянинг бош вазифаси – «борлиқни ким яратгани» ҳақида гапириб бериш бўлса, фалсафа «борлиқнинг нималиги, у қаердан пайдо бўлгани ва қаерга йўқолиши»ни оқилона тушунтиришга эътибор қаратгани тасодифий эмас.

Моддийлаштириш – маъно структуралари, схемалар, лойиҳаларнинг инсон фаолиятида гавдаланиши.

Модус – предметнинг унга айрим ҳолатлардагина хос бўлган муваққат хоссаси.

Монизм - (юнон. Monos – битта, ягона) дунёнинг нарсалар ва ҳодисалар ранг-баранглиги бир субстанциядан иборат деган таълимот.

Монизм – плюрализмга зид ўлароқ, муайян бир асосдан келиб чиқадиган фалсафий ёндашув.

Нано юнонча “нанос” сўзидан олинган бўлиб, митти деган маънони билдиради.

Нанотехнология-митти технология бўлиб, унинг прототипи табиатнинг ўзида мужассам. Кўзга кўринмас бактериялар, чумоли, ўргимчак ва шунга ўхшаш ҳашаротлар табиий нано жисмлардир.

Негатив – салбий, бирор нарсага зид.

Ногеоцентрик дунё - атрибутларнинг универсал мазмуни, инсон танасининг мавжудлик шарт-шароитларида намоён бўлувчи атрибутларнинг универсал мазмунидан фарқ қилувчи моддий объект.



п

Ноосфера - (юнон. Noos – ақл, идрок ва sphaira – соха), яъни ақл-идрок сохаси деб номлади. Ноосфера инсоннинг ҳар қандай ўзгартирувчи фаолияти табиий ва ижтимоий жараёнларни илмий тушунишга асосланадиган ва табиат ривожланишининг умумий қонунлари билан мувофиқлаштириладиган материя мавжудлиги барча шакллари бирлашувининг олий босқичи сифатида тушунилади.

Ноосфера – ақл-идрок сохаси ёки биосферанинг шундай бир ҳолатики, бунда одамларнинг оқилона фаолияти биосфера ривожланишининг муҳим омилига айланади.

Нотирик табиат нарсалари ва жараёнларининг борлиғи – бу бутун табиий ва сунъий дунё, шунингдек табиатнинг барча ҳолатлари ва ходисалари (юлдузлар, сайёралар, ер, сув, ҳаво, бинолар, машиналар, акс садо, камалак, кўзгудаги акс ва ш.к.)Дир. Моҳият эътибори билан бу ҳаётдан маҳрум бўлган бирламчи (табиий) ва иккиламчи (инсон яратган ёки ўзгартирган) табиатдир.

Ноумен – мушоҳада йўли билан англаш мумкин бўлган моҳият.

Образ – амалий фаолият ва билиш жараёнида шаклланган ҳиссий ёки оқилона тасаввур.

Объектнинг онтологик модели – бу борлиқ объектларини тавсифлаш ва тушунтиришнинг базис хусусиятига эга бўлган универсал схемаси.

Оккультизм – махсус руҳий машқлар, алоҳида маросимлар орқали айрим инсонларгина била оладиган коинотда сирли кучлар мавжудлигини эътироф этувчи таълимот.

Онг - инсон миясининг объектив борлиқни идеал образларда акс эттириш ва бу образлардан фикрлаш жараёнида фойдаланиш қобилияти сифатида амал қилади. Онг шак-шубҳасиз мавжуд, аммо у мавҳум бўлиб, балки билвосита – одамлар тили ва муайян фаолияти орқали намоён бўлади.

Онг структурасининг элементлари – билим, эмоциялар, ирода, тафаккур, эътибор, хотира.

Онтология - фалсафада фақат хvii асрдан бери ишлатилади, лекин у юнонча ўзақларга эга бўлиб (*ontos* – борлиқ, *logos* – сўз, таълимот), борлиқ ҳақидаги таълимот деган маънони англатади.

Онтология – фалсафий тафаккурнинг энг абстракт соҳаси. У ўта умумий билимни яратиш – борлиқни билишга қаратилган. Онтологик билим серқамров ва универсалдир. У амалда мавжуд бўлган ҳамма нарсага тааллуқли.

Оппозиция - қарши ҳаракат, муайян нарсага очикдан-очик ёки зимдан қаршилик кўрсатиш.

Панпсихизм – бутун оламни илоҳийлаштириш таълимоти.

Пантеизм – худони табиат билан тенглаштирувчи фалсафий таълимот.

Парадигма – мазкур даврда илмий ҳамжамият томонидан эътироф этилган муайян илмий тадқиқот йўналишини белгиловчи принциплар мажмуи.



п

Пассионар – ички энергияга эгалик ёки ўта ғайратлилик.

Перманент – доимий, узлуксиз.

Перцепция – идрок этиш.

Платон ёндашуви - борлиқнинг моҳияти хусусида алоҳида мушоҳада юритишга йўналтиради, бунда борлиқ ғояга, эришиб бўлмайдиган орзуга, амалга ошмайдиган, нореал жараёнга айланади.

Потенциал чексизлик - миқдор ва сифат ўзгаришларининг ниҳоясиз жараёнини қайд этади.

Прогноз қилиш – бу махсус илмий методлар ёрдамида келажак ҳақида билимлар олиш жараёни

Рационализм – ақлни билиш ва одамлар хулқ-атворининг негизи деб эътироф этадиган фалсафий йўналиш.

Редукционизм – мураккаб нарса ёки ҳодисани соддароқ нарса ёки ҳодисага боғлаш.

Релятивизм – бизнинг барча билимларимиз, қадриятларимиз ва хулосаларимизни нисбий, шартли деб ҳисоблайдиган фалсафий ёндашув.

Реляцион (лот. *Relativus* – нисбий) йўналиш - макон ва вақтни мустақил моҳиятлар сифатида эмас, балки реал дунё объектлари ва жараёнлари ўртасидаги алоҳида муносабатлар сифатида тушуниш билан боғланади.

Рефлексия – ўз фикрлари ва кечинмаларини таҳлил қилишга қаратилган мулоҳаза.

Ривожланиш - орқага қайтмаслик ва муайян йўналишга эгалик ҳам хос бўлган мазкур ҳаракат типи. «ривожланиш» тушунчаси нафақат моддий, балки идеал дунёга, хусусан, инсон тафаккурига нисбатан, масалан, умуман онгнинг ёки айрим фикр, ғоя, назариянинг ривожланиши тўғрисида сўз юритилган ҳолда, қўлланилиши мумкин.

Руҳий энергия - образларни пластик, космик субстанцияда акс эттирувчи куч, муҳаббат ва интилишдир. Руҳий энергия - нозик энергиянинг барча турлари орасида энг нозиги деб қаралади.

Сакрал – муқаддас.

Сенсуализм – ҳиссий билишнинг ролини оқилона билишнинг аҳамиятидан устунроқ қўювчи фалсафий йўналиш.

Символ – бирон-бир ғояни ифодаловчи белги, образ.

Синкретизм - қисмларга ажралмаганлик, бирон-бир ҳодисанинг норасо ҳолати билан белгиланадиган ҳар хил жинсли элементларнинг аралашуви.

Скептицизм – инсон билимининг ишончлилигига шубҳа билдирувчи ва барча ҳақиқатларни нисбий деб эълон қилувчи фалсафий концепция.

Соф борлиқ - бу ўз ҳолича, барча конкрет белгиларидан холи кўринишда олинган мавжудлик.

Статик концепция - объектив вақт жараёнлари мавжудлигини инкор этмаган ҳолда, вақтнинг ўтмиш, ҳозир ва келажакка бўлинишини рад этади.



п

Стереотип – кўпинча жамият томонидан фаол илгари суриладиган ва индивид танқидсиз қабул қиладиган борлиқнинг нисбатан барқарор ва соддалаштирилган образи.

Субстанция - (лот. Substantia – моҳият, асос) фалсафа тарихида ўзининг мавжудлиги учун ўзидан бошқа ҳеч нарсага муҳтож бўлмаган шундай биринчи асосни ифодалаш учун қўлланиладиган категория. Субстанция деганда барча нарсаларнинг муайян умумий бирламчи асоси тушунилади. Субстанция – ўз-ўзининг сабаби ва барча ўзгаришлар асоси, борлиқнинг энг фундаментал ва барқарор қатлами.

Субстанция – биринчи асос, барча нарсалар ва ҳодисаларнинг моҳияти.

Субстрат (лот. – тўшама, негиз) - борлиқнинг энг қуйи ва асосий қатлами сифатида тушунилади.

Сциентизм – маданият тизимида, жамият ҳаётида фан ролини мутлақлаштириш.

Табу – бирон-бир нарса, ҳаракат, сўзга нисбатан белгиланадиган диний тақиқ.

Танатология - (танатос - афсонавий ўлим худоси), фалсафада ўлим муаммоси сифатида намоён бўлади.

Тафаккур – индивид билиш фаолиятининг воқеликни умумий ва билвосита акс эттириш билан тавсифланувчи жараёни.

Теология – диний таълимотлар тизими.

Теоцентризм – дунёни тушуниш марказига худони қўювчи фалсафий ёндашув.

Техноген – техника билан боғлиқ, унинг таъсири билан белгиланган.

Технократик – техникани биринчи ўринга қўювчи.

Технооптимизм – турли муаммоларни ечишда фан-техника тараққиётининг ролини ошириб кўрсатувчи фалсафий ёндашув.

Технопессимизм – фан-техника тараққиётини жамият ва табиат таназзулининг манбаи ва омили деб эълон қилувчи фалсафий ёндашув.


Технотрон жамият – компьютер инқилоби босқичига кирган жамият.

Тирик табиат борлиғи - икки даражани ўз ичига олади. Биринчи даража жонли руҳсиз жисмлардан, яъни кўпайиш қобилятига эга бўлган, атроф муҳит билан моддалар ва энергия алмашинувини амалга оширадиган, лекин онгга эга бўлмаган барча нарсалар, яъни сайёрамиз ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсини ўз ичига олган бутун биосферадан иборат. Борлиқнинг биринчи шакли – табиат нафақат табиатни, балки иккинчи антропологик – инсон томонидан яратилган табиатни ҳам ўз ичига олади.

Топологик хоссалар - сифат кўрсаткичлари, макон ва вақтнинг узлуксизлиги, боғлиқлиги, вақт тартиби, йўналиши ва ўлчамлилиги киради.

Торсион майдонлар назарияси – ҳозирги замон фанининг энг сўнгги ютуқларидан бири ва шу билан бир вақтда эзотериканинг кўпгина ҳодисаларини тушунтириш учун сабабий асос.

Трансцендентал – ўта умумий.



п

Универсал космик голограмма концепцияси - ушбу концепция квант-механик ўзаро таъсирлар натижасида коинот энергоинформацион ўзаро таъсирларнинг вақтда ва маконда чексиз бўлган ягона, кўп даражали сабаб ва оқибатлар тармоғини ташкил этишини, бу тармоқда ҳамма нарсалар турли хил даражадаги фаоллик билан ўзаро таъсирга киришишини тан олади.

Универсум – ягона олам, яхлит дунё.

Ўз имкониятларини рўёбга чиқариш – ўзининг бетакрор моҳиятини фаолиятда намоён этувчи ва гавдалантирувчи ҳар бир индивид ахлоқий фаолиятининг мақсади.

Фаолият атрибутлари (хоссалари) фаолиятни мотивлаштириш ва амалга ошириш механизмларини тавсифлайди. Фаолият атрибутлари орасида аввало субъектлик ва моддийлик қайд этилади.

Фауна – барча турдаги ҳайвонлар мажмуи.

Феномен – инсонга ҳиссий билиш тажрибасида берилган ҳодиса.

Феноменология – бевосита кузатиш мумкин бўлган идеал моҳиятлар сифатидаги феноменлар ҳақидаги фалсафий таълимот.

Физик ҳаракат – электромагнетизм, гравитация, иссиқлик, ёруғлик, овоз, моддалар агрегат ҳолатининг ўзгаришини, физика ўрганувчи иссиқлик, ёруғлик, электр кучини қамраб олади.

Физика - «бутун мавжудлик»ни (борлиқнинг бизга маълум бўлган шакллари доирасида) қамраб олади ва ўзи аниқлаган қонунларни бутун дунёга татбиқ этади.

Физика доирасида аниқланувчи умумий хоссалар – бу физик хоссалардир.

Флора – ўсимликлар дунёси.

Флуктуация – ўзгариш, белгиланган параметрлардан тасодифий оғиш.

Фундаментал глобаллашув дунё миқёсидаги алоқалар, тузилмалар ва муносабатлар юзага келиши билан боғлиқ. Бу жараёнлар натижасида дунё ўзининг деярли барча жиҳатларида яхлит бир бутун организм сифатида узил-кесил шаклланди. Фундаментал деб номланувчи бундай глобаллашувнинг илк аломатлари XIX асрнинг иккинчи ярмида пайдо бўлди, XX аср ўрталарига келиб эса у тўла даражада борлиққа айланди.

Футурология – келажак ҳақидаги фан.

Ҳақиқий борлиқ - (платон таълимотида), «объектив мавжуд ғоялар дунёси»ни «ҳиссий борлиқ»қа қарама-қарши қўйди. Бунда у инсон онгида мустақил мавжуд бўлган тушунчалар борлигини ҳам кўрсатиб ўтди ва шу тариқа илк бор «борлиқ» тушунчасига амалда мавжуд бўлган барча нарсаларни киритди.

Ҳаракатлантирувчи сабаб - «ҳамма нарсалар ҳаммиша бирон нарсанинг фаолияти (таъсири) туфайли бирон – бир ўзгариш содир бўлади». «ҳаракатчини ҳаракатлантирувчи бўлиши керак». Бу ҳаракат ўз – ўзидан (тасодифий) содир бўлмаслигини билдиради. Масалан, моҳият аристотел айтганидай, нофаолдир. Шакл эса фаолдир, айти замонда у моҳиятдир. «моҳият ва шакл - бу фаолият». Лекин бу фаолият ҳам ўз олий моҳиятига, ўз



п олий шаклига, биринчи ҳаракатлантирувчисига эга. Аристотелнинг бу қараши 4 ва 2 сабабга келтирилиши мумкин: 1 – сабаб материя; 2 – шакл – мақсад – ҳаракат сабаб – худо – шакллантирувчи – ҳаракатлантирувчи ва мақсад сабаб, яъни иккинчиси 3 тасининг бирлигидан иборат. Аристотелда бу худодир. Шунинг учун ҳам унинг «биринчи фалсафа» си теологиядир.

Хотира – бу индивид миясида унинг ўтмишдаги тажрибасини мустаҳкамлаш, сақлаш ва гавдалантиришдан иборат бўлган руҳий жараён.

Хусусий муаммолар давлат фаолиятининг муайян жабҳасига, айрим аҳоли яшайдиган пунктларга ёки кичик табиий объектларга тегишли бўлган муаммолардир

Чеклилик – нарсалар, жараён ва ҳодисаларнинг муайянлилигини ва объектнинг мавжудлик чегарасини қайд этувчи тавсифни ифодалаш учун мўлжалланган фалсафий категория.

Чексизлик – амалдаги қонунларга бўйсунмайдиган, уларни аксиома тарзида қўллаб бўлмайдиган, қисм бутунга тенг бўлиб қолувчи борлиқдир.

Шакл сабаб - аристотел онтологиясида материядан фаол ҳисобланади. Материя нарсаларнинг мазмунини ташкил этган туб асос (биринчи материя) ҳисобланиб, уни аристотел «hyle» курилишида ишлатиладиган «ёғоч» деган юнонча сўз билан ифодалаган. Бу биринчи материя ҳеч қандай сифатга, ранг, тус ва бошқа конкрет хусусиятларга эга бўлмаган асос («хомашё»), яъни субстрат бўлиб, айти шу асосга шакл (прообраз, ғоя, парадигма, суръат) нинг таъсири туфайли ўз сифатига эга бўлган моддий нарсалар – сув, олов, ҳаво ва ҳ.к. Вужудга келади.

Шахс – инсоннинг уни қуршаган бошқа одамлар томонидан қандай идрок этилиши, тавсифланиши ва баҳоланишини акс эттирувчи ижтимоий ҳодиса.

Эволюцион эпистемология – билишни жонли табиат эволюциясининг моменти ва унинг маҳсули сифатида ўрганувчи фан.

Эвристик – ижодий, номаълум нарсалар ва ҳодисаларни билишда сакрашни амалга оширувчи.

Эгалитаризм – умумий тенгликни тарғиб қилувчи ғоявий-сиёсий оқим.

Экзистенциализм – диққат марказида ҳаётнинг маъноси, инсон эркинлиги ва масъулияти муаммолари турувчи фалсафий йўналиш.

Экологик муаммо – жонли организмларнинг атроф муҳит билан мувозанатининг бузилиши.

Экологик танглик – экологик муаммонинг кескинлашуви, бунда унинг оқибатлари орқага қайтариб бўлмайдиган хусусият касб этади.

Экология – жонли мавжудотларнинг ўзини қуршаган муҳит билан ўзаро муносабатлари ҳақидаги фан.

Экология атамаси - этимологик жиҳатдан юнонча oikos – уй, бошпана ва logos – таълимот сўзларидан келиб чиққан бўлиб, кенг маънода яшаш муҳитига эга бўлган жонли организм (ёки жонли организмлар, мавжудотлар) ташкил этган ҳар қандай ташкилот, системани англатади.



п

Экопессимизм - асосий эътибор инсон фаолиятининг салбий оқибатлари ва атроф муҳит муаммоларига қаратилган, уларни ечиш имкониятлари салбий тусда кўрилган ҳол.

Экспертиза усулида баҳолаш- бу илмий методнинг моҳияти экспертлар (фан ва техниканинг турли соҳасидаги етакчи мутахассислар) томонидан муаммони таҳлил қилиш ва сўнгра натижаларни формаллаштирилган асосда қайта ишлашдан иборат

Экспликация – у ёки бу предмет (ёки маданият объекти)нинг моҳиятини аниқлаш, унинг мазмунини кенг тавсифлаш.

Экстенсив чексизлик - ичдан эмас, балки сиртдан чексизликдир. У мазкур объект доирасидан ташқарида, «катта» дунёда кузатилади ва объектдан ташқаридаги чексизликни ифодалайди.

Экстравертив – сиртга қаратилган.

Экстраполяция методлари - қонуниятлари ўтмишда ва ҳозирги даврда яхши маълум бўлган тенденцияларни келажакка татбиқ этишга асосланади.

Эмпиризм – ҳиссий идрок этиш ва тажрибани билишнинг асосий манбаи деб ҳисоблайдиган фалсафий таълимот.

Эмпирик – тажрибада кўрилган.

Энергия - моддий жисмларнинг ўз ҳолатини ўзгартириш орқали муайян вазифани бажариш қобилиятидир. Энергия йўқ қилиб бўлмайдиган, ранг-баранг ўзгаришларга қодир субстанция сифатида, материя атрибути сифатида талқин қилинади.

Эпистемология – билиш ҳақидаги фалсафий таълимот.

Этимология – у ёки бу сўз ёки иборанинг келиб чиқиши.

Этногенез – халқлар ёки миллатларнинг келиб чиқиши.

Эътибор – бу инсон руҳий фаолиятининг муайян объектларга қараб мўлжал олишда намоён бўлувчи шакли.



Адабиётлар:

Раҳбарий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдиди, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.-Т.: Ўзбекистон, 1997.
2. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ //Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт-пироварт мақсадимиз.-Т.: 1999. 7-жилд
3. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ //Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт-пироварт мақсадимиз.-Т.: 1999. 7-жилд 133-135 бетлар
4. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол тараққиёт йўли // Ўзбекистон миллий истиқлол, иқтисодиёт, сиёсат, мафкура -Т.: 1999.82-83 бетлар
5. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. -Т.: Ўзбекистон, 2009.
6. Каримов И.А. Ватанисизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш - бизнинг олий мақсадимиз. Т.17. –Т.: Ўзбекистон, 2009.
7. Каримов И.А. Ҳамкорлик, тараққиёт ва хавфсизликни таъминлаш йўлидан // Халқ сўзи. – 2010 йил 22 сентябр.
8. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 12 ноябрь. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010.
9. Каримов И.А. БМТ Саммитининг мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқ.-Т.: Ўзбекистон, 2010
10. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол тараққиёт йўли // Ўзбекистон миллий истиқлол, иқтисодиёт, сиёсат, мафкура Т.: 1999-жилд



п

11. Каримов И.А. Бу муқаддас ватанда азиздир инсон.-Т.: Ўзбекистон, 2011
12. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида.-Т.: Ўзбекистон, 2011

Монография, дарслик ва ўқув қўлланмалар

13. Шермухамедов С. Инсон фалсафаси.-Т.: Фан, 2009
14. Чориев А. Инсон фалсафаси.-Т.: ЎФМЖ, 2006.
15. Курбанова Л. Инсон борлиғи. Андижон, АндУ, 2009.
16. Фалсафа асослари. Назаров Қ. таҳрири остида. –Т.: Шарқ, 2005
17. Фалсафа. Мамашокиров С. таҳрири остида –Т.: Шарқ, 2005
18. Фалсафа асослари. Ахмедова М. таҳрири остида. –Т.: ЎФМЖ, 2005
19. Фалсафа қомусий луғат. Назаров Қ. таҳрири остида. –Т.: Шарқ, 2005
20. Тихонова С.В. Человек в пространственных структурах глобального социума : дисс ... канд. философских наук: 09.00.11. Саратов, 2003.
21. Слюсаж Б. Современный человек и процесс трансляции культуры в транзитивном обществе : дисс. Докт. Философ. наук.-М.: 2004.
22. Марченко Е.А. Судьба человека: философско-антропологический подход : дисс.. канд.. философ. наук : 09.00.13. Ставрополь, 2004.
23. Алексеев П.В., Панин А.В. Философия: Учебник для вузов. 3-е изд. -М.: 2006.
24. Бейли Алиса. От интеллекта к интуиции. -М.: 2002.
25. Бескова И.А. Эволюция и сознание: новый взгляд. -М.: 2002.
26. Гайденко П.П. Прорыв к трансцендентному. Новая онтология XX века. - М.: 1997.
27. Саифназаров И., Касимов Б., Мухтаров А. Философия курс лекций. -Т.: Шарқ, 2002.
28. Сифназаров И., Касимов Б., Мухтаров А. Философия курс лекций. -Т.: Шарқ, 2002.
29. Найдыш В.Д. Современные концепции естествознания. М.2001
30. Хайдеггер М. Бытие и время: пер. с нем. 2-е изд., испр. -СПб., 2002.
31. Туленов Ж. Диалектика назарияси. –Т.: Шарқ, 2001
32. Микешина Л.А., Опенков М.Ю. Новые образы познания и реальности. - М.: 1997.
33. Мамашокиров С. Усмонов Э. Барқарор тараққиётнинг экологик хавфсизлик масалалари.-Т.: Маънавият, 2008. -250 б
34. Канке В.А. Современная философия. Издательство: Омега-Л, 2010. С. 329
35. Хаврак А.П. Философия. 3-е изд., перераб. и доп. Издательство: Дашков и К., 2009.
36. Философский энциклопедический словарь. Под ред. Лутченко В.А., Кораблевой Г.В., Губского Е.Ф. М.: Инфра-М, 2009.
37. Миронов В.В. Философия. М.: Проспект Велби, 2009.
38. Философия в вопросах и ответах. Уч.пос. П/р Алексеева А.П., Яковлевой Л.Е. М.: Проспект, 2009.



п

39. Лавриненко В.Н., Ратников В.П., Юдин В.В., Иконникова Г.И. Философия. М.: Юрайт, 2009. 561 с.
40. История философии М.1997
41. Независимость. Научный толковый, популярный словарь «Шарк» 1999
42. Новая философская энциклопедия: в 4 т. -М.: 2000–2001.
43. Самоорганизация и наука: опыт философского осмысления. -М.: 1994.
44. Спиркин А.Г. Философия. -М.: 2001.
45. Хуков В.А., Хан Г.Н. Оправдание случайности. -М.: 1990.
46. Слотердаик П. Критика цинического разума. Пер. с нем. Перцева А.В. Серия: «Philosophy» Екатеринбург – М. У-Фактория, АСТ 2009г. 800 с.
47. Современная западная философия. Энциклопедический словарь М. Культурная революция 2009г.
48. Серл Дж.Р. Философия языка. Серия: Изд.2 Едиториал УРСС 2010г. 208с.
49. Ле Дантек Ф. Познание и сознание: Философия XX века. М. Либроком 2010г. 240 с
50. Харитонов В.А. Философия как наука, формирующая мировоззрение человека. М. КРАСАНД 2010г. 96 с.
51. Глузман С.А. Наука и философия : Жизнь в искривленном пространстве. СПб Алетейя 2010г. 296с.
52. Аббаньяно Н. Философия, религия, наука / Пер. с ит., ком. А.Л. Зорина. - Краснодар, 2010. 332 с.
53. Саифназаров И., Касимов Б., Мухтаров А. Философия курс лекций. -Т.: Шарк, 2002.
54. Фалсафа. Мамашокиров С. тахрири остида. -Т.: Ўкитувчи, 2005.
55. Алексеев П.В., Панин А.В. Философия: Учебник для вузов. 3-е изд. -М.: 2006.
56. Бейли А. От интеллекта к интуиции. -М.: 2002.
57. Бескова И.А. Эволюция и сознание: новый взгляд. -М.: 2002.
58. Гайденко П.П. Прорыв к трансцендентному. Новая онтология XX века. - М.: 1997.
59. Губин В.Д. Онтология. Проблема бытия в современной европейской философии. -М.: 1998.
60. Дубровский Д.И. Проблема идеального: Субъективная реальность. -М.: 2002.
61. Хайдеггер М. Бытие и время: пер. с нем. 2-е изд., испр. -СПб., 2002.
62. Ромоненко Ю.М. Бытие и естество. -М.: АЛЕТЕЙЯ, 2003.
63. Гуннер Скирбек, Нильс, Гилье. Фалсафа тарихи. Ўқув қўлланма. русчадан таржима Т. 2002.
64. Туленов Ж. Диалектика назарияси. –Т.: Шарк, 2001
65. Алексеев П.В., Панин А.В. Философия: Учебник. -М.: 1997.
66. Самоорганизация и наука: опыт философского осмысления. -М.: 1994.
67. Спиркин А.Г. Философия. -М.: 2001.
68. Тажуризина З.А. Философия Николая Кузанского. М. `Книжный дом `` ЛИБРОКОМ`` 2010г. 152 с
69. Захаров В. Д. От философии физики к идее Бога. М. УРСС 2010г. 240 с.



п

70. Бальбуров Э.А. Русская философская проза: Вопросы поэтики. М. Языки славянской культуры 2010г. 216 с.
71. Герасимова И.А. Введение в теорию и практику аргументации. Серия: Новая университетская библиотека Университетская книга 2010г. 312с.
72. Серл Дж.Р. Философия языка. Серия: Изд.2 Едиториал УРСС 2010г. 208с.
73. Ле Дантек Ф. Познание и сознание: Философия XX века. М. Либроком 2010г. 240 с
74. Харитонов В.А. Философия как наука, формирующая мировоззрение человека. М. КРАСАНД 2010г. 96 с.
75. Глузман С.А. Наука и философия : Жизнь в искривленном пространстве. СПб Алетейя 2010г. 296с.
76. Аббаньяно Н. Философия, религия, наука / Пер. с ит., ком. А.Л. Зорина. - Краснодар, 2010. 332 с.
77. Тураев Б. Пространство и время- Т-: 1993
78. Тураев Б. Борлиқ фалсафаси .-Т.: 2011
79. Микешина Л.А., Опенков М.Ю. Новые образы познания и реальности. - М.: 1997.
80. Канке В.А. Современная философия. Издательство: Омега-Л, 2010. С. 329
81. Хаврак А.П. Философия. 3-е изд., перераб. и доп. Издательство: Дашков и К., 2009. С. 376
82. Философский энциклопедический словарь. Под ред. Лутченко В.А., Кораблевой Г.В., Губского Е.Ф. М.: Инфра-М, 2009. 570 с.
83. Миронов В.В. Философия. М.: Проспект Велби, 2009. 240 с.
84. Философия в вопросах и ответах. Уч.пос. П/р Алексеева А.П., Яковлевой Л.Е. М.: Проспект, 2009.
85. Лавриненко В.Н., Ратников В.П., Юдин В.В., Иконникова Г.И. Философия. М.: Юрайт, 2009. 561 с.
86. История философии М.1997
87. Новая философская энциклопедия: в 4 т. -М.: 2000–2001.
88. Самоорганизация и наука: опыт философского осмысления. -М.: 1994.
89. Спиркин А.Г. Философия. -М.: 2001.
90. Хуков В.А., Хан Г.Н. Оправдание случайности. -М.: 1990.
91. Микешина Л.А. Философия познания: диалог и синтез подходов // Вопросы философии. 2001. №4.
92. Микешина Л.А. Философия познания: Полемические главы. М., 2002.
93. Рузавин Г.И. Эволюционная эпистемология и самоорганизация // Вопросы философии. 1999. №11.
94. Делез Жиль, Гваттари Феликс. Что такое философия ? серия: Философские технологии. Классика. М. Академический проект 2009г. 261с.
95. Пивоев В.М. Философия культуры. серия: GAUDEAMUS (учебники и учебные пособия для ВУЗов М. Академический проект 2009г. 426с.
96. Лосев А.Ф. Философия имени. серия: Философские технологии. Классика. М. Академический проект 2009г. 300с.



- п
97. Степанянц М.Т. Индийская философия. серия: Концепции М. Академический проект 2009г. 950с.
 98. Теодор В. Адорно Философия новой музыки. `Репринтное воспроизведение издания 2001г. Изд-ва `Логос`, М` М 2009г. 352с.
 99. Жиль Делез. Ницше и философия. `Репринтное воспроизведение издания 2003г. Изд-ва `Ад Маргинем`, М` М 2009г. 392с.
 100. Браэм Г. Психология цвета. Серия: Философия М АСТ, Астрель 2009г. 160с.
 101. Слотердаик П. Критика цинического разума. Пер. с нем. Перцева А.В. Серия: «Philosophy» Екатеринбург – М. У-Фактория, АСТ 2009г. 800 с.
 102. Современная западная философия. Энциклопедический словарь М. Культурная революция 2009г.
 103. Шермухамедова Н.А. Философские основы формирования экологического мышления //Вестник экологии 2003 №2 –С.3-5.
 104. Хошимова Э. Табиат ва жамиятнинг экологик қонунлари: назария ва амалиёти. –Тошкент.: Фалсафа ва ҳуқуқ, 2007.
 105. Гирусов Э.В. Основы социальной экологии. -М.: 1998.
 106. Глобалистика: Энциклопедия / гл. ред. И.И.Мазур, А.Н.Чумаков. М., 2003.
 107. Кочергин А.Н. Экология и техносфера. -М.: 1995.
 108. Лось В.А., Урсул А.Д. Устойчивое развитие. -М.: 2000.
 109. Пырин А.Г. Природная среда (социально-философский анализ). -М.: 2004.
 110. Современные глобальные изменения природной среды: в 2 т. / Отв. ред. Н.С.Касимов. М., 2006.
 111. Философия природы: коэволюционная стратегия. -М.: 1995.
 112. Философия экологического образования. -М.: 2001.
 113. Экологический энциклопедический словарь. -М.: 2000.
 114. Иванов И.А. Эволюция понятия "природа" в контексте европейской рациональности : автореферат дис. ... кандидата философских наук : 09.00.01 / С.-Петербург. гос. ун-т. Санкт-Петербург, 2006.
 115. Семенов Е.А. Антропный принцип и проблема целесообразности в космогонии: дисс... канд. Философ. наук : 09.00.01. Санкт-Петербург, 1994.

Интернет ресурсы

www.philosophy.ru
www.philosophy.pp.net.ua
www.ihtik.lib.ru
www.mgimo.ru
www.filosofia.ru
www.epistemelinks.com



МУНДАРИЖА

Кириш

5

1 БЎЛИМ. БОРЛИҚНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАХЛИЛИ.

1. Борлиқ - фалсафа категорияси	9
2. Субстанция ва материя муаммоси	74
3. Оламнинг чеклилиги ва чексизлиги	114
4. Макон ва вақт	129
5. Ҳаракат - борлиқнинг яшаш шарти	148
6. Ҳаракат шакллари	171
7. Табиат фалсафаси	190
8. Биосфера ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари	206
9. Ноосфера - борлиқ шакли	231
10. Энергия борлиқ ходисаси	252
11. Вақт ва маконда инъикос, энергия ва ахборотнинг ўзаро таъсири	268
	287

2 БЎЛИМ. ИНСОН БОРЛИҒИ

310

12. Жон инсон мавжудлигининг асоси	
13. Инсон борлигининг ўзига хос хусусиятлари	
14. Инсон борлиғида ўзликни англашнинг намоён бўлиши	

601



3 БЎЛИМ. РИВОЖЛАНИШ ФАЛСАФАСИ

15.Ўзаро алоқадорлик ва ривожланиш хақидаги таълимот	335
16.Диалектиканинг асосий тушунчалари	357
17.Борлиқнинг барқарорлиги ва ўзгарувчанлиги муаммоси.	380
18.Ижтимоий маданий жараёнларда барқарорлик ва беқарорлик диалектикаси	408
19.Ривожланишнинг умумий қонунлари	433
20.Категорияларнинг таснифи	464
21.Фалсафа категориялари	493
22.Фалсафий атамалар (глоссарий)	551